

ШАЙХ  
МУҲАММАД СОДИҚ  
МУҲАММАД ЮСУФ

Шафсири  
Ҳилол

*ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН*

*ИККИНЧИ НАШР*

**5 жуз**

*Аллоҳ таолонинг каломи тафсири ҳақидаги ушбу камтарона уринишни қиблагоҳим Муҳаммад Юсуф ҳожи ва онажоним Собира хоним Тилакберди қизи раҳматуллоҳи алайҳимоларга бағишлайман. Ҳаққ таолодан у зотларни мағфират айлаб, жойларини жаннатдан қилишини тилаб дуолар қиламан. Муҳтарам ўқувчилардан отамиз ва онамиз ҳақларига дуолар умидигаман.*

*Муаллиф.*

### **Ш и о р и м и з:**

Аҳди сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.



## САБАЪ СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 54 оятдан иборат.*

Бу сураи каримада Сабаъ (Яман) подшоҳлари қиссаси келгани учун ушбу ном билан аталган.

Бошқа маккий суралар каби, бунда ҳам асосан ақийда, иймон-этиқод масаласи муолажа қилинади. Хусусан, Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти, ваҳийси, иймон ва ўлгандан кейин тирилишлар ҳақ эканига ишонч масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Сура Аллоҳ таолога ҳамду сано ва мақтовлар ҳамда Унинг баркамол сифатларининг тавсифи билан бошланади. Сўнгра мушрикларнинг охиратни, ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор этишлари зикр этилиб, уларнинг шак ва шубҳаларига яраша жавоб қайтарилади.

Кейин эса, Довуд Пайғамбар алайҳиссаломнинг ва у кишининг ўғиллари Сулаймон алайҳиссаломнинг қиссалари келади. Аллоҳ таолонинг неъматларига улар қандай шукр келтирганликлари ва оқибатда Аллоҳнинг марҳаматига эришганликлари баён қилинади.

Бунга муқобил сабаъликларнинг Аллоҳ таоло берган неъматларга шукр қилмасдан, манманликка берилганлари оқибатида қандай кунларга дучор бўлганлари айтилади.

Шунингдек, сурада мушрикларнинг Аллоҳ таолога ширк келтиришлари айтилиб, бу улкан зулмларининг моҳияти ҳужжат ва далиллар билан фош этилади.

Кейин ваҳий ва пайғамбарлик мавзуига ўтилади. Одамларнинг бу икки муҳим масалага муносабатлари муолажа қилинади. Кофир ва мушрикларнинг шак-шубҳаларига қарши ҳужжат ва далиллар келтирилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَلَهُ الْحَمْدُ فِي الْآخِرَةِ وَهُوَ الْحَكِيمُ الْخَبِيرُ

**1. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Уники бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Охиратдаги ҳамд ҳам Уникидир. Ва У ўта ҳикматли, ўта хабардор зотдир.**

Осмондаги барча нарсалар Унинг мулки бўлгани учун ҳам Аллоҳ таолога ҳамду сано бўлсин.

Ердаги барча нарсалар Уники бўлгани учун ҳам Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Ана шу мутлақ моликлигининг ўзи Уни ҳамду саного мустаҳиқ қилади. Фақат бу дунёдаги эмас,

**«Охиратдаги ҳамд ҳам Уникидир».**

Аллоҳ таоло Ўзининг баркамол сифати ила икки дунёнинг барча ҳамду саноларига мустаҳиқдир.

**«Ва У ўта ҳикматли, ўта хабардор зотдир.»**

Аллоҳ таоло ҳар бир ишни ўта ҳикмат билан қилади. Оламлардаги барча сир-асрордан ўта хабардордир.

Ана ўша ҳикмати ва хабардорлиги ила:

يَعْلَمُ مَا يَلْجُ فِي الْأَرْضِ وَمَا يَخْرُجُ مِنْهَا وَمَا يَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا يَعْرُجُ فِيهَا وَهُوَ الرَّحِيمُ الْغَفُورُ

**2. У, ерга нима кирса ва ундан нима чиқса, биладир, осмондан нима тушса ва унга нима чиқса, биладир. Ва У ўта раҳимли ва ўта мағфиратли зотдир.**

Бу қисқа иборалар жуда кенг ва чуқур маъноларга эга. Улар Аллоҳ таолонинг нақадар улуғ зот эканини, Унинг илми ва хабардорлиги қанчалик чексизлигини билдиради.

Инсон яратилганидан бери ўтган давр мобайнида имкони борича бир-бирига ёрдам ва таълим бериб, бир дунё илмий маълумотларни мерос қолдирган. Аммо ҳалигача ернинг моҳиятини тўла ўрганиб бўлгани йўқ. Ҳар куни у ер-бу ердан янги нарсалар топилгани ҳақида хабарлар тарқалиб туради.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эса, доимий равишда:

**«...ерга нима кирса ва ундан нима чиқса биладир».**

Аллоҳ таоло ерга кираётган нарсаларни — ўлган инсоннинг та-насимиди, ўсимлик уруғи ёки кўзга кўринмас зарраами — ҳаммасини билади. Аллоҳ таоло ердан чиқаётган шиддатли вулқонлар, ҳар хил кону маъданлар, турли ўсимликлар ёки кўзга кўринмас зарраларни ҳам — ҳамма-ҳаммасини билади.

Шунингдек, Аллоҳ таоло:

**«...осмондан нима тушса ва унга нима чиқса, биладир».**

Инсоният яратилганидан буён қанча вақт ўтган бўлса, шундан бери имкони қадар уриниб, бир-бирига ёрдам ва таълим бериб, илмий маълумотларни мерос қолдириб ҳам инсон ҳали-ҳануз ўзига энг яқин бўлган осмоннинг моҳиятини тушуниб етгани йўқ. Ҳар куни у ер-бу ердан осмондаги янгиликлар топилгани ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Аллоҳ таоло эса, осмондан нима тушса, доимий равишда билади. Сайёра ёки юлдузми, қору ёмғирми, фаришта ё жин ёки кўзга кўринмас зарраларми — ҳамма-ҳаммасини яхши билади. Осмонга чиқаётган нарсалар ҳам Аллоҳнинг назаридан четда қолмайди.

**«У ўта раҳимли ва ўта мағфиратли зотдир.»**

Бандаларининг хатою нуқсонларини яхши билса ҳам, раҳим қилади. Уларни жазолашга шошилмайди.

Бандалар тавба қилса, тавбаларини қабул этиб, гуноҳларини кечиради.

Аммо куфр келтирган бандалар бунини тўғри тушунмайдилар, такаббуруна кайфиятда турли шак-шубҳалар қўзғатадилар. Жумладан:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَا تَأْتِينَا السَّاعَةُ قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّي لَتَأْتِيَنَّكُمْ عِلْمُ الْغَيْبِ لَا يَعْزُبُ عَنْهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَلَا أَصْغَرُ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرُ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿٦٠﴾

**3. Куфр келтирганлар: «Бизга соат (қиёмат) келмас», дедилар. Сен: «Йўқ! Ғойибни билгувчи Роббим ила қасамки, у сизларга албатта келур. У зотдан осмонлару ердаги зарра вазнича, ундан кичик нарса ҳам, катта нарса ҳам ғойиб бўлмас. Илло, ҳаммаси очиқ китобдадир», деб айт.**

Ҳамма замон ва маконларнинг кофирлари, қани энди, қиёмат соати келмаса эди, деб орзу қилади. Лекин улар орзуларини шак-шубҳа шаклида юзага чиқарадилар. Чунки, улар қиёматда ўзларига ҳеч бир яхшилик бўлмаслигини яхши билмадилар. Шу боис, уни

инкор қилишга ўтдилар. Улар қиёматни рад этарканлар, ҳеч бир илмий асос ёки ҳужжат ва далил келтира олмайдилар.

Қиёмат қўпишининг заруратини тафаккур ила ҳам англаса бўлади. Чунки, биз яшаётган дунё вақтинчалик, бир куни келиб тугайдиган нарсалар мажмуасидан иборатдир. Бақосиз нарсалар мажмуасининг вақти келиб тугаш пайти эса, қиёмат кунидир.

Адолат юзасидан ўйлаб кўрилганда ҳам, қиёмат қоим бўлиши айни заруратдир. Бу дунёда турли-туман одамлар—кофир ва мўмин ҳам, мушрик ва муваҳҳид ҳам, осий ва тақводор ҳам, мунофиқ ва мухлис ҳам, золим ва мазлум ҳам яшайди. Ҳеч бири бу дунёда қилмишига яраша тўлиқ мукофот ёки жазони олмаган, олмаяпти ва олмайди ҳам. Бу дунё қонуни ўзи шундай тузилган. Хўш, ҳар ким амалига яраша аниқ мукофот ёки жазо олмаслиги адолатданми? Осий осийлигини қилса-ю, жазосини тортмай, ўлиб, тупроққа қўшилиб, қутулиб кетаверса! Тақводор умр бўйи тақво қилса-ю, ҳеч бир мукофот олмай, тупроққа қорилиб кетаверса! Демак, адолат юзасидан ҳам қиёмат қоим бўлиши керак! Унда ҳар бир инсон ўзининг заррача миқдор гуноҳи ёки савобига яраша жазо ёки мукофотини олиши керак.

Охиратни рад этадиган одамлар ҳолига назар солиб, уларни эътибор билан ўргансангиз, ҳар доим энг ёмон одамлар бўлиб чиқадилар. Қилар ишини қилиб қўйган, золим, бадхулқ, фосиқ-фожира ва ҳаромхўр кишилар бўладилар. Улар шаҳватларига, ҳавойи нафслари ва нодонликларига қул бўлиб қолган ҳамда шу қулликдан чиқа олмайдиган кимсалардир. Уларга қулликдан озод бўлишдан кўра, охиратни инкор қилиш осонроқ.

Мана, ўшалардан бир гуруҳи келиб, гап бошлади.

**«Куфр келтирганлар: «Бизга соат (қиёмат) келмас», дедилар.»**

Ҳар доимгидек, улар ҳам ўзларига ўхшаш кофирларнинг маълум ва машҳур дийдиёларини такрорладилар. Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, қуйидагиларни айтишни буюрди:

**«Сен: «Йўқ!» деб айт».**

Йўқ, эй, куфр келтирганлар, сизларнинг:

**«Бизга соат (қиёмат) келмас»,** деган гапларингиз ёлғон, асоссиз, беҳуда гап!

**«Ғойибни билгувчи Роббим ила қасамки, у сизларга албатта келур.»**

Барча ғойибни, шу жумладан, мутлақ ғойиб — қиёмат соатини ҳам билгувчи Роббим ила қасам ичиб айтаманки, қиёмат сизларга албатта келади. Келиши аниқ. Аллоҳ таоло ғойибни мутлақ биладики:

**«У зотдан осмонлару ердаги зарра вазнича, ундан кичик нарса ҳам, катта нарса ҳам ғойиб бўлмас».**

Осмонлар шу қадар бепоён ва чексиз бўлса-да, ундаги ҳеч бир нарса Аллоҳ учун ғойиб бўлмайди. Ҳатто кўзга кўринмас заррадан-да кичик нарсани ҳам Аллоҳ билиб туради. Йирик нарсаларнинг ғойиб бўла олмаслиги эса, аниқ.

**«Илло, ҳаммаси очиқ китобдадир», деб айт.»**

Ҳамма нарса «Лавҳул маҳфуз» деб номланган очиқ китобда битилгандир. Жумладан, қиёмат ҳам. Эй, кофирлар, сизга кўринмаётган қиёматни инкор қилманг. Сиз кўрмаган ва билмаган нарса аслида ҳам йўқ дегани эмас. Дунёда сиз билгандан билмаган нарса кўп. Демак, қиёматнинг қачон келиши ноаниқлиги унинг йўқлигига далил эмас. Унинг қачон бўлишини Аллоҳ таолонинг ўзи билади. Ҳа, қиёмат албатта қоим бўлади.

لِيَجْزِيَ الَّذِينَ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ هُم مَّغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٦٠﴾

**4. Иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларни мукофотлаш учун. Ана ўшаларга, мағфират ва гўзал ризқ бордир.**

Қиёмат қоим бўлиши заруратдир. Бу дунёда иймон келтириб, ўша эътиқод тақозоси ила жонининг роҳатидан кечиб, куч-қувват, зеҳн-заковат ва пул-мол сарфлаб яхши амалларни қилганлар бор. Улар бу дунёнинг ўзида яхши ишлари учун мукофотларини тўла олмасликлари мумкин. Шунинг учун ҳам:

**«Иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларни мукофотлаш учун»** қиёмат қоим бўлиши заруратдир.

Қиёмат қоим бўлганда:

**«Ана ўшаларга, мағфират ва гўзал ризқ бордир».**

Иймон келтирган ва яхши амал қилган кишиларнинг гуноҳлари кечирилади ва жаннатга киритиладилар.

وَالَّذِينَ سَعَوْا فِي آيَاتِنَا مُعْجِزِينَ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مِّن رَّجْزٍ أَلِيمٌ ﴿٦١﴾

**5. Бизнинг оятларимизни ожиз қолдиргувчи бўлиш учун ҳаракат қилганларга эса, ана ўшаларга, аламли жазодан иборат азоб бордир.**

Яъни, оятларимизнинг одамларга таъсирсиз қолиши учун куч-ғайрат сарфлаганлар ва Ислом динидан одамларни тўсганларга жуда қаттиқ азоб берилади. Қиёмат қоим бўлиши заруратининг сабабларидан яна бири шу. Акс ҳолда, бу дунёда кофир бўлиб,

одамларни Аллоҳнинг оятларидан, Унинг динидан тўсиб ўтганлар жазоларини олмай қутулиб кетаверар эдилар. Шу адолатданми?! Асло!

Қиёмат қоим бўлиши ҳақидаги турлича гаплар одамларнинг у ҳақдаги хабарга муносабатларидан келиб чиққан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотга келган ваҳийга ишонганлар қиёматга ҳам ишонадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва ваҳийга ишонмаганлар эса, қиёмат соати келишига ҳам ишонмайдилар.

وَيَرَى الَّذِينَ أَوْتُوا الْعِلْمَ الَّذِي أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ هُوَ الْحَقُّ وَيَهْدِي إِلَى صِرَاطِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ ﴿٦﴾

**6. Илм берилганлар сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани айти ҳақ деб ва азиз ва мақталган Зотнинг йўлига ҳидоят қилади, деб билурлар.**

Эй Пайғамбар, барча ҳақиқий илм соҳиблари сенга Роббингдан нозил қилинган Қуръон Аллоҳ таолонинг — ҳамманинг устидан ғолиб ва ҳамма томондан мақталган Зотнинг йўлига ҳидоят қилади, деб биладилар.

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا هَلْ نَدُكُمُ عَلَىٰ رَجُلٍ يَبْسُكُمُ إِذَا مَرَّ قَوْمٌ كُلٌّ مُمْزَقٍ إِنَّكُمْ لَفِي خَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿٧﴾ أَفَتَرَىٰ عَلَىٰ اللَّهِ كَذِبًا أَمْ بِهِ جِنَّةٌ بَلِ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ فِي الْعَذَابِ وَالضَّلَالِ الْبَعِيدِ ﴿٨﴾

**7. Куфр келтирганлар эса: «Сизларга бутунлай титилиб битган чоғингизда албатта, янгитдан яратилишингиз хабарини бераётган кишини кўрсатайликми?!»**

**8. У, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқидими ёки жинни бўлиб қолдими?» – дедилар. Йўқ! Охиратга иймон келтирмайдиганлар азобда ва йироқ залолатадирлар.**

Эй Пайғамбар, сенга Роббинг нозил қилган нарсага кофирлар ишонмайдилар. Ундаги хабарларга, жумладан, ўлгандан кейин қайта тирилишга ҳам иймон келтирмайдилар. Аксинча, бу хабарни истеҳзо билан қарши оладилар. Одамлар ичида масхара қилиб турли гаплар тарқатадилар.

**«Куфр келтирганлар эса: «Сизларга бутунлай титилиб битган чоғингизда албатта янгитдан яратилишингиз хабарини бераётган кишини кўрсатайликми?!» дейдилар.**

Яъни, эй Пайғамбар, кофирлар сени масхара қилиб, эй одам-



лар, сизлар ўлиб, қабрга кўмилганингиздан кейин, танангиз бутунлай титилиб битгандан кейин яна янгитдан яратилар эмишсизлар. Ана, анави киши шунақа деяпти-ку, дейдилар.

Ўлиб, чириб, тупроққа қоришиб кетган одамнинг қайта тирилишига улар ишонмайдилар. Бу ҳақдаги гап Аллоҳнинг номидан гапирилса, Аллоҳга нисбатан ёлгон тўқиш ёки жиннилик деб ўйлайдилар. Шунинг учун ҳам, улар сенинг ҳақингда, эй Пайғамбар:

**«У, Аллоҳга нисбатан ёлгон тўқидими ёки жинни бўлиб қолдими?» – дедилар».**

Одамлар ўлиб, танаси чириб кетган бўлса ҳам, барчаси қиёматда қайта тирилади, деб Аллоҳ номидан хабар берганинг учун шу гапни айтдилар.

**«Йўқ!»**

Кофирларнинг бу гаплари нотўғри! Сен Аллоҳга нисбатан ёлгон тўқиганинг ҳам йўқ! Жинни бўлганинг ҳам йўқ!

**«Охиратга иймон келтирмайдиганлар азобда ва йироқ залолтадирлар.»**

Уларнинг, ўлгандан сўнг қайта тирилиш йўқ, деган адашувларига қарши ўлароқ, албатта, қайта тирилиш бўлади. Қайта тирилиш кунда улар қаттиқ азобда қоладилар.

Улар нима учун қайта тирилишни инкор этадилар?!

أَفَلَمْ يَرَوْا إِلَىٰ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ۖ إِنَّ شَأْنَ خَشِيفٍ بِهِمْ  
الْأَرْضِ أَوْ نُسِقَتْ عَلَيْهِمْ كَسْفًا مِّنَ السَّمَاءِ ۖ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّكُلِّ عَبْدٍ مُّنِيبٍ ﴿٩﴾

**9. Ахир, улар осмону ердаги, олдиларидаги нарсаларни, ортларидаги нарсаларни кўрмайдиларми?! Агар хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз ёки устларига осмондан парчалар туширурмиз. Албатта, бунда У зотга қайтгувчи ҳар бир банда учун оят(белги) бордир.**

Охиратдаги қайта тирилишни инкор этаётган кофирлар осмону ердаги, олдиларию ортларидаги нарсаларни кўрмайдиларми? Уларнинг тўрт тарафида Аллоҳ таоло ўлганларни қайта тирилтиришга қодир эканига, бу иш унга жуда осонлигига далил ва ҳужжатлар тўлиб ётибди-ку! Агар ақллари ишламаётган бўлса, кўзларини очиб, ҳушларини жойига келтириб қўйишимиз мумкин.

**«Агар хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз...»**

Тарихда қанчадан-қанча одамларни ер ютиб кетган. Ҳозир ҳам бу ҳодиса тез-тез содир бўлиб туради. Агар хоҳласак, ҳаммаларини ерга юттириб юборишимиз мумкин. Бу эса, қиёмат қоим

бўлди, деганидир. Бу иш Биз учун қийин эмас. Кофирлар бўлса, ўлгандан кейин тирилишга ишонмай юрибдилар.

**«...ёки устларига осмондан парчалар туширурмиз.»**

Қиёмат қоим бўлиши учун битта юлдуз парчасини туширсак, кифоя. Кофирлар бўлса, ўлгандан кейин тирилишга ишонмай юрибдилар.

**«Албатта, бунда У зотга қайтгувчи ҳар бир банда учун оят (белги) бордир.»**

Яъни, осмону ерда, олдларию ортларидаги нарсаларда, ер айрим нарсаларни ютишида, осмондан баъзи парчалар тушиб туришида Аллоҳга қайтгувчи бандалар учун қиёмат қоим бўлиши ва ўлганлар қайта тирилишига белгилар бордир.

Эндиги оятларда иймонли ва иймонсиз, инсофли ва инсофсиз кишиларнинг ҳар бирига ўзига хос мисоллар келтирилади:

﴿وَلَقَدْ آتَيْنَا دَاوُدَ مِنَّا فَضْلًا يَا جِبَالُ أَوِّبِي مَعَهُ وَالطَّيْرَ وَالنَّالَةَ الْحَدِيدَ﴾

**10. Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик. «Эй тоғлар, у билан бирга (тасбиҳни) қайтар ва қушлар ҳам», (дедик). Ва унга темирни юмшоқ қилдик.**

Довуд алайҳиссалом Аллоҳга итоатли бандалардан бўлгани учун оятда Аллоҳнинг Ўзи у зотга кўплаб фазл бергани ҳақида хабар бермоқда.

**«Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик.»**

Пайғамбарлик ато этгани, илоҳий китоб бўлмиш Забурни туширгани, тоғларни ва қушларни у зотга хизматкор қилиб қўйгани, темирни юмшатиб бергани ва бошқа нарсалар Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга берган фазллардир. Улардан баъзиси ушбу оятда зикр қилинмоқда.

**«Эй тоғлар, у билан бирга (тасбиҳни) қайтар ва қушлар ҳам», (дедик).**

Довуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога тасбиҳ айтганларида, Забурни тиловат этган пайтларида тоғу тошлар ҳам, қушу ҳайвонлар ҳам у кишига қўшилар эди.

**«Ва унга темирни юмшоқ қилдик.»**

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга темирни хамирдек юмшоқ қилиб берган эди. У киши темирни оловга солиб тобламасдан ҳам, болға билан урмасдан ҳам, нимани хоҳласалар, қўллари билан шуни ясай олар эдилар.

﴿أَنْ أَعْمَلَ سَبِغَتٍ وَقَدَّرَ فِي السَّرِّ وَأَعْمَلُوا صَاحِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

**11. Ва (унга): «Совутлар қилгин ва бичимини ўлчовли қил. Солиҳ амаллар қилинглари. Албатта, Мен нима амал қилаётганингни яхши кўриб тургувчиман, дедик.**

Яъни, Биз Довудга, ўзинга берилган хамирдек юмшоқ темирдан совут ясагин. Ўша совутларнинг бичимини ўлчовли қилгин, дедик. Довуд алайҳиссаломгача совут бир бутун тўсиқ шаклида ясалар экан. Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга илҳом бергач, совутни ҳалқалардан улаб кийим шаклида қиладиган бўлган эканлар. Оятдаги, бичимини ўлчовли қил, дегани ўша совутнинг ҳалқаларини бири-бирига мослаб ўлчовли қил, деган маънони англатади.

Айни пайтда, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссалом ва у кишининг аҳлларига хитобан:

**«Солиҳ амаллар қилинглари», демоқда.**

Яъни, сизларга шунчалик фазлни бериб қўйдим. Бу эса, сизларнинг яхши амаллар қилишинингни тақозо этади. Бу ишда нуқсонга йўл қўя кўрманглари.

**«Албатта, Мен нима амал қилаётганингни яхши кўриб тургувчиман», дедик.»**

Қилган амалингни яраша мукофот ёки жазо берилади.

وَلَسَلِمَنَّ الرِّيحُ غَدُوهاَ شَهْرٍ وَّرَوْأَحْهاَ شَهْرٍ وَّأَسَلْنَا لَهُ عَيْنَ الْقَطرِ وَّمِنَ الْجِنِّ مَن يَعْمَلُ  
بَيْنَ يَدَيْهِ بِإِذْنِ رَبِّهِ وَّمَن يَزِغْ مِنْهُمْ عَنَ أَمْرِنَا نُنذِقْهُ مِن عَذَابِ السَّعِيرِ

**12. Ва Сулаймонга шамолни (бердик). У(шамол)нинг эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши бир ойлик йўл эди. Унга мис булоғини оқизиб қўйдик ва жинлардан Роббининг изни ила унинг ҳузурида ишлайдиганлари бор эди. Улардан ким амримиздан чиқса, унга қаттиқ олов азобини тоттирамиз.**

Бу ояти каримада Довуд алайҳиссаломнинг ўғиллари Сулаймон алайҳиссаломга Аллоҳ берган неъматлар ҳақида сўз кетмоқда. Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга Пайғамбарлик, ҳикмат ва подшоҳликка қўшимча яна кўпгина фазл берган эди.

**«Ва Сулаймонга шамолни (бердик).»**

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз фазли ила шамолни Сулаймон алайҳиссаломга хизматчи қилиб қўйган эди.

**«У(шамол)нинг эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши бир ойлик йўл эди.»**

Яъни, Сулаймон алайҳиссаломга берилган ўша шамол эртадан тушгача бир ойлик йўлни, тушдан кечқурунгача яна бир ойлик

йўлни босиб ўтар эди. Бир кундузда икки ойлик йўлни юриб қўяр эди.

Бундан Сулаймон алайҳиссалом шамолнинг беминнат хизматидан фойдаланиб, узоқ масофаларни қисқа муддатда босиб ўтганларини билиб оламиз.

**«Унга мис булоғини оқизиб қўйдик.»**

Довуд алайҳиссаломга темирни юмшатиб қўйган Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга мис булоғини оқизиб қўйди. У киши мисдан ҳеч бир қийинчиликсиз хоҳлаган нарсаларини ясайдиган бўлдилар. Бу ҳам Аллоҳнинг катта неъматидир.

**«...ва жинлардан Роббининг изни ила унинг ҳузурда ишлайдиганлари бор эди.»**

Аллоҳ Сулаймон алайҳиссаломга жинларни ҳам хизматкор қилиб берди. Ўша жинлар Сулаймон алайҳиссаломга хизмат қилиш ҳақидаги Аллоҳнинг амридан чиқа олмасдилар.

**«Улардан ким амримиздан чиқса, унга қаттиқ олов азобини тоттирамиз.»**

يَعْمَلُونَ لَهُ مَا يَشَاءُ مِنْ مَّحْرِبٍ وَتَمَثِيلٍ وَجَفَانٍ كَالْجَوَابِ وَقُدُورٍ رَّاسِيَتٍ أَعْمَلُوا أَل  
دَاوُدَ شُكْرًا وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّكُورُ ﴿١٣﴾

**13. У(жин)лар унга меҳроблар, ҳайкаллар, ҳовузлар каби лаганлар ва собит қозонлардан хоҳлаганини қилиб беришар эди. Эй, Оли Довуд, шукр қилинглар! Бандаларимдан шукр қилгучилари оздир.**

Аллоҳ таоло томонидан Сулаймон алайҳиссаломга бўйинсундирилган жинлар у кишига меҳроблар, яъни, улкан ибодатхоналар қуриб берар эдилар.

**«...ҳайкаллар...»**

Турли нарсаларнинг ҳайкалларини ҳам ясаб берардилар.

**«...ҳовузлар каби лаганлар...»**

Таом ейдиган лаганлари ҳовуз каби катта бўлар эди. Ўша вақтда шунга эҳтиёж бўлса керак. Шунингдек, одамлар бажара олмайдиган ишларни қиладиган жинлар Сулаймон алайҳиссаломга мўъжиза сифатида кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин.

**«...ва собит қозонлардан хоҳлаганини қилиб берар эдилар.»**

Тоғ каби собит қозонларни Сулаймон алайҳиссаломга ясаб бериш ҳам жинларнинг вазифасига кирар эди. Улар Сулаймон алайҳиссалом хоҳлаган ишни бажарар эдилар. Бу эса, Довуд алайҳис-

салом хонадонига Аллоҳ берган улкан неъмат эди. Шунинг учун, Аллоҳ уларга хитоб қилиб:

**«Эй, Оли Довуд, шукр қилинглари!»** демоқда.

Довуд алайҳиссаломга қанчадан-қанча неъматларни берди. Буларнинг ҳаммаси Оли Довудга — Довуд хонадонига берилган неъматлардир. Ушбу неъматларга улар шукр қилмоқлари лозим.

**«Бандаларимдан шукр қилгувчилари оздир.»**

Ношукрлардан бўлмаслик керак. Аллоҳнинг неъматлари қадрини билиб, уларни ато қилган Зотга тинимсиз шукр этиш лозим. Неъматга шукр эса, неъмат берувчига ҳамду сано, мақтов сўзларини айтиш ва ўша неъматларни неъмат берувчининг розилиги йўлида сарфлаш билан бўлади. Бу дунёда неъмат берувчи зот Аллоҳ таолонинг ягона Ўзидир. Бандалар доимо Аллоҳ таолога ҳамду сано айтишлари, У зотнинг неъматларини Ўзининг розилиги йўлида сарфлашлари керак.

Аллоҳ таолонинг Сулаймон алайҳиссаломга жинларни хизматкор қилиб бергани ҳақидаги хабарда жинларни улуғловчиларга, уларга ибодат қилувчиларга, «Жинлар ҳар нарсага қодир» деб эътиқод этувчиларга, жумладан, араб мушрикларига қарши катта зарба бор эди. Келаси оятда ўша зарба яна ҳам кучайтирилади:

فَلَمَّا قَضَيْنَا عَلَيْهِ الْمَوْتَ مَا دَلَّهُمْ عَلَى مَوْتِهِ إِلَّا دَابَّةُ الْأَرْضِ تَأْكُلُ مِنْسَأَتَهُ فَلَمَّا خَرَّ تَبَيَّنَتِ الْجِنَّ أَنْ لَوْ كَانَُوا يَعْلَمُونَ الْغَيْبَ مَا لَبِثُوا فِي الْعَذَابِ الْمُهِينِ ﴿١٤﴾

**14. Қачонки, Биз у(Сулаймон)га ўлимни ҳукм этганимизда, уларга унинг ўлими ҳақида асосини еяётган ёғоч қуртидан бошқа ҳеч бир нарса далолат қилмади. Қачонки, у йиқилганда, жинларга, агар улар ғайбни билганларида, хорловчи азобда қолмаган бўлишлари аён бўлди.**

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломнинг жонларини у киши жинларни ишлатиб қўйиб, асоларига суяниб турганларида олган. Жинлар эса, Сулаймон кузатиб турибди, деб қўрққанларидан машаққатли ишларида давом этаверганлар. Аллоҳ таолонинг иродаси билан бир ёғоч қурти Сулаймон алайҳиссалом суяниб турган асо-ни ея бошлаган. Қурт асо-ни маълум миқдорда еганидан кейин асонинг таянч нуқтасига футур етиб, жойидан сурилган ва Сулаймон алайҳиссаломнинг жуссалари ерга йиқилган. Жинлар шундагина, ўз даъволарига қарши ўлароқ, ғайб илмини билмасликларини тушуниб етганлар. Ана шундагина жинларга:

«...агар улар ғайбни билганларида, хорловчи азобда қолмаган бўлишлари аён бўлди».

Ҳолбуки, одамлардан баъзилари ўша ожиз жинларга ибодат қилиб юрибдилар. Улар ғайбни биладилар, деб улуғламоқдалар.

Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр қилувчилар мисоли ҳақидаги оятлар тамом бўлганидан кейин, энди, Аллоҳнинг неъматларига ношукр бўлганлар ҳақида бир мисол келтирилади:

لَقَدْ كَانَ لِسَاءٍ فِي مَسْكِنِهِمْ آيَةٌ جَنَّتَانِ عَنْ يَمِينٍ وَشِمَالٍ كُلُوا مِنْ رِزْقِ رَبِّكُمْ  
وَأَشْكُرُوا لِلَّهِ بَلَدَةً طَيِّبَةً وَرَبِّ غَفُورٍ

**15. Батаҳқиқ, сабаъликлар учун ўз масканларида оят (белги) – ўнг ва чапдан икки боғ бор эди. «Роббингиз ризқидан енг ва Унга шукр қилинг! Не гўзал юрт ва ўта мағфиратли Роббингиз бор», (дедик).**

Сабаъликлар Яман жанубида яшаб ўтган бир қавмдир. Боболари Сабаъ ибн Яхшаб ибн Қаҳотон исми билан улар «Сабаъ қавми», «сабаъликлар» деб номланганлар. Улар жуда ҳам ҳосилдор ерга эга бўлганлар. Ўзлари анча тараққий этган одамлар бўлиб, тўғонлар қуриб, сув тўплаб, фойдаларига ишлатиш йўлларини яхши билганлар. Уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Сулаймон алайҳиссалом билан қиссаси ўтган малика ҳам шу юртдан бўлган. Оятда ўша қавм ҳақида хабар берилмоқда.

**«Батаҳқиқ, сабаъликлар учун ўз масканларида оят (белги) – ўнг ва чапдан икки боғ бор эди.»**

Яъни, сабаъликларнинг юртларида Аллоҳнинг қудратига, ризқ ва неъмат берувчи Зот эканига далолат қиладиган оят-белги бор эди. Яъни: **«...ўнг ва чапдан икки боғ бор эди.»**

Бу боғларда уларга етарли неъматлар мавжуд эди. Биз уларга: **«Роббингиз ризқидан енг ва унга шукр қилинг!»** (дедик).

Ўша боғлардаги Роббингиз берган ризқдан енг ва Роббингизга шукр қилинг, дедик.

Уларга шу иш вожиб эди.

**«Не гўзал юрт ва ўта мағфиратли Роббингиз бор», (дедик).**

Дарҳақиқат, юртлари ям-яшил боғларга тўлган, кўрган кишининг ҳаваси келадиган даражада гўзал бир маскан эди. Роббилари эса, тавба қилиб, иймон келтириб, амали солиҳ этган ҳар бир бандага ўта мағфиратли Зотдир.

Аммо сабаъликлар Роббилари айтган амрларни қабул этмадилар:

فَاعْرَضُوا فَاَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ سَيْلَ الْعَرِمِ وَبَدَّلْنَاهُمْ بِجَنَّتَيْهِمْ جَنَّتَيْنِ ذَوَاتِ اَكْلِ خُمَطٍ وَاَثَلِ  
وَشَىءٍ مِّنْ سِدْرٍ قَلِيلٍ ﴿١٧﴾

**16. Улар юз ўғирдилар. Бас, Биз устларига арим селини юбордик ва уларнинг икки боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва бир озгина сидрли икки «боғ»га айлантирдик.**

«Арим» сўзи, уламолар айтишларича, катта тошларни оқизиб келадиган кучли сел, деган маънони билдиради.

Бу оятда, маънони тўлароқ англатиш учун, бир хил маънодаги икки сўзни ўзаро изофа қилиб, «Арим сели» шаклида ишлатилмоқда.

«Сидр» бутасимон дарахт бўлиб, Арабистонда ўсади. Бироз меваси ҳам бўлади.

Демак, оятдаги

**«Улар юз ўғирдилар»** жумласидан сабаъликлар Аллоҳ таолонинг амрига юрмай, У зотнинг неъматларига шукр этмай, такаббурлик қилганлари тушунилади. Улар Аллоҳга шукр қилишдан юз ўғирдилар. У зот берган неъматларга ношукрлик қилдилар.

**«Бас, Биз устларига арим селини юбордик...»**

Катта харсанг тошларни оқизиб келган кучли сел улар қурган «Садди Маъраб» номли машҳур тўфонларини бузиб кетди. Натижада, асов оқим йўлидаги ҳамма нарсани ювиб кетди.

**«...ва уларнинг икки боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва бир озгина сидрли икки «боғ»га айлантирдик.»**

Сабаъликларнинг ўнг ва сўл тарафидаги икки гўзал, турлитуман меваларга кон, сўлим боғларини бебарака, аччиқ мевали икки боғга айлантирдик. Унда бир озгина сидр ҳам ўсади. Аслида, юлғунзор, бутазор ва сидрзорлар «боғ» дейилмайди. Лекин бу ерда киноя билан «боғ» дейилмоқда. Сабаъликларнинг ношукрликлари сабабли мевали боғларини сел олиб кетиб, кунлари бутазорга қолди. Ширин-шакар мевалар ўрнини аччиқ-тахир нарсалар олди. У ердаги энг яхши нарса бир озгина сидр бўлиб қолди.

ذٰلِكَ جَزٰئُهُمْ بِمَا كَفَرُوْا وَاَهْلٌ يُجْرٰى اِلَّا الْكٰفِرُوْا ﴿١٧﴾

**17. Уларни ношукрлик қилганлари учун ана шундоқ жазоладик. Биз фақат ўта ношукрларгагина жазо берурмиз.**

Биз сабаъликларни неъматларимизга ношукр бўлганлари учун мазкур офат билан жазоладик. Одатда, Биз фақат ўта ношукрларгагина шундай жазо берамиз.

Улар гўзал масканда, нозу неъмат ичида, чиройли ва сермева боғларда роҳат-фароғатда ҳаёт кечираётган эдилар. Ўша гўзал ҳолнинг бардавом бўлиши учун Аллоҳга шукр этишлари шарт эди. Аммо улар шу ишни қилмадилар. Оқибатда, гўзал юртлари хароб бўлди. Нозу неъматлар йўқ бўлиб, ўрнига очлик, муҳтожлик келди. Чиройли ва сермева боғлар ўрнида кўримсиз, мевасиз бута-зорлар пайдо бўлди.

وَجَعَلْنَا بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ الْقُرَىٰ الَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا قُرَىٰ ظَهْرًا وَقَدَّرْنَا فِيهَا السَّيْرَ سِيرُوا فِيهَا لِيَالِي وَأَيَّامًا آمِنِينَ

**18. Биз улар билан Ўзимиз баракали қилган шаҳарлар орасида кетма-кет қишлоқлар қилиб, улар орасидаги юришни ўлчовли этиб қўйган ва «Уларда кечалар ҳам, кундузлар ҳам омонлик-ла юраверинг», (деган эдик).**

Яъни, Аллоҳ таоло сабаъликлар билан Ўзи баракотли қилган Макка, Мадийна, Қуддус каби шаҳарлар орасидаги йўлларда кетма-кет келадиган қишлоқлар бино қилиб қўйган эди. Сабаъдан йўлга чиққанлар ҳеч қийналмасдан ўша қишлоқлар орқали кўзланган манзилларига бемалол етиб олар эдилар.

**«...улар орасидаги юришни ўлчовли этиб қўйган...» эдик.**

Яъни, ўша оралиқ йўлдаги қишлоқлар маълум ўлчовли масофаларда жойлашган бўлиб, биридан эрталаб йўлга чиққан одам қоронғига қолмасдан иккинчи бир қишлоққа етиб олиши мумкин эди. Бу ҳол Аллоҳ таолонинг катта неъматиди эди. Сафарни осонлаштирарди. Ҳар бир одам ҳам махсус катта тайёргарликсиз сафарга чиқаверар, йўлга кўп сув, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар олиши шарт эмас эди.

**«...ва «Уларда кечалар ҳам, кундузлар ҳам омонлик-ла юраверинг», (деган эдик).**

Энг муҳими, йўл бехатар эди. Йўловчи кечаси ҳам, кундузи ҳам жонига, молу мулкига хавф-хатар сезмасдан сафар қилаварарди.

Аммо сабаъликлар бу неъматга ҳам шукр қилмадилар. Роҳат-фароғатдан зерикиб, тўқликка шўхлик қилдилар.

فَقَالُوا رَبَّنَا بَعْدَ بَيْنِ أَسْفَارِنَا وَظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ فَجَعَلْنَاهُمْ أَحَادِيثَ وَمَزَقْنَاهُمْ كُلَّ مُمَرِّقٍ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ



**19. Улар: «Эй Роббимиз, сафарларимиз орасини узоқ қил!» дедилар ва ўзларига зулм қилдилар. Бас, Биз уларни ҳикояларга айлантирдик ва бутунлай парча-парча қилиб ташладик. Албатта, бунда ҳар бир ўта сабрли ва ўта шукрли учун оят (белги)лар бордир.**

Ношукрлик, нонкўрлик инсонни қутуртириб юборади, бундай одам босар-тусарини билмай қолади. Ҳисобсиз нозу неъматлар ҳам жонига тегади. Сабаъликлар ўшанақа ношукрларнинг бирлари эдилар. Улар ҳам сафарлари учун яратилган қулайликларга шукр қилиш ўрнига, бу неъматларни малол кўриб:

**«Эй Роббимиз, сафарларимиз орасини узоқ қил!»** дедилар.

Ҳар қишлоқда тўхтаб, дам олиб, роҳатланиб йўл босиш ўрнига, бирйўла узоқ-узоқ сафар қилишни тилаб қолдилар. Хўш, бу билан улар нимага эришдилар?!

**«...ўзларига зулм қилдилар»,** холос.

Берилган неъматларнинг заволига қолдилар.

**«Бас, Биз уларни ҳикояларга айлантирдик...»**

Кейин келган авлодларга ибрат учун айтиладиган ҳикоятларга айлантирдик. Ношукрликлари оқибатини ҳамма биладиган бўлди.

**«...ва бутунлай парча-парча қилиб ташладик.»**

Юртлари хароб бўлгач, бошларига келган мусийбатлардан қутулиш учун қолган-қутганлари ҳам бир бурда нон ахтариб, турли юртларга гадолик қилгани тарқалиб кетдилар. Шундай қилиб, гўзал юрт соҳиби бўлган бир қавм бутунлай парча-парча бўлди.

**«Албатта, бунда ҳар бир ўта сабрли ва ўта шукрли учун оят (белги)лар бордир.»**

Сабаъликлар қиссасида ҳар бир одам учун ибрат бор.

Бу қиссадан кейин улар ва уларга ўхшаб шайтоннинг йўлидан юрган бошқалар ҳақида қуйидагилар айтилади:

وَلَقَدْ صَدَقَ عَلَيْهِمْ إِبْلِيسُ ظَنَّهُ فَاتَّبَعُوهُ إِلا فَرِيقًا مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٧٠﴾

**20. Батаҳқиқ, иблис улар ҳақидаги гумонини рўёбга чиқарди. Бас, фақат бир гуруҳ мўминлардан бошқалари унга эргашдилар.**

Иблис жаннатдан қувилаётган вақтда: «Сенинг мухлис бандаларингдан бошқасини, албатта, ифво қиламан», деб айтган эди.

**«Батаҳқиқ, иблис улар ҳақидаги гумонини рўёбга чиқарди.»**

Иблис одам болалари ҳақидаги ўша қадимги гумонини рўёбга чиқарди. Одам болаларининг кўплари унга эргашдилар.

وَمَا كَانَ لَهُ عَلَيْهِمْ مِنْ سُلْطَانٍ إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَأْتِيهِمْ بِالْآخِرَةِ مِمَّنْ هُوَ مِنْهَا فِي شَكٍّ وَرَبِّكَ  
عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَفِيظٌ ﴿٦٦﴾

**21. Ҳолбуки, унинг улар устидан ҳеч бир ҳукмронлиги бўлмас эди. Магар, Биз охиратга иймон келтирадиганни унда (охиратда) шаки бордан айиришимиз учун бўлди. Роббинг ҳар бир нарсани муҳофаза қилгувчидир.**

Аслини олганда, иблисда одамларни ўз йўлига мажбур қилиб юритиш учун имкон ҳам, ҳукмронлик ҳам йўқ. Унинг ифвоси ва васвасаси ҳам ўз-ўзидан таъсир қилавермайди. Аллоҳ таоло охиратга иймони борларни иймони йўқлардан айириш ҳамда охиратга шак-шубҳа билан қарайдиганларни алоҳида кўрсатиш учун шу йўлни ишга солди, холос. Бўлмаса, Аллоҳ таоло кимнинг қандай-лигини азалдан яхши билар эди.

**«Роббинг ҳар бир нарсани муҳофаза қилгувчидир.»**

Ундан ҳеч нарса махфий бўла олмайди.

Аллоҳнинг неъматларига шукр қилувчилар ва ношукр бўлувчилар ҳақидаги қиссалардан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, мушриклар билан ширк ҳақида мунозара юритиш буюрилади:

قُلْ ادْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهِمَا مِنْ شَرِكٍ وَمَا لَهُ مِنْهُمْ مِّنْ ظَهِيرٍ ﴿٦٧﴾

**22. Сен: «Аллоҳдан ўзга гумон қилганларингизга дуо қилаверинглар! Улар осмонлару ерда зарра вазнича нарсага молик эмаслар. Уларга бу(икки)ларида шериклик ҳам йўқ. Ва У зотга улардан бирорта ёрдамчи ҳам йўқ», деб айт.**

Эй мушриклар, сиз ўзингизча, Аллоҳнинг шериги бор, деб эътиқод қилиб, ўша турли сохта илоҳларга ибодат қилиб юрибсиз.

**«Аллоҳдан ўзга гумон қилганларингизга дуо қилаверинглар!»**

Ўша, Аллоҳнинг ўрнига ўзингизча илоҳ қилиб олган сохта худоларингизга ибодат қилаверинглар-чи, нима бўларкин, кўрамиз. Аммо, яхши билиб қўйингларки:

**«Улар осмонлару ерда зарра вазнича нарсага молик эмаслар».**

Сизларнинг сохта худоларингиз осмон ва бутун ер юзидаги бирон заррачага ҳам эга эмаслар. Уларнинг ҳеч нарсалари йўқ.

**«Уларга бу(икки)ларида шериклик ҳам йўқ.»**

Яъни, сиз худо деб ўйлаётган ўша нарсаларнинг ҳеч бир амалда Аллоҳга шериклиги йўқ. Биринчидан, ўзи молик эмас, иккинчидан, бирор нарсага эгалиқда Аллоҳга шерик ҳам эмас.

**«Ва У зотга улардан бирорта ёрдамчи ҳам йўқ», деб айт.»**

Сиз худо деб гумон қилаётганлардан бирортаси ўзи Худо бўлиш ё Унга шерик бўлиш нари турсин, ҳатто Аллоҳга ёрдамчи ҳам эмаслар. Демак, эй, мушриклар, сизлар очиқ-ойдин залолатдасизлар. Сиз худо санаётган, ёки «Бизга Аллоҳнинг олдида шафоат қилади» деб ўйлаётган нарсаларингиз ҳақидаги тахминларингиз ҳам нотўғри.

وَلَا تَنْفَعُ الشَّفَاعَةُ عِنْدَهُ إِلَّا لِمَنْ أَذِنَ لَهُ حَتَّىٰ إِذَا فُزِعَ عَن قُلُوبِهِمْ قَالُوا مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ

قَالُوا الْحَقُّ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ

**23. У зотнинг ҳузурида фақат Ўзи изн берганлардан бошқанинг шафоати манфаат бермас. Токи қалбларидан қўрқинч кетгач: «Роббингиз нима деди?» – дерлар. «Ҳақни», дерлар. У олий ва буюк Зотдир.**

Кимки гумон билан, бизга Аллоҳнинг ҳузурида шафоат этар, деб «шерик худого» эътиқод ва ибодат қилса ёки бошқа бирор шахс ҳамда нарсдан умидвор бўлса, нотўғри қилади.

**«У зотнинг ҳузурида фақат Ўзи изн берганлардан бошқанинг шафоати манфаат бермас.»**

Қиёмат куни ҳамма ўзи билан овора бўлади. Ҳатто, улуғ Пайгамбарлар ҳам, фаришталар ҳам бирор нарса дейишга тортиниб қоладилар. Бировга шафоатчилик борасида оғиз оча олмайдилар. Шафоат қилишга Аллоҳ таолонинг Ўзи изн бериб, шароит яратиб бермагунча ҳаммалари қўрқинч ичида чурқ этмай турадилар.

**«Токи қалбларидан қўрқинч кетгач: «Роббингиз нима деди?» – дерлар.»**

Уларнинг қўрқинчлари шу даражадаки, ҳатто ўзлари кутиб турган нарса ҳақида Роббилари гапини идрок этмай қоладилар. Аллоҳ таоло уларнинг қалбидан қўрқинчни кетказгач, ўзларига келиб, бир-бираридан:

**«Роббингиз нима деди?» – деб сўрайдилар. Шунда:**

**«Ҳақни»,** деган жавоб келади. Ушбу савол-жавоб кимлар орасида бўлиши ҳақида тафсир уламолари бир неча хил фикрлар айтганлар. Баъзилари, шафоат қилувчилар билан шафоат қилинувчилар орасида, десалар, бошқалари, ўзаро шафоат қилувчилар ора-

сида, учинчилари эса, шафоатчилар билан муқарраб фаришталар орасида бўлади, дейдилар. Аслида, бу фикрлар бир-бирини тўлдириб келади.

Аллоҳ таоло ана шундай зотдир.

**«У олий ва буюк Зотдир.»**

Эй Пайғамбарим!

﴿قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِّنَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ قُلِ اللَّهُ وَإِنَّا أَوْ إِيَّاكُمْ لَعَلَىٰ هُدًى أَوْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ﴾

**24. Сен: «Сизга осмонлару ердан ким ризқ берадир?» – деб айт. Сен: «Аллоҳ. Ва албатта, биз ёки сиз ҳидоятда ёхуд очиқ-ойдин залолатдадирмиз», деб айт.**

Аллоҳдан бошқа илоҳ бор, деб юрган, эй, мушриклар, айтингчи:

**«Сизга осмонлару ердан ким ризқ берадир?»**

«Гумон қилган ўша сохта худоларингизми, ёки Аллоҳми?!» деб уларга савол бер, эй Пайғамбар! Бу саволга уларнинг жавоби аниқ, шунинг учун, уларнинг жавобини кутиб ўтирмай, ўзинг айтиб қўяқол: **«Аллоҳ».**

Ҳа, осмонлару ердаги ҳамма махлуқотларга фақат Аллоҳ таологина ризқ беради. Бу иш бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

**«Албатта, биз ёки сиз ҳидоятда ёхуд очиқ-ойдин залолатдадирмиз», деб айт.»**

Эй, мушриклар, сизлар билан йўлимиз икки хил чиқиб қолди. Аммо кимнингдир йўли тўғри, кимнингдир йўли нотўғри бўлиши керак. Сиз билан бизнинг орамизда қайсидир гуруҳ ҳидоятда, қайсимиздир очиқ-ойдин залолатдамиз. Буни Аллоҳ таоло Ўзи ҳал қилади.

﴿قُلْ لَا تَسْأَلُونَ عَمَّا أَجْرَمْنَا وَلَا نَسْأَلُ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

**25. Сен: «Сизлар биз қилган жиноятдан сўралмассиз, биз эса сиз қилган амалдан сўралмасмиз», деб айт.**

Ҳар ким ўз қилмишига ўзи жавоб беради.

﴿قُلْ يَجْمَعُ بَيْنَنَا رَبُّنَا ثُمَّ يَفْتَحُ بَيْنَنَا بِالْحَقِّ وَهُوَ الْفَتَّاحُ الْعَلِيمُ﴾

**26. Сен: «Роббимиз бизларни жамлар, сўнгра ҳақ ила орамизни очиқ қилур. У ўта очгувчи ва ўта билгувчидир», деб айт.**

Қиёмат куни Роббимиз сиз билан бизни бир ерга — маҳшарга жамлайди. Сўнгра ўша ерда ҳақ — адолат ила орамизни очиқ қиладди. Ўшанда ким ҳидоятда, ким залолатда экани равшан бўлади.

Аллоҳнинг Ўзи орамизни қандай очишни яхши билади  
**«У ўта очгувчи ва ўта билгувчидир.»**

قُلْ أَرُونِي الَّذِينَ أَحَقُّ بِرَبِّهِ شُرَكَاءَ كَلَّا بَلْ هُوَ اللَّهُ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٧٧﴾

**27. Сен: «У зотга шериклар қилиб тиқиштирганларингизни менга кўрсатинг. Йўқ! Фақат азийз ва ҳакийм бўлган Аллоҳгина бордир», деб айт.**

Сен Аллоҳга шерик тиқиштираётган мушрикларга қараб:

**«У зотга шериклар қилиб тиқиштирганларингизни менга кўрсатинг»,** деб айт.

Қани кўрайлик-чи?! Улар ўзлари кимлар? Сифатлари қандай? Қўлларидан нима келади?

**«Йўқ!»**

Шуларни Аллоҳга шерик деб юрибсизларми? Йўқ! Яхшиси, бу гапларингиздан қайтинглар. Бу дунёда:

**«Фақат азийз ва ҳакийм бўлган Аллоҳгина бордир»,** деб айт».

Унинг ҳеч бир шериги йўқдир.

Энди ўша азийз (ҳамманинг устидан ғолиб) ва ҳакийм (ҳар бир ишни ҳикмат билан қилгувчи) Аллоҳ таолонинг ишлари ва одамларнинг бунга муносабати ҳақида сўз кетади:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٧٨﴾

**28. Биз сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юбордик. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.**

Эй Муҳаммад, солаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Биз сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юбордик».**

Сен дунёдаги ҳамма одамларга юборилган Пайғамбарсан. Сен иймон келтириб, яхши амал қилганларга хушхабар берасан, куфр келтириб, осий бўлганларни огоҳлантирасан, холос.

**«Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.»**

Сенинг вазифанг хушхабар ва огоҳлантириш беришдан иборат эканини билмайдилар. Шунинг учун ҳам:

وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْوَعْدِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٩﴾

**29. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» – дерлар.**

Кофирлар: эй Пайғамбар, эй мўминлар, агар сизлар бизни қўрқитиб, албатта қиёмат бўлади, деб бераётган ваъдангизда ростгўй бўлсангиз, айтинг-чи, бу ваъда қачон рўёбга чиқади, дейдилар.

قُلْ لَكُمْ مِيعَادٌ يَوْمَ لَا تَسْتَجِرُونَ عَنْهُ سَاعَةً وَلَا تَسْتَقْدِمُونَ ﴿٣٠﴾

**30. Сен: «Сизга бир куннинг ваъдаси бор. Ундан бир он ортга ҳам қола олмассиз, олдин ҳам кета олмассиз», деб айт.**

Сизга ваъда қилинган кун қиёмат кунидир. Унинг ваъдаси бор. У ваъда албатта амалга ошади. Ундан сиз қочиб қутула олмайсиз. Бир онки, уни ортга ҳам, олдга ҳам сура билмайсиз. У айни тайинланган вақтида бўлади.

Кофирлар фақат қиёмат кунни ҳақида эмас, Қуръони Карим тўғрисида ҳам бўлмағур гаплар айтадилар.

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ نُؤْمِنَ بِهَذَا الْقُرْآنِ وَلَا بِالَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ وَلَوْ تَرَى إِذِ الظَّالِمُونَ مَوْقُوفُونَ عِنْدَ رَبِّهِمْ يَرْجِعُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ الْقَوْلَ يَقُولُ الَّذِينَ أَتَّضَعُوا لِلَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا أَلَوْلَا أَنْتُمْ لَكُنَّا مُؤْمِنِينَ ﴿٣١﴾

**31. Куфр келтирганлар: «Ушбу Қуръонга ҳам, ундан олдинги нарсага ҳам ҳеч иймон келтирмасмиз», дедилар. Агар сен ўша золимларнинг Роббилари ҳузурида турғазиб қўйилганларида бир-бирларига гап қайтараётганларини кўрсанг эди. Ўшанда заиф саналганлар мутакаббирлик қилганларга: «Сиз бўлмаганингизда, албатта, биз мўмин бўлар эдик», дерлар.**

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло кофирларнинг тугёни ҳаддан ошиб кетгани туфайли яна ҳам саркашлик қилаётганлари ҳақида хабар бермоқда.

**«Куфр келтирганлар: «Ушбу Қуръонга ҳам, ундан олдинги нарсага ҳам ҳеч иймон келтирмасмиз», дедилар.»**

Бу ишлари кофирларнинг ҳеч қандай ҳидоятга юрмасликка қаттиқ қарор қилганларини кўрсатади. Улар ўзларига келаётган илоҳий дастурга, яъни, Қуръони Каримга ҳам, унинг ҳақлигини тасдиқловчи

олдинги илоҳий китобларнинг бирортасига ҳам ҳеч қачон иймон келтирмасликларини таъкидлаб айтмоқдалар. Улар бу дунёда шу даражада ўзларидан кетганки, оғизларига келганини бўғизларига ютмай гапирадилар. Қуръони Каримга ҳам, бошқа илоҳий китобга ҳам иймон келтирмасликларини фахр билан гердаиш, дабдаба билан айтадилар.

Аммо охиратда бу дабдабадан, бу гердаиш ва манманликдан асар ҳам қолмайди. Шунчалик хор-зор бўладиларки, асло қўяверинг. Эй Пайғамбар!

**«Агар сен ўша золимларнинг Роббилари ҳузурида турғазиб қўйилганларида бир-бирларига гап қайтараётганларини кўрсанг эди.»**

Қуръонга ҳам, ундан олдинги китобларга ҳам ҳеч қачон иймон келтирмаймиз, деган ўша золимлар қиёмат куни маҳшаргоҳда Роббилари ҳузурида турғазиб қўйилганларида ҳар бири ўзини оқлаш учун бир-бирига гап қайтараётганларини кўрсанг эди. Ажойиб бир ҳолатни, яъни, бу дунёдаги мутакаббирлик, манманлик ва тувғендан асар ҳам қолмаганини кўрар эдинг.

Улар иккига бўлиниб олиб, бир-бирларига айб афдаришларини кўрар эдинг.

**«Ўшанда заиф саналганлар мутакаббирлик қилганларга: «Сиз бўлмаганингизда, албатта, биз мўмин бўлар эдик», дерлар.»**

Айб сизларда, сизларнинг гапингизга кириб, биз ҳам кофир бўлдик, мана, оқибат нима бўлди, дейдилар.

قَالَ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا لِلَّذِينَ اسْتَضَعِفُوا أَنَحْنُ صَدَدْنَاكُمْ عَنِ الْهُدَىٰ بَعْدَ إِذْ جَاءَكُمْ بِالْكُفْرِ كُنْتُمْ مُجْرِمِينَ

**32. Мутакаббирлик қилганлар заиф саналганларга: «Сизга ҳидоят келганидан кейин биз сизни ундан тўсдикми?! Йўқ! Ўзингиз жиноятчи бўлдингиз», дерлар.**

Бу дунёда мутакаббирлик қилганлар ўзларига қўйилган айбни рад қиладилар. Заиф саналганларга:

**«Сизга ҳидоят келганидан кейин биз сизни ундан тўсдикми?!»** дейдилар. Агар хоҳласангизлар, ҳидоятга юришингиз мумкин эди. Сиз буни қилмадингиз-ку!

**«Йўқ!»**

Бизга, сизлар бўлмаганингизда, албатта, биз мўмин бўлар эдик, дейишингиз ноўрин.

**«Ўзингиз жиноятчи бўлдингиз», дерлар.»**

Шунда:

وَقَالَ الَّذِينَ اسْتَضَعُوا لِلَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا بَلْ مَكْرُ الْيَلِّ وَالنَّهَارِ إِذْ تَأْمُرُونَنَا أَنْ نَكْفُرَ  
 بِاللَّهِ وَنَجْعَلَ لَهُ أَندَادًا وَأَسْرُوا النَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوُا الْعَذَابَ وَجَعَلْنَا الْأَغْلَلَ فِي آعْنَاقِ الَّذِينَ  
 كَفَرُوا هَلْ يُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٦٣﴾

**33. Заиф саналганлар мутакаббирлик қилганларга:** «Йўқ! Кечаю кундузнинг макр-ҳийласи (тўсди). Ўшанда сизлар бизни Аллоҳга куфр келтиришимизга, унга тенгдошлар қўшишимизга амр қилар эдингиз», дедилар. Улар азобни кўрган чоғларида надоматни ичларида тутдилар. Биз куфр келтирганларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Улар фақат қилиб юрган амалларига яраша жазоланурлар.

Бу дунёда мутакаббир хўжайинларига гап қайтармайдиган заиф саналганлар охиратда, бир оғиз гапдан қолай, демайдилар. Мутакаббирлик қилганларининг айтган гапларини ёлғонга чиқариб:

**«Йўқ! Кечаю кундузнинг макр-ҳийласи (тўсди)»,** дейдилар.

Йўқ, «муҳтарам» хўжайинлар! Сизларга ҳидоят келганида, биз сизни ундан тўсдикми, деб ёлғон гапиряпсиз. Бизни ҳидоятдан сизнинг макр-ҳийлангиз тўсди. Сизлар одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун кечаю кундуз тинмай турли макр-ҳийлалар қилар эдингиз.

**«Ўшанда сизлар бизни Аллоҳга куфр келтиришимизга, унга тенгдошлар қўшишимизга амр қилар эдингиз»,** дедилар.

Ҳа, Аллоҳга куфр келтир, деб бизга амр қилган ҳам сиз бўласиз! Аллоҳга ширк келтир, деб буюрган ҳам сизсиз! Энди, қиёматга келиб, ҳамма нарса аён бўлганида тонасизми?!

Шу тарзда тортишиб турганларида азоб кўзларига кўрсатилди.

**«Улар азобни кўрган чоғларида надоматни ичларида тутдилар.»**

Бақриб-чақриб бир-бирини айблаб турган икки тараф азобни кўришлари билан жим бўлиб қолдилар. Ичларидан зил кетиб, афсус-надомат чекдилар. Ана шундай ҳолатларида:

**«Биз куфр келтирганларнинг бўйинларига кишанлар солдик.»**

Энди ўша кишанлардан тортиб жаҳаннамга судраб олиб бориладилар. Кўз-кўриб қулоқ эшитмаган азобларга дучор қилинадилар.

**«Улар фақат қилиб юрган амалларига яраша жазоланурлар.»**



Мутакаббири ҳам, заиф саналгани ҳам.

Кейинги оятларда қадимги умматларнинг ўзларига юборилган Пайғамбарларга муносабати ҳақида сўз юритилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли берилади:

وَمَا أَرْسَلْنَا فِي قَرْيَةٍ مِّن نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا بِمَا أُرْسِلْتُمْ بِهِ كَافِرُونَ ﴿٢٤﴾

**34. Қайсики бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантирувчи юборсак, албатта, унинг майишатбозлари: «Биз, албатта, сиз ила юборилган нарсага куфр келтиргувчилармиз», дедилар.**

Ушбу ояти каримада биз «майишатбозлар» деб таржима қилган тоифа майишатта берилиб, барча нозу-неъматларга эга бўлиб олиб ҳукмини ўтказган, кишиларни ёмонликка бошлаган, халқнинг елкасига миниб олган шахслардир. Тарихда қайси жойга Аллоҳ таоло огоҳлантирувчи – Пайғамбар юборса, албатта, ўша ернинг майишатбоз каттаконлари унга қарши чиқиб, оддий одамларни унга эргашишдан қайтарганлар. Чунки, ўша майишатбоз, золим ва фосиқ раҳбарлар Пайғамбар шахсида ўз ҳукмлари, жамиятдаги тутган ўринларини тортиб олувчи рақибни кўрганлар. Агар Пайғамбарнинг гапи ўтиб, иши юришиб кетса, халқ оммаси майишатбоз раҳнамолардан юз ўгириб, Пайғамбар ортидан эргашиши турган гап. Шу сабаб ҳар бир юртнинг майишатбоз бошлиқлари жон-жаҳдлари билан Пайғамбарларга қарши чиққанлар. Улар Пайғамбар келиши билан, дарҳол, бутун халқ номидан:

**«Биз, албатта, сиз ила юборилган нарсага куфр келтиргувчилармиз», дедилар».**

Турли қинғир йўллар билан халқнинг елкасига миниб олган золимлар ўзларининг куфроний фикрларини халқ номидан айтишга журъат қиладилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келганларида ҳам худди шундай ҳолат содир бўлди. Аҳли Макканинг майишатбоз катталари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга юборилган динга куфр келтирганларини эълон қилдилар. Оддий халқни ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишдан қайтардилар. Демак, бу иш барча замон ва маконда бўлиб келган. Яна такрорланса, ажабланиш керак эмас.

Майишатбоз катталар ўзларининг кофирликларини эълон қилиш билан кифояланиб қолишмайди. Балки, охират ҳақида гап кетса, у ерда ҳам нажот топишлари хусусида сафсата сотадилар.

وَقَالُوا إِنَّا كَثُرُ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿٢٥﴾

**35. Улар: «Бизнинг молу дунёмиз, бола-чақамиз кўпроқ. Биз азоблангувчи эмасмиз», дерлар.**

Улар охират ўлчовини ҳам ўз қаричлари билан ўлчайдилар. Маийшатбоз каттаконлар, аслида, Аллоҳга эмас, молу дунё, мансаб ва бола-чақага банда бўлгани учун, куфр келтирган ҳисобланадилар. Аллоҳнинг эмас, молу дунё, мансабу обрў ва бола-чақанинг йўлидан юрган бўладилар. Улар ўзларининг бу беш кунлик дунёдаги тутган мавқеларини молу дунё ва бола-чақа ёрдамида эришилган ютуқ деб ўйлайдилар. Улар ҳамма нарсани шу билан ўлчайдилар. Ана ўша ўлчовга биноан, агар охират куни келса, унда камбағал мўмин-мусулмонлар нажот топиб, жаннатга эришиб, азобдан қутуладиган бўлсалар, нима учун шунча кўп молу дунёмиз, бола-чақамиз туриб, биз азобга дучор бўлишимиз керак экан, дейдилар. Ва:

**«Биз азоблангувчи эмасмиз», дерлар».**

Уларнинг бу даъволарига нима жавоб қилишни Аллоҳ таолонинг Ўзи таълим беради.

قُلْ إِنَّ رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَن يَشَاءُ وَيَقْدِرُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٦﴾

**36. Сен: «Албатта, Роббим хоҳлаган кишисига ризқни кенг қилур ва тор қилур. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт.**

Кофирлар ҳар бир нарсани, жумладан, инсон қадр-қийматини ҳам молу дунё, бола-чақа билан ўлчайдилар. Кимнинг тўплаган молу дунёси, бола-чақаси ва орқасидан эргашадиганлари кўп бўлса, ўша одам ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда ютиб чиқувчидир, деб ўйлайдилар. Ўзларининг инсонлараро муносабатларини ҳам шу асосга қурадилар. Оятда Аллоҳ таоло ўша фикрнинг нотўғрилигини таъкидлаб, буни уларнинг ўзига тушунтиришни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга топширмақда:

**«Сен: «Албатта, Роббим хоҳлаган кишисига ризқни кенг қилур ва тор қилур», деб айт, демоқда.**

Дунёда ризқ берувчи биттаю битта Зот бор. Ваҳҳоб, Раззоқ, Қарийм ва Муғний Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган кишисига ризқни кенг ва хоҳлаган кишисига тор қилади. Бу ҳақиқатни У зотнинг Ўзи айтмоқда. Ризқнинг кенг ёки тор бўлиши Аллоҳнинг розилиги ёки норозилиги аломати эмас. Шунинг учун ҳам, молу дунёга инсон қадрини белгиладиган ўлчов сифатида қараш нотўғридир. Аллоҳ кофирга ҳам, мўминга ҳам ризқ бераверади. Лекин бу ризқ улар қадрининг ўлчови эмас. Инсон қадрининг ўлчови иймони, тақвоси ва солиҳ амалидир.

Гоҳида Аллоҳ таоло кофир ва осийнинг ризқини кенг қилиб қўяди. У бундан ҳовлиқиб, куфрида ва исёнида яна ҳам авжга чиқади. Бориб-бориб чегарага етганида, ҳалокатга учрайди. Демак, Аллоҳ таоло кофир ҳаддидан ошиб, тузук-қуруқ азобга дучор бўлиши учун маълум бир чегарагача унинг ризқини кенг қилиб қўйган экан.

Гоҳида Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон одамга бойлик бериб, ризқини кенг қилиб қўяди. Мўмин одам Аллоҳ таолога янада кўпроқ шукр қила бошлайди. Бунга ўхшаш ҳолатлар Аллоҳ таолонинг ҳикматига тобеъдир. Аммо нима бўлганида ҳам, қадр-қиймат ва охират ютуғи молу дунё ўлчови эмас. Буларнинг ўлчови бошқа нарсадир. Қуйидаги оятда ана шу ҳақида сўз кетади:

وَمَا أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ بِالَّتِي تُقَرِّبُكُمْ عِنْدَنَا زُلْفَىٰ إِلَّا مَنْ آمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ لَهُمْ جِزَاءٌ الضَّعِيفُ بِمَا عَمِلُوا وَهُمْ فِي الْغُرُفَاتِ ءَامِنُونَ

**37. На молу дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизни Бизнинг ҳузуримизга яқин қила олмас. Магар ким иймон келтирган ва солиҳ амал қилган бўлса, ана ўшаларгагина қилган амаллари туфайли кўпайтирилган мукофот бордир. Улар (жаннат) болохоналарида омонликдадирлар.**

Эй, одамлар, эй, кофирлар, эй, бизнинг молу дунёмиз, бола-чақамиз кўпроқ, биз азобланувчи эмасмиз, деб юрганлар, билиб қўйинглар!

**«На молу дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизни Бизнинг ҳузуримизга яқин қила олмас.»**

Ҳеч қачон Аллоҳ таоло бирор бандасининг қадр-қийматини молу дунёсининг миқдорига ёки бола-чақасининг кўплигига қараб белгиламайди. Бу нарсалар қадр-қиймат ва Аллоҳнинг ҳузурига яқин бўлиш воситаси бўла олмайди. Балки, ўша молу дунё ва бола-чақаларидаги тасарруф, уларни тўғри ишлатиш яқинлик сабаби бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг давомида:

**«Магар ким иймон келтирган ва солиҳ амал қилган бўлса, ана ўшаларгагина қилган амаллари туфайли кўпайтирилган мукофот бордир»,** демоқда.

Ҳа, инсоннинг икки дунёдаги қадр-қиймати фақатгина иймони ва яхши амалига қараб белгиланади. Молу дунё ва бола-чақа ҳам иймонли ва солиҳ амалли кишиларгагина фойда бериши мумкин. Чунки, иймонли одам молу дунёни Аллоҳ рози бўладиган ишларга

сарфлайди. Бола-чақани ҳам Аллоҳнинг розилигини истайдиган ва Аллоҳнинг йўлидан юрадиган қилиб тарбиялайди. Иймонсиз, амали солиҳсиз молу дунё ҳам, бола-чақа ҳам бошга битган бало бўлади.

Иймон келтириб, амали солиҳ қилган бандаларнинг мукофоти-ни Аллоҳ таоло бир неча марта кўпайтириб беради. Улар охиратда, жаннатда баланд жойларга қурилган болохоналарда доимо омонлик ичида роҳат-фароғатда бўладилар.

وَالَّذِينَ يَسْعَوْنَ فِيْٓ اٰيٰتِنَا مُعْجِزِيْنَ اُولٰٓئِكَ فِي الْعَذَابِ مُحْضَرُوْنَ ﴿٣٨﴾

**38. Бизнинг оятларимизни ожиз қолдириш учун ҳаракат қиладиганлар эса, ана ўшалар азоб ичига ҳозир қилинганлардир.**

Кимки Аллоҳ таолонинг оятларини ўзича ожиз қолдиришни истаб куч-ғайрат сарфлаган бўлса, Аллоҳ таолонинг дини таъсирини тўсишга уринган бўлса, гарчи молу дунёси ва бола-чақаси кўп бўлса ҳам, азобга дучор қилинади. Чунки, Аллоҳнинг ҳузурида иймон ва амали солиҳдан бошқа ҳеч нарса фойда бермайди. Ҳа, молу дунё уларни азобдан қутқариб қола олмайди. Эй Пайгамбар:

قُلْ اِنَّ رَبِّيْ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهٖ وَيَقْدِرُ لَهُۥ وَمَا اَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يَخْلِفُهٗ وَهُوَ خَيْرُ الرَّٰزِقِيْنَ ﴿٣٩﴾

**39. Айт: «Албатта, Роббим ризқни Ўз бандаларидан кимни хоҳласа ўшанга кенг қилур ва тор қилур. Ҳар бир инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини У тўлдирур. У зот ризқ бергувчиларнинг яхшисидир».**

Бу оятда аввал ўтган маъно яна бир бор таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло бандаларига хоҳлаганича ризқ беради. Хоҳлаган бандасининг ризқини кенг ва хоҳлаган бандасининг ризқини тор қилиб қўяди. Аллоҳ таоло ато этган ризқдан банда Аллоҳ йўлида инфоқ қилса, бундан аввало унинг ўзи фойда кўради. Чунки:

**«Ҳар бир инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини У тўлдирур».**

Аллоҳ буюрган йўлларда инфоқ қилинган молу дунё ҳеч зое кетмайди. Ўша молу дунё ўрнини Аллоҳ таоло бу дунёнинг ўзида дарҳол тўлдиради ёки охиратда ажру савоб беради.

**«У зот ризқ бергувчиларнинг яхшисидир.»**

У зот ризқни ҳаммага, ҳатто, Ўзига куфр келтирганларга ҳам бераверади.

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ جَمِيعَاتِهِمْ يَقُولُ لِلْمَلَائِكَةِ أَهْتُولَاءِ أَيَاكُمْ كَانُوا يَعْبُدُونَ ﴿٤٠﴾ قَالُوا سُبْحَانَكَ أَنْتَ  
وَلَيْسْنَا مِنْ دُونِهِمْ بِشَيْءٍ بَلْ كَانُوا يَعْبُدُونَ الْجِنَّ أَكْثَرَهُمْ مُمْتَنُونَ ﴿٤١﴾

40. Уларнинг барчаларини жамлайдиган, сўнгра У зот фаришта-ларга: «Анавилар сизларга ибодат қилган эдиларми?» дейдиган кунда

41. Улар: «Сен поксан! Сен бизнинг валийимизсан! Улар эмас! Йўқ! Улар жинларга ибодат қилар эдилар. Кўплари ўшаларга иймон келтиргувчидирлар», дерлар.

Ушбу икки оятда қиёмат манзараларидан бир кўриниш тав-сифланмоқда. Аллоҳ таоло ҳузурида маҳшар кунида савол-жавоб учун фаришталарга ибодат қилган мушриклар ва фаришталарнинг ўзлари жамланади. Демак,

«Уларнинг барчаларини жамлайдиган» машҳур кунда,

«Сўнгра У зот фаришталарга: «Анавилар сизларга ибодат қилган эдиларми?» дейдиган кунда»

Аллоҳ таоло фаришталарга қараб, мушрикларга ишора қилиб, анави мушриклар ёруғ дунёда сизларга ибодат қилган эдими, деб сўрайди. Қани, фаришталар нима деб жавоб берар эканлар?

«Улар: «Сен поксан! Сен бизнинг валийимизсан! Улар эмас!» – дейдилар.

Эй Роббимиз, сен барча айблардан, шунингдек, шерикликдан поксан. Сен бизнинг дўстимизсан. Анави ибодат даъвогарлари бўлмиш мушриклар билан ҳеч қандай алоқамиз йўқ. Улар бизга ҳеч қачон дўст бўлган эмас, дейдилар. Сўнг улар сўзларида давом этиб:

«Йўқ!» дейдилар.

Йўқ! Йўқ! Улар ҳеч қачон бизга ибодат қилган эмаслар.

«Улар жинларга ибодат қилар эдилар. Кўплари ўшаларга иймон келтиргувчидирлар», дерлар.»

Дарҳақиқат, араблар ичида жинларга ибодат қиладиганлар кўп эди. Шунинг учун ҳам, суранинг аввалида Сулаймон алайҳиссаломнинг жинларга муносабати ҳақидаги оятлар келтирилди.

فَالْيَوْمَ لَا يَمْلِكُ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ نَفَعًا وَلَا ضَرًّا وَنَقُولُ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا ذُوقُوا عَذَابَ النَّارِ الَّتِي كُنْتُمْ  
بِهَا تَكْفُرُونَ ﴿٤٢﴾

42. Бугунги кунда бир-бирингиз учун манфаатга ҳам, зарарга ҳам молик эмассизлар. Ва зулм қилганларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқариб юрган оловнинг азобини татиб кўринг», дермиз.

Фаришталарга ибодат этган сиз мушриклар ва ибодат қилинган фаришталар, бугунги қиёмат кунда бир-бирингизга фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайсиз. Имкони йўқ. Фаришталар мушрикларга фойда бера олмайдилар. Шунингдек, зарар беришнинг ҳам имкони йўқ. Чунки, бугун фойда ёки зарар берадиган кун эмас. Бугун у дунё ишлари ҳисоб-китоб қилинадиган кун. Ҳар ким Аллоҳнинг ҳузурида қилмишига яраша жавоб берадиган кун.

Бугун Аллоҳга куфр ва ширк келтириб юрганлар ўзларича ёлғонга, йўққа чиқариб юрган дўзах азобини тотадиган кун. Аллоҳ таоло уларга:

**«Ўзингиз ёлғонга чиқариб юрган оловнинг азобини татиб кўринг»,** дейдиган кун.

Кейинги келадиган оятларда мушрикларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Қуръони Каримга нисбатан айтган гаплари ҳақида сўз кетади. Уларга ўзларига ўхшаган кофир ва мушрикларнинг оқибати қадимдан нима билан тутаётгани эслатилади:

وَإِذَا نُنْتَلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا يَنْتَوِي عَنَّا فَأَلْوَاهُمْ أَصْوَابَهُمْ وَقَالُوا هَذَا إِلَّا كُفْرًا كَبِيرًا ۗ وَإِذَا نُنْتَلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا يَنْتَوِي عَنَّا فَأَلْوَاهُمْ أَصْوَابَهُمْ وَقَالُوا هَذَا إِلَّا كُفْرًا كَبِيرًا ۗ وَإِذَا نُنْتَلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا يَنْتَوِي عَنَّا فَأَلْوَاهُمْ أَصْوَابَهُمْ وَقَالُوا هَذَا إِلَّا كُفْرًا كَبِيرًا ۗ

**43. Қачонки уларга Бизнинг очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинса: «Бу сизни ота-боболарингиз ибодат қилиб юрган нарсдан тўсмоқни ирода қиладиган одам, холос», дедилар ва «Бу тўқилган уйдирмадан бошқа нарса эмас», дедилар. Ва куфр келтирганлар ўзларига ҳақ келган чоғда: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас», дедилар.**

Бу ояти карима араб мушрикларининг Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Аллоҳ томонидан нозил қилинган илоҳий китоб Қуръони Каримга бўлган муносабатлари ҳақида хабар бермоқда.

**«Қачонки уларга Бизнинг очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинса: «Бу сизни ота-боболарингиз ибодат қилиб юрган нарсдан тўсмоқни ирода қиладиган одам, холос», дедилар.»**

Яъни, араб мушрикларига Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло туширган очиқ-ойдин оятларни тиловат қилиб берсалар, ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириш ўрнига, улар ўз қавмларига, бу Муҳаммад сизни ота-боболарингиз ибодат қилиб юрган илоҳлардан тўсишни хоҳлаётган одам, холос, Пайғамбар эмас, дедилар.

Улар ақлларини ишлатмадилар. Ота-боболари нимага ва нима учун ибодат қилганларини ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ни-

мани тиловат қилиб бераётганларини ҳам ўйлаб кўрмадилар. Турли бут-санам ва илоҳларга сифинишни ота-боболари шундай қилгани учунгина тўғри деб топдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни ота-боболари ибодат қилган нарсадан бошқа нарсага чақирганлари учунгина ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши чиқдилар.

Ўша мушриклар ўзларига оятлари тиловат қилинаётган Қуръони Карим ҳақида:

**«Бу тўқилган уйдирмадан бошқа нарса эмас», дедилар».**

Бунда ҳам тафаккур юритмадилар. Қуръони Карим Муҳаммад томонидан тўқилган уйдирмадан бошқа нарса эмас, деб эълон қилдилар.

Лекин вақт ўтиши билан мушрикларнинг ўзига ҳам Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тўқиган уйдирма эмаслиги аён бўлди. Энг ашаддий мушриклар ҳам Қуръони Карим оятлари тиловатини эшитганда таъсирланадиган бўлди. Шунинг учун улар Қуръони Карим ҳақида янги гап топдилар.

**«Ва куфр келтирганлар ўзларига ҳақ келган чоғда: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас», дедилар.»**

Аллоҳнинг ҳақ каломи одамларга таъсир ўтказаетганини кўриб, бу сеҳр, холос, сеҳр бўлмаганида, бунчалик таъсир қилмас эди, дедилар.

Аслида, арабларнинг ҳеч қачон илоҳий китоб билан алоқаси бўлган эмас. Уларга илоҳий ҳақ китоб келган чоғида, уни шошилиб инкор қилмасдан, аввал танишиб ва ўрганиб чиқишлари керак эди. Шунингдек, уларга илгари Пайғамбар ҳам келмаган. Пайғамбарни ҳам дарҳол инкор қилишлари нотўғри бўлди.

﴿ وَمَا آتَيْنَاهُمْ مِنْ كُتُبٍ يَدْرُسُونَهَا وَمَا أَرْسَلْنَا إِلَيْهِمْ قَبْلَكَ مِنْ نَذِيرٍ ﴾

**44. Ҳолбуки, Биз уларга дарс оладиган китобларни бермаган эдик. Шунингдек, сендан олдин уларга бирор огоҳлантиргувчи ҳам юбормаган эдик.**

Уларнинг илоҳий китоб ҳақида ҳам, Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбар хусусида ҳам ҳеч қандай тасаввурлари йўқ эди. Улар нимага асосланиб Қуръон ҳақида ўзларича у деб, бу деб ҳукм чиқармоқдалар?! Улар нимага асосланиб, эй Пайғамбар, ўзларича сени уйдирмачига чиқармоқдалар?

﴿ وَكَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَمَا بَلَّغُوا مِعْشَارَ مَا آتَيْنَاهُمْ فَكَذَّبُوا رُسُلِي فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴾

**45. Улардан илгари ўтганлар ҳам (Пайғамбарларни) ёлғончи қилган эдилар. (Булар) уларга берган нарсаларимизнинг ўндан**

**бирига ҳам етганлари йўқ. Бас, Пайғамбарларимни ёлғончи қилдилар, аммо инкорим қандоқ бўлди?!**

Эй Пайғамбар, араб мушриклари сени инкор қилишлари янгилик эмас. Бу доимо бўлиб келаётган ишдир.

**«Улардан илгари ўтганлар ҳам (Пайғамбарларни) ёлғончи қилган эдилар.»**

Араб мушрикларидан олдинги қавмлар ҳам ўзларига Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбарларни, бу Пайғамбар эмас, ёлғончи бир одамдир, дейишган эди. Ўша қавмлар бу араб мушрикларидан кўра анча кўп имкониятларга эга эдилар.

**«(Булар) уларга берган нарсаларимизнинг ўндан бистрига ҳам етганлари йўқ.»**

Бу араб мушриклари ўша ўтган қавмларга берган имконият ва куч-қувватларимизнинг ўндан бистрига ҳам етганлари йўқ. Ана ўша олдин ўтганлар:

**«Бас, Пайғамбарларимни ёлғончи қилдилар...»**

Уларга иймон келтирмай, инкор этдилар.

**«...аммо инкорим қандоқ бўлди?!»**

Ўзларидан кейин келадиган умматларга мисол ва ўрнак бўлиши учун уларнинг ҳаммаларини ҳалок қилдим. Буни ҳамма билади. Ўша кофирлар ҳам билади.

Сўнгра Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ул мушрикларни ақл юритиб ҳақни ахтаришга, ёлғон ё ботил нимаю рост нималиги устида фикр юритишга чақиришга буюрди:

﴿ قُلْ إِنَّمَا أَعْظَمُكُمْ بِيَوْمِ الْيَوْمِ أَنْ تَقُولُوا لِلَّهِ مِثْلَ شَيْءٍ وَإِنِّي لَأَعْلَمُ مَا بَصَابِحِكُمْ مِنْ جَنَّةٍ إِنَّهُ هُوَ الْوَالِي الَّذِي يُدِيرُكُمْ بَيْنَ يَدَيْ عَذَابٍ شَدِيدٍ ﴾

**46. Сен: «Мен сизга бистрига насиҳат қилурман: Аллоҳ учун ҳолис, якка-якка ва тўп-тўп туриб бир фикр юритиб кўринглар. Соҳибингизда жинга оид ҳеч нарса йўқ. У сизларга шиддатли азобдан олдинги огоҳлантирувчи, ҳолос», деб айт.**

Эй Пайғамбарим, сенинг Пайғамбарлигинга шубҳа қилаётган, турли бўҳтонлар тўқиётган ўша кофир-мушрикларга тушунтириб айт:

**«Мен сизга бистрига насиҳат қилурман».**

Кўп гапириб ҳам, гапни чўзиб ҳам ўтирмайман. Фақат бистрига гап айтаман. Бошқа гапим йўқ.

**«Аллоҳ учун ҳолис, якка-якка ва тўп-тўп туриб бир фикр юритиб кўринглар.»**



Келинглар, сизлар ҳам бирор марта турли-туман фикр, тасаввур ва мулоҳазалардан фориф бўлиб, Аллоҳ учун холис фикр юритиб кўринглар. Хоҳласангиз, биров ҳалақит бермаслиги учун, якка-якка туриб фикр юритинг. Хоҳласангиз, жамланиб, бир-бирингизни тўғрилаб, кўплашиб фикр юритинг. Фикрланг, ўйлаб кўринг-а!

### «Соҳибингизда жинга оид ҳеч нарса йўқ.»

Соҳибингиз, биродарингиз ва ўзингиз яхши таниган шахс бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламда жинга оид ҳеч нарса йўқ. У жинни ҳам эмас, жинлар билан алоқадор ҳам эмас. Улардан бирор нарса олмайди ҳам, бермайди ҳам. Уни яхши танир эдингиз. У эсли-хушли, ақлли, тафаккурли, вазмин ва обрўли бир одамлигини яхши биласиз. У айтаётган гаплар ҳам жинларнинг сўзи эмас, очиқ-ойдин, бақувват ва ҳикматли. У, сизлар айтаётгандек, жинни ҳам, шоир ҳам, сеҳргар ҳам эмас.

**«У сизларга шиддатли азобдан олдинги огоҳлантиргувчи, холос.»**

Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларни шиддатли азобдан огоҳлантириш учун ўша қиёмат азобидан олдин келган Пайғамбардир. Унинг вазифаси сизларни огоҳлантиришдир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Барийрадан, у киши ўз оталари розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар ва уч марта:

«Эй одамлар, мен билан сизларнинг мисолингиз нимага ўхшашини биласизларми?!» деб нидо қилдилар. Одамлар:

«Аллоҳ ва Унинг Расули билгувчидирлар», дедилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Гап шуки, мен билан сизнинг мисолингиз худди устиларига душман бостириб келишидан қўрқиб турган бир қавмга ўхшайди. Улар бир одамни хабар олишга юборибдилар. У кета туриб, бирдан душманни кўриб қолибди. Уларни огоҳлантиришга шошилибди. У, қавмига душман ўзининг огоҳлантиришидан олдин бориб қолишидан қўрқиб, кийимини силкитиб ишора қилиб, эй, одамлар, келишяпти! Эй, одамлар, келишяпти! Эй, одамлар, келишяпти!» дебди».

قُلْ مَا سَأَلْتُكُمْ مِنْ أَجْرٍ فَهُوَ لَكُمْ إِنَّ أَجْرِي إِلَّا عَلَى اللَّهِ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ

**47. Сен:** «Мен сизлардан ҳеч бир ажр-ҳақ сўрамадим. Бас, у сизга бўлсин. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида. У зот ҳар бир нарсага Ўзи шоҳиддир», деб айт.

Мен сизларни Аллоҳнинг йўлига чақириш орқали ўзим бирор дунёвий манфаатга эришмоқчи эмасман.

**«Мен сизлардан ҳеч бир ажр-ҳақ сўрамадим.»**

Қилган даъватим эвазига сизлардан молу дунё, ажр-ҳақ сўрамадим. Менга уларнинг кераги йўқ.

**«Бас, у сизга бўлсин.»**

Даъватимнинг ажр-ҳақини ўзингиз олаверинг. У сизга бўлсин. Менга сиз берадиган ажрнинг ҳеч кераги йўқ. Менинг ажрим таяинли.

**«Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида.»**

Мен фақат Аллоҳ таолодангина ажр умид қиламан.

**«У зот ҳар бир нарсага Ўзи шоҳиддир.»**

Жумладан, сизга илоҳий даъватни етказётганимга ҳам, сиз инкор қилаётганингизга ҳам шоҳиддир. Сиздан ажр-ҳақ сўрамаганимга ҳам гувоҳ.

قُلْ إِنْ رَبِّي يَقْذِفُ بِالْحَقِّ عَلَٰمِ الْغُيُوبِ

**48. Сен: «Албатта, Роббим ҳақни отур. У зот ғайбларни ўта билгувчидир», деб айт.**

Мана шу Қуръон Роббим отган(юборган) энг кучли ҳақдир. Барча ғайбларни жуда яхши биладиган зот Аллоҳ таоло юборган ҳақдир. Аллоҳ юборган ҳаққа қарши чиқиб нима қиласизлар?

قُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَمَا يُدِئُ الْبَاطِلُ وَمَا يُعِيدُ

**49. Сен: «Ҳақ келди! Ботил бошлай олмас ва қайтара ҳам олмас», деб айт.**

Илоҳий ҳақ келди! Иймон келди! Пайғамбари ҳақ келди! Қуръони ҳақ келди! Ислому келди! Ҳақ келди! Ботил тамом бўлди! Ботил тугади! Ботил битди! Ботил энди бирор нарсани янгитдан бошлай олмас. Ботил энди эскини қайтадан такрорлай олмас.

قُلْ إِنْ ضَلَلْتُ فَإِنَّمَا أَضِلُّ عَلَىٰ نَفْسِي وَإِنِ اهْتَدَيْتُ فِيمَا يُوحَىٰ إِلَيَّ مِنَ رَبِّي إِنَّهُ سَمِيعٌ قَرِيبٌ

**50. Сен: «Агар мен залолатга кетган бўлсам, ўз зараримга кетаман. Агар ҳидоят топсам, Роббим менга ваҳий қилган нарса туфайли топаман. Албатта, У зот ўта эшитгувчи, яқиндир», деб айт.**

Кофир ва мушриклар «Муҳаммад ота-боболаримизнинг йўлидан юрмай адашмоқда, залолатга кетмоқда», деб ҳам гап тарқатишган эди. Бу оят уларнинг ўша ифволарига жавоб бўлиб келмоқда.

**«Агар мен залолатга кетган бўлсам, ўз зараримга кетаман.»**

Мабодо, сиз гумон қилгандек, залолатга кетган бўлсам, зарари ўзимга, сизга эмас.

**«Агар ҳидоят топсам, Роббим менга ваҳий қилган нарса ту файли топаман.»**

Пайғамбарлик Аллоҳдан ваҳийсиз амалга ошадиган иш эмас. Аллоҳ ваҳий юбориб, Ўзи доимо қўллаб-қувватламаса, ҳеч ким ўзича Пайғамбар бўла олмайди.

**«Албатта, У зот ўта эшитгувчи, яқиндир.»**

Ҳамма нарсани эшитиб, билиб турибди.

Эй Пайғамбар!



**51. Агар уларнинг талвасага тушишларини, энди қочиб қутулиш йўқ ва яқин макондан тутилишларини бир кўрсанг эди?**

Кофир ва мушриклар ҳозир тилларини узун қилиб, турли гап-сўзларни айтаверадилар. Улар Пайғамбар ҳақида ҳам, Илоҳий китоб, қиёмат, ўлгандан кейин тирилиш ва динга тегишли бошқа ишлар ҳақида ҳам ҳаддан ошиб, бўҳтон-туҳмат гапларни гапириб, ўзларидан кетиб юраверадилар. Аммо охиратда ишлар тамоман бошқача бўлади. Ўшанда кофир ва мушрикларнинг бугунги гердаишларидан асар ҳам қолмайди. У кунда ҳамма нарса равшанлашади. Уларнинг куфри, ширки бошларига бало бўлиши ҳам аён бўлади. Ана ўшанда

**«Агар уларнинг талвасага тушишларини...»** бир кўрсанг эди.

Шундай типирчилаб қоладиларки, у кунда ўзларининг азобга дучор бўлишларида ҳеч шубҳа қолмайди.

**«...энди қочиб қутулиш йўқ...»**

Қочиб қаёққа ҳам борар эдилар. Маҳшарда, Роббул олабийн ҳузурида хору зор бўлиб турибдилар. Кучли, шиддатли, қўпол ва уларга нисбатан шафқатсиз фаришталар сергаклик билан уларни кузатиб туришибди. Ким қимир этса, ҳоли хароб бўлади.

Ана шундай бир ҳолатда кофир ва мушрикларни дўзахга солиб азоблаш ҳақида ҳукм чиқади. Дўзахнинг Забония фаришталари орқали уларнинг

**«...яқин макондан тутилишларини бир кўрсанг эди».**

Азобга тезроқ элтиш учун уларни дўзахга энг яқин макондан тутадилар. Тутилганларида ҳам оддий равишда эмас, мазкур даҳшатли фаришталар томонидан пешона сочларидан ушлаб дўзахга олиб келтириладилар. Бу кофир ва мушрикларнинг томошасини ана ўшанда бир кўриш керак.

Шунда:

وَقَالُوا آمَنَّا بِهِءِ وَأَنَّى لَهُمُ التَّنَافُوسُ مِنْ مَّكَانٍ بَعِيدٍ ﴿٥٢﴾

**52. Улар: «Унга иймон келтирдик», дерлар. Энди, узоқ бир макондан қўллари қандоқ етсин?!**

Кофир ва мушриклар дўзахга яқин жойдан тутилиб, унга ташлаш учун олиб кетилаётган бир пайтларида:

**«Унга иймон келтирдик», дерлар».**

Аллоҳга иймон келтирдик. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирдик! Қуръонга иймон келтирдик, дейдилар. Лекин бу иймонлари фойда берадими? Иймонга осонлик билан эришиладиган бу дунёда иймон келтирмадилар. Энди эса, унга охиратдан туриб қўл узатмоқдалар. Аммо унга эриша олмайдилар.

**«Энди, узоқ бир макондан қўллари қандоқ етсин?!»**

وَقَدْ كَفَرُوا بِهِءِ مِنْ قَبْلُ وَيَقْدِفُونَ بِالْغَيْبِ مِنْ مَّكَانٍ بَعِيدٍ ﴿٥٣﴾

**53. Ҳолбуки, унга олдин куфр келтирган эдилар. Ғойибга узоқ жойдан тош отар эдилар.**

Ҳа, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, Қуръони Каримга бу дунёда куфр келтирган эдилар. Уларни инкор этган эдилар. Улар,

**«Ғойибга узоқ жойдан тош отар эдилар».**

Ўзларидан ғойиб бўлган ҳар бир нарсага, жумладан, қиёмат кунига ҳам тош отар эдилар. Мана, ўзлари ишонмаган ўша ғойиблар юзага чиқди.

وَحِيلَ بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ مَا يَشْتَهُونَ كَمَا فُعِلَ بِأَشْيَاعِهِمْ مِّن قَبْلُ إِنَّهُمْ كَانُوا فِي شَكٍّ مُّرِيبٍ ﴿٥٤﴾

**54. Ва улар билан ўзлари иштаҳа қилган нарсанинг ораси тўсилди. Худди олдин ўтган маслақдошлари каби. Албатта, улар шак-шубҳа ичида эдилар.**

Фурсат ўтгандан сўнг ҳаракат қилганлари учун:

**«...улар билан ўзлари иштаҳа қилган нарсанинг ораси тўсилди».**

Улар иймонга келиб, жаннатга киришни истаб қолдилар. Аммо бунга имкон берилмади.

**«Худди олдин ўтган маслақдошлари каби.»**

Улардан олдин ўтган кофир ва мушрикларга ҳам айти шу муомалада бўлинган эди.

**«Албатта, улар шак-шубҳа ичида эдилар.»**

Шунинг учун иймонга келмай ўтдилар. Энди эса, дўзахда абдий азоб чекишларига заррача шак-шубҳа қолмади.



## ФОТИР СУРАСИ

*Мақкада нозил бўлган. 45 оятдан иборат.*

«Фотир» сўзи сураи каримада Аллоҳ таолонинг сифати бўлиб келган. Бу сўз «йўқдан бор қилувчи», «илк яратувчи», «ажойиб ижодкор» маъноларини англатади. Аллоҳ таолонинг ушбу сурага ном бўлиб қолган «Фотир» сифати сураи шарифа оятларида зикр қилинган ва ўз ифодасини топгандир.

Ушбу сураи кариманинг иккинчи номи «Малааика»дир. Бу сўзнинг маъноси «фаришталар» деганидир. «Малааика» сўзи ҳам, худди «Фотир» сўзи каби ушбу суранинг биринчи оятида зикр қилингандир.

Бошқа маккий суралар каби, бу сурада ҳам Аллоҳ таолонинг биру борлиги, ҳар бир ишга қодирлиги ва фотирлиги ҳақида сўз кетади. Шунингдек, ақийданинг бошқа бош масалалари, Пайғамбарликнинг ҳақлиги, ширкнинг ботиллиги баён қилинади. Инсон ва жамиятни турли ботил урф-одат ва разолатлардан поклаш, Ислом ҳукмларини, одоб-ахлоқларини жорий қилиш ҳақида сўз юритилади.

Суранинг аввалида Аллоҳ таолонинг фотир — ажойиб холиқ экани, коинотни, фаришталар ва инсонлару жинларни йўқдан бор қилиб яратгани, қиёматда эса, уларни яна қайта вужудга келтириши хусусида гапирилади. Шу билан бирга, атрофни ўраб турган борлиққа эътибор қаратилади. Ўлиб ётган ернинг қандай тирилиши, ундан экин-тикинлар, мева-чевалар чиқиши, кечаю кундузнинг бир-бири билан алмашиб туриши, инсоннинг яратилиши каби жараёнлар ҳақида баҳс юритилади.

Кейин мўмин инсон билан кофир ўртасида қанчалик фарқ борлиги уқдирилади. Зулмат ва нурга қиёсланади. Сел ва жазира-ма иссиққа ўхшатилади.

Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига, фотирлигига, холиқлигига далил ўлароқ меваларнинг турли-туман бўлишига, шунингдек, одамлар, ҳайвонлар ва чорваларнинг хилма-хил бўлишига ишора қилинади. Айни чоқда, тоғу тошларнинг шакллари ҳам ҳар хиллиги айтиб ўтилади. Уларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг биру борлигига, улуф ва қудратли эканига далил экани баён этилади.

Сўнгра уммати Муҳаммадия ҳақида, бу уммат энг шарафли диннинг меросхўри ва илоҳий китобларнинг мағзини қамраб олган сўнги самовий китоб соҳиби экани ҳақида сўз юритилади.

Сура охирида эса, мушрикларнинг турли нарсаларга сифинишлари қаттиқ танқид қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا أُولِي أَجْنَحَةٍ مِّثْنِي وَثَلَاثَ وَرُبْعَ يَزِيدُ فِي الْخَلْقِ مَا يَشَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾

**1. Ҳамду сано осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фаришта-ларни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга бўлсин. У зот махлуқотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Дунёдаги ҳамма ҳамду сано, мақтов ва олқиш фақат ягона Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир. Чунки, У

«осмонлару ерни йўқдан бор қилган» зотдир. Осмонлар... Уларнинг кўплигини, осмон эмас, осмонлар эканини Қуръондан биламиз, холос. Илмнинг чўққисига чиққанини даъво қилаётган бутунги инсон осмонларнинг ҳаммасини эмас, ақалли ўзига энг яқин осмонни ҳам тўлиқ тушуниб ета олгани йўқ. Инсоннинг ўзи ўша энг яқин осмон ичига сингиб кетган. Бу осмоннинг чегараси қаерда эканини билолмай ҳайрон. Унинг моҳиятини англаб етолмай парিশон. Шундай бўлгач, битта осмон эмас, осмонларни йўқдан бор қилиб, инсон идроки етмайдиган даражада улкан ва мустаҳкам, бекаму кўст яратган зотга—Аллоҳ таолога қанча кўп ҳамду сано айтилса, шунча оз.

Аллоҳ ерни ҳам йўқдан бор қилиб яратган зотдир. Мавжуд моддаларни бир-бирига қўшиб ниманидир ҳосил қилиш яратиш эмас. Аслида ҳеч нарсаси бўлмаган нарсани пайдо қилиш яратишдир. Аллоҳ таоло инсон ҳалигача моҳиятига тўлиқ ета олмаётган ерни йўқдан бор қилган зотдир. Ундаги барча мавжудотларни, жумладан, инсонни ҳам яратган зотдир.

Шундай улуғ Зотга ҳамду сано (мақтов-олқиш) айтилмай, кимга айтилсин?! Дунёдаги барча ҳамду сано, мақтов-олқиш:

**«...фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга бўлсин».**

Фаришталар Аллоҳ яратган ўзига хос зотлардир. Бошқа оятларда уларнинг табиатлари, адо этадиган вазифалари ва бошқа хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Бу оятда уларнинг жисмоний тузилишларининг бир қисми, яъни, икки, уч, тўрт қанотли бўлишлари ҳақида гап кетмоқда. Биз «қанотли махлуқот» деганда қушларни тушунамиз. Уларда иккита қанот бўлади. Аммо фаришталар ичида иккитадан кўп қанотлилари ҳам бўлар экан. Лекин фаришталарнинг асл тузилишларини Аллоҳнинг Ўзи биледи. Аллоҳ таоло билан бандалари ўртасида элчилик вазифасини ўтаган Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга турли ҳолатларда кўринган. Саҳиҳ ҳадисларда ривоят қилинишича, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни асл хилқатларида икки марта кўрганлар. Биринчи марта Ҳиро ғоридан тушиб келаётиб, водийда қанотлари билан осмонни тўсиб турганида кўрганлар. Иккинчи марта Исро кечасида кўрганлар. Ушанда олти юзта қаноти борлиги, ҳар бир қаноти мағриб билан машриққа етиши айтилган. Бундан фаришталар фақат икки, уч, тўрт қанотли эмас, ундан кўп қанотли ҳам бўлишлари мумкинлиги англашилади. Оятда қанот сони чегараланаётгани йўқ, балки уларнинг кўп бўлиши айтилаётибди. Шунинг учун ҳам, оятнинг давомида:

**«У зот махлуқотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур»,** дейилмоқда.

Лекин бу ҳолат фақат фаришталарга эмас, балки Аллоҳ таоло яратган барча махлуқотларга тегишлидир. Зотан, бу дунёда бутун оламлар ва улардаги нарсаларни фақат Аллоҳ таоло яратгандир. Йўқдан бор қилувчи ўша Зот истаган нарсасини кўпайтиради.

مَا يَفْتَحُ اللَّهُ لِلنَّاسِ مِنْ رَحْمَةٍ فَلَا مُمْسِكَ لَهَا وَمَا يُمْسِكُ فَلَا مُرْسِلَ لَهُ مِنْ بَعْدِهِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

**2. Аллоҳ одамларга не раҳматни очса, бас, уни тутиб қолгувчи бўлмас. У зот тутиб қолган нарсани Ундан кейин қўйиб юборгувчи бўлмас. У зот азийзу ҳакиймдир.**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг раҳмат хазинаси улуғ, раҳматининг чегараси йўқ. У зотнинг раҳматининг кўринишлари хилма-хил. Ҳаёт, соғлиқ, нозу неъматлар, тинчлик-омонлик... уларни санаб ҳеч адоғига етиб бўлмайди. Аллоҳ таоло ўша раҳматларини одамлар учун кенг очиб қўйган.



**«Аллоҳ одамларга не раҳматни очса, бас, уни тутиб қолгувчи бўлмас.»**

Бандаларига Аллоҳ берган неъматини биров манъ қила олмайди. Шунинг учун, хотирни жам қилиш керак. Аллоҳга иймон келтириб, Унга ибодат қилиб, кўрсатган йўлидан юриш лозим. Ана шунда Аллоҳнинг раҳматидан тўғри йўл билан, ҳеч тортинмасдан баҳраманд бўлиш мумкин бўлади. Агар Аллоҳ очиб қўйган раҳматларнинг қадрига етилмаса, уларни берган зотга шукр қилинмаса, иш бошқачага айланиши мумкин.

**«У зот тутиб қолган нарсани Ундан кейин қўйиб юборгувчи бўлмас.»**

Ана унда иш қийин бўлади. Аллоҳ таоло раҳматларидан бирортасини тутиб қолса борми?! Мисол учун, ҳаво ёки сув раҳматини тутиб қолса, нима бўлади?! Одамларга Аллоҳ тутиб қолган ўша раҳматни ким юбора олади?!

**«У зот азийзу ҳакиймдир.»**

Аллоҳ азийз — ҳамманинг устидан ғолиб зотдир. Ҳар бир нарсани хоҳлаганича қила олади.

Аллоҳ ҳакийм — ўта ҳикматли зотдир. Ҳар бир нарсани ҳикмат ила қилади. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда айтиши учун энг ҳақли бўлган нарса: «Ҳаммамиз ҳам сенга бандамиз, эй бор худоё! Сен берган нарсани манъ қилувчи йўқ. Сен манъ қилган нарсани берувчи йўқ», дейишлиқдир», деганлар. Шундай бўлгандан кейин:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ هَلْ مِنْ خَلْقٍ غَيْرِ اللَّهِ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَأَنْتُمْ تُؤْفِكُونَ

**3. Эй одамлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсанг! Сизларга осмон ва ердан ризқ берадиган Аллоҳдан бошқа холиқ борми? Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қаён кетмоқдасиз?!**

Аллоҳ таоло осмонлару ерда одамлар учун беадад неъматларни ато қилиб қўйибди. Инсон ҳамма тарафидан Аллоҳнинг неъматлари билан ўралгандир. Унинг ўзи, жисми, ақли, ҳис қилиш аъзолари ва ҳатто тукларигача Аллоҳнинг неъматлари. Инсоннинг ҳис этиш-сезиш аъзоларига таъсир қиладиган ва таъсирсиз қоладиган ҳамма-ҳамма нарса инсонга Аллоҳ берган неъматдир. Уларнинг барини инсонга беминнат бериб қўйган Аллоҳ ўзи яратган шу бандасидан биргина нарсани талаб қилмоқда:

**«Эй одамлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг!»**

Бир эсланг! Сиздан эслаш талаб қилинаётибди, холос. Бошқа нарса эмас. Аллоҳ сизга ҳавони ризқ қилиб бериб қўйибди. Ундан нафас олиб яшаб юрибсиз. Аллоҳ сизга ризқ қилиб сувни бериб қўйганини эсланг. Сиз ундан ичмоқдасиз ва бошқа фойдалар олмоқдасиз. Аллоҳ сизга турли озуқаларни ризқ қилиб бериб қўйибди. Сиз улардан баҳраманда бўлиб яшаб юрибсиз. Бундан бошқа хоҳлаган нарсаларни ҳам бир эслаб кўришингиз мумкин.

Сўнгра қуйидаги саволга жавоб изланг.

**«Сизларга осмон ва ердан ризқ берадиган Аллоҳдан бошқа холиқ борми?!»**

Бўлса, айтинг! Фалончи менга ризқ берган, денг. Фалончи менга нафас олишим учун ҳаво беради, фистончи менга сув беради, денг. Шунингдек, бошқа ризқларни берадиган холиқлар бўлса, уларни ҳам айтинг. Йўқ, айта олмайсиз. Чунки, дунёда Аллоҳдан ўзга ризқ бергувчи зот йўқ. Шундай экан:

**«Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ».**

Инсон ўзига ризқ берувчи, бу дунёда унинг борлигини таъминловчи зотга қуллик қилиши лозим эканми? Бу дунёда Аллоҳ таолодан ўзга ризқ берувчи йўқ эканми, демак, бу дунёда инсонларнинг ибодатига сазовор ягона зот ҳам фақат У зотнинг Ўзидир.

**«Бас, қаён кетмоқдасиз?!»**

Эй одамлар! Ҳақиқий ризқ бергувчи холиқингиз бўлмиш Аллоҳ таолога ибодат этмай, Ўша зотнинг айтганларини қилмай, қаёққа кетмоқдасиз?! У зотнинг сизга юборган Пайғамбарига иймон келтирмай, Ўша зотнинг сизга нозил қилган Қуръонига амал этмай, қаёққа кетмоқдасиз?! У зотнинг охириги ва баркамол дини Исломга амал қилмай, қаёққа кетмоқдасиз?!

Кейинги оятда Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиниб, мушрикларнинг муносабатларидан хафа бўлмасликка чақирилиб, тасалли берилади:

وَإِنْ يَكْذِبُوا فَقَدْ كَذَّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ وَإِلَى اللَّهِ تَرْجِعُ الْأُمُورُ

**4. Агар сени ёлғончига чиқарсалар, бас, сендан олдин ҳам Пайғамбарлар ёлғончи қилинганлар. Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.**

Кофирларнинг Пайғамбарларни ёлғончига чиқаришлари янгилик эмас. Улардан доимо шу иш содир бўлиб келган. Осмонлару ерни йўқдан бор қилган, азийзу ғолиб, ҳакийму мудаббир, холиқу разоқ бўлган Аллоҳ таоло уларга тўғри йўлни кўрсатсин деб ҳузу-

ридан Пайғамбар юборса, улар Аллоҳнинг элчиларини ёлғончига чиқарганлар. Шунинг учун:

**«Агар сени ёлғончига чиқарсалар, бас, сендан олдин ҳам Пайғамбарлар ёлғончи қилинганлар»,** демоқда Аллоҳ таоло.

Бунақа муносабатга ажабланиш ёки хафа бўлишнинг ҳожати йўқ. Модомики Аллоҳни танимас эканлар, Унинг берган неъматларини тан олмас эканлар, Пайғамбарларни ёлғончи қилишлари турган гап. Лекин бундан кофирлар шунча ишларни қилсалар ҳам, ҳеч бало бўлмас экан-да, деган фикрга бориш керак эмас.

**«Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.»**

Жумладан, кофирларнинг қилмишлари ҳам, уларнинг Пайғамбарларни ва, хусусан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқарганлари ҳам Аллоҳга қайтарилади. Ана ўшанда Аллоҳ таоло уларни Ўзи билиб жазолайди. Буни ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ فَلَا تَغُرُّكُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَلَا يَغُرُّكُم بِاللَّهِ الْغُرُورُ

**5. Эй одамлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас дунё ҳаёти сизни ғурурга кетказмасин. Ўта ғурурга кетказувчи сизни Аллоҳ ила ғурурга кетказмасин.**

Эй одамлар, турли хаёлларга бориб, ғофил қолманг.

**«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир.»**

У зот, қиёмат бўлади, деб ваъда берганми, демак, қиёмат бўлиши ҳақ. У зот, ўлганлар қайта тирилади, деб ваъда берганми, демак, қайта тирилиш ҳақ. У зот, бу дунёдаги ишлар охиратда ҳисоб-китоб қилинади, деб ваъда берганми, демак, охиратдаги ҳисоб-китоб ҳақ. Кофирлар, мушриклар, мунофиқлар, осийлар ва гуноҳкорлар дўзахда азобланади, деб ваъда берганми, демак, уларнинг азобланиши ҳақ.

**«Бас, дунё ҳаёти сизни ғурурга кетказмасин...»**

Бу дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳларига берилиб, алданиб қолманг. Бу дунё ҳаётига охиратни алмашманг.

**«Ўта ғурурга кетказувчи сизни Аллоҳ ила ғурурга кетказмасин.»**

Бу жумладаги «ўта ғурурга кетказувчи»дан мурод шайтондир. Шайтон одамларни энг кўп ғурурга кетказади ва алдайди. Яъни, ҳеч нарсага парво қилма, Аллоҳнинг Ўзи кечиргувчи, деб одамларни гуноҳ ишларга чорлайди. Аллоҳ таолонинг афв этиши ва мағфират қилишини суиистеъмол этиб, Аллоҳ Ўзи кечирар, деб

ҳар хил гуноҳларга қўл уравериш нақадар ёмон шайтоний иш эканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик зарур бўлади.

إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا إِنَّمَا يَدْعُوا حِزْبَهُ لِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿٦﴾

**6. Албатта, шайтон сизга душмандир. Бас, уни душман тутинг. У ўз гуруҳини фақат ўта қизиган дўзахга эга бўлишларига чақирур.**

Шайтоннинг инсон боласига душманлигида ҳеч шубҳа йўқ. Бу азалий душманликдир. Буни шайтоннинг ўзи очиқ-ойдин айтган. Аллоҳ таоло ҳам қайта-қайта уқдирган. Ҳозирги оятда ҳам Аллоҳ таоло:

«**Албатта, шайтон сизга душмандир**», деб таъкидламоқда. Бунга шак-шубҳа қолмади. Шайтоннинг инсонга душманлик қилишига ажабланмаса ҳам бўлади. Лекин ажабланарлиси шуки, инсон шайтонни ўзига дўст тутиб юради. Шайтон ўзининг энг катта душмани эканини кўра била туриб, унинг айтганини қилади. Унинг ифвосига учади, ёлғонига алданади.

Эй одамлар, наҳотки бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмайсиз! Шайтон сизга душман бўлганидан кейин, унга ўзига яраша муносабатда бўлинг:

**«Бас, уни душман тутинг».**

Унга очиқ-ойдин душман деб қаранг. Унинг айтганини қилманг, ифвосига учманг, йўлига юрманг. Чунки:

**«У ўз гуруҳини фақат ўта қизиган дўзахга эга бўлишларига чақирур».**

Унинг чақириғига юрадиган бўлсангиз, дўзахий бўлишингиз турган гап.

الَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿٧﴾

**7. Куфр келтирганларга шиддатли азоб бордир. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга мағфират ва улкан ажр бордир.**

Шайтон гуруҳидан бўлиб, Аллоҳга ва Унинг буйруқларига куфр келтириб ўтганларга ўта шиддатли азоб бордир.

Аллоҳга иймон келтириб, иймони тақозоси ила яхши амаллар қилганларга эса, бу дунёдаги гуноҳларининг мағфират қилиниши ва охиратда улкан ажр — жаннати наъийм бордир.

Энди, шайтоннинг йўлига юриш қай тарзда юз бериши васф қилинади:

أَفَمَنْ زِينَ لَهُمْ سُوءُ عَمَلِهِمْ فَرَأَاهُمْ حَسَنًا فَإِنَّ اللَّهَ يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ فَلَا تَذْهَبْ  
نَفْسُكَ عَلَيْهِمْ حَسْرَتٍ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٨﴾

**8. Ахир, қилган ёмон амали ўзига зийнатлаб кўрсатилиб, уни гўзал деб билган одам(дан яхшилиқ чиқармиди)?! Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсани залолатга кетказур, хоҳлаган кимсани ҳидоятга солур. Бас, уларга жонинг ҳасрат-ла ачинмасин. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларини яхши билгувчидир.**

Шайтоннинг иши васвасасига учган одамларга уларнинг амалларини зийнатлаб кўрсатишдир. Барча ёмонликларнинг эшиги шудир. Шайтоннинг малайига айланган одамга ўзининг ҳар бир ёмон иши зийнатли кўринади. У ўзидан ўзи ажабланиб, қилган иши ўзига зўр кўринган сари ҳаддан ошиб бораверади. Хато ва камчиликларини сезмайди. Унга хатосини айтган одамни душман ҳисоблайди. Ишлари хато бўлса ҳам, мақтаган одамлар кўзига дўст бўлиб кўринади. Бориб-бориб, ҳар бир ишида ўзича ягона тўғри йўлни танлайдиган даражага етади. Мағрурланиб, ўзини доҳий сезиб юради. Аслида эса, шайтон унинг бўйнига тўла миниб олган, жировини яхшилаб тутган бўлади. Шайтон жировини қаёққа тортса, ўша ёққа кетаверади. Бундай одамни қандай баҳолаш мумкин?!

**«Ахир, қилган ёмон амали ўзига зийнатлаб кўрсатилиб, уни гўзал деб билган одам?!»**

Тафсирларимизда жумланинг давомига ва жавобига хилма-хил иловалар келтирилган. Дарҳақиқат, ёмон иши шайтон томонидан зийнатлаб кўрсатилган ва ўша ишни гўзал деб билган одам ҳақида ҳар қандай ёмон гап айтса бўлади:

Бундай одамдан яхшилиқ чиқармиди?

Бундай одам иймонли одамга тенг бўлармиди?

Бундай одам дўзахга тушмай ким тушсин? Ва ҳоказолар.

**«Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсани залолатга кетказур, хоҳлаган кимсани ҳидоятга солур.»**

Шайтон ёмон амалини зийнатлаб кўрсатганидан ҳовлиқиб юрган ўша нобакор ҳам Аллоҳнинг хоҳишидан четга чиқа олмайди.

**«Бас, уларга жонинг ҳасрат-ла ачинмасин.»**

Уларга ачинишнинг фойдаси йўқ. Улар нафс балосига йўлиқиб тугаб бўлган.

**«Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларини яхши билгувчидир.»**

Ўша билими асосида қиёмат куни уларни қилмишларига яраша жазолайди.

Энди Аллоҳ таолонинг мазкур ишга қодир эканлигига далил келтирилади:

وَاللَّهُ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيحَ فَتُثِيرُ سَحَابًا يَأْسُقِنَهُ إِلَىٰ بَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَحْيَيْنَاهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا ۚ كَذَٰلِكَ النُّشُورُ

**9. Аллоҳ шамолларни юборган зотдир. Бас, улар булутни кўзгатади. Биз уни ўлик юрт томон ҳайдаб, у билан ерни ўлиб ётганидан кейин тирилтиурмиз. Тирилиш ҳам шунга ўхшашдир.**

Бу оятда ўлганларни қайта тирилтиришга ҳиссий далил бор. Сувсиз ер ўлик ҳолида ётади. Ўлиб ётган ерни кўрган одам, унда ҳаёт асари йўқлигидан, унинг тирилишига ишонгиси келмайди. Аммо, Аллоҳ таоло шамолларга булутни ҳайдатиб келиб, ўша ўлик ерга ёмғир ёғдирса, дарҳол ерга жон киради. Ер нафас олади, ўсимликлари ўса бошлайди.

Ўлик инсонлар ҳам худди шунга ўхшайди. Қабрга кўмилиб, таналари чириб, тупроққа қоришиб кетади. Уларнинг қайта тирилиши мутлақо имконсизга ўхшайди. Аммо, вақти-соати келганда, ердан ўсимликлар ўсиб чиққанидек, ўлик одамлар ҳам қабрларидан тирилиб чиқади.

مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْعِزَّةَ فَلِلَّهِ الْعِزَّةُ جَمِيعًا ۖ إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ يَرْفَعُهُ ۗ وَالَّذِينَ يَمْكُرُونَ السَّيِّئَاتِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَكْرُ أُولَٰئِكَ هُوَ يُبْورُ

**10. Кимки иззат истаса, бас, барча иззат Аллоҳникидир. Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амал кўтарур уни. Макр ила ёмонликлар қилганларга шиддатли азоб бордир. Ана ўшаларнинг макри ботил бўлур.**

Инсонлар бу дунёда ҳам, ўша қайта тирилиш кунда ҳам иззатни, куч-қудрат, голиблик, устунлик ва бахт-саодатни излайдилар. Ҳамма шунга интилади. Бу изланиш ва интилиш тугамайди. Ҳар ким ўз йўли, ўз услуби билан изланади. Аммо бирор нарсани талаб қилишдан олдин унинг қаерда эканини билиб олган яхши.

Хўш, ҳар бир одам боласи излайдиган икки дунё иззати, бахту саодати қаерда? Буту санамлар оёғи остидами? Ойу қуёшнинг хазийнасидами? Сигирнинг шохига илиб қўйилганми? Ёки баъзи бир одам боласининг фармони билан бериладими?

**«Кимки иззат истаса, бас, барча иззат Аллоҳникидир.»**

Бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг ҳузурида заррача иззат йўқ. Аллоҳнинг даргоҳидан бошқа жойда иззат излаганлар беҳуда ҳаракат қиладилар. Ким икки дунё иззатини топмоқчи бўлса, фақат Аллоҳ таолонинг айтганларини қилсин. Ҳа, фақат Аллоҳнинг йўлидан юр-

ган инсонгина Унинг ҳузурига етади ва кўзлаган иззатни топади. Йўлнинг ярмида бошқа томонга ўтиб олса ҳам, адашиб кетади.

Аллоҳнинг ҳузурига етиш қандай бўлади?

**«Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амал кўтарур уни.»**

Яъни, Аллоҳга, Унинг ҳузурига хуш калом юксалур.

Хуш калом — калимаи шаҳодат, «алҳамдулиллаҳ», «субҳанал-лоҳи», «Аллоҳу Акбар» ва зикр, дуо, тиловат ҳамда барча яхши гап-сўзлардир. Ана ўша хуш каломгина Аллоҳ таолонинг ҳузурига кўтарилади.

Оят қаримадаги **«солиҳ амал кўтарур уни»** деб таржима қилган жумламиз оят матни бўйича бир неча маънони англатади.

Биринчиси: Солиҳ амални Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтарур.

Иккинчиси: Солиҳ амал хуш каломни Аллоҳ ҳузурига кўтарур.

Учинчиси: Солиҳ амални хуш калом Аллоҳ ҳузурига кўтарур.

Бу уч маъно бир-бирини тўлдириб келади. Аллоҳ таоло Ўзи қабул қилиб, Ўзи кўтармаса, ҳеч қандай солиҳ амал У зотнинг ҳузурига кўтарила олмайди. Хуш калом Иймон ва Ислом калимаси бўлиши керак. Билакс, ҳеч кимдан ҳеч қандай солиҳ амал қабул бўлмайди, Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилмайди. Шунингдек, хуш калом ортидан солиҳ амал келмаса, ўша хуш каломнинг ўзи Аллоҳ ҳузурига кўтарила олмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ ҳузуридан икки дунё иззатини излаган одам Аллоҳнинг Ўзидан мадад сўраган ҳолида хуш каломни айтиб, солиҳ амалларни қилиши лозим.

Имом ибн Касир **«солиҳ амал кўтарур уни»** жумласи тафсирида келтиришича, Али ибн Абу Толҳа Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилади: «Хуш калом — Аллоҳнинг зикридир. Уни Аллоҳга юксалтирур. Солиҳ амал — фарзларни адо қилишдир. Кимки Аллоҳни зикр қилиб, фарзларини адо этса, унинг амалини Аллоҳнинг зикри Аллоҳнинг ҳузурига олиб чиқади. Кимки Аллоҳни зикр қилиб, фарзларини адо этмаса, каломни амалига боғлиқ бўлади».

Шунингдек, Мужоҳид: «Солиҳ амал хуш каломни кўтаради», деган. Абул Олия, Икристима, Иброҳим ан-Нахаъий, аз-Заҳҳок, ас-Суддий, ар-Рабийъ ибн Анас, Шаҳл ибн Ҳушоб ва бошқалар ҳам шу гапни айтганлар. Ийас ибн Муовия ал-Қозий: «Солиҳ амал бўлмаганида калом кўтарилмас эди», деган. Ал-Ҳасан ва Қатода эса: «Калом фақатгина амал билан қабул қилинади», деганлар.

**«Макр ила ёмонликлар қилганларга шиддатли азоб бордир.»**

Макр-ҳийла ишлатиб турли ёмонликлар қилган одамлар ҳам иззат талабида бўладилар. Ўша макрлари, ҳийлалари ва ёмонликлари билан иззатга эришишни истайдилар. Аммо шиддатли азобга йўлиқадилар.

Чунки, макр ҳам, ҳийла ва ёмонликлар ҳам Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилмайди.

**«Ана ўшаларнинг макри ботил бўлур.»**

Қилган макр-ҳийлаларининг ҳаммаси ботил бўлади. Бирортаси ҳам ўтмайди.

Эндиги оятда инсоннинг яратилиши ҳақида гап кетади:

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ أَزْوَاجًا وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنْثَىٰ وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِ وَمَا يُعَمَّرُ مِنْ مُعَمَّرٍ وَلَا يُنْقِصُ مِنْ عُمُرِهِ إِلَّا فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١١﴾

**11. Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди. Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур. Ҳар бир умр кўргувчига умр берилиши ёки унинг умрининг қисқартирилиши албатта китобда бордир. Албатта, бу Аллоҳга осондир.**

Ҳаёт дунёдаги энг улкан сирлардан бири саналади. Яъни, баъзи бир махлуқотларнинг, шу жумладан, инсоннинг жони борлиги жумбоқдир. «Жон», «ҳаёт» деб номланган бу нарсанинг асли қандай, моҳияти нима, билиб бўлмайди. Буни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Инсоннинг бу борадаги уринишлари ҳозиргача бирор натижа бергани йўқ. Ушбу ҳақиқатни инсоф билан тааммул қилган ҳар бир инсон Аллоҳга иймон келтириши керак.

**«Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди.»**

Инсоннинг асли тупроқдир. Тупроқ жонсиз нарса. Инсон эса жонли махлуқот. Қандай қилиб жонсиз нарсадан яралган инсонга жон кириб қолди? Инсон яратилишининг биринчи босқичи тупроқ бўлса, иккинчи босқичи нутфа, бир томчи ҳақир сув. Жонсиз тупроқ жонли нутфага айланади. Қандай қилиб нутфага жон кириб қолди? Нима учун бошқа нарсаларга жон кирмаяпти? Нутфа жуда ҳам кичик нарса, аммо ундан инсон жуфт қилиб яратилган. Ўша кичик нутфага эркаклик ёки аёллик хусусиятларини ким жойлаб қўйди? Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб битта: Аллоҳ. Бошқача жавоб йўқ. Бўлса, биладиганлар айтсин. Тупроққа фалончи жонни, фалончи нутфага эркаклик, бошқаси аёллик хусусиятини берган, десин. Ҳеч ким айта олмайди. Тупроққа жон киргизиб одам қилган зот—Аллоҳ. Нутфага жон ато қилган зот—Аллоҳ. Нутфага эркаклик ва аёллик хусусиятларини берган зот—Аллоҳ.

**«Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур.»**



Нафақат аёл кишилар, балки бутун урғочи жониворлар — ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва бошқа сув ҳайвонларининг ҳомила-сини ҳам, туғишини ҳам ёлғиз Аллоҳ билади. Буларнинг ҳаммаси ҳаёт билан боғлиқ жараёнлардир. Улар Аллоҳнинг қудрати, изни ва илми билан содир бўлади.

**«Ҳар бир умр кўргувчига умр берилиши ёки унинг умрининг қисқартирилиши албатта китобда бордир.»**

Бу нафақат инсонга, балки ҳар бир умр кўрувчига тегишлидир. Дунёда яшайдиган сонсиз-саноқсиз махлуқотларнинг умри Аллоҳнинг тасарруфидадир. Қайси бирининг умри узун ёки қисқа бўлиши — ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолонинг хузуридаги китобда бор.

**«Албатта, бу Аллоҳга осондир.»**

Албатта, аввал тупроқдан, сўнгра нутфадан одам яратиш, кейин уни жуфт-жуфт қилиш, ҳар бир ҳомиладорнинг ҳомиласини ва туққанини билиш, махлуқотларнинг умри узун ёки қисқалигини китобга ёзиб қўйиш Аллоҳ учун жуда ҳам осондир.

Ана шундай Зотга иймон келтириш керак.

وَمَا يَسْتَوِي الْبَحْرَانِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ سَائِغٌ شَرَابُهُ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ وَمِن كُلِّ تَاكْوُنٍ لِّحَمَاطٍ أَوْ تُسْتَخْرَجُونَ حِلْيَةً تَلْبَسُونَهَا وَتَرَى الْفُلْكَ فِيهِ مَوَآخِرَ لَتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

تَشْكُرُونَ

**12. Дарёю денгиз, иккиси тенг бўла олмас. Буниси тотли, чанқоқ босар, ичиш осондир. Буниси эса шўр, тахирдир. Сиз ҳар бирдан тоза гўшт ейсиз ва тақинчоқ чиқариб тақурсиз. Ва Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун у(сув)ни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. Шоядки, шукр қилсангиз.**

Аллоҳнинг қудратини сув оламида ҳам яққол кўрса бўлади. Дарёю денгизларда Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи кўплаб оят-белгилар бўлиши турган гап.

**«Дарёю денгиз, иккиси тенг бўла олмас.»**

Оятда «икки денгиз тенг бўла олмас», дейилган. Араб тилида ўзаро яқин икки нарсани бировининг номи билан аташ мумкин. «Икки денгиз»дан мурод дарё билан денгиз эканини эса, кейинги,

**«Буниси тотли, чанқоқ босар, ичиш осондир. Буниси эса шўр, тахирдир»** жумласидан тушуниб олинади. Чунки «тотли, чанқоқ босар, ичиш осон» сув денгизда эмас, дарёда бўлади. Денгиз билан дарё — иккиси ҳам ўзига яраша катта ҳажмга эга, иккисида

ҳам ўзига етарли кўп суви бор. Иккиси доимо бир-бирига туташ бўлади. Бирининг суви иккинчисига қўшилиб туради. Лекин бирининг суви чучук, бириники шўр. Дарёнинг сувини ичса бўлади, денгиз сувини ичиб бўлмайди. Хўш, буни ким қилди? Сувни йўқдан бор этган ким? Денгизларни барпо қилган ким? Уларга сув тўлдирган ким? Уларни ҳозирги ҳолида ушлаб турган ким? Дарёларни пайдо қилган ким? Уларда сувни оқизиб қўйган ким? Дарё ўз сувини денгизга тинмай қўйиб туришига қарамай, денгизнинг суви чучук бўлиб қолмаслиги ёки унинг шўри дарё сувига ўтиб қолмаслигини таъминлаган ким?

Дарё билан денгиздаги, уларнинг сувларидаги қарама-қаршиликдан қатъиназар:

**«Сиз ҳар бирдан тоза гўшт ейсиз ва тақинчоқ чиқариб тақурсиз».**

Буниси ҳам қизиқ. Одам бирдан сув ичса-ю, бошқасидан ича олмаса! Аммо иккисидан ҳам покиза гўшт олиб еса! Турли тақинчоқлар чиқариб тақса! Хўш, инсон учун тоза гўшт бўладиган балиқ ва ҳайвонларни ҳам дарёда, ҳам денгизда яшайдиган қилиб қўйган ким? Нима учун икки хил, қарама-қарши хусусиятли сувда бир хил ҳайвонлар яшайверади? Бу ишлар кимнинг иродаси ила бўляпти? Икки хил сувли дарё ва денгизларга инсон учун лўлу(дур) ва маржонларни ташлаб қўйган зот ким? Албатта, Аллоҳ! Буларни инсоф билан тафаккур қилиб, Аллоҳга иймон келтириш лозим.

**«Ва Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун у(сув)ни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз.»**

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг қудратига ёрқин далилдир.

Денгиз ва дарёларни яратиб, уларда кемаларни юрадиган қилиб қўйган ким? Сувга баъзи нарсаларни кўтариш хусусиятини берган ким? Денгизу дарёларни кемалар юришига мослаб қўйган ким? Албатта, Аллоҳ! Буни инсоф билан тафаккур қилиб Аллоҳга иймон келтириш лозим. Шунинг учун ҳам, оятнинг охирида:

**«Шоядки, шукр қилсангиз»,** дейилмоқда.

Албатта, денгиз ва дарёлар, улардаги тоза гўшт, тақинчоқ ва бошқа неъматлар, улар узра кема билан сузиб тижорат ва бошқа мақсадлар йўлида фойдаланиш инсон учун Аллоҳнинг улуғ неъматини бўлиб, уларга шукр қилиш лозим. Иймонсиз эса, ношукр бўлади.

Аллоҳнинг бундан бошқа неъматлари ҳам кўп.

يُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلًّا

يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى ذَٰلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ الْمُلْكُ وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ ﴿١٣﴾

**13. У зот кечани кундузга, кундузни кечага киритур, қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйгандир. Ҳар бири белгиланган муддатгача юрадир. Ана шу Аллоҳ–Роббингиздир. Мулк Уникидир. Ундан ўзга илтижо қилаётганларингиз эса, данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар.**

Аллоҳ таолонинг инсонга берган неъматлари чексиз-чегарасиз бўлиб, борлиқнинг барча томонларида бор.

**«У зот кечани кундузга, кундузни кечага киритур...»**

Кеча билан кундузнинг алмашиб туриши ҳам инсонлар учун улкан неъматдир. Кечани ва кундузни яратган ким? Уларни бир-бирлари ичига киритиб, алмаштириб турадиган ким? Улар орқали инсонларни ҳайратлантирадиган ким? Албатта, Аллоҳ! Демак, ўша Зотга иймон келтириб, ибодат қилиш керак.

**«...қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйгандир.»**

Қуёш ва ойсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг манфаатларини ҳам тўла идрок этиш қийин. Хўш, қуёш ва ойни яратган ким? Улардан инсонга манфаат етадиган қилиб қўйган ким? Албатта, Аллоҳ!

Уларнинг:

**«Ҳар бири белгиланган муддатгача юрадир».**

Хоҳ ўзига белгилаб қўйилган ҳаракат доираси бўлсин, хоҳ қиёматгача бўлсин, барибир юради. Маълумки, юриш ўз-ўзидан бўлмайди. Хўш, уларни бундай юрадиган қилиб қўйган ким? Албатта, Аллоҳ!

**«Ана шу Аллоҳ–Роббингиздир.»**

Ишларнинг ҳаммасини амалга оширувчи зот—Аллоҳ сизнинг Роббингиздир, эй одамлар. Унга қуллик қилиб, иймон келтиринг. Унга ибодат этинг ва билиб қўйингки:

**«Мулк Уникидир».**

Икки дунёнинг мулки-султони, ҳукми Унга хосдир. Ундан бошқа султони ўтадиган, ҳукми юрадиган йўқдир.

**«Ундан ўзга илтижо қилаётганларингиз эса, данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар.»**

Арабларда ҳеч нарсага арзимас ва қадрсиз нарсани хурмо да-наги устидаги ўта юпқа пўстлоққа ўхшатиш одати бор. Қуръони Каримда ҳам оятларни илк қабул қилиб олаётган шу халқнинг зеҳнига осон ўрнаштириш учун мазкур ўхшатишдан фойдаланиб,

мушриклар ўзларича ибодат этиб юрган сохта худолари ўша хақир пўстлоқча нарсага ҳам молик эмасликларини таъкидланмоқда. Улар ҳеч нарсага эга эмаслар, уларнинг ҳукми ҳеч жойда ўтмайди, дейилмоқда.

Аллоҳдан ўзгага илтижо қилиб бўлмайди. Чунки, улар ҳеч нарсага молик эмас.

إِنْ تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا دَعَاءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا مَا اسْتَجَابُوا لَكُمْ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ  
بِشْرِكِكُمْ وَلَا يُنَبِّئُكَ مِثْلُ خَيْرٍ ﴿١٤﴾

**14. Агар уларга дуо қилсангиз, дуоингизни эшитмаслар. Гап эшитсалар ҳам, сизга жавоб бера олмаслар. Қиёмат куни эса, сизнинг уларни ширк келтирганингизни инкор этурлар. Ўта хабардор Зотдек ҳеч ким сенга хабар бера олмас.**

Одамлар тузукроқ тафаккур юритмай туриб, турли нарсаларга илтижо қилиб, уларга топинаверадилар. Сал бўлса ҳам ўйлаб кўрсалар, ҳақиқатни тушуниб етар эдилар. Эй, мушриклар!

**«Агар уларга дуо қилсангиз, дуоингизни эшитмаслар.»**

«Худо»ларингиз лойдан, тош ва ёғочдан ўзингиз ясаб олган ҳайкаллар бўлса, қандай ҳам эшитсин? Агар ўша «худо»ларингиз, ўзингизга ўхшаган одам ёки бирор бошқа эшитиш қобилияти бор жонивор бўлиб, сизнинг дуоингизни эшитсалар ҳам, жавоб бера олмайдилар. Эҳтиёжингизни қондиролмайдилар. Ҳа,

**«Гап эшитсалар ҳам, сизга жавоб бера олмаслар.»**

Ахир, улар бор-йўғи сизга ўхшаш бир инсон бўлса, қандай қилиб сизнинг дуоингизга жавоб берсинлар, дуода сўраган нарсанингизни ато қилсинлар?! Уларнинг бу дунёдаги ҳоллари шу. Аммо, улар бизга қиёмат куни манфаат беради, деб юрган бўлсангиз, билиб қўйинг:

**«Қиёмат куни эса, сизнинг уларни ширк келтирганингизни инкор этурлар.»**

Қиёмат куни Аллоҳ: Анавиларга «Бизга ибодат қилинглар!» деб сизлар айтганмисизлар, деган мазмунда сўраганида улар инкор этадилар. Эй Роббимиз, биз уларни ўзимизга ибодат қилишга буюрганимиз йўқ, дейдилар.

**«Ўта хабардор Зотдек ҳеч ким сенга хабар бера олмас.»**

Ҳа, ҳамма нарсадан ўта хабардор Аллоҳдек ҳеч ким сенга бунга ўхшаш хабарларни бера олмайди.

﴿يَأْتِيهَا النَّاسُ أَنْتُمْ الْفُقَرَاءُ إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ﴾

### 15. Эй одамлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсиз. Аллоҳ эса, Ўзи беҳожат ва мақталган зотдир.

Оятда одамларнинг Аллоҳ таоло билан алоқаси йўсини баён қилинмоқда. Инсонлар айнан ушбу ҳақиқатни англаб етмаганларидан ўзларининг Аллоҳга банда эканликларини унутадилар. Оқибатда бошқа муаммолар келиб чиқади. Шунинг учун, Аллоҳ таоло одамларга хитоб қилиб:

**«Эй одамлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсиз»,** деяпти.

Ҳа, инсон ҳар бир нарсада — дунёга келишида ҳам, нафас олиши ва нафас чиқаришида ҳам Аллоҳга муҳтождир. Агар Аллоҳ инсоннинг нафас олиш ёки чиқариш эҳтиёжини қондирмаса, ўша заҳоти одам тамом бўлади. Озиқ-овқат ейиш, ичимлик ичиш ва уларнинг чиқиндисини чиқаришга ҳам шундай муҳтожлик бор. Бошқа барча иш ва ҳолатларни ҳам шунга таққосласа бўлади.

Инсоннинг энг катта эҳтиёжларидан бири — икки дунё саодатига эришишдир. Шу эҳтиёж юзасидан Пайғамбар юборилди, илоҳий дастур Қуръон туширилди. Илоҳий кўрсатмаларга амал этиб, ибодат қилиб яшаган инсоннинг бу эҳтиёжи ҳам қондирилади. Билиб қўйиш лозимки, ҳар кимнинг ибодати ўзи учун, Аллоҳнинг бировга ҳам, унинг ибодатига ҳам ҳожати йўқдир. Чунки:

**«Аллоҳ эса, Ўзи беҳожат ва мақталган зотдир».**

Аллоҳ таоло ҳеч кимга муҳтож эмас, ҳамма Унга муҳтождир. Аллоҳ таоло ҳеч кимнинг мақтовига ҳам зор эмас, Аллоҳ Ўзи аслида мақталган зотдир.

إِنْ يَشَاءُ يُذْهِبْكُمْ وَيَأْتِ بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿١٦﴾

### 16. Агар У зот хоҳласа, сизни кетказиб, янги бир халқни келтирур.

Сиз куфрда маҳкам турадиган бўлсангиз, Аллоҳни, Пайғамбарни ва Қуръонни инкор қилаверсангиз, Аллоҳ хоҳласа, сизни ер юзидан бутунлай йўқ этиб, ўрнингизга Ўз йўлига юрадиган, иймонли янги бир халқни келтиради.

وَمَا ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ بِعَزِيزٍ ﴿١٧﴾

### 17. Ва бу Аллоҳ учун қийин эмасдир.

Зотан, Аллоҳ таоло учун қийин ишнинг ўзи йўқ.

Бандаларнинг Аллоҳ таолога куфр келтиришлари ҳам, гуноҳ қилишлари ҳам айнан ўзларига зарар келтиради. Иймонлилар, тақводорлар эса, нажот топадилар.

وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ وَإِن تَدْعُ مُثْقَلَةٌ إِلَىٰ جَمِلِهَا لَا يَحْمِلُ مِنْهُ شَيْءٌ وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ  
 إِنَّمَا نُنذِرُ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِالْغَيْبِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَمَن تَزَكَّىٰ فَإِنَّمَا يَتَزَكَّىٰ لِنَفْسِهِ  
 وَإِلَى اللَّهِ الْمَصِيرُ

**18. Ўзи юкли жон ўзга жоннинг юкини кўтара олмас. Юки оғир жон ўз юкига (бошқани) чақирса-да, ундан ҳеч бир нарса кўтарилмас. Гарчи қариндош бўлса ҳам. Сен фақат ғайбдаги Роббиларидан қўрқадиган ва намозни тўқис адо этганларни огоҳлантирурсан. Ким покланса, ўзи учун покланур. Қайтиш Аллоҳгадир.**

Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Ҳар жон ўз қилмишига яраша мукофот ёки жазо олади. Биров учун биров жавоб бермайди. Бировнинг гуноҳи бировга юклатилмайди.

**«Ўзи юкли жон ўзга жоннинг юкини кўтара олмас.»**

Ҳар кимнинг юки ўзига етади. Ўзиники туриб бировнинг юкини кўтаришга йўл бўлсин.

**«Юки оғир жон ўз юкига (бошқани) чақирса-да, ундан ҳеч бир нарса кўтарилмас. Гарчи қариндош бўлса ҳам.»**

Қиёмат кунида гуноҳи кўп жон уни енгиллатиш мақсадида энг яқин қариндошини ёрдамга чақирса ҳам, унинг гуноҳидан бирор нарса кўтарилмайди. Чунки, яқин қариндошнинг ўзи юкини кўтара олмай хуноб бўлаётган бўлади.

Эй Пайғамбар, модомики иш шундай экан, кофирларнинг қилмишларидан қуюниб юрма. Улар қилмишларига яраша жазо оладилар.

**«Сен фақат ғайбдаги Роббиларидан қўрқадиган ва намозни тўқис адо этганларни огоҳлантирурсан.»**

Ҳа, сен Аллоҳ таолони кўрмасдан, Унга ғойибона иймон келтириб, Ундан қўрқиб, намозини тўқис ўқиб юрган мўмин-мусулмон кишиларни огоҳлантирасан, холос.

Бенамозларнинг қулоғига ваъз-насихат кирмаслигини шундан билиб олса бўлади.

Ҳа, эй Пайғамбар, кофирларнинг қилмишидан хафа бўлаверма.

**«Ким покланса, ўзи учун покланур.»**

Сен учун ҳам эмас, Аллоҳ учун ҳам эмас ёки бошқа биров учун ҳам эмас, ҳар ким ўзи учун покланади.

**«Қайтиш Аллоҳгадир.»**

Кофир ҳам, мўмин ҳам фақат Аллоҳга қайтади. Бошқага эмас. Ана ўшанда Аллоҳ таоло Ўзи билиб ҳисоб-китоб қилади. Кофир ва осий жазосини, мўмин-мусулмон мукофотини олади.

## وَمَا يَسْتَوِي الْأَعْمَىٰ وَالْبَصِيرُ

### 19. Кўр билан кўзи очиқ тенг бўлмас.

Кўр билан кўзи очиқ тенг бўлмаганидек, кофир билан мўмин ҳам тенг бўлмайди. Ҳиссий кўриш маъносида кўр билан кўзи очиқ баробар дейилса, бу гапга заррача ақли бор одам мутлақо ишонмайди. Чунки, маълум ва машҳурки, кўр одам йўлини топиб юра олмайди, бирор нарсани кўра олмайди. Аммо, кўзи очиқ, яхши кўрадиган одам ҳамма нарсани кўради, йўлини топиб юради ва ишларини билиб қилади. Худди шу нарса маънавиятга таққос-ланадиган бўлса, кофир кўр, мўмин кўзи очиқ бўлади. Кофир икки дунёлик ишларини қилишда ҳеч қандай маънавий кўриш қуролига эга эмас. У бу маънода тўлиқ кўр. Мўмин эса, Аллоҳ таоло томонидан берилган иймон, дин, илоҳий китоб, Пайғамбар кўрсатмалари ва бошқа кўриш қуролларига эга. Мўмин икки дунёга керакли ҳар бир нарсанинг энг тўғри ва энг осон ҳамда энг ишончли кўрсатмасига эга. Албатта, икковлари тенг бўлмайдилар.

Шунингдек,

## وَلَا الظُّلُمَاتُ وَلَا النُّورُ

### 20. Зулумотлар билан нур ҳам.

Зулумотлар билан нур баробар бўлмаганидек, кофир билан мўмин ҳам баробар бўлмайди. Зулмат куфрдир. Иймон нурдир. Зулумотларда ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Зулумотларда мақсад сари бир қадам ҳам босиб бўлмайди. Нур ила ҳамма нарсани кўриш мумкин. Нур ила ҳар бир мақсадга эришиш мумкин. Куфр ила ҳеч нарсага эришиб бўлмас. Иймон ила ҳар бир яхши нарсага эришилур.

## وَلَا الظُّلُّ وَلَا الْحُرُورُ

### 21. Соя билан жазирама ҳам.

Иймон соядир. Куфр жазирамадир. Иймон соясида ўтганлар у дунёда жаннатга тушади, куфр жазирамасида ўтганлар дўзах жазирамасида куяди.

## وَمَا يَسْتَوِي الْأَحْيَاءُ وَلَا الْأَمْوَاتُ إِنَّ اللَّهَ يُسْمِعُ مَن يَشَاءُ وَمَا أَنتَ بِمُسْمِعٍ مَّن فِي الْقُبُورِ

**22. Тириклар билан ўликлар тенг бўлмас. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсага эшиттирур. Сен қабрлардаги кимсаларга эшиттиргувчи эмассан.**

Иймон ҳаётдир. Куфр ўлимдир. Мўминлар тириклардир, кофирлар ўликлардир. Тириклар билан ўликлар тенг бўлмаганидек, мўминлар билан кофирлар ҳам тенг бўлмайдилар.

**«Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсага эшиттирур.»**

Аллоҳ таоло Ўз каломини, даъватини хоҳлаган кимсага эшиттиради.

**«Сен қабрлардаги кимсаларга эшиттиргувчи эмассан.»**

Даъватни инкор этувчи кофирлар қабрдаги ўликка ўхшайди. Сен, эй Пайғамбар, уларга Аллоҳнинг даъватини эшиттира олмайсан. Шунинг учун, кофирларнинг ҳолидан ортиқча куюнма.

﴿٢٣﴾ إِنَّ أَنْتَ الْآزِيزُ

**23. Сен фақат огоҳлантиргувчисан, холос.**

Эй Пайғамбар, сенинг вазифанг кишиларни огоҳлантириш, холос. Уларни ҳидоятга солиш Аллоҳнинг ишидир.

﴿٢٤﴾ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَإِنْ مِنْ أُمَّةٍ إِلَّا خَلَا فِيهَا نَذِيرٌ

**24. Албатта, Биз сени ҳақ ила хушxabарчи ва огоҳлантиргувчи этиб юбордик. Қайси бир умматки бўлса, унда огоҳлантиргувчи бўлган.**

Эй Пайғамбар, албатта, Биз сени ҳақ дин ва ҳақ китоб ила мўминларга хушxabарчи, кофирларга огоҳлантирувчи — қўрқитувчи қилиб юбордик. Сенинг Пайғамбар бўлишинг ажабланарли иш эмас, янгилик ҳам эмас.

Инсоният тарихида:

**«Қайси бир умматки бўлса, унда огоҳлантиргувчи бўлган.»**

Ҳар бир қавмга, ҳар бир умматга сенга ўхшаш огоҳлантирувчи Пайғамбар келган. Ўша ўтган умматлар билан уларга келган Пайғамбарлар ўртасида турли можаролар бўлиб ўтган.

وَإِنْ يُكَذِّبُوكَ فَقَدْ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ وَبِالزُّبُرِ وَبِالْكِتَابِ

﴿٢٥﴾ الْمُنِيرِ

**25. Агар сени ёлғончи қилсалар, бас, батаҳқиқ, улардан олдин ўтганлар ҳам ёлғончи қилганлар. Ҳолбуки, Пайғамбарлари**



уларга равшан мўъжизалар, саҳифалар ва нурли китоб келтирган эдилар.

Эй Пайғамбар, эй Муҳаммад, агар кофирлар сени ёлғончи қилсалар, хафа бўлма, қадимдан уларнинг одатлари шунақа. Олдинги кофирлар ҳам ўзларига келган Пайғамбарларни ёлғончи қилганлар.

**«Ҳолбуки, Пайғамбарлари уларга равшан мўъжизалар, саҳифалар ва нурли китоб келтирган эдилар.»**

Сени ҳам, ўтган Пайғамбарларни ҳам инкор этишга кофирларнинг ҳақлари йўқ эди. Ўша Пайғамбарлар ўзларининг ҳақ Пайғамбар эканликлари тасдиғи сифатида Аллоҳ томонидан равшан, очиқ-ойдин мўъжизалар кўрсатган эдилар. Баъзилари илоҳий китоб даражасига етмаган саҳифалар, баъзилари нурли китоб келтирган эди.

Забур, Таврот ва Инжил ўша китоблардир. Шунга қарамай, кофирлар уларни ёлғончи қилдилар.

ثُمَّ أَخَذَتُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَكَيْفَ كَانَتْ نَكِيرٍ ﴿٢٦﴾

**26. Сўнгра, куфр келтирганларни тутдим. Бас, Менинг инкорим қандоқ бўлди?!**

Ўтган барча умматларнинг кофирларини охир-оқибатда Аллоҳ таоло азоби ила тутган. Бу ҳам умумий қоида. Шунинг учун, Муҳаммад алайҳисаломга куфр келтирганларни ҳам Аллоҳ Ўз азоби ила тутиши турган гап.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло қўрқитиш учун савол бериб:

**«Бас, Менинг инкорим қандоқ бўлди?!»** дейди.

Албатта, Аллоҳ таолонинг кофирлар қилмишига қарши инкори — азоби ўта шиддатли ва қаттиқ бўлди. Бу нарса ҳаммага маълум. Шунинг учун, кейинги умматлар улардан ибрат олиб, Аллоҳнинг инкорига учраганларнинг қилмишини такрорламасликлари керак.

Эндиги келадиган оятларда эътиборни Аллоҳ таолонинг қудратига далолат қилувчи борлиқдаги баъзи нарсаларга тортилади:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ ثَمَرَاتٍ مُخْتَلِفًا أَلْوَانُهَا وَمِنَ الْجِبَالِ جُدَدٌ  
بَيْضٌ وَحُمْرٌ مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهَا وَغَرَابِيبُ سُودٌ ﴿٢٧﴾

**27. Аллоҳнинг осмондан сув туширганини кўрмадингми? Бас, у ила турли ранглардаги меваларни ва тоғлардан ҳам йўл-йўл,**

**оқ ҳамда қизилнинг турли рангларини ва қоп-қораларини чиқардик.**

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўзи яратган табиатдаги ажойиботларига эътиборни тортмоқда. У зот ҳар бир ақлли бандасига хитобан, ўзининг ажойиботларига эътибор беришни таклиф этмоқда.

**«Аллоҳнинг осмондан сув туширганини кўрмадингми?»**

Осмондан сув тушишининг ўзи Аллоҳнинг чексиз қудратига ёрқин далил бўлади. Ҳамма сувларни Аллоҳ таоло осмондан туширгандир. Баъзан бевосита ёмғир ёки қор кўринишида, баъзан эса, муз шаклида ёғдиради. Ана ундан булоқлар, қудуқлар, кўллар, анҳор ва дарёлар ўз сувини олади. Бу сувдан ҳамма фойда олади. Жумладан, ўсимликлар ҳам.

**«Бас, у ила турли ранглардаги меваларни...»** чиқаради.

Ер ҳам, сув ҳам битта, аммо уларнинг ҳосили бўлмиш мевалар турли рангда, турли шакл ва турли таъмга эга бўлади. Шунинг ўзи Аллоҳ таолонинг чексиз қудратининг далили эмасми? Аммо одам боласи бу улкан мўъжизага эътибор бермайди. Унга ибрат кўзи билан қарамайди. Аллоҳ яратган турли рангдаги ўша ўсимлик ва мевалар расмини Аллоҳ берган ақл, истеъдод ва қўл билан Аллоҳ берган рангларда чизган рассомга тасаннолар ўқийди. Унинг расмлари учун кўргазмалар ўтказади. Одамлар эътиборини тортишга ҳаракат қилади. Рассом маҳоратини кўкларга кўтариб мақтайди. Унга мукофотлар беради. Аммо буларни йўқдан бор қилган Зотни инкор этади. Унга куфр келтиради. Ҳолбуки, ранг-баранг меваларнинг ўзигина кишиларнинг иймонга келишлари учун етарли далил-ҳужжатдир.

**«...ва тоғлардан ҳам йўл-йўл, оқ ҳамда қизилнинг турли рангларини ва қоп-қораларини чиқардик.»**

Турли-туман ранг фақат меваларда эмас, балки улкан ва салобатли тоғларда ҳам бўлади.

Улардан турли рангдаги йўл-йўллари, ўзаро фарқланувчи оқ ва қизил ранглилари бор. Шунингдек, тоғларнинг ичида қоп-қоралари ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг биру борлиги ва чексиз қудрат соҳиби эканлигига далилдир.

Турли набототлар ва тоғларнинг яратилиши эмас, ҳозирча фақат уларнинг ранглари ҳақида гапирайлик. Аллоҳ таоло уларни ранглантирмаса ким ранглантиради? Бунчалик турли-туман ранглар қаёқдан келади? Шунча нарсани бўяб чиқишга кимнинг қудрати етади?

وَمِنَ النَّاسِ وَالْدَّوَابِّ وَالْأَنْعَامِ مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُمْ كَذَلِكَ إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ

الْعُلَمَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ

**28. Шунингдек, одамлардан, ҳайвонлардан ва чорвалардан ҳам турли ранглардагиларини чиқардик. Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар. Албатта, Аллоҳ азийз ва ўта мағфиратли зотдир.**

Жамодот ва наботот оламидан жонзотларнинг рангларига ўтилади.

Одамларнинг ранглари турли-туман. Ҳаммаси ҳам ер юзида яшайдилар. Ҳаммасининг ҳам жисми, яъни қоматлари, икки қўли, икки оёғи, боши ва бошқа аъзолари бир хил. Ҳаммаси ҳам сув ичиб, таом ейди. Бир ҳаводан нафас олади. Аммо ранглари турли-туман. Мана шунинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг биру борлигига ва чексиз қудрат соҳиби эканлигига ёрқин далилдир.

Худди шунингдек, турли ҳайвонлар ва чорва ҳайвонларининг ранглари ҳам инсонни ҳайратга соладиган даражада хилма-хилдир. Буларнинг ҳаммасининг яратилиши устида эмас, балки фақат ранглари, қай ҳикмат ила ҳозирги ҳолатга келиб қолгани ҳақида фикр юритиб, инсоф билан ўйлаб кўрган одам мўмин-мусулмон бўлиши керак. Шулардан ибрат олиб, Аллоҳни эслаганларгина эслихушли, билимли инсон ҳисобланиши мумкин. Чунки:

**«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар».**

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, яратилган нарсалардан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб етиб, ақли билан Аллоҳни топган ва ундан қўрққан одамгина олим ҳисобланади. Аммо мазкур махлуқотларнинг тарихи, тузилиши, таркибидаги моддалари, хусусиятлари ва бошқа турли маълумотларини тўлиқ ўрганиб, уларни яратган Аллоҳни танимаган ва ундан қўрқмаган одам ўта жоҳил ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху: «Илм гапнинг кўплигида эмас. Илм қўрқишнинг кўплигидир», деган эканлар.

Имом Ҳасан ал-Басрий: «Олим – Аллоҳдан ғойибона қўрққан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир», дея туриб: «Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» оятини тиловат қилар эканлар.

**«Албатта, Аллоҳ азийз ва ўта мағфиратли зотдир.»**

Аллоҳ ҳар нарсадан ғолибдир. Нимани хоҳласа, қила олур. У ўта мағфиратли зотдир. Вақтида ибрат олиб, ўзини таниганларни мағфират этади.

Борлиқдаги нарсалардан ибрат олиш ҳақидаги бу гаплардан сўнг, Аллоҳ юборган ваҳийдан ибрат олиш, унга эргашиш ва амал қилиш ҳақида сўз кетади.

إِنَّ الَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تِجَارَةً لَّن تَبُورَ ﴿٧٤﴾ لِيُؤْفِقَهُمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِ إِنَّهُ غَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٧٥﴾

**29. Албатта, Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлулар.**

**30. Чунки, У зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур. Албатта, У ўта мағфиратли ва Шакур(оз амал учун кўп савоб берувчи)дир.**

Бу икки оятда Аллоҳ таоло мўмин бандаларининг баъзи сифатлари ва уларга бериладиган мукофотлар ҳақида сўз юритмоқда.

**«Албатта, Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар...»**

Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримни тиловат қилиш унга кўз югуртириб чиқиш ёки ёдлаб олган жойини шуурсиз такрорлаш эмас. Қуръон тиловати уни бутун вужуд билан ҳис этган ҳолда тадаббур ила ўқиб, унга амал қилишдир. Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримни тиловат қилиш ҳар бир мўминнинг бурчидир. Ким ҳам Аллоҳнинг китоби тиловатини билмай туриб бандалик даъвосини қилади? Қуръон тиловати ҳар бир мўминнинг кундалик вазифаси бўлиши керак. Оддий кишилар учун уламоларимиз ҳар куни бир порадан ўқиб туришни тавсия қиладилар. Шунда бир ойда Қуръони Карим бир марта ўқиб чиқилади. Ҳар бир мўмин Қуръонни бошидан охиригача ўқишни ўрганиб, ундан бир порани кундалик вазифа қилиб олиши керак. Ҳа, Қуръон тиловати ниҳоятда зарур. Шунинг учун ҳам, оятда мўминлар сифатлари ичида биринчи ўринда Қуръон тиловати келмоқда. Аввал айтиб ўтилганидек, ҳақиқий тиловат, зикр қилинган ҳукмларга амал этишга чорловчи тиловатдир. Шунинг учун ҳам, тиловатдан кейин,

**«намозни тўқис адо этиб»** деган сифат келмоқда. Намозни тўқис адо этиш мўмин кишининг асосий сифатларидан биридир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз билан биздан бошқаларнинг орасидаги фарқ намоздир», деганлар.

**«Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар...»**

Аллоҳ берган ризқдан Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиш ҳам мўмин-мусулмонларнинг сифати саналади. Мусулмонлар доимо шу сифатлари билан бошқалардан ажралиб турганлар.

Ана шу ишларни бажарганлар, Аллоҳнинг китобини тиловат қилиб, намозни тўқис адо этиб, Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилган мўмин-мусулмонлар:

**«ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар».**

Чунки, улар Аллоҳ таоло билан савдолашмоқдалар. Аллоҳ таоло билан тижорат қилганлар ҳеч қачон касодга учрамаганлар ва учрамайдилар ҳам.

**«Чунки, У зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур.»**

Демак, бу тижорат нафақат касодга учрамайдиган, балки доимо фойда келтирадиган тижоратдир. Бу тижорат билан шуғулланганлар жуда ҳам бахтли инсонлардир.

**«Албатта, У ўта мағфиратли ва Шакур(оз амал учун кўп савоб берувчи)дир.»**

Яъни, Аллоҳ таоло ўта мағфиратли зотдир. Қуръон тиловат қилган, намозни тўқис адо этган, инфоқ-эҳсон қилганларнинг гуноҳларини мағфират этади.

Аллоҳ таоло ўта шукр қилгувчи, бандаларининг шукрларини қабул этгувчи ва неъматларини зиёда қилгувчи зотдир.

وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ هُوَ الْحَقُّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِ لَخَبِيرٌ بَصِيرٌ ﴿٣١﴾

**31. Биз сенга ваҳий қилган китоб айна ҳақдир, ўзидан олдинги нарсани тасдиқловчи бўлгандир. Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир.**

Эй Муҳаммад, Биз сенга ваҳий қилган китоб – Қуръон айна ҳақдир. Ундан бошқа ҳақ йўқ. Қуръоннинг ўзи, унинг таълимоти ва ҳукмлари ҳақдир.

Аллоҳ таолонинг ҳақ китоби – Қуръони Карим

**«ўзидан олдинги нарсани тасдиқловчи бўлгандир».**

У ўзидан олдинги илоҳий китобларни тасдиқлаб келгандир. Чунки, Қуръонни ҳам ўша китобларни нозил қилган Зот туширгандир.

**«Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир.»**

Уларнинг ҳар бир ишидан хабардор бўлиб, ҳар бир нарсасини яхши кўриб турибди. Вақти келганда Ўзи билиб муомала қилади.

ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَابَ الَّذِينَ اصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا فَمِنْهُمْ ظَالِمٌ لِّنَفْسِهِ وَمِنْهُمْ مُقْتَصِدٌ وَمِنْهُمْ سَابِقٌ بِالْخَيْرَاتِ يُؤْتِنُ اللَّهُ ذَلِكَ هُوَ الْفَضْلُ الْكَبِيرُ ﴿٣٢﴾

**32. Сўнгра бу китобни Ўз бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик. Бас, улардан ўзига ўзи зулм қилувчилари бор, улардан ўртачалари бор ва улардан Аллоҳнинг изни ила яхшиликларга ўзувчилар ҳам бор. Ана шу айни улуғ фазлдир.**

Бу оят мусулмон умматининг мақоми нақадар улуғ эканлигини яққол кўрсатмоқда. Аллоҳ таоло Ўзининг ҳақ китобига меросхўр қилиб барча умматлар ичидан айнан мусулмон умматини танлаб олганини айтмоқда.

**«Сўнгра бу китобни Ўз бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик.»**

Аллоҳ таоло Ўзининг боқий мўъжизаси бўлмиш ҳақ китоби — Қуръони Каримни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматига мерос қилиб берди. Бу иноятда шон-шараф ҳам, жуда улкан масъулият ҳам бор.

Ана шундай шон-шараф ва катта масъулият юклатилган уммат ичида турли кишилар мавжуд.

**«Бас, улардан ўзига ўзи зулм қилувчилари бор...»**

Улар ўша шон-шарафга номуносиб ва зиммасидаги масъулиятни англаб етмаган осийлардир. Бу тоифадаги одамларнинг ёмонликлари яхшиликларидан кўп бўлган Улар ўзларига ишониб топширилган ҳақ китобга муносиб бўла олмай ўзларига ўзлари зулм қилганлардир.

**«...улардан ўртачалари бор...»**

Уламоларимиз «ўртачалар» — фарз ва вожиб амалларни адо этадиган, ҳаромлардан узоқ бўлган, баъзи мустаҳабларни тарк этиб, баъзи макруҳларни қилган кишилардир, дейдилар.

**«...ва улардан Аллоҳнинг изни ила яхшиликларга ўзувчилар ҳам бор.»**

Улар барча фарз, вожиб ва суннат амалларни тўлиқ адо этадилар. Барча ҳаром, шубҳали ва макруҳ амаллардан узоқда бўладилар. Бунинг устига, номига яхшилик бўлса, ҳаммадан ўзиб етиб борадилар.

**«Ана шу айни улуғ фазлдир.»**

جَنَّاتٍ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرٍ مِنْ ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ ﴿٣٢﴾

**33. Улар адн жаннатларига кирурлар. Унда тилло билакузуклар ва инжулар ила безатилурлар. Унда либослари ипақдир.**

«Адн» жаннатнинг номларидан бири бўлиб, «неъматга бой туриш жойи» маъносини билдиради. Демак, охиратда Аллоҳнинг ҳақ китоби — Қуръони Каримга муносиб меросхўр зотлар юксак мукофотларга сазовор бўладилар.

**«Улар адн жаннатларига кирурлар.»**

Улар неъматга бой турар жой бўлмиш жаннатлардан жой оладилар. Шунинг ўзи энг улкан мукофот. Қанча-қанча одамлар унга яқинлаша билмай хору-зор юради. Аммо мазкур бахтиёр зотларни тақдирлаш бу билан тамом бўлмайди. Фақат жаннатга кирибгина қолмайдилар. Балки,

**«Унда тилло билакузуклар ва инжулар ила безатилурлар».**

Икромнинг устига икром бўлади. Нозу неъматга тўла адн жаннатларида роҳатланиб юрганлари устига тилло билакузуклар билан безатиладилар. Инжулар билан безатиладилар.

**«Унда либослари ипақдир.»**

Яъни, адн жаннатида кийимлари ипақдан бўлади.

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزْنَ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٢٤﴾

**34. Улар: «Биздан ғам-қайғуни кетказган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Албатта, Роббимиз ўта мағфиратли ва Шакур(оз амал учун кўп савоб берувчи)дир», – дерлар.**

Улар маҳшарда қиёмат даҳшатларидан қўрқиб турган эдилар. Жаннатга киришларига ҳукм бўлганидан кейин, унга кираётиб:

**«Улар: «Биздан ғам-қайғуни кетказган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин», дейдилар.**

Қиёмат даҳшатларини кўргач, бизни ғам-қайғу босиб турган эди. Аллоҳ бизнинг жаннатга киришимиз ҳақида ҳукм қилиб, бу ғам-қайғуни кетказади. Шунинг учун У зотга ҳадсиз ҳамду санолар бўлсин, дейдилар.

**«Албатта, Роббимиз ўта мағфиратли ва Шакур(оз амал учун кўп савоб берувчи)дир», – дерлар.»**

Аллоҳ Ўзининг бу сифатлари билан бизни Ўз жаннатида кiritгани учун У зотга ҳамду санолар бўлсин.

Сўнг улар ўз сўзларини давом эттириб:

الَّذِي أَحَلَّنَا دَارَ الْمَقَامَةِ مِنْ فَضْلِهِ ۖ لَا يَمَسُّنَا فِيهَا نَصَبٌ وَلَا يَمَسُّنَا فِيهَا الْغُوبُ ﴿٢٥﴾

**35. У зот бизларни Ўз фазли ила бир турар жойга жойлаштирдик, у ерда бизга чарчоқ ҳам етмас, ҳорғинлик ҳам етмас.**

Аллоҳ таоло бизларни Ўз фазли-марҳамати ила бир олиймақом истиқомат жойига жойлаштирди. У олиймақом жойда биз ҳеч қачон чарчамаймиз, руҳларимиз ҳеч қачон ҳорғинлик сезмайди. Шунинг учун У зотга ҳамду санолар бўлсин.

Аллоҳнинг ҳақ китоби – Қуръони Каримга муносиб меросхўр бўлган зотлар ана шундай роҳат-фароғатда турган бир пайтда, кофирларнинг ҳоли тамоман ўзгача бўлади.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا  
كَذَٰلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَافِرٍ ﴿٣٦﴾

**36. Куфр келтирганларга жаҳаннам оташи бордир. Уларга на ҳукм қилинмаски, ўлсалар ва на улардан у(жаҳаннам)нинг азобидан енгиллатилмас. Ҳар бир кофирни шундоқ жазолаймиз.**

Тамоман бошқача ҳолат.

Кофирлар жаҳаннам оташига ташландилар.

**«Куфр келтирганларга жаҳаннам оташи бордир.»**

Унда улар куйиб қийналмоқдалар. Агар куйиб-куйиб ўлиб қолсалар, қутулар эдилар. Аммо, уларнинг ўлиши ҳақида ҳукм ҳам йўқ.

**«Уларга на ҳукм қилинмаски, ўлсалар...»**

Улар ўлмай, шу ҳолларида абадул-абад қийналаверадилар.

**«...ва на улардан у(жаҳаннам)нинг азобидан енгиллатилмас.»**

Айни дамда, жаҳаннамнинг азоби улар учун бирор лаҳза ҳам енгиллатилмайди.

**«Ҳар бир кофирни шундоқ жазолаймиз.»**

Бирортаси қочиб қутула билмайди. Бирортаси ўлиб қутула олмайди. Бирортасидан азоб енгиллаштирилмайди.

وَهُمْ يَصْطَرِحُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ أَوَلَمْ نَعْمَرْكُمْ  
مَا تَذَكَّرْ فِيهِ مِنْ تَذَكَّرٍ وَجَاءَكُمُ النَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ ﴿٣٧﴾

**37. Улар у ерда: «Эй Роббимиз!!! Бизларни чиқар!!! Қилиб юрган амалларимиздан бошқа, солиҳ амаллар қиламиз!!!» – деб доду фарёд солурлар. «Сизларга эслайдиган одам эслагудек умр бермаган эдикми?! Сизларга огоҳлантиргувчи келмаган эдими?! Бас, энди, тотаверинглар! Золимларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир», (дейилур).**

Жаҳаннамда шиддатли азобларга дучор бўлган кофирлар чидай олмай Роббул олабийнга ёлворишга ўтадилар.

**«Эй Роббимиз!!! Бизларни чиқар!!!»**

Ҳаёти дунёда Аллоҳни Робб деб тан олишдан бош тортган эдилар. Энди эса, ўзларидан-ўзлари «Эй Роббимиз!!!» дейишга ўтдилар.



Бизларни бу шиддатли азобга тўла жаҳаннамдан чиқар!

**«Қилиб юрган амалларимиздан бошқа, солиҳ амаллар қиламиз!!!» – деб доду фарёд солурлар.»**

Улар гапга ҳам, ўйга ҳам эътибор бермайдилар, яъни, солиҳ гаплар айтамыз, яхши ўйлар ўйлаймиз, демайдилар. Балки амал ҳақида гапирадилар. Чунки, амал нима эканини тушуниб қоладилар.

Лекин уларнинг талаблари қондирилмайди. Уларнинг бу дод-фарёдлари инобатга олинмайди. Балки уларни яна ҳам хорлайдиган гаплар айтилади. Аллоҳ таоло уларга:

**«Сизларга эслайдиган одам эслагудек умр бермаган эдикми?!»**– дейди.

Ўша биз берган умрни нимага сарф қилдингиз?! Нима учун солиҳ амал қилиш ўз вақтида эсингизга келмади?! Аллоҳ таоло умр бериб қўйган вақтда солиҳ амал қилмасдан, энди, дўзахга тушган дамда, солиҳ амал қилиш ёдингизга келиб қолдимми?!

**«Сизларга огоҳлантиргувчи келмаган эдимми?!»**

Сизларга иймон ва солиҳ амалга чақиргувчи, жаҳаннам азобидан огоҳлантиргувчи Пайғамбар ёки унинг даъвати келмаган эдимми?! Келган эди. Аммо ўша пайтда сиз уни инкор қилган ёдингиз. Энди дўзахга тушгач, Пайғамбар даъватидаги солиҳ амални ўйлаб қолдингизми?!

**«Бас, энди, тотаверинглар!»**

Энди бўлар иш бўлди. Дод-фарёд қилмай, бемалол жаҳаннам азобини тотаверинглар!

**«Золимларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир.»**

Сиз золимларсиз, сизга бирор ёрдамчи бўлмас!

إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ غَيْبِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِنَّهُمْ عَلَيْهِمْ ذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٢٨﴾

**38. Албатта, Аллоҳ осмонлару ернинг гайбини билгувчидир. Албатта, У диллардаги сирларни ҳам ўта билгувчидир.**

Шунинг учун ҳам, кофирларни юқорида айтилганидек жазолашни лозим кўргандир.

هُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَائِفَ فِي الْأَرْضِ فَمَنْ كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُ وَلَا يَزِيدُ الْكَافِرِينَ كُفْرَهُمْ إِلَّا خَسَارًا ﴿٢٩﴾

**39. У зот сизларни ер юзида халифалар қилиб қўйгандир. Ким куфр келтирса, унинг кофирлиги ўзига зарар. Кофирлар учун**

**куфрлари Роббилари ҳузурида ғазабдан бошқани зиёда қилмас. Кофирлар учун куфрлари зиёндан бошқани зиёда қилмас.**

Дунё бунёд бўлибдики, биров кетади, биров келади. Шундай қилиб, одамлар, қавмлар, давлатлар ва умматлар бир-бирларига халифа-ўринбосарлар бўлиб келмоқда. Ана шу тарихдан ваъз-насиҳат, ибрат олмақ лозим. Ўтганларнинг қилмиш ва оқибатларидан кейинги авлодлар ўрнак олишлари керак. Охирати куйганларнинг хатоларини такрорламаслик лозим. Оқибати яхшилик билан тутаганларнинг изидан бориш керак.

Хўш, уларнинг оқибати қандоқ бўлган эди? Бу борада умумий қоида борми?

**«Ким куфр келтирса, унинг кофирлиги ўзига зарар.»**

Умумий қоида шу. Ким куфр келтирса, ўзи зарар кўради. Ўтган умматларнинг тажрибаси шуни кўрсатади. Дунё пайдо бўлганидан буён ҳозирга қадар ҳеч кимга куфр фойда бермаган, аксинча, доимо зарар келтирган ва келтирмоқда.

**«Кофирлар учун куфрлари Роббилари ҳузурида ғазабдан бошқани зиёда қилмас.»**

Ким кофир бўлса, Робби ҳузурида ғазабга учрайди. Куфри учун Робби унга фақат ғазабни орттиради, холос. Кофирлар бу дунёда ҳам фойда топмайдилар. Чунки:

**«Кофирлар учун куфрлари зиёндан бошқани зиёда қилмас.»**

Дунё тажрибасига кўра, ҳозиргача куфр ҳеч кимга фойда бергани йўқ. Доимо зиён қилиб келган. Бу маълум ва машҳур.

Бу ҳақиқатлардан ҳар бир инсон ўрнак олиши керак.

Эй Пайғамбар!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ شُرَكَاءَكُمُ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَرُونِي مَاذَا خَلَقُوا مِنَ الْأَرْضِ أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِي السَّمَوَاتِ أَمْ آتَيْنَهُمْ كِتَابًا فِهِمْ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّنْهُ بَلْ إِنِ بِعِذِ الظَّالِمُونَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ أَغْوَرًا فِي

**40. Сен: «Менга Аллоҳдан бошқа илтижо қилаётган шерикларингизнинг хабарини беринг-чи?! Менга кўрсатинглар-чи, улар ерда нимани яратдилар?! Ёки уларнинг осмонлар(иши)да шерикликлари борми?!» – деб айт. Ёки Биз уларга китоб берганмиз-у, улар ундан бирон ҳужжатга эга бўлганларми?! Йўқ!!! Золимлар бир-бирларига алдовдан бошқани ваъда қилмаслар.**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мушрикларни ожиз қолдирувчи бир неча саволлар беришни ўргатмоқда. Эй Муҳаммад, мушрикларга:

**Сен: «Менга Аллоҳдан бошқа илтижо қилаётган шерикларингизнинг хабарини беринг-чи?!»** деб айт.

Эй, мушриклар, сизлар Аллоҳнинг ибодатини қўйиб, ўзингизча сохта худоларга сифинмоқдасиз. Менга ўша шерикларингизнинг хабарини беринг-чи?!

**«Менга кўрсатинглар-чи улар ерда нимани яратдилар?!»**

Эй, мушриклар, қани менга кўрсатинглар-чи, Аллоҳга шерик қилиб олган ўша нарсаларингиз ер юзида нимани яратдилар?! Улар томонидан яратилган бирор нарса борми ўзи? Бировнинг ибодатига эришиш учун яратувчилик сифатига эга бўлиш керак. Аллоҳга шерик бўлиш учун унинг яратувчилик сифатига ҳам шерик бўлиб, баъзи нарсаларни яратган бўлиши керак.

**«Ёки уларнинг осмонлар(иши)да шерикликлари борми?!»**

Осмонларни ва улардаги мавжудотларни яратишда Аллоҳ таолога шериклик қилишганми? Бўлса, айтинг! Фалон осмоннинг фистончи жойини ёки ундаги мавжудотларнинг бунчасини яратган, денглар!

**«Ёки Биз уларга китоб берганмиз-у, улар ундан бирон ҳужжатга эга бўлганларми?!»**

Ўша китобда уларнинг Аллоҳга шериклиги ёзиб қўйилганми? Ўша ҳужжат асосида Аллоҳга шерик худо бўлмоқдаларми?

**«Йўқ!!!»**

Улар ерда яратган ҳеч нарса йўқ! Уларнинг осмон ишларида ҳам ҳеч қандай шерикликлари йўқ! Уларнинг Аллоҳ томонидан берилган ҳеч қандай китоблари ҳам йўқ! Бинобарин, ҳеч қандай ҳужжатга ҳам эга эмас.

**«Золимлар бир-бирларига алдовдан бошқани ваъда қилмаслар.»**

Золим мушриклар сохта худолари, уларнинг ўзларига «фойдалари» ҳақида бир-бирларига алдовни ваъда қиладилар, холос. Бизнинг шерик худоларимиз катта худо олдида шафоат қиладилар, ундоқ, бундоқ, деб ғурурга кетказувчи алдовларни айтадилар, холос.

Аллоҳ таоло Ўзига келтирилган шерикларнинг ботил эканини фош қилганидан сўнг, эндиги оятда ўзининг қудратига, яккаю-ягоналигига далиллар зикр қилади.

﴿إِنَّ اللَّهَ يُمْسِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ أَنْ تَزُولَا وَلَئِن زَالَتَا إِنْ أَمْسَكَهُمَا مِنْ أَحَدٍ مِنْ بَعْدِهِ ۗ﴾

﴿إِنَّهُ كَانَ حَلِيمًا غَفُورًا﴾

**41. Албатта, Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур. Агар улар қулайдиган бўлсалар, Ундан ўзга ҳеч**

**ким уларни ушлаб тура олмас. Албатта, У ўта ҳалийм ва ўта мағфиратли бўлган зотдир.**

Осмонлару ернинг яратилиши, уларнинг йўқдан бор қилиниши ҳақида гапирмай турайлик-да, уларнинг туриши ҳақида фикр юритайлик. Осмонлару улардаги сонсиз-саноксиз нарсалар, ер ва ундаги нарсалар қандоқ қилиб бир тартибда турибдилар? Нима учун бирор нарсага бирон нарса билан маҳкамланмаган бўлсалар ҳам жойларида собит турибдилар? Ўз маконларидан бошқа томонга чиқиб қулаб кетмаяптилар? Уларни ким ушлаб турибди? Ўзаро тортишиш кучими? Ўзаро тортишиш кучи нима ўзи? Бу кучни пайдо қилган ким?

**«Албатта, Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур.»**

Уларни қулаб тушишларидан ушлаб турадиган Аллоҳдан бошқа зот йўқ. Аллоҳ таоло уларни ушлаб турмаса, дарҳол ўз жойларидан қулайдилар.

**«Агар улар қулайдиган бўлсалар, Ундан ўзга ҳеч ким уларни ушлаб тура олмас.»**

Мабодо, осмонлар ва ер ўз жойларидан қулайдиган бўлса, Аллоҳ таолодан бошқа уларни ушлаб қоладиган зот йўқ. Бўлса айтинглар, эй, мушриклар!

**«Албатта, У ўта ҳалийм ва ўта мағфиратли бўлган зотдир.»**

Шунинг учун, ожиз бандалари Унга нисбатан улкан зулм қилиб, бошқаларни ширк келтирсалар ҳам, ўта ҳалимлиги туфайли уларни жазолашга шошилмайди. Ўша зolim бандалар тавба қилсалар, ўта мағфиратли Аллоҳ гуноҳларини кечираверади.

Келаси оятда эса, мушрикларнинг яна бир кирдикорлари фош қилинади.

وَأَقْسَمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَانِهِمْ لَئِن جَاءَهُمْ نَذِيرٌ لَّيَكُونُنَّ أَهْدَىٰ مِنَ الْإِحْمَامِ فَلَمَّا جَاءَهُمْ نَذِيرٌ مَّا زَادَهُمْ إِلَّا نُفُورًا

**42. Улар жон-жаҳдлари билан, агар ўзларига огоҳлантирувчи келса, ҳар қандай умматдан кўра ҳидоятли бўлишлари ҳақида Аллоҳ номи ила қасам ичар эдилар. Қачонки огоҳлантирувчи келганида, уларда нафратдан бошқани зиёда қилмади.**

Араб мушриклари ўз юртларида, хусусан, Мадийнада яҳудийлар билан ёнма-ён яшар эдилар. Уларнинг тарихлари ва қиссаларини эшитган эдилар. Шунингдек, насоролар аҳволидан ҳам бир оз

бўлса-да, хабардор эдилар. Бу икки қавмнинг ўзларига огоҳлантирувчи – Пайғамбарлар келганидан кейин ҳам йўлдан озиб кетганлари арабларни ажаблантирар эди. Улар ўзларича, агар бизга огоҳлантирувчи – Пайғамбар келса, анавиларга ўхшаб юрмаймиз, ўша Пайғамбар келтирган таълимотларга амал этиб, энг ҳидоятли уммат бўламиз, деб қасам ичар эдилар. Оятда араб мушрикларининг ўша қасамлари эслатилиб, сўнгра нималар бўлгани фош этилмоқда.

**«Улар жон-жаҳдлари билан, агар ўзларига огоҳлантирувчи келса, ҳар қандай умматдан кўра ҳидоятли бўлишлари ҳақида Аллоҳ номи ила қасам ичар эдилар.»**

Вақти-соати келиб, Аллоҳ таоло бошқа умматларга огоҳлантирувчи – Пайғамбар юборганидек, қасам ичиб юрган ўша арабларга ҳам ўзлари ичидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни огоҳлантирувчи – Пайғамбар қилиб юборди.

**«Қачонки огоҳлантирувчи келганида, уларда нафратдан бошқани зиёда қилмади.»**

Огоҳлантирувчи – Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша арабларга келганларида, у зотнинг келишлари арабларнинг нафратини оширди, холос. Ундан бошқа нарсани зиёда қилмади. Улар ичган қасамларини ҳам унутдилар.

Берган ваъдаларини эсдан чиқардилар. Пайғамбардан, диндан, иймондан ва илоҳий китобдан нафратландилар, улардан ҳуркиб қочдилар.

Улар бу ишни

أَسْتَجْبَارًا فِي الْأَرْضِ وَمَكْرَ السَّيِّئِ وَلَا يَحِيقُ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا  
سُنَّتَ الْأَوَّلِينَ فَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّتِ اللَّهِ تَبْدِيلًا وَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّتِ اللَّهِ تَحْوِيلًا

**43. Ер юзида мутакаббирлик ва ёмон макр учун (қилдилар). Ёмон макр эса, фақат ўз эгасига қайтадир. Улар фақат илгаригиларнинг суннатига интизор бўлмоқдалар, холос. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз бадал топа олмассан. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан.**

Мушрикларнинг огоҳлантирувчи – Пайғамбардан нафратланиб, ундан узоқлаб қочишига сабаб ер юзида мутакаббирлик ва ёмон макр-ҳийлаларни амалга ошириш эди. Ҳолбуки,

**«Ёмон макр эса, фақат ўз эгасига қайтадир».**

Мушрикларнинг огоҳлантирувчи – Пайғамбардан қочишлари ҳам ўзларига ёмонлик келтирди.

Ўша мушриклар Пайғамбардан нафратланиб, ер юзида мута-каббирлик ва ёмон макр-ҳийлалар қилиб нимага эришмоқчилар? Улар нимани кутмоқдалар?

**«Улар фақат илгаригиларнинг суннатига интизор бўлмоқдалар, холос.»**

Ўзларидан аввал ўтганларга қандай муомала қилиш одатга айланган бўлса, буларга ҳам шу қонун жорий қилинади. Улар худди ана шу нарсани кутмоқдалар, холос. Ўшаларга ўхшаб Аллоҳнинг ғазабига учраб ҳалокатга йўлиқишларни кутмоқдалар, холос. Чунки, илгари ўтганлардан қолган суннат — қонун шудир.

**«Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз бадал топа олмассан.»**

Аллоҳнинг суннати — қонуни ўрнига бошқа қонун қўя олмассан. Аллоҳнинг суннати қадимдан кофирларнинг жорий суннати — қонунини ҳалок қилиш бўлган. Демак, бу кофирлар ҳам ҳалок бўладилар. Буларга келганда Аллоҳнинг суннати — қонуни ўрнига бошқа суннат-қонунни қўйиб уларни ҳалокатдан қутқариб қола олмайсан.

**«Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан.»**

Бу суннат — қонун ўзгармайдиган қонундир. Кофир бўлса, ҳалокатга учрайди. Бошқа гап йўқ. Демак, буларнинг ҳам ҳалокатга учраши аниқ. Бу кофирларга келганда Аллоҳнинг суннати — қонуни ўзгариб қолмайди.

أَوَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَكُنُوا أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعْجِزَهُمْ مِنْ شَيْءٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ إِنَّهُ كَانَ عَلِيمًا قَدِيرًا ﴿٤٤﴾

**44. Ахир, улар ер юзида юриб ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар солмайдиларми?! Ҳолбуки, ўшалар булардан кўра қувватлироқ эдилар. На осмонларда ва на ерда бирор нарса Аллоҳни ожиз қолдира олмас. Албатта, У зот ўта илмли ва ўта қодирдир.**

Дунё тарихидаги ҳодисалар барча уммат ва халқларга ибрат бўлиши керак. Кейинги авлодлар ўзларидан олдин ўтганларнинг тажрибаларидан фойдаланишлари лозим. Араб мушриклари бунга амал этмадилар. Улар ўзларидан олдин ўтганларнинг хатоларини такрорладилар. Уларнинг тажрибаларидан ўрнак олмадилар. Ҳолбуки, илгари ўтганларнинг бу мушрикларга ўхшаганлари ҳалокатга учраган эдилар. Араб мушриклари ана ўшалардан ўрнак олсалар бўлмасмиди?!

**«Ахир, улар ер юзида юриб ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар солмайдиларми?!»**

Улар ер юзини кезсалар, ўтган кофир-мушрик қавмларнинг яшаган жойларини кўрар ва уларнинг оқибати нима билан тутаганини билар эдилар. Куфр ва исён билан дунёдан ўтганларнинг оқибати ҳалокат бўлганига ер юзида далиллар кўп; ашъвий ҳужжатлар тўлиб ётибди.

**«Ҳолбуки, ўшалар булардан кўра қувватлироқ эдилар.»**

Лекин улар ҳалок бўддилар. Буларнинг ҳалокати эса турган гап.

**«На осмонларда ва на ерда бирор нарса Аллоҳни ожиз қолдира олмас.»**

Ундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Уни ҳеч ким алдаб кета билмайди. Унинг иродасига қарши чиққанларнинг ҳаммаси ҳалокатга учрайди.

**«Албатта, У зот ўта илми ва ўта қодирдир.»**

Ўша илми ила кофир-мушриклар нима қилаётганларини тўлиқ билиб туради. Ўша қодирлиги туфайли ҳар бирининг жазосини ҳам беради.

وَلَوْ يُؤَاخِذُ اللَّهُ النَّاسَ بِمَا كَسَبُوا مَا تَرَكَ عَلَى ظَهْرِهِمَا مِنْ ذَنْبَةٍ وَلَا كُنَ يُؤَخِّرُهُمُ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّىٰ فِإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِعِبَادِهِ بَصِيرًا

**45. Агар Аллоҳ одамларни қилганларига яраша оладиган бўлса, ер устида қимир этган жониворни қўймас эди. Лекин уларни белгиланган муддатгача қўйиб қўюр. Ўша ажаллари келганда эса... Бас, албатта, Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчи зотдир.**

Ушбу оятда Аллоҳнинг илми яққол кўзга кўринмоқда. Шунчалик илми ва қудрати бўлса ҳам, гуноҳкор бандаларини жазолашга шошилмайди.

**«Агар Аллоҳ одамларни қилганларига яраша оладиган бўлса, ер устида қимир этган жониворни қўймас эди.»**

Нафақат одамларнинг ўзини, балки бошқа жонзотларни ҳам қўймас эди. Одам боласининг гуноҳи туфайли бошқа жонзотлар ҳам зарар кўриши шундан билиб олинади.

**«Лекин уларни белгиланган муддатгача қўйиб қўюр.»**

Ўша вақтгача ризқларини териб еб, кунларини кўриб юраве-радилар.

**«Ўша ажаллари келганда эса...»** Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

**«Бас, албатта, Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчи зотдир.»**

Шунга биноан, Ўзи билиб тасарруф қилади.



## ЙААСИЙН СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 83 оятдан иборат.*

Аввалидаги «йаа» ва «сийн» муқаттаот ҳарфларидан ташкил топган «йаасийн» калимаси сурага ном бўлиб қолган. Бу сураи шарифанинг фазли ҳақида кўпгина ҳадислар ривоят қилинган. Уларнинг аксариятида «Йаасийн» сураси Қуръоннинг қалби экани таъкидланган. Шунинг учун «Қуръон қалби» сурага иккинчи ном бўлиб қолган.

Имом ал-Баззор Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир нарсанинг қалби бор. Қуръоннинг қалби «Йаасийн»дир. Мен унинг умматимдан ҳар бир инсоннинг қалбида бўлишини истардим», деганлар.

Имом Молик ва имом ибн Ҳиббон Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Йаасийн»ни кечаси Аллоҳнинг розилиги талабида ўқиса, уни мағфират қилади», деганлар.

Имом Аҳмад, имом Абу Довуд, имом Насай, имом ибн Можа ва Имом ал-Ҳоким Маъқал ибн Ясар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йаасийн» Қуръоннинг қалбидир. Ким уни Аллоҳни ва охират кунини умид қилиб ўқиса, албатта, мағфират қилинади. Уни ўликларингизга ўқинглар», деганлар.

Мазкур ҳадиси шарифлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларга амал қилароқ, мусулмонлар ичида бу сураи каримани ёдлаш, уни доимо ўқиб юриш кенг одат тусига кирган. Агар бу амалга суранинг маъноларини англаб етиш ва тадаббур қилиш ҳам қўшилса, айни мурод ҳосил бўлар эди. Зеро, «Йаасийн»ни ўқишга бунчалар тарғиб қилувчи ҳадислар бекорга келмаган.

Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби «Йаасийн» сурасида ҳам асосий эътибор эътиқод масаласига қаратилади. Хусусан, қайта тирилиш, Пайғамбарлик ҳамда Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Сураи кариманинг бошида Қуръони Ҳаким билан қасам ичилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий Пайғамбар эканликлари таъкидланади. Жаҳолатга ботган Қурайш ко-



фирларининг ҳаддан ошиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқарганлари ҳақида сўз юритилади.

Шундан сўнг бир қишлоққа юборилган Пайғамбарлар ва улар билан ўша қишлоқ аҳолиси орасида бўлиб ўтган ҳодисалар келтирилади. Пайғамбарликни инкор этганларнинг оқибати нима билан тугаганига урғу берилади. Иймонга келган бир одамнинг ўзини қандай тутгани ва унинг оқибати нима бўлгани ҳам ажойиб услуб билан баён этилади.

Кейин эса, Аллоҳ таолонинг борлиқдаги ваҳдониятига ва чексиз қудратига далолат қилувчи ҳодисалар ҳақида сўз кетади. Қуриб-қақраб ётган ерга ҳаёт кириши, кеча билан кундузнинг алмашинуви, қуёшнинг зиё сочиб, ўз ўрнида айланиши, ойнинг буржларга чиқиб-ботиб туриши ва бошқа жараёнлар ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, қиёмат куни ва унинг даҳшатлари, сур чалиниб, ўликларнинг қайта тирилиши, уларнинг маҳшарга тўпланиши, кишиларнинг мўмин ва кофирга ажралиши, уларга мукофот ва жазо берилиши каби мавзуларга ҳам сурада ўрин берилган.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



### 1. Йаасийн.

وَالْقُرْءَانَ الْحَكِيمِ

### 2. Қуръони Ҳаким ила қасам.

Ҳақматли Қуръон билан қасам. Аллоҳ таоло бирор нарса билан қасам ичса, ўша нарсани улуғлаганидандир. Ўша нарсага эътибор жалб қилиниши лозим. Аллоҳ Қуръони Карим билан, унинг ҳақимлик сифати билан қасам ичиши бежиз эмас. Аввало, Қуръоннинг ҳақматли экани таъкидланмоқда. У тўлалигича ҳақматдир. Унинг оятлари ҳақматдир. Унинг қиссалари ҳақматдир. Унинг ҳукмлари ҳақматлидир. Уни ўқиган одам ҳақмат топади. Унга амал қилган одам ҳақматли иш қилган бўлади.

Қолаверса, Аллоҳ таоло Қуръони Ҳакимга қасам ичиб туриб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканликларини таъкидламоқда. Эй Муҳаммад:

إِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ

### 3. Албатта, сен Пайғамбарлардандирсан.

Таъкид шулки, қасам ҳам шулки, сен, эй Муҳаммад, юборилган Пайғамбарлардан бирисан.

عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

### 4. Сироти мустақиймдасан.

Сен тўғри йўлдасан. Сенинг йўлинг энг тўғри йўл. Бу йўлдан бошқа тўғриси йўқ.

تَنْزِيلَ الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ

### 5. Бу Азийзу Роҳиймнинг нозил қилганидир.

Бу Қуръон азиз, ҳамма устидан ғолиб, қудратли ва бандалари-га меҳрибон зот—Аллоҳнинг нозил қилган китобидир.

لِنُنذِرَ قَوْمًا مَّا أُنذِرَ آبَاؤَهُمْ فَهُمْ غَافِلُونَ

### 6. Ота-боболари огоҳлантирилмаган, ўзлари ҳам ғофил бўлган қавмларни огоҳлантиришинг учун.

Исмоил алайҳиссаломдан кейин арабларга ҳеч бир Пайғамбар келмаган эди. Яъни, араблар ўз тарихларида Пайғамбар кўрмай ўтар эдилар. Ояти каримада

«Ота-боболари огоҳлантирилмаган» дейишдан мақсад шуни англатишдир. Яъни, арабларнинг ота-боболари ҳеч бир замонда ҳеч бир Пайғамбар томонидан огоҳлантирилмаган эдилар.

«...ўзлари эса, ғофил бўлган қавмларни огоҳлантиришинг учун.»

Ғафлат оғир дарддир. Ғофил инсоннинг тузалиши жуда қийиндир. Пайғамбаримиз ота-боболари ғофил ўтган ана шундай бир қавмга юборилган эдилар.

لَقَدْ حَقَّ الْقَوْلُ عَلَىٰ أَكْثَرِهِمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٧﴾

**7. Батаҳқиқ, уларнинг кўпларига (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Бас, улар иймон келтирмаслар.**

Аллоҳ таоло Ўзининг азалий илми ила биладики, ўша ғофилларнинг кўпларига азоб сўзи ҳақ — собит бўлди. Улар зинҳор иймон келтирмаслар.

إِنَّا جَعَلْنَا فِي أَعْنَاقِهِمْ أَغْلَالًا فَهِيَ إِلَى الْأَذْقَانِ فَهُمْ مُقْمَحُونَ ﴿٨﴾

**8. Биз уларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Улар иякларигача етадир. Бас, улар кўзлари юмуқ, осмонга қараб ғўдайиб қолдилар.**

Бу оятда кофирларнинг иймонга юрмасликлари жонли мисол орқали васф қилинмоқда. Кишан, одатда, қўлга солинади. Аммо буларнинг кишанлари қўллари, ияклари остидан ўтиб, бўйинларига чирмалган. Кишан бўйинни ҳам, қўлни ҳам эгилмайдиган қилиб кўтариб турибди. Кўзлари юмуқ ҳолда осмонга қараб, ғўдайиб қолганлар. Албатта, бу ҳолдаги одам эгилиб, бошини у ён-бу ёнга буриб, бирор нарсани кўра олиши қийин. Ғофилликлари сабабли азоб сўзи ҳақ бўлган кофирларнинг ҳоли ҳам худди шундай, уларнинг иймонга келишига умид йўқ.

وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴿٩﴾

**9. Ва Биз уларнинг олдидан ҳам тўсиқ қилдик, орқаларидан ҳам тўсиқ қилдик, кўзларига парда тортидик. Бас, улар кўрмаслар.**

Бўйнига қўлини қўшиб кишанланган, кўзи юмуқ ҳолда осмонга қаратиб, ғўдайитириб қўйилган одамнинг бирор нарсани кўрмаслиги учун олдидан ҳам, ортидан ҳам тўсиқ қўйилган. Камига, яна кўзига ҳам парда тортилган. Бу дегани, ўзи кўр одамнинг кўзлари яна турли томондан тўсиб қўйилган, деганидир. У одам мутлақо ҳеч нарсани кўрмай қолади.

Шундай ҳолатдаги одамнинг бирор нарсани кўра олишига умид бўлмаганидек, ҳалиги кофирларнинг ҳам иймонга келишидан умид йўқ.

وَسَوَاءٌ عَلَيْهِمْ ءَأَنْذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠﴾

**10. Ва уларга бари бирдир – қўрқитсанг ҳам ва ёки қўрқитмасанг ҳам – иймонга келмаслар.**

Аллоҳ таоло Ўзининг азалий илми ила уларнинг қалбига иймон таъсир қилмаслигини билганидан, ҳукмини чиқариб бўлган. Улар барибир иймонга келмайдилар. Шунинг учун, уларга қўрқитиш таъсир қилмайди. Улар бетаъсир бўлиб бўлганлар.

إِنَّمَا تُنذِرُ مَنِ اتَّبَعَ الذِّكْرَ وَخَشِيَ الرَّحْمَنَ بِالْغَيْبِ فَبَشِّرْهُ بِمَغْفِرَةٍ وَأَجْرٍ كَرِيمٍ ﴿١١﴾

**11. Сен эса, фақат зикр(эслатма)га эргашган ва Роҳмандан ғойибона қўрққан кимсани огоҳлантирурсан. Бас, унга мағфират ва гўзал ажрнинг хушхабарини бер.**

Ушбу оятдаги «зикр»дан мурод Қуръони Каримдир. Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асосий вазифалари, аввало, ҳаммага даъватни бир бора етказишлиқдир. Сўнгра, уларнинг даъватдан таъсирланиб, Қуръонга эргашган ва Аллоҳдан қўрққанларига Ислам таълимотларини етказишдир. Кўзни юмиб, бошини осмонга кўтарганча ғўдайиб қолганларга эътибор бермаслиқдир. Чунки, улар бўлари бўлган одамлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қанча уринсалар ҳам, фойда чиқмайди. Шунинг учун, уларни қўйиб, асосий эътиборни Қуръонга эргашган ва Аллоҳдан қўрққанларга қаратишлари керак.

**«Сен эса, фақат зикр(эслатма)га эргашган ва Роҳмандан ғойибона қўрққан кимсани огоҳлантирурсан.»**

Бундай саодатманд кишига, энг аввало, башорат бериб, унга иймони, Қуръонга эргашгани ва Роҳмандан қўрққани учун гуноҳлари мағфират қилинишининг, охиратда гўзал ажрга – жаннатга эришишининг хушхабарини етказмоқ керак.

**«Бас, унга мағфират ва гўзал ажрнинг хушхабарини бер.»**

Пайғамбарликка тегишли гаплардан сўнг, ўликларни қайта тирилтириш ҳақида сўз боради:

إِنَّا نَحْنُ نُحْيِي الْمَوْتَىٰ وَنَكْتُبُ مَا قَدَّمُوا وَآثَرَهُمْ وَكُلُّ شَيْءٍ أَحْصَيْنَاهُ فِي إِمَامٍ مُّبِينٍ ﴿١٢﴾

**12. Албатта, Биз Ўзимиз ўликларни тирилтиурмиз ва улар тақдим қилган нарсаларни ва қолдирган асарларни ёзурмиз. Очиқ-ойдин имомда(яъни номай-аъмолда) ҳар бир нарсанинг ҳисобини олиб қўйганмиз.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло ўлганлар албатта тирилишлари ва қилган амаллари учун жавоб беришларини таъкидлаб туриб, хабар бермоқда.

### «Албатта, Биз Ўзимиз ўликларни тирилтиурмиз...»

Бу иш албатта бўлади, бўлмай қолмайди. Биз Ўзимиз тирилтирамиз. Биздан бошқа ҳеч ким тирилтирмайди. «Албатта» деб таъкидланмаганида, шубҳа қилса бўларди. «Биз Ўзимиз» дейилмаганида ҳам, шубҳа қилиш мумкин эди. Аммо ҳам «албатта», ҳам «Биз Ўзимиз» деганимиздан кейин ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Қиёмат куни ўликларни қайта тирилтиришимиз муқаррар.

### «...ва улар тақдим қилган нарсаларни ва қолдирган асарларни ёзурмиз.»

Ҳаётлари давомида улар нимаики қилган бўлса, ҳаммасини ёзамиз. Улар ўзларидан кейин нима асар — из қолдирсалар, уни ҳам ёзамиз. Ҳеч бир нарса четда қолмайди.

### «Очиқ-ойдин имомда (яъни номаи-аъмолда) ҳар бир нарсанинг ҳисобини олиб қўйганмиз.»

«Очиқ-ойдин имом»дан мурод номаи аъмолдир. Ўша «номаи аъмол» деб номланган равшан имом — китобда Аллоҳ таоло бу дунёда бўлиб ўтган ҳар бир нарсанинг ҳисобини тўлиқ қилиб қўйган. Ўликлар тирилтирилганда ана ўшанга қараб ҳисоб-китоб қилинадилар.

Ўтган оятлардан маълум бўлдики, Аллоҳ ҳақ, Қуръон ҳақ, Пайғамбар ҳақ ва ўлгандан кейин тирилиб, ҳисоб-китоб қилиниш ҳақ. Шундай экан, одамлар Аллоҳга иймон келтириб яшашлари керак. Қуръонга амал қилишлари керак. Пайғамбарга эргашишлари керак. Ўлгандан кейин қайта тириладиган кунга тайёрланишлари керак. Акс ҳолда, ишлари чатоқ бўлади. Олдин ўтган умматларда бунга мисоллар кўп.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, уларга ўтган қавмлардан бирининг мисолини келтиришга амр этади:

وَأَضْرَبَ لَهُمْ مَثَلًا أَصْحَابَ الْقَرْيَةِ إِذْ جَاءَهَا الْمُرْسَلُونَ ﴿١٦﴾

### 13. Сен уларга Пайғамбарлар шаҳар аҳолисига келган пайт-ни мисол қилиб келтир.

Бу шаҳар қайси шаҳар экани, қайси Пайғамбарлар келгани ҳақида Қуръони Каримда ва саҳиҳ ҳадисларда очиқ-ойдин маълумотлар йўқ. Демак, бу оятни шу ҳолича қабул қилган маъқул. Лекин кўпгина тафсирларимизда шаҳарнинг номи Антокия экани, унга Пайғамбарлар эмас, Ийсо алайҳиссаломнинг элчилари Содик, Масдуқ ва Шамъунлар келгани айтилган бўлса ҳам, ҳеч бирига асос йўқ. Муҳаққиқ тафсирчиларимиздан баъзилари буни Бани Исроилликлар тўқиган қиссалардан деб биладилар.

Ҳофиз ибн Касир бу хусусда келтирилган маълумотлардан кейин қуйидагича хулоса чиқарадилар: «Шаҳарга юборилганлар Аллоҳнинг Пайғамбарларидир, Ийсо алайҳиссаломнинг элчилари эмас. Шаҳар ҳам Антокия эмас. Чунки, кейинги оятлар шуни маълум қилади. Энг муҳими, Антокия аҳли Ийсо алайҳиссаломни инкор қилмагани, у кишига биринчи бўлиб иймон келтиргани тарихдан маълум ва машҳурдир».

Биз ҳам шуни айтмоқчимизки, шаҳарнинг номини, юборилган кишиларнинг кимлигини, исмлари нима эканини билдириш керак бўлганида, Аллоҳ хабарини берар эди. Бу ерда энг муҳими ибрат ола билишдир. Ўтганларнинг оқибатидан хулоса чиқариб, куфрдан қочиш, иймонга юриш зарурлигини англатишдир. Мана, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ томонидан очиқ-ойдин Пайғамбар бўлиб келиб турибдилар. Лекин қавмлари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни инкор этиб, иймонга келмаяптилар. Қуръон оятларига ҳам ишонмаяптилар. Ана ўшаларга ҳам, бошқаларга ҳам ибрат бўлсин учун ўтган қавмлардан бирининг қиссаси мисол қилиб келтирилмоқда.

إِذْ أَرْسَلْنَا إِلَيْهِمُ اثْنَيْنِ فَكَذَّبُوهُمَا فَعَزَّزْنَا بِثَالِثٍ فَقَالُوا إِنَّا إِلَيْكُم مُّرْسَلُونَ ﴿١٤﴾

**14. Ўшанда Биз уларга иккитани юборган эдик, улар икковларини ёлғончига чиқардилар. Бас, Биз учинчи билан қўладик. Шунда: «Албатта, биз сизларга юборилган Пайғамбарлармиз», дедилар.**

Мазкур шаҳарнинг аҳолиси ўзининг ўта бузуқ табиати билан машҳур бўлса керакки, Аллоҳ таоло уларга битта эмас, бирданига иккита Пайғамбар юборган экан.

**«Ўшанда Биз уларга иккитани юборган эдик...»**

Яъни, мазкур шаҳар аҳолисига иккита Пайғамбарни юборган эдик.

**«...улар икковларини ёлғончига чиқардилар.»**

Бир йўла икки Пайғамбарнинг келиши ҳам фойда бермади. Шаҳар аҳолисининг бузуқ табиати бузуқлигига борди ва иккала Пайғамбарни ҳам ёлғончига чиқардилар.

**«Бас, Биз учинчи билан қўладик.»**

Икки Пайғамбарни учинчи Пайғамбар билан қувватладик.

**«Шунда»** улар учовлон шаҳар аҳолисига бориб:

**«Албатта, биз сизларга юборилган Пайғамбарлармиз, дедилар».**

Улар ўзларининг Пайғамбар эканларини таъкидлаб айтдилар. Шаҳар аҳолиси яна рад жавобини берди.

قَالُوا مَا أَنْتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا وَمَا أَنْزَلَ الرَّحْمَنُ مِنْ شَيْءٍ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَكْذِبُونَ

**15. Улар: «Сиз бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмас-сиз. Роҳман ҳеч нарса нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз, холос», дедилар.**

Бу шаҳар аҳолисининг тасаввурича ҳам, бошқа кофирларнинг тасаввури сингари, Пайғамбар оддий башар бўлиши мумкин эмас. Уларнинг назарида, Пайғамбарлар қандайдир бошқача суратда бўлиши керак. Шунинг учун ҳам, Пайғамбарларга:

**«Улар: «Сиз бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмас-сиз...»** деб куфр келтирдилар.

Мантиқни қаранг: Аллоҳ юборган Пайғамбарлар ўзларига ўхшаган одам бўлгани учун уларни инкор қилишмоқда. Сўраб-суриштириш йўқ. Айтаётган гапларини тинглаб-эшитиш йўқ. Солиштириб кўриш йўқ. Ўйлаб, фикр юритиш йўқ. Тўғридан-тўғри, сизлар ҳам бизга ўхшаган одамсизлар, Пайғамбар эмассизлар, дейишмоқда. Ҳолбуки, одамларга одамзотдан бошқаси Пайғамбар бўлмайди, бўлиши мумкин ҳам эмас.

Табиати бузуқ шаҳар аҳолиси ўша Пайғамбарларга Аллоҳдан ваҳий тушганини ҳам бир йўла инкор қилиб:

**«Роҳман ҳеч нарса нозил қилгани йўқ»,** дедилар.

Яъни, Аллоҳ сизларга ваҳий туширгани йўқ, таълимотлар юборгани йўқ, дедилар. Улар яна:

**«Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз, холос», дедилар».**

Сизларнинг Пайғамбарлик даъволарингиз ёлғондан бошқа нарса эмас, дедилар.

Шаҳар аҳолисининг бу гаплари уларнинг Пайғамбарлар ҳақида қанчалик нотўғри тасаввурда эканларини кўрсатиб турибди. Уларнинг фикрича, Аллоҳдан ваҳий қабул қилиб оладиган Пайғамбар қандайдир ғайритабиий бўлиши керак.

Оддий одам бўлса, унинг Пайғамбарлиги қаерда қолди? Оддий одамга қандай қилиб Аллоҳдан бирор нарса тушади. Бу иш ҳеч мумкин эмас. Ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, қайси бир одам «Мен Пайғамбарман, менга Аллоҳдан ваҳий тушди» деса, ёлғон гапирган бўлади, дейдилар. Улар ушбу тасаввурлари туфайли оддий ҳақиқатни — Аллоҳдан келадиган ваҳий, илоҳий китоблар ва таълимотлар, дин, шариат, ҳаммаси оддий одамларга қаратилганини унутиб қўйганлар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбарлик одамлар ичидан энг муносиб топилганига юборилади. Агар рисолат ғайритабиий махлуқотларга аталганида, ўшаларнинг вакилига нозил қилинган бўлар

эди. Аллоҳ таоло бандаларига юборадиган динида шубҳа, ғайритаби-ийлик, одатдан ташқари ҳолатлар ва ғаройибликлар бўлишини истамайди. Мақсад одамларга тўғри йўлни кўрсатишдир, шунинг учун ҳамма нарса очиқ-ойдин, осон, енгил бўлиши керак. Бу нарса, авваламбор, динга асосчи этиб танланган Пайғамбар шахсида кўриниши керак. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари очиқ-ойдин, ҳеч бир тўсиқсиз, англашилмовчиликсиз ўтган. Дунёда ҳеч бир одамнинг ҳаёти у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларичалик ҳамманинг кўз ўнгида очиқ-ойдин бўлмаган. Оятда ҳикоя этилаётган шаҳар аҳолиси ҳам ўзларига келган Пайғамбарларнинг оддий башарлигидан ажабланиб, уларни инкор қилмоқдалар. Нозил бўлган ваҳийни рад этмоқдалар ҳамда уларни ёлғончига чиқармоқдалар.

Энди Пайғамбарлар уларга қаттиқроқ гап айтдилар, Аллоҳни ўртага қўйиб:

قَالُوا رَبَّنَا عَلَّمْنَا إِنْآ إِلَيْكُمْ لَمْ نَسْأَلْكُمْ

**16. Улар: «Роббимиз билади. Албатта, биз сизларга юборилган Пайғамбарлармиз», дедилар.**

Бизнинг Пайғамбар эканимизни сиз билмасангиз, Роббимиз билади. Сиз ишонасизми, ишонмайсизми, бари бир:

**«Биз сизларга юборилган Пайғамбарлармиз».**

Сизнинг инкор қилишингиз билан бизнинг Пайғамбарлигимиз тўхтаб қолмайди. Ёки биз ундан воз кечмаймиз.

وَمَا عَلَيْنَا إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ

**17. Бизнинг зиммамизда очиқ-ойдан етказишдан бошқа нарса йўқ.**

Бизнинг вазифамиз Аллоҳнинг амрини етказиб қўйиш. Сиз инкор қиласизми, ёлғонга чиқарасизми, бизнинг ишимиз йўқ.

Пайғамбарларнинг бу гапларига шаҳар аҳолиси аввалгисидан ҳам қўпол жавоб қайтардилар.

قَالُوا إِنَّا نَطِّيرُكُمْ لِيْن لَّمْ تَنْتَهُوا الزَّجْمُكُمْ وَلِيْمَسَّكُمْ مِّنْآ عَذَابِ الْيَوْمِ

**18. Улар: «Биз сизлардан бадгумон бўлдик. Агар тўхтамасангиз, сизни албатта тошбўрон қилурмиз ва сизга биздан аламли азоб етадир», дедилар.**



Барча кофирларнинг одати шу. Ақл-идрок ва мантиқ бобида оқсаб қолганларидан кейин дўқ-пўписага ўтадилар. Улар:

**«Биз сизлардан бадгумон бўлдик»,** дедилар.

Аллоҳга ибодат қил, деган одамдан бадгумон бўлдилар. Тўғри юр, тўғри тур, деган одам ҳақида ёмон гумон қилдилар. Ҳаром-хариш юрма, зулм ва гуноҳ қилма, деган одамдан бадгумон бўлдилар. Иймонли бўлсанг, бу дунёю у дунё бахтига эришасан, деган одам хусусида бадгумонлик қилдилар. Бу эса, ўз навбатида, Аллоҳнинг йўлига чақирувчилардан, ҳаром-хариш юрма, зулм ва гуноҳ қилма, деган одамлардан, иймонли бўлсанг, бу дунёю у дунё бахтига етишасан, деганлардан бадгумон бўлишларини ҳам англатади. Шунингдек, Аллоҳнинг йўлига даъват этувчилардан бадгумон бўлувчиларнинг қанчалик пасткаш одамлар эканини ҳам билдиради.

**«Агар тўхтамасангиз, сизни албатта тошбўрон қилурмиз...»**

Яъни, агар Аллоҳга иймон келтиришга даъват қилишдан тўхтамасангиз, албатта, сизни тошбўрон қиламиз.

Агар яхши амалларга даъват этишдан тўхтамасангиз, албатта, сизларни тошбўрон қиламиз.

Агар ёмонликдан қайтаришдан тўхтамасангиз, албатта, сизларни тошбўрон қиламиз.

Агар икки дунё саодатига даъват қилишдан тўхтамасангиз, албатта, сизларни тошбўронга тутамиз.

Кофирлик қанчалик пасткашлик эканини шулардан ҳам билиб олса бўлади.

**«... ва сизга биздан аламли азоб етадир»,** дедилар.»

Сизга, эй Пайғамбарлар, биз кофирлардан аламли азоб етади, дедилар.

Сизга, эй, иймонга чақирувчилар, биздан — куфрда маҳкам туриб олувчилардан аламли азоб етади, дедилар.

Уларнинг бу гапларига Пайғамбарлар ҳам етарли жавоб қайтардилар.

قَالُوا طَبَّيْرُكُمْ مَعَكُمْ أَيَنْ ذِكْرُنَا بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ

**19. Улар: «Бадгумонлигингиз ўзингиз билан. Сизга эслатма берилганигами?! Йўқ! Сиз ўзингиз исрофчи қавмсиз»,** дедилар.

Ёмонларнинг яхшилиқдан бадгумон бўлиши билан яхшилик ёмонга айланиб қолмайди. Яхшилиқдан бадгумон бўлишнинг ўзи ёмонлик. Ёмонлик устига ёмонлик. Шунинг учун ҳам, шаҳар аҳолисининг «Биз сизлардан бадгумон бўлдик» деган гапларига Пайғамбарлар муносиб жавоб қайтардилар. Улар:

«**Бадгумонлигингиз ўзингиз билан**», дедилар.

Сизнинг бадгумонлигингизнинг бизга алоқаси йўқ.

Сиз ўзи нима учун бадгумон бўлмоқдасиз?

«**Сизга эслатма берилганигами?!**»

Эй одамлар, ўзингизни яратган холиқ Аллоҳ таолони эсланг, дейилганигами?!

Эй одамлар, бу дунёда иймон келтириб, яхши амалларни қилиб яшаш лозимлигини эсланг, дейилганигами?!

Эй одамлар, бу дунёда кофир бўлиш, ёмонлик қилиш фойда келтирмаслигини эсланг, дейилганигами?!

«**Йўқ! Сиз ўзингиз исрофчи қавмсиз.**»

Ҳаддан ошган, ҳовлиққан қавмсиз, шунинг учун кофирлигингизда туриб олгансиз.

Пайғамбарлар билан шаҳар аҳолиси ўртасидаги тортишув шу ерга етганида:

وَجَاءَ مِنْ أَقْصَا الْمَدِينَةِ رَجُلٌ يَسْعَىٰ قَالَ يَا قَوْمِ اتَّبِعُوا الْمُرْسَلِينَ

**20. Шаҳар четидан бир киши шошилиб келиб: «Эй қавмим, юборилган Пайғамбарларга эргашинг!**

Шошилиб келган киши шу шаҳар аҳолисидан эканига унинг,

«**Эй қавмим**» деган сўзи далолат қилиб турибди. У ақлли, инсофли ва қавми учун куюнчак экан. Қавмининг нотўғри йўлдан юриб, Пайғамбарларга қарши чиққанларини эшитиши билан шаҳарнинг чеккасидан шошиб келиб, дарҳол:

«**Эй қавмим, юборилган Пайғамбарларга эргашинг!**» деди.

Қавмини Аллоҳ юборган Пайғамбарларга шунчаки қаршилиқ кўрсатмасликка эмас, балки уларга эргашингга, айтганларини ба-жаришга ҳам даъват этмоқда. Сўнгра сўзида давом этиб:

اتَّبِعُوا مَنْ لَا يَسْئَلُكُمْ أَجْرًا وَهُمْ مُهْتَدُونَ

**21. Сиздан ажр-ҳақ сўрамайдиган, ўзлари ҳидоятда бўлган шахсларга эргашинг!**

Бу Пайғамбарлар даъватлари учун сиздан ажр-ҳақ сўрамайдилар. Шунинг ўзи ҳам уларнинг ҳақлигига далилдир. Агар даъват туфайли бирор нарсага эришмоқ ниятлари бўлганида, сиздан, албатта, ажр-ҳақ сўрар эдилар.

«**... ўзлари ҳидоятда бўлган шахсларга эргашинг!**»

Яъни, даъватчиларнинг шахсига ҳам қаранглар. Буларнинг ўзлари гапларига муносиб. Айтганларига амал қилмоқдалар. Шундай кишиларга эргашмасангиз, бошқа кимга эргашасизлар.

وَمَا لِي لَا أَعْبُدُ الَّذِي فَطَرَنِي وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿١٧﴾

**22. Менга нима бўлибдики, ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?! Унгагина қайтарилурсизлар.**

Менинг бунчалар қунонаётганимга ажабланманглар. Мен мўмин одамман, Аллоҳга ибодат қилувчи бир бандаман.

**«Менга нима бўлибдики, ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?!»**

Барчани яратган Аллоҳга ибодат қилишлик ҳар бир банданинг бурчидир. Мен ҳам бурчимни адо этиб, ўзимни яратган зотга ибодат қиламан. Агар Аллоҳга ибодат қилмасам, демак менга нимадир бўлган. Яратганга шукрки, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, мен Аллоҳга ибодат қилмоқдаман. Сизлар ҳам:

**«Унгагина қайтарилурсизлар».**

Шунинг учун, Унга иймон келтиришга, ибодат қилишга шошилинглар!

ءَاتَّخِذْ مِنْ دُونِهِ ۗءَالِهَةً ۗءَ إِن يُرِدْنَ الرَّحْمَنُ بِضُرٍّ لَّا تُغْنِي عَنْهُ شَفَعَتُهُمْ شَيْئًا وَلَا يُنْقِذُون ۗءَ ﴿٢٣﴾

**23. Мен Уни қўйиб, бошқа илоҳлар тутайми?! Агар Роҳман менга бирор зарарни ирода қилса, уларнинг шафоати менга ҳеч фойда бермас ва улар мени қутқара олмаслар.**

Қани, айтинг-чи, ўзимни яратган зот турганда:

**«Мен Уни қўйиб, бошқа илоҳлар тутайми?!»**

Қўлидан ҳеч иш келмайдиган ҳар хил бўлар бўлмас нарсаларни ўзимга худо қилиб олайми?

**«Агар Роҳман менга бирор зарарни ирода қилса, уларнинг шафоати менга ҳеч фойда бермас...»**

Агар Аллоҳ таоло менга бирор зарар етказишни хоҳласа, у сохта худолар ҳаммалари тўпланиб ҳам, менга шафоатчилик қила олмаслар, озгина бўлса ҳам, фойда етказа олмаслар. Бу нарса аниқ ва равшан. Ақлли инсон ўзига зарар келтирадиган ишга қўл урмайди. Аллоҳдан бошқани илоҳ тутишим учун ақлдан озган бўлишим керак.

**«...ва улар мени қутқара олмаслар.»**

Ўша сохта худолар мени Аллоҳ ирода қилган зарардан қутқара олмайдилар. Шундай экан, Аллоҳни қўйиб, уларни худо қилиб олишим ғирт ақлсизлик бўлади.

إِنِّي إِذْ أَلْفَيْ ضَلَّالٍ مُّبِينٍ ﴿٢٤﴾

**24. Албатта, у тақдирда мен очиқ-ойдин адашувда бўлурман.** Шунинг учун, ҳеч қачон Аллоҳни қўйиб бошқа нарсаларни илоҳ қилиб олмайман.

إِنِّي آمَنْتُ بِرَبِّكُمْ فَاسْمَعُونِ ﴿٢٥﴾

**25. Албатта, мен Роббингизга иймон келтирдим. Бас, мени тинглангиз», деди.**

Эшитиб, билиб қўйинг, мен сизнинг ва ўзимнинг Роббим бўлмиш Аллоҳга иймон келтирдим!

Кейинги оятлар сиёқидан маълум бўладики, бу мухлис мўмин бандани мазкур шаҳар аҳолиси ўлдирганлар ва унга:

قِيلَ ادْخُلِ الْجَنَّةَ قَالَ يَا لَيْتَ قَوْمِي يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ بِمَا غَفَرَ لِي رَبِّي وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُكْرَمِينَ ﴿٢٧﴾

**26. «Жаннатга кир», дейилди. У: «Кошки, қавмим билсалар эди.**

**27. Роббим мени мағфират этганини ва икром қилинганлардан қилганини», деди.**

Ўша мўмин мухлис банда ўлганидан кейин, унга:

**«Жаннатга кир», дейилди».**

Иймони ва ихлоси туфайли Аллоҳ таоло Ўз фазли ва карами ила у бандани жаннатга ҳукм қилди. У банда жаннатга кириб, нозу неъматларни ва иззат-икромни кўриши билан дарҳол қавмини эслади ва:

**«Кошки, қавмим билсалар эди. Роббим мени мағфират этганини ва икром қилинганлардан қилганини», деди».**

Роббим мени мағфират этди. Роббим мени ҳурматга сазовор бўлганлар қаторидан қилди. Шу мартабаларни қавмим билса эди, - балки, тавба қилиб, тўғри йўлга тушармиди, иймон йўлини танлаган бўлармиди?

Энди қиссага хотима ясалади:

﴿ وَمَا أَنْزَلْنَا عَلَى قَوْمِهِ مِنْ بَعْدِهِ مِنْ جُنْدٍ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا كُنَّا مُنْزِلِينَ ﴾

**28. Биз унинг қавмига ундан кейин осмондан бирор қўшин туширмадик ва туширувчи эмас ҳам эдик.**

Биз ўша иймонли ва ихлосли бандадан кейин унинг қавми бўлмиш мазкур шаҳар аҳолисига осмондан азоб фаришталарини қўшин(аскар) қилиб тушириб ўтирмадик. Тушироқчи ҳам эмас эдик.

﴿ إِن كَانَتْ إِلَّا صَيْحَةً وَاحِدَةً فَإِذَا هُمْ خَمِدُونَ ﴾

**29. Фақат биргина қичқириқдан бошқа нарса бўлмади. Бирдан улар сўниб қолдилар.**

Ортиқча ишга йўл қўйилмай, у нобакор қавм ҳалок этилди. Аллоҳ таоло уларни азоблаш учун алоҳида азоб фаришталаридан иборат лашкар тушириб ҳам ўтирмади.

**«Фақат биргина қичқириқдан бошқа нарса бўлмади.»**

Аллоҳ таолонинг амри билан улар устига бир қичқириқ келди.

**«Бирдан улар сўниб қолдилар.»**

Ёниб турган ҳаёт чироқлари сўнди. Ўчиб қолишди. Ўша биргина қичқириқ билан бирдан сўнишди. Ҳоллари шу экан, ҳовлиқиб нима қилардилар.

Қизиги шуки, улардан олдингилар ҳам шундай ҳолатга тушган эдилар, аммо ибрат олмадилар.

﴿ يَحْسَرَةَ عَلَى الْعِبَادِ مَا يَأْتِيهِمْ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴾

**30. Бандаларга ҳасратлар бўлсин! Ҳар қачон уларга Пайғамбар келса, уни фақат истеҳзо қилар эдилар.**

Қадимдан шундай бўлиб келган. Қачон, қаерга, қайси Пайғамбар келса, бандалардан маълум қисми ўша Пайғамбарларни масҳара қилишга киришар эди.

﴿ أَلَمْ يَرَوْا كَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُمْ مِنَ الْقُرُونِ أَنَّهُمْ إِلَيْهِمْ لَا يَرْجِعُونَ ﴾

**31. Ахир, улар ўзларидан олдинги қанча асрларни ҳалок этганимизни ва, албатта, ўшалар уларга қайтмасликларини кўрмайдиларми?!**

Ахир, кўзларини очиб қарамайдиларми? Қараб кўрсинлар, ахир? Ўтган асрларда қанчадан-қанча кофирларни ҳалок қилганимизни билмайдиларми? Ана ўшаларнинг ҳаммаси йўқ бўлиб кетди. Энди уларнинг ҳузурига қайтиб кела олмасликларини ҳам билмайдиларми? Лекин бу дегани, улар тамоман унутилдилар, чириб, туپроққа қўшилиб кетдилар, шу билан ҳаммаси тамом бўлди, дегани эмас.

وَإِنْ كَلَّمَا جَمِيعًا لَدَيْنَا مَحْضُرُونَ ﴿٢٢﴾

### 32. Албатта, барчалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилинганлар.

Ҳа, албатта, ўтганлар ҳам, ҳозиргилар ҳам, кейингилар ҳам, барчалари Маҳшар куни Бизнинг ҳузуримизга ҳозир қилинганлар. Ана ўшанда Биз уларга Ўзимиз билиб муомала қиламиз.

Ҳозир эса, улар ўзларича куфр келтирадилар. Ўзларига юборилган Пайғамбарни инкор этадилар. Туширилган ваҳийни ёлғон дейдилар. Ўлгандан кейин қайта тирилишни афсонага чиқарадилар. Лекин вақт борида ўнгансалар, ўзларига яхши бўларди. Ўлгандан кейин тирилишга, Бизнинг бу ишга қудратимиз етишига кўз олдиларида ҳужжат ва далиллар турибди.

وَأَيُّهُمْ الْأَرْضُ الْمَيْتَةُ أَحْيَيْنَاهَا وَأَخْرَجْنَا مِنْهَا حَبًّا فَمِنْهُ يَأْكُلُونَ ﴿٢٣﴾

### 33. Улар учун ўлик ер оят(белги)дир. Биз уни тирилтирдик ва ундан дон чиқардик. Бас, ундан ерлар.

Ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилаётганлар «...учун ўлик ер оят(белги)дир».

Ҳаётдан асар ҳам бўлмаган қуриб-қақшаб ётган ерга осмондан ёмғир ёғдириб

«...уни тирилтирдик...»

Сув туширганимиздан кейин ер тирилиб, нафас ола бошлади. Унда ўсимликлар ўсишига имкон ҳам туғилди.

«...ва ундан дон чиқардик.»

Ўша ўлик ерни тирилтириб, дон чиқардик. Бу дон унинг тирилганининг аломатидир. Ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилаётганлар,

«Бас, ундан ерлар».

Улар ҳақ бўлмаса, ўзлари еб турган нарсалар ўлик ер қайта тирилтирилганидан кейин етишганини ўйласалар, ўзлари ҳам қайта тирилишларига ишонар эдилар.

وَجَعَلْنَا فِيهَا جَنَّاتٍ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ وَفَجَّرْنَا فِيهَا مِنَ الْعُيُونِ ﴿٢٤﴾

**34. Ва унда хурмо ва узум боғлари яратдик ҳамда ичидан булоқларни чиқардик.**

Ўша, ўлиб ётган ерни тирилтириб, унда:

**«хурмо ва узум боғлари яратдик...»**

Бу ишлар ҳам унинг тириклигининг аломатидир, ҳам сизга ризқ-дир.

**«...ичидан булоқларни чиқардик.»**

Ўлиб ётган ерни тирилтирганимиздан кейин, унинг бағридан булоқлар отилиб чиқа бошлади. Бу ҳол ҳам унинг тириклигининг аломатидир, ҳам сизга ризқдир.

لِيَأْكُلُوا مِنْ ثَمَرِهِ وَمَا عَمِلَتْهُ أَيْدِيهِمْ أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٢٥﴾

**35. Унинг меваларидан ва ўз қўллари қилган нарсалардан ейишлари учун. Шукр қилмайдиларми?!**

Ўлиб ётган ерни тирилтириш, унда инсонлар ейдиган донни чиқариш, ер юзида хурмо ва узум боғларини яратиш, булоқларни оқизиб қўйишдан мақсадимиз инсонлар

**«унинг меваларидан ва ўз қўллари қилган нарсалардан ейишлари учун»**дир.

Агар биз ерни тирилтирмаганимизда, ундан дон, боғ-роғлар ва сув чиқармаганимизда инсонлар унинг мевасини ҳам тановул этолмас, қўллари билан турли таомлар тайёрлай олмас эдилар. Шунини кўра билиб туриб ҳам:

**«Шукр қилмайдиларми?!»**

Ўша неъматларни берган Зотга иймон келтирмайдиларми? Унинг Пайғамбарига эргашмайдиларми? Китобига амал қилмайдиларми?

سُبْحٰنَ الَّذِيْ خَلَقَ الْاَرْوَاجَ كُلَّهَا مِمَّا تُنْبِتُ الْاَرْضُ وَمِنْ اَنْفُسِهِمْ وَمِمَّا لَا يَعْلَمُوْنَ ﴿٢٦﴾

**36. Ер ўстирадиган нарсалардан, уларнинг ўзларидан ва улар билмайдиган нарсалардан, барчасидан жуфтларни яратган Зот пок бўлди.**

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло дунёдаги ҳамма мавжудотларни жуфт қилиб яратгани ҳақидаги улкан ҳақиқат баён этилмоқда.

**«Ер ўстирадиган нарсалардан...»**

Ўсимлик дунёсидан саналувчи барча мавжудотлар жуфт қилиб яратилгани илмга яқинда маълум бўлди. Ҳозирги замон илмининг бу кашфиёти Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканини яна бир бор тасдиқлади. Аллоҳ таолодан бошқа ҳамма нарса жуфтга муҳтождир, фақат Аллоҳ таологина яккаю ёлғиздир.

**«...уларнинг ўзларидан...»**

Одамларнинг ўзларидан ҳам жуфтлар яратди. Улар ҳам жуфт-сиз яшай олмайдилар. Авлодлар силсиласи узилиб қолади. Ҳа, инсонлар жуфтга муҳтождирлар. Фақат Аллоҳ таологина муҳтож эмас. Ёлғизлик У зотга хосдир.

**«...ва улар билмайдиган нарсалардан...»**

Одамларнинг билими чегараланган, улар кўп нарсаларни билмайдилар. Аммо ўзларига номаълум мавжудотлар ҳақида, жуфт-сизлари ҳам бордир, деган ҳаёлга бормасинлар. Биз улар билмайдиганлардан ҳам жуфтлар яратганмиз. Дунёда фақат Аллоҳ таологина тоқдир. Ҳа, дунёдаги махлуқотнинг:

**«...барчасидан жуфтларни яратган Зот пок бўлди».**

Холиқ Аллоҳ барча айб ва нуқсонлардан покдир. Нобакор бандалар унга чаплаётган нолайиқ сифатлардан покдир. Мушриклар келтираётган ширқдан ҳам покдир.

Энди Аллоҳ таолонинг яккаю ягоналигига, У зотнинг ҳар қандай ишга, жумладан, ўлганларни қайта тирилтиришга ҳам қодир эканига далиллар келтирилади:

وَأَيُّهُمْ آتَىٰ لَسَّخٍ مِنْهُ النَّهَارَ فَإِذَا هُمْ مُّظْمِئُونَ ﴿٣٧﴾

**37. Улар учун кечаси ҳам оят(белги)дир. Биз уни кундуздан шилиб олурмиз. Бас, улар бирдан зулматда қолгувчилардир.**

Ўлгандан кейин қайта тирилтирилишига иймон келтирмаётган инсонлар эътибор берсинлар, Бизда ўлганларни қайта тирилтиришимизга жуда кўп оят-белгилар бордир.

Жумладан:

**«Улар учун кечаси ҳам оят(белги)дир».**

Кеча ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрсалар, Бизнинг биру борлигимизга, ўлганларни қайта тирилтиришга ҳам қудратимиз етишига оят-белги топадилар. Кеча нима ўзи? Уни ким жорий қилади?

**«Биз уни кундуздан шилиб олурмиз.»**

Яъни, Биз кечани кундуздан шилиб оламиз. Бу жумлада кечанинг кириши қўйнинг терисини шилиб олишга ўхшатишмоқда. Тери аста-аста шилиб олинганидек, кундуз ҳам кечадан ажратиш олинади. Шунда:



**«Бас, улар бирдан зулматда қолгувчилардир».**

Ушбу ҳақиқат Аллоҳ таолонинг бирлигига, борлигига ва ҳар нарсага қодирлигига, жумладан, ўликларни қайта тирилтира олишига оят-белги эмасми?! Кечани ўз вақтида келадиган қилиб қўйган, бутун дунёни бир зумда зулмат қўйнига чўмдирадиган Зот ўлганларни қайта тирилтиришга ожизмиди?!

وَالشَّمْسُ تَجْرِي لِمُسْتَقَرٍّ لَّهَا ذَلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ

**38. Қуёш ўз истиқрори учун жараён этар. Бу азийзу ўта билгувчи Зотнинг тақдир қилганидир.**

Қуёш ҳам Аллоҳ таолонинг бирлигига ва борлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига, жумладан ўликларни қайта тирилтиришга ҳам қодир эканига бир оят-белгидир. Оятда қуёшнинг ярати-лиши, унинг улканлиги, таратиб турган зиёси ва бошқа хусусиятлари ҳақида эмас, балки ўз истиқрори учун ажратилган маконда ва замонда жараён этиши – ҳаракатланиши ҳақидагина гап кетмоқда.

Авваллари олимлар, қуёш жойида собит туради, бошқа сайёралар унинг атрофида айланади, деб айтар эдилар. Кейинги кашфиётлар қуёш ҳам ҳаракат қилишини кўрсатди. Фалакиёт илми олимларининг айтишича, қуёш бир сонияда ўн икки мил тезлик ила ҳаракат қилар экан. У ўзига истиқрор қилинган манзил ва вақт томон доимий жараёнда экан. Фалакиёт илми яқиндагина кашф этган бу улкан ҳақиқатни Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср илгари бир қисқа оятининг ярмида айтиб ўтган экан.

Хўш, шундай улуғ бир сайёрани ўз истиқрори томон жорий қилиб қўйган Зот ўлганларни қайта тирилтира олмасми?!

**«Бу азийзу ўта билгувчи зотнинг тақдир қилганидир.»**

Аллоҳ азийздир. Барчадан ғолибдир. Ҳар бир нарсага қодирдир. Ўта билгувчи зотдир. Қуёш ўша зот тақдир қилган жараёнда ҳаракатланади. Шунинг учун, у вазифасини бекаму кўст адо этиб турибди. Худди ўша Зот ўлганларнинг қайта тирилишини ҳам тақдир қилиб қўйган, вақти келганда бу иш ҳам бекаму кўст адо этилажак.

وَالْقَمَرَ قَدَرْنَاهُ مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ كَالْعُرْجُونِ الْقَدِيرِ

**39. Ойни эса, токи эски (хурмо) шингили (ҳолига) қайтгунга қадар манзилларини бичиб қўйганмиз.**

Ой ҳам, қуёш ҳам думалоқ шаклдаги самовий жисмдир. Инсоннинг кўзига қуёш доим бир хил суратда кўринади. Лекин ой бир ой давомида йигирма саккиз шаклга киради. Аввал кичик ҳилол бўлиб кўринади. Кундан-кунга катталашиб, тўлин баркашга айланади. Кейин яна аста-секин ҳилол ҳолига қайтади. Чунки, Аллоҳ таоло ой учун манзиллар бичиб қўйгандир. Аллоҳ унинг учун йигирма саккиз манзилни бичиб қўйган. Ҳар куни ҳар хил манзилдан чиқади, ҳар куни ҳар хил ҳажмда кўринади.

Уламоларимиз ояти каримадаги

**«токи эски (хурмо) шингили (ҳолига) қайтгунга қадар»** деган жумлага алоҳида эътибор берадилар. Араб тилида хурмо мевасини тутиб турувчи шингил «аржун» дейилади. Оятда ой «худди эски аржун (ҳоли)га қайтгунга қадар» деб васф қилинмоқда. Яъни, ойни охирида эски аржун ҳолига қайтарамиз, дейилмоқда. Меваси чиқариб олинган шингил ҳилолга ўхшаб қолар экан. Лекин ҳилол билан ҳилолнинг фарқи бор. Янги туғилган ҳилол тамоман бошқача бўлади. Унда янгилик, гўзаллик, ҳаёт аломатлари барқ уриб туради. Охирида ҳилол шаклига келган ой эса, эски аржун – қуриб қолган шингилга ўхшаб, кўримсиз бўлиб қолади.

Бу оятда ойнинг яратилиши, осмонда тутиб турилиши, инсон учун беминнат хизматкор қилиб қўйилиши ва унга тегишли бошқа мўъжизалар ҳақида эмас, унинг янгидан пайдо бўлиб, яна эски ҳолига қайтиши, сўнгра яна янгидан туғилиши ва бу ҳол бардавом эканлиги ҳақида гап кетмоқда.

Дунё бунёд бўлганидан бери ойни шундай бир низомга солиб қўйган Зот ўлган одамларни қайта тирилтира олмайдими?!

لَا الشَّمْسُ يَنْبَغِي لَهَا أَنْ تُدْرِكَ الْقَمَرَ وَلَا اللَّيْلُ سَابِقُ النَّهَارِ وَكُلٌّ فِي فَلَكٍ يَسْبَحُونَ

**40. На қуёшнинг ойга етиб олмоғи дуруст бўлар ва на кеча кундуздан ўзиб кетар. Ҳар бири фаалақда сузиб юрар.**

Ҳеч қачон қуёш ойга етиб олиб, бемаҳалда бош кўтариб қолиши мумкин эмас. Улардан ҳар бири фақат Аллоҳ белгилаган вақтдагина чиқади. Бу низом ҳатто дақиқаларигача аниқдир. Ундан кеч ҳам қолмайди, илгари ҳам кетмайди. Айни тайин қилинган вақтидагина чиқади. Бу жараён дунё бунёд бўлганидан буён давом этиб келмоқда. Бирон марта бирон дақиқага ўзгарган эмас. Ушбу жараённи тақдир қилган Зот ўликларни қайта тирилтиришига қодир эмасми?!

**«...ва на кеча кундуздан ўзиб кетар.»**

Бирон марта кечаси кундуздан ўзиб кетган эмас. Йил — ўн икки ойнинг ҳар туни қачон бошланиб, қачон тамом бўлиши, куни қачон бошланиб, қачон поёнига етиши дақиқасигача аниқ, Дунё бунёд бўлганидан бери бу жараён ҳеч ўзгармай давом этиб келмоқда. Шу қоидани тақдир қилган Зот ўликларни қайта тирилтира олмайдими?!

Осмондаги қуёш, ой ва бошқа сайёраларнинг

**«ҳар бири фалакда сузиб юрар».**

Бу ҳам Аллоҳнинг биру борлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига, жумладан, ўликларни қайта тирилтира олишига оят-белгидир. Барча инсонлар буларнинг ҳаммасидан хулоса чиқариб, Аллоҳга иймон келтиришлари, ўлгандан кейин қайта тириладиган куннинг тайёргарлигини кўришлари керак.

Энди Аллоҳнинг борлигига, ваҳдониятига, ҳамма нарсага қодир эканига далил қилиб, сувдаги баъзи оят-белгилар зикр этилади:

وَأَيُّهُمْ أَنَا حَمَلْنَا ذُرِّيَّتَهُمْ فِي الْفُلِكِ الْمَشْحُونِ ﴿٥١﴾

**41. Улар учун Биз уларнинг наслларини тўла кемада кўтарганимиз ҳам бир оят(белги)дир.**

Бу оятда инсоният тўфон балосидан Нух алайҳиссаломнинг кемасида нажот топгани эслатилмоқда. Бутун инсон насли қутқариб қолингани таъкидланмоқда. Тўфон балоси билан бутун оламни ҳалок этиш ирода қилинган эди. Шундай бўлди ҳам. Ҳамма жонзот ҳалок бўлди. Фақат, Аллоҳ таолонинг амри ила Нух алайҳиссалом ясаган кемага чиққанларгина қолиб, ўшалардан инсон насли яна қайтадан тарқалди. Демак, инсоният деярли бир бор йўқолиб, яна янгидан таралди. Шундай ишларга қодир бўлган Зот ўликларни қайта тирилтира олмайдими?!

وَخَلَقْنَا لَهُمْ مِن مِّثْلِهِ مَا يَرْكَبُونَ ﴿٥٢﴾

**42. Ва Биз улар учун унга ўхшаш минадиган нарсаларни халқ қилдик.**

Яъни, Биз одамларга мириладиган кемага ўхшаш бошқа нарсаларни ҳам яратдик. Уларга улов бўла оладиган салоҳиятли хусусиятларни бердик. Шунинг ўзи ҳам одамлар учун Аллоҳнинг биру борлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига, жумладан, ўлганларни қайта тирилтира олишига оят-белгидир.


وَإِن دَشَاغْرَقَهُمْ فَلَا صَرْيَخَ لَهُمْ وَلَا هُمْ يُنْقَدُونَ ﴿٥٣﴾

**43. Агар хоҳласак, уларни фарқ этурмиз. Бас, уларнинг ёрдамчиси бўлмас ва улар қутқазилмаслар ҳам.**

Нуҳнинг кемаси ва унга ўхшаш уловларни яратган Аллоҳ хоҳлаган вақтида уларга қўшиб инсонларни ҳам фарқ қилиши мумкин. Ўшанда:


**«Бас, уларнинг ёрдамчиси бўлмас ва улар қутқазилмаслар ҳам».**

Аллоҳ фарқ қилишни хоҳлаган чоғда одамларга бирор ёрдамчи топилмас. Улар бу балодан қутқазилмаслар ҳам.



**44. Магар Биздан бир раҳмат ва маълум муддатгача баҳраманд бўлиш бўлсагина (омон қолурлар).**

Ўшанда фақат Аллоҳнинг Ўзи раҳмат назарини солиб, қутқариб қолиши мумкин. Ёки маълум муддатгача дунёнинг матоҳидан баҳраманд қилиш учун омон қолдириши мумкин. Бўлмаса, ҳеч ким эсон қолмас. Бунинг мисоли ҳаётда тез-тез такрорланиб ҳам туради. Инсонлар шуни ўйлаб, ибрат олиб, Аллоҳга иймон келтирсалар, ўлгандан кейин қайта тириладиган кунга тайёргарлик кўрсалар бўлмайдими? Нима учун шунча оят-белгилар турса ҳам, улар ғафлатда юрадилар? Аллоҳга куфр келтирадилар? Ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор этадилар? Нима учун?!



**45. Уларга: «Олдингиздаги нарсадан ва ортингиздаги нарсадан қўрқинг. Шояд, раҳм қилинсангиз», дейилганда.**

**46. Ва уларга Роббилари оятларидан бир оят келганда, фақат ундан юз ўгиргувчи бўлурлар.**

Нима сабабдан бундай йўл тутадилар?! Нима учун?

**«Уларга: «Олдингиздаги нарсадан ва ортингиздаги нарсадан қўрқинг. Шояд, раҳм қилинсангиз», дейилганда.»**

Яъни, нима учун уларга, бу дунёдаги ҳаётингиз давомида куфрингиз, гуноҳингиз туфайли йўлиқиши мумкин бўлган турли бало ва офатлардан қўрқингиз, дейилса, қулоқ солмай, юз ўгириб кетадилар?! Ўлганингиздан кейин у дунёда охират азобларига дуч ке-

либ қолишдан қўрқинг, дейилганида, нима учун қулоқ солмай, терсланадилар?! Нима учун:

**«...уларга Роббилари оятларидан бир оят келганда»,**

ундан ибрат олиб, хатоларини тўғрилаб, Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қилиш ўрнига:

**«фақат ундан юз ўгиргувчи бўлурлар?!»**

Кофирлар булар билан кифояланиб қолмай, бошқа ишлар ҳам қиладилар, бошқа номаъқул гаплар ҳам айтадилар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلَّذِينَ آمَنُوا أَنْطَعِمُ مَنْ لَوْ يَشَاءُ اللَّهُ أَنْطَعِمَهُ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ مُبِينٍ

**47. Уларга: «Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсдан инфоқ қилинглр», дейилганида, куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Аллоҳ хоҳласа, Ўзи таом берадиган кимсани биз таомлантираамизми?! Сиз очиқ-ойдин залолатдан бошқа нарсада эмас сиз», дерлар.**

Ҳаммага, жумладан, кофирларга ҳам ризқни Аллоҳ таоло беради. Мусулмон банда ўзига Аллоҳ таоло берган ризқдан Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиб туради. Кофирлар эса, бахиллик қиладилар. Улар Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилишдан йироқлар.

**«Уларга: «Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсдан инфоқ қилинглр», дейилганда...»**

Кофирлар қулоқ осмайдилар. Балки мўминлардаги «Барчага ризқни Аллоҳ беради», деган эътиқодни масхара қилишга ўтадилар ва:

**«Куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Аллоҳ хоҳласа, Ўзи таом берадиган кимсани биз таомлантираамизми?!»** деб истеҳзо қиладилар.

Яъни, кофирлар: «Эй мўминлар, сиз ҳаммага ризқни Аллоҳ беради, дер эдингиз, энди нима учун Аллоҳнинг Ўзи ризқ бериб қўявермай, биз инфоқ қилишимиз керак экан?!» демоқчи бўладилар. Демак, Аллоҳ барчага ризқ беравермас экан-да, баъзиларга биз берарканмиз-да, демоқчи бўладилар. Бу ишлари уларнинг нақадар жоҳил эканликларини кўрсатиб турибди. Шунга қарамасдан, улар мўминларни жоҳилликда, залолатда айблаб:

**«Сиз очиқ-ойдин залолатдан бошқа нарсада эмассиз», дерлар».**

Яъни, эй мўминлар, сиз Аллоҳ ҳаммага ризқ беради, деган залолатли эътиқоддасизлар, мана, биздан баъзи бир одамларга таом беришимизни сўраб туришингиз бунинг далили, демоқчи бўладилар.

Аслида эса, уларнинг тасаввурлари, гаплари айни залолатдир. Ҳеч қачон, ҳеч қандай инсон ўзига ҳам, бошқага ҳам ризқ топиб бера олмайди. Ҳаммага ягона зот Аллоҳ таологина ризқ беради. Ризқ топишга қобилият беради. Ризқ топишга имконият беради. Ҳамда ризқни сочиб қўяди. Аллоҳ таолонинг ризқи ҳар жойда ҳар хил бўлади, ҳар кимга ҳар хил берилади. Аллоҳ таоло бировнинг ризқини кенг, бировнинг ризқини тор қилиб қўяди. Ҳаммасини ҳикмат билан қилади. Ризқлар хазинасининг калити Раззоқи оламнинг қўлида. Кимнидир пурризқ, кимнидир торризқ қилиб қўяди. Бандаларни синаш учун шундай қилади: қани, ризқи кенг этиб қўйилган шу ризқнинг шукрини келтирадими, йўқми? Ризқи тор қилиб қўйилган бориға шукр этиб, сабр қиладими, йўқми? Аллоҳ таоло баъзи бандаларнинг ризқини тор қилган бўлса, у зотнинг бахиллигидан эмас. Аллоҳ таоло ризқи кенг бандаларини инфоқ қилишга амр этаётган экан, уларнинг молу дунёсига эҳтиёжи борлигидан эмас. Ҳаммаси бандаларни синаш учундир. Ҳаммага ризқ берувчи, ҳаммани таомлантирувчи, ҳаммани боқувчи Аллоҳ таолонинг ягона Ўзидир. Мен бировга ризқ беряпман, мен бировни таомлантиряпман, мен бировни боқяпман, деган одам кофир бўлади, очиқ-ойдин залолатга кетади.

Кофирларнинг мўминларга бундан бошқа нобакорлик билан айтадиган гаплари ҳам кўп. Мисол учун:

وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَذَا الْوَعْدِٰنَ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٤٨﴾

**48. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» дерлар.**

Кофирлар мўминлардан истехзо билан: «Эй мўминлар, қиёмат куни бўлади, деб айтиб юрибсиз,

**«Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» дерлар».**

Кофирларнинг бу саволига Аллоҳнинг Ўзи қуйидаги жавобни беради:

مَا يَنْظُرُونَ إِلَّا صَيْحَةً وَٰحِدَةً تَأْخُذُهُمْ وَهَمَّ يَخِصِّمُونَ ﴿٤٩﴾

**49. Улар талашиб-тортишиб турганларида ўзларини бирдан оладиган биргина қичқириқдан бошқа нарсани кутаётганлари йўқ.**

Бўлишини инкор этаётган, масхара қиладиганлари қиёматни қоим қилиш Аллоҳ учун ҳеч қийин иш эмас. Фақат бир қичқириқ

бўлса, кифоя: қиёмат қоим бўлади-қолади. Уни инкор қилаётганлар фақат бир қичқириқдан бошқа нарсани кутаётганлари йўқ. Асл табиати талашиб-тортишиш бўлган кофирлар талашиб-тортишиб турганларида бир қичқириқ ила адо бўладилар.

فَلَا يَسْتَطِيعُونَ تَوْصِيَةً وَلَا إِلَىٰ أَهْلِهِمْ يَرْجِعُونَ ﴿٥٠﴾

**50. Улар на васият қилишга қодир бўларлар ва на ўз аҳлларига қайтарлар.**

Кофирлар ўзлари истехзо қилаётган ваъда келганида ҳеч нарсага улгурмайдилар. Турган жойларида тамом бўладилар. Улар болачақа, қариндош-уруғ ва дўст-ёрларига васият қилишга ҳам улгурмайдилар. Улар ўз турган жойларидан охирги марта биргина кўриб қолиш учун яқинлари ёнига ҳам қайтиб бора олмайдилар. Чунки, ваъда қилинган пайт келди.

وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَإِذَا هُمْ مِنَ الْأَجْدَاثِ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يَنْسِلُونَ ﴿٥١﴾

**51. Ва сурга пуфланди. Бас, улар бирдан Роббилари томон қабр-лардан шошилиб чиқурлар.**

Бу галгиси Исрофил фаришта алайҳиссаломнинг сурга иккинчи пуфлашларидир. Шунда бошқа барча ўликлар қатори ўша кофирлар ҳам қабрларидан шошилиб чиқиб, Роббилари томон чопадилар.

قَالُوا يَا نَبِيَّانَا مَنْ بِعَشْنَا مِنْ مَرْقَدِنَا هَذَا مَا وَعَدَ الرَّحْمَنُ وَصَدَقَ الْمُرْسَلُونَ ﴿٥٢﴾

**52. Улар: «Воҳ, шўримиз қурисин! Бизни ётган жойимиздан ким қўзғатди?! Бу Роҳман ваъда қилган ва юборилган Пайгамбарлар тасдиқлаган нарса-ку?!» – дерлар.**

Бошларига тушганида кўзлари очилиб, ҳушлари жойига келади. Исрофил алайҳиссалом сурга иккинчи бор пуфлаганидан кейин қабрларидан шошилиб чиққан кофирлар ҳайрон бўлиб:

**«Воҳ, шўримиз қурисин! Бизни ётган жойимиздан ким қўзғатди?!»**

Ўлиб, кўмилиб ётган жойимиздан ким чиқарди?! – дейдилар. Бир оздан сўнг гап нимада эканлигини фаҳмлаб етиб:

**«Бу Роҳман ваъда қилган...»** нарса-ку!

Аллоҳ бизга ўлгандан сўнг тирилиб, қабрдан чиқишни ваъда қилган эди. Бу худди шунинг ўзи-ку!

«...ва юборилган Пайғамбарлар тасдиқлаган нарса-ку?!» – дерлар».

Бизга келган Пайғамбарлар ҳам ўлгандан кейин тирилиш ҳақ эканини айтган эдилар, бу ишлар ўшанинг ўзгинаси-ку, дейдилар.

إِنْ كَانَتْ إِلَّا صِيحَةً وَاحِدَةً فِإِذَا هُمْ جَمِيعٌ لَدَيْنَا مُحْضَرُونَ ﴿٥٣﴾

**53. Фақат биргина қичқириқдан бошқа нарса бўлгани йўқ. Бас, улар бирдан тўпланиб, ҳузуримизда ҳозир қилингандирлар.**

Бор гап шундан иборат. Фақат бир қичқириқ бўлди, холос. Ҳаммалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилиндилар.

فَالْيَوْمَ لَا تَنْظُمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَلَا تُحْزَنُ إِلَّا مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٥٤﴾

**54. Бугунги кунда бирор жонга ҳеч бир зулм қилинмас. Қилиб ўтган амалларингиздан бошқасига жазо ҳам олмассиз.**

Қиёмат кунида ҳеч кимга заррача зулм қилинмайди. Чунки, Аллоҳ таолонинг адолати мутлақдир. У зот ҳамма ҳисобларни заррача ўзгартирмай, аниқ олиб қўйган. Ҳар бир жонга бу дунёда қилганига яраша жазо ёки мукофот беражак.

إِنَّ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ الْيَوْمَ فِي شُغْلٍ فَكَاهُونَ ﴿٥٥﴾

**55. Албатта, жаннат эгалари у кунда роҳатланиш ила машғуллар.**

Бу дунёни иймон ва ибодат ила ўтказиб, у дунёда жаннатга эришган зотлар ўша кунда ўзларига роҳат берадиган ишлар билан машғул бўладилар. Нима уларга завқ, шодлик, хурсандчилик берса, ҳаммаси у ерда муҳайёдир.

هُمْ وَأَزْوَاجُهُمْ فِي ظِلَالٍ عَلَى الْأَرَائِكِ مُتَكِفُونَ ﴿٥٦﴾

**56. Улар ва уларнинг жуфтлари сояларда сўриларда ёнбош-лаб ётурлар.**

Аслида, соя кишига роҳат бахш этиши учун яратилгандир. Лекин жаннатдаги соя бу дунёдаги соя каби фақат иссиқдан тўсадиган, салқинда танани жунжиктирадиган нарса эмас. У доимий



роҳатбахшдир. Сўрилар ҳам жуда зийнатланган, усти ва атрофига парда тутилган бўлади.

لَهُمْ فِيهَا فَكِهَةٌ وَلَهُمْ مَا يَدَّعُونَ ﴿٥٧﴾

**57. Улар учун у ерда мевалар бордир. Улар учун у ерда истаган нарсалари бордир.**

Аҳли жаннат учун жаннатда турли хил мевалар бордир. Улардан хоҳлаганларича еб, маза қиладилар. Аҳли жаннатлар нимани истасалар, жаннатда ўша нарса бордир. Кўнгиллари исташи билан олдиларида муҳайё бўлади. Яна уларга:

سَلَامٌ قَوْلًا مِّن رَّبِّ رَحِيمٍ ﴿٥٨﴾

**58. Роҳийм бўлган зот Роббдан «Салом» сўзи бордир.**

Шунча нозу неъмат, роҳат-фароғат, шавқу завқнинг устига ўзлари учун ниҳоятда раҳимли бўлган зот Роббилари Аллоҳ таоло томонидан «Салом» ҳам келади. Бу эса, энг юқори даражадаги тақдирлашдир.

Мўмин бандалар шунчалик иззат-икромда, нозу неъматда бўлиб турган бир пайтда, бошқа томонда бошқача манзара кўринади:

وَأَمْتَرُوا الْيَوْمَ أَيُّهَا الْمُجْرِمُونَ ﴿٥٩﴾

**59. Эй, жиноятчилар! Бугунги кунда сиз ажралингиз!**

Эй, кофирлар, эй, гуноҳкорлар, қиёмат қўшган бугунги кунда сизлар алоҳида турингиз!

﴿٥٩﴾ أَلَمْ أَعْهَدْ إِلَيْكُمْ يٰبَنِي آدَمَ أَنْ لَا تَعْبُدُوا الشَّيْطَانَ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٦٠﴾ وَأَنْ أَعْبُدُونِي هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٦١﴾

**60. Мен сизларга: «Эй, Одам болалари, шайтонга ибодат қилманг, албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир.**

**61. Ва Менга ибодат қилинг, мана шу тўғри йўлдир», деб амр қилмаган эдимми?!**

Ўша ажратилаётган жиноятчиларга – кофир ва гуноҳкорларга қараб Аллоҳ таоло қуйидаги итоб сўзларни айтади:

«Мен сизларга: «Эй, Одам болалари, шайтонга ибодат қилманг...» деб амр қилмаган эдимми?!

Шайтонга эргашманг, деб айтмаган эдимми?! Айтган эдим. Аммо сиз шайтонга эргашдингиз.

«...албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир», деб айтмаган эдимми?!

Айтган эдим. Мана, энди унинг сизга очиқ душманлиги аён бўлди. Унга ибодат қилиб, ҳолингиз вой бўлди.

«Ва Менга ибодат қилинг, мана шу тўғри йўлдир», деб амр қилмаган эдимми?!

Қилган эдим. Аммо сиз Менга ибодат қилмадингиз. Тўғри йўлга юрмадингиз. Мана, оқибати нима бўлди энди?!

وَلَقَدْ أَضَلَّ مِنْكُمْ جِبِلًّا كَثِيرًا أَفَلَمْ تَكُونُوا تَعْقِلُونَ ﴿٦٢﴾

**62. Батаҳқиқ, у сизлардан кўпчилик авлодни адаштирди. Ақл юритувчи бўлмаган эдингизми?!**

Шайтон сизлардан кўп авлодларни тўғри йўлдан адаштирди. Нима учун шундай бўлди? Ёки сиз ақл юритмадингизми? У юр деса, орқасидан кетавердингизми?!

هَذِهِ جَهَنَّمُ الَّتِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٦٣﴾

**63. Мана бу сизга ваъда қилинган жаҳаннамдир!**

Аллоҳ таолонинг амрига итоат этмаганларга у дунёда жаҳаннам ваъда қилинган эди. Мана ўша ваъда қилинган жаҳаннам!

أَصَلَوْهَا الْيَوْمَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٦٤﴾

**64. Куфр келтириб ўтганингиз туфайли бугунги кунда унга кирилинг!**

Кофирлигингиз учун энди ўша ваъда қилинган жаҳаннамга кирилинг!

Шу ерда жиноятчи, кофир, мунофиқ ва гуноҳкор бандаларга Аллоҳ таолонинг хитоби тамом бўлади.

Келаси оятларда уларга қилинадиган муомала ҳақида сўз кетади:

الْيَوْمَ نَخْتِمُ عَلَىٰ أَفْوَاهِهِمْ وَتُكَلِّمُنَا أَيْدِيهِمْ وَتَشْهَدُ أَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٦٥﴾

**65. Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз. Нима касб қилганларини Бизга қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур.**

Мазкур жиноятчиларнинг жиноятини исбот этиш учун талашиб-тортишиб ўтириш шарт эмас. Бошқа гувоҳ олиб келишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ёлфон гапиришни одат қилиб олган оғизларидан турли гапларни эшитиб ўтиришга ҳам биров муҳтож эмас.

**«Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз.»**

Яхшиси, уларнинг оғизлари муҳрлаб қўйилади. Сўнг бошқа аъзолари шоҳидлик бера бошлайди.

**«Нима касб қилганларини Бизга қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур.»**

Ҳар бир кофирнинг бу дунёда нима ишлар қилганини унинг ўз қўли гапиради, оёғи гувоҳлик беради.

Имом Муслим, имом Насайй ва ибн Абу Ҳотим Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда у зот розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар: «Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Ул зот кулдилар. Тишлари кўриниб кетди. Сўнгра:

«Нимадан кулаётганимни билдингизми?» – дедилар. Биз:

«Аллоҳ ва Унинг Расули билгувчидирлар», дедик. Ул зот солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни банданинг Робби ила тортишувидан. У:

«Эй Роббим, мени зулмдан сақламаганмисан?» – дейди. Бас, У зот жалла жалалуху: «Оре», дейди. Банда:

«Мен ўзимга қарши фақат ўзимдан бўлган гувоҳнигина қабул қиламан», дейди. У зот жалла жалалуху:

«Бугунги кунда зиддинга ўз жонинг етарли ҳисобчидир. Ки-ромун котибийн (ёзувчи фаришталар) гувоҳликка етарлидир», дейди. Бас, оғзига муҳр урилади. Аъзоларига:

«Гапир», дейилади. Улар унинг амалларини гапирадилар. Сўнгра унга гапириш имкони берилади. У:

«Йўқолинглар! Ҳалокатга учранглар! Сизларни деб ҳаракат қилган эдим!» – дейди».

Имом Муслим ва имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам, жумладан бундай деганлар: «Сўнгра учинчига рўбарў келади ва:

«Сен нима дейсан?!» – дейди. У:

«Мен Сенинг бандангман. Сенга, Пайғамбарингга, китобингга иймон келтирдим. Рўза тутдим. Намоз ўқидим. Садақа бердим», деб иложи борича мақтов сўзларни айтади. Унга:

«Зиддингга гувоҳимизни юборайликми?!» — дейилади. У ичида ўзига қарши ким гувоҳлик бериши мумкинлигини ўйлаб турганида, оғзига муҳр урилади. Сўнгра сонига: «Сен гапир», дейилади. Бас, сони, гўшти ва суюги нима амал қилганини гапиради. Ана шу мунофиқ одамдир. Бу иш унинг узри ўзи билан бўлсин деб қилинади. Ана шу одам Аллоҳнинг ғазабига учрайдиган одам».

Имом ибн Жарир ат-Тобарий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда шундай дейилади:


«Қиёмат куни мўмин киши ҳисоб-китобга чақирилади. Робби унга амалларини ўзаро икковлари биладиган қилиб арз қилади. У эътироф этади: «Ҳа, Роббим, қилувдим, қилувдим, қилувдим», дейди. Бас, Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилади ва беркитади. Ер юзидаги бирор махлуқ у гуноҳқорлардан ҳеч нарсани кўрмайди. Яхшиликлари эса, кўринади. У, одамлар ҳаммалари кўрсалар эди, деб орзу қилади.

Кофир ва мунофиқ ҳам ҳисоб-китобга чақирилади. Робби унга қилган амалларини арз қилади. У инкор этади ва:

«Эй Роббим, сенинг иззатинг ила қасамки, фаришта мен қилмаган ишни менга ёзиб қўйибди», дейди. Фаришта унга:

«Фалон куни, фалон жойда шундоқ қилмаган эдингми?!» — дейди. У:

«Йўқ! Иззатинг ила қасамки, эй Роббим, мен буни қилганим йўқ», дейди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло унинг оғзига муҳр солади. Менимча, энг аввал унинг ўнг сони гапиради», деб туриб Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу: «Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз...» оятини тиловат қилдилар.


 وَلَوْ نَشَاءُ لَطَمَسْنَا عَلَىٰ أَعْيُنِهِمْ فَاسْتَبَقُوا الصِّرَاطَ فَأَنَّى يُصِرُّوكَ

**66. Агар хоҳласак, кўзларини теп-текис қилиб қўюрмиз. Бас, улар йўлга шошилурлар. Аммо, қандай ҳам кўрсинлар.**

Аллоҳнинг иродаси билан ўша жинойтчиларнинг кўзлари йўқ қилиниб, ўрни ҳам қўйилмай текислаб юборилса борми, нима бўлади? Улар йўлга юрмоқчи бўлиб шошилишади, бир-бирларига туртиниб, олдинга интилишади, аммо кўрмаганлари учун ҳеч қаёққа бора олишмайди. Бу ҳол уларнинг оғизларига муҳр уриб, шарманда қилишнинг устига яна бир шармандалиқдир. Маҳшарда барча халойиқнинг олдида гуноҳлари очилиб, аъзолари ўзларига қарши гувоҳлик бериб, тилларига муҳр урилиб турган бир пайтда кўзларининг ҳам текислаб қўйилиши, ҳеч нарсани кўра олмай, ўзларини ҳар томонга уришлари хору зорликнинг энг чўққисидир. Аммо уларни хорлаш ҳали тутагани йўқ.

وَلَوْ نَشَاءُ لَمَسَخْنَاهُمْ عَلَىٰ مَكَانَتِهِمْ فَمَا اسْتَطَاعُوا مُضِيًّا وَلَا يَرْجِعُونَ ﴿٧٧﴾

**67. Агар хоҳласак, уларни жойларида қотириб қўюрмиз. Бас, олдинга юришга ҳам қодир бўлмаслар, ортга ҳам қайта олмаслар.**

Кофир ва осийларнинг жойларида қўфирчоққа ўхшатиб қотириб қўйилишлари ҳам катта хорликдир. Улар турган жойларида қотиб қоладилар. Олдинга ҳам юра олмайдилар. Ортга ҳам қайта олмайдилар.

Қолаверса, кофирларнинг бу дунёда узоқ қолишлари ҳам хору зорликдир.

وَمَنْ نُعَمِّرْهُ نُنَكِّسْهُ فِي الْخَلْقِ أَفَلَا يَعْقِلُونَ ﴿٧٨﴾

**68. Кимнинг умрини узоқ қилсак, уни хилқатида ночор қилиб қўямиз. Ахир, ақл ишлатиб кўрмайдиларми?!**

Одам боласининг умри қанча узайса, у шунча қариб, заифлашиб боради. Бу эса, дунё ҳаёти ўткинчи эканининг, бақоси йўқлигининг ёрқин далилидир. Ақлини ишлатиб, бу ҳақиқатни англаб, иймонга келиб, ибодат билан ўтган мўминлар қариганлари сари роҳатлари кўпайиб боради. Ҳаётда қолишни ибодат қилиш ва савоб ишлаш учун фурсат, деб хурсанд бўладилар. Жаннатга ва Аллоҳнинг розилигига етишиш умидида ўлимни хурсанд бўлиб кутиб оладилар. Кофирлар эса, ақларини ишлатмаганлари учун, бу масалада катта қийинчиликда қоладилар. Шунинг учун ҳам, оятда:

**«Ахир, ақл ишлатиб кўрмайдиларми?!»** дейилмоқда.

Агар узоқ умр кўриб, фақат ночорликка қайтиш мумкинлиги ҳақида ақл ишлатиб кўрсалар, иймонга келишлари керак эди. Аммо ақл ишлатмадилар. Кофирликларида қолдилар. Шу боис, қариганларида бошларига қийин кун тушади. Қўлларидан бир иш келмай қолади. Ҳатто, бор-йўқларини сарф қилганлари бу дунё ҳаётидан ҳам завқ ололмайдилар. Ҳаёт улар учун азобга айланади. Ўлимни ўйлаш эса, азоб устига азоб бўлади.

Сураи кариманинг қолган оятларида ваҳий ва унинг хусусиятлари, Аллоҳнинг ягона маъбудлиги ва ўлгандан кейин қайта тирилиш масалалари янгитдан арз қилинади:

وَمَا عَلَّمْنَاهُ الشِّعْرَ وَمَا يَنْبَغِي لَهُ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ وَقُرْءَانٌ مُّبِينٌ ﴿٧٩﴾

**69. Биз унга шеърни таълим берганимиз йўқ. Бу унинг учун тўғри ҳам келмас. У, зикр ва очиқ-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас.**

لِيُنذِرَ مَنْ كَانَ حَيًّا وَيَحِقَّ الْقَوْلُ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٧﴾

**70. Тирик бўлган шахсларни огоҳлантириш ва кофирларга (азоб) сўзини ҳақ қилиш учундир.**

Мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир, Қуръони Каримни шеър ҳам деганлар. Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг бу даъволарига кескин жавоб бермоқда.

**«Биз унга шеърни таълим берганимиз йўқ.»**

Сизлар шеър билан Қуръоннинг фарқига бора олмаяпсиз. Шеър ички кечинмаларни инсоннинг ўзи вазнга солиб, байт қилиб айтишидир. Уни хоҳлаган инсон айтиши мумкин. Шеър турли бўлган-бўлмаган гапларни ҳам кўтараверади. Айниқса, арабларда бу нарса машҳур. Улар ҳақиқатни яхшилаб билиб олишлари лозимки, Қуръон Аллоҳ томонидан танлаб олинган етук банда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳийдир. У, Аллоҳнинг каломидир. Уни ҳеч ким ўзидан чиқариб айта олмайди. Шунинг учун, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир дейишлик мумкин эмас.

**«Бу унинг учун тўғри ҳам келмас.»**

Шоирлик Пайғамбарлик мақомига ҳеч мос келмайдиган амалдир. Шунинг учун ҳам, шоирлик Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табиатларида умуман йўқ эди.

Абу Заръа ар-Розий қилган ривоятда аш-Шаъбий: «Абдулмуттолибдан тарқаган болаларнинг ҳаммаси, эркаги ҳам, аёли ҳам шеър айтар эди, магар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаганлар», деган.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шеърни таълим бермаганини, шеър ўқиш у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга тўғри ҳам келмаслигини айтганидан сўнг, Қуръони Каримнинг моҳиятини баён қилишга киришади:

**«У, зикр ва очиқ-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас.»**

Аллоҳ таолодан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келган ваҳий зикрдир, эслашдир, Қуръондир — қироат қилинадиган каломдир. Бу илоҳий китоб бутун оламлар учун ваъз-насихат, эслатмадир. Ҳамма учун тиловат қилинадиган илоҳий дастурдир. Уни Аллоҳ таоло маълум мақсад ила нозил этгандир. Унинг нозил қилиниши:

**«Тирик бўлган шахсларни огоҳлантириш ва кофирларга (азоб) сўзини ҳақ қилиш учундир.»**

Оятда мўминларни «тирик»лар дейилмоқда. Кофирлар эса, ўликларга тенглаштирилмоқда. Иймонга келишга тайёр қалб ҳаётда ти-

рик яшашга тайёр қалбдир. Куфрда қоладиган қалб эса, яшашга тайёрланмаган, ўлик қалбдир. Шунинг учун ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётга тайёрларни Қуръон билан огоҳлантирадилар. Ҳаётга тайёрланмаганларга эса, азоб калимаси ҳақ бўлганини эълон қиладилар. Демак, инсонлар Қуръонга бўлган муносабатларига кўра икки турга бўлинадилар. Биринчиси, унга иймон келтирганлар – тириклар. Иккинчиси, унга куфр келтирганлар – ўликлар.

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا خَلَقْنَا لَهُمْ مِمَّا عَمِلَتْ أَيْدِينَا أَنْعَمًا فَهُمْ لَهَا مَمْلُوكُونَ ﴿٧١﴾ وَذَلَّلْنَاهَا لَهُمْ فَمِنْهَا رَكُوبُهُمْ وَمِنْهَا يَأْكُلُونَ ﴿٧٢﴾ وَلَهُمْ فِيهَا مَنَافِعُ وَمَشَارِبٌ أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾

**71. Ахир, Биз улар учун Ўз қўлларимиз-ла қилган нарсалардан чорваларни яратиб қўйганимизни кўрмайдиларми?! Бас, улар ўшаларга молик(эга)дирлар-ку!**

**72. Биз уларга ўша(хайвон)ларни бўйинсундириб қўйдик. Бас, улардан маркаблари бор ва улардан ерлар.**

**73. Улар учун ўшаларда манфаатлар ва ичимликлар бор. Ахир, шукр қилмайдиларми?!**

Ушбу уч оятда Аллоҳ таоло бандалар учун чорва ҳайвонларини яратиб қўйганлиги, ўша ҳайвонларда уларга турли фойдалар борлиги, бунинг учун бандалар Аллоҳ таолога шукр қилишлари лозимлиги ҳақида сўз кетмоқда. Чорва ҳайвонлари арабчада «анъом» дейилади ва ундан туя, қора мол ва қўй, эчки каби ҳайвонлар тушунилаверади.

Дарҳақиқат, бандаларига ушбу ҳайвонларни Аллоҳ таоло яратмаганида бошқа ҳеч бир зот яратиб бера олмасди. Инсоннинг ўзи эса, мутлақо ярата олмайди. Дунё бунёд бўлганидан буён ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қаерда бирорта чорва ҳайвонини ёки унинг бирорта аъзосини ярата олгани йўқ. Ушбу ҳайвонларни ижод этишининг ўзи Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига, шу жумладан, илоҳий китоб ҳам тушира олишига ёрқин далилдир. Одамлар бундан ибрат олмаганлари ҳақида ажабланиш саволи берилаётганининг сабаби ҳам шундан.

**«Ахир, Биз улар учун Ўз қўлларимиз-ла қилган нарсалардан чорваларни яратиб қўйганимизни кўрмайдиларми?!»**

Демак, Аллоҳ таоло чорва ҳайвонларини одамлар учун яратган. Ўз қўли билан яратган. Бундан бандалар ибрат олишлари, иймонга келиб, Аллоҳга ибодат қилишлари керак.

**«Бас, улар ўшаларга молик(эга)дирлар-ку!»**

Одамларни ўша чорваларга Аллоҳнинг ўзи эга қилиб қўйган. Инсонлар эга сифатида улардан фойдаланадилар.

**«Биз уларга ўша(ҳайвон)ларни бўйинсундириб қўйдик.»**

Биз чорва ҳайвонларига бўйинсуниш қобилиятини бердик. Ўша ҳайвонлар одамларга бўйинсуниб, нимага ундасалар, шунга юрадилар.

**«Бас, улардан маркаблари бор ва улардан ерлар.»**

Одамлар ўша ҳайвонлардан маркаб – улов сифатида фойдаланадилар. Шу билан бирга, ўша ҳайвонларнинг гўшт ва ёғларини ейдилар.

**«Улар учун ўшаларда манфаатлар...» бор.**

Одамлар учун ўша чорва ҳайвонларида турли манфаатлар бор. Териси, жуни, ҳатто суякларидан ҳам фойдаланадилар.

**«...ва ичимликлар бор.»**

Сут-қатикларини ичадилар.

**«Ахир, шукр қилмайдиларми?!»**

Ахир, Аллоҳ таоло уларга бу ҳайвонларни яратиб бермаганида, озиқ учун гўшт ва ёғни қаердан олар эдилар? Яна бошқа фойдаларини-чи? Йўқ, ола билмасдилар. Бинобарин, ақлни ишлатиб, мазкур ҳайвонларни ўзлари учун яратиб берган зот Аллоҳ таолога иймон келтиришлари ва Унга ибодат қилиб яшашлари лозим. Бандаларнинг кўплари эса, ношукрчилик қилдилар. Ўзлари учун бу ҳайвонларни яратган, уларни бўйинсундириб берган Зотга куфр келтирдилар, осий бўлдилар.

وَاتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ آلِهَةً لَعَلَّهُمْ يُنصَرُونَ

**74. Улар Аллоҳдан ўзга илоҳлар тутдилар. Гўёки, уларга ёрдам берилар эмиш.**

Аллоҳ берган неъматларга ношукрлик қилган бандалар Аллоҳга ширк келтириб, ундан ўзга «худолар» тутдилар. Гўёки, ўша «худолар» томонидан уларга ёрдам берилар эмиш!

لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَهُمْ وَهُمْ لَهُمْ جُنْدٌ مُخَضَّرُونَ

**75. Уларнинг ёрдамига (худолари) қодир бўлмаслар. Улар эса, ўша(худо)лари учун ҳозир қилинган аскардирлар.**

Мушрикларнинг «худолари» уларга ёрдам беришга қодир бўла олмайдилар. Лекин улар ўша «худолари» учун жон фидо қилишга тайёр турган аскарлардир. Улар учун турли хизматлар адо этадилар. Сохта худоларини ҳимоя қилиш учун ўзларини ўтга-чўққа урадилар. Булар қандай худолар бўлди?! Булар қандай бандалар бўлди? Бундай худолик ва бандалик қайси мантиққа тўғри келади?

Эй Пайғамбар!



فَلَا يَحْزَنكَ قَوْلُهُمْ إِنَّا نَعْلَمُ مَا يُسْرُونَ وَمَا يَعْلَمُونَ ﴿٧٦﴾

**76. Уларнинг гапи сени хафа қилмасин. Албатта, Биз нимани сир тутсалар ва нимани ошкор қилсалар, билурмиз.**

Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган пайтлар Ислом даъвати, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва мўмин-мусулмонлар учун фоят оғир ва машаққатли пайтлар эди. Ўша даврда мушрикларнинг озорлари ва турли кирдикорлари авжга чиққан эди. Мазкур қийинчиликлар ҳақида Пайғамбар алайҳиссаломга ва мўмин-мусулмонларга тасалли берадиган бирдан-бир нарса ўша пайтларда нозил бўлаётган ояти карималар эди. Ушбу оятларда ҳам Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга ва у зот орқали мўмин-мусулмонларга тасалли бермоқда:

**«Уларнинг гапи сени хафа қилмасин».**

Яъни, кофир ва мушрикларнинг дину диёнатга, Қуръонга ва аҳли иймонга қарши айтаётган гапи сени хафа қилмасин.

**«Албатта, Биз нимани сир тутсалар ва нимани ошкор қилсалар, билурмиз.»**

Шу жумладан, кофир ва мушрикларнинг сени хафа қиладиган гапини ҳам яхши билурмиз. Унга яраша жазоларини берурмиз.

أَوَلَمْ يَرِ الْإِنْسَانُ أَنَّا خَلَقْنَاهُ مِنْ نُطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُبِينٌ ﴿٧٧﴾

**77. Инсон Биз уни нутфадан яратганимизни билмайдими?! Энди эса, у очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди?!**

Ушбу ояти карима ва ундан сўнг келадиган оятлар ўлгандан кейин тирилтиришни инкор қиладиган ҳар бир инсонга хитобдир. Аммо бу оятларнинг тушишига сабаб бўлган киши мушрикларнинг каттаси Убай ибн Халаф эди.

Мужоҳид, Икрима, Урва ибн Зубайр, ас-Суддий ва Қатодадан қилинган ривоятда: «Убай ибн Халаф (Аллоҳнинг лаънати бўлсин унга) қўлида чириган суякни тутиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва хокини ҳавога пуфлаб учуриб туриб:

«Эй Муҳаммад, Аллоҳ мана шуни тирилтиради, деб гумон қилсанми?!» — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, Аллоҳ сени ўлдиради, кейин қайта тирилтиради, сўнгра эса, дўзахга киритади», дедилар. Шундан кейин: «Инсон Биз уни нутфадан яратганимизни билмайдими?!» деб бошланувчи оятлар нозил бўлди», дейилган.

Ҳа, инсон ўз аслини билганида кофир бўлмас эди. Ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қила олмас эди.

**«Инсон Биз уни нутфадан яратганимизни билмайдими?!»**

Инсон ўзининг бир томчи жирканч сувдан яратилганини билмайдими?! Ўзини ким деб ўйлайди?! Бунчалик ҳовлиқади?! Бунчалик осмондан келади?!

**«Энди эса, у очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди?!»**

Аллоҳ чириган суякни қандай қилиб қайта тирилтиради, деб истеҳзо билан савол беради?!

وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ قَالَ مَنْ يُحْيِي الْعِظْمَ وَهِيَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾

**78. У Бизга мисол келтирди ва ўз яратилишини унутди. «Суякларни ким тирилтирур? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!» – деди.**

Ҳаддан ошган, ўзидан кетган бу хусуматчи инсон қўлига чириган суякларни олиб:

**«Бизга мисол келтирди...»**

Мисол келтиришга келтирди-ю, аммо:

**«...ўз яратилишини унутди».**

Агар у ўз яратилишини унутмаганида, ўлгандан кейин қайта тирилишга шубҳа қилмас, уни инкор этмас эди. Ўша кофир инсон сенга қараб, эй Пайғамбар, бу:

**«Суякларни ким тирилтирур? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!» – деди.**

قُلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَنشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ ﴿٧٩﴾

**79. Сен: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир», деб айт.**

Кофирнинг, суякларни ким тирилтиради, деган саволига нима деб жавоб беришни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳнинг Ўзи ўргатмоқда. Эй Пайғамбар:

**«Сен: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради...» дегин.**

Йўқдан бор қилган зот учун борни қайта тирилтириш жуда ҳам осондир. Уни қандай амалга оширишни Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

**«...у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир», деб айт.»**

Ҳар бир махлуқнинг ҳар бир хусусиятини ҳам яхши билади. Шунинг учун, уларнинг ҳар бирини худди ўзидек қилиб, ҳатто

бармоқ учларини ҳам ўз ҳолига қайтариб тирилтиради. У зот ҳар нарсага қодирдир.

الَّذِي جَعَلَ لَكُم مِّنَ الشَّجَرِ الْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَا أَنْتُمْ مِّنْهُ تُوقَدُونَ ﴿٨٠﴾

**80. У зот сизларга яшил дарахтдан олов қилиб бергандир. Энди эса, сиз ундан олов ёқмоқдасиз.**

У зот шундай қудратли зотки, баъзи нарсаларни ўзига қарама-қарши томондан ҳам чиқараверади. Мисол учун, ям-яшил дарахт-ни олайлик. У ҳўл бўлади. Таркибида сув бор. Сув эса, оловни ўчиради. Аммо Аллоҳ таоло оловга терс бўлмиш ҳўл дарахтни бир-бирига ишқаса ўт чиқарадиган ҳолга келтириб қўйгандир. Оловга ёқилғини ҳам ўша дарахтнинг ўзидан қилиб қўйгандир. Бу улкан бир мўъжизага одамлар эътибор бермайдилар. Агар эътибор берсалар, Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ҳар бир ишга, жумладан, ўликларни қайта тирилтиришга ҳам қодир эканига очиқ-ойдин далилни кўрар эдилар.

أَوَلَيْسَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِقَدِيرٍ عَلَىٰ أَن يَخْلُقَ مِثْلَهُم بَلَىٰ وَهُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ ﴿٨١﴾

**81. Осмонлару ерни яратган Зот уларга ўхшашни яратишга қодир эмасми?! Йўқ! У ўта яратгувчи, ўта билгувчи зотдир.**

Осмонлару ерни яратган зот учун, шунчалик улкан, катта, мураккаб, бепоён махлуқларни яратган зот учун уларнинг олдида заррача ҳам келмайдиган одамни қайта тирилтириши қийин эканми?!

«Йўқ!»

Албатта, У қодирдир. Унга бу иш қийин эмас. Чунки:

**«У ўта яратгувчи, ўта билгувчи зотдир».**

Ҳар қандай нарсани ярата олади. Ҳар қандай нарсани билади. Яратиш Унинг учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَن يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴿٨٢﴾

**82. Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши «Бўл» демоқликдир, холос. Бас, у нарса бўлур.**

Ирода қилинган нарса нималигининг фарқи йўқ. У хоҳ бепоён осмон бўлсин, хоҳ ер бўлсин, хоҳ бошқа махлуқлар бўлсин, уни яратиш Аллоҳ учун иш эмас. Унинг иши фақат «бўл» дейиш,

холос, у бўлаверади. Шунингдек, ўликларни тирилтириши ҳам «бўл» дейиш билан бўлади. Бунга ҳеч шубҳа қилмаслик керак. Ким шубҳа қилса, хато қилади. Ўзига жабр қилади.

فَسُبْحَانَ الَّذِي بِيَدِهِ مَلَكُوتُ كُلِّ شَيْءٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

### 83. Бас, барча нарсанинг том эгалиги қўлида бўлган Зот покдир. Унгагина қайтарилурсизлар.

Гап шундай экан, демак дунёдаги барча нарсаларнинг тўла эгалиги ва тасарруфи қўлида бўлган Аллоҳ таоло покдир. Барча айб ва нуқсонлардан, жумладан, кофир ва мушриклар, ўлганларни қайта тирилтира олмайди, деб тақабатган нуқсондан ҳам покдир. Ва билиб қўйинглар:

#### «Унгагина қайтарилурсизлар».

Ҳамма-ҳаммангиз охир-оқибат унга қайтиб борасизлар. Бошқага эмас. Демак, ўша кунга тайёргарлик кўринглар. Аллоҳга иймон келтириб, Унга ибодат қилинглари, Унинг ҳузурига қайтиб борганингизда шарманда бўлиб қолмасликнинг чорасини ахтаринглар.

Мана, «Йаасийн» сурасини ўрганиб ҳам чиқдик. Нима учун бу сураи карима «Қуръоннинг қалби» деб аталгани, нима учун унинг фазли ҳақида ҳадиси шарифлар ворид бўлгани англаб олингандир.

Сурада мўъжаз калималар билан Аллоҳ таолонинг биру борлиги, ҳар бир нарсага қодирлиги, Пайғамбарлик ва ваҳийнинг ҳақлиги, кишилар Пайғамбар етказган ваҳийни ўзларига дастур қилиб яшамоқлари лозимлиги, ўлгандан кейин қайта тирилиш каби масалалар муолажа этилди. Булар ҳар бир кишининг қалбида туриши лозим бўлган масалалардир. Ҳар бир киши эртаю кеч эслаб туриши зарур бўлган масалалардир. Ушбу масалаларни ўз ичига олган «Йаасийн» сурасини ҳар бир киши иймон билан ўқиса, гуноҳлари мағфират бўлишига лойиқдир.



## СОФФААТ СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 182 оятдан иборат.*

«Ас-Соффаат» сўзи «саф тортиб турувчилар» маъносини англатади. Аллоҳ таоло бу сураи каримани Аллоҳнинг амрини бажариш учун саф тортиб турган фаришталар (ас-соффаат)га қасам ила бошлаган бўлиб, шу сўз сурага ном бўлиб қолган.

Бошқа маккий суралар каби, бу сурада ҳам кишилар қалбида мустаҳкам эътиқодни бино қилиш, уни ширкнинг турли кирларидан тозалаш ҳақида ўзига хос услубда сўз юритилади. Баъзи бир масалаларга алоҳида эътибор берилади. Масалан, арабларда, Аллоҳ билан жинлар орасида яқинлик бор, деган гап кенг тарқалган бўлиб, сурада шу хурофий гап муолажа қилинади.

Шунингдек, сураи каримада тавҳид ва ваҳий масаласи ҳам алоҳида тилга олинади.

Мушрикларнинг залолати баёнидан сўнг, уларга ўхшаш умматларнинг қиссалари келтирилади. Борлиқдаги мавжуд нарсалардан ўртак олишга чақирилади.

Сураи карима фаришталарнинг бир неча тоифалари билан қасам ичиб бошланади. Сўнгра гап мавзуи жинларга кўчади. Уларнинг ҳақиқати баён қилинади. Арабларнинг, Аллоҳ билан жинлар ўртасида яқинлик бор, деган хурофотлари беҳуда эканлиги фош этилади.

Сўнгра кофирларнинг ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмасликлари масаласига ўтилади. Мўмин банда билан кофир қиссаси келтирилади. Улар ўртасида бу дунёда бўлиб ўтган тортишув эса олинади. Сўнг натижа баён этилади. Мўмин жаннатга, кофир дўзахга йўл олиши айтилади.

Кейин эса, ҳозирда куфр келтираётганлар иши янгилик эмаслиги, буларга ўхшаш кофирлар аввал ҳам кўп бўлганлиги ҳақида сўз очилиб, ўтган умматлар, жумладан, Нух, Иброҳим, Исмоил, Мусо, Ҳорун, Илос ва Лут алайҳиссаломларнинг қиссалари келтирилади. Хусусан, мўмин-мусулмонларни Аллоҳ йўлида фидокорликка чорлаш учун Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз жигарбандлари Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилишга уринишлари қиссаси батафсил келтирилади.

Суранинг охирида Аллоҳ таоло поклаб ёд этилади. Аллоҳ таоло Пайғамбарлари ва мўмин бандаларига икки дунёда ҳам нусрат бериши айтилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالصَّفَاتِ صَفًا

### 1. Сафда тизилиб турувчилар ила қасам.

Оятда Роббул олабийн «Вас-соффаати соффан» деб, Ўзининг амрини адо этиш учун сафга тизилиб, шай бўлиб турган фаришталар билан қасам ичмоқда.

Аллоҳ таоло кейинги икки оятда ҳам маълум бир тоифа фаришталар билан қасам ичади. Бу эса, ўша фаришталарнинг Аллоҳ таоло ҳузурида ўзига яраша қадр-қиймати борлигини билдиради. Уларга эътиборни жалб этади. Уларнинг шон-шарафини орттиради. Фаришталар ҳам Аллоҳ таолонинг махлуқотлари, бандалари. Улар ўзига хос хусусиятлари билан яратилган. Бир тоифалари Аллоҳ таолонинг амрини дарҳол бажариш учун саф тортиб тайёр турадилар. Фаришталарнинг саф тортишлари ҳадиси шарифда ҳам келган.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фаришталар Роббилари ҳузурида саф тортганларидек саф тортмайсизларми?!» – дедилар. Биз:

«Қандай қилиб, эй, Аллоҳнинг Расули?» – дедик. Ул зот солаллоҳу алайҳи васаллам:


«Олдинги сафларни тўлдирадилар ва сафни жипс қиладилар», дедилар», дейилган.

فَالزَّجْرَاتِ زَجْرًا

### 2. Зажр (қилинадиганларни) зажр қилгувчилар ила қасам.

«Зажр» сўзи мумтоз адабиётимизда ҳам шу маъно ва шу шаклда ишлатилган. Бу сўз айбдорни қўпол сўз ва муомала ила бир нарсдан узоқлаштириш маъносини англатади. Фаришталардан бир тоифаси кофир ва осийларнинг жонлари олинаётганда, ҳашр пай-

тида ва жаҳаннамга ҳайдаш пайтида зажр қилишга маъмурдирлар. Аллоҳ таоло ояти каримада ўша тоифадаги фаришталар билан қасам ичмоқда.



### 3. Зикрни тиловат қилгувчилар ила қасам.


Яна бир тоифа фаришталар Аллоҳнинг самовий китобларини, яъни, зикрни тиловат қилишга буюрилган. Оятда Аллоҳ таоло ўша тоифадаги фаришталар билан ҳам қасам ичмоқда.

Одатда, ўта муҳим ишни таъкидлаш учун қасам ичилади. Хусусан, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар арзимас баҳонага қасам ичавермайди. Хўш, бирйўла уч тоифа фаришталар билан қасам ичишдан мақсад нима? Бундан кўзланган мақсад жуда муҳимдир. У ҳам бўлса, тавҳидни эълон этишдир, яъни, шунча фаришталар билан қасамки,



### 4. Албатта, илоҳингиз ягонадир.

Эй бандалар, сизнинг ибодатингизга сазовор илоҳингиз биттаю биттадир, ягонадир.



### 5. У зот осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Ва машриқларнинг Роббидир.

Сизнинг ўша ягона илоҳингиз бўлган зот:

«...осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир».

Яратувчиси ва тадбирини қилувчисидир. Осмонларга қаранг! Қанчалик бепоён! Қанчалик юксак! Қанчалик мустаҳкам! Қанчалик мухташам! Қанчалик бенуқсон! Ана шуларнинг ҳаммасини Аллоҳ яратган, Аллоҳ тадбирини қилиб туради. Уларнинг Робби Аллоҳдир.

Ерга назар солинг! Унинг ажойиботларига боқинг! Уни ҳам Аллоҳ яратган, Аллоҳ тадбирини қилиб туради. Унинг ҳам Робби Аллоҳдир.

Осмонлару ернинг орасидаги сонсиз-саноқсиз нарсаларга қаранг! Ҳаммасини Аллоҳ яратган. Ҳаммасининг тадбирини Аллоҳ қилиб туради. Ҳаммасининг Робби Аллоҳдир. Шунингдек, Аллоҳ:

### «Ва машриқларнинг Роббидир».

Қуёш ҳар куни чиқадиган жойларни – машриқларни яратган зот ҳам Аллоҳдир. Уларнинг тадбирини қилиб турувчи зот ҳам Аллоҳдир. Уларнинг Робби ҳам Аллоҳдир.

Аллоҳ машриқларнинг Робби бўлганидан кейин мағрибларнинг ҳам Робби бўлиши турган гапдир.

إِنَّا زَيْنَا السَّمَاءِ الدُّنْيَا بِرَبِّنَا الْكُوكَبِ

### 6. Албатта, Биз бу дунё осмонини юлдузлар зийнати-ла зийнатладик.

Инсонлар яшаб турган бу дунё осмони уларга энг яқин осмондир. Ана ўша осмонни Аллоҳ таоло юлдузлар билан зийнатлаб қўйгандир. Бу ҳам Унинг барча нарсанинг Робби, яратувчиси ва тадбирини қилувчиси эканига далилдир. Юлдузларнинг ҳажми, сон-саноғи, осмонда туриши, инсонларга етказадиган фойдалари ва бошқа ажойиботларини бир томон қўйиб, уларнинг дунё осмонига зийнат бўлишинигина олиб кўрайлик. Осмонга бундан гўзалроқ зийнат бўлиши мумкинми? Уни ким қила олади? Батамом осмонни зийнатлаш у ёқда турсин, бирор зот биттагина бўлса ҳам зийнатни осмон зийнатиغا қўша олганми? Албатта, йўқ! Шундай бўлгач, осмонни юлдузлар билан зийнатлаб қўйган Зотга иймон келтирмай, кимга иймон келтирилади?! Осмонни зийнатлаб қўйган Зотга ибодат қилмай, кимга ибодат қилинади?!

Аллоҳ таоло юлдузларни осмонга зийнат қилиш билан бирга:

وَحَفِظًا مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ مَّارِدٍ

### 7. Ва ҳар бир итоатсиз шайтондан сақлаш учун.

Юлдузлар осмонларни зийнатлайди, айни дамда, уларни итоатсиз шайтонлардан муҳофаза этади. Бошқа оятларда келганидек, итоатсиз шайтонлар – жинлар осмонга яқинлашса, юлдузлардан учқун чиқиб, уларни ҳайдаб, осмонни муҳофаза қилади.

لَا يَسْمَعُونَ إِلَى الْمَلَأِ الْأَعْلَى وَيُقَدِّفُونَ مِنْ كُلِّ جَانِبٍ

### 8. Улар юксак тўплиққа қулоқ сола олмаслар ва ҳар томондан (учқун-ла) отилурлар.

Ўша жинлар осмондаги юксак тўплиқ – олий жамоат, яъни фаришталар жамоасининг ўзаро гапларини ҳеч ҳам эшита олмайди-



лар. Агар эшитишга ҳаракат қилсалар, юлдузлардан ажраб чиққан уқчун ила отилиб ҳайдаладилар.

دُحُورًا وَهُمْ عَذَابٌ وَأَصِيبٌ

### 9. Ҳайдалурлар! Улар учун узлуксиз азоб бордир.

Бу дунёда осмонга чиқишга ҳаракат қилган чоқларида:

«Ҳайдалурлар!»

У дунёда эса:

«Улар учун узлуксиз азоб бордир».

Ўша азобда улар доимий равишда бўлурлар.

Аввал айтилганидек, шайтонларнинг юксак тўплиққа қулоқ солишларига имкон берилмайди.

إِلَّا مَنْ خَطِفَ الْخَطْفَةَ فَأَتْبَعَهُ شِهَابٌ ثَائِبٌ

### 10. Магар бирорта сўзни ўғриликча тинглаган шахс бўлса, уни ёқувчи олов таъқиб этар.

Мабодо, жинлардан бирортаси осмонлардаги юксак тўплиққа — фаришталар жамоасига ўғриликча қулоқ тутиб бирор сўзни эшитиб қолса, унинг ортидан олов тушади ва уни ёндириб юборади. Бу оятлар мушрикларнинг, жинлар осмонга чиқиб Аллоҳ билан фаришталар орасидаги ҳамда фаришталарнинг ўзаро гапларини эшитиб, ерда ўзлари тобеъ қилиб олган одамларга етказадилар, шу йўл ила фолбин ва коҳинлар жинлар ёрдамида ғойибдан хабардор бўладилар, деган эътиқодлари бузуқ эканини фош қилади. Мана шу бузуқ эътиқод асосида араб мушриклари фолбин ва коҳинларга ишонишар, уларни улуғлашар ва ҳатто баъзилари жинларга сиғинишар эди.

Юқоридаги оятларда фаришталар, осмонлару ер, уларнинг ораларидаги нарсалар, юлдузлар ва шайтонлар зикр этилган бўлса, кейинги оятларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушриклардан уларнинг ўзларини яратиш қийинми ёки мазкур нарсаларни яратиш қийинми эканлиги ҳақида сўрашга буюриладилар.

Эй Пайғамбар:

فَأَسْتَفِيهِمْ أَهْمٌ أَشَدَّ خَلْقًا أَمْ مَنْ خَلَقْنَا إِنَّا خَلَقْنَاهُمْ مِنْ طِينٍ لَازِبٍ

**11. Бас, сен улардан сўра: уларни яратиш қийинроқмикан ёки Биз яратган зотларни?! Албатта, Биз уларни ёпишқоқ лойдан яратдик.**

Эй Пайғамбар, Аллоҳни инкор этаётган мушриклардан сўрачи, ўша мушрикларни яратиш қийинмикан ёки Биз яратган фаришталарни, осмону ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни, юлдузлару шайтонларни яратиш қийинмикан?! Ўзларига келсак:

**«Албатта, Биз уларни ёпишқоқ лойдан яратдик».**

Асллари сувга қорилиб тайёрланган лойдан бўлган, холос. Бунчалар осмондан келмасалар ҳам бўлаверади.

بَلْ عَجَبْتَ وَيَسْخَرُونَ ﴿١١﴾

**12. Балки сен ажабландинг, улар эса масхара қилурлар.**

Албатта, Аллоҳ таолонинг қудратига, ягоналигига, яратувчилиги ва тадбиркорлигига сон-саноксиз далилларни кўрса ҳам иймонга келмаган, Аллоҳнинг айтган йўлидан юрмаётган кофирларни, мушрикларни, осийларни кўриб ҳар қандай ақлли одам ҳам ажабланади. Оддий нарсага ақллари етмаётганига ҳайратланади. Қандай қилиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ажабланмасинлар!

**«Балки сен ажабландинг...»**

Уларнинг қилмишларидан ажабланишинг турган гап эди. Шундай бўлди ҳам. Сен ажабландинг.

**«...улар эса масхара қилурлар.»**

Улар Аллоҳнинг биру борлигини, яратувчилиги ва мудаббирлигини кўрсатувчи очиқ-ойдин далилларни, оят-белгиларни масхара қиладилар.

وَإِذَا ذُكِّرُوا لَا يَذْكُرُونَ ﴿١٢﴾

**13. Қачонки эслатилсалар, эсламаслар.**

Ўз ақллари билан топиб оладиган Аллоҳ таолонинг биру борлиги, Холиқлиги, Робблиги каби улкан ҳақиқатлар ҳақида улар **«...эслатилсалар, эсламаслар».**

Уларга Аллоҳ томонидан Пайғамбар юборилиб, ваҳий орқали кофир ва мушрикларга бурчлари эслатилса ҳам, эсламаслар.

وَإِذَا رَأَوْا آيَةً يَسْتَسْخِرُونَ ﴿١٣﴾

#### 14. Қачонки бирор оят(белги)ни кўрсалар, қаттиқроқ масхара қилурлар.

Яъни, эслатма кифоя қилмаганидан кейин, Аллоҳнинг, Пайғамбарнинг ва Қуръоннинг ҳақ эканлигига далил сифатида бирор оят-белги, мўъжиза кўрсатилса, улар аввалгидан ҳам қаттиқроқ масхара қиладилар. Масалан:

وَقَالُوا إِن هَذَا إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١٤٠﴾ أَمْ دَامِنَّا وَكَانُوا عِظَمَاءَ نَالِ الْمَبْعُوثُونَ ﴿١٤١﴾ أَوْ آبَاءُ آبَائِنَا الْأَوَّلُونَ ﴿١٤٢﴾

15. Улар: «Бу (Қуръон) очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас.

16. Ўлсак-да, тупроқ ва суяк бўлсак-да, албатта, биз қайта тирилтирилурмизми?!

17. Аввалги ота-боболаримиз ҳам-а?!» – дедилар.

Кофир ва мушриклар Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони Каримни, ботил ва дажжолитдан иборат сеҳр, деб атадилар. Ҳа,

Улар: «Бу (Қуръон) очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас», дедилар.

Бу гап жуда ёмон масхарадир. Бу нарса Аллоҳга ва Унинг каломига нисбатан ўтакетган беодобликдир.

Яна кофир ва мушрикларнинг масхараларидан бири шуки, улар қиёмат қоим бўлишини, қайта тирилишни инкор этиб:

«Ўлсак-да, тупроқ ва суяк бўлсак-да, албатта, биз қайта тирилтирилурмизми?!» – дейдилар.

Ул нобакорлар қайта тирилишнинг бўлмаслигига ота-боболарининг қайта тирилмаётганини далил қилмоқчи бўлиб:

«Аввалги ота-боболаримиз ҳам-а?!» – дедилар».

Улар қанчадан-қанча махлуқотларни йўқдан бор қилган Зот уларни ва ота-боболарини ўлиб-чириб, тупроққа қўшилиб кетганларидан кейин қайта тирилтира олишига шубҳа қилмоқдалар. Ишонмаяптилар. Эй Пайғамбар:

قُلْ نَعَمْ وَأَنْتُمْ دَاخِرُونَ ﴿١٤٣﴾

18. Сен: «Ҳа! Хор бўлган ҳолларингизда!» дегин.

Ҳа, сизлар ўлсангиз-да, тупроққа қоришиб кетсангиз-да, албатта, қайта тирилтириласиз. Аввалги ота-боболарингиз ҳам. Аммо, шунчаки қайта тирилиб қолмайсиз, балки унда хору зор ҳолатда ҳам бўласиз. Бу ишлар Аллоҳ таоло учун қийин эмас.

فَأْتِمَاهِ زَجْرَةً وَنَجْدَةً فَإِذَا هُمْ يَنْظُرُونَ ﴿١٩﴾

**19. Бас, у фақатгина бир қичқириқдан иборат, холос. Бас, бирдан улар назар солиб турибдилар-да!**

Қайта тирилтириш Аллоҳ таолога оғир иш эмас. У фақатгина бир қичқириқ, яъни, фаришта Исрофил алайҳиссаломнинг сурга иккинчи бор пуфлашидан чиқадиган овоз, холос. Шу билан ҳамма қайта тирилади. Шунда кофирлар бир-бирларига, қиёмат даҳшатларига ва бошқа манзараларга назар солиб туришларини кўрасан.

وَقَالُوا يَا وَيْلَنَا هَذَا يَوْمُ الدِّينِ ﴿٢٠﴾

**20. Ва улар: «Воҳ, шўримиз қурисин! Бу жазо куни-ку!» – дерлар.**

Кофирлар қайта тирилгач, бир қарашдаёқ гап нимада эканини тушуниб етадилар. Бу дунёда Пайғамбар ва даъватчилар тавсифлаган манзарани дарров танийдилар ва:

**«Воҳ, шўримиз қурисин! Бу жазо куни-ку!» – дерлар».**

Шўрлари қуриганини англаб етадилар. Қиёмат куни бу дунёдаги амаллари учун жазо олиш пайти келганини тушуниб етадилар.

Шунда гулдурос бир товуш уларга дейди:

هَذَا يَوْمُ الْفَصْلِ الَّذِي كُتِبَ بِهِ تَكَذُّبُونَ ﴿٢١﴾

**21. «Бу, сизлар ёлғонга чиқариб юрган ажрим кунидир.**

Яъни, сизларга у дунёда, қиёмат қоим бўлади, у кунда ҳақ билан ботил, яхши билан ёмон, кофир билан мўмин орасида ажрим қилинади, дейилса, ёлғон дер эдингизлар. Сизлар ёлғонга чиқариб юрган ўша ажрим куни мана шу кундир, дейилади. Сўнгра фаришталарга:

﴿٢٢﴾ أَحْشَرُوا الَّذِينَ ظَلَمُوا وَأَزْوَاجَهُمْ وَمَا كَانُوا يَعْبُدُونَ ﴿٢٣﴾ مِنْ دُونِ اللَّهِ فَأَهْدُوهُمْ إِلَى صِرَاطِ الْجَحِيمِ ﴿٢٤﴾

**22. Зулм қилганларни, уларнинг жуфтларини ва улар ибодат қилиб юрган,**

**23. Аллоҳдан ўзга нарсаларини тўпланглар. Бас, уларни жаҳийм йўлига ҳидоят қилинг» (дейилур).**


Эй фаришталар, ширк келтириш ила зулм қилганларни (Аллоҳга ширк келтириш энг катта зулм) уларнинг жуфтларини — хотинлари ва ҳаммаслакларини ҳамда Аллоҳдан ўзга сифиниб юрган сохта худоларини ҳашр майдонида бир жойга тўпланглар. Ҳа,

**«Зулм қилганларни, уларнинг жуфтларини ва улар ибодат қилиб юрган, Аллоҳдан ўзга нарсаларини тўпланглар».**

Зулм қилганлар — кофир, мушрик ва осийлардир. Фақат уларнинг ўзларигина эмас, балки уларнинг кофир, мушрик ва осий хотинлари ҳамда ҳаммаслак шериклари ҳам азобга дучор бўлар экан. Шунингдек, уларнинг Аллоҳга шерик этган сохта худолари ҳам қўшиб тўпланади.

**«Бас, уларни жаҳийм йўлига ҳидоят қилинг.»**

Одатда, жаҳаннам ва унга ўхшаш ёмон жойларга нисбатан «ҳидоят қилиш» истилоҳи ишлатилмайди. Лекин бу оятда жаҳаннабийларни масхара қилиш учун киноя билан шу лафз қўлланилмоқда.



**24. Ва уларни тўхтатинглар! Албатта, улар сўралгувчидирлар.**


Эй фаришталар, мазкур аҳли жаҳаннамни жамлаб, жаҳаннам йўлига тўғрилаб бўлганларингиздан кейин:

**«...уларни тўхтатинглар!»**

Уларнинг ишлари ҳали тамом бўлгани йўқ. Ҳали баъзи гаплар, ишлар бор.


**«Албатта, улар сўралгувчидирлар.»**

Улар ҳали у дунёда қилган ишлари ҳақида сўраладилар.



**25. Сизларга нима бўлди? Ўзаро ёрдамлашмаяпсиз?!**

Сизларга нима бўлди ўзи? Ҳаммангиз тўпланиб турибсиз. «Худо»ларингиз ҳам сизлар билан бирга турибди. Лекин нега бири-бирингизга ёрдам бермаяпсиз? «Худо»ларингиз ҳам сизга ёрдам бермаяпти? Ҳаммангиз ёрдамга муҳтожсиз, аммо ҳеч ким ёрдам берай демайди?! Нима бўлди ўзи?



**26. Йўқ! Улар бугунги кунда таслим бўлгувчилардир.**

Йўқ! Улар бугун бир-бирларига ҳеч ҳам ёрдам бера олмайдилар. Ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Ҳаммининг бошига ташвиш тушган. Ўзидан бошқа ҳеч ким хаёлига ҳам келмайди.

**«Улар бугунги кунда таслим бўлгувчилардир.»**

Ҳаммалари — «бандалари»ю, «худолари» Аллоҳ таолога таслим бўлиб қоладилар.

وَأَقْبَل بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَاءَلُونَ ﴿٢٧﴾

**27. Улар бир-бирларига савол берурлар.**

Аҳли жаҳаннамнинг бошлиқлари билан уларга эргашганлар бир-бирлари ила тортишадилар. Гапни эргашувчилар бошлаб, хўжайинларига савол берадилар.

قَالُوا إِنَّكُمْ كُنْتُمْ تَأْتُونَنَا عَنِ الْيَمِينِ ﴿٢٨﴾

**28. Улар: «Албатта, сизлар бизга ўнг томондан келар эдингиз», дерлар.**

Эй, пешволар, сизлар, у дунёда ўз йўлингизга юритиш учун бизга ўнг, яъни, ишончли томондан, куч-қувват, ишонч ва ҳақиқат даъвоси ила келар эдингиз, мана энди нима бўлди, дейдилар.

Ўшанда пешволар эргашувчиларга жавоб берадилар.

قَالُوا بَلْ تَكُونُوا مُؤْمِنِينَ ﴿٢٩﴾ وَمَا كَان لَنَا عَلَيْكُمْ مِن سُلْطَانٍ بَلْ كُنْتُمْ قَوْمًا طَٰغِينَ ﴿٣٠﴾

**29. Улар: «Йўқ! Сиз ўзингиз мўмин бўлмаган эдингиз.**

**30. Бизнинг устингиздан ҳукмронлигимиз бўлмаган эди. Йўқ! Сиз ўзингиз тугёнга кетган қавм эдингиз.**

Йўқ! Сизнинг бизга қарши қилаётган даъвоингиз нотўғри. Сизни бизнинг ўнг томонингиздан келишимиз, васваса қилишимиз йўлдан уриб кофир қилгани йўқ. Аслида:

**«Сиз ўзингиз мўмин бўлмаган эдингиз».**

Айб ўзингизда. Сиз ўз ихтиёрингиз ила кофир бўлгансиз,

**«Бизнинг устингиздан ҳукмронлигимиз бўлмаган эди».**

Бизда сизнинг устингиздан ҳукмни мажбурлаб ўтказиш имконияти йўқ эди. Шунинг учун, айбни бизга афдаришга уринманг.

**«Йўқ!»**

Сиз куфрга кетишингизда бизни айбдор қилишингиз нотўғри!

«Сиз ўзингиз туғёнга кетган қавм эдингиз.»  
 Ҳаддингиздан ошиб, ҳовлиқиб кетган эдингиз.

فَحَقَّ عَلَيْنَا قَوْلُ رَبِّنَا إِنَّا لَذَائِقُونَ ﴿٣١﴾

**31. Бас, ҳаммамизга Роббимизнинг (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Албатта, биз тотгувчилармиз.**

Энди ҳаммамизга — бизга ҳам, сизга ҳам Роббимизнинг азоби келди. Энди иложсиз, ҳаммамиз бу азобни тотамиз.

فَأَعْوَبْتَكُمْ إِنَّا كُنَّا غَوِينَ ﴿٣٢﴾

**32. Ҳа, биз сизларни иғво қилдик. Албатта, биз иғво қилгувчи эдик», дерлар**

Бизнинг ишимиз иғво эди. Биз ўша ишни қилдик. Сиз эса, иғвога учдингиз. Бунда бизнинг айбимиз йўқ. Айб ўзингизда.

Эргашувчилар ва уларнинг пешволари орасидаги ўзаро маломат тамом бўлганидан кейин, унга изох, таълиқ келади.

فَأَنبَهُمْ يَوْمَئِذٍ فِي الْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ ﴿٣٣﴾

**33. Бас, улар у кунда азобда шерик бўлгувчилардир.**

Яъни, пешволар ҳам, эргашувчилар ҳам қиёмат кунда азобда шерик бўладилар. Баъзилари азобланиб, бошқалари азобдан қутулиб қолмайдилар.

إِنَّا كَذَلِكَ نَفْعَلُ بِالْمُجْرِمِينَ ﴿٣٤﴾

**34. Албатта, Биз жиноятчиларга шундоқ қилурмиз.**

Мазкур шахсларнигина эмас, барча жиноятчиларни — кофир, мушрик, осийларни жаҳаннамга тушириб, азобларга дучор қилармиз.

إِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٣٥﴾

**35. Чунки, уларга қачонки «Лаа илааҳа Иллаллоҳу», дейилса, мутакаббирлик қилар эдилар.**





**39. Қилиб ўтган нарсангиздан бошқа нарсанинг жазосини олмасиз.**

Фақат қилган амалларингиз жазосигина берилади.

إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلِصِينَ ﴿٤٠﴾ أُولَٰئِكَ لَهُمْ رِزْقٌ مَّعْلُومٌ ﴿٤١﴾ فَوَكَهَهُمْ مَّا كَرُمُونَ ﴿٤٢﴾ فِي جَنَّتِ  
التَّعِيمِ ﴿٤٣﴾ عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ ﴿٤٤﴾ يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿٤٥﴾ بَيْضَاءَ لَذَّةٍ لِلشَّارِبِينَ ﴿٤٦﴾ لَا  
فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا يُنْفَوْنَ ﴿٤٧﴾ وَعِنْدَهُمْ قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ عِينٌ ﴿٤٨﴾ كَأَنَّهُنَّ بَيْضٌ مَّكْنُونٌ ﴿٤٩﴾

**40. Магар Аллоҳнинг ихлосли бандаларига,**

**41. Ана ўшаларга, ўзларига маълум ризқ бордир.**

**42. Мева-чевалар бордир. Улар икром қилинган ҳолларида...**

**43. Наъийм жаннатларида...**

**44. Сўрилар устида бир-бирларига қараган ҳолларида бўлурлар.**

**45. Уларга оқар чашмадан қадаҳлар айлантириб турилур.**

**46. У оппоқ, ичгувчига лаззатбахшдир.**

**47. Унда ҳеч бир зарар йўқдир ва ундан сархуш ҳам бўлмаслар.**

**48. Олдиларида кўзларини (беғоналардан) тийгувчи шаҳло кўзлилар бордир.**

**49. Улар худди асраб қўйилган тухумга ўхшарлар.**

Жаннат аҳллари ҳақидаги қуръоний васфни бузмаслик учун оятларни кетма-кет таржима қилдик. Бу гўзал васфни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмайди.

Кофирлар гуноҳлари учун жазо ўлароқ жаҳаннам азобига учрасалар, мўминлар тамоман бошқача ҳолатда бўлади. Ихлосли мўмин бандалар учун ўзларига хос маълум ризқ бор. Бу ризқ турли-туман мева-чевалардан иборат. У мева-чевалар уларга кўринган жойда берилмайди. Балки улар иззат-икром этилган ҳолда, наъийм жаннатларда – нозу неъмат жаннатларида тақдим этилади. Мухлис-мўмин бандалар ўша нозу неъмат жаннатларида ясатилган, устига, атрофига гўзал пардалар тутилган сўриларда бир-бирларига қараб, ҳузурланган ҳолларида бўладилар. Жаннатнинг хушрўй хизматкорлари томонидан уларга оқар чашма шароби тўлдирилган қадаҳлар айлантириб турилади. У қадаҳлардаги шароб гўзал – оппоқ бўлиб, ичувчига лаззат бахш этади. У шаробда бош оғриғи, кўнгил айниши, қорин оғриғи каби ҳеч қандай зарарлар йўқ. Уни ичган одам сархуш – маст бўлиб ҳар хил гап-сўз ва қилиқлар ҳам қилмайди. У

шаробдан фақат лаззат ва хурсандчилик пайдо бўлади, холос. Бунинг устига, ихлосли бандалар ҳузурларида кўзларини ўз жуфтларига қаратган, бошқаларга умуман кўз ташламаган, кўзлари ўта гўзал ҳурлар бўлади. Улар шу даражада оппоқки, худди беркитиб асралаётган тухумга ўхшайдилар.

Мухлис-мўмин бандалар ана шундай ноз-неъмат, иззат-икром ва роҳат-фароғатда туриб ўзаро суҳбат бошлайдилар.

فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَاءَلُونَ ﴿٥٠﴾

### 50. Бас, улар бир-бирларидан сўрай бошларлар.

Инсонлар омонлик, роҳат-фароғатда бўлса, ўзаро суҳбатлашишни хоҳлаб қоладилар. Худди шунга ўхшаб, аҳли жаннатлар ҳам ўзаро суҳбат бошлайдилар.

قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ إِنِّي كَانَ لِي قَرِينٌ ﴿٥١﴾

### 51. Ичларидан бир сўзловчи: «Аниқки, менинг бир дўстим бор эди.

Аҳли жаннатлардан бирлари сўз бошлаб, ҳеч шубҳа йўқки, у дунёда менинг бир танишим бор эди.

يَقُولُ أَهْلَ تَكَ لِمَنِ الْمُصَدِّقِينَ ﴿٥٢﴾ أَهْلَ دَامِنَا وَكُنَّا تَرَابًا وَعِظْمًا أَهْلَ نَالِمَدِينُونَ ﴿٥٣﴾

### 52. У: «Сен ҳам тасдиқловчиларданмисан?!

### 53. Ўлиб, тупроқ ва суяклар бўлиб кетсак ҳам, албатта, жазоланадиганлардан бўлурмизми?!» – дер эди.

Ўша танишим доим менга, сен ҳам ўлгандан кейин қайта тирилишни тасдиқловчиларданмисан, биз ўлиб, кўмилиб, чириб, тупроқ ва суякларга айланиб кетсак ҳам, қайта тирилиб жазоланамизми, деб сўрар эди.

قَالَ هَلْ أَنْتُمْ مُّطَّلِعُونَ ﴿٥٤﴾

### 54. Сизлар ҳам қараяпсизларми?» – деди.

Яъни, эй бандалар, сизлар ҳам унинг қаерда қолганига қараяпсизларми? Уни кўрмадингизми? – деди.

فَاطَّلَعَ فَرَاءَهُ فِي سَوَاءِ الْجَحِيمِ ﴿٥٧﴾

**55. Бас, ўзи қараб, уни дўзахнинг ўртасида кўрди.**

Сўнгра, гапини тугатиб бўлиб, ўзи қараб, у дунёдаги танишини дўзахнинг ўртасида кўрди ва унга қараб:

قَالَ تَاللَّهِ إِنْ كِدْتَ لِتُرْدِينَ ﴿٥٨﴾ وَلَوْلَا نِعْمَةُ رَبِّي لَكُنْتُ مِنَ الْمُحْضَرِينَ ﴿٥٧﴾

**56. У: «Аллоҳга қасамки, мени ҳам ҳалок қилишинга оз қолган экан.**

**57. Агар Роббимнинг неъматидан бўлмаганида, мен ҳам (дўзахга) ҳозир қилинганлардан бўлув эдим», деди.**

Мухлис-мўмин банда нозу неъмат жаннатида, иззату икромда туриб, жаҳаннамнинг ўртасида азобга гирифтор бўлган танишига қараб хитоб қилмоқда:

**«Аллоҳга қасамки, мени ҳам ҳалок қилишинга оз қолган экан».**

Агар сенинг гапингга кирсам, ифвоингга учсам, мен ҳам сенинг ҳолингга тушишим турган гап экан.

**«Агар Роббимнинг неъматидан бўлмаганида...»**

Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила сенинг ифвоингдан қутқариб, ҳидоят йўлига солмаганида, сенга ўхшаб,

**«...мен ҳам (дўзахга) ҳозир қилинганлардан бўлув эдим», деди».**

Сўнгра, мухлис банда гапида давом этиб дейди:

أَفَمَا نَحْنُ بِمَمِيَّتِينَ ﴿٥٨﴾ إِلَّا مَوْتُنَا الْأُولَىٰ وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿٥٩﴾

**58. «Биз ўлгувчи эмас эканмизмиз?!»**

**59. Фақат биринчи ўлимимиздан бошқа?! Биз азоблангувчи эмас эканмизмиз?!»**

Мана, кўриб қўй, биринчи марта ўлганимиздан кейин қайта тирилдик, энди ўлмай жаннатда абадий қоламиз. У дунёдаги иймонимиз ва ибодатимиз мукофоти ўлароқ, биз азобланмаймиз ҳам. Доимо роҳат-фароғатда бўламиз.

إِنَّ هَذَا هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٦٠﴾

**60. Албатта, бу айни улўф ютуқдир.**

Биз аҳли жаннатлар эришган мақом жуда катта ютуқ ҳисобланади.

لِمِثْلِ هَذَا فَيَعْمَلِ الْعَمَلُونَ ﴿٦١﴾

### 61. Бас, амал қилгувчилар мана шунга ўхшаш нарса учун амал этсинлар».

Ким амал қилмоқчи бўлса, ушбу биз эришган наъийм жаннатига эришиш учун амал этсин. Турли-туман мевалар ва лаззатли шаробларни истасалар, бизга ўхшаб иймон келтириб, ёлғиз Аллоҳга сиғиниб, яхши амалларни қилсинлар.

Мухлис-мўмин бандаларга тайёрлаб қўйилган жаннат, нозу неъмат ва иззату икром баёнидан кейин кофир, мунофиқ ва осийларнинг аҳволи ҳақида сўз кетади.

أَذَلِكَ خَيْرٌ نُّزُلًا أَمْ شَجَرَةُ الزَّقُّومِ ﴿٦٢﴾

### 62. Манзил ўлароқ ана ўша яхшими ёки заққум дарахтими?

Қани айтинглар-чи? Манзил ўлароқ наъийм жаннати яхшими ёки заққум дарахтими?! Заққумнинг тафсилоти кейинги оятларда келади.

إِنَّا جَعَلْنَاهَا فِتْنَةً ﴿٦٣﴾

### 63. Албатта, Биз уни золимлар учун фитна қилдик.

Биз заққум дарахтини золимлар – кофир ва мушриклар учун фитна қилиб қўйдик. Улар ўша сабабли фитнага дучор бўлдилар. Мушриклар «Жаҳаннамда «заққум» деган дарахт бўлар экан», деган гапни эшитганларида, доимо олов ёниб турадиган дўзахда қандай қилиб дарахт ўсади, оловда куйиб кетмайдими, деб масҳара қилишди. Макка мушрикларининг бошлиқларидан бири Абу Жаҳл бўлса:

«Эй, қурайш жамоаси! Муҳаммад сизни қўрқитаётган заққум нималигини биласизми?» – деб сўради. Улар:

«Йўқ!» – деб жавоб бердилар. Абу Жаҳл:

«Сарёғ аралаштирилган Ясриб хурмоси! Аллоҳга қасамки, агар имкон бўлса, бир маза қилиб заққум ейлик!» – деди киноя қилиб.

Бу, жоҳил кофир ва мушрикларнинг доимий ҳолатидан бир кўринишдир. Золим кофир ва мушриклар ҳар доим Ислом, Қуръ-

он, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида жоҳиллик-лари ила шундай масхараомуз гап-сўзлар, аскиялар, ҳақорат ва киноялар тарқатиб келадилар.

Лекин уларнинг жаҳолати ва калтафаҳмликлари билан ҳақиқат ўзгариб қолмайди. Ҳамма нарса ўз ўрнини топади. Мана, заққум дарахти нима эканини ҳам Қуръони Каримнинг ўзи баён қилмоқда:

إِنَّهَا شَجَرَةٌ تَخْرُجُ فِي أَصْلِ الْجَحِيمِ ﴿٦٤﴾

#### 64. Дарҳақиқат, у бир дарахт бўлиб, дўзах қаъридан чиқур.

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, «заққум» номли дарахт бор. У дўзахнинг қаъридан чиқади. Яъни, ўт-оловнинг орасидан, жаҳаннамнинг энг тўридан чиқади. Шунинг учун ҳам, у жаҳаннам оловида куймайди.

طَلَعَهَا كَأَنَّهُ رُءُوسُ الشَّيَاطِينِ ﴿٦٥﴾

#### 65. Унинг (мева) тугар жойи, худди шайтонларнинг бошларига ўхшар.

Мевали дарахтнинг гулини ҳам, гул мева тукканда мевасини ҳам тутиб турадиган жойига араб тилида «толъун» дейилади. Бу оятда заққум дарахтининг «толъун»и худди шайтонларнинг бошларига ўхшатишмоқда. Шайтонларнинг бошлари ҳақида муайян суратли тасаввур бўлмаса ҳам, улар энг хунук, жирканч ва қўрқинчли эканлиги маълум. Демак, заққум дарахтининг мева тугар жойи энг хунук, жирканч ва қўрқинчли бир жой экан.

فَأَنَّهُمْ لَا كُفُونَ مِنْهَا فَمَا كُفُونَ مِنْهَا الْبُطُونَ ﴿٦٦﴾

#### 66. Бас, албатта, улар ундан егувчилардир. Ундан қоринларни тўлдиргувчилардир.

Дўзахий кофир, мушрик ва осийлар ўша хунук, жирканч ва қўрқинчли шайтонларнинг бошларига ўхшаш мевалардан ейишлари турган гап. Албатта, ейдилар. Еганлари сари азоблари янада ошади. Ҳолбуки, дўзахийлар ундан қоринлари тўлгунча ейдилар. Бундан ҳосил бўладиган азобни тасаввур қилаверинг.

ثُمَّ إِنَّ لَهُمْ عَلَيْهَا شَوَابًا مِّنْ حَمِيمٍ ﴿٦٧﴾

**67. Сўнгра, бунинг устига, улар учун ўта қайноқ сувдан аралаштирма ҳам бор.**

Дўзахийлар заққум дарахти мевасини еб азобланиш билан қутулиб қолмайдилар. Қоринларини тўлдирганларидан кейин чанқайдилар, сув ичкилари келади. Улар жуда қайноқ сувни аралаштирма шаклида ичадилар. Яъни, азоб устига азоб.

ثُمَّ إِنَّ مَرْجِعَهُمْ لَإِلَى الْجَحِيمِ ﴿٦٧﴾

**68. Сўнгра, албатта, уларнинг қайтар жойи жаҳаннамга бўлур.**

Заққум дарахти мевасидан еб, устидан ўта қайноқ сувни ичиш билан ҳам қутулиб кетмайдилар. Қайтар жойлари, албатта, жаҳаннам бўлади. У ерда абадий азобда қоладилар.

Хўш, уларнинг бу ҳолга тушишларининг сабаби нима?

إِنَّهُمْ الْفَوَءَاءُ أَبَاءَهُمْ ضَالِّينَ ﴿٦٨﴾ فَهُمْ عَلَىٰ آثَرِهِمْ يُهْرَعُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Чунки, улар ўз оталарини адашган ҳолда топдилар.**

**70. Энди эса, улар ўшаларнинг изидан чопмоқдалар.**

Кофир ва мушрикларнинг юқоридаги аҳволга тушишларининг сабаби шуки, улар ўз оталарини залолатга кетган, тўғри йўлдан адашган ҳолда кўрдилар. Ақлларини ишлатиб тўғри йўлга юриш, Аллоҳга иймон келтириб, Исломга кириш ўрнига, ўша оталарига кўр-кўрона эргашмоқдалар.

Ҳолбуки:

وَلَقَدْ ضَلَّ قَبْلَهُمْ أَكْثَرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٧٠﴾

**71. Батаҳқиқ, улардан олдин аввалгиларнинг кўплари адашганлар.**

Залолат йўлини ихтиёр қилиб юрганлар.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا فِيهِمْ مُنذِرِينَ ﴿٧١﴾

**72. Батаҳқиқ, Биз ичларига огоҳлантиргувчилар юбордик.**

Уларнинг орасига хатоларидан огоҳ қилувчи Пайғамбарлар юбордик.

Лекин улар тўғри йўлга юришга кўнмадилар.

فَأَنْظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُنْذَرِينَ ﴿٧٣﴾

**73. Бас, огоҳлантирилганларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар сол.**

Уларнинг барчалари ҳалокатга учрадилар.

إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلِصِينَ ﴿٧٤﴾

**74. Магар Аллоҳнинг халос қилган бандаларигина** (ҳалокатга учрамадилар).

Мана, бир неча мисоллар:

وَلَقَدْ نَادَيْنَا نُوْحًا فَلِنَعْمَ الْمُجِيبُونَ ﴿٧٥﴾

**75. Батаҳқиқ, Бизга Нуҳ нидо қилди. Бас, нақадар яхши ижобат қилгувчимиз.**

Ўтмишда кофир ва мушрикларнинг қаттиқ қаршилигига учраган Нуҳ Пайғамбар алайҳиссалом Бизга илтижо айлаб дуо қилди.

**«Бас, нақадар яхши ижобат қилгувчимиз.»**

Нуҳга ўхшаб илтижо этган бандаларимизнинг дуоларини доимо ижобат қиламиз. Мана, Нуҳнинг нидосини ҳам ижобат қилдик.

وَجَنَيْنَهُ وَأَهْلَهُ مِنَ الْكَرْبِ الْعَظِيمِ ﴿٧٦﴾

**76. Биз унга ва унинг аҳлига улуғ ғамдан нажот бердик.**

Биз Нуҳни ва унга иймон келтирган мўминларни катта тўфон балосидан сақлаб қолдик.

وَجَعَلْنَا ذُرِّيَّتَهُ هُمْ الْبَاقِينَ ﴿٧٧﴾

**77. Ва унинг зурриётларини, ўзларини боқий қолгувчилар қилдик.**

Инсоният тўфон балосида тамоман қирилиб кетганидан сўнг, Нуҳ алайҳиссалом билан бирга қутулиб қолган одамлардан янги авлод тарқалди.

وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿٧٨﴾

**78. Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик.**  
Дунё тургунча келадиған авлодлар уни мақтаб ўтадиған қилиб қўйдик.

سَلَّمَ عَلَى نُوْحٍ فِي الْعَالَمِينَ ﴿٧٩﴾

**79. Барча оламларда Нуҳга салом бўлсин!**  
Аллоҳ салом айтгандан кейин бўлади-да! Барча оламларда у зот алайҳиссаломга саломлар бўлади.

إِنَّا كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٠﴾

**80. Албатта, Биз гўзал амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз.**

Бу мукофот фақат Нуҳ алайҳиссаломга хос эмас. Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломга ўхшаб яхши, гўзал амалларни қилган ҳар бир бандасига шундай мукофотлар беради.

إِنَّكُمْ مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿٨١﴾

**81. Албатта, у мўмин бандаларимиздандир.**  
Нуҳ алайҳиссалом мўмин банда бўлгани учун гўзал амаллар қилди ва оқибатда Аллоҳ таолонинг мукофотларига эришди.

ثُمَّ أَغْرَقْنَا الْآخِرِينَ ﴿٨٢﴾

**82. Сўнгра, қолганларни ғарқ қилдик.**  
Нуҳни ва унга иймон келтирганларни қутқарганимиздан сўнгра, қолган кофир ва мушрикларни ғарқ қилдик. Бугунги кофир ва мушриклар ҳам улардан ўрнак олсинлар.

﴿٨٣﴾ وَإِن مِّن شَيْعَةٍ إِلَّا بَرَّهِنَّ ﴿٨٣﴾

**83. Албатта, Иброҳим ҳам унинг гуруҳидандир.**  
Нуҳдан кейин келган Иброҳим Пайғамбар, гарчи ораларидан



узоқ муддат ўтган бўлса ҳам, иймон, эътиқод ва Аллоҳнинг йўлини тутишда у билан бир гуруҳдан эди. Ораларида бу борада фарқ йўқ.

إِذْ جَاءَ رَبَّهُ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٤﴾

#### 84. Ўшанда у ўз Роббига соғлом қалб ила келмишди.

Иброҳим ўз Роббиси Аллоҳ таолога соғлом қалб ила — куфр, ширк ва нифоқ дардларидан соғлом бўлган қалб ила, тоза, пок ва бедард қалб ила келган эди.

إِنذَقَالَ لِأَيِّهِمْ وَقَوْمِهِ مَاذَا تَعْبُدُونَ ﴿٨٥﴾ أَيِفْكَاءَ إِلَهَةٍ دُونَ اللَّهِ تُرِيدُونَ ﴿٨٦﴾ فَمَا ظَنُّكُمْ بِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٨٧﴾

#### 85. Ўшанда отасига ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасиз?!

#### 86. Аллоҳдан ўзга уйдирма илоҳларни хоҳлайсизларми?!

87. Оламларнинг Робби ҳақида нима гумонингиз бор?!» — деган эди.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ томонидан Пайғамбар бўлиб келганидан кейин отасининг ва қавмининг турли бут ва санамларга сиғинаётганларини кўриб ҳайратга тушди. Таажжубда қолди.

«Ўшанда отасига ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасиз?!» — деди.

Сиз ўзи нимага ибодат қилмоқдасиз?! Ўйлаб кўрдингизми?! Сиз ўз қўлингиз билан ясаб олган ҳайкаллар ва турли бутларга сиғинмоқдасиз.

#### «Аллоҳдан ўзга уйдирма илоҳларни хоҳлайсизларми?!»

Сиз ягона ибодатга сазовор зот Аллоҳ таолони қўйиб, ўзингиз уйдириб-тўқиб олган сохта худоларга ибодат қилишни хоҳлайсизми? Сизга нима бўлди ўзи?!

#### «Оламларнинг Робби ҳақида нима гумонингиз бор?!»

Аллоҳ таоло ҳақида қандай тасаввурингиз бор? Уни қўйиб, ўзингиз уйдирган сохта худоларингизга топинганингиз учун сизларни Аллоҳ жазоламайди деб ўйлайсизми?!

Бу гаплар қавмларига таъсир қилмаганини кўрган Иброҳим алайҳиссалом бошқача йўл тутдилар.

فَنظَرَ نَظْرَةً فِي النُّجُومِ ﴿٨٨﴾ فَقَالَ إِنِّي سَقِيمٌ ﴿٨٩﴾

#### 88. Бас, У юлдузларга бир назар солди.

#### 89. Ва: «Албатта, мен беморман», деди.

Тафсирчи уламоларимиз келтиришларича, Иброҳим алайҳис-саломнинг қавмида маълум ва машҳур байрамлар бўлган. Баъзи тафсирчилар мушрикларнинг бу байрамини Нийрўз ёки Наврўз бўлса керак, дейдилар. Улар ўша байрамларида боғларга, сайлгоҳларга, ўйин-кулги ва кайфу сафога чиқишар эди. Чиқишдан олдин эса, сохта худолари ҳузурига турли мева-чевалар қолдириб кетишар эди. Ўйин-кулги ва кайфу сафодан кейин келиб, ўша таомларни муборак таом сифатида қайтариб олишар эди.

Нобакор қавмнинг тўғри йўлга юришидан умидларидан кейин Иброҳим алайҳиссалом ўзларича бир режа тузиб, мазкур байрам кунини кутдилар. Ул зот ўз қавмларидан кўрган нобакорлик, саркашликлар оқибатида юраклари жуда сиқилган, ҳузур-ҳаловатларини йўқотган, қавмлари учун қайғуриб ноқулай ҳолатга тушиб қолган эдилар.

Байрамга отланиб чиққан қавм аъзолари Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига келиб, у кишини ўзлари билан байрам қилишга чақиришди. Шунда:

**«Бас, У юлдузларга бир назар солди...»**

Ҳалиги одамларга жавоб беришдан олдин, худди ибодатхонадаги бошқа одамлар каби, осмонга ўзига хос бир назар солдилар. Бу ҳолатлари суҳбатдошларида, у осмондаги юлдузлардан бирор нарсани билиб олди, шекилли, деган гумон пайдо қилиши мумкин эди.

**«Ва: «Албатта, мен беморман», деди.»**

Юраклари сиқилавериш, ноқулай ҳолатга тушиб қолганларини айтдилар. Қавмларига куявериш, қалблари дардга тўлганини билдирдилар. Шошилиб турган одамлар бу гапдан кейин дарҳол Иброҳим алайҳиссаломни қолдириб, йўлларида давом этишди.

فَتَوَلَّوْا عَنْهُ مُدْبِرِينَ ﴿٩٠﴾

**90. Дарҳол, ундан юз ўгириб юриб кетдилар.**

Улар кетишганидан сўнг Иброҳим алайҳиссалом олдлари таомга тўла сохта худолар билан ибодатхонада ёлғиз ўзлари қолдилар.

فَرَاغَ إِلَىٰ آلِهِمْ فَقَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ ﴿٩١﴾ مَا لَكُمْ لَّا تَنطِقُونَ ﴿٩٢﴾

**91. Бас, тезда уларнинг худоларига бурилди ва: «Қани, емай-сизларми?!»**

**92. Сизга нима бўлди?! Гапирмайсизлар?!» – деди.**

Иброҳим алайҳиссалом дарҳол мушрикларнинг ибодатхонасидаги бут ва санамларига қараб, уларнинг олдидаги, одамлар қўйган таомларни кўрсатиб:


**«Қани, емайсизларми?!»** – дедилар.

Бундай дейишлари ўша сохта худолар ва уларни худо деб юрган жоҳил мушриклар устидан истехзо эди. Олдига қўйилган таомни ҳис қила олмайдиган бут ва санамни худо деб унга сиғиниш, илтижо қилиш, ундан ёрдам сўраб, мағфират кутиш инсоният учун, инсон ақли учун ор, уят бир нарсадир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг гапларига бут ва санамлар лом-мим дея олмай туравердилар. Иброҳим алайҳиссалом сўзларида давом этиб:


**«Сизга нима бўлди?! Гапирмайсизлар?!» – деди».**

Эй, «худо»лар! Сизга нима бўлди ўзи?! Жим турибсиз?! Савол берса ҳам жавоб бермайсизлар?




**93. Сўнг уларга яқинлашиб, ўнг қўл билан ура бошлади.**

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом бут ва санамларга яқинлашиб, уларни ўнг қўлларидаги болта билан уриб синдира бошладилар. Бу хабарни эшитган қавм:



**94. У томон шошиб, бир-бирларини туртиб келишди.**

Мушриклар Иброҳим алайҳиссалом томон шошиб-пишиб, тезроқ бориш учун бир-бирларини туртишиб-суришиб етиб келишди. Уларни кўрган Иброҳим алайҳиссалом савол билан қарши олдилар.



**95. У: «Ўзингиз йўниб ясаган нарсага ибодат қиласизларми?!» – деди.**

Сизнинг ақлингиз қанақа ақл ўзи? Сиз ўзингиз қандай инсонсиз ўзи?! Сизнинг мантигингиз қандай мантиқ ўзи?! Ахир ўзингиз қўлингиз билан тош ва ёғочдан йўниб ясаб олган жонсиз ҳайкалга ибодат қиласизми?! Ахир, худо деган зот яратилмайди, балки ўзи яратувчи бўлиши керак эмасми?!

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾

**96. Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!**

Сизни сохта худоларингиз яратгани йўқ. Буни ўзингиз ҳам тан оласиз. Сиз йўниб ясаган худоларингизни ҳам Аллоҳ таоло яратган. Дунёдаги ягона яратувчи зот Аллоҳдир. Бинобарин, дунёдаги ибодатга сазовор ягона зот ҳам Аллоҳдир. Шундай экан, ибодатга лойиқ Ўша ягона Зотга сиғинмай, нимага ўзингиз йўниб олган буту санамларга ибодат қилмоқдасиз?!

Нобакор қавм Иброҳим алайҳиссаломнинг бу гапларидан тўғри хулоса чиқариб олмади. Кофирларнинг доимий одатлари бўйича, ақлий ва мантиқий баҳсда енгилганларидан кейин куч ишлатишга ўтишди.

قَالُوا بُنَيْنَا فَاقُوهُ فِي الْحَجِيمِ ﴿٩٧﴾

**97. Улар: «Унинг учун (ўчоқ) бино қилинглар, бас, уни гулханга отинглар!» дедилар.**

Жиноятчи мушрик қавм бир-бирларига, Иброҳимни жазолаш учун катта гулхан ёқадиган жой қурунглар, унга олов ёқиб, Иброҳимни гулханга отинглар, дейишди.

فَأَرَادُوا بِهِ كَيْدًا فَجَعَلْنَاهُمُ الْأَسْفَلِينَ ﴿٩٨﴾

**98. Бас, улар унга макр-ҳийлани ирода қилишди. Биз уларни тубан қилдик.**

Жиноятчи мушрик қавмлар Иброҳимга макр-ҳийла ишлатиб, гулханда ёқиб ҳалок қилмоқчи бўлган эди. Биз оловни Иброҳим учун совуқ ва саломатлик қилиб уни қутқариб қолдик ва уларни тубан этиб мағлуб қилдик. Аллоҳ таолонинг инояти олдида бандаларининг қўлидан ҳеч иш келмайди. Аллоҳ таолонинг Ўзи мухлис бандасини сақлайман деса, хоҳлаганича сақлаб қолади.

Бу ишлардан кейин Иброҳим алайҳиссалом бошқача йўл тутишга қарор қилдилар.

وَقَالَ إِنِّي ذَاهِبٌ إِلَىٰ رَبِّي سَيِّدِينَ ﴿٩٩﴾

**99. У: «Албатта, мен Роббимга боргучиман. У мени ҳидоят қилур.**

Яъни, мен бу жойларни ташлаб, Роббим амр этган ерларга ҳижрат қиламан. Унинг Ўзи мени тўғри йўлга ҳидоят қилади, деди.

Аллоҳнинг йўлида юриш ҳақидаги даъватлар, тушунтиришлар ва баҳслар отага ҳам, қавмга ҳам таъсир қилмади. Улар бу ваъз-насиҳат ва даъватлардан фойда олиш ўрнига зулми кучайтирдилар. Даъватчига турли ёмонликлар қилдилар. Уни ҳам ўзларининг ботил йўлларига юргизмоқчи бўлдилар. Охир-оқибат уни жисмонан йўқ қилишга уриндилар. Чунки, унинг тирик юриши ўша нобакор қавм учун катта таҳлика эди. Оддий халқ унинг орқасидан кетиб қолишидан қўрқардилар. Ана шунда Иброҳим алайҳиссалом:

**«Албатта, мен Роббимга боргувчиман»,** деб дину диёнат учун ҳижратга кетишни афзал кўрдилар.

Аллоҳ учун ватанларини, аҳлларини, яқинларини, манфаатларини бутунлай ташлаб кетишга қарор қилдилар. Соф ниятларини тушунмаган нобакор қавмдан, эски, ўзлари ўрганиб қолган одатларни тарк этишни хоҳламаётган зolim шахслардан воз кечишни хоҳладилар. Фақат Аллоҳ билан қолиш, фақат Аллоҳдангина ёрдам сўраш ва фақат Аллоҳ айтганидек яшашни ихтиёр қилдилар. Шунинг учун ҳам, ишонч билан:

**«У мени ҳидоят қилур», дедилар.**

Аллоҳ Ўзи мени тўғри йўлга ҳидоят қилади. Икки дунё саодатига элтувчи йўлга бошлайди, дедилар.

Қатода розияллоҳу анҳунинг айтишларича, Иброҳим алайҳиссалом халойиқлардан биринчи бўлиб Биби Сора билан Шом ерларига ҳижрат қилган зотдирлар. Шундай қилиб ҳижрат юзага келди. Бир ҳолатдан иккинчи бошқа бир ҳолатга ажраб чиқилди. Турли-туман алоқалар ва боғланишлар бутунлай тарк этилиб, улардан ажраб, фақат битта алоқа, битта боғланиш, яъни, Аллоҳ таоло билан алоқа ва боғланиш қолди.

Шу пайтгача Иброҳим алайҳиссалом фарзанд кўрмаган эдилар. Ҳижрат ёлғизлигида Аллоҳдан фарзанд сўрадилар.

رَبِّ هَبْ لِي مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٠٠﴾ فَبَشَّرْنَاهُ بِغُلَامٍ حَلِيمٍ ﴿١٠١﴾

**100. Роббим, менга солиҳлардан ато эт», деди.**

**101. Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушxabарини бердик.**

Ёши бир жойга бориб қолган, бегона юртларда муҳожир бўлиб юрган бефарзанд одам учун жуда буюк бир хушxabар эди бу. Узоқ давом этган фарзандсизликдан кейин фарзандли бўлиш қанчалик бахт! Узоқ давом этган фарзандсизликдан сўнгра, айниқса,

Ўғиллик бўлиш қанчалик бахт! У ўғилнинг ҳалим бўлиши қанчалик бахт! Бу фарзанд Исмоил эди!

فَلَمَّا بَلَغَ مَعَهُ السَّعَىٰ قَالَ يَبْنَؤُا اِيَّ اِيَّ اَرَىٰ فِي الْمَنَامِ اَنِّي اَذْبَحُكَ فَاَنْظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ۗ قَالَ  
يَتَابَتِ اَفْعَلْ مَا تُؤْمَرُ سَتَجِدُنِي اِنْ شَاءَ اللّٰهُ مِنَ الصّٰبِرِيْنَ ﴿١٠٢﴾

**102. Бас, қачонки (бола) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида: «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дерсан?» – деди. У: «Эй отажон, сенга амр этилганни бажар, иншоаллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан», деди.**

Бу оята каримадаги ота-бола ўртасидаги биргина савол ва биргина жавоб инсоният тарихида Аллоҳ йўлида кўрсатилган фидокорликнинг энг юксак намуналаридан биридир. Аллоҳ таолога нисбатан одобнинг энг юқори чўққиси саналади. Аллоҳ таолонинг йўлида ҳеч нарсани аямасликнинг энг юксак намунаси дир.

Умр бўйи жоҳил, мушрик, Аллоҳни тан олмаган, нобакор бир қавм билан жанжаллашиб ўтган, улар томонидан турли жафолар чеккан, ҳатто катта гулханга отилган қари бир одам эдилар Иброҳим алайҳиссалом. Ноилож қолиб, ватанларини, элларини, халқларини, яқинларини, уй-жойларини, барча манфаатларини тарк этиб, бошқа юртга ёлғизликка ҳижрат қилган бир одам эдилар Иброҳим алайҳиссалом. Ёшлари улғайиб, фарзанд кўришдан умидлари узилган бир пайтда Аллоҳ таоло у зотга ҳалим бир ўғил берди. Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини кўз қорачиғидек авайлаб, асраб ўстирдилар. Фарзанд ота-онасининг кўз қувончи бўлиб ўсиб борди. Ота боласини кўриб қувонар эди.

**«Бас, қачонки (бола) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида...»**

Ёлғиз ўғил Иброҳим алайҳиссалом билан бирга юрадиган бўлиб, отасининг ёнига кирган чоғда, тафсирчи уламолар айтишларича, ўн уч ёшга тўлганида, ота боласига қараб:

**«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дерсан?» – деди».**

Кексайиб қолганда кўрган жигарбандини отанинг ўзи сўймоқчи! Аллоҳнинг йўлида сўймоқчи! Тушида шуни кўрибди. Ота тушини Аллоҳнинг амри деб қабул қилди. Чунки, Пайғамбарларнинг туши ваҳийдир. Бир марта эмас, бир неча бор кўрибди, шунинг учун ҳам, жигарбандига: «Сени сўяётганимни кўрмоқдаман», деди, «кўрдим» демади. Бу иш Аллоҳ учун ҳижрат қилган

одамга катта синов эди. Умр бўйи дину диёнат йўлида турли синовлардан ўтиб келган шахс-га яна бир бор улкан синов рўбарў бўлди. Қариганида топган гулдай жигаргўшасини, эндигина ёнига кириб, ўзи билан бирга юрадиган бўлганда, ўз қўли билан сўйиши керак эди. Мўмин, мухлис банда Иброҳим алайҳиссалом бу ишни ўзига хос босиқлик, хотиржамлик ва ишонч билан қабул қилиб олдилар. Иккиланмадилар, қандай бўлар экан, деб ўйлаб ўтирмадилар, қутулиш учун бошқа чора изламадилар. Лекин масаланинг иккинчи томони бор эди. Сўйилиши лозим бўлган қурбонлик ҳам одам эди. Жони бор, қони бор, эс-ҳуши, ақли бор эди. Иброҳим алайҳиссалом фарзандларидаги шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Исмоилнинг бу ишга қанчалик тайёрлигини синаб, унга маслаҳат солдилар.

**«Эй ўнилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дерсан?»**—дедилар.

Ҳа, бу нафақат отанинг ўзига, балки боласига ҳам синов эди. Ота узоқ умри давомида кўпгина синовлардан ўтган. Ўфил эса, энди биринчи бор жиддий синовга рўбарў бўлаётган эди. Шу билан бирга, ўфил Аллоҳ таоло у туғилишидан олдин хабар бериб қўйганидек ҳалим ўфил эди. Ҳар қандай оғирликни ҳам чидам билан қарши олишга тайёр фарзанд эди. Шундай бўлди ҳам:

**«У: «Эй отажон, сенга амр этилганини бажар, иншоаллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан», деди».**

Эй отажон! Сенга мени сўйиш амр қилинган бўлса, мени сўй; болажонимни сўйсам, у нима қилар экан, деб ўйлаб ўтирма; мен Аллоҳ хоҳласа, сабр этаман, сабр қилувчи бандалардан бўлишга ҳаракат қиламан, дедилар.

Нақадар жасорат! Нақадар одоб! Нақадар Аллоҳнинг амрига итоат!

فَلَمَّا أَسْلَمَا وَتَلَّهُ لِلْجَبِينِ ﴿١٠٣﴾ وَنَدَيْنَاهُ أَنْ يَا بَرَهَيْمُ ﴿١٠٤﴾ قَدْ صَدَّقَتِ الرُّؤْيَا إِنَّا كَذَلِكَ نَجْرِي  
 الْمُحْسِنِينَ ﴿١٠٥﴾

**103. Икковлари таслим бўлиб, уни пешонасича ётқизганида.**

**104. Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим!**

**105. Батаҳқиқ, сен тушни тасдиқ қилдинг! Албатта, Биз гўзал иш қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз».**

Ота-бола қуруқ гап билангина кифояланмадилар, фидокорликларини оғиздагина бажармадилар. Амалга ўтдилар.

Ота-бола:

**«Икковлари таслим бўлиб...»**

Аллоҳнинг амрига бўйинсуниб, итоат қилиб, амрни адо этишга тайёр эканликларини тилда айтганларидан сўнг, уни амалга оширишга ўтдилар ва ота:

**«уни пешонасича ётқизганида...»**

Сўйиш вақтида кўз кўзга тушмасин деб болажонини ерга қаратиб ётқизиб, уни сўйишга шайланиб, бўйнига пичоқ тортаётган бир пайтда:

**«Биз унга нидо қилдик: Эй Иброҳим! Батаҳқиқ, сен тушни тасдиқ қилдинг!»**

Сен тушингда кўрган амрни тасдиқлаб амалга оширдинг. Аллоҳнинг амрига таслим бўлиб, болангни сўйишга жазм қилдинг. Амрдан кўзланган мақсад ҳосил бўлди. У ҳам бўлса, бандаларнинг тамомийла Аллоҳга таслим бўлишлари эди. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг амрига итоат этишлари, фақат Унинг розилигини кўзлаб иш қилишлари эди. Ана ўша мақсад амалга ошди. Аллоҳга бандаларнинг жони керак эмас. Аллоҳга бандаларнинг қони ҳам керак эмас.

**«Албатта, биз гўзал иш қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз»,** деб унга нидосини давом эттирди Аллоҳ.

Ҳа, Аллоҳ таоло Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломга нидо қилиб, дедики: Эй Иброҳим, биз доимо гўзал иш қилган бандаларимизни сенга ўхшатиб мукофотлаймиз. Уларни турли синовлар учун танлаб олишимиз ҳам мукофотдир. Чунки, шу синовлар орқали улар ажр-савобларга, олий мартабаларга эришадилар, бундан ортиқ мукофот борми? Сени ҳам ўғлингни қурбонлик учун сўйиш орқали синовга дучор қилдик. Юзаки қараганда, бу синов бало-офат ва мусийбат бўлиб кўринади. Аммо, аслида эса, мукофотдир. Олий мақомларга эришиш омилидир. Шу синов бўлмаганида, сен қиёматгача фидокорлик тимсоли бўлиб қолмас эдинг. Ҳаммага ўрнак бўлмас эдинг. Илоҳий китобларда зикр қилинмас эдинг. Номинг ибодатларда тиловат этилмас эди.

إِنَّ هَذَا هُوَ الْبَلَاءُ الْمُبِينُ

**106. Албатта, бу очиқ-ойдин синовнинг айна ўзидир.**

Яъни, Иброҳим алайҳиссаломга ўғилларини қурбонликка сўйиш амри очиқ-ойдин синовнинг айна ўзидир, бошқа нарса эмасдир. Бу синовдан у зот яхши ўтдилар. Ўғиллари ҳам саломат қолди.

وَفَدَيْنَهُ بِذَبِيحٍ عَظِيمٍ



**107. Биз унинг ўрнига катта қурбонлик фидо қилдик.**

Яъни, биз Исмоилнинг ўрнига жаннатдан чиқарилган катта бир қурбонликни фидо қилдик.

Иброҳим алайҳиссалом қурбонлик учун фарзандларини сўйишга ҳам тайёр эканларини билдирдилар. Уни ётқизиб, бўйнига пичоқ тирадилар. Аммо Аллоҳнинг мақсади Исмоилнинг қонини оқизиш бўлмагани учун пичоқ ўтмади. Шунда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга юқоридаги нидони қилди ва Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнига сўйиш учун жаннатдан катта бир қўчқорни ато этди. Иброҳим алайҳиссалом ўша қўчқорни қурбонликка сўйдилар. Бу ишлар Минода — ҳозир мусулмон ҳожилар қурбонлик сўядиган жойда бўлиб ўтди. Инсоният тарихидаги ўша буюк фидокорлик ҳодисаси ҳар йили такрорланадиган ибодатга айланди. Ҳар йили мусулмонлар дунёнинг турли томонларидан келиб, бу қиссани ёдга оладилар. Бу улўф фидокорлик қиссасини ўзлари қайтадан яшайдилар. Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломдек Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёр эканликларини тиллари, диллари ва амаллари билан изҳор этадилар. Бу фидокорлик аломати сифатида қурбонликлар сўйдилар. Бу ҳаракатлари билан иймон байроғини янада юқори кўтардилар. Аллоҳга бўлган итоатларининг энг гўзал томонларини намоён қиладилар. Аллоҳга таслим бўлишни тажрибаларидан ўтказадилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло яна айтадики:

وَتَرْكُنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿١٠٧﴾

**108. Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик.**

Дунё тургунча келадиган авлодлар уни мақтаб-олқишлаб ўтадиган қилиб қўйдик.

سَلَّمَ عَلَيَّ إِزْهِيْمَ ﴿١٠٨﴾

**109. Иброҳимга салом бўлсин!**

Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ салом айтмоқда! Саломини қиёматгача боқий мўъжизаси Қуръонни Карим орқали эълон қилмоқда! Бу ҳол у зот алайҳиссаломнинг қадрлари нақадар юксаклигини яна бир бор кўрсатади.

كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٠٩﴾

**110. Биз гўзал амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз.** Доимий одатимиз шу. Қайси бир бандамиз гўзал амал қилса, ун Иброҳим каби мукофотлаймиз. Иброҳим нима учун бунчалик олиймақомга эришди, дерсиз.

إِنَّهُ مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٠﴾

### 111. Чунки, у мўмин бандаларимиздандир.

У барча ишларини, фидокорлик ва дину диёнат учун курашишини, ҳижрати ва ҳатто фарзандини сўйишга уринишини ҳам иймони тақозоси билан қилди. Шунинг учун, мазкур олий мақомларга сазовор бўлди.

وَيَسَّرْنَاهُ بِإِسْحَاقَ نَبِيًّا مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿١١١﴾

**112. Яна Биз унга солиҳлардан бир Пайғамбар бўлажак Исҳоқнинг хушхабарини бердик.**

Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳ таоло томонидан мукофотланишлари юқорида зикр этилган нарсалар билан кифояланиб қолмади. Аллоҳ таоло у кишига яна бир ўғил кўришлари, унинг исми Исҳоқ бўлиши, у ҳам солиҳлардан, Пайғамбарлардан бўлишининг хушхабарини берди.

Аммо бу билан ҳам кифояланмади, яна зиёда қилди:

وَبَرَكْنَا عَلَيْهِ وَعَلَىٰ إِسْحَاقَ وَمِن ذُرِّيَّتِهِمَا مُحْسِنٌ وَظَالِمٌ لِّنَفْسِهِ مُبِينٌ ﴿١١٢﴾

**113. Ва унга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Икковларининг зурриётидан гўзал амал қилгувчи ҳам, ўзига очиқ-ойдин зулм қилгувчи ҳам бўлур.**

Яъни, Иброҳимга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Уларнинг наслидан Пайғамбарлар чиқадиган қилиб қўйдик. Барака шундан иборат. Икковларининг зурриётидан ким ўша Пайғамбарларга эргашса, гўзал иш қилган бўлади. Қайси бири эргашмаса, ўзига ўзи очиқ-ойдин зулм қилган бўлади.

Шу ерга келганда бу қисса ҳам тугаб, Мусо алайҳиссалом билан Ҳорун алайҳиссалом қиссалари бошланади.

وَلَقَدْ مَنَّا عَلَىٰ مُوسَىٰ وَهَارُونَ ﴿١١٣﴾

**114. Батаҳқиқ, Биз Мусо ва Ҳорунга неъмат бердик.**

Неъматимизни, яъни, Пайғамбарликни Мусо билан Ҳорунга ҳам бердик.

وَنَجَّيْنَاهُمَا وَقَوْمَهُمَا مِنَ الْكَرْبِ الْعَظِيمِ ﴿١١٤﴾

**115. Икковларига ва қавмларига катта ғамдан нажот бердик.**

Фиръавн ва унинг қавмининг азобидан қутқардик.

وَنَصَرْنَاهُمْ فَكَانُوا هُمُ الْغَالِبِينَ ﴿١١٥﴾

**116. Ва уларга нусрат бердик, бас, улар ғолиб бўлдилар.**

Фиръавн ва унинг қавмига қарши тенгсиз курашда Мусо, Ҳорун ва икковларининг қавмига ўзимиз нусрат бердик, оқибатда улар ғолиб бўлиб чиқдилар.

وَأَيَّدْنَاهُمَا بِالْكِتَابِ الْمُسْتَقِيمِ ﴿١١٦﴾

**117. Ва Биз икковларига равшану комил баёнли китобни бердик.**

Яъни, биз Мусо ва Ҳорунга баёни мукамал, аҳкомлари бекам-кўст Таврот китобини бердик.

وَهَدَيْنَاهُمَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿١١٧﴾

**118. Ва икковларини сиротул мустақиймга ҳидоят қилдик.**

Мусо ва Ҳорунни тўғри йўлга ҳидоят қилдик. Тилга олинган ушбу ишларнинг ҳар бири энг улкан неъматлардандир. Улар бу неъматларнинг шукрини қилдилар.

وَتَرَكْنَا عَلَيْهِمَا فِي الْأَخْرَبِ ﴿١١٨﴾

**119. Ва кейингилар ичида икковлари учун (олқишлар) қолдирдик.**

Мўминлар икковларини қиёматгача олқишлаб, мақтаб, яхшилик билан эслаб юрадиган бўлдилар.

سَلِّمْ عَلَىٰ مُوسَىٰ وَهَارُونَ ﴿١٢٠﴾ إِنَّكَ كَذَلِكَ تَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٢١﴾ إِنَّهُمَا مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٢٢﴾

**120. Мусо ва Ҳорунга салом бўлсин!**

**121. Биз гўзал амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз.**

**122. Чунки, икковлари мўмин бандаларимиздандирлар.**

Иймон тақозоси билан йўлимизда жиҳод қилдилар ва мазкур олий мақомларга эришдилар. Шу билан Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг қиссалари тамом бўлди.

Энди Илёс алайҳиссаломнинг қиссалари бошланади:

وَإِنَّ إِلْيَاسَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٢٣﴾

**123. Албатта, Илёс ҳам юборилган Пайғамбарлардандир.**

Илёс алайҳиссалом Бани Исроилга юборилган Пайғамбарлардан биридирлар. Улар у зот алайҳиссаломни «Илъя» деб аташади. У киши Ҳорун алайҳиссаломнинг наслидан бўлиб, Илёс ибн Ёасийн деб номланганлар. У киши ҳозирги Сурия ерларидаги бир қавмга юборилганлар. У қавм «Баъл» номли санамга ибодат қилар экан.

إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ ۖ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٢٤﴾ أَتَدْعُونَ بَعْلًا وَتَذَرُونَ أَحْسَنَ الْخَالِقِينَ ﴿١٢٥﴾ اللَّهُ رَبُّكُمْ وَرَبَّ آبَائِكُمُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٢٦﴾

**124. Ўшанда у қавмига: «Тақво қилмайсизми?!»**

**125. Баълга ибодат қилиб, яратувчиларнинг энг яхшисини,**

**126. Ўз Роббингизни ва аввалги ота-боболарингизнинг Робби Аллоҳни тарк этасизми?!» – деди.**

Аллоҳ томонидан Пайғамбар қилиб юборилган Илёс алайҳиссалом, бошқа Пайғамбарлар каби, қавмларини тақвога, Аллоҳнинг ибодатига чақирдилар.

**«Ўшанда у қавмига: «Тақво қилмайсизми?!» – деди.**

Илёс алайҳиссалом қавмларини тақводор бўлишга чақирдилар. Шунингдек, қавмларининг Аллоҳга ширк келтириб, «Баъл» номли санамга сифинишларини инкор этдилар:

**«Баълга ибодат қилиб, яратувчиларнинг энг яхшисини, ўз Роббингизни ва аввалги ота-боболарининг Робби Аллоҳни тарк этасизми?!» – деди.**

Уларни Аллоҳнинг ибодатини тарк этмасликка, Унга ширк келтирмасликка чақирдилар. Лекин қавмлари бу чақириқларга қулоқ осмади.

فَكَذَّبُوهُ فَإِنَّهُمْ لَمُحْضَرُونَ ﴿١٢٧﴾

**127. Бас, уни ёлғончи қилдилар. Энди, албатта, улар (азобга) ҳозир қилингувчилардир.**

Бас, қавм Илёс алайҳиссаломни ёлғончи қилди. Унга иймон келтирмади. Унинг айтганига юрмади. Тақво этмади. Баълга ибодатда давом этди. Аллоҳ таолонинг ибодатини тарк қилди. Шунинг учун:

**«Энди, албатта, улар (азобга) ҳозир қилингувчилардир».**

Дўзах азобини тотиш учун, албатта, ҳозир қилинажақлар.

إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿١٢٨﴾

**128. Магар Аллоҳнинг мухлис бандаларигина (ҳозир қилинмаслар).**

Улар жаннатда мукофотларини олишга ҳозир бўладилар.

وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿١٢٩﴾

**129. Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик.**

Дунё тургунча келадиган авлодлар Илёсни мақтаб-олқишлаб ўтадиган қилиб қўйдик.

سَلَامٌ عَلَىٰ آلِ يَاسِينَ ﴿١٣٠﴾

**130. Илёсийнга салом бўлсин.**

Қуръони Каримда «Илёсийн» деб келган бу сўз ҳақида баъзи уламоларимиз, Илёс сўзи «фосила»(оятларнинг охирини бир-бирига ўхшатиш) учун ушбу шаклда келтирилган десалар, бошқалари «Илёсийн» Илёснинг жами, Илёс ва унга эргашган мўминларга салом бўлсин, дегани деб тафсир қиладилар.

إِنَّا كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣١﴾ إِنَّهُ مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾

**131. Биз гўзал амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз.**

**132. Чунки, у мўмин бандаларимиздандир.**

Шунинг учун иймон тақозоси билан Бизнинг йўлимизда жиҳод қилди ва мазкур олий мақомларга эришди. Шу ерда Илос алайҳиссаломнинг қиссалари тамом бўлади.

Энди Лут алайҳиссаломнинг қиссалари бошланади:

وَإِنَّ لُوطًا لَّمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٢﴾

**133. Албатта, Лут ҳам юборилган Пайғамбарлардандир.**

إِذْ بَجَّيْنَاهُ وَأَهْلَهُ أَجْمَعِينَ ﴿١٣٤﴾ إِلَّا جُوزَافِي الْعَاقِبِينَ ﴿١٣٥﴾

**134. Ўшанда Биз унга ва унинг аҳлига, ҳаммаларига нажот бердик.**

**135. Магар бир кампиргина (азобда) қолгувчилардан бўлди.**

Лут алайҳиссаломнинг хотини, қари кампир иймонга келмагани туфайли нобакор қавм дучор бўлган азобга учради.

ثُمَّ دَمَّرْنَا الْآخَرِينَ ﴿١٣٦﴾ وَإِنَّكُمْ لَمُرُونَ عَلَيْهِمْ مُصْبِحِينَ ﴿١٣٧﴾ وَبِالْيَلِيلِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٣٨﴾

**136. Сўнгра қолганларини ҳалок этдик.**

**137–138. Албатта, сиз кечаю кундуз уларнинг устидан ўтиб турурсиз. Ақл юритмайсизларми?!**

Ушбу оятлардаги хитоб Макка мушрикларига қаратилган. Улар сафар вақтида қарвонлари билан Лут қавми диёрларидан ўтишар, уларнинг ҳалокатига далолат қилувчи нарсаларни доим кўришар эди.

Ўша ердан ўта туриб, осий қавмнинг оқибатларини била туриб ибрат олмаганларидан ажабланиш ила уларга савол берилмоқда. Оддийгина нарсага ақлларини ишлатмаганларига ҳар қанча ажабланса арзийди. Бу хитоб барча замон ва барча маконларга, барча кофир ва мушрикларга доимий қаратилгандир. Улар ибрат олиб, ақл ишлатиб, фурсат борида ўзларини ўнглаб олишлари лозим.

Энди Юнус алайҳиссаломнинг қиссалари бошланади:

وَإِنَّ يُونُسَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٩﴾

**139. Албатта, Юнус ҳам юборилган Пайғамбарлардандир.**

Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломни ҳам қавмларига Пайғамбар қилиб юборди. Ул зот алайҳиссалом уларни Аллоҳнинг динига чақирдилар. Аммо қавм бу даъватни қабул этмади. Куфрида туриб олди. Бу ҳол Юнус алайҳиссаломнинг қаттиқ ғазабларини чиқарди. Юртни ҳам, қавмни ҳам ташлаб чиқиб кетдилар. Денгиз томон йўл олдилар.

إِذْ أَبَقَ إِلَى الْفُلْكِ الْمَشْحُونِ ﴿١٣٩﴾

**140. Ўшанда у тўлган кемага қочди.**

Юнус алайҳиссалом ўз қавмлари ғафосидан қочиб бориб, сафарга ҳозирланиб турган, одам тўла кемага чиқиб олдилар. Йўлда қаттиқ довул турди. Ҳамма қутулиш йўлини ахтариб қолди. Маслаҳат қилдилар. Кемачилар: «Бу ерда хожасидан қочган қул борга ўхшайди. Ўша сувга ташланмагунча қутулишнинг иложи йўқ», дейишди. Лекин ўша қул ким эканини ҳеч ким билмас эди. Шунда қуръа ташлашга қарор қилдилар.

فَسَاهَمَ فَكَانَ مِنَ الْمُدْحَضِينَ ﴿١٤٠﴾

**141. Бас, қуръа ташлашди ва у мағлублардан бўлди.**

Бас, кемадагилар маслаҳат қилишиб, кемадан сувга ташлаб юборилиши лозим шахсни аниқлаш учун қуръа ташлашди. Жумладан, Юнус алайҳиссаломга ҳам қуръа ташлашди ва у мағлуб бўлди. Қуръа у кишига чиқди. Келишувга биноан, у киши сувга ташланди.

فَالنَّعْمَةُ الْحَوْتُ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿١٤١﴾

**142. Бас, уни маломатга лойиқ бўлган ҳолида наҳанг балиқ ютди.**

Кемадан сувга ташланган Юнус алайҳиссаломни наҳанг балиқ ютиб юборди. У киши ўша пайтда маломатга лойиқ ҳолда эди. Чунки, Аллоҳнинг изнисиз, кофир қавмга аччиқ қилиб, ўз масъулиятларини ташлаб чиққан эдилар.

فَلَوْلَا أَنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُسَبِّحِينَ ﴿١٤٢﴾ لَلَبِثَ فِي بَطْنِهِ إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٤٣﴾

**143. Агар у кўп тасбиҳ айтгувчилардан бўлмаганида эди,**

**144. Унинг қорнида қайта тирилтирадиган кунгача қолиб кетар эди.**

Яъни, агар Юнус алайҳиссалом балиқ қорнида туриб Аллоҳга кўп тасбиҳ айтмаганида, ўша балиқнинг ичида қиёматгача қолиб кетар эдилар.


Юнус алайҳиссалом балиқ қорнига тушишлари билан тинмай: «Лаа илааҳа илла Анта, субҳанака, инни кунту миназ-золимийн» — «Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ. Сен поксан. Албатта, мен золимлардан бўлдим», деб турдилар. Бошига оғир кулфат тушган одамларга уламолар ушбу тасбиҳни кўпроқ айтишни маслаҳат қиладилар.

Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломнинг балиқ ичида туриб қилган илтижоларини қабул айлади.




#### 145. Бас, Биз уни бемор ҳолида майдонга отдик.

Аллоҳнинг иродаси билан балиқ Юнус алайҳиссаломни ичидан чиқариб отди. У киши соҳилдаги очиқ майдонга бемор ҳолда тушдилар.



#### 146. Ва унинг устига қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик.

Балиқнинг қорнидан баданлари оқ ем бўлиб ташқарига отилган Юнус алайҳиссалом очиқ жойда, хаста ҳолида ётсалар, касалликлари яна ҳам зиёдалашиши мумкин эди. Аллоҳ таоло Ўз иноятига олиб, очиқ майдонда беҳуш ётган Юнус алайҳиссаломнинг устларига япроқлари катта бўлиб соя қилиб турадиган қовоқни ўстириб қўйди. Қовоқ ўсган жойга пашша-чивин ҳам келмас экан. Бу ҳам Аллоҳнинг тадбири ва лутфидир. Юнус алайҳиссалом дам олиб, офият топиб, ўзларига келдилар.



#### 147. Ва уни юз минг ёки ундан кўпроққа Пайғамбар қилиб юбордик.

Юнус алайҳиссаломнинг қавми у киши аччиқ қилиб кетиб қолганларидан сўнг қаттиқ афсусланиб, тавба қилиб, қайтишларини кутиб туришган эди. Улар Юнус алайҳиссаломнинг қайтиб келганларидан жуда хурсанд бўлишди.






**148. Бас, иймон келтирдилар. Кейин Биз уларни маълум муддат баҳраманд қилдик.**

Қиссанинг тўлиқ баёни «Анбиё» сурасида келган. Юнус алай-ҳиссаломнинг қавми Аллоҳнинг азоби аломатларини кўрганларидан кейин соғ қолган ягона қавмдир. Чунки, улар чин ихлос билан қаттиқ тавба қилганлар. Гўдак болаларни, ҳайвонларнинг болаларини ҳам оналаридан ажратиб қўйиб, астойдил тазарруъ ила тавба этганларидан сўнг, Аллоҳ таоло уларга келган азобни кетказди.

Шу билан кофир ва мушриклар учун ибрат бўлмиш ўтган умматлар ва уларнинг Пайғамбарлари ҳақидаги қиссалар ниҳоясига етади.

Энди келадиган оятларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мушриклар билан қиссалар хулосаси юзасидан ўзларини ўнглашга чорловчи суҳбат ўтказиш топширилади. Бунда мушриклар ичида кенг тарқалган, уларнинг онгларига ўрнашиб қолган бир неча масалалар муноқаша қилинади. Эй Пайғамбар:



**149. Бас, улардан сўра-чи, Роббингга қизлар-у, уларга ўғиллар эканми?!**

Бу оятда араб мушрикларининг, фаришталар Аллоҳнинг қизларидир, деган эътиқодларига инкор келяпти. Мушриклар орасида шу эътиқод кенг тарқалган эди. Иккинчи томондан, улар қизларни ёқтиришмас эди. Баъзилари қиз боладан ор қилиб, уни тириклайин кўмиб юборар эди. Қиз фарзанд кўришса, улар қаттиқ хафа бўлишарди. Қизларга мерос беришмасди. Умуман, қиз бола, аёл зоти уларнинг эътиқодига кўра одам саналмас, балки ёмонлик, омадсизлик рамзи ҳисобланар эди.

Шу билан бирга, улар, Аллоҳнинг фаришталардан қизи бор, дейишар эди. Ўзлари ёмон кўрган нарсани Аллоҳ таолога раво кўришарди. Бу ерда мушрикларнинг бирийўла иккита катта хатолари бор. Биринчиси, фаришталарни қиз-аёл тарзида сифатлаш. Ҳолбуки, фаришталар Аллоҳ таолонинг махсус халқи бўлиб, уларда аёллик ёки эркаклик сифати йўқ. Уларга ўзича аёллик сифатини бериш катта гуноҳ ва беодоблиқдир. Иккинчиси эса, Аллоҳнинг фаришталардан қизи бор, дейиш. Буниси энг катта зулм ва ширк бўлади. Шунинг учун ҳам, оятда уларнинг бу қилмишлари инкор этилмоқда.

«Бас, улардан сўра-чи, Роббингга қизлар-у, уларга ўғиллар эканми?!»

Ўзлари ўғиларни оладилар-у, малоикалар Аллоҳнинг қизлари, деб уларни Аллоҳга берадиларми? Фаришталарнинг қиз эканликларини қаердан билибдилар?!

أَمْ خَلَقْنَا الْمَلَائِكَةَ إِنثًا وَهُمْ شَاهِدُونَ ﴿١٥٠﴾

**150. Ёки Биз фаришталарни қиз қилиб яратганмиз-у, улар гувоҳ бўлиб турганларми?**

Нима далил билан фаришталарни қиз дейишмоқда?! Уларнинг ҳеч қандай далиллари йўқ! Улар гувоҳ ҳам эмаслар!

أَلَا إِنَّهُمْ مِّنْ إِفْكِهِمْ لَيَقُولُونَ ﴿١٥١﴾ وَلَدَ اللَّهُ وَإِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١٥٢﴾

**151. Огоҳ бўлингким! Улар ўз уйдирмаларида дерлар:**

**152. «Аллоҳ туғди». Албатта, улар ёлғончилардир.**

Мушриклар ўзларича ёлғонни уйдириб, Аллоҳ бола туғди, дерлар.

«Албатта, улар ёлғончилардир.»

أَصْطَفَى الْبَنَاتِ عَلَى الْبَنِينَ ﴿١٥٣﴾

**153. У зот ўғилларни қўйиб, қизларни танлаб олибдими?**

Аллоҳ қизларни ўғиллардан афзал кўрибдими?

مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿١٥٤﴾

**154. Сизга нима бўлди?! Қандай ҳукм чиқармоқдасиз?**

Нимага бундай қияпсиз? Ҳукмни нима асосида чиқармоқдасиз?

أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٥﴾

**155. Ахир, эсламайсизларми?!**

Эсингиз борми, ўзи?!

أَمْ لَكُمْ سُلْطَانٌ مُّبِينٌ ﴿١٥٦﴾

**156. Ёки сизда очиқ-ойдин ҳужжат борми?!**

Ўша ҳужжатда, фаришталар Аллоҳнинг қизи, дейилганми?!

فَأْتُوايَكُنِّيكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٥٧﴾

**157. Агар ростгўйлардан бўлсангиз, китобингизни келтиринг!**

Агар, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, деган ўша сўзингиз рост бўлса ва унга ҳужжатиңиз бўлса, ўша ҳужжат ёзилган китобингизни олиб келинг!

Энди мушрикларнинг бошқа бир афсонага асосланган бузуқ эътиқодлари муноқаша қилинади:

وَجَعَلُوا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجَنَّةِ نَسْبًا وَلَقَدْ عَلِمَتِ الْجِنَّةُ إِنَّهُمْ لَمُحْضَرُونَ ﴿١٥٨﴾

**158. Ва улар У билан жинлар орасида насаб (даъвоси) қилдилар. Ҳолбуки, жинлар ўзларининг албатта (азобга) ҳозир қилингувчиликларини билганлар.**

Мушриклар, Аллоҳ билан жинлар орасида насаб алоқаси бор, деб гумон қилар эдилар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ жинларга уйланганидан кейин фаришталар туғилган эмиш. Ушбу оятда ўша даъвонинг ботиллиги айтилмоқда. Қандай қилиб Аллоҳ билан жинлар ўртасида насаб бўлсин?!

**«Ҳолбуки, жинлар ўзларининг албатта (азобга) ҳозир қилингувчиликларини билганлар.»**

Улар қиёматда жавоб берадилар. Аллоҳ билан насаб алоқалари бўлса, шундай бўлармиди? Албатта, йўқ. Бу гаплар мушрикларнинг ўзларича Аллоҳга бераётган васфлари, холос.

سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُصِفُونَ ﴿١٥٩﴾

**159. Аллоҳ улар васф қилган нарсадан покдир.**

У зотнинг жинлар билан насаб алоқаси йўқдир.

إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلِصِينَ ﴿١٦٠﴾

**160. Фақат Аллоҳнинг ихлосли бандаларигина (мустаснодир).**

Бу истисно ҳақида тафсиричларимиз икки хил фикр билдир-

ганлар. Баъзилари, магар Аллоҳнинг ихлосли бандалари Унга но-муносиб сифатларни бермайдилар, деб маъно айтганлар. Бошқалари эса, магар Аллоҳнинг жинлардан иборат ихлосли бандалари азобга ҳозир қилингувчилардан бўлмаслар, маъносини берганлар. Ҳар икки маъно ҳам бир-бирини тўлғазиб келади.

Энди кофир-мушрикларга хитоб қилинади. Эй, мушриклар!

فَأِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ ﴿١٦١﴾ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ بِفِتْنِينَ ﴿١٦٢﴾ إِلَّا مَنْ هُوَ صَالٍ الْجَحِيمِ ﴿١٦٣﴾

**161. Албатта, сиз ҳам, сиз ибодат қилаётган нарсалар ҳам,**

**162. У зотга қарши фитнага солгувчи бўла олмассиз.**

**163. Илло, ким жаҳаннамга киргувчи бўлса.**

Эй, мушриклар, сиз ўзингиз ҳам, сиз сиғинаётган сохта худоларингиз ҳам Аллоҳга қарши ҳеч кимни фитнага сола билмайсиз. Магар, тақдири азалда жаҳаннамга тушиши Аллоҳ томонидан белгиланган бадбахт кимсанигина фитнага солиб, йўлдан адаштиришингиз мумкин. Сизга жаҳаннамга киришга лойиқларгина эргашилари мумкин.

Энди фаришталарнинг мушриклар тўқиган афсоналарига раддиялари келади.

Улар дейдилар:

وَمَا مِنَّا إِلَّا لَهُم مَّقَامٌ مَّعْلُومٌ ﴿١٦٤﴾

**164. Биздан ҳар биримизнинг маълум мақомимиз бордир.**

Ҳар бир фариштанинг маълум мартабаси, жойи ва вазифаси бордир. Улардан баъзилари ризққа, баъзилари ажалга, баъзилари ваҳийга, шунингдек, ибодатга ва бошқа амалларга вакил қилинганлар.

وَإِنَّا لَنَحْنُ الصَّافُونَ ﴿١٦٥﴾

**165. Албатта, бизлар саф тортиб тургувчилармиз.**

Биз ҳар доим Аллоҳнинг амрини бажаришга тайёр ҳолда саф тортиб, шай турамиз.

وَإِنَّا لَنَحْنُ الْمُسِيحُونَ ﴿١٦٦﴾

**166. Ва, албатта, бизлар тасбиҳ айтгувчилармиз.**

Аллоҳ таолони доимо поклаб ёд этамиз.

Демак, фаришталар ўзларининг кимликларини айтиб турибдилар. Улар мушриклар гумон қилганидек, биз Аллоҳнинг қизларимиз, деганлари йўқ. Улар, биз Аллоҳнинг итоаткор бандаларимиз, Унинг амрига муҳтож бўлиб саф тортиб турамиз, Унга доимо тасбиҳ айтамиз, демоқдалар.

Сўнгра мушрикларнинг Қуръони Карим нозил бўлишидан илгари айтиб юрган гаплари, берган ваъдалари эсга олинади:

وَإِنْ كَانُوا لَيَقُولُونَ ﴿١٦٦﴾ لَوْ أَنَّ عِنْدَنَا ذِكْرًا مِنَ الْأَوَّلِينَ ﴿١٦٧﴾ لَكُنَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿١٦٨﴾

**167. Ҳолбуки, улар дер эдилар:**

**168.** «Агар бизнинг ҳузуримизда ҳам аввалгилардан бир эслатма бўлганида,

**169. Албатта, Аллоҳнинг ихлосли бандаларидан бўлар эдик».**

Қуръони Карим келишидан олдин мушриклар аҳли китобларни маломат қилишар, аҳли китоб бўла туриб, тузукроқ бўлмаганларини танқид қилишар эди. Ўзларидаги нуқсонларга эса, ҳузурларида илоҳий китоб йўқлигини рўқач этишар эди. Шу билан бирга, агар бизга аввалги ўтганлардан эслатма бўлиб бир китоб келса, албатта, Аллоҳнинг мухлис бандаларидан бўлар эдик, деб айтишар эди.

Мана, ўзлари орзулаган ўша эслатма китоб – Қуръони Карим нозил ҳам бўлди.

فَكَفَرُوا بِهِ ۖ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿١٧٠﴾

**170. Бас, унга куфр келтирдилар. Энди яқинда билурлар.**

Улар Қуръонга куфр келтирдилар. Бу ишларининг оқибати нима бўлишини яқинда биладилар.

وَلَقَدْ سَبَقَتْ كَأْمُنًا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ ﴿١٧١﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ الْمَنْصُورُونَ ﴿١٧٢﴾ وَإِنَّ جُنَدَنَا لَهُمُ الْغَالِبُونَ ﴿١٧٣﴾

**171. Батаҳқиқ, Пайғамбар этиб юборилган бандаларимизга сўзимиз ўтгандир.**

**172. Албатта, улар, ҳа, уларгина нусрат топишлари.**

**173. Ва, албатта, Бизнинг лашкаримизгина ғолиб бўлиши ҳақида.**

Яъни, Биз Ўзимиз Пайғамбар этиб юборган бандаларимизга, сизлар албатта нусрат топасиз ва албатта бизнинг лашкарларимиз голиб бўлади, деб сўз берганмиз, ваъда қилганмиз. Аллоҳ таоло доимо сўзи устидан чиқади. Аллоҳ таоло доимо ваъдасига вафо қилади. Инсоният тарихидан маълумки, Аллоҳнинг Пайғамбар юборган қавм бандалари доимо кофир ва мушриклар билан бўлган курашларда голиб келганлар, ҳеч қачон, ҳеч ерда натижа аксинча бўлган эмас.

Шунингдек, Аллоҳ таолога лашкарлик шарафига муяссар бўлганлар доимо шайтон лашкарлари устидан ғалаба қозонганлар.

Пайғамбар қилиб юборилган бандалар олиб келган ақийда ва таълимотларга зид эътиқод ва таълимотлар доимо муваффақиятсизликка учраб, йўқ бўлиб кетган. Аллоҳнинг лашкарига қарши бўлган ҳар қандай лашкар доимо мағлуб бўлган. Эртами, кечми, бу умумий қоида доимо ўзини кўрсатади. Гап Аллоҳнинг лашкари бахтига муяссар бўлган мўминларнинг топилишидадир.

Демак, шундай экан, кофир ва мушрикларга ортиқча аҳамият бермаслик керак. Уларнинг ҳолидан ажабланмаслик лозим. Шунинг учун, Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидагича хитоб қилмоқда. Эй Пайғамбар:

فَنُؤَلِّعُهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿١٧٤﴾

#### 174. Бас, сен улардан бир вақтгача юз ўгир.

Улардан юз ўгир. Қўйиб қўй уларни.

وَأَبْصِرْهُمْ فَسَوْفَ يُبْصِرُونَ ﴿١٧٥﴾

#### 175. Ва уларнинг (томошасини) кўр! Бас, тезда ўзлари ҳам кўражаклар.

Куфр, ширк ва исённинг оқибати нима бўлишини «Бас, тезда ўзлари ҳам кўражаклар».

أَفَعَدَّ إِنَّا يَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٧٦﴾

#### 176. Ҳали улар Бизнинг азобимизни шошилтирмоқдамилар?!

Қачон келар экан, деб унга ошиқмоқдамилар?!

فَإِذَا نَزَلَ بِسَاحِحِهِمْ فَسَاءَ صَبَاحُ الْمُنْذَرِينَ ﴿١٧٧﴾

**177. Қачонки, у уларнинг ҳовлисига тушганида, огоҳлантирилганларнинг тонги жуда ёмон бўлур.**

Бизнинг азобимиз уларнинг бошига тушган пайтда улар жуда ёмон аҳволда қоладилар. Эй Пайғамбар:

وَتَوَلَّ عَنْهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ۝ وَأَبْصَرَ فَسَوْفَ يُبْصِرُونَ ۝ سُبْحٰنَ رَبِّكَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ ۝  
 ۝ وَسَلَّمٌ عَلَى الْمُرْسَلِينَ ۝ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ۝

**178. Бас, сен улардан бир вақтгача юз ўгир.**

**179. Ва** (уларнинг томошасини) **кўр! Бас, тезда ўзлари ҳам кўражақлар.**

**180. Сенинг Роббинг, иззат Робби улар қилган васфдан покдир.**

**181. Ва юборилган Пайғамбарларга салом бўлсин!**

**182. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!**

Имом Ибн Абу Ҳотим аш-Шаълабийдан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Амали тўлиқ ўлчов ила ўлчаниши кимни хурсанд қилса, мажлисининг охирида, туришдан олдин: «Субҳана Роббика Роббил ғиззати ғамма йасифун. Ва саламун ғалал мурсалийн вал-ҳамду лиллаҳи Роббил ғаламийн»ни ўқисин», деганлар.



## СОД СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 88 оятдан иборат.*

Ушбу сураи карима ҳижо ҳарфи бўлмиш «сод» билан бошлангани учун шу номни олган. Унда, асосан, ақийданинг энг марказий уч масаласи — тавҳид, ваҳий ва охиратдаги ҳисоб-китоб масалалари муолажа қилинади.

«Сод» сурасининг аввалида Қуръони Карим билан қасам ичилади. Қуръони Карим ҳақ китоб эканлиги, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақ Пайғамбар эканликлари таъкидланади.

Сўнгра тавҳид хусусида ва уни мушриклар инкор этишлари ҳақида сўз кетади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларидан уларнинг ажабланганлари баён қилинади.

Кейин мушриклар учун эслатма сифатида аввал ўтган тугён-корларнинг қилмишлари ва улар топган оқибатлар ҳақидаги хабарлар келтирилади.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мухлис мўмин-мусулмонларга тасалли бўлсин учун, ўтган Пайғамбарлардан Довуд алайҳиссалом ва у зотнинг ўғли Сулаймон алайҳиссалом, Аййуб, Исҳоқ, Яъқуб, Исмоил ва Зул-Кифл алайҳимуссаломларнинг қиссалари келтирилади.

«Сод» сурасида Аллоҳ таолонинг биру борлигига ва Унинг чексиз қудратига далолат қилувчи махлуқотларига, улар бекорга яратилмаганига эътибор тортилади.

Сураи кариманинг ниҳоясида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий вазифалари нимадан иборат экани баён қилинади.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

ص وَالْقُرْآنِ ذِي الذِّكْرِ

### 1. Сод. Зикр соҳиби бўлмиш Қуръон ила қасам.

«Сод» алифбо ҳарфларидан биридир. Ушбу ҳарфнинг ўзи бир мўъжиза бўлса, бу ва унга шерик бошқа ҳарфлардан таркиб топган Қуръон эса, абадий илоҳий мўъжизадир. Оддий алифбо ҳарфларидан таркиб топган Қуръонга ўхшаш китобни ҳеч ким келтира олмаслиги унинг энг улкан мўъжиза эканини кўрсатади.

#### «Зикр соҳиби бўлмиш Қуръон ила қасам.»

Оятдаги «зикр» сўзига тафсирчи уламоларимиз икки хил маъно беришган: эслатма ва шон-шараф. Аслида, Қуръони Карим васфида бу икки маъно ҳам бор. Шунинг учун ҳам, Қуръонда «эслатма» ёки «шон-шараф» эмас, балки шу икки маънони ҳам ифода этадиган «зикр» сўзи ишлатилган. Қуръони Карим мўъжизасининг қирраларидан бири ҳам шудир.

Аллоҳ таолонинг зикр соҳиби бўлмиш Қуръон ила қасам ичиши бежиз эмас. Аввало, Қуръони Каримнинг шону шарафи улуғланяпти, қолаверса, араб тили қоидалари бўйича, бу қасамдан кўзланган мақсадга эътибор тортиляпти. Лекин асл мақсад бу ерда очиқ айтилмаган. Сўзнинг бориши ва унинг умумий маъносига қараб, зикр соҳиби бўлмиш Қуръон ила қасамки, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам ҳақ Пайғамбардир, Қуръон ҳақ мўъжизадир, деб гап маъносини тушунса бўлади.

بَلِ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي عِزَّةٍ وَشِقَاقٍ

### 2. Аммо куфр келтирганлар кибру ҳаво ва муҳолифликдадилар.

Улар кибру ҳавога берилиб, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканларини, Қуръоннинг илоҳий мўъжизалигини инкор қилмоқдалар. Улар Аллоҳ таолога ва Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламга хилоф йўл тутишда давом этмоқдалар.

Хўш, улар бу ҳолда қаергача борадилар? Нима натижага эришадилар? Уларнинг кибру ҳаволари нима қилиб беради? Аллоҳга ва Пайғамбарга хилоф иш қилганлари нима оқибат билан тугайди?

كَمْ أَهْلَكْنَا مِنْ قَبْلِهِمْ مِّنْ قَرْنٍ فَنَادَُوا وَآوَلَاتٍ حِينَ مَنَاصٍ ﴿١٠٠﴾

**3. Биз улардан илгари ҳам қанча асрларни ҳалок этганмиз. Улар (ёрдам сўраб) нидо қилдилар. Аммо қочиб қутулиш вақти эмас эди.**

Биз ҳозирда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбарлигини, Қуръоннинг ҳақ илоҳий китоблигини инкор этаётган кофир ва мушриклардан олдин ҳам қанчадан-қанча аср авлодарини ҳалок этганмиз. Ушанда:

**«Улар (ёрдам сўраб) нидо қилдилар».**

Дод-фарёд солдилар. Ялиниб, ёлвордилар. Ўзларини ҳалокатдан сақлаб қолиш учун ёрдам сўрадилар.

**«Аммо қочиб қутулиш вақти эмас эди.»**

Вақт ўтган, бўлар иш бўлган эди.

Ҳозирги кофир ва мушриклар ҳам фурсатнинг борида ўзларини ўнглаб, тўғри йўлга тушиб олмасалар, вақт ўтганидан кейинги дод-фарёдлари уларга фойда бермай қолади.

Энди мушрикларнинг кибру ҳавоси ва ихтилофларининг баёни бошланади:

وَعَجِبُوا أَنْ جَاءَهُمْ مُنذِرٌ مِنْهُمْ وَقَالَ الْكٰفِرُونَ هٰذَا سِحْرٌ كٰذٰبٌ ﴿١٠١﴾

**4. Улар ичларига ўзларидан огоҳлантирувчи келганидан ажабландилар ва кофирлар: «Бу, сеҳргар ва каззобдир», дедилар.**

Макка мушриклари ўзларининг ичида юрган бир одам огоҳлантирувчи бўлиб келганидан ажабландилар. Уларнинг калта фаҳмига кўра, Пайғамбар дегани одам бўлмаслиги керак эмиш. Одам боласининг ўзига ўхшаш одамларга Пайғамбар бўлиши ажаблаларли эмиш. Бу ишлари айни кибру ҳавога берилиш, айни Аллоҳнинг ишига хилоф қилишдир.

Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбар эканларини инкор қилиш билан чегараланмадилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши турли уйдирма, ифво ва бўҳтонлар ҳам тарқатдилар.

**«Кофирлар: «Бу, сеҳргар ва каззобдир», дедилар.»**

Муҳаммад Пайғамбар эмас, ўзимизга ўхшаган оддий бир одам, Пайғамбар бўлиши мумкин ҳам эмас. Пайғамбарлик даъвосида тиловат қилаётган сўзлари одамларга таъсир қилаётган бўлса, унинг сеҳргарлигидандир. У сеҳргардир. Унинг «Пайғамбарман» деган гапи ёлғондир, у каззобдир, дедилар.

Улар кибру ҳавога берилганликлари оқибатида шундай фикрга борганлар.

Макка мушриклари Пайғамбаримизнинг сеҳргар ёки ёлғончи эмасликларини кўриб-билиб туриб, у зотга шу айбни тиркашларининг ўзига яраша сабаби бор эди. Буни тарихчиларимиз қуйидагича нақл этадилар.

Ибн Исҳоқ қуйидагиларни ривоят қилади: «Ал-Валид ибн Муғйра Қурайшнинг ёши улуғларидан эди. Ҳаж мавсуми яқинлашиб қолганида, ал-Валид:

«Эй, Қурайш жамоаси, мавсум ҳам келиб қолди. Яқин орада арабларнинг вакиллари ҳузурингизга келади. Улар ҳаммаси анави оғайнингиз ҳақида эшитган. Энди сиз унинг ҳақида гапни бир қилиб олинг. Яна, гапингиз ҳар хил бўлиб, бир-бирингизни ёлғончи қилиб юрманг. Гапингиз хилма-хил бўлмасин», деди. Тўпланганлар:

«Эй, Абу Абдушшамс, сен ўзинг бизга бир фикрни айт, биз ўшани тутамиз», дейишди. У:

«Йўқ! Аввал сизлар айтингиз, мен эшитай», деди. Улар:

«Коҳин, деймиз», дейишди. У:

«Йўқ! Аллоҳга қасамки, у коҳин эмас. Коҳинларни кўп кўрдик. Унинг гапи коҳиннинг финғиллашига ҳам, сўзларни тартибга солишига ҳам ўхшамайди», деди. Улар:

«Мажнун, деймиз», дейишди. У:

«Муҳаммад мажнун эмас. Батаҳқиқ, жинниликни кўп кўрдик. Унинг нима эканини яхши биламиз. Унинг гапи жиннининг бўғилишига ҳам, довдирашига ҳам, васвасасига ҳам ўхшамайди», деди. Улар:

«Шоир, деймиз», дейишди. Валид:

«У шоир ҳам эмас. Батаҳқиқ, биз шеърнинг ҳамма турларини — ражзини ҳам, ҳажзини ҳам, қарийзини ҳам, мақбузини ҳам, масбутини ҳам билганмиз. Бу, шеър эмас», деди. Улар:

«Жодугар, деймиз», дедилар. У:

«У жодугар ҳам эмас. Батаҳқиқ, жодугарларни ҳам, жодуларни ҳам кўрдик. Унинг гапи уларнинг дам солишига ҳам, тугун тугишига ҳам ўхшамайди», деди. Улар:

«Унда нима деймиз, эй, Абу Абдушшамс?» — деб сўрашди. Шунда Валид:

«Аллоҳга қасамки, унинг гапида ҳаловат бор. Гапининг асли кўп томирли. Шохлари сермева. Сиз у ҳақда нима десангиз ҳам, ботиллиги дарҳол билинади. Аммо унинг ҳақида айтиш мумкин бўлган энг ишончли гап «сеҳргар» дейишингиздир. У бир сеҳр гапни келтирди. Ўша гап билан болани отасидан, акани укасидан, эрни хотинидан, одамни қабиласидан ажратмоқда», деди. Шу тўхтамга келишиб, тарқалишди. Кейин ҳаж мавсуми бошланганида, йўлларга ўтириб олиб, олдиларидан ўтганларни у зотдан ҳазир бўлишга чақириб, ишларини зикр қилдилар».

Кофирларнинг ажабланиши бу билан тугамади. Улар бошқа гапларни ҳам айтдилар:

أَجْعَلُ الْآلِهَةَ إِلَهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجَابٌ

### 5. «У худоларни битта худо қилдимиз?! Албатта, бу ажабланарли нарса!»

Ушбу ояти карима ва ундан кейинги оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида тафсирчи олимларимиз куйидаги ривоятни келтирадилар:

«Қурайш аъёнлари Абу Толибнинг ҳузурига келиб: «Биродарингнинг ўғлини тийиб ол. У динимизни айбламоқда, худоларимизни ёмонламоқда ва ақлимизни пастга урмоқда», дейишди. Абу Толиб жиянлари соллаллоҳу алайҳи васалламни чақириб, бу ҳақда гапирди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй амаки! Мен улардан фақатгина бир оғиз сўз истайман, холос. Бу сўз билан ажамларга молик бўладилар, у билан араблар уларга бўйинсунади», дедилар. Абу Жаҳл ва бошқа мушриклар:

«Хўп, биз сенга ўша сўзни ва яна унга ўхшаш ўнтасини айтишга ҳам тайёرمىз», дейишди. Ул зот алайҳиссалом:

«Лаа илааҳа Иллаллоҳ!» (Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ!) денглар», дедилар. Улар шошиб, кийимларини қоқиб, ўринларидан туришди ва:

«У худоларни битта қилдимиз? Албатта, бу ажабланарли нарса!» — дейишди. Ана шунда Аллоҳ таоло ушбу оятларни нозил қилди.

وَأَنطَلَقَ الْمَلَأُ مِنْهُمْ أَنِ امْشُوا وَاصْبِرُوا عَلَىٰ ءَالِهَتِكُمْ إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ يُرَادُ ﴿١٠٠﴾ مَا سَمِعْنَا بِهَذَا فِي ءَالِمَةِ ءالْآخِرَةِ إِن هَذَا إِلَّا أَخْتَلَقُ ﴿١٠١﴾ ءءَنزَلِ عَلَيْهِ الذِّكْرُ مِن بَيْنِنَا بَلْ هُمْ فِي شَكٍّ مِّن ذِكْرِي بَل لَّمَّا يَذُوقُوا

عَذَابِ

6. Уларнинг аъёнлари: «Юринглар, худоларингиз тўғрисида сабр қилинглар. Албатта, бу қасддан қилинаётган нарсадир.

7. Биз бу ҳақда охириги миллатдан эшитганимиз йўқ. Бу тўқилгандан бошқа нарса эмас.

8. Бизнинг ичимиздан ўшанга зикр нозил қилинибдими?!» – деб туриб кетдилар. Йўқ! Улар Менинг зикрим ҳақида шак-шубҳададирлар. Йўқ! Улар азобимни татиб кўрмадилар.

Қурайш мушрикларининг катталари, раҳбарлари, аъёнлари:

«Юринглар, худоларингиз тўғрисида сабр қилинглар», деб ўрниларидан туриб кетишди.

Яъни, эй биродарлар, юринглар, кетдик, бор гапни эшитдингиз, энди худоларингиз ибодатида сабр билан бардавом бўлинглар. Ихлос билан киришинглар. Бу ёқдан фитна чиқиб қолди.

**«Албатта, бу қасддан қилинаётган нарсадир.»**

Муҳаммаднинг «Лаа илааҳа Иллаллоҳ!» шиорини кўтариб чиқиши, албатта, худоларингизга қарши қасддан уюштирилаётган тадбирдир.

**«Биз бу ҳақда охириги миллатдан эшитганимиз йўқ.»**

Биз Аллоҳнинг битта эканлиги ҳақида Аллоҳ Пайғамбар юборган, илоҳий китоб туширган охириги миллатдан – насоролардан ҳам эшитганимиз йўқ. Улар ҳам худони учта дейишади.

**«Бу, тўқилгандан бошқа нарса эмас.»**

Аллоҳ битта, деган гапни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб олган. Бундан бошқача эмас. Келиб, келиб,

**«Бизнинг ичимиздан ўшанга зикр нозил қилинибдими?!»**

Ичимизда шунча бой, зодагон, аслзодалар, улуғ ёшдаги кишилар туриб, ўша етим, ялангоёқ, саводсиз Муҳаммадга эслатма – илоҳий китоб тушибдими?!

Шундай деб, улар туриб кетишди.

Мажлисни тарк этишди. Хўш, уларнинг бу гаплари тўғрими?

**«Йўқ!»**

**Улар Менинг зикрим ҳақида шак-шубҳададирлар.»**

Мушриклар Менинг Қуръоним ҳақида шубҳададирлар.

**«Йўқ!»**

Уларнинг гаплари мутлақо тўғри эмас.

**«Улар азобимни татиб кўрмадилар.»**

Шунинг учун, ўзларича кибру ҳавога берилиб, Менинг амримга хилоф қилмоқдалар. Аммо азобимни татиб кўрганларидан кейин гап нимада эканини биладилар.

Улар нима учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарлигини инкор қилмоқдалар?

أَمْرٌ عِنْدَهُمْ خَزَائِنُ رَحْمَةِ رَبِّكَ الْعَزِيزِ الْوَهَّابِ ﴿٩﴾

### 9. Ёки уларнинг ҳузурида азийзу ўта саховатли Роббингнинг раҳмат хазинаси борми?

Нима учун мушриклар Пайғамбарлик ҳақида ўзларича ҳукм чиқарадилар? Ёки уларнинг ҳузурида азийз ва ўта саховатли (хоҳлаган бандасига хоҳлаган нарсасини берадиган, жумладан, хоҳлаган бандасига Пайғамбарликни берадиган)

#### «Роббингнинг раҳмат хазийнаси борми?»

Улар ўша хазийнадан ўз хоҳишлари бўйича неъматларни олиб, бошқаларга тарқатадиларми? Улар ўша раҳмат хазийнасидан Пайғамбарликни ҳам ўзлари хоҳлаган одамга олиб бермоқчимилар?

أَمْرٌ لَهُمْ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا فَلْيَرْتَقُوا فِي الْأَسْبَابِ ﴿١٠﴾

### 10. Ёки осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг мулки уларникими? Бас, унда сабаблари ила (осмонга) кўтарилсинлар!

Нима учун мушриклар Пайғамбарлик ҳақида ўзларича ҳукм чиқарадилар?!

#### «Ёки осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг мулки уларникими?»

Улар ўша нарсаларнинг эгасими? Шунинг учун Пайғамбарлик ҳақида ҳукм чиқармоқдаларми? Агар ҳақиқатан осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг мулки мушрикларники бўлса,

#### «Бас, унда сабаблари ила (осмонга) кўтарилсинлар!»

У ҳолда бор сабаб-воситаларни ишга солиб, осмонга кўтарилсинлар. У ерга ўрнашиб олиб, ҳукмларини юргизсинлар. Хоҳлаган одамларига Пайғамбарликни берсинлар.

Йўқ, бундай қила олмайдилар? Унда мушриклар нега бунча катта кетадилар? Улар ким бўлибди, ўзи?

جُنْدًا مَاهِنًا لِكَ مَهْزُومٍ مِنَ الْأَحْزَابِ ﴿١١﴾

### 11. Анали ердаги енгилган фирқалардан бўлган қандайдир лашкар.

Мушриклар, жуда борганда, енгилган фирқалардан тўпланган қандайдир ҳақир бир лашкар бўла олади, холос. Уларнинг бундан

баландроқ қиймати йўқ. Уларнинг оғзидаги баландпарвоз гаплари-га, дабдабаларига эътибор бермаслик керак. Кофир-мушрикларнинг иши шу. Улар энди кўринаётгани йўқ. Уларнинг уруғи кўп. Улардан олдин ҳам қанчалари ўтган.

كذبت قبلهم قوم نوح وعاد وفرعون ذو الأوتاد وثمود وقوم لوط وأصحاب لئكة أوتيتك  
الأحزاب إن كل إلا كذب الرسل فحق عقاب

**12. Улардан олдин ҳам Нуҳ қавми, Од, қозиклар эгаси Фиръавн ҳам ёлғончи қилган.**

**13. Ва Самуд, Лут қавми ва дарахтзор эгалари ҳам. Фирқалар ўшалардир.**

**14. Барчалари, албатта, Пайғамбарларни ёлғончи қилдилар. Бас, Менинг иқобим ҳақ бўлди.**

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни каззобга чиқараётган мушриклардан олдин ҳам кўп қавмлар Пайғамбарларини ёлғончи қилганлар. Мисол учун:

**«Нуҳ қавми, Од, қозиклар эгаси Фиръавн ҳам ёлғончи қилган».**

Нуҳ қавми Пайғамбари Нуҳ алайҳиссаломни ёлғончи қилган. Од қавми Пайғамбари Ҳуд алайҳиссаломни ёлғончига чиқарган. «Қозиклар эгаси Фиръавн» эса, Мусо алайҳиссаломни ёлғончи деган.

Фиръавн ўзига қарши бўлганларнинг қўл-оёқларини қозикларга боғлаб қўйиб азоблар экан. Шунингдек, у қурдирган баланд эҳромлар ҳам «ерга қоқилган қозик» деб васф қилинади. Шу маънолардан келиб чиқиб, унга «қозиклар эгаси» лақаби берилган.

**«Ва Самуд, Лут қавми ва дарахтзор эгалари ҳам.»**

Самуд қавми Пайғамбари Солиҳ алайҳиссаломни, Лут қавми Пайғамбари Лут алайҳиссаломни, дарахтзор эгалари – Мадян аҳли Пайғамбарлари Шуайб алайҳиссаломни ёлғончи қилганлар.

**«Фирқалар ўшалардир.»**

Аллоҳ таолога қарши турган фирқалар ўшалардир.

**«Барчалари, албатта, Пайғамбарларни ёлғончи қилдилар.»**

Улар ўзларига юборилган Пайғамбарларни ёлғончи қилишда қаттиқ турдилар. Шундан кейин:

**«Бас, Менинг иқобим ҳақ бўлди.»**

Уларга менинг иқобим – азобим ҳақ бўлди. Ҳаммалари ҳалок бўлдилар.

وَمَا يَنْظُرُ هَتُّؤُلَاءِ إِلَّا الصِّحَّةَ وَوَجْدَةَ مَالِهِمْ فَوَاقٍ ﴿١٥﴾

**15. Ана ўшалар лаҳзага кечикмай келадиган биргина қичқириқдан бошқа нарсага интизор бўлаётганлари йўқ.**

Биз «лаҳзага кечикмай келадиган» деб таржима қилган маъно оятда «фавоқ» дейилган. Бу сўз туяни соғаётганда елинни бир тартиб соғиб, яна иккинчи марта тартишгача ўтган вақтга нисбатан ишлатилади. Демак, қиёмат куни белгиланган муддатидан шунча миқдорда ҳам кечикмай келади. Вақти етганида, биргина қичқириқ билан ҳаммаси тамом бўлади. Мушриклар шунигина кутмоқдалар, холос.

Аллоҳ таоло уларни қиёмат кунигача тарк қилиб қўйгани мушриклар учун илоҳий раҳмат, фазлу карам эди. Аммо мушриклар бу фурсатнинг қадрини билмадилар.

وَقَالُوا رَبَّنَا عَجَلْنَا قُلُوبَنَا قَبْلَ يَوْمِ الْحِسَابِ ﴿١٦﴾

**16. Улар: «Эй Роббимиз, бизга ҳисоб кунидан илгари насиба-мизни тезроқ бер!» – дедилар.**

Мушриклар ўзларига ҳисоб-китоб куни – қиёмат кунда азоб берилиши ҳақидаги хабарни эшитганларидан кейин, масхара қилишиб, «Модомики, азобга қолар эканмиз, уни қиёмат кунига кечиктиришнинг нима кераги бор, ҳозирнинг ўзида бериб қўявермайдимми?!» – дедилар.

**«Улар: «Эй Роббимиз, бизга ҳисоб кунидан илгари (қиёмат қоим бўлиб, ҳисоб бўладиган кундан илгари азобдан оладиган) насиба-мизни тезроқ бер!» – дедилар.»**

Мушрикларнинг масхара ва истеҳзолари Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга оғир ботар эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло у зотга тасалли беради, сабрга буюради ва олдин ўтган Пайғамбарлардан ўрнатилган олишга чақиради.

أَصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَلَا تُكْرِبْهُمْ وَذُرِّيَّةً لَا تَلْبَسُ الْجَانِيزَ ۗ إِنَّهُ أُوَّابٌ ﴿١٧﴾

**17. Улар айтаётган нарсаларга сабр қил. Қувват соҳиби бўлган бандамиз Довудни эсла. Албатта, у ўта қайтгувчидир.**

Эй Муҳаммад, сен мушрикларнинг беадаб гапларига сабр қил. Бу борада сенга ўрнатилган бўладиган бандаларимиз ўтган, ўшаларни, жумладан:



**«Қувват соҳиби бўлган бандамиз Довудни эсла».**

Довуд алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ҳар жиҳатдан қувват берган эди. У киши динда бақувват эдилар. Кунора рўза тутар, кечанинг ярмида ухлаб, ярмида ибодат қилар эдилар. Подшоҳликлари ҳам кучли эди.

**«Албатта, у ўта қайтгувчидир.»**

Яъни, ҳар бир нарсада Аллоҳга қайтгувчидир — тавба қилувчидир. Тавбанинг луғавий маъноси ҳам қайтишдир.

إِنَّا سَخَّرْنَا الْجِبَالَ مَعَهُ يُسَبِّحْنَ بِالْعِشِيِّ وَالْإِشْرَاقِ وَالطَّيْرُ مَحْشُورَةٌ كُلٌّ لَهُ أَوَّابٌ ﴿١٩﴾

**18. Албатта, Биз унга тоғларни бўйсундирдик. Улар у билан кечки пайту эрталаб тасбиҳ айтардилар.**

**19. Тўпланган ҳолдаги қушларни ҳам. Барчалари У зотга ўта қайтгувчидир.**

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга тоғларни бўйсундириб қўйган эди. Тоғлар у зот билан бирга Аллоҳ таолога эртаю кеч тасбиҳ айтар эди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга қушларни ҳам тўп-тўп қилиб, бўйсундириб қўйган эди. Улар ҳам у кишига қўшилиб, Аллоҳ таолога эртаю кеч тасбиҳ айтар эдилар.

Бунинг устига:

وَشَدَدْنَا مُلْكَهُ وَأَيَّنَّا لَهُ الْحِكْمَةَ وَفَصَّلَ الْخُطَابِ ﴿٢٠﴾

**20. Ва Биз унга мулкни қувватли қилиб бердик ҳамда ҳикматни ва ҳал қилгувчи китобни бердик.**

Биз Довудга унинг давлатини қувватли қилиб бердик. Довуд алайҳиссалом Пайғамбар бўлишлари билан бирга, давлат бошлиғи — подшоҳ ҳам эдилар. У кишининг салтанатини Аллоҳ таоло кучли қилиб қўйган эди. Аскарлари кўп эди.

**«Ҳамда ҳикматни ва ҳал қилгувчи китобни бердик.»**

Биз Довудга Пайғамбарликни ҳам бердик. Яна унга талашиб-тортишганлар орасидаги жанжални ҳал қилиш ҳукмини бердик. У ҳеч иккиланмай ҳукм чиқарар эди.

﴿٢١﴾ وَهَلْ أَتَاكَ نَبُوءُ الْخَصْمِ إِذْ تَسَوَّرُوا الْمِحْرَابَ ﴿٢١﴾ إِذْ دَخَلُوا عَلَى دَاوُدَ فَفَزِعَ مِنْهُمْ قَالُوا لَا تَخَفْ خَصْمَانِ بَغَى بَعْضُنَا عَلَى بَعْضٍ فَأَحْكُم بَيْنَنَا بِالْحَقِّ وَلَا تُشْطِطْ وَاهْدِنَا إِلَى سَوَاءِ الصِّرَاطِ ﴿٢٢﴾

**21. Сенга даъволашганларнинг хабари келдими? Ўшанда улар меҳробга чиқишган эди.**

**22. Ўшанда улар Довуднинг олдига киришган эди. Бас, у улардан қўрқиб кетди. Улар: «Қўрқма, булар—икки даъволашгувчи томон. Биз бир-биримизга зулм қилдик. Бас, орамизда ҳақ ила ҳукм чиқар. Жабр қилма. Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил», дедилар.**

Ушбу оятлар билан бошланувчи қиссада Довуд алайҳиссаломнинг синовга, фитнага дуч бўлганлари ҳикоя қилинади. Юқоридаги оятларда васф қилинганидек, улуғ мартабали, ҳар томонлама етук ва қувватли бўлишига қарамай, у кишининг ҳам синовга йўлиқишларида ибрат ва ваъз-насиҳат бор.

Бу синов қиссаси қисқача қуйидагичадир. Довуд алайҳиссалом ўз вақтларини аниқ қилиб тақсимлаб қўйган эдилар. Маълум бир вақтларини подшоҳлик ишларига, одамлар ўртасида қозилик қилиб, ҳукм чиқаришга ажратган эдилар. Қолган вақтларда маълум муддат тоат-ибодат билан машғул бўлар эдилар. Унда Забур тиловат қилар, Аллоҳга тасбиҳ айтар ва бошқа илтижоларни қилар эдилар. У киши меҳробга кириб, ибодатни бошлаганларида, то ўзлари қайтиб чиқмагунларича, ҳеч ким ҳузурларига киришга рухсат ололмасди.

Кунлардан бир куни Довуд алайҳиссалом ибодат қилиб турганларида тўсатдан икки кишининг меҳробга чиққанларини кўриб қолдилар. Ҳеч ким киролмайдиган ерга бу икки одам нима учун девордан ошиб киришди, деб ўйлаб Довуд алайҳиссалом қўрқиб кетдилар. Яхши нияти бўлса, бу тарзда келмас эди, деган фикр хаёлларидан ўтди.

Ушбу оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўша ҳодисани эслатмоқда.

**«Сенга даъволашганларнинг хабари келдими?»**

Демак, даъволашганлар бор экан. Бир масалани таллашиб қолиб, уни ҳал қилиш учун Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурига боришса, у киши ибодатда экан. Таллашиб-тортишиб қизишганларидан, у кишининг ибодатни тугатишини ҳам кутиб турмасдан, яширинча меҳроб устига чиқиб боришибди.

**«Ўшанда улар меҳробга чиқишган эди.»**

Довуд алайҳиссалом ибодат қиладиган меҳробга чиқиб олишган эди.

**«Ўшанда улар Довуднинг олдига киришган эди.»**

Даъволашган ўша икки киши ибодат қилиб турган Довуд алайҳиссаломнинг олдига изнсиз кириб боришган эди.

**«Бас, у улардан қўрқиб кетди.»**

Кутилмаганда, изнсиз, манъ қилинган жойга девор ошиб кириб келишлари яхшилик аломати эмас эди. Мўмин одам Пайғам-

барнинг ҳузурига бундай тарзда кириб бормади. Ишончли одам ҳам ҳеч қачон ўзига бу ишни эп кўрмади. Шунинг учун ҳам, Довуд алайҳиссалом кўрқиб кетдилар. Кириб келганлар буни пай-қаб, у кишини тинчлантиришга ҳаракат қилишди.

**«Улар: «Кўрқма, булар–икки даъволашгучи томон.»**

Эй Довуд, сен биздан ёмонлик кутма. Биз икки даъволашувчи томонмиз.

**«Биз бир-биримизга зулм қилдик.»**

Шунинг учун, даъво таллашиб, сенинг олдинга келдик.

**«Бас, орамизда ҳақ ила ҳукм чиқар.»**

Сен бизнинг орамизда даъвомиз бўйича адолатли ҳукм чиқар.

**«Жабр қилма.»**

Ҳукмингда ҳеч кимга зулм қилма.

**«Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил», дедилар.»**

Эҳтимол, таллашиб-тортишиш оқибатида биз адашгандирмиз. Сен бизни тўғри йўлга солиб қўй, дейишди.

Сўнг биттаси асосий мақсадга кўчиб, деди:

إِنَّ هَذَا أَخِي لَهُ تِسْعٌ وَتِسْعُونَ نَجْمَةً وَلِي نَجْمَةٌ وَاحِدَةٌ فَقَالَ أَكْفَلْنِيهَا وَعَزَّنِي فِي الْخِطَابِ

**23. «Мана бу – менинг биродарим. Унинг тўқсон тўққизта совлиғи бор. Менинг эса, биргина совлиғим бор. Бас, у: «Уни ҳам менинг кафолатимга бер», деди ва сўзлашувда мендан устун чиқди».**

Гап очиқ-ойдин эди. Икки даъвогарнинг бири иккинчисига очиқ зулм қилибди. Ўзининг тўқсон тўққиз совлиқ қўйига бировнинг биттагина совлиғини ҳам қўшиб олибди. Энди ўша мазлум одам Довуд алайҳиссаломга унинг устидан шикоят қилиб турибди. Довуд алайҳиссалом арзни эшитиб бўлиб, унга жавоб бердилар:

قَالَ لَقَدْ ظَلَمَكَ بِسُؤَالِ نَجْمِكَ إِلَى نَجْمِجِهِ وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْخُلَطَاءِ لَيَبْغِي بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ إِلَّا الَّذِينَ

ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَقَلِيلٌ مَا هُمْ وَظَنَّ دَاوُدُ أَنَّمَا فَتْنَتْهُ فَاسْتَعْفَرَ رَبَّهُ وَحَرَّ رَاكِعًا وَأَنَابَ

**24. У : «Дарҳақиқат, сенинг совлиғингни сўраб, ўз совлиқларига (қўшиш) билан сенга зулм қилибди. Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар. Магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина (қилмаслар). Улар жуда ҳам оз», деди. Ва Довуд Биз уни синаганимизни билди-да, тезда Роббига истиффор айтиб, саждага йиқилди ва тавба қилди.**

*(Ушбу оят сажда оятидир.)*

Довуд алайҳиссалом биринчи даъвогарнинг сўзини эшитишлари билан дарҳол ҳукм чиқаришга киришдилар ва унга:

«**Дарҳақиқат, сенинг совлиғингни сўраб, ўз совлиқларига (қўшиш) билан сенга зулм қилибди**», деб унинг фойдасига ҳукм чиқардилар.

Ҳолбуки, адолат юзасидан аввал иккинчи даъволашган одамнинг ҳам гапини эшитиб туриб, кейин ҳукм чиқаришлари керак эди.

«**Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар**», деб муносабатларини яна таъкидладилар.

Молни аралаштириб шерик бўлганлар доимо бир-бирларига зулм қилиб келган. Сенинг соҳибинг ҳам сенга зулм қилибди, демоқчи бўлдилар.

«**Магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина (қилмаслар).**»

Яъни, улардан зулм содир бўлмас, дедилар. Бу билан иккинчи одамга яна ҳам қаттиқроқ гап тегди. Сўнгра Довуд алайҳиссалом:

«**Улар жуда ҳам оз**», деди.

Яъни, иймон келтириб, солиҳ амал қиладиганлар жуда оз. Лекин шу пайт хато қилганларини англаб қолдилар. Бу оддий ҳолат эмас, ўзлари учун синов эканини тушуниб етдилар. Аввал бошда, меҳробга кирган икки киши ҳақида ёмон гумон қилган, кейин бир томонни эшитиб турибоқ ҳукм чиқариб юборган эдилар. Бундай йўл тутиш олиймақом, муқарраб бандаларга хос иш эмаслигини ёдга олдилар.

«**Ва Довуд Биз уни синаганимизни билди-да, тезда Роббига истиғфор айтиб, саждага йиқилди ва тавба қилди.**»

Бошқалар ҳақида ёмон гумон қилганларига, ҳукм чиқаришда бир оз шошилганларига қаттиқ афсусландилар. Аллоҳ таолога истиғфор айтдилар, саждага бош қўйдилар, ибодат этиб, тавба қилдилар.

Муҳаққиқ тафсирчи олимларимиз, жумладан, Фахриддин Розий, Абу Ҳаййон ва бошқалар оятдаги шу маънони таъкидлаш билан бирга, Бани Исроил Аллоҳ таолога ва Пайғамбарларга бўлган бе-одобликларидан яна бирини Довуд алайҳиссаломга ҳам кўрсатганлари, у киши ҳақида нафақат Пайғамбарларга, балки ўзини билган оддий инсонларга ҳам тўғри келмайдиган бўҳтонлар тўқиганини айтиб ўтадилар. Шунингдек, ўша машъум Бани Исроилнинг баъзи уйдирмалари айрим тафсир китобларимизга ҳам кириб қолганига қаттиқ афсус қиладилар. Пайғамбар алайҳимуссаломларнинг маъсумлигини, гуноҳ қилишдан сақланганларини доимо эсда тутишимиз лозимлигини қаттиқ таъкидлайдилар. Довуд алайҳиссалом ҳеч қандай гуноҳ қилганлари йўқ, балки бир эътиборсизлик туфайли хато содир бўлди, холос, дейдилар

**25. Бас, Биз унинг ўша(хатоси)ни мағфират қилдик. Албатта, унинг учун ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир.**

Яъни, Довуд алайҳиссалом учун Аллоҳ таолонинг ҳузурини муқарраблик ва гўзал оқибат бордир. Бу гап ҳам Довуд алайҳиссалом ҳақларида Бани Исроил тўқиган уйдирмалар асло содир бўлмаслигига далолатдир. Аллоҳга яқин бўлган бандалар ҳеч қачон гуноҳ ишларни қилмайдилар. Аллоҳ таолонинг ҳузурини гўзал оқибати бор бандалар ҳам ундай ишларни қилмайдилар.

Аллоҳнинг Довуд алайҳиссаломга айтган қуйидаги сўзлари ҳам одамлар орасида ҳукм чиқаришда ўта эҳтиёт бўлишни яна бир бор таъкидлайди:

يٰۤاٰدٰوۤدُ اِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيْفَةً فِى الْاَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوٰى فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيْلِ اللّٰهِ اِنَّ الَّذِيْنَ يَضِلُّوْنَ عَنْ سَبِيْلِ اللّٰهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيْدٌ بِمَا نَسُوْا يَوْمَ الْحِسَابِ ﴿١٦﴾

**26. Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавойи нафсга эргашма! Яна, у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга, унутганлари учун, ҳисоб кунини шиддатли азоб бордир.**

Инсон зоти, аслида, Аллоҳ таолонинг ер юзидаги халифаси (ўринбосари) ҳисобланади. Бу ҳақиқат бошқа оятларда алоҳида таъкидланган. Ушбу оятда эса, зиммасига одамлар орасида ҳукм қилиш масъулияти юкланган Довуд алайҳиссаломга ўхшаш инсонларга халифалик яна ҳам оғир вазифа экани таъкидланмоқда.

**«Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик.»**

Яъни, Биз сени ер юзида ўзимизга ўринбосар қилиб қўйдик. Сен у ерда одамларнинг баъзи ишларини бошқарасан. Бу сенга жуда катта масъулиятдир. Уни адо этишда эҳтиёт бўл.

**«Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит.»**

Шундай экан, Аллоҳнинг бандалари орасида адолат билан ҳукм юрит.

**«Ҳавойи нафсга эргашма!»**

Ўзингнинг нафсингдан чиқадиган ўй-фикрларга эргашма.

**«Яна, у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин.»**

Чунки, ҳавойи нафсига эргашиб доимо Аллоҳнинг йўлидан адаштириб келган. Одамлар орасида адолат билан ҳукм юритаман, деб ўзига ишонган ва ҳавойи нафсига берилган одам, албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашишга дучор бўлиши турган гап. Бунинг эса, оқибати ёмон.

**«Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун, ҳисоб кунда шиддатли азоб бордир.»**

Ҳавойи нафсга эргашиш Аллоҳнинг йўлидан адашишга, бу эса, ўз навбатида, Аллоҳни унутишга олиб келади. Аллоҳнинг йўлидан адашиш дегани, Аллоҳни унутиш деганидир. Бўлмаса, Аллоҳнинг ҳукмлари турганда, бошқа ҳукм юритилар эдими?! Аллоҳнинг ҳукмидан юз ўтирганларга шиддатли азоб бордир.

Аллоҳ таоло Ўз иноятига олган бандаларини эса, худди Довуд алайҳиссалом сингари, аввал бошдаёқ огоҳлантириб қўяди.

Машҳур тафсирчиларимиздан Ҳофиз Исмоил ибн Касир ушбу ояти каримага тегишли хабарлар ичида қуйидаги ривоятни ҳам келтиради: «Абу Заръа розияллоҳу анҳу халифа Валид ибн Абдул-малик олдига кирди. Ал-Валид унга:

«Менга айт-чи, халифа ҳам ҳисоб-китоб қилинадими? Сен Қуръонни яхши ўргангансан, чуқур биласан», деди. У:

«Эй, мўминларнинг амири, айтаверайми?!» — деб сўради. Ал-Валид:

«Аллоҳнинг омонидасан, айтавер», деди. Абу Заръа:

«Эй, мўминларнинг амири! Аллоҳ учун сен ҳурматлимисан ёки Довуд алайҳиссаломга вассаломми?! Аллоҳ таоло унга халифалик ва Пайғамбарликни жамлаб берганидан сўнг унга Ўз китобида таҳдид қилиб: «Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавойи нафсга эргашма! Яна, у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун ҳисоб кунда шиддатли азоб бордир», деган», деди».

Довуд алайҳиссалом ҳаётларида рўй берган бир синов ва у кишига қилинган насиҳат айтиб ўтилганидан кейин, энди келадиган икки оятда бу дунёнинг ишлари ҳам осмондаги ишлар каби беҳуда эмаслигига, ўз ҳолича ёки ҳар кимнинг хоҳишига биноан бўлавермаслигига, балки ҳар бир нарсадан кўзланган аниқ мақсад борлигига ишорат қилинади:

وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا بَطْلًا ذَلِكَ ظَنُّ الَّذِينَ كَفَرُوا فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنَ النَّارِ

**27. Биз осмону ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни беҳуда яратганимиз йўқ. Бу, куфр келтирганларнинг гумонидир. Бас, куфр келтирганлар учун дўзах(азоби)дан вой бўлсин!**

Гап фақат одамлар орасида адолат билан ҳукм юритишдагина эмас. Гап ундан кўра катта, ундан кўра умумийроқ бўлган нарса ҳақида — бутун борлиқнинг бу дунёсию охирати ҳақида кетмоқда.

**«Биз осмону ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни беҳуда яратганимиз йўқ.»**

Биз осмонни бекорга яратганимиз йўқ. Биз ерни бекорга яратганимиз йўқ. Биз осмон билан ер орасидаги ҳамма-ҳамма нарсаларни бекорга яратганимиз йўқ. Биз осмонни ҳақ билан яратганмиз. Биз ерни ҳақ билан яратганмиз. Биз ер билан осмон орасидаги ҳамма-ҳамма мавжудотни ҳақ билан яратганмиз. Шунинг учун ҳам, осмонлару ерда ва уларнинг орасидаги барча нарсаларда ҳақ қонун ҳукм суриши керак. Одамлар орасида ҳукм юришида ҳам илоҳий ҳақиқат ҳукм суриши керак.

Бу ҳақиқатни тан олмаганлар, осмону ер ва уларнинг орасидаги нарсалар ботил учун, беҳудага яратилган, деган бўладилар.

**«Бу, куфр келтирганларнинг гумонидир.»**

Куфр келтирганларнинг бутун борлиққа муносабати шу гумондан иборатдир. Уларга қолса, осмон ҳам беҳуда яратилган, ер ҳам беҳуда яратилган, осмону ер орасидаги бутун борлиқ ҳам беҳуда яратилган. Шунинг учун, улар бу дунёда Аллоҳнинг айтгани бўйича эмас, ўзларининг ҳавойи нафслари хоҳлаганича яшаб ўтадилар.

Демак, борлиққа нисбатан одамлар икки хил муносабатда бўладилар. Иймонли, солиҳ амалли ва тақводор кишилар жаноби Ҳақ борлиқни ҳақ билан яратган деб қарайдилар ва бу дунёда Аллоҳнинг ҳақ кўрсатмаси билан яшайдилар. Куфр келтирган бузғунчи фожирлар эса, уларнинг барчасини ботил деб биладилар. Шунинг учун ҳам, бу дунёда Аллоҳнинг ҳақ ҳукми асосида эмас, ўзларининг ботил ҳукмлари асосида яшаб ўтадилар.

Қиёматда ҳамма Аллоҳнинг ҳузурига қайтган чоғда ҳар кимга бу дунёда қандай яшаб ўтганига қараб муомала қилинади. Ҳамма баробар бўлавермайди. Мазкур ҳақиқатни Аллоҳ таоло қуйидаги оятда баён қилади:

أَمْ نَجْعَلُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَالْمُفْسِدِينَ فِي الْأَرْضِ أَمْ نَجْعَلُ الْمُتَّقِينَ كَالْفُجَّارِ

**28. Йўқ! Биз иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни ер юзиде бузғунчилик қилувчилар каби қилармидик?! Йўқ! Биз тақводорларни фожирлар каби қилармидик?!**

Куфр келтирган кимсалар борлиқ ҳақида, ундаги ишлар ҳақида нотўғри гумонга борадилар.

**«Йўқ!»**

Кофирлар гумон қилганидек, ҳар ким ўз билганини бажариб, сўнгра қутулиб кетавермайди. Ҳаммасининг ҳисоб-китоби бўлади.

**«Биз иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларни ер юзида бузғунчилик қилувчилар каби қилармидик!»**

Ҳаммага бир хил муомала бўлмайди. Иймон келтириб, солиҳ амал қилганларни охиратда олий мукофотлар-ла мукофотлаймиз. Ер юзида бузғунчилик қилувчиларни эса, дўзахга солиб, шиддат-ли азоблар-ла азоблаймиз.

**«Йўқ!»**

Куфр келтирганларнинг борлиқ ва ундаги ишлар ҳақидаги гу-монлари нотўғри.

**«Биз тақводорларни фожирлар каби қилармидик?!»**

Улар билан булар айри-айри муомала кўрадилар. Тақводорлар тақволарига яраша охиратда жаннатнинг олий даражаларига эри-шадилар. Фожирлар дўзахнинг энг қаърига тушиб, анвойи азоб-лар билан азобланадилар.

Мўминлар ва кофирларга бир хилда муносабатда бўлиш Аллоҳ таолонинг ҳикматига ҳам, адолатига ҳам тўғри келмайди. Итоат-кор, тақводор банда мукофотланиши, осий, фожир банда жазола-ниши керак. Бунинг учун эса, охират, қиёмат, ҳисоб-китоб бўли-ши зарур. Чунки, ҳамма тақводор ҳам ўзига яраша мукофотни бу дунёда тўлиқ олмайди. Адолат тўла юзага чиқиши учун охират керак. Охиратда эса, юқорида зикр этилганидек, ҳар кимга ўзига яраша муомала қилинади.

Ана шуларни кишиларга баён қилиш учун Қуръони Карим нозил қилингандир.

كُنْتُمْ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبْرَكٌ لِيَدَّبَّرُوا آيَاتِهِ ۖ وَلِيَتَذَكَّرَ أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٦٦﴾

**29. Биз сенга нозил қилган Китоб муборақдир. Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур қилишлари ва эслашлари учундир.**

Эй Муҳаммад, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юритишинг учун Биз сенга Қуръонни туширганмиз.

**«Биз сенга нозил қилган Китоб муборақдир.»**

Дунё ва охиратнинг барча баракаси ушбу Китобдир. Ким икки дунёнинг баракасини олишни хоҳласа, ушбу муборақ китобга — Қуръонга амал қилсин. Ким икки дунёнинг бахт-саодатига эри-шишни истаса, ушбу Қуръонни ўзига дастур қилиб олсин. Биз Қуръонни кишиларни икки дунё саодатига бошлаш учун нозил қилдик.

**«Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур қилишлари ва эс-лашлари учундир.»**



Қуръон оятларини ақлли кишилар тадаббур қиладилар — чуқур тафаккур қиладилар. Қуръон оятларидан ақлли кишилар эслатма оладилар.

Энди Довуд алайҳиссаломнинг ўғиллари Сулаймон алайҳиссаломнинг қиссаси келади:

وَوَهَبْنَا لِذَاوُدَ سُلَيْمَانَ نَعَمَ الْعَبْدُ إِنَّهُ أَوَّابٌ ﴿٣٠﴾

**30. Ва Биз Довудга Сулаймонни ҳадя қилдик. У қандай ҳам яхши бандадир. Албатта, у ўта қайтгувчидир.**

Аллоҳ таоло бу оятда бандаси ва Пайғамбари Довуд алайҳиссаломга бошқа бир Пайғамбари Сулаймон алайҳиссаломни ўғил қилиб берганининг хабарини бермоқда ва Сулаймон алайҳиссалом ҳақида мақтов сўзларини айтмоқда.

**«Ва Биз Довудга Сулаймонни ҳадя қилдик. У қандай ҳам яхши бандадир.»**

Яъни, Сулаймон қандай ҳам яхши бандадир. Ўша яхши бандалигининг энг кўзга кўринган хислатларидан бири шуки:

**«Албатта, у ўта қайтгувчидир».**

Ҳар бир нарсада Аллоҳга қайтгувчидир. Доимо Аллоҳга тавба қилиб турувчидир.

إِذْ عَرَضَ عَلَيْهِ بِالْعِشِيِّ الصَّافِنَاتُ الْجِيَادُ ﴿٣١﴾

**31. Эсла, бир оқшом унга гижинглаб турган учқур отлар кўрсатилди.**

Сулаймон алайҳиссаломга кунлардан бир куни оқшомда — асрдан кейинги пайтда, ғоятда гўзал ва учқур отлар кўрсатилди. Ул зот отларни завқ билан томоша қилдилар. Бу ҳолат бир муддат давом этди. Сўнг Сулаймон алайҳиссалом сергак тортдилар.

فَقَالَ إِنِّي أَحْبَبْتُ حُبَّ الْخَيْرِ عَنْ ذِكْرِ رَبِّي حَتَّى تَوَارَّتْ بِالْحَبَابِ ﴿٣٢﴾ رُدُّوَهَا عَلَيَّ فَنَطِقَ مَسْحًا بِالسُّوقِ وَالْأَعْنَاقِ ﴿٣٣﴾

**32. У: «Албатта, мен Роббимнинг зикридан кўра дунё ишқига берилиб кетиб, ҳатто (қуёш) парда ила беркинибди-ку!**

**33. Уларни менга қайтаринг!» — деди. Сўнгра уларнинг оёқ ва бўйинларини «силай» бошлади!**

Яъни, дунё матоҳлари бўлмиш отларга қизиқиб кетиб, вақтни ўтказибман, улар зеҳнимни Роббимнинг зикридан чалғитибди. Уларга берилиб кетганимдан қуёш парда ортига ўтганини – ботганини ҳам сезмай қолибман, дедилар.

Қуёш ботганидан кейин ўзларига келиб, бир онлик бу сустликни тузатишга киришдилар.

**«Уларни менга қайтаринг!» – деди.»**

Яъни, менинг эътиборимни тортган ўша отларни менга қайтариб олиб келинг, дедилар.

**«Сўнгра уларнинг оёқ ва бўйинларини «силай» бошлади!»**

Яъни, қурбонлик қилиб, сўйиб юбордилар. Бир муддат зеҳнимни Аллоҳнинг зикридан чалғитгани учун бу отларни Аллоҳ йўлида қурбонлик қилай, деб бўйинлари ва оёқларини кеса бошладилар.

Бани исроилликлар худди Довуд алайҳиссалом ҳақида ёлғон уйдирганидек, Сулаймон алайҳиссаломнинг бошидан кечган бу воқеани ҳам шарҳлаб, у зот алайҳиссаломнинг шаънларига турли-туман ифво ва бўҳтонларни ёғдиришган. Ана шу уйдирмалардан баъзилари, минг афсуски, тафсир китобларимизга ҳам кириб қолган. Аммо муҳаққиқ тафсирчиларимиз, жумладан, улўф имомлар – имом Розий, имом Байзовий ва имом Насафий бу ботил ривоятларга етарлича жавоб берганлар. Бу ҳақда, Сулаймон алайҳиссалом от ўйнатишга берилиб кетиб, аср намозини қазо қилган, дейишгача бориб етилган. Аммо бу қусур Пайғамбарларнинг исматига – гуноҳ қилмаслик табиатига мос эмас. Кейин келадиган оятларни шарҳлаб, Сулаймон алайҳиссаломнинг узугини шайтон тақиб олиб, ўрнига ҳукм юритган, деган бўҳтонлар ҳам тўқилган. Аммо буларнинг ҳаммаси Бани Исроилнинг уйдирмаларидан бошқа нарса эмас.

Эътибор билан ўрганилса, бу синов нима учун юз бергани ойдинлашади:

وَلَقَدْ فَتَنَّا سُلَيْمَانَ وَأَلْقَيْنَا عَلَى كُرْسِيِّهِ جَسَدًا ثُمَّ أَنَابَ ﴿٣٤﴾

**34. Батаҳқиқ, Биз Сулаймонни синадик. Унинг курсисига жасадни ташладик. Сўнгра, у тавба қилди.**

Ушбу ояти каримадаги зикр қилинган синов нимадан иборат? Курсига ташланган жасад нима эди? Бу саволга бошқа оятларда ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ҳам очиқ-ойдин жавоб йўқ. Шунинг учун ҳам, турли асоссиз қисса ва ҳикоялар кўпайиб кетган.

Эътиборли тафсирчиларимиз бу оятга бевосита боғлиқ ҳадислар бўлмаса ҳам, бир саҳиҳ ривоят борлигини айтиб, ўша ривоят эҳтимол бу оятни тўғри тушунишга ёрдам берар, дейдилар

Имом Бухорий ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилган:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: «Сулаймон, бу кеча етмиш аёлни айланиб чиқаман, уларнинг ҳар бири Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган чавандоз туғади», деди. «Иншоаллоҳ» демади. Бас, у аёлларни айланиб чиқди. Улардан биргина аёл ҳомиладор бўлиб, яримта (чала) бола ташлади. Менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар «иншоаллоҳ» деганида, уларнинг ҳаммаси чавандоз бўлиб, Аллоҳ йўлида жиҳод қилар эдилар».

Бу ҳадиси шарифни оятга боғлиқ биладиган бўлсак, қуйидаги маънолар келиб чиқади.

#### **«Батаҳқиқ, Биз Сулаймонни синадик.»**

Демак, Сулаймон алайҳиссалом ҳам бошқа Пайғамбарлар сингари, хусусан ўз оталари Довуд алайҳиссалом каби, Аллоҳ таолонинг синовига учраганлар. Синовнинг бир қисми у кишига отларнинг кўрсатилиши эди. Сўнгра, отларни кўриб, Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган чавандоз ўғиллари бўлишини орзу этдилар. Шунда, ҳадиси шарифда келганидек, хотинларидан етмиштасига бир кечада айланиб чиқишни ва улардан Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган етмишта чавандоз ўғил кўришни ният қилдилар-у, лекин «иншоаллоҳ» демадилар. Ўзларидан ўтган бу кичиккина сустликни қалблари дарҳол сизди. Бунинг устига, ашъвий далил ҳам келди.

#### **«Унинг курсисига жасадни ташладик.»**

Ўша кеча ҳомиладор бўлган биргина хотини ҳам чала бола туғиб қўйди. Ўша яримта жасад Сулаймон алайҳиссаломнинг курсисига келтирилди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом гап нимада эканини тўла англаб етдилар.

#### **«Сўнгра, у тавба қилди.»**

Аллоҳ таолога қайтди — юзланди. Ҳеч қачон Аллоҳнинг зикридан бошқа нарсага кўнгил бурмасликка ва «иншоаллоҳ» демасдан бирор иш қилмасликка азму қарор бердилар.

قَالَ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَهَبْ لِي مُلْكًا لَا يَنْبَغِي لِأَحَدٍ مِّنْ بَعْدِي إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ ﴿٢٥﴾

**35. У:** «Эй Роббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган мулкни ҳадя этгин. Албатта, сен кўплаб атоларни бергувчисан», деди.

Арабларда: «Ҳасанатул аброр саййиатул муқаррабийн», деган гап бор. Яъни, яхши бандаларнинг гўзал амаллари муқарраб (Аллоҳга яқин бандалар) учун ёмонлик ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, Сулаймон алайҳиссаломдек зотнинг отларга завқланиб кетиши, бир марта «иншоаллоҳ» демай гапириб қўйишлари ўзлари учун офир мусийбат бўлиб кўринган. Шунинг учун:

«У: **«Эй Роббим, мени мағфират қилгин...»** деб Аллоҳ таолодан мағфират сўраганлар.

Аллоҳ таолодан мағфират сўраш учун, албатта, катта бир гуноҳни қилиш шарт эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, аввалгию охириги гуноҳларини Аллоҳ таоло кечирган бўлишига қарамай, доимо истиғфор айтиб юрар эдилар. Шунингдек, Сулаймон алайҳиссаломнинг:

**«ва менга ўзимдан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган мулк-ни ҳадя этгин»** дейишлари асло қизғанчиқлик ё «ўзим бўлай» қабилидаги тилак эмас. Балки Сулаймон алайҳиссалом бу тилак билан ўзларига хос бир мўъжиза бўлишини, мулклари ўзларидан кейин келадиган ҳар қандай мулкдан ажралиб туришини орзу қилдилар. Аллоҳ таоло у зотнинг дуоларини қабул этди ва сўраганларидек мулкни берди.

فَسَحَرْنَا لَهُ الرِّيحَ تَجْرِي بِأَمْرِهِ رُحَاءَ حَيْثُ أَصَابَ وَالشَّيَاطِينَ كُلَّ بِنَاءٍ وَعَوَاصٍ وَءَاخِرِينَ  
مُفْرِنِينَ فِي الْأَصْفَادِ

**36. Бас, Биз унга шамолни бўйсундирдик, у ирода қилган томонга майин эсаверади.**

**37. Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам.**

**38. Ва бошқаларини ҳам кишанланган ҳолда тўплаб (бўйсундирдик).**

Ушбу уч оятда Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломнинг дуоларини қабул қилиб, у кишига хос қилиб берган нарсалари зикр этилмоқда. Бу неъматлар олдин ўтган сураларда ҳам зикр қилинган. Аммо бу сурадаги зикр ўзига хос услуб билан келмоқда. Ўзига хос тароват бахш этмоқда.

**«Биз унга шамолни бўйсундирдик...»**

Сулаймон алайҳиссалом нимани истасалар, шамол шу истакка сўзсиз бўйсунадиган бўлди.

**«...у ирода қилган томонга майин эсаверади.»**

Бу иш Аллоҳ таолога жуда осондир. Чунки, Сулаймон алайҳиссалом ҳам, шамол ҳам Аллоҳ яратган махлуқдир, Аллоҳнинг иро-

даси остидаги халқдир. Шулардан бирини иккинчисига бўйсундириб қўйиш Аллоҳ учун иш эмас.

«**Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам**» бўйсундириб қўйдик. Бинокор шайтон-жинлар у кишининг амрига бўйсуниб, оддий одамларнинг қудрати етмайдиган улкан қасрлар қуриб беришар эди. Ғаввос шайтонлар эса, денгиздан дуру маржонлар териб беришарди.

«**Ва бошқаларини ҳам кишанланган ҳолда тўплаб** (бўйсундирдик).»

Яъни, бошқа ўзбошимча шайтон-жинлар кишанланиб, иккита-иккита ёки кўпроқ ҳолда бир-бирларига жамланиб, Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундирилган эди. Улар Сулаймон алайҳиссалом хоҳлаган ишларни бажо келтиришарди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига бир куни: «Бугун кечаси жинларни ушлаб боғлаб қўйган эдим. Биродарим Сулаймоннинг: «Эй Роббим, менга ўзимдан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган мулкни ҳадя этгин», деган гапини эслаб, қўйиб юбордим, йўқса, сизлар ҳам уларни кўрар эдиларингиз», деганлар.

Ундан кейин Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга деди:

هَذَا عَطَاؤُنَا فَامْنُنْ أَوْ أَمْسِكْ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٣٩﴾

**39. Бу Бизнинг ато этган нарсамиздир. Инъом эт ёки тутиб қол, ҳисоб йўқ.**

Мана шу зикр қилинган нарсалар бизнинг сенга ато этган кенг ва ўлчовсиз неъматларимиздир. Ихтиёр ўзингда, хоҳлаганингча тасарруф қил. Хоҳласанг, бошқаларга ҳам улардан инъом эт. Хоҳласанг, бермай тутиб қол. Нима қилсанг ҳам, сенга бу борада ҳисоб-китоб йўқдир, деди.

Аммо, Аллоҳ таолонинг Сулаймон алайҳиссаломга берган неъматлари бениҳоядир:

وَإِنَّ لَهُمْ عِنْدَنَا لَ رِزْقًا وَحَسْبَ مَعَابٍ ﴿٤٠﴾

**40. Ва, албатта, унинг учун ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир.**

Сулаймон алайҳиссалом учун, албатта, у дунёда гўзал оқибат бордир. Бу эса, Аллоҳ таолонинг Сулаймон алайҳиссаломга берган улуғ даражаси, иззат-икромии ва тақдирловидир.

Энди яна бир синов ҳақида, сабр этиш ва сабрлиларга Аллоҳ таолодан фазлу карам бўлиши тўғрисида қисса келади:

وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا أَيُّوبَ إِذْ نَادَى رَبَّهُ أَنِّي مَسَّنِيَ الشَّيْطَانُ بِنُصْبٍ وَعَذَابٍ

**41. Бизнинг бандамиз Аййубни эсла. Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди.**

Эй Муҳаммад, сен Бизнинг бандамиз Аййубни эсла. У ҳам кўп қийинчиликларга учраган. Бу нарса сенга ва умматларингга ўрнак бўлсин.

**«Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди.»**

Бутун дунёда Аййуб алайҳиссаломнинг сабрлари зарбулмасал бўлиб кетган. Биров ўзига сабр сўрайдиган бўлса, менга Аййуб алайҳиссаломнинг сабридек сабр бер, деб сўрайди. Биров бошқа бир шахснинг сабрини мадҳ қилмоқчи бўлса ҳам, фалончига Аллоҳ таоло худди Аййуб алайҳиссаломнинг сабридек сабр берган, деб васф этади. Ай-йуб алайҳиссалом ҳам ҳаётларида худди Довуд алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссалом каби синовга дучор қилинганлари маълум ва машҳур. У кишининг сабрлари айнан ўша машаққатли синовда намоён бўлган. Лекин айнан қандай синов келгани ҳақида маълумот йўқ. Чунки, муҳими синовнинг келгани, унинг тури эмас. Моҳияти ибрат учун керак. Шу боисдан ҳам, Қуръони Каримда Аййуб алайҳиссалом қандай синовга учраганлари зикр қилинмаган. Ҳадиси шарифларда бу хусусда ривоят йўқ. Бани Исроил эса, одатдагидек, бошқа анбиёларга нисбатан тўқигандек, Аййуб алайҳиссаломга ҳам бўхтонлар тўқиб ташлашган. Уларнинг асосий жинойтларидан бири ҳам шудир. Маълум сабабларга кўра, жумладан, Исломни қабул этган Бани исроилликлар орқали ёки улардан айримларининг душманликлари оқибатида улар тўқиган уйдирмалар баъзи тафсир китобларимизга ҳам кириб қолган. Лекин, алҳамдулиллаҳ, муҳаққиқ тафсирчи уламоларимиз бу офатга қарши курашиб, у қиссаларнинг ботил эканини исбот қилганлар. Кўплари мусулмонларнинг зеҳини заҳарламаслик учун ўша уйдирма қиссаларни зикр ҳам қилмайдилар.

Аййуб алайҳиссалом ҳақида, у кишининг сабрлари ҳақида тўқилган ёлғонларнинг энг одоблисида айтилишича, у киши алайҳиссалом жуда хунук дардга мубтало бўлган эмиш. Яқинида туриб бўлмайдиган даражада ёмон аҳволга тушган эмиш. Баданлари парча-парча бўлиб, узилиб тушаверармиш. Фақат хотинларигина қолиб, бошқалар у зот-

дан нафрат қиладиган ҳолга келишганмиш ва ҳоказо. Бундай афсоналар Пайғамбарлик мақомига мутлақо зиддир. Аллоҳ таоло бошқаларга ўрнак бўладиган хос бандасига – Пайғамбарга одамлар нафрат қиладиган даражада жирканч касаллик бермайди. Қолаверса, Аллоҳ таоло бандаларга Пайғамбарларнинг қиссаларидан ибрат олишни амр қилган. Улар ҳақида турли қиссалар тўқишга ёки касалининг турини ахтаришга буюрган эмас. Шунинг учун, энг тўғри йўл Қуръони Каримда ва ҳадиси шарифда келган хабарлар билан кифояланишдир.

Аййуб алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаси, танлаб олган Пайғамбаридир. Бошқа Пайғамбарлар қатори, Аллоҳ таоло у кишини ҳам синовга солган. Ўзининг охириги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у кишининг умматларига ибрат, тасалли бўлиши учун ўша синов ҳақида хабар бермоқда. Аллоҳ таолонинг синовини Аййуб алайҳиссалом жуда ҳам гўзал сабр билан қарши олган. Афтидан, синов молу дунё, аҳли аёл ва саломатлик борасида бўлганга ўхшайди. Аййуб алайҳиссалом бу синовларнинг ҳаммасига сабр қилиб, бирор лаҳза ҳам Аллоҳдан узилмай, Унга бўлган ишончлари сусаймай, розилигини тилаб турганлар.

Шайтон эса, машаққатли синов лаҳзаларида Аййуб алайҳиссалом билан бирга қолган барча мухлис кишиларни васваса қилар эди. Ўша мухлислар ичида у зот алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам бор эди. У аёлга ҳам турли томондан васваса қилинарди. Унга, агар Аййубни Аллоҳ яхши кўрганида уни балога гирифтор этмас эди, дейиларди. Бу гаплар Аййуб алайҳиссаломга ҳам етиб келди. Хотини мазкур гаплардан баъзиларини айтганида, у киши имкон топганида аёлни уришга қасам ичдилар.

**«Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди.»**

Аййуб алайҳиссалом ҳамма нарса Аллоҳ таолодан бўлишини яхши билсалар ҳам, кўнгилсиз нарсани одоб юзасидан шайтонга нисбат бердилар. Шунингдек, бу шикоят билан мухлис кишиларини шайтон васвасага солаётганига, бундан ўзлари ҳам озорланаётганларига ишора қилдилар.

Аллоҳ таоло у кишининг бу нидосига, илтижосига, ёлборишига муносиб жавоб берди:

أَرْكُضْ بِرَجْلِكَ هَذَا مَغْتَسِلٌ بَارِدٌ وَشَرَابٌ

**42. «Оёғинг ила тепгин! Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)».**

Яъни, оёғинг билан ерни тепгин, деди. Аййуб алайҳиссалом

Аллоҳнинг амрига итоат этиб, оёғлари билан ерни тепган эдилар, у ердан сув чиқди. Шунда Аллоҳ таоло:

**«Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)»,** деди.


Демак, шу сувга чўмилган одам шифо топади. Ундан ичилса, ички дардларга даво бўлади. Шундай бўлди ҳам.

Уламоларимиз шу жойда ўта нозик бир жиҳатга эътибор бердилар. Аллоҳ таоло Аййуб алайҳиссаломга тайёр сувни кўрсатмасдан:

**«Оёғинг ила ерни тепгин»,** деди. У киши ерни тепганида, сув чиқди. Сўнгра Аллоҳ:

**«Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)»,** деди.

Бундан Аллоҳ таоло ҳамма нарсани тайёрлаб бермайди, балки банданинг ўзида ҳаракат бўлса, ёрдам беради, деган маъно англашилади. Шунинг учун, ҳар бир нарсада, жумладан, дардга даъво излашда ҳам банд Аллоҳдан ёрдам тилаган ҳолида ўзи ҳаракат қилиши керак.


 وَوَهْبْنَا لَهُ أَهْلَهُ وَمِثْلَهُمْ مَعَهُمْ رَحْمَةً مِنَّا وَذِكْرَىٰ لِأُولِي الْأَلْبَابِ

**43. Ва Биз унга аҳлини ва яна улар билан бирга мисллари-чани ҳам ҳада этдик. Бу Биздан раҳмат ўлароқ ва ақл эгаларига эслатма учун бўлди.**

Аййуб алайҳиссалом мазкур сувда чўмилиб, ундан ичиб, шифо топганларидан кейин Аллоҳ таоло у кишига аҳлини қайтарди. Улар билан бирга зиёда қилиб, яна ўшанча аҳл ҳам берди. Қандай қилганини Ўзи билади. Ўлиб кетганларини тирилтирганми, қочиб кетганларини қайтарганми ёки бутунлай янгитдан берганми бу томони Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум.

**«Бу Биздан раҳмат ўлароқ ва ақл эгаларига эслатма учун бўлди.»**

Аййуб алайҳиссаломга аҳли қайта берилиши ва яна уларнинг мислича аҳл ҳам зиёда қилиниши Аллоҳ таолонинг раҳматидир. Шунингдек, ақл эгалари учун эслатма ҳамдир. Бу ҳодисадан хабардор бўлган ҳар бир ақли одам бошига бало-офат ва мусийбат тушганида Аййуб алайҳиссалом каби гўзал сабр қилса, охир-оқибат Аллоҳнинг раҳмати келишини эслайди, ибрат олади.

Шундай қилиб, Аййуб алайҳиссалом соғайиб кетдилар, аҳли ҳам икки баробар бўлиб қайтди. Энди учинчи нарса қолди. Энг оғир пайтларда ихлос билан ёнларида турган вафодор хотинларини имкон топганида уришга қасам ичиб қўйган эдилар, ўша қасамга амал қилиш қолди. Бу мушкул иш эди. Шундай вафодор ва мухлиса аёлни, оғир ва машаққатли лаҳзаларда елкадош бўлган, бало-офат-



ларни бирга тотган инсонни мушкул ариганидан кейин юз таёқ уриш керак. Дарҳақиқат, бу оғир муаммо эди. Лекин Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила бу муаммони ҳам ҳал этди. Аллоҳ таоло Аййуб алайҳиссаломга деди:

وَحُدِّ بِيدِكَ ضِعْفًا فَاصْرَبْ بِهِ وَلَا تَحْنُثْ ۖ إِنَّا وَجَدْنَاهُ صَابِرًا نِعْمَ الْعَبْدُ ۖ إِنَّهُ أَوَّابٌ ﴿٤٤﴾

**44. «Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма», (деди). Биз уни сабрли топдик. У қандай ҳам яхши банда. Албатта, у ўта қайтгувчидир.**

Аллоҳ таоло Аййуб алайҳиссаломга қасамини қандай адо этишни ўргатмоқда ҳамда у кишига ўзи томонидан бунчалик фазлу карам кўрсатилишининг сабабини баён қилмоқда:

**«Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма».**

Эй Аййуб, неча марта уришни айтган бўлсанг, ўшанча новдани бир даста қилиб ол-да, у билан хотинингни ур. Шунда қасамингни адо этган бўласан. Қасаминг бузилмайди.

Бунчалик фазлу карам кўрсатилишининг сабаби:

**«Биз уни сабрли топдик».**

Синов келганида, Аййуб ўта гўзал сабр ила сабр қилди. Бизга бўлган ишончи сусаймади. Бир лаҳза ҳам Бизнинг розилигимизни топишдан умидини узмади.

**«У қандай ҳам яхши банда.»**

Аййуб ниҳоятда яхши бандадир.

**«Албатта, у ўта қайтгувчидир.»**

Довуд, Сулаймон ва Аййуб алайҳимуссаломларнинг қиссалари батафсил зикр қилинганидан кейин, эндиги оятларда бир қанча Пайғамбарлар ҳақида қисқа-қисқа хабарлар келади. Барчасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли берилади:

وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ أُولَى الْأَيْدِي وَالْأَبْصَارِ ﴿٤٥﴾

**45. Қўллар ва кўзлар соҳиблари бўлган бандаларимиз Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубни эсла.**

Эй Муҳаммад, бандаларимиз Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубни эсла. Улар қўллар (қувват) ва кўзлар (ақл-заковат) соҳиблари эдилар. Уларнинг ҳаётларида ҳам қийинчиликлар, машаққатлар ва синовлар бўлиб ўтган.

إِنَّا أَخْلَصْنَاهُمْ بِخَالِصَةٍ ذِكْرَى الدَّارِ ﴿٤٦﴾

**46. Албатта, Биз уларни холис бир хислат-ла ажратдик. У (охират) диёрини эслаш эди.**

Яъни, Биз юқорида номлари зикр этилган Пайғамбарларга – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубга хос бир хислатни ато этдик. Доимо охират диёрини эслаш хислатини бердик. Улар бир лаҳза ҳам охиратни унутмас эдилар. Уларни бошқалардан ажратиб турадиган хислат шу эди.

وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنَ الْأَخْيَارِ

**47. Албатта, улар Бизнинг ҳузуримизда танланган ахёрлар-дандирлар.**

Бу бандаларимиз одамлардан Пайғамбарликка танлаб олинган, мустафо ва хайрли бандалардандир.

وَأَذْكُرُ اسْمَعِيلَ وَيَسَعَ وَذَا الْكِفْلِ وَكُلٌّ مِنَ الْأَخْيَارِ

**48. Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-Кифлни ҳам эсла. Барчалари ахёрлардандир.**

Бу уч Пайғамбар ҳаётида ҳам эслашга лойиқ ибратли ҳодисалар бўлиб ўтган. Улар ҳам Аллоҳнинг ҳузурини ахёр – энг яхши бандалардан бўлганлар.

Ана ўша Пайғамбарларнинг ҳаётини, Аллоҳ йўлидаги курашишларидан, дин йўлидаги фидокорликларидан, бало-офатларга, машақ-қатларга сабрларидан, турли синовларга бардош беришларидан, кофирлар, мушриклар ва мунофиқлардан келган озорларни кўтара билишларидан ибрат, ўрнат олиш керак.

هَذَا ذِكْرٌ وَإِنَّ لِلْمُتَّقِينَ لَحُسْنَ مَثَابٍ ﴿٤٩﴾ جَنَّاتٍ عِدْنٍ مِّنْفُتْحَةٍ لَّهُمُ الْأَبْوَابُ ﴿٥٠﴾

**49. Бу эслатмадир. Албатта, тақводорлар учун гўзал оқибат. 50. Улар учун эшиклари очиқ адн жаннатлари бордир.**

Бу қиссалар эслатмадир. Уларни эслаб, ибрат ва ўрнат олиб туриш керак. Яна шуни ҳам унутмаслик керак:

**«Албатта, тақводорлар учун гўзал оқибат» бордир.**

Нима бўлса бўлсин, бу дунёда тақво билан яшаган кишилар учун энг гўзал оқибат бордир. Ўша гўзал оқибат фақат тақводорлар учун эканини унутмаслик керак. Ҳа:

**«Улар учун эшиклари очиқ адн жаннатлари бордир».**

Адн жаннати истиқомат жаннатидир. Охиратда тақводорларни эшикларини очиб кутиб олади.

Тақводорлар адн жаннатларига кириб:

مُتَّكِنِينَ فِيهَا يَدْعُونَ فِيهَا بِفَكَهَةٍ كَثِيرَةٍ وَشَرَابٍ ﴿٥١﴾

**51. У ерда ёнбошлаган ҳолларида ундаги кўплаб мевалар ва шароблардан чақирадилар.**

Ўша адн жаннатидаги сўриларда ястаниб, ёнбошлаган ҳолларида ундаги турли-туман мева-чевалар ва шароблардан чақирадилар. Нимани чақирсалар, ўша заҳоти ҳозир қилинади. Улар бу мевалар ва шаробларни эҳтиёжлари тушганидан эмас, лаззат учун, яна ҳам кўпроқ ҳузурланиш учун чақирадилар. Ҳолбуки, жаннатда оч қолиш ҳам, чанқаш ҳам йўқ.

وَعِنْدَهُمْ قَصْرَاتٌ مِّنَ الطَّرْفِ أُنْزَابٍ ﴿٥٢﴾

**52. Уларнинг ҳузурида кўзларини (номаҳрамдан) тийган тенгдош(хур)лар бордир.**

Ёшда ҳам, ҳусн-жамолда ҳам тенгдош бўлган ҳурлар ўз жуфтларидан бошқа кишиларга назар солмаган бўладилар. Яъни, улар тақводор жаннатийларгагина хос қилингандирлар.

هَذَا مَا تُوْعَدُونَ لِيَوْمِ الْحِسَابِ ﴿٥٣﴾

**53. Бу сизга ҳисоб куни учун ваъда этилган нарсалардир.**

Яъни, юқоридаги оятда зикр қилинган адн жаннати, мева-чевалар, шароблар, ҳурлар – ҳаммаси сизга ҳисоб куни, қиёмат куни учун ваъда этилган нарсалардир.

إِنَّ هَذَا الرِّزْقُ مِمَّا لَمْ يَنْفَادِ ﴿٥٤﴾

**54. Албатта, бу Бизнинг (берадиган) ризқимиздир. Унинг ҳеч тугаши йўқдир.**

Зикр қилинган ана ўша нарсалар Аллоҳ таолонинг тақводор бандаларига берадиган жаннати, ризқи. У ризқ доимий ва абадийдир. У ҳеч қачон тугаб қолмайди.

Аллоҳ таоло тақводор бандаларига берадиган олий мартабалар, нозу неъматлар ва роҳат-фароватлар васф қилиниб бўлгач, энди келадиган оятларда фосиқ ва фожирларга охиратда бўладиган муносабат ҳақида сўз юритилади:

هَذَاوَأَرْبَاطٍ لِلطَّغْيِينِ شَرَّ مَثَابٍ ﴿٥٦﴾ جَهَنَّمَ يَصَلُّونَهَا فَيَسُّ الْمِهَادِ ﴿٥٧﴾

**55. Иш бундайдир. Албатта, тугёнга кетгувчилар учун ёмон оқибат.**

**56. Жаҳаннам бордир. Унга кирурлар. Бас, у қандай ҳам ёмон ётоқ!**

Аллоҳ таоло бу икки оятда тугёнга кетиб, ҳаддан ошган, дунёдан кофир, мушрик, мунофиқ ва осий бўлиб ўтганларнинг оқибати нима бўлишининг васфини бошламоқда.

**«Албатта, тугёнга кетгувчилар учун ёмон оқибат—Жаҳаннам бордир.»**

Бу дунёда нималар бўлса ҳам, тугёнга кетганлар нималар қилсалар ҳам, жазоларини тўла олмай ўтиб кетсалар ҳам, барибир, охиратда улар учун ёмон оқибат бор. Бу ёмон оқибат жаҳаннамдир. Тугёнга кетувчилар қиёмат куни, албатта:

**«Унга кирурлар».**

Кирмасдан қолмаслар.

**«Бас, у қандай ҳам ёмон ётоқ!»**

Жаҳаннам нақадар ёмон ётоқ, нақадар ёмон турар жой!

هَذَافَلْيَدُوفُوهُمِيمٍ وَعَسَاقُ ﴿٥٧﴾

**57. Мана буни татиб турсинлар: қайноқ сув ва йирингни!**

Тақводорлар адн жаннатига кирган бўлсалар, тугёнга кетганлар жаҳаннамга дохил бўладилар. Жаннат қандай ҳам яхши жой! Жаҳаннам қандай ҳам ёмон ётоқ! Тақводорлар жаннат роҳати устига турли-туман мевалар ва шароблардан тотиб, ҳузурларига ҳузур қўшсалар, тугёнга кетувчилар жаҳаннам азоби устига қайноқ сув ва йирингни тотиб, азоб чекадилар.

وَأَخْرَجْنَا مِنْ شَجَلَةٍ أَرْوَاحَ ﴿٥٨﴾

**58. Ва бошқа унинг шаклидаги қўша-қўша (азоблар) ҳам.**

Яъни, зикр қилинган азобга ўхшаган бошқа қўша-қўша азоблар ҳам бордир. Улар жаҳаннамга шиддат билан кетма-кет кириб қолаверадилар. Шунда дунёда пешволик қилиб, жаҳаннамга олдин кирганлар:

هَذَا فَوْجٌ مَّقْتَحِمٌ مَّعَكُمْ لَا مَرْجَاءَ لَهُمْ وَإِنَّهُمْ صَلَوَاتُ النَّارِ ﴿٥٩﴾

**59. «Мана бу гуруҳ ҳам сиз билан бирга бостириб киргувчидир. Уларга марҳабо йўқ. Улар, албатта, жаҳаннамга киргувчилардир», дерлар.**

Яъни, бу дунёда куфр ва исён йўлида пешволик қилганлар жаҳаннамга энг олдин кирадилар ва ортларидан кирганларни кўриб, бир-бирларига:

**«Мана бу гуруҳ ҳам сиз билан бирга бостириб киргувчидир».**

Яъни, мана бу гуруҳ ортингиздан жаҳаннамга шиддат билан бостириб кирган гуруҳдир, дейдилар.

**«Уларга марҳабо йўқ.»**

Улар хуш келмабдилар. Бу жойга келиб нима қилар эдилар?!

**«Улар, албатта, жаҳаннамга киргувчилардир.»**

Жаҳаннамдан бошқа қаерга ҳам кирар эдилар, дейдилар

Ёруғ дунёда кофир пешволарга эргашиб юрганлар уларнинг ортидан кираётиб, қуйидаги жавобни айтадилар:

قَالُوا بَلْ أَنْتُمْ لَا مَرْجَاءَ لَكُمْ أَنْتُمْ قَدْ مَتَمُّوهُ لَنَا فَيَسَّ الْقَرَارُ ﴿٦٠﴾

**60. Улар: «Йўқ! Ўзингизга марҳабо йўқ! Сизлар ўша(жаҳаннам)ни бизга тақдим қилдингиз! Бас, у нақадар ёмон қароргоҳ!» – дерлар.**

Бу дунёда эргашувчи бўлган, у дунёда пешволари ортидан жаҳаннамга кириб қолган шахслар уларни жаҳаннамда туриб маълумат қиладилар:

**«Йўқ!»**

Йўқ, эй пешволар, биз ҳақимизда айтган гапингиз нотўғри.

**«Ўзингизга марҳабо йўқ!»**

Сизнинг ўзингиз хуш келмабсиз. Жаҳаннамга киришимизни юзимизга солмоқдасиз. Буни бизга ким тақдим этди?!

**«Сизлар ўша(жаҳаннам)ни бизга тақдим қилдингиз!»**

Сизнинг гапингизга ишониб, ортингиздан эргашган эдик, оқибатда, жаҳаннамга кирадиган бўлдик.

«Бас, у нақадар ёмон қароргоҳ!»—дейдилар.

Яъни, пешволарнинг гапларини ўзларига қайтариб отадилар. Яна уларга азобни зиёда қилишни ҳам сўрайдилар.

قَالُوا رَبَّنَا مَنْ قَدَّمَ لَنَا هَذَا فَزِدْهُ عَذَابًا ضِعْفًا فِي النَّارِ ﴿٦١﴾

**61. Улар: «Эй Роббимиз, бизга бу(жаҳаннам)ни ким тақдим этган бўлса, унга дўзахда икки баробар азобни зиёда қил!» – дерлар.**

Яъни, эргашганлар пешволарига дўзах азоби икки баробар бўлишини сўраб, Аллоҳга дуо қиладилар. Ўша пешволарнинг ўзлари кофир ва осий бўлганлари учун бир баробар, бошқаларни ҳам адаштириб, уларга дўзахни тақдим қилганлари учун икки баробар азоб сўрайдилар.

Жаҳаннамга ўтин бўлган кимсалар атрофларига қараб, яна бир-бирларига сўз қотадилар:

وَقَالُوا مَا لَنَا لَنْزِيلِ رَبِّكَ لَا كُنَّا نَعْبُدُهُمْ مِنَ الْأَشْرَارِ ﴿٦٢﴾ أَخَذْتَهُمْ سَخِرِيًّا أَمْ زَاغَتْ عَنْهُمْ الْأَبْصَارُ ﴿٦٣﴾

**62. Улар: «Бизга нима бўлди? Ёмонлардан ҳисоблаб юрган кишиларимизни кўрмаймиз?»**

**63. Биз уларни масхара қилиб олган эдикми ё?! Ёки кўзлар улардан тойдимиз?!» – дерлар.**

Тувёнга кетганлар жаҳаннамда туриб, унга тушган одамларга қараб, ўз ҳисоблари бўйича тафаккур қилиб, кўзларига ҳам, ўзларига ҳам ишонмай, бир-бирларидан сўрай бошлайдилар:

**«Бизга нима бўлди?»**

Соғмизми ўзи? Ақли-ҳушимиз жойидами? Агар соғ бўлсак, ақли-ҳушимиз жойида бўлса, нима учун у дунёда

**«Ёмонлардан ҳисоблаб юрган кишиларимизни кўрмаймиз?»**

Агар жаҳаннам чиндан ҳам ёмонларнинг жойи бўлса, нима учун биз ёмон ҳисоблаб юрган ўша одамлар унга кирмадилар?

**«Биз уларни масхара қилиб олган эдикми ё?!»**

Ёки, аслида, улар яхши одамлар бўлсалар ҳам, биз уларни ўзимизча масхара қилиб, ёмон санармидик?!

**«Ёки кўзлар улардан тойдимиз?!» – дерлар».**

Ёки улар жаҳаннамда бўлсалар ҳам, бизнинг кўзимиз тойиб, уларни кўра олмадикми, дейдилар. Ҳолбуки, тувёнга кетиб, жаҳаннамга тушганларнинг эгри ва бузуқ ўлчовлари билан ёмонлардан ҳисобланган мўминлар жаннатда ҳузур-ҳаловатга кўмилиб ётган

бўладилар. Йўқ, жаҳаннам аҳлининг кўзлари ҳам жойида, ўзлари-га ҳам ҳеч нарса бўлгани йўқ. Фақат, ёруғ дунёда туғёнга кетиб, ҳамма нарсани Аллоҳнинг мезони билан эмас, ўзларининг бузуқ ўлчовлари билан ўлчаб юрганлар. Ўзларини яхшилардан, мўминларни ёмонлардан ҳисоблаганлар. Ҳолбуки, ҳақиқий ўлчов Аллоҳнинг ўлчовидир, шариат ўлчовидир, Қуръон ўлчовидир. Ушбу ўлчовда яхши деб ўлчанган инсон яхши бўлади ва жаннатга киради. Ўша ўлчовда ёмон деб ўлчанганлар ёмон бўладилар ва жаҳаннамга кирадилар. Туғёнга кетганларнинг ўлчови эса, тескари ўлчовдир. Уларнинг ўлчовида яхши деб ўлчанганлар улар каби жаҳаннамга кирадилар. Уларнинг ўлчовида ёмон деб ҳисобланганлар жаннатга кириб кетиб, «яхшилар» довдираб қоладилар.

إِنَّ ذَٰلِكَ لِحَقُّ مُخَاصِّمِ أَهْلِ النَّارِ ﴿٦٤﴾

**64. Албатта, мана шу ҳақдир—дўзах аҳлининг ўзаро тортишувидир.**

Яъни, ушбу оятларда зикр қилинганлар ҳақдир. Булар дўзах аҳлининг ўзаро тортишувидир. Бу нарса албатта бўладиган ишдир.

Шундай экан, Аллоҳнинг биру борлигига иймон келтириш керак. Пайғамбарнинг огоҳлантиришларидан огоҳ бўлиш керак. Аллоҳ таоло нозил этган ваҳий—Қуръонга амал қилиб яшаш керак.

Шунинг учун ҳам, келгуси оятларда бевосита ушбу масалаларга қайтилади:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا مُنذِرٌ وَمَا مِنَّ إِلَهٍ إِلَّا اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ ﴿٦٥﴾ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا الْعَزِيزُ الْغَفَّارُ ﴿٦٦﴾

**65. Сен: «Мен фақат огоҳлантиргувчиман, холос. Ҳеч бир ибодатга сазовор зот йўқдир, магар ягона ва ўта қаҳрли Аллоҳгина бор.**

**66. У осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Робби, Азийзу Ғаффордир», деб айт.**

Эй Муҳаммад, сен ана у мушрикларга бор гапни айт. Улар ҳақиқатни очиқ билиб қўйсинлар. Сен уларга:

**«Мен фақат огоҳлантиргувчиман, холос»,** деб айт.

Улар ўзларича: «Муҳаммад худоларни битта қилиб қўйдими?! Бу жуда ажабланарли нарса-ку», деб юрмасинлар. Сен худоларни

бирлаштирувчи ҳам эмассан. Қандайдир ажабланарли ишларни қилувчи ҳам эмассан. Сен фақат огоҳлантирувчисан, холос. Сен ўша огоҳлантиришинг зимнидаги қуйидаги маъноларни ҳам уларга айт:

**«Ҳеч бир ибодатга сазовор зот йўқдир, магар ягона ва ўта қаҳрли Аллоҳгина бор».**

Борлиқда Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор ҳеч қандай зот йўқ. Ўша Аллоҳнинг сифати ягоналикдир. Мушриклар даъво қилаётганидек Унинг шериги йўқдир.

У Қаҳҳор – ўта қаҳрлидир. Ҳар бир нарсани Ўзига бўйинсундиргувчидир.

**«У осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Робби, Азийзу Фаффордир», деб айт.»**

Ўша ягона Аллоҳ – осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Робби – яратувчиси, тасарруф қилувчиси. У Азийздир – ҳаммадан ғолибдир, ҳеч кимдан мағлуб эмас. У Фаффордир – тавба қилганлар учун ўта мағфиратли зотдир.

Эй Пайғамбар!

قُلْ هُوَ نَبُوْا عَظِيْمٌ ﴿٦٧﴾ اَنْتُمْ عَنْهُ مُعْرِضُوْنَ ﴿٦٨﴾ مَا كَانَ لِىْ مِنْ عِلْمٍ بِالْمَلٰٓئِكِ الْاَعْلٰى اِذْ يَخْتَصِمُوْنَ ﴿٦٩﴾ اِنْ يُوحٰى اِلَىَّ اِلَّا اَنْ اَمَّا اَنَا نَذِيْرٌ مُّبِيْنٌ ﴿٧٠﴾

**67. Сен: «Бу улуғ бир хабардир.**

**68. Сиз бўлсангиз, ундан юз ўгирмоқдасиз.**

**69. Олий тўплам ҳақида улар тортишаётганларида менинг ҳеч билимим бўлмаган эди.**

**70. Менга фақат ўзимнинг очиқ-ойдин огоҳлантиргувчи эканлигимгина ваҳий этилур», деб айт.**

Эй Муҳаммад, Қуръон ҳақида шак-шубҳага тушаётган ўша мушрикларга гапнинг очиғини айт. Сен уларга Қуръоннинг нима-лигини баён қилиб бер.

**«Сен: «Бу улуғ бир хабардир», деб айт**

Бу Қуръон улуғ хабардир. Бутун дунёни зулматдан нурга олиб чиқувчи улуғ хабардир. Қиёмат кунигача илоҳий мўъжиза бўлиб қолувчи улуғ хабардир. Қиёматгача инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб турувчи улуғ хабардир. Дунёдаги ҳар бир инсон унга иймон келтириши лозим бўлган улуғ хабардир.

**«Сиз бўлсангиз, ундан юз ўгирмоқдасиз.»**

Сиз бўлсангиз, унга иймон келтирмасдан, юз ўгирмоқдасиз. Унинг нелигини тушунмай, у ҳақда бузуқ фикрларингизни ёймоқ-



дасиз. Хоҳишингизга мос келмагани учун ундан юз ўтirmoқдасиз. Одамларга ҳам ўзингиз тўқиган уйдирмаларни сингдирмоқдасиз.

**«Олий тўплам ҳақида улар тортишаётганларида менинг ҳеч билимим бўлмаган эди.»**

Эй мушриклар, бу Қуръон ва Пайғамбарлик шаъни сиз ўйлаётгандек оддий ва жўн эмас. У менинг шахсимга ҳам боғлиқ эмас. Бу гапларни мен ўйлаб чиқарганим йўқ. Олий тўплaмда (фаришталар оламида) бу ҳақда ўзарo тортишувлар бўлаётганида менинг ҳеч илмим йўқ эди. Мен у ҳақда ҳеч нарса билмас эдим.

**«Менга фақат ўзимнинг очиқ-ойдин огоҳлантиргувчи эканлигимгина ваҳий этилур», деб айт.»**

Бу ишларда менинг даҳлим йўқ. Мен фақат огоҳлантиргувчи элчидан. Ўзимга келган ваҳийни сизларга етказаман, холос.

Шу ўринда ўша олий тўплaмда бўлиб ўтган, Аллоҳ ваҳий қилмагунича ҳеч ким билмаган ишлардан биттаси келтирилади:

إِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي خَلَقْتُ بَشَرًا مِّن طِينٍ ﴿٧٦﴾ فَإِذَا سَوَّيْتُهُ وَنَفَخْتُ فِيهِ مِن رُّوحِي فَقَعُوا لَهُ سَاجِدِينَ ﴿٧٧﴾

**71. Эсла! Ўшанда Роббинг фаришталарга: «Албатта, мен лойдан башар яратгувчидирман.**

**72. Бас, қачонки уни ростлаб, ичига руҳимдан пуфлаганимда, унга сажда қилиб йиқилинглaр!» – деган эди.**

Ушбу икки ояти каримада одамни яратишнинг маълум ва машҳур қиссаси ҳақида сўз бормoқда. Одамларга ўз асллари эслатилоқда. Хусусан, кофир ва мушрикларга ким эканликлари билдирилмоқда ва қилаётган ишларининг оқибати нима бўлиши баён қилинмоқда.

**«Эсла, ўшанда Роббинг фаришталарга: «Албатта, мен лойдан башар яратгувчидирман», деган эди.**

Тупроққа сув қўшиб ишланган лойдан одам яратишга Аллоҳнинг иродаси кетган ва бу ҳақда фаришталарга хабар берган эди. Ҳа, инсон лойдан яралгандир. Бошқа жонзотлар каби, оддий лойдан яратилган. Уни ўша лойдан бошқа барча нарсаларни ҳам яратган зот – Аллоҳ ясагандир. Инсон қанчалик ўзини бaлaнд тутса ҳам, барибир, лойдан яралган, бир кун бoриб, яна лойга айланади.

**«Бас, қачонки уни ростлаб, ичига руҳимдан пуфлаганимда, унга сажда қилиб йиқилинглaр!» – деган эди.»**

Аллоҳ таоло сўзида давом этиб, эй фаришталар, мен лойдан Одамнинг шаклини, қоматини ростлаб, сўнгра унинг танасига руҳимдан пуфлаганимда, сиз унга сажда қилиб, йиқилинглaр, демоқда.

Ҳа, Аллоҳ таоло Ўз руҳидан пуфлагани лойни олий мақомга қўтарди. Айнан ана шу руҳ уни бошқа жонзотлардан ажратди, уларнинг ҳаммасидан устун қилди. Айнан ўша руҳ Одамга фаришталар сажда қилишлари учун сабаб бўлди.

فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ ﴿٧٣﴾

**73. Бас, фаришталар барчалари жамланиб, сажда қилдилар.**  
Бу сажда ибодат саждаси эмас, балки табриқдир.

إِلَّا إِبْلِيسَ اسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٧٤﴾

**74. Магар иблисгина мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди.**

Аллоҳнинг амрига бўйсунишдан бош тортди, Одамга сажда қилмади. У мутакаббирлик қилиб, ўзини юқори тутди. Шунинг учун кофирлардан бўлди. Аллоҳнинг амридан бош тортиб, сажда қилмаганлар кофир бўладилар.

قَالَ يَا إِبْلِيسُ مَا مَنَعَكَ أَنْ تَسْجُدَ لِمَا خَلَقْتُ بِإِيْدِي اسْتَكْبَرْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْعَالِينَ ﴿٧٥﴾

**75. У зот: «Эй, иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима ман қилди?! Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий даражалилардан бўлдингми?!» – деди.**

Аллоҳ таоло бутун борлиқни яратган зот. Лекин Ўзи яратган махлуқотлари ичида Одамга алоҳида эҳтимом берганини доимо эслатиб туради. Аввал руҳидан пуфлаганини айтган эди, энди Ўз қўли билан яратганини эслатмоқда. Демак, Одамга сажда қилишга буюриш уни алоҳида илоҳий эҳтимомга сазовор билиш экан. Шунинг учун, ўша амрга бўйсунмаган иблисга таҳдид қилиб, Аллоҳ таоло:

**«Эй иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима манъ қилди?!» – деб сўрамоқда.**

Қани айт-чи! Нима учун Одамга сажда қилмадинг?! Нима?!

**«Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий даражалилардан бўлдингми?!» – деди.»**

Мен Ўз қўлим билан яратган жонга – Одамга сажда қилмаганинг сабаби нима? Мутакаббирлик қилдингми?! Кибру ҳавога берилдингми? Айт-чи, боиси не?! Ёки олий даражалилардан бўлиб, бўйсунмайдиган бўлиб қолдингми?!

Аллоҳ таоло иблиснинг нима учун Одамга сажда қилмаганини жуда яхши билар эди. Аммо иблисга айбини ўз тили билан эътироф қилдириш учун бу саволни берди. Натижада, иблиснинг дидадаги марази тилига чиқди.

قَالَ أَنَا خَيْرٌ مِنْهُ خَلَقْتَنِي مِن نَّارٍ وَخَلَقْتَهُ مِن طِينٍ ﴿٧٦﴾

**76. У:** «Мен ундан яхшиман. Мени оловдан яратгансан. Уни лойдан яратгансан», деди.

Бу жавобдан Одамга Аллоҳ таоло томонидан берилган мартабага иблис ҳасад қилиб, куфрга кетгани билинади.

**«Мен ундан яхшиман.»**

Ҳамма балонинг боши «мен, мен», дейишликда.

Иблис, мен одамдан яхшиман, нима учун ўзимдан паст махлуққа сажда қилишим керак экан, деб бош тортди.

**«Мени оловдан яратгансан.»**

Уламоларимиз иблиснинг шу жавобига таяниб, унинг жинлар тоифасидан эканини айтадилар. Иблис фаришталардан эди, деган гапларни рад қиладилар. Иблис фаришталардан бўлмаса ҳам, Аллоҳ таоло фаришталарни одамга сажда қилишга амр этганида, у ҳам ўша ерда бор эди. У ҳам амрга дохил бўлган эди. Бадбахт иблис ўзининг оловдан яратилганини афзал билди. Шунинг учун, лойдан яратилган одамга сажда қилмасликни, Аллоҳнинг амрига бўйсунидан бош тортишни раво кўрди.

**«Уни лойдан яратгансан», деди.»**

Лаънати иблис ким нимадан яратилгани эмас, балки Аллоҳнинг руҳи билан руҳлангани муҳим эканини тан олгиси келмади. Шунда:

قَالَ فَأَخْرِجْهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٌ ﴿٧٧﴾ وَإِنَّ عَلَيْكَ لعَنَتِي إِلَى يَوْمِ الدِّينِ ﴿٧٨﴾

**77. У зот:** «Сен ундан чиқ! Бас, албатта, сен қувилгансан.

**78. Ва,** албатта, сенга жазо кунигача менинг лаънатим бўлгай», деди.

Аллоҳ таоло, эй, иблис, сен энди жаннатдан чиқ! Бас, энди сен, албатта, лаънатланган — раҳматимдан қувилгансан! Ва, албатта, сенга қиёмат кунигача менинг лаънатим бардавом бўлгай, деди.

قَالَ رَبِّ فَأَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿٧٦﴾

**79. У :** «Эй Роббим, менга улар қайта тирилтирилажак кунгача муҳлат бергин!» – деди.

Иблис Аллоҳ таолога ёлвориб, одамлар қайта тирилтириладиган қиёмат кунигача бу дунёда туришга муҳлат сўради. Аллоҳ таолонинг Ўзига маълум ҳикмат юзасидан иблисга ўша кунгача муҳлат беришга У зотнинг иродаси кетди.

قَالَ فَإِنَّكَ مِنَ الْمُنْظَرِينَ ﴿٨١﴾ إِلَى يَوْمِ الْوَقْتِ الْمَعْلُومِ ﴿٨٢﴾

**80. У зот:** «Сен муҳлат берилганлардансан,

**81. Маълум вақт кунигача», деди.**

Эй иблис, сен келиш вақти маълум қиёмат кунигача муҳлат берилганлар қаторидасан.

قَالَ فَبِعِزَّتِكَ لأَعْتَبَنَّهُمُ أَجْمَعِينَ ﴿٨٣﴾ إِيَّاكَ مِنْهُمْ الْمُخْلِصِينَ ﴿٨٤﴾

**82. У :** «Сенинг иззатинг ила қасамки, мен уларнинг барчасини ифво қиламан.

**83. Магар, улардан халос қилинган бандаларинггина (ифвога учмас), деди.**

Иблис Аллоҳ таолонинг иззати ила қасам ичиб, Одам болаларини қиёмат кунигача ифво қилишни қасд этди. Шу билан бирга, Аллоҳга ихлос қилган, Аллоҳ таоло танлаб олган бандаларга ифвоси таъсир қилмаслигини ҳам айтиб қўйди. Инсонни шайтоннинг ифвосидан сақловчи қалқон унинг Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишидир. Аллоҳга ихлос билан ибодат қилмаганлар эса, иблиснинг ифвосига учраши турган гап. Иблиснинг ифвосига учганларнинг оқибатини Аллоҳ таоло ўша пайтдаёқ эълон қилиб қўйган.

قَالَ فَالْحَقُّ وَالْحَقُّ أَقُولُ ﴿٨٥﴾ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنْكَ وَمَنْ تَبِعَكَ مِنْهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٨٦﴾

**84. У зот:** «Ҳақ шулки, зотан, Мен фақат ҳақни айтурман.

**85. Албатта, Мен жаҳаннамни сен ва улардан сенга эргашганлар билан жамлаб тўлдирурман», деди.**

Аллоҳ таоло ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб қўйди. Эй иблис, сен одамларни ифво қилавер, улардан хоҳлаганлари сенга эргашверсинлар. Аммо, сен ҳам билиб қўй, улар ҳам билиб қўйсинларки, Мен, албатта, сени ҳам, сенга эргашганларни ҳам жаҳаннамга тиқиб, уни сизлар билан тўлдираман, деди.

Суранинг охирида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мушрикларга ўта муҳим гапларни айтишни амр этади:

Эй Пайғамбар!

قُلْ مَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُتَكَلِّفِينَ ﴿٨٦﴾ إِنَّ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْعَالَمِينَ ﴿٨٧﴾ وَلَنَعْلَمَنَّ نَبَاهُ  
بَعْدَ حِينٍ ﴿٨٨﴾

**86. Сен: «Мен унинг учун сиздан ҳеч ажр, ҳақ сўрамасман. Мен сохтакорлардан ҳам эмасман.**

**87. У(Қуръон) фақат оламлар учун эслатма, холос.**

**88. Албатта, унинг хабарини бир муддатдан сўнг билурсиз», деб айт.**

Эй, кофирлар, эй, мушриклар, мен Қуръонни етказганим учун сиздан ҳақ сўрамайман. Мен Қуръонга даъват қилиш билан ўз манфаатимни кўзлаётганим йўқ.

**«Мен сохтакорлардан ҳам эмасман.»**

Мен ўзида йўқ нарсани бор деб даъво қиладиган, ўзида йўқ хислатни бор қилиб кўрсатишга интиладиган кимсалардан ҳам эмасман. Мен ҳақиқий Пайғамбарман.

**«У(Қуръон) фақат оламлар учун эслатма, холос.»**

У, сиз даъво қилаётганингиздек, сеҳр ҳам, шеър ҳам эмас. У, одамлар учун, оламлар учун эслатмадир. У, фақат одамлар учун эмас, балки биз билган ва билмаган барча оламлар учун (масалан, жинлар олами учун) ҳам эслатмадир. У, оламларга иймонни, ихлосни, ибодатни, жаннатни эслатади. У, оламларга куфрни, исённи, нифоқни, дўзахни эслатади. У, оламларни ваъз-насиҳат йўли билан яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаради. Бас, бу улкан ҳақиқатни барчангиз эсингизда сақланг.

**«Албатта, унинг хабарини бир муддатдан сўнг билурсиз», деб айт.»**

Бир оз муддат ўтсин, Қуръоннинг хабарини билиб оласиз. Унинг хабари бутун оламини олади. Унинг хабари ҳамманинг оғзидан тушмай қолади. Унинг хабари олдида бошқа хабарлар ҳеч нарса бўлмай қолади.

Шунингдек, у келтирган барча хабар тўғри бўлиб чиқади, буни ҳам кўрасиз.



## ЗУМАР СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 75 оятдан иборат.*

«Зумар» сўзи «зумра»нинг кўплиги бўлиб, «гуруҳлар» маъно-сини англатади. Ушбу суранинг охирироғида фаришталарнинг мўминларни жаннатга, кофирларни дўзахга зумралар ҳолида, яъни, жамоат-жамоат қилиб олиб боришлари тавсифланади. Уша васф-да келган «зумар» сўзи сурага ном бўлиб қолган.

Тавҳид – Аллоҳ таолонинг яккаю ёлғизлиги масаласи сураи кариманинг аввалидан охиригача батафсил ва турли услублар ила муолажа қилинади. Сура ўзининг хитоблари, нидолари, мисоллари ва бошқа услублари билан инсон қалбини ларзага солади, унга тавҳидни жо этади. Шунингдек, тавҳид ҳақидаги ҳар бир шубҳани рад қилишга уринади. Чунки, тавҳид иймоннинг ҳам, ҳар бир солиҳ амалнинг ҳам асосидир.

Сураи кариманинг аввалида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улкан мўъжизалари – Қуръони Карим ҳақида сўз кетади. Шунингдек, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳнинг динида ихлос ила бардавом бўлиш буюрилади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони махлуқотларга ўхшатишдан узоқда бўлиш лозимлиги таъкидланади. Мушрикларнинг, Аллоҳ ҳузурида бизга шафоатчи бўлади, деб бутларга сифиниши нотўғри иш экани баён этилади.

Сўнгра Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ваҳдониятига ҳужжат ва далиллар келтирилади. Жумладан, осмонлару ернинг яратилиши, кечаю кундузнинг алмашиниши ва сайёраларнинг сайр этиб юриши ҳақида гап кетади.

Кейин эса, мазкур далил келтириш борасида борлиқдан инсонга ўтилади, унинг онаси раҳмида яратилиш жараёни Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти ва қудратига далил сифатида келтирилади.

Кейин сурада ақийда масаласи муолажа қилиниб, кофирлар охиратнинг турли азобларини тоттишлари таърифланади.

«Зумар» сураси ягона Аллоҳга ибодат лозимлигини очиқ-ойдин кўрсатиб беради ва фурсат борида Аллоҳ таолога тавба қилиб қолишга чақиради.

Суранинг охирида қиёмат кўпиб, сурга бир пуфлаш билан ҳамма ўлиб, яна бир пуфлаш билан яна ҳамма қайта тирилиши,

ундан кейинги бўладиган даҳшатлар, ҳашр майдони воқеалари ҳақида сўз кетади. Мўминларни жамоат-жамоат қилиб жаннатга, кофирларни эса, тўп-тўп қилиб дўзахга олиб бориш васф қилинади. Ниҳоят, Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар, яхши бандалар ва бутун мавжудот Аллоҳга хушӯ ва хузуӯ ила ҳамду сано айтиши келтирилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

تَزِيلُ الْكُتُبِ مِنَ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

**1. Бу китобнинг нозил қилиниши азийзу ҳакийм бўлган Аллоҳ томонидандир.**

Ушбу Қуръон азийз — ҳаммадан ғолиб ва ҳакийм — ҳар бир ишни ўта ҳикмат билан қиладиган зот — Аллоҳ таоло томонидан туширилгандир.

Аллоҳ таоло азийз бўлгани учун Қуръондек абадий мўъжизани, инсониятни қиёматгача икки дунё саодатига бошловчи китобни нозил қилди.

Аллоҳ таоло ҳакийм бўлганидан ҳам бутун инсониятни икки дунё саодатига элтувчи барча ҳикматларни Қуръонга жойлаб туширди.

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ فَاعْبُدِ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ

**2. Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила нозил қилдик. Бас, сен Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат эт.**

Бу оятдаги хитоб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир. Мушриклар Қуръони Карим ҳақида турли шак-шубҳалар тарқатиб турган бир пайтда Аллоҳ таоло Пайғамбарига хитоб қилиб, ҳеч кимга эътибор бермай Қуръонни маҳкам тутиш ва Ўзига холис ибодат этишга чақирмоқда.

**«Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила нозил қилдик.»**

Эй Муҳаммад! Албатта, Биз сенга Қуръонни ҳақ билан туширдик. Эй Муҳаммад! Албатта, Биз сенга Қуръонни ҳақ қилиб туширдик. Эй Муҳаммад! Албатта, Биз сенга Қуръоннинг тушишини ҳақ қилдик.

Ҳа, Қуръоннинг Аллоҳ томонидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тушгани ҳақдир.

Ҳа, Қуръон ҳақдан иборат эканлиги ҳақдир.

Ҳа, бу Қуръоннинг ҳақ билан қувватланиб тушгани ҳақдир.

Қуръоннинг ҳақлигини инкор қилган ноҳақдир.

Қуръоннинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан тушганини инкор этган ноҳақдир.

Қуръоннинг ҳақ билан қувватланиб тушганини инкор қилган ноҳақдир.

Шундай бўлганидан кейин:

**«Бас, сен Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат эт».**

«Дин» сўзи итоат, ибодат, жазо-мукофот ва шариат маъноларини ўз ичига олади.

Демак, Аллоҳгагина холис итоат этган ҳолингда ибодат эт.

Аллоҳгагина ихлос қилган ҳолингда ибодат эт.

Аллоҳдангина шариат қабул этган ҳолингда ибодат эт.

Аллоҳнинг тавҳидига шак келтирма.

Аллоҳнинг динига бошқанинг динини аралаштирма.

Аллоҳнинг ибодатига бошқага итоат қилишингни аралаштирма.

Аллоҳдан жазо ёки мукофот кутишингга бошқадан жазо ёки мукофот кутишни аралаштирма.

Аллоҳнинг шариати — қонунидан бошқани шариат (қонун) деб қабул этма!

أَلَا لِلَّهِ الدِّينُ الخَالِصُ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَذِبٌ كَفَّارٌ

**3. Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир.** Ундан ўзга авлиё (дўстлар) тутганлар: «Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Албатта, У зот улар орасида ихтилоф этаётган нарсалари бўйича ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас.

Эй одамлар, огоҳ бўлинглар! Эсингиздан чиқмасин. Турли нарсаларга чалғиб қолманглар.

**« Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир.»**

Дунёда ихлос қилиш лозим бўлган дин Аллоҳнинг динидир.



Дунёда ихлос қилиш лозим бўлган шариат Аллоҳнинг шариатидир. Холис дин тавҳид динидир. Аллоҳнинг дини Исломдир. Аллоҳнинг ўзига бўйсуниб ибодат қилмаганлар турли йўлларда адашиб юрадилар ва Макка мушрикларига ўхшаб, ўзларининг гуноҳликларига турли баҳоналар тўқиб оладилар.

**«Ундан ўзга авлиё (дўстлар) тугганлар: «Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қиламиз», (дерлар).»**

Мушриклар Аллоҳ таолонинг яратувчи зот эканини, У зот осмонлару ерни яратганини тан олар эдилар. Аммо ўша холиқнинг тавҳидини, якка Ўзигина ибодатга сазовор эканини тан олмасдилар. Ибодатда Унга турли бут ва санамларни шерик қилар эдилар. Улар ўзларича афсона тўқиб, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, деб сафсата сотишарди. Фаришталарга турли ҳайкаллар ясаб, ўшаларга сифинишарди. Кейин эса, ўзларича, биз малоикаларга ибодат қилиш зарурлигидан эмас, улар бизни шафоат этиб, Аллоҳга жуда ҳам яқинлаштиришлари учун сифинамиз, дейишарди. Бу ишлари эса, ботил иш эди. Аллоҳнинг тавҳидига хилоф эди. Куфр ва ширк эди.

**«Албатта, У зот улар орасида ихтилоф этаётган нарсалари бўйича ҳукм қилур.»**

Бу ҳол қиёмат кунида бўлади. Бандалар ўзларича тавҳид ва бошқа ишларда ихтилоф қилиб тортишган масалалари бўйича Аллоҳ таоло қиёмат кунида Ўз ҳукмини чиқаради. Аммо, ҳозирдан адолат ўлчовини эълон этиб қўяди. Мисол учун, тавҳид масаласида қуйидаги қоида бор:

**«Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас».**

Ёлғончи ҳаммага ёлғон гапирди. Аллоҳнинг шериги бор, дейди. Фалончини рози қилсанг, Аллоҳ рози бўлади, у Аллоҳ ҳузурида сенга шафоат беради, дейди. Тавҳидга шак келтириб, Аллоҳга ширк келтиришга чақиради. Кофирлар эса, Аллоҳга куфр келтирадилар.

Албатта, Аллоҳ таоло ёлғончи кимсани ҳидоят қилмайди. Аллоҳнинг ҳидояти улкан неъматдир. Аллоҳ таолонинг бандасига берадиган мукофотидир. Бу мукофотни олиш учун шунга лойиқ бўлиш керак. Уни олишга рағбати борлигини билдириш керак. Яъни, банданинг ўзи ҳидоятга эришиш учун интилиши лозим. Аллоҳ таоло унинг ҳаракатини тақдирлаб Ўз фазли, карами ила ҳидоят ато этади. Аммо, Аллоҳ таоло ҳақида ёлғон гапирган, яратган холиқ шаънига номаъқул сўз айтиб турган ёлғончи қандай қилиб бу улуғ мукофотга сазовор бўлсин? Ўзининг Роббини, Унинг ягоналигини рад этиб, фақат Унга сифиниш лозимлигини инкор

қилиб турган кофир бу олиймақом мукофотга қандай сазовор бўлсин?!

Кейинги оятда мушрикларнинг, бизни бу худоларимиз Аллоҳга яқинлаштиради, шунинг учун уларни Аллоҳга шерик қиламиз, деган гапларининг тутуриқсиз эканлиги фош этилади.

لَوْ أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يَتَّخِذَ وَلَدًا لَأَصْطَفَىٰ مِمَّا يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ ۚ سُبْحٰنَهُ ۚ هُوَ اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ ﴿١٠٠﴾

**4. Агар Аллоҳ бола тутишни истаса, албатта, Ўзи яратган нарсалардан хоҳлаганини танлаб олар эди. У зот покдир. Аллоҳ ягона Қаҳҳордир** (яъни, Қаҳҳорлигидан бутун оламини Ўзига бўйсундириб ва якка Ўзи идора қилиб туради. Бу ишида У ҳеч қандай шерикка, ёрдамчига муҳтож эмас).

Бу оятнинг биринчи жумласида фаразан айтилган маъно бор. Фараз қилиб кўрайлик:

**«Агар Аллоҳ бола тутишни истаса...»**

У зот мушрикларнинг турли ҳайкалларни йўнишларига ёки бошқача уринишларига қараб ўтирмас эди. Балки:

**«...албатта, Ўзи яратган нарсалардан хоҳлаганини танлаб олар эди».**

Мана шуни Ўзимга бола қилиб олдим, дер эди. Шу билан иш битарди. Аммо Аллоҳ таоло буни хоҳламади. У зот Ўзи танҳо бўлишни истади.

У зот бандалари холис Ўзига ибодат этишини хоҳлади.

У зот бандалари холис Ўзига бўйсунишларини истади.

**«У зот покдир.»**

Аллоҳ барча айблардан покдир.

Аллоҳ мушрикларнинг Унга шерикни нисбат беришдек айб тақашларидан ҳам покдир.

**«Аллоҳ ягона Қаҳҳордир.»**

У ҳеч бир шериги йўқ Аллоҳдир.

У бутун оламларни Ўзига бўйсундириб, якка ўзи идора қилиб туради.

У ўта қаҳрли Аллоҳдир.

Унга ширк келтирганлар Унинг қаҳрига дучор бўладилар.

Унинг тавҳидига шак келтирувчилар қаҳрига учрайдилар.

خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ يُكْوِّرُ الْعِلْمَ عَلَى النَّهَارِ وَيُكْوِّرُ النَّهَارَ عَلَى اللَّيْلِ  
وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى ۗ أَلَا هُوَ الْعَزِيزُ الْغَفُورُ ﴿١٠١﴾

**5. У осмонлару ерни ҳақ ила яратган, кечани кундуз устига ўрайдиган, кундузни кеча устига ўрайдиган, қуёш ва ойни бўйсундирадиган зотдир. Ҳар бири белгиланган муддатча юрмоқда. Огоҳ бўлингким, У азийзу ўта мағфиратли зотдир.**

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг ҳеч бир шерикка, фарзандга мутлақо ҳожати йўқлиги баён қилинмоқда. Аллоҳ таолонинг ваҳдониятининг далиллари эслатилмоқда.

**«У осмонлару ерни ҳақ ила яратган...»**

Ботил ила яратгани йўқ. Аввал Қуръонни ҳақ билан туширганини хабар қилган эди. Энди осмонлару ерни ҳақ ила яратганини айтмоқда. Демак, Аллоҳ таоло ҳар бир ишни ҳақ билан қилади. Унинг ишида ботил бўлмайди. Ҳамма иши ҳақ бўлади. Жиддий бўлади. Аниқ мақсадни кўзлаган бўлади. Қуръоннинг ҳақ ила нозил қилиниши Аллоҳнинг тавҳидига далил бўлганидек, осмонлару ернинг ҳақ билан яратилиши ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига очиқ далилдир. Осмонларга назар солган одам улардаги мувофиқлик-мутаносибликларни кўриб, уларнинг яратувчиси яккаю ягона эканини дарҳол фаҳмлайди. Ерга бир назар солган одам ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятини дарҳол англайди. Бу ишда Унинг шериги йўқлигини тушуниб етади.

**«...кечани кундуз устига ўрайдиган, кундузни кеча устига ўрайдиган...»**

Бу жумлада кеча билан кундузнинг алмашилиб туриши худди бир-бирининг устидан ўраб қўйишга ўхшатилади. Кеча келаётганда аста-секин кундузнинг устига ўралиб-ўралиб чиқиб бораётганга ўхшайди. Бу жараён ернинг думалоқлиги ва ўз ўқи атрофида айланиши, қуёшга нисбатан ҳолатининг ўзгариши туфайли кечади. Дунё вужудга келганидан буён мазкур жараён тинмай, ўзгармай такрорланиб туриши Аллоҳнинг ваҳдониятига ёрқин далилдир. Агар Аллоҳнинг шериги бўлса, бундай бўлмас эди.

**«...қуёш ва ойни бўйсундирадиган зотдир.»**

Аллоҳ таоло қуёшни ҳам, ойни ҳам Ўзига бўйсундирган. Бу иш ҳам Унинг ваҳдонияти далилидир. Агар шериклари бўлганида, ҳеч бўлмаса биттаси, бу нарсалар менга бўйсунсин, дейиши мумкин эди.

**«Ҳар бири белгиланган муддатча юрмоқда.»**

Қуёш ҳам, ой ҳам ўзига белгиланган жойда, ўзига белгиланган вақт ила кетмоқда. Ҳар иккиси ҳам белгиланган муддат томон кетмоқда. Албатта, улар ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди. Ҳозиргача бирор шахс, уларни мен бошқармоқдаман, деб даъво ҳам қилмаган. Миллионлаб йиллар давомида уларнинг бир сонияга ҳам, бир милга ҳам хато қилмай бир хил ҳаракатда бўлиб туришлари Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ва ҳар бир нарсага қодирлигига далолатдир.

Эй одамлар, мазкур ишларга разм солинг, Аллоҳ таолонинг

ваҳдониятига қойил қолинг. Фақат У зотнинг Ўзига ибодат қилинг.

**«Огоҳ бўлингким, У азийзу ўта мағфиратли зотдир.»**

Аллоҳ азийздир — ҳаммадан ғолибдир. Жумладан, Ўзининг ваҳдониятига шак келтирувчи мушриклардан ҳам ғолиб. Айни чоқда, Аллоҳ ўта мағфиратлидир. Вақтида тавба қилиб ўзини ўнглаб олганларнинг аввалги гуноҳларини кечади.

خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَأَنْزَلَ لَكُمْ مِنْ الْأَنْعَامِ ثَمَنِيَةَ أَزْوَاجٍ  
يَخْلُقُكُمْ فِي بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ خَلْقًا مِّنْ بَعْدِ خَلْقٍ فِي ظُلُمَاتٍ ثَلَاثٍ ذَٰلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ  
الْمُلْكُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَأَنَّى تُصْرَفُونَ ﴿١٦﴾

**6. У сизларни бир жондан яратди. Сўнгра ундан жуфтни қилди ва сизларга чорва ҳайвонларидан саккиз жуфтни туширди. У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Барча мулк Уникидир. Ундан ўзга ҳеч бир ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасиз?!**

Эй одамлар, ўзингиз ҳақингизда ўйлаб кўринг. Қачон ва қаердан пайдо бўлдингиз? Сизни ким яратди? Қандай қилиб? Ҳозир эркак билан аёлнинг қўшилишидан дунёга келиб, насли давом этиб келаётган одамзотнинг бошланиш нуқтаси қачон ва қаерда, қандай бўлган? Билмасангиз, билиб кўйинг!

**«У сизларни бир жондан яратди.»**

Аввал бир жон яратди. Одам алайҳиссаломнинг жонини яратди.

**«Сўнгра ундан жуфтни қилди...»**

Одамдан унинг жуфти Ҳаввони пайдо қилди. Бу ҳам, албатта, Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир.

**«...ва сизларга чорва ҳайвонларидан саккиз жуфтни туширди.»**

Чорва ҳайвонларидан саккиз жуфти — туя, мол, қўй ва эчкидан бир жуфт-бир жуфт эканлиги бошқа оятларда айтилган. Бу чорва ҳайвонлари ўздан-ўзи пайдо бўлиб қолгани йўқ. Ҳозиргача бошқа ҳеч ким, уларни мен яратдим, деб даъво ҳам қилгани йўқ. Қила олмайди ҳам. Уларни ягона Аллоҳ таолонинг Ўзигина яратган ва бу ҳақда Ўзи хабар қилмоқда. Бу иш ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир.

**«У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадир.»**

Инсон ўзини ўзи ярата олмайди. Яратиш у ёқда турсин, бола-си ҳомила шаклида қачон пайдо бўла бошлаганини ҳам билмайди. Ҳомила аломатлари пайдо бўлганидагина, уни аниқлашга тушади.

Инсонни она қорнида яратадиган зот—Аллоҳ. Ҳозиргача бирор кимса, инсонни она қорнида мен яратаман, деб даъво қилгани йўқ, қила олмайди ҳам. Фақат яккаю ягона Аллоҳ таологина яратади. Бу иш ҳам У зотнинг ваҳдониятига ёрқин далилдир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло инсонни она қорнида уч зулмат ичида яратганининг хабарини бермоқда. Уч зулмат нима? Тафсирчи уламоларимиз бу саволга, уч зулматнинг бири ҳомилани ўраб турувчи парда, иккинчиси бачадон, учинчиси қорин, деб жавоб берганлар. Илмий тараққиёт бу жавобни яна ҳам аниқлаштирди. Мутахассис олимлар ўтказган текширишлардан ҳомилани ўраб турувчи парда уч қават экани маълум бўлди. Аллоҳ таолонинг:

**«оналарингиз қорнида уч зулмат ичида»**, дегани бежиз эмас экан. Қориннинг ичида уч зулмат, уч қават пардани яратган ким? Нима учун бир эмас, икки эмас ёки тўрт эмас, айнан уч қават? Шунинг ўзи Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига далил эмасми?

Инсонни она қорнида бир яратишдан кейин яна бошқасига ўтказиб яратиш деганда эса, босқичма-босқич, аста-секин мукамал инсон ҳолига келтириш тушунилади. Аввал бошда нутфа бўлди. Ўша нутфани ҳам Аллоҳ яратди. Бошқа ҳеч ким эмас. Бошқа яратувчи бўлса, мен яратаман, деб айтсин. Бир томчи сувдан иборат нутфага инсонлик хусусиятларини жойлаган ҳам Аллоҳ таолодир. Бошқа ҳеч ким жойлаган эмас. Кейин ўша сув тухумга таъсир қилиб, урчиб, зулук шаклига кириб, бачадонга ёпишади. Бунга араб тилида «алақа» дейилади. Ўша алақани ҳам Аллоҳ таоло пайдо қилади. Унга ҳам инсонлик хусусиятларини Аллоҳ таоло жойлайди. Унинг бачадонга ёпишиши ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Сўнгра ўша зулуксифат алақа чайналган гўштга ўхшаш нарсага айланади, ундан инсон шакллана бошлайди, суяк пайдо бўлади ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Ҳеч ким ва ҳеч нима бу жараёнга аралаша олмайди. Ҳатто ҳомиладор аёл ҳам қўлидан бирор иш келмай, эсон-омон туғиб олишини тилаб юраверади. Бу ишлар Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир.

**«Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир.»**

Мана шу ишларни қилган холиқ ва моҳиру мудаббир Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Тарбиячингиз, яратувчингиз, ризқ берувчингиздир, бутун тадбирларингизни қилиб турадиган зотдир.

**«Барча мулк Уникидир.»**

Аллоҳ борлиқдаги барча мулкка эгалик қилади. У зот хоҳлаганича тасарруф этади. Хоҳлаганини яратади. У зот хоҳлаганини йўқотади. Бу ишлар эса, ўз навбатида, Аллоҳнинг ваҳдониятига далолат қилади.

**«Ундан ўзга ҳеч бир ибодатга сазовор зот йўқ.»**

Ундан бошқа ҳеч бир яратувчи бўлмагач, Ундан бошқа ибодатга сазовор ҳеч бир зот ҳам йўқ. Шунинг учун, эй одамлар, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишингиз лозим.

**«Бас, қаён бурилиб кетмоқдасиз?!»**

Аллоҳга ибодат қилмай, қаён кетмоқдасиз?! Кўра-била туриб, Аллоҳнинг йўлидан қаён бурилиб кетмоқдасиз?! Бурилиб кетсангиз, кетаверинг. Ўзингизга қийин!

إِنْ تَكْفُرُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنْكُمْ وَلَا يَرْضَىٰ لِعِبَادِهِ الْكُفْرَ وَإِنْ تَشْكُرُوا يَرْضَهُ لَكُمْ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ مَرْجِعُكُمْ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ

**7. Агар куфр келтирсангиз, албатта, Аллоҳ сиздан беҳожатдир. У зот Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар Унга шукр келтирсангиз, сиздан рози бўлур. Ҳеч бир оғирлик кўтаргувчи жон ўзга жоннинг оғирлигини кўтармас. Сўнгра фақатгина Роббингизга қайтишингиз бор. Бас, У нима амал қилиб юрганингни хабарини берур. Албатта, У диллардаги нарсаларни ҳам ўта билгувчи зотдир.**

Ушбу ояти каримада бандаларнинг куфри ҳам, шукри ҳам ўзлари учун эканлиги, Аллоҳга ҳеч бир зарари ёки фойдаси йўқлиги, ҳар бир жон ўзи учун жавоб бериши муқаррарлиги баён этилмоқда.

Эй одамлар!

**«Агар куфр келтирсангиз, албатта, Аллоҳ сиздан беҳожатдир.»**

У сизнинг иймон келтиришингизга муҳтож эмас. Агар ҳаммангиз биргалашиб Аллоҳга куфр келтирсангиз ҳам, Аллоҳ таолонинг хазийнасидан бирор нарса камайиб қолмайди. Балки сизнинг барчангиз Унга иймон келтиришга, ибодат қилишга муҳтожсиз. Сиз бўлса, куфр келтириб юрибсиз.

**«У зот Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас.»**

Гарчи бандаларнинг куфри Аллоҳга зарар қилмаса ҳам, Аллоҳ ҳеч бир банданинг кофир бўлишига рози бўлмайди. Бинобарин, куфр келтирган банда Аллоҳни норози қилган бўлади.

**«Агар Унга шукр келтирсангиз, сиздан рози бўлур.»**

Аллоҳга шукр этиш иймонга келиб, ёлғиз Ўзига ибодат қилиш билан бўлади. Барча бандаларнинг шукр келтиришлари, яъни, Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қилишлари Аллоҳ таолога заррача

фойда бермаса ҳам, У зот шукр келтирувчи, яъни иймон келтириб, холис ибодат қилувчи бандаларидан рози бўлади. Чунки, У зот доимо бандаларига яхшилиқни раво кўради. Бинобарин, Аллоҳга иймон келтириб, У зотга ибодат этган бандалар Аллоҳни рози қилган бўлади.

Мана, ҳамма нарса аён бўлди. Куфр Аллоҳ таолони норози қилади. Шукр Аллоҳни рози қилади. Энди ҳар ким хоҳлаган амални ихтиёр этаверсин. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради.

**«Ҳеч бир оғирлик кўтарувчи жон ўзга жоннинг оғирлигини кўтармас.»**

Ҳаммага ўзининг юки, яъни, гуноҳлари етиб ортади. Бировнинг оғирлигини кўтаришга йўл бўлсин. Бунинг устига, охиратда ҳар жондан фақат ўз амалига жавоб бериш талаб қилинади. Чунки:

**«Сўнгра фақатгина Роббингизга қайтишингиз бор».**

Қиёматда фақат Роббингизга қайтасиз, бошқа ҳеч кимга қайтмайсиз.

**«Бас, У нима амал қилиб юрганингизнинг хабарини берур.»**

Роббингиз ҳузурига барчангиз қайтиб борганингизда, У сизга бу дунёда қилиб ўтган амалингиздан хабар беради. Заррача ишни ҳам ҳисобга олиб қўйган бўлади. Ўзингизнинг эсингиздан чиқиб кетган бўлса ҳам, Аллоҳнинг ҳисобидан чиқмайди. Ҳеч нарса махфий қолмайди. Чунки:

**«Албатта, У диллардаги нарсаларни ҳам ўта билгувчи зотдир».**

Бўлиб ўтган ишлар бир ёқда турсин, дилдаги ниятларни ҳам Аллоҳ таоло жуда яхши билади. Бас, ҳар бир банда шуни эътиборга олиб тасарруф қилсин. Буни зинҳор ёдидан чиқармасин.

Лекин инсон боласи ўта унутувчидир. Бошига мусийбат тушса, дарров Аллоҳ ёдига келиб, ўзини ўнглашга ҳаракат қилиб қолади. Ҳоли бир оз яхшиланиб, тинчлик-омонлик тошиб, роҳат-фароғат оғушига киргач эса, ҳамма нарсани унутади, яна эски ҳолига қайтади.

﴿وَإِذَا مَسَّ الْإِنْسَانَ ضُرٌّ دَعَا رَبَّهُ مُنِيبًا إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَا خَوَّلَهُ نِعْمَةً مِّنْهُ نَسِيَ مَا كَانَ يَدْعُو إِلَيْهِ مِن قَبْلُ وَجَعَلَ لِلَّهِ أَنْدَادًا لِّلَّذِي ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ قُلْ تَمَتَّعْ بِكُفْرِكَ قَلِيلًا إِنَّكَ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ﴾

**8. Қачонки инсонни зарар тутса, Роббига тавба қилган ҳолида дуо қилур. Сўнгра унга У зот Ўз фазлидан неъмат берса, олдин дуо қилиб турган нарсасини унутур ва Аллоҳга Унинг йўлидан адаштирмақ учун тенгдошлар қилур. Сен: «Куфринг билан бир оз ҳузурланиб тур. Албатта, сен жаҳаннам эгаларидансан», деб айт.**

Инсон ҳавойи нафсига берилиб кетса, асл табиати устига гўё қора парда ёпилади, бошига оғир мушкул тушган пайтда эса, ўша парда кўтарилади. Ҳеч қандай моғорсиз асл табиати очилади.

**«Қачонки инсонни зарар тутса, Роббига тавба қилган ҳолида дуо қилур.»**

Хавф-хатар қанчалик кучли бўлса, унинг тавба-тазарруси ҳам шунча кучли бўлади. Аллоҳ таолодан ёрдам сўраб, Унга ёлвориб дуо этади. Бошидаги мусийбатни кўтарса, доимо ибодатда бўлишга аҳду вафолар қилади. Катта бало-офатлар замонида художўйлар кўпайиб кетиши ҳам шундан.

**«Сўнгра унга У зот Ўз фазлидан неъмат берса, олдин дуо қилиб турган нарсасини унутур...»**

Яъни, Аллоҳ бандасининг илтижосини эшитиб, Ўз фазлидан неъмат берса ва унинг бошидан мусийбатни кўтарса, банда олдинги ҳолатини унутади. Яъни, бошидан мусийбат кетиб, яна роҳат-фароғат келса, инсон соф табиати устига яна қора парда ёпа бошлайди, кечаги тавба-тазарруларни унутади. Аллоҳга берган ваъдаларини эсдан чиқаради.

**«...ва Аллоҳга Унинг йўлидан адаштирмақ учун тенгдошлар қилур.»**

Аллоҳнинг ваҳдониятини ёдидан чиқариб, унга тенгдош – шерик келтира бошлайди. Фақат Аллоҳ таолони эмас, бошқаларни ҳам рози қилишга ўтади. Бошига мусийбат тушганида Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина кушойиш берганини унутади. Турли бутларни, табиатдаги баъзи нарсаларни, ўзига ўхшаш одамларни, ҳаёти дунёни рози қилишга ўтиб кетади.

Эй Пайғамбар, ундай одамларга:

**«Сен: «Куфринг билан бир оз ҳузурланиб тур. Албатта, сен жаҳаннам эгаларидансан», деб айтгин».**

Кофир қанчалик кўп ҳузурланмасин, унинг ҳузур қажоққа ҳам борарди?! Бу дунё ҳузур оламни тўлдирса ҳам, унга оз туюлади. Барибир жаҳаннамга тушадиган одам учун ҳар қанча ҳузур ҳам камлик қилади.

أَمَّنْ هُوَ قَلْبُكَ أَمَّا أَنَا أَلَيْلٌ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَحْذَرُ الْآخِرَةَ وَيَرْجُو رَحْمَةَ رَبِّهِ ۗ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي  
الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ۗ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ ۗ

**9. Йўқса, у кечалари ибодат қилиб, сажда этган, бедор ҳолида охиратдан қўрқиб, Робби раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми?! Сен: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» – деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эсларлар.**



Ўтган оятда зикри келган, шубҳасиз жаҳаннам эгалари бўладиган кофирлар охиратда шарманда бўлмайдиларми?

**«Йўқса, у кечалари ибодат қилиб, сажда этган, бедор ҳолида охиратдан қўрқиб, Робби раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми?!»**

Аллоҳга куфр келтирган, Унга ибодат қилмаган, Унга бўйин элмаган, кечалари Унинг розилиги йўлида бедор бўлмаган, охиратдан қўрқмаган, Робби раҳматидан умид этмаган одам, албатта, кечалари Аллоҳга ибодат қилган, Аллоҳнинг Ўзигагина сифинган, Аллоҳ таолонинг розилигини топиш учун бедор бўлган, охиратдан қўрққан ва Робби раҳматидан умидвор кимсага тенг бўла олмайди.

Эй Пайғамбар!

**«Сен: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» деб айтгин.»**

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қиладилар. Билмайдиганлар куфр келтириб, исён этадилар.

**«Албатта, ақл эгаларигина эсларлар.»**

Ҳа, фақат ақли борларгина ҳар доим Аллоҳни эслайди. Унга иймон келтиришни, ибодат қилишни ўйлайди.

Эндиги оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мўминларни тақводор бўлишга чақиришни топширади ва бошқа бир неча ҳақиқатларни Ўз номидан айтишни буюради.

قُلْ يٰعِبَادِ الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا اتَّقُوْا رَبَّكُمْ لِّلَّذِيْنَ اَحْسَنُوْا فِيْ هٰذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةً وَّاَرْضِ اللّٰهِ وَاَسْعَهٗ اِنَّمَا يُوفِي الصّٰلِحِيْنَ اَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ

**10. Сен (Менинг тарафимдан): «Эй, иймон келтирган бандаларим, Роббингизга тақво қилинг. Бу дунёда гўзал амал қилганларга гўзаллик бордир. Аллоҳнинг ери кенгдир. Албатта, сабр қилгувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур», деб айт.**

Мўмин кишининг иймони унинг тақводор бўлишини тақозо этади. Тақвосиз мўмин бўлиши тасаввурга сифмайди. Чунки, иймон билан тақво бир-бирига боғлиқдир. Иймон ҳам, тақво ҳам инсон қалбида бўлади. Иймон Аллоҳга ишониш ва Унинг айтганига юришдир. Тақво эса, доимо Аллоҳни ҳис қилиб туриш ва Унинг амрларини бажаришдир.

**«Эй, иймон келтирган бандаларим, Роббингизга тақво қилинг.»**

Ана шундагина асл мақсадга эришасиз. Чунки:

**«Бу дунёда гўзал амал қилганларга гўзаллик бордир.»**

Бу дунёда гўзал амални иймон ва тақвосиз қилиб бўлмайди. Фақат Роббига тақво қилган мўмин бандагина гўзал амал қилиши мумкин. Бу дунёда гўзал амал этганларга икки дунёда гўзал мукофотлар бордир.

Шунинг учун, доимо иймон келтириб, тақводор бўлиб, гўзал амал қилишга интилинг. Қийинчиликларни енгиб ўтинг. Бир жойда буни қилиш имкони бўлмаса,

**«Аллоҳнинг ери кенгдир».**

Бошқа жойга боринг. Иймон, Ислом ва тақво йўлида ҳижрат қилинг. Гўзал амалларни қила оладиган жойларга кўчиб кетинг.

Уламоларимиз бу ояти карима Жаъфар ибн Абу Толиб ва унинг шериклари Ҳабашистонга ҳижратни қасд қилганларида, уларни қизиқтириб нозил бўлганини айтадилар.

Албатта, ватанни, аҳли аёлни, яқин қариндошларни, ёру биродарларни, манфаатларни ташлаб ҳижратга чиқиш осон эмас. Бундай улкан фидокорлик учун катта сабр-бардош керак.

**«Албатта, сабр қилгувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур.»**

Баъзи уламоларимиз, сабр қилувчиларга ажрлари берилаётганда, ҳисоблаб ўтирмасдан, улгуржи бериб юборилади, деб таъвийл қилганлар.

Эй Пайғамбар!

قُلْ إِنِّي أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ ﴿١٠٩﴾ وَأُمِرْتُ لِأَنْ أَكُونَ أَوَّلَ الْمُسْلِمِينَ ﴿١١٠﴾

**11. Сен: «Албатта, мен динни Ўзи учун холис қилган ҳолимда Аллоҳга ибодат этишимга буюрилганман.**

**12. Ва мен мусулмонларнинг аввалгиси бўлишимга амр этилганман», деб айт.**

Бу икки оятда Аллоҳ Пайғамбаримизга амр қилиб, барчага ўзларини Аллоҳнинг ваҳдониятига буюрилганларини, бутун вужудлари билан ҳамма ишларида Аллоҳга бутунлай таслим бўлишга амр этилганликларини эълон қилишни топширмоқда.

Эй Муҳаммад:

**«Сен: «Албатта, мен динни Ўзи учун холис қилган ҳолимда Аллоҳга ибодат этишимга буюрилганман», деб айт.**

Аввал айтилганидек, «дин» – итоат, ибодат, жазо, мукофот ҳамда шариат маъноларини англатади. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат холис Аллоҳгагина итоат қилишга, фақат холис Аллоҳнинг кўрсатмаларига амал қилишга буюрилганлар, фақат холис Аллоҳдангина жазо ва мукофот кутишга, фақат

Аллоҳнинг шариатига амал этишга буюрилганлар. Мана шу нарса соф тавҳиддир. Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига иқрорлиқдир.

**«Ва мен мусулмонларнинг аввалгиси бўлишимга амр этилганман», деб айт.»**

Мусулмонларнинг биринчиси, уларнинг аввалгиси бўлишга амр этилганман. Бутун нарсаларда бутунлай Аллоҳ таолога таслим бўлувчи, бўйсунувчиларнинг биринчиси бўлишга буюрилганман.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бошқа амрлари қатори бу амрни ҳам ўз ўрнида адо этганлар, доимо биринчи мусулмон бўлиб яшаганлар.

Бу эълонда мушриклар учун алоҳида таъсир бор. Уларга, сиз нима десангиз ҳам, нима қилсангиз ҳам, мен йўлимдан асло қайтмайман, деган улуғ маъно бор.

Эй Пайғамбар!

قُلْ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ

**13. Сен: «Албатта, мен агар Роббимга исён этсам, улуғ куннинг азобидан қўрқаман», деб айт.**

Эй, мушриклар, сизларнинг гапингизга кириб, Роббимга исён қиладиган бўлсам, қиёмат кунидек улуғ кунда менга азоб бўлади. Ана ўша улуғ куннинг азобидан қўрқаман. Шунинг учун, ҳеч қачон сизга қўшилиб Аллоҳнинг тавҳидига шак келтирмайман, унга ширк келтирмайман.

Эй Пайғамбар!

قُلْ اللَّهُ أَعْبُدُ مُخْلِصًا لَهُ دِينِي

**14. Сен: «Динимни Ўзига холис қилган ҳолимда Аллоҳгагина ибодат қилурман.**

Эй Муҳаммад, сен уларга тавҳидни маҳкам тутишингни эълон қил. Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишингни эълон эт. Ёлғиз Аллоҳгагина итоат этишингни эълон қил. Ёлғиз Аллоҳнинггина розилигини иташингни эълон қил. Ёлғиз Аллоҳдангина жазо ва мукофот кутишингни эълон қил. Ёлғиз Аллоҳнинггина шариатига риоя этишингни эълон қил.

فَاعْبُدُوا مَا شِئْتُمْ مِنْ دُونِهِ قُلْ إِنَّ الْخَيْرِينَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنْفُسَهُمْ وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَلَا ذَٰلِكَ

هُوَ الْخُسْرَانُ الْمُبِينُ

**15. Бас, сизлар Ундан ўзга нимани хоҳласангиз, ўшанга ибодат қилаверинглар» деб айт. Сен: «Албатта, зиёнкорлар қиёмат куни ўзларига ва аҳллариغا зиён қилгувчилардир. Огоҳ бўлинг-ким, ана ўша очик-ойдин зиёнкорликдир», деб айт.**

Эй Муҳаммад, сен мушрикларга қуйидагича эълон қил:

**«Сизлар Ундан ўзга нимани хоҳласангиз, ўшанга ибодат қилаверинглар».**

Эй, мушриклар, сизлар ёлғиз Аллоҳдан бошқага сиғинмоқчи экансизлар, хоҳлаган ишларингизни қилаверинглар, оқибати нима бўлишини кўрасизлар. Оқибатда дўзахга тушасизлар. Оқибатда зиёнкор бўласизлар.

**«Албатта, зиёнкорлар қиёмат куни ўзларига ва аҳллариغا зиён қилгувчилардир.»**

Қиёмат куни зиёнкор ўзи дўзахга тушади, аҳли аелининг ҳам дўзахга тушишига сабабчи бўлади.

**«Огоҳ бўлинг-ким, ана ўша очик-ойдин зиёнкорликдир.»**

Дўзахда ана ўша зиёнкорларнинг ҳолига вой бўлади.

لَهُمْ مِّنْ فَوْقِهِمْ ظُلَلٌ مِّنَ النَّارِ وَمِن تَحْتِهِمْ ظُلَلٌ ذَلِكَ يُخَوِّفُ اللَّهَ بِهِ عِبَادَهُ يَعْبُدُونَ أَفَاتَقُونَ

**16. Улар учун тепаларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор, остларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор. Бу билан Аллоҳ Ўз бандаларини кўрқитур. «Эй бандаларим, Менга тақво қилинглар!»**

Ўзларига ҳам, аҳллариغا ҳам зиён қилувчилар қиёмат куни қаттиқ азобга дучор бўладилар.

**«Улар учун тепаларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор, остларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор.»**

Жаҳаннам оловида куйиб-ёниб соя истаб турганларида уларнинг устларидан ҳам, остларидан ҳам қават-қават оловли «соябонлар» ўраб олади. Ана ўшанда азобнинг қандай бўлишини кўрадилар.

**«Бу билан Аллоҳ Ўз бандаларини кўрқитур.»**

Аллоҳ таоло қиёматнинг азоблари ҳақида олдиндан огоҳлантириб қўяди. Токи, бандалар ўша ҳолатга тушмаслик учун ҳозирдан ўзларини ўнглаб, тайёргарликларини кўрсинлар. Бошларига мусийбат тушганда, эй Роббимиз, аввалроқ айтмаган экансан, демасинлар. Бу билан Аллоҳ:

**«Эй бандаларим, менга тақво қилинглар!»**—дейди.

Менга тақво қилмасангиз, мазкур зиёнкорлардан бўласиз.

Бу дунёда Аллоҳдан ўзгага ибодат этиб, бетақво ўтганларнинг ҳоли юқорида васф қилинганидай хор бўлиб турган бир пайтда қарши томондагиларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади.

وَالَّذِينَ اجْتَنَبُوا الطَّغُوتَ أَنْ يَعْبُدُوهَا وَأَنَابُوا إِلَى اللَّهِ لَهُمُ الْبُشْرَىٰ فَبَشِّرْ عِبَادِ ﴿١٧﴾ الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُ ۗ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ ۖ وَوَلَّيْنَاكَ هُمْ أُزُلًا ۗ أَلَا لَبِيبٌ

**17. Тоғутдан, унга ибодат қилишдан четда бўлганларга ва Аллоҳга қайтганларга хушxabар бор. Бас, бир бандаларимга хушxabар берки,**

**18. Улар гапни эшитиб, энг гўзалига эргашарлар. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилганлардир. Ана ўшалар, ҳа, ўшалар ақл эгаларидир.**

«Тоғут» «туғён» лафзидан олинган муболаға маъносидаги сўздир. Яъни, кўп туғёнга кетувчи, жуда ҳаддидан ошувчи, деганидир. Қуръони Карим ва Ислом таълимотлари истилоҳида Аллоҳдан ўзга ибодат қилинган ҳар бир нарсага «тоғут» дейилади. Баъзи уламо-ларимиз тоғутни шайтон ҳам деганлар. Бу ҳам туғри, бир оз хосланган, холос. Аввалги маъно эса омдир.

**«Тоғутдан, унга ибодат қилишдан четда бўлганларга ва Аллоҳга қайтганларга хушxabар бор.»**

Ушбу жумладан билинадики, одамлар икки тоифа – Аллоҳга ёки тоғутга ибодат этадиган бўлади. Учинчи хили бўлиши мумкин эмас. Аллоҳга ибодат қилмаган одам, албатта, тоғутга, яъни, Аллоҳдан ўзгага сиғинган бўлади. Мен динсизман, ҳеч нарсага ибодат қилмайман, деганлар ёлғон гапирадилар. Улар, ҳеч бўлмаса, ҳавойи нафсига ёки ўзи аъзо бўлган жамиятнинг урф-одатига бўйсунадилар – ибодат қиладилар.

Демак, холис Аллоҳ таолонинг Ўзига, тавҳидга амал этиб ибодат қилган одамгина нажот топади. Ана шу тоифа кишилар учунгина хушxabар бор. Аллоҳдан ўзгага ибодат этмаган, доимо ҳар бир нарсада Аллоҳга қайтиб, Унинг амрига мувофиқ иш тутувчи ва тавҳидга амал қилувчиларга хушxabар бор.

**«Бас, бир бандаларимга хушxabар берки, улар гапни эшитиб, энг гўзалига эргашарлар.»**

Аллоҳнинг муваҳҳид бандалари, холис Ўзига ибодат қиладиган, тоғутга умуман яқинлашмайдиган бандалари гапни эштадилар, аммо гапнинг ичидан энг яхшисини танлаб олиб ўшанга эргашадилар. Гапнинг ичидан энг яхшиси эса, Аллоҳ ва Унинг Расулининг гапидир. Ана ўша энг яхши гапга, Аллоҳ ва Унинг Расулининг гапига эргашувчи бандаларгагина хушxabар бер. Туғёнга кетган, ўзини Аллоҳнинг ўрнига қўйган алақандай тоғутларнинг гап-ларига эргашганларга хушxabар йўқ.

**«Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилганлардир.»**

Гапни эшитиб, энг яхшисига эргашадиганлар Аллоҳ таоло ҳидоят қилган бандалардир.

**«Ана ўшалар, ҳа, ўшалар ақл эгаларидир.»**

Улардан бошқаларни ҳидоят, ақл эгаси деб бўлмайди.

أَفَمَنْ حَقَّ عَلَيْهِ كَلِمَةُ الْعَذَابِ أَفَأَنْتَ تُنقِذُ مَنْ فِي النَّارِ

**19. Ёки у ҳақида азоб сўзи ҳақ бўлган кимсани – дўзахдаги кимсани сен қутқара олурмисан?!**

Яъни, тоғутга эргашганлар учун ҳукм чиқди. Уларга азоб сўзи собит бўлди. Улар дўзахга тушадилар. Эй Муҳаммад, улар ҳақида азоб сўзи ҳақ бўлган, дўзахга тушишга ҳукм этилганларни сен ҳам қутқаза олмассан!

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қутқаза олмасалар, уларга бошқа ҳеч ким ҳам ёрдам бера олмайди.

لَكِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ لَهُمْ عَرْفٌ مِّنْ فَوْقِهَا عُرْفٌ مَّبْنِيَّةٌ تَجْرِي مِّنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَعَدَّ اللَّهُ لَا يُخَلِّفُ اللَّهُ الْمِيعَادَ

**20. Лекин Роббиларига тақво қилганлар учун болохоналар устидан болохоналар бино қилингандир. Остларидан анҳорлар оқиб турур. Аллоҳнинг ваъдаси шу! Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.**

Бу дунёда муваҳҳид бўлиб, холис Аллоҳга ибодат қилиб, тоғутга сифинмай яшаб ўтган бандаларга у дунёда алоҳида олий мақомлар бордир.

**«Лекин Роббиларига тақво қилганлар учун болохоналар устидан болохоналар бино қилингандир.»**

Яъни, тақводор бандалар учун жаннатда олий мақом – баланд-баланд хоналар бино қилингандир. Устма-уст, яна ҳам олий мақом, яна ҳам баланд хоналар бино этилгандир. Уларнинг

**«Остларидан анҳорлар оқиб турур».**

Ўша олий мақом, устма-уст қурилган биноларнинг остидан сувлар оқиб туради. Тақводор бандалар учун берилган:

**«Аллоҳнинг ваъдаси шу! Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас».**

Банда ваъдасига хилоф қилмай тақводор бўлиб ўтса, бас, мазкур мукофотларга албатта эришади.

Кейинги оятларда Аллоҳдан бошқага ибодат қилганларга эс-латма учун Аллоҳнинг ваҳдониятига далиллар келтирилади. Ҳидоят ва залолат орасидаги фарқ баён этилади. Энг гўзал гап нима

эканлиги тушунтирилади. Унга эргашмаган золимларнинг ҳоли нима бўлиши айтиб ўтилади.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَسَلَكَهُ يَنْبِيعَ فِي الْأَرْضِ ثُمَّ يُخْرِجُ بِهِ زَرْعًا مُخْتَلِفًا  
أَلْوَانُهُ ثُمَّ يَهِيَجُ فِتْرَتَهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ يَجْعَلُهُ حُطَامًا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذِكْرًا لِأُولِي الْأَلْبَابِ ﴿٦٦﴾

**21. Аллоҳ осмондан сув тушириб, уни ердаги манбалардан юритиб қўйганини кўрмадингми?! Сўнгра у ила турли рангдаги экинларни чиқаради. Кейин у қурийди. Бас, уни сарғайган ҳолида кўрарсан. Сўнгра уни қуруқ чўпга айлантирур. Албаттта, бунда ақл эгалари учун эслатма бордир.**

Қуръони Каримда доимо дунё ҳаётига ўсимликнинг ҳаёти мисол қилиб келтирилади. Ёмғир ёққандан сўнг чиройли бўлиб чиққан ўсимлик тездагина сўлиб сарғайиши, қуриб хас-хашакка айланиши бу дунё ҳаётининг заволи тез эканлигига ишорадир. Айни чоқда, осмондан сув тушириб, ўсимликларни ранго-ранг қилиб ўстириб қўйиш Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир.

**«Аллоҳ осмондан сув тушириб, уни ердаги манбалардан юритиб қўйганини кўрмадингми?!»**

Агар Аллоҳ таоло осмондан сув туширмаса, нима бўлар эди? Ким сув туширар эди. Ахир, ер юзидаги ҳамма сувларни Аллоҳ осмондан ёғдирган. Хоҳ булоқ ва қудуқлар, хоҳ ер ости дарёлари ва ер усти дарёлари суви бўлсин — ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ осмондан тушириб қўйган сувдир.

**«Сўнгра у ила турли рангдаги экинларни чиқаради.»**

Ер юзидаги сонсиз-саноқсиз турдаги, турли-туман рангдаги экинларни, ўсимликларни Аллоҳ Ўзи осмондан туширган сув ила кўкартириб ундирмаса, ким уларни ундириб-ўстира олади?!

**«Кейин у қурийди.»**

Бир оз муддатдан кейин ўша ўсиб турган ўсимлик қурийди.

**«Бас, уни сарғайган ҳолида кўрарсан.»**

Кечагина турли чиройли рангларда жилоланиб турган ўсимликлар ҳаёт асарини йўқотиб сарғайиб қолади.

**«Сўнгра уни қуруқ чўпга айлантирур.»**

Сўнгра Аллоҳ сарғайган ўсимликни қуруқ чўп-хашакка айлантиради.

**«Албаттта, бунда ақл эгалари учун эслатма бордир.»**

Аллоҳ берган ақлни тўғри ишлатиб, ўйлаб, тадаббур қилиб кўрган бандалар учун етарли эслатма бордир. Ўзларига яраша

хулоса чиқариб, беш кунлик ҳаётларида фурсатни ғанимат билиб, керакли ишларни қилиб оладилар.

أَفَمَنْ شَرَحَ اللَّهُ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ فَهُوَ عَلَى نُورٍ مِّن رَّبِّهِ ۖ فَوَيْلٌ لِّلْقَاسِيَةِ قُلُوبِهِم مِّن ذِكْرِ اللَّهِ  
 أُولَٰئِكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٢٢﴾

**22. Аллоҳ кўксини Исломга кенг қилиб очиб қўйган шахс ўз Роббидан бўлган нурда эмасми?! Аллоҳни зикр қилишдан қалблари қотиб қолганларга вой бўлсин! Ана ўшалар очиқ-ойдин залолатдадирлар.**

Ушбу ояти каримада мўмин қалб билан кофир қалбнинг орасидаги фарқ очиқ-ойдин баён қилинади.

**«Аллоҳ кўксини Исломга кенг қилиб очиб қўйган шахс ўз Роббидан бўлган нурда эмасми?!»**

Албатта, Аллоҳ таоло кимнинг қалбини Исломга кенг очиб қўйса, ўша одамнинг қалби илоҳий нур ила тўлади, яъни, унинг қалби тўла нур бўлади. Ўша нурли қалб ўз ҳаёт йўлини ҳам Ислом нури билан ёритади. Ҳар бир ишида, ҳар бир тасарруфида унга тўғри йўл кўрсатиб туради.

**«Аллоҳни зикр қилишдан қалблари қотиб қолганларга вой бўлсин!»**

Улар Аллоҳни зикр қила олмайдилар. Чунки, қалблари тош бўлиб қотиб қолган. Қотган тош ичини нур ёритмайди. Уларнинг қалбига Ислом нури ҳам, иймон нури ҳам кирмайди. Аллоҳнинг зикри нури кирмайди. Ана ўшаларга вой бўлмай, кимнинг ҳолига вой бўлсин?!

**«Ана ўшалар очиқ-ойдин залолатдадирлар.»**

Очиқ-ойдин адашувдадирлар. Уларнинг йўлини ёритадиган нурлари йўқ. Шунинг учун ҳам, қоронғуда адашиб, ҳалокат йўлига юриб кетадилар. Оқибатда ҳолларига вой бўлади.

Аслида эса, Аллоҳ таоло бандаларига нурни, ҳидоятни Қуръон орқали тушириб қўйган эди.

اللَّهُ نَزَّلَ أَحْسَنَ الْحَدِيثِ كِتَابًا مُّتَشَابِهًا مَّثَانِيَ تَقْشَعِرُّ مِنْهُ جُلُودُ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ  
 ثُمَّ تَلِينُ جُلُودُهُمْ وَقُلُوبُهُمْ إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ ذَٰلِكَ هُدَىٰ اللَّهِ يَهْدِي بِهِ ۖ مَن يَشَاءُ وَمَن يُضِلِلِ اللَّهُ  
 فَهُوَ بِمَن هَادٍ ﴿٢٣﴾

**23. Аллоҳ энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган китоб этиб туширар. Ундан Роббиларидан кўрқадиганларнинг терила-**



ри титрар. Сўнгра уларнинг терилари ва қалблари Аллоҳнинг зикрига юмшар. Ана шу Аллоҳнинг ҳидоятидир. У ила Аллоҳ хоҳлаган кимсани ҳидоят қилар. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унинг учун ҳидоят қилгувчи йўқ.

Бу ояти каримада Қуръони Каримнинг васфи, унинг мўминларга таъсири ва у орқали ҳидоятга эришиш ҳақида сўз кетмоқда.

**«Аллоҳ энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган китоб этиб туширар.»**

Қуръони Карим энг гўзал сўздир. Унинг оятлари гўзалиқда, пурмаъноликда, ҳикматда, тўғрилиқда ва ҳукмда бир-бирига ўхшашдир. «Такрорланадиган» бўлиши эса, ҳукмлари такрор-такрор келади, ҳикматлари такрор-такрор келади, ваъзлари, огоҳлантиришлари, ваъдаю таҳдидлари ҳам такрор-такрор келади. Шунингдек, суралари, оятлари такрор-такрор ўқилади, ёд олинади, ўрганилади.

**«Ундан Роббиларидан қўрқадиганларнинг терилари титрар.»**

Аллоҳдан қўрқадиган бандалар Қуръонни ўқиганларида, унинг тиловатларини эшитганларида баданлари титрайди. Ундаги маънолардан таъсирланиб, уни туширган Аллоҳнинг ҳайбатидан, Уни улуғлашдан қалблари титрайди.

**«Сўнгра уларнинг терилари ва қалблари Аллоҳнинг зикрига юмшар.»**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг аброр бандаларининг сифатидир. Улар Қуръон тиловатидан, ундаги маънолардан жуда қаттиқ таъсирланадилар. Огоҳлантирувчи, таҳдид қилувчи оятлар келганида хавфдан, қўрқинчдан баданлари титрайди, яхши ваъда ва раҳмат оятлари келганида умидворликдан баданлари ва қалблари юмшайди, Аллоҳнинг зикрига яна ҳам кўпроқ бериладилар. Бундай бўлиши яхшилик аломатидир.

**«Ана шу Аллоҳнинг ҳидоятидир.»**

Қуръондан гўзал таъсирланиш Аллоҳнинг ҳидоятидир.

**«У ила Аллоҳ хоҳлаган кимсани ҳидоят қилур.»**

Ҳидоятга эришган одам Қуръондан таъсирланиб, кўнгли юмшаб, унга амал қилишга ўтади.

**«Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унинг учун ҳидоят қилгувчи йўқ.»**

Ундай одамнинг иши чатоқ!

أَفَمَنْ يَتَّقِي بِوَجْهِهِ ۖ سِوَاءَ الْعَذَابِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَقِيلَ لِلظَّالِمِينَ ذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْسِبُونَ ﴿٢٤﴾

24. Ахир қиёмат куни золимларга, касб қилиб юрган нарсангизни тотиб кўринг, дейилганида ёмон азобдан юзи ила сақланадиган одам (мўмин ила тенг бўлармиди)?!

Бу оятда ниҳоятда ёмон ҳолга тушиб қолган кофирни ҳеч қачон мўмин бандага тенглаштириб бўлмаслиги ҳақида сўз кетмоқда.

Қиёмат кунида золимларга, яъни, кофир ва мушрикларга:

**«касб қилиб юрган нарсангизни тотиб кўринг»**, дейилса, ўша ёмон азобдан юзи билан сақланишга уринади.

Аслида, одам ёмон нарсадан юзини тўсиш билан ҳимояланади. Асосан, юзини қўли билан тўсишга интилади. Бу тарз ҳимояланиш учун ўйлаб, режа тузиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, балки беихтиёр, ўз-ўзидан шундай ҳаракат қилинади. Аммо золим кофир ва мушрик дўзахийлар бошларига энг улкан хавф-хатар — қиёмат азоби келганида юзларини ҳам тўсолмай қолишаркан, аксинча, ўзларини юзлари билан тўсиб ҳимоя қилишга уринишаркан. Чунки, қўллари кишанланган бўлади. Ана шундай одамни мўминга тенглаштириб бўлармиди?!

كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَاَنْتَهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٥﴾

**25. Улардан олдингилар ҳам ёлғончи қилганлар, бас, уларга ўзлари сезмаган томондан азоб келган.**

Ҳозирги кофир ва мушриклардан олдин ўтган кофир ва мушриклар ҳам Пайғамбарларини ёлғончи қилганлар, ўшанда уларга ўзлари сезмаган томондан азоб келган.

فَاِذَا قَهُمُ اللهُ الْحِزْبَ فِي الْحَيٰوةِ الدُّنْيَا وَلِعَذَابِ الْاٰخِرَةِ اَكْبَرُ لَوْ كَانُوْا يَعْلَمُوْنَ ﴿٢٦﴾

**26. Аллоҳ уларга бу дунёда хорликни тоттирди, албатта, охират азоби, агар билсалар, янада улкан бўлур.**

Ўша, аввал ўтган кофир ва мушрикларга Аллоҳ таоло ушбу дунё ҳаётидаёқ хорлик, шармандалик азобини тоттириб қўйди. Агар улар билсалар, охират азоби бу дунё азобидан ҳам қаттиқ, шиддатли бўлади. Шунинг учун, ҳозирги кофир ва мушриклар вақт борида ўзларини ўнглаб олсинлар.

وَلَقَدْ ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِيْ هٰذَا الْقُرْءَانِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ لَّعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُوْنَ ﴿٢٧﴾

**27. Батаҳқиқ, Биз ушбу Қуръонда одамларга турли мисоллар келтирдик. Шоядки, эсласалар.**

Одамлар эслаши, ўзларини ўнглаб олиши учун ушбу Қуръонда турли мисоллар келтирдик. Шунингдек:

﴿٢٨﴾ فُرِّدْنَا عَرَبِيًّا غَيْرَ ذِي عِوَجٍ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ

**28. Арабча Қуръонни эгриликсиз қилиб (туширдикки), шоядки, тақво қилсалар.**

Араб тилида тушган ушбу Қуръонда ҳеч бир эгрилик, хато, нотўғрилик йўқдир. У ўзига яқин бўлган кишининг тақводор бўлишини таъминлайди.

Кейинги оятда муваҳҳид — фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига иймон келтириб, Унгагина ибодат қиладиган одам билан унинг акси бўлган одам қиёси келтирилади:

ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا رَجُلًا فِيهِ شُرَكَاءُ مُتَشَاكِسُونَ وَرَجُلًا سَلَمًا لِرَجُلٍ هَلْ يَسْتَوِيَانِ مَثَلًا الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٩﴾

**29. Аллоҳ бир мисол келтирадир. Бир одамга талашувчи шериклар эгадир. Саломат ҳолидаги бошқа бирига бир киши эгадир. Икковларининг мисоли баробарми?! Аллоҳга ҳамд бўлсин. Йўқ, кўплари билмаслар.**

Эй одамлар, эътибор бериб, ўйлаб кўринглар. Сизларга:

**«Аллоҳ бир мисол келтирадир».**

Чунки, мисол келтирилса, масала яна ҳам ойдинлашади. Масалан:

**«Бир одамга талашувчи шериклар эгадир».**

Бир қул бор. Унга талашиб-тортишадиган, беодоб шериклар эгадирлар. Ўшалар у қулни тинмай талашадилар. Ҳар бири унга алоҳида иш буюради, ўзига кўпроқ хизмат қилишини, кўпроқ фойда келтиришини хоҳлайди.

**«Саломат ҳолидаги бошқа бирига бир киши эгадир.»**

Соғ-саломат бошқа бир қул бор, унга бир киши эгадир. Унга фақат бир кишидан буйруқ келади. У фақат бир кишини рози қилиши керак, холос.

**«Икковларининг мисоли баробарми?!»**

Кўпчиликнинг қули билан бир кишининг қули баробар бўла оладими? Албатта, баробар бўлмайди. Буни ҳамма билади. Мушриклар ҳам бунга иқрор бўладилар. Мушрикларни ҳам бунга иқрор қилган

**«Аллоҳга ҳамд бўлсин».**

Бу ҳақиқатни ҳамма билармикан?

**«Йўқ, кўплари билмаслар.»**

Билмайдилар, шу боисдан ҳам тавҳидга амал этмайдилар, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилмайдилар. Балки Унга ширк келтирадилар. Оқибатда, бир неча хожага қуллик қилган одамга ўхшаб, расвои олам бўладилар. Улар бу ҳақиқатни билмасалар, билмасинлар. Сенга хилоф қилсалар, қилаверсинлар. Барибир, охир-оқибат қилмишларига жавоб берадилар. Чунки, эй Муҳаммад:

إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ ﴿٣٠﴾

### 30. Албатта, сен ҳам ўлгувчисан, улар ҳам ўлгувчидирлар.

Аллоҳдан бошқа ҳар бир тирик жон ўлади. Ҳамма ҳам ўлади. Ўлмайдиган ҳеч ким йўқ. Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина қолади.

ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عِنْدَ رَبِّكُمْ تَخْتَصِمُونَ ﴿٣١﴾

### 31. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат куни Роббингиз ҳузурида тортишурсизлар.

Ўлганингиздан кейин охиратда, қиёмат қоим бўлгач, қайта тилиб, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жамланасизлар ва ўзаро зулм, дину дунё ишлари бўйича тортишиб, бир-бирларингизга даъво қиласизлар. Ана ўшанда Роббингиз орангизда одил ҳукм чиқаради. Бу ҳам Аллоҳнинг тавҳиди далилидир.

﴿ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَذَبَ عَلَى اللَّهِ وَكَذَبَ بِالصِّدْقِ إِذْ جَاءَهُ ۗ أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَافِرِينَ ﴾ ﴿٣٢﴾

### 32. Аллоҳга нисбатан ёлғон гапирган ва ўзига содиқ (сўз) келганида уни ёлғонга чиқаргандан ҳам золиброқ кимса борми?! Кофирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!

Ўлимнинг ҳақлиги, барча одамларнинг қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида тўпланиши ва ўзаро тортишишлари айтилгандан сўнг, юқоридаги ва ундан кейинги оятларда ҳукм чиқиши ҳақида сўз кетади. Аввал кофир ва мушриклардан сўз очилади:

#### «Аллоҳга нисбатан ёлғон гапирган...»

Бу сифат мушрикнинг сифатидир. Мушрик, Аллоҳнинг шериги бор, Аллоҳнинг хотини, ўғли ёки қизи бор, деб у зотга нисбатан ёлғон гапирди.

**«...ва ўзига содиқ (сўз) келганида уни ёлғонга чиқаргандан ҳам золироқ кимса борми?!»**

Аллоҳга нисбатан ёлғон гапириб юрган мушрикка содиқ (рост) сўз, Қуръон келса, уни ёлғонга чиқаради. Бу ишлари зулм устига зулмдир. Шу билан мушрик даҳшатли золимга айланади. Дунёда ундан ҳам золироқ одам борми? Албатта, йўқ. У золим банда Аллоҳ таолонинг тавҳидига иймон келтириш ўрнига, Унга ширк келтириб, энг улкан зулмни қилди. Сўнгра, ўзига келган Қуръони Каримдек содиқ сўзни тасдиқлаш ўрнига, уни ёлғон дейишгача бориб етди, икки баравар зулм қилди. Албатта, бу дунёдаги энг золим одам ўша бўлади. Шундай бўлгандан кейин:

**«Кофирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!»**

Албатта, уларнинг жойи жаҳаннамда!

وَالَّذِي جَاءَ بِالصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِ أُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ﴿٣٢﴾

**33. Содиқ (сўз)ни келтирган ва уни тасдиқ қилган эса, ана ўшалар тақводорлардир.**

Яъни, Аллоҳнинг содиқ сўзини бандаларга етказган ва ўша содиқ сўзни тасдиқлаганлар тақводорлардир. Қуръони Каримни келтирган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда бошқа барча Пайғамбар алайҳиссаломлар ва барча мўмин бандалар шу сирага кирадилар. Улар Аллоҳ таолога тақво этган, Унинг айтганини қилган, қайтарганидан қайтган бандалардир.

لَهُمْ مَا يَشَاءُونَ عِنْدَ رَبِّهِمْ ذَلِكَ جَزَاءُ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٣﴾

**34. Улар учун Роббилари ҳузурда хоҳлаган нарсалари бордир. Ана ўша, гўзал амал қилгувчиларнинг мукофотидир.**

Ана ўша тақводор бандалар учун охиратда, жаннатда кўнгиллари истаган нарса муҳайё бўлади. Бу нарсалар уларнинг Роббилари ҳузурдаги ҳақларидир. Бу дунёда тақводор бўлиб ўтган зотларнинг охиратдаги мукофоти ана шудир.

لِيَكْفُرَ اللَّهُ عَنْهُمْ أَسْوَأَ الَّذِي عَمِلُوا وَبِجَزَائِهِمْ أَجْرُهُمْ بِأَحْسَنِ الَّذِي كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٣٤﴾

**35. Зеро, Аллоҳ уларнинг қилган энг ёмон амалини ўчириб, қилиб юрган энг гўзал амаллари ажри ила мукофотлар.**

Ҳар бир заррадек амал ҳам ўлчаниб, ўшанга биноан жазо ёки мукофот берилиши адолат саналади. Аммо тақводор бандаларга келганда Аллоҳ таоло фазлу карам кўрсатар экан. У зот Ўз фазли ила тақводор бандаларнинг энг ёмон амалларини ҳам кечиб юбориб, мукофотни уларнинг энг яхши амаллари ҳисобидан берар экан.

أَلَيْسَ اللَّهُ بِكَافٍ عَبْدَهُ وَيُخَوِّفُونَكَ بِالَّذِينَ مِنْ دُونِهِ وَمَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِنْ هَادٍ

**36. Аллоҳ Ўз бандасига етарли эмасми?! Улар сени Ундан бошқалар билан қўрқитурлар. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унинг учун ҳеч бир ҳидоят қилгувчи йўқ.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларни Аллоҳ таолонинг тавҳидига чақириб, уларнинг турли сохта худоларини айблаганларида, улар: «Муҳаммад худоларимизни сўкишдан тўхта-маса, унга, албатта, ёмонлик етади», деб у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни қўрқитмоқчи бўлганлар. Ушбу оят шу муносабат ила тушган экан. Гарчи хос сабаб билан нозил бўлса ҳам, маъноси умумийдир.

**«Аллоҳ Ўз бандасига етарли эмасми?!»**

Энг қудратли, ёлғиз Холик, ёлғиз Ҳомий, ёлғиз Розик бўлган Аллоҳнинг ваҳдониятига ишонган банда учун Аллоҳнинг Ўзи етарли эмасми? Аллоҳ у билан бўлгандан кейин у банда кимдан қўрқади? Кимдан хавфсирайди?

**«Улар сени Ундан бошқалар билан қўрқитурлар.»**

Аллоҳдан бошқанинг қўлидан нима келар эди? Аллоҳнинг ҳимоясида турган бандага улар нима зарар етказа олар эдилар? Лекин залолатдаги мушриклар бу ҳақиқатни тушуниб етмайдилар.

**«Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унинг учун ҳеч бир ҳидоят қилгувчи йўқ.»**

Шунинг учун, залолатида давом этиб юраверади.

وَمَنْ يَهْدِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِنْ مُضِلٍّ أَلَيْسَ اللَّهُ بِعَزِيزٍ ذِي انْتِقَامٍ

**37. Кимни Аллоҳ ҳидоятга солса, бас, унинг учун ҳеч бир залолатга кетказгувчи йўқ. Аллоҳ азийзу интиқом эгаси эмасми?!**

Шунингдек, ҳидоят ҳам Аллоҳ таолонинг ихтиёридадир. У хоҳлаган одамни ҳидоятга бошлайди. Аллоҳ ҳидоятга солган одамни эса, ҳеч ким залолатга кетказа олмайди.

**«Аллоҳ азийзу интиқом эгаси эмасми?!»**

Аллоҳ ҳаммадан ғолиб, устун зот эмасми?!

Аллоҳ Ўзига қуфр ва ширк келтирганлардан интиқом олишга қодир зот эмасми?! Албатта, Аллоҳ азийз – ҳамманинг устидан ғолибдир. Албатта, Аллоҳ кофир ва мушриклардан интиқом олишга қодирдир.

وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لِيَقُولُنَّ اللَّهُ قُلْ أَفَرَأَيْتُمْ مَا تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ أَرَادَنِيَ اللَّهُ بِضُرٍّ هَلْ هُنَّ كَاشِفَاتُ ضُرِّهِ أَوْ أَرَادَنِي بِرَحْمَةٍ هَلْ هِيَ مُمْسِكَةٌ بِرَحْمَتِهِ قُلْ حَسْبِيَ اللَّهُ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ الْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٣٨﴾

**38. Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратди?» – деб сўрасанг, албатта: «Аллоҳ!» – дерлар. Сен: «Менга хабар берингларчи! Сиз илтижо қилаётган, Аллоҳдан бошқа нарсалар, агар Аллоҳ менга зарарни ирода қилса, ўшалар Унинг зарарини аритгувчи бўла олурларми?! Ёки менга марҳаматни ирода қилса, ўшалар Унинг марҳаматини тутиб қолгувчи бўла олурми?!» – деб айт. Сен: «Менга Аллоҳ етарли, таваккал қилгувчилар Унгагина таваккал қилурлар», деб айт.**

Ушбу оятда мушрикларнинг мантиқсиз тасарруфлари муолажа қилинади. Улар ҳеч ишга қудрати етмайдиган турли нарсаларга ибодат қилиб юрадилар. Ўша нарсалар осмонлару ерни яратмаганини ҳам яхши биладилар.

**«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратди?» – деб сўрасанг, албатта: «Аллоҳ!» – дерлар.»**

Аллоҳ яратди, дейишдан бошқа иложлари ҳам йўқ. Осмонлару ерни бизнинг сохта худоларимиз яратди, дея олмайдилар. Чунки, сохта худолари ярата олмаслигини яхши биладилар. Улар, осмонлару ер ўзидан-ўзи яралиб қолди, ҳам дея олмайдилар. Чунки, заррача ақли бор одам ҳеч қачон осмонлару ердаги нарсалар ўзидан-ўзи яралиб қолишини даъво қилмайди. Демак, осмонлару ерни Аллоҳ яратган, дейиш мумкин, холос.

**«Сен: «Менга хабар берингларчи! Сиз илтижо қилаётган, Аллоҳдан бошқа нарсалар, агар Аллоҳ менга зарарни ирода қилса, ўшалар Унинг зарарини аритгувчи бўла олурларми?!» – деб айт.**

Агар осмонлару ерни яратган Аллоҳ таоло менга зарар етказишни хоҳдаса, сиз ибодат қилиб юрган тоғутлар ўша зарарни тўсиб қола оладиларми?!

**«Ёки менга марҳаматни ирода қилса, ўшалар Унинг марҳаматини тутиб қолгувчи бўла олурми?!» – деб айт.»**

Ёки аксини олайлик. Аллоҳ менга Ўзи бир марҳамат кўрса-тишни хоҳласа, сизнинг сохта худоларингиз ўша марҳаматни ту-тиб қола оладиларми?! Ҳеч нарса қила олмайдилар. Шунинг учун, Аллоҳдан ўзгага илтижо қилиш беҳуда.

**«Сен: «Менга Аллоҳ етарли, таваккал қилгувчилар Унгагина таваккал қилурлар», деб айт.»**

Муваҳҳид бандага Аллоҳ таолонинг ўзи етарли. Бошқанинг ҳожа-ти йўқ. Фақат унинг ўзигина ишончли суянчдир. Эй Муҳаммад, уларга:

قُلْ يٰقَوْمِ اَعْمَلُوا عَلٰى مَكَانَتِكُمْ اِنِّىْ عَمِلْتُ فَاَسُوْفَ تَعْلَمُوْنَ ﴿٣٩﴾ مِّنْ يَّاتِيْهِ  
عَذَابٌ يُخْرِيزُهُ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٤٠﴾

**39. Сен: «Эй қавмим, ўз ҳолингизча амал қилаверинг. Албатта, мен ҳам амал қилгувчиман. Бас, тезда билурсиз,**

**40. Кимга уни расво қиладиган азоб келажагини ва кимга давомли азоб тушажагини», деб айт.**

Яъни, эй қавмим, Аллоҳнинг тавҳид йўлига юрмай, Унга ширк келтирадиган бўлсангиз,

**«...ўз ҳолингизча амал қилаверинг.»**

Ўз ихтиёрингиз билан, ўз хоҳишингиз ва йўлингиз билан амал қилаверинг.

**«Албатта, мен ҳам амал қилгувчиман.»**

Аммо мен Аллоҳнинг айтганига амал қиламан.

**«Бас, тезда билурсиз...»**

Тезда қиёмат қоим бўлажак, ўшанда биласиз.

**«Кимга уни расво қиладиган азоб келажагини...»**

Кимга шарманда, хору зор қиладиган азоб келишини

**«...ва кимга давомли азоб тушажагини».**

Доим устида муқим турадиган азоб тушажагини биласиз.

Менгами, сизларгами?

Эй Муҳаммад!

اِنَّا اَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتٰبَ لِلنَّاسِ بِالْحَقِّ فَمَنْ اُهْتَدٰى فَلِنَفْسِهٖ ؕ وَمَنْ ضَلَّ فَاِنَّمَا  
يَضِلُّ عَلَيْهِا وَمَا اَنْتَ عَلَيْهِمْ بِوَكِيْلٍ ﴿٤١﴾

**41. Албатта, Биз одамлар учун сенга китобни ҳақ ила ту-ширдик. Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзига фойда. Ким залолатга кетса, ўзига зарар. Сен уларга вакил (қўриқчи) эмассан.**



Одамларга мазкур азоблардан сақланиш йўлини кўрсатиш учун: **«Албатта, Биз одамлар учун сенга китобни ҳақ ила туширдик».**

Ҳа, Қуръон ҳақ ила тушди. Уни Ҳақ таоло туширди. У ҳақ Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тушди. Қуръон ўзи ҳақ бўлиб тушгандир. Қуръон ҳақиқат китобидир. Қуръон одамларга ва жинларга ҳар икки олам ҳақиқатини баён қилиш учун тушгандир. Энди ҳамма нарса аён.

**«Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзига фойда.»**

Ким ақлини ишлатиб, инсоф қилиб ҳидоятга юрса, Аллоҳ туширган Қуръонга амал қилса, ўзига фойда бўлади. Бошқа учун эмас. Шунингдек:

**«Ким залолатга кетса, ўзига зарар».**

Ким шунчалик гап-сўздан кейин ҳам, Аллоҳ унга ақл-ҳуш бериб, Пайғамбар юбориб, китоб тушириб, ҳақ йўлни кўрсатиб қўйганидан кейин ҳам залолат йўлини танласа, ўзига зарар қилади, бошқага эмас.

**«Сен уларга вакил (қўриқчи) эмассан.»**

Эй Пайғамбар, сен кўп куюнаверма, сен уларга Аллоҳ таоло томонидан юборилган огоҳлантирувчи элчисан, холос, уларга вакил (қўриқчи) эмассан. Ҳамма учун ҳақиқий вакил — қўриқчи Аллоҳ таолонинг Ўзи. Унинг Ўзи бандаларнинг ҳамма ҳолатларини кузатиб, тасарруф қилиб туради.

اللَّهُ يَتَوَفَّى الْأَنْفُسَ حِينَ مَوْتِهَا وَالَّتِي لَمْ تَمُتْ فِي مَنَامِهَا فِيمِمْسِكِ الَّتِي قَضَىٰ عَلَيْهَا الْمَوْتَ وَيُرْسِلُ الْأَخْرَىٰ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾

**42. Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса, уйқуси вақтида олур. Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят(ибрат)лар бордир.**

Ушбу оят маънолари ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир. Дунёдаги барча ишлар ёлғиз У зотнинг Ўзига боғлиқлигини билдиради.

**«Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса, уйқуси вақтида олур.»**

Ҳар лаҳзада қанчадан-қанча одамлар жон берадилар. Уларнинг жонини ким олади? Ҳар бир одам ҳар куни маълум муддат ухлайди, ўшанда у ўликка ўхшаб ётади. Унинг жони нима бўлади? Бу саволларга мазкур жумлада жавоб бор.

Жонларни ўлим вақтида ҳам, ухлаган вақтида ҳам оладиган зот Аллоҳдир. Тандан жон чиқиши «катта вафот», ухлаганда тана билан жон орасида алоқанинг кучсизланиши «кичик вафот» дейилади. Чунки, ухлаган одамнинг жонини ҳам Аллоҳ таоло олган бўлади.

**«Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур.»**

Кимнинг қазоси етган бўлса, уйқусидан қайта уйғонмай, кичик вафоти катта вафотга айланиб қолаверади. Аллоҳ ажали етмаганларнинг жонини қўйиб юборади. Улар белгиланган ажалгача яшаб юрадилар.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеч ётаётганларида: «Роббим, сенинг исминг ила ёнимни қўйдим. Сен билан уни кўтарурман. Агар жонимни тутиб қолсанг, уни мағфират қилгин. Агар уни қўйиб юборадиган бўлсанг, уни солиҳларни муҳофаза этадиган нарса ила муҳофаза қилгин», деган дуони ўқиб уйқуга кетар эдилар.

**«Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят(ибрат)лар бордир.»**

Чунки, уларнинг жони доимо Аллоҳнинг қўлида. У зот ул жонни хоҳлаган лаҳзасида олиб қўйиши мумкин. Кейин эса, албатта, ҳисобкитоб қилади. Сўраб-суриштиради. У вақтда нима қиладилар?!

أَمْ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ شُفَعَاءَ قُلُوبَهُمْ أَمْ كَانُوا لَا يَمْلِكُونَ شَيْئًا وَلَا يَعْقِلُونَ

**43. Ёки Аллоҳдан ўзга шафоатчилар тутганларми?! Сен: «Ахир, улар бирор нарсага эга бўлмасалар ва бирор нарсани англамасалар ҳам-а?!» – деб айт.**

Нима учун кофир ва мушриклар Аллоҳнинг тавҳидига юрмайдилар?! Унга куфр ва ширк келтирадилар?!

**«Ёки Аллоҳдан ўзга шафоатчилар тутганларми?!»**

Аллоҳдан бошқа ўша шафоатчилари қиёмат кунида уларни шафоат қилиб, оқлаб, қутқариб қоладиларми?! Агар улар ўзларича, сохта худолар бизни қиёмат куни шафоат қиладилар, деб юрган бўлсалар, уларга:

**«Сен: «Ахир, улар бирор нарсага эга бўлмасалар ва бирор нарсани англамасалар ҳам-а?!» – деб айт».**

Эй, мушриклар, ахир, Аллоҳдан ўзга тутган бут-санамларингиз бирор нарсага эга бўлмасалар ҳам, сизни шафоат қилишларига ишонасизларми?!

Эй, мушриклар, ахир, Аллоҳдан ўзга тутган бут-санамларингиз бирор нарсани англамасалар ҳам, шафоат қиладилар, деб ўйлайсизми?!

Йўқ, улар ҳам, улардан бошқалар ҳам ҳеч кимни шафоат қила олмайди!

Эй Пайғамбар!

قُلْ لِلَّهِ الشَّفَعَةُ جَمِيعًا ۗ إِنَّ مَلِكَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ ثُمَّ اِلَيْهِ تُرْجَعُوْنَ ﴿٤٤﴾

**44. Сен: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳникидир. Осмонлару ернинг мулки (эғалиги) ҳам ёлғиз Уникидир. Сўнгра Унгагина қайтарилурсизлар», деб айт.**

Эй Муҳаммад, мушрикларга

**«Сен: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳникидир», деб айт.**

Ҳа, шафоат ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хос. Бошқа ҳеч ким ҳеч қачон шафоат қила олмайди. Айниқса, ҳеч нарсага эга бўлмаган, ҳеч нарсани англамайдиган буту санамларнинг қўлидан бир иш келмайди.

**«Осмонлару ернинг мулки (эғалиги) ҳам ёлғиз Уникидир.»**

Мулкида ҳеч ким Аллоҳ таолога шерик бўла олмайди. Шунинг учун, шафоат (оқловда) ҳам У зотга ҳеч ким шерик бўлмайди.

**«Сўнгра Унгагина қайтарилурсизлар», деб айт.»**

Фақат ёлғиз Аллоҳгагина қайтариласизлар. Ундан бошқа ҳеч ким сизни шафоат қилмайди. Бу ҳодисалар кишиларни Аллоҳнинг тавҳидига чақиради, Аллоҳнинг ваҳдониятига далил бўлади.

وَإِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَحْدَهُ اشْمَأَزَّتْ قُلُوبُ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ ۖ وَإِذَا ذُكِرَ الَّذِينَ

مِنْ دُونِهِ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٤٥﴾

**45. Қачонки Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари сиқилиб кетар. Қачонки Ундан ўзгалар зикр қилинсалар, бирдан шодланиб кетарлар.**

Ушбу ояти каримада мушрикларнинг уларнинг ҳузурида Аллоҳни зикр қилингандаги ҳоли баён қилинмоқда.

**«Қачонки Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари сиқилиб кетар.»**

Ҳа, кофир ва мушрикларга Аллоҳ таоло эслатилиб, Аллоҳнинг динига чақирилса, юраклари сиқилади. Аммо Аллоҳдан бошқа турли сохта худодар, Аллоҳнинг йўлидан бошқа турли йўллар, Аллоҳнинг шариятидан бошқа турли қонун-қоидалар зикр қилинса, шодланиб кетадилар.

«Қачонки Ундан ўзгалар зикр қилинсалар, бирдан шодланиб кетарлар.»

Бу иш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ҳам, кейинги даврларда ҳам кўп бўлган. Ҳозир ҳам бор.

Эй Пайғамбар:

قُلْ اللَّهُمَّ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ عَلِيمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ فِي مَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٤٦﴾

**46. Сен: «Эй Аллоҳим! Осмонлару ерни яратган зот! Ғойиб ва ошкорни билгувчи зот! Сенинг Ўзинг бандаларнинг орасида улар ихтилоф қилиб юрган нарсаларда ҳукм қилурсан», деб айт.**

Аллоҳ таоло ўтган оятда мушрикларнинг фикрлари қотиб қолганини, Аллоҳнинг зикридан қалблари сиқилиши, Аллоҳдан ўзгалар зикр қилинса, шодланишлари ҳақида хабар берганидан кейин, бу оятда Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга буюриб, У зотни Ўзига илтижо ила дуо қилишга ўргатяпти.

**«Эй Аллоҳим!»**

Эй, ибодатимга сазовор яккаю ёлғиз зот!

**«Осмонлару ерни яратган зот!»**

Эй, осмонларни ҳам, ерни ҳам йўқдан бор қилган зот! Сендан бошқа ҳеч бир зот бу ишни қила олмайди. Зеро, осмонлару ерда фақат Сенинг ҳукминг юради, холос!

**«Ғойиб ва ошкорни билгувчи зот!»**

Сен ҳамма нарсани, шу жумладан, мен билан мушрикларнинг орасида бўлаётган можароларни ҳам очиқ-ойдин билиб турибсан.

**«Сенинг Ўзинг бандаларнинг орасида улар ихтилоф қилиб юрган нарсаларда ҳукм қилурсан», деб айт.»**

Сендан бошқа ҳеч ким ҳукм чиқармайди. Мен билан мушриклар орасида ҳам Ўзинг ҳукм қил. Мен Сенинг амринг ила одамларни тавҳидга — фақат ёлғиз Сенга ибодат қилишга чақирмоқдаман, улар бўлса, Сенга ширк келтириб, бошқа худоларга ибодат этмоқдалар.

وَلَوْ أَنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُ مَعَهُ لَافْتَدَوْا بِهِ مِنْ سُوءِ الْعَذَابِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَبَدَأَهُم مِّنَ اللَّهِ مَا لَمْ يَكُونُوا يَحْتَسِبُونَ ﴿٤٧﴾

**47. Агар зулм этганларга ер юзидаги барча нарса ва у билан яна шу қадар нарса берилса ҳам, қиёмат куни ёмон азобга**

**тўлов қилиб юборишлари аниқ. Ва уларга Аллоҳ томонидан ўзлари хаёлларига ҳам келтирмаган нарсалар зоҳир бўлур.**

Кофир ва мушриклар бу дунёда гердайганлари, талашиб-тортишганлари билан, Аллоҳнинг номи зикр қилинса, юраклари сиқилиб, Аллоҳдан ўзга «худо»лари номини эшитсалар, шодон бўлганлари билан, қиёмат куни ҳоллари хароб бўлади. Гердайиш ва манманликларидан асар ҳам қолмайди. Қиёмат қоим бўлиб, ўзларига бериладиган азобни тушуниб етганларида, азобдан қутулиш учун бор-йўқ дунёларини беришга тайёр турадилар. Аммо бу тўлов кимга ҳам керак? Қиёмат кунининг қозиси пора ҳам, тўлов ҳам олмайди. У беҳожат зот. Унинг ҳузурда кофир ва мушриклар учун амалларига яраша жазо бор, холос. У куни улардан ҳеч бир тўлов олинмайди.

**«Ва уларга Аллоҳ томонидан ўзлари хаёлларига ҳам келтирмаган нарсалар зоҳир бўлур.»**

Улар ўйлаб хаёлларига келтирмаган, ухлаб тушларида ҳам кўрмаган турли-туман азоб-уқубатларга гирифтор бўладилар.

وَبَدَّاهُمْ سَيِّئَاتٍ مَا كَسَبُوا وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤٨﴾

**48. Ва уларга ўзлари касб қилган нарсаларнинг ёмонлиги зоҳир бўлур ва уларни ўзлари масхара қилиб юрган нарса ўраб олур.**

Куфр ва ширк келтирган ўша золимларга қиёмат куни ўзлари касб қилган нарсаларнинг ёмонлиги эвазига бериладиган азоблар зоҳир бўлади. Шу билан бирга, уларни бу дунёда ўзлари масхаралаб юрган охират азоби ўраб олади. Бугунча улар қиёматга, унда ўзлари каби кофир ва мушриклар учун турли азоблар берилишига ишонмай, у азобни масхара қилиб юрадилар. Аммо эртага – қиёмат куни уларни айнан ўзлари масхара қилган азоблар ўраб олади.

Қизиғи шундаки, кофир ва мушриклар Аллоҳ зикр қилинганда юраклари сиқилса ҳам, бошларига мусийбат тушиб, ўзларига зарар етганда, бошқача бўлиб қоладилар.

فَإِذَا مَسَّ الْإِنْسَانَ ضُرٌّ دَعَانَا ثُمَّ إِذَا خَوَّلْنَاهُ نِعْمَةً مِّنَّا قَالَ إِنَّمَا أُوتِيتُهُ عَلَىٰ عِلْمٍ بَلْ هِيَ فِتْنَةٌ وَلَكِنَّا أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٩﴾

**49. Бас, қачонки инсонни зарар тутса, у Бизга дуо қилур. Сўнгра унга Биз Ўзимиздан неъмат берсак: «Албатта, бу менга**

**илмим туфайли берилди», дер. Йўқ! У синовдир. Лекин кўплари билмаслар.**

Бу дунёда Аллоҳга ширку куфр келтириб, ундан ўзгага илтижо қилиб, Аллоҳ зикр қилинганда юраги сиқилиб, пешонаси тиришиб, Аллоҳдан ўзгалар зикр қилинганда шодланиб юрган инсонни қаранг!

**«Бас, қачонки инсонни зарар тутса, у Бизга дуо қилур.»**

Бошига мусийбат тушса, бало-офат келса, ўшандай кимса ҳам сохта худоларига эмас, Аллоҳ таолога ёлворади. Чунки, мусийбат ва бало-офат режасиз келади, олдиндан ўйлаб, режа тузиб қўйиб бўлмайди. Оғир мусийбат вақтида манманлик ва такаббурлик ҳам қолмайди, инсоннинг фитрати — соф табиати очилади. Инсоннинг фитратида эса, Аллоҳ таолонинг ваҳдониятини тан олиш хусусияти бор. Шу боис, ҳар қандай инсон у қанчалик кофир, қанчалик мушрик бўлмасин, бошига мусийбат тушиб, зарарга юз тутса, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига ёлворади.

**«Сўнгра унга Биз Ўзимиздан неъмат берсак: «Албатта, бу менга илмим туфайли берилди», дер.»**

Аллоҳ таоло ундан зарарни олиб, унга яна тинчлик-омонлик ва офиятни берса, у эски ҳолатига қайтади. Аллоҳ берган неъматни, тинчлик-омонлик, офият ва яхшиликларни ўз илмим, хатти-ҳаракатим билан топдим, деб даъво қила бошлайди.

**«Йўқ! У синовдир.»**

«Йўқ!» Бу даъво нотўғри. У берилган неъматларни ўз илми туфайли топгани йўқ.

**«У синовдир.»**

Унга берилган неъмат, қани, бу неъматга шуқр қилармикан ёки ношуқрлик қилармикан, деган синовдир.

**«Лекин кўплари билмаслар.»**

Натижада, ўзларига берилган неъмат учун Аллоҳга шуқр қилиш ўрнига, уни ундай қилиб топдим, буни бундай қилиб топдим, деб мақтаниб юради.

فَدَقَّاهَا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٥٠﴾

**50. Батаҳқиқ, буни улардан аввалгилар ҳам айтган эдилар. Бас, уларнинг қилган касблари ўзларига асқотмади.**

Албатта, бу неъмат менга ўзимдаги илм туфайли келди, деган-дек даъвони аввалги кофир-мушриклар ҳам айтган эди.

**«Бас, уларнинг қилган касблари ўзларига асқотмади.»**

Ўз илмим туфайли топдим, деб керилиб юрган нарсалари вақти

келганда уларга ҳеч бир фойда бера олмади, энди, ҳозирги кофир-мушрикларники фойда берармиди?! Албатта, буларнинг қилган касблари ҳам аввалгиларникига ўхшайди. Керагида кунига ярамайди. Қилган касблари бесамар кетади. Боз устига, ўша касблари туфайли азоб-уқубатга учрайдилар. Аввал ўтганларнинг ҳоли мана, қандай бўлган:

فَأَصَابَهُمْ سَيِّئَاتُ مَا كَسَبُوا وَالَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْ هَؤُلَاءِ سَيَّئِبُهُمْ سَيِّئَاتُ مَا كَسَبُوا  
وَمَا هُمْ بِمُعْجِزِينَ ﴿٥١﴾

**51. Бас, уларга қилган касбларининг ёмонликлари мусийбат бўлди. Анавилардан зулм қилганларига ҳам тезда қилган касбларининг ёмонликлари мусийбат бўлур. Улар қочиб қутулгувчи ҳам эмаслар.**

Аввал ўтган кофир ва мушрикларга ёмон амаллари, яъни, ўша амаллари учун берилган азоб-уқубатлар бошларига мусийбат келтирди.

**«Анавилардан зулм қилганларига ҳам тезда қилган касбларининг ёмонликлари мусийбат бўлур.»**

Ҳозирда куфр, ширк келтириб, тавҳидга кўнмай турганларга, зулмида давом этиб, тавба қилмай кетганларга ҳам ёмон амаллари учун азоб-уқубатлар, албатта, берилади.

**«Улар қочиб қутулгувчи ҳам эмаслар.»**

Улар бу азоблардан ҳеч ҳам қочиб қутула олмайдилар.

أَوَلَمْ يَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾

**52. Улар Аллоҳ хоҳлаган кишисига ризқни кенг ва тор қилишини билмасмидилар?! Албатта, бунда иймон келтиргувчи қавмлар учун оят(белги)лар бордир.**

«Хоҳлаган кишисига ризқни кенг ва тор қилиши» ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятидандир. У зотнинг ёлғиз Ўзи борлиқни яратди. У зотнинг ёлғиз Ўзи бандаларига ризқ беради. Нима учун кофир ва мушриклар Аллоҳ уларга берган ризққа шукр қилмай, бу ризқ менга ўзимдаги илмим туфайли келди, дейдилар?!

**«Улар Аллоҳ хоҳлаган кишисига ризқни кенг ва тор қилишини билмасмидилар?!»**

Ахир, ягона ризқ бергувчи Аллоҳ хоҳлаган кишисининг ризқини кенг ёки тор қилиб қўйиши маълум ва машҳур қоида-ку! Аллоҳ ризқни мўминга ҳам, кофирга ҳам, олимга ҳам, жоҳилга

ҳам беравериши маълум ва машҳур ҳол-ку! Ёки олимлар ичида ризқи тори йўқми?! Жоҳилларнинг ичида ризқи кенги йўқми?!

**«Албатта, бунда иймон келтиргувчи қавмлар учун оят(белги)лар бордир.»**

Бу ибратларни куфру ширк йўлига эмас, балки ҳидоят ва иймон йўлига ишлатиш керак.

Ўтган оятларда куфр ва ширкка кетган зolim кишиларнинг ҳоли қиёмат куни қанчалик аянчли бўлиши тавсифланди. Ширк ва куфр нотўғри эканлиги муноқаша қилинди. Келгуси оятларда бандалар фурсати борида тавба қилиб ўзларини ўнглаб олишга, ноумид бўлмасликка чақириладилар.

Эй Пайғамбар!

﴿قُلْ يٰعِبَادِ الَّذِيْنَ اَسْرَفُوْا عَلٰى اَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوْا مِنْ رَّحْمَةِ اللّٰهِ اِنَّ اللّٰهَ يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ

جَمِيْعًا اِنَّهٗ هُوَ الْغَفُوْرُ الرَّحِيْمُ﴾

**53. Сен (Менинг тарафимдан): «Эй, ўз жонларига исроф (жавр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир», деб айт.**

Имом Бухорий Саъид ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда айтилишича, кўплаб гуноҳлар қилган бир гуруҳ мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Албатта, сен даъват қилаётган нарса жуда ҳам гўзал. Қани, айт-чи, биз қилган нарсаларни ювадиган нарса ҳам борми?» – деб сўрашганида Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани туширган экан.

Тафсирчи уламоларимиз таъкидлашларича, бу ояти карима Қуръондаги энг умидворлик ояти ҳисобланади. Бу оятда бандалар учун энг улuf башорат бор.

Аввало, Аллоҳ таоло:

**«Эй, ўз жонларига исроф (жавр) қилган бандаларим»,** деб бандаларига ўз нисбатини бермоқда.

Аслида, мол-дунёни ортиқча сарфлашга «исроф» дейилади. Шунингдек, бу сўз маънавий жиҳатдан ҳаддан ошишга нисбатан ҳам ишлатилади. Бинобарин, гуноҳ қилган одам исрофчи бўлади, чунки у Аллоҳ белгилаб қўйган ҳаддан (чегарадан) чиққан ҳисобланади. Гуноҳ туфайли ҳаддидан ошган одам ўзига зарар, жавр қилади. Аллоҳ таоло ушбу оятда бандаларининг гуноҳ сабабли исрофга йўл қўйиб, ўзларига жавр этишини айтмоқда.



**«Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг!»**

Унинг раҳмати жуда кенгдир.

**«Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар.»**

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида ширқдан бошқа барча гуноҳларни мағфират этишини таъкидлаган. Чунки:

**«Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир».**

Тавба қилган бандаларнинг гуноҳларини кечиради.

Муфассирларимиз, аввал айтиб ўтилганидек, бу ояти каримани Аллоҳ китобидаги энг умидли оят деб таъкидлайдилар ва, шу билан бирга, бу умид гуноҳга ташвиқ этувчи умид эмаслигини ҳам қаттиқ уқтирадилар. Яъни, Аллоҳ барча гуноҳларни кечиради, деган умид билан билатуриб гуноҳларда давом этишнинг фарқи бор. Бу оятда Аллоҳнинг қонун-қоидаларини билмасдан аввал гуноҳ қилиб юрганлар мағфиратдан умид узмаслиги кераклиги айтил-япти. Бу ҳақиқатни оятнинг нозил бўлиш сабабидан ҳам билдик. Шунингдек, кейинги икки оятдан ҳам англаб олишимиз мумкин:

وَأَنِيبُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلُمُوا لَهُ مِن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾

**54. Сизга азоб келишидан олдин Роббингизга қайтинг ва Унга таслим бўлинг. Сўнгра сизга ёрдам берилмас.**

«Азоб келиши»ни ўлим соати етиши деб тушуниш лозим. Яъни, ўлим соати етгунча одам тавба қилиб Аллоҳга қайтиши, иймонли бўлиб, яхши амаллар бажариши ва ёмон амаллардан четланиши керак. Аллоҳ таолога буткул таслим бўлиб, ўзини Унга топшириши лозим. Бундай одам, албатта, гуноҳ ишлардан тийилади.

Аммо, ўлим кўзига кўринганда қилинган тавба қабул бўлмайди, сўнгни дамда келтирилган иймон фойда бермайди.

**«Сўнгра сизга ёрдам берилмас.»**

Азоб(ўлим) келгандан сўнгра сизга ҳеч қандай ёрдам берилмайди.

وَأْتَبِعُوا أَحْسَنَ مَا أُنزِلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ بَعَثَةً  
وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٥٥﴾

**55. Сизга ўзингиз сезмаган ҳолда тўсатдан азоб келиб қолишидан олдин Роббингиздан сизга туширилган энг гўзал нарсага эргашинг.**

Эй одамлар, фурсат борида ўзингизни ўнглаб олинг. Эсингиз-

ни йиғиб олинг. Турли-туман бўлмағур тузум ва таълимотларга эргашиб залолатга кетманг.

**«Сизга ўзингиз сезмаган ҳолда тўсатдан азоб келиб қолишидан олдин...»**

Тўсатдан, сездирмай келиб қоладиган ўлим бошингизга етмасидан олдин...

**«...Роббингиздан сизга туширилган энг гўзал нарсага эргашинг.»**

Аллоҳ таоло сизни икки дунё саодатига эриштириш учун туширган Қуръони Каримга эргашинг. Қуръон Аллоҳ бандаларига туширган илоҳий китобларнинг энг гўзалидир. Ушбу энг гўзал нарсага эргашмай, нимага эргашасиз?!

أَنْ تَقُولَ نَفْسٌ بِحَسْرَتٍ عَلَى مَا فَرَّطْتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ وَإِنْ كُنْتُ لَمِنَ السَّادِرِينَ ﴿٥٦﴾ أَوْ تَقُولَ لَوْ أَنَّ اللَّهَ هَدَانِي لَكُنْتُ مِنَ الْمُتَّقِينَ ﴿٥٧﴾ أَوْ تَقُولَ حِينَ تَرَى الْعَذَابَ لَوْ أَنَّ لِي كَرَّةً فَأَكُونَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٨﴾

**56. Жон:** «Аллоҳ ҳақида йўл қўйган камчиликларим учун надомат бўлсин. Тўғриси, мен масхара қилгувчилардан бўлган эдим», демасидан олдин...

**57. Ёки:** «Агар Аллоҳ мени ҳидоят қилганида, албатта, тақводорлардан бўлар эдим», демасидан олдин...

**58. Ёки азобни кўрган чоғида:** «Агар менга яна бир марта ортга (дунёга) қайтиш бўлганида, гўзал амал қилгувчилардан бўлар эдим», демасидан олдин...

Аллоҳга тавба қилинг, унга бутунлай таслим бўлинг ва Қуръонга эргашинг. Ҳа, фурсат борида тавба қилиб, Аллоҳга қайтинг. Тўла-тўқис мусулмон бўлиб, Қуръонни ҳаётингизнинг барча соҳаларига татбиқ қилинг. Яна, эртага бошингизга азоб келганида:

**«Аллоҳ ҳақида йўл қўйган камчиликларим учун надомат бўлсин»,** деб қолманг.

Аллоҳнинг ваҳдониятига ишонмай, Унга куфр ва ширк келтириб юрганингизга афсус чекиб қолманг. Аллоҳнинг динига юрмай, Унинг шариатига амал қилмай юрганингизга пушаймон еб қолманг.

**«Тўғриси, мен масхара қилгувчилардан бўлган эдим»,** демасингиздан олдин тавба қилиб, мусулмон бўлиб, Қуръонга эргашинг. Яна, эртага бошингизга азоб келганида, тўғрисини эътироф этай, мен «вақтида тавба қилгин» деганларни масхаралаган эдим,

деб қолманг. Тўғриси яна эътироф қилай, мен «Қуръонга эргаш» деганларни масхара қилувдим, деб қолманг.

Ҳа, фурсат борида тавба қилиб, Аллоҳга қайтинг. Тўла-тўқис мусулмон бўлиб, Қуръонни ҳаётингизнинг барча соҳаларига татбиқ қилинг. Яна, эртага бошингизга азоб келганида:

**«Агар Аллоҳ мени ҳидоят қилганида, албатта, тақводорлардан бўлар эдим»,** деб надомат қилиб қолманг.

Аллоҳ кўрсатган ҳидоятга юрмаганингиз учун ўзингизни ўзингиз койиб юрманг. У вақтда қилган надоматингиз, ўзингизни ўзингиз койишингиз ҳеч фойда бермайди.

Ҳа, фурсат борида тавба қилиб, Аллоҳга қайтинг, тўла-тўқис мусулмон бўлинг. Яна, эртага:

**«Азобни кўрган чоғида: «Агар менга яна бир марта ортга (дунёга) қайтиш бўлганида, гўзал амал қилгувчилардан бўлар эдим»,** деб афсус чекиб юрманг. Охират азобини, ўлим талвасасини кўргандан кейинги надоматлар фойда бермайди. Ҳақ қалом етиши билан дарҳол тавба қилиш, Аллоҳга тўла-тўқис таслим бўлиш ва Қуръонга эргашинг керак.

Фурсат ўтганидан кейин надомат қилганларга Аллоҳ таоло:

بَلَىٰ قَدْ جَاءَ تَايَٰةٌ لِّكَذَّبْتَ بِهَا وَاسْتَكْبَرْتَ وَكُنْتَ مِنَ الْكٰفِرِيْنَ ﴿٥٩﴾

**59. «Йўқ! Батаҳқиқ, сенга Менинг оятларим келди. Бас, сен уларни ёлғонга чиқардинг, мутакаббирлик қилдинг ва кофирлардан бўлдинг!»** дер.

Эй, кофир! Эй, мушрик! Эй, осий!

**«Йўқ!»**

Айтаётган гапларинг ҳаммаси ёлғон. Сен азобни кўрганингдан сўнг ноилож қолиб, дўшнинг тор келганидан айтмоқдасан бу гапларни. Агар сенинг ниятинг тўғри бўлса, у дунёда яхши ишларни қилишинг мумкин эди. Сенга қулай фурсат берилган эди. Ўйлаб кўр. У дунёда:

**«Батаҳқиқ, сенга Менинг оятларим келди.»**

Сен уларни эшитдинг. Уларнинг хабари сенга етди. Сен уларга иймон келтириб, амал қилишинг керак эди.

**«Бас, сен уларни ёлғонга чиқардинг...»**

Бу оятлар ёлғон, деддинг. Уларга ишонмадинг. Уларга иймон келтиришдан:

**«...мутакаббирлик қилдинг ва кофирлардан бўлдинг!»**

Шунинг учун, ҳозирги надоматингга ишонилмайди. Сен ортга ҳам қайтарилмайсан. Албатта, жазоингни оласан.

Шу ўринда ҳар бир инсон учун қиёмат куни манзаралари васф этилади:

وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ تَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى  
لِّلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٦٠﴾

**60. Қиёмат куни Аллоҳга нисбатан ёлғон сўзлаганларни кўрсанг, юзлари қоп-қорадир. Ёки мутакаббирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!**

Бу дунёда Аллоҳ таоло ҳақида ёлғон гапларни гапириб, У зотни йўқ деб, шериги бор деб, турли нолайиқ сифатлар билан сифатлаб, тавҳидини инкор қилиб юрган кимсаларнинг ҳолини қиёмат куни бир кўрсанг эди! Ўзлари йўлиққан азобларнинг кўплиги ва шиддатидан уларнинг «юзлари қоп-қора» бўлади.

Ҳа, азобнинг кучидан, жаҳаннам оловининг шиддатидан ва халойиқ олдидаги шармандалиқдан юзлари қоп-қорайиб кетади. Бундай ҳолга тушишларига ўзлари сабабчидирлар. Улар ёруғ дунёда иймонга келмадилар, Қуръонга эргашишдан бош тортдилар.

**«Ёки мутакаббирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!»**

Албатта, уларнинг жойи жаҳаннамдадир!

Ўша даҳшатли кунда Аллоҳ таоло тақводорларга нисбатан тамоман бошқача муносабатда бўлади:

وَيُنَجِّي اللَّهُ الَّذِينَ اتَّقَوْا بِمَفَازَتِهِمْ لَا يَمَسُّهُمُ السُّوءُ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦١﴾

**61. Аллоҳ тақво қилганларга ютуқлари туфайли нажот берур. Уларга ёмонлик етмас ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Қиёмат кунида Аллоҳ таоло бу дунёдан тақво билан ўтган бандаларига иймон ва Ислом йўлидаги ютуқлари туфайли нажот беради. Турли ноқулайликлардан сақлайди.

У кунда:

**«Уларга ёмонлик етмас...»**

Фақат яхшилик, мукофот ва хурсандчиликлар етар.

**«...ва улар хафа ҳам бўлмаслар.»**

Жаннатга, Аллоҳнинг розилигига эришганлар ҳеч қачон хафа бўлмайди. Бу ишларнинг бўлиши аниқ. Чунки:

اللَّهُ خَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴿٦٢﴾

**62. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир. Ва У ҳар бир нарсага вакилдир.**

Дунёда нимаики нарса бор бўлса – ҳамма-ҳаммасини ёлғиз Аллоҳ таоло яратган. Ундан бошқа ҳеч бир яратувчи йўқ, Шунинг учун, дунёдаги ҳамма ишлар, жумладан, охират ишлари ҳам ёлғиз Унинг ихтиёридадир.

**«Ва У ҳар бир нарсага вакилдир.»**

Ҳар бир нарсанинг тадбирини фақат У зотнинг ёлғиз Ўзи қилади. Бу иш ҳам Аллоҳнинг тавҳидига ёрқин далилдир.

لَهُمْ مَقَالِيدُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ أُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ

**63. Осмонлару ернинг калитлари Унгагина хосдир. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлар, ана ўшалар зиёнкорлардир.**

Аллоҳ таоло осмонлару ерда хоҳлаган ишини қилади. Осмонлару ер фақат Аллоҳ таологагина бўйсунди. Ундан бошқа ҳеч бир зот бу ишга аралаша олмайди.

Чунки:

**«Осмонлару ернинг калитлари Унгагина хосдир.»**

Ана ўша хослик ила Аллоҳ нимани хоҳласа, қилади. Жумладан, қиёматни қоим этиб, кофир ва мушрикларни жазолаб, мўминларни мукофотлайди.

**«Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлар, ана ўшалар зиёнкорлардир.»**

Улар, аввало, бу дунёда, қолаверса, у дунёда зиёнкор бўладилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг таклифига биноан уларнинг сохта худоларига ибодат қилсинларми?!

Қуйидаги оятда Аллоҳ таоло шу маънода мушрикларга савол беришни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга топширмақда:

قُلْ أَفَعَبَّرَ اللَّهُ تَأْمُرُونَ بِأَعْبَادِهَا الْجَاهِلُونَ

**64. Сен: «Эй, жоҳиллар! Мени Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишимга буюрурмисиз?!» – деб айт.**

Дарҳақиқат, мушриклар шундай таклифни қилганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, биз ҳам сенинг худоингга ибодат қилайлик, сен ҳам бизнинг худоларимизга ибодат қил, деган гапни айтганлар. Бу ояти карима ўша таклифга жавоб ўлароқ нозил бўлган.

Келгуси икки оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бевосита хитоб қилиниб, фақат ёлғиз Аллоҳнинг тавҳидига, ёлғиз Ўзига ибодат этишга чақирилади:

وَلَقَدْ أَوْحَىٰ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكَتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿١٦﴾  
 بَلِ اللَّهُ فَاعْبُدْ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴿١٧﴾

**65. Батаҳқиқ, сенга ва сендан олдин ўтганларга ҳам: «Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур ва, албатта, зиёнкорлардан бўлурсан.**

**66. Йўқ! Аллоҳгагина ибодат қил ва шукр этгувчилардан бўл!» – деб ваҳий қилинган.**

Мушрикларнинг гаплари мутлақо ноўрин эди. Дунё вужудга келтирилганидан буён қуруқ сафсата гап эди. Борлиқнинг ягона яратувчиси Аллоҳ таоло бандаларини доимо тавҳидга, ёлғиз Ўзигагина ибодат қилишга, ширкдан қочишга буюрган. Аллоҳ таоло отамиз Одам алайҳиссаломдан бошлаб ҳамма Пайғамбарларини доимо ширкдан қайтариб келган. Ушбу икки оятда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, ўша ҳақиқатни эслатмоқда.

**«Батаҳқиқ, сенга ва сендан олдин ўтганларга ҳам...»**

Эй Муҳаммад, сенга ҳам, шунингдек, сендан олдин ўтган барча Пайғамбарларга ҳам:

**«...Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур...»** деб ваҳий қилинган.

Агар, мабодо, фаразан, ширк келтирадиган бўлсанг, кимлигингдан қатъиназар, жамийки амалинг беҳуда кетади, номаи аъмолингдан ҳеч қандай яхшилик қолмайди, деб ваҳий қилинган.

**«...ва албатта зиёнкорлардан бўлурсан.»**

Албатта, Аллоҳга ширк келтирган кимса зиёнкор бўлади.

**«Йўқ!»**

Мушрикларнинг таклифига ҳеч кўнма! Уларнинг сохта худоларига зинҳор ибодат қилма.

**«Аллоҳгагина ибодат қил...»**

Аллоҳ таолонинг тавҳидига маҳкам бўл:

**«...ва шукр қилгувчилардан бўл!» – деб ваҳий қилинган».**

Аллоҳ таолога шукр қилувчи бандалардан бўл. Аллоҳга шукр этувчи бўлишнинг боши Аллоҳнинг тавҳидига амал қилиш ва Унга ширк келтирмаслиқдир.

Аллоҳга ширк келтирганлар эса, катта хатога йўл қўйдилар:

وَمَا قَدَرُوا اللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِ وَالْأَرْضُ جَمِيعًا قَبْضَتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَالسَّمَاوَاتُ  
مَطْوِيَّاتٌ بِيَمِينِهِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٧﴾

**67. Улар Аллоҳнинг қадрини тўғри тақдирламадилар. Ҳолбуки, ер борлигича Унинг сиқимидадир. Осмонлар эса, Унинг қудрат қўлига йиғилгандир. У зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва юксақдир.**

Бу дунёда Аллоҳга ширк келтирганлар Аллоҳ таолонинг қандай зот эканини тушуниб етмадилар. Улар Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига ибодат қилмаётганлари, Унга ширк келтираётганлари шунга далолатдир. Улар Аллоҳнинг ваҳдониятини ҳам, Аллоҳнинг улуғлигини ҳам идрок қилмадилар. Улар Аллоҳнинг ҳар бир нарсага қодирлигини англамадилар. Агар шу маъноларни идрок қилганларида, Унга ширк келтирмас эдилар.

**«Ҳолбуки, ер борлигича Унинг сиқимидадир.»**

Одатда, бир қўлнинг кафти билан тўплаб ушлашга «сиқим» дейилади. Аммо, Аллоҳ таолонинг васфини одамга хос сифатларга ўхшатиш асло мумкин эмас. Чунки, Аллоҳ таоло ўхшатиш йўқ зотдир. Шунинг учун ҳам, салафи солиҳ уламоларимиз, Аллоҳ таолонинг Китобдаги васфлари тиловат қилинади, аммо шарҳланмайди, деганлар.

Бундай васфлар Аллоҳ таолонинг қудратини инсон тасаввур этиши учун келтирилган.

**«Осмонлар эса, Унинг қудрат қўлига йиғилгандир.»**

Осмонлар шунчалик чексиз, улкан ва мустаҳкам бўлишига қарамай, Аллоҳ таолонинг қудрати қаршисида ҳеч нарса эмас.

**«У зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва юксақдир.»**

Аллоҳ таоло мушриклар Унга шерик худо деб келтираётган барча нарсалардан покдир, У зотнинг ҳеч бир шериги йўқ. Аллоҳ таоло мушриклар Унга шерик худо деб келтираётган барча нарсалардан юксақдир, Унга ҳеч бир нарса тенглаша олмайди.

Шундай қудратли зотнинг қиёматни қоим қилиши ва у кундаги тасарруфлари эндиги оятда баён этилади:

وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ  
أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ ﴿٦٨﴾

**68. Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, қулаб ўлди. Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди. Сўнгра унга яна бир бор пуфланди. Бас, тўсатдан улар туриб интизор бўлурлар.**

Қиёматни қоим қилиш Аллоҳ таоло учун қийин иш эмас. У зотнинг Ўзи бунга бевосита аралашиб юрмайди ҳам. Фақат иродаси кетса, бўлди.

**«Ва сурга пуфланди.»**

Сур — пуфланса овоз чиқарадиган асбоблиги маълум. Унга фа-ришта Исрофил алайҳиссалом Аллоҳнинг амри ила пуфлайди. Қиёмат қоим бўлиши учун аввало сурга бир марта пуфланади. Мана, Аллоҳнинг иродаси кетди.

**«Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, қулаб ўлди.»**

Буниси биринчи пуфлаш бўлиб, «саъқ пуфлаши» дейилади. «Саъқ» чақмоқ уриб, йиқилиб ўлганга нисбатан айтилади. Демак, сурга биринчи бор пуфланганда осмонлару ердаги барча жонзотлар чақмоқ ургандай бирдан йиқилиб ўладилар. Шунинг учун ҳам, бу пуфлаш «саъқ» — «йиқилиб ўлиш» пуфлаши, дейилади.

**«Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди.»**

Аллоҳнинг хоҳиши ҳамма нарсадан устун, шунинг учун, у зот хоҳласа, баъзи жонзотлар саъқ пуфлашидан кейин ҳам тирик қолади.

**«Сўнгра унга яна бир бор пуфланди.»**

Яъни, Исрофил алайҳиссалом томонидан сурга иккинчи бор пуфланди.

**«Бас, тўсатдан улар туриб интизор бўлурлар.»**

Яъни, барча халойиқ тирилиб, ўринларидан туриб, бундан кейин нима бўлишини интизор бўлиб кутадилар. Шунинг учун ҳам, иккинчи пуфлаш «туриш пуфлаши» деб номланади.

وَأَشْرَقَتِ الْأَرْضُ بِنُورِ رَبِّهَا وَوُضِعَ الْكِتَابُ وَجِئَءَ بِالنَّبِيِّنَ وَالشَّهَدَاءِ وَقُضِيَ بَيْنَهُم  
بِالْحَقِّ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٩﴾

**69. Ва ер Робби нури ила ёришди. Китоб қўйилди. Пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди. Улар орасида ҳақ ила ҳукм чиқарилди. Уларга зулм қилинмади.**

Бу ояти каримада қиёмат куни ҳодисаларининг васфи давом этмоқда. Иккинчи пуфлашдан кейин барча халойиқ қабридан дарҳол туриб, нима бўлишини кутаётган эди. Энди сурга учинчи марта пуфланади. Бу пуфлашга «ҳашр (жамлаш) пуфлаши» дейилади. Чунки, бу пуфлашдан кейин ҳамма ҳашр майдонига йиғилади. Ана ўшанда бандалар орасида ажрим чиқариш учун Аллоҳ таоло тажаллий қилади.

**«Ва ер Робби нури ила ёришди.»**

Яъни, маҳшар майдони Аллоҳнинг нури ила ёп-ёруғ бўлди. У



кунда фақат Аллоҳнинг нури бўлади. Энди ҳамма нарса ҳисоб-китобга тайёр ҳам бўлди.

**«Китоб қўйилди.»**

Бандаларнинг номаи аъмоллари—бу дунёда қилган амаллари фаришталар томонидан ёзиб юрилган китоб ўртага қўйилди.

**«Пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди.»**

Ҳар бир банданинг ҳар бир иши ўз лаҳзасида ёзилганига қарамай, яна ҳам таъкидлаш учун ва умматларга Аллоҳнинг амрини етказганликларини айтиш учун Пайғамбарлар келтирилдилар. Ҳар бир жоннинг ишларига гувоҳ бўлганлар, хусусан, бу дунёда унга бириктирилган фаришталар ҳам келтирилади. Демак, ўта аниқлик билан ҳукм чиқарилишида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

**«Улар орасида ҳақ ила ҳукм чиқарилди.»**

Бандалар орасида ҳақ—адолат ила ҳукм чиқарилди.

**«Уларга зулм қилинмади.»**

Ҳеч кимга амалидан ортиқча ёки кам жазо берилмади.



**70. Ва ҳар бир жонга қилган амали (жазо ёки мукофоти) тўлиқ берилди. У зот улар қилаётган ишларни ўта яхши билгувчидир.**

Қиёматдаги ҳисоб-китоб ўта аниқлик билан амалга оширилди. Аввало, бу дунёда қилган ишлари ўта аниқлик билан ёзиб юрилган номаи аъмол китоблари олиб келинди. Аниқ ҳукм чиқариш учун шунинг ўзи етар эди. Аммо Пайғамбарлар ҳам гувоҳликка келтирилдилар. Улар кишиларга Аллоҳнинг амрини, таълимотини, ваҳийини, китоби ва аҳкомларини қандай етказганлари ҳақида гувоҳлик бердилар. Ҳеч ким, мен билмай қолибман, дин ҳақида, шариат ҳақида тириклик чоғимда хабар эшитмаган эдим, дея олмайдиган бўлди.

Шунингдек, гувоҳлар ҳам келтирилди. Улар банда қачон, қаерда, қай тарзда нима қилган бўлса, очиқ-ойдин гувоҳлик бердилар. Ана ўшалар асосида:

**«Ва ҳар бир жонга қилган амали (жазо ёки мукофоти) тўлиқ берилди.»**

Зарра миқдорича ҳам камайтирилмади.

**«У зот улар қилаётган ишларни ўта яхши билгувчидир.»**

Юқорида айтилган ҳужжат-далил ва гувоҳлар устига энг катта ҳужжат шуки, Аллоҳ таолонинг Ўзи бандаларининг қилаётган ишларини жуда ҳам яхши билгувчи зотдир.

Ана энди маҳшарда ҳисоб-китоб тугади. Ҳар кимга амалига яраша жазо ёки мукофот тайинланди.

وَسِيقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُرًّا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا فَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ رَسُلٌ مِنْكُمْ يَتْلُونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِ رَبِّكُمْ وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا قَالُوا بَلَىٰ وَلَكِنْ حَقَّتْ كَلِمَةُ الْعَذَابِ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٧١﴾

**71. Ва куфр келтирганлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдалди. Токи унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ўзингиздан бўлган Пайғамбарлар келиб, Роббингиз оятларини тиловат қилиб бермадиларми? Сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиздан огоҳлантирмадиларми?!» – дедилар. Улар: «Ҳа! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», дедилар.**

Ажойиб бир манзара. Ҳукм чиққанидан кейин кофирлар жамланиб жаҳаннам томон ҳайдаб кетилдилар. Ҳамма ёқ жим-жит. Кофирлар жаҳаннамга етиб келган пайтида ҳеч қандай шовқин-суронсиз унинг эшиклари очилди. Ҳамма даҳшатда. Жаҳаннам нелигини ва у ерда нималарга дучор бўлишларини ҳам билдилар. Шунинг учун ҳам, бошларини эгиб, паришон ҳолда кетмоқдалар. Шунда, бирдан, уларга жаҳаннамнинг қўриқчилиги вазифасини адо этувчи фаришталар қуйидаги саволни берадилар:

**«Сизларга ўзингиздан бўлган Пайғамбарлар келиб, Роббингиз оятларини тиловат қилиб бермадиларми?»**

Эй, шўри қуриганлар, нимага бу томон келяпсизлар?! Нима бўлди сизларга?! Нима, у дунёда сизларга ўзингиздан бўлган, оддий инсон Пайғамбарлар келмадими?! Улар сизларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб бермадими?! Ахир, Пайғамбарлар сизни бундан огоҳлантирган бўлишлари керак-ку!!! Улар сизга бу ҳақдаги оятларни тиловат қилиб берган бўлишлари керак-ку!!! Ёки, улар:

**«Сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиздан огоҳлантирмадиларми?!» – дедилар».**

Кофирлар нима ҳам жавоб қила олардилар. Кўп гапира ҳам олмайдилар.

**«Улар: «Ҳа! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», дедилар.»**

«Ҳа», ўзимиздан бўлган Пайғамбарлар бизга келган, улар бизга Роббимизнинг оятларини тиловат қилиб берган ва у куннинг даҳшатида огоҳлантирган эдилар, демоқчилар. Лекин тўлиқ айта олмайдилар. «Ҳа», деб қўйишга зўрға ярайдилар. Ортидан эса, тан олиб:

«Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», деб ўзларининг кофирликларини эътироф этадилар. Шунда уларга:

قِيلَ ادْخُلُوا ابْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا فَبئسَ مَوَٰى الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٦﴾

**72. «Жаҳаннам эшикларидан унда абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда кириг», дейилди. Бас, мутакаббирларнинг жойи қандай ҳам ёмон бўлди.**

Ҳалиги жаҳаннам қўриқчилари билан бўлган савол-жавобдан кейин кофирларга:

**«Жаҳаннам эшикларидан унда абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда кириг», дейилди».**

Айни чоғда уларга жаҳаннамда абадий қолишлари ҳам айтиб қўйилди. Жаҳаннам бу дунёда иймонга киришдан бош тортиб, кофир бўлиб ўтган мутакаббирларга жой бўлди.

**«Бас, мутакаббирларнинг жойи қандай ҳам ёмон бўлди.»**

Жаҳаннамга ҳукм қилинганларнинг ҳоли шундай бўлди. Энди эса, жаннатга ҳукм этилганларнинг ҳоли васф қилинади:

وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلِّمُوا عَلَيْكُمْ رَبِّكُمْ طِبْتُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ ﴿٧٧﴾ وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقَنَا وَعْدَهُ وَأَوْرَثَنَا الْأَرْضَ نَتَّبِعُوهُ مِنَ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ فَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ ﴿٧٨﴾

**73. Ва Роббиларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар. Токи унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда кириг», дедилар.**

**74. Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Энди ундан хоҳлаган жойимизни оламиз», дедилар. Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши бўлди!**

Бу ҳолат жаҳаннам аҳлининг ҳолатидан тамоман бошқача. Ҳамма томонда хурсандлик, ҳамма томонда шоду хуррамлик барқ уриб туради. Қўриқчиларнинг гапи ҳам салом, табрик ва башоратдан иборат. Жаннат аҳлининг гапида ҳам Аллоҳ таолога ҳамду сано, хурсандлик бор. Нақадар яхши ҳолат! Нақадар гўзал жой! Нақадар яхши муқофот!

**«Ва Роббиларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар.»**

Мазкур саодатманд бандаларнинг жаннатий бўлишларининг асосий боиси Роббиларига тақво қилганлари экан. Ана ўша тақво сифатига эга бўлганлари учун ҳам, қиёмат куни уларни гуруҳ-гуруҳ қилиб жаннатга олиб борилар экан. Шунинг ўзидан тақводорлик қанчалар зарур нарса эканини тушуниб олишимиз керак бўлади.

Ана, жаннатга киришларига ҳукм чиққан хушбахт бандаларни жаннатга олиб келинди. Уларнинг бутун вужудларидан қувонч ёғилиб турибди. Мана, орзиқиб кутилган жаннат эшиги ҳам кўринди. Жаннатийларнинг шавқу завқлари яна ҳам зиёда бўлиб унинг эшиклари томон йўлландилар.

**«Токи унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда киринг», дедилар.»**

Жаннатнинг эшик оғаси бўлган фаришталар Роббиларига тақво қилган бандаларни табрик сўзлари билан:

**«Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз!»**—деб кутиб олдилар. Сўнгра жаннатийларнинг кўнгилларини яна ҳам тўқ қилиш учун:

**«Бас, унга абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда киринг», дедилар».**

Ҳа, жаннатга доимий қолиш учун, унинг нозу неъматларидан доимий лаззатланиш учун киринглар, дедилар.

Жаннатийлар жаннат эшик оғаларининг буңдоқ илтифотларига ўзларига хос муомала ила жавоб илтифоти кўрсатдилар:

**«Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».**

Оҳ! Бу нақадар юксак одоб. Ўзини билиш, Роббисини таниш қандоқ ҳам яхши. Жаннатий бандалар, ўзларига берилган олий мақом ва доимий саодат хабарини эшитишлари билан, дарҳол, Ўз Роббиларига, уларга берган ваъдасига амал қилиб уларни жаннатга киритган Аллоҳга ҳамд айтмоқдалар!

Улар Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини яхши биладилар. Шунинг учун, жаннатга кирмасларидан аввал Аллоҳнинг ваъдасига биноан ундан қандоқ жой олишларини билиб,

**«Энди ундан хоҳлаган жойимизни оламиз», дедилар».**

Ана, кўрдингизми, бу қандоқ ҳам яхши! Қандоқ ҳам гўзал!

**«Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши бўлди!»**

Ва ниҳоят, «Зумар» сурасининг охирги оятида қиёмат саҳна-сига якун ясалади.

وَتَرَى الْمَلَائِكَةَ حَافِيَةً مِنْ حَوْلِ الْعَرْشِ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَقُضِيَ بَيْنَهُم بِالْحَقِّ وَقِيلَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٧٥﴾

**75. Ва фаришталарни Аршни ўраб олиб Роббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтаётган ҳолда кўрурсан. Улар орасида ҳақ ила ҳукм қилинди ва: «Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!» – дейилди.**

Ўша ишлар бўлган қиёмат кунида фаришталар Аршни ўраб олиб, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, уни барча айблардан поклаб ёдга олиб турадилар. Ўшанда:

**«Улар орасида ҳақ ила ҳукм қилинди...»**

Яъни, бандалар орасида адолат ила ҳукм қилинди

**«...ва: «Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!» – дейилди.»**

Бу ҳамду санони бутун оламлар, бутун борлиқ бир овоздан айтди. Бу ҳол ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир.

Оламларнинг Робби Аллоҳга, унинг ёлғиз ўзига битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!



## ҒОФИР СУРАСИ

*Мақкада нозил бўлган. 85 оятдан иборат.*

«Ғофир» сўзи кечирувчи, гуноҳларни мағфират қилувчи маъноларини англатади. «Ғофир» Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири бўлиб, суранинг аввалида зикр қилингани учун унга ном бўлиб қолган.

Бу сураи карима «Мўмин» сураси деб ҳам аталади. Бу ном йигирма саккизинчи оятидаги «Фиръавн аҳлидан бўлган мўмин киши...» жумласидан олингандир.

Сураи кариманинг асосий мавзуи иймон билан куфр, ҳақ билан ботил орасидаги курашни васф этишдан иборатдир. Унда ҳақ йўлидаги даъватга қарши турган унсурлар фош қилинади. Тугёнга кетганларнинг оқибати кўрсатилади.

«Ғофир» сурасининг аввалида Аллоҳ таолонинг баркамол сифатлари, Унинг қудратига далолат қилувчи оят-белгилар баён этилади. Кейин эса, кофирларнинг бу оят-белгиларга қарши тортишувлари, баҳслари ҳақида хабар берилади.

Сўнгра, ўтган қавмлардан куфр йўлини тутганлари қандай ҳалокатларга учраганлари ҳикоя қилинади.

Даҳшатли ва қўрқинчли бир ҳолатда Аршни кўтариб турувчиларнинг қандай илтижо қилиши сўзланади.

Шунингдек, қиёмат кунисидаги турли манзаралар, у куннинг даҳшатлари ҳам тасвирланади. Ҳисоб-китоб учун Роббул оламийнинг ҳузурида халойиқнинг қўрқиб туришлари, ҳамма-ҳамманинг амалига яраша жазо ёки мукофот олиши васф қилинади.

Кейин иймон ва тугён қиссаси бошланади. Бу қиссада иймоннинг тимсоли ўлароқ Мусо алайҳиссалом, тугённинг тимсоли ўлароқ Фиръавн тасвирланади.

Шунингдек, сурада Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далолат қилувчи борлиқдаги баъзи мавжудотлар ҳам зикр этилади. Мўмин билан кофирнинг орасидаги фарққа мисол келтирилади.

Ниҳоят, «Ғофир» сурасининг охирида кофирлар ва тугёнга кетганларнинг оқибати нима бўлиши баён қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



### 1. Ҳаа. Мийм.

Сура кесилган ҳарфлар «ҳа» ва «мим» билан бошланмоқда. Бундай ҳарфлар ҳақида аввалги суралар тафсирида батафсил сўз юритилган.

Етти сура «Ҳаа. Мийм» билан бошланади. «Ғофир» сураси уларнинг биринчисидир. Ўша етти сурадан бирида «Ҳаа. Мийм»-дан кейин «айн, син, қоф» ҳам зикр этилади.

تَنْزِيلُ الْكِتَابِ مِنَ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ

### 2. Бу китобнинг нозил қилиниши азийзу ўта илмли Аллоҳ томонидандир.

Яъни, Қуръон азийз – ҳаммадан устун, ғолиб бўлган, ҳеч кимдан мағлуб бўлмаган Аллоҳ нозил қилган китобдир. Айни пайтда, Қуръон ўта илмли зот бўлмиш Аллоҳ нозил қилган китобдир.

غَافِرِ الذَّنْبِ وَقَابِلِ التَّوْبِ شَدِيدِ الْعِقَابِ ذِي الطَّوْلِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ إِلَهٌ مَّصِيرٌ

### 3. У гуноҳни мағфират қилгувчи, тавбани қабул этгувчи, иқоби шиддатли ва фазлу карам соҳиби бўлган зотдир. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Қайтиш Унинг Ўзигагинадир.

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг тўртта сифати зикр қилинмоқда.

#### 1. «Гуноҳни мағфират қилгувчи.»

Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина бандаларнинг гуноҳини кечирувчи зотдир. Ундан ўзга ҳеч ким бу ишни қила олмайди.

#### 2. «Тавбани қабул этгувчи.»

Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина бандаларнинг тавбасини қабул қилувчи зотдир. Ундан ўзга ҳеч ким бу ишни қила олмайди. Тавбани қабул қилишга воситачи ҳам бўла олмайди.

#### 3. «Иқоби шиддатли.»

Аллоҳ кофир, мушрик, мунофиқ ва осий бандаларга нисбатан иқоби шиддатли зотдир. Уларни иқоб қилувчи ҳам Аллоҳнинг ягона Ўзидир.

#### 4. «Фазлу карам соҳиби.»

Аллоҳ таоло Ўз фазлу карами ила бандаларига инъом этгувчи, уларнинг яхши амаллари учун савобларни кўпайтириб берувчи зотдир.

Ушбу сифатларни ўзида жамлаган зот, албатта, ибодат қилишга сазовордир. Ҳа,

#### «Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ».

Шунинг учун ҳам, бутун халойиқ фақат Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигагина ибодат қилмоғи лозим. Бунинг устига:

#### «Қайтиш Унинг Ўзигагинадир».

Қиёмат куни барча фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина қайтиб борур. Бу ҳам фақат Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишни, Унагина бўйсунитишни, фақат Унинг таълимотлари остида яшашни, фақат Унинг розилиги учунгина ҳаракат қилишни ва фақат Унга бутунлай таслим бўлишни тақозо этади.

مَا يُجَادِلُ فِي آيَاتِ اللَّهِ إِلَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَا يَغْرُرُكَ تَقَلُّبُهُمْ فِي الْبِلَادِ

**4. Аллоҳнинг оятлари ҳақида фақатгина куфр келтирганлар талашиб-тортишурлар. Бас, уларнинг юртларда айланиб юришлари сени алдаб қўймасин.**

Аллоҳнинг бандаларни ҳидоятга бошлаш, уларга ҳам бу дунёнинг, ҳам у дунёнинг саодатига эришиш йўлини кўрсатиш учун туширган оятлари очиқ-ойдин, аниқ-равшандир. Уларнинг талашиб-тортишиб ўтирадиган жойи йўқ. Бахтли бандалар ўша оятларни очиқ чеҳра, кенг қалб ила хурсанд бўлиб кутиб оладилар. Уларга амал қиладилар. Уларни нозил этган Аллоҳ таолога шукр айтадилар.

Аллоҳнинг оятлари ҳақида фақатгина бир тоифа – кофирлар тоифасигина талашиб-тортишадилар: турли бўлмағур гап-сўз ёядилар, шак-шубҳага борадилар, ўзларининг ўй-фикрларни ўртага тиқиштирадилар. Борлиқдаги бутун мавжудот ичидан фақат кофирларгина шунақа қиладилар.

**«Бас, уларнинг юртларда айланиб юришлари сени алдаб қўймасин.»**

Кофирлар Аллоҳ таоло нозил қилган оятларни инкор этсалар ҳам, улар ҳақида талашиб-тортишсалар ҳам, Аллоҳ Ўзи билган ҳикмат юзасидан уларнинг ер юзида, турли юрт-диёрларда яшаб юришларига имкон беради. Кофирлар турли мартабаларга, имко-



ниятларга, молу мулкка, ҳукм ва султонга, яна бошқа нарсаларга эга бўлишлари ҳам мумкин. Лекин бу ҳоллар мўмин кишини алдаб қўймаслиги керак. Мўминнинг хаёлида «Нима учун, улар кофир бўлсалар ҳам, Аллоҳнинг оятларини инкор этиб, куфр келтирсалар ҳам, ҳеч нарса қилмагандек бемалол юраверадилар?» — деган ўй-фикрлар уйғонмаслиги лозим. У ўша кофирларнинг бу дунё ҳаёти матоҳларидан баҳраманд бўлаётганига алданиб қолмаслиги керак.

Унутилмасинки, Аллоҳнинг оятларини инкор этиб, талашиб-тортишганлар фақат булар эмас. Олдин ҳам қанчадан-қанча кофирлар ўтган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади:

كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَالْأَحْزَابُ مِنْ بَعْدِهِمْ وَهَمَّتْ كُلُّ أُمَّةٍ بِرَسُولِهِمْ لِيَأْخُذُوهُ وَجَدُوا بِإِبْرَاهِيمَ لِيُدْخِلَهُنَّ الْحَقَّ فَأَخَذْتُهُمْ فَكَيْفَ كَانَ عِقَابِ ﴿١٠٦﴾

**5. Улардан олдин Нух қавми ва улар кетидан келган фирқалар ҳам ёлғончи қилган эдилар. Ҳар уммат ўз Пайғамбарини тутишга қасд қилди ва ҳақни йўқотиш учун ботил ила мужодала этди. Бас, Мен уларни тутдим. Бас, Менинг иқобим қандай бўлди!**

Яъни, Макка кофирларидан олдин ҳам Нух қавми ва у қавмдан кейин келган бир қанча фирқалар ўз Пайғамбарларини ёлғончи қилган эдилар. Ҳа,

**«Улардан олдин Нух қавми ва улар кетидан келган фирқалар ҳам ёлғончи қилган эдилар».**

Ҳозирги кофирларга ўхшаб, Аллоҳ юборган Пайғамбарларни тан олмаган эдилар. Ул кофирлар фақатгина Пайғамбарларни ёлғончи қилиш билан чекланиб қолганлари йўқ, балки, ундан бадтар ишларни ҳам қилганлар. Ҳатто

**«Ҳар уммат ўз Пайғамбарини тутишга қасд қилди...»**

Ана ўша ўтган умматлардан ҳар бири ўз Пайғамбарини тутиб, ўлдирмоқни қасд қилди. Суиқасд кофирларнинг қадимий одати. Шунинг учун, ҳозиргиларининг қилмишидан ажабланмаслик керак.

**«...ва ҳақни йўқотиш учун ботил ила мужодала этди.»**

Қадимдан ҳар бир умматнинг кофирлари Пайғамбарлар олиб келган ҳақни йўқотиш учун ботилни ишга солиб, қаршилиқ кўрсатган. Иймонга куфр ила қарши чиққан. Пайғамбарлар келтирган шариатларини ширк билан қарши олган. Аллоҳнинг шариатига ўзларининг турли-туман урф-одатлари, ясама қонун-қоидаларини қарши қўйган. Лекин ҳаммасининг оқибати расво бўлди.

**«Бас, Мен уларни тутдим.»**

Бас, Мен уларнинг ҳаммасини Ўз иқобим ила тутдим, ҳалок қилдим.

**«Бас, Менинг иқобим қандай бўлди!»**

Қандай бўлгани ҳаммага маълум.

وَكَذَلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّهُمْ أَصْحَابُ النَّارِ ﴿٦﴾

**6. Куфр келтирганларга ҳам Роббингнинг (азоб) сўзи худди ана шундай ҳақ бўлди. Албатта, улар дўзах эгаларидир.**

Эй Муҳаммад, Роббингнинг азоб сўзи олдин ўтган кофир фирқаларга қандай ҳақ бўлган бўлса, ҳозирги куфр келтирганларга ҳам худди шундай ҳақ бўлди.

**«Албатта, улар дўзах эгаларидир.»**

Бунга ҳеч шубҳа қилинмасин. Улар куфр келтирганлари билан, Аллоҳга иймон келтирган турли-туман мавжудотлар ҳам қанча. Ўша, Аллоҳга иймон келтирган мавжудотлардан баъзилари:

الَّذِينَ يَحْمِلُونَ الْعَرْشَ وَمَنْ حَوْلَهُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَيُؤْمِنُونَ بِهِ، وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَّحْمَةً وَعِلْمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقِهِمْ عَذَابَ الْحَجِيمِ ﴿٧﴾ رَبَّنَا وَأَدْخِلْهُمْ جَنَّاتٍ عَدْنٍ الَّتِي وَعَدْتَهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّتِهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٨﴾ وَقِهِمُ السَّيِّئَاتِ وَمَنْ تَقِ السَّيِّئَاتِ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحِمْتَهُ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٩﴾

**7. Аршни кўтариб турадилар ва унинг атрофидагилар Роббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтурлар, Унга иймон келтирурлар ва иймон келтирганларга мағфират сўраб: «Эй Роббимиз, раҳматинг ва илминг ила ҳар бир нарсани қуршагансан, бас, тавба қилиб, йўлингта эргашганларни мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин.**

**8. Эй Роббимиз, уларни ҳам, оталаридан, жуфтларидан ва зурриётларидан аҳли солиҳ бўлганларини ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган адн жаннатларига киритгин. Албатта, Сенинг Ўзинг азийзу ўта ҳикматли зотсан.**

**9. Ва уларни ёмонликлардан сақла, ўша кунни кимни ёмонликлардан сақласанг, батаҳқиқ, унга раҳим қилибсан. Ана ўша буюк ютуқдир», (дерлар).**

Аллоҳ таоло яратган бутун борлиқ ичида арзимаган зарра каби бўлган баъзи паст одамларнинг куфри нима бўлар эди. Уларнинг куфри ўзларига зарар келтиради, холос.

Аллоҳга иймон келтирганлар жуда ҳам кўп. Шулардан баъзилари:

**«Аршни кўтариб турадилар ва унинг атрофидагилар...»**

Аллоҳ таолонинг Аршини инсон идрок қила олмайди. У ҳақда ҳеч нарса билмайди ҳам. Билгани – Аршнинг борлиги, холос. Билгани – ўша Арш улканлигидан уни идрок қила олмаслиги, холос. Шунингдек, инсон Аршни кўтариб турадиганлар ва унинг атрофидагиларнинг ҳам ҳақиқатини билмайди. Билгани – Аршни кўтариб турадиган, атрофини ўраб олган зотлар борлигидир. Улар, модомики Аршни кўтариб турган ва унинг атрофини ўраб олган эканлар, шунга яраша куч-қувват ва мақом-мартабага эгадирлар. Оятда уларнинг яна бир хусусияти васф этилмоқда:

**«Роббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтурлар, Унга иймон келтирурлар.»**

Ана ўшандай зотлар Аллоҳ таолога ҳамду тасбиҳ, мақтовлар айтиб, уни поклаб ёд этиб, иймон келтириб турганларида баъзи ожиз ва нотавон одамлар ношукрлик қилиб, куфр келтирсалар, нима бўлибди?!

Ана шундай улкан мақомга эришган, Аршни кўтариб турган ва унинг атрофини ўраб олганлар:

**«...иймон келтирганларга мағфират сўраб»,** дуо қиладилар.

Улар Аллоҳ таолодан мўмин бандаларнинг гуноҳларини кечиришни сўраб, бундай илтижо этадилар:

**«Эй Роббимиз, раҳматинг ва илминг ила ҳар бир нарсани қуршагансан...»**

Сенинг раҳматинг ҳамма нарсадан кенгдир. Сенинг илминг ҳамма нарсани ихота қилмишдир.

Дуонинг аввалида Аллоҳ таолога мақтов сўзларини айтиш юксак одоб намунасидир. Бу дуолар тезда қабул бўлади. Аршни кўтариб ва унинг атрофини ўраб турувчи зотлар ҳам Аллоҳ таолонинг раҳмати ҳамма нарсадан кенг эканини ёд этиб, мўминларга раҳмат қилишидан умидвор бўлмоқдалар. Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсани – уларнинг дуоларини ҳам, бандалар унинг мағфиратига муҳтож эканларини ҳам билишини изҳор этмоқдалар.

**«...бас, тавба қилиб, йўлингга эргашганларни мағфират қилгин...»**

Демак, Аллоҳнинг мағфиратига сазовор бўлиши мумкин шахслар маълум. Куфрдан, ширқдан, нифоқдан, исёндан, туғёндан қайтиб, Аллоҳ таолога тавба қилганлар шундай кишилардир. Оғзи

билангина тавба қилганлар эмас, балки тавбасини эълон этгач, Аллоҳнинг йўлига эргашганлар — ана ўшалар Аллоҳ таолонинг мағфиратига сазовор кишилардир. Оғзида тавба қилиб, амалда Аллоҳнинг йўлидан бошқа йўлга эргашадиганлар эмас.

**«...ва уларни дўзах азобидан сақлагин.»**

Яъни, тавба қилиб, йўлингга эргашганларни дўзах азобидан асрагин. Аллоҳга тавба қилмаган ва Аллоҳнинг йўлига эргашмаганлар дўзах азобига дучор бўлишлари аниқ.

**«Эй Роббимиз, уларни ҳам, оталаридан, жуфтларидан ва зурриётларидан аҳли солиҳ бўлганларини ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган адн жаннатларига киритгин.»**

Дўзахдан қутулиш катта бахт. Жаннатга кириш эса, бахт устига бахт. Жаннатга ёлғиз ўзигина эмас, ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари билан кириш энг улкан бахт. Аммо шу ерда ҳам, «аҳли солиҳлардан бўлганларини», деб солиҳ амал қилганларгина жаннатга кириши мумкинлиги яна бир бор эслатиб қўйилмоқда.

**«Албатта, Сенинг Ўзинг азийзу ўта ҳикматли зотсан.»**

Сенинг Ўзинг азийзсан — ҳамманинг устидан ғолибсан; биз сўраган нарсани ато қилиш Сен учун жуда осон.

Сенинг Ўзинг ўта ҳикматли зотсан — ҳар бир ишни ҳикмат билан қиласан.

**«Ва уларни ёмонликлардан сақла...»**

Эй Роббимиз, уларни қиёмат куни турли ёмонликлардан сақла.

**«...ўша куни кимни ёмонликлардан сақласанг, батаҳқиқ, унга раҳим қилибсан.»**

Қиёмат куни кимни ёмонликлардан сақласанг, ўша одам Сенинг раҳматингга ноил бўлганига ҳеч шубҳа йўқ. Шунинг учун, биз тавба қилиб, Сенинг йўлингга юрган бандаларга шу нарсани тилаб, дуо қилмоқдамиз.

**«Ана ўша буюк ютуқдир», (дерлар).**

Яъни, мағфират қилиниши, жаҳаннам азобидан сақланиши, жаннатга киритилиши ва қиёмат куни ёмонликларидан паноҳ берилиши ҳар бир банда учун улуғ ютуқдир.

Аршни кўтариб ва унинг атрофини ўраб турганлар мўминлар ҳақиқага ушбу эзгу дуони қилаётганларидаги кофирларнинг ҳолати қандай бўлишини келгуси оятлар баён этади.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يَأْتُونَ لِمَقْتِ اللَّهِ أَكْبَرُ مِنْ مَقْتِكُمْ أَنْفُسَكُمْ إِذْ تُدْعَوْنَ  
إِلَى الْإِيمَانِ فَتَكْفُرُونَ

**10. Албатта, куфр келтирганларга: «Иймонга чақирилганингизда куфр келтирган чоғингиздаги Аллоҳнинг ғазаби сизнинг ўзингизга (ҳозирги) ғазабингиздан каттароқдир», деб нидо қилинур.**

Қиёмат куни ҳамма нарсани очиқ-ойдин бўлиб, ҳисоб-китоб битиб, кофирларни жаҳаннамга киритишга ҳукм чиққанида, улар ўзларини ўзлари ниҳоятда ёмон кўриб кетишади. Чунки, бадбахтликнинг асосий айбдори ўзлари экани аён бўлади. Улар ўзларидан ашаддий равишда ғазабланиб, ниҳоятда нафратланиб турган чоғларида бир нидо қилувчи томонидан уларга қуйидагилар айтилади. У дунёда:

**«Иймонга чақирилганингизда куфр келтирган чоғингиздаги Аллоҳнинг ғазаби сизнинг ўзингизга (ҳозирги) ғазабингиздан каттароқдир».**

Ҳозир сиз ўзингизни ўзингиз ниҳоятда ёмон кўриб турибсиз, аммо иймонга чақирилганингизда иймондан бош тортиб, куфрга юз бурган эдингиз. Ўша пайт сизга қаратилган Аллоҳнинг ғазаби, нафрати сизнинг ҳозирги ўзингизни ёмон кўришингиздан катта ва буюк бўлган!

Иймонга келмаганингиз учун бутун бошингизга мусийбатлар тушиб, ўзингизни ёмон кўриб турибсиз. Аллоҳ таоло сизга бахт-саодат йўлини кўрсатиш учун иймонга чақирса, Ундан юз ўтириб, куфрни – бадбахтлик йўлини танлаганингизда У сиздан ўта қаттиқ ғазабланган. Энди, кофирлар илтижо қиладилар:

قَالُوا رَبَّنَا أَمَتْنَا اثْنَيْنِ وَأَحْيَيْتَنَا اثْنَيْنِ فَأَعْتَرَفْنَا بِذُنُوبِنَا فَهَلْ إِلَىٰ خُرُوجٍ مِّن سَبِيلٍ ﴿٥١﴾

**11. Улар: «Эй Роббимиз, Сен бизни икки марта ўлдирдинг, икки марта тирилтирдиг. Бас, биз гуноҳларимизни эътироф этдик. Энди чиқишнинг бирон йўли борми?» – дедилар.**

Кофирлар ҳамма нарсани вақт ўтгандан кейин эътироф қилдилар. Мана, ҳозир ҳам вақт ўтиб, бўлар иш бўлиб бўлганидан кейин, барча нарсаларни, жумладан Аллоҳ таолонинг Робб эканини эътироф этиб, У зотга нидо қилмоқдалар:

**«Эй Роббимиз, Сен бизни икки марта ўлдирдинг...»**

Улар она қорнида руҳ киргунича жонсиз ҳолда ётганларини ва ёруғ дунёда ўлиб, кўмилганларини икки марта ўлиш демоқдалар.

**«... икки марта тирилтирдиг.»**

Онанинг қорнида бир марта ва қиёмат куни иккинчи марта тирилтирдиг.

**«Бас, биз гуноҳларимизни эътироф этдик.»**

Сенинг ҳар бир нарсага қодир эканингни ҳам эътироф қилдик.

**«Энди чиқишнинг бирон йўли борми?»**

Бу жаҳаннамдан, азобдан чиқишнинг бирон йўли борми?  
Уларга бундай жавоб берилади:

ذٰلِكُمْ بِاَنَّهُۥٓ اِذَا دُعِيَ اللّٰهُ وَحَدَّهُۥٓ كَفَرْتُمْ وَاِنْ يُشْرِكْ بِهٖ تُوْمِنُوْا فَاَحْكُمُ اللّٰهُ الْعَلِيّ الْكَبِيْرُ ﴿١٢﴾

**12. Бундай бўлишингиз Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига даъват қилинганида, куфр келтирганингиз, Унга ширк келтирилса, иймон келтирганингиз учундир. Бас, ҳукм олий ва улуғ Аллоҳникидир.**

Яъни, чиқишнинг ҳеч бир йўли йўқ. Сизнинг:

«**Бундай бўлишингиз...**» бутунги қиёмат кунида бундай аянчли ҳолга тушиб қолишингиз, чиқишга ҳеч бир йўл йўқ жаҳаннамга кириб қолишингиз:

«**Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига даъват қилинганида, куфр келтирганингиз**» учундир.

Агар Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига даъват этилганида, Унга иймон келтириб, тавҳидга амал қилганингизда, бундай аҳволга тушмас эдингиз. Бутунги қиёмат кунида бундай аянчли ҳолга тушиб қолишингиз:

«**Унга ширк келтирилса, иймон келтирганингиз учундир**».

Аллоҳга турли нарсалар шерик қилинганида, ўшаларга иймон келтириб, мушрик бўлганингиз учундир. Агар ўша нарсаларга иймон келтирмасдан, Аллоҳга мушрик бўлмаганингизда, бундай аҳволга тушмас эдингиз.

«**Бас, ҳукм олий ва улуғ Аллоҳникидир**».

Бас, энди бутунги кунда бор ҳукм барчадан олий ва улуғ бўлган Аллоҳнинг ёлғиз Ўзиникидир.

هُوَ الَّذِي يُرِيكُمْ اٰيٰتِهٖٓ وَيُنَزِّلْ لَكُمْ مِّنَ السَّمَآءِ رِزْقًا وَّمَا تَدَّكُرُ الْاٰمَنُ يُنٰبِ ﴿١٣﴾

**13. Унинг Ўзи сизга оят(белги)ларини кўрсатадиган, осмондан сизга ризқ туширадиган зотдир. Фақат қайтадиган кишигина англр.**

Аллоҳ таоло сизга Ўзининг биру борлигига, чексиз қудратига далолат қилувчи турли оят-белгиларни кўрсатадиган зотдир. Уларни кўриб, ибрат олмоғингиз лозим.

Аллоҳ таоло сизга осмондан ризқ туширадиган зотдир. Яъни, ёмғир, қор, қуёш ёғдуси, ой нури, ризқ-рўзга сабаб бўладиган турли моддаларни туширади. Бундан ҳам ибрат олмоғингиз лозим. Аммо буни:

«**Фақат қайтадиган кишигина англр**».

Ҳар бир нарсада Аллоҳга қайтадиган, тавба қиладиган, кўрган-билганидан ваъз-насиҳат оладиган кишиларгина англаб етадилар.

فَادْعُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿١٤﴾

**14. Бас, агар кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳга динни холис қилган ҳолингизда ёлборинг.**

Мўмин киши доимо Аллоҳ таолонинг холис Ўзига ихлос билан ибодат этиши, дуо ва илтижо қилиши, ёлбориши лозим. Бу ишларда бошқа бировларнинг муносабатига эътибор бермаслик керак. Шунинг учун ҳам, оятда «агар кофирлар ёқтирмасалар ҳам», деган жумла ишлатилмоқда. Кофирларга ёқмас экан, деб Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига динни холис қилиб ёлборишдан, ибодат қилишдан, Унинг йўлига юришдан тисланмаслик керак.

رَفِيعُ الدَّرَجَاتِ ذُو الْعَرْشِ يُلْقِي الرُّوحَ مِنْ أَمْرِهِ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۗ لِنُنذِرَ يَوْمَ التَّلَاقِ ﴿١٥﴾

**15. У, даражаси юксак, Арш эгаси бўлган зотдир. У, Ўз амри ила бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мулоқот кунидан огоҳлантириши учун руҳни туширур.**

Аллоҳ таоло даражаси юксак зотдир. Унинг даражасига яқин келадиган ҳеч бир зот йўқдир. Аллоҳ таоло Арш эгасидир. Шунинг учун, ҳаммадан устун ва ҳаммага ҳукмини ўтказувчидир. У зот нимани хоҳласа, шуни қилади. Унинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди.

**«У, Ўз амри ила бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мулоқот кунидан огоҳлантириши учун руҳни туширур.»**

Мулоқот (учрашув) кунидан мурод қиёматдир. Руҳдан мурод эса, ваҳий ва уни олиб келувчи фариштадир. Даражаси юксак, Аршга эга бўлган, хоҳлаган ишини қиладиган Аллоҳ таоло Ўзи истаган бандасини Пайғамбар қилиб, танлаб олади. Ўша бандага руҳни — ваҳийни туширади. Ушбу оятда ваҳийнинг «руҳ» деб аталиши улкан маъно касб этади. Аллоҳдан келган ваҳий ва таълимотлар бандалар учун маънавий руҳ — жондир. Ана ўша ваҳийга эргашганларгина ўзларини маънавий жиҳатдан жонлилар деб ҳисоблашлари мумкин. Аллоҳдан туширилган руҳга — ваҳийга эргашмаганлар эса, маънавий жиҳатдан ўликлардир.

Шу билан бирга, оятда ваҳийни туширишдан асосий мақсад ҳам

**«мулоқот кунидан огоҳлантириш учун»** экани баён қилинмоқда. Демак, ваҳий туширишнинг асосий мақсадларидан бири

одамларни қиёмат кунидан огоҳлантириш, унга тайёргарлик кўриш-га чақиршидир.

يَوْمَهُمْ بَرَزُونَ لَا يَخْفَىٰ عَلَى اللَّهِ مِنْهُمْ شَيْءٌ لِّمَنِ الْمُلْكُ الْيَوْمَ لِلَّهِ الْوَاحِدِ الْقَهَّارِ ﴿١٦﴾

**16. Ўша кунда улар зоҳир бўлурлар. Аллоҳга улардан бирон нарса махфий қолмас. Бугун мулк кимникидир?! Яккаю ёлғиз, Қаҳҳор Аллоҳникидир!**

Қиёмат кунда одамлар кўмилиб ётган жойларидан чиқиб, зоҳир бўлиб, кўриниш берадилар.

**«Аллоҳга улардан бирон нарса махфий қолмас.»**

Бандаларидан содир бўлган бирон нарса Аллоҳ таолога махфий қолмайди, аммо бу ҳақиқатни қиёмат куни ҳақида алоҳида такрор айтишдан мақсад кофир, мунофиқ ва осийлар, қилган ишларимиз тўполоннинг ичида махфий қолса, ажаб эмас, деган ўйда бўлсалар, ўша хаёлни кўтариш учундир.

Ана ўша пайтда ҳамманинг устида қуйидаги савол янграйди:

**«Бугун мулк кимникидир?!»**

Қиёмат кундаги мулк, подшоҳлик, ҳокимлик кимникидир?!

Савол берган овознинг ўзи жавоб беради.

**«Яккаю ёлғиз, Қаҳҳор Аллоҳникидир!»**

Қаҳҳор, яъни ўта қудратли, беқиёс кучли, бемисл қудрати ила бутун борлиқни қатъият ила идора қилувчи Аллоҳникидир.

У зотнинг Ўзигина бугун подшоҳлик қилади. У зот куфр ва ширк келтирганлар учун, мунофиқ ва осий бўлганлар учун ўта қаҳрлидир.

الْيَوْمَ تُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ لَا ظُلْمَ الْيَوْمَ إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿١٧﴾

**17. Бугунги кунда ҳар бир жон ўзи қилган касбга яраша жазо олур. Бугунги кунда зулм йўқдир. Албатта, Аллоҳ ҳисобни тез қилгувчи зотдир.**

Бугунги қиёмат кунда ҳар бир жон фақат қилган амалига яраша жазо ёки мукофотини олади. Тўлиқ адолат ўрнатилади.

**«Бугунги кунда зулм йўқдир.»**

Бугунги қиёмат кунда ҳеч қандай зулм йўқдир. Ҳаммага фақат қилганига яраша берилади. Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас.

**«Албатта, Аллоҳ ҳисобни тез қилгувчи зотдир.»**

Халойиқдан ҳар бирининг ҳаёти дунёда қилган амалини ҳисоблаб чиқиш Унга ҳеч нарса эмас.

Эй Пайғамбар!



وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْأَزْفَةِ إِذِ الْقُلُوبُ لَدَى الْحَنَاجِرِ كَظَمِينَ مَالِ الظَّالِمِينَ مِنْ حَمِيمٍ وَلَا شَفِيعَ يُطَاعُ

**18. Сен уларни яқинлашгучи кундан огоҳлантир. Ўшанда жонлар халқумга келиб, ғам-ғуссага тўлиб турарлар. Золимлар учун ҳеч бир дўст ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ.**

Эй Пайғамбар, сен ўзингга туширилган ваҳийни одамларга етказ.

**«Сен уларни яқинлашгучи кундан огоҳлантир.»**

«Яқинлашгучи кун» қиёмат кунидир. У шошилиб келгучи кундир. У ҳадемай келиб қолади. Кўзни юмиб очгунча рўй беради. Одамлар ўша кундан огоҳ бўлсинлар. У кун оғир кун бўлади.

**«Ўшанда жонлар халқумга келиб, ғам-ғуссага тўлиб турарлар.»**

Қиёмат куни ўта даҳшатли бўлганидан, ҳамманинг жони халқумига келиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. У кундаги азоб-уқубатларни, бўлаётган ҳодисаларни кўриб, ҳар бир одам ғам-ғуссага кўмилиб кетади. Ўша кунда:

**«Золимлар учун ҳеч бир дўст ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ.»**

Ҳаёти дунёда куфр ва ширк ила зулмга юрган кишилар учун ёни оладиган дўст ҳам, гапига қулоқ солинадиган эътиборли шафоатчи ҳам бўлмайди.

يَعْلَمُ حَايَةَ الْأَعْيُنِ وَمَا تُخْفِي الصُّدُورُ

**19. У зот кўзларнинг хиёнатини ҳам, диллар махфий тутган нарсаларни ҳам билур.**

Аллоҳ таоло билмайдиган ҳеч нарса йўқ. У зот ҳамма нарсани билади. Ҳаттоки:

**«У зот кўзларнинг хиёнатини ҳам...»** билади.

Яъни, кимнингдир бировга билдирмасдан, ўғринча кўз қири ташлаганини ҳам билади, ҳисобга олиб қўяди. У зот:

**«...диллар махфий тутган нарсаларни ҳам билур.»**

Ҳеч кимга билдирмасдан, дилда туғиб қўйилган нарсаларни ҳам Аллоҳ таоло жуда яхши билади. Шундай бўлганидан кейин, бошқа нарсаларни билишида ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Одамлар Ундан огоҳ бўлсинлар.

وَاللَّهُ يَقْضِي بِالْحَقِّ وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَقْضُونَ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

**20. Аллоҳ ҳақ ила ҳукм қилур. Ундан ўзга илтижо қилаётганлари эса, ҳеч нарса билан ҳукм қилмаслар. Албатта, Аллоҳнинг Ўзи ўта эшитгувчи ва ўта кўргувчи зотдир.**

Аллоҳнинг кўрсатган йўлига юрмай, бошқа таълимотларга ўзини ураётганлар нима қилмоқчилар? Аллоҳнинг ҳукмини тарк этиб, бошқа ҳукми жорий этишга уринаётганлар нима қилмоқчилар?! Бир солиштириб кўрсалар бўлмайдими?!

**«Аллоҳ ҳақ ила ҳукм қилур.»**

Фақат Аллоҳ таологина тўлиқ адолат ила ҳукм қилади. Дунёда У зотнинг ҳукмидан бошқа адолатли ҳукм йўқ.

**«Ундан ўзга илтижо қилаётганлари эса, ҳеч нарса билан ҳукм қилмаслар.»**

Аллоҳдан ўзга нарсалар, жумладан, мушриклар илтижо этаётган бут-санамлар ҳеч нарса билан ҳукм қила олмайдилар. Агар мақсад адолат ўрнатиш бўлса, нима учун энг одил ҳукм туриб, бошқа ҳукми ахтаришади?!

**«Албатта, Аллоҳнинг Ўзи ўта эшитгувчи ва ўта кўргувчи зотдир.»**

Ана шу асосида адолат ила ҳукм қилади. Ундан бошқа ҳеч бир зот Унингчалик кўриб, эшита олмайди. Бинобарин, адолат ила ҳукм ҳам қила олмайди.

Ғофир ва мушриклар Аллоҳ таолога куфр ва ширк келтиришдан олдин атрофга назар солиб, ўйлаб кўрсалар, бўлмайдими?

﴿أَوَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ كَانُوا مِن قَبْلِهِمْ كَانُوا هُمْ

أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَءَانَارَأَفِي الْأَرْضِ فَآخَذَهُمُ اللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ وَمَا كَانَ لَهُم مِّنَ اللَّهِ مِن وَّاقٍ﴾

**21. Ахир, улар ер юзида юриб, ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Ҳолбуки, ўшалар улардан кўра қувватлироқ ва ер юзида асарлари кўпроқ бўлган эдилар. Бас, Аллоҳ ўшаларни гуноҳлари сабабли тутди. Уларга Аллоҳдан ўзга бир сақловчи бўлмади.**

Ғофирларнинг энг катта хатолари ўзларидан олдин ўтганлардан ибрат олмасликларидир. Улар аввалгиларнинг тарихига, оқибати нима бўлганига эътибор бермайдилар, эътибор берсалар ҳам, ибрат олмайдилар. Аввал ўтганларнинг ҳалокатига сабаб бўлган хатоларни яна айнан такрорлайверадиладар. Агар аввал ўтганларнинг тарихини яхши ўргансалар, уларнинг оқибатларидан ибратлансалар, дарҳол ўзларини ўнглаб олган бўлар эдилар. Қуръони Карим шунинг учун ҳам кўпгина оятларда такрор-такрор шу масалани қўзғайди.

**«Ахир, улар ер юзида юриб, ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?!»**

Нима учун кофирлар инсоният тарихидан, ўтганларнинг тажрибасидан ибрат олмайдилар? Нима учун кофирлар ер юзида юриб, ўтганларнинг оқибатларини ўрганмайдилар?! Агар ер юзида юриб, ўзларидан аввал ўтганларнинг оқибатига назар солганларида, қуйидагиларни билиб олар эдилар:

**«Ҳолбуки, ўшалар улардан кўра қувватлироқ ва ер юзида асарлари кўпроқ бўлган эдилар».**

Ўтган умматлар ҳозирги мушриклардан кўра қувватлироқ бўлган эди. Дунёни ларзага солган империяларни бунёд этган эдилар. Ўтган умматларнинг ер юзидаги асарлари ҳам ҳозиргиларникидан кўпроқ бўлган. Уларда фан, маданият, ободончилик каби соҳалар яхши ривожланиб, ўз асарларини қолдирган.

**«Бас, Аллоҳ ўшаларни гуноҳлари сабабли тутди.»**

Гуноҳ қилганлари учун ҳалок этди. Уларнинг қувватлари ҳам, асарлари ҳам фойда бермади.

**«Уларга Аллоҳдан ўзга бир сақловчи бўлмади.»**

Аллоҳ ҳалок қилганидан кейин уларни ким ҳам сақлай оларди?!

ذٰلِكَ بِاَنَّهُمْ كَانَتْ تَاتِيهِمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَكَفَرُوا فَاَخَذَهُمُ اللّٰهُ اِنَّهٗ قَوِيٌّ شَدِيْدٌ الْعِقَابِ

**22. Бундай бўлишининг сабаби шуки, уларга Пайғамбарлари аниқ ҳужжатлар билан келар эдилар, улар эса, куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни тутди. Албатта, У кучли ва иқоби шиддатли зотдир.**

Бўлган ишнинг бори шу. Бошқа гап йўқ. Аллоҳ томонидан Пайғамбарлар аниқ ҳужжатлар билан келишган. Бир гуруҳ одамлар уларга ишонмаган. Аллоҳ таоло ўша куфр келтирганларни гуноҳлари туфайли ҳалок этган.

**«Бундай бўлишининг сабаби шуки, уларга Пайғамбарлари аниқ ҳужжатлар билан келар эдилар, улар эса, куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни тутди.»**

Дунёнинг қаерига борилса, мана шу оқибат кўрилади, билинади. Дунё тарихида Пайғамбарга куфр келтирган ҳеч бир қавм ҳалокатга учрамай қолмаган. Ҳамма кофирлар албатта ҳалокатга учраганлар. Чунки, улар ўз куфрлари билан Аллоҳга қарши чиққанлар.

**«Албатта, У кучли ва иқоби шиддатли зотдир.»**

Аллоҳ ҳаммадан кучли бўлгани учун, кофирларни доимо ҳалок қилади ва уларни шиддатли иқобга дучор этади.

Энди келадиган оятларда ўша ўтганлардан бир мисол келтирилади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا وَسُلْطٰنٍ مُّبِينٍ ۖ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَهَمَزَنَ وَقُرُونِ  
فَقَالُوا سِحْرٌ كَذٰبٌ ﴿٦٤﴾

**23. Батаҳқиқ, Биз Мусони Ўз оятларимиз ва очиқ ҳужжат ила юбордик:**

**24. Фиръавнга, Ҳомонга ва Қорунга. Бас, улар: «(Бу) сеҳргар ва каззоб», дедилар.**

Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарларидан бўлмиш Мусо алайҳиссаломни Миср юртига очиқ ҳужжат билан юборган эди. Оятда ўша юртга бошлиқ бўлиб турган уч шахсининг номи тилга олинмоқда. Гарчи Мусо алайҳиссалом кўпчиликлари Пайғамбар қилиб юборилган бўлсалар ҳам,

**«Фиръавнга, Ҳомонга ва Қорунга юбордик»,** дейилмоқда.

Чунки, ўша жамиятга ўшалар етакчи эдилар. Бутун халқ Фиръавн, Ҳомон ва Қорун кўрсатган йўлга юргани тарихдан маълум.

Фиръавн — ўз фикри ва ҳукмини халққа мажбуран ўтказадиган, ҳозирги замон тили билан айтганда, яккахокимликка ўрганган мустабид ҳукмдор тимсолидир. У, ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини эмас, ўзининг ҳукмини юритишга уринади.

Ҳомон — ўзини Худонинг ўрнига қўйган ўша золим подшоҳнинг хоҳиши бўйича иш юритувчи, унга халқни эзишда ўнг қўл вазифасини ўтовчи гумашта вазир тимсолидир.

Қорун эса, сиёсий истибод соясида иқтисодий жиҳатдан халқнинг елкасига миниб олган бойлар тимсоли. Уларнинг ҳаммаси ўз қўлидаги ҳукм, сиёсат, аскар ва молу мулкни ишга солиб, халқнинг номидан гапиради, халқнинг номидан жавоб беради, тасарруф қилади. Ҳатто, эътиқод масаласида, Аллоҳга ишониш, иймон келтириш масаласида ҳам, бизнинг айтганимиз бўлади, дейдилар. Шунинг учун ҳам, оятда Мусо алайҳиссалом худди ўша уч кишига юборилгандек васф қилинмоқда:

**«Батаҳқиқ, Биз Мусони Ўз оятларимиз ва очиқ ҳужжат ила юбордик: Фиръавнга, Ҳомонга ва Қорунга».**

Мусо алайҳиссалом уларга Пайғамбарликларини тасдиқловчи Аллоҳ томонидан берилган оят-мўъжизалар ва очиқ-ойдин ҳужжат билан бордилар. Аммо, ўша оятлар ва очиқ-ойдин ҳужжатни кўриб-билиб туриб ҳам, Фиръавн, Ҳомон ва Қорун иймон келтиришмади.

**«Бас, улар: «(Бу) сеҳргар ва каззоб», дедилар.»**

Улар Мусо алайҳиссалом кўрсатган мўъжизаларни сеҳр, у зот-

нинг ўзини эса, сеҳргар, дейишди. Улар Мусонинг, мен Пайғамбар бўлиб келдим, деган гапларини ёлғон, ўзини эса, каззоб — ўта ёлғончи, дейишди.

فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِالْحَقِّ مِنْ عِنْدِنَا قَالُوا اقْتُلُوا أَبْنَاءَ الَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ وَاسْتَحْيُوا نِسَاءَهُمْ وَمَا كَيْدُ الْكٰفِرِيْنَ اِلَّا فِي ضَلٰلٍ 

**25. Мусо уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоғда, улар: «У билан бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинглр, қизларини тирик қолдиришлар», дедилар. Кофирларнинг макр-ҳийласи залолатдан бошқа нарса эмас.**

Маълумки, Бани Исроилни ўзига қул қилиб олган Фиръавн бу халққа турли азоб-уқубатларни ёғдирад, нима қилиб бўлса ҳам, уларни қуликда ушлаб туриб, ўз фойдаси учун ишлатишга уринар эди. Ўзига қарши ёш йигитлар бош кўтариши мумкинлигини яхши билганидан, қолаверса, атрофидаги гумашталаридан мулкига Бани Исроилдан туғиладиган бола завоқ бўлишини эшитганидан кейин, Фиръавн Бани Исроилда туғиладиган қиз болага тегмасдан, ўғил болаларни ўлдиришга фармон берган эди. Мусо алайҳиссалом келиб, Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбар этиб юборилганларини айтганларидан кейин Фиръавннинг хавфи яна ҳам зиёда бўлди ва Бани Исроилнинг, яъни, Мусо алайҳиссаломга қўшилиб, иймон келтирганларнинг ўғил болаларини ўлдириш ҳақидаги фармонини янгиледи.

**«Мусо уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоғда улар: «У билан бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинглр, қизларини тирик қолдиришлар», дедилар.»**

Мусо алайҳиссалом Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга Аллоҳ таолонинг ҳузуридан ҳақ ила келганларида, улар ўша ҳаққа қарши чора кўра бошладилар. Бошларига биринчи келган ўй ҳаққа эргашганларни жисмонан йўқ қилиш бўлди. Улардан туғиладиган ўғил болаларни қатл этишга амр қилдилар. Ўғил чақалоқ ким бўлади — иймонлими, иймонсизми, ожизми, йўқми — бари бир. Келажакда иймонли бўлиши, ҳокими мутлақнинг истибдодига қарши курашиши эҳтимоли бор. Унинг айби шу. Шунинг учун, ёруғ дунёда кўз очиб улгурмасидан, ўлимга маҳқум. Қизлар эса, тирик қолаверсинлар. Чунки, ҳокими мустабидга қул, чўри, хизматчи керак. Аммо:

**«Кофирларнинг макр-ҳийласи залолатдан бошқа нарса эмас».**

Кофирлар ўз мавқеъларини мустаҳкамлаш учун турли чоратадбирлар кўрадилар. Иймон йўлини, ҳақни тўсиш учун бугун имкониятларини ишга соладилар. Макр-ҳийлалар қиладилар. Аммо уларнинг барча уринишлари залолатдир — адашувдир. Охир-оқибат,

макр-ҳийлалари ўзларининг бошига бало бўлади. Улар иймонлиларга қарши зулм ва истибдодни кучайтириб, мақсадларига эришмоқчи бўладилар. Лекин бу нарса уларни алдайди. Уларнинг зулм ва истибдоди ошган сайин мўминларнинг иймони мустаҳкам бўлиб, ораларидан чидамсизлари чиқиб, сафлари софланиб бораверади. Охири, сафлар тўла тозаланиб, ҳар қандай қийинчиликка бардош бера оладиган мўминлар жамоаси шаклланиб бўлганида, золим ва мустабид ҳокимлар қўрққан пайт келади ва улар қўрққан иш содир бўлади. Бу ишнинг тезлашишига эса, кофирларнинг ўзи залолат ҳоллари билан ёрдам берадилар.

Ҳа, кофирларнинг иймонга, мўминларга қарши қиладиган макр-ҳийлалари залолатдан, адашувдан бошқа нарса эмас.

وَقَالَ فِرْعَوْنُ ذُرِّيَّتِي أَقْتَلْ مُوسَىٰ وَلِئِدَّعُ رَبَّهُ ۗ إِنِّي أَخَافُ أَنْ يُبَدِّلَ دِينَكُمْ أَوْ أَنْ يُظْهِرَ فِي الْأَرْضِ الْفَسَادَ

**26. Фиръавн: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. Майли, Роббига дуо қилсин. Албатта, мен унинг динингизни алмаштиришидан ва ер юзида фасод чиқаришидан қўрқмоқдаман», деди.**

Фиръавн ўзи билан Мусо алайҳиссалом ўртасидаги қарама-қаршилиқни иймон билан куфр, ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш, деб эълон қилмади. У ўзига ўхшаган бошқа золим ва мустабид подшоҳлар сингари иш тутди. Аллоҳнинг динига даъват қилаётган Мусони халққа бузғунчи, одамларнинг бошини айлантирувчи шахс, деб танитмоқчи бўлди. Ўзини халқнинг халоскори, динини бузилишдан сақлаб қолувчи, ер юзида фасод ишлар қилинишига қарши турувчи фидойи қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

**«Фиръавн: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. Майли, Роббига дуо қилсин», деди.**

Мантиқ билан муваффақиятга эриша олмаган, Пайғамбарни сеҳргар, каззоб, деб ҳам бирор наф топмаган золим подшоҳ энди куч ишлатишга ўтди. Тугёнга кетган ҳукмдор ўз тахтидан ажраб қолишдан қўрқиб, ҳар қандай пасткашликка тайёр эканини кўрсатди. Ҳақ йўлга даъват қилувчини ўлдиришда Аллоҳни ҳам эътиборга олмаслигини билдирди. Роббига дуо қилса, қилаверсин, мен барибир уни ўлдираман, деди. Шу билан бирга, энг қизиғи, у ўзини динни ҳимоя этаётган қилиб кўрсатди. Ер юзида бузуқилик бўлмаслиги учун курашяпман, деб иддао қилди.

**«Албатта, мен унинг динингизни алмаштиришидан ва ер юзида фасод чиқаришидан қўрқмоқдаман», деди.»**

Мантиқни кўринг, ўзи Аллоҳнинг динига қарши чиқиб турибди-ю,

яна диннинг ҳимоясидан гапиради. Ўзи ер юзидаги энг катта фасодни чиқариб, Аллоҳ юборган Пайғамбарни ўлдираман деб турибди-ю, ер юзида бузғунчилик бўлмасин учун ҳаракат қилмоқдаман, дейди. Шунда:

وَقَالَ مُوسَىٰ إِنِّي عُذْتُ بِرَبِّي وَرَبِّكُمْ مِنْ كُلِّ مُتَكَبِّرٍ لَا يُؤْمِنُ بِيَوْمِ الْحِسَابِ ﴿٧٧﴾

**27. Мусо:** «Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлган зотдан ҳисоб кунига иймон келтирмайдиган ҳар бир мутакаббирдан паноҳ сўрайман», деди.

Агар золим Фиръавн мени ўлдирмоқчи бўлса, эй одамлар, мен Аллоҳдангина паноҳ сўрадим. Менинг ҳам, сизнинг ҳам Роббингиз бўлмиш Аллоҳдан ҳар бир иймонсиз мутакаббирнинг ёмонлигидан паноҳ сўрадим.

Шунда орага бошқа бир одам аралашди:

وَقَالَ رَجُلٌ مُؤْمِنٌ مِنْ آلِ فِرْعَوْنَ يَكْتُمُ إِيمَانَهُ أَتَقْتُلُونَ رَجُلًا أَنْ يَقُولَ رَبِّيَ اللَّهُ وَقَدْ جَاءَكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ مِنْ رَبِّكُمْ وَإِنْ يَكُ كَذِبًا فَعَلَيْهِ كَذِبُهُ وَإِنْ يَكُ صَادِقًا يُضَيِّبْكُمْ بَعْضُ الَّذِي يَعِدُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَابٌ ﴿٧٨﴾ يَقَوْمِ لَكُمْ الْمَلِكُ الْيَوْمَ ظَاهِرِينَ فِي الْأَرْضِ فَمَنْ يَنْصُرُنَا مِنْ بَأْسِ اللَّهِ إِنْ جَاءَنَا قَالَ فِرْعَوْنُ مَا أُرِيكُمْ إِلَّا مَا أَرَىٰ وَمَا أَهْدِيكُمْ إِلَّا سَبِيلَ الرَّشَادِ ﴿٧٩﴾

**28. Фиръавн аҳлидан бўлган, иймонини беркитиб юрадиган бир мўмин киши:** «Бир одамни, Аллоҳ Роббимдир, дегани учун ўлдирасизларми?! Ҳолбуки, у сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келмишдир. Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзига зарар. Агар ростгўй бўлса, унда у ваъда қилаётган баъзи мусийбатлар сизга етар. Албатта, Аллоҳ исрофчи ва каззоб бўлган шахсни ҳидоят қилмас.

**29. Эй қавмим, бугунги кунда мулк сизникидир. Ер юзида юзага чиқиб турибсизлар. Агар бизга Аллоҳнинг азоби келса, унда бизга ким ёрдам берар?!» – деди. Фиръавн:** «Мен сизга ўзим кўраётган нарсадан бошқани кўрсатмасман ва сизларни тўғри йўлдан бошқага йўлламаман», деди.

Фиръавн, ўзича, Мусо алайҳиссаломга иймон келтирганларга зулм ўтказиб, уларнинг кучини қирқиш учун, бошқаларни ҳам кўрқитиб, иймон йўлига яқинлаштирмаслик учун турли макр-ҳийлалар ишлатиб юраверади. Аммо, унинг макр-ҳийласи залолат бўлгани учун, ҳатто ўз аҳли ичидан ҳам мўминлар чиқиб қолди. У кўпчилик олдида Мусо

алайҳиссалом билан айтишиб турганида, у зотни ўлдиришга қарор қилганини билдирганида, иймон тақозоси ила ўша мўмин ўртага тушди.

**«Фиръавн аҳлидан бўлган, иймонини беркитиб юрадиган бир мўмин киши»** оддий мантиқни ўртага ташлаб, тувёнга кетган золим подшоҳга қаратилган хитобни худди кўпчиликка айтаётгандек қилиб сўз бошлади:

**«Бир одамни, Аллоҳ Роббимдир, дегани учун ўлдирасизларми?!»** – деди.

Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссаломнинг «Аллоҳ Роббимдир» деган сўздан бошқа даъволари йўқ эди. Бу дегани, Аллоҳ менинг яратувчим, ризқ берувчим, тадбиримни қилувчи тарбиячим, дегани эди. Бу эътироф оддий ҳақиқат эди. Бунинг ёмон жойи йўқ эди. Буни ҳамма тан олиши керак эди. Бу нарса соф қалб ва оддий мантиқнинг тақозоси эди. Шунинг учун, соф қалб эгаси бўлган киши томонидан бу ҳақиқат эълон этилди.

Аммо бу оддий гап халқнинг бўйнига миниб олган, халққа Аллоҳнинг эмас, ўз сўзини мажбуран ўтказаетган, халқни боқяпман, оғирини енгил қиялпман, деган даъво билан юрган золим ва мустабид подшоҳ Фиръавн учун ниҳоятда хатарли эди. Агар Мусо алайҳиссалом айтаётгандек, Аллоҳ Робб бўлса, Фиръавн «робб»-ликдан тушиб қолишидан қўрқар эди. Шунинг учун, «Аллоҳ Роббимдир» деган шахсни «Фиръавн Роббимдир» демагани учун ўлдиришга қасд қилди.

Иймонини беркитиб юрадиган мўмин киши сўзида давом этиб:

**«Ҳолбуки, у сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келмишдир»,** деди.

У ўз-ўзидан қуруқ даъво қилаётгани йўқ. Айтаётган гапларининг ҳақ эканига сизнинг Роббингиз бўлмиш Аллоҳдан очиқ-ойдин ҳужжатлар олиб келган. Кўр-кўрона ҳукм чиқаравермасдан, ўша очиқ-ойдин ҳужжатларга боқсангиз бўлмайдими?!

Сиз нега унга осилиб олдингиз? Нима учун уни йўқ қилиш, ўлдириш пайига тушдингиз?!

**«Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзига зарар.»**

Сиз уни ёлғончи, дейсиз-у, яна ўлдиришга қасд қиласиз. Агар ёлғончи бўлса, тек қўйинг, ёлғони ўзига уради. Сиз ундан қутуласиз. Буниси биринчи эҳтимол. Энди иккинчи эҳтимол ҳам бор:

**«Агар ростгўй бўлса, унда у ваъда қилаётган баъзи мусийбатлар сизга етади».**

Сиз уни ўлдириб юборсангиз-у, у ростгўй бўлса, ҳақиқий Пайғамбар бўлса, унда Аллоҳнинг Пайғамбарини ўлдирганларга ваъда қилинган баъзи мусийбатлари сизга етади. Демак, икки эҳтимолда ҳам сиз фойда топмайсиз. Бефойда ишга уриниб нима қиласиз.



«Албатта, Аллоҳ исрофчи ва каззоб бўлган шахсни ҳидоят қилмас.»

Ҳақиқий Пайғамбар бўлмаган шахснинг башараси дарҳол фош бўлади. Шунинг учун, уни ўлдириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

**«Эй қавмим, бугунги кунда мулк сизникидир.»**

Подшоҳлик, мулк, давлат сизнинг қўлингиздадир. Ўз ҳукмингизни ўтказиб турибсиз.

**«Ер юзида юзага чиқиб турибсизлар.»**

Бошқалардан устунсизлар. Гапингиз ўтиб турибди. Бунга шукр қилмай, «Роббим Аллоҳдир» деган одамни ўлдирмоқчимисиз?! Бунинг жазоси бўлиб:

**«Агар бизга Аллоҳнинг азоби келса, унда бизга ким ёрдам беради?!»**

Аллоҳнинг Пайғамбарини ўлдирганингиз учун, албатта, Аллоҳдан азоб келади. Аллоҳдан келган азобни ким қайтара олади?!

Иш бошқа томонга бурилиб кетаётганини кўрган Фиръавн дарҳол гапга аралашди.

**«Фиръавн: «Мен сизга ўзим кўраётган нарсадан бошқани кўрсатмасман ва сизларни тўғри йўлдан бошқага йўлламаман», деди.»**

Яъни, меникдан бошқа фикрни қабул қилишингизга рози эмасман, билиб қўйинг, фақат менгина сизни тўғри йўлга бошлайман, деди.

Бу ҳам доимо «ягона тўғри қарорни қабул қиладиган» зolim мустабидларга хос гап.

Иймонини беркитиб юрадиган мўмин киши Фиръавннинг бу гапини эшитиб, қавмни режалаштирилайётган жиноятнинг оқибатидан қаттиқроқ огоҳлантирди. Уларга ўтган умматларни ҳам мисол қилиб келтирди.

وَقَالَ الَّذِينَ ءَامَنَ يَتَقَوَّمُ إِلَيْنِ أَخَافُ عَلَيْكُمْ مِثْلَ يَوْمِ الْأَحْزَابِ ﴿٢١﴾ مِثْلَ دَابِ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَالَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ ظَلْمًا لِلْعِبَادِ ﴿٢٢﴾ وَيَتَقَوَّمُ إِلَيْنِ أَخَافُ عَلَيْكُمْ يَوْمَ النَّادِ ﴿٢٣﴾ يَوْمَ تُولُونَ مَدْرِينَ مَا لَكُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ عَاصِمٍ وَمَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِنْ هَادٍ ﴿٢٤﴾ وَقَدْ جَاءَكُمْ يُوسُفُ مِنْ قَبْلِ الْبَيِّنَاتِ فَمَا زِلْتُمْ فِي شَكِّ مِمَّا جَاءَكُمْ بِهِ حَتَّى إِذَا هَلَكَ قَلْتُمْ لَنْ نَبْعَثَ اللَّهُ مِنْ بَعْدِهِ رَسُولًا كَذَلِكَ يُضِلُّ اللَّهُ مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ مُرْتَابٍ ﴿٢٥﴾ الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِ اللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَانٍ أَتَتْهُمْ كَبْرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ وَعِنْدَ الَّذِينَ ءَامَنُوا كَذَلِكَ يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَى كُلِّ قَلْبٍ مُتَكَبِّرٍ جَبَّارٍ ﴿٢٥﴾

30. Иймон келтирган киши: «Эй қавмим, албатта, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун...

31. Нуҳ қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш ҳол бўлишидан қўрқурман. Аллоҳ бандаларга зулми ирода қилмас.

32. Эй қавмим, албатта, мен сизларга нидалашув кунидан қўрқурман.

33. У кунда ортга қараб қочурсиз. Сиз учун Аллоҳдан ҳеч бир қутқаргувчи бўлмас. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас.

34. Батаҳқиқ, бундан олдин Юсуф очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келди. Бас, сиз у ўзингизга келтирган нарсага шак келтириб, туриб олдингиз. Ниҳоят, у вафот этган пайтда: «Аллоҳ ундан кейин Пайғамбар юбормас», деддингиз. Аллоҳ шундай қилиб, исрофчи ва шубҳачи бўлган кимсани залолатга кетказди.

35. Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиганлар Аллоҳ томонидан ҳам, иймон келтирганлар томонидан ҳам қаттиқ ғазабга қолурлар. Аллоҳ шундай қилиб, ҳар бир мутакаббир ва зўравон қалбни муҳрлар», деди.

Фиръавн аҳлидан бўлган иймонли кишининг тилидан айтилаётган ушбу гапларда барча замонларда, барча маконларда ва барча жамиятлардаги мухлис мўминнинг ўз қавмига бўлган муносабати, ўз қавмига бўлган муҳаббати ва улар ҳақида тортажак қайғу-ташвишлари ифодасини топган.

Мухлис мўмин доимо қавмига яхшиликни раво кўради ва уларни ёмонликдан сақлаш ташвишида бўлади. Иймон келтирган кишининг ўз қавмига айтган гапларини яхшилаб ўрганиб чиқайлик.

**«Эй қавмим, албатта, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун, Нуҳ қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш ҳол бўлишидан қўрқурман.»**

Мўмин киши аввалги куфр келтирган қавмлар ва фирқаларнинг бошидан ўтган кунларни, ёғилган мусийбатларни яхши биледи. Шунинг учун ҳам, у қавмини Аллоҳ юборган Пайғамбарга куфр келтираётганидан огоҳлантирмоқда.

**«Эй қавмим, албатта, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун...»** бўлишидан қўрқурман.

Ўтган кофир фирқаларнинг бошига тушган кун бир хилдир. Ҳаммаси ҳам бир хил оқибат билан тутаган. Ҳаммалари ҳалокатга учраган. Мўмин киши қавми бошига ҳам ана шундай ҳалокат тушиб қолишидан қўрқади.

**«Нуҳ қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш ҳол бўлишидан қўрқурман.»**

Нуҳ қавми Пайғамбарига куфр келтиргани учун тўфон бало-сига учраган эди. Од қавми Пайғамбарига куфр келтиргани учун қаттиқ совуқ шамол ҳалокатига йўлиқди. Самуд қавми эса, Пайғамбарига куфр келтиргани учун қаттиқ қичқириқ билан ҳалок қилинди. Улардан кейин ўтган бошқа кўпгина кофир қавмлар ҳам турли ҳалокатларга учраганлар. Мўмин киши ўз қавмининг ҳам ўша қавмларнинг ҳолатига тушиб қолишидан қўрқади.

**«Аллоҳ бандаларга зулми ирода қилмас.»**

Аллоҳ таоло ҳеч қачон бандаларига зулми хоҳламайди. Уларга бирор ёмонлик етишини истамайди. Аммо бандалар куфрлари, гуноҳлари билан ўзларига ёмонликни, азоб-уқубатни, бало-офатни чақириб оладилар. Ўзини яратган Холиққа куфр келтирган нобакор бандаларни, кофир қавмларни ҳалок этиш эса, асло зулм эмас, балки айни адолатдир.

**«Эй қавмим, албатта, мен сизларга нидолашув кунидан қўрқурман.»**

Яъни, қиёмат кунидан қўрқаман. У кунда жаҳаннамга тушиб, дод-вой солиб, нидо қилиб қолишингиздан қўрқаман.

**«У кунда ортга қараб қочурсиз.»**

Яъни, қиёмат куни кофирлар жаҳаннамга яқинлашганларида у ердаги шовқинни эшитиб, ортга қараб қочадилар. Лекин қаерга қочсалар ҳам, фаришталар уларни тутиб келиб, дод-войлатиб, жаҳаннамга отадилар.

**«Сиз учун Аллоҳдан ҳеч бир қутқарувчи бўлмас.»**

Яъни, Аллоҳнинг азобидан қутқарувчи бўлмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи азоблаб турганида, ким ҳам қутқарувчи бўла оларди.

**«Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас.»**

Фақат Аллоҳ таоло ҳидоят қилади, Фиръавн эмас. Шунинг учун, Фиръавннинг гапига эмас, Аллоҳнинг Пайғамбарига эргашинг.

**«Батаҳқиқ, бундан олдин Юсуф очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келди.»**

Қуръони Каримда «Юсуф» сурасидан бошқа икки ўринда Юсуф алайҳиссаломнинг зикрлари келган. Уларнинг биттаси мана шу оятдир.

Фиръавн аҳлидан бўлган, иймонини яшириб юрадиган мўмин киши қавмига ота-боболари Юсуф алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларида у зотга қандай муомала қилганларини эслатмоқда. Гарчи «Юсуф» сурасида у зот алайҳиссаломнинг Миср подшоҳига вазир бўлиб, ҳазийнага оид ишларни юритганлари ҳақида сўзланган

бўлса ҳам, бу сурада очиқ-ойдин ҳужжатлар билан Пайғамбар бўлиб келганликларига эътибор қаратилмоқда.

**«Бас, сиз у ўзингизга келтирган нарсага шак келтириб, туриб олдингиз.»**

Эй қавмим, сиз Юсуф алайҳиссаломнинг Пайғамбарлигига шубҳа қилиб, иймон келтирмай туриб олдингиз.

**«Ниҳоят, у вафот этган пайтда: «Аллоҳ ундан кейин Пайғамбар юбормас», дедингиз.»**

Хуллас, Юсуф вафот этганида: «Ундан қутулдик, Аллоҳ томонидан Пайғамбар бўлиб келдим, дейдиган одам энди бўлмайди», дедингиз.

**«Аллоҳ шундай қилиб, исрофчи ва шубҳачи бўлган кимсани залолатга кетказди.»**

Аллоҳ Юсуф ҳақида шубҳада туриб олган ўша ота-боболарингизни залолатга кетказгани каби, ҳар бир хусусда исрофгар бўлган ва динда шубҳа қилганларни ҳам залолатга кетказди. Мусо ҳақида исрофчи ва шубҳачи бўлманг, яна, Аллоҳ сизни ҳам залолатга кетказиб қўймасин.

**«Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиганлар Аллоҳ томонидан ҳам, иймон келтирганлар томонидан ҳам қаттиқ ғазабга қолурлар.»**

Ўзида ҳеч қандай ҳужжати бўлмай туриб, Аллоҳнинг оятларига қарши талашиб-тортишадиган кишилар Аллоҳ томонидан ҳам, мўмин бандалар томонидан ҳам қаттиқ ғазабга дучор бўлади. Сиз ҳам, эй қавмим, шу ишни қилмоқдасиз, яна, мазкур ғазабга дучор бўлиб қолманг.

**«Аллоҳ шундай қилиб, ҳар бир мутакаббир ва зўравон қалбни муҳрлар», деди.»**

Сиз ҳам Аллоҳнинг оятлари ҳақида ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишаверсангиз, мутакаббир ва зўравон қалбингизни Аллоҳ муҳрлаб қўймасин, тағин.

Мўмин кишининг ташвишга тўла бу гапларидан кейин фақат тахти ҳақидагина ўйлайдиган подшоҳлар намояндаси бўлмиш Фиръавн ўзининг жаҳаннамий режасини давом эттиришда яна ҳам қатъийроқ иш тутгани айтилади:

وَقَالَ فِرْعَوْنُ يَهْمَنُ ابْنُ لِي صِرْحًا لَعَلِّي أَنْبَغُ الْأَسْبَبَ ﴿٣٦﴾ أَسْبَبَ السَّمَوَاتِ فَأَطَّلِعَ إِلَىٰ إِلَهِ مُوسَىٰ وَإِنِّي لِأَظُنُّهُ كَذِبًا ۖ وَكَذَلِكَ زَيْنٌ لِّفِرْعَوْنَ سُوءَ عَمَلِهِ ۖ وَصَدَّ عَنِ السَّبِيلِ ۖ وَمَا كَيْدُ فِرْعَوْنَ إِلَّا فِي تَبَابٍ ﴿٣٧﴾

**36. Фиръавн деди: «Эй, Ҳомон, менга бир баланд қаср бино қил, шояд, сабабларга етсам.**

**37. Осмонларнинг сабабларига етсам, сўнгра Мусонинг Илоҳига боқсам. Албатта, мен уни ёлғончи деб, гумон қилмоқдаман». Шундай қилиб, Фиръавнга унинг ёмон амали зийнатланди ва у йўлдан тўсилди. Фиръавннинг макр-ҳийласи зиёнкорликдан бошқа нарса эмас.**

Мўмин кишининг гап-сўзлари қавмга таъсир қилиб, иймонга келиб қолишларидан Фиръавн кўрқди. Шунинг учун ҳам, золим, мустабид подшоҳлар одатича, бундай вақтларда ишга солинадиган макр-ҳийлани кўллаб, билса — ҳазил, билмаса — чин, қабилида иш кўрди. Аллоҳнинг динига, даъватчисига қарши чиққан бошқа подшоҳлар каби, вазирини бу шармандаликка жалб этди.

**«Фиръавн: «Эй, Ҳомон, менга бир баланд қаср бино қил, шояд, сабабларга етсам», деди.**

У вазирни Ҳомонни баланд қаср қуришга буюрди. У қаср нима учун керак бўлиб қолганини ҳам айтди. Аммо бу гапи ҳам мубҳам эди. Кейин сўзида давом этиб, бу мубҳамликни ойдинлаштирди:

**«Осмонларнинг сабабларига етсам, сўнгра Мусонинг Илоҳига боқсам».**

Яъни, осмонларга чиқадиган сабабларга, йўлларга етишсам-у, чиқиб Мусонинг худосини кўрсам.

**«Албатта, мен уни ёлғончи деб, гумон қилмоқдаман.»**

Мен Мусонинг Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбар эканига ишонмайман, ўзим осмонга чиқиб, унинг ёлғончи эканини исботламоқчиман, деди.

Фиръавннинг бу гаплари, қайси томондан олиб қаралганда ҳам, қавмни алдаш, ўзини олий мақом қилиб кўрсатиш ва Аллоҳнинг динини инкор этишдан иборат экани билинади. Бу гаплар унинг инсофга келиб, тўғри йўлга тушмаслигидан дарак берарди.

**«Шундай қилиб, Фиръавнга унинг ёмон амали зийнатланди ва у йўлдан тўсилди.»**

Фиръавнга ўзининг ёмон ишлари гўзал бўлиб кўринаверди. У ўзининг куфрини, гуноҳини, динга қарши қилаётган ишларини яхши ҳисоблаб юраверди.

Ва оқибатда, ҳидоят йўлидан, Аллоҳнинг йўлидан тўсилди.

**«Фиръавннинг макр-ҳийласи зиёнкорликдан бошқа нарса эмас.»**

У, ўзича, Аллоҳнинг даъватчисига, динига макр-ҳийла қилиб, бошлапман, деб юраверди-ю, аслида, ўзига зиён қилганидан бе-хабар қолди.

Фиръавннинг бу аҳмоқона гапидан кейин мўмин киши ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтишга қарор қилди:

وَقَالَ الَّذِي آمَنَ يَتَقَوْمِ اتَّبِعُونِ أَهْدِيكُمْ سَبِيلَ الرَّشَادِ ﴿٣٨﴾ يَتَقَوْمِ إِنَّمَا هَذِهِ  
الْحَيَاةُ الدُّنْيَا مَتْعٌ وَإِنَّ الْآخِرَةَ هِيَ دَارُ الْقَرَارِ ﴿٣٩﴾ مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُجْزَى إِلَّا  
مِثْلَهَا وَمَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ  
يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٤٠﴾ وَيَتَقَوْمِ مَا لِي أَدْعُوكُمْ إِلَى التَّجْوَةِ وَتَدْعُونَنِي إِلَى النَّارِ  
﴿٤١﴾ تَدْعُونَنِي لِأَكْفُرُ بِاللَّهِ وَأَشْرِكُ بِهِ مَا لَيْسَ لِي بِهِ عِلْمٌ وَأَنَا أَدْعُوكُمْ إِلَى الْعَزِيزِ  
الْعَفْفِ ﴿٤٢﴾ لَا جَرَمَ أَنَّمَا تَدْعُونَنِي إِلَيْهِ لَيْسَ لَهُ دُعَاؤٌ فِي الدُّنْيَا وَلَا فِي الْآخِرَةِ وَأَنْ مَّرَدَّنَا إِلَى اللَّهِ  
وَأَنَّ الْمُسْرِفِينَ هُمْ أَصْحَابُ النَّارِ ﴿٤٣﴾ فَسَتَذَكَّرُونَ مَا أَقُولُ لَكُمْ وَأَفْوِضُ أَمْرِي  
إِلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِصِيرٍ بِالْعِبَادِ ﴿٤٤﴾

38. Иймон келтирган киши: «Эй қавмим, менга эргашинглар, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилурман.

39. Эй қавмим, бу дунё ҳаёти вақтинчалик бир матоҳ, холос. Албатта, охират, ўшанинг ўзи барқарорлик диёридир.

40. Ким бирор ёмонлик қилса, фақат ўшанга яраша жазо олади, холос. Эркақдир, аёлдир, ҳар ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар, у ерда ҳисобсиз ризқланурлар.

41. Эй қавмим, нечун мен сизни нажотга чақирсам, сиз мени дўзахга чақирурсиз?!

42. Сиз мени Аллоҳга куфр келтиришимга ва ўзим билмаган нарсани Унга ширк келтиришимга чақирмоқдасиз. Ҳолбуки, мен сизни азийзу ўта мағфиратли Зотга чақирмоқдаман.

43. Ҳеч шубҳа йўқки, албатта, сиз мени чақираётган нарсанинг дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқдир. Албатта, қайтиб бораримиз Аллоҳгадир. Албатта, исрофчилар, аини ўшалар дўзах эгаларидир.

44. Ҳали, мен сизга айтаётган гапларни эслайсизлар. Мен ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир», деди.

Ушбу етти оятдаги ташвишга йўғрилган гаплар ҳар бир муҳлис мўминнинг ўз халқига, миллатига, қавмига бўлган меҳри-му-

ҳаббати ва хайрихоҳлигидан келиб чиқадиган гаплардир. Эътибор қиладиган бўлсақ, мўмин кишининг гапларида

**«Эй қавмим»** деган ибора кўп такрорланмоқда. Шунинг ўзи ҳам муҳлис мўмин инсоннинг доимо қавмим, халқим, миллатим, деб куюнишидан далолат беради. Аксинча, фақат ўзини ва тахтини ўйлайдиган, подшоҳлигидан айрилиб қолмаслик учун дину диёнатдан, ҳатто Аллоҳдан ҳам воз кечадиган Фиръавннинг нутқида бирор марта «Эй қавмим» сўзи ишлатилгани йўқ.

Энди, мўмин кишининг қавмига қилган насиҳатларини яхши-лаб ўрганайлик.

**«Эй қавмим, менга эргашинглар, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилурман.»**

Мўмин кишининг бу гапи Фиръавннинг юқоридаги, мен сизни тўғри йўлга ҳидоят қиламан, деган гапига раддия эди.

Мусо алайҳиссалом ҳақида сизга икки хил гап айтилмоқда. Фиръавн бир гапни айтмоқда, мен бошқа бир гап айтмоқдаман. Бу ишда Фиръавнга эргашманглар, у сизни тўғри йўлга ҳидоят қила олмайди. Балки менга эргашинглар. Мен сизни тўғри йўлга ҳидоят қиламан, демоқчи.

Кейин эса, бу дунё ҳаёти нимаю охират нима экани ҳақидаги ҳақиқатни баён қилади.

**«Эй қавмим, бу дунё ҳаёти вақтинчалик бир матоҳ, холос.»**

Бу беш кунлик дунё ҳаёти вақтинчалик матоҳ, холос. Охиратга тайёрланиш учун берилган вақтинчалик фурсат, холос.

**«Албатта, охират, ўшанинг ўзи барқарорлик диёридир.»**

Ҳақиқий барқарорлик, бардавомлик, ҳақиқий роҳат-фароғат фақат охиратдагина бўлади. Шунинг учун, дунёни эмас, охиратни кўзлаб иш қилинг.

**«Ким бирор ёмонлик қилса, фақат ўшанга яраша жазо олади, холос.»**

Яъни, ҳар ким қилган ёмонлигига яраша жазосини олиши турган гап.

**«Эркакдир, аёлдир, ҳар ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар, у ерда ҳисобсиз ризқданурлар.»**

Ким бўлишидан қатъиназар, ҳар бир банда иймон келтириб, яхши амал қилса, шу туфайли жаннатга киради. Ҳамда жаннатда беҳисоб ризқга эга бўлади. Демак, иймон билан солиҳ амал жаннатга киришнинг ва унда беҳисоб ризқланишнинг асосий омили экан.

Бу билан мўмин киши қавмига: куфр келтирманг, ёмонлик қилманг, иймонли бўлинг, яхши амал қилинг, демоқда.

**«Эй қавмим, нечун мен сизни нажотга чақирсам, сиз мени дўзахга чақирурсиз?!»**

Мен сизни Аллоҳга, Унинг юборган Пайғамбарига иймон келтириб, нажотга эришишга чорласам, сиз мени куфрга чақирмоқдасиз, куфрга чақиришингиз дўзахга чақиришингиздир.

**«Сиз мени Аллоҳга куфр келтиришимга ва ўзим билмаган нарсани Унга ширк келтиришимга чақирмоқдасиз.»**

Сиз мени Аллоҳни инкор этиб, Унга ибодат қилмасликка, худолигини билмаганим нарсани Унга ширк келтириб, ўшанга ибодат қилишимга чақирмоқдасиз. Бу чақиригингиз асоссиз ва фойдасиздир.

**«Ҳолбуки, мен сизни азийзу ўта мағфиратли Зотга чақирмоқдаман.»**

Мен сизни унга чақираётган Зот азийз – ҳаммадан ғолиб, устун зотдир. Бунда ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Мен сизни унга чақираётган Зот ўта мағфиратли зотдир. Бунда қанчалик гуноҳкор бўлса ҳам, ихлос билан тавба қилса, албатта, унинг тавбасини қабул қилади. Сиз ҳам фурсатни қочирмай, тавба қилиб қолинг.

**«Ҳеч шубҳа йўқки, албатта, сиз мени чақираётган нарсанинг дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқдир.»**

Сиз мени Аллоҳни қўйиб, сохта худога ибодат қилишга чақирмоқдасиз. Аммо ўша сохта худонинг бу дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқ. «Даъват» сўзи луғатда «чақириш» маъносини билдириб, диний истилоҳда дуо, ибодат ва динга, ибодатга чақириш маъноларини ифода этади.

Мушриклар даъво қилаётган сохта худолар ким ва нима бўлишидан қатъиназар, бу дунёда одамларнинг дуолари ва ибодатларига лойиқ эмаслар, ҳақлари йўқ. Уларнинг ўзлари одамларни, менга дуо ва ибодат қилинлар, деб чақиришга ҳам ҳақлари йўқ.

Шунингдек, охиратда ҳам ўша сохта худолар дуо қилишга, улардан ёрдам сўрашга ҳақдор эмаслар.

**«Албатта, қайтиб бораримиз Аллоҳгадир.»**

Сохта худоларга эмас. Қиёматда фақат Аллоҳга қайтиб борилганидан кейин, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи ягона Аллоҳнинг Ўзидир. Ҳамма бандалар фақат Аллоҳга дуо, илтижо, ибодат қилишлари ва фақат Аллоҳнинг Ўзидангина ёрдам сўрашлари лозим.

**«Албатта, исрофчилар, айна ўшалар дўзах эгаларидир.»**

Куфр ила исён ва туғенда исрофчи бўлганларнинг эришадиган нарсалари дўзахдир. Агар шу ҳолингизда юраверадиган бўлсангиз:

**«Ҳали, мен сизга айтаётган гапларни эслайсизлар.»**

Бир вақт келадикки, бошингизга иш тушганида, мен сизга айтган гапларни эслайсиз. Аммо унда кеч бўлади.



**«Мен ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим.»**

Ҳамма ишни ҳал қилувчи У зотнинг Ўзидир.

**«Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир.»**

Сизни ҳам, мени ҳам аниқ-равшан кўриб турибди. Ўзи адолат ила ҳукмни чиқаради.

Шу билан тортишув тамом бўлди. Мўмин киши ўзининг асрлар бўйи ёдда сақланадиган гапини айтиб тугатди.

Қиссанинг нима оқибат билан тутаганини Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда баён қилади.

فَوَقَدَهُ اللَّهُ سَيِّئَاتٍ مَّامُكْرُوهٍ وَأَوْحَىٰ بِعَالِ فِرْعَوْنَ سُوءَ الْعَذَابِ ﴿٤٥﴾

**45. Бас, Аллоҳ уни макрлари ёмонликларидан сақлади ва Фиръавн аҳлини ёмон азоб ўраб олди.**

Аллоҳ таоло мазкур мўмин кишини Фиръавн ва унинг одамлари макр-ҳийлаларининг ёмонликларидан қутқарди. Фиръавн аҳлини эса, ёмон азоб ўраб олди. Ўша ёмон азоб нима экани қуйидаги оятда баён қилинади:

النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ ﴿٤٦﴾

**46. У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Соат (қиёмат) қоим бўлганида эса: «Фиръавн аҳлини энг ашаддий азобга киритинглар», дейилур.**

Демак, ўша, Фиръавн аҳлини ўраб олган ёмон азоб бир оловдир. Улар ўша оловга доимо, эртаю кеч кўндаланг қилиб туриладилар. Яъни, қабрларида қиёматгача олов билан азобланадилар.

**«Соат (қиёмат) қоим бўлганида эса: «Фиръавн аҳлини энг ашаддий азобга киритинглар», дейилур.»**

Яъни, қиёмат куни Аллоҳ томонидан фаришталарга Фиръавн аҳлини дўзахдаги энг ашаддий азоб ила азоблаш ҳақида амр келади.

وَإِذِيتَحَلَّجُوا فِي النَّارِ فَيَقُولُ الضُّعَفَاءُ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنْتُمْ مُغْنُونَ عَنَّا نَصِيبًا مِنَ النَّارِ ﴿٤٧﴾

**47. Ўшанда улар дўзахда бир-бирлари ила хусумат қилурлар. Бас, заифлар мутакаббирлик қилганларга: «Албатта, биз сизга эргашувчи бўлган эдик. Энди сиз бизнинг дўзах насиба-миздан бирор бўлагини даф қиласизларми?!» – дерлар.**

Қиёмат қоим бўлиб, Аллоҳнинг амри ила Фиръавн аҳли энг ашаддий азобга гирифтор қилинган пайтда, улар дўзахда туриб бир-бирлари билан таллашиб-тортишадилар.

Аввал бу дунёда заиф ҳолида катталар ва бошлиқларнинг гапига кириб, уларга эргашиб кофир бўлиб ўтганлар сўз очадилар:

**«Бас, заифлар мутакаббирлик қилганларга: «Албатта, биз сизга эргашувчи бўлган эдик...»** деб гап бошлайдилар.

Бу дунёда заиф бўлиб ўтганлар Худога ҳам, бандага ҳам мутакаббирлик қилиб кофир бўлган, ўзгаларни ҳам куфрга чақирган бошлиқларига таъна билан: «У дунёда сизга эргашган эдик. Сизга эргашиб, кофир бўлган эдик. Сизлар, бизнинг айтганимизни қилаверинглар, бир нарса бўлса, биз жавоб берамиз», деган эдингизлар. Қани, айтинг-чи:

**«Энди сиз бизнинг дўзах насибамиздан бирор бўлагини даф қиласизларми?!» – дерлар».**

Мана, гапингизга кириб, биз ҳам дўзахга тушдик. Дўзах азоби-га дучор бўлдик. Энди бизнинг азобдан бўлган насибамиздан бирор улушини даф қила оласизларми, дейдилар

قَالَ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا إِنَّا كُلٌّ فِيهَا إِذْ قَالَ اللَّهُ قَدْ حَكَمَ بَيْنَ الْعِبَادِ

**48. Мутакаббирлик қилганлар: «Албатта ҳаммамиз унинг ичидамиз. Шубҳасиз, Аллоҳ бандалар орасида ҳукм чиқариб бўлди», дерлар.**

Бўлар иш бўлди, энди бу саволни бериб нима қиласизлар. Бу ерда у дунёдагига ўхшаб катта, бошлиқ ёки заифлигига қараб эмас, қилган амалига қараб ҳукм чиқарилар экан. Биз ҳам куфр келтирдик, сиз ҳам куфр келтирдингиз ва қилганимизга яраша ҳаммамиз жазоимизни оддик. Аллоҳ ҳукмини чиқариб бўлди. Ҳаммамиз жаҳаннамга тушдик.

Шу билан жаҳаннам эгалари орасидаги ўзаро жанжал ҳам тамом бўлди. Энди улар биргалашиб, бошқа томонга мурожаат қилишга ўтадилар:

وَقَالَ الَّذِينَ فِي النَّارِ لِخَزَنَةِ جَهَنَّمَ ادْعُوا رَبَّكُمْ يُخَفِّفْ عَنَّا يَوْمًا مِّنَ الْعَذَابِ

**49. Дўзахда турганлар жаҳаннам қўриқчиларига: «Роббингизга дуо қилинглар, биздан бирор кун азобни енгиллатсин», дедилар.**

Бир-бирлари билан даъво таллашиш фойда бермаслигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин, дўзахда турган ҳолларида, шоядки, бирор ёруғлик чиқиб қолса, деб жаҳаннам қўриқчиларига мурожаат этадилар:

**«Роббингизга дуо қилинлар, биздан бирор кун азобни енгиллатсин».**

Уларнинг гапидан азобдан қутулишнинг ёки уни ўзлари енгиллатишларининг иложи йўқлигига ишониб етганлари кўришиб турибди. Шунинг учун ҳам, улар жаҳаннам қўриқчилари бўлмиш фаришталардан ҳеч бўлмаса бир кунгина азобни енгиллатишни сўраб беришни илтимос қилмоқдалар.

Уларнинг бу илтимосларига жаҳаннам қўриқчилари савол билан жавоб бердилар:

قَالُوا أَوْلَم تَأْتِكُمْ رُسُلَكُم بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا بَلَىٰ قَالُوا فَادْعُوا وَمَا دَعَاؤُ  
الْكَافِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ ﴿٥٠﴾

**50. Улар: «Сизга Пайғамбарларингиз очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келмаган эдиларми?!» – дедилар. Булар: «Ҳа», дейишди. Улар: «Бас, дуо қилаверинлар. Кофирларнинг дуоси залолатдан бошқа нарса эмас», дедилар.**

Жаҳаннам қўриқчилари: «Нима сабабдан бу ҳолга тушиб қолдингиз?! Сизга Пайғамбар келиб, шу кун бошингизга тушиши мумкинлигидан огоҳлантирмаган эдими?!» – деб сўрадилар. Шунда:

**«Улар: «Ҳа», дейишди».**

Дўзахийлар: «Ҳа, Пайғамбарларимиз бизга очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келган эдилар», деб жавоб қилишади. Уларнинг бу эътирофларидан кейин жаҳаннам қўриқчилари узил-кесил жавобни берадилар:

**«Улар: «Бас, дуо қилаверинлар. Кофирларнинг дуоси залолатдан бошқа нарса эмас», дедилар».**

Яъни, ундай бўлса, бизга мурожаат этиб, Роббимизга дуо қилиб, сизларга берилаётган азобни енгиллаштиришимизни сўраб ўтирмасдан, ўзингиз дуо қилаверингиз. Билиб қўйинларки, кофирларнинг дуоси залолатдан бошқа нарса эмас. Сизнинг дуоингиз залолатдир. Азобни тортаверасиз.

Энди мазкур оятларда ўтган маъноларга изоҳ берилади:

إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَادُ ﴿٥٠﴾

**51. Албатта, Биз Пайғамбарларимизга ва иймон келтирганларга бу дунё ҳаётида ва гувоҳлар турган кунда ҳам нусрат берурмиз.**

Яъни, Аллоҳнинг нусрати бу дунёда ҳам Пайғамбарларга ва мўминларга бўлади, у дунёда ҳам. У дунёда Пайғамбарлар ва мўминлар учун Аллоҳнинг нусрати бўлиши ҳақида ҳеч ким, ҳатто кофирлар ҳам шак-шубҳа қилмайди. Аммо бу дунёдаги нусрат ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар бўлиши мумкин. Инсонинг тор фикри ва қисқа ўлчови оқибатида «Пайғамбарларга ва мўминларга нусрат берадиган бўлса, нима учун баъзи Пайғамбарлар ўлдирилган, баъзилари азоб-уқубатга учраган, кўплари ҳижрат қилишга мажбур бўлган? Нима учун, ҳозир гувоҳ бўлаётганимиздек, кўплаб мўминлар кофирлар томонидан ўлдирилган, қийноқларга солинган, қамалган, қувилган ва бошқа хорликларга учраган?» деган фикрлар уйғонади. Бу каби саволларга Қуръони Карим руҳини, Ислом таълимотларини яхши англаб етган уламоларимиз атрофлича жавоб берганлар.

Аввало, Пайғамбарларга ва мўминларга бу дунёда нусрат берилиши ҳақида гап кетганида, бир шахс, бир авлод, бир миллат ва маълум бир замон назарда тутилганми? Қолаверса, «нусрат» деганда нима кўзда тутилади? Баъзи одамларни ўлдириш, баъзиларини қамаш, баъзиларини калтаклаш ва айримларини қувиб чиқаришми? Агар ҳар бир ўлдирилган ғолиб бўлиб, ўлдирилган мағлуб ҳисобланадиган бўлса, дунёда ўғри, муттаҳам ва золим-қонхўрлар ғолиб саналган бўлар эди. Агар ҳар бир қамалган ғолиб, қамалган мағлуб саналса, адолат торозуси тамоман тескари тортилган бўларди. Агар ҳар бир қувган ғолиб, қувилган мағлуб ҳисобланса, ҳақиқатнинг юзи қорайиб кетган бўларди.

يَوْمَ لَا يَنْفَعُ الظَّالِمِينَ مَعَذَرُهُمْ وَلَهُمُ اللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوءُ الدَّارِ ﴿٥٢﴾

**52. У кунда золимларга маъзиратлари наф бермас. Уларга лаънат бўлмай ва уларга ёмон ҳовли жой бўлмай .**

Иймон билан куфр орасидаги кураш бир шахс, бир авлод, бир замонга боғлиқ эмас. Балки бу кураш дунё бунёд бўлганидан бошлаб, қиёматгача давом этадиган курашдир. Бу кураш давомида турли ҳолатлар бўлиб ўтади. Иймон томонида турган баъзи кишиларнинг эътиқод йўлида шаҳид бўлишлари улкан нусрат бўлиши мумкин. Ҳозиргача бутун дунё қанчадан-қанча шаҳидларни мадҳ этиб, эҳтиром ила эслаб келмоқда, уларни шаҳид этган қотиллар эса, лаънатланмоқда. Қани, кўрайлик-чи, бу ерда нусрат шаҳидгами ё қотилга?! Баъзи бир шаҳидларнинг ўлими бутун бошли умматларни ғалабага чорлаган вақтлар ҳам бўлган. Демак, ўлимнинг ҳаммаси ҳам, хусусан иймон йўлидаги ўлим, мағлубият ҳисобланмайди.

Шунингдек, иймон йўлида қамалганлар, азобланганлар фидо-корликлари билан жаллодлар устидан доимо ғолиб бўлганлар. Ҳозирда қанчадан-қанча қамалганларга, азобланганларга ҳамма-ҳамма, ҳатто кофирлар ҳам тасанно ўқимоқда, қамаган ва азобланганларга лаънатлар ёғдирмоқда. Демак, ҳар бир қамалиш ёки азобланиш мағлубият бўлавермайди.

Иймон ва куфр орасидаги курашда нусрат кимга бўлиши тор ўлчовда эмас, балки кенг мезонлар билан ўлчанади. Иймоннинг қалбларда, ер юзида тантанаси учун инсоннинг ўзи саъйи-ҳаракат қилишини Аллоҳ шарт этган экан, унинг йўлидаги қурбонлар, машаққатлар эришиладиган нусратнинг қийматини оширади, қадрини кўтаради. Ундан кейин, инсоният тарихидаги иймон билан куфр ўртасидаги курашнинг оралиқ натижаларига ҳам бир назар солайлик. Уларнинг ҳаммаси Пайғамбарлар ва мўминларга нусрат берилиши билан якун топганини кўрамиз.

Ана ўша нусратлардан бири қуйидаги оятда эслатилади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْهُدَىٰ وَأَوْثَانًا بَنِي إِسْرَائِيلَ الْكِتَابَ ﴿٥٣﴾ هُدًى وَذِكْرَىٰ  
لِأُولِي الْأَلْبَابِ ﴿٥٤﴾

**53. Батаҳқиқ, Биз Мусога ҳидоятни бердик ва Бани Исроилни Китобга ворис қилдик.**

**54. Ақл эгаларига ҳидоятчи ва эслатма бўлсин учун.**

Аллоҳ таоло бу икки оятда Пайғамбарларига ва мўмин бандаларига бу дунёда нусрат беришига мисол қилиб, Мусо алайҳиссаломга ҳидоят берганини, Бани Исроилни Тавротга ворис қилганини айтмоқда. Шу билан бирга, ўша нарсалардан ақли бор кишилар тўғри йўлга йўлланиши ва эслатма олиши зарурлигини ҳам таъкидламоқда.

Ана шундан кейин иймон билан куфр орасидаги курашнинг энг шиддатли нуқтасида турган Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у кишига эргашган саҳобаи киромларга ва кейинчалик бутун дунё кофирлари билан қарама-қарши туришлари, иймон йўлини ҳимоя қилишлари кутилган мўмин-мусулмонларга илоҳий тавсиялар, кўрсатмалар келади:

فَاصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ ۖ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنبِكَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ بِالْعَشِيِّ وَالْإِبْكَرِ ﴿٥٥﴾

**55. Бас, сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Гуноҳинг учун истиғфор айт. Эртаю кеч Роббингга ҳамд ила тасбиҳ айт.**

Ушбу ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиш орқали ҳар бир мўмин бандага иймон йўлида зарур бўладиган омиллар тақдим этилмоқда.

**«Бас, сабр қил.»**

Иймон йўлидаги курашда энг зарур амаллардан бири сабрдир. Сабрсиз бир нарсага эришиш қийин. Сабр фақат кофирлар, дин душманлари ва мунофиқлар томонидан бўладиган озорларга, азоб-уқубатларга бардош беришгина эмас. Сабр улкан заруриятдир. Ҳавойи нафсни жиловлаб олиш учун ҳам сабр зарурдир. Кишиларни иймонга чақиришда ҳам, Аллоҳнинг амрларини бажаришда ҳам, Аллоҳ қайтарган нарсалардан тийилишда ҳам сабр зарурдир.

**«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир.»**

Аллоҳ Пайғамбарига ва мўмин бандаларига нусрат беришни ваъда қилганми, албатта ваъдасининг устидан чиқади. Сабр қилсанг, бас, нусрат келишида шубҳа йўқ.

**«Гуноҳинг учун истиғфор айт.»**

Албатта, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гуноҳлари йўқ, лекин шундай бўлса ҳам, бу амрнинг келиши умматлари учун таълимдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам маъсум бўлсалар ҳам, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда у зотнинг аввалгию кейинги гуноҳларини афв қилганини эълон қилган бўлса ҳам, доимо истиғфор айтар эдилар. Мўмин киши гуноҳини эътироф қилиб, доимо истиғфор айтиб юриши унинг иймон йўлидаги курашида асосий қуролларида биридир. Албатта, истиғфор маълум бир лафзларни, жумладан, «Астағфируллоҳ»ни маъносига ҳам эътибор бермай, қуруқ такрорлаш эмас, балки бутун вужуд билан ҳис этган ҳолда иймон ва эътиқод ила тавба қилишдир.

**«Эртаю кеч Роббингга ҳамд ила тасбиҳ айт.»**

Доимо, хусусан эрталаб ва кечқурун Аллоҳга ҳамду сано айт. У зотни турли айб ва нуқсонлардан поклаб ёд эт. Мана шулар иймон билан куфр ўртасидаги курашда иймон соҳиблари учун ўта зарур омиллардир. Чунки, кофирлар, дин душманлари, мунофиқлар доимо Аллоҳнинг динига қарши чиқиб, Аллоҳнинг оятлари ҳақида тортишиб турадилар. Уларнинг ҳам бу ишда ўзларига яраша омиллари бор.

إِنَّ الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِ اللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَانٍ أَتَتْهُمْ إِنْ فِي صُدُورِهِمْ إِلَّا كِبْرٌ مَّا هُمْ بِبَٰغِيهِ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴿٥٥﴾

**56. Албатта, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжатсиз талашиб-тортишадиганларнинг дилларида кибрдан ўзга нарса йўқ. Улар унга етишгувчи эмаслар. Бас, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи зотдир.**

Ояти каримада улкан ҳақиқат баён қилинмоқда. Аллоҳ бутун борлиқни яратган зот. Жумладан, инсонни ҳам. Инсон Аллоҳ яратган бошқа махлуқотларга қараганда жуда кичик, ожиз ва кучсиздир. Аммо, Аллоҳ айнан шу кичик, ожиз ва кучсиз махлуқининг қадри баланд бўлишини ирода қилиб, уни ер юзида Ўзининг халифаси этиб сайлади. Аллоҳ айнан шу кичик, ожиз ва кучсиз махлуқи ер юзида халифалик қилишдек улкан вазифасини тўғри адо этиши учун унга оятлар нозил қилди. Ақлини ишлатган, ўзини таниган бандалар ушбу илоҳий оятларни жон деб қабул этиб, улар асосида ер юзида халифалик вазифаларини бажариб, икки дунё саодатига эришишга интилади.

Аммо ўзини танимаган, ақлини ишлатмаган, инсоф ҳам қилмаган шундай бандалар борки, улар ўзларида бирор ҳужжат-далил бўлмай туриб, Аллоҳнинг уларга нозил қилган оятларини қабул этмайди. Баъзилари бу билан Аллоҳнинг борлигини инкор этади. Баъзилари бу билан Аллоҳнинг оятларини инкор қилади. Баъзилари бирини қабул қилиб, биридан юз ўгиради. Баъзилари, бу оятлар Аллоҳники бўлса ҳам, ҳозир эскиб қолган, дейди. Бошқалари, бу оятлар Аллоҳники бўлса ҳам, маълум бир қавмга тушган, бизга тегишли эмас, дейди. Хулоса қилиб айтганда, Аллоҳнинг оятларини жон деб қабул қилиб олиб, унга бўйин эгиш ўрнига, улар ҳақида талашиб-тортишадилар. Нима учун бундай қиладилар?

**«Албатта, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжатсиз талашиб-тортишадиганларнинг дилларида кибрдан ўзга нарса йўқ.»**

Ҳа, уларнинг дилларида иймон ҳам, эътиқод ҳам, инсоф ҳам йўқ. Уларнинг қалбларида фақат бир нарса, кибр бор. Такаббурлик бор. Яъни, ўзини катта фаҳмлаш бор. Улар ўзларини Аллоҳнинг оятларига иймон келтиришдан-да юқори фаҳмлайдилар. Улар ўзларини Аллоҳнинг оятларига амал қилишдан-да юксак фаҳмлайдилар. Улар ўзларидаги кибру ҳаво туфайли Аллоҳнинг оятларини менсимайдилар. Шунинг учун, бирорта ҳужжат-далиллари бўлмаса ҳам, Аллоҳнинг оятларига қарши талашиб-тортишадилар. Шу ишлари билан ўзларини кибор—юқори даражада ҳис қилмоқчи бўладилар.

**«Улар унга етишгувчи эмаслар.»**

У кофирлар, мушриклар ва мунофиқлар ўзлари орзу қилган улғворликка ҳеч қачон эриша олмайдилар. Улар бу дунёю у дунёда хору зор бўладилар.

**«Бас, Аллоҳдан паноҳ сўра.»**

Бас, ўшандай кибрдан сақлашини Аллоҳнинг ўзидан сўра.

**«Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи зотдир.»**

Ким нима деяётганини жуда яхши эшитиб туради. Ким нима қилаётганини жуда яхши билиб туради. Вақти келганида Ўзи билиб, ҳисоб-китоб қилади.

لَخَلْقُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ أَكْبَرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٧﴾

**57. Албатта, осмонлару ерни яратиш одамларни яратишдан каттароқдир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.**

Бу ояти карима инсонга бутун борлиққа нисбатан ўзининг қандай ҳажмга эга эканини билиб олишига ишора қилади. Осмонларни яратган зот ҳам Аллоҳ. Ерни яратган зот ҳам Аллоҳ. Одамларни яратган зот ҳам Аллоҳ. Осмонлар шунчалик каттаки, одамзот унинг чегараси қаерда эканини ҳам билмайди. Осмонлардаги нарсалар шунчалик кўпки, одамзот уларнинг сонини ҳам билмайди. Одамзот ўзи яшаб турган ерга нисбатан ҳеч нарса эмас. Ердagi мавжудотларга солиштирилганда ҳам, арзимаган нарса. Ҳалигача ушбу мавжудотларнинг ҳаммасини идрок қилиб улгургани йўқ. Шунингдек, ниҳоятда улкан ҳисобланган ернинг ўзи биргина энг яқин осмонга нисбатан ҳеч нарса эмас. Бу осмондаги мавжудотлардан биргина қуёшни олиб кўрадиган бўлсак, унинг ҳажми ерникидан миллион марта каттадир. Қуёш эса, бизга яқин осмон системасидаги миллион қуёшдан бири, холос. Энди, барча осмонлардаги барча мавжудотларнинг олдида инсон нимага тенг келишини билиб олаверса бўлади. Ана шунда Аллоҳнинг:

**«Албатта, осмонлару ерни яратиш одамларни яратишдан каттароқдир»,** деган оятини кенгроқ, чуқурроқ тушуниш мумкин.

**«Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.»**

Шунинг учун ҳам, ўзларининг кимлигини унутиб, қалбларига кибр ўрнашиб, Аллоҳ таолонинг оятлари ҳақида талашиб-тортишадилар. Уларга амал қилмайдилар. Осмонлару ерни ва ўзининг жуссасини кўриб туриб ҳам инсофга келмаган, Аллоҳнинг оятларини жон деб қабул этмаган, уларга амал қилмаган одамлар кўрдирлар.

وَمَا يَسْتَوِي الْأَعْمَىٰ وَالْبَصِيرُ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَلَا الْمُسِيءُ

فَلِيْلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٥٨﴾



**58. Кўр билан кўрувчи баробар бўлмас. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар билан ёмонлик қилгувчи ҳам. Жуда ҳам кам эслайсизлар.**

Кўзи кўр, ҳеч нарсани кўрмайдиган одам билан кўзи соғ, ҳамма нарсани кўра оладиган одам ҳеч қачон тенг қўйилмайди. Кўзи соғ одам атрофни яхши кўради, адашмайди, суришиб-туртинмайди, қоқилиб-йиқилмайди, тўғри, пок йўлдан юради. Ҳар бир ишни кўриб-билиб қилади. Кўрганларининг оқ-қорасини, яхши-ёмонини, фойдали-фойдасизини фарқлай олади. Кўр одам эса, асло бундай эмас. У йўлини топиб юра олмайди. Хоҳлаган нарсасини ола билмайди, оқу қорани, текис-нотекисни ажратолмайди. Натижа шунга қараб бўлади. Шунинг учун ҳам, оятда:

**«Кўр билан кўрувчи баробар бўлмас»,** дейилмоқда.

Бу ҳақиқат ҳаммага равшан бўлиб, моддий маънодаги кўришга ҳам, маънавий кўришга ҳам тегишлидир.

**«Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар билан ёмонлик қилгувчи ҳам»** баробар бўлмас.

Иймон қалбнинг нуридир. Иймони борлар қалб кўзи очиқ одамлардир. У, маънавият оламида ҳамма нарсани кўради. Моддий кўз билан кўриб, яхши томонга юргани каби, маънавий кўз билан кўриб, солиҳ амалларни қилади.

Ҳа, маънавий кўзи очиқ одамлар солиҳ амалларни онгли равишда қиладилар. Иймон нури билан маънавий кўзлари нурланмаганлар эса, гарчи иймон даъвосини қилсалар ҳам, солиҳ амалларни кўр-кўрона бажарадилар.

Иймон тақозосига кўра солиҳ амал қилувчилар билан амали ёмонлар тенг бўлармидилар? Албатта, йўқ. Чунки, ёмонлик қилувчиларнинг қалблари кўрдир. Шунинг учун, ёмонлик қиладилар. Ушбу ҳақиқатни эслаганларгина иймон йўлига юрадилар ва солиҳ амал қиладилар. Моддий маънода кўр бўлишни хоҳламаганларидек, маънавий оламда ҳам кўр бўлишни истамайдилар. Афсуски:

**«Жуда ҳам кам эслайсизлар».**

Шу жумладан, кейинги оятда зикр этилажак ҳақиқатни ҳам жуда оз эслайсизлар:

إِنَّ السَّاعَةَ لَأَنبِيَةٌ لَّأَرِيْبَ فِيهَا وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يُؤْمِنُونَ

**59. Албатта, соат (қиёмат) келгувчидир. Унда шубҳа йўқ. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.**

Бир нарса борки, агар одамлар уни эсласалар, унга ишонсалар, ундан эҳтиёт бўлсалар, унга тайёргарлик кўрсалар, бу маш-

машаларга ўрин қолмайди. У ҳам бўлса, қиёматнинг қоим бўлишидир.

**«Албатта, соат (қиёмат) келгувчидир.»**

Келмасдан қолмайди ҳам. Келмаса, бўлмайди ҳам.

**«Унда шубҳа йўқ.»**

Қиёмат қоим бўлишида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас.

**«Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.»**

Яъни, қиёмат қоим бўлишига ишонмайдилар. Ишонмаганлари учун ҳам, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ҳеч қандай ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадилар. Ўзларининг ким эканларини унутиб, кибрга кетадилар. Кибр эса, уларни ҳалокатга элтади. Бу ҳалокатдан, унга элтувчи кибрдан сақланиш учун Аллоҳга ибодат этиш керак, У зотга дуо қилиш керак. Чунки:

وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ  
جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ ﴿٦٠﴾

**60. Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», деди.**

Аллоҳга банда томонидан қилинадиган дуо, ибодат луғатда бир хил маънони билдиради. Дуо ва ибодат хоҳ сўздан иборат бўлсин, хоҳ амалдан, банда томонидан Аллоҳ таолонинг розилигини излашдир, иймон ила У зотнинг розилигини сўрашдир.

Дуо ва ибодат банданинг Аллоҳ таоло ҳузурида ҳожатманд эканини эътироф этишидир. Ўзининг ночорлигию ожизлигини тан олишидир. Бу ишни фақат иймони борларгина, қалб кўзлари очиқларгина, ўзининг кимлигини англаб етганларгина, инсоф қилганларгина, қалбида Аллоҳга нисбатан кибру ҳаво бўлмаганларгина қиладилар. Буни бандага Аллоҳнинг Ўзи буюргандир.

**«Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман.»**

Менга ибодат қилинг, қабул этаман, менга илтижо қилиб, ҳожатингизни сўранг, сўраганингизни бераман, дейди Аллоҳ таоло.

Ожизлигини, ҳожатмандлигини эътироф этиб, дуони қабул қилувчи Зотнинг жалолига муносиб одоб-ахлоқ билан сўрашлик банданинг иши. Қолгани эса, Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Мен ижобат ташвишини чекмайман, мен дуо ташвишини қиламан. Менга дуо қилиш илҳом этилса, ижобат ҳам қилинади», дер эканлар. Ҳа, Аллоҳ Ўзига иймон би-

лан дуо қилганларнинг дуосини ижобат этади, ибодатларини қабул қилади. Аммо шу билан бирга:

**«Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», деди».**

Аммо, ўзини билмаганлар, Аллоҳга дуо қилишдан, ибодат этишдан кибр ила ўзларини юқори кўрганлар, қалб кўзи кўр бўлганлар жаҳаннамга кирадилар. Кирганда ҳам, хору зор бўлиб кирадилар.

Агар улар Аллоҳнинг неъматларига ибрат билан қараганларида, У зотнинг нақадар буюклигини англаб етган бўлар эдилар. Аллоҳнинг ибодатидан зинҳор юз ўтирмасдилар, асло кибру ҳаво қилмасдилар. Ўйлаб кўринглар, эй одамлар!

اللَّهُ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الَّيْلَ لِتَسْكُنُوا فِيهِ وَالنَّهَارَ مُبْصِرًا إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ

**61. Аллоҳ сизга сукунат топишингиз учун кечани, кўрсатувчи этиб кундузни қилиб берган зотдир. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан фазлу карам соҳибидир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.**

Эй одамлар, Аллоҳ таоло сизларга ато қилган сон-саноксиз неъматлардан бири бўлган кечани олиб кўринг. Унинг сизга қанчалар фойдаси бор. Агар ўша фойдалар бўлмаса, сиз ҳозиргидай ҳаёт кечира олмасдингиз. Кечанинг биргина сукунат эканини олиб кўринг. Агар сизга ўша неъматни ато этиб, ҳамма нарсани кўра олишингизга имконият яратиб бермаганида, нима қилар эдингиз?

Аллоҳдан бошқа ким сизга кундузни кўрсатувчи қилиб берар эди?

**«Аллоҳ сизга сукунат топишингиз учун кечани, кўрсатувчи этиб кундузни қилиб берган зотдир.»**

Бу ишлар эса, Аллоҳ таолонинг сизга кўрсатган фазлу карамидир.

**«Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан фазлу карам соҳибидир.»**

Одамлар инсоф билан қарасалар, ҳар бир нарсада, ҳар бир ўринда, ҳар бир лаҳзада Аллоҳ таолонинг фазлу карамини кўрадилар.

**«Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.»**

Шунинг учун, Аллоҳга куфр, ширк келтирадилар. Нифоқ қиладилар. Аллоҳнинг оятлари ҳақида ҳужжатсиз, далилсиз талашиб-

тортишадилар. Аллоҳга ибодат қилмайдилар. Мутакаббирлик қилмайдилар.

ذٰلِكُمْ اَللّٰهُ رَبُّكُمْ خَلِقُ كُلِّ شَيْءٍ لَّا اِلٰهَ اِلَّا هُوَ فَاَنۡ تُوۡفَكُوۡنَ ﴿٦٢﴾

**62. Ана ўша Аллоҳ – Роббингиздир. У ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?!**

Юқорида васфи олийи келтирилган зот – Аллоҳ сизнинг Роббингиздир, эй одамлар. У сизни яратган зотдир. Сизга ризқ берган ҳам У зотдир. Барча ишларингизнинг тадбирини қилиб турувчи ҳам Ўша зотдир. У нафақат сизнинг, балки:

**«Ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир».**

Дунёдаги ҳамма нарсани У яратгандир. Дунёда Ундан ўзга яратувчи йўқдир. Бинобарин:

**«Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ».**

Шунинг учун ҳам, сиз фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилмоғингиз зарур.

**«Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?!»**

Аллоҳга ибодат қилмай, қайси томонга бурилиб кетмоқдасизлар?! Аллоҳнинг айтганини қилмай, қаён қараб кетмоқдасизлар?! Аллоҳнинг оятларига амал қилмай, қаёққа кетмоқдасизлар?!

كَذٰلِكَ يُوۡفٰكُ الَّذِيۡنَ كَانُوۡا يٰٓاَيۡتِ اللّٰهَ يَجۡحَدُوۡنَ ﴿٦٣﴾

**63. Аллоҳнинг оятларини инкор қиладиганлар ана шундай бурилиб кетурлар.**

Аллоҳнинг Робб эканини тан олмайдиганлар, унинг оятларини инкор қиладиганлар Аллоҳнинг йўлидан бурилиб, бошқа йўлга юриб кетадилар.

اَللّٰهُ الَّذِيۡ جَعَلَ لَكُمُ الْاَرْضَ قَرٰرًا وَالسَّمَآءَ بِنَآءٍ وَصَوَّرَكُمۡ فَآحۡسَنَ صُوۡرَكُمۡ وَرَزَقَكُمۡ مِّنَ الطَّيۡبٰتِ ذٰلِكُمۡ اَللّٰهُ رَبُّكُمۡ فَتَبٰرَكَ اَللّٰهُ رَبُّ الْعٰلَمِيۡنَ ﴿٦٤﴾

**64. Аллоҳ сизга ерни қароргоҳ, осмонни том қилган ва сизларнинг сувратларингизни гўзал сувратда қилган, сизларга пок нарсалардан ризқ берган зотдир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Бас, оламларнинг Робби Аллоҳ баракотли (юксак) бўлди.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзининг бандаларига берган неъматларидан баъзиларини эслатиб ўтмоқда.

**«Аллоҳ сизга ерни қароргоҳ, осмонни том қилган...»** зотдир.

Ер одам боласи учун Аллоҳ томонидан қароргоҳ қилинган. У, ердан бошқа жойда қарор топа олмайди. Ердан юқорига кўтарилган инсон вазнсизлик ҳолатига учрайди. Оёғини хоҳлаган жойига кўя олмайди, қарорини йўқотади. Унга ҳаво етишмайди. Ернинг остида ҳам унга қарор йўқ. Фақат ер устидагина инсон қарор топади. Ерни инсон ҳаёти учун ҳамма томондан ростлаб, тўғрилаб қўйган зот Аллоҳ таолодир. Ўша имкониятлардан бирортасини бошқа бирор кимса ярата олмайди. Шундай экан, инсон Аллоҳга ҳамд айтиши, ибодат қилиши лозим.

Осмонни инсон учун том қилиб қўйган зот ҳам Аллоҳдир. Агар Аллоҳ инсон учун осмонни том қилиб бермаса, ким ҳам бу ишни удалай оларди. Шундай экан, инсон Аллоҳга ҳамд айтиши, ибодат қилиши лозим. Аллоҳ таоло:

**«ва сизларнинг сувратларингизни гўзал сувратда қилган...»** зотдир.

Инсон ўз сувратига қарасин. Унинг жуссаси қандай гўзал. Агар аъзоларидан бирортаси салгина ўзгариб қолса, бу гўзалликнинг қадрини билади. Албатта, унга бу сувратни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бера олмайди. Шундай бўлганидан кейин, инсон Аллоҳга ҳамд айтиши, ибодат қилиши лозим.

**«...сизларга пок нарсалардан ризқ берган зотдир.»**

Инсон ҳаётига зарур ризқни берадиган зот ҳам Аллоҳ таолодир. Агар Аллоҳ таоло инсонга бериб турган пок ризқлардан баъзиси йўқ бўлиб қолса, ҳеч ким унинг ўрнини тўлдиролмайди. Ризқнинг ҳаммаси Аллоҳ таолодан. Шундай бўлганидан кейин, инсон ўзига ризқ бергувчи Аллоҳ таолога иймон келтириши, Унгагина ибодат қилиши лозим.

**«Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир.»**

Ана ўша сифатларга эга бўлган зот сизнинг Роббингиздир, эй одамлар! Сизнинг яратувчингизу сизга ризқ берувчингиз ҳам, тадбирингизни қилувчи ҳам У, тарбиякунандангиз ҳам Унинг Ўзидир.

**«Бас, оламларнинг Робби Аллоҳ баракотли (юксак) бўлди.»**

Яъни, Аллоҳ фақат инсонларнинг эмас, бутун оламларнинг Робби – яратувчиси, ризқ берувчиси, тадбирини қилувчиси ва тарбиякунандасидир. У зот ҳамма нарсадан юксакдир, ҳамма нарсадан баракотлидир.

هُوَ الْحَيُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

**65. У зот тирикдир. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.**

Эй одамлар, сизнинг Роббингиз, бутун оламларнинг Робби Аллоҳнинг сифатларидан яна бирини билиб қўйинг:

**«У зот тирикдир».**

Аллоҳ тирикдир. Унинг Ўзи асли тирикдир. Тириклик Ундандир. У тирикликни кейин олган эмас. Унга тирикликни бошқа зот берган эмас. Тириклик азалдан У биландир. Тириклик У билан абадий қолур. Ўша зотга ибодат қилинмай, кимга ибодат қилинади.

**«Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ.»**

Чунки, Унинг мазкур сифатларига яқин келадиган зот ҳам йўқ.

**«Бас, Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг.»**

Аллоҳга динни холис тутган ҳолда дуо-ибодат қилинг. Яъни, холис бўйсунган ҳолда, шариатга тўла амал қилган ҳолда, иймон-этиқодга ёлғону риёни аралаштирмай дуо-ибодат қилинг.

**«Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.»**

У зотга ҳамд айтилмай, кимга айтилади. Ҳеч нарсага эга бўлмаган бут-санамларгами?

Эй Пайғамбар!

❖ قُلْ إِنِّي نُهَيْتُ أَنْ أَعْبُدَ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَمَّا جَاءَنِي الْبَيِّنَاتُ مِنْ رَبِّي وَأُمِرْتُ

أَنْ أَسْلِمَ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ

**66. Сен: «Албатта, мен ўзимга Роббимдан очиқ-ойдин ҳужжатлар келган пайтда сиз илтижо этаётган нарсаларга ибодат қилишдан қайтарилганман ва оламларнинг Роббига таслим бўлишга амр этилдим», деб айт.**

Аллоҳ таолонинг яккаю ягона ибодатга сазовор зот эканига далолат қилувчи сифатлари зикр этилиб, уларга изоҳлар ҳам берилиб бўлгач, бу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмасликларини, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи-гагина бўйсуниб, Унгагина ибодат қилишларини эълон этиш топширилмоқда.

**«Албатта, мен ўзимга Роббимдан очиқ-ойдин ҳужжатлар келган пайтда сиз илтижо этаётган нарсаларга ибодат қилишдан қайтарилганман...»**

Роббим Аллоҳдан менга очиқ-ойдин оятлар келиб, уларда сизлар илтижо этаётган сохта худоларга ибодат қилишдан қайтарилганман. Мен Аллоҳдан ўзгага зинҳор ибодат қилмайман.

**«...оламларнинг Роббига таслим бўлишга амр этилдим.»**

Бутун оламларга Робб бўлган, яратувчи, ризқ берувчи, тадбир қилувчи зот Аллоҳга ўзимни бутунлай топширишга – мусулмон бўлишга амр этилдим. Мен Ул зотдан бошқага зинҳор таслим бўлмайман.

Ушбу оятдан кейин яна Аллоҳ таолонинг қудратига ва ваҳдониятига далолат қилувчи оятлар ҳақида сўз боради. Аввал борлиқдаги мавжудотлардан далил ва ҳужжатлар келтирилган бўлса, энди инсоннинг ўзидан мисоллар олинади.

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ يُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوا أَشَدَّكُمْ ثُمَّ لِيَكَونُوا شِيوخًا وَمِنْكُمْ مَنْ يُنَوِّقُ مِنْ قَبْلِ وَلِئبْلُغُوا أَجْلا مُسمًى  
وَلَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ

**67. У сизни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра (ёпишқоқ) лахта қондан яратган зотдир. Сўнгра У сизни бувак ҳолинғизда чиқарур. Сўнгра камолга етишинғиз учун, сўнгра қари бўлишинғиз учун (улғайтиур). Сизнинг ичинғизда ундан олдин вафот этадиганлар ҳам бўлур. (Булар) белгиланган ажалга етишинғиз учундир. Шоядки, ақл юритсанғиз.**

Бу оятда кибрга кетиб, ўзини унутган, Аллоҳни – холиқини тан олмай қўйган инсонга асли, ожизлиги эслатилмоқда.

**«У сизни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра (ёпишқоқ) лахта қондан яратган зотдир.»**

Ўзидан кетиб, Аллоҳни инкор қилаётган одам бир вақтлар умуман инсон деган зотнинг ўзи бўлмаганини бир ўйлаб кўрсин. Ҳеч ким ҳозиргача «Инсон азалдан бор эди», деган гапни айтган эмас. Демак, йўқ нарса бор бўлиши учун кимдир уни яратиши керак. Бир вақтлар йўқ бўлган инсонни ким бор қилди? Бу саволнинг бирдан-бир жавоби: «Инсонни ҳам дунёдаги барча нарсаларни яратган Аллоҳ халқ этгандир», дейишдир. Аллоҳ таоло инсонни даставвал тупроқдан яратганини айтмоқда. Тупроқ ҳаётнинг асли ҳисобланади. Дарҳақиқат, инсон жисмидаги мавжуд моддалар тупроқдаги моддалардан эканлиги илмий тадқиқотларда ҳам зоҳир бўлди. Инсон танасини жон тарк этгач, жасадининг тупроққа қўшилиб кетиши ҳам бежиз эмас.

Инсонни тупроқдан яратиб, йўқдан бор қилган Аллоҳ, сўнгра уни бир-бири билан қўшилиш орқали кўпаядиган қилиб қўйди ва янги инсоннинг яралишига нутфани (сперма сувини) сабаб қилди.

Ўша уруғлик суви аёлдаги тухумга урчиши орқали ҳомила пайдо бўлади.

Бу ишларнинг бажарувчиси Аллоҳ таолодир. Эркагу аёлни Аллоҳ яратган. Эркақда нутфани ҳам Аллоҳ пайдо қилган. Аёлдаги тухумни ҳам. Эркақдаги нутфани аёлнинг тухумига урчитган ҳам Аллоҳ. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким урчита олмайди. Аллоҳ урчишини хоҳламаган барча нутфа ва тухумлар нобуд бўлишга маҳқумдир.

Урчиган нутфа ва тухумни «алақа» (ёпишқоқ лахта қон) шаклига солиб, ҳомилага айлантирувчи ҳам Аллоҳ. Ояти каримадаги «алақа» деган сўзни аввалги тафсирларимизга суянган ҳолда «ёпишқоқ лахта қон» деб таржима қилдик. Агар араб қомусларининг соф изоҳлари асосида таржима қилсак, унга «зулук» деб маъно бериш керак бўларди ва ўқиган одамларда «Онанинг бачадонида зулук нима қилади, зулук қон сўрувчи ҳайвон-ку», деган фикр туғилар эди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, тафсирчиларимиз «алақа» зулук эканини жуда яхши билганлари ҳолда, унга лахта қон, парча қон, деб маъно берган бўлсалар керак. Бу тушунча ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Аммо, умуман кутилмаган тарафдан янги маълумот чиқиб қолди. Ҳомилани ўрганиш илми ривожланиб, олимлар бачадондаги ҳомиланинг турли ҳолатларини суратга туширишга муваффақ бўлдилар. Қуръони Каримда «алақа» деб васф қилинган босқич суратга олинганида, ҳомила зулук шаклида бўлиб, бачадонга ёпишиб туриши кўрилган. Бу ҳолат ўрганилганида эса, «алақа» (зулук) бачадон деворига ёпишиб олиб, ундан керакли моддани сўриши аниқланган. Бу кашфиёт ҳомила бўйича дунёдаги энг катта мутахассисларнинг мусулмон бўлишига ёки Исломга яқинлашишига сабаб бўлди. Улар шундан кейин ҳомила ҳақидаги Қуръон оятларини яна ҳам эътибор билан ўрганиб чиқдилар. Охир-оқибат, ҳомила ҳақида Қуръонда келган маълумот ҳозир биз тўплаган билимлардан анча устун экан, деган қарорга келдилар. Инсонни яратган Зот уни унинг ўзидан кўра яхши билгани шу-да. Ушбу ҳақиқат инсонга кибру ҳаводан қайтиши, ўзининг ким эканини эътироф қилиши, Роббини тан олиши учун етарли эмасми?!

### **«Сўнгра У сизни бувак ҳолингизда чиқарур.»**

Аллоҳ онанинг қорнида яратган, қудрати ила озиқлантириб, инсон шаклига солган жонни ёруғ дунёга чиқаришни ким эплай олади? Агар Аллоҳ таолонинг Ўзи йўл бермаса, бу ишнинг рўёбга чиқишига ақл бовар қилмайди.

Инсоннинг нутфалик пайтидан бошлаб, то онасидан туғилгунига қадар ҳар бир лаҳзада Аллоҳ таолонинг инояти у билан бирга бўлади. Агар ушбу илоҳий иноят бирор лаҳзага ажраса, у



инсон бўлиб туғила олмайди, балки ўша лаҳзанинг ўзидаёқ, ўлик бўлиб, бачадондан тушиб кетади. Аммо, нобакор инсон буларни ўйламай, Роббини инкор этади.

**«Сўнгра камолга етишингиз учун, сўнгра қари бўлишингиз учун (улғайтирур).»**

Онадан эсон-омон туғилиб олиши билан одам боласининг иши битмайди. Туғилгандан кейинги ишларни ҳам ёлғиз ўзи амаллай олмайди. Ота-онаси ёки бошқаларнинг ҳам қўлидан келмайди. Инсон туғилганидан кейин ҳам умрининг ҳар бир лаҳзасида Аллоҳ таолонинг иноятига муҳтождир. Аллоҳ таолонинг иноятидан ажраган лаҳзада инсон адо бўлади. Бу ҳақиқат оятнинг давомида баён қилинмоқда:

**«Сизнинг ичингизда ундан олдин вафот этадиганлар ҳам бўлур».**

Яъни, эй одамлар, сизнинг айримларингиз камолга ёки қарилликка етишдан олдин вафот этиб кетади. Ҳар лаҳзада тушаётган ҳомилалар, ўлаётган болалар, ёшлар бунинг далилидир.

**«(Булар) белгиланган ажалга етишингиз учундир.»**

Ҳар бир инсон учун белгилаб қўйилган ажал бор. Ана ўша ажалга етгунча яшайди. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг ишидир.

**«Шоядки, ақл юритсангиз.»**

Шоядки, ушбу ҳақиқатлар устида ақл юритиб, ўзингизнинг ким эканингизни англаб, Роббингизга ибодат қилсангиз.

هُوَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ فَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُن فَيَكُونُ ﴿٦٨﴾

**68. У зот тирилтирур ва ўлдирур. Қачонки бирор ишни хоҳласа, «Бўл!» дер ва у бўлур.**

Инсонни тирилтирадиган ҳам Аллоҳ, ўлдирадиган ҳам Аллоҳ. Унинг иродаси ила ҳар бир иш бўлади.

**«Қачонки бирор ишни хоҳласа, «Бўл!» дер ва у бўлур.»**

Аллоҳ таоло учун ҳеч бир қийин иш йўқ. Нимани ирода қилса ҳам, «Бўл!» деса, кифоя, ўша иш бўлаверади.

Ана шундай Зотни инкор қилиш учун инсон нақадар тубан бўлиши керак! Ана шундай Зотдан ўзгага ибодат қилиш учун инсон тубандан ҳам тубан бўлиши керак!

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِ اللَّهِ أَنَّىٰ يُصْرَفُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Аллоҳнинг оятлари ҳақида талашиб-тортишадиганларни кўрмайсанми?! Қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!**

Шунча далил-ҳужжатларни англамай, инсоф қилмай, диллари-

ни кибру ҳавога тўлдириб, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ҳеч нарсани билмасдан туриб талашиб-тортишаётганлар қайси томонга бурилиб кетмоқдалар?! Қаяққа бормоқчилар?!

الَّذِينَ كَذَّبُوا بِالْكِتَابِ وَبِمَا أَرْسَلْنَا بِهِ رُسُلَنَا فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٧٠﴾

**70. Китобни ва Биз Пайғамбарларимиз ила юборган нарсани ёлғонга чиқарганлар тезда билурлар.**

Яъни, Қуръонни ёлғонга чиқарганлар, Пайғамбарларимизга юборган ваҳийни ёлғонга чиқарганлар тезда биладиганларини биладилар.

إِذِ الْأَغْلَالُ فِي أَعْنَاقِهِمْ وَالسَّلْسِلُ يُسْحَبُونَ ﴿٧١﴾ فِي الْحَمِيمِ ثُمَّ فِي النَّارِ يُسْجَرُونَ ﴿٧٢﴾

**71. Ўшанда улар бўйинларида кишанлар ва занжирлар ила тортилулар.**

**72. Ўта қайноқ сувга, сўнгра оловда куйдирилурлар.**

Яъни, Қуръонни ва Пайғамбарларга келган ваҳийни инкор этганларнинг бўйинларига қиёмат кунида кишан солиниб, занжир боғланади ва фаришталар ўша занжирлардан тортқилаган ҳолда уларни ўта қайноқ сув томон судрайдилар. У сувда маълум муддат азобланганларидан сўнг, уларни яна судраб, оловга олиб борилади. У ерда куйдирилади. Ана ўшанда, Қуръонни инкор қилишнинг оқибати қандай бўлишини биладилар. Ана ўшанда, Пайғамбарларга келган ваҳийни инкор қилишнинг оқибати қандай бўлишини билиб оладилар.

ثُمَّ قِيلَ لَهُمْ أَنْتُمْ كُفْرًا كُفْرًا ﴿٧٣﴾ مِنْ دُونِ اللَّهِ قَالُوا ضَلُّوا عَنَّا بَلْ لَمْ نَكُنْ نَدْعُوا مِنْ قَبْلُ شَيْئًا كَذَلِكَ يَضِلُّ اللَّهُ الْكَافِرِينَ ﴿٧٤﴾

**73. Сўнгра уларга: «Ширк келтириб юрган нарсаларингиз қани.**

**74. Аллоҳдан ўзга?!» – дейилди. Улар: «Биздан йўқолиб қолдилар. Йўқ. Олдин ҳеч нарсага илтижо қилмаган эдик», дедилар. Аллоҳ кофирларни шундай қилиб, залолатга кетказур.**

Қайноқ сув ва оловнинг азобини татиб кўрган ўша жаҳаннамийларга:

«Ширк келтириб юрган нарсаларингиз қани, Аллоҳдан ўзга?!» – дейилди».

Сиз шунчалар азоб-уқубатларга дучор бўляпсиз. У дунёда Аллоҳдан ўзга бир қанча нарсаларга ибодат қилган эдингиз. «Булар бизни азоблардан қутқаради», деб Аллоҳга ширк келтирган эдингиз. Аллоҳга шерик қилган ўша нарсаларингиз энди қани? Нима учун улар келиб, сизларни қутқариб олмаптилар? – деб сўралади.

**«Улар: «Биздан йўқолиб қолдилар...»** деб беихтиёр жавоб бериб туриб, кейин бирдан гапларини ўзгартирадилар:

**«Йўқ. Олдин ҳеч нарсага илтижо қилмаган эдик», дедилар».**

Яъни, аввал ҳақиқатни – сохта худоларининг ўзларидан йўқолиб қолганларини, азобдан сақлаб қола олмаётганларини тан олиб туриб, кейин тона бошладилар. Йўқ, йўқ, биз олдин ҳеч кимни ширк келтирмаган эдик, дейишга ўтдилар.

**«Аллоҳ кофирларни шундай қилиб, залолатга кетказур.»**

Сўнгра, мушрикларга қарата ушбу итоб сўзлари айтилади:

ذَٰلِكُمْ بِمَا كُنتُمْ تَفْرَحُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ تَمْرَحُونَ ﴿٧٥﴾

**75. Мана шулар ер юзида ноҳақдан шодланиб юрганингиз ва кибру ҳавога берилиб юрганингиз учундир.**

Эй, мушриклар, мана шу тортаётган азобларингиз ҳаёти дунёда ҳовлиқиб, гуноҳ ишлар қилиб, ҳаром билан машғул бўлиб, ноҳақдан шоду хуррам юрганингиз учундир. Мана шу тортаётган азобларингиз ҳаёти дунёда кибру ҳавога берилиб, ўзингиздан кетиб, ҳеч кимни, ҳатто Аллоҳ таолони ҳам танимай, тан олмай юрганингиз учундир.

أَدْخُلُوا أَبْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا فَبئسَ مَثْوًى الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٦﴾

**76. Жаҳаннам эшикларидан унда абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда киринглар. Мутакаббирларнинг жойи нақадар ёмон!**

Бу оятларда васф қилинган жаҳаннамдан-да ёмон жой бўлмаса керак.

Кофиру мушрикларга таҳдидди эслатмалар мана шу нуқтага етганида, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, у зотни кофиру мушрикларнинг жоҳиллигига, очиқ-ойдин ҳақиқатларни кўр-кўрона инкор этиб кўрсатаётган озорларига сабр қилишга даъват этади ва яна бир қанча тасаллар беради:

فَأَصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ فَكَأْمَانِرِيكَ بَعْضَ الَّذِي نَعِدُهُمْ أَوْ تَتَوَفَّيْنَاكَ فَإَلَيْنَا يَرْجِعُونَ ﴿٧٧﴾

**77. Бас, сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Энди Биз ёки сенга уларга ваъда қилган нарсаларимизнинг баъзиларини кўрсатурмиз ёки сени вафот эттирурмиз. Бас, Бизгагина қайтарилулар.**

Эй Пайғамбар, сен Аллоҳнинг дини йўлида кофир ва мушриклардан келаётган озорлар, қийинчиликлар ва бошқа машаққатларга:

**«Бас, сабр қил».**

Бу йўлда сабр керак. Сабр қил ва билки:

**«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир».**

Аллоҳ нимани ваъда қилган бўлса, албатта адо этади. У берган ваъдасига албатта вафо қилади. У ваъда қилган нарса албатта бўлади. Аллоҳ Пайғамбарларига ва мўмин бандаларига нусрат беришни ваъда қилдими, албатта беради. Кофирларни азоблашни ваъда қилдими, албатта азобга солади.

**«Энди Биз ёки сенга уларга ваъда қилган нарсаларимизнинг баъзиларини кўрсатамиз ёки сени вафот эттирамиз.»**

Яъни, эй Пайғамбар, бу сенинг эмас, Бизнинг ишимиз. Сенинг ишинг сабр ила одамларга Аллоҳнинг динини етказишдир. Бошқаси билан ишинг бўлмасин. Биз хоҳласак, кофирларга ўзимиз ваъда қилган азобларнинг баъзиларини юборганимизни сенга кўрсатамиз. Ёки хоҳласак, уларни азоблашдан олдин сени вафот эттириб юборамиз. Уларнинг азобланишларини кўришинг шарт эмас.

**«Бас, Бизгагина қайтарилулар.»**

Биздан бошқага қайтарилмаслар. Улар билан қандай муомала қилишни эса, Ўзимиз яхши биламиз.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِّنْهُمْ مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ  
وَمَا كَانَ لِرَسُولٍ أَنْ يَأْتِيَ بِبَيِّنَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ فَإِذَا جَاءَ أَمْرُ اللَّهِ فُضِيَ بِالْحَقِّ وَخَسِرَ هُنَالِكَ  
الْمُبْطِلُونَ

**78. Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарлар юборганмиз. Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик. Ҳеч Пайғамбар Аллоҳнинг изнисиз оят (мўъжиза) келтирган эмас. Бас, қачонки Аллоҳнинг амри келганида, ҳақ ила ҳукм чиқарилур ва ўшанда ботил иш қилиб юргувчилар зиён тортулар.**

Иймон билан куфр орасидаги кураш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келган, илоҳий дастур Қуръони

Карим туширилган даврдангина бошланган эмас. Кофирлар томонидан инкор этилаётган дин фақат бугунги Ислом эмас. Кофирларнинг озорига, инкорига учраётган биргина Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эмаслар. Кофирларнинг тазйиқига, азобига, озорига, қувфинига учраётганлар фақатгина бугунги мусулмонлар эмас.

**«Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарлар юборганмиз.»**

Улар ҳам худди сенга ўхшаб турли қийинчиликларга дучор бўлганлар. Машаққат тортганлар.

**«Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик.»**

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг умматларига ўтган Пайғамбарлардан йигирма тўрттасининг қиссасини айтган. Ўша қиссаларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқилди. Уларнинг ҳаммасида кофирлар томонидан Пайғамбар алайҳимуссаломларга ва мўминларга турли озорлар берилгани, азоб-уқубатлар ёғдирилгани ҳақида турли маълумотларга эга ҳам бўлинди. Яна, Қуръони Каримда қиссалари келмаган қанчадан-қанча Пайғамбар алайҳимуссаломлар ўтган бўлиб, улар ҳам қийинчилик, озор ва машаққатларга дучор бўлганлар.

Ҳар бир мўмин иймон, Ислом йўлида машаққат тортаётганда, кофирларнинг зуллари ҳаддан ошган пайтда: Аллоҳ таоло бир мўъжиза кўрсатсаю Ўзининг дини ҳақ эканини кофирларга билдириб қўйса, деб орзу қилади. Эҳтимол, ушбу оятлар нозил бўлаётган даврда ҳам мусулмонларнинг хаёлидан, Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хаёлларидан ҳам шунга ўхшаш ўйлар ўтган бўлса керак. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг давомида:

**«Ҳеч Пайғамбар Аллоҳнинг изнисиз оят (мўъжиза) келтирган эмас»,** демоқда.


Пайғамбарлар ўз ҳолларича одамларга мўъжиза кўрсатиб, уларни лол қолдиришга уринган эмаслар. Чунки, бу уларнинг иши эмас. Уларнинг иши Аллоҳнинг таълимотларини халққа етказишдир. Мўъжиза кўрсатиш эса, Аллоҳга хос ишдир. У зот Ўзи хоҳлаган вақтида, Ўзи хоҳлаган Пайғамбарига мўъжизани ва уни кўрсатиш изнини беради. Бошқа вақтларда Пайғамбарлар мўъжиза кўрсатиш ҳақида ташвиш қилишлари керак эмас.

**«Бас, қачонки Аллоҳнинг амри келганида, ҳақ ила ҳукм чиқарилур ва ўшанда ботил иш қилиб юргувчилар зиён тортурлар.»**

Яъни, уларни азоблаш учун белгиланган вақт келганида, ҳақ ила ҳукм чиқарилади ва ишлари расво бўлади. Чунки, ҳақ ила

ҳукм чиқарилганида, ботил иш қилиб юрувчилар зиён тортадилар. Улар бу дунёда Аллоҳнинг оятлари ҳақида ботил йўл ила таллашиб-тортишган, ботил йўл билан турли мўъжизалар бўлишини талаб этишган ва бошқа ботил ишларни қилишган эди.

Энди келадиган оятларда мўъжиза талаб қилганлар эътиборига доимий мўъжизалар тақдим этилади:


 اللَّهُ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَنْعَامَ لِتَرْكَبُوا مِنْهَا وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ

**79. Аллоҳ сизларга чорва ҳайвонларини улардан баъзиларини минишингиз учун яратди. Улардан баъзиларини ерсизлар.**


Эй, Аллоҳнинг бирлиги ва борлигига, чексиз қудрат соҳиби эканига далолат истовчилар, сизга мўъжиза керак бўлса, чорва ҳайвонларига бир назар солинглар.

**«Аллоҳ сизларга чорва ҳайвонларини улардан баъзиларини минишингиз учун яратди.»**

Дунё бунёд бўлганидан бери ҳамма бир бўлиб ҳам бирорта чорва ҳайвонини ёки ўша ҳайвоннинг бирор тукини ярата олмаган. Уларнинг ҳаммасини Аллоҳ яратган. Уларнинг баъзиларини одамлар минадилар. Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот бу ишни қила олмайди.

**«Улардан баъзиларини ерсизлар.»**

Чорва ҳайвонларининг гўшти инсонлар учун энг зарур озуқа ҳисобланади. Агар Аллоҳ таоло бу озуқани бермаганида, ким берарди?


 وَلَكُمْ فِيهَا مَنَافِعُ وَلِتَبَلَّغُوا عَلَيْهَا حَاجَةً فِي صُدُورِكُمْ وَعَلَيْهَا وَعَلَى الْفَلَاحِ تُحْمَلُونَ

**80. Сиз учун уларда манфаатлар бор. Ва улар устида дилларингиздаги ҳожатларга етишишингиз учундир. Уларда ва кемаларда ташилурсиз.**

Чорва ҳайвонларида, юқорида зикр қилинган фойдалардан ташқари, инсон учун яна кўпгина манфаатлар ҳам бор. Мисол учун, жуни, сути, териси, ёғи ва бошқалар.

Одамлар ҳайвонларга миниб, юқларини устига ортиб, кўнгилларидаги ҳожатларини раво қилиш учун узоқ жойларга борганлар. Бу, айниқса, ушбу оятлар нозил бўлаётган, ҳайвонлардан бошқа улов бўлмаган вақтда ўзига хос улкан аҳамият касб этган.

**«Уларда ва кемаларда ташилурсиз.»**

Ўша пайтларда инсон улов сифатида асосан ҳайвонлар ва кемалардан фойдаланган. Бу иккисини ҳам унга Аллоҳ берган

бўлиб, У зотдан ўзга ҳеч ким уларни инсонга тақдим этиши мумкин эмас. Ақлини ишлатган, ўзини таниган, қалбида кибру ҳаво, мутакаббирлик бўлмаган инсон учун шунинг ўзи улкан мўъжиза эмасми!

وَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ فَأَيَّ آيَاتِ اللَّهِ تُنْكِرُونَ

### 81. Ва У зот сизларга Ўз оят(белги)ларини кўрсатур. Бас, Аллоҳнинг қайси оят(белги)ларини инкор қилурсизлар?!

Араб тилида «оят» сўзи бир неча маъноларни ифода этади. Куръон ояти, белги, ишора, аломат, мўъжиза. Демак, бу ўриндаги «оят» сўзидан белги, ишора, аломат ва мўъжиза маъноларини тушуниш мумкин. Аллоҳ таоло Ўзининг биру борлигига, чексиз қудратига ишора қилувчи турли оятларни, яъни белгию ишораларни, мўъжизаю аломатларни баъдаларига кўрсатиб қўяди. Хўш, банда улардан қайси бирини инкор этади? Наҳотки осмонлару ер ва улардаги сонсиз-саноқсиз оятларни яъни белгию ишораларни, мўъжизаю аломатларни инкор этсалар?! Наҳотки ўзларидаги оятларни рад қилсалар?! Афсуски, одамлар ичида инкор этувчилари бор. Шунча мўъжизаларни кўриб-билиб, ўзи ҳам ўша илоҳий мўъжизалардан бири бўла туриб, Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар. Улар ҳақида илмсиз, ҳужжат-далилсиз равишда тортишадилар. Бу ишлари Аллоҳни инкор қилишдир. Аммо уларнинг инкорлари ботилга, кибру ҳавога, шахсий мақсадларга асосланган инкордир. Аллоҳ таолонинг оятларини инкор қилаётганларга бир назар солсангиз, бу ҳақиқат яна ҳам равшанлашади. Аллоҳнинг оятларини, динини, шариатини ва таълимотларини инкор қилаётган, бошқаларни ҳам ўз йўлига юришга ундаётганларнинг кўплари фиръавнзодалар ва уларнинг гумашталаридир. Улар ўзлари ботил йўл билан эгаллаб турган ботил ҳукмдан ажраб қолишдан кўрқиб, Аллоҳнинг оятларини инкор этадилар. Улар нима қилиб бўлса ҳам, ҳукмни ўз қўлларида сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг инкорлари илмга асосланмаган, тўла ишонч асосида ҳам эмас; қатъият учун ё ўзлигидан келиб чиққан инкор ҳам эмас. Шу сабабли ҳам, бутун ҳукмни ушлаб қолиш учун Аллоҳнинг оятларини инкор этиш керак, деб ўйлаб инкор этаверадилар. Эртанги ҳукмни ушлаб қолиш учун кеча инкор этган нарсаларни эътироф этиш керак, деб билсалар, уни ҳам қилаверадилар.

Аллоҳнинг оятларини, динини, шариатини ва таълимотларини инкор қиладиганлардан яна бир гуруҳи қаердандир чиққан мафкурага ёпишиб олиб, ўша орқали ўз манфаатларига эргашиб юрганлардир. Улар ҳам илм, маърифат, тўла ишонч асосида эмас,

шахсий ғараз асосида инкор қиладилар. Вақти-соати келиб, ўша дастак қилиб юрган мафкуралари касодга учраб, кўзлаган мақсадларига эриштирамайдиганга ўхшаб қолса, биринчилардан бўлиб у мафкураларини ёмонлашга тушадилар.

Шунингдек, кимдир бировларга кўр-кўрона эргашиш оқибатида, кимдир умуман жаҳолатда қолганидан, кимдир қалбаки таъсирлар оқибатида ва шунга ўхшаш турли-туман сабабларга кўра Аллоҳнинг оятларини, динини, шариатини ва таълимотларини инкор қилиб келганлар. Уларнинг ҳаммаси ҳам ақл-идрок ва илмий тафаккур асосида тўла ишонч билан иш тутган одамлар эмас. Йўқса, «Бас, Аллоҳнинг қайси оятларини инкор қилурсизлар?!» саволини ўйлаб кўриб, «Аллоҳнинг ҳеч бир оятини инкор қила олмаймиз», деб жавоб берар эдилар.

أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ كَانُوا أَكْثَرَ  
 مِنْهُمْ وَأَشَدَّ قُوَّةً وَءَأْتَارًا فِي الْأَرْضِ فَمَا أَعْنَى عَنْهُمْ مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾

**82. Ахир, улар ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Ҳолбуки, ўшалар булардан кўра қувватлироқ ва ер юзида асарлари кўпроқ бўлган эдилар. Бас, уларга касб қилган нарсалари асқотмади.**

Бу мушриклар, кофирлар ўзлари қандай одамлар? Аллоҳ таолонинг осмонлару ердаги, ўзларидаги, уларга берган неъматларидаги ва бошқа кўплаб мўъжизаларидан ибрат олмасалар, инсофга келиб, иймон келтирмасалар?! Ҳеч бўлмаса,

**«Ахир, улар ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?!»**

Улардан олдинги барча кофир ва мушрикларнинг, Аллоҳнинг оятларини инкор қилганларнинг оқибати вой бўлганига ер юзининг ҳар бўлагида ҳужжат-далилар, гувоҳлар ва белгилар тўлиб-тошиб ётибди-ку!

**«Ҳолбуки, ўшалар булардан кўра қувватлироқ ва ер юзида асарлари кўпроқ бўлган эдилар.»**

Яъни, ўша олдинги ўтган кофир ва мушрикларнинг Макка мушрикларидан кўра кучлари кўпроқ эди, ер юзидаги асарлари мўлроқ эди.

**«Бас, уларга касб қилган нарсалари асқотмади.»**

Барибир ҳалок бўлдилар. Энди буларнинг ҳалок бўлиши жуда ҳам осон.



فَلَمَّا جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَرِحُوا بِمَا عِنْدَهُمْ مِنَ الْعِلْمِ وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٨٢﴾

**83. Қачонки уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келганларида, улар ўзларидаги илм билан мақтандилар. Ва уларни ўзлари истеҳзо қилган нарса ўраб олди.**

Оятда мазкур кофир ва мушрик қавмларнинг ҳалокатга учраш сабаблари баён қилинмоқда. Ўша, қавмларнинг ҳалокатга учрашларининг сабаби шуки, Пайғамбарлари уларга Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қилиш ҳақида очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирганларида, улар ўзлари билган нарсадан қолмадилар. Ўша, ўзлари билган нарса билан мақтандилар. Бу ишлари оқибатида азобга учрашлари мумкинлиги айтилганида эса, улардан истеҳзо билан кулдилар.

**«Ва уларни ўзлари истеҳзо қилган нарса ўраб олди.»**

Натижада, ҳам жисмонан, ҳам маънан ҳалок бўлдилар.

فَلَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا قَالُوا آمَنَّا بِاللَّهِ وَحَدُّهُمُ وَكَفَرْنَا بِمَا كُنَّا بِهِ مُشْرِكِينَ ﴿٨٣﴾

**84. Қачонки азобимизни кўрганларида: «Биз Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига иймон келтирдик ва Унга шерик қилган нарсаларимизга куфр келтирдик», дедилар.**

Улар азобни кўрганларидан кейингина ҳушлари жойига келди. Ўшандагина Аллоҳга иймон келтириб, сохта худоларини инкор қилдилар.

فَلَمْ يَكُنْ يَنْفَعُهُمْ إِيمَانُهُمْ لَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا سَبَّتَ اللَّهُ الَّتِي قَدْ خَلَتْ فِي عِبَادِهِ ۗ وَخَسِرَ هُنَالِكَ الْكَافِرُونَ ﴿٨٤﴾

**85. Бизнинг азобимизни кўрганларидаги иймонлари уларга манфаат бера олмас эди. Аллоҳнинг бандаларига жорий бўлиб келган суннати шу. Ана ўшанда кофирлар зиён кўрдилар.**

Аллоҳ таолонинг жорий этган суннати — одати, қоидаси бўйича, чорасиз қолдирувчи азобни кўргандан кейин қилинган тавба, келтирилган иймон қабул этилмайди. Шунинг учун, фурсатнинг бо-рида иймон келтириб, амал қилиб қолиш керак.



## ФУССИЛАТ СУРАСИ

*Мақкада нозил бўлган. 54 оятдан иборат.*

Бу сураи каримага ўзидаги учинчи оятнинг «Китобун фуссилат оятуху» жумласидаги «фуссилат» сўзи ном қилиб олинган. «Фуссилат» сўзи «муфассал баён қилинган» деган маънони англатади. Бу маъно Қуръони Карим оятларига берилган илоҳий васфдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бу сураси оятларида Ўзининг биру борлигига, чексиз қудратига, улуғлигига, яратувчилигига ҳужжат ва далилларни батафсил баён қилгандир.

Сурада Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти, оламларни яратиши, Пайғамбарлик, қайта тирилиш ва жазолашу мукофотлаш ҳақида ҳам сўз кетади.

«Фуссилат» сураси бошида Қуръони Каримнинг Роҳману Роҳийм бўлган зот томонидан нозил қилингани, арабий эканлиги ва бошқа васфларига эътибор тортилади.

Шу билан бирга, мушрикларнинг бу Китобга нисбатан муносабатлари ҳам кўрсатилади.

Кейин ваҳий, Пайғамбарлик ва Пайғамбарнинг кимлиги ҳақида сўз кетади.

Осмону ернинг яратилиш қиссаси, Од ва Самуд қавмларининг қиссалари зикр этилади. Улар қанчалик куч-қудратга эга қавмлар бўлишларига қарамай, куфрлари туфайли ҳалокатга учраганлари ҳикоя қилинади. Уларнинг охиратда тортадиган азоблари эслатиб ўтилади.

Жиноятчи қавмлар ҳақидаги оятлардан кейин Аллоҳнинг дини ва Унинг шариатида собитқадам мўмин зотлар, уларни Аллоҳ таоло иззат-икромлар ила мукофотлаши ҳақида сўз кетади.

Кейин эса, кеча ва кундуз, кўёш ва ой, ибодат қилувчи фаришталар, итоаткор ер, каби борлиқдаги Аллоҳ таолонинг биру борлигига, чексиз қудратига, мудаббирлигига ва бошқа баркамол сифатларига белги-аломат бўлган нарсалар баён этилади. Шунингдек, ўша оят ва белгиларни инкор қилувчилар борасида гап боради.

Қуръони Карим ҳақида ҳам мавзуга мос оятлар келади. Ибрат олиш учун, Мусо алайҳиссаломга туширилган китоб ва унга қавмларининг муносабати эсга олинади.

Сўнгра, қиёмат ва уни билиш Аллоҳ таолонинг ягона Ўзига хос эканлиги айтилади. Кофирларнинг қиёмат кунида саволга тутилишлари, инсоннинг ўзгарувчанлиги, қийин ҳолга тушганда аслига қайтиб, омонлик пайтида яна ўзларига зулм қилиб куфр йўлига ўтишлари тавсифланади.

Суранинг охирида Аллоҳ таоло охири замонда одамларга борлиқнинг баъзи сирларини кашф қилиб бериши ҳақида ваъда келади.

«Фуссилат» сураси «Ҳаа. Мийм» билан бошланувчи еттита суранинг иккинчисидир. Улар «Ҳаа. Миймлар», деб ҳам аталади.

Улуғ саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «Ҳаа. Мийм» оиласи Қуръоннинг дебочасидир», деганлар.

«Ислом умматининг илм денгизи» ва «Қуръон таржимони» номларини олган буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу эса, «Ҳар бир нарсанинг юраги бордир. Қуръонинг юраги «Ҳаа. Мийм» оиласидир», деганлар.

Дарҳақиқат, ушбу сураларда тавҳидга жуда кучли далиллар бор. Улар тезда инсон қалбини эгаллаб олади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

حَمْدٌ تَنْزِيلٌ مِّنَ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

### 1. Ҳаа. Мийм.

### 2. (Бу) Роҳман ва Роҳийм томонидан нозил қилингандир.

Аллоҳ таолонинг Роҳман ва Роҳийм сифатлари ҳақида жуда кўп гапирилди. Бу ерда Аллоҳ таоло Қуръони Каримни Ўзининг Роҳман ва Роҳийм сифатлари ила нозил қилганини таъкидламоқда. Ҳа, Аллоҳ таолонинг инсониятга Қуръонни тушириши бир раҳматдир. Аллоҳ таоло бандаларига раҳим қилганидан, улар икки дунё саодатига эришиш йўлини ахтариб қийналиб юрмасинлар деб, Қуръонни инсон ҳаёти учун бардавом дастур қилиб туширгандир.

Ушбу китобнинг оятлари Аллоҳ таолонинг раҳмати туфайли, барча одамларга раҳмат ўлароқ нозил бўлгандир. Бу Қуръон унга ишониб, амал қилганларни нафс балоларию ботил амаллар ёмонлигидан, турли бузуқ фикр ва йўллардан сақлайди. Барча яхшилик, эзгулик ва омонликларга бошлайди.

Бу китоб:

كُنْتُ فُصِّلْتُ عَايَتُهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٢٠٠﴾

**3. Биладиган қавмлар учун оятлари муфассал баён қилинган китобдир.**

Қуръони Карим ҳақиқатни биладиган қавмлар учун, ўзлигини билган инсонлар учун оятлари муфассал баён қилинган китобдир. Улар бу китобда ҳар бир нарсани муфассал ҳолида топадилар.

بَشِيرًا وَنَذِيرًا فَأَعْرَضَ أَكْثَرُهُمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٢٠١﴾

**4. Хушxabар бергувчи ва огоҳлантиргувчи бўлган ҳолидадир. Бас, кўплари ундан юз ўгирдилар. Энди улар эшитмаслар.**

Шу билан бирга, Қуръони Карим иймон келтириб солих амал қилувчиларга хушxabар бўлиб туширилган. Куфр келтирганлар ва гуноҳкорларга огоҳлантирувчи ўлароқ нозил қилинган. Инсонлар унинг хушxabарларидан қувониб, огоҳлантиришларидан ҳушёр тортишлари лозим. Аммо кўпчилик инсонлар Қуръонни хурсанд қабул қилиш ўрнига ундан юз ўгирдилар.

**«...кўплари ундан юз ўгирдилар. Энди улар эшитмаслар.»**

Юз ўгиргандан кейин қандай ҳам эшита оладилар?!

وَقَالُوا قُلُوبُنَا فِيْ أَكِنَّةٍ مِّمَّا تَدْعُونَا إِلَيْهِ وَفِيْ آذَانِنَا وَقْرٌ وَمِنْ بَيْنِنَا وَبَيْنِكَ حِجَابٌ فَأَعْمَلْ

إِنَّا عَمِلُونَ ﴿٢٠٢﴾

**5. Улар: «Қалblаримиз сен даъват қилаётган нарсдан филофлардадир, қулоқларимизда оғирлик бор, сен билан бизнинг орамизда эса, парда бор. Бас, сен амалингни қилавер, биз ҳам, албатта, ўз амалимизни қилгувчилармиз», дедилар.**

Бу оятда мушрикларнинг Қуръони Карим ва Ислom даъватига муносабатлари ажойиб бир услуб билан баён қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламга айтган гаплари ўз тилларидан нақл этилмоқда. Муҳаммад Мустафо соллalloҳу алайҳи васаллам уларга Аллоҳ таолонинг оятларини ўқиб берганларида, уларни ҳақ дин Ислomга чақирганларида, улар бу улкан ҳақиқатдан юз ўгирдилар, уни эшитмадилар ва бу ҳолатларини қуйидаги сўзлар билан изоҳладилар:

**«Қалblаримиз сен даъват қилаётган нарсдан филофлардадир...»**

Эй Муҳаммад, сен бизни чақираётган Қуръонга, Ислом даъватига келганда, бизнинг қалбларимиз бир эмас, бир неча филофларга ўралиб қолади. Шунинг учун ҳам, ундан ҳеч таъсирланмайди.

**«...қулоқларимизда оғирлик бор...»**

Эй Муҳаммад, сенинг даъватингга нисбатан қулоқларимизда оғирлик бор. Уни мутлақо эшитмаймиз. Бошқа нарсаларни эса, яхши эшитамиз.

**«...сен билан бизнинг орамизда эса, парда бор.»**

Эй Муҳаммад, сен билан бизнинг орамизда парда – тўсиқ бор, ундан ҳеч қаёққа ўтиб бўлмайди. Сен биз томонга ўтиб бизга таъсирингни ўтказа олмайсан, биз сен томонга ўтиб сендан таъсирланмаймиз.

**«Бас, сен амалингни қилавер, биз ҳам, албатта, ўз амалимизни қилгувчилармиз.»**

Биз билан мутлақо ишинг бўлмасин. Хулоса қилиб айтганда, биздан умуман умидингни узавер, барибир сенинг даъватингни қабул қилмаймиз, дедилар.

Мушрикларга қандай жавоб беришни Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатмоқда:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَىٰ أَنَّمَا إِلَهُ الْكَوْمِ إِلَهُ الْوَاحِدِ فَاسْتَقِيمُوا إِلَيْهِ وَاسْتَغْفِرُوهُ  
 وَوَيْلٌ لِّلْمُشْرِكِينَ ﴿٦١﴾ الَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ كَافِرُونَ ﴿٦٢﴾ إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا  
 وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٦٣﴾

6. Сен: «Мен ҳам сизга ўхшар башарман, холос. Менга, албатта, илоҳингиз ягона илоҳдир, дея ваҳий қилинур. Бас, Унинг Ўзигагина тўғри юзланинг ва Унга истиффор айтинг. Мушриклар ҳолига вой бўлсин.

7. Улар закотни адо этмаслар ва улар ўзлари охиратга куфр келтиргувчилардир.

8. Албатта, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга битмас-туганмас ажрлар бор», деб айт.

Мушриклар нима учун Пайғамбардан, унга юборилган Қуръондан бунчалик қўрқадилар? Нима учун унинг даъватига нисбатан қалблари филофларга тушиб олади? Нима учун Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васалламнинг гапларини ва Қуръонни эшитишдан қулоқлари оғир бўлиб қолади? Нима учун улар билан Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васаллам ораларида парда бўлади? Нима учун улар

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга «Сен ўз ишингни қилавер, биз ўз ишимизни қилаверамиз», дейишади?! Ҳолбуки, Пайғамбар қандайдир фаройиб, инсон табиатидан узоқ бир нарса эмас, уларга ўхшаган башар-ку!

Эй Пайғамбар!

**«Сен: «Мен ҳам сизга ўхшаш башарман, холос», деб айт.**

Мен сизларни чақираётган нарса ҳам башариятга бағишланган. Қуръон ҳам башарият учун Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган илоҳий таълимотдир. Менинг сиздан биргина фарқим:

**«Менга, албатта, илоҳингиз ягона илоҳдир, дея ваҳий қилинур».**

Менга Аллоҳдан ваҳий келади. Ўша ваҳийнинг асосий маъноси, албатта, илоҳингиз ягона илоҳдир, деган маънодир. Дунёда ягона илоҳ—ибодатга сазовор зот бор. Барча ўша ягона илоҳга ибодатда яшамоғи лозим.

**«Бас, Унинг Ўзигагина тўғри юзланинг...»**

Унинг ваҳдониятига иймон келтиринг, Унга ихлос билан ибодат қилинг.

**«...ва Унга истиффор айтинг.»**

Ўтган гуноҳларингизни кечишини сўраб Аллоҳ таолога истиффор айтинг. Ана шунда нажотга эришасиз.

Аллоҳнинг ваҳдониятини тан олмай, Унга ширк келтирган

**«Мушриклар ҳолига вой бўлсин».**

Мушрикларга ҳалокат бўлсин, хароблик бўлсин.

**«Улар закотни адо этмаслар...»**

Бу ҳам уларнинг ҳолини оғирлаштирадиган сабаблардан биридир. Уларга Аллоҳ томонидан берилган бойликдан муҳтожларнинг ҳаққини чиқариб бермайдилар.

**«...ва улар ўзлари охиратга куфр келтиргувчилардир.»**

Шунинг учун ҳам, мазкур ширк ва жиноятларни қилишга журъат эта оладилар.

Мушриклар дучор бўладиган ҳалокатдан фарқли ўлароқ, мўминларнинг ҳоллари тамоман бошқача бўлади.

**«Албатта, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга битмас-туганмас ажрлар бор», деб айт.»**

Ҳа, жаннатдаги битмас-туганмас нозу неъматларнинг эгаси бўлиш учун соф иймон ва солиҳ амал керак.

Кейинги оятларда кофир ва мушриклар ўзларининг куфр ва ширклари билан қанчалик даҳшатли жиноят қилишлари фош этилади:

Эй Пайғамбар!

﴿ قُلْ أَيُّكُمْ لَتَكْفُرُونَ بِالَّذِي خَلَقَ الْأَرْضَ فِي يَوْمَيْنِ وَتَجْعَلُونَ لَهُ أَنْدَادًا ذَلِكَ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾

وَجَعَلَ فِيهَا رُوسِيٍّ مِنْ فَوْقِهَا وَبَرَكَ فِيهَا وَقَدَّرَ فِيهَا أَقْوَاتَهَا فِي أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَاءً لِلنَّاسِ آيَاتِنَ

**9. Сен:** «Сизлар, ҳақиқатан, ҳам ерни икки кунда яратган Зотга куфр келтиряпсизми ва Унга тенгдошлар қўшяпсизми?! Ахир, У зот оламларнинг Робби-ку!

**10. У зот ўша(ер)нинг устида тоғларни қилди, уни баракотли қилди ва унинг (аҳли) ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди. Бу, сўровчилар учундир», деб айт.**

Кофирлар Аллоҳга иймон келтирмаётганлари билан қандай зотга куфр келтираётганларини, Аллоҳни инкор этиш билан қандай зотга исён қилаётганларини идрок этармиканлар? Ушбу икки оятда ва улардан кейинги оятларда кофирлар куфр келтираётган Аллоҳ қандай зот эканлиги баён қилинади. Оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидаги савол ва баёнларни хитоб қилиш топширилади:

**«Сизлар, ҳақиқатан ҳам, ерни икки кунда яратган Зотга куфр келтиряпсизми...»**

Шундай улкан сайёра – ерни икки кунда яратган Аллоҳга куфр келтириб бўладими?! Унинг қудратидан, ҳар ишга қодирлигидан қўрқмайсизларми?! Ердек буюк жисмни атиги икки кунда яратган зот сизларни ҳалок қила олмаймиди?!

**«...ва Унга тенгдошлар қўшяпсизми?!»**

Эй, кофирлар, сиз Аллоҳга ширк келтиряпсизларми?! Ширк келтиришингиз туфайли Унинг ғазабига қолишдан қўрқмадингизми?!

**«Ахир, У зот оламларнинг Робби-ку!»**

Ахир, сиз куфр ва ширк келтираётган Аллоҳ барча оламларнинг Робби – Холиқи, Розиқи, тадаббурини қилувчиси, тарбиякунандаси-ку! Қандай қилиб шундай улуғ Зотга куфр келтирасиз?! Қандай қилиб шундай буюк Зотга ширк келтирасиз?!

**«У зот ўша(ер)нинг устида тоғларни қилди...»**

Инсон кўзига тоғлар ер юзида энг салобатли, собит, улкан ва қудратли бўлиб кўринади. Собитлик, улуғворлик, виқор каби васфларга тоғлар мисол қилиб келтирилади. Ернинг устида ўша тоғларни яратган зот Аллоҳдир. Шундай Зотга қандай ҳам куфр келтириб бўлади?! Шундай Зотга қандай ҳам ширк келтириб бўлади?

**«...уни баракотли қилди...»**

Яъни, Аллоҳ таоло ерни баракотли қилди. Ҳамма томонда баракот кўринди. Ернинг усти ҳам барака, ичи ҳам барака. Ердаги барака инсон учундир. Бу баракани Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмади. Шундай Зотга куфр келтириб бўладими?! Шундай Зотга ширк келтириб бўладими?!

«...ва унинг (аҳли) ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди.»

Ернинг ризқи, яъни ер аҳлининг ризқи ўлчовли, белгили қилиб қўйилган. Каттаю кичик, кучлигу кучсиз – ҳамма-ҳаммаси ризқини топиб еяверади. Филга ҳам ўзига яраша ризқ бор, чумолига ҳам. Ҳаммаси ўлчовли, ҳаммаси тақдир қилинган. Бу ишни фақат Аллоҳ таологина қила олади. Бошқа ҳеч бир зотнинг қўлидан келмайди. Бирорта чумолига ризқ берадиган зот ҳалигача чиққани йўқ. Чиқмайди ҳам. Ана шундай улуғ Зотга куфр келтириб бўладими?! Ана шундай буюк Зотга ширк келтириб бўладими?!

ثُمَّ اسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ وَهِيَ دُخَانٌ فَقَالَ لَهَا وَلِلْأَرْضِ ائْتِيَا طَوْعًا أَوْ كَرْهًا قَالَتَا أَتَيْنَا طَائِعِينَ ﴿١٠﴾

**11. Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва ерга: «Икковингиз ихтиёр қилган ҳолингизда ёки мажбур бўлган ҳолингизда келинг!» – деди. Икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик», дедилар.**

Юқоридаги ишлардан сўнг, Аллоҳ таоло осмонни қасд қилди, унга иродаси кетди. Ўша вақтда осмон тутун(газ) ҳолида эди. (Дунёнинг яратилиши юзасидан илмий изланиш олиб бораётган олимлар ҳам шу ҳақиқатни тасдиқламоқдалар.)

Аллоҳ таоло осмонга ва ерга қараб:

**«Икковингиз ихтиёр қилган ҳолингизда ёки мажбур бўлган ҳолингизда келинг!» – деди».**

Яъни, хоҳласангиз, итоат қилган ҳолингизда келинг, хоҳласангиз, мажбур бўлиб келинг, деди.

**«Икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик», дедилар.»**

Шунчалар улкан, мустаҳкам, кучли бўлишларига қарамай, Аллоҳнинг иродаси кетиши билан итоаткорликларини дарҳол изҳор этдилар. Ҳа, Аллоҳ таолога ҳамма нарса ҳеч сўзсиз, бутунлай, ўз ихтиёри билан итоат этади. Фақат ожиз инсонгина, ўзидаги кибру ҳаво туфайли, итоатсизлик қилади. Ақлли одам осмону ер ўз ихтиёри ила бўйсуниб турган Аллоҳга буйсунмай қолмайди. Ана шундай Аллоҳга куфр келтириб бўлармиди?! Ана шундай Аллоҳга ширк келтириб бўлармиди?!

فَقَضَيْنَهُنَّ سَبْعَ سَمَوَاتٍ فِي يَوْمَيْنِ وَأَوْحَىٰ فِي كُلِّ سَمَاءٍ أَمْرَهَا وَزَيَّنَّا السَّمَاءَ الدُّنْيَا بِمَصَابِيحَ وَحِفْظًا ذَٰلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ ﴿١١﴾



**12. Бас, икки кунда етти осмонни барпо этди ва ҳар бир осмонга ишини ваҳий қилди. Биз дунё осмонини чироқлар-ла зийнатладик ва қўридик. Бу азийзу ўта илмли Зотнинг ўлчовидир.**

Кейин Аллоҳ таоло ўша тутун(газ)дан:

**«Бас, икки кунда етти осмонни барпо этди...»**

Бу ишларни Аллоҳнинг Ўзи билади. Инсонга эса ерга яқин турган осмондан баъзи нарсаларни билдириб қўйган, холос. Шундай қилиб, осмонлару ер олти кунда барпо қилинди. У кунлар қандай кунлар эканини Аллоҳнинг Ўзигина билади. Уламоларимиз, агар Аллоҳ таоло хоҳласа, буларни кўз очиб юмгунча яратар эди, лекин бандаларига пухталикини ўргатиш учун шошилгани йўқ, дейдилар

Икки кунда етти осмонни яратган Зотга куфр ёки ширк келтириб бўладими?!

**«...ва ҳар бир осмонга ишини ваҳий қилди.»**

Ҳар бир осмонда барча иш Бизнинг ваҳийимиз асосида, ўша ваҳийга биноан бўлади, деб белгилаб қўйди.

Ё Аллоҳ! Бу нақадар ажойиб! Нақадар ибратли! Инсон умуман тасаввур ҳам қила олмайдиган етти осмоннинг барчасида ҳамма ишлар Аллоҳнинг ваҳийи бўйича бўлса-ю, ҳеч нарсага арзимайдиган инсон ўзига Аллоҳ томонидан махсус юборилган ваҳийни инкор этса! Етти осмондаги бутун мавжудот Аллоҳнинг ваҳийи билан иш кўрса-ю, яқин осмондаги Ер деб аталмиш бир заррада яшовчи «инсон» аталмиш ожиз бир жонзот Аллоҳнинг ваҳийини инкор этиб, ўзича турли йўллар билан иш кўриб юрса! Инсон дегани нақадар жиноятчи махлуқ! Инсон дегани нақадар ношукр махлуқ! Инсон дегани нақадар ўзидан кетган, кибру ҳавога берилган махлуқ!

Ахир, ҳажмини, ичларидаги нарсаларни тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган даражада кўп ва катта бўлган етти осмоннинг ҳар бирида Аллоҳнинг ваҳийси асосида иш кўрилса-да, инсон Аллоҳга куфр келтириб ўтирса, шу тўғри бўладими?! Аллоҳга ширк келтирса, жоизми? Ўзига келган ваҳийни афсона, ёлғон, сеҳр, тўқилган уйдирма, дейиши ақлданми?! Бу ваҳий эскириб қолди, замонга тўғри келмайди, дейиши тўғрими?! Аллоҳ ваҳий қилган дастурни қўйиб, ўзи тўқиб чиқарган дастур асосида яшаши жоизми?!

**«Биз, дунё осмонини чироқлар-ла зийнатладик ва қўридик.»**

Яъни, инсонга яқин осмонга юлдузларни зийнат қилиб яратдик. Ўша юлдузлар ила осмонни қўрийдиган ҳам қилиб қўйдик. Ўша юлдузлар осмонни жину шайтонлардан қўриб турадилар.

Инсон боши устидаги бепоён осмоннинг бир қисмидан жиндай хабардор, холос. Бу осмон, баъзи уламолар айтишларича, шунчалик каттаки, ундаги қуёш системасининг диаметри юз миллиард ёруғлик

йилига тенгдир. Ёруғлик эса, бир сония(секунд)да бир юз саксон олти минг мил тезлик билан ҳаракат қилади. У тезликни дақиқага, соатга, кунга, ой ва йилга кўпайтирсак ва сўнгра натижани юз миллиардга кўпайтирсак, бизга яқин осмондаги қуёш системасининг диаметри қанча эканини билиб оламиз. Ана шу осмонни Аллоҳ таоло юлдузлар ила безаб қўйибди. Бу юлдуз(чирок)ларнинг сони ҳалигача аниқ эмас. Айримларининг катталигини баъзи уламолар тахмин қилганлари маълум. Бу нарсаларни яратган зотни ўйлаб, Унинг қудратига қойил қоламиз, холос. Шундай қудратли зотта куфр ва ширк келтираётган, Унинг ваҳийи асосида яшамаётган инсонлар ҳақида ўйлаб эса, инсон нақадар жоҳил, нақадар инсофсиз, нақадар нонкўр эканини тан олмасдан илож қолмайди.

### «Бу азийзу ўта илми Зотнинг ўлчовидир.»

Юқоридаги нарсаларнинг барчаси ҳаммадан устун ва ғолиб бўлган зот – Аллоҳнинг ўлчовидир, қилган тақдиридир. Аллоҳ азийз (ҳаммадан кучли, ғолиб ва устун) бўлгани учун ҳам ўша нарсаларни яратди, ўлчовли қилиб қўйди. Аммо, Аллоҳ яратиб қўйган нарсаларни тўлиқ идрок қила олмаган инсон, Аллоҳ берган ақл билан уларнинг ҳисобига ҳам ета олмай юрган инсон эса, кибру ҳаво ила Аллоҳга куфр келтиради. Уни инкор этади. Динини инкор этади. Шариатини инкор этади. Ваҳийини инкор этади. Ахир, шундай Аллоҳга куфр келтириб бўладими?! Ахир, шундай Аллоҳга ширк келтириб бўладими?!

فَإِنْ أَعْرَضُوا فَقُلْ أَنْذَرْتُكُمْ صَاعِقَةً مِثْلَ صَاعِقَةِ عَادٍ وَثَمُودَ

**13. Бас, агар юз ўгирсалар, сен: «Мен сизларни Од ва Самудга келган чақмоққа ўхшаш чақмоқ-ла огоҳлантирдим», деб айт.**

Ушбу огоҳлантириш ҳақида Ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Каъб ал-Қаразийдан қуйидагиларни ривоят қилади: «Утба ибн Рабиъа Қурайш бошлиқларидан бири эди. Бир куни у Қурайшнинг мажлисхонасида ўтирарди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам эса, масжидда ёлғиз ўзлари ўтирар эдилар. Утба:

«Эй, Қурайш жамоаси, бориб Муҳаммад билан бир гаплашайми? Унга бир неча ишларни таклиф қилиб кўраман, шояд баъзисини қабул қилиб қолса, нимани хоҳласа, берар эдик, сўнгра биздан четланади», деди. Ўша пайт Ҳамза розияллоҳу анҳу Исломга кирган ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кўпайиб бораётганлари кўрилиб турган пайт эди.

Қурайшликлар:

«Тўғри, эй, Абул Валид, унинг олдига бор. У билан гаплашиб

кўр», дедилар. Утба туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва гап бошлади:

«Эй, биродаримнинг ўғли, сен ичимизда ўзингдек кучли қабиладансан, насабинг ҳам маълум ва машҳур. Сен қавминга улуф бир ишни олиб келдинг, у билан ораларига тафриқа солдинг. Ақлларини паст дединг. Худоларини ва динларини айбладинг. Уларнинг ўтган боболарини кофир дединг. Менга қулоқ ос, сенга бир неча ишларни таклиф қиламан, уларга назар солиб кўр. Шояд, улардан баъзисини қабул қилсанг», деди.

«Эй, Абул Валид, айт, эшитаман», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

«Эй, биродаримнинг ўғли, — деди Утба, — агар ўзинг келтирган ушбу иш билан молу дунёни хоҳлаётган бўлсанг, сенга молу дунёмиздан жамлаб берайлик, токи ичимизда энг кўп молу мулклик бўлгин. Агар у билан шону шарафни хоҳлаётган бўлсанг, сени ўзимизга бошлиқ қилиб олайлик, сенинг изнингсиз бирор иш қилмайлик. Агар у билан подшоҳликни хоҳлаётган бўлсанг, сени ўзимизга подшоҳ қилиб олайлик. Агар сенга келаётган бу нарса бирор жин ёки шарпа бўлса, уни қайтара олмайган бўлсанг, табибларни олиб келайлик. Токи тузалиб кетгунингча молу дунёмизни сарф қилайлик. Кўпинча одамга шундай нарса келса, даволанса, тузалиб кетади».

Утба гапини тамом қилгунча қулоқ солиб турган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, Абул Валид, гапириб бўлдингми?» — дедилар.

«Ҳа», деди Утба.

«Энди, мендан эшитгин:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ҳаа. Мийм», деб «Фуссилат» сурасини тиловат қилиб кетдилар. Сажда оятини ўқиб, сажда қилдилар. Сўнгра:

«Эй, Абул Валид, эшитган нарсангни эшитдинг. Энди ўзинг биласан», дедилар.

Утба ўрнидан туриб шериклари томон юрди. Улар бир-бирларига:

«Аллоҳга қасамки, Абул Валид олдимизга кетгандаги юзидан бошқа юз билан келмоқда», дедилар. У олдиларига келиб ўтиргач:

«Эй, Абул Валид, нима гап олиб келдинг?» — дедилар. У:

«Аллоҳга қасамки, мен ундан ҳеч эшитмаган гапни эшитдим. Аллоҳга қасамки, у сеҳр эмас, шеър ҳам эмас, фолбинлик ҳам эмас. Эй, Қурайш жамоаси, менга итоат қилинглар. У одамни ўз иши билан қўйиб қўйинглар. Ундан четланинглар. Аллоҳга қасамки, мен эшитган сўзга қараганда, унинг улуғ хабари бўлади. Агар бошқа араблар уни даф қилсалар, бошқалар сизни қутқарган бўла-

ди. Агар у араблардан устун келса, унинг мулки сизнинг мулкингиз бўлади. Унинг иззати сизнинг иззатингиз бўлади. Энг саодатли одамлар бўласиз», деди. Улар:

«Эй, Абул Валид, сени у ўз тили билан сеҳрлаб қўйибди», дедилар. Утба:

«Бу менинг фикрим, ўзингиз билганингизни қилинг», деди.

Шунчалик ҳужжат-далиллардан кейин ҳам кофир-мушриклар иймондан юз ўгирсалар, сен уларга Од ва Самуд қабилаларига келиб уларни ҳалок қилган чақмоқ буларни ҳам ҳалок этиши мумкинлигини айтиб огоҳлантиргин. Чунки, булар ҳам худди ўшаларнинг хатосини такрорламоқдалар.

إِذْ جَاءَهُمُ الرُّسُلُ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ قَالُوا لَوْ شَاءَ رَبُّنَا لَأَنزَلَ  
مَلَائِكَةً فَإِنَّا بِمَا أُرْسِلْتُمْ بِهِ كَافِرُونَ ﴿١٤﴾

**14. Ўшанда Пайғамбарлар уларнинг олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам:** «Фақат, Аллоҳдан ўзгага ибодат қилманглар», деб келганларида, улар: «Агар Роббимиз хоҳласа, фаришталарни туширар эди. Албатта, биз сиз билан юборилган нарсага кофирдирмиз», дедилар.

Пайғамбарлар турли йўллар билан Од ва Самуд қавмларига Аллоҳнинг амрини етказдилар. Бари имконлари ва услубларини ишга соддилар. «Аллоҳдан ўзгага ибодат қилманглар», деб кўп айтдилар. Аммо мазкур қавмлар бу гапларга қулоқ солмадилар. Улар Пайғамбарларни инкор қилдилар. Пайғамбарнинг ўзларига ўхшаган одамдан бўлишини тасаввурларига сиғдира олмадилар.

«Улар: «Агар Роббимиз хоҳласа, фаришталарни туширар эди», дедилар. Яъни, Роббимиз Пайғамбар юборишни хоҳласа, фаришталарни Пайғамбар қилиб туширар эди, сизлар бизга ўхшаган оддий одамсизлар, сизларнинг Пайғамбар бўлишингиз мумкин эмас, дедилар. Аллоҳ фаришталарни Пайғамбар қилиб туширмагани учун:

**«Албатта, биз сиз билан юборилган нарсага кофирдирмиз», дедилар».**

Биз сиз билан юборилган динга, шариатга кофирмиз, уни инкор қилувчимиз, дедилар.

فَأَمَّا عَادُ فَاسْتَكْبَرُوا فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَقَالُوا مَنْ أَشَدُّ مِنَّا قُوَّةً أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ اللَّهَ  
الَّذِي خَلَقَهُمْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَكَانُوا بِآيَاتِنَا يَجْحَدُونَ ﴿١٥﴾

**15. Од (қавми) бўлса, ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилдилар. Улар: «Биздан қувватлироқ ким бор?!» – дедилар. Уларни яратган Аллоҳ ўзларидан қувватли эканини билмасмидилар?! Улар Бизнинг оятларимизни инкор этар эдилар.**

Қадимда ўтган қавмлардан бири бўлган Од қавми ўзидан кетиб, ҳаддидан ошди, мутакаббирлик қилди. У қавмнинг кибру ҳавоси шу даражага бориб етдики, ҳатто,

**«Улар: «Биздан қувватлироқ ким бор?!» – дедилар».**

Аллоҳни инкор қилган, У зотни унутган ҳар бир туғёнкор ўзида бир оз қувватни сезса, шу гапни айтади. Бу, туғёнкорларга хос ёлғон сезгидир. Улар ҳақиқий қувват эгасини унутиб шундай дейдилар. Бўлмаса,

**«Уларни яратган Аллоҳ ўзларидан қувватли эканини билмасмидилар?!»**

Уларнинг ақли жойида бўлса, ўзларини энг қувватли, деб айтишдан олдин, қаердан ва қандай дунёга келганларини бир ўйлаб кўрган бўлардилар. Наҳотки, улар ўзларини яратган Аллоҳ таолодан ҳам қувватли бўлсалар?! Ёки Аллоҳ таолонинг қудратли эканини билмасмидилар?!

**«Улар Бизнинг оятларимизни инкор этар эдилар.»**

Шунинг учун ҳам, юқоридаги гапни айтдилар. Аллоҳ таолонинг оятларини рад этиш, улардан ибрат олмаслик турли бало-офатларнинг бошидир. Од қавми ҳам Аллоҳ таолонинг оятларини тан олмади. Кофир бўлди. Оқибатда, биздан қувватлироқ ким бор, дейишгача етиб борди. Аммо бу мутакаббирликлари узоқ давом этмади.

فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا صَرْصَرًا فِي أَيَّامٍ نَحْسَاتٍ لِنَذِيقَهُمْ عَذَابَ الْخِزْيِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا  
وَلِعَذَابِ الْآخِرَةِ أَخْرَىٰ وَهُمْ لَا يُنصَرُونَ ﴿٦٦﴾

**16. Бас, Биз устларига шумлик кунларида сорсор шамолини юбордик. Буни уларга ҳаёти дунёнинг хорлик азобини тоттириш учун қилдик. Албатта, охират азоби хор қилгувчироқдир ва уларга нусрат берилмас.**

«Шумлик кунлари», яъни «ёмонлик кунлари» деб оятда Од қавми устига бало шамоли келган пайт айтилмоқда. Бошқа оятда бу «шумлик кунлари»нинг етти кечаю саккиз кундуз давом этганлиги баён қилинган. У шамол «сорсор» номи билан машҳур. У ўта совуқ ва қаттиқ шамол бўлиб, теккан жойини куйдириб кетади. Од қавми бу дунё ҳаётида шундай азобга йўлиқди.

**«Албатта, охират азоби хор қилгувчи роқдир...»**

Охират азоби бу дунёдаги азобга нисбатан ўта шиддатли бўлиши турган гап.

**«...ва уларга нусрат берилмас.»**

Азобдан қутулишлари учун уларга ҳеч қандай ёрдам берилмайди.

وَأَمَّا مُمُودٌ فَهَدَيْتَهُمْ فَأَسْتَحَبُّوا الْعَمَى عَلَى الْهُدَى فَأَخَذَتْهُمُ الْعَذَابُ الْهُونِ بِمَا كَانُوا

يَكْسِبُونَ

**17. Аммо Самуд бўлса, бас, Биз уларни ҳидоят қилдик. Улар эса, ҳидоятдан кўра кўрликни афзал кўрдилар. Бас, касб қилган нарсалари туфайли уларни хорлик азоби чақмоғи урди.**

Самуд қавми ҳам ўтган даврда ҳалокатга учраган қавмлардан биридир. Аллоҳ таоло Пайғамбар юбориб, уларни ҳидоятга даъват қилишни буюрди. Уларнинг Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссалом бу амрни бажо келтирдилар. Аммо Самуд қавми:

**«...ҳидоятдан кўра кўрликни афзал кўрдилар».**

Аллоҳнинг ҳидоятига юрмаган одам кўр бўлмай, ким ҳам кўр бўлар эди?

**«Бас, касб қилган нарсалари туфайли уларни хорлик азоби чақмоғи урди.»**

Самуд қавми касб қилган куфри ва гуноҳлари туфайли чақмоққа учраб ҳалок бўлди. Бу чақмоқ хорлик азоби чақмоғидир.

وَنَجَّيْنَا الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَنْقُونَ

**18. Иймон келтирганларга ва тақво қилиб юрганларга нажот бердик.**

Солиҳ алайҳиссаломни ва у кишига иймон келтирганларни мазкур хорлик азобидан нажот бериб, қутқариб қолдик.

Бу ўтган оятларда Од ва Самуд қавмининг туғёнлари туфайли азобга дучор этилишлари қиссаси келган бўлса, эндиги оятларда барча кофирларга охиратда етадиган азоблар ҳақида сўз боради.

وَيَوْمَ يُحْشَرُ أَعْدَاءُ اللَّهِ إِلَى النَّارِ فَهُمْ يُوزَعُونَ

**19. Аллоҳнинг душманлари дўзахга жамланадиган, улар тиғиб қўйиладиган кунни (эсла).**

Бу кун қиёмат кунидир. Ўша куни Аллоҳнинг душмани бўлмиш кофирлар маҳшарга жамланадилар. Улар дўзахга ташланиш учун тўпланади. Сўнгра, бир-бирларига етиб олишлари учун аввалгилари тўхтатилиб, охиргилари суриб келинади.

حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُمْ وَهَاهُنَا عَلَيْهِمْ سَمْعُهُمْ وَأَبْصَارُهُمْ وَجُلُودُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٠﴾

**20. Ниҳоят, унга етиб келишгач, қулоқлари, кўзлари ва терилари қилиб ўтган нарсалари ҳақида уларга қарши гувоҳлик берадилар.**

Аллоҳнинг душманлари бўлган кофирлар жаҳаннам томон ҳайдалганларидан кейин, жаҳаннамга етиб келишгач, гуноҳлари ҳақида қулоқлари, кўзлари ва терилари уларга қарши гувоҳлик беради.

وَقَالُوا لَجُلُودِهِمْ لَمْ شَهِدْتُمْ عَلَيْنَا قَالُوا أَنْطَقْنَا اللَّهُ الَّذِي أَنْطَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ خَلَقَكُمْ أُولَٰ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢١﴾

**21. Улар териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз?» – дедилар. У(тери)лари: «Ҳар бир нарсани нутқ қилдирган Аллоҳ бизни ҳам нутқ қилдирди. У зот сизларни аввал бошда яратган ва Унгагина қайтариулурсизлар», дедилар.**

Қиёмат куни кофирларнинг ўз тана аъзолари ўзларига душман бўлди. Қулоқлари, кўзлари ва терилари уларга қарши гувоҳлик берди. Бу ҳолдан уларнинг ўзлари ҳам ҳайратга тушдилар.

**«Улар териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз?» – дедилар.»**

Улар, ўзларича, бизнинг амалларимизни Аллоҳ кўриб ўтирибдими, деб юрган эдилар. Терилари ишни расво қилиб, ҳамма нарсани айтиб қўйиб, шарманда этди. Ўзининг териси бўлатуриб ҳам шундай қиладими? Аччиқлари чиқиб, териларидан нима учун ўзларига қарши гувоҳлик берганларини сўраган эдилар:

**«У(тери)лари: «Ҳар бир нарсани нутқ қилдирган Аллоҳ бизни ҳам нутқ қилдирди», деб жавоб беришди.**

Биз ўзимизча гапириб кетаверганимиз йўқ, бизни Аллоҳ гапиртирди. У, ҳамма нарсани гапиртирадиган зотдир. Нима, сизлар бу ҳақиқатни билмайсизларми?

**«У зот сизларни аввал бошда яратган ва Унгагина қайтариулурсизлар», дедилар.»**

Аллоҳ сизларни йўқдан бор қилган зот-ку, нима учун Унга душман бўлдингиз, ўзи?! Охир-оқибат қайтиб борадиган жойингиз ҳам фақат Аллоҳнинг даргоҳи-ку! Нима учун Унга иймон келтирмадингиз?! Нима учун Унга ибодат қилмадингиз?! Яна, нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз, дейсизлар!

وَمَا كُنْتُمْ تَسْتَتِرُونَ أَنْ يَشْهَدَ عَلَيْكُمْ سَمْعُكُمْ وَلَا أَبْصَارُكُمْ وَلَا جُلُودُكُمْ وَلَكِنْ ظَنَنْتُمْ أَنَّ اللَّهَ لَا يَعْلَمُ كَثِيرًا مِمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٢﴾

**22. Сиз ўзингизга қарши қулоғингиз, кўзларингиз ва териларингиз гувоҳлик беришларидан яширинмас эдингиз. Лекин Аллоҳ қилаётган амалларингизнинг кўпини билмас, деб гумон қилар эдингиз.**

Сиз гуноҳ ишларни қилаётган вақтингизда, баъзи одамлар гувоҳ бўлиб қолмасин деб, беркинсангиз ҳам, қулоқ, кўз ва териларингиздан беркина олмас эдингиз, бизга қарши гувоҳлик бермайди, деб ўйлардингиз. Умуман олганда, қилаётган гуноҳларимизни Аллоҳ кўрмайди деб, гумон этар эдингиз. Шу сабабли, бемалол гуноҳларни қилавергансиз.

وَذَلِكُمْ ظَنُّكُمُ الَّذِي ظَنَنْتُمْ بِرَبِّكُمْ أَرَأَيْتُمْ كَيْفَ صَبَّحْتُم مِّنَ الْخُسْرَيْنِ ﴿١٣﴾

**23. Ана ўша, Роббингиз ҳақида қилган гумонингиз сизни ҳалокатга учратди. Бас, зиёнкорлардан бўлдингиз.**

Аллоҳ ҳақида, бизнинг гуноҳларимизни кўрмайди, деган гумонингиз сизни ҳалокатга дучор қилди. Мана, энди зиёнкорлардан бўлиб, дўзахга тушиб турибсиз.

فَإِنْ يَصْبِرُوا فَالتَّارُ مَشْوَى لَّهُمْ وَإِنْ يَسْتَعْجِبُوا فَمَا هُمْ مِنَ الْمُعْجَبِينَ ﴿١٤﴾

**24. Агар сабр қилсалар, жаҳаннам уларга макондир. Агар итобга қайтаришни талаб қилсалар, улар итобга қайтарилувчи ҳам бўлмаслар.**

Аллоҳнинг душманлари ажойиб бир ҳолга тушиб қолди. Одатда, сабр-тоқатли одам яхшиликка эришади.

**«Агар сабр қилсалар, жаҳаннам уларга макондир.»**

Жаҳаннабийлар хоҳласалар ҳам, хоҳламасалар ҳам, жаҳаннам азобига сабр этадилар. Аммо сабрининг охири қайтадан яна дўзах бўлаверади. Сабр туфайли заррача яхшиликка эриша олмайдилар.



**«Агар итобга қайтаришни талаб қилсалар, улар итобга қайтарилувчи ҳам бўлмаслар.»**

Агар улар, майли, гуноҳларимиз учун итоб қилинайки, сўкиш эштайки, нима учун шундай қилдинг, деб айтилсин, десалар, итоб ҳам қилинмайдилар. Ҳамда уларга ҳаёти дунёга қайтиб амали солиҳ қилиб ўзини оқлаш имкони ҳам берилмайди. Чунки, вақт ўтган. Ҳозир итоб эмас, иқоб вақтидир. Итобдан кейин, узр айтиб, тавба қилиб, итоб этгувчи рози бўладиган ишларга ўтилади. Қиёматда эса, ундай нарсаларга ўрин қолмайди.

﴿ وَقِيضْنَا لَهُمْ قُرْنَاءَ فَزَيَّنَّا لَهُمْ مَا يَشَاءُونَ أَيْدِيَهُمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَحَقَّ عَلَيْهِمُ الْقَوْلُ فِي أُمَمٍ  
 قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِمْ مِنَ الْجِنَّ وَالْإِنْسِ إِنَّهُمْ كَانُوا خَسِرِينَ ﴾

**25. Биз уларга «дўстлар» тайёрладик. Бас, ўшалар уларга олдиларидаги ва ортларидаги нарсаларни зийнатлаб кўрсатдилар ва уларга ҳам ўзларидан олдин ўтган жин ва инсдан бўлган умматлар қатори (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Албатта, улар зиёнкор бўлдилар.**

Ушбу оятда Аллоҳнинг душманлари, кофир ва мушриклар бу дунёда яшаб юрган чоғларида Аллоҳга иймон келтиришдан кибру ҳаво ила бош тортганларидан кейин нима содир бўлгани ҳақида сўз кетмоқда.

**«Биз уларга «дўстлар» тайёрладик.»**

Бу дунёда Аллоҳ таоло ўша кофирларга яқин дўстлар ато этди.

**«Бас, ўшалар уларга олдиларидаги ва ортларидаги нарсаларни зийнатлаб кўрсатдилар.»**

Яъни, ўша яқин дўстлар кофирларга «Сен қилган иш жуда яхши иш, қилавериш керак, зўр бўлади», деганга ўхшаш гаплар билан гуноҳларни зийнатлаб кўрсатдилар. Шунингдек, бопладинг, қойилмақом бўлди, ҳеч бундай ажойиб иш қилинмаган, деб гуноҳларни зийнатлаб кўрсатдилар. Кофир ва осийлар бундан хурсанд бўлиб, яна ҳам кўпроқ гуноҳ қилишга ўтдилар.

Инсонга ёмон иши, гуноҳ амали яхши бўлиб кўриниши энг катта балодир. Одам боласига энг катта мусийбат хатолари ва гуноҳларини ҳис этиш туйғусини йўқотиши оқибатида етади. У ўзининг ҳар бир ишини яхши, гўзал деб билади. Унинг атрофидаги дўстлари ҳам буни тасдиқлаб туради. Агар яқин дўстлар унга аввалги гуноҳларини ҳам, бўлажак гуноҳларини ҳам зийнатлаб

қўрсатаверсалар, улар уни жаҳаннам томон мақтаб-мақтаб олиб кетаётган бўладилар. Аслида, дўстлик эмас, душманлик қилаётган бўладилар. Оқил инсон маслаҳатгўйнинг маслаҳатидан ким дўст, ким душман эканини билиб олади. Дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб. Яқин дўстлари мақтовидан шод бўлиб, ўз амали ўзига зийнатли туюлганлар бориб-бориб ҳалокатга йўлиқадилар.

**«...ва уларга ҳам ўзларидан олдин ўтган жин ва инсдан бўлган умматлар қатори (азоб) сўзи ҳақ бўлди.»**

Улардан олдин ўтган умматларнинг барчасига, агар Аллоҳга душман бўлса, азоб сўзи ҳақ бўлган эди. Уларга ҳам худди ўша илгари ўтганлар каби азоб сўзи ҳақ бўлди.

**«Албатта, улар зиёнкор бўлдилар.»**

Улар зиёнкор бўлмай, ким зиёнкор бўлсин?

Келаси оятда мазкур «дўстларнинг» берадиган маслаҳатларидан намуна келтирилади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَا تَسْمَعُوا هَذَا الْقُرْآنَ وَالْغَوْا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَعْلَبُونَ

**26. Куфр келтирганлар:** «Бу Қуръонга қулоқ солманглар, унга ҳалақит беринг, шоядки, голиб бўлсангиз», дедилар.

Бу оят кофирларнинг бир-бирларига Қуръони Каримга нисбатан муносабати юзасидан берган маслаҳатлари ҳақида хабар бермоқда. Улар бир-бирларига:

**«Бу Қуръонга қулоқ солманглар...»** деганлар.

Чунки, қулоқ солса, таъсирланиб иймонга келиб қолади. Кофирлар шундан қўрқади. Шунинг учун, Аллоҳнинг душманлари бўлган кофирлар ҳатто араб тилини билмайдиган кишиларга ҳам Қуръонни эшиттирмасликка уринадилар.

**«...унга ҳалақит беринг...»**

Ҳалақит бериш турлича бўлади. Мисол учун, Абу Жаҳл: «Муҳаммад қироат қилган вақтда унинг юзига қараб қичқиринглар, токи, нима деяётгани билинмасин», деган.

Баъзилари қироат пайтида хуштак ёки қарсак чалган. Баъзилари ўзларича шеър ва балоғатли сўзларни айтиб, кишиларни Қуръондан чалғитишга интилган. Молик ибн Назрга ўхшаганлар Исфандиёр ва Рустамнинг қиссаларини айтганлар. Қадимги кофир ва мушриклар ўз воқеъликларидан келиб чиқиб Қуръонга ҳалақит беришга уринганлар. Кейинги мушрик ва кофирлар ҳам ўз воқеъликлари даражасида Қуръонга ҳалақит беришга уриниб келдилар ва уринмоқдалар. Лекин ҳаммасининг мақсади бир:

«...шоядки, фолиб бўлсангиз», дедилар».

Аммо кофирлар эмас, доимо Қуръон фолиб бўлиб келмоқда. Чунки, Қуръон ҳақ, кофирлик ботилдир. Ҳақ доимо ботил устидан фолиб бўлади. Қуръонга қарши чиққан кофирларга Аллоҳ таоло тайёрлаб қўйган азоблар бор.

فَلَنذِيقَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا عَذَابًا شَدِيدًا وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَسْوَأَ الَّذِي كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٧٧﴾

**27. Бас, албатта, Биз куфр келтирганларга шиддатли азобни тоттирамиз ва, албатта, уларга қилиб юрган амалларининг энг ёмон жазосини берамиз.**

Куфр келтирганлар жуда қаттиқ азобга йўлиқадилар. Уларнинг гуноҳлари, ёмон амаллари жазосиз қолмайди. Уларга жуда оғир жазо берилади.

ذَلِكَ جَزَاءُ أَعْدَاءِ اللَّهِ النَّارُ هُمْ فِيهَا دَارٌ أَلْخَلِدُ فِيهَا بِمَا كَانُوا بِآيَاتِنَا يَجْحَدُونَ ﴿٧٨﴾

**28. Мана, Аллоҳ душманларининг жазоси дўзахдир. Уларга унда абадийлик диёри бор. Оятларимизни инкор қилганларининг жазоси шудир.**

Гап шу, бошқача бўлиши мумкин эмас. Аллоҳга душман кофирларнинг охираддаги жазоси дўзах бўлади. Улар дўзахда абадий қоладилар. Бу даҳшатли азоб ва жазо улар оятларимизни инкор этганликлари учундир.

Дўзах азобига дучор бўлганларидан сўнггина уларнинг ақллари киради. Шундан кейин ўзларининг дўзахийлигига сабабчи шахсларни ахтара бошлайдилар. Улардан ўч олмоқчи бўладилар.

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا رَبَّنَا أَرْنَا الَّذِينَ آضَلْنَا مِنْ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ نَجْعَلُهُمَا تَحْتَ أَقْدَامِنَا لِيَكُونَا مِنَ الْأَسْفَلِينَ ﴿٧٩﴾

**29. Куфр келтирганлар: «Эй Роббимиз, бизни адаштирган жин ва инсдан бўлган шахсларни бизга кўрсатгин, уларни оёқларимиз остига олайлик, токи, улар энг пастлардан бўлсинлар», дедилар.**

Ҳаёти дунёда яқин дўст бўлиб, уларнинг чиройли гапларидан қувониб юриб, энди бу гапларни айтмоқдалар.

**«Куфр келтирганлар: «Эй Роббимиз, бизни адаштирган жин ва инсдан бўлган шахсларни бизга кўрсатгин...»**

Шу ерда ҳам айбни бошқаларга ағдармоқчи бўладилар. Ўзлари

бу дунёда дўст бўлиб юрганларни ўзларининг дўзахга тушишлари-га асосий сабаб деб биладилар. Шунинг учун, Роббул оламийдан ўша дўстларини, дўстлик қилиб, жаҳаннамга йўллаганларни кўрсатиб қўйишни сўрайдилар. Вожаб, уларни кўриб нима қилар эканлар? Бу саволнинг жавоби дўзахийлар гапининг давомидадир.

**«...уларни оёқларимиз остига олайлик, токи, улар энг пастлардан бўлсинлар», дедилар.»**

Ҳа, энди маълум бўлди. Улар ўз дўстларидан интиқом олмақчи эканлар. Улар ўз дўстларини жаҳаннам ичида туриб, оёқлари остига олиб, яхшилаб тепкилаб, хумордан чиқмоқчи, уларни ўзи шундоқ ҳам паст бўлган жаҳаннамийлар ичида энг пастлардан қилмоқчи эканлар.

Лекин энди кеч. Вақт ўтди.

Кофирларнинг аянчли аҳволдан фарқли ўлароқ, мўминларнинг ҳолати тамоман бошқача бўлади:

إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا تَتَرَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٦٠﴾ نَحْنُ أَوْلِيَاؤُكُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ ۖ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَشْتَهَى أَنْفُسُكُمْ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَدْعُونَ ﴿٦١﴾ نَزَّلْنَا مِنْ غَفُورٍ رَحِيمٍ ﴿٦٢﴾

**30. Албатта, «Роббимиз Аллоҳ» деган, сўнгра мустақийм бўлганларнинг устиларидан фаришталар: «Қўрқманглар, маҳзун ҳам бўлманглар, ўзингизга ваъда қилинган жаннат хушхабарини қабул қилинглр.**

**31. Биз ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизга у(жаннат)да кўнглингиз иштаҳа қилган нарса бордир ва сизга унда орзу қилинган нарсангиз бордир.**

**32. Бу ўта мағфиратли ва ўта раҳимли Зотдан зиёфатдир», деб тушарлар.**

Ушбу уч оятдаги васф мўминларнинг қанчалик саодатли инсонлар эканини кўрсатади.

Мўминлар аввало:

**«Роббимиз Аллоҳ»,** деб Аллоҳ таолонинг ўзларига Робб эканини, холиқ, розиқ, мудаббир ва тарбиячи эканини тан олган зотлардир. Аллоҳга иймон келтирганларидан кейин эса, «Роббимиз Аллоҳ» деган ўша сўзларида мустақийм турган зотлардир.

Уларнинг қалблари «Роббимиз Аллоҳ»да мустақиймдир.

Уларнинг ишлари «Роббимиз Аллоҳ»да мустақиймдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга алоҳида муносабатда бўлади.

Кейин мўминларга кофирларга ўхшаб инсонлару жинлардан

иборат ёмон дўстлар эмас, фаришталар яқин бўлади. Сўнгра эса, уларга икки дунёда ҳам хотиржам қилувчи қуйидаги хабарлар айтилади:

**«Албатта, «Роббимиз Аллоҳ» деган, сўнгра мустақийм бўлганларнинг устларидан фаришталар: «Қўрқманглар, маҳзун ҳам бўлманглар...»**

Келажақда, охиратда ҳолимиз не кечар экан, деб қўрқманглар, кўнглингизга ҳеч қандай хавф келмасин. Қилиб ўтган ишларимиз натижаси қандай бўлар экан, деб ҳам маҳзун бўлманглар. Сизлар учун келажақда ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Қилган ишларингизнинг натижаси ҳам яхши. Чунки, сиз «Роббимиз Аллоҳ», дедингиз ва ўша сўз тақозосига кўра мустақийм туриб умр кечирдингиз.

**«...ўзингизга ваъда қилинган жаннат хушхабарини қабул қилинглр.»**

«Роббимиз Аллоҳ», деб мустақийм турганларга жаннат ваъда қилинган эди. Сиз ўша шартни амалга оширдигиз, яъни, «Роббимиз Аллоҳ», дедингиз ва мустақийм турдингиз. Энди ўша ваъда қилинган жаннат сизга, албатта, берилади, бу хушхабарни қабул қилинг.

**«Биз ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз.»**

Кўнглингиз тўқ бўлсин.

**«Сизга у (жаннат)да кўнглингиз иштаҳа қилган нарса бордир...»**

Нимани кўнглингиз тусаса, сиз учун дарҳол муҳайё қилинади.

**«...ва сизга унда орзу қилинган нарсангиз бордир.»**

Жаннатда сиз нимани орзу қилсангиз, ўша нарса бўлади.

**«Бу ўта мағфиратли ва ўта раҳимли Зотдан зиёфатдир.»**

Мазкур васф қилинган жаннат ва унинг неъматлари мағфиратли ва ўта раҳимли бўлган Аллоҳ таолонинг зиёфатидир.

Кейинги оятда мўмин кишининг Аллоҳ йўлига даъват қилишининг яхшилиги ва даъватчи мусулмоннинг сифатлари ҳақида сўз кетади:

وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٢٢﴾

**33. Аллоҳга даъват қилган, солиҳ амалларни қилган ва «Албатта, мен мусулмонларданман!» деган кишидан ҳам гўзал сўзли ким бор?!**

Дунёдаги энг гўзал сўз Аллоҳ таоло йўлига чақирувчи сўздир. Дунёдаги энг гўзал сўзловчи Аллоҳ таолога даъват қилувчининг ўзидир. Аммо ўша сўзнинг ҳақиқатда гўзал бўлиши ва ўша сўзлов-

чининг ўзи энг гўзал сўзловчи бўлиши учун қуруқ даъватнинг ўзи етмайди. Балки даъват билан бирга солиҳ амал ҳам бўлиши ҳамда: **«Албатта, мен мусулмонларданман!»** дейиши керак. Ана ўшандагина, у одам энг гўзал сўз сўзлаган бўлади. Зеро, фақат мусулмонлиги туфайли шу фазлга эга бўлгандир.

Демак, ҳар бир мусулмон даъватчи, Аллоҳга даъват қилиш ила энг яхши сўзни айтаётган бўлади ва ўзи энг яхши инсонлар сафига қўшилган бўлади.

Ана ўша сифат ўзида қолиши учун у, аввало, амали солиҳ қилмоғи, бошқача қилиб айтганда, ўзи даъват қилаётган нарсага ҳаммадан аввал ўзи амал қилмоғи лозим.

Иккинчидан, мазкур даъватчилик йўлига кирган одам ўта камтар бўлмоғи лозим. Одамлар унга ҳавас қилсалар, уни гўзал сўз ва гўзал ахлоқ соҳиби сифатида эҳтиром қилсалар, **«Албатта, мен мусулмонларданман!»** дейиши керак. Яъни, агар менда бирор яхшилик кўрсангиз, бу менинг мусулмон бўлганимдандир, дейиши лозим. Ана ўшандагина у энг гўзал сўзли киши бўлади.

Шу билан бирга, даъватчи билиши ва амал қилиши зарур бўлган бошқа ишлар ҳам бор.

وَلَا تَسْتَوِ الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ ادْفَعِ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا الَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةٌ كَأَنَّهُ وَلِيٌّ حَمِيمٌ

**34. Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сен яхшилик бўлган нарса ила дафъ қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди содиқ дўстдек бўлур.**

Аллоҳнинг йўлига даъват этувчи сўзининг қадрини яхши билиши, сўзни ҳис этиши керак. Чунки,

**«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас».**

Аллоҳ таолонинг йўлига даъват қилувчининг иши яхши иш, сўзи яхши сўз, унинг иши бошқаларнинг ишидан устун, унинг сўзи бошқаларнинг сўзидан устун. Шунинг учун ҳам:

**«Сен яхшилик бўлган нарса ила дафъ қил».**

Ҳар қанча ёмон гап эшитиб, ҳар қанча ёмон муомала кўрсанг ҳам, фақат яхши нарса ила қайтар, эй даъватчи. Ҳеч қачон ёмонлик қилма, эй даъватчи. Ана ўшанда:

**«Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди содиқ дўстдек бўлур».**

Бу, Ислом даъватчилари учун жуда ҳам зарур бир сифатдир. Ҳар бир нарсани ёмонлик билан эмас, фақат яхшилик билан

қарши олиш даражасига етган даъватчигина катта муваффақиятларга эришади. Аммо бу сифатга эришиш осон эмас.

وَمَا يُلْقِيهَا إِلَّا الَّذِينَ صَبَرُوا وَمَا يُلْقِيهَا إِلَّا الَّذِينَ هُمْ عَظِيمٌ ﴿٣٥﴾

**35. Унга фақат сабр қилганларгина эришур. Унга фақат улуғ насиба эгаси бўлганларгина эришур.**

Ҳар қандай ёмон сўзни яхши сўз билан қайтариш, ҳар қандай ёмон ишни яхши иш билан қайтариш сифатига

**«...фақат сабр қилганларгина эришур».**

Сабр қилмаса, ёмон сўзга дарҳол ёмон сўз қайтаради. Ёмон ишга ёмон иш қайтаради. Бу эса, даъватчига ҳеч фойда бермайди. Аллоҳнинг йўлига, Аллоҳнинг динига кишиларни чақириш осон иш эмас. Аллоҳнинг динига даъват қилувчи шахс кишиларнинг ҳавойи нафсларига, ўрганиб қолган одатларига, уларнинг шахсий манфаат деб ўйлаб юрган баъзи бир нарсаларига қарши гапириши керак. Шунингдек, даъватчи одам кишиларни ўзлари билмаган эътиқод, ибодат ва амалларни бажаришга даъват қилиши керак. Шунинг учун ҳам, даъватчи одам атрофдан турли-туман маломат, ифво, бўҳтон, ёлғон гаплар, сўкишлар, озорлар эшитади. Турли ноҳақ тасарруфлар ва зулмлар кўради. Даъватчи шуларнинг ҳаммасига сабр қилиши керак. Ана шундагина юқорида айтилган даражага эришади.

**«Унга фақат улуғ насиба эгаси бўлганларгина эришур.»**

Насибаси улуғ бўлмаганлар эриша олмайди. Демак, даъватчи бўла олмайди.

Демак, даъватчи машаққатли даъват йўлида турли ҳолатларга учраши мумкин. Бунда Аллоҳдан ёрдам сўраши керак.

وَأَمَّا يَنْزِعَنَّكَ مِنَ الشَّيْطَانِ نَزْعٌ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٣٦﴾

**36. Агар сени шайтон васвасасидан бир васваса тутса, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, У зот ўта эшитгувчи ва ўта билгувчи зотдир.**

Шайтон васвасага солиб, сени ёмонликни яхшилик билан қайтаришдан айнитмоқчи бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўзидан паноҳ сўра. Унга сифин. У сени сақлайди.

**«Албатта, У зот ўта эшитгувчи ва ўта билгувчи зотдир.»**

Ҳар бир муҳтожнинг илтимосини эшитади. Ҳамма нарсани билади. Даъватчи инсон бу ҳақиқатларни яхши англаши лозим.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг биру борлигига, ҳамма

ишга қодирлигига ва ёлғиз Ўзигина бандаларнинг ибодатига сазовор зот эканлигига далолат қилувчи белгиларга эътиборни тортади:

وَمِنْ آيَاتِهِ الَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ لَا تَسْجُدُوا لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ  
وَأَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَهُنَّ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ

**37. Кечаю кундуз, қуёшу ой Унинг оят(белги)ларидан. Бас, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг. Гар сиз Унгагина ибодат қилмоқчи бўлсангиз.**

Эй одамлар, сиз доимо шоҳиди бўлиб турган кеча ҳам, кундуз ҳам Аллоҳнинг биру борлигига, қудрат эгаси эканлигига, фақат У зотнинг Ўзигина ибодатингизга сазовор зотлигига оят-белгилардир. Кечани ҳам, кундузни ҳам Аллоҳдан бошқа ҳеч ким яратган эмас. Бинобарин, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ибодатингизга сазовор эмас.

Шунингдек, кечаю кундузнинг энг катта аломатлари – қуёш билан ойни ҳам Аллоҳ яратиб, Ўзининг биру борлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига, сизнинг ибодатингизга ёлғиз Ўзи сазоворлигига далил қилиб қўйган. Баъзи одамлар қуёш билан ой ҳақида нотўғри тасаввурга бориб, уларни худо деб ўйлаб, сажда қилиб юрибдилар.

**«Бас, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар.»**

Улар худо эмас. Худонинг мухлуқларидир. Махлуқ махлуққа сажда қилиши мумкин эмас. Махлуқ холиққа сажда этиши зарур. Шунинг учун:

**«Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг.»**

Қуёш ва ойни яратган Аллоҳга сажда этинг.

**«Гар сиз Унгагина ибодат қилмоқчи бўлсангиз.»**

Ушбу ояти карима Қуръони Каримдаги сажда оятларидан бири бўлиб, уни ўқиган ёки эшитган кишига қироат саждаси вожиб бўлур.

فَإِنِ اسْتَكْبَرُوا فَالَّذِينَ عِنْدَ رَبِّكَ يُسَبِّحُونَ لَهُ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ

**38. Агар улар мутакаббирлик қилсалар. Роббингнинг ҳузуридагилар Унга кечасию кундузи тасбиҳ айтурлар. Улар малол олмаслар.**

Агар ўша кофир ва мушриклар Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига сажда қилишдан мутакаббирлик ила бош тортсалар, ўзларига ёмон бўлади. Чунки, Аллоҳ таолога уларнинг саждаси керак эмас.

**«Роббингнинг ҳузуридагилар унга кечасию кундузи тасбиҳ айтурлар.»**



Роббинг ҳузуридаги фаришталар ўта пок, олий мартабали зотлардир. Улар Аллоҳга кечасию кундузи тинмай тасбиҳ айтадилар, сажда қиладилар, ибодат этадилар.

**«Улар малол олмаслар.»**

Балки қанчалик ибодат қилсалар, шунчалик хурсанд бўладилар. Кофир ва мушрик пасткашларга ўхшаб, ўз Роббига ибодат қилишни малол олмайдилар.

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ تَرَى الْأَرْضَ خَاشِعَةً فَإِذَا أَنْزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ اهْتَزَّتْ وَرَبَتْ إِنَّ الَّذِي أَحْيَاهَا  
لُمَجِي الْمَوْقِعِ إِنَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

**39. Яна Унинг оятларидан, ерни қақраган ҳолда кўришингдир. Бас, Биз унинг устидан сув туширсак, у қимирлар ва ўсар. Уни тирилтирган Зот, албатта, ўликларни ҳам тирилтиргувчидир. Албатта, У зот ҳар бир нарсага қодирдир.**

Аллоҳ таолонинг биру борлиги, қудратининг чексизлиги ва бандаларнинг ибодатига сазовор ягона зот эканига далил ва ҳужжат бўладиган оят(белги)ларидан яна бири:

**«...ерни қақраган ҳолда кўришингдир.»**

Сувсиз қуриб-қақраб ётган ерга бир қарагин. Унда мутлақо ҳаёт аломати бўлмайди.

**«Бас, Биз унинг устидан сув туширсак, у қимирлар ва ўсар.»**

Ўша, қақраб ётган, ўлик ҳолидаги ернинг устидан ёмғир ёғдириб сув туширсак, у қимирлайди, тирилади ҳамда ўсимликлари ўсади. Унинг ҳамма томонига жон кириб, ҳаёт—тириклик бошланади. Буни кўриб, ибрат олиш керак.

**«Уни тирилтирган Зот, албатта, ўликларни ҳам тирилтиргувчидир.»**

Ўша ўлиб-қақраб ётган ерни тирилтирган Зот, албатта, аллақачонлар ўлиб кетган ўликларни ҳам тирилтиради.

**«Албатта, У зот ҳар бир нарсага қодирдир.»**

Жумладан, ўлганларни қайта тирилтириб, ҳисоб-китоб қилиб, жазолашга ҳам қодирдир. Аммо, кўпчилик одамлар бу оятлардан ибрат олмайдилар. Балки Аллоҳнинг оятларини эгри йўлларга бурадилар. Уларга таъна қиладилар. Ёлғонга чиқарадилар. Уларга куфр келтирадилар.

إِنَّ الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي آيَاتِنَا لَا يَخْفَوْنَ عَلَيْنَا أَفَمَنْ يُلْقَى فِي النَّارِ خَيْرٌ أَمْ مَنْ يَأْتِيَّ آمِنًا يَوْمَ  
الْقِيَامَةِ أَعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

**40. Албатта, оятларимиз ҳақида эгрилик қиладиганлар Бизга махфий бўлиб қолмаслар. Дўзахга ташланадиган одам яхшими ёки қиёмат куни омон ҳолида келадиган одамми?! Нимани хоҳласангиз, қилаверинг. Албатта, У зот нима қиляётганингизни кўриб тургувчидир.**

Бу оят Қуръони Карим мўъжизаси бўлиб, Аллоҳнинг биру борлиги ва чексиз қудратига далолат қилувчи борлиқдаги оят- (белги)ларга нисбатан эгрилик ила муносабатда бўлган одамларнинг аҳволини баён қилади.

**«Албатта, оятларимиз ҳақида эгрилик қиладиганлар Бизга махфий бўлиб қолмаслар.»**

Уларнинг кимлиги ҳам, Аллоҳнинг оятларига нисбатан қилган эгрилик, кофирлик ва нобакорлиги ҳам—ҳамма-ҳаммаси Аллоҳнинг ўзига равшандир. Уларнинг барча амаллари ҳисоб-китоб қилинган, дўзахга ташланадилар.

**«Дўзахга ташланадиган одам яхшими ёки қиёмат куни омон ҳолида келадиган одамми?!»**

Аллоҳнинг оятлари ҳақида эгрилик қиладиганлар қиёмат куни дўзахга, тўғрилиқ қиладиганлар жаннатга кирадилар. Хўш, улардан қайси бири яхши? Ҳамма нарса маълум ва очиқ-ойдин бўлди. Энди:

**«Нимани хоҳласангиз, қилаверинг».**

Хоҳласангиз, қуёшга сажда қилинг. Хоҳласангиз, ойга сажда қилинг. Хоҳласангиз, Аллоҳнинг оятлари ҳақида куфр сўзлар айтинг.

**«Албатта, У зот нима қиляётганингизни кўриб тургувчидир.»**

Ҳар бир ишингизни Аллоҳ таоло кўриб туради.

Қиёматда амалингизга яраша жазолайди.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالذِّكْرِ لَمَّا جَاءَهُمْ وَإِنَّهُ لَكُنْتُ عَزِيزٌ ﴿٥١﴾ لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ ۗ تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴿٥٢﴾

**41. Албатта, ўзларига Зикр келганда унга куфр келтирганлар... Албатта, у азийз китобдир.**

**42. Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмас. У ўта ҳикматли ва ўта мақталган Зотнинг туширганидир.**

Ушбу икки оятда Қуръони Карим оятларига куфр келтирганларга таҳдид қилинмоқда ва Қуръони Карим сифатлари ҳақида сўз кетмоқда. Ўтган оятларда Аллоҳнинг каломига умуман эгрилик қилганларнинг оқибати эслатиб ўтилган эди. Аммо Қуръони Каримга куфр келтирганларга нисбатан эса, бошқача йўл тугилади.

**«Албатта, ўзларига Зикр келганда унга куфр келтирганлар...»**

Нима жазо берилиши айтилмади. Худди шуниси жуда ҳам кучли таҳдиддир. Бу айтилмаган ўринга энг шиддатли, масалан, «Нима қилишни Ўзимиз биламиз», «Кунларини кўрсатиб қўямиз» ёки шунга ўхшаш таҳдидларни қўйиш мумкин.

«Зикр» Қуръони Карим номларидан бири бўлиб, «эслатма» маъносини билдиради. Бу сўз аввалги сураларда ҳам кўп келган.

**«Албатта, у азийз китобдир.»**

Албатта, Қуръони Карим азийз — ғолиб, кучли ва иззатли китобдир. Унга куфр келтирганлар мағлуб, кучсиз ва хордирлар.

**«Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмас.»**

Бу азийз китобга умуман ботил яқин кела олмайди. Азийз китоб бўлганидан кейин ботил қандай қилиб унга яқинлаша олсин? Азийз зотнинг азийз китоби Қуръони Каримга қиёматгача абадул-абад ботил яқин кела олмайди. У соф ва соғлом ҳолида илоҳий мўъжиза бўлиб қолади. Бу башорат ҳам Қуръоннинг илоҳий китоб эканлигига ёрқин далилдир. Мана, асрлар ўтибдики, унинг бирор ҳарфи ўзгаргани, унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келгани йўқ! Ва шундай давом этажак, иншоаллоҳ.

**«У, ўта ҳикматли ва ўта мақталган Зотнинг туширганидир.»**

Қуръон ўта ҳикматли зот бўлмиш Аллоҳ таолонинг нозил қилган китобидир, Шунинг учун, у ҳикматга тўла китобдир. Унинг оятлари ҳикматли, кўрсатмалари ҳикматли, амрлари ҳикматли, қонун-қоидалари ҳикматли — ҳамма-ҳаммаси ҳикматлидир.

Қуръон ўта мақталган зот Аллоҳ томонидан туширилгани учун унда Аллоҳнинг ҳамди-мақтови кўп тақрорланади.

Шу билан бирга, Қуръони Карим ўтган Пайғамбарларга келган ваҳийга ўхшайди.

مَا يُقَالُ لَكَ إِلَّا مَا قَدَّ قِيلَ لِلرُّسُلِ مِنْ قَبْلِكَ إِنَّ رَبَّكَ لَذُو مَغْفِرَةٍ وَذُو عِقَابٍ أَلِيمٍ

**43. Сенга айтилаётган нарсани бор, батаҳқиқ, сендан олдинги Пайғамбарларга ҳам айтилгандир. Албатта, Роббинг мағфират эгасидир ва аламли азоб эгасидир.**

Сенга келган ваҳий олдин ўтган Пайғамбарларга ҳам туширилган эди. Илоҳ бир, ваҳий бир, ақийда бир, Пайғамбарлик бир, шунингдек, одамларнинг уларга муносабати ҳам бир. Баъзилари иймон келтириб, амал қилади. Баъзилари куфр келтириб, осий бўлади.

**«Албатта, Роббинг мағфират эгасидир ва аламли азоб эгасидир.»**

Ваҳийга иймон келтириб, амал қилганларнинг гуноҳларини кечириб жаннатга киритади. Ваҳийга куфр келтириб, исён қилганларни аламли азоб ила азоблайди.

Қуръони Каримнинг ажамий эмас, арабий этилиши ҳам бир неъматлиги келаси оятда айтилади:

وَلَوْ جَعَلْنَاهُ قُرْءَانًا أَعْجَمِيًّا لَقَالُوا لَوْلَا فُصِّلَتْ آيَاتُهُ ؕ آءِ آءِ أَعْجَمِيٍّ وَعَرَبِيٍّ قُلُّ هُوَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا هُدًى وَشَفَاءٌ ۗ وَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ فِي ءَاذَانِهِمْ وَقُرْءٌ وَهُوَ عَلَيْهِمْ عَمًى ۗ أُولَٰئِكَ يُنَادَوْنَ مِن مَّكَانٍ بَعِيدٍ ﴿٤٤﴾

**44. Агар Биз уни ажамийча Қуръон қилганимизда, албатта: «Унинг оятлари муфассал баён қилинганида эди. Арабийга ажамчами?!» – дер эдилар. Сен: «У, иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир. Иймон келтирмайдиганларнинг қулоқларида оғирлик бордир. У, улар учун кўрликдир. Улар узоқ макондан чақирилаётганлардир», деб айт.**

Макка мушрикларининг қалбларини моғор босгани учун ҳам, ўз тилларидаги илоҳий китоб Қуръон ҳақида бир-бирларига: «Унга қулоқ османглар, унга халақит беринглар», дейишарди.

**«Агар Биз уни ажамийча Қуръон қилганимизда, албатта: «Унинг оятлари муфассал баён қилинганида эди. Арабийга ажамчами?!» – дер эдилар.»**

Фаразан, Қуръонни араб тилида эмас, бирор ажамий тилда нозил қилганимизда, кофир мушриклар бунга ҳам гап топар эдилар. Улар: «Қуръон оятлари бизнинг араб тилимизда муфассал баён қилинганида эди, уни эшитишимиз, ўрганишимиз мумкин эди. Арабий одамга ажамча Қуръон ҳам тушириладими?» дейишлари аниқ эди. Яъни, нима қилиб бўлса ҳам, баҳона топар эдилар. Чунки, аслида, Қуръонга эргашиш ниятлари йўқ.

Эй Пайғамбар!

**«Сен: «У, иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир», деб айт.**

Қуръони Карим мўминлар учун ҳидоятдир. Қуръон мўминларни саодатли ҳидоят йўлига бошлайди. Қуръони Карим мўминлар ҳаётининг ҳар бир соҳасида уларга ҳидоят маёғи бўлади. Унинг ҳидоятидан баҳраманд бўлиш учун унга иймон келтириш керак.

Қуръони Карим мўминлар учун шифодир. Қуръон мўминларнинг барча дардларига шифо бўлади. Қуръон одамларнинг қалбларидаги касалларига, турли ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, маъна-

вий касалларга шифодир. Унинг шифобахшлигидан баҳраманд бўлмоқ учун унга иймон келтирган бўлиш керак.

**«Иймон келтирмайдиганларнинг қулоқларида оғирлик бордир.»**

Қуръонга иймони йўқларнинг қулоқлари кардир. Иймонсизлик оғир дарддир. Унда кишининг қалби касал бўлиб, метин тошга айланиб қолади. Бунинг асорати бошқа аъзоларга ҳам таъсир ўтказди. Қулоқлари кар бўлиб қолади. Улар Қуръонни ҳам эшита олмайдилар.

**«У, улар учун кўрликдир.»**

Қуръон кофирлар учун маънавий кўрликдир. Улар ҳеч нарсанинг фарқига бормайдилар.

**«Улар узоқ макондан чақирилаётганлардир.»**

Узоқ макондан чақирилганлар овозни эшитмайдилар, ҳеч нарсани тушунмайдилар. Шунингдек, Қуръонга иймон келтирмаганлар ҳам ундан ҳеч нарсани англай олмайдилар.

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ فَخُتِلِفَ فِيهِ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِنْ رَبِّكَ لَقُضِيَ بَيْنَهُمْ وَإِنَّهُمْ لَفِي شَكٍّ مِنْهُ مِرْيَبٍ

**45. Батаҳқиқ, Биз Мусога китобни бердик. Бас, у ҳақида ихтилоф қилинди. Агар Роббинг томонидан олдин сўз ўтмаганида, ораларида, албатта, ҳукм чиқариларди. Албатта, улар у ҳақда гумонли шакдадирлар.**

Бу оятда Қуръони Каримга иймон келтирмай, у ҳақида ихтилоф қилиб, гумон ва шак-шубҳага борганларга эслатма ва таҳдид келмоқда.

**«Батаҳқиқ, Биз Мусога китобни бердик.»**

Ҳозир Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни бергандек, Аллоҳ таоло ўтмишда Мусо алайҳиссаломга ҳам Таврот китобини берган.

**«Бас, у ҳақида ихтилоф қилинди.»**

Мусо алайҳиссаломнинг қавми томонидан Таврот ҳақида ихтилоф қилинди. Баъзилари иймон келтирди. Баъзилари куфрга кетди. Худди Қуръонга нисбатан муносабатга ўхшаш муносабат бўлди.

**«Агар Роббинг томонидан олдин сўз ўтмаганида, ораларида, албатта, ҳукм чиқариларди.»**

Агар Аллоҳ таоло қиёматда ҳисоб-китоб қилишга сўз бермаганида, китобига куфр келтирганларни, албатта, ҳозирнинг ўзидаёқ азобга дучор этар эди.

**«Албатта, улар у ҳақда гумонли шакдадирлар.»**

Яъни, кофирлар Қуръон ҳақида шак-шубҳага борадилар. Шунинг учун, уларни ҳозир азобласа ҳам бўлади. Аммо, Аллоҳ таолонинг ваъдасига биноан, азобга гирифтор бўлмай турибдилар. Ҳозирча ҳар ким билганини қилаверсин.

مَنْ عَمِلْ صَالِحًا فَلِنَفْسِهِ ۖ وَمَنْ أَسَاءَ فَعَلَيْهَا ۚ وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّامٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٤٦﴾

**46. Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Роббинг бандаларга зулм қилгувчи эмас.**

Ҳар кимга У зот фақат амалига яраша мукофот ёки жазо беради, холос. Ушбу иш бўладиган қиёмат соатини сўрасангиз:

إِلَيْهِ يُرْدُ عِلْمُ السَّاعَةِ ۖ وَمَا تَخْرُجُ مِنْ ثَمَرَاتٍ مِّنْ أَكْمَامٍهَا وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنثَىٰ وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِ ۚ وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ أَيْنَ شُرَكَآئِيَ قَالُوا أَاذَنَّكَ مَا مِنَّا مِنْ شَهِيدٍ ﴿٤٧﴾

**47. Соат(қиёмат) илми У зотнинг Ўзигагина қайтарилур. Барча меваларнинг гулкосаларидан чиқиши ҳам, ҳар бир урғочининг нимага ҳомиладор бўлиши ҳам, нимани туғиши ҳам фақат Унинг илми ила бўлур. У зот уларга: «Менинг шерикларим қани?!» – деб нидо қиладиган кунда, улар: «Биз сенга билдирамизки, бунга биздан бирорта гувоҳ йўқ», дерлар.**

Аллоҳ таоло ҳар бир бандага қилмишига қараб адолат ила мукофот ёки жазо берадиган қиёмат куни қачон бўлишини фақат Ўзи билади. Чунки, Аллоҳ таолонинг илми мутлақ ва шомидир. Ҳа, «Соат(қиёмат) илми У зотнинг Ўзигагина қайтарилур».

Ҳаттоки,

**«Барча меваларнинг гулкосаларидан чиқиши ҳам, ҳар бир урғочининг нимага ҳомиладор бўлиши ҳам, нимани туғиши ҳам фақат Унинг илми ила бўлур».**


Дунёда сонсиз-саноқсиз ўсимликлар бор, ҳар бир ўсимлик, бута ва дарахтнинг қанчадан-қанча гулкосалари бор. Ҳар бир гулкосадан нима чиқишини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Бошқалар меваларни кўради, холос. Унда ҳам санокли меваларни, кўради. Аллоҳ таоло эса, ҳамма гулкосалардан нима чиқишини аниқ билади.

Шунингдек, дунёда қанчадан-қанча урғочи жонзотлар бор. Уларнинг ҳаммаси ҳомиладор бўлади, туғади. Уларнинг сон-саногига етишқийин. Аммо, Аллоҳ таоло уларнинг нимага ҳомиладор

бўлишини ҳам, нимани туғишини ҳам билади. Нобакор инсонларгина Аллоҳ таолонинг бу илмини эътироф қилмайдилар, инкор этадилар ва Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ўзларича одамлардан беркитиб, гўеки Аллоҳ таоло билмайдигандек, куфр келтирадилар, гуноҳлар қиладилар. Аллоҳ таолога нисбатан бу нобакорликни улар ҳатто охиратда ҳам қиладилар.

**«У зот уларга: «Менинг шерикларим қани?!» – деб нидо қиладиган кунда, улар: «Биз сенга билдирамизки, бунга биздан бирорга гувоҳ йўқ», дерлар.»**


Қиёмат куни Аллоҳ таоло мушрикларга, у дунёда сиз менга турли нарсаларни шерик қилар эдингиз, ўша «Менинг шерикларим қани?!» деб сўрайди. Мушриклар, Аллоҳнинг мутлақ илмидан беҳабар гумроҳлар У зотни алдамоқчи бўлиб, биздан бирор киши сенинг шеригинг бор деб, гувоҳлик бермайди, дейдилар. Қиёматни кўрганларидан кейин, Аллоҳга шерик қилган сохта худоларидан тонадилар. Вақт ўтганидан кейин, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига иймон келтирганларини айтадилар.


 وَضَلَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَدْعُونَ مِن قَبْلُ وَظُنُّوْا مَا لَهُم مِّن مَّحِصٍ

**48. Ва улардан илгари илтижо қилиб юрган нарсалари ғойиб бўлди. Улар ўзларига қочар жой йўқлигига тўла ишондилар.**

Мушрикларнинг бу дунёда сиғиниб юрган сохта худолари ҳам ўша кунда улардан қочади. Ана шунда мушриклар ўзлари учун жаҳаннам азобидан қутулиш имкони йўқлигига ишониб этадилар.

Одамлар ўша қиёмат кунига тайёргарлик кўрмай, бепарво юрадилар. Охиратда яхшиликка эришиш ва зарардан қутулиш учун интилмайдилар. Асл табиатларига зид иш қиладилар.


 لَا يَسْأَلُ الْإِنْسَانَ مِنْ دُعَاءِ الْخَيْرِ وَإِن مَّسَّهُ الشَّرُّ فَيَسْأَلُ عَن قَنُوطٍ

**49. Инсон яхшилик тилашни ҳеч малол олмас. Агар уни ёмонлик тутса, у умидсиз тушкундир.**

Бу дунёда инсон ўзига яхшилик тилашдан ҳеч тўхтамайди. Унга қанчалик кўп яхшилик етса, яна кўпроқ яхшилик келишини истайди, ҳеч малол олмайди. Аммо озгина зарар етса, қаттиқ хафа бўлиб кетади. Умидсизланиб, тушкунликка тушади.

Беш кунлик дунёнинг яхшилигига шунчалик қаттиқ ҳирс қўйган, ёмонлигидан шунчалик қўрққан инсон нима учун охиратнинг абдий азобидан қўрқмайди ва абадий яхшилигига қизиқмайди?!

وَلَيْنَ أَذَقْنَاهُ رَحْمَةً مِنَّا مِنْ بَعْدِ ضَرَاءٍ مَسَّتهُ لَيَقُولَنَّ هَذَا إِلَى وَمَا أَظُنُّ السَّاعَةَ قَائِمَةً وَلَئِن رُجِعْتُ إِلَى رَبِّي إِنَّ لِي عِنْدَهُ لَلْحُسْنَىٰ فَلَنُنَبِّئَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِمَا عَمِلُوا وَلَنُذِيقَنَّهُمْ مِّنْ عَذَابٍ غَلِيظٍ

**50. Агар Биз унга уни тутган зарардан сўнг Ўзимиздан раҳмат тоттирсак, албатта, у: «Бу меникидир. Мен соат(қиёмат) қоим бўлур, деб ўйламайман. Агар Роббимга қайтарилсам, албатта, мен учун Унинг ҳузурида гўзал (мукофот) бордир», дер. Бас, албатта, куфр келтирганларга қилган амаллари хабарини берурмиз. Албатта, уларга оғир азобдан тоттирурмиз.**

Кофир субутсиз, тутуриқсиз бўлади. Аввалги оят охирида айтилганидек, унга бирор зарар, ёмонлик етса, иймонсизлигидан, ўта тушкунликка тушиб, бутунлай ноумид бўлиб кетади. Бошқа оятларда таъкидланганидек, Аллоҳга ёлвора бошлайди. Ушбу оятда ўша ҳолат давоми ҳақида сўз кетади:

**«Агар Биз унга уни тутган зарардан сўнг Ўзимиздан раҳмат тоттирсак, албатта, у: «Бу меникидир. Мен соат(қиёмат) қоим бўлур, деб ўйламайман».**

Кофир инсонга уни ноумид қилган, тушкунликка туширган ёмонликдан сўнг Аллоҳ таоло яхшилик ато этса, у инсон Аллоҳга шукр қилиб, ҳамду сано айтиш ўрнига, бу яхшиликка ўзим эришдим, буни менга ҳеч ким бергани йўқ, деб мағрурланишга ўтади. Кечагина тушкунликка тушиб бутунлай умидсиз юрганини, Аллоҳ таолога ялиниб-ёлворганини унутади. Ўз куфри ва осийлигида яна давом этаверади. Охиратни рад этиб, мен охиратга, қиёмат бўлишига ишонмайман, дейди. Бу билан у ўзига ёмонликлар учун йўл очгандек бўлади. Чунки, қиёмат қоим бўлишини фақат ёмонликка майли борларгина хоҳламайди. Кофир ўзини кибру ҳаво билан жуда ҳам юқори қўяди. Шунинг учун, Аллоҳнинг неъматига шукр қилмай, бу меникидир, дейди. Шу сабабли, у аслида Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмаса ҳам:

**«Агар Роббимга қайтарилсам, албатта, мен учун Унинг ҳузурида гўзал (мукофот) бордир», дер».**

Мен ўзим қиёматга ишонмайман-у, аммо, мабодо, қиёмат ростдан ҳам бўлиб қолса, ўшанда ҳам менга Аллоҳнинг ҳузурида яхши мукофотлар бўлади, дея гумон қилади. Бу, беҳуда ғурурдан бошқа нарса эмас.

**«Бас, албатта, куфр келтирганларга қилган амаллари хабарини берурмиз.»**



Қиёмат кунда Аллоҳ таоло кофирларга гўзал мукофотлар эмас, бу дунёда қилган гуноҳларининг хабарини беради.

**«Албатта, уларга оғир азобдан тоттирурмиз.»**

Ҳар хил бўлмағур, асоссиз фикрлар билан ғурурланиб, ўзларини овунтириб овора бўлмасинлар.

وَإِذَا أُنْعَمَ عَلَى الْإِنْسَانِ أَعْرَضَ وَنَسَىٰ بِجَانِبِهِ ۖ وَإِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ فَذُو دُعَاءٍ عَرِيضٍ ﴿٥١﴾

**51. Қачон инсонга неъмат берсак, у юз ўғирар ва ёнбоши ила узоқлашар. Қачон уни ёмонлик тутса, бас, у узундан-узоқ дуо эгасидир.**

Кофир инсоннинг субутсиз, тутуриқсизлиги унга яхшилик ва ёмонлик етганида аниқ билинади.

**«Қачон инсонга неъмат берсак, у юз ўғирар ва ёнбоши ила узоқлашар.»**

Аллоҳ таоло кофир инсонга неъмат берса, Аллоҳга шукр қилмасдан, юз ўгиради. Димоғини осмонга кўтариб, ёнбошига бурилиб, мутакаббирлик қилиб кетади.

Неъматга ношукрлик қилиб юрганига қарамай,

**«Қачон уни ёмонлик тутса, бас, у узундан-узоқ дуо эгасидир».**

Бошига мусийбат тушганда, кибру ҳавоси кетиб, аслига қайтиб, Аллоҳга ёлвориб қолади.

Эй Пайғамбар!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ كَانَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ ثُمَّ كَفَرْتُمْ بِهِ ۖ مَنْ أَضَلُّ مِمَّنْ هُوَ فِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿٥٢﴾

**52. Сен: «Менга айтинглари-чи, агар у Аллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сиз унга куфр келтириб юрган бўлсангиз. Хўш, (ҳақдан) узоқ тортишувда бўлганлардан ҳам адашганроқ ким бор?!» – деб айт.**

Эй Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи васаллам, сен ўша субутсиз, тутуриқсиз кофир-мушрикларнинг кўзларини очадиган бир гап айт:

**«Сен: «Менга айтинглари-чи, агар у Аллоҳнинг ҳузуридан бўлсаю, сиз унга куфр келтириб юрган бўлсангиз»,**

унда нима деган одам бўласиз, деб айт.

Ҳозир сиз Қуръонни Аллоҳнинг ҳузуридан эмас деб, унга куфр келтирмақдасиз. Аммо куфрдан бирор фойда кўргангиз йўқ. Қуръонга куфр келтирган одам ҳеч қачон фойда кўрган эмас. Бу,

масаланинг бир томони. Иккинчидан, мабодо, Қуръонни ҳақиқатан ҳам Аллоҳ туширган бўлса, унда нима қиласиз?! Унда бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ютқазган бўласиз.

Энди айтинг-чи:

**«Хўш, (ҳақдан) узоқ тортишувда бўлганлардан ҳам адашган-роқ ким бор?!»**

Ҳеч ким йўқ. Кофир ва мушриклар Қуръон, Ислом, дину диёнат ва қиёмат ҳақида бекордан-бекорга тортишадилар. Уларнинг бу баҳслари уларнинг нақадар залолатга кетган одамлар эканини кўрсатади. Чунки, улар очиқ-ойдин ҳақиқатни тан олмай ўзларига зарар келтираётган одамлардир. Мусулмон бўлган одам бу дунёда яхшиликка эришади. Кофирларнинг эса, бу дунёда яхшиликка эришиши гумон. Охиратда мусулмон яхшиликка, кофир ёмонликка эришиши эса, турган гап.

Демак, мусулмон икки ҳолатда ҳам ютади. Кофир икки ҳолатда ҳам ютқазади. Дунёда мана шу оддий ҳақиқатни кўра-била туриб, турли йўлларда адашиб, тортишиб юрган кофирлардан ҳам золироқ одам бўлмаса керак.

Сураи кариманинг охирги икки оятида келажакка тааллуқли ваъда келади:

سَرِيهَمَ أَيَّتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ أَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ  
أَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ

**53. Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят (белги)ларимизни кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?!**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бундан ўн беш аср илгари одамларга уфқлардаги ўз оят(белги)ларини кўрсатиб, Қуръони Каримнинг ҳақлигини равшан этишни ваъда бермоқда. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Аллоҳ ваъдасига вафо қилади.

**«Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят(белги)ларимизни кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин.»**

Дарҳақиқат, ўтган давр ичида Аллоҳ таоло одамларга уфқларда, теваарак-атрофларда кўплаб ажойиботларни англашиб қўйдики, ўша белгиларни ўрганган одамлар Қуръоннинг ҳақ илоҳий китоб эканини тан олиб, мусулмон бўлмоқдалар. Ершунос, осмоншунос,

табиатшунос, ҳайвоншунос ва бошқа турли соҳа олимлари Аллоҳнинг уфқларидаги оят-белгиларини ўрганиб, Аллоҳ таолога иймон келтирмоқдалар.

Шунингдек, инсоннинг ўзини ўрганган олимлар ҳам Қуръонни тан олмақдалар. Ҳолбуки:

**«Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?!»**

Аллоҳ таолонинг ҳар бир катгаю кичик нарсага гувоҳ экани кифоя қилмасмидики, уларга оятларни кўрсатиш лозим бўлди.

أَلَا إِنَّهُمْ فِي مَرِيَةٍ مِّنْ لِّقَاءِ رَبِّهِمْ أَلَا إِنَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ مُّحِيطٌ ﴿٤٤﴾

**54. Огоҳ бўлинглар. Албатта, улар Роббиларига рўбарў бўлишдан шақдадирлар. Огоҳ бўлинглар. Албатта, У зот ҳар бир нарсага ихота қилгувчидир.**

Ушбу ояти каримада мўмин-мусулмонлар кофир, мушрик ва мунофиқларнинг гап-сўзлари, иш ва ўзларидан доимо огоҳ бўлишлари лозимлиги таъкидланмоқда.

**«Огоҳ бўлинглар. Албатта, улар Роббиларига рўбарў бўлишдан шақдадирлар.»**

Унга рўбарў бўлишдан қочиб қаерга ҳам борар эдилар? Аммо уларнинг кофирликлари, мушрик ва мунофиқликлари қиёмат қоим бўлишига, Роббиларига рўбарў бўлишларига ишонмасликларини кўрсатиб турибди. Бу эса, ўта хатарлидир. Чунки, айна шу нарса инсонни барча ёмоликларни киприк қоқмай қилишга етаклайди. Айна шу нарса, инсоннинг икки дунёда бадбахт бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, огоҳ бўлиш лозим.

**«Огоҳ бўлинглар. Албатта, У зот ҳар бир нарсага ихота қилгувчидир.»**

Ҳа, Аллоҳ таоло катгаю кичик ҳар бир нарсага қамраб олувчи зотдир. Қиёмат кунида ана ўшанга биноан ҳисоб-китоб қилувчи зотдир. Ана шунинг учун ҳам инсон огоҳ бўлиши зарурдир.



## ШУУРО СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 53 оятдан иборат.*

«Шууро» сўзи маслаҳат, машварат, фикр алмашиш маъносини билдиради. Ушбу сураи каримада Исломда шўронинг тутган ўрни, яъни, мусулмонлар ҳаётларида пайдо бўладиган баъзи муаммоларни машварат-маслаҳат йўли билан ҳал қилишлари лозимлиги ҳақида сўз кетгани, унда мўминлар ҳақида **«ва уларнинг ишлари ўзаро шууродир»**, деган оят келгани учун ҳам «Шууро сураси» деб номланган.

«Шууро» сураси, Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби, ақийда масаласини муолажа қилади. Бу сураи каримада, айниқса, пайғамбарлик ва ваҳий ҳақида алоҳида эътибор билан сўз юритилади. Шу билан бирга, сурада ваҳдоният, қиёмат ва унга иймон келтириш, мўминларнинг сифатлари, ризқ масаласи ва хурсандчилик ҳамда қийинчилик пайтида инсон ўзини қандай тутиши ҳақида ҳам сўз кетади.

Сура ваҳийнинг ва пайғамбарликнинг масдари Аллоҳ таоло эканини, ўша зот Пайғамбарларни юбориб, уларга ваҳий туширганини таъкидлаш билан бошланади.

Сўнгра баъзи мушрикларнинг, Аллоҳ таолонинг боласи бор, дейишлари ҳақида сўз очилади. Уларнинг бу гапидан осмонлар ёрилиб кетай дейиши таъкидланади. Мушриклар нобакорлик қиляётган бир пайтда Аллоҳнинг олий мартабали бандалари бўлмиш муқарраб фаришталари у зотга тинмай тасбиҳ айтишлари, ибодат қилишлари ҳақида хабар берилади.

Сура яна ваҳий ва пайғамбарлик ҳақидаги гапни қайтадан бошлайди. Аллоҳ таолонинг дини бир бўлиб, ҳамма Пайғамбарларни У зотнинг Ўзи юборгани айтилади. Пайғамбарларнинг шариатлари турли бўлиб, динлари бир эканлиги Аллоҳдандир. Ўша дин Ислом дини бўлиб, Аллоҳ таоло Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо ва бошқа барча Пайғамбарларни ҳам ўзи юборганлиги баён қилинади.

Ундан кейин эса, Қуръонга куфр келтирганлар ҳақида, қайта тирилтиришни ва жазою мукофотни инкор қиладиганлар ҳақида гап очилади. Уларга шиддатли азоблар бўлиши муқаррарлиги кўрсатилади.

Сура давомида Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ҳар бир нарсага қодир зотлигига, ибодатга сазовор ягона зот эканлигига да-  
лолат қилувчи оят-белгилар саналади.

Шу билан бирга, мўминларни бошқалардан ажратиб турадиган мумтоз сифатлар тилга олинади.

Кейин эса, қиёмат кўринишлари ҳақида сўз юритилади. Қиёмат куни кофирларнинг ҳоли қандай бўлиши ҳақида баён келади.

Ниҳоят, сураи карима яна ваҳий ва Қуръон ҳақида баҳс юри-  
тиш билан тамом бўлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

حَمْدًا عَسَقَ عَسَقًا كَذَلِكَ يُوحَىٰ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ اللَّهُ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

1. Ҳаа. Мийм.
2. Айн. Сийн. Қооф.
3. Азийзу ўта ҳикматли бўлмиш Аллоҳ сенга ва сендан ав-  
валгиларга мана шундай ваҳий қилур.

Қуръони Карим суралари бошида келадиган ҳуруфи муқатта-  
от — кесилган ҳарфлар ҳақида аввалги сураларда батафсил гапи-  
рилди. «Шууро» сураси ҳам ана ўша ҳарфлардан айримлари билан  
бошланмоқда.

Сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қили-  
ниб, Аллоҳ таоло у кишига ҳам, у кишидан олдин ўтган Пайғам-  
барларга ҳам ушбу тарийқа ила ваҳий қилиши уқтирилмоқда.

Яъни, оддий алифбо ҳарфларидан ташкил топган сўзлар ва  
мазкур сўзлардан ташкил топган гаплар ваҳий қилиб юборилди.  
Ҳамма Пайғамбарларга, шу жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломга  
ваҳий юбораётган зот ҳам Аллоҳ. Азийз — ғолиб ва қудратли зот  
ҳам Аллоҳ. Ўта ҳикматли зот ҳам Аллоҳ.

Аллоҳ таолонинг ушбу икки сифати — азийзлиги ва ўта ҳақийм-  
лиги суранинг аввалидан охиригача алоҳида кўриниб туради. Аллоҳ  
таоло азийзу ҳақийм бўлгани учун:

لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

#### 4. Осмондаги нарсалар ва ердаги нарсалар уникидир. У зот юксак ва улуғдир.

Осмонда нимаики бўлса, Аллоҳникидир. Аллоҳ таолонинг мулкидир. Ерда нимаики бўлса, Аллоҳникидир. Уларнинг ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолонинг мулкидир. Унинг мулкига ҳеч ким шерик бўла олмайди.

У зот юксакдир, ҳеч паст бўлмайди.

У зот улуғдир, ҳеч кичик бўлмайди.

Аллоҳ таолонинг бу сифатларини барча мавжудотлар яхши биладилар. Шунинг учун ҳам:

تَكَادُ السَّمَوَاتُ يَتَفَطَّرْنَ مِنْ فَوْقِهِنَّ وَالْمَلَائِكَةُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَيَسْتَغْفِرُونَ  
لِمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا إِنْ أَلَّ اللَّهُ هُوَ الْعَفُورُ الرَّحِيمُ

#### 5. Осмонлар уст томонларидан ёрилиб кетай дейди. Фаришталар эса, Роббилари ҳамди ила тасбиҳ айтурлар ва ер юзидаги кимсаларга истиғфор сўрарлар. Огоҳ бўлингким, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир.

Аллоҳ таолонинг юксаклиги ва улуғлиги қаршисида чидай олмай, осмонлар ўз устиларидан ёрилиб кетай деб турадилар. Худди шу сабабга кўра, фаришталар тинмай Аллоҳга ҳамду сано айтиб, унга тасбиҳ айтиб (яъни, уни поклаб ёд этиб) турадилар. Шунингдек, фаришталар тинимсиз равишда Аллоҳ таолодан одамларнинг гуноҳларини мағфират қилишини сўраб турадилар. Чунки, юксак ва улуғ бўлган:

**«Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир».**

У зот вақтида тавба қилганларнинг гуноҳини мағфират қилади ва уларга раҳим-шафқат кўрсатади.

Аммо одамлар ичида бошқача иш қиладиганлари кўп.

وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ اللَّهُ حَفِيظٌ عَلَيْهِمْ وَمَا أَنْتَ عَلَيْهِمْ بِوَكِيلٍ

#### 6. Ундан ўзга «дўстлар» тутганларга Аллоҳ кузатгувчидир. Сен уларга вакил эмассан.

Яъни, Аллоҳ таолодан ўзга нарсаларни дўст тутиб, уларга ибодат қилган мушрикларга Аллоҳ таолонинг Ўзи кузатувчи, пойлаб турувчидир. Сенинг ишинг бўлмасин, эй Пайғамбар. Сен уларни иймонга мажбурлаш учун вакил қилинган эмассан. Сенинг ишинг Аллоҳнинг таълимотларини етказиш, холос.

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا لِّنُنذِرَ أُمَّ الْقُرَىٰ وَمَنْ حَوْلَهَا وَنُنذِرَ يَوْمَ الْجَمْعِ لَا رَيْبَ فِيهِ

فَرِيقٌ فِي الْجَنَّةِ وَفَرِيقٌ فِي السَّعِيرِ

**7. Ана шундай қилиб, Биз сенга шаҳарларнинг онасини ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун, бўлишида ҳеч шубҳа йўқ жамлаш кунидан огоҳлантиришинг учун арабий Қуръонни юбордик. Бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ дўзахда.**

Қадимдан Пайғамбарларига ваҳий орқали таълимотларини юбориб турган Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам ваҳий юборди. Ўша ваҳийни юборишдан мақсади бор. Ўша ваҳийни қаерга юборди? Ўша ваҳий қандай ваҳий эди? Ўша ваҳийдан қандай натижалар келиб чиқди? Ушбу оятда ана ўша нарсалар ҳақида сўз кетмоқда.

**«Ана шундай қилиб...»**

Яъни, аввал ўтган Пайғамбарларга ваҳий юборгандек қилиб...

**«Биз сенга шаҳарларнинг онасини ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун, бўлишида ҳеч шубҳа йўқ жамлаш кунидан огоҳлантиришинг учун арабий Қуръонни юбордик.»**

«Шаҳарларнинг онаси»дан Маккаи Мукаррама кўзда тутилган. Муқаддас шаҳар бўлмиш Маккаи Мукаррама «Уммул Қуро»(шаҳарларнинг онаси), деб аталади. Демак, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни Маккаи Мукаррама аҳолиси ва унинг атрофидаги халқларни огоҳлантириш учун нозил қилган. Маккаи Мукаррама маълум ва машҳур шаҳар. Лекин унинг атрофи деганда қайси жойларни тушуниш керак? Бу саволга, хусусан, ушбу оят маъносига ҳам турли жавоб ва тушунчалар бериш мумкин. Аммо кейинги пайтдаги илмий кашфиётлар ушбу оят илоҳий мўъжиза эканини кўрсатади. Баъзи жуғрофия олимлари айнан ушбу оят маъносига, ҳамда Қуръон бутун оламлар учун огоҳлантирувчи бўлиб тушгани ҳақидаги ҳақиқатга эътибор қаратдилар. Уларда, нима учун бир жойда «Қуръон бутун олам учун огоҳлантирувчи» дейилади-ю, иккинчи жойда «Уммул Қуро» ва унинг атрофини огоҳлантириш учун, дейилади?» деган савол пайдо бўлди. Илмий изланишлар кўрсатдики, Маккаи Мукаррама ернинг қуруқлик қисмининг қоқ маркази экан. Бу ҳақиқатдан, ояти каримадаги «шаҳарларнинг онаси ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун» дегани, бутун ер юзини огоҳлантиришинг учун, дегани эканлиги маълум бўлди. Шу кашфиётга асосланиб, дунёнинг ҳамма нуқтасидан туриб қиблани топиб оладиган асбоб яратилди. Компасга ўхшаш бу асбоб дунёда кенг тарқалди.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги дини Исломни мукаммал қилиб юборди. Чунки, у қиёматгача туриши керак. Охирги дин ҳамма учун умумий диндир. Охирги динни маълум бир чегарага боғлаб қўйилса, бўлмас эди. Ислом Аллоҳ томонидан бутун ер юзи учун юборилган диндир. Шундай бўлганидан кейин унинг бошланиш нуқтаси, асосий маркази бўлиши керак эди. Аллоҳ таоло ўша марказ учун энг муносиб жойни танлади. Ер юзидаги қуруқликнинг қоқ ўртасини танлади. Ер юзидаги энг муқаддас нуқтани танлади. Ўзининг уйи жойлашган нуқтани танлади. Пайғамбарларнинг отаси Иброҳим алайҳиссаломдан буён ҳаж қилиниб келинаётган муқаддас масканни танлади. Ислом нури ҳамма томонга бирдек таралиши учун энг марказий нуқтани танлади.

Қуръонни туширишдан мақсад эса, огоҳлантиришдир. Кишиларни, ҳа, бутун дунёдаги кишиларни огоҳлантиришдир. Уларни Аллоҳга иймон келтириш ва Унга ибодат қилиш лозимлиги ҳақида огоҳлантиришдир. Эътиқод қилиш ва амал этиш лозим бўлган бошқа барча нарсалар ҳақида огоҳлантиришдир. Кишиларни куфр ва исённинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантиришдир.

**«Бўлишида ҳеч шубҳа йўқ жамлаш кунидан огоҳлантиришинг учун...»**

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримни одамларни қиёмат кунидан, барча инсониятни бир жойга жамлаш кунидан огоҳлантириш учун туширди. Оятда аввал умумий тарзда огоҳлантириш зикр қилиниб туриб, кейин қиёмат куни алоҳида тилга олингани бежиз эмас. Қиёмат кунига ва унда бўладиган ишларга иймон келтириш эътиқоддаги энг асосий рукнлардан ҳисобланади. Бу ўта муҳим бир масала бўлганидан, алоҳида зикр қилинган.

**«...арабий Қуръонни юбордик.»**

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мукаммал динига, инсоният камолига етган пайтида, унга қиёмат кунигача икки дунё саодатини кўрсатувчи қилиб юборган динига, абадий дастур қилиб юборган ваҳийга араб тилини танлади.

Азийзу ҳакийм бўлган Аллоҳ таолонинг бу ихтиёри ҳам ҳикматга тўла эди.

Аллоҳ таолонинг охирги дини қиёмат қоим бўлгунча туриши керак. Бунинг учун доимий мўъжиза лозим. Ўтган Пайғамбарларнинг мўъжизалари шахсларига боғлиқ бўлиб, улар жисман дунёдан ўтишлари билан мазкур мўъжизалари ҳам тамом бўлар эди. Ислом қиёмат қоим бўлгунча қолиши ихтиёр қилингани учун ҳам, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош мўъжизалари этиб Қуръонни ирода қилди. Абадий мўъжиза бўлиб қоладиган китоб учун эса, шунга



лойиқ тил керак. Бу тил араб тили бўлди. Айнан ушбу тил барча талабларга жавоб бера оларди. Шундай бўлди ҳам. Аллоҳ таоло Қуръонни араб тилида туширди. Уни «мўъжиза» деб эълон қилди. Тилларининг нозик-нозиклигигача ҳис қилиб истеъмол этадиган арабларни мусобақага чақирди: агар қодир бўлсалар, Қуръонга ўхшаш бир китоб келтиришни, лоақал ўн оятчалик ёки лоақал бир оятчалик нарса келтиришни таклиф этди. Араблар уриндилар, келтира олмадилар. Ҳозиргача келтира олмаяптилар. Кундан-кунга, араб тилида Қуръон тушганлиги унинг абадий мўъжиза бўлиб қолишини ҳар тарафлама таъминлаганига ҳужжат ва далиллар кўпайиб бормоқда.

Ҳа, Аллоҳнинг каломининг фақат арабчаси Қуръон бўлади, Аллоҳ қандай лафз, ҳарф ила туширган бўлса, ўшаниси Қуръондир. Бошқа нарса ҳеч қачон Қуръон бўла олмайди. Ҳеч қачон инглизча, русча ёки ўзбекча Қуръон бўлиши мумкин эмас.

Қуръони Карим маъноларининг бошқа бир тилга таржимасини ҳеч қачон «Қуръон» деб бўлмайди. У таржималар араб тилини билмайдиганлар учун Қуръон маъноларини бир оз тушунтириш учун ёрдам, холос. Улар ҳеч қачон Қуръон ҳукмида эътиборга олинмадилар. Мазкур таржималарни ҳатто «Қуръон таржимаси» деб ҳам бўлмайди. Балки «Қуръон маъноларининг таржимаси» дейилади. Чунки, ҳар қандай таржима ҳам Қуръони Каримда келган маънони тўлиқ ифода қила олмайди.

Аллоҳ таоло сўнгги дини таълимотларини баён қилувчи Каломининг араб тилида бўлишини ихтиёр этгани бежиз эмаслиги асрлар давомида янада равшанроқ аён бўлмоқда. Бошқа илоҳий китобларнинг асл нусхалари, асл тиллари қолмаган. Шунинг учун ҳам, ўша китобларнинг умматлари ўз китоблари, динлари ҳақида ихтилофга тушганлар. Улар китобларига ҳам, динларига ҳам ўзгартиришлар киритганлар.

Қуръони Карим эса, бир ҳарфи ҳам ўзгармай, собит ва абадий мўъжиза бўлиб турибди.

Аллоҳ таолонинг Маккаи Мукаррамани охирги шариати учун марказ қилиб олиши, араб тилини охирги китоби учун тил қилиб олиши, арабий бўлган инсонни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Пайғамбар қилиб танлаши ўша ерда яшаётган, ўша тилда гапирадиган, ўша Пайғамбар қавмидан бўлган одамларга Исломга нисбатан алоҳида масъулият юклар эди. Булар араблар эдилар. Ўша замонда яшаб турган бошқа қавм ва халқлардан кўра оламшумул Исломнинг масъулиятини кўтариш учун муносиброқ кишилар шулар эдилар. Чунки, улар бошқалардан кўра хурроқ эдилар. Зеҳнлари ўткир эди. Уларни жамлаб, устиларидан ҳукмини ўтказиб турадиган марказлашган давлатлари ҳам йўқ эди. Уларнинг барчасига

бирдек таъсир қиладиган собит дину диёнатлари ҳам йўқ эди. Ҳар ким ўз қўли билан ясаб олган бутга чўқинарди. Шу билан бирга, ўша пайтнинг араблари шижоатли, саховатли, содда одамлар эди. Ушбу шартлар ҳам оламшумул Ислоннинг таянч нуқтаси айнан шу жамиятда бўлишини тақозо қиларди. Аллоҳ таоло беҳикмат иш қилмайди.

Аллоҳ Ўзининг оламшумул дини учун танлаган маркази ҳам, Пайғамбари ҳам, тили ҳам, жамияти ҳам тезда натижаларини берди. Жуда оз муддатда Ислон бутун дунёга тарқала бошлади. Одамлар эса, унга нисбатан икки гуруҳга бўлиндилар:

**«Бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ дўзахда».**

Яъни, мўмин-муслимлар жаннатда. Кофир ва осийлар дўзахда.

وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَهُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكِنْ يُدْخِلُ مَنْ يَشَاءُ فِي رَحْمَتِهِ وَالظَّالِمُونَ مَا لَهُمْ مِنْ وَرَثَةٍ



**8. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта, уларни бир уммат қилар эди. Лекин хоҳлаган кишини Ўз раҳматига киритур. Золимларга эса, ҳеч бир дўст ҳам, ёрдам берувчи ҳам йўқдир.**

Аллоҳ таоло хоҳласа, одамларни ҳозиргига ўхшатиб эмас, бошқача қилиб яратар эди. Уларни бир хил уммат қилиб қўйиши мумкин эди. Шунда одамлар бир хил иш қилар эди. Бир хил натижага эришар эдилар. Ёки фаришталарга ўхшаб, ҳар бир ишда Аллоҳга итоатда бўлиб жаннатга киришар эди. Ёки шайтонга ўхшаб, Аллоҳга исён қилиб дўзахга киришар эди. Лекин инсонни алоҳида бир вазифа учун, Ўзининг ер юзидаги халифаси қилиш учун яратгани сабабидан, Аллоҳ таоло уни фариштаю жинлардан бошқача қилиб яратди.

Аллоҳ таоло инсонни турли истеъдодлар билан яратди. Унга ҳам фаришталарга, ҳам шайтонларга берган истеъдодни ато этди. Агар инсон ўзидаги яхшилик истеъдодини ишга солиб, ёмонлик истеъдодидан устун чиқса, фариштадан ҳам афзал бўлади. Аммо ёмонлик истеъдодини ишга солиб, яхшиликни маҳв этса, шайтондан ҳам баттар бўлади.

Шунинг учун ҳам, одамлардан бир гуруҳи жаннатда, бир гуруҳи дўзахда бўлади. Аллоҳ таоло:

**«...хоҳлаган кишини ўз раҳматига киритур».**

Ундай одам мўмин-мусулмон бўлиб жаннатга эришади.

**«Золимларга эса, ҳеч бир дўст ҳам, ёрдам берувчи ҳам йўқдир.»**

Ўзига ўзи зулм қилиб куфр, ширк ва исён йўлини танлаганларни Аллоҳ ўз азобига дучор этади ва уларга бирор дўст ҳам, бирор ёрдамчи ҳам топилмайди.

أَمْ أَخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ ۗ قَالَ اللَّهُ هُوَ الْوَلِيُّ وَهُوَ يُحْيِي الْمَوْتَىٰ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٦١﴾

**9. Ёки улар ундан бошқа «дўстлар» тутдиларми?! Бас, Аллоҳнинг Ўзигина дўстдир. У зот ўликларни тирилтирур. У зот ҳар бир нарсага қодирдир.**

Одамларнинг иши қизиқ. Яккаю ёлғиз Аллоҳ турганда Ундан бошқа турли нарсаларни ўзларига валий, дўст, хожа қилиб олади-лар. Уларнинг бу қилмишлари тўғрими?!

**«Бас, Аллоҳнинг Ўзигина дўстдир.»**

Бандалар учун фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина дўст, валий ва хожадир.

**«У зот ўликларни тирилтирур.»**

Ундан бошқа ҳеч бир зот ўликларни тирилтира олмас. Шунинг учун, фақат Аллоҳгагина ибодат қилиш керак. Бошқага эмас. Фақат Унигина дўст тутиш керак. Бошқани эмас.

**«У зот ҳар бир нарсага қодирдир.»**

Шу жумладан, Ўзига куфр, ширк келтириб, исён қилганларни жазолашга ҳам қодирдир. Ундан бошқа ҳеч бир зот бу ишларга қодир эмас. Шунинг учун, фақат Аллоҳгагина ибодат қилиш керак. Бошқага эмас. Фақат Унигина дўст тутиш керак. Бошқани эмас.

Шунчалик гап-сўздан кейин ҳам Қуръон ҳақида ихтилофга бориб, уни инкор қилаверадиган бўлсалар, эй Пайғамбар, айтгинки:

وَمَا اخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ ۗ إِلَى اللَّهِ ذَالِكُمُ اللَّهُ رَبِّي عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ ﴿٦٢﴾

**10. «Бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг ҳукми Аллоҳдадир. Ана ўша Аллоҳ Роббимдир. Унгагина таваккал қилдим ва унгагина қайтурман».**

Бандалар ўртасида ихтилофга сабаб бўлган нарсаларда Аллоҳ таоло Ўз ҳукмини чиқаради. У зотнинг ҳукмигина мутлақ одил ҳукм бўлади. Унинг ҳукмигина ўтувчи ҳукм бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони Карим ҳақида ҳам Ўз ҳукмини чиқариб қўйди. Қуръони Каримнинг илоҳий китоб эканини, бандалар унга амал қилишлари лозимлигини айтиб қўйди. Энди унинг ҳақида бошқа гап айтиш умуман бандалик мақомига тўғри келмайди. Қуръон ҳақида Аллоҳнинг гапидан бошқа гап айтган одам гуноҳкори азим бўлади.

**«Ана ўша Аллоҳ Роббимдир.»**

Ундан бошқа ҳеч қандай Роббим йўқ.

**«Унгагина таваккал қилдим...»**

Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина суяндим. Ундан ўзгага суянмайман.

**«...ва Унгагина қайтурман.»**

Ундан ўзгага қайтмасман.

فَاطِرُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَمِنَ الْأَنْعَامِ أَزْوَاجًا يَذُرُكُمْ فِيهِ لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴿١١﴾

**11. У, осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи зотдир. У, сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратди. Чорва ҳайвонларини ҳам жуфт қилиб яратди. У зот сизни ўша (жуфтлик) асосида кўпайтирур. У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У зот ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи зотдир.**

Яъни, одамлар ихтилоф қилаётган, барча нарсаларнинг ҳукми соҳиби бўлган Аллоҳ таоло:

**«...осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи зотдир».**

Шунинг учун ҳам, барча нарсанинг ҳукми унга қайтади. Осмонлар аслида йўқ нарса эди. Ўша йўқ нарсани Аллоҳ бор қилди. Бир нарсани бир-бирига қўшиб-чатиштириб ёки бор нарсага қараб туриб ўхшатиб қилгани йўқ. Шунингдек, ер ҳам аслида йўқ нарса эди. Уни ҳам Аллоҳ таоло йўқдан бор қилди. Аллоҳ ихтиёр қилгунича осмон ҳам, ер ҳам, борлиқ ҳам йўқ эди. Аллоҳ аввал тутун ҳолидаги борлиқни яратди. Сўнг ер ва осмонни яратишни ихтиёр қилди. Аллоҳ ихтиёр қилгунича ер ва осмоннинг асоси бўлмиш тутун ҳолидаги борлиқ ҳам аслида йўқ бўлгани учун, Аллоҳ осмону ерни йўқдан бор қилди, дейилади. Инсон ушбу ҳақиқатни тафаккур қилиб, ўша Зотга иймон келтириши ва унинг ҳукми остида, айтганига амал қилиб яшаши лозим. Ўша Аллоҳ бошқа ишларни ҳам қилди. Жумладан:

**«У, сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратди.»**

Эй одамлар, ҳукмига итоат қилишингиз лозим бўлган ўша зот — Аллоҳ таоло сизларни жуфт қилиб яратди. Ёлғиз эркак ёки аёл қилиб қўймади. Инсон зотининг жуфт бўлишида қанчалик ҳикмат борлигини ўзингиз биласиз. Агар бу ишни Аллоҳ таоло қилмаганида, ҳолингиз нима кечишини бир ўйлаб кўринг. Бу ишни Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким қила олмаслигини ҳам ўйлаб кўринг ҳамда бу ўйлашингиз сизни Аллоҳга иймон келтиришга ва унинг ҳукмига амал қилиб яшашга чорласин.

**«Чорва ҳайвонларини ҳам жуфт қилиб яратди.»**

Аллоҳ, жумладан, сиз инсонларга битмас-туганмас фойдалар келтирадиган чорва ҳайвонларини ҳам жуфт – эркак-урғочи қилиб яратди. Уларнинг эркагига эркаклик, урғочисига урғочилик хусусиятларини берди. Бу ҳайвонларни эркак-урғочи қилиб яратишдан қанчалик ҳикмат ва фойда борлигини ўзингиз биласиз. Агар ҳамма чорва ҳайвонлари бир хил эркак ёки урғочи қилиб яратилганида нима бўлишини ўзингиз тушуниб олаверасиз. Фақат Унинг ўзигина ўта азийзу ҳакийм бўлган Аллоҳ таологина чорва ҳайвонларини жуфт қилиб, уларнинг эркагига эркаклик, урғочисига урғочилик хусусиятларини бериб ярата олади. Агар бу ишни Аллоҳ қилмаганида ҳолимиз нима кечишини бир ўйлаб кўринг. Бу ўйлашингиз сизни Аллоҳга иймон келтиришга ва унинг ҳукмига амал қилиб яшашга чорласин.

Эй одамлар, ўйлаб кўринг: Аллоҳ сизни жуфт қилиб яратган жон,

**«У зот сизни ўша (жуфтлик) асосида кўпайтирур».**

Аллоҳ таоло сизни ҳам, чорва ҳайвонларини ҳам жуфт қилиб яратди ва ўша жуфтлик асосида кўпайтиради. Агар шундай қилмаганида, тезда инқирозга учраб, йўқ бўлиб кетар эдингиз. Аллоҳ таоло ана шундай яккаю ягона зотдир.

**«У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир.»**

Аллоҳ таоло Ўз зотида, сифатида, амалларида яккаю ягонадир. Зотида, сифатида, амалларида бирор нарсага ўхшаш бўлиш нуқсонидан покдир. Аллоҳнинг зотини, сифатини ёки амалларини махлуқотининг зотига, сифатига ёки амалларига ўхшатиш гуноҳи азимдир. Аллоҳнинг зотига ўхшаш зот йўқ. Аллоҳнинг сифатига ўхшаш сифат йўқ. Аллоҳнинг исмига ўхшаш исм йўқ. Аллоҳнинг амалига ўхшаш амал йўқ. Аҳли сунна ва жамоанинг эътиқоди шудир.

**«У зот ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи зотдир.»**

Бандалари нима деб юрганини эшитиб туради, нима қилаётганини кўриб туради. Модомики шундай экан, бандалар бирор гап айтишдан ё бирор иш қилишдан олдин ушбу ҳақиқатни ҳисобга олишлари лозим.

Барча ҳукмлар соҳиби, азийзу ҳакийм бўлмиш Аллоҳ таолонинг бундан бошқа сифатлари ҳам бор.

لَهُ مَقَالِيدُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

**12. Осмонлару ер (хазийналари) калитлари Униқидир. У, хоҳлаган одамига ризқни кенг ёки тор қилур. Зотан, У барча нарсани ўта билгувчи зотдир.**

Ушбу ояти каримада зикр қилинаётган сифатлар ҳам Аллоҳ таолонинг ҳукми ҳамма жойда, ҳамма вақтда ва ҳаммага жорий бўлиши зарурлигига далилдир.

**«Осмонлару ер (хазийналари) калитлари Уникидир.»**

Осмонлару ердаги барча хазийналарнинг калити Аллоҳ таолоникидир. Бир махлуққа бирор нарса бериладиган бўлса, фақат Аллоҳ таоло томонидангина берилади. Жумладан, ризқ масаласида ҳам шундай.

**«У, хоҳлаган одамига ризқни кенг ёки тор қилур.»**

Яъни, хоҳлаган одамнинг ризқини кенг қилади. Хоҳлаган одамнинг ризқини тор қилади. Осмонлару ер хазийналари калити соҳиби бўлганидан кейин, ўзи билиб тасарруф этади. Бу ишда ҳеч ким аралаша олмайди.

**«Зотан, У барча нарсани ўта билгувчи зотдир.»**

Ўзи билиб ишини қилади. Жумладан, Пайғамбарлар юбориш, уларга қандай динни бериш ҳам Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи ҳал қиладиган масалалардандир.

﴿ شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ كَبُرَ عَلَى الْمُشْرِكِينَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ اللَّهُ يَجْتَبِي إِلَيْهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ يُنِيبُ ﴾

**13. У зот сизларга дин этиб Ўзи Нухга васият қилган ва сенга (эй Муҳаммад) ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсога васият қилган нарсамизни баён қилди. «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз», деди. Мушрикларга сен уларни даъват қилган нарса оғир келди. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисини (Пайғамбарликка) танлаб олур ва У Ўзигагина илтижо этгувчи кишини ҳидоят қилур.**

Ушбу оятдан самовий динларнинг асли бир эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Ушбу оятда «сизларга» деб қилинаётган хитоб Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларигадир. «Васият» сўзи эса, ҳар бир таъкидлаб, уқдирилиб, аҳамиятли экани алоҳида англлатилган гап маъносини билдиради.

**«У зот сизларга дин этиб Ўзи Нухга васият қилган ва сенга (эй Муҳаммад) ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсога васият қилган нарсамизни баён қилди.»**

Демак, Нух алайҳиссаломга, Муҳаммад алайҳиссаломга, Иброҳим, Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларга Аллоҳ таоло томондан ваҳий этиб, таъкид ила тавсия қилинган нарса битта. У ҳам бўлса,

мусулмон умматига юборилган Ислом динидир. Шунинг учун, Аллоҳ аввалги Пайғамбарларга юборган дин ҳам Ислом дини, унга эргашганлар ҳам «мусулмонлар» дейилади.

Ушбу оятда Нух, Муҳаммад, Иброҳим, Мусо ва Ийсо Пайғамбарларнинг (алайҳиссалом) тилга олинишлари у зоти бобаракотлар пешво, улул азм Пайғамбарлар бўлганликларидандир. Ушбу улуф Пайғамбарлардан ҳар бирларининг динлари бир бўлиши билан бирга, шариатлари ўзларига хос бўлган. Уларнинг ораларида келган бошқа Набийлар эса, ўзларидан олдинги улул азм Пайғамбарларнинг шариатларига амал қилиб одамларни ҳам ўша шариатга амал қилишга чорлаганлар. Шундай қилиб, Пайғамбар кетидан Пайғамбар, шариат кетидан шариат кела-кела, бир-бирини тўлғаза бориб, охири энг мукаммал шариатга – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган шариатга етиб келинди. Аллоҳ таоло бандаларига:

**«Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз», деди».**

Яъни, динни Аллоҳ таолодан қандай келган бўлса, шундай барпо қилингиз, унга ана шундай ҳолида амал қилингиз. Дин ҳақида турли тафриқага тушиб, ихтилоф қилмангиз. Эй Муҳаммад!

**«Мушрикларга сен уларни даъват қилган нарса оғир келди.»**

Сен уларни турли-туман сохта худоларидан воз кечишга даъват қилдинг, бу нарса уларга оғир келди. Сен уларни тавҳидга – яккаю ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилдинг, бу нарса уларга оғир келди. Сен уларни ҳар хил жоҳилий қонун-қоидаларини тарк этиб, Аллоҳнинг қонунини асосида яшашга даъват қилдинг, бу нарса уларга оғир келди. Умуман:

**«Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисини (Пайғамбарликка) танлаб олур ва У ўзигагина илтижо этгувчи кишини ҳидоят қилур».**

Ушбу қадимий қоидаси асосида Аллоҳ таоло сени, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам), Ўзининг охириги Пайғамбарлигига танлаб олди ва Ўзига илтижо қилган бахтиёр бандаларини ҳидоятга солиб, мўмин-мусулмон қилди. Аллоҳга илтижо қилишдан бош тартиб, саркашлик қилганлар эса, залолат ботқоғига ботиб қолавердилар.

وَمَا نَفَرَقُوا إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَعِيَابِنَهُمْ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِنْ رَبِّكَ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى لَفُضِّ بَيْنَهُمْ وَإِنَّ الَّذِينَ أُورِثُوا الْكِتَابَ مِنْ بَعْدِهِمْ لَفِي شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ

14. Улар фақат ўзларига илм келгандан кейингина, ўзаро ҳасад-адоват қилишиб тафриқага тушдилар. Агар Роббингдан (азоблашни) маълум муддатгача (қолдириш) ҳақида сўз ўтган

**бўлмаганида, улар орасида албатта ҳукм чиқарилган бўлур эди. Албатта, улардан кейин китобга ворис қилинганлар у ҳақида шак-шубҳададирлар.**

Ушбу оятда тафриқага тушиб, ўзларига келган Пайғамбарларни инкор этиб, турли йўлларга ўзларини урган мазкур нобакор қавмлар ҳақида сўз юритилади.

**«Улар фақат ўзларига илм келгандан кейингина, ўзаро ҳасададоват қилишиб тафриқага тушдилар.»**

Яъни, Аллоҳ томонидан кишиларга бир дин олиб келган ўша Пайғамбарларнинг нобакор қавмлари жоҳилликлари, ҳеч нарсани билмаганликлари учун динда тафриқага тушганлари йўқ. Балки улар ўзларига Аллоҳ таоло томонидан илм—ваҳий келганидан сўнггина тафриқага тушиб, ихтилоф қилдилар. Улар ўзаро ҳасада қилиб, бир-бирларига душманлик қилиб, тафриқага тушдилар. Улар соф ақийда учун, соғлом дин учун курашиб эмас, ўз ҳавойи нафслари, шахсий ва тоифий манфаатларини кўзлаб тафриқага тушдилар. Турли нобакорликларни қилдилар.

**«Агар Роббингдан (азоблашни) маълум муддатгача (қолдириш) ҳақида сўз ўтган бўлмаганида, улар орасида албатта ҳукм чиқарилган бўлур эди.»**

Дин устида ўзаро ҳасаду адоват ила тафриқага тушганлари учун мазкур нобакор қавмларни алақачон жазога тортиб, ҳалок қилиб юбориш керак эди. Аммо, Аллоҳ таолонинг олдиндан ажални белгилаб қўйганигина бу ишнинг бўлишини тўсиб турибди.

**«Албатта, улардан кейин китобга ворис қилинганлар у ҳақида шак-шубҳададирлар.»**

Яъни, илоҳий китоб келганда ўзаро ҳасада ва адоват ила тафриқага тушганларнинг авлодлари, дастлабки илоҳий китобларга ворис қилинган яҳудий ва насоролар Қуръон тушган пайтда ҳам ўз китоблари ҳақида шак-шубҳададирлар.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Ўзининг охирги дини Ислом нури билан дунёни мунаввар қилган пайтда «Ягона Аллоҳнинг динидамиз» деб фахрланувчи қавмлар ҳам жаҳолат ботқоғига ботиб ётар эдилар.

Улар асл динларидан адашиб, турли бидъат-хурофотларга берилиб кетган эдилар. Илоҳий китобларининг асл ҳоллари йўқотилиб-бузиб ташланган эди. Пайғамбар алайҳиссаломлар келтирган таълимотлар, шариатлар турли инсонларнинг ҳавойи нафсларига мувофиқ ўзгартириб юборилганди. Ислом дини ушбу ҳолатни тузатиши керак эди. Қуръони Карим ўзидан олдинги барча илоҳий китобларнинг мағзини ифодалаш билан бирга, охирги шариатни—мукаммал динни баён қилиши керак эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг ҳаммасини одамларга етказиб, ҳаётга татбиқ қилишлари лозим эди.



Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло келаси оятда у зотга хитоб қилиб, ҳеч нарсага эътибор бермасдан, мустақийм туриб Аллоҳнинг йўлига даъват қилишга чорламоқда:

فَلِذَلِكَ فَادَعُ وَاَسْتَقِمَّ كَمَا أُمِرْتَ وَلَا تَبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَقُلْ ءَامَنْتُ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنْ كِتَابٍ وَأُمِرْتُ لِأَعْدِلَ بَيْنَكُمُ اللَّهُ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ لَنَا أَعْمَلْنَا وَأَلَّكُمْ أَعْمَالِكُمْ لَا حِجَّةَ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ اللَّهُ يَجْمَعُ بَيْنَنَا وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ ﴿٥٥﴾

**15. Бас, шунинг учун ҳам, ўзингга амр қилинганидек даъват қил ва мустақийм тур ва уларнинг ҳавойи нафсларига эргашма ҳамда:** «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим ва орангизда адолат ўрнатишга амр қилиндим. Аллоҳ бизнинг Роббимиз, сизнинг ҳам Роббингиз. Бизнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизнинг амалларингиз ўзингиз учун. Биз билан сизнинг орамизда жанжал(га ўрин) йўқ. Аллоҳ бизларни жамлайди ва қайтиш ёлғиз Унинг Ўзигадир», деб айт.

Аввалги Пайғамбарларнинг умматлари ўзларига илм келгандан кейин ўзаро ҳасад ва адоват қилиб тафриқага тушганлари учун ҳам, улардан кейин китобга ворис қилинганлар у китоб ҳақида шак-шубҳага борганлари учун ҳам:

**«Бас, шунинг учун ҳам, ўзингга амр қилинганидек даъват қил ва мустақийм тур ва уларнинг ҳавойи нафсларига эргашма...»**

Яъни, эй Муҳаммад, ана ўша мазкур сабабларга кўра, Аллоҳ таоло сенга қандай буюрган бўлса, шундай даъват қил ва ўз даъватингда Аллоҳ сенга буюрганидек мустақийм тур. Ўзингнинг тўғри йўлингга маҳкам тур. Ўтган Пайғамбарларнинг динида тафриқага тушган ва китобларига шак-шубҳа қилган нобакор қавмларнинг ҳавойи нафсларига эргашма.

Улар билан орани очиқ қилиб олиш учун қуйидагиларни эълон эт:

**«Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим».**

Аллоҳнинг дини фақат биттадир. Тавҳид ва таслим динидир. Аллоҳнинг барча Пайғамбарлари бир дин билан юборилган. Аллоҳ нозил қилган китоблар ҳам бир хил асосда. Шунинг учун, ўша китобларга бирдек иймон келтириш керак.

**«...ва орангизда адолат ўрнатишга амр қилиндим.»**

Яъни, жамийки инсонлар орасида Аллоҳнинг ҳукми ила адолат

ўрнатишга буйруқ олдим. Кишиларнинг жинсига, насл-насабига, мансабига, обрў-эътиборига қараб эмас, одамлиги, Аллоҳнинг бан-даси эканли эътиборидан адолат ўрнатишга буюрилдим.

Ҳа, Ислом бутун дунёда исломий адолатни ҳукм сурдириш учун Аллоҳ таоло томонидан юборилган диндир.

**«Аллоҳ бизнинг Роббимиз, сизнинг ҳам Роббингиз.»**

Бу дунёда ҳамманинг Робби—холиқи, розиқи, тарбиячиси ва тадбирчиси биттадир, яккаю ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир. Ҳамманинг Робби бир бўлганидан кейин, ҳисоб-китоб қилиш асоси ҳам бир-дир.

**«Бизнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизнинг амалларингиз ўзингиз учун.»**

Ҳамма қилмишига яраша ҳисоб-китоб қилинади. Ҳар ким яхши амал қилган бўлса, мукофот, ёмон амал қилган бўлса, жазо олади.

**«Биз билан сизнинг орамизда жанжал(га ўрин) йўқ.»**

Барчанинг Робби бир бўлганидан кейин, барча ўз амалига яраша мукофот ёки жазо оладиган бўлганидан кейин, ўзаро жанжал қилишнинг нима кераги бор?! Зотан:

**«Аллоҳ бизларни жамлайди ва қайтиш ёлғиз Унинг Ўзига-дир», деб айт».**

Яъни, қиёмат куни Аллоҳ таоло бизларнинг ҳаммамизни қайта тирилтириб бир жойга жамлайди. У кунда ҳамма бандаларнинг қайтиши ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигадир, бошқа зотга эмас. Ана ўшанда Аллоҳ таолонинг ўзи билиб ҳисоб-китоб қилиб олади.

Ушбу нидони қабул этиб, Аллоҳга иймон келтириб, Қуръонга ва Исломга амал қилганлар мақсадга етадилар.

وَالَّذِينَ يُحَاجُّونَ فِي اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا اسْتُجِيبَ لَهُمْ جَحِيشَةً عِنْدَ رَبِّهِمْ وَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ  
وَلَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ

**16. Аллоҳ ҳақида унга ижобат қилинганидан кейин ҳам талашиб-тортишадиганларнинг ҳужжатлари Роббилари ҳузурида ботилдир, уларга ғазаб бордир ва уларга шиддатли азоб бордир.**

Яъни, мўмин-мусулмонлар Аллоҳга ва унинг динига ижобат қилганларидан кейин, кофир ва мушрикларнинг Аллоҳ ҳақида ва унинг дини ҳақида турли йўллар билан талашиб-тортишишлари беҳудадир. Улар гапларининг ҳақ эканлигига ҳар қанча ҳужжат-далил келтирсалар ҳам, Аллоҳнинг наздида уларнинг ҳужжат-далиллари ботилдир.

Бунинг устига:

**«...уларга ғазаб бордир».**

Келтирган куфрлари ва қилган гуноҳлари ҳамда ноўрин талашиб-тортишганлари учун уларга Аллоҳнинг ғазаби бўлган.

**«...ва уларга шиддатли азоб бордир.»**

Қиёмат куни ўша азобга дучор бўлишлари аниқ. Қиёмат кунининг бўлиши эса, ҳақдир. Унинг қоим бўлишига ҳеч қандай шакшубҳа йўқдир.

اللَّهُ الَّذِي أَنْزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَالْمِيزَانَ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ فَرِيْبٌ ﴿١٧﴾

**17. Аллоҳ ҳақ ила китобни ва (адолат) тарозуни нозил қилган зотдир. Қаердан билурсан, эҳтимол соат(қиёмат) яқиндир!**

Одамлар, ўзларича, мен ҳақман, деб талашиб-тортишиб юрибдилар. Ҳар ким ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ билади. Ҳар ким ҳақни ёки ноҳақни ўз қаричи билан ўлчайди. Ҳолбуки:

**«Аллоҳ ҳақ ила китобни ва (адолат) тарозуни нозил қилган зотдир».**

Ким ҳақ эканини бандалар эмас, балки бандаларнинг Робби Аллоҳ таоло аниқлайди. Бунинг учун У зот ҳақ ила китобни нозил қилиб қўйди. Ким Аллоҳ туширган китобга мувофиқ иш тутса, ҳақ бўлади. Ким Аллоҳ туширган китобга хилоф иш тутса, ноҳақ бўлади.

Шунингдек, бандаларнинг амаллари, ахлоқлари, тасарруфотлари ўша тарози ўлчовида қийматли бўлса, нажот топади. Кимники вазнга эга бўлмаса, ҳалокатга учрайди. Буларнинг ҳаммаси қиёматда маълум бўлади.

**«Қаердан билурсан, эҳтимол соат(қиёмат) яқиндир!»**

Кўз юмиб очгунча қоим бўлиб қолар. Шунинг учун, ўша соатга, ўша ўлчовга доим тайёр тургин.

يَسْتَعْجِلُ بِهَا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِهَا وَالَّذِينَ آمَنُوا مُشْفِقُونَ مِنْهَا وَيَعْلَمُونَ أَنَّهَا الْحَقُّ ﴿١٨﴾  
أَلَا إِنَّ الَّذِينَ يُمَارُونَ فِي السَّاعَةِ لَفِي ضَلَالٍ بَعِيدٍ ﴿١٨﴾

**18. У(қиёмат)га иймон келтирмайдиганлар унинг тезлашини истайдилар, иймон келтирганлар эса, ундан қўрқувчидирлар, зотан, унинг шубҳасиз ҳақ эканини билурлар. Огоҳ бўлинг! Албатта, соат(қиёмат) ҳақида шубҳа қилгувчилар йироқ залотдадирлар.**

Қиёмат қоим бўлишига ишонмайдиган кишилар унинг нима эканини, даҳшатларини, азобларини англаб ета олмайдилар, шунинг учун ҳам, қиёмат ҳақида сўз кетса, «Қани ўша қиёмат, бўладиган бўлса, тезроқ бўлмайдами?» деб катта гапирадилар.

Иймон келтирган кишилар эса, қиёмат нима эканини, ҳақ эканини, унинг даҳшатларини ва азобларини яхши биладилар, шунинг учун ҳам, улар доимо ундан қўрқиб турадилар.

**«Огоҳ бўлинг! Албатта, соат(қиёмат) ҳақида шубҳа қилгувчилар йироқ залолатдадирлар.»**

Ким қиёмат қоим бўлишига шубҳа қилса, у ҳақида талашиб-тортишса, адашуви чуқурлашиб бораверади. Улар бу ишда хатоларини тузатмагунларича бу йироқ залолатдан чиқа олмайдилар.

Қиёмат ҳақ эканлиги, ўша пайтда бандалар ҳисоб-китобга дучор бўлишлари зикр қилинганидан кейин, келгуси оятларда Аллоҳ таолонинг бандаларига нисбатан лутфу карамли эканлиги, осий бандаларни азоблашга шошилмаслиги, қиёмат куни Ўзи билиб тасарруф қилиши ҳақида сўз кетади:

اللَّهُ لَطِيفٌ بِعِبَادِهِ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْقَوِيُّ الْعَزِيزُ ﴿١٩﴾

**19. Аллоҳ бандаларига лутфлидир. У хоҳлаган кишига ризқ берур. У зот кучлигу азийздир.**

Бандалар такаббурлик ила куфр келтириб, қиёмат кунини инкор этиб, у ҳақида шак-шубҳа қилсалар ҳам, турли гуноҳ ва исёнлар қилсалар ҳам, Аллоҳ уларни азобга дучор қилишга шошмайди. Чунки:

**«Аллоҳ бандаларига лутфлидир».**

Яъни, бандалари ким бўлишидан қатъиназар, уларга шафқат қилади, яхшилик кўрсатади, исёнларига қарамай, уларга хайру баракаларини сероб қилиб қўяди.

**«У хоҳлаган кишига ризқ берур.»**

Аллоҳ таоло кимга хоҳласа, ўшанга ризқни кўпайтириб беради. Бу иш унга оғир эмас. Чунки:

**«У зот кучлигу азийздир».**

Ҳамма нарсага кучи етади, ҳаммадан ғолиб келади.

مَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الْآخِرَةِ نَزِدْ لَهُ فِي حَرْثِهِ ۗ وَمَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الدُّنْيَا نُؤْتِهِ مِنْهَا

وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ نَصِيبٍ ﴿٢٠﴾

**20. Ким охират ҳосилини истаса, биз унга ҳосилини зиёда қилиб берурмиз. Ким дунё ҳосилини истаса, биз унга ўшандан берурмиз ва унга охиратда бирон насиба бўлмас.**

Ушбу оят маъносидан ҳам Аллоҳ таолонинг латиф сифати яққол кўриниб турибди. Аллоҳ хоҳлаган одамига — у одам солиҳми, солиҳ эмасми, қобилми, қобил эмасми, мўминми, кофирми — бари бир, ризқни бераверади. Агар Аллоҳ кофир, фосиқ, осий ва гуноҳқорларга ризқ бермаса, улар ўзларига ўзлари ризқ бера олмайдилар, шунингдек, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот уларга ризқ бера олмайди. Бинобарин, улар тезда ҳалок бўладилар. Натижада эса, уларни дунёга келтириш, бу дунёда синовдан ўтказиш, охиратга тайёрланиш ва охиратдаги ҳисоб-китоб ҳикматлари ботил бўларди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло яхшига ҳам, ёмонга ҳам ризқни бераверади. Охират ризқини хоҳлаб, ўшанга яраша ҳаракат қилган бандага охират ризқини беради. Бу дунё ризқини хоҳлаб, ўшанга яраша ҳаракат қилган бандага бу дунё ризқини беради. Аммо, бу дунё ризқини истаган ўша бандага охиратдан ҳеч қандай насиба қолмайди.

Охират ҳосилини истаган одам эса, бу дунё ҳосилидан ҳам баҳраманд бўлади, бўлганида ҳам, бошқалардан кўра яхшироқ баҳраманд бўлади. Ҳар ким ўзи ўйлаб, фикр юритиб, юрадиган йўлини танлаб олаверсин. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг китобига, динига амал қилишга боғлиқ. Аллоҳга иймон келтириб, унинг шариатига амал қилганлар яхши оқибатга эришишлари турган гап.

Аммо кофир, мушрик ва худосизлар нимага амал қиладилар? Улар қайси йўлдан юрадилар?

أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ شَرَعُوا لَهُمْ مِنَ الدِّينِ مَا لَمْ يَأْذَنَ بِهِ اللَّهُ وَلَوْلَا كَلِمَةُ الْفَصْلِ  
لَفُضِيَ بَيْنَهُمْ وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١١﴾

**21. Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шерик(худо)лари борми?! Агар ажрим калмаси бўлмаганида, албатта, улар ўртасида ҳукм қилинган бўлар эди. Албатта, золим кимсалар учун аламли азоб бордир.**

Кофир, мушрик ва осийлар нима учун Аллоҳнинг йўлидан юрмайдилар? Нима учун Аллоҳнинг динига, унинг шариатига амал қилмайдилар?

**«Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шерик(худо)лари борми?!»**

Динсиз, иймонсиз кишилар, Аллоҳнинг амрига юрмасдан, турли гуноҳ ишларни қиладилар. Улар бу гуноҳ ва маъсиятларни нимага асосланиб қиладилар? Гуноҳ ишларга Аллоҳ таоло изн бермагани, уларни манъ қилгани жуда ҳам равшан. Аммо баъзи одамлар гуноҳ ва маъсиятларни бемалол қилмоқдалар. Уларга мазкур гуноҳ ва маъсиятларни қилишга ким изн беради? Аллоҳга шерик келтирган худоларими?! Ўша шерик худолари уларга Аллоҳ изн бермаган ишларни қилишни қонунлаштириб берганми?

Бундай тасарруфлари билан улар ҳар қандай азобга сазовордирлар.

**«Агар ажрим калимаси бўлмаганида, албатта, улар ўртасида ҳукм қилинган бўлар эди.»**

Яъни, агар бандаларнинг амаларига савоб ёки азоб қиёматда бўлиши ҳақидаги ажрим сўзи бўлмаганида, бандалар орасида ҳозирроқ ҳукм қилиниб қўйилган бўлар эди.

Кофир, мушрик ва осийларнинг ҳозирча тек қўйиб қўйилишига ҳеч ажабланмаслик керак. Қиёмат куни:

**«Албатта, золим кимсалар учун аламли азоб бордир».**

Куфр, ширк ва исёнлари билан зулм қилган кимсалар қиёмат куни аламли азобларга дучор бўладилар. Ўша кунда:

تَرَى الظَّالِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا كَسَبُوا وَهُوَ وَاقِعٌ بِهِمْ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فِي رَوْضَاتٍ الْجَنَّاتِ لَهُمْ مَا يَشَاءُونَ عِنْدَ رَبِّهِمْ ذَلِكَ هُوَ الْفَضْلُ الْكَبِيرُ ﴿٦٦﴾

**22. Золимларни ўзлари касб қилган нарсалари(азоби)дан қўрқувчи ўлароқ кўрасан. Ҳолбуки, у уларга тушгувчидир. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилувчилар эса, жаннат боғларидадир. Улар учун Роббилари ҳузурда хоҳлаган нарсалари бордир. Мана шунинг ўзи катта фазлдир.**

Ушбу ояти каримада қиёмат куни бандаларнинг ҳоли қандай бўлиши васф қилинмоқда. Бу дунёда бандалар икки тоифага ажраладилар. Бири кофир бўлиб, гуноҳ ишлар қилиб ўтади. Иккинчиси иймон келтириб, солиҳ амалларни қилиб ўтади. Табиийки, бу икки хил тоифага мансуб кишиларнинг оқибати ҳам бир хил бўлмайди. Қиёмат куни, албатта, мазкур икки тоифага мансуб кишиларнинг ҳоли тамоман қарама-қарши бўлади.

Эй инсон, қиёмат кунида:

**«Золимларни ўзлари касб қилган нарсалари(азоби)дан қўрқувчи ўлароқ кўрурсан. Ҳолбуки, у уларга тушгувчидир».**

Куфр, ширк ва исёнлари ила зулм қилган кимсалар қиёмат қоим бўлиши билан, дарҳол, касблари оқибатида бошларига тушадиган азобдан қўрқа бошлайдилар. Ҳолбуки, улар қўрқсалар ҳам, қўрқмасалар ҳам, қилган касбларининг азоби уларга албатта тушувчидир. Балки, қўрқиб турганларидаёқ тушаётган бўлади.

Золимлар бундай аянчли ҳолда турганларида,

**«Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилгувчилар эса, жаннат боғларидадир. Улар учун Роббилари ҳузурида хоҳлаган нарсалари бордир».**

Тамоман бошқа ҳолат. Мўминларда кофирларга ўхшаб қўрқинч йўқ. Уларга азоб тушаётгани ҳам йўқ. Балки улар тинчлик, омонликда хотир-жам бўлган ҳолларида, жаннатда, нима хоҳдасалар, ўша муҳайёдир.

**«Мана шунинг ўзи катта фазлдир.»**

Бундан ортиқ фазл бўлиши мумкинми?!

ذٰلِكَ الَّذِي يُبَشِّرُ اللّٰهَ عِبَادَهُ الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا وَعَمِلُوا الصّٰلِحٰتِ قُلْ لَا اَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ اَجْرًا اِلَّا الْمَوَدَّةَ فِي الْقُرْبٰى وَمَنْ يَقْتَرِفْ حَسَنَةً نّٰزَلْهُم فِيْهَا حَسَنًا اِنَّ اللّٰهَ غَفُوْرٌ شَكُوْرٌ

**23. Ана ўша, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган бандаларига Аллоҳ бераётган хушxabардир.** (Эй Муҳаммад): «Мен сиздан бу учун ажр эмас, фақат қариндошлик меҳринигина сўрайман», деб айт. Ким яхшилик қилса, Биз унга ўша ишида яхшиликни зиёда қилурмиз. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли, Шакурдир.

Яъни, юқорида зикр қилинган ўша нарсалар — жаннат боғлари ва у ерларда мўмин бандалар учун хоҳлаган нарсалари бўлиши улар учун катта фазл бўлиши:

**«Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган бандаларига Аллоҳ бераётган хушxabардир».**

Келтирган иймонлари ва қилган солиҳ амаллари мукофоти сифатидаги бу хушxabар аниқ катта фазлнинг хушxabаридир. Ушбу хушxabарни одамларга Аллоҳ томонидан У зотнинг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам етказмоқдалар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни Аллоҳ таолонинг амри ила, Унинг розилиги йўлида қилмоқдалар. Бошқа ғаразлари йўқ. Келгуси жумлада ушбу ҳақиқатни кишиларга етказиб қўйиш у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига топширилмоқда:

**«(Эй Муҳаммад): «Мен сиздан бу учун ажр эмас, фақат қариндошлик меҳринигина сўрайман», деб айт».**

Ушбу жумла маъноси ҳақида уламоларимиз бир неча хил фикрлар айтишган. Мисол учун, Саъдий ибн Жубайр розияллоҳу анҳу «қариндошлик меҳри» иборасини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтлари, деб таъвийл қилганлар. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу эса, Қурайш уруғлари ичидан ҳар бири турли йўллар билан Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қариндошлик ришталари ила боғланар эди, шунинг учун бу жумлада у киши қурайшликларга, даъватлари учун улардан ажр сўрамасликлари, балки қариндошлик ҳақ-хурматини ўрнига қўйишларини сўраётганлари ифодаланган, дейдилар. Бундан, қариндошчилигимиз ҳурмати учун, менинг ишимга қарши чиқманглар, даъватим йўлини тўсманглар, деган маъно чиқади. Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кишилардан уларни жаннат боғларига, улардаги хоҳлаган нарсаларидан баҳраманд қилувчи улуг фазлга эриштирувчи даъватлари учун ажр-ҳақ, молу дунё беришни сўрамайдилар, Макка аҳлидан фақат қариндошлик меҳрини ҳурмат қилишни сўрайдилар, холос. Ажрни эса, ҳаммага Аллоҳ таоло беради. Зотан, Унинг Ўзи:

**«Ким яхшилик қилса, биз унга ўша ишида яхшиликни зиёда қилурмиз»**, деб айтиб қўйган.

Яъни, ким бир яхши иш қилса, Аллоҳ ўша кимсага мазкур яхши ишининг савобини кўпайтириб беради. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли, Шакурдир».**

Бандаларининг қилган гуноҳларини беҳисоб кечиради. Бандаларининг қилган яхши ишларига беҳисоб ажру савоб беради.

Шундай бўлишига қарамай, кўп одамлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларини тан олмаяптилар, Қуръони Каримга иймон келтирмаяптилар, унга амал қилмаяптилар.

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا فَإِنْ يَشَاءِ اللَّهُ يَخْتِمْ عَلَىٰ فُلِكَ وَيَمَسُّ اللَّهُ الْبَطِلَ وَيُحِقُّ الْحَقَّ بِكَلِمَاتِهِ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٢٤﴾

**24. Ёки улар: «У (Муҳаммад) Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиди», дейдиларми?! Бас, агар Аллоҳ хоҳласа, қалбинга муҳр босур ва Аллоҳ Ўз сўзлари ила ботилни йўқ қилиб, ҳақни ҳақ қилур. Албатта, У диллардаги нарсани ўта билгувчидир.**

Ғофил инсонларнинг у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар деб тан олмасликларнинг асосий сабаби шуки, Аллоҳ у



кишига нозил қилган Қуръонни ҳам илоҳий ваҳий деб тан олмай-дилар. Ушбу масалани қандай тушуниш лозимлиги қуйидаги жумладан билинади:

**«Ёки улар: «У (Муҳаммад) Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиди», дейдиларми?!»**

Яъни, иймонсизлар: Муҳаммад Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиди, уни Аллоҳ Пайғамбар қилиб юбормаган бўлса ҳам, мен Аллоҳнинг Пайғамбари бўлдим, деди, унга Аллоҳ ваҳий юбормаган бўлса ҳам, Аллоҳ менга ваҳий юборди, деб айтди, дейдиларми?!

Уларнинг бу даъволари ботил. Чунки, Аллоҳ таоло Ўзига нисбатан ёлғон тўқиган ва Пайғамбарлик, даъвосини қилган кимсани тек қўйиб қўймайди. Ундай кишини дарҳол шарманда қилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бундан истисно эмаслар. Аллоҳ у кишига:

**«Бас, агар Аллоҳ хоҳласа, қалбингга муҳр босур»,** демоқда.

Демак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиб, ваҳий келмаса-да, менга ваҳий келди, деяётган бўлсалар, Аллоҳ таоло у кишининг қалбига муҳр босар, Қуръонни у кишининг дилларидан йўқ қилиб қўяр эди. Ушанда у зот Қуръонга ўхшаш нарсани ўзларидан келтира олмай тураверардилар. Шундай қилиб:

**«Аллоҳ Ўз сўзлари ила ботилни йўқ қилиб, ҳақни ҳақ қилур».**

Аллоҳ таоло учун ҳеч бир нарса махфий эмас, Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларида нима борлигини ҳам ўзи яхши билади.

**«Албатта, у диллардаги нарсани ўта билгувчидир.»**

وَهُوَ الَّذِي يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَعْفُو عَنِ السَّيِّئَاتِ وَيَعْلَمُ مَا نَفَعَلُونَ

**25. Унинг Ўзи бандаларидан тавбани қабул қилур, гуноҳларини афв этур ва нима қилаётганингизни билур.**

Яъни, Аллоҳ таолонинг Ўзигина бандаларнинг тавбасини қабул қиладиган зотдир. Тавбани қабул қилувчи ундан ўзга ҳеч бир зот йўқ.

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина бандаларнинг гуноҳларини афв қилади. Гуноҳни афв қиладиган ундан ўзга ҳеч бир зот йўқ.

Аллоҳ таоло бандалари нима қилаётганини ҳам жуда яхши билади. Ким ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этиб, Пайғамбарлик бурчини омонат ила бажараётгани, ким саркашлик

қилиб, унга ваҳий тушгани йўқ, у Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқияпти, деяётганини ҳам яхши билади. Ўша билими асосида:

وَيَسْتَجِيبُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَيَزِيدُهُمْ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَالْكَافِرُونَ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ﴿٢٦﴾

**26. У зот иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларнинг (дуосини) ижобат қилур ва уларга Ўз фазлидан зиёда қилур. Кофирларга эса, уларга шиддатли азоб бордир.**

Ушбу ояти каримада ва ундан олдинги оятда Аллоҳ таоло бандаларга вақтнинг борида тавба қилиб, куфрдан қайтиб, иймонга келиш, амали солиҳлар қилиб қолиш ҳақида танбеҳ бермоқда. Бу ҳақиқат ушбу икки оятда зикр қилинган, тавбани қабул қилиш ва гуноҳларни афв этиш ҳақидаги ваъдалардан, иймонли ҳолда солиҳ амаллар қилувчиларга берилаётган ваъдалардан ва кофирларга шиддатли азоб бўлиши ҳақидаги огоҳлантиришдан тушуниб олинади.

Охиратда Аллоҳ таоло жаннатий бандаларга беҳисоб нознеъматлар, ризқ-рўзлар бериб карам кўрсатиши маълум бўлди. Энди келадиган оятда бу дунёда ризқ масаласи қандай бўлиши баён қилинади:

﴿٢٧﴾ وَلَوْ سَـَّطَ اللَّهُ الرِّزْقَ لِعِبَادِهِ لَبَعَثَ فِي الْأَرْضِ وَلَكِن يُنَزِّلُ بِقَدَرٍ مَّا يَشَاءُ ۗ إِنَّهُ بِعِبَادِهِ لَخَبِيرٌ بَصِيرٌ ﴿٢٧﴾

**27. Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар, лекин У Ўзи хоҳлаганига ўлчов билан туширади. Албатта, У Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир.**

Банда кўп жиҳатдан заиф бўлади. Жумладан, ўта сероб ризқни кўтара олмаслиги ҳам инсоннинг заифлигидандир. Агар Аллоҳ таоло худди охиратдагига ўхшатиб бу дунёда ҳам одамларга ризқ-рўзини мўл-кўл қилиб қўйса, бандалар бу ризқлардан нотўғри фойдаланиб, ҳаддиларидан ошиб, тугёнга кетишлари турган гап. Буни бу дунё нозу неъматларига ҳаддан ташқари берилган шахслар мисолида доимо кўриб турамыз. Ушбу ояти каримада нима учун одамларга бу дунёда ризқни беҳисоб равишда кенг қилиб қўйилмаганининг сабаби баён қилинмоқда.

**«Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар.»**

Одамнинг табиати шундай: ўта кенг ризқни кўтара олмай қолади, қўлига машаққатсиз равишда кўп бойлик ва ризқ тушса, ҳаддан

ошиб туғёнга кетади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга ризқни ўта кенг қилиб юбормайди.

**«...лекин У Ўзи хоҳлаганига ўлчов билан туширади.»**

Кимга қанча беришни Ўзи яхши билади.

**«Албатта, У Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир.»**

وَهُوَ الَّذِي يُنَزِّلُ الْغَيْثَ مِنْ بَعْدِ مَا قَنَطُوا وَيَنْشُرُ رَحْمَتَهُ وَهُوَ الْوَلِيُّ الْحَمِيدُ ﴿٦٨﴾

**28. У зот (одамлар) ноумид бўлганларидан кейин ёмғирни но-зил қилур ва Ўз раҳматини таратур. У валий ва мақталган зотдир.**

Бу иш ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларига фазлу карами аломатидир. Маълум жойларда ёмғир ёғмай қолса, ҳамма нарса ҳалокатга юз тутаяди. Одамлар чорасиз қоладилар. Ноумид бўладилар. Ана ўша пайтда Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ёғдиради. Бу ёмғир ҳамма нарса учун Аллоҳнинг раҳмати бўлади. Ерга жон киради. Қуриб қолган ўсимликлар тирилла бошлайди. Ҳайвонот олами аста ёмирлаб, ҳаракатга тушади. Одамлар ҳам тушқунликдан чиқиб, умид учқунлари пайдо бўлиб, ҳаёт завқини тота бошлайдилар.

**«У валий ва мақталган зотдир.»**

Аллоҳ таоло бандаларининг валийси — ҳомийси, уларнинг ишларини бошқариб турувчи зотдир.

Аллоҳ аслида мақталган зотдир, бировнинг мақтовига ҳожати йўқдир.

وَمِنَ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَثَّ فِيهِمَا مِنْ دَابَّةٍ وَهُوَ عَلَىٰ جَمْعِهِمْ إِذَا يَشَاءُ قَدِيرٌ ﴿٦٩﴾

**29. Унинг (қудрати) оят(белги)ларидан осмонлару ернинг яратилиши ва уларда турли жониворларнинг таратиб қўйилишидир. Ва У зот агар хоҳласа, уларни жамлашга қодирдир.**

Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз эканининг белгилари жуда ҳам кўпдир.

**«Унинг (қудрати) оят(белги)ларидан осмонлару ернинг яратилиши ва уларда турли жониворларнинг таратиб қўйилишидир.»**

Аллоҳнинг чексиз қудрати белгиларини кўраман деган шахс осмонлару ерга қарасин. Улар ўзларича дунёга келиб қолган эмас. Дунёда ҳар қандай арзимаган нарса ҳам ўзича пайдо бўлиб қолмаслиги заррача ақли бор инсон учун аниқ ва равшан. Сонсиз-саноксиз ажойиботларга эга осмонлару ер ўзидан-ўзи пайдо бўлиб

қолгани йўқ. Уларни чексиз қудрат соҳиби Аллоҳ таоло яратган. Осмонлару ер Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати белгисидир.

Шунингдек, осмонлару ердаги барча жониворларни яратган ва уларни дунёга таратиб қўйган зот ҳам Аллоҳдир. Улар ўзларининг кўплиги, хилма-хиллиги ва ажойиботлари билан Аллоҳнинг чексиз қудрат соҳиби эканига далолат қилади.

**«Ва У зот агар хоҳласа, уларни жамлашга қодирдир.»**

Қиёмат куни ҳаммасини маҳшарга тўплаш уларни йўқдан бор қилиб яратган Зот учун ҳеч қийин эмас.

Баъзи уламолар ушбу оятда зикр қилинган «ва уларда» (яъни, осмонлару ерда) турли жониворларнинг таратиб қўйилиши ҳақида гап келишидан: эҳтимол, бошқа осмонлар ва сайёраларда фаришталардан бошқа махлуқотлар ҳам бордир, деган маъно чиқарадилар.

Энди келадиган оятда инсонларга етадиган мусийбатларнинг сабаби ҳақида сўз кетади:

وَمَا أَصْبَأَكُمْ مِّنْ مُّصِيبَةٍ فِيمَا كَسَبَتْ أَيْدِيكُمْ وَيَعْفُو عَنْ كَثِيرٍ ﴿٣٠﴾

**30. Сизга қайси бир мусийбат етса, бас, ўз қўлингиз қилган касбдандир ва У зот кўпини афв қилур.**

Яъни, инсонга, хоҳ жонига, хоҳ молига, хоҳ бошқа нарчасига бирор мусийбат етса, албатта, ўзи қилган гуноҳи сабабли етади. Инсоннинг ўзидан ўтмаса, унга бирор мусийбат етмайди. Лекин ўта меҳрибон бўлган Аллоҳ бандасини ҳар бир гуноҳи учун мусийбатга дучор қилавермайди, фақат баъзиси учунгина мусийбатга дучор қилади, кўпини кечириб юборади. Агар Аллоҳ таоло инсонни ҳар бир айби учун мусийбатга учратадиган бўлса, инсон дарҳол ҳалокатга юз тутар эди.

Имом Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одам боласини бирор шох-шабба тирнаши, қоқилиб кетиши ёки томири тортиши ҳам фақат ўзининг гуноҳи туфайли бўлади. Ундан кечириб юбориладигани жуда кўпдир», деганлар.

Демак, инсон мусийбатининг камроқ бўлишини истаса, гуноҳни камроқ қилиши керак. Бу оддий ҳақиқатни англаб олиш қийин эмас. Ҳозирги кунда инсоният бошига келаётган барча мусийбатлар иймонсизликдан, гуноҳқорликдандир.

وَمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ فِي الْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿٣١﴾

**31. Ва сиз ер юзида қочиб қутула олмайсиз. Ҳамда сиз учун Аллоҳдан ўзга валий ҳам, нусрат бергувчи ҳам йўқ.**

Эй одамлар, гуноҳни қилиб қўйиб жазосидан қочиб қутула олмайсиз. Аллоҳ барибир жазоингизни беради.

**«Ҳамда сиз учун Аллоҳдан ўзга валий ҳам, нусрат бергувчи ҳам йўқ.»**

Фақат Аллоҳнинг Ўзигина сизга валий, ҳомий, дўстдир.

Фақат Аллоҳнинг Ўзигина сизга ёрдам берувчидир.

وَمِنْ آيَاتِهِ الْجَوَارِ فِي الْبَحْرِ كَالْأَعْلَامِ ﴿٢٢﴾

**32. Денгизда тоғдек бўлиб сузиб юргувчи кемалар унинг (қудрати) оят(белги)ларидандир.**

Инсон ибрат кўзи билан қараса, денгизда тоғдек бўлиб виқор билан сузиб юрган кемада Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига белги бордир. Кема сузиб юрадиган сувни ким яратди? Дунёдаги денгизларни ким яратди? Сувга кемани кўтариш қобилиятини ким берди? Кемани ясада ишлатиладиган моддаларни ким яратди? Ўша моддаларни ким сувда чўкмайдиган қилиб қўйди? Кемани ясаган инсонни ким яратди? Ўша инсонга ким ақл-закаво, куч-қудрат берди? Бу ва шунга ўхшаш саволларнинг ҳаммасига фақат «Аллоҳ!» деган жавоб бўлади, холос. Шунингдек, ушбу оятлар тушиб турган пайтда кемаларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган шамолни пайдо қилган ва ҳаракатга келтирган зот ҳам Аллоҳдир.

إِنْ يَشَاءُ يُسْكِنِ الرِّيحَ فَيَظَلِّلْنَ رَوَاكِدَ عَلَى ظَهْرِهِ ۗ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿٢٣﴾

**33. Агар У зот хоҳласа, шамолни тўхтатиб қўюр. Бас, у (кема)лар у(денгиз)нинг устида туриб қолурлар. Албатта, ана шунда ҳар бир сабр қилувчи ва шукр қилгувчи учун оят(белги)лар бордир.**

Денгизда сузиб юрган кемалар Аллоҳнинг белгиси эканининг ҳақиқатини англаб етиш учун Аллоҳ таоло ўша кемаларнинг сузиб юришлари учун жорий қилиб қўйган сабаблардан биттагинасини ишлатмай қўйишининг ўзи кифоядир. Ушбу ояти каримада ана ўша сабаблардан бири ҳақида сўз кетмоқда:

**«Агар У зот хоҳласа, шамолни тўхтатиб қўюр».**


Кеманинг денгиздаги ҳаракати у замонларда кўпроқ шамолга

боғлиқ бўлган. Зотан, шамолдан фойдаланиш учун ҳам елканлар ўйлаб топилган. Кемаларнинг денгизда сузиб юриши учун керакли бошқа сабаблар қатори, шамолнинг ҳам асосий эгаси, ҳаракатга келтирувчиси Аллоҳ таолодир. Агар Аллоҳ шамолни тўхтатиб қўйишни хоҳласа, бошқа барча сабаблари муҳайё бўлса ҳам, кема ҳаракатга келмай тураверади.

**«Бас, у(кема)лар у(денгиз)нинг устида туриб қолурлар.»**


Суза олмаслар. Шунингдек, шамолдан бошқа сабаблардан бирини ҳам Аллоҳ таоло ўртадан кўтарса, кема суза олмайди.

**«Албатта, ана шунда ҳар бир сабр қилгувчи ва шукр қилгувчи учун оят(белги)лар бордир.»**


 أَوَيُؤَيِّقُهُنَّ بِمَا كَسَبُوا وَيَعْفُ عَنْ كَثِيرٍ

**34. Ёки у(кема)ларни аларнинг касби туфайли ҳалок қилур ва У зот кўпни афв қилур.**

Ҳамма нарса Аллоҳнинг хоҳиши ила бўлади. Агар Аллоҳ кемаларнинг сузишини хоҳласа, улар денгизда тоғдек бўлиб виқор билан сузиб юради. Агар Аллоҳ уларнинг сузмаслигини хоҳласа, бирон сабабни ўртадан кўтаради-да, кемалар сузмай тураверади. Агар Аллоҳ хоҳласа, кемалар одамларнинг касб қилган гуноҳлари туфайли ҳалокатга учрайди. Лекин Аллоҳ таоло афв қилувчи зот бўлганидан кўп ишларни кечиради. Шунинг учун ҳам, кемалар гоҳ-гоҳида ҳалокатга учрайдилар, холос.


 وَيَعْلَمُ الَّذِينَ يُجِدُونَ فِي آئِنَاتِنَا مَا لَهُمْ مِنْ مَّحِيصٍ

**35. Ва Бизнинг оятларимиз ҳақида тортишадиганлар билсинларки, улар учун ҳеч бир қочар жой йўқдир.**

Аллоҳнинг оятларига ишонмайдиганлар, улар ҳақида турли-туман фикрларни айтиб талашиб-тортишадиганлар учун Аллоҳнинг азобидан қочиб қутуладиган ҳеч бир жой йўқ. Буни улар билиб қўйсинлар.

Кейинги келадиган оятларда кишиларга бу дунё ҳаётида берилган нарсалар ҳаммаси ўткинчи матоҳ эканлиги, асосий қадрқийматли нарсалар эса, охиратда бўлиб, у нарсалар фақат мўмин кишиларга берилиши ҳақида сўз кетади ва мўминларнинг асосий сифатларидан тўққизтаси зикр қилинади:

فَمَا أُوتِيتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَمُنْعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ وَأَبْقَى لِلَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٣٦﴾

**36. Сизга берилган нарсалар дунё ҳаётининг матоҳи, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги яхши ва боқий нарсалар эса, иймон келтирган ва Роббиларига таваккал қилганлар учундир.**

Бандалар Аллоҳ таолонинг бу дунёда берган неъматларини ҳисоблайман десалар, ҳисобига ета олмайдилар. Лекин ушбу берилган нарсалар — хоҳ молу дунё бўлсин, хоҳ мулку давлат бўлсин, хоҳ нозу неъмат бўлсин, хоҳ обрў-эътибор бўлсин — ҳаммаси бу дунёнинг матоҳи, ўткинчи ҳойи-ҳавас, холос. Уларнинг ҳақиқий қадр мезонида ҳеч бир оғирлиги, қиймати ва боқийлиги йўқ. Ҳақиқий қадр-қийматга, боқийликка эга нарсалар бошқа томонда — охиратда, Аллоҳнинг ҳузуридадир. Аллоҳнинг ҳузуридаги ўша нарсалар эса, бу дунё матоҳига ўхшаб ҳамма учун эмас.

**«Аллоҳнинг ҳузуридаги яхши ва боқий нарсалар эса, иймон келтирган ва Роббиларига таваккал қилганлар учундир.»**

Аллоҳнинг ҳузуридаги яхши ва боқий, қадр-қийматли нарсаларга эришиш учун қуйидаги сифатларни ўзида мужассам қилган жамоанинг аъзоси бўлиш керак:

Биринчиси: Иймонли бўлиш.

Иймон мазкур сифатларнинг асли ва асосидир. Иймон, умуман, дунёдаги барча яхши сифатларнинг асосидир. Агар иймон бўлмаса, инсон инсон эмас. Агар иймон бўлмаса, бошқа ҳамма яхши сифатларнинг заррача ҳам фойдаси бўлмайди. Иймон бўлмаса, дунё ва ундаги нарсалар тўғри тушунилмайди. Иймон бўлмаса, дунё ҳақидаги тасаввур ҳам, ундаги тасарруф ҳам умуман бошқача бўлади. Яъни, нотўғри бўлади. Шунинг учун, иймонсиз бирор яхши иш қилиб бўлмайди, қилинганда ҳам, асоссиз, қандайдир ғараз билан қилинган бўлгани учун савоб ҳисобига ўтмайди. Инсоннинг дунё ҳақидаги, ҳаёт ҳақидаги тасавури ва ундаги тасарруфи фақат иймон билан тўғри бўлиши мумкин. Шу сабабдан, ҳамма нарсанинг ҳақиқатда яхши бўлиши учун иймон шартдир. Шу сабабдан ҳам, Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги яхши ва боқий нарсаларга эга бўлишга сазовор жамоанинг энг бош сифати ўлароқ **иймон** зикр этилмоқда.

Иккинчиси: **Роббиларига таваккал қилган бўлиш.**

Аллоҳ ҳузуридаги яхши ва боқий нарсаларга эга бўлишга сазовор жамоанинг иймондан кейинги иккинчи сифати Роббиларига таваккал қилишдир. Ҳар бир нарсада фақат Аллоҳ таолога суянишдир.

Бу эса, ҳақиқий тавҳиддир. Мўмин-мусулмон ўзининг фикри-да ҳам, зикрида ҳам, тасавурида ҳам, фақат Аллоҳ таолонинг ўзигагина таваккал қилади—суянади. Унинг Аллоҳдан ўзга ҳеч бир суянчиғи йўқдир.

Бирор нарсада Аллоҳдан бошқага суяниш тавҳидга зарар ет-казади, ширкка олиб келади. Шунинг учун ҳам, барча нарсада фақат Аллоҳга таваккал қилиш—суяниш иймондан кейинги энг муҳим сифат ҳисобланади.

Аллоҳнинг ҳузуридаги яхши ва боқий нарсалар:

وَالَّذِينَ يَحْنَبُونَ كِبْرَ الْأَيْمِ وَالْفَوْحِ وَإِذَا مَا عَضِبُوا هُمْ يَغْفِرُونَ ﴿٢٧﴾

### **37. Катта гуноҳлар ва фоҳиша ишлардан четда бўладиган ва газабланган вақтда кечириб юборадиганлар учундир.**

Мазкур улуғ мақомга сазовор бўладиган жамоа аъзоларида бўлиши шарт қилинган сифатларнинг

учинчиси: «**Катта гуноҳлар ва фоҳиша ишлардан четда...**» бўлиш.

«Катта гуноҳлар» шаръий истилоҳда «гуноҳи кабиралар» деб аталиши, ширк, одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш, зино, ўғрилик, ароқхўрлик каби бир қанча оғир гуноҳлардан иборат эканлиги олдинги сура ва оятлар тафсирида бир неча бор баён этилди. Ушбу оятда эса, охиратда фақат айрим тоифа бандаларга хос қилинган яхши ва боқий нарсаларга эриштирувчи сифатлардан бири ўша катта гуноҳлардан умуман четда бўлиш, уларга яқинлашмаслик эканлиги айтилмоқда. Айни чоқда, ундай шахс фоҳиша ишларга ҳам яқинлашмаган бўлиши керак. Уламоларимиз, «фоҳиша ишлар» деганда шахватга тааллуқли гуноҳлар кўзда тутилади, дейдилар. Фоҳиша ишлар ичида катта гуноҳлар қаторига кирадиган зинокорлик ва баччабозлик кабилари ҳам бор, катта гуноҳлар қаторига кир-майдиганлари ҳам бор.

Инсон икки дунёда ҳам олий мақомга эришмоқчи бўлса, катта гуноҳлар ва фоҳиша ишлардан четда бўлмоғи лозим. Бунга эса, фақат иймон билан эришиб бўлади. Фақат қалби соф иймонга тўла кишигина катта гуноҳларни ва фоҳиша ишларни қилмайди. Ана шундай соф иймонли мусулмонлар, катта гуноҳлар ва фоҳиша ишлардан четда бўлган бандаларгина Аллоҳ ҳузуридаги яхши ва боқий нарсаларга соҳиб бўладилар.

Мазкур улуғ мақомга сазовор бўладиган жамоа аъзоларида бўлиши шарт қилинган сифатларнинг



тўртинчиси: «...ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар...» бўлиш.

Яъни, бирор киши ғазабини чиқарса, кечириб юбора оладиган даражада ҳалим бўлиш. Ғазаб чиққан вақтда уни ичига ютиб, ўша ғазаб чиқишига сабабчи одамни кечириб юбориш олий даражадаги ахлоқ доирасига киради. Лекин бу дегани, умуман ғазаб қилмаслик керак, дегани эмас. Баъзи ҳолатларда ғазабга келиш ҳатто вожиб бўлади, олийжаноблик ҳисобланади. Ояти каримада «ғазабланган вақтда» дейилаётганининг ўзиданоқ билса бўладики, Исломда инсондаги мавжуд сифатлар инкор этилмайди, уларни йўққа чиқаришга уринилмайди, балки уларни тартибга солиб, яхшиликка йўналтирилади, холос. Ислом инсонни нафси учун беҳуда ғазабланишдан қайтаради, ғазабини ютишни мадҳ этади, лекин шу билан бир қаторда, Аллоҳ учун, дину диёнат учун, номус учун ғазабланишни вожиб қилади. Демак, ҳамма нарса, жумладан, ғазаб ҳам, ҳилм ҳам ўрнида бўлиши керак. Шоир айтганидек, «Ноўрин ҳалимлик жаҳолатдир».

Аллоҳ ҳузурдаги яхши ва боқий нарсалар яна:

وَالَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِرَبِّهِمْ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَمْرُهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣٨﴾

**38. Роббиларига ижобат қилган, намозни тўкис адо этган, ишлари ўзаро шууро ила бўлган ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қиладиганлар учундир.**

Мазкур улуғ мақомга сазовор бўладиган мусулмон жамоа аъзоларида бўлиши шарт қилинган сифатларнинг бешинчиси:

**«Роббиларига ижобат қилган»** бўлишдир.

Яъни, Аллоҳ таоло томонидан бўлган ҳар бир чақириққа «лаббай» деб жавоб берадиган бўлишдир. Ундай кишиларни ҳеч бир нарса Аллоҳнинг чақириғидан тўсмайди. Улар доимо Аллоҳнинг чақириғига ижобий жавоб бериб яшайдилар. Аллоҳнинг чақириғига ижобат қилишни ўз бурчлари ва шону шарафлари деб биладилар.

Олтинчиси:

**«Намозни тўкис адо этган»** бўлишдир.

Чала адо этса ёки нуқсон билан адо этса ҳам, бўлмайди. Чунки, намоз Ислом динининг устунидир. Устунсиз иморат бўлмаганидек, намозсиз мусулмончилик ҳам бўлмайди. Ислом биносининг иймондан кейинги иккинчи устун «намоз» деб аталмиш улуғ ибодатдир. Намоз Аллоҳнинг чақириғига кунига беш марта жавоб

беришдир. Намоз барча бандаларни Аллоҳ ҳузурида тенглаштирадиган ибодатдир. Улар, ким бўлишларидан қатъиназар, бир хил сувда таҳорат қиладилар, бир қиблага юз ўгирадилар, бир хил қиём, бир хил рукуъ, бир хил сажда қиладилар, бир хил сура ва дуоларни ўқийдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намоз биз билан бошқалар орасидаги фарқдир», деганлар. Ҳа, намоз мусулмонни мусулмон эмасдан ажратиб турадиган фарқдир. Намоз мусулмон жамоанинг асосий сиймосидир.

Еттинчиси:

**«Ишлари ўзаро шууро ила бўлган»** бўлишидир.

«Шууро» луғатда маслаҳат, машварат қилиш маъноларини англатади. Исломда мўмин-мусулмонларнинг шўро билан иш юритишларига катта эътибор берилганини биз ўрганаётган ушбу сурани кариманинг «Шууро» («Шўро») номи билан аталишидан ҳам билиб олсак бўлади. Мусулмон инсон Аллоҳ таолонинг чақириқларига ҳар доим лаббай деб жавоб бериши, намозни ўз вақтида тўкис адо қилиши қандай лозим бўлса, шўро билан иш тутиши ҳам шунчалик лозим эканини тушуниб оламиз.

Ҳа, шўро мусулмон жамоа ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган омилдир. Буни ҳамма мусулмонлар, айниқса, давлат бошлиқлари ҳамда турли халқчил амал ва мансабни эгаллаб турганлар яхши тушунмоқлари, ким бўлишларидан қатъиназар, шўрога амал қилмоқлари лозим. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни шўрога буюрганидан кейин, бошқалар шундан хулоса чиқариб олаверсин. Инсоният тарихида энг комил инсон Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Аллоҳ таоло у кишини маъсум (гуноҳ ва хато қилмайдиган) қилиб қўйган, Ислом давлатини қандай бошқаришни Қуръон тушириб ўргатиб турган бўлишига қарамасдан, «Оли Имрон» сурасида у зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб: «Ва улар ила машварат қил, Албатта, Аллоҳ таваккал қилгувчиларни севади», дейди. Яъни, саҳобалар билан маслаҳатлашиб иш тутишни амр қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу оятга амал қилиб кўп ишларда саҳобаи киромлар билан маслаҳатлашар ва уларнинг фойдали фикрларини очиқ кўнгил билан қабул қилиб олар эдилар. Тушунарли бўлиши учун мисоллар келтирайлик.

Мушрикларнинг кўп сонли лашкарлари Мадийнаи Мунавварага бостириб келаётгани ҳақида хабар етганидан кейин, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни тўплаб шўро мажлиси қилдилар. Мушрикларнинг бу ҳужумига қарши қандай чора кўриш ло-

зимлиги масаласини ўртага қўйдилар. Шунда Салмони Форсий розиялоху анху арабларда одат бўлмаган ишни — шаҳар атрофига хандақ қазиб душман ҳужумидан ҳимояланишни маслаҳат берди. Бу маслаҳат маъқул келди. Саҳобалар Расулуллоҳ солаллоху алайҳи васаллам бошчиликларида Мадийнаи Мунаввара атрофида хандақ қазидилар. Бу иш душман устидан ғалаба қозонишнинг асосий омилларидан бири бўлди.

Баъзи вақтларда саҳобаи киромлар эркинлик билан турли маслаҳатлар беришар эди. Мисол учун, Бадр урушидан олдин Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар Бадрдаги сувли жойга яқинлашиб манзил қурдилар. Шунда саҳобалардан Хаббоб ибн ал-Мунзир розияллоху анху Пайғамбаримиздан:

«Эй, Аллоҳнинг расули, бу жойга Аллоҳнинг амри ила тушдингизми ёки фикр ила, уруш тадбири сифатидами?» — деб сўради. Расули Акрам солаллоху алайҳи васаллам:

«Фикр ила, уруш тадбири сифатида», деб жавоб қилдилар.

«Ундай бўлса, — деди Хаббоб ибн ал-Мунзир розияллоху анху, — эй, Аллоҳнинг расули, бу жой муносиб эмас, одамларни олдинга олиб ўтинг, сувдан ўтиб тушайлик. У ерда ҳовуз қурамыз. Унга сув тўлғизамиз. Сўнгра урушга кирамыз. Биз сув ича оламиз, улар ича олмайдилар».

Расулуллоҳ солаллоху алайҳи васаллам бу маслаҳатга амал қилдилар. Бу эса, ўз навбатида, мусулмонларга жуда ҳам катта фойда келтирди.

Шўрога амал қилиш ҳеч қачон зарар келтирмаган. Ҳатто, исломий қоида бўлган шўрога амал қилган номусулмонлар ҳам бунинг фойдасидан баҳраманд бўладилар. Мусулмонлар учун эса, шўро динлари вожиб қилган амалдир, Аллоҳ ҳузурдаги яхши ва боқий нарсага эришишлари учун зарур сифатлардан биридир. Шўрони қай шаклда ва қайси услубда олиб бориш аниқ тайин қилинмаганлиги уни қандай ташкил қилиш мусулмонлар ихтиёрига ташлаб қўйилганини билдиради. Мусулмонлар жамоаси шўрони ўз шароитларига, имкониятларига ва бошқа омилларга қараб муносиб равишда ташкил қилиб оладилар.

Мазкур улўф мақомга сазовор бўладиган мусулмон жамоаси аъзоларида бўлиши шарт қилинган сифатларнинг саккизинчиси:

**«...уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қиладиганлар»** дан бўлишдир.

Аллоҳ таоло берган молу мулкдан Аллоҳ йўлида, дину диёнат йўлида инфоқ қилиш ҳам энг муҳим сифатлардан биридир. Чун-

ки, Ислом йўлида, иймон йўлида жонни фидо қилиш, куч-қувват, илм-заковотни фидо этиш қанчалик зарур бўлса, кези келганда молу дунёни инфоқ қилиш ҳам шунчалик зарур бўлади. Ҳар бир мусулмон бундай инфоққа доимо тайёр туриши, ўрни келганда ҳеч иккиланмай, баъзан шахсий манфаатлардан кечиб бўлса-да, инфоқ қилиши лозим.

Тўққизинчиси:

Аллоҳ ҳузуридаги яхши ва боқий нарсалар

وَالَّذِينَ إِذَا أَصَابَهُمُ الْبَغْيُ هُمْ يَنْصُرُونَ ﴿٣٩﴾

### 39. Ўзларига тажовузкорлик етганда нусрат қозонадиганлар учундир.

Яъни, ноҳақ тажовуз ва зулм етганда хору зор бўлиб қолмай, иззатлари, ватанлари, дину диёнатлари учун душман устидан голиб кела оладиган кишилар учундир.

Ислом мусулмонлардан зулмга бўйсунмасликни талаб қилади. Мусулмонлар доимо зулмга, тажовузкорликка ва зўравонликка қарши бўлишлари керак.

Лекин зулмни, тажовузкорлик ва зўравонликни рад қилиш жараёнида ҳам ҳаддан ошиб кетмаслак лозим.

وَجَزَاءُ سَيِّئَةٍ سَيِّئَةٌ مِّثْلُهَا فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ ﴿٤٠﴾

### 40. Ёмонликнинг жазоси ўз мислидек ёмонликдир. Ким афв этиб ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У зот золимларни севмас.

Адолат юзасидан иш тутиш Исломнинг барча ишларида аксини топган. Ҳатто, ўзига нисбатан қилинган зулм учун ўч олишда ва ўзини ҳимоя қилишда ҳам адолатли иш тутиш жорий қилинган.

«Ёмонликнинг жазоси ўз мислидек ёмонликдир.»

Яъни, мусулмон кишига бирор душманлик етса, худди ўша миқдор ва шаклда жавоб қайтариш керак бўлади. Ундан ортгир-маслик лозим. Чунки, ёмонлик ўз ўрнида қайтарилмаса, авж олиб кетади. Ёмонлигига жим қараб турилганини кўрган ёмон кимса андишанинг отини қўрқоқ қўйиб, яна ҳам кўпроқ ёмонлик қилишга ўтади.

Аммо, ёмонликни ўз ўрнида қайтаришга қодир бўлатуриб, ўша умумий қоидадан истисно тариқасида:

**«Ким афв этиб ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зимма-сидадир».**

Афв этиш тажовузкорни жазолаш имконига эга бўлатуриб, бағрикенглик ила кечириб юборган одам томонидан бўлади. Ким золимдан ўч олишга қодир бўлатуриб, уни афв этса, сўнгра золимни ислоҳ қилишга уринса, унга Аллоҳ таолонинг ҳузурида ажру савоблар бўлади. Мазлум ундан ўч олишга қодир бўлатуриб, аммо унга ўхшаб пасткашлик қилмай, аксинча, олийжанобларча кечириб юборганини кўрган золим хижолат бўлади ва ўзини ўнглашга ҳаракат қилади.

**«Албатта, У зот золимларни севмас.»**

Демак, золим шундоқ ҳам Аллоҳнинг ғазабига учрайди. Зулми учун Аллоҳ таолонинг Ўзидан жазо олади. Агар фазилат йўлини тутмай, умумий қоидага амал қилиб, золимга ўз ёмонлиги мислида жавоб қайтариш ўрнига, ундан ошириб юборилса ҳам, зулм бўлади. Буни ҳам Аллоҳ суймайди. Ушбу жумла икки томонни ҳам зулмдан қайтармоқда.

وَلَمَنۢ بَعَدَ ظُلْمِهِۦ فَأُولَٰئِكَ مَا عَلَيْهِم مِّنۢ سَبِيلٍ ﴿٤١﴾

**41. Албатта, ким ўзига бўлган зулмдан кейин нусрат қозонса, бас, ундайларни (айблашга) ҳеч йўл йўқ.**

Чунки, ўзига нисбатан бўлган зулмни қайтариш ҳар бир одамнинг ҳаққидир. Ўзининг шаръий ҳаққидан фойдаланган одамни айблаш, жазолаш ёки қоралашга эса, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир.

إِنَّمَا السَّبِيلُ عَلَى الَّذِينَ يَظْلِمُونَ النَّاسَ وَيَبْغُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٢﴾

**42. Фақатгина, одамларга зулм қиладиган ва ер юзида ноҳақ тажовузкорлик қиладиганларни (айблашга) йўл бордир. Ана ўшаларга аламли азоб бордир.**

«...Одамларга зулм қиладиган ва ер юзида ноҳақ тажовузкорлик қиладиган...» кишининг йўлини тўсиш керак, қўлидан тутиш керак, айблаш, қоралаш ва жазолаш керак. Ундай кишилардан зулмига яраша қасос олиш керак. У дунёда эса, Аллоҳ таоло уларга аламли азобни тайёрлаб қўйганига ҳеч шубҳа йўқ.

Лекин, шу билан бирга:

وَلَمَن صَبَرَ وَغَفَرَ إِنَّ ذَٰلِكَ لَمِنَ عِزِّ الْأُمُورِ ﴿٤٣﴾

### 43. Шубҳасиз, ким сабр қилиб, кечирса, албатта, бу мардлик ишларидандир.

Яна тавозуъ ила иш кўришга даъват. Яна сабр қилишга даъват. Яна кечиримли бўлишга даъват. Яхшилар сифати бўлган ушбу сифатларга такрор-такрор даъват бежиз эмас. Аввало, бу ишларни амалга ошириш осон эмас. Қолаверса, яхши сифатларга қанча тарғиб қилинса, шунча оз.

Дунёдаги ҳолатлар бошқача бўлиши мумкин. Баъзан жиноятчи, золим ва тажовузкорларга омад кулиб боққандек кўринади. Бундай қарасангиз, пичоқлари мой устида, кунлари шод-хуррамликда ва айш-ишратда ўтаётгандек. Улар дунёнинг ярмига, балки ҳаммасига эга бўлсинлар, аммо беш кунлик ўткинчи дунё матоҳларининг қиймати қанча? Унга эришганлар аслида нимага эришадилар, ўзи?

Келгуси оятлардан охир-оқибатда ким ютадию ким ютқзади, ким зафар топадию ким мағлуб бўлади – шулар тушуниб олинади.

وَمَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِنْ وَلِيٍّ مِنْ بَعْدِهِ ۗ وَتَرَى الظَّالِمِينَ لَمَّا رَأَوْا الْعَذَابَ يَقُولُونَ هَلْ إِلَهٌ إِلَّا

مَرَدٌّ مِنْ سَبِيلِ اللَّهِ

### 44. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, бас, унга У зотдан ўзга ҳеч бир валий бўлмас. Золимларни кўрурсанки, азобни кўрган чоғларида: «(Ортга) қайтишга ҳеч бир йўл бормикан?» – дерлар.

Аллоҳ таолонинг ҳукмини ҳеч қайтариб бўлмайди. Нияти ва табиати бузуқ бандаларни Аллоҳ залолатга учратишни ирода қилган бўлса, иш тамом. Энди у одамга ҳеч қандай валий – ҳомий ва дўст топиб бўлмайди. Ҳеч ким унга бирор фойда ёки манфаат бера олмайди. Ундай золим одамлар бу дунёда залолатда ўтадилар. Охиратда эса:

«Золимларни кўрурсанки, азобни кўрган чоғларида: «(Ортга) қайтишга ҳеч бир йўл бормикан?» – дерлар».

У бечоралар бирор йўл топиб охиратдан дунёга қайтишни ва иймон келтириб, ибодат қилишни орзу қиладилар. Лекин бу асло амалга ошмайдиган орзудир. Улар шундай орзу қиладилар-у, аммо ҳоллари бошқача бўлади.

وَتَرْتَهُمْ يَعْزُضُونَ عَلَيْهَا خَشِيعِينَ مِنَ الَّذِينَ يَنْظُرُونَ مِنْ طَرْفِ خَفِيِّ ۗ وَقَالَ الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ الْخَاسِرِينَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنْفُسَهُمْ وَأَهْلِيَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ۗ أَلَا إِنَّ الظَّالِمِينَ فِي

عَذَابٍ مُّقِيمٍ

**45. Сен уларни у(дўзах)га кўндаланг қилинаётганларида хору зор ва қўрққан ҳолларида кўз қири билан назар солаётганларини кўрурсан. Иймон келтирганлар: «Албатта, зиёнкорлар қиёмат куни ўзларига ва аҳли аёлларига зиён қилганлардир», дерлар. Огоҳ бўлингким, албатта, золимлар доимий азобдадирлар.**

Бу дунёда залолатда ўтган шахслар у дунёда ҳар қанча орзу-умид, тавба-тазарру қилмасинлар, барибир, дўзах азобига дучор бўладилар. Ўша кунда:

**«Сен уларни у(дўзах)га кўндаланг қилинаётганларида хору зор ва қўрққан ҳолларида кўз қири билан назар солаётганларини кўрурсан».**

Ҳа, кофир, золим ва осийлар дўзахга кўндаланг қилинганларида, хору зор бўладилар, ўта қўрқувга тушадилар, қўрқинчлари кучли бўлганидан, дўзахга тўғри қарай олмайдилар. Балки, фақат кўз қирлари билан назар соладилар. Уларнинг бу дунёдаги гердаишларидан, кибру ҳаволаридан, манманликларидан, шаҳдамликларидан асар ҳам қолмайди. Бирор нарсани гапира олмай қоладилар. Охиратда ўзини эркин сезадиганлар мўминлардир. Охиратда эркин гапира оладиганлар мўминлардир. Ўшанда:

**«Иймон келтирганлар: «Албатта, зиёнкорлар қиёмат куни ўзларига ва аҳли аёлларига зиён қилганлардир», дерлар».**

Бу дунёда кофирлар мўминларни маломат қилар, «Дину диёнат деб турли матоҳлардан қуруқ қолиб, ўзларингизга зиён қиялпсизлар, бизга ўхшаб маза қилиб айш-ишрат суриб олмайсизларми?!» — дер эдилар. Лекин ҳақиқий зиёнкорлар энди маълум бўлди. Дунё матоҳидан юз ўгириш зиёнкорлик эмас экан. Ҳақиқий зиёнкорлик қиёмат куни охират неъматидан бенасиб қолиш экан. Чунки, у куннинг зиёни ҳақиқий зиёндр, у куннинг зиёни абадий давом этувчи зиёндр, у кунда зиён кўрган ҳақиқий зиёнкордир.

Эй одамлар:

**«Огоҳ бўлингким, албатта, золимлар доимий азобдадирлар».**

وَمَا كَانَتْ لَهُمْ مِنْ أَوْلِيَاءَ يَنْصُرُونَهُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَهُوَ مِنْ سَبِيلِ ﴿٤٦﴾

**46. Ва уларга Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган ҳеч қандай валийлар бўлмади. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, бас, унга ҳеч бир (тўғри) йўл йўқдир.**

Аллоҳнинг Ўзи азоблаб тургандан кейин, ким ҳам уларга ёрдам бера олар эди. Ўзларидан кўрсинлар. Аллоҳ уларни тўғри йўлга чақирган пайтда, у даъватга ижобат қилмадилар, уни қабул этмади-

лар. Шунинг учун, Аллоҳ уларни залолатга кетказди. Аллоҳ залолатга кетказган кимса учун ҳамма нарса берк. У, Аллоҳнинг азобига учрайди. Унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Бас, шундай экан:

أَسْتَجِيبُوا لِلرَّبِّ كَمَا مِّن قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا مَرَدَّ لَهُ مِنَ اللَّهِ مَا لَكُم مِّن مَّجَاجٍ يُومَدُونَ وَمَا لَكُم مِّن نَّكِيرٍ ﴿٤٧﴾

**47. Аллоҳ томонидан, қайтариб бўлмайдиган кун келмай туриб, Роббингизга ижобат қилинг! Ўша куни сизга паноҳгоҳ топилмас ва сизга (тушган азобни) инкор қилгувчи топилмас.**

Яъни, эй бандалар, Аллоҳ таоло ҳеч ортга қайтариб бўлмайдиган қиёмат кунини қоим қилмасидан олдин, вақт борида, унинг даъватига, динига, шариатига ижобат қилинг, иймон келтириб, амал қилинг. Агар шундай қилмасангиз:

**«Ўша куни сизга паноҳгоҳ топилмас ва сизга (тушган азобни) инкор қилгувчи топилмас».**

Эй Муҳаммад, одамларга ушбу маъноларни етказганингдан кейин ҳам:

فَإِنْ أَعْرَضُوا فَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا إِنْ عَلَيْكَ إِلَّا الْبَلَاغُ وَإِنَّا إِذَا أَذَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنَّا رَحْمَةً فَفَرِحَ بِهَا وَإِنْ تُصِيبُهُمْ سَيِّئَةٌ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ فَإِنَّ الْإِنْسَانَ كَفُورٌ ﴿٤٨﴾

**48. Агар улар юз ўгирсалар, бас, биз сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ. Сенинг зиммангда фақат (ваҳийни) етказиш бор, холос. Албатта, биз инсонга Ўзимиздан раҳмат тоттирган човимизда у ундан қувонур ва агар уларга ўз қўллари тақдим этган нарса туфайли ёмонлик етса, бас, албатта, инсон куфрони неъмат қилур.**

Пайғамбарнинг вазифаси – Аллоҳнинг амрини, таълимотларини умматларга етказиш. Уларнинг устида қўриқчи бўлиб туриб олиб, айтганини қилишга мажбурлаш эмас. Шунинг учун, Пайғамбар ўз вазифасини адо этганидан кейин, хотиржам, кўнгли тўқ бўлавериши керак. Одамларнинг муносабатларидан нохушланмаслиги, озор чекмаслиги ва қуюниб ўзини қийнамаслиги керак.

Ўзи, инсон табиатида беқарорлик, саркашлик ва ўзини билмаслик хусусиятлари бўлади.

**«Албатта, биз инсонга Ўзимиздан раҳмат тоттирган човимизда у ундан қувонур.»**



Ўзидан кетиб ҳовлиқади. Ҳаддидан ошади.

**«...ва агар уларга ўз қўллари тақдим этган нарса туфайли ёмонлик етса, бас, албатта, инсон куфрони неъмат қилур.»**

Яхшилик етганда ҳаддан ошганидек, ёмонлик етганда ҳам ўзини тўғри тута олмайди, сабрсизлик қилиб, куфрони неъмат қилади. Ҳолбуки, унга ёмонлик зулм юзасидан эмас, ўзи қилган гуноҳлар туфайли етган эди.

Аслида эса, яхшилик етса, инсон шукр қилиб, ёмонлик етса, сабр этиши лозим. Унга нимаики етса, Аллоҳдандир. Чунки:

لِلَّهِ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ يَهَبُ لِمَنْ يَشَاءُ إِنِشَاءً وَمَنْ يَشَاءُ  
الذَّكُورَ أَوْ يُزَوِّجُهُمْ ذَكَرًا وَانْثَاءً وَيَجْعَلُ مَنْ يَشَاءُ عَقِيمًا إِنَّهُ عَلِيمٌ قَدِيرٌ

**49. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. У зот хоҳлаган нарсасини яратур. У зот хоҳлаган кишисига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғиллар ҳадя этур.**

**50. Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, У зот ўта билгувчи ва ўта қодирдир.**

Инсонга ҳамма нарсани фақат Аллоҳ таоло беришининг ёрқин намунаси фарзанд масаласида кўринади. Айни шу масалада инсон ўзининг ожизлигини хис этади. Ўз хоҳишига кўра бирон нарсани бор қила олмаслигини, балки доимо Аллоҳ таолонинг мадади ва иноятига муҳтож бўлиб туришини англаб этади.

**«Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир.»**

Осмонларда ва ерда нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолонинг мулкидир.

**«У зот хоҳлаган нарсасини яратур.»**

Бу ишда У зотнинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди. Бутун борлиқнинг молики – эгаси ва холиқи мутлақ бўлган ўша Зот ўз мулкидан хоҳлаган бандасига хоҳлаган нарсасини беради. Жумладан, фарзанд бериш масаласида ҳам:

**«У зот хоҳлаган кишисига қизлар ҳадя этур.»**

Агар ўғил ё қиз фарзанд кўриш ота-она хоҳишига кўра бўлганида, ушбу оятлар тушаётган пайтдаги жоҳилий арабларда қиз фарзанд бўлмас эди. Чунки, улар қиз фарзандни ёқтиришмасди. Ҳатто, қизларини тириклай кўмиб ҳам ташлашарди. Ҳолбуки, баъзилар фақат қиз фарзандлар кўришади, ўғил фарзандга зор бўлиб юришади. Бу ҳол фарзанд фақат Аллоҳнинг хоҳиши билан ўғил ёки қиз бўлишини билдиради.

**«...ва хоҳлаган кишисига ўғиллар ҳадя этур.»**

Фақат ўғил фарзандлар кўриб, Аллоҳдан қиз сўраб юрган одамлар ҳам оз эмас.

**«Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур.»**

Аралаш фарзандлар кўриш одамлар ичида кўп тарқалган ҳолатдир.

**«...ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур.»**

Бундайлар озчилик бўлиб, Аллоҳ таоло ибрат учун, фарзанд одамларнинг хоҳиши билан эмас, Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишини кўрсатиш учун шундай қилиб қўйган.

**«Албатта, У зот ўта билгувчи ва ўта қодирдир.»**

Ҳамма нарсани билиб қилади. Жумладан, кимга қиз, кимга ўғил, кимга ўғил-қиз беришни ёки кимни туғмас қилишни ўзи билади. Бу ишларга унинг қудрати етади.

Сура охирида яна унинг бошланишидаги масалага – ваҳий ва Пайғамбарлик масаласига қайтилади. Аллоҳ таоло билан У зот ўзига Пайғамбар қилиб олган инсон орасидаги алоқа қай тарзда бўлиши баён қилинади. Бу иш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан қандоқ ва нима мақсадда содир этилгани зикр қилинади.

﴿ وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكَلِمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَائِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بَأْذَنِهِ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ عَلَىٰ حَكِيمٍ مُّبِينٍ ﴾

**51. Аллоҳнинг башар билан гаплашмоғи бўлмаган, магар ваҳий орқали, ёки парда ортидан ёхуд элчи юборади ва ул У зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур. Албатта, У зот ўта олий ва ўта ҳикматлидир.**

Инсон зоти учун Аллоҳ таоло билан бевосита гаплашиш муяссар бўладиган нарса эмас. Аллоҳ билан башар орасидаги алоқа бавосита бўлур. Воситанинг бир тарафида инсонлар орасидан танлаб олинган энг етук зотлар, Пайғамбар алайҳиссаломлар турадилар. Яъни, ўша воситали гаплашишга ҳам ҳар бир инсон қодир эмас. Энди, одамлар орасидан танлаб олинган Пайғамбарлар ҳам баробар эмаслар, худди, осмондаги нур сочиб турган юдузлар ҳажм ва нур жиҳатидан хилма-хил бўлганларидек, улар ҳам хилма-хилдирлар.

**«Аллоҳнинг башар билан гаплашмоғи бўлмаган.»**

Аллоҳ таолонинг инсон зоти билан бевосита гаплашиши бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки, ожиз инсон бу мақомга чидай олмайди. Бу ҳақиқатни одам боласининг улуғи, Пайғамбар-

ларнинг афзали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳийни қабул қилиб олиш вақтларидаги ҳолларидан билиб олсак бўлади. У зот, ўзларининг юксак мақомларига қарамай, Аллоҳнинг каломини ваҳий воситаси ила қабул қилиб олиш жараёнида терлаб кетар, нафас олишлари тезлашиб, пишиллаб қолар эдилар. Агар ваҳий тушган вақтда у зот туя устида бўлсалар, туя чўккалаб қолар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қаршиларида тиззаларини тиззаларига текказиб ўтирган пайтда ваҳий тушиб қолганда Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг сонлари ёрилиб кетай деган.

Демак, Аллоҳнинг каломини ваҳий орқали қабул қилиб олишга ҳар бир одам ҳам қодир эмас. Фақат, танланган, етук ва маълум сифатларга эга шахсларгина бунга лойиқдирлар. Уларни ҳамма нарсани яхши билувчи зот—Аллоҳ таолонинг Ўзи танлаб олади. Аллоҳ таоло ўша Ўзи танлаб Пайғамбар қилган бандаларига Ўз каломини қуйидаги уч воситанинг бири ила етказди.

### 1. «Магар ваҳий орқали...»

Ваҳий Аллоҳ томонидан бандага бирор хабарнинг махфий ва тез етказилишидир. Аллоҳ таоло, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қалбига бирор хабарни етказди, Пайғамбар эса, унинг Аллоҳ таолодан эканлигини дарҳол билади.

### 2. «...ёки парда ортидан...»

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзи кўринмай туриб гапиргани каби.

### 3. «...ёхуд элчи юборади ва ул У зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур.»

Бунда Аллоҳ таоло Ўзи билан Пайғамбари орасида воситачи-элчи қилиб фариштани юборди. Фаришта келиб Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсани Пайғамбарга етказди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг тажрибаларида ушбу фаришта воситасида бўладиган учинчи тур ваҳий тўрт хил келган:

1-хили: Фаришта келиб, ўзи кўринмаган ҳолда, керакли хабарни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига етказар эди. Бунга мисол қилиб уламоларимиз қуйидаги ҳадиси шарифни келтирадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам :

«Муқаддас руҳ (фаришта) менинг қалбимга етказдики, албатта, ҳеч бир жон ўз ризқини мукамал олмай туриб ўлмас. Бас, Аллоҳга тақво қилинглр ва талаби ризқни гўзал қилинглр», дедилар.

2-хили: Фаришта Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эркак киши шаклида кўриниб гаплашар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг гапларини ўзларига сингдириб олганлари-

дан кейин қайтиб кетар эди. Фариштанинг Дихятул Калбий исми кишига ўхшаб келгани ҳақида ривоятлар кўп.

3-хили: Қўнғироқ чалинганидек овоз билан келарди. Худди мана шу хили Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қийин кечар эди. Ана ўшанда, қаттиқ совуқ кунларида ҳам, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам терлаб, терлари оқиб кетар эдилар, улов минган бўлсалар, улов чўккалаб қолар эди. Бир марта у зотнинг тиззалари Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг тиззаларига тегиб турганда ваҳий келиб қолиб Зайд розияллоҳу анҳунинг тиззалари ёрилиб кетай деган.

4-хили: Фаришта Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига ўзининг асл яратилган сувратида келар эди. Бу ҳолат икки марта такрор бўлган. Ўша марталарда Жаброил алайҳиссалом қанотлари билан осмони фалакни тўсган ҳолларида кўриниб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарни етказганлар. Кўриниб турибдики, бу ҳаммага ҳам муяссар бўлаверадиган нарса эмас. Бунинг учун Аллоҳнинг ихтиёри ва Унинг иноятига, фазлу карамига сазовор бўлган инсон керак. Бунинг учун Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам керак. Бунинг учун у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюк қалби керак!

Аллоҳ таоло Ўз каломини ким орқали, кимга юборишини жуда яхши билади. Аллоҳ таоло Ўзининг охирги динини кимга юборишини жуда яхши билади. Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мукамал Пайғамбарлиги учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни танлади. Аллоҳнинг танлови тўғридир.

**«У зот ўта олий ва ўта ҳикматлидир.»**

Шунинг учун ҳам, У зотнинг бу танлови олиймақом ва пурҳикмат бўлди.

Аллоҳ таоло охирги оятларда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига хитоб қилиб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қандоқ ва нима учун юборилганини яна бир бор баён қилмоқда.

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا مَا كُنْتَ تَدْرِي مَا الْكِتَابُ وَلَا الْإِيمَانُ وَلَكِن جَعَلْنَاهُ نُورًا  
تَهْدِي بِهِ مَن نَّشَاءُ مِنْ عِبَادِنَا وَإِنَّكَ لَتَهْدِي إِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٢﴾

52. Ана шунга ўхшаш, Биз сенга Ўз амримиздан бир руҳни ваҳий қилдик. Сен китоб нималигини ҳам, иймон нималигини ҳам идрок қилмас эдинг. Лекин, Биз уни бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан кимни хоҳласак ҳидоят қилурмиз. Албатта, сен тўғри йўлга ҳидоят қилурсан.

Яъни, эй, Муҳаммад, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарларга юқорида баён қилганимиздек услублар ила ваҳий қилиб келган-миз.

**«Ана шунга ўхшаш, Биз сенга ўз амримиздан бир руҳни ваҳий қилдик.»**

Яъни, аввалги Пайғамбарларга ваҳий қилганимиздек, Ўз ихтиёри-миз ва амримиз ила инсониятта маънавий руҳ-жон қилиб, сенга Қуръонни туширдик. Аллоҳ таоло бу ояти каримада Қуръони Каримни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий орқали юборган сўнгги китобини руҳ-жон, деб атамоқда. Дарҳақиқат, Қуръони Карим инсоният учун маънавий руҳдир. Фақат Қуръони Карим инсоният учун маънавий руҳдир. Фақат у билангина инсоният маънавий жиҳатдан тирик бўла олади. Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Уни Аллоҳ таолонинг Ўзи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий орқали нозил қилгандир. Кофир ва мушриклар даъво қилаётгандек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни ўзлари тўқиб олган эмаслар. Бунинг бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки, ваҳий келмасдан олдин:

**«Сен китоб нималигини ҳам, иймон нималигини ҳам идрок қилмас эдинг».**

Ўқиш, ёзишни ўрганмаган уммий эдинг. Дин нима, диёнат нима, ваҳий нима, илоҳий китоб нима, билмас ҳам эдинг. Агар буларни билганингда, ўқиб-ўрганганларидан таъсирланиб, ўзига дин тўқиб олди, китоб нозил бўлди, деб даъво қилмоқда, десалар бўлар эди.

**«Лекин, Биз уни бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан кимни хоҳласак ҳидоят қилурмиз.»**

Ўша китоб — Қуръонни сен тўқиганинг йўқ. Уни Биз ўзимиз бир нур қилиб қўйдик. Ўша нур ила бандаларимиздан кимни хоҳласак жоҳилият зулматларидан Ислом-иймон ёруғлигига чиқарамиз. Ушбу китобга амал қила бориб,

**«Албатта, сен тўғри йўлга ҳидоят қилурсан».**

صِرَاطَ اللَّهِ الَّذِي لَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ اِلَّا اِلَى اللَّهِ تَصِيْرُ الْأُمُوْرِ

**53. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Уники бўлган Аллоҳнинг йўлига (ҳидоят қилурсан). Огоҳ бўлингким, барча ишлар Аллоҳгагина қайтур.**

Яъни, эй Муҳаммад, сен одамларни ҳидоят қиладиган тўғри йўл — осмонлару ердаги барча нарсаларнинг молики бўлмиш Аллоҳ таолонинг йўлидир. Сен Аллоҳнинг китоби ваҳийлари ила Аллоҳнинг бандаларини Аллоҳнинг тўғри йўлига ҳидоят қилурсан. Эй, одамлар!

**«Огоҳ бўлингким, барча ишлар Аллоҳгагина қайтур.»**



## ЗУХРУФ СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 89 оятдан иборат.*

«Зухруф» сўзи безак, зийнат маъносини англатади. Ушбу сураи кариманинг оятларидан бирида бу дунё ҳаётининг бор-йўқ матоҳи «зухруф»га — беҳуда безак, зебу зийнатга ўхшатилади, ном ўша оятдан олинган.

Маълумки, Қуръони Карим нозил бўлиши пайтида инсоният турли-туман бидъат-хурофот, бузуқ ақийдалар ва нотўғри тасаввурлар ботқоғида яшар эди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримни нозил қила бошлагач, яъни, кишиларни тавҳид дини бўлмиш Исломга амал қилишга, соф иймон ва ихлос ила ёлғиз Аллоҳ таолога бўйсунушга амр этгандан сўнг мазкур бидъатлар йўли тўсилди. Аллоҳ таоло Ўзи туширган оятлар воситаси ила ўша хурофотларни аста-секин муолажа қилишга киришди. Албатта, йиллар, авлодлар давомида кишилар онгига ўрнашиб қолган бидъатларни кўчириб ташлаб, ўрнига янгисини қўйиш осон эмас эди. Мушриклар ота-боболаридан мерос қолган эътиқод ва урф-одатларига маҳкам ёпишиб олиб, Қуръоний ақийдаларга қарши жон-жаҳдлари билан курашар эдилар. Қуръон эса, ўз навбатида, уларнинг нотўғри тасаввурларини мантиқ асосида, турли мисоллар билан фош этар, илоҳий амр заминидаги эътиқоднинг содда ва равшан эканини баён қиларди.

«Зухруф» сураси ҳам бошқа маккий суралар каби иймон, эътиқод масалаларини муолажа этиб, мазкур нотўғри тушунчаларни ўнглашга уринади.

Суранинг аввалида ваҳийнинг ҳақиқий масдари бўлган Қуръоннинг илоҳий калом эканлиги айтилади.

Сўнгра, Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига далолат қилувчи — осмонлару ер, тоғу тошлар, денгизлар, осмондан тушган сув, сув устида юрувчи кемалар, инсонга беминнат бериб қўйилган ҳайвонларнинг яратилиши ҳақида сўз кетади. Қизиғи шундаки, уларни ким яратганлиги борасидаги саволга мушриклар ҳам, Аллоҳ яратган, деб жавоб берганлар. Лекин, айтиш чокда, Аллоҳга эмас, ўз қўллари билан ясаб олган ҳайкал ва бут-санамларга ибодат қилганлар. Бу эса, ақлий жиҳатдан бир-

бирига мутлақо зид ҳолатдир. «Зухруф» сураси айнан ушбу ҳолатни муолажа қилади. Бунга мушрикларнинг, фаришталар Аллоҳнинг қизларидир, деган эътиқодлари мисол қилиб олинади ва бу ақийданинг нақадар эсипастлик экани батафсил тушунтирилади.

Сўнгра, ўтган Пайғамбарлардан Иброҳим алайҳиссаломнинг рисолатлари эслатилади. Маълумки, Макка мушриклари, биз Иброҳим алайҳиссалом динидамиз, миллатидамиз, у кишининг меросхўримиз, деб даъво қилар эдилар. Хўш, улар Иброҳим алайҳиссаломга эргашаётган бўлсалар, у зот чақирган йўлда юряптиларми? Сурада Иброҳим алайҳиссалом ҳеч қачон мушрик бўлмай, буту санамлардан биринчи бўлиб воз кечган, уларга қарши курашган зот бўлганликлари таъкидланади.

«Зухруф» сурасида мушрикларнинг Пайғамбар шахси хусусидаги нотўғри тасаввурлари ҳам муолажа қилинади. Мушриклар Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламдек фақир ва камтар инсоннинг Пайғамбар бўлишини тасаввурларига сиғдира олмас эдилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбар бой-бадавлат ва асъасаю даб-дабали одам бўлиши керак эди. Сурада Аллоҳ таоло кимни Пайғамбар ўлароқ танлашини Ўзи билиши баён қилинади. Шунингдек, мушриклар мезонидаги молу дунё, турли дабдабалар инсон қадрининг ўлчови бўла олмаслиги, Аллоҳнинг наздида дунё ва унинг жамийки зебу зийнатлари сариқ чақачалик турмаслиги, уни Аллоҳ таоло ҳаммага, ҳатто кофир, осий ва мунофиқларга ҳам беравериши таъкидланади.

Ушбу ҳақиқатнинг далили сифатида Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қиссаси келтирилади. Молу дунёси, салтанати ва мартабаси ила керилиб, Мусо алайҳиссаломдан ўзини юқори тутган золим Фиръавннинг оқибати эсга олинади.

Суранинг охирида қиёмат шиддатлари, охират азоблари ва дўзайиларнинг ҳоли баён қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

حَمْدٌ وَإِلَىٰ كِتَابِ الْمُبِينِ ﴿١﴾ إِنَّا جَعَلْنَاهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا لَّعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢﴾

1. Ҳаа. Мийм.
2. Очиқ-ойдин китоб ила қасам.
3. Албатта, Биз уни арабча Қуръон қилдик. Шоядки, ақл юритсангиз.

Яъни, ақл юритасиз деган мақсадда охирги китобимизни араб тилида нозил этдик.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги китоби учун араб тилини танлагани ва бу китобни ҳаётга татбиқ этиш учун араб Пайғамбар ва араб халқини танлагани сабаблари аввал айтиб ўтилди. Албатта, бу оятлар араблар учун шараф бўлиши билан бирга, улар устига жуда улкан масъулият ҳам юклайди. Қуръонга, иймонга, Исломга хизмат қилишдек катта масъулиятни қўяди. Араблар ақлларини ишлатиб, ўзларига юклатилган буюк вазифани тушуниб етишлари ва унга лойиқ хизмат қилишлари лозим бўлади.

وَاتَّخَذْنَا فِيهَا مَكْتُبًا لِّدِينِنَا لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ

**4. Албатта, у ҳузуримиздаги она китобдадир, у олийдир, ҳикматлидир.**

Ушбу оятда Қуръони Карим Аллоҳ таоло наздида қанчалик юксак мақомга эга экани кўриниб турибди.

**«Албатта, у ҳузуримиздаги она китобдадир.»**

Уламоларимиз, «она китоб»дан мурод Лавҳул Маҳфуздир, деганлар. Демак, Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг ҳузурдаги Лавҳул Маҳфузда сақланган. Бу эса, уни Аллоҳ таоло нақадар зўр қадрлаганини кўрсатади.

**«У олийдир, ҳикматлидир.»**

Яъни, Қуръон олий мартабали ва серҳикмат китобдир.

Лекин шунга қарамай одамлар бу китобни инкор қиладилар, унга шак келтирадилар ва ундан юз ўгирадилар. Аллоҳ таоло келаси оятларда мана шунақа тоифа кофирларга таҳдид ила хитоб қилади:

أَفَنَضْرِبُ عَنْكُمْ الذِّكْرَ صَفْحًا أَنْ كُنْتُمْ قَوْمًا مُّسْرِفِينَ

**5. Наҳотки, сиз исрофчи қавм бўлганингиз учун сиздан юз ўгириб, зикр (эслатма)ни буриб юборсак?!**

Кофирлар Қуръонга иймон келтирмасликлари билан ўта исрофчи эканларини, яъни, Аллоҳ уларга берган неъматларни ўз жойига эмас, балки бекордан-бекорга сарфловчи кишилар эканларини кўрсатдилар. Аслида, Аллоҳ таоло уларнинг тилларида китоб тушириши улар учун улуғ неъмат эмасми? Аллоҳ таоло бу китоб ила уларга икки дунё саодати йўлини кўрсатиб қўйиши улуғ неъмат эмасми? Аллоҳ таоло уларга бу китобни қиёмат кунига эслатма қилиб қўйи-



ши улуғ неъмат эмасми? Ушбу олий мартабали ва серҳикмат очиқ-ойдин китобга ишонмасликдан ҳам ортиқ исрофгарчилик борми? Ана шу даражадаги нобакор, золим ва исрофчи кишиларни тек қўйиб қўйиш мумкинми?

**«Наҳотки, сиз исрофчи қавм бўлганингиз учун сиздан юз ўгириб, зикр (эслатма)ни буриб юборсак?!»**

Яъни, Қуръонни булар қабул қилмас экан, майли, юраверсинлар, деб уни бошқалар томонга буриб юборсак, тўғри бўладими?! Йўқ, Бизнинг одатимиз бундай эмас. Асл одатимизни билиш учун ўтган Пайғамбар ва умматларнинг ҳолига бир назар солинг!

وَكَمْ أَرْسَلْنَا مِنْ نَبِيِّ فِي الْأَوَّلِينَ ﴿٦﴾

### 6. Аввалгиларга қанчадан-қанча Пайғамбарлар юбордик.

Кишиларга Пайғамбар юборишимиз янгилик эмас. Аввал ҳам кўплаб Пайғамбарларни юборганмиз.

وَمَا يَأْتِيهِمْ مِنْ نَبِيِّ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٧﴾

### 7. Улар ўзларига келган ҳар бир Пайғамбарни, албатта, истеҳзо қилганлар.

Ана ўша аввалги қавмларга қайси бир Пайғамбар келса, албатта, уни масхара қилганлар.

فَأَهْلَكْنَا أَشَدَّ مِنْهُمْ بَطْشًا وَمِثْلُ الْأَوَّلِينَ ﴿٨﴾

### 8. Бас, Биз улардан кўра кучлироқларни ҳалок қилганмиз. Аввалгиларнинг мисоли (зикр бўлиб) ўтди.

Яъни, аввалги даврларда, биз Макка мушрикларидан кўра кучлироқ қавмларни ҳам Пайғамбарларимизни масхара этганлари учун ҳалок қилганмиз. Бунга мисол қиссалар Қуръоннинг бошқа оятларида ўтди. Бас, ҳозирги мушриклар ибрат олиб, ҳалок бўлмасларидан аввал ўзларини ўнглаб олсинлар.

Ажабланарлиси шуки, мазкур кофир ва мушриклар Аллоҳга куфр келтирадилар, Аллоҳ юборган Пайғамбар устидан куладилар ва Аллоҳ туширган китобни инкор этадилар. Аммо:

وَلَيْنِ سَأَلْنَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ خَلَقَهُنَّ الْعَزِيزُ الْعَلِيمُ ﴿٩﴾

**9. Улардан: «Осмонлару ерни ким яратган!» – деб сўрасанг, албатта: «Уларни азийз ва ўта илмли зот яратган», дерлар.**

Қуръони Каримнинг ушбу оятида кофир ва мушриклар энг оддий мантиққа ҳам хилоф иш тутишлари фош қилинмоқда. Улар Аллоҳга куфр келтирадилар. Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб юборишига ишонмайдилар. Аллоҳ таоло ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни нозил қилганига шак келтирадилар. Аммо:

**«Улардан: «Осмонлару ерни ким яратган!» – деб сўрасанг, албатта: «Уларни азийз ва ўта илмли зот яратган», дерлар».**

Хўш, шундай экан, унда нега осмонлару ерни яратган Ўша азийзу ўта илмли зотга иймон келтирмайсиз?! Нимага Ўша азийзу илмли зот юборган Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, эргашмайсиз? Нимага Ўша азийзу ўта илмли зот нозил қилган Қуръонга иймон келтириб, унга амал қилмайсиз?! Ахир:

الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ مَهْدًا وَجَعَلَ لَكُمْ فِيهَا سُبُلًا لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٠﴾

**10. У зот сизга ерни бешик қилиб берди ва сизга унда йўллар қилиб қўйди. Шоядқи, ҳидоят топсангиз.**

Осмонлару ерни яратган, азийз ва ўта илмли ўша зот, яъни Аллоҳ сизга ерни чақалоқнинг бешигидек қулай қилиб берди. Яна, сизга ер юзида йўллар ҳам яратиб қўйди. Ўша йўллар орқали сиз кўзлаган мақсадингизга етиб оласиз. Шоядқи, бу ҳақиқатларни тушуниб етиб, инсофга келиб, ҳидоят йўлига юрсангиз.

وَالَّذِي نَزَّلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً بِقَدَرٍ فَأَنْشَرْنَا بِهِ بَلْدَةً مَّيْتًا كَذَلِكَ تُخْرَجُونَ ﴿١١﴾

**11. У зот осмондан ўлчов ила сув туширди. Бас, биз у(сув) ила ўлик юртни тирилтирдик. Сиз ҳам шунга ўхшаш чиқари- лурсиз.**

Осмону ерни яратган, азийзу ўта илмли Аллоҳ осмондан ём- фир, қор ёғдириб, ўлчов ила сув туширади. Сув билан ўлиб ётган ерларни тирилтирди. Уларга ҳаёт бахш этди. Бу ишга қодир Зот сизни ўлганингиздан сўнг қайта тирилтиришга ҳам қодирдир.

Қиёмат куни:

**«Сиз ҳам шунга ўхшаш чиқарилурсиз».**

Яъни, Аллоҳ таоло ўлик юртларга ёмфир ёғдириб, ер остидаги ўсимликларни ундириб чиқарганидек, қиёмат куни сиз ҳам қабр- ларингиздан чиқариласиз.

Оқибат шундай бўлгач, фурсат борида ўзингизни ўнглаб, иймонга келиб, Аллоҳнинг баъдалигини қилинг.

وَالَّذِي خَلَقَ الْأَزْوَاجَ كُلَّهَا وَجَعَلَ لَكُم مِّنَ الْفَلَكَ وَالْأَنْعَامِ مَا تَرْكَبُونَ ﴿٦٦﴾ لِّتَسْتَوْأَعَلَىٰ ظُهُورِهِ ثُمَّ تَذْكُرُوا نِعْمَةَ رَبِّكُمْ إِذَا اسْتَوَيْتُمْ عَلَيْهِ وَتَقُولُوا سُبْحٰنَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هٰذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ ﴿٦٧﴾ وَإِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ ﴿٦٨﴾

**12. У зот барча жуфтларни яратган ва сизга кемалар ҳамда чорва ҳайвонларидан минадиган нарсаларингизни қилди.**

**13. Токи, сиз уларнинг устига ўрнашгайсизлар, сўнгра, уларнинг устига ўрнашиб олгач, Роббингиз неъматини эслаб: «Бизга буни бўйсундирган Зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик.**

**14. Ва, албатта, биз Роббимизга қайтгувчилардирмиз», дегайсиз.**

Илм тараққиёти борлиқдаги Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса жуфт бўлишини исбот этди. Нафақат инсон ва ҳайвонлар, балки набототлар, жамодотлар, ҳатто, кўзга кўринмас электронлар ҳам (мусбат-манфий) жуфт бўлиши кашф этилди. Бу эса, ўз навбатида, доимий илоҳий мўъжиза – Қуръони Карим мўъжизаларини тасдиқлашда яна бир қадам бўлди. Ана шу кашфиётдан кейин,

**«У зот барча жуфтларни яратган...»** жумласини, Аллоҳ дунёдаги барча нарсаларни яратган зотдир, деб тушунишимиз осонлашди.

Ҳа, Аллоҳ таоло борлиқдаги барча нарсаларни, жумладан, кофирларни ҳам яратган зотдир.

Аллоҳ таоло борлиқдаги нарсаларни яратибгина қўймаган. Балки сизга, эй инсонлар, яна бошқа неъматларни ҳам ато қилган.

Инсонлар бу оддий ҳақиқатни англаб етиб, Аллоҳга иймон келтиришлари керак, холос.

**«...ва сизга кемалар ҳамда чорва ҳайвонларидан минадиган нарсаларингизни қилди.»**

Қадимги замонлардан бери одамлар улов сифатида ушбу икки хил нақлиёт воситасидан фойдаланиб келадилар. Бу нарса Аллоҳ таоло томонидан берилган улкан неъмат эди. Инсофли, ўзини билган инсон ўзига миниш уловини бериб, хизмат қилдириб қўйган Зотни доимо яхшилик билан эслаб, Унга шукр этиши керак. Неъматга шукр айтиш шундай бўлади. Аллоҳ таоло меҳрибон, У зот баъдаларига мазкур неъматга нисбатан шукр одобини ҳам Ўзи ўргатиб қўймоқда.

**«Токи, сиз уларнинг устига ўрнашгайсизлар...»**

Яъни, кемаларни, чорва ҳайвонларини миниб, устига ўрнашгайсиз.

**«...сўнгра, уларнинг устига ўрнашиб олгач, Роббингиз неъматини эслаб: «Бизга буни бўйсундирган Зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик. Ва, албатта, биз Роббимизга қайтгувчилардирмиз», дегайсиз».**

Инсон маркабга минганда ўзида алақандай бир кўтаринкилик, гурур ва манманлик пайдо бўлганини сезади. Ана шунда, дарҳол, унга маркаб миниш имконини берган зотни, яъни Аллоҳ таолони эсласа, Унга шукрона ўлароқ ушбу оятдаги дуони ўқиса, ҳамма нарса ўрнига тушади.

**«Бизга буни бўйсундирган Зот покдир.»**

Яъни, бизга бу маркабни берган Аллоҳ покдир. Агар ўша пок Зот маркабни бизга бўйсундириб бермаганида,

**«Биз бунга қодир эмас эдик».**

Бизда бундай маркабларни бўйсундириб олиш имкони йўқ. Бу иш бизнинг қўлимиздан келмас эди.

**«Ва, албатта, биз Роббимизга қайтгувчилардирмиз», дегайсиз.»**

Ҳеч қачон бошқага қайтмаймиз. Шунинг учун, доимо Уни эслаймиз. Доимо Унга ибодат ва шукр қиламиз.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сафарга чиқиб уловга минсалар, уч марта «Аллоҳу акбар», деб такбир айтар ва қуйидагиларни ўқир эдилар: «Бизга буни бўйсундирган Зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик. Ва, албатта, биз Роббимизга қайтгувчилардирмиз».

Ё Аллоҳ! Биз сендан бу сафаримизда яхшилик ва тақвони, Ўзинг рози бўладиган амалларни сўраймиз.

Ё Аллоҳ! Ўзинг бизга бу сафаримизни осон қилгин. Унинг узоғини яқин қилгин. Ё Аллоҳ! Сенинг Ўзинг сафардаги соҳибсан. Аҳли аёлдаги халифасан.

Ё Аллоҳ! Мен сендан сафар қийинчиликларидан, турли ёмонликлардан, молу мулк ва аҳли аёлнинг ёмонликка юз тутишидан паноҳ сўрайман.

Ҳар бир мусулмон одам бунга амал қилмоғи даркор.

Кейинги оятларда мушрикларнинг, фаришталар Аллоҳнинг қизларидир, деган бузуқ ақийдалари муолажа қилинади:

وَجَعَلُوا اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ، جُزْءًا إِنَّ الْإِنْسَانَ لَكَفُورٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾

**15. Улар бандаларидан Унга бўлак (ҳукм) қилдилар. Албатта, инсон очиқ-ойдин ношукрдир.**

Яъни, мушриклар У зотнинг бандаларидан бўлмиш фаришталарни Аллоҳнинг бўлаги – фарзанди деб ҳукм қилдилар. Фарзанди ота-онанинг парчаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мушрикларнинг, фаришталар Аллоҳнинг қизларидир, деган ақийдалари, улар Аллоҳнинг бўлагидир, дейиш билан тенг дейилмоқда. Аслида эса, фаришталар Аллоҳнинг бўлаги – фарзанди эмас, У зотнинг бандаларидир. Шундай бўлгандан кейин, эй, мушриклар, бу ҳукмингиз қандай ҳукм?!

أَمْ اتَّخَذَ مِمَّا يَخْلُقُ بَنَاتٍ وَأَصْفَنَ كُمْ بِالْبَنِينَ ﴿١٦﴾

**16. Ёки У зот Ўзи яратадиган нарсадан қизлар тутиб, сизларни ўғиллар ила сийладими?**

Эй, мушриклар, Аллоҳ Ўзига фарзанд тутди, дейсиз. Ўғилни афзал кўриб ўзингизга, қизни эса, Аллоҳга раво кўрасиз. Наҳотки, У зот ўғилларни сизга бериб сийласа-да, Ўзига рағбат қилинмайдиган қизларни олса?!

Дарҳақиқат, бу ҳукм мушрикларнинг жуда ҳам ноўрин ҳукмидир.

وَإِذْ أَبَشَرَ أَحَدَهُمْ بِمَا ضَرَبَ لِلرَّحْمَنِ مَثَلًا ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿١٧﴾

**17. Қачонки улардан бирортасига, Роҳманга мисол келтирган нарсанинг хушхабари берилса, ғазабга тўлиб, юзи қорайиб кетур.**

Мушриклар, Аллоҳнинг фариштадан қизи бор, дейишади-ю, ўзларига, қиз кўрдинг, деган хушхабар келса, хафа бўлиб, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетади. Ўзига қиз фарзанд бўлишини шунчалар ёмон кўради. Ўзи ёқтирмаган нарсани қандай қилиб Аллоҳ таолога нисбат беради?! Улар Аллоҳга кимни нисбат бермоқдалар?!

أَوْ مِنْ يُنْتَشَوْنَ فِي الْحِلْيَةِ وَهُوَ فِي الْخِصَامِ غَيْرُ مُبِينٍ ﴿١٨﴾

**18. Зебу зийнат ичида ўстириладиган ва хусумат пайтида очиқ-ойдин бўла олмайдиган кимсаними?!**

Маълумки, қиз бола нозик бўлади. Аёл табиатан зебу зийнати севади. Шу боис, у зебу зийнат ва безаклар ичида, авайлаб ўстирилади. Уруш-жанжал, талашиб-тортишишга ярамайди. Мушриклар ҳаёти эса, кўпроқ уруш-жанжал, жангу жидол билан ўтар

эди. Бу талашиб-тортишишлар ва ўзаро урушларда уларга ўғил болалар керак. Қизларни ёмон кўришларининг сабабларидан бири ҳам шу. Шундай экан, нима учун ўзларига ёқмаган нарсани Аллоҳга нисбат берадилар? Уларнинг бу ишлари ўзларининг тасаввурлари ва дунёқарашларига асосан ҳам ўта ноинсофлик-ку?!

وَجَعَلُوا الْمَالِئِكَةَ الَّذِينَ هُمْ عَبْدُ الرَّحْمَنِ أَنْشَاءً شُهَدَاءُ وَأَخْلَفَهُمْ سَكُنِبَ شَهَدَتْهُمْ وَيَسْأَلُونَ

**19. Улар Роҳманнинг бандалари бўлмиш фаришталарни аёллар ҳисобладилар. Ёки уларнинг яратилишига гувоҳ бўлдиларми?! Албатта, бу гувоҳликлари ёзилур ва сўроққа тутилулар!**

Мушриклар Роҳман сифатига эга Аллоҳнинг бандалари бўлган фаришталарни, ўзларича, аёл кишилар ҳисоблайдилар. Бундай қилишга уларнинг нима ҳаққи бор?

**«Ёки уларнинг яратилишига гувоҳ бўлдиларми?!»**

Яъни, Аллоҳ таоло фаришталарни яратаётган пайтда мушриклар гувоҳ бўлиб турган эдими? Аллоҳ ўшанда фаришталарни аёл қилиб яратганини кўриб қолган эдиларми?!

**«Албатта, бу гувоҳликлари ёзилур ва сўроққа тутилулар!»**

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мушрикларнинг, фаришталар Аллоҳнинг қизларидир, деган даъволари номаи аъмолларига ёзиб қўйилади ва қиёмат куни бу ҳақда сўроққа тутиладилар.

Бу ҳам етмаганидек:

وَقَالُوا لَوْ شَاءَ الرَّحْمَنُ مَا عَبَدْنَاهُمْ مَالَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ

**20. Улар: «Агар Роҳман хоҳлаганида, биз уларга ибодат қилмас эдик», дедилар. Уларда бу ҳақда ҳеч бир илм йўқ. Улар фақат алжирамоқдалар, холос.**

Маълумки, мушриклар орасида фаришталарга сиғинадиганлари ҳам бор эди. Улардан, нега фаришталарга ибодат қиласиз, деб сўралса, Аллоҳнинг қизларидир, шунинг учун уларга ибодат қиламиз, деб жавоб қилар эдилар. Албатта, фаришталар Аллоҳнинг қизлари эканлиги қанчалик ботил бўлса, уларга топиниш ҳам шунчалик ботил ишдир. Ақл ишлатиб, далил суриштирилса, бу ҳақиқат дарҳол аён бўлади. Мушрикларнинг фаришталарга ибодат қилишлари ўта мантиқсиз эканлиги юзага чиқади. Ана шунда улар вазиятдан қутулиш учун ҳийла йўлига ўтадилар.

**«Улар: «Агар Роҳман хоҳлаганида, биз уларга ибодат қилмас эдик», дедилар.»**

Яъни, мушриклар, агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз фаришталарга

ибодат қилмас эдик, бу иш бизнинг хоҳишимиз билан эмас, Аллоҳнинг истаги ила бўлмоқда, ахир, бу дунёда ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан бўлади-ку, демоқчилар. Бу, аслида, ботилни ирода қилиб айтилган ҳақ гапдир. Дунёдаги ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлиши ҳақ, аммо, Аллоҳ фаришталарга ибодат қилишимизга рози бўлди, дейишлик ботилдир. Чунки, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга ҳидоят ёки залолатни танлаш имкониятини ҳам бериб қўйган. Сўнгра унга ҳидоят йўлини танлашни буюрган. Агар инсон ҳидоят йўлини танласа, рози, куфр ва залолат йўлини танласа, норози бўлишини айтган. Мушриклар эса, ўзларини оқлаш учун баҳона тўқимоқдалар. Ҳолбуки,

**«Уларда бу ҳақда ҳеч бир илм йўқ».**

Қаердан ҳам уларда илм бўлсин? Ахир:

**«Улар фақат алжирамоқдалар, холос».**

Ҳеч бир ҳужжат ёки далилсиз, хаёлларига келган нарсани вай-самоқдалар, холос.

أَمْ أَيْنَهُمْ كِتَابٌ مِّن قَبْلِهِ فَمُهَيِّئُوا لَهُمْ مِثْلَ مَا أُوتُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٢١﴾

**21. Ёки Биз уларга у(Қуръон)дан олдин бир китоб берганмиз-у, улар уни маҳкам тутувчиларми?!**

Ана ўша китобга суяниб, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, демоқдаларми?! Ана ўша китоб асосида фаришталарга ибодат қилмоқдаларми?!

بَلْ قَالُوا إِنَّا وَجَدْنَا آبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ آثَرِهِمْ مُّهْتَدُونَ ﴿٢٢﴾

**22. Йўқ! Улар: «Биз ота-боболаримизни бир динда топдикки, албатта, биз уларнинг изларидан (эргашиб) ҳидоят топгувчидирмиз», дедилар.**

Қуръондан олдин уларга китоб берилгани йўқ! Улар ҳеч қандай китобга суянганлари ҳам йўқ. Уларнинг бирдан-бир ҳужжат-далиллари ота-боболарининг амалларидир. Улар, ўзларича, ота-боболаримизга кўр-кўрона эргашсак бўлди, ҳидоят топамиз, деб хаёл қиладилар.

Эй Муҳаммад, уларнинг бу гапларию қилмишларидан ажабланма, хафа ҳам бўлма:

وَكَذَٰلِكَ مَا أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ فِي قَرْيَةٍ مِّن نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا وَجَدْنَا آبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا

عَلَيْهِمْ مُّقْتَدُونَ ﴿٢٣﴾

**23. Худди шунингдек, Биз сендан илгари ҳам қайси бир қишлоқ-шаҳарга огоҳлантиргувчи юборсак, албатта, унинг зо-**

**дагонлари: «Таъкидки, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва, албатта, биз уларнинг изларидан эргашувчилардирмиз», дедилар.**

Ота-боболарининг ишларини ўз куфр ва залолатларига ҳужжат-далил қилиб олиш фақат Куръон нозил бўлгандан кейинги мушрикларга хос эмас, балки бу дард барча давр мушрикларининг урф-одатидир.

Қачонки Аллоҳ томонидан огоҳлантирувчи Пайғамбар келиб, уларни ҳақ динга даъват қилиб, ўзига эргашшига чақирса, ўша юртларнинг бойлари, зодагон бошлиқлари ҳамманинг номидан жавоб бериб:

**«Таъкидки, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва, албатта, биз уларнинг изларидан эргашувчилардирмиз», дедилар».**

Шунда уларга:

﴿ قُلْ أُولُوْٓآٰئِكُمْ بِأَهْدَىٰٓ مِمَّا وَجَدْتُمْ عَلَيْهِۤٓءَآبَآءَكُمُ قَالُوْٓا إِنَّا بِمَا أُرْسِلْتُمْ بِهِۦٓ كٰفِرُوْنَ ﴾

**24. У (огоҳлантирувчи): «Агар мен сизга сиз ота-бобонгизни устида топган нарсангиздан ҳам ҳидоятлироқни келтирган бўлсам ҳам-а?!» – деди. Улар: «Биз сен ила юборилган нарсага кофирдирмиз», дедилар.**

Яъни, ўша нобакор қавмга уларни куфрнинг ёмон оқибатидан огоҳлантирувчи бўлиб келган Пайғамбар:

**«Агар мен сизга сиз ота-бобонгизни устида топган нарсангиздан ҳам ҳидоятлироқни келтирган бўлсам ҳам-а?!» – деди».**

Яъни, мен келтирган дин, сизнинг ота-бобонгизнинг динидан кўра ҳидоятлироқ бўлса ҳам сиз ота-бобонгизнинг динида юришни давом эттираверасизми?! Мен келтирган динни инкор қилишда давом этаверасизми?! – деди. Шунда,

**«Улар: «Биз сен ила юборилган нарсага кофирдирмиз», дедилар».**

Ноилож қолган кофирлар гапни хаспўшлашни йиғиштириб, очигини айтишди. Ўз кофирликларини тан олишди. Биз кофирмиз, дейишди.

Шу боис ҳам,

﴿ فَآتَنَقَمْنَا مِنْهُمُ ۖ فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكٰذِبِيْنَ ﴾

**25. Бас, Биз улардан интиқом олдик. Энди назар сол. (Пайғамбарларни) ёлғончи қилгувчиларнинг оқибати қандай бўлди?!**



Биз уларнинг куфрлари учун муносиб жазо бердик:

**«Бас, Биз улардан интиқом олдик».**

Интиқом олишимиз турлича бўлган.

**«Энди назар сол.»**

Шошилмай назар солиб, ўрганиб чиқ. Аллоҳ томонидан келган Пайғамбарни ёлғончига чиқарган ҳар бир қавмнинг тарихини ўрганиб чиқ.

**«(Пайғамбарларни) ёлғончи қилгувчиларнинг оқибати қандай бўлди?!»**

Бундоқ қавмларнинг барчасининг оқибати вой бўлган. Пайғамбарларни ёлғончига чиқарган қавмлардан бирортаси ҳам саломат қолмаган.

Бундан буён ҳам ким Пайғамбарни ёлғончига чиқарса, аввалги кофир-мушриклар учраган балога йўлиқади.

Юқоридаги оятларда мушрикларнинг ота-боболарига кўр-кўрона тақлид этишларининг баёни келди. Эндиги оятларда уларнинг қилмишлари беҳуда даъво ва нотўғри иш эканини исботловчи далил келтирилади. Халилур Роҳман (Аллоҳнинг халили) Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари сўзланади.

Маълумки, араблар, хусусан, Ҳижоз араблари ўзларини Иброҳим алайҳиссалом сулоласидан, деб билишар ва у зотдек улур Пайғамбар боболари борлиги билан жуда фахрланишар эди. Бу эса, уларнинг, биз ота-боболаримизга эргашамиз, деган гапларининг мутлақо нотўғрилигига ёрқин ҳужжат эди. Чунки, улар ўзларининг энг катта боболари Иброҳим алайҳиссаломга эргашмаётганлари аниқ эди. Агар улар боболари Иброҳим алайҳиссаломга эргашсалар, мушрик бўлишмасди. Чунки, Иброҳим алайҳиссалом ҳеч қачон Аллоҳга ширк келтирган эмаслар. Балки ширкка қарши ашаддий курашчи бўлганлар. Иккинчидан, Иброҳим алайҳиссалом ота-боболарига кўр-кўрона эргашмаганлар, балки мушрик оталари ва қавмларига қарши чиққанлар ва уларни тавҳидга даъват этганлар.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ إِنَّنِي بَرَاءٌ مِّمَّا تَعْبُدُونَ ۖ إِلَّا الَّذِي فَطَرَنِي فَإِنَّهُ سَيِّدِي ۖ

**26. Эсла, Иброҳим отасига ва қавмига: «Мен, албатта, сиз ибодат қилаётган нарсадан воз кечгувчиман.**

**27. Магар мени яратган Зотдангина (воз кечмасман). Албатта, У зот мени ҳидоят қилур», деган эди.**

Яъни, эй Муҳаммад, сен Иброҳимни эсла. У, «Иброҳимнинг миллатиданмиз, ота-боболаримизнинг изларидан эргашамиз», деб даъво қилаётган мана бу мушрикларга мутлақо ўхшамас эди.

«Иброҳим отасига ва қавмига: «Мен, албатта, сиз ибодат қилаётган нарсадан воз кечгувчиман...» деган эди.


У ўз отасига ва қавмига: «Эй отам, эй қавмим, мен сиз ибодат қилаётган нарсаларнинг бирортасига ҳам ибодат қилмайман», деган эди.

«Магар мени яратган Зотдангина (воз кечмасман).»

Фақат ёлғиз У зотнинг Ўзигагина ибодат қиламан.


«Албатта, У зот мени ҳидоят қилур», деган эди.»

Фақатгина мени яратган зот, Аллоҳгина мени икки дунё саодатига ҳидоят қилади, бошқа ҳеч қандай зот ҳидоят қила олмайди. Шунинг учун ҳам, фақатгина У зотнинг Ўзигагина ибодат қилиш матлуб.


 وَجَعَلَهَا كَلِمَةً بَاقِيَةً فِي عَقِبِهِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ

**28. Ва бу(сўз)ни у ўз ортидан зурриётига боқий қолгувчи қилди. Шоядки (иймонга) қайтсалар.**

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳга ибодат қилмаслик ҳақидаги сўзни, бошқача айтганда, «Лаа илааҳа Иллаллоҳ»ни ўзидан кейин келадиган зурриётлари ичида боқий қоладиган қилди. Шоядки, зурриётлари куфр ва ширқдан иймонга қайтсалар. Иброҳим алайҳиссалом Пайғамбарларнинг отаси ҳисобланадилар. Зотан, кейин юборилган барча Пайғамбарлар, жумладан, Мусо, Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўша зотнинг зурриётлари саналадилар. Ана ўшалар ва уларга эргашганлар орқали тавҳид калимаси ер юзида боқий қолиб келмоқда.


 بَلْ مَتَّعْتُمْ هَؤُلَاءِ وَاَبَاءَهُمْ حَتَّىٰ جَاءَهُمُ الْحَقُّ وَرَسُولٌ مُّبِينٌ

**29. Мен эса, анавиларни ва уларнинг ота-боболарини, то уларга ҳақ ҳамда очиқ-ойдин Пайғамбар келгунча фойдалантирдим.**

Ояти каримадаги «анави»лардан мурод мушриклардир. Аллоҳ уларни ҳақир санаб «анави»лар демоқда. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга оид гап-сўзларни қўйиб, мушрикларнинг бевосита ўзларига тегишли сўзларни бошламоқда. Ўша мушрикларга ва уларнинг ота боболарига ҳақ Қуръон ва очиқ-ойдин Пайғамбар — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунга қадар дунё неъматларидан фойдалантириб турганини эслатмоқда. Уларни яратиб, шунчалар фойдалантирган Зот уларга ҳақ китобни нозил қилиб, очиқ-ойдин Пайғамбарни юборганда хурсандлик билан кутиб олиб, дарҳол иймон келтиришлари лозим эди.

Аммо, улар тамоман тескари иш тутдилар.

وَلَمَّا جَاءَهُمُ الْحَقُّ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ وَإِنَّا بِهِ كَافِرُونَ ﴿٣٠﴾

**30. Қачонки уларга ҳақ келганида, улар: «Бу сеҳрдир ва, албатта, биз бунга кофирдирмиз», дедилар.**

Ҳъни, мушрикларга Қуръон келганда унга куфр келтириб, уни «сеҳр» деб, тухмат қилдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келганларида эса:

وَقَالُوا لَوْلَا نُزِّلَ هَذَا الْقُرْآنُ عَلَىٰ رَجُلٍ مِّنَ الْقَرِيبِينَ عَظِيمٍ ﴿٣١﴾

**31. Улар: «Ушбу Қуръон икки шаҳардан (бирида) бўлган улуг кишига нозил қилинганида эди», дедилар.**

Мушриклар айтаётган «икки шаҳар» Макка ва Тоиф шаҳарларидир.

Аллоҳнинг каломи Қуръони Каримни инкор этиб, уни «сеҳр» деб, куфр келтирган мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдек етим, камбағал ва ҳеч бир мансаб эгаси бўлмаган кишининг Пайғамбарлигини ҳам инкор этдилар. Уларнинг жоҳилий ўлчовлари бўйича, молу дунёси кўп, мансаби, ҳукми ва султони бор одам «улуғ киши» деб эътироф этиларди. Ана шундай одам Пайғамбар бўлишга лойиқ эди.

Ўша пайтда мушрикларнинг бу мақомга номзодлари ҳам бор эди. Маккада ал-Валид ибн Муғийра, Тоифда Урвату ибн Масъуд ас-Сақафий исмли одамлар бўлиб, мушриклар: ана шулардан бири Пайғамбар бўлса арзийди, деган фикрда эдилар. Мушрикларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръон нозил бўлганидан кейин иймон келтирмасдан:

**«Ушбу Қуръон икки шаҳардан (бирида) бўлган улуг кишига нозил қилинганида эди», дейишларига сабаб шудир.**

Лекин кимни Пайғамбар қилишни Аллоҳ таолонинг Ўзи жуда яхши билади. Аллоҳ Ўз Пайғамбарининг мол-дунёли эмас, балки одоб-ахлоқли одам бўлишини хоҳлади. Шунинг учун ҳам, ўша талабларга тўлиқ жавоб берадиган Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламини Пайғамбар ўлароқ танлади.

Мушриклар Аллоҳнинг ишига аралашиб нима қиладилар?

أَهُمْ يَقْسِمُونَ رَحْمَتَ رَبِّكَ لَنْ قَسِمْنَا بِئِهِمْ مَعِشَتُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَرَفَعْنَا بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِّيَتَّخِذَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا سَخِرِيًّا وَرَحْمَتَ رَبِّكَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ ﴿٣٢﴾

**32. Ёки улар Роббингнинг раҳматини тақсимлайдиларми? Биз ҳаёти дунёда уларнинг ораларида маийшатларини тақсимладик ва баъзилари баъзиларини хизматкор қилиб олишлари учун айримларининг даражаларини айримларидан устун қилиб қўйганмиз. Роббингнинг раҳмати улар жамлайдиган нарсадан яхшидир.**

Нима учун мушриклар, фалончи эмас, пистончи Пайғамбар бўлсин, дейдилар.

**«Ёки улар Роббингнинг раҳматини тақсимлайдиларми?!»**

Пайғамбарлик Аллоҳнинг бандаларига берадиган энг катта раҳматидир. Ўша раҳматни кимга тақсим қилиш мушрикларнинг ихтиёридами?!

Раҳматни тақсимлаш ёлғиз Аллоҳ таолонинг иши, Пайғамбарлик у ёқда турсин, оддий ризқ-рўзни ҳам ўша кофирларга-да У зотнинг Ўзи тақсимлайди.

**«Биз ҳаёти дунёда уларнинг ораларида маийшатларини тақсимладик.»**

Бу дунё ҳаётида маийшат, ризқ-рўз одамлар орасида Аллоҳ томонидан турлича тақсимланган. Бир шахснинг ризқи бошқасиникидан, бир жамиятники иккинчисиникидан, бир замонники бошқа замонникидан фарқли бўлади. Кишилар ўртасидаги ризқ турли даражада бўлиши ҳам ҳикматлидир. Буни қуйидаги жумла баён қилади:

**«...ва баъзилари баъзиларини хизматкор қилиб олишлари учун айримларининг даражаларини айримларидан устун қилиб қўйганмиз».**

Бу дегани, пулсизларни пули кўпларга қул, чўри ёки хизматкор қилиб қўйганмиз, дегани эмас. Балки, инсонлар ризқ-рўздаги тафовутлари туфайли бир-бирларига хизмат қиладилар, деганидир. Ана шу асосда давлат раҳбари деҳқонга, деҳқон давлат раҳбарига, бой камбағалга, камбағал бойга хизмат қилади. Бу дунёдаги ризқ масаласи ана шундан иборат.

**«Роббингнинг раҳмати улар жамлайдиган нарсадан яхшидир.»**

У раҳматни Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандасига беради. Чунки, бу буюк илоҳий раҳмат бўлмиш Пайғамбарлик ва дунёнинг матоҳи, ҳойи-ҳаваси орасида ҳеч қандай алоқа йўқдир. Бундай маънавий неъматлар фақат пок, тақводор ва дунё матоҳига ўзини урмаган кишиларга берилади.

Дунёнинг зебу зийнати, ҳойи-ҳаваси, мол-мулки ва обрў-эътиборини ким хоҳласа, олаверсин.

وَلَوْلَا أَن يَكُونَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً لَّجَعَلْنَا لِمَن يَكْفُرُ بِالرَّحْمَنِ لِبُيُوتِهِمْ سُقْفًا مِّن  
فِضَّةٍ وَمَعَارِجَ عَلَيْهَا يَظْهَرُونَ ﴿٣٣﴾ وَلِبُيُوتِهِمْ أَبْوَابًا وَسُرَرًا عَلَيْهَا يَتَكَبَّرُونَ ﴿٣٤﴾

**33. Агар одамлар бир миллат бўлиб қолишлари (хавфи) бўлмаганда, албатта, Биз Роҳманга куфр келтирадиганларнинг уйлари шифтини ва унга чиқадиган нарвонларини кумушдан қилиб қўяр эдик.**

**34. Ва уйларининг эшикларини ҳам, устида ёнбошлаб ётадиган сўриларини ҳам.**

Маълумки, моддий нарсалар одамларга тезроқ таъсир қилади. Бу дунёга қизиққан одамлар кўпроқ бой-бадавлат одамлардан ўрناق олишга, уларга тақлид қилишга уринадилар. Инсонни яратган Аллоҳ таоло инсондаги бу табиатни яхши билади ва шунга биноан тадбир қилади. Аслини олганда, бу дунёнинг ўткинчи матоҳлари Аллоҳ таоло наздида шу қадар қадрсизки, У зот Ўзига куфр келтирадиганларни молу дунё, зебу зийнатга кўмиб ташлаши ҳеч гап эмас. Истаса, ўша кофирларнинг уйларидаги шифтларигача, юқорига чиқадиган нарвон зинапояларигача, эшикларини ётадиган сўриларигача кумушдан қилиб ташлайди. Аммо, бу ҳолни кўрган бошқа одамлар ҳам зебу зийнатга қизиқиб, кофир бўлсанг, бой бўлар экансан деб, ўзларини куфрга уришлари, оқибатда ҳамма бир миллат, яъни, кофир миллатига айланиб қолиш хавфи пайдо бўлади. Шунинг учун, Аллоҳ таоло бу ишни қилмайди.

وَزُخْرَفًا وَإِنْ كُلُّ ذَلِكَ لَمَّا مَتَّعَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةَ عِنْدَ رَبِّكَ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٣٥﴾

**35. Ва зебу зийнату безакларни ҳам. Буларнинг ҳаммаси ҳаёти дунёнинг матоҳидан бошқа нарса эмас. Охират эса, Роббинг наздида тақводорлар учундир.**

Агар юқоридаги мулоҳаза бўлмаганида, Аллоҳ таоло мазкур нарсалардан ташқари ҳам, ўзига куфр келтирганларни зебу зийнату безакларга кўмиб ташлар эди. Аллоҳ таоло ўлчовида, Ислому ўлчовида молу дунё, зебу зийнат ана шундай қадрсиз, ўткинчи нарсадир.

**«Буларнинг ҳаммаси ҳаёти дунёнинг матоҳидан бошқа нарса эмас.»**

Беш кунлик дунё ҳаёти тугаши билан ҳаммаси тугайди. Уни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам бир бўлади. Ҳали буларнинг ҳисоб-

китобини бериш ҳам бор. Аммо абадий роҳат, ҳақиқий неъмат диёри бўлган:

**«Охират эса, Роббинг наздида тақводорлар учундир».**

Бинобарин, одамлар тақводор бўлиб яшашга ҳаракат қилсинлар.

وَمَنْ يَعِشْ عَنْ ذِكْرِ الرَّحْمَنِ نَقِيضٌ لَهُ شَيْطَانًا فَهُوَ لَهُ قَرِينٌ ﴿٦٦﴾

**36. Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у унга доимий ҳамроҳ бўлур.**

«Шабкўрлик» кундузи кўриб, кечаси кўрмай қолиш касалидир. Биз «шабкўр» деб таржима қилган сўз арабчада «яъшу» дейилиб, бу сўз баъзида кўриб, баъзан кўрмай қоладиган касалга ишлатилади. Оятдаги

**«Роҳманнинг эслатмаси»**дан мақсад эса, Қуръон ва Исломдир. Ушбу оят таъкидламоқдаки, баъзи одамлар Қуръонга ва Исломга нисбатан шабкўр бўладилар. Бошқа нарсаларни кўриб, фарқлаб, тушуниб, керакли муомаласини қилаверадилар, аммо Қуръонга келганда, Исломга келганда, кўрмайдиган, эшитмайдиган, тушунмайдиган бўлиб оладилар. Уларнинг бу сохта касалликлари ўзларига зарар келтиради.

**«Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у унга доимий ҳамроҳ бўлур.»**

Ким Аллоҳнинг зикридан ва эслатмасидан ғофил қолса, ўзини билмаганга, кўрмаганга солса, уни шайтон миниб олади. Ундай одамнинг энг яқин дўсти шайтон бўлади. Шайтон ундан ҳеч ажралмайди, доимо васвасага солиб юради. Бу ҳол эса, энг ёмон оқибатга олиб келади.

وَأَنَّهُمْ لِيَصُدُّوهُمْ عَنِ السَّبِيلِ وَيَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ مُّهْتَدُونَ ﴿٦٧﴾

**37. Албатта, у(шайтон)лар йўлдан тўсурлар ва улар ўзларини шак-шубҳасиз ҳидоят топгувчилардек ҳисоблайдилар.**

Яъни, Аллоҳни унутиб, шабкўр бўлиб олганларни шайтонлар тўғри йўлдан адаштиради, васваса қилиб, нотўғри йўлга юргизади. Кўзини очишга, ўзига келиб ҳақиқатни англашга имкон бермайди.

Натижада, шайтонга асир тушган шабкўрлар ўзларини ҳеч шак-шубҳасиз ҳидоят топган ҳисоблаб, қувониб юраверадилар.

Бу эса, энг катта мусийбатдир. Залолатда бўлатуриб, ўзини ҳидоятда ҳисоблаш, нотўғри иш қилатуриб, тўғри иш қилаётган ҳисоблаш энг катта бахтсизликдир. Бундай одам шайтоннинг ифво-сига учиб, уни дўст санаб юраверади.

حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ نَا قَالِ يَلَيْتَ بَيْنِي وَبَيْنَكَ بَعْدَ الْمَشْرِقَيْنِ فَبِئْسَ الْقَرِينُ ﴿٣٨﴾

**38. Токи, ҳузуримизга келганда: «Қани энди мен билан сенинг оранг мағриб ила машриқчалик узоқ бўлса эди. Бас, сен нақадар ёмон ҳамроҳсан», дер.**

Аллоҳнинг зикридан шабкўр бўлиб олган ғофил ғафлатида юра-юра, бир куни қиёмат қоим бўлиб:

**«ҳузуримизга келганда»,** аҳволни кўради, ҳақиқатни англайди ва ҳамма бало шайтон билан яқинлиги натижаси эканлигини тушуниб етади. Шунда шайтонга қараб:

**«Қани энди, мен билан сенинг оранг мағриб ила машриқчалик узоқ бўлса эди»,**

сенга йўлиқмаган, сени умуман кўрмаган бўлсам эди,

**«Бас, сен нақадар ёмон ҳамроҳсан», дер».**

Аммо бу афсус-надоматлар фойда бермайди. Энди қиёмат қоим бўлди. Фурсат ўтди. Фурсат ўтгандан кейин қилинган афсусу надоматдан манфаат йўқ.

Эй, кофирлар, эй, Роҳманнинг зикридан шабкўр бўлиб олганлар!

وَلَنْ يَنْفَعَكُمْ الْيَوْمَ إِذْ ظَلَمْتُمْ أَنْتُمْ فِي الْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ ﴿٣٩﴾

**39. Зулм қилганингиз учун бугунги кунда азобга шерик бўлишингиз ҳам ҳеч фойда бермас.**

Одатда, бошига кулфат тушганлар сони қанча кўп бўлса, ўша кулфат ғами шунча енгиллашади. Мусийбатзада одамлар бир-бирларини кўриб, ўзларига тасалли олади, кўпга келган тўй экан, битта мен эмас, бошқаларнинг ҳам бошига тушибди, деб ўз дардини енгиллаштиради. Аммо охират куни шайтонлар билан уларга эргашганлар азобда шерик бўлсалар ҳам, азоблари ҳеч енгиллашмас экан. Охиратнинг азоби шунчалик оғир экан.

Кофирларнинг қиёмат куни азобини қандай тотитиши таърифланиб турилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли берилади.

Эй Муҳаммад!

أَفَأَنْتَ تَسْمِعُ الصَّمَّةَ أَوْ تَهْدِي الْعُمْىَ وَمَنْ كَانَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٤٠﴾

**40. Сен карларга эшиттира олармидинг ёки кўрларни ва очик-ойдин залолатда бўлган кимсаларни ҳидоятга сола олармидинг?!**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло кофир ва мушрикларни кўру кар деб эълон қилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериб, асли кўр ё кар одамга бирор нарсани кўрсатиш ё эшиттириш амри маҳол бўлганидек, қалб кўзи кўр ё кар кимсаларга ҳам ҳидоят йўлини кўрсатиш ё эшиттириш маҳол иш эканини айтмоқда. Қуръони Каримда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бу хил тасалли жуда кўп такрорланган. Бу билан кишиларнинг ҳидоят топиши ёки залолатга кетиши фақат Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқлиги, Пайғамбарнинг бу ишга дахли йўқлиги уқтирилади. Пайғамбарнинг вазифаси фақат етказиш эканлиги таъкидланади.

Пайғамбар дастлаб илоҳий даъватни етказган пайтида баъзилар унга қулоқ осадди, баъзилар эшитмайди. Пайғамбар эшитганларга даъватни давом эттиради, уларга ҳидоят йўлини кўрсатади. Аммо ким Пайғамбарнинг даъватларига қулоқ солмаса, у маънавий кар бўлади, унга бир нарсани эшиттириб бўлмайди. Ундай одам маънавий кўр бўлади, унга ҳидоят йўлини кўрсатиб бўлмайди.

Шунинг учун, Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам даъватга қулоқ солмаётган, ундан юз ўгираётган кишилар ҳақида кўп ўйлаб, ташвиш қилиб, ўзларини ортиқча қийнамасинлар. Улар билан Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳисоб-китоб қилади. Бу маъно қуйидаги икки оятда баён қилинади:

فَأَمَّا نَذَّبْنَاكَ بِكَ فَإِنَّا مِّنْهُمْ مُنْقِمُونَ ﴿٤١﴾

**41. Агар сени кетказсак ҳам, албатта, Биз улардан интиқом олурмиз.**

Яъни, эй Муҳаммад, қилмишлари учун кофирлардан ўч олишимиздан, уларни азоблашимиздан олдин сени бу дунёдан кетказсак ҳам, бу иш шу ҳолича қолиб кетмайди:

«...албатта, Биз улардан интиқом олурмиз».

Улардан интиқом олмай қўймаймиз.

أَوْ زَيْنِكَ الَّذِي وَعَدْتُهُمْ فَأِنَّا عَلَيْهِمْ مُّقْتَدِرُونَ ﴿٤٢﴾

**42. Ёки Биз уларга ваъда қилинган нарсани сенга кўрсатуرمىз. Бас, албатта, Биз уларга (азоб беришга) қодирмиз.**



Яъни, улардан сен кетмасингдан олдин ҳам интиқом олишимиз мумкин. У ҳолда:

**«...Биз уларга ваъда қилинган нарсани сенга кўрсатурмиз».**

Биз кофирларга ваъда қилинган азобни сен тирик бўлган вақт-да ҳам бера оламиз, сен уни кўрасан.

**«Бас, албатта, Биз уларга (азоб беришга) қодирмиз.»**


Қачон хоҳласак, ўшанда азобни берамиз. Шунинг учун, кўнглинг тўқ бўлсин. Кофирларнинг тасарруфларига ташвишланиб юрма.


 فَاسْتَمْسِكْ بِالَّذِي أُوحِيَ إِلَيْكَ إِنَّكَ عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

**43. Бас, ўзингга ваҳий қилинган нарсани маҳкам тут! Албатта, сен тўғри йўлдасан.**

Аллоҳ сенга ваҳий қилаётган Қуръонни маҳкам тут. Унга амал қилишда собитқадам бўл! Ўз йўлингдан қолма! Бошқаларнинг гап-сўзларига қулоқ солма! Хотиринг жам бўлсин.

**«Албатта, сен тўғри йўлдасан.»**


 وَإِنَّهُ لَذِكْرٌ لَّكَ وَلِقَوْمِكَ وَسَوْفَ تُسْأَلُونَ

**44. Албатта, у(Қуръон) сенга ҳам, қавмингга ҳам шарафдир. Ва, албатта, сўралурсизлар.**

Эй Муҳаммад, ҳеч шубҳа йўқки, албатта, сенга туширилган Қуръон сен учун шон-шарафдир, шунингдек, сенинг қавмингга ҳам шон-шарафдир.

Дарҳақиқат, Қуръони Карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шону шараф бўлди. Ушбу абадий илоҳий мўъжиза бўлмиш Қуръон у зоти бобаракотнинг зикрларини бутун оламга таратди, бутун оламда миллионлаб одамларни у зотга уммат қилди. Сонсиз-саноқсиз мўмин-мусулмонлар томонидан доимий равишда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту саломлар айтилиб туришига сабаб бўлди.

Шунингдек, Қуръони Карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмларига ҳам шону шараф келтирди. Улар Қуръон уммати ўлароқ бутун дунёга танилдилар. Қуръонга амал қилароқ дунёнинг пешқадам умматига айландилар. Дунёдаги барча халқлар уларга ҳавас билан қарайдиган бўлди. Улар оятдаги:

**«...ва албатта, сўралурсизлар»** жумласини ҳис этиб яшаганлари, Қуръон орқали ўзларига юклатилган масъулиятни бажаришга сид-қидилдан ҳаракат қилганлари учун, Қуръон уларга шону шараф бўлди.

Аммо, вақт ўтиши билан, афсуски, бу ҳис сусайди. Қавм аста-секин Қуръондан четлади. Устига юкланган масъулиятдан қавм ўзини тортди. Бунинг натижаси ўлароқ, улар дунё халқлари сафининг охирига тушиб қолдилар. Қуръон ҳам уларга шон-шараф келтирмай қўйди. Энди бу қавм шон-шарафга фақат Қуръон орқалигина эришиши мумкинлигини тушуниб етиши керак. Қуръонни уларга шону шараф қилиб берган зот—Аллоҳ томонидан тезда келадиган қиёмат кунда албатта сўралишларини чуқур ҳис этишлари керак. Бу ҳис эса, ўз навбатида, уларни жиддий амалга чорлаши керак.

Энди, яна мушриклар масаласига қайтиладиган бўлса, уларнинг сохта худоларини рад этишинг янгилик эмас. Эй Муҳаммад, сендан олдинги барча Пайғамбарлар Аллоҳнинг шериги борлигини инкор қилишган:

وَسَّأَلْ مَنْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رُسُلِنَا أَجَعَلْنَا مِنْ دُونِ الرَّحْمَنِ إِلَهًا يُعْبَدُونَ ﴿٥٠﴾

**45. Сендан олдин Биз юборган Пайғамбарларимиздан сўра: Роҳмандан бошқа ибодат қилинадиган илоҳлар қилган экан-мизми?!**

Дунё тарихида ҳеч бир Пайғамбар Аллоҳдан бошқага ибодат этишга чақирган эмас.

Дунёда ҳеч бир Пайғамбар Аллоҳдан бошқа илоҳга ибодат қилган ҳам эмас.

Дунёда ўтган ҳамма Пайғамбарлар фақат Роҳман сифатли Аллоҳ таологагина ибодат қилганлар ва одамларни ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишга чақирганлар.

Юқорида зикр этилганидек, мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларига у зотнинг камбағалликлари учун, мансабдор бўлмаганлари учун ишонишмаган ва Пайғамбарликка Макка ёки Тоифдаги бой-бадавлат қабила бошлиқларидан бирини тавсия қилишганди. Ўшанда оятлар орқали керакли жавоб берилган эди. Юртларни иймон нури билан мунаввар қилиш, бандаларни жоҳилият зулмидан озод этиш, барча авлодларни залолат ботқоғидан ҳидоят чўққисига олиб чиқиш учун, майишатга берилган, молу дунё тўплашни яхши биладиган одам эмас, олий ахлоқли, маънавий жиҳатдан бой, соф қалбли, сабр-бардошли одамлар кераклиги уқтирилган эди.

Эндиги оятларда эса, ўша масалага жонли мисол тарийқасида тарихда бўлиб ўтган бир воқеа—Мусо алайҳиссалом билан Фиръавн қиссаси келтирилади.

Фиръавн қандайдир қабиланинг раиси эмас, Мисрдек қадимий

маданиятлар бешиги бўлган буюк бир давлатнинг подшоҳи эди. Могу мулкда, иззат-ҳурматда ҳеч бир одам унга тенг кела олмасди. Аммо, Аллоҳ таоло Пайғамбарликни Фиръавнга эмас, ҳеч нарсаи йўқ, қабиласи Фиръавнга хизматкор бўлган, гўдаклигида фақат Аллоҳнинг инояти билангина ўлимдан қутулиб қолган Мусо алайҳиссаломга берди. Энди Мусо алайҳиссалом подшоҳ Фиръавнни йўлга бошлашлари керак эди.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِۦ فَقَالَ إِنِّي رَسُولُ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٤٦﴾

**46. Батаҳқиқ, Биз Мусони Ўз оят(мўъжиза)ларимиз ила Фиръавнга ва унинг аъёнларига юбордик. Бас, у: «Албатта, мен оламлар Роббининг Пайғамбаридирман», деди.**

Яъни, Биз Мусони унинг Пайғамбарлигини тасдиқловчи Ўз оят(мўъжиза)ларимиз ила Миср подшоҳи Фиръавнга ва унинг аъёнлари олдига юбордик. Мусо уларнинг олдига бориб:

**«Албатта, мен оламлар Роббининг Пайғамбаридирман», деди».**

Яъни, уларга ўзининг Аллоҳ томонидан Пайғамбар қилиб юборилганини айтди. Уларга ўзининг ҳақ Пайғамбар эканлигини тасдиқловчи мўъжизалар кўрсатди.

فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِآيَاتِنَا إِذَا هُمْ مِنْهَا يَضْحَكُونَ ﴿٤٧﴾

**47. Бас, қачонки у уларга оят(мўъжиза)ларимизни келтирганда, улар баногоҳ у(мўъжиза)лардан кула бошладилар.**

Яъни, Мусо Фиръавн ва унинг аъёнларига ўзининг ҳақ Пайғамбар эканлигини тасдиқловчи мўъжизаларимизни кўрсатганда, улар бирдан мазкур мўъжизаларни масхара қилиб кула бошладилар.

وَمَا نُرِيهِمْ مِنْ آيَةٍ إِلَّا هِيَ أَكْبَرُ مِنْ أُخْتِهَا وَأَخَذْنَاهُمْ بِالْعَذَابِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٤٨﴾

**48. Биз уларга қайси бир оят(мўъжиза)ни кўрсатсак ҳам, албатта, у ўз шеригидан каттароқ бўлар эди. Шояд, (хатоларидан) қайтсалар, деб уларни азоб-ла тутдик.**

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга тўққизта мўъжиза — қўл, асо, тўфон, чигиртка, бит, бақалар, қон, очлик йиллари ва мевалар нуқсонини берган эди. Фиръавн ва унинг қавмига бу мўъжизаларнинг ҳаммаси бирин-кетин кўрсатилди. Ҳар бир мўъжиза ўзидан олдингисига нисбатан кучлироқ, муддатлироқ бўлди. Чунки, ҳар бир мўъжизадан кейин кофир қавмининг инкори янгиланар, кучаяр эди.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло уларни азоб ила ушлаб ҳам турар эди. Бундан, шояд, бу қавм ўзига келиб, хатоларидан қайтиб, тўғри йўлга тушсалар, деган мақсад кўзланар эди.

Аммо бундай бўлмади. Мазкур кофир қавм ўзини тескари тутди. Азоб келган вақтда:

وَقَالُوا يَا أَيُّهَا السَّاحِرُ ادْعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِنْدَكَ إِنَّا لَمُهْتَدُونَ ﴿٤٩﴾

**49. Улар: «Эй сеҳргар! Сенга берган аҳдига биноан, биз учун Роббингга дуо қил! Албатта, биз ҳидоят топгувчилардан бўламиз», дедилар.**

Ушбу оятдан Фиръавн ва унинг қавми нақадар ашаддий кофир эканлиги билиниб турибди. Улар бошларига азоб тушганида ночор қолиб, Мусо алайҳиссаломга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Мусо алайҳиссалом Роббиларига дуо қилсалар, азобдан халос бўлишларини ҳам билиб турибдилар. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга аҳд берганини ҳам яхши биладилар. Аммо шундай бўлса ҳам,

**«Улар: «Эй сеҳргар! Сенга берган аҳдига биноан, биз учун Роббингга дуо қил!» – демоқдалар.**

«Эй Мусо!» ёки «эй Пайғамбар!» дейишга тиллари бормаяпти, бўйинлари ёр бермаяпти.

**«Албатта, биз ҳидоят топгувчилардан бўламиз», дедилар.»**

Яъни, аввал азобни биздан кўтарасан, кейин ҳидоятга юрамиз, дедилар. Аслида, мўъжизани кўрдик, азобни тотдик, бас, сен ҳақ экансан, биз иймон келтирдик, дейишлари лозим эди. Буни ҳам, ўзлари айтганларини ҳам қилмадилар.

فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُمْ الْعَذَابَ إِذَا هُمْ يَنْكُثُونَ ﴿٥٠﴾

**50. Бас, қачонки улардан азобни аритсанг, тўсатдан улар (аҳдни) бузарлар.**

Яъни, Биз уларнинг аҳдига кўра ўзимиз туширган азобни аритсак, улар азоб ариши билан дарҳол аҳдни бузиб, ҳидоят йўлига юрмай, куфрда бардавом бўлар эдилар.

Подшоҳлиги, молу мулки, имкониятларидан мағрур бўлган

وَنَادَى فِرْعَوْنُ فِي قَوْمِهِ قَالَ يَا قَوْمِ أَلَيْسَ لِي مُلْكُ مِصْرَ وَهَذِهِ الْأَنْهَارُ تَجْرِي مِن تَحْتِي ۗ

أَفَلَا تَبْصُرُونَ ﴿٥١﴾ أَمْ أَنَا خَيْرٌ مِّنْ هَذَا الَّذِي هُوَ مَهِينٌ وَلَا يَكَادُ يُبِينُ ﴿٥٢﴾ فَلَوْلَا أَلْقَىٰ عَلَيْهِ آسُورَةٌ  
مِّنْ ذَهَبٍ أَوْ جَاءَ مَعَهُ الْمَلِكُ مَقْتَرِينَ ﴿٥٣﴾

**51. Фиръавн ўз қавмига: «Эй қавмим! Миср мулки ва мана бу остимдан оқиб турган анҳорлар меники эмасми?! Кўрмаяпсизларми?!»**

**52. Мен мана бу хор, гапини очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхши эмасманми?**

**53. Унга тиллодан бўлган билакузуклар ташланса ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келса бўлмас эдимми?!» – деб нидо қилди.**

Подшоҳлиги, молу мулки, имкониятларидан мағрур бўлган Фиръавн ўз одамларининг Мусо алайҳиссалом томонга оғиб кетишидан кўрқиб, ўзича афзал деб билган сифатларини зикр қилиб, қавмнинг ихлосини орттирмоқчи бўлди. Фиръавн қавмига Мисрнинг мулку султони ўзиники эканини айтди.

**«Фиръавн ўз қавмига: «Эй қавмим! Миср мулки ва мана бу остимдан оқиб турган анҳорлар меники эмасми?! Кўрмаяпсизларми?!»**

Фиръавндек Миср подшоҳини қўйиб, Мусога эргашиб кетмасликка тарғиб қилмоқчи бўлди. Фиръавн қавмининг эътиборини остидан оқиб турган анҳорларга ҳам қаратди. Бу нарсалар ҳам ўзиники эканини айтиб, қавмни ўзига жалб қилмоқчи бўлди.

Бечора фиръавнларнинг бундан бошқа чоралари ҳам йўқ. Улар доимо одамларни ўз ҳукмларига юритишга, молу дунёлари билан чалғитиб ўзларига тобеъ қилишга уринадилар. Одамларга бари яхшилик молу мулқда, нозу неъматда, деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Айни чоқда, ҳидоят даъватчисини хору зор, ҳақир ҳолда кўрсатишга интиладилар. Мана, Фиръавн ҳам Мусо алайҳиссаломни обрўсизлантиришга уриниб, деди:

**«Мен мана бу хор, гапини очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхши эмасманми?»**

Фиръавннинг бу гапидан, аввало, унинг нақадар аҳмоқ эканлиги, иккинчидан, Аллоҳ таоло шу даражада эсипаст одамга ҳам катта бир юртнинг подшоҳлигини, мулку султонини, молу дунёни бериб қўйиши мумкинлиги кўриниб турибди.

Ҳоқим ва мулқдорларнинг дин йўлига юрмаслигининг сабабларидан бири – даъватчининг ўзидан устун бўлиб қолишидан кўрқидир. Фиръавннинг гапларида шу маъно бор. Фиръавн ҳамма нарсада ўзини устун қўйиб ўрганиб қолган. Бошқа бир одам ўзи-

дан устун бўлишини, унга таълим ва кўрсатмалар беришини кўтара олмайди. Шунинг учун, Фиръавн Мусо алайҳиссалом шахсларини ерга уриб, ўз шахсини юқори қўйишга уринмоқда.

Фиръавн ўзини мақтаб, даъватчини ерга уришда ҳар қанақа пасткашлиқдан ҳам қайтмайди. Заррача одамийлиги, озгина инсофи бор одам Фиръавннинг ишини асло қилмайди. Аммо Фиръавндан ҳар ишни кутиш мумкин.

Инсоний мурувват, инсоф ва жувонмардлик рақибининг жисмоний нуқсонларини овоза этишни тақозо қилмайди. Ўзини эр билса, ўзгани шер билишга чақиради. Аммо Фиръавн Мусо алайҳиссаломнинг тилидаги озгина дудуқланишни айб санади. Инсонийлик даражаси бўйича асосий мезон қилиб:

**«Мен мана бу хор, гапини очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхши эмасманми?»** деди.

Сўнгра эса, яна ҳам пастлашиб, ўзаро тафовутни тиллодан бўлган зебу зийнат билан фарқламоқчи бўлди:

**«Унга тиллодан бўлган билакузуклар ташланса...»** бўлмас эдими, деди.

Табиийки, иймонсиз подшоҳлар зару кимхобларга бурканган бўладилар. Улар ўша зару кимхобларни ўзларининг афзалликлари деб биладилар. Фалончи мендан паст, чунки менинг кийимим ва зебу зийнатим уникадан яхшироқ, устунроқ, деб юрадилар. Албатта, Аллоҳнинг динига чақирувчи шахсда зару кимхоб ҳам, тилло-кумуш ҳам бўлмайди. Афзалликни тилло-кумуш билан ўлчаган Фиръавн эса, Мусо ўзи даъво қилаётгандек Пайғамбар бўлса, уни Пайғамбар қилган худоси унга осмондан тилло билакузуклар тушириб бермасмиди, деб ўзини юқори кўрсатмоқчи бўлади.

Фиръавнларнинг аҳмоқликларидан яна бири, Аллоҳнинг динига чақирувчи кишилар оддий инсон эмас, қандайдир ғайритабиий одам, балки фаришта, ҳеч бўлмаганда фаришта билан бирга юрадиган бўлиши керак, деб ўйлашларидир.

Шунинг учун ҳам, Фиръавн сўзи давомида:

**«...ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келса бўлмас эдими?!»** – демоқда.

Сиртдан қараганда, маъқул гап. Биров Аллоҳнинг динига чақириб турса, У зотнинг каломини етказиб турса, албатта, унда оддий одамларда учрамайдиган ғаройиб ҳолатлар бўлиш керак-да! Лекин Аллоҳнинг дини ғаройиб махлуқотларга эмас, оддий одамларга юборилган-ку! Ўша оддий одамларга юборилган динни, уларга ўхшаш оддий одам қабул қилиб олиб, ўз ҳаёти мисолида кўрсатиб бериши керак-ку! Бу оддий ва мантиқий ҳақиқатни фиръавнлар тушунмайдилар ёки тушунишни хоҳламайдилар. Улар нима қилиб бўлса ҳам, халқни лақиллат-

салар бас. Улар нима қилиб бўлса ҳам, халқни ўз йўлларига юритсалар бўлди.

Фиръавн ҳам юқоридаги гаплар билан мақсадига эришди.

فَأَسْتَحَفَّ قَوْمَهُ فَأَطَاعُوهُ إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمًا فَاسِقِينَ ﴿٥٤﴾

**54. Бас, у қавмини лақиллатди ва улар унга итоат қилдилар. Чунки, улар фосиқ қавм эдилар.**

Яъни, Фиръавн ўзининг бўлар-бўлмас гаплари билан қавмини лақиллатди. Улар Фиръавннинг ёлгон гапларига учиб, унга итоат қилиб, Мусо алайҳиссаломдан юз ўгирдилар.

**«Чунки, улар фосиқ қавм эдилар.»**

Аслида фосиқ бўлмаганларида, Мусо алайҳиссаломнинг гапига кириб Аллоҳнинг йўлига юришар, аҳмоқ Фиръавнга итоат этишмас эди.

فَلَمَّا آسَفُونَا انْتَقَمْنَا مِنْهُمْ فَأَغْرَقْنَاهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٥٥﴾ فَجَعَلْنَاهُمْ سَلَافًا وَمَثَلًا

لِلْآخِرِينَ ﴿٥٥﴾

**55. Бас, қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, улардан интиқом олдик – уларнинг барчаларини жамлаб, гарқ қилдик.**

**56. Бас, уларни ўтмишга айлантирдик ва кейингиларга мисол қилиб қўйдик.**

Яъни, Фиръавн ва унинг қавми ўзларининг мазкур куфрлари ва нотўғри тасарруфлари билан ғазабимизни келтиргач:

**«...улардан интиқом олдик – уларнинг барчаларини жамлаб гарқ қилдик».**

Фиръавн ўз одамлари билан Мусо алайҳиссалом ва у кишининг қавмини қувлаганида, Бани Исроил Мусо алайҳиссалом бошчилигида Аллоҳнинг ёрдами ила Қизил денгизни кесиб ўтди. Фиръавн уларни тутиш ниятида ортларидан денгизга тушганида Аллоҳ таоло уни одамлари билан жамлаб денгизга гарқ қилди.

**«Бас, уларни ўтмишга айлантирдик ва кейингиларга мисол қилиб қўйдик.»**

Инсон ўлганидан кейин ўтмишга айланади. Ўлим эса, ҳаммининг бошида бор. Шунинг учун, Фиръавн ва унинг қавмига ўхшасдан, ҳар бир инсон ўз ўлимини ўйлаб иш қилиши керак.

Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг одамларини бошқаларга мисол қилиб қўйганини шарҳлаб ўтиришнинг хожати йўқ. Бутун дунёда Фиръавн ҳаддан ошиб, туғёнга кетган, дунёда Аллоҳнинг эмас, менинг

айтганим бўлиши керак, дейдиган ҳоким ва подшоҳларнинг тимсоли бўлиб қолган. Қайси бир подшоҳ ёки ҳоким золим бўлса, тугёнга кетса, диний бурчларини адо этмаса, «Фиръавн» номини олади. Унинг охир-оқибатда шармандаларча ҳалок бўлиши кутилади. Бундай золимларга Фиръавн ва унинг одамлари мисол қилиб келтирилади.

Ҳа, Фиръавн ва унинг одамлари қиссаси инсоният учун ажойиб бир мисолдир. Энг ажойиб жойи шуки, ўша Фиръавн ҳам, бошқа оятда келтирилганидек, ўлаётиб иймон келтирган. Аммо бундай иймон фойда бермаслиги аниқ.


Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Фиръавнни фарқ этгач, у тавҳид калимасини айтаётганда, Жаброил алайҳиссалом сув остида ўрнашиб қолган лойқа балчиқдан олиб унинг оғзига тика бошлаганлар. Сўнг Фиръавннинг жасадини тўлқин ташқарига отган. Одамлар худолик даввосини қилган золим подшоҳнинг аъзои баданига денгиз ўт-ўланлари ёпишган, оғзига балчиқ тўлган ҳолда ўлиб ётганини кўрганлар.

Унга подшоҳлиги ҳам, молу мулки ҳам, тилло билакузуклари ҳам, аскарлари ҳам ёрдам бера олмаган.

Шу билан сура сиёқига мос этиб келтирилган Мусо алайҳиссалом қиссалари тамом бўлади. Эндиги оятларда Ийсо алайҳиссалом қиссалари келтирилади. Бу қисса ўзидан олдинги қиссага ўхшаб, ўтган оятлардаги маъноларга жонли мисол ўлароқ келтирилгандир.

Ўтган оятларда мушриклар фаришталарни Аллоҳнинг қизлари деб эътиқод этишлари ва уларга ибодат қилишлари ҳақида сўз кетган эди. Бузилган эътиқодли масийҳийлар ҳам Ийсо алайҳиссаломни Аллоҳнинг ўғли деб эътиқод этиб, у кишига ибодат қилишади. Ҳар икки эътиқод ва ибодат ҳам ботил эканини баён қилиш мақсадида Ийсо алайҳиссалом қиссалари келтирилади.

Эй Муҳаммад!



**57. Ибн Марям мисол келтирилган чоқда сенинг қавминг бирдан шодланиб қичқирурлар.**

Бу оятни тўлиқ тушуниш учун муфассирларимиз ҳаётда бўлиб ўтган ҳодисани келтирадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларга «Анбиё» сурасидаги «Албатта, сизлар ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарсаларингиз жаҳаннам ўтин-тошидирсиз. Сизлар унга киргувчидирсиз» оятини тиловат қилганларида, Абдуллоҳ ибн аз-Забъарий ат-Тамимий исми мушрик:

«Бу биз ва бизнинг олиҳаларимиз учунми ёки ҳамма умматлар учунми?» – деб сўраган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:



«У сиз учун, олиҳаларингиз учун ва ҳамма умматлар учун», деб жавоб берганлар. У:

«Шубҳасиз, энди сени енгдим, Каъбанинг Роббига қасам! Насоролар Масийҳга ибодат қилмайдиларми? Яҳудийлар Узайрга ибодат қилмайдиларми? Бани Фулон фаришталарга ибодат қилмайдиларми?! Агар ана ўшалар ҳам жаҳаннамга тушсалар, бизнинг ва олиҳаларимизнинг жаҳаннамда бўлишига розимиз», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий нозил бўлишини кутиб бироз жим қолдилар. Мушриклар эса, Абдуллоҳ ибн аз-Забъарий ютиб чиқди, деб ўйлаб, шодланиб кулишди, бақир-чақир қилиб шовқин кўтаришди. Шунда Аллоҳ таоло: «Албатта, Биздан уларга олдин гўзал сўз ўтганлар у(жаҳаннам)дан узоқлаштирилгандирлар», оятини туширди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

**«Ибн Марям мисол келтирилган чоқда сенинг қавминг бирдан шодланиб қичқирурлар»** ояти билан ўша ҳодисани ёдга солмоқда ва буни Ийсо алайҳиссалом ҳақларида баҳс юритиш учун муқаддима қилмоқда. Шунинг учун ҳам, кейинги оятда мушрикларнинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларида айтган гаплари келтирилади ва оят давомида мушрикларнинг асл қиёфалари фош этилади.

وَقَالُوا أَآلِ هَتَّا خَيْرٌ أَمْ هُوَ مَا ضَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًا بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِمُونَ

**58. Улар: «Бизнинг олиҳаларимиз яхшими ёки уми?»** – дедилар. Улар уни сенга фақат талашиб-тортишиш учунгина мисол келтирдилар. Зеро, улар хусуматчи қавмдирлар.

Мушриклар Ийсо алайҳиссаломни насоролар худо санаб ибодат этишларини мисол сифатида келтириб, ўзларининг Аллоҳдан бошқа илоҳларга ибодат қилишлари тўғри эканини исботламоқчи бўладилар.

**«Улар: «Бизнинг олиҳаларимиз яхшими ёки уми?»** – дедилар.»

Яъни, бизнинг худоларимиз яхшими ёки Ийсо яхшими, дедилар. Уларнинг бу саволидан икки хил маъно чиқади. Биринчиси, Ийсодек зот жаҳаннамга кирадиган бўлса, бизнинг олиҳаларимиз ҳам тушса нима бўлибди?! Иккинчиси, насоролар Ийсога ибодат қилса, бизнинг баъзиларимиз фаришталарга сиғинамиз. Фаришталар яхшироқми, Ийсо яхшироқми, деган маъно чиқади.

Оятнинг давомида мушрикларнинг бу тасарруфларининг асл моҳияти фош этилади:

**«Улар уни сенга фақат талашиб-тортишиш учунгина мисол келтирдилар».**

Аслида эса, «Албатта, сизлар ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарсаларингиз жаҳаннам ўтин-тошидирсиз» оятдан кўзланган мақсадни яхши билишади. Шунингдек, Ийсо алайҳиссалом ўзларини худо демаганларини ҳам аниқ билиб туришади. Лекин мушрикларнинг табиатлари бузуқлиги учун бўлар-бўлмас баҳоналар топиб хусумат кўзгайверадилар.

### «Зеро, улар хусуматчи қавмдирлар.»

Хусуматчилик жуда ёмон одат бўлгани учун ҳам, Ислолда ундан четлашиш ҳар бир мусулмонга қаттиқ тайинланади.

Ибн Жарир Тобарий Абу Усома розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир гуруҳ одамлар олдига чиққанларида, улар Қуръон ҳақида тортишиб ўтирган эдилар. Ул зот қаттиқ ғазабландилар. Худди, юзларига сирка қуйиб юборилгандек бўлиб кетдилар. Сўнгра: «Аллоҳнинг китобининг баъзиси билан баъзисини урманглар! Фақат талашиб-тортишишга мубтало бўлган қавмгина залолатга кетгандир», деб: «Улар уни сенга фақат талашиб-тортишиш учунгина мисол келтирдилар», оятини тиловат қилдилар».

Эндиги оятда Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссалом ҳақиқатларини баён қилади:

إِنَّهُوَ إِلَّا عَبْدٌ أَنْعَمْنَا عَلَيْهِ وَجَعَلْنَاهُ مَثَلًا لِّبَنِي إِسْرَائِيلَ

### 59. У фақат бир бандадир. Биз унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик.

Яъни, Ийсо фақат бир банда, холос. Худо ҳам эмас. Худонинг ўғли ҳам эмас. Яккаю ягона Аллоҳ таолонинг оддий бандаси, холос.

#### «Биз унга неъмат бердик...»

Фарқ шуки, Биз унга Пайғамбарликни неъмат қилиб бердик.

#### «...ва уни Бани Исроилга мисол қилдик.»

Яъни, ўрнак ва ибрат бўлиши учун Ийсони Бани Исроилга мисол қилиб қўйдик.

Эй мушриклар!

وَلَوْ نَشَاءُ لَجَعَلْنَا مِنْكُمْ مَلَائِكَةً فِي الْأَرْضِ يَخْلُقُونَ

### 60. Агар хоҳласак, ўрнингизга ер юзида халифа бўладиган фаришталар қилиб қўяр эдик.

Кўпгина тафсирчиларимиз ушбу оятдан қуйидагича маъно чиқарганлар. Яъни, бу дунёю у дунёда яратиш иши ёлғиз Аллоҳ

таолонинг ихтиёрида. У зот нимани хоҳласа, шуни яратади. Бу ишга ҳеч ким аралаша олмайди. Шу жумладан, Аллоҳ Ўзи яратган фаришталар ҳам, мушриклар ҳам аралаша олмайди. Фаришталар ҳам Аллоҳ яратган махлуқлардир. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, ер юзида мушриклар ўрнига халифа қилиб фаришталарни ёки аксинча, одамлардан фаришталар яратиши ҳам мумкин.

Сўнгра Ийсо алайҳиссалом ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар баёни давом этади:

وَإِنَّهُ لَعِلْمٌ لِّلسَّاعَةِ فَلَا تَمُوتُ بِهَا وَاتَّبِعُونِ هَٰذَا صِرَاطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٦١﴾

**61. Албатта, у (Ийсо) соат(қиёмат) илми(белгиси)дир. Бас, сиз у (қиёмат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг ва менга эргашинг. Мана шу тўғри йўлдир.**

Ушбу ояти карима Ийсо алайҳиссаломнинг қиёмат куни яқинлашганда тушишларига далилдир.

**«Албатта, у (Ийсо) соат(қиёмат) илми(белгиси)дир.»**

Яъни, вақти келиб, Ийсо қиёмат кунининг белгиси бўлади. Унинг қайта тушишидан қиёмат жуда ҳам яқин қолгани билиб олинади. Бу ояти кариманинг маъносини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган кўплаб ҳадиси шарифлар тасдиқлаган.

Имом Бухорий, имом Муслим, имом Молик ва имом Абу Довуд ҳазрати Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар: «Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, ичингизга Ибн Марям одил ҳакам бўлиб тушиши яқиндир. Бас, у хочни синдиради, чўчқани ўлдиради, жизяни жорий қилади, молу дунёни тошириб юборганидан, уни биров олмай қўяди. Ҳаттоки, бир сажда бутун дунёдан ва ундаги нарсалардан яхши бўлиб қолади».

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Менинг умматимдан бир тоифа то қиёмат кунигача ҳақ учун устун бўлиб жанг қиладилар. Бас, Ийсо ибн Марям тушади. Уларнинг амири унга:

«Кел, бизга намозга ўт», дейди. У:

«Йўқ. Сизлар баъзингиз баъзингизга амирсиз. Бу, Аллоҳнинг ушбу умматга кўрсатган ҳурматиدير», дейди».

Ийсо алайҳиссаломнинг қайтиб тушишлари ғайбий эътиқод масалалари доирасига киради. Бунга ушбу оятда ишора бор, шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадис-

ларида ҳам унинг баёни келган. Шу икки масдардан бошқа ҳужжатга эътиқод қилиб бўлмади.

**«Бас, сиз у (қиёмат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг...»**

Албатта, у бўлади.

**«...ва менга эргашиш.»**

Бу гап Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан айтилаётган гапдир.

**«Мана шу, тўғри йўлдир.»**

Яъни, қиёмат куни ҳақида ҳеч шубҳаланмасдан Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламга эргашиш энг тўғри йўлдир. Бундан бошқа тўғри йўл йўқ.

وَلَا يَصُدَّنَّكُمْ الشَّيْطَانُ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٦٦﴾

**62. Шайтон сизни ҳаргиз (тўғри йўлдан) тўсмасин. Албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир.**

Аллоҳнинг тўғри йўлидан одамларни фақат шайтон тўсади. Ким шайтонга эргашса, шайтон уни тўғри йўлдан адаштиради. Шунинг учун, зинҳор ва зинҳор шайтоннинг гапига кирманг.

**«Шайтон сизни ҳаргиз (тўғри йўлдан) тўсмасин.»**

Ва билиб қўйингки:

**«Албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир.»**

У ҳеч қачон сизга дўст бўлмади. Бинобарин, уни доимо душман тутинг.

وَلَمَّا جَاءَ عِيسَىٰ بِالْبَيِّنَاتِ قَالَ قَدْ جِئْتُكُمْ بِالْحِكْمَةِ وَلِأُبَيِّنَ لَكُمْ بَعْضَ الَّذِي تَخْتَلِفُونَ فِيهِ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ هُوَ رَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٦٧﴾

**63. Ийсо очиқ-ойдин ҳужжат(мўъжиза)лар билан келган чоғида: «Батаҳқиқ, мен сизга ҳикматни келтирдим ва баъзи сиз ихтилоф қилаётган нарсаларни баён қилиш учун келдим. Бас, Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглр.**

**64. Албатта, Аллоҳ менинг ҳам Роббим, сизнинг ҳам Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир», деди.**

Ийсо алайҳиссалом қавмларига Аллоҳнинг ваҳдониятига ва ўзларининг ҳақ Пайғамбар эканликларига далолат қилувчи очиқ-ойдин оятлар, гап-сўзлар ва очиқ-ойдин мўъжизалар билан келдилар. Ул зот ўз қавмларига ўша пайт:

**«Батаҳқиқ, мен сизга ҳикматни келтирдим...»** дедилар.

Ҳикмат улуғ неъматдир. Ҳикмат Пайғамбарликдир. Яна, Ийсо алайҳиссалом қавмларига:

**«...ва баъзи сиз ихтилоф қилаётган нарсаларни баён қилиш учун келдим»,** дедилар.

Чунки, у қавм Мусо алайҳиссалом шариатлари ҳақида кўпдан-кўп ихтилофга тушган, ҳар хил мазҳаб ва фирқаларга бўлиниб кетган эди. Ийсо алайҳиссалом уларга ўша ихтилофлар ҳақидаги ҳукми баён қилиб бердилар. Ва:

**«Бас, Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглр»,** дедилар.

Аллоҳга тақво қилмаслик оқибатида мазкур ихтилофлар келиб чиққан эди. Пайғамбарга итоат этмаслик оқибатида мазкур ихтилофлар келиб чиққан эди. Бас, энди у ихтилофларни йиғиштириб, Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг, ана шунда иш яхши бўлади.

**«Албатта, Аллоҳ менинг ҳам Роббим, сизнинг ҳам Роббингиздир.»**

Демак, Ийсо алайҳиссалом қавмларига: «Аллоҳ менинг Роббим», деганлар. Аллоҳ менинг отам, деган эмаслар. Демак, Аллоҳ таоло бошқа бандаларга Робб бўлгани каби, Ийсо алайҳиссаломга ҳам Роббдир. Бу ҳақда бошқа гап беҳуда.

**«Бас, Унга ибодат қилинг.»**

Демак, Ийсо алайҳиссалом, менга ибодат этинг, деган эмаслар, Аллоҳга ибодат қилинг, деганлар. Кимки бошқа гап айтса, ёлғон айтибди.

У кишининг ўзлари ҳам:

**«Мана шу тўғри йўлдир», деди».**

Яъни, Аллоҳга ибодат қилишлик тўғри йўлдир, дедилар. Лекин у кишининг қавмлари бу кўрсатмага амал қилмадилар.

فَاخْتَلَفَ الْأَحْزَابُ مِنْ بَيْنِهِمْ فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْ عَذَابِ يَوْمِ إِلِيمٍ ﴿٦٥﴾

**65. Бас, уларнинг орасидан фирқалар ихтилоф қилдилар. Зулм қилганлар ҳолига аламли кун азобидан вой бўлсин!**

Маълумки, Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга Пайғамбар қилиб юборилган эдилар. Ул зот Бани Исроилга уларнинг Мусо алайҳиссалом шариати хусусидаги ихтилофларига барҳам бериш, ягона Аллоҳнинг ибодатига чақириш учун ҳикмат ила келган эдилар. Аммо, улар бу чақириққа муносиб жавоб бермадилар. Балки Ийсо алайҳиссаломга қарши чиқдилар. Ул зот алайҳиссаломдан кейин эса, у кишининг шахслари ҳақида ҳам ихтилофга тушдилар. Баъзилари, Ийсо худодир, деса, бошқалари, Ийсо Аллоҳнинг ўғлидир, деди. Баъзилари, Ийсо муқаддас учликнинг биридир, деди. Шунга ўхшаб турли фирқаларга бўлиниб олиб, ҳозиргача ихтилоф қилиб келмоқдалар.

**«Зулм қилганлар ҳолига аламли кун азобидан вой бўлсин!»**

Ҳа, улар Ийсо алайҳиссалом таълимотларини бузиб, турли фир-қаларга ажралиб, ўзаро ихтилофга тушиб, катта зулм қилдилар. Энди ўша зулмлари учун ўта аламли кун бўлмиш қиёмат куни ҳолларига вой бўлади.

هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا السَّاعَةَ أَنْ تَأْتِيَهُمْ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٦٦﴾

**66. Улар фақат ўзлари ҳам сезмай қолган ҳолда соат(қиёмат) келиб қолишини кутмоқдалар, холос.**

Яъни, ўша золимлар жазоларини олишлари учун қиёмат куни керак, холос. Бошқа нарсанинг кераги йўқ. Улар, албатта, жазола-рини оладилар.

الْأَخِلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ ﴿٦٧﴾

**67. Ўша кунда тақводорлардан бошқа дўстлар бир-бирлари-га душмандир.**

Қиёмат куни ҳамма ўз оқибатини билгач, гарчи бу дунёда ўзаро яқин дўст бўлса ҳам, бир-бирига душманга айланади. Чунки, у дунёда бир-бирларини турли амалларга ундаган дўстларнинг дўзахга тушиб жазо тортишлари аниқ маълум бўлиб қолади. Ана ўшанда, ёмон билан дўст бўлганига афсусланиб, дўстлар дўстини ёқтирмай қўяди. Дўстлар душманга айланади. Бир-бирига мало-мат қилиб, сени деб шундай бўлди, дейишга ўтади.

Фақат тақводор дўстларнинг оқибати хайрлидир. Чунки, улар-нинг дўстлиги Аллоҳ учун, тақво асосига қурилган эди. У дўстлар доимо яхши амалларни қилган бўладилар. Шунинг учун, қиёмат куни бирга жаннатга тушадилар ва дўстликлари яна ҳам ортади. Ҳамда уларга қуйидагича нидо қилинади:

يَعْبَادِ لَا حَوْفَ عَلَيْكُمُ الْيَوْمَ وَلَا أَنْتُمْ تَحْزَنُونَ ﴿٦٨﴾ الَّذِينَ آمَنُوا بِآيَاتِنَا وَكَانُوا

مُسْلِمِينَ ﴿٦٩﴾ ادْخُلُوا الْجَنَّةَ أَنْتُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ تُحْبَرُونَ ﴿٧٠﴾

**68. Эй бандаларим! Бугунги кунда сизга хавф йўқ ва маҳзун ҳам бўлмассиз.**

**69. Оятларимизга иймон келтирганлар ва мусулмон бўлганлар,**

**70. Жаннатга киришлар, сизлар ва жуфтларингиз шод бўлу-рислар.**

Нақадар катта бахт, нақадар улуғ инъом. Бу дунёда дўст бўлиб ўтган кофир, мунофиқ ва осийлар бир-бирига душманга айланиб, хусумат қилишиб турган бир пайтда, тақводор мўмин-мусулмонларга Аллоҳ таолонинг ўзи:

**«Эй бандаларим!»** деб хитоб қилиб турса. Аллоҳ бандам деган инсондан ҳам бахтли одам борми?!

**«Бугунги кунда сизга хавф йўқ...»**

Бугунги даҳшатли ва ҳаммани хавфу хатарга солган қиёмат кунда сизга ҳеч қандай хавф йўқ. Сиз омондасиз. Келажакнингиз бахт-саодатга тўла.

**«...ва маҳзун ҳам бўлмассиз.»**

Ўтган ишларни ўйлаб, кўнглингиз хира ҳам бўлмасин. Зеро, у дунёда тақво билан ўтгансиз.

Эй бандаларим!

**«Оятларимизга иймон келтирганлар ва мусулмон бўлганлар, жаннатга киришлар...»**

У дунёдаги иймонингиз ва ибодатингиз мукофотига, сизга жаннат тайёрлаб қўйилган. У жаннатда:

**«...сизлар ва жуфтларингиз шод бўлурсизлар.»**

Чунки, жаннатда фақат шодлик келтирувчи неъматлар бор.

يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِصُحَافٍ مِّنْ ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ وَفِيهَا مَائٌ شَدِيدٌ الْحَمِيمِ وَتَلَذُّ الْأَعْيُنُ وَأَنْتُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٧٦﴾

**71. Уларга тиллодан бўлган товоқлар ва қадаҳлар айлантирилур. У ерда кўнгил иштаҳа қиладиган ва кўзлар лаззатландиган нарсалар бордир. Сизлар у ерда абадий қолурсизлар.**

Жаннат аҳлларига тилло товоқларда таомлар, мевалар ва тилло қадаҳларда шароблар айлантириб турилади. Жаннатда фақат кўнгил тусайдиган, кўзлар кўриб лаззатландиган яхши ва чиройли нарсалар бор.

**«Сизлар у ерда абадий қолурсизлар.»**

У ернинг нозу неъматини, роҳату фароғатини вақтинча эмас.

وَتِلْكَ الْجَنَّةُ الَّتِي أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٧٧﴾ كُمْ فِيهَا فَاكِهَةٌ كَثِيرَةٌ مِّنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٧٨﴾

**72. Мана шу, қилиб юрган амалларингиз сабабли сизга мерос қилиб берилган жаннатдир.**

**73. Сизга у ерда кўплаб мевалар бор, улардан ерсизлар.**

Аҳли жаннатлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ана шундай роҳат-фароғатлардан баҳраманда бўлиб турган бир вақтда, жиноятчи қавмларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади.

﴿٧٥﴾ إِنَّ الْمَجْرِمِينَ فِي عَذَابٍ جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿٧٦﴾ لَا يُفْتَرُ عَنْهُمْ وَهُمْ فِيهِ مُبْسُونَ ﴿٧٥﴾

**74. Албатта, жиноятчилар жаҳаннам азобида абадий қолурлар.**

**75. У улардан енгиллатилмас ва улар у(азоб)да ноумид ҳолда қолурлар.**

Яъни, азоб жаҳаннам аҳлидан ҳеч енгиллатилмайди. Улар ўша азоб ичида ноумид бўлган ҳолларида абадий қолиб кетадилар.

﴿٧٦﴾ وَمَا ظَلَمْنَاهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا هُمُ الظَّالِمِينَ ﴿٧٦﴾

**76. Биз уларга зулм қилганимиз йўқ. Лекин улар ўзлари золим бўлдилар.**

Уларнинг бундай азобларга учрашлари бизнинг зулмимиз сабабли, ноҳақдан бўлгани йўқ.

**«Лекин улар ўзлари золим бўлдилар.»**

Ёруғ дунёда куфр келтириб, ибодат этмай, ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Оқибатда, мана шу азобларга гирифтор бўлдилар.

﴿٧٧﴾ وَنَادُوايَمْلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْهِمْ نَارُكَ قَالَ إِن كُمْ مَكْتُوبٌ ﴿٧٧﴾

**77. Улар: «Эй Молик! Роббинг бизни битирсин!» – деб нидо қилдилар. У: «Албатта, сиз туриб қолгувчисиз», деди.**

Яъни, дўзахийлар ўзларига берилаётган азоблар оғриғи, алами ва шиддатига чидай олмай, дўзах ишларига қараб турувчи Молик исмли фариштага қараб:

**«Эй Молик! Роббинг бизни битирсин!» – деб нидо қилдилар».**

Роббинг бизни йўқ қилиб юборсин. Бу ҳолга чидай олмаймиз. Бундан кўра йўқ бўлиб кетганимиз яхши, дедилар. Дўзахдан қутулиш, ундан қайтиб яхши ишлар қилишга имкон бўлмаганидан, азобни енгиллатишдан умид ҳам йўқлиги сабабли шундай орзу қилдилар. Бу, амалга ошадиган орзуми ўзи? Бу талабга Молик нима дейди?

**«У: «Албатта, сиз туриб қолгувчисиз», деди.»**

Эй, жаҳаннам аҳллари, бу орзу беҳуда, Роббим сизни йўқ қилиб юбормайди. Унда, сиз қилмишингиз жазосини олмай қуту-



либ кетган бўласиз. Сиз, албатта, жаҳаннамда ва унинг азобида абадий туриб қолишингиз керак.

Кейинги оятда эса, уларнинг ушбу аянчли ҳолатга тушиб қолишлари сабаби айтилади:

لَقَدْ جِئْتَكُمْ بِالْحَقِّ وَلَكِنَّ أَكْثَرَكُمْ لِلْحَقِّ كَرِهُونَ ﴿٧٨﴾

**78. Батаҳқиқ, Биз сизга ҳақни келтирдик. Лекин кўпларингиз ҳақни ёмон кўргувчисиз.**

Шунинг учун бутунги кунда ушбу аянчли ҳолга тушиб турибсиз. Сўнгра жаҳаннам аҳлларининг ёруғ дунёда қилган тасарруфларидан ажабланиш билдирилади.

Нима учун улар иймон келтирмай, куфрга кетдилар? Нима учун улар Аллоҳга ибодат этмай, осий бўлдилар? Нима учун улар Аллоҳнинг динига юрмай, бошқа томонга бурилдилар?

أَمْ أَتْرَمُوا أَمْ إِنَّمَا هُمْ كَاذِبُونَ ﴿٧٩﴾

**79. Ёки улар бирон ишга қарор қилдиларми? Бас, Биз, албатта, қарор қилгувчимиз.**

Улар ҳақ динни инкор этишга қарор беришган бўлса, Биз ушбу ҳақ динни устувор, собит этишга қарор қилдик.

Улар ҳақ Пайғамбарга ёмонлик қилишга қарор берган бўлса, Биз у Пайғамбарни қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ёмонликларидан асрашга қарор қилдик.

Улар ҳақ китобнинг обрўсини туширишга, уни бузишга қарор берган бўлса, Биз ушбу китобнинг шон-шарафини кўтаришга, уни қиёматгача муҳофаза этишга қарор қилдик.

أَمْ يَحْسِبُونَ أَنَّا لَا نَسْمَعُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَاهُمْ بَلَىٰ وَرُسُلْنَا لَدَيْهِمْ يَكْتُبُونَ ﴿٨٠﴾

**80. Ёки улар Бизни уларнинг сирларини (билмас) ва пичирлашиб қилган маслаҳатларини эшитмас, деб ҳисоблайдиларми? Йўқ! Ҳолбуки, элчиларимиз уларнинг олдларида ёзмоқдалар.**

Нима учун кофир, мушрик ва мунофиқлар ҳаққа, Исломга, Қуръонга ва Пайғамбарга қарши бўладилар? Нима учун турли гаплар тарқатадилар? Нима учун душманлик қиладилар?

**«Ёки улар Бизни уларнинг сирларини (билмас) ва пичирлашиб қилган маслаҳатларини эшитмас, деб ҳисоблайдиларми?»**

Одамлар олдида динимиз ҳақида ёмон гап айтмасалар ҳам, динга қарши ошкора иш қилмасалар ҳам, одамлардан яширин суратда динга қарши ишлар қилишлари шу сабабданми? Ўзлари ёлғиз қолиб

пичирлашиб, динга, диндорларга қарши режалар тузишлари шунданми?

«Йўқ!»

Уларнинг бу гумонлари мутлақо нотўғри. Биз уларнинг ҳамма ишларини ипидан-игнасигача яхши биламиз. Биз уларнинг пичирлашиб қилган маслаҳатларини ҳам эшитиб турамиз.

**«Ҳолбуки, элчиларимиз уларнинг олдиларида ёзмоқдалар.»**

Устига-устак, уларга бириктирилган элчи фаришталаримиз уларнинг ҳар бир ишларини, гап-сўзларини уларнинг олдида туриб, аниқ қилиб ёзмоқдалар. Вақти келганда, ўша элчиларимиз ёзган ҳужжатни уларга кўрсатамиз. Ҳужжатда уларнинг Исломга, мусулмонларга қарши қилган ишлари, айтган гаплари вақти ва гувоҳи билан очиқ-ойдин ёзилган бўлади. Уларга ўша нома кўрсатилиб, гуноҳларига иқроқ қилинган, сўнгра жазолари берилади.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, қуйидагини айтишни амр қилади:

قُلْ إِنْ كَانَ لِلرَّحْمَنِ وَلَدٌ فَأَنَا أَوَّلُ الْعَبِيدِ ﴿٨١﴾

**81. Сен: «Агар Роҳманнинг боласи бўлганида, мен унга ибодат қилгувчиларнинг биринчиси бўлар эдим», деб айт.**

Агар ҳақиқатан Аллоҳнинг боласи бўлса, унга ҳам ибодат қилиш лозим бўлса, бу нарсани энг яхши билувчи зот Аллоҳнинг Пайғамбари бўлар эди. Чунки, у зотга Аллоҳдан ваҳий келиб, ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлиб турибди. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳеч қачон, болам бор, дегани йўқ. Ўша боламга ибодат қилинг, дегани йўқ. Аксинча, мендан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ, демоқда.

سُبْحَانَ رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبِّ الْعَرْشِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٨٢﴾

**82. Осмонлару ернинг Робби, Аршнинг Робби улар қилаётган васфдан покдир.**

Яъни, осмонлару ерни яратиб, тадбирини қилиб турувчи зот, Аршни яратиб, тадбирини қилиб турувчи Аллоҳ мушриклар унга тақаётган (боласи бор, деган) нуқсондан покдир.

Эй Муҳаммад!

فَدَرَهُمْ يَخُوضُوا وَيَلْعَبُوا حَتَّى يَلْقُوا يَوْمَهُمُ الَّذِي يُوْعَدُونَ ﴿٨٣﴾

**83. Бас, уларни қўйиб бер, ўзларига ваъда қилинаётган кунга рўбарў бўлгунларича (ёмонликка) шўнғийверсинлар, ўйнайверсинлар.**

Уларга ваъда қилинган қиёмат куни қоим бўлгунча ҳар турли ёмонликларга шўнғийверсинлар, кўнгиллари тусаган ишни қилиб ўйнайверсинлар. Қиёмат куни улар қилмишларига яраша жазо олишади, албатта. Ўшанда Аллоҳ таоло улар билан Ўзи ҳисобкитоб қилади.

وَهُوَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ إِلَهٌُ وَفِي الْأَرْضِ إِلَهٌُ وَهُوَ الْحَكِيمُ الْعَلِيمُ ﴿٨٤﴾

**84. У зот осмонда ҳам илоҳдир, ерда ҳам илоҳдир. У зот ўта ҳикматли, ўта илмдир.**

Бу дунёда фақат биттагина илоҳ—ибодатга сазовор зот бордир. Иккита ёки ундан кўп бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи осмонда ҳам, ерда ҳам илоҳдир.

**«У зот ўта ҳикматли, ўта илмдир.»**

У зот ҳар бир ишни ҳикмат билан қилади. У зот ҳамма нарсани билиб туради.

وَتَبَارَكَ الَّذِي لَهٗ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَعِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٨٥﴾

**85. Осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг мулкига эга бўлган Зот баракотли(буюк)дир. Соат (қиёмат) илми Унинг ҳузуридадир. Унгагина қайтарилурсизлар.**

Ўтган оятда бошланган ҳамду сано—Аллоҳ таолони баркамол сифатлар ила улуғлаб ёд этиш бу оятда ҳам давом этмоқда. Зеро, ҳар қандай ҳамду сано фақат Аллоҳ таолога хосдир. Осмонлару ер ва уларнинг орасидаги барча нарсалар Аллоҳ таолонинг мулкидир. Аллоҳ таоло уларнинг моликидир. Бинобарин, Аллоҳ таоло баракотли ва буюк зотдир.

**«Соат(қиёмат) илми Унинг ҳузуридадир.»**

У зотдан бошқа ҳеч ким қиёмат қачон бўлишини билмайди. Қиёмат қоим бўлганда эса:

**«Унгагина қайтарилурсизлар».**

وَلَا يَمْلِكُ الَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ الشَّفَعَةَ إِلَّا مَنْ شَهِدَ بِالْحَقِّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾

**86. Аллоҳдан ўзга илтижо қилаётган нарсалари шафоатга**

эга бўлмаслар. Магар, билган ҳолларида ҳақ шаҳодат берганларгина (эга бўлурлар).

Яъни, қиёмат куни мушрикларнинг сохта худолари уларга шафоат бериб, қутқариб қола олмайди. Чунки, уларнинг шафоати қабул бўлмайди. Шафоати қабул бўладиган кимсалар эса, билиб, тушуниб, ишониб тавҳидга — Аллоҳнинг ягоналигига шаҳодат берган кишилар бўлади. Улар эса, албатта, мушрикларни шафоат қилмайди.

Эй Муҳаммад!

وَلَيْن سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَهُمْ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ فَأَنَّى يُؤْفَكُونَ ﴿٨٧﴾

**87. Агар сен улардан ўзларини ким яратганини сўрасанг, албатта, «Аллоҳ», дерлар Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!**

Ушбу улкан ҳақиқат суранинг бошида ҳам эсга олиниб, мушрикларнинг қилмиши умуман ақлга ва мантиққа тўғри келмаслиги баён қилинган эди. Агар мушриклардан, сизни ким яратган, деб сўралса, жавоблари албатта: «Аллоҳ яратган», дейиш бўлади.

Ундай бўлса,

**«Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдалар?»**

Аллоҳга ибодат этмай, нима учун бошқага ибодат қилмоқдалар?

Ва Аллоҳ:

وَقِيلَ يَا رَبِّ إِنَّ هَٰؤُلَاءِ قَوْمٌ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾

**88. У(Муҳаммад)нинг: «Эй Роббим, албатта, анавилар иймон келтирмайдиган қавмлардир», деган гапини ҳам (билур).**

Сура охирида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолога мушриклардан шикоят қилиб айтадиган сўзлари келтирилиб, унга қуйидаги жавоб берилмоқда:

فَأَصْفَح عَنْهُمْ وَقِيلَ سَلَامٌ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٨٩﴾

**89. Бас, сен улардан юз ўгир ва: «Сизларга салом бўлсин», дегин. Бас, улар тезда билурлар.**

Яъни, сен уларга эътибор берма. Улардан юз ўгир. Тинчлик бўлсин, деб айт. Улар тезда биладилар. Ушанда ҳамма нарса ўз ўрнига тушади.



## ДУХОН СУРАСИ

*Мақкада нозил бўлган. 59 оятдан иборат.*

«Духон» сўзи бизнинг тилимизда «тутун» маъносини англатади. Сура тутун бўладиган кун ҳақида ҳам сўзлагани учун «Духон» номини олган.

Бошқа маккий суралар қатори «Духон» сураси ҳам тавҳид, Пайғамбарлик, ўлгандан сўнг қайта тирилиш каби масалалардан сўз юритиб, иймон ва ақийдани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сура Қуръони Карим билан қасам ичиб бошланади, унинг ишларни фарқлаш учун Аллоҳ томонидан бандаларга раҳмат ва огоҳлантириш бўлиб, муборак кечада тушганини баён қилади. Сўнгра Аллоҳ таолони таърифлаб, унинг ваҳдониятини исбот этади ва бошқа баркамол сифатлари ҳақида сўз юритади.

Кейин эса, мушрикларнинг Қуръони Каримга бўлган муносабатлари, унга келтирган шак-шубҳалари ва бунинг оқибати нима бўлиши ҳақида сўз кетади. Бу сўзларнинг жонли тасдиғи сифатида, Фиръавн қавмининг қиссаси келтирилади. Уларга тугёнлари ва гуноҳкорликлари туфайли қандай азоб етгани баён этилади. Ортларидан қасрлари, ҳовли-жойлари, боғу роғлари, анҳору булоқлари қолганлиги ҳикоя қилинади. Уларга меросхўр бўлган Бани Исроил ҳақида ҳам сўз юритилиб, Аллоҳнинг амрига хилоф қилганлари учун уларнинг бошига қанақа кунлар тушганлиги васф этилади.

Суранинг охирида эса, яхшиларнинг оқибати нима бўлишию ёмонларнинг аҳволи нима бўлиши муқояса қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**



### 1. Ҳаа. Мийм.

وَالْكِتَابِ الْمُبِينِ

### 2. Очиқ-ойдин Китобга қасам.

Аллоҳ таоло Қуръони Карим билан қасам ичмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Қуръон Аллоҳ таолонинг ҳузурида қанчалик улуғ мақомга эга эканини кўрсатади. Кейинги оятларда Қуръон ҳақида маълумот берилади:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ مُبْرَكَةٍ إِنَّا كُنَّا مُنذِرِينَ

### 3. Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантиргувчи бўлдик.

Ушбу оятда зикр этилаётган, Қуръон нозил қилинган кеча муборак Рамазон ойининг кечаларидан бири бўлмиш «Лайлатул қадр»дир. Бу кеча, дунё тарихидаги энг муборак кечадир. Чунки, бу кечада Аллоҳ таолонинг охирги, баркамол ва бутун инсониятга қиёмат кунигача саодат йўлини кўрсатиб берувчи китоби туша бошлаган.

#### «Албатта, Биз огоҳлантиргувчи бўлдик.»

Ушбу муборак кечада Қуръонни нозил қилиш билан бандаларни куфр, исён ва тувённинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантирувчи бўлдик.

فِيهَا يُفْرَقُ كُلُّ أَمْرٍ حَكِيمٍ

### 4. Ўша(кеча)да ҳар бир ҳикматли иш ажратилиб, ҳал қилинур.

Бу муборак кечада ҳамма нарса ажратилиб жой-жойига қўйилади. Бу муборак кечада ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан, савоб-

ни гуноҳдан ажратувчи Қуръон нозил бўлган экан, барча ишлар ажратилиб, ҳал қилиниши ҳам турган гап.

أَمْرًا مِّنْ عِنْدِنَا إِنَّا كُنَّا مُرْسِلِينَ ﴿٦٠﴾

**5. Биз томонимиздан бўлган амрга биноан. Албатта, Биз Пайғамбар юборгувчи бўлдик.**

Юқорида зикр қилинган ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг амрига биноан, У зотнинг иродаси ила бўлади.

**«Албатта, Биз Пайғамбар юборгувчи бўлдик.»**

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз ирода ва хоҳиши ила одамларга Пайғамбар юборувчи бўлди. Пайғамбар юбориш эса:

رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٦١﴾

**6. Бу, Роббинг томонидан (кўрсатилган) раҳматдир. Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитгувчи, ўта билгувчи зотдир.**

Аллоҳ таолонинг бандаларига кўрсатган раҳмати чексиздир. Лекин ўша марҳаматларнинг энг улуғи Пайғамбар юборишдир. Чунки, Аллоҳ одамларга Пайғамбар юбориб, уларни иймонга, ибодатга бошламаса, бошқа раҳматлари ҳам ўрнига ўтмай қолади. Аллоҳ бандаларига Ўзи юборган Пайғамбарларининг сўнггиси Муҳаммад алайҳиссаломга бошқа бир сурада хитоб қилиб:

«Сени, фақат, оламларга раҳмат қилиб юбордик», дейди.

**«Унинг Ўзи ўта эшитгувчи, ўта билгувчи зотдир.»**

Ўша Роббинг:

رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِن كُنْتُمْ مُوقِنِينَ ﴿٦٢﴾

**7. У – осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Гар ишонгувчи бўлсангиз.**

У зот фақат одамларнинг Робби бўлиб, уларнигина тарбиятига олган эмас, балки осмонлару ерни, уларнинг орасидаги ҳамма нарсаларни ҳам Ўз тарбиятига олган зотдир.

لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ رَبُّكُمْ وَرَبُّ آبَائِكُمُ الْأَوَّلِينَ ﴿٦٣﴾

**8. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. У тирилтирур ва ўлдирур. У сизнинг Роббингиз ва ота-боболарингизнинг Роббидир.**

Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиб бўлмайди. Аллоҳнинг ягона илоҳ эканига далиллардан бири — ўлим ва ҳаёт Унинг қўлида эканлигидир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бировга жон бера олмайди, бировнинг жонини ҳам ола билмайди.

**«У тирилтирур ва ўлдирур.»**

Аллоҳ таоло барча одамларнинг ва уларнинг ота-боболарининг ҳам Роббидир. Бас, шундай экан, одамлар ушбу ҳақиқатни қандай тушунмоқдалар?

بَلْ هُمْ فِي شَكٍّ يَلْعَبُونَ

**9. Йўқ! Улар шак-шубҳада ўйнамоқдалар.**

Йўқ! Одамлар ўзларини тўғри тутмаяптилар. Улар иймон келтириш керак бўлган нарсаларда шак-шубҳа қилмоқдалар. Улар ўйнамоқдалар.

فَأَرْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُحَانٍ مُّبِينٍ ﴿١٠﴾ يَغْشَى النَّاسَ هَذَا عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١١﴾

**10. Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кут.**

**11. У одамларни ўраб олур. Бу, аламли азобдир.**

Сураи кариманинг номи айнан мана шу икки оятда зикри келган духондан (тутундан) олингандир. Тафсирчи уламоларимиз бу оятнинг тафсирида икки гуруҳга бўлинганлар. Биринчи гуруҳга мансуб уламоларимиз, ушбу оятда зикри келган тутун қиёмат кунининг тутунидир, оятда унинг албатта келиши таъкидланмоқда, қиёмат кунида у одамларни ўраб олади ва аламли азоб бўлади, дейдилар

Иккинчи гуруҳга мансуб уламолар эса, «Бу тутун воқеъликда бўлиб ўтган. Мушриклар Пайғамбаримиз алайҳиссаломга осий бўлганларида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилиб: «Эй бор Худоё! Музар(қабиласи)га босимингни шиддатли қил, уларга Юсуфнинг йилларидек (қаҳатчилик) йилларини юбор», деб дуо қилдилар. Шунда улар очарчиликка йўлиқиб, ўлимтикларни ҳам едилар. Кейин уларни қуюқ тутун ўраб олди, одамлар бир-бирларининг овозларини эшитишарди-ю, лекин кўришмасди. Ушбу оятдаги тутундан мурод ана ўша тутундир», дейдилар



Ҳар икки ҳолатда ҳам тутундан мурод Аллоҳнинг кофиру муш-рикларга йўллаган улкан азобидир.

Ўша азобда қолганлар Аллоҳга илтижо қилиб, бундай дейдилар:

رَبَّنَا اكْشِفْ عَنَّا الْعَذَابَ إِنَّا مُؤْمِنُونَ ﴿١٦﴾

**12. Эй Роббимиз! Биздан азобни кушойиш қил! Албатта, биз иймон келтиргувчидирмиз.**

Қиёматда азобга дучор бўлганларнинг бу гаплари фурсат ўтиб бўлгандан кейинги гаплардир. Уларнинг бу иймон келтиришлари бефойдадир. Уларнинг бу иймон келтиришлари қабул қилинмайди ва азоб ҳам улардан кўтарилмайди.

أَنَّى لَهُمُ الذِّكْرَى وَقَدْ جَاءَهُمْ رَسُولٌ مُّبِينٌ ﴿١٧﴾ ثُمَّ تَوَلَّوْا عَنْهُ وَقَالُوا مُعَاوَمَةٌ مِّجْنُونٌ ﴿١٨﴾

**13. Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин. Ҳолбуки, уларга очиқ-ойдин Пайғамбар келган эди.**

**14. Сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: «Бу – ўргатилган мажнун», дедилар.**

Улар бошларига мусийбат тушганида, ялиниб-ёлбориб, тавба-тазарру қилиб, турли ваъдаларни бераверадилар.

**«Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин.»**

Улар қаёқдан ҳам эслатма олиб, ўзларини ўнглалар эдилар.

**«Ҳолбуки, уларга очиқ-ойдин Пайғамбар келган эди.»**

Уларга очиқ-ойдин Пайғамбар келганида, эслатма олишнинг ўрнига,

**«Сўнгра ундан юз ўгирдилар».**

Ва у зотга тухмат қилиб:

**«Бу – ўргатилган мажнун», дедилар»-ку!**

Ўшанда эси ўзига келмаган кишилар энди ҳам иймонга келишлари, бутунлай ўзгаришлари қийин. Зотан, улар барибир эслатма олмайдилар. Шунинг учун, улардан азоб ҳам бутунлай кушойиш қилинмайди.

إِنَّا كَاشِفُو الْعَذَابِ قَلِيلًا إِنَّكُمْ عَائِدُونَ ﴿١٩﴾

**15. Албатта, Биз азобни озгина кушойиш қилгувчимиз. Албатта, сизлар қайтгувчисизлар.**

Яъни, Биз сиздан азобни озгина кушойиш қиламиз. Аммо сиз бундан ибрат олмайсиз, яна куйфрга қайтасиз.

يَوْمَ نَبْطِشُ الْبَطْشَةَ الْكُبْرَىٰ إِنَّا مُنْقِمُونَ ﴿١٦﴾

**16. Катта ушлаш ила ушлаганимиз куни, албатта, Биз интиқом олгувчимиз.**

Бу ушлаш ва интиқом олиш куни қиёмат кунидир.

Юқорида айтилган хабарларнинг ҳаётда содир бўлганини исботлаш ва уларга жонли мисол келтириш мақсадида суранинг умумий сиёқига мос равишда Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари келтирилади:

﴿١٧﴾ وَلَقَدْ فَتَنَّا قَبْلَهُمْ قَوْمَ فِرْعَوْنَ وَجَاءَهُمْ رَسُولٌ كَرِيمٌ

**17. Батаҳқиқ, улардан олдин Фиръавн қавмини синадик. Уларга карамли Пайғамбар келди.**

Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни инкор қилаётган қавмлардан олдин Фиръавн қавмини ҳам синаган эдик.

«Уларга карамли Пайғамбар келди.»

Яъни, Фиръавн қавмига Мусо алайҳиссалом келди ва уларга деди:

أَنْ أَدُؤْا إِلَىٰ عِبَادِ اللَّهِ إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٨﴾ وَأَنْ لَا تَعْلُوا عَلَى اللَّهِ إِنِّي آتِيكُمْ بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ ﴿١٩﴾ وَإِنِّي عُذْتُ بِرَبِّي وَرَبِّكُمْ أَنْ تَرْجُمُونِ ﴿٢٠﴾ وَإِنْ لَمْ تُؤْمِنُوا لِي فَأَعَزُّ لُونِ ﴿٢١﴾

**18. «Сизлар менга Аллоҳнинг бандаларини беринглар. Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.**

**19. Ва Аллоҳга мутакаббирлик қилманг. Албатта, мен сизга очик-ойдин ҳужжат келтирурман.**

**20. Ва, албатта, мен ўзимнинг Роббим ва сизнинг Роббингиздан мени тошбўрон қилишингиздан паноҳ сўрадим.**

**21. Ва агар менга иймон келтирмасангиз, мenden четланинг».**

Мусо алайҳиссаломнинг бу сўзлари турли муносабатлар билан айтилган бўлса ҳам, бу ўринда ҳаммаси бирга зикр қилинмоқда. Сиртдан қараганда, ҳамма сўзлар бир пайтда айтилганга ўхшайди. Бу услуб ҳам Қуръони Каримдаги мўъжизакор жиҳатлардан биридир.

Энди, Мусо алайҳиссаломнинг Фиръавн қавмига айтган гапларини таҳлил қилиб чиқайлик.

**«Сизлар менга Аллоҳнинг бандаларини беринглар.»**

Яъни, эй, Фиръавн қавми, сизлар ўзингизга қул қилиб олган Аллоҳнинг бандаларини, Бани Исроилни (Исроил фарзандларини, яъни яҳудийларни) менга қайтариб беринглар.

**«Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.»**

Менга иймон келтиринг. Сизга Аллоҳнинг амри шу.

**«Ва Аллоҳга мутакаббирлик қилманг.»**

Ўзингизни юқори тутиб, Унга осий бўлиб юрманг.

**«Албатта, мен сизга очиқ-ойдин ҳужжат келтиурман.»**

Бу ҳужжатлар менинг ҳақ Пайғамбар эканимни сизга исбот этади.

Сиз, ўзингизча, менга қарши ёмонликни қасд қилиб юрманг.

**«Албатта, мен ўзимнинг Роббим ва сизнинг Роббингиз»** бўлмиш Аллоҳ таолодан **«мени тошбўрон қилишингиздан паноҳ сўрадим».**

Аллоҳ менга паноҳ беради. Сиз, мени тошбўрон қиламан деб, овора бўласиз.

**«Ва агар менга иймон келтирмасангиз, мендан четланинг.»**

Мен билан ишингиз бўлмасин. Менга халақит берманг.

Сўнгра:

فَدَعَا رَبَّهُ أَن هَؤُلَاءِ قَوْمٌ مُّجْرِمُونَ

**22. У Роббига: «Албатта, анавилар жиноятчи қавмдир», деб дуо қилди.**

Яъни, Фиръавн қавми ёмон ниятларини ошкор этиб, у зотни тошбўрон қилиб ўлдирмоқчи бўлганида, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога ёлбориб:

**«Албатта, анавилар жиноятчи қавмдир», деб дуо қилди.»**

Улар мени ўлдирмоқчилар, ўзинг қутқар, эй Роббим, дея илтижо қилдилар.

Шунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга деди:

وَأَتْرَكَ الْبَحْرَ رَهْوًا إِنَّهُمْ جُنْدٌ مُّغْرَقُونَ

**23. Бас, бандаларим ила кечаси юриб кет. Албатта, сиз изингиздан қувилурсиз.**

Яъни, Бани Исроилни олиб, кечаси Мисрдан чиқиб кет. Душман, албатта, сизларнинг изингиздан тушади.

وَأَتْرَكَ الْبَحْرَ رَهْوًا إِنَّهُمْ جُنْدٌ مُّغْرَقُونَ

## 24. Ва денгизни сокин ҳолида қўй, албатта, улар ғарқ қилинадиган қўшиндир.

Маълумки, Мусо алайҳиссалом Бани Исроил билан денгизга дуч келганларида, Аллоҳнинг амри ила асолари билан денгизни урганлар ва денгиз суви тўхтаб иккига бўлинган ва остидан қуруқ йўл очилган. Ушбу оятда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга:

«**Ва денгизни сокин ҳолида қўй**», деб ўзлари Бани Исроил билан ўтиб олганларидан кейин ҳам денгизни ўша ҳолатида қўйишларини буюрмоқда ва ортидан:

«**...албатта, улар ғарқ қилинадиган қўшиндир**», демоқда.

Дарҳақиқат, Фиръавн ва унинг аскарлари ҳам тўхтаб турган денгиз сари тушдилар. Ҳаммалари денгизда очилган йўлга тушиб бўлганларидан кейин шу дамгача иккига бўлиниб сокин турган сув ҳаракатга келди ва уларни ғарқ қилди.

كَمْ تَرَكُوا مِنْ جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿٢٥﴾ وَزُرُوعٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ ﴿٢٦﴾ وَنِعْمَةَ كَانُوا فِيهَا فَكَهِنَ ﴿٢٧﴾

## 25. Улар ортларидан қанчадан-қанча боғу роғларни ва булоқларни,

### 26. Экинзорларни ва яхши жойларни

## 27. Ва ўзлари ичида маза қилаётган нозу неъматларни қолдирдилар.

Аллоҳ таоло уларга кўпдан-кўп боғ-роғлар, булоқлар, экинзорлар, яхши жойлар ва нозу неъматларни бериб қўйган эди. Улар бу неъматларнинг шукрини келтиришлари керак эди. Аммо улар ношукрлик қилдилар. Туғёнга кетдилар. Аллоҳнинг амрига юрмадилар. Оқибатда ҳалок бўлдилар. Бор-йўқ нарсалари ортларида қолди.

كَذَلِكَ وَأَوْرَثْنَاهَا قَوْمًا آخَرِينَ ﴿٢٨﴾

## 28. Мана шундай! Биз у(наrsa)ларни бошқа қавмларга мерос қилиб бердик.

Оятдаги «бошқа қавмлар»дан мурод Бани Исроилдир. Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг қавмидан қолган барча нарсани уларнинг қўлида узоқ муддат қул бўлиб азоб чеккан Бани Исроилга мерос қилиб берди. Фиръавн ва унинг қавмига эса, ўлганларидан кейин ҳам биров қайғурмади.

فَمَا بَكَتْ عَلَيْهِمُ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ وَمَا كَانُوا مُنظَرِينَ ﴿٢٩﴾

**29. Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғламади ва улар муҳлат берилганлардан ҳам бўлмадилар.**

Дунёда шунчалар шону шавкатга, мулку салтанатга, молу давлатга эга бўлишларига, Фиръавн ўзини худо деб даъво қилганига қарамай, улар ҳалокатга учрадилар. Осмонда ҳам, ерда ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса уларга қайғурмади. Чунки, улар осий эдилар. Улардан ҳеч ким, ҳеч нарса яхшилик кўрмас эди. Ҳаттоки, осмону ер ҳам яхшилик кўрмас эди. Шунинг учун, уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғламади. Шу билан бирга:

**«...улар муҳлат берилганлардан ҳам бўлмадилар».**

Яъни, уларнинг азоби ортга ҳам сурилмади.

Чунки, улар зулмлари, туғёнлари ва исёнлари билан муҳлат берилишга лойиқ эмас эдилар.

وَلَقَدْ نَجَّيْنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنَ الْعَذَابِ الْمُهِينِ ﴿٣٠﴾ مِنْ فِرْعَوْنَ إِنَّهُ كَانَ عَلِيًّا مِنَ الْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾

**30. Батаҳқиқ, Бани Исроилга хорловчи азобдан,**

**31. Фиръавндан нажот бердик. Албатта, у мутакаббир ва ҳаддидан ошганлардан эди.**

Фиръавн ва унинг қавмини ҳалок қилиш билан Биз Бани Исроилни азобдан — Фиръавндан озод этдик. Улар Фиръавн ва унинг қавми қўл остида хорланиб, азоб чекар эдилар.

**«Албатта, у мутакаббир ва ҳаддидан ошганлардан эди.»**

Бўлмаса, худолик даъвосини қилармиди?!

وَلَقَدْ اخْتَرْنَاهُمْ عَلَىٰ عِلْمٍ عَلَىٰ الْعَالَمِينَ ﴿٣٢﴾

**32. Батаҳқиқ, Биз уларни билиб туриб, оламлар ичидан танлаб олдик.**

Яъни, Биз Бани Исроилнинг барча ҳолатини билиб туриб, ўша вақтдаги оламлар ичидан уларни танлаб олдик. Ўша пайтда улардан афзал қавм йўқ эканини яхши билар эдик.

وَأَيُّنَاهُمْ مِنَ الْآيَاتِ مَا فِيهِ بَلَتُوا مُبِينًا ﴿٣٣﴾

**33. Ва уларга оят(мўъжиза)лардан ичида очиқ-ойдин синов бор нарсаларни бердик.**

Яъни, Аллоҳ таоло Бани Исроилга турли мўъжизалар юборди. У мўъжизаларда синов бор эди.

Шу билан Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қиссаси ниҳоясига етади. Сўз яна диннинг ҳақлигига шак-шубҳа қилаётган мушрикларга қайтади:

إِنَّ هَؤُلَاءِ لَيَقُولُونَ ﴿٣٤﴾ إِنَّ هِيَ إِلَّا مَوْتَتُنَا الْأُولَىٰ وَمَا نَحْنُ بِمُنشَرِينَ ﴿٣٥﴾ فَأَتُوا بِآبَائِنَا إِن كُنتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣٦﴾

**34. Албатта, анавилар дерлар:**

**35. «Биринчи ўлимимиздан бошқа ҳеч қандай ўлим йўқ, ва биз қайта тирилтирилувчи эмасмиз.**

**36. Агар ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни келтиринглар».**

Оятдаги «анавилар»дан мурод араб мушрикларидир. Улар ўлгандан сўнг қайта тирилишни инкор этардилар. Шунинг учун ҳам:

**«Биринчи ўлимимиздан бошқа ҳеч қандай ўлим йўқ»,** дер эдилар.

Яъни, бир марта ўламиз, иш битади. Шундан бошқа ҳеч нарса йўқ.

**«...ва биз қайта тирилтирилувчи эмасмиз»,** дер эдилар.

Улар бу гапларига далил қилиб, ўлгандан кейин қайта тирилиш бор, деганларга раддия билдириб:

**«Агар ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни келтиринглар»,** дер эдилар.

Агар ўлган одам қайта тиради, деган гапингиз рост бўлса, эй Муҳаммад ва эй, унга эргашганлар, ўлиб кетган ота-боболаримизни тирилтириб олиб келинглар-чи, кўрайлик, дер эдилар.

Тафсирчи уламоларимиз таъкидлашларича, Макка мушрикларини шунга ўхшаш гапларни айтишган.

Уларнинг бу талабига жавоб беришдан олдин ўзлари ким эканликларини бир ўйлаб кўриш таклиф этилади. Бу мушриклар ким бўлибдиларки, бунчалик ҳаддларидан ошадилар?!

أَهْمَ خَيْرَ أُمَّ قَوْمٍ تَبِعَ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ أَهْلَكَهُمْ إِنَّهُمْ كَانُوا مُجْرِمِينَ ﴿٣٧﴾

**37. Улар яхшироқми ёки Губбаъ қавмию улардан олдин ўтганларми?! Биз уларни ҳалок қилдик. Албатта, улар жиноятчи бўлган эдилар.**

«Туббаъ» Яман подшоҳларининг лақабидир. Улар кучли ва та-раққий этган давлатга эга бўлганлар. Араблар ичида уларнинг довуғи кенг тарқалган эди. Оятда ана ўшалар Қурайш мушрикларининг ёдига солинмоқда.

Қурайш мушриклари нега бунча ўзларидан кетиб, ҳаддларидан ошадилар, ҳовлиқадилар?! Нима учун ўлгандан кейин қайта тири-лишни инкор қилиб, ўзларича турли гапларни тарқатадилар?! Улар ким бўлибдилар ўзи?! Бир ўйлаб кўрсинлар!

**«Улар яхшироқми ёки Туббаъ қавмию улардан олдин ўтганларми?!»**

Туббаъ қавми қурайшликлардан яхшироқ эди. Улардан олдин ўтган Од, Самуд ва Лут қавмлари ҳам яхшироқ эди. Аммо тугён-лари, гуноҳлари сабабли:

**«Биз уларни ҳалок қилдик. Албатта, улар жиноятчи бўлган эдилар».**

Ана ўшаларни-ки ҳалок қилганимиздан кейин, қурайшликлар-ни ҳалок қилиш нима бўлибди. Улар жиноятчи бўлган эдилар, булар ҳам жиноятчилик қилмоқдалар.

Энди эса, мушриклар инкор этаётган қайта тирилишнинг маъ-лум мақсад ва ҳикматлари борлигини баён қилишга киришилади. Буни англаш учун атроф-жавонибга, борлиққа, осмонлару ерга эътибор билан назар солишга даъват этилади:



**38. Осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб яратганимиз йўқ!**

Осмонларга назар солинг! Шунча нарсалар нима учун яратил-ди? Шунчаки ўйин билан, беҳудага яратилдими?! Ерга назар со-линг! Шунча мавжудот нима учун яратилди? Ўйин учун, бекор-дан-бекорга яратилдими?! Ёки уларни яратишдан бирор мақсад, ҳикмат бордир?! Энди осмонлару ернинг орасидаги сонсиз-са-ноқсиз мавжудотларга назар солинг! Улар нима учун яратилди?! Ўйин учун, ҳеч бир мақсадсиз, бекорга яратилдими?! Балки, улар-ни яратишдан бирор мақсад, ҳикмат бордир?! Ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилаётган инсоннинг ўзи-чи? У нима учун яратилди? Ўйин учунми? Бу дунёда ҳайвондан баттар ҳолда еб-ичиб, ўтиб кетиши учунми?! Агар шундай бўлса, инсонни яра-тишнинг нима кераги бор эди? Инсоннинг фойдаси учун борлиқ-ни ва ундаги нарсаларни яратишнинг нима кераги бор эди?! Улар-нинг барчасини инсон учун хизматкор қилиб қўйишнинг нима фойдаси бор эди?!

Йўқ! Бу ишларнинг ҳаммасида ҳикмат бор. Аллоҳ таоло осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни, жумладан, инсонни ўйнаб яратгани йўқ.

﴿مَا خَلَقْنَاهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**39. Биз уларни фақат ҳақ ила яратдик, лекин кўплари билмаслар.**

Шунинг учун куфр келтирадилар, қайта тирилишни инкор этадилар. Ҳолбуки, ўлгандан кейин қайта тирилиш мантиқ тақозосидир, ақл тақозосидир. Чунки, бу дунё инсон ҳаётининг маълум бир босқичи, холос. Бу дунё охиратнинг экинзори, холос. Охират ҳаётига ҳар бир банда қанча ва қандай ҳосил билан боришини аниқлаб олиш бекати, холос. Жаннатга ким кирадию дўзахга ким кириши ажратиб олинадиган жой, холос. Бандаларга бу дунёдаги амалларининг мукофоти ёки жазоси берилмаса, яхши билан ёмоннинг фарқи қолмайди. Адолат бўлмайди. Илоҳий адолат юзага чиқиши учун, ҳар ким ўз қилмишига яраша мукофот ёки жазо олиши учун қайта тирилиш бўлмоғи зарур. Мушриклар, ўзларича, ўлганимиздан кейин қайта тирилмаймиз, деб овора бўладилар.

﴿إِنَّ يَوْمَ الْفَصْلِ مِيقَاتُهُمْ أَجْمَعِينَ﴾

**40. Албатта, ажратиш куни барчалари учун белгиланган вақтдир.**

Ушбу ояти каримада зикр қилинаётган «**Ажратиш куни**» қиёматнинг номларидан бири. У кунда ҳақ ботилдан, мўмин кофирдан, яхши ёмондан ажратилади. Шунинг учун ҳам, «ажратиш куни» деб номланган. Ана ўша кун ҳамманинг қайта тирилиши ва тўпланиши учун, «**барчалари учун белгиланган вақтдир**».

﴿يَوْمَ لَا يُغْنِي مَوْلَى عَنْ مَوْلَى شَيْئًا وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

**41. У кунда дўст дўстга бирон нарсада асқотмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.**

Мазкур ажратиш кунда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Ҳеч кимга ҳеч қандай ёрдам берилмайди.



إِلَٰمَن رَّحِمِ اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿٤٢﴾

**42. Магар, кимга Аллоҳ раҳим қилсагина (ёрдам берилур). Албатта, У азийз ва ўта раҳимли зотдир.**

Азийз ва раҳимли сифати ила мўмин-мусулмон, тақводор бандаларига раҳим қилади, ёрдам беради.

إِنَّ شَجَرَتَ الزَّقْوَمِ ﴿٤٣﴾ طَعَامُ الْأَثِيمِ ﴿٤٤﴾ كَالْمُهْلِ يَغْلِي فِي الْبُطُونِ ﴿٤٥﴾ كَغَلِيِّ الْحَمِيمِ ﴿٤٦﴾

**43. Албатта, Заққум дарахти**

**44. Гуноҳкорнинг таомидир.**

**45. У, худди эритилган маъдандек, қоринларда қайнар.**

**46. Қайноқ сувнинг қайнаши каби.**

Дўзахийларнинг биргина шу жиҳатдан чекадиган азоблари ҳам уларнинг ҳоллари нақадар оғир бўлишини кўрсатади.

Дўзахийлар қоринлари очса, нима ейишади?

**«Албатта, Заққум дарахти гуноҳкорнинг таомидир.»**

Уларга қоринлари очганида таом учун Заққум дарахтининг меваси берилади. Заққум аччиқлиги ва заҳарлилиги билан оғизларда зарбулмасал бўлиб кетган. Ана ўша заҳар гуноҳкорларга таом бўлади.

**«У, худди эритилган маъдандек, қоринларда қайнар.»**

Ўша заққум уларнинг қоринларида эритилган маъдан, темир ёки мисдек ёхуд доғ қилинаётган ёғдек қайнаб туради.

**«Қайноқ сувнинг қайнаши каби.»**

У, дўзахийларнинг қоринларида худди қайноқ сувдек қайнайди.

Сўнгра, дўзахга вакил қилинган забония фаришталарга қуйидагича амр этилади:

خُذُوهُ فَأَعْتَلُوهُ إِلَىٰ سَوَاءِ الْجَحِيمِ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ صُبُّوا فَوْقَ رَأْسِهِ مِن عَذَابِ الْحَمِيمِ ﴿٤٨﴾

**47. Уни тутиб, жаҳиймнинг ўртасига судраб олиб боринглар!**

**48. Сўнгра боши устидан қайноқ сув азобини қуйинглар!**

Бу ишлар, гуноҳкорларга кўрсатиладиган муносабатнинг бир кўриниши холос. Дўзахга вакил қилинган кучли, қўпол ва шафқатсиз фаришталарга уларни тутиб, дўзахнинг қоқ ўртасига судраб олиб бориш, бошларидан ўта қайноқ сув қуйиб азоблаш топширилади. Бу эса, қоринларида қайнаб турган заққум азобига қўшимча азоб бўлади.

Азоб янада шиддатли бўлиши учун уларга итоб сўзлари ҳам айтиб турилади:

ذُقْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْكَرِيمُ ﴿٤٩﴾ إِنَّ هَذَا مَا كُنْتُمْ بِهِ تَمْتَرُونَ ﴿٥٠﴾

49. «Тотиб кўр! Албатта, сен ўзинг «азизу мукаррамсан!»

50. Албатта, бу сиз (бўлишида) шубҳа қилиб юрган нарсадир!»

Бу гаплар уларнинг дунёда «мен азизу мукаррамман», деб мақта-ниб юрганлари учун, охират азобига шубҳа қилганлари учун итоб-дир.

Аммо, мўмин-мусулмон тақводорларнинг ҳолати тамоман бош-қача бўлади:

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي مَقَامٍ أَمِينٍ ﴿٥١﴾ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿٥٢﴾ يَلْبَسُونَ مِنْ سُنْدُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُتَقَابِلِينَ ﴿٥٣﴾ كَذَلِكَ وَزَوَّجْنَاهُمْ بِحُورٍ عِينٍ ﴿٥٤﴾ يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ فَاكِهَةٍ آمِنِينَ ﴿٥٥﴾ لَا يَذُقُونَ فِيهَا الْمَوْتَ إِلَّا الْمَوْتَةَ الْأُولَىٰ وَوَقَّهَهُمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ ﴿٥٦﴾

51. Албатта, тақводорлар омонлик жойида,

52. Боғу роғлар ва булоқларда бўлурлар.

53. Улар шойи ипак кюрлар, бир-бирларига юзма-юз ҳолда (ўлтирурлар).

54. Ана шундай! Ва Биз уларни ҳури ийнларга уйлантирдик.

55. Улар у ерда омонлик ҳоларида турли меваларни чақи-рурлар.

56. Улар у ерда биринчи ўлимдан бошқа ўлимни тотмаслар. У зот уларни жаҳийм азобидан сақлар.

Яъни, тақводорлар бу дунёдан у дунёга ўтишда тотган ўлимдан бошқа ўлимни тотмайдилар, жаннатда абадий тирик қоладилар. Ҳамда Аллоҳ таоло уларни дўзах азобидан сақлайди.

فَضْلًا مِّن رَّبِّكَ ذَٰلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٥٧﴾

57. Бу, Роббингдан бўлган фазлдир. Ана шу улкан ютуқдир.

Суранинг охирида яна Пайғамбарлик неъмати эслатилади ва уни инкор этишнинг оқибатидан огоҳлантирилади:

فَاتَّمَا يَسَّرْنَاهُ بِلِسَانِكَ لَعَاهُمْ يُتَدَكَّرُونَ ﴿٥٨﴾

**58. Бас, албатта, Биз у(Қуръон)ни сенинг тилинг ила осонлаштирдик. Шоядки, эсласалар.**

Эй Муҳаммад! Биз Қуръонни сенинг тилинг ила, араб тили ила осонлаштириб бердик. Шоядки, одамлар эслаб, ўзларига келиб, иймон, Ислом йўлига юрсалар. Агар бундай қилмасалар:

فَأَرْتَقِبْ إِنَّهُمْ مُرْتَقِبُونَ

**59. Бас, кутиб тур. Улар ҳам кутгувчидирлар.**

Оқибат яқинда маълум бўлади...



## ЖОСИЯ СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 37 оятдан иборат.*

«Жосия» сўзи «тиз чўкувчи» деган маънони билдиради. Ушбу сураи каримадаги қиёмат куни васфига оид оятлардан бирида: «ва ҳар бир умматни тиз чўкувчи ҳолида кўрасан», дейилади. Яъни, қиёмат кунининг даҳшати жуда ҳам кучли бўлганидан улар тик тура олмай тиз чўкиб қоладилар. Ўша оятдаги «жосия» калимаси сурага ном бўлиб қолган.

Маккада нозил бўлган ушбу сура мушрикларнинг Ислом даъватини қандай қарши олганларини тасвирлайди. Бошқа маккий сура-лар каби бу сурада ҳам ақийда масаласига алоҳида эътибор берил-ади. Аллоҳ таолога ва Унинг ваҳдониятига, Қуръони Каримга, Му-ҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга, охиратга, қайта тирилишга ва жазо-мукофот берилишига иймон ҳақида сўз юритилади.

Сура Қуръони Карим ва унинг масдари хусусидаги оятлар билан бошланади. Аллоҳ таоло Ўз китобини нима учун туширгани баён қилинади.

Сўнгра, Аллоҳ таолонинг биру борлигига далолат қилувчи бор-лиқдаги белгилар баён қилинади. Осмонлардаги аломатлар эсла-нади. Шунингдек, кечаю кундузнинг алмашилиши, шамолларнинг бўйсундирилиши, ёмғирлар ҳам Аллоҳнинг улуғлиги ва қудрати белгилари экани тушунтирилади.

Қуръони Каримни инкор қилувчи жиноятчилар ва уларнинг оқибати нима бўлиши айтилади.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло бандаларига улуғ неъматлар бергани учун уларнинг шукр келтиришлари лозимлиги таъкидла-нади. Сурада ўтган умматлардан Бани Исроил ҳақида сўз кетади. Аллоҳ таоло уларга неъматлар бериб ҳурматлагани, улар эса, бу фазлу карамни ношукрлик ва исён ила қарши олганлари эслати-лади. Шу муносабат билан, жиноятчи, гуноҳкор қавмларнинг Пай-ғамбарлар даъватига нисбатан ёмон муомаласи ҳақида сўз юрити-либ, Аллоҳ таолонинг адолати бу ишни тақозо этмаслиги уқтири-лади. Кейин эса, мушрикларнинг залолатга кетиш сабаблари зикр этилади.

«Жосия» сурасининг охирида қиёмат куни кишилар иккига бўлинишлари, бир гуруҳ жаннатий, иккинчи гуруҳ дўзахий бўлиши, ҳар бир гуруҳ қилмишига яраша жазо ёки мукофот олиши ҳақидаги оятлар келади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



### 1. Ҳаа. Мийм.

تَنْزِيلِ الْكِتَابِ مِنَ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

### 2. Бу китобнинг нозил қилиниши азийз ва ўта ҳикматли Аллоҳдандир.

Ушбу оятда Қуръони Каримнинг масдари ҳаммадан ғолиб, қувватли, имкониятли, ҳар бир ишни ўта ҳикмат ила қилувчи сифатларига молик Аллоҳ таоло эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Бу эса, шундай сифатларга эга Зот томонидан туширилган Қуръони Каримнинг ўта пухта ва серҳикмат китоб эканига ҳам ишорадир.

Шундан кейин Аллоҳ таолонинг азийзу ҳакиймлиги, Қуръонга ўхшаш китобни тушириш У зот учун жуда осонлигига далил бўлувчи турли оят-белгилар ҳақида сўз кетади:

إِنَّ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِّلْمُؤْمِنِينَ

### 3. Албатта, осмонлару ерда мўминлар учун оят(белги)лар бордир.

Бу ояти каримада мўминлар учун Аллоҳ таолонинг биру борлигини, қудратини ва бошқа баркамол сифатларини кўрсатувчи белгилар борлиги таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, осмонлару ердаги ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг биру борлигига, чексиз қудратига ёрқин далилдир. Осмонлару ердаги ҳамма нарса бунга мисол бўлади. Бу улкан ҳақиқатни англаб етиш учун иймонли инсон бўлиш керак. Иймонсиз буни англамайди. Шунинг учун, кофирлар фазо-

ни забт этсалар ҳам, ундаги сир-асрорларни ўргансалар ҳам: табиатнинг усталигини қаранг, осмонни ажойиб қилиб қўйибди, аммо фазога чиқиб худони кўрмадим, деб тураверадилар. Онанинг қорнидаги ҳомиланинг ҳар бир босқичини алоҳида ўрганиб: бу ишларни ким қилаётганини тушуниб бўлмайди, деб тураверадилар.

وَفِي خَلْقِكُمْ وَمَا يَبُثُّ مِنْ دَابَّاءٍ آيَاتٍ لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ

#### 4. Ва сизларнинг яратилишингизда ва тартиб қўйилган жониворларда аниқ ишонадиган қавм учун оят(белги)лар бор.

Инсоннинг яратилишида Аллоҳ таолонинг биру борлигига, куч-қудратига, тадбиру санъатига сонсиз-саноқсиз белгилар бор. Инсоният яратилганидан бери ўзини ўрганиб келади. Ўшандан бери ўзида битмас-туганмас ажойиботлар борлигини тасдиқлайди. Айниқса, ҳозирги пайтда бу ишлар жуда ривожланди. Илмий тараққиёт туфайли инсонни ўрганиш ҳам юқори даражага чиқди. Инсон қанча кўп ўрганилса, Аллоҳнинг биру борлигига далолат қилувчи белгилар шунчалик кўп очилмоқда. Шу билан бирга, инсонни ўрганиш бўйича дунёдаги энг катта илмий марказга қирқ йилдан ортиқ муддат бош бўлган, илмий ишлари учун энг олий мукофот ва унвонларга сазовор бўлган олимнинг «Инсон, ана ўша мажхул» деган китоб ёзиши инсоннинг ўзидаги оят-белгилар нақадар ҳадсиз-ҳисобсиз эканини кўрсатади. Оддий инсондан тортиб, энг катта олимгача Аллоҳнинг инсондаги оят-белгиларини англаб етиш учун «аниқ ишонадиган қавм»дан — иймонлилардан бўлиши керак. Бўлмаса, умр бўйи инсонни ўрганиб туриб ҳам, ўрганиб чиқдим, инсон маймундан пайдо бўлган экан, деб тураверади.

Шунингдек, оятда зикр қилинган жониворларни олсак ҳам, уларнинг ҳар бирида, каттасию кичигида, кўзга кўринадиганию кўринмайдиганида сонсиз-саноқсиз оят-белгилар бор. Уларни ўрганиш ҳам ҳозирда янада ривожланди. Аммо улардаги белгиларнинг Аллоҳнинг биру борлигига, чексиз қудратига далил эканини англаб етиш учун «аниқ ишонадиган қавм»дан бўлиш керак.

وَإِخْلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ رِزْقٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَتَصْرِيفِ الرِّيحِ

آيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

#### 5. Кечаю кундузнинг алмашиб туришида, Аллоҳ осмондан ризқ нозил қилиб, унинг ила ерни ўлимидан кейин тирилтири-

**шида ва шамолларнинг йўналишида ақл юритадиган қавм учун оят(белги)лар бор.**

Ушбу ояти каримада эсга олинган ҳар бир ҳодисада ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига, куч-қувватига, холиқлигига, тадбиркорлигига далолат қилувчи кўпдан-кўп белгилар бор. Бу белгиларни англаш учун уларга ибрат кўзи билан назар солиш, уларни эътибор бериб, диққат билан ўрганиш лозим. Худди шунга ўхшаш, Қуръон оятлари аввалги мусулмонларни борлиқдаги ҳар бир нарсани чуқур ўрганишга чорлаган. Бу чорловга «лаббай» деб жавоб берган мусулмонлар дунёдаги кўплаб табиий илмларга асос солдилар. Барча илмларнинг ривожига ҳисса қўшдилар. Ҳамда дунёнинг етакчи халқига айландилар.

Чунки, ўша, қадимги мусулмонлар Қуръони Карим руҳидан келиб чиқиб, борлиқни фақат назарий жиҳатдан ўрганиб қолмай, ўрганган нарсаларини амалда татбиқ ҳам қилдилар. Аллоҳ борлиқда жорий қилиб қўйган қоидаларни ўз фойдаларига ишлатишга уриндилар. Натижада, улкан муваффақиятларга эришдилар.

Вақт ўтиб, мусулмонлар Қуръондан йироқлашганларидан кейин илмдан ҳам, ундан ўз манфаатлари учун фойдаланишдан ҳам узоқлашдилар. Оқибатда, ортда қолиб, ўшандан бери хору зор бўлиб келмоқдалар. Агар мусулмонлар пешқадам бўлишни хоҳласалар, ўзларида Қуръон руҳини, унга амал қилиш руҳини тиклашлари лозим бўлади.

Албатта, ушбу оятда келган:

**«Кечаю кундузнинг алмашиб туришида»** оят-белгилар бор, деган маънони ишга солиб, одамларга даъват қилиб, кеча билан кундузни яратган, уларни аниқ вақтда алмашиб турадиган, турли хусусиятларга эга қилиб қўйган Аллоҳга иймон келтиришга чақириш жуда яхши нарса. Аммо кечаю кундузнинг хусусиятларини чуқур ўрганиб, уларнинг алмашиб туришининг қоидаларини ҳам яхши ўрганиб, улардан инсон учун фойда чиқаришга уриниш нур устига нурдир.

Шунингдек:

**«Аллоҳ осмондан ризқ нозил қилиб, унинг ила ерни ўлимидан кейин тирилтиришида...»** оят-белгилар борлигини эслаб одамларни иймонга чақириш ҳам жуда яхши нарсадир.

Айни чоқда, Аллоҳ осмондан ёғдирадиган ўша ризққа – ёмғирга, у билан ўлик ернинг тирилишига оид барча сир-асрорларни ўрганиб, уларни инсон фойдаси учун ишлатиш мусулмонларнинг вазифасидир. Ана ўша ишлар амалга оширилса, мусулмон одам Қуръон руҳи ила яшаган бўлади.

**«...ва шамолларнинг йўналишида...»**

Албатта, бунда ҳам Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи белгилар бор. Уларни англаб, Аллоҳга иймон келтириш лозим. Шунингдек, шамоллар ва уларнинг йўналишини яхши ўрганиб, ундан фойдаланиш янада манфаат келтириши мумкин. Шамол қувватидан фойдаланиш ҳам, шунингдек, шамол келтириши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ҳам манфаатдир.

Буларнинг ҳаммаси учун, энг аввало, **«ақл юритадиган қавм»** бўлиш керак. Мазкур оят-белгилар орқали Аллоҳни таниш учун ҳам ақл юритиш керак.

Борлиқдаги оят-белгилар баёнидан кейин, Қуръон оятлари ҳақида сўз кетади. Борлиқдаги оятлар Аллоҳга иймон келтиришга далолат қилиб, инсонга моддий фойдалар келтирса, Қуръон оятлари ҳам Аллоҳга иймон келтиришга далолат қилиб, инсонга маънавий фойдалар келтиради.

تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ فَبِأَيِّ حَدِيثٍ بَعْدَ اللَّهِ وَءَايَاتِهِ يُؤْمِنُونَ ﴿٦﴾

**6. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Биз уларни сенга ҳақ ила тиловат қилурмиз. Улар Аллоҳни ва Унинг оятларини қўйиб, қайси гапга иймон келтирурлар?!**

Яъни, эй Муҳаммад! Булар азийзу ҳакийм бўлган зот нозил қилган китобнинг оятлари, Аллоҳнинг оятларидир.

**«Биз уларни сенга ҳақ ила тиловат қилурмиз.»**

Бунда ҳеч қандай ноҳақлик йўқ. Шунинг учун, ҳар бир эшитган шахс иймон келтирмоғи лозим. Аммо баъзи одамлар иймон келтирмаяптилар.

**«Улар Аллоҳни ва Унинг оятларини қўйиб, қайси гапга иймон келтирурлар?!»**

Аллоҳ турганда, Уни қўйиб, кимнинг гапига иймон келтирадилар? Аллоҳнинг оятлари турганда, уларни қўйиб, кимнинг сўзларига иймон келтирадилар?!

Бундай одамлар, албатта, жазога лойиқдирлар.

وَيَلِّ لِكُلِّ آفَاكٍ أَشِيمٍ ﴿٧﴾ يَسْمَعُ آيَاتِ اللَّهِ تَتْلَىٰ عَلَيْهِ ثُمَّ يَصِرُ مُسْتَكْبِرًا كَأَن لَّمْ يَسْمَعْهَا فَبَشِّرْهُ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٨﴾

**7. Ҳар бир ёлғончи гуноҳкорга ҳалокат бўлсин!**

**8. У ўзига тиловат қилинган Аллоҳнинг оятларини эшитадию, сўнгра, худди эшитмагандек, мутакаббирлик қилиб туриб олур. Бас, унга аламли азоб хушхабарини бер.**

Ёлғончи, каззоб ва гуноҳкорларга қилинаётган бу таҳдид ҳар



бир ёлфончи ва гуноҳкорга тегишлидир. Хусусан, қуйидаги сифат эгаларига тегишлидир:

**«У ўзига тиловат қилинган Аллоҳнинг оятларини эшита-ди-ю, сўнгра, худди эшитмагандек, мутакаббирлик қилиб туриб олур».**

Эшитган оятларидан хулоса чиқармайди, Аллоҳга иймон келтирмайди, мутакаббирлик қилиб, куфрда маҳкам туриб олади. Бу эса, энг ёмон гуноҳдир.

**«Бас, унга аламли азоб хушxabарини бер.»**

Шундай ёлфончи ва гуноҳкорларнинг аломатларидан яна бири:

وَإِذَا عَلِمَ مِنْ آيَاتِنَا شَيْئًا اتَّخَذَهَا هُزُوًا وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُهِينٌ ﴿٩﴾

**9. Қачонки Бизнинг оятларимиздан бирор нарса билса, уни истеҳзо қилур. Ана ўшаларга хорловчи азоб бордир.**

Аввало, Аллоҳнинг оятларини эшитмагандек бўлиб юради. Мабодо, Аллоҳнинг оятларидан бирор нарсани билиб олса ҳам, истеҳзо қилиб, устидан кулади. Бу эса, жуда ҳам ёмон. Аллоҳнинг ояти эканини билатуриб уни масхара қилиш, унинг устидан кулиш, ундан ўзини ёлиб санаш, писанд қилмаслик жуда ҳам катта гуноҳдир. Афсуски, кўпчилик, ҳатто ўзини мусулмон ҳисоблаб юрганлар ҳам баъзан шунақа қиладилар.

**«Ана ўшаларга хорловчи азоб бордир.»**

مَنْ وَرَّاهُمْ جَهَنَّمَ وَلَا يَغْنَىٰ عَنْهُمْ مَا كَسَبُوا شَيْئًا وَلَا مَا اتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ أَوْلِيَاءَ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٠﴾

**10. Ва ортларида жаҳаннам бор. Уларга касб қилган нарсалари ҳам, Аллоҳни қўйиб тутган «дўстлари» ҳам ҳеч бир нарсада асқотмас. Уларга улкан азоб бордир.**

Аллоҳнинг оят-белгиларидан бир нарсани билатуриб истеҳзо қилганларга жаҳаннам бор. Улар, албатта, жаҳаннамга тушадилар. Ўшанда қилган касблари ҳам, Аллоҳни қўйиб илтижо этган сохта худолари ҳам ҳеч бир фойда бера олмай қолади. Ҳа,

**«Уларга улкан азоб бордир.»**

Келаси оятда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга Аллоҳ ваҳий қилган Қуръон ҳақида, унга куфр келтирганларнинг оқибати ҳақида сўз кетади.

هَذَا هُدًى وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَهُمْ عَذَابٌ مِّن رِّجْزِ أَلِيمٍ ﴿١١﴾

**11. Бу (Қуръон) ҳидоятдир. Роббилари оятларига куфр келтирганларга аламли азобнинг ашаддийси бордир.**

Оятлари ҳақида сўз кетаётган бу Қуръон ҳамма учун ҳидоятдир. Ким унга иймон келтирса, ҳидоят топади. Роббилари оятларига, Қуръонга куфр келтирган шахсларга эса, аламли азобнинг ашаддийси бордир.

Демак, улар учун азоб устига азоб, алам устига алам бўлади.

Сўнгра, келгуси ояти каримада Аллоҳнинг одамларга берган неъматлари эслатилади:

﴿اللَّهُ الَّذِي سَخَّرَ لَكُمُ الْبَحْرَ لِتَجْرِيَ الْفُلُكُ فِيهِ بِأَمْرِهِ ۖ وَلِتُنْبَغُوا مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

**12. Аллоҳ сизга денгизни унда Ўз амри билан кемалар юриши учун ва сиз Унинг фазлидан исташингиз учун бўйсундириб қўйди. Шоядки, шукр келтирсангиз.**

Аллоҳ таоло бошқа нарсалар қатори денгизни ҳам инсон учун мусаххар қилиб берди. Яъни, беминнат хизматкор каби бўйсундириб қўйди. Умуман, денгизни инсон фойдаси учун яратди. Инсон уни ўрганиб, ўз фойдасига хизмат қилдиришга уриниши керак. Аниқки, денгиз ўзи келиб хизмат қилмайди. Бу ҳақиқатни ушбу оятдаги:

**«...ва сиз Унинг фазлидан исташингиз учун бўйсундириб қўйди»,** деганидан тушунамиз.

Сиз Аллоҳнинг фазлидан бирор нарса келишини кутиб ўтирингиз учун, демади, балки:

**«...Унинг фазлидан исташингиз учун»,** деди.

Шунинг учун ҳам, мусулмон инсон Аллоҳнинг фазлини тинимсиз исташи, ўша илоҳий фазлга эришиш учун ҳаракат қилмоғи керак.

﴿وَسَخَّرَ لَكُم مَّا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ جَمِيعًا مِّنْهُ ۗ اِنَّ فِيْ ذٰلِكَ لَاٰيٰتٍ لِّقَوْمٍ يَّتَفَكَّرُوْنَ﴾

**13. Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни – ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавм учун оят(белги)лар бордир.**

Демак, осмонлардаги ҳамма нарса Аллоҳ томонидан инсон фойдаси учун бўйсундириб қўйилган.

Ердаги барча нарсалар Аллоҳ томонидан инсон фойдаси учун бўйсундирилгандир. Ҳақиқатни фақат тафаккур қилганлар тушуниб етадилар. Фақат ақл ишлатиш, тафаккур қилиш орқали борлиқдаги ҳамма нарсанинг инсон учун бўйсундирилгани англаб ети-

лади ва улардан инсон учун фойда олинади. Ўз навбатида, ақл юритиш борлиқдаги барча нарсаларни инсонга бўйсундириб берган Зотга иймон келтириб, ибодат қилишга олиб келади. Бўлмаса, иймонсиз, қуруқ илм фойда эмас, зарар келтиради.

Эй Муҳаммад!

قُلْ لِلَّذِينَ آمَنُوا يَغْفِرُوا لِلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ أَيَّامَ اللَّهِ لِيَجْزِيَ قَوْمًا بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾

**14. Сен иймон келтирганларга айт. Аллоҳнинг кунларидан умидвор бўлмайдиганларни кечирсинлар. Токи, У зот бу қавмни касб қилиб юрган нарсалари учун мукофотласин.**

Яъни, эй Муҳаммад, сен мўминларга айт, улар ўзларига озор берган, Аллоҳнинг келажақдаги ҳисоб-китоб кунларидан ноумид бўлган кофирларни кечирсинлар. Бу эса, Аллоҳ таоло ўша мусулмон қавмни яхши касбларига кўра мукофотлаши учундир.

Чунки, ҳар ким қилса, ўзи учун қилади.

مَنْ عَمِلْ صَالِحًا فَلِنَفْسِهِ ۖ وَمَنْ أَسَاءَ فَعَلَيْهَا ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴿١٥﴾

**15. Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз.**

Қайтарилишингиз қиёмат куни бўлади. Ўшанда Аллоҳ ҳар бир заррачалик яхшилик ва ёмонлигингизни ҳисоб-китоб қилиб, мукофот ёки жазо беради.

Келгуси оятларда Аллоҳ томонидан келган китобга ва Пайғамбарга тўғри муносабатда бўлиш қанчалик зарур эканлигини таъкидлаш учун Бани Исроилнинг ўтмиши эслатилади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿١٦﴾

**16. Батаҳқиқ, Биз Бани Исроилга китобни, ҳукмни ва Пайғамбарликни бердик, уларга пок нарсаларни ризқ қилиб бердик ва уларни оламлар ичида афзал қилдик.**

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Бани Исроилга илоҳий Таврот китобини берди. Ўша китоб ҳукми асосида яшашга буюрди.

Сўнгра, Мусо алайҳиссаломга туширилган Таврот ва берилган шариатни давом эттириш учун Бани Исроилдан кетма-кет Пайғамбарларни чиқарди.

«...уларга пок нарсаларни ризқ қилиб бердик...»

Уларнинг юрти муқаддас ерларда эди. У жойлар пок ва баракали ерлар эди. У жойда улар учун пок ризқлар етишарди.

«...ва уларни оламлар ичида афзал қилдик.»

Ўз замонасида, албатта, Бани Исроил ўзгалардан афзал бўлган. Чунки, Таврот уларга туширилган, Пайғамбарлар улардан чиққан.

وَأَيُّنُهُمْ بَيَّنَّتْ مِنَ الْأَمْرِ فَمَا اخْتَلَفُوا إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغِيًّا بَيْنَهُمْ إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِي بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ

**17. Ва Биз уларга (дин) иши ҳақида очиқ-ойдин баёнотлар бердик. Бас, улар ўзларига илм келганидан сўнг ўзаро ҳасад-адоват қилибгина ихтилофга тушдилар. Албатта, Роббинг қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ҳукм чиқарур.**

Ушбу ояти каримада диний илмни нотўғри томон буриш қандай юз бергани ва унинг оқибатлари ҳақида сўз кетмоқда.

**«Ва Биз уларга (дин) иши ҳақида очиқ-ойдин баёнотлар бердик.»**

Аллоҳ таоло Бани Исроилга юборган шариат очиқ-ойдин, равшан, ғуборсиз, ҳеч бир ихтилофсиз ҳамма амал этиб кетаверади-ган шаклда берилган эди. Бани Исроил ўша шариатга иттифоқ бўлиб амал қилмадилар.

**«Бас, улар ўзларига илм келганидан сўнг ўзаро ҳасад-адоват қилибгина ихтилофга тушдилар.»**

Илм келмасидан аввал ихтилоф қилмай юрган эдилар. Аммо, ўзаро ҳасад, адовату низо уларнинг ихтилоф қилишларига сабаб бўлди. Ва бу ихтилоф Бани Исроилнинг бошига бало-офатлар олиб келди. Уларнинг ер юзидаги афзалликлари тугади. Барча устунликлари ботил бўлди.

Ҳа, диний илмга ҳасад, низо ва ўзаро адоват аралашса, кўплаб мусийбатлар келади. Бани Исроил ҳам шундай бўлди. Уларнинг иши энди охиратга қолди.

**«Албатта, Роббинг қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ҳукм чиқарур.»**

Шундай қилиб, золимлиги туфайли, Бани Исроил ичидан Пайғамбар чиқариш ва уларга шариат юбориш тўхтади.

Эй Муҳаммад!

ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ

**18. Сўнгра Биз сени (дин) ишида бир шариатга йўлладик. Бас, унга эргаш, билмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма.**

Яъни, Бани Исроилнинг иши, юқорида айтилгандек, муваффақиятсиз тамом бўлганидан сўнг, Биз сени Ислому шариатига йўлладик.

**«Бас, унга эргаш...»**

Яъни, Биз сенга шариат қилиб берган нарсага эргаш.

**«...билмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма.»**

Аллоҳдан бошқа ким қонун-қоида, йўл-йўриқ кўрсатса, билмасдан кўрсатади. Билмайдиганлар эса, доимо ўз ҳавойи нафслари бўйича иш тутадилар.

إِنَّهُمْ لَنُغْنَوُكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَإِنَّ الظَّالِمِينَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُتَّقِينَ

**19. Албатта, улар сендан Аллоҳ томонидан бўладиган ҳеч бир нарсани арита олмаслар. Ва, албатта, золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллоҳ тақводорларнинг дўстидир.**

Яъни, албатта, ўша билмайдиган, ўз ҳавойи нафси йўлига бошлайдиганларнинг гапига кириб, Аллоҳнинг айтганидан юз ўгирсанг, улар сендан Аллоҳнинг ҳеч бир азобини арита олмайдилар. Шунинг учун, сен уларнинг айтганига зинҳор юрма. Улар билан яқин ҳам бўлма.

**«...албатта, золимлар бир-бирларига дўстдирлар.»**

Тақводор одам ҳеч қачон золим — кофир билан дўст бўлмайди.

**«Аллоҳ тақводорларнинг дўстидир.»**

Бу дўстлик билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

هَذَا بَصِيرَةٌ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ

**20. Бу (Қуръон) одамлар учун қалб кўзлари, аниқ ишонади-ган қавм учун ҳидоят ва раҳматдир.**

Қуръони Карим одамлар учун қалб кўзидир. Ким Қуръонга ишонса, қалб кўзи кўради. Қуръондан узоқ кишининг эса, қалб кўзи кўр бўлади.

Қуръони Карим ҳидоятдир. Ким унга амал этса, ҳидоятга етади. Қуръондан узоқ одам эса, залолатга кетади.

Қуръони Карим раҳматдир. Ким унга иймон келтирса, раҳматга эришади. Ундан узоқлашган одам эса, Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра қолади.

Аммо, Қуръони Каримнинг одамларга қалб кўзи, ҳидоят ва раҳмат бўлиши учун бир шарт бор—у ҳам бўлса, инсон аниқ ишонадиган қавмдан бўлиши керак. Аниқ ишонадиган одамгина йўлини тошиб, иккиланмасдан юради.

Қуръони Карим шундай одам учун қалб кўзи, ҳидоят ва раҳмат бўлади.

Демак, одамлар икки гуруҳга—иймонлилар ва иймонсизларга, яхшилик қилувчилар ва ёмонлик қилувчиларга бўлинадилар. Иймон келтириб солих амал қилувчилар билан кофир бўлиб ёмонлик касб қилганлар орасида нима фарқ бор?

أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ نَجْعَلَهُمْ كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَّجْيَاهُمْ وَمَمَّائِهِمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٦٧﴾

**21. Наҳотки, ёмонликларни қилганлар уларни иймон келтириб, солих амаллар қилганларга ўхшаш қилмоғимизни, ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар бўлишини гумон қилсалар?! Уларнинг қилган ҳукми нақадар ҳам ёмон!**

Ушбу оятда кофир ва осий кимсанинг хаёлидан ўтадиган гумон инкор қилинмоқда. Кофирлар, бизнинг мўминлардан қаеримиз кам, деб ўйлашлари, гумон қилишлари мумкин. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам мўминлар билан баробарликни даъво этишлари мумкин. Бу даъво мутлақо нотўғридир.

**«Наҳотки, ёмонликларни қилганлар уларни иймон келтириб, солих амаллар қилганларга ўхшаш қилмоғимизни, ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар бўлишини гумон қилсалар?!»**

Ёмон ишлар қилган кимсаларни Аллоҳ таоло ҳеч қачон иймон келтириб, солих амаллар қилганларга ўхшатиб қўймайди. Уларнинг икковларини бу ҳаётда ҳам, охирада ҳам баробар қилиб қўймайди. Баробар бўлса, адолат қолармиди? Пайғамбар юбориш, китоб тушириш ва динни жорий қилишнинг кераги бўлармиди? Агар кофирлар бундай ҳукм қилаётган бўлсалар,

**«Уларнинг қилган ҳукми нақадар ҳам ёмон!»**

Чунки:

وَخَلَقَ اللَّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ وَلِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٦٨﴾

**22. Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила, ҳар бир жон қилган касбига яраша, зулм қилинмаган ҳолида жазосини (ажрини) олиши учун яратган.**

Агар кофирлар гумон қилганларидек, улар билан мўминлар баробар бўладиган бўлсалар, осмонлару ерни Аллоҳ таоло беҳудага яратган бўлиб қолмайдими? Ҳар ким амалига яраша жазо ёки мукофотини олмаса – кофир куфри ва зулмига яраша жазосини олмаса, мўмин иймони ва солиҳ амалларига яраша мукофотини олмаса, зулм бўлмайдими? Икковлари баробар қилиб қўйилса, адолат қаерда қолади?

Кейинги оятларда залолатга кетганларнинг адашиш сабаблари баёни келади:

أَفَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهَهُ هَوْنَهُ وَأَصْلَهُ اللَّهَ عَلَىٰ عِلْمٍ وَحَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَقَلْبِهِ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ عَنُوتَةً  
فَمَن يَهْدِيهِ مِن بَعْدِ اللَّهِ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٢٣﴾

**23. Айтинг-чи, ҳавойи нафсини илоҳ қилиб олган, Аллоҳ уни билиб туриб залолатга солган ва қулоғига ҳамда қалбига муҳр босиб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани Аллоҳдан бошқа ким ҳидоят қила оладир?! Эсламайсизларми?!**

Демак, залолатга кетганларнинг йўлдан адашиш сабабларидан бири ҳавойи нафсларини ўзларига илоҳ қилиб олишларидир. Улар Аллоҳга эмас, ҳавойи нафсларига ибодат этадилар. Улар Аллоҳнинг айтганини эмас, ҳавойи нафсларининг айтганини қиладилар.

Шундан кейин:

**«Аллоҳ уни билиб туриб залолатга солган...»** бўлади.

Яъни, Аллоҳ ўша одам ҳавойи нафсини ўзига илоҳ қилиб олгани билгани учун адаштиради.

**«...ва қулоғига ҳамда қалбига муҳр босиб...»** қўяди.

Унинг қулоғи даъват гапларини эшитмайди. Қалбига иймон, инсоф кирмайдиган бўлиб қолади.

**«...кўзига парда тортиб қўйган...»** бўлади.

У, ибратни кўра олмайди.

Қани, айтинг-чи, ана ўшандай

**«кимсани Аллоҳдан бошқа ким ҳидоят қила оладир?!»**

Албатта, ҳеч ким ҳидоят қила олмайди.

**«Эсламайсизларми?!»**

Буни эслаб, ибрат олиб, ўзларингизни ўнгламайсизларми? Уларнинг залолатга кетиб адашишлари сабабларидан яна бири шуки:

وَقَالُوا مَا هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَا إِلَّا الدَّهْرُ وَمَا لَهُم بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴿٢٤﴾

**24. Улар: «У (ҳаёт) фақат бу дунёдаги ҳаётимиздир. Ўламиз, тириламиз, бизни фақат замон ҳалок қилади», дерлар. Уларнинг бу ҳақда илмлари йўқ. Улар фақат гумон қиладилар, холос.**

Бу ояти каримада кофирларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари танқид этилмоқда.

**«Улар: «У (ҳаёт) фақат бу дунёдаги ҳаётимиздир...»** – дейдилар.

Уларнинг фикрича, инсон ҳаёти жуда ҳам қисқа. Мана шу беш кунлик дунёдаги саноқли йиллар ёки кунлару соатлардан бошқа ҳаёт йўқ.

**«Ўламиз, тириламиз...»**

Бир авлод ўлади, иккинчиси туғилади. Ҳаёт шундай давом этаверади.

**«...бизни фақат замон ҳалок қилади», дерлар.»**

Яъни, замон ўтиши билан ёки улғайиб одам вафот этади. Бошқа нарса йўқ, дейдилар

Ундай бўлса, ёш болаларни ким ўлдиради? Умуман, улар жуда ҳам аҳамиятли масалада осонгина ҳукм чиқариб қўйдилар. Хўш, бу гапни улар нима асосида айтдилар. Уларнинг бу гапни айтишга ҳужжат-далиллари, илмий асослари борми?

**«Уларнинг бу ҳақда илмлари йўқ.»**

Ҳужжат ва далиллари ҳам йўқ.

**«Улар фақат гумон қиладилар, холос.»**

Айни дамда, гумонларини ҳақиқат деб ўйлайдилар. Булар даҳрийлардир. Улар, бизни фақат даҳр(замон) ўлдиради, деганлари учун шу номни олганлар. Улар, ўлгандан кейин қайта тирилишни ҳам инкор этадилар.

وَإِذْ أَنزَلْنَا عَلَيْنَاهُمْ آيَاتِنَا بَيِّنَاتٍ مَّا كَانَ حُجَّتَهُمْ إِلَّا أَنْ قَالُوا اتَّبَوْنَا أَبَائِنَا إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٦٠﴾

**25. Уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинган чоғда, уларнинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни келтиринг-чи?!»** – дейишдан бошқа ҳужжатлари бўлмас.

Яъни, охиратни инкор қилувчи ўша кимсаларга ўлгандан кейин қайта тирилиш борлиги ҳақидаги очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинса, улар, агар ўлгандан кейин тирилиш бор, деган ушбу гапингиз рост бўлса, бизнинг ўлиб кетган ота-боболаримизни тирилтириб олиб келинг-чи, дейдилар.

Уларнинг ўлгандан кейин қайта тирилмаслик ҳақида бундан бошқа ҳужжатлари бўлмайди. Уларнинг бу гапи ҳам, ўтган оятда-



ги гапларига ўхшаб, ҳужжат ва далил асосидаги гап эмас, юзаки, тушунмасдан айтилган гапдир.

Аллоҳ таоло одам боласига бу дунёда охирати учун захийра тўплаб олишга имкон яратиб, ҳаёт беради. Ўша фурсат тамом бўлгандан сўнг одам ўлади. Ўлгандан кейин эса, ҳисоб-китоб учун тайинланган вақт келгунча кутилади. У вақт келгандагина одам қайта тирилтирилади. Ҳисоб-китоб қилинади, мукофот ёки жазо берилади. Тайин қилинган ўша вақт келгунча одамни қайта тирилтиришга ҳожат ҳам йўқ, мумкин ҳам эмас. Чунки, мантиқнинг тақозоси ҳам, умумий қоида ҳам шу. Ўздан кетган бир қанча кофирлар ўлган одамнинг қайта тирилишига далил-исбот сўрашаётган бўлсалар,

эй Пайғамбар,

قُلِ اللَّهُ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يَجْمَعُكُمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ لَا رَيْبَ فِيهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾

**26. Сен: «Аллоҳ сизларни тирилтирур, сўнгра ўлдирур, сўнгра сизларни (бўлишида) шубҳа йўқ қиёмат кунида жамлар. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт.**

Улар талаб қилаётган нарса ўзлари билан-ку, кўз олдиларида турибди-ку!

**«Аллоҳ сизларни тирилтирур...»**

Сиз ўзингиз ҳам ўлик эдингиз. Дунёда ҳеч бир асарингиз йўқ эди. Аллоҳ сизга ҳаёт бериб тирилтирди ва сизга ўхшаганлардан қанчадан-қанчасини ҳар лаҳзада тирилтирмақда. Умуман йўқ нарсани бор қилиб, унга ҳаёт бермақда. Шу ишни қилган Зот бор нарсани қайта тирилтира олмайдими?!

**«...сўнгра ўлдирур...»**

Сизни йўқдан бор қилиб, тирилтириб, ҳаёт берган зотнинг Ўзи сўнгра сизни ўлдиради ҳам. Ҳар куни, ҳар лаҳзада қанчадан-қанчангизни ўлдирмақда. Демак, ҳаёт ҳам, ўлим ҳам Аллоҳ таолонинг ихтиёри ила бўлади. Мазкур ишларни қилган Зот:

**«...сўнгра сизларни (бўлишида) шубҳа йўқ қиёмат кунида жамлар».**

Ана ўша қайта тирилишингиздир. Бу ишлар Аллоҳ таоло учун жуда ҳам осон.

**«Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт.»**

Аммо, улар билмагани учун иш ўзгариб қолмайди.

وَلِلَّهِ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُنْحَسِرُ الْمُبْطِلُونَ ﴿٢٧﴾

**27. Ва осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Соат(қиёмат) қоим бўладиган кунда, ўша кунда ботилчилар зиён тортурлар.**

Дунёдаги ҳамма нарсалар Аллоҳ таолонинг мулкидир. У зот мулкида хоҳлаганича тасарруф қилади. Хоҳласа, ўлдиради, хоҳласа, қайта тирилтиради, хоҳласа, бошқа иш қилади. У зотни биров чеклай олмайди, ишига аралаша билмайди. Лекин бир нарса аниқки, қиёмат куни ботил ишларни қилувчилар зиён тортадилар.

Ўша кунда:

وَتَرَىٰ كُلَّ أُمَّةٍ جَائِيَةً كُلُّ أُمَّةٍ تُدْعَىٰ إِلَىٰ كِتَابِهَا الْيَوْمَ تُحْزَنُونَ مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾

**28. Ҳар бир умматни тиз чўккан ҳолида кўрурсан. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур: «Бугунги кунда қилиб юрган амалларингизни жазосини (ажрини) олурсиз».**

Яъни, қиёмат кунининг даҳшати кучлилигидан у куни ҳар бир умматнинг дармони куриб, чўккаланиб қолган ҳолда, яъни ожизу бечора бўлиб турадилар.

**«Ҳар бир умматни тиз чўккан ҳолида кўрурсан.»**

Ўша кунда ҳар бир умматга, ҳар бир шахсга бу дунёда қилган амаллари ёзиб борилган китоб кўрсатилади.

**«Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур...»**

Шу билан бирга, уларга:

**«Бугунги кунда қилиб юрган амалларингизнинг жазосини (ажрини) олурсиз», (дейилур).**

Яъни, ҳар ким қилганига яраша топади.

Яна гапда давом этилиб:

هَذَا كِتَابُنَا يَنْطِقُ عَلَيْكُمْ بِالْحَقِّ إِنَّا كُنَّا نَسْتَنْسِخُ مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٨﴾

**29. «Мана бу китобимиз сизга ҳақни нутқ қилур. Албатта, Биз қилган амалингизни ёзиб турган эдик» (дейилур).**

Ўша қиёмат куни одамларга номаи аъмоллари кўрсатилиб:

**«Мана бу китобимиз сизга ҳақни нутқ қилур», дейилади.**

Яъни, мана бу номаи аъмол китоби фақат ҳақиқатни айтади. Ундаги барча гап ростдир, ёлғони йўқ.

**«Албатта, Биз қилган амалингизни ёзиб турган эдик.»**

У дунёда нима амал қилсангиз, ўшани ўз вақтида аниқ ёзиб турган эдик. Энди, шу асосда ҳисоб-китоб этамиз.

فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُدْخِلُهُمْ رَبُّهُمْ فِي رَحْمَتِهِ ؕ ذَٰلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْمُبِينُ ﴿٢٩﴾

**30. Бас, иймон келтириб солиҳ амалларни қилганларни Роббилари Ўз раҳматига киритур. Ана ўшанинг ўзи очиқ-ойдин ютуқдир.**

Иймонли солиҳ амал эгалари очиқ-ойдин ютуққа эришиб, Аллоҳнинг раҳматига кириб турган бир вақтда, бошқа томонда ўзгача ҳолат бўлади:

وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا أَفَلَمْ تَكُنْ آيَاتِي تَتْلَىٰ عَلَيْهِمْ فَاستَكْبَرْتُمْ وَكُنْتُمْ قَوْمًا مَّجْرِمِينَ ﴿٣٠﴾ وَإِذَا قِيلَ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَالسَّاعَةُ لَا رَيْبَ فِيهَا قُلْتُمْ مَا نَدْرِي مَا السَّاعَةُ إِنْ نُنظَرُ إِلَّا ظَنًّا وَمَا نَحْنُ بِمُستَيْقِنِينَ ﴿٣١﴾

**31. Аммо куфр келтирганларга эса: «Ахир, сизга Менинг оятларим тиловат қилинмаганмиди?! Бас, сиз мутакаббирлик қилдингиз ва жиноятчи қавм бўлдингиз.**

**32. Вақтики: «Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир ва соат (қиёмат)да шубҳа йўқдир», дейилса, «Соат(қиёмат) нима эканини билмасмиз. Биз фақат гумон қиламиз, холос. Биз аниқ ишонгувчи эмасмиз», дедингиз» (дейилур).**

Мана энди ҳолингизга нима бўлди? Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканми? Қиёмат қоим бўлар эканми? У ҳақидаги гапларингиз гумондан бошқа нарса эмаслигини билдингизми?

وَبَدَأَهُمْ سَيِّئَاتٍ مَا عَمِلُوا وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٣٢﴾

**33. Ва уларга қилган амалларининг ёмонликлари аён бўлди ва уларни ўзлари истехзо қилиб юрган нарса ўраб олди.**

Уларга куфр ва исёнлари учун бериладиган жазо аниқ кўринди ва ўзларича, охират азоби ҳам бўлармиди, деб истехзо қилиб юрган азоб уларни ўраб олди. Ҳамда уларга:

وَقِيلَ الْيَوْمَ نَنسِفُكُمْ كَمَا نَسِفْنَا لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا وَمَا وَكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُمْ مِّنْ نَّصِيرِينَ ﴿٣٣﴾ بِأَنَّهُمْ أَخَذْتُمْ آيَاتِ اللَّهِ هُزُؤًا وَعَرَّضْتُمْ الْحَيٰوةَ الدُّنْيَا فَالْيَوْمَ لَا يُخْرَجُونَ مِنْهَا وَلَا هُمْ يُسْعَفُونَ ﴿٣٤﴾

**34. «Бугунги кунда худди сиз ушбу кунингизга рўбарў бўлишни унутганингиздек, Биз ҳам сизни унутурмиз. Жойингиз жаҳаннамдир ва сизларга ҳеч ёрдамчилар йўқ.**

**35. Бундай бўлишингиз, албатта, сизнинг Аллоҳнинг оятларини масхара қилиб олганингиз ва сизни дунё ҳаёти гурурга**

кетказгани учундир», дейилди. Бас, бугунги кунда улар у(жаҳаннам)дан чиқарилмаслар ва улар итобга ҳам қайтарилмаслар.

Жаҳаннам азобида қийналиб турган кофиру осийларга айтиладиган бу гаплар, улар учун жуда ҳам оғир маънавий азоб бўлади.

**«Бугунги кунда худди сиз ушбу кунингизга рўбарў бўлишни унутганингиздек, Биз ҳам сизни унутурмиз.»**

Яъни, сиз ёруғ дунёда қиёмат кунига рўбарў бўлишни қандай унутган бўлсангиз, Биз ҳам сизни шундай унутамиз. Яъни, сизга раҳим қилишни унутамиз.

Шунинг учун ҳам:

**«Жойингиз жаҳаннамдир...»**

У ерда азобларни чекиб ётаверасиз.

**«...сизларга ҳеч ёрдамчилар йўқ.»**

Шунинг учун, жаҳаннамдан қутулиб ҳам чиқа олмайсиз, азобингиз енгил ҳам бўлмайди.

Албатта, бундай ҳолга тушишингизнинг ўзига яраша сабаблари бор. Улардан бири:

**«...сизнинг Аллоҳнинг оятларини масхара қилиб олганингиз...»**

Ким Аллоҳнинг оятларини масхара қилиб олса, шу ҳолга тушиши турган гап.

**«...ва сизни дунё ҳаёти ғурурга кетказгани...»**

Ким дунё ҳаётига алданиб қолса, шу ҳолга тушади.

**«Бас, бугунги кунда улар у(жаҳаннам)дан чиқарилмаслар ва улар итобга ҳам қайтарилмаслар.»**

Яъни, уларга жаҳаннамдан чиқишга ҳам рухсат берилмайди, қилган гуноҳларига итоб қилиб, кейин ёруғ дунёга қайтариб, ўша ишлар бўйича Аллоҳни рози қиладиган солиҳ амаллар қилишга ҳам имкон берилмайди.

Чунки, энди вақт ўтди.

فَلِلّٰهِ الْحَمْدُ رَبِّ السَّمٰوٰتِ وَرَبِّ الْاَرْضِ رَبِّ الْعٰلَمِيْنَ ﴿٣٦﴾ وَ لَهُ الْكِبْرِيَّاءُ فِي السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ ط  
وَهُوَ الْعَزِيْزُ الْحَكِيْمُ ﴿٣٧﴾

**36. Бас, барча ҳамд осмонларнинг Роббига, ернинг Роббига ва оламларнинг Роббигадир.**

**37. Осмонлару ердаги улуғлик Уникидир. У зот азийзу ҳақиймдир.**

«Жосия» сурасига хотима ясовчи ушбу икки ояти каримада

Аллоҳ таолонинг Ўзига мос ҳамду сано, мақтов айтилмоқда ва У зотни улуғлик сифатлари ила Ўзига хос равишда сифатланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сура ичида зикри келган, кофир ва мушриклар томонидан Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига, Унинг динига, Китобига, Қиёмат кунига, қайта тирилишга ва бошқа нарсаларга тил теккизишга ўзига хос раддиядир.

**«Бас, барча ҳамд осмонларнинг Роббига, ернинг Роббига ва оламларнинг Роббигадир.»**

Ҳа, барча ҳамд, ҳамма ҳамд, дунёда қанча мақтов бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таологадир,

**«осмонларнинг Роббига»,** дир.

У зот айнан осмонларнинг Робби бўлгани учун ҳам ўша ҳамдга, мақтовга сазовордир.

Ҳа, барча ҳамд, ҳамма ҳамд, дунёда қанча мақтов бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таологадир,

**«ернинг Роббига»**дир.

У зот айнан ернинг Робби бўлгани учун ҳам ўша ҳамдга, мақтовга сазовордир.

Ҳа, барча ҳамд, ҳамма ҳамд, дунёда қанча мақтов бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таологадир,

**«оламларнинг Роббигадир».**

У зот айнан оламларнинг Робби бўлгани учун ҳам ўша ҳамдга, мақтовга сазовордир.

Ҳа, барча ҳамд, ҳамма ҳамд, дунёда қанча мақтов бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таологадир. Чунки,

**«Осмонлару ердаги улуғлик Уникидир».**

Ҳа, барча ҳамд, ҳамма ҳамд, дунёда қанча мақтов бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таологадир. Чунки,

**«У зот азийзу ҳакиймдир».**



## АҲҚОФ СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 35 оятдан иборат.*

Бу сураи кариманинг номи унинг ўзидаги йигирма биринчи оятдан олингандир. «Аҳқоф» сўзи Од қабиласи яшаб ўтган диёрларнинг номи бўлиб, луғавий жиҳатдан «қум тепаликлар» деган маънони англатади.

«Аҳқоф» сураси бошқа маккий суралар каби ақийда масаласини муолажа қилади. Бу сурада Аллоҳнинг яғоналигига, ваҳий ва Пайғамбарлик, ўлгандан сўнг қайта тирилиш ҳамда ҳисоб-китоб бўлиши ҳақлиги масалаларига алоҳида аҳамият берилади.

Бу сурада Ҳуд алайҳиссалом Пайғамбар қилиб юборилган Од қавми қиссаси келтирилади. Улар ўз Пайғамбарларини ёлғончига чиқариб, саркашлик қилганларидан сўнг, Аллоҳ таолонинг азобига дучор бўлганликлари ҳикоя қилинади.

Сура кўзга кўриниб турган борлиқ Аллоҳнинг улуғлигига, қудратига далил эканига ишорат қилишдан бошланади.

Ундан сўнг, мушриклар сиғинаётган сохта худолар фош қилиниб, улар ҳеч нарсани эшита олмасликлари, дуони ҳам қабул қила олмасликлари, уларга эътиқод қилаётганлар катта хато қилаётганлари баён қилинади.

Кейин эса, Макка мушриклари ўзлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг уммий (ўқиш-ёзишни ўрганмаган одам) эканлигини яхши билишига қарамасдан, Қуръонни унинг ўзи тўқияпти, у ёлғончи, худонинг номидан гапирмоқчи, деб Қуръонга қарши чиққанлари, ваҳий ва Пайғамбарликка нисбатан зид муносабатлари баён қилинади.

Шу аснода икки хил инсон тоифаси ҳақида сўз юритилади.

Биринчиси, аввал бошдан Аллоҳга иймон келтириб, ибодатларини бажарган, тўғри инсоний йўлда ўсган, иймон йўли ҳам, насаб йўли ҳам рисоладагидек бўлиб, ўз Роббисининг ва ота-онасининг ҳаққларини адо этган ва шулар боис, жаннатга сазовор бўлиб, ҳаққини таниган ҳидоятдаги мўмин инсондир.

Иккинчиси эса, тўғри йўлдан озиб, инсонийлик табиатини бузиб, иймон йўли ўрнига куфрни ихтиёр қилган, Аллоҳ таолонинг ва ота-онасининг ҳаққини унутган динсиз инсондир. Албатта, унинг жазоси жаҳаннам бўлажак.

Шу орда қиёматнинг даҳшатли манзараларидан бир манзара —

кофир ва жинотчи қавмларнинг хору зор бўлиш манзараси ҳам келтирилади. Аллоҳга иймон келтирмай, қиёматга ишонмай, охи-ратни унутиб юрганларнинг оқибати нима бўлиши тасвирланади.

Сўнгра, Худ алайҳиссаломнинг кибрга, туғёнга кетган қавмла-ри қандоқ ҳалокатга учраганлиги баён қилинади. Бу қавм Қуръ-онни инкор қилаётган Макка аҳлидан кўра жисмонан бақувват, улкан гавдали, қадамидан ер титрайдиган бўлишига ва бошқа кўпги-на устунликларига қарамасдан, Аллоҳ таоло уларни арзимаган са-баб билан ҳалок қилди. Бошқалар ҳам куч-қувватига ишониб кат-та кетмасин, деган танбеҳ учун келтирилган бу қиссадан ибрат олишга даъват қилинади.

Кофир қавмлар инсонликларига ор келтириб, яратганнинг чақи-риғига қулоқ осмай, иймондан, исломдан, хайр-баракадан юз ўги-риб юрган бир пайтда, бир гуруҳ жинлар келиб, Қуръонга қулоқ осиб, иймонга келганлари, ундан таъсирланиб, тезда ўз қавмларини иймонга чақириб, уларга мағфират ва раҳмат башоратини етказиш-га шошилишлари ҳам сурада ўзига хос услубда баён этилади.

Хотимада эса, Аллоҳ таоло Ўз ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломни сабрга чақириб, кофирларга тезроқ азоб келишига ошиқмасликка буюради. Чунки, уларни кутиб турган нарса шундоқ ҳам жуда яқин-дир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



### 1. Ҳаа. Мийм.

«Аҳқоф» сураси ўзидан олдинги олти сура каби «Ҳаа. Мийм» билан бошланяпти. Булар ҳам ҳижо ҳарфларидандир. Улар ҳақида олдин кўп гапирилди. Бу ҳарфлар ҳақида уламолар турлича таъ-вийлларни айтганлар. Шулардан энг кучлиси – ушбу Қуръон «Ҳаа», «Мийм»га ўхшаш оддий араб ҳарфларидан иборат, лекин шу би-лан бирга, барчани ожиз қолдирувчидир. Бунга ўхшаш китобни ҳеч ким келтира олмайди, демоқдир. Чунки, бу:

تَزِيلُ الْكِتَابِ مِنَ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

## 2. Китоб туширилиши Голиб ва ҳикматли Аллоҳ тарафидан-дир.

Яъни, бу китобни, кофирлар даъво қилаётганидек, Муҳаммад ўзи тўқиб олгани йўқ, ёки бошқа бирор масдардан олингани йўқ. Қуръоннинг масдари ягона Аллоҳдир. Ҳа, У зотнинг Ўзидир. Китобнинг бирор ҳарфида на Пайғамбарнинг ва на фариштанing ва на бошқа бирор зотнинг ҳиссаси йўқ. Мушриклар айтаётганидек, Муҳаммад алайҳиссалом шоир ҳам, сеҳргар ҳам эмаслар, ёлғиз Аллоҳнинг элчисидирлар, холос. Қуръондек ожиз қолдирувчи китобнинг эгаси бўлган Зот кўзингизга кўришиб турган, қалбингиз идрок этиб турган «борлиқ» деб аталмиш Китобнинг, ҳам эгасидир.

مَا خَلَقْنَا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ وَأَجَلٍ مُّسَمًّى وَالَّذِينَ كَفَرُوا عَمَّا أُنذِرُوا مُعْرِضُونَ ﴿١٠٠﴾

## 3. Осмонлару ерни ҳамда улар ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ ва белгиланган муддат ила яратдик. Кофирлар бўлса, ўзлари огоҳлантирилган нарсадан юз ўгирувчилардир.

Қуръонни ҳикмат ила нозил қилган голиб ва қудратли Аллоҳ осмонлару ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ҳам ҳақ ила, ҳикмат ила яратган.

### «Осмонлару ерни ҳамда улар ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ ва белгиланган муддат ила яратдик.»

Ушбу махлуқотлар Аллоҳнинг қудрати ва ҳикматида бир кўри-ниш ҳисобланади. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло уларни дақиқ ўлчов билан муайян вақтгача турадиган қилиб яратган. Вақти келганда шу яратишдан бўлган ҳикмат ва кўзланган ғоя юзага чиқади.

Услуги, ҳидояти, ҳукмлари ила барча инсонларни қондирувчи ва тўғри йўлга бошлагувчи Қуръон ҳам ва яратилишининг ўзиёқ улуғлик, ҳикмат ва тадбиркорлик аломати бўлмиш «борлиқ» деб аталган китоб ҳам, ҳар иккаласи Аллоҳнинг борлигига, қудратига, ҳикматига ёрқин далил бўлишига қарамай, кофирлар ўзлари огоҳ-лантирилган нарсадан юз ўгирдилар.

### «Кофирлар бўлса, ўзлари огоҳлантирилган нарсадан юз ўгирувчилардир.»

Нима учун улар ўйлаб кўрмайдилар? Нима учун Қуръоннинг маъноларини чақиб кўрмайдилар? Нима учун атрофларини ўраб турган борлиқдаги барча нарсалардан ибрат олмайдилар? Осмон-лару ер ва уларнинг орасидаги бошқа махлуқотларга ибрат назари билан қарасалар, буларнинг барчаси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмагани, балки қудратли ва ҳикматли Зот тарафидан яратилганини билишар эди-ку!



Улар эса, бўлар-бўлмас нарсаларга сиғиниб, ибодат қилиб юрибдилар.

Кейинги оятда Қуръон араб мушрикларининг буту санамларга сиғиниб, Аллоҳга ширк келтираётганларини инкор этиб, шундай дейди: Эй Пайғамбар!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ مَا تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَرُونِي مَاذَا خَلَقُوا مِنَ الْأَرْضِ أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِي السَّمَوَاتِ أَتُنُونِ  
يَكْتَبُ مِنْ قَبْلِ هَذَا أَوْ أَثَرَةٌ مِنْ عِلْمٍ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

**4. Сен: «Аллоҳдан ўзга сиғинаётган нарсаларингизнинг хабарини беринг-чи, менга кўрсатинг-чи, улар ердан нимани яратдилар? Ёки осмонларни (яратишда) иштироклари борми? Агар ростгўй бўлсаларингиз, менга бу(Қуръон)дан олдинги китобни ёки илмий бир белгини (далилни) келтиринг», деб айт.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга мушрикларни лол қолдирувчи, Аллоҳдан бошқага сиғинувчиларнинг ақийдаси пуч эканини очиқ-ойдин фош этувчи далилларни талқин этмоқда.

Мушриклар тошдан, ёғочдан, лойдан ва бошқа турли моддалардан ўз қўллари билан ясаб олган буту санамларга сиғинадилар. Ўзи қўли билан ясаб олган бутга ибодат қилувчи инсон нима деган одам бўлади?!

Баъзилар жинларни «Аллоҳнинг шериги» деб эътиқод қилиб, уларга сиғинишар эди. Жинга сиғиниш ҳам инсон шаънига ор эмасми?

Шунингдек «Аллоҳнинг қизлари» деб фаришталарга сиғинадиганлар ёки қуёш, ой ва баъзи юлдузларга топинадиганлар ҳам бор эди. Араб мушриклари, бу нарсалар Аллоҳнинг ҳузурида бизга шафоат қилади, деб эътиқод қилар эдилар. Ҳар бир уйнинг, ҳар бир шахснинг ўз худоси бор эди. Ҳаттоки, туяни қумга соғиб, лой қилиб, бут ясаб сиғинган пайтлари ҳам бўлган.

Ҳазрати Умардек закий, оқил инсон ҳам мушриклик пайтида ақл бовар қилмайдиган ишни қилгани ривоятларда келган. У киши сафарда кетаётиб, ибодат қилгиси келиб қолибди. «Худо»си эсидан чиқиб, уйда қолган экан. Ўйлаб туриб халтасидаги хурмоларни олибдида, бир-бирига ёпиштириб, бут ясаб, унга ибодат қилибди. Сўнг йўл юриб, чарчаб, оч қолиб, халтадан ҳалиги «худо»сини олиб, еб қўйибди. Қорни тўйгандан сўнг, ақли жойига келиб, ўзи еб қўйиши мумкин бўлган нарсага сиғинганидан ўзининг кулгиси келиб, аҳмоқлигини англаб, кула-кула йиқилиб қолган экан. Шундай бўлгандан

сўнг, мушриклар мазкур ояти карималардаги танбеҳга нима деб жавоб бера оладилар?

**«Аллоҳдан ўзга сиғинаётган нарсаларингизнинг хабарини беринг-чи, менга кўрсатинг-чи, улар ердан нимани яратдилар?»**

Эй, мушриклар, сизлар сиғинаётган буту санамлар, сохта ху-долар нимани яратганлар ўзи? Тоғу тошними, набототлардан бирортасиними ёки ҳайвонними? Шундай ожиз нарсаларни «худо» деб сиғиниш инсон учун ор эмасми?!

**«Ёки осмонларни (яратишда) иштироклари борми?»**

Ҳеч бир одам: осмонларни яратишда буту санамларнинг ишти-роки бор, деб айта олмайди. Осмонга бир назар солишнинг ўзи унинг яратувчиси чексиз қудратга эга Зот эканини кўрсатади. Ҳеч бир мушрик: менинг бутим ёки санамим осмонни яратишда қат-нашган, дея олмайди. Баъзи боши бузуқларнинг ўйига шунга ўхшаш хомхаёллар келиши мумкин. Шунинг учун, уларни лол қолдириш учун, эй Пайғамбар, ҳужжат ва далил талаб қилиб:

**«Агар ростгўй бўлсаларингиз, менга бу(Қуръон)дан олдинги китобни ёки илмий бир белгини (далилни) келтиринг», деб айт».**

Бу масалада Қуръони Карим яна ҳам чуқурроқ кетиб, муш-рикларнинг буту-санамлари дуоларни қабул қила олмаслиги, ҳатто сезмасликларини, уларга сиғинаётганлар эса энг жоҳил бандалар эканлигини баён қилиб қуйидагиларни айтади:

وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ مَنْ لَا يَسْتَجِيبُ لَهُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَهُمْ عَنِ دُعَائِهِمْ غَفْلُونَ ﴿٥٠﴾

**5. Аллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача дуосини мустажоб қилол-майдиганларга илтижо этадиганлардан ҳам адашганроқлар бор-ми?! Ҳолбуки, у(бут)лар уларнинг дуосидан ғофилдирлар.**

Мушриклар бут-санамлардан тортиб, ой, қуёш, дарахт ёки шунга ўхшаш ўзлари «худо» деб эътиқод қилган махлуқотларга сиғинадилар, улардан ҳожатларини раво қилишини сўраб дуо қиладилар. Кошки, у буту санамлар бу дуоларни эшитсалар, уларнинг сўраганини берсалар. Ҳеч нарсани эшитмайдиган жонсиз нарсалар нима ҳам қила олар эдилар! Қиёматгача ҳам дуолари мустажоб бўлмайди. Бу дуоларни қилувчилар эса энг қаттиқ адашган инсонлар ҳисобланади. Ахир,

**«Аллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача дуосини мустажоб қилол-майдиганларга илтижо этадиганлардан ҳам адашганроқлар бор-ми?!»**

Улардан адашганроқ кишилар ер юзида йўқ. Ахир, лоақал заррача ақли бўлган одам кўру кар бутларга илтижо қиладими?

**«Ҳолбуки, у(бут)лар уларнинг дуосидан ғофилдирлар.»**

Адашган мазкур бандалар бу дунёдан шундай ўтадилар.

وَإِذَا حِشَرَ النَّاسَ كَانُوا لَهُمْ أَعْدَاءً وَكَانُوا بِعِبَادَتِهِمْ كُفْرِينَ ﴿٦﴾

**6. Одамлар маҳшарга тўпланганда, ўша(бут)лар уларга душман бўлурлар ва ибодатларига ҳам мункир бўлурлар.**

Демак, қиёмат қоим бўлиб, одамлар маҳшаргоҳга тўпланганда, ўша бутлар бу дунёда ўзларига сиғиниб юрган мушрикларга душман бўладилар. Бизга ибодат қилганингиз йўқ, деб инкор қиладилар. Ҳатто шайтон ҳам ўзига эргашганлардан тонар экан. Мен сизларга ҳеч нарса қилганим йўқ, чақирсам эргашаверасизларми, мени эмас, ўзингизни маломат қилинг, деб айтар экан.

Инсон ақлига ва зотига ор бўладиган ақийдада юргувчи мушрикларнинг Қуръони Карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида нима дейишларини билсак, уларнинг нақадар адашганликларини яна ҳам ойдинроқ равишда тушуниб етамиз.

وَإِذَا نَتَلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَاتُنَا بَيِّنَاتٍ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلْحَقِّ لَمَّا جَاءَهُمْ هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٧﴾

**7. Қачонки уларга равшан оятларимиз тиловат қилинса, куфр келтирганлар Ҳақ (Қуръон) уларга келгандаёқ, бу очиқ-ойдин сеҳрдир, дерлар.**

Бу ояти каримада мушрикларнинг ваҳийга бўлган муносабатлари баён қилиняпти. Аллоҳ туширган оятлар очиқ ва равшан, ҳеч шубҳали ёки ноаниқ жойи йўқлигига қарамай, куфр келтирганлар шубҳа қиладилар, ишонмайдилар, ҳақ бўлиб келган Қуръони Каримни «сеҳр» дейдилар. Ахир, ҳақ билан сеҳр бир-бирига зид нарса-ку. Мушриклар фақат шу билан кифояланиб қолмайдилар, яна Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам ёлғончиликда айблайдилар ва, Қуръонни ўзи тўқиб олган, «Аллоҳдан тушяпти» дегани ёлғон, дейишади.

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَيْنَاهُ قُلْ إِنِ افْتَرَيْتَهُ فَلَا تَمْلِكُونَ لِي مِنَ اللَّهِ شَيْئًا هُوَ أَعْلَمُ بِمَا تُفِيضُونَ فِيهِ كَفَىٰ بِهِ شَهِيدًا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٨﴾

**8. Балки, у(Қуръон)ни ўзи тўқиб олган ҳам дерлар. Сен: «Агар уни тўқиб олган бўлсам, Аллоҳдан (келадиган) бирор нарсани мендан қайтаришга қодир эмассиз. У зотнинг Ўзи у(китоб) ҳақида сиз шўнғиётган нарсаларни яхши билувчидир. Мен билан сизнинг ўртангизда гувоҳликка Унинг Ўзи кифоядир. Ва У кечирувчи ҳам раҳимли зотдир», деб айт.**

Ушбу оятда, аввало, мушриклар Қуръони Карим ҳақида айтиши мумкин бўлган гаплардан бири зикр қилинмоқда:

**«Балки, у(Қуръон)ни ўзи тўқиб олган ҳам дерлар».**

Яъни, эҳтимол, мушриклар, Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб олган, уни Аллоҳ нозил қилган эмас, дерлар.

Сўнгра, беодоб мушрикларга жавоб беришда Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик одобига риоя қилишни тавсия этиб, қандай жавоб беришни Аллоҳ Ўзи ўргатмоқда:

**«Агар уни тўқиб олган бўлсам, Аллоҳдан (келадиган) бирор нарсани мендан қайтаришга қодир эмассиз».**

Агар Қуръонни ўзим тўқиб олиб, бу – Аллоҳнинг сўзи, деб ёлғондан айтаётган бўлсам, Аллоҳ мени тинч қўймайди. Азобга олади. Сизлар Аллоҳнинг азобини мендан қайтаришга қодир эмассизлар. Мен эсам, кўриб-билиб туриб ўзимни Улуғ Аллоҳнинг азобига дучор қилмайман. Қандай қилиб ўзимча тўқийман? Нима учун тўқийман?

**«У зотнинг Ўзи у(китоб) ҳақида сиз шўнғиётган нарсаларни яхши билувчидир.»**

Сизлар нима десангиз деяверинглар, аммо Қуръон ҳақида қанақа гап тарқатаётганларингни Аллоҳ таолонинг Ўзи жуда яхши билиб турибди.

**«Мен билан сизнинг ўртангизда гувоҳликка Унинг Ўзи кифоядир.»**

Мен билан сизнинг орангизда Аллоҳ таолонинг Ўзи етарли гувоҳдир: менинг ҳақлигим ва ростгўйлигимга, сизларнинг эса, ёлғончи ва ифвогарлигингизга гувоҳлик беради.

**«Ва У кечирувчи ҳам раҳимли зотдир», деб айт.»**

Аллоҳ таоло кечирувчи зот, ҳали ҳам вақт борида тавба қилиб қолиш керак. У раҳимли зот, шоядки, раҳим қилса...

Эй Пайғамбар!

قُلْ مَا كُنْتُ بِدَعَا مَنِ الرُّسُلِ وَمَا أَدْرِي مَا يُفْعَلُ بِي وَلَا بِكُمْ إِنِّي أَلَا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ وَمَا أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ

إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ

**9. Сен: «Мен биринчи Пайғамбар эмасман, менга ва сизларга нима қилинишини билмасман. Фақат, ўзимга ваҳий қилинаётган нарсагагина эргашурман. Мен очиқ-ойдин огоҳлантирувчман, холос», деб айт.**

Мушриклар нимага Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбар эканликларига ишонмайди?

Аллоҳ таоло ушбу оятда ана шу ҳақиқатни ўша нобакор мушрикларнинг юзига айтишни Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзларига топширмоқда:

**«Сен: «Мен биринчи Пайғамбар эмасман, менга ва сизларга нима қилинишини билмасман», деб айт.**

Ахир, мендан аввал ҳам кўплаб Пайғамбарлар келган-ку?! Мен ҳам ўша Пайғамбарларнинг бириман, холос. Менинг Пайғамбар бўлиб келишим ҳайратга тушадиган янгилик эмас. Мен, агар Пайғамбар бўлсам ҳам, келажақда ўзимга нима бўлишини ҳам билмайман, сизларга нима бўлишини ҳам билмайман. Мен,

**«Фақат, ўзимга ваҳий қилинаётган нарсагагина эргашурман, холос».**

Мендан олдин келган Пайғамбарларнинг барчасига ҳам Аллоҳ таоло ваҳий юборган-ку?! Мен ҳам бошқа Пайғамбарлар каби, ўзимга келган ваҳийни қавмларимга етказаяпман, холос.

**«Мен очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос», деб айт.»**

Аслида, Пайғамбарнинг иши шу-да. У ғайб илмини билгани учун ёки ўзига ва қавмларига келажақда нималар бўлишини билгани учун Пайғамбарлик қилмайди. Аниқки, ҳар бир Пайғамбар Аллоҳ нимани буюрса, шуни қилади. Парвардигорига итоат этади. Қавмларини огоҳлантиради. У, ўзига берилган амрни бажаради, чизилган чегарада юради.

Сўнгра, Аллоҳ таоло яна Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилиб, у зотга мушрикларни Исломнинг ҳақиқатига чуқур назар солишга чақириб, баъзи яҳудий олимлар ҳам ибрат ва эътибор оқибатида Исломга кирганликларини таъкидлашни амр қилади.

Эй Пайғамбар!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ كَانَتْ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَكَفَرْتُمْ بِهِ، وَشَهِدَ شَاهِدٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَىٰ مِثْلِهِ، فَتَأْمَنَ  
وَأَسْتَكْبَرْتُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

**10. Сен: «Айтинг-чи, агар у (Қуръон) Аллоҳдан бўлса-ю, сиз унга куфр келтирсангиз ва ҳолбуки, Бани Исроилдан бир гувоҳ у(Қуръон)га ўхшаш нарсага гувоҳлик бериб, иймон келтириб турибди, сиз эса, кибру ҳаво қияпсиз. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас», деб айт.**

Ушбу оятда Қуръони Каримни, илоҳий ваҳийни инкор этаётган мушрикларга дағдаға бор. Уларга бевосита ақдни лол қолдирувчи мурожаат бор:

**«Айтинг-чи, агар у (Қуръон) Аллоҳдан бўлса-ю, сиз унга куфр келтирсангиз...»**

Унда нима деган одам бўласиз?!

Эй, Қуръоннинг Аллоҳнинг каломи эканлигини инкор қилаётган мушриклар! Айтинг-чи, сизлар Муҳаммад ўзи тўқиб олган, деб даъво қилаётган нарсангиз – Қуръон ҳақиқатан Аллоҳнинг ҳузуридан бўлса, унда нима деган одам бўласизлар?

**«...ҳолбуки, Бани Исроилдан бир гувоҳ у (Қуръон)га ўхшаш нарсага гувоҳлик бериб, иймон келтириб турибди...»**

Сизлар, эй, мушриклар, илмсиз, жоҳил, Пайғамбарликлар тарихини билмайдиган одамсизлар. Лекин аҳли китоблардан, бунақа ишлардан тўла хабардор қавм бўлмиш Бани Исроилдан айримлари Қуръон Аллоҳдан бўлиши мумкинлигига гувоҳлик бериб туришибди-ку. Чунки, уларнинг Пайғамбари Мусо алайҳиссаломга ҳам Қуръонга ўхшаш илоҳий китоб – Таврот нозил бўлган эди. Ҳамда ўша Тавротда келган таълимотлар Қуръондагига ўхшайди, чунки иккаласини ҳам бир Аллоҳ нозил қилган. Бунинг устига, Тавротда Муҳаммад алайҳиссаломнинг васфлари бор. Ана ўшалардан хабардор (гувоҳ) яҳудий Қуръонга иймон келтирди.

**«...сиз эса, кибру ҳаво қияпсиз.»**

Сизлар бўлсаларингиз, жоҳиллигингиздан кибру ҳавога берилиб, иймон келтирмай, кофир бўлиб юрибсизлар. Бас, шундай экан, сизлар ўзига зулм қилган кишиларсизлар.

**«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас», деб айт.»**

Ҳа, золимларни Аллоҳ таоло ҳеч қачон ҳидоятга бошламайди.

Қуръони Каримда бузуқ ақийдаларни тузатиш, тўғри йўлга бошлаш учун турли услублар қўлланган. Ушбу оятда мушрикларнинг ақийдасига шубҳа солиш йўли билан уларнинг хатода эканликлари баён қилинмоқда.

Кейинги оятларда мушрикларнинг Қуръон ва Ислом ҳақидаги гап-сўзларини келтириш билан бирга, уларнинг иймондан юз ўгиришга келтирган ноўрин узрлари ҳам баён қилинади.

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلَّذِينَ آمَنُوا لَوْ كَانَ خَيْرًا مَّا سَبَقُونَا إِلَيْهِ وَإِذْ لَمْ يَهْتَدُوا بِهِ

فَسَيَقُولُونَ هَذَا إِفْكٌ قَدِيمٌ ﴿١١﴾

**11. Куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Агар у (Қуръон) яхшилик бўлганида, унга биздан аввал бормасдилар», дедилар. У(Қуръон)дан ҳидоят топишмагач, бу – қадимги уйдирмадир», дерлар.**

Маълумки, аввал бошда Исломга камбағал, қул ва заиф кишилар киришган. Аммор ибн Ясир, унинг отаси ва онаси, Билол ибн Рабоҳ розияллоҳу анҳумлар бунга мисолдирлар.

Кибру ҳавога учган араб бойваччаларининг назарида ушбу камбағалларнинг Исломга кириши, Қуръонга ишониши камчилик, айб бўлиб кўринган.

**«Куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Агар у (Қуръон) яхшилик бўлганида, унга биздан аввал бормасдилар», дедилар.»**

Улар ўзларича, «Ялангоёқлар юрган йўл яхши бўлармиди?» демоқчилар. Лекин, аини чоқда, ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Усмон, Ҳадича онамизга ўхшаш бой, зодагонлар ҳам биринчилардан бўлиб Исломга киришганини эътиборга олишмайди. Ислом бойни ҳам, камбағални ҳам, кучлини ҳам, заифни ҳам бир оила аъзоси қилиш учун Аллоҳ тамонидан юборилган дин. Унда кишиларнинг қадр-қиймати уларнинг кучига, бойлигига ёки мансабига қараб эмас, балки тақвосига, қилган амалига қараб белгиланади.

Аслини олганда, гап бунда эмас эди. Бой зодагон мушриклар бир нарсадан шубҳалари борлиги учун ёки ҳақиқатни тушуниб етмаганлари учун эмас, балки Муҳаммад алайҳиссаломга эргашсак обрўдан тушиб қоламиз, деб кибру ҳавони ихтиёр қилган эдилар.

Албатта, ичларидаги бу машғум дардни очиқ айта олмайдилар ва ўзга баҳона қиладилар. Модомики, ҳаққа бўйинсуниб, унга эргашмаяптиларми, бир баҳона топиш керак. Модомики, улар ўзларини бекаму кўст, яхшиликни ихтиёр қилувчи шахслар, деб ўйлайдиларми, демак камчилик ва айбни бошқа ёқдан қидирадилар. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримни «бу – қадимги уйдирма» дейишдан тоймайдилар. Ҳа,

**«У(Қуръон)дан ҳидоят топишмагач, бу – қадимги уйдирмадир», дерлар».**

Ваҳий ҳақидаги баҳснинг охирида Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган Қуръони Карим биринчи самовий китоб эмаслиги, балки ундан олдин ҳам ваҳий йўли билан Мусонинг китоби Таврот нозил қилинганлиги, Қуръон эса араб тилида уни тасдиқлаб келганлиги баён қилинади.

وَمِنْ قَبْلِهِ كَتَبَ مُوسَىٰ إِمَامًا وَرَحْمَةً وَهَذَا كِتَابٌ مُّصَدِّقٌ لِّسَانِ عَرَبِيًّا لِّيُنذِرَ الَّذِينَ

ظَلَمُوا وَنُشْرَىٰ لِلْمُحْسِنِينَ ﴿١٢﴾

**12. У(Қуръон)дан олдин Мусонинг китоби йўл бошловчи ва раҳмат эди. Бу (Қуръон) эса, араб тилидаги, тасдиқловчи, зулм**

**қилувчиларни огоҳлантириш учун ва яхшиларга башорат китобидир.**

Мусонинг китоби «йўл бошловчи» деб васф қилинишининг боиси шулки, шариатнинг ва ақийданинг асли Тавротда келган.

**«У(Қуръон)дан олдин Мусонинг китоби йўл бошловчи ва раҳмат эди.»**

Тавротнинг «раҳмат» деб сифатланишига ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Аллоҳ таолонинг бандаларига юборган ҳар бир хабари, жумладан, Таврот ҳам раҳматдир. Аллоҳ юборган ваҳий борлиқ учун битмас-туганмас раҳматдир, бу дунёю у дунёга етарли раҳматдир.

Ушбу оятдан Қуръони Каримга берилган васфлардан бирини — унинг «араб тилида» эканлигини биламиз.

**«Бу (Қуръон) эса, араб тилидаги, тасдиқловчи, зулм қилувчиларни огоҳлантириш учун ва яхшиларга башорат китобидир.»**

Ушбу ояти каримада Қуръони Мажиднинг тўртта сифати ҳақида сўз кетмоқда.

#### **1. «...араб тилидаги...»**

Бу хабар араблар учун миннат бўлиб, Аллоҳ таоло Ўзининг охирги, ҳаммани ожиз қолдирувчи, қиёматгача боқий қолувчи китобига ушбу араб тилини танлагани бежиз эмаслигини эслатади.

#### **2. «...Тасдиқловчи...»**

Яъни, ўзидан аввалги китобларда, жумладан, Тавротда келган ақийданинг аслини, илоҳий йўлни, дину диёнатни тасдиқлайди.

#### **3. «...зулм қилувчиларни огоҳлантириш учун...»**

Бу иш Қуръони Каримнинг вазифаларидан ҳисобланади. Ислом доимо зулмга қарши. Қуръони Каримда бу ҳақда кўплаб оятлар бор. Зулмнинг барча кўринишлари Исломга, Қуръонга зиддир. Қуръон доимо олимларни охират азобидан огоҳлантириб туради.

#### **4. «...яхшиларга башорат китобидир.»**

Қуръони Карим яхшиларга икки дунё бахт-саодати башорати — хушxabарини беради.

Келгуси оятларда мазкур яхшиларга бериладиган мукофот, башорат, суюнчилик хабар васф қилинади.

إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٣﴾

**13. Албатта «Роббимиз Аллоҳдир» деган, сўнгра бунда мустақийм турганларга хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло



«**Роббимиз Аллоҳдир деган**» бандаларини мадҳ этмоқда, чунки бу иборани айтганлар ягона Аллоҳнинг Ўзигина ибодатга сазовор Зот эканига, ушбу борлиқнинг Парвардигори эканига, фақат Унга ибодат қилиб, фақат Унга суянишга иқрор бўлганлардир.

Шу билан бирга, улар иймонга амални, яъни, мустақиймликни ҳам қўшиб олиб боришади.

**«...сўнгра бунда мустақийм турганлар...»**

Чунки, мустақиймлик деганимиз Аллоҳнинг буйруқларини сўзсиз бажариш ва қайтарганларидан мутлақо қайтишни билдиради.

Имом Муслим Ибн Ҳажжож Суфён ибн Абдуллоҳ ас-Сақафийдан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳам ушбу маъно ўз аксини топгандир. Суфён ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтадиларки: «Мен, эй, Аллоҳнинг Расули, менга Исломда бир гап айтингки, сиздан кейин у ҳақда ҳеч кимдан сўрамайин, деган эдим, у киши, Аллоҳга иймон келтирдим, дегин-да, сўнгра мустақийм тур, дедилар».

Иймонга келиб, мустақийм турганларга қиёмат кунда ҳеч қандай гап йўқ.

Ҳа, уларга,

**«хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар».**

Уларга ҳеч қандай хафагарчилик ҳам бўлмайди. Қилган яхши амалларининг мукофотига роҳат-фароғатда бўладилар.

أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ خَالِدِينَ فِيهَا جَزَاءٌ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

**14. Ана ўшалар жаннат эгаларидир, унда қилган амаллари мукофотига абадий қолурлар.**

Ушбу ояти каримадаги

«**қилган амаллари мукофотига**» деган иборага алоҳида эътибор бериш лозим. Қаранг-а, қилган амаллари, айтган гаплари ёки ниятлари, дейилгани йўқ. Фақат, «қилган амаллари» таъкидланмоқда.

Демак, қуруқ гапнинг Исломда эътибори йўқ, балки айтилган гапни амал билан тасдиқлаш содир бўлгандагина мукофотларга сазовор бўлинади. Мукофот – жаннатда мангу қолишлиқдир.

Иймон ва мустақиймлик ҳосил бўлгандан сўнг, ота-онага яхшилик қилиш ҳақида насиҳат бошланади. Аллоҳ таоло билан бўладиган боғланишдан кейинги энг муҳим боғланиш ота-она билан бўладиган боғланиш эканини, ота-онасини фақат иймонли кишиларгина ҳақиқий ҳурмат қила олишини шундан ҳам билиб олса бўлади.

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ إِحْسَانًا حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا وَحَمَلُهُ وَفِصْلُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَبَلَغَ أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَصْلِحْ لِي فِي ذُرِّيَّتِي إِنِّي تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿١٥﴾

15. Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкрақдан ажратиши ўттиз ойдир. Токи, у камолга етиб, қирқ ёшга кирганида: «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ(иш)ни қилишимга илҳом бергин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Албатта, мен тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман», деди.

Ушбу ояти кариманинг аввалида Аллоҳ таоло инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрмоқда.

**«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик.»**

Бу, ҳар бир одамнинг инсонийлик бурчидир. Инсон фақат инсонлиги учун ҳам, ота-онасини ҳурмат қилиши, эъзозлаши зарур. Лекин шу билан бирга, оятнинг ўзида ота-онага яхшилик қилишнинг сабабларидан баъзиси айтиб ўтилмоқда.

**«Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди...»**

Ҳомиладорлик катта машаққат. Ҳомила пайдо бўлиши билан онанинг машаққатлари бошланади. Кўнгли айнийди, заифлашади ва бошқа турли қийинчиликларни бошидан ўтказади. Вақт ўтиб ҳомила катталашиб борган сари онанинг машаққати ҳам катталашиб боради. Бу машаққатларни фақат Аллоҳ берган оналик меҳригина енгиллаштириши мумкин.

Кейин туғиш жараёни... Онаси

**«...уни қийналиб туғди».**

Энг қийин жараёнлардан бири шудир. Ҳар бир она ўз фарзандини катта қийинчилик билан туғади. Тўлғоқ, туғиш — булар ҳаммаси фақат Аллоҳнинг инояти билан амалга ошади. Ҳар бир инсон ана шу қийноқларни бошидан кечириб туққан ўз онасини ҳар қанча эҳтиром қилса, шунча оз. Сўнгра, туғилган болани эмизиб, ювиб-тараб, тарбиялаб катта қилиш керак бўлади.

**«Ва унинг ҳомиласи ва кўкрақдан ажратиши ўттиз ойдир.»**

Болага ҳомиладор бўлгандан тортиб уни суддан ажратгунгача бўлган даврда қанчадан-қанча машаққатлар ўтади. Инсон боласи энг ожиз бўлиб туғиладиган жонзотдир. Бошқа ҳайвонларнинг боласи туғилганидан бир оз вақт ўтгандан сўнг ўзининг кунини ўзи кўриб

кетаверади. Аммо инсон боласи узоқ муддатли парваришга муҳтож-дир. Бу меҳнатни ҳам асосан она бажаради. Шунинг учун, онани ҳурмат-эҳтиром қилиш алоҳида таъкидланади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда марҳамат қилинадики: «Бир киши Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, одамлар ичида яхшилик қилишимга ким ҳақдироқ?» — деб сўрабди. Ул зот:

«Онанг», дебдилар. У киши:

«Сўнгра ким?» — дебди. Ул зот алайҳиссалом:

«Онанг», дебдилар. У киши:

«Яна ким?» — дебди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Онанг», дебдилар ва ниҳоят тўртинчи марта сўраганида,

«Отанг», дебдилар».

Оятда **«Ва унинг ҳомиласи ва кўкрақдан ажратиши ўттиз ойдир»**, дейилишидан баъзи уламолар ҳомиланинг энг оз вақти олти ой бўлиши мумкин, деган фикрни айтишган. Чунки, бошқа оятда, ким эмизишни батамом қилмоқчи бўлса, оналар болаларини икки йил тўлиқ эмизадилар, дейилган. Маълумки, икки йил йигирма тўрт ойдан иборат. Эмизиш билан ҳомиладорлик ўттиз ой бўлса, демак, ўттиздан йигирма тўрт чиқариб ташланса, олти ой қолади.

Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ал-Жуҳайнийдан қуйидаги қиссани ривоят қилади: «Биздан бир киши Жуҳайна қабиласига мансуб аёлга уйланган эди. У олти ойдан кейин бола туғди. Эри халифа Усмон розияллоҳу анхунинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтди. У киши аёлни келтиришга одам юбордилар. Аёл туриб кийимларини кияётганда сингиси йиғлай бошлади. У сингисига қараб:

«Нимага йиғлайсан, Аллоҳга қасамки, менга эримдан бошқа ҳеч ким қўл теккизгани йўқ. Аллоҳнинг Ўзи нимани хоҳласа, шу бўлади», деди. Уни ҳазрати Усмоннинг ҳузурларига олиб келишганида, у киши аёлни (зинода айблаб) тошбўрон қилишга буюрдилар. Бу хабар ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳуга етганда, ҳазрати Усмоннинг олдиларига келиб:

«Нима қилаяпсиз?» — дедилар. Ҳазрати Усмон:

«Олти ойда туғибди, шундай бўлиши ҳам мумкинми?» — дедилар. Ҳазрати Али:

«Агар бу аёл Қуръондан далил келтирса, сизни ютади», дедилар. Ҳазрати Усмон:

«Қандай қилиб?» — деб сўрадилар. Ҳазрати Али:

«Аллоҳ таолонинг «унинг ҳомиласи ва кўкрақдан ажратиши ўттиз ойдир», деган сўзини ўқиганмисиз? «Оналар болаларини икки йил тўлиқ эмизадилар», деганини-чи? Шунда орадаги муддат олти ой қолмайдими?» — дедилар. Ҳазрати Усмон:

«Бу ёғи хаёлимга келмабди, Али бўлмаганда ҳалокатга учрар эканмиз», дедилар».

Оятнинг давомида инсоннинг Аллоҳдан сўраш мумкин бўлган истакларининг энг афзаллари ҳақида гап боради:

**«Токи, у камолга етиб, қирқ ёшга кирганида, «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўладиган солиҳ(иш)ни қилишимга илҳом бергин...»**

Инсоннинг камолга етиши ўттиз билан қирқ ёшнинг ўртасида бўлар экан. Қирқ ёшга етган инсон ҳамма тарафдан мукаммал ҳолга келади. Ушбу ёшда ҳамма нарсани чуқур мулоҳаза қиладиган, ўтган тажрибасига суянадиган, охиратни ҳам ўйлайдиган, хуллас, камолот ҳолатига етар экан.

Шунинг учундирки, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам қирқ ёшларида Пайғамбар бўлганлар. Бу ёш, тахминан, умрнинг ўртаси бўлади. Ўша пайтда илтижо ҳам неъмат берувчи Роббил олабийннинг Ўзига холис қаратилган бўлади.

**«Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга...»**

Ҳар бир инсон учун Аллоҳ таоло унга берган неъматларга шукр қилиш энг муҳим ишдир. Бу иш ўта муҳим ва нозик бўлганидан, уни амалга оширишда Аллоҳ таолонинг Ўзидан мадад сўралмоқда.

Шу билан бирга, қирқ ёшга тўлиб, камолга эришган инсонда қолган умрида шукр билан қўшиб, солиҳ амалларни кўпроқ қилишга, Аллоҳнинг розилигини ахтаришга истак кучаяди. Шунинг учун ҳам, ушбу дуода:

**«сен рози бўладиган солиҳ(иш)ни қилишга илҳом бергин»,** дейилаяпти.

Ҳақиқий мўмин ўзининг солиҳ амали билан кифояланиб қолмайди, балки зурриёти, бола-чақаси ҳам солиҳ бўлишини истайди. Чунки, солиҳ зурриёт икки дунёнинг бахтидир. Шу боисдан ҳам, оятнинг давомида:

**«Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин»,** дейилаяпти.

Яъни, ҳар бир мўмин-мусулмон ўзига ва ота-онасига берилган неъматларга, аввало, иймон неъматига шукр қилиши лозим. Иймоннинг шукри эса, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, Аллоҳ таолога холис ибодат қилиш ва солиҳ амалларни кўпайтириш билан бўлади. Лекин ҳақиқий иймонли банда иймонининг масдари Аллоҳ таоло эканини асло унутмайди ва шунинг учун ҳам, Уни рози қиладиган солиҳ амалларни қилиш учун Ўзидан мадад сўрайди. Айни пайтда, у бандалар учун энг зарур икки хислатни эсдан чиқармайди: доимий тавба ва Аллоҳ таолога тўла бўйсунуш, яъни мусулмонлик:

«Албатта, мен тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман», деди».

Мўмин банданинг Парвардигори ҳузуридаги шафоатчиси, вочитачиси, аввало, унинг тавбасию мусулмонлигидир. У бирор гуноҳ қилса, дарров тавба қилади, Аллоҳга қайтади ва мусулмонлигини унутмайди. Бундай бандаларига Аллоҳ таолонинг Ўзи қандай муносабатда бўлишини кейинги оят баён қилади.

أُولَئِكَ الَّذِينَ نَقَبَلُ عَنْهُمْ أَحْسَنَ مَا عَمِلُوا وَنَتَجَاوَزُ عَنْ سَيِّئَاتِهِمْ فِي أَصْحَابِ الْجَنَّةِ وَعَدَّ الصِّدْقِ الَّذِي كَانُوا يُوعَدُونَ ﴿١٦﴾

**16. Ана ўшаларнинг энг яхши амалларини қабул қилиб, ёмонликларини ўтиб юборурмиз. Улар жаннат эгаларидандир. Уларга берилган ҳақ ваъда шулдир.**

Аввалги оятдаги мақтовли сифатларга эга бўлган мўминларнинг қилган яхши амалларини қабул қиламиз ва баъзи қилган гуноҳларини кечириб юборамиз, дейди Аллоҳ таоло.

**«Ана ўшаларнинг энг яхши амалларини қабул қилиб, ёмонликларини ўтиб юборурмиз.»**

Албатта, амални қабул қилгандан сўнг, унинг мукофоти ва савобини ҳам кўпайтириб беради. Ҳамда уларни жаннат эгалари сафига қўшиб қўяди.

**«Улар жаннат эгаларидандир.»**

Бу оддий ваъда эмас, балки Аллоҳ таоло берган ҳақ, содиқ ваъда бўлиб, амалга ошмай қолмайди.

**«Уларга берилган ҳақ ваъда шулдир.»**

Ота-онасига яхшилик қилувчи мўмин фарзанднинг зикридан сўнг, ота-онага оқ бўлган фарзанд зикри келади.

وَالَّذِي قَالَ لَوْلَاذِيهِ أَفِ لَكُمْ أَتَعْدَانِي أَنْ أُخْرَجَ وَقَدْ خَلَتِ الْقُرُونُ مِنْ قَبْلِي وَهُمَا يَسْتَكْبِرَانِ  
وَاللَّهُ وَبِكَ ءَامِنٌ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ فَيَقُولُ مَا هَذَا إِلَّا أَسْطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٧﴾

**17. Ота-онасига: «Уфф сизларга, (қабрдан) чиқарилишимнинг ваъдасини бераяпсизларми?! Мендан аввал ҳам асрлар ўтган-ку!»** – деган кишига, Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда, улар: «Ҳолингга вой бўлгур, иймон келтир, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир», дедилар. У бўлса: «Бу ўтганларнинг афсоналари, холос», дер.

Ушбу ояти каримада оқпадар фарзанднинг руҳий-маънавий ҳолати, ўз ота-онаси ила бўлган муомаласи баён қилинмоқда. Маъ-

лумки, ҳар бир мусулмон ота-она ўз фарзанди ҳам мусулмон бўлишини ва ўз умрида эришган бахтга фарзанди ҳам эришишини хоҳлайди. Унинг икки дунёда бахтсиз бўлишини, охиратда дўзах азобида қолишини истамайди. Шу меҳр, фарзанд ҳақидаги қайғу таъсирида ота-она ўз фарзандларини иймону Исломга чақирсалар, оқпадар фарзанд уларнинг бу даъватларидан ранжиб,

**«Ота-онасига: «Уфф, сизларга...»** дейди.

«Уфф» лафзи арабларда бирор ёқмаган одамга, кўнгли қолган нарсага нисбатан ишлатилади. Бизда халқ орасида юрадиган «суф сенга» деган иборага ўхшайди. Демак, оқпадар ҳам ота-онасининг иймонга чақиришларидан ижирганиб:

**«Уфф сизларга, (қабрдан) чиқарилишимнинг ваъдасини бераяпсизларми?! Мендан аввал ҳам асрлар ўтган-ку!»** – демоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, дину диёнатга даъват қилинаётган шахсга, одатда, охират эслатилади: беш кунлик дунё ўтиб кетади, эртага қиёмат бўлиб, қайта тирилиб, қабрдан чиқарилганингда саволжавобда нима дейсан, дейилади. Ота-она ҳам фарзандларига ушбу маъноларни айтган бўлсалар, у оқпадардан юқоридагидай жавобни олганлар. Оқпадар ўзининг охиратга ишонмаслигига далил қилиб, ўзидан аввалги асрларда ўтган аждодлардан бирор кишининг қабрдан қайта тирилиб чиқмаганлигини келтиради. Лекин у ўзига ўхшаш кофирлар сингари, қайта тирилиш доим бўлавермаслигини, фақат қиёмат куни, Аллоҳнинг амри билан бўлишини, инсонни йўқдан бор қилган қудратли Зот учун бу иш ҳеч қийин эмаслигини хаёлига ҳам келтирмайди!

Албатта, меҳрибон ота-она оқпадар фарзанднинг бу нобакорлигини кўтара олмайдилар, меҳрлари, иймонлари уларни тинч қўймайди. Бу нозик ишда Аллоҳ таолодан мадад сўрайдилар ва оқпадар фарзандларига қарата:

**«...Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда, улар: «Ҳолингга вой бўлгур, иймон келтир, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир», дедилар».**

Аммо залолатга кетган оқпадар ўз фикрида, адашувида давом этади ва:

**«Бу ўтганларнинг афсоналари, холос», дер».**

Қайта тирилишни инкор этиш доимо барча гуноҳларни тап тортмасдан қилаверишга сабаб бўлади. Бу ҳолат, айниқса, ҳозирги кунда кенг тарқалган. Юқоридаги оят ҳаммага огоҳлантириш бўлмоғи лозим. Бунинг устига, кейинги оят уларнинг охиратдаги ҳолларини баён қилмоқда:

أُولَئِكَ الَّذِينَ حَقَّ عَلَيْهِمُ الْقَوْلُ فِي أُمُورٍ قَدَّحَلَّتْ مِنْ قَبْلِهِمْ مِنَ الْجِنَّ وَالْإِنْسِ إِنَّهُمْ كَانُوا خَاسِرِينَ ﴿٨٨﴾

**18. Ана ўшаларга ўзларидан аввал ўтган жин ва инс умматлари қаторида (азоб) сўзи ҳақ бўлгандир. Албатта, улар зиён кўрувчилардан бўлдилар.**


Қайта тирилшини инкор этувчилар, бунга ўзларидан аввал ўтган аждодларнинг қайта тирилмаётганини далил қилиб келтирган эдилар. Бу оятда эса:

**«Ана ўшаларга ўзларидан аввал ўтган жин ва инс умматлари қатори (азоб) сўзи ҳақ бўлгандир»,** дейилмоқда.

Яъни, охиратда қайта тирилишни инкор қилганларга, инсон бўлсин, жин бўлсин, аввал ўтсин, кейин ўтсин – барча-барчасига Аллоҳ таолонинг азоб сўзи ҳақ бўлган, уни қайтариб бўлмайди. Уларнинг азобга учрашлари тайин. Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси амалга ошмай қолмайди. Ана ўша ваъда амалга ошадиган кунда:

**«Албатта, улар зиён кўргувчилардан бўлдилар».**

Ҳидоятда, иймонда юрган, ота-онасини рози қилганларнинг ва уларнинг аксича куфрда, залолатда ўтган, ота-онасига оқ бўлганларнинг умумий ҳоллари баён қилиниб бўлгандан сўнг, кейинги келадиган ояти каримада улардан ҳар бир шахсга алоҳида дақиқ ҳисоб-китоб, жазо-мукофот бўлиши таъкидланади.


 وَلِكُلِّ دَرَجَةٍ مِّمَّا عَمِلُوا وَلِيُوقِفَهُمْ أَعْمَالَهُمْ وَهُمْ لَا يُظَالَمُونَ

**19. Ҳар бирларига қилган амалларига яраша даражалар бори дир. Ва уларга амалларининг (мукофот ёки жазоси) тўлиқ бери лур ва уларга зулм қилинмас.**

Ушбу оятда ҳар бир инсонга бу дунёда қилган амалига яраша у дунёда даража берилиши таъкидланмоқда.

**«Ҳар бирларига қилган амалларига яраша даражалар бори дир.»**

Қиёматда яхшиларни жаннатга, ёмонларни дўзахга киритиб юбориш билан уларнинг иши битмаслиги маълум бўлмоқда. Зеро, Аллоҳнинг ваъдасига кўра, ҳар бир инсон бу дунёда қилган амалига қараб алоҳида даражага эга бўлади. Заррача яхшилик ҳам, заррача ёмонлик ҳам ҳисоб-китобдан четда қолмайди. Кўп яхшилик қилганларнинг даражалари жаннатда олий бўлади. Шунинг учун, яхшиликни иложи борича кўпроқ қилишга уриниш керак. Аксинча, ёмонлик қилганлар фақат дўзахга кириш билан чегараланиб қолмайди. Балки қилган ёмонлиги заррача бўлса ҳам, ҳисоб-китоб қилинади ва шу жиҳатдан азоби қаттиқ ёки жуда қаттиқ бўлади. Демак, иложи борича, ёмонликдан қочиш керак.

Оятнинг иккинчи қисмидаги

**«Ва уларга амалларининг (мукофот ёки жазоси) тўлиқ бери-**

лур ва уларга зулм қилинмас», деган жумладан мурод ҳам шудир.

Сўнгра, ҳақиқат, адолат ва яхшиликни поймол этиб, дунё лаззатларига берилиб, такаббурликка кетганлар огоҳлантирилади.

وَيَوْمَ يُعْرَضُ الَّذِينَ كَفَرُوا عَلَى النَّارِ أَدْهَبْتُمْ طِبَّتِكُمْ فِي حَيَاتِكُمُ الدُّنْيَا وَاسْتَمْتَعْتُمْ بِهَا فَالْيَوْمَ يُجْزَوْنَ  
عَذَابَ الْهُونِ بِمَا كُنتُمْ تَسْتَكْبِرُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ تَفْسُقُونَ ﴿١٠٠﴾

**20. Куфр келтирганлар дўзахга кўндаланг қилинган кунда (уларга): «Ҳаёти дунёдаёқ ҳузур-ҳаловатингизни кетказиб, мазасини татиб бўлгансиз. Бугунги кунда ер юзида ноҳақ кибру ҳаво ва фисқу фасод қилганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», дейилур.**

Кофирлар, қайта тирилишни инкор қилганлар ва бошқа барча гуноҳкорлар қиёмат куни дўзахга кўндаланг қилинганда, улар, албатта, қўрқиб, бўлари бўлади. Аммо, азоб яна ҳам зиёда бўлиши учун, жисмоний қийноққа қўшиб, маънавий қийноққа ҳам дуч келадилар. Зеро, уларга, ўлганнинг устига тепгандек, таҳдидли таъна сўзлари айтилади.

**«Куфр келтирганлар дўзахга кўндаланг қилинган кунда (уларга): «Ҳаёти дунёдаёқ ҳузур-ҳаловатингизни кетказиб, мазасини татиб бўлгансиз...»**

Бугун сизларга ҳеч қандай ҳузур, ҳеч қандай ҳаловат йўқ, сиз «Ҳаёти дунёдаёқ ҳузур-ҳаловатингизни кетказиб, мазасини татиб бўлгансиз», дейилади.

Чунки, улар «Бу дунёда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади» каби аҳмоқона гапни ўзларига шиор қилиб яшаганлар. Беш кунлик дунёда ўйнаб, маза қилиб олайлик, эртага ўлсак, ҳаммаси ортда қолади, тупроққа қоришиб кетамиз, дейишган. Ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаганлар. Хулласи калом, охиратга ҳеч нарса қўймай, бу дунёда тугатиб бўлганлар. Шунинг учун, натижа ҳам ниятларига яраша бўлган—уларга бу дунёда маза бўлиб, охиратга фақат азоб қолган.

**«Бугунги кунда ер юзида ноҳақ кибру ҳаво ва фисқу фасод қилганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», дейилур.»**

Қиёмат кунида улар хорлик азоби ила жазоланадилар. Чунки, улар бу дунёда кибру ҳавода бўлганлар. Кибр фақат Аллоҳ таолога хос. Бандасининг на кичик ва на катта ишларда такаббурликка ҳаққи йўқ. Хорлик азобининг яна бир сабаби «фисқу фасод қилганингизда», яъни Аллоҳнинг шариатидан чиққанингиздир. Аллоҳ таоло такаббурликдан ва шариатга хилоф йўл танлашдан Ўзи сақласин!



Куфр ва ширк, Пайғамбарни тан олмаслик, Аллоҳнинг айтганига юрмаслик оқибатлари ҳақида қалбни ларзага солувчи оятлар ила баён қилингандан сўнг Од қавми ва бошқа осий қавмлар ҳаётидан жонли мисоллар келтирилади.

﴿وَأَذْكُرْ أَخَاعَادٍ إِذْ أَنْذَرَ قَوْمَهُ بِالْأَحْقَافِ وَقَدْ خَلَّتِ النُّذُرُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ ۗ أَلَا

تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ﴾

**21. Ўз қавмини қум тепаликларда огоҳлантирган Однинг биродарини эсла! Ва ҳолбуки, ундан аввал ҳам, кейин ҳам огоҳлантирувчилар ўтган. «У зотдан ўзгага ибодат қилманглар, албатта, мен улуғ кунда бошингизга тушадиган азобдан қўрқурман, (деди)».**

Оятдаги «Однинг биродаридан» мурод Пайғамбар Ҳуд алайҳиссаломдир. У киши ўз қавми Одга Аллоҳ томонидан Пайғамбар қилиб юборилганлар. Од қавми «Боида» арабларидан бўлиб, асли Арабистон ярим оролининг жанубида, Ҳазарамавт томонда, баландлик-қумтепа жойларда яшаган. Бундоқ жойларни араб тилида «Аҳқоф» дейилади. Ушбу сураи кариманинг номи мана шу оятдан олинган. (Исмоил алайҳиссаломдан аввал ўтган арабларни «Боида» араблари дейилади.)

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилиб:

**«Ўз қавмини қум тепаликларда огоҳлантирган Однинг биродарини эсла!»** демоқда.

Ҳуд алайҳиссалом огоҳлантирувчи — Пайғамбар бўлишлари янгилик эмасди. У кишидан аввал ҳам, кейин ҳам огоҳлантирувчилар — Пайғамбарлар ўтган.

**«Ва ҳолбуки, ундан аввал ҳам, кейин ҳам огоҳлантирувчилар ўтган.»**

Ўшаларга ўхшаб Ҳуд алайҳиссалом ҳам ўз қавмларини Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмасликка чақирдилар. Ҳамда «улуғ кун» — қиёмат азобидан огоҳлантирдилар:

**«У зотдан ўзгага ибодат қилманглар, албатта, мен улуғ кунда бошингизга тушадиган азобдан қўрқурман, (деди)».**

Аммо Од қавми ўз Пайғамбарлари Ҳуд алайҳиссаломнинг огоҳлантиришларига қўпол жавоб берганлар:

﴿قَالُوا أَجِئْنَا لِنَتَأَفِكَ أَعْنَاءَ الْهِنَا فَإِنَّا بِمَا تَعْدُونَآ إِن كُنتَ مِنَ الصّٰدِقِیْنَ﴾

**22. Улар: «Бизни худоларимиздан оздиришга келдингми? Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир», дедилар.**

Саркаш қавм, мушриклар «фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга» даъват этилсалар, доимо, даъватчи ўз фойдасини кўзлаб, бизнинг мавқеимизни пастлатмоқчи, бўлмаса, нима учун аввалдан ўрганиб қолган нарсаларимиздан қайтаради, деган бадгумонликка борадилар. Худ алайҳиссаломга:

**«Улар: «Бизни худоларимиздан оздиришга келдингми?»—дедилар.**

Ҳақиқатни ўз жойида тушунгилари келмади. Огоҳлантирувчининг сўзларига истехзо билан қарадилар ва қўлингдан келса, осмонни ташлаб юбор, қабилида иш тутиб:

**«Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир», дедилар».**

Яъни, биз динга юрмасак, азобга қолишимизни айтаяпсан, қани ўша азобинг, келтир, гапинг рост бўлса, дейишди. Од қавми Худ алайҳиссаломга қандай муомала қилганларини юқоридаги оятдан билиб олдик.

Аmmo Худ алайҳиссалом бу қўполлик, дағаллик ва киборликни Пайғамбарлик одоби ила қабул этиб, ўз вазифаларини садоқат ила адо этаётганларини баён қилдилар:

قَالَ إِنَّمَا الْعِلْمُ عِنْدَ اللَّهِ وَأُبَلِّغُكُمْ مَا أُرْسِلْتُ بِهِ ۚ وَلَئِ كِنِّي أَرَأَيْتُمْ قَوْمًا تَجْهَلُونَ

**23. У: «Албатта, илм Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен нима билан юборилган бўлсам, шуни етказмоқдаман. Лекин сизларнинг жоҳил қавмлигингизни кўриб турибман», деди.**

Кофирлар Пайғамбар Худ алайҳиссаломдан ваъда қилинаётган азобни тезроқ келтиришни талаб қилишди.

Пайғамбар Худ алайҳиссалом эса, қуйидаги жавобни бердилар: **«У: «Албатта, илм Аллоҳнинг ҳузуридадир».**

Яъни, сизга ваъда қилинган азобнинг қачон келиши ҳақидаги илм Аллоҳнинг ҳузурида. Мен ул азобни келтира олмайман ва унинг қачон келишини ҳам билмайман, дедилар ва сўзларида давом этиб:

**«Мен нима билан юборилган бўлсам, шуни етказмоқдаман»,** яъни, менга сизларни огоҳлантириш топширилган эди, шуни бажардим, дедилар.

**«Лекин сизларнинг жоҳил қавмлигингизни кўриб турибман», деди.»**

Лекин шуни очиқ айтишим керакки, сизларнинг ўзингизни тутишингиздан, қилаётган муомалангиздан, огоҳлантирувчига ишонмаганингиздан, ўтакетган жоҳил эканингизни кўриб-билиб турибман.

Шундан сўнг, «Аҳқоф» сураси сиёқи бўйича, Пайғамбар билан

саркаш қавм ўртасидаги узоқ тортишувни баён қилиб ўтирмай, бу қавмнинг оқибати нима бўлгани айтиб қўя қолинади.

فَلَمَّا رَأَوْهُ عَارِضًا مُسْتَقْبِلَ أَوْدِيَّتِهِمْ قَالَ لَوْ هَذَا عَارِضٌ مِّمَّنْ طَرْنَا بَلْ هُوَ مَا اسْتَعْجَلْتُمْ بِهِ ۗ رِيحٌ فِيهَا

عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٤﴾

**24. У(азоб)ни водийлари томон кўндаланг бўлиб юрганини кўришганда, бу кўндаланг бўлувчи бизга ёмғир ёғдирур, дейишди. Йўқ! Бу, ўзингиз орзиқиб сўраган нарса, аламли азоби бор бўрондир.**

Ривоятларда келишича, Од қавми қаттиқ иссиққа дучор бўлган, узоқ вақт ёмғир ёғмай, қурғоқчилик ва иссиқ таъсиридан ҳаво тандирга айланган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган узун ҳадисда бу воқеалар ҳақида шундай дейилади:

«...Од қавми қурғоқчиликка учраганида Қийн исмли одамни вакил қилиб юборишибди. У Муовия ибн Бакирнинг олдига борибди ва ҳузурда бир ой меҳмон бўлибди. Ароқ ичиб, Жарадани исмли икки жориядан қўшиқлар эшитибди. Бир ой ўтгандан сўнг Муҳра тоғига чиқиб, дуо қилиб:

«Эй бор худоё! Ўзинг биласан, мен бир касални даволагани келганим йўқ ёки бир асирни озод қилганим ҳам йўқ. Эй бор худоё! Од қавмини Ўзинг сероб қиладиган нарса ила сероб қилгин», дебди. Шунда унинг тепасидан бир қанча қора булутлар ўта бошлабди ва улардан:

«Танлаб ол», деган овоз чиқибди. У бир қора булутга ишора қилибди. Шунда:

«Ол ўшани», деган нидо келибди...»

**«У(азоб)ни водийлари томон кўндаланг бўлиб юрганини кўришганда, бу кўндаланг бўлувчи бизга ёмғир ёғдирур, дейишди.»**

Оятдаги, водийлари томон, яъни, Од қабиласининг водийлари томон кўндаланг бўлган нарса ўша азоб булутидир. Албатта, бу ҳолни кўрган қавм, энди қурғоқчиликдан қутуламиз экан, деб хурсанд бўлдилар ва:

**«...бу кўндаланг бўлувчи бизга ёмғир ёғдирур, дейишди».**

Лекин илоҳий раддия бошқа хабарни келтирди:

**«Йўқ!»**

Сиз айтгандек эмас, ўзингиз Ҳуд Пайғамбарга, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қиладиган нарсангни келтир, деб шошилиб, орзиқиб сўраган эдингиз.

«Бу, ўзингиз орзиқиб сўраган нарса, аламли азоби бор бўрондир.»

Бу, сиз айтаётгандек, ёмғир ёғдирадиган булут эмас. Бу, ўзингиз орзиқиб сўраган нарсангиз, азобдир. Бу азоб, аламли азобни ўз ичига олган бўрондир, дейилди.

Ушбу бўроннинг васфи ва оқибати келаси оятда баён қилинади:

تَدْمِرُ كُلَّ شَيْءٍ بِأَمْرِ رَبِّهَا فَأَصْبَحُوا لَا يُرَىٰ إِلَّا مَسَكِنُهُمْ ۗ كَذَٰلِكَ نَجْزِي الْقَوْمَ الْمُجْرِمِينَ ﴿٢٥﴾

**25. У, Роббисининг амри ила ҳар бир нарсани вайрон қилур. Бас, масканларидан бошқа нарса кўринмай қолди. Жиноятчи қавмларни шундоқ жазолармиз.**

Од қавмига юборилган шамол алоҳида азоб шамоли эди. У, Аллоҳнинг амри ила нимага тегса, вайрон (ҳалок) қилиши керак эди. Шу билан бирга, Пайғамбаримиздан қилинган ривоятда айтилишича, шундай бўлгани билан, бу бўрон бор-йўғи бир узукнинг тешигидай жойдан чиққан, холос. Дарҳақиқат, шамол Од қавмини ҳалок қилди, у ўтган жойлардаги масканлардан (уйлардан) бошқа ҳеч нарса қолмади. Қавмнинг ҳаммаси ҳалок бўлди. Ҳар доим Аллоҳ таоло жиноятчи қавмларни шундай жазолайди. Аммо инсонлар бироз шошадилар, холос.

Ушбу воқеа мисолида Аллоҳ Макка мушрикларига хитоб қилиб, Од қавмининг хатосини такрорламасликка ундайди:

وَلَقَدْ مَكَنَّهُمْ فِيْمَا إِن مَّكَنَّكُمْ فِيهِ وَجَعَلْنَا لَهُمْ سَمْعًا وَأَبْصَرًا وَأَفْئِدَةً فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ سَمْعُهُمْ وَلَا أَبْصَرُهُمْ وَلَا أَفْعِدَتُهُمْ مِّنْ شَيْءٍ إِذْ كَانُوا يَجْحَدُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٢٦﴾

**26. Ва, дарҳақиқат, Биз уларга сизга бермаган имконларни берган эдик. Ҳамда қулоқ, кўз ва қалблар ато этдик. Бас, на қулоқлари, на кўзлари ва на қалблари уларга ҳеч бир фойда бермади. Чунки, улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилган эдилар. Бас, уларни ўзлари масхара қилган нарса (азоб) ўраб олди.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Макка мушрикларига хитоб қилиб, уларни ўзларидан аввал ўтган Од қавмига таққослаб кўришга ундамоқда. Од қавми ҳам ўтган замонда ўз Пайғамбарлари Ҳуд алайҳиссаломга худди Макка мушриклари Муҳаммад алайҳиссаломга куфр келтираётганларига ўхшаб куфр келтирган эдилар. Аммо, ораларида фарқ ҳам бор эди.

**«Ва, дарҳақиқат, Биз уларга сизга бермаган имконларни берган эдик.»**

Яъни, Аллоҳ таоло Од қавмига Макка мушрикларига бермаган имконларни берган эди. Ҳа, шунча имконларга эга бўлсалар ҳам, куфрлари сабабли ҳалок бўлдилар. Имконлари уларни Аллоҳнинг азобидан сақлаб қола олмади. Энди, улардан кўра имкони оз бўлган Макка мушриклари ўзлари билиб олаверсинлар.

**«Ҳамда қулоқ, кўз ва қалблар ато этдик.»**

Ўша Од қавмига берган имкониятларимиздан ташқари, эшитиб ибрат олсин деб, қулоқ, кўриб ибрат олсин деб, кўз, ақл юритиб ибрат олсин деб, қалблар бердик. Лекин, афсуски,

**«Бас, на қулоқлари, на кўзлари ва на қалблари уларга ҳеч бир фойда бермади. Чунки, улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилган эдилар».**

Ҳа, қайси бир инсон Аллоҳнинг оятларини инкор қилар экан, унга на қулоқлари, на кўзлари ва на қалби ҳеч бир фойда бермайди. Од қавми ҳам худди шундоқ бўлди. Оқибатда:

**«Бас, уларни ўзлари масҳара қилган нарса (азоб) ўраб олди».**

Эй, Макка мушриклари, огоҳ бўлинглар, вақт борида ўзингизни ўнглаб олинглар. Бўлмаса, Од қавмига ўхшаб сизларни ҳам азоб ўраб олиши ҳеч гап эмас.

Оятдаги хитоб Макка мушрикларига қаратилган бўлса ҳам, ҳукми ҳаммага баробардир. Яъни ақли, кўзли, қулоқли инсонлар ибрат олишлари лозимки, қуввати бор қуввати ила, молу дунёси бор моли ила, илми бор илми ила, мансаби бор мансаби ила ғурурга кетиши яхшиликка олиб бормади. Бу нарсалар ҳар қанча юқори даражага етган бўлса ҳам, Аллоҳнинг азобидан сақлай олмас экан.

Энди Од ва ундан бошқа қавмларнинг ҳалокатга учраганидан ибрат олишга даъват этувчи оятлар келади.

وَلَقَدْ أَهَلَكْنَا مَا حَوْلَكُمْ مِنَ الْقَرْيَةِ وَصَرَفْنَا الْآيَاتِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٢٧﴾

**27. Ҳақиқатан, атрофингиздаги шаҳар-қишлоқларни ҳалокатга учратдик ва шоядки, ўзларига қайтсалар, деб ҳужжат-далилларни баён қилдик.**

Бу оятда Аллоҳ таоло Макка мушрикларига ўзлари хабардор бўлган ҳодисаларни, уларнинг атрофида яшаб ўтган, куфри ва инкори туфайли ҳалокатга учраган Од, Самуд, Сабаъ ва Лут қавмларини эслатмоқда.

**«Ҳақиқатан, атрофингиздаги шаҳар-қишлоқларни ҳалокатга учратдик...»**

Аллоҳ таоло, шояд, улар куфрдан иймонга, зулмдан адолатга, тугъндан рушди ҳидоятга қайтсалар, деб ҳужжат ва далиллар, оят ва мўъжизалар келтирса ҳам, улар қайтмадилар.

**«...ва шоядки, ўзларига қайтсалар, деб ҳужжат-далилларни баён қилдик.»**

فَلَوْلَا نَصْرُهُمُ الَّذِينَ أَخَذُوا مِن دُونِ اللَّهِ قُرْبَانًا إِلَىٰ إِلَهِهِمْ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ

**28. Қани энди, Аллоҳни қўйиб, У зотга яқинлаштирувчи деб тутинган «худолари» уларга ёрдам берсалар эди. Йўқ! Улар ғойиб бўлдилар. Ва бу уларнинг уйдирма ҳамда тўқиган бўҳтонларидир.**

Аввалги оятларни ўрганиш жараёнида тушунганимиздек, мушриклар буту санамларга, булар бизни катта худога яқинлаштирадилар, шафоат қиладилар, деб эътиқод қилар эдилар. Уларнинг фикрларича, бу сохта худолар доимо ҳомий бўлиб, ўзларига сиғинганларни бало-офатлардан сақлаб қолишлари, оғир пайтларда ёрдамга келишлари лозим эди. Аммо энг керак пайтда — қиёмат қоим бўлиб, уларга сиғинганларнинг барчаси қийин ҳолда қолганда, дўзахга ҳукм қилинганларида, даҳшатга тушиб, ёрдамчи, ҳомий ахтариб хору зор бўлганларида, у бутлар заррача ёрдам беролмайдилар. Шунинг учун ҳам, ояти каримада:

**«Қани энди, Аллоҳни қўйиб, У зотга яқинлаштирувчи деб тутинган «худолари» уларга ёрдам берсалар эди», дейляпти.**

Одамларнинг қўли билан ясалган жонсиз нарсалар, уларга нима деб эътиқод қилинса ҳам, ҳеч қачон ёрдам бера олмайдилар. Ёки ёрдам берармиканлар?

**«Йўқ! Улар ғойиб бўлдилар.»**

Ёрдам бериш қаёқда! Улар бутунлай ғойиб бўлиб, гумдон бўлиб кетишди. Чунки, бу асли йўқ нарсадир. Ақлга тўғри келмайдиган нарсадир.

**«Ва бу уларнинг уйдирма ҳамда тўқиган бўҳтонларидир.»**

Мушриклик, мункирлик, иймонсизлик инсонга ор бўладиган иш эканини, куфру ширк ҳеч оқлаб бўлмайдиган жиноят эканини яна бир бор таъкидлаш учун кейинги оятларда жинларнинг Қуръонни бир бора эшитибоқ иймонга келганликлари ҳамда ўз қавмларини ҳам Исломга чақирганликлари воқеаси баён қилинади:

وَإِذْ صَرَفْنَا إِلَيْكَ نَفْرًا مِّنَ الْجِنِّ يَسْتَمِعُونَ الْقُرْآنَ فَلَمَّا حَضَرُوهُ قَالُوا أَنصِتُوا فَلَمَّا قُضِيَ وَلَّوْا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ مُنْذِرِينَ

**29. Ва сен томон бир гуруҳ жинларни Қуръон эшитишга бурганимизни эсла . У(Қуръон эшитиш)га ҳозир бўлганларида: «Жим, қулоқ осинглар!» – дедилар. Қачонки, қироат охирлаганда, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар.**

Оятдан маълум бўляптики, жинларнинг Қуръонга қулоқ осилари тўсатдан, кутилмаганда содир бўлмаган, балки уларни Аллоҳ таолонинг Ўзи буриб қўйган. Бу фазлни Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам эслатмоқда.

**«Ва сен томон бир гуруҳ жинларни Қуръон эшитишга бурганимизни эсла.»**

Жинлар Қуръонни эшитишга ҳозир бўлганларида, инсонларга ўхшаб, бу – ўтганларнинг афсоналари, сеҳр, шеър ёки уйдирма, деб ўтирмадилар, балки:

**«У(Қуръон эшитиш)га ҳозир бўлганларида: «Жим, қулоқ осинглар!» – дедилар».**

Ушбу омил уларнинг бахтига сабаб бўлди. Аввал яхшилаб қулоқ осдилар, ҳақни ботилдан ажратишга уриндилар. Ҳақиқатни тушуниб етганларидан сўнг эса, зудлик билан иймон келтирдилар. Иймон қалбларидан жой олгач, бу улкан неъматни ўз қавмлари билан баҳам кўришга шошилиб:

**«Қачонки, қироат охирлаганда, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар».**

Ва:

قَالُوا يَا قَوْمَنَا إِنَّا سَمِعْنَا كِتَابًا أُنزِلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَإِلَى طَرِيقٍ مُّسْتَقِيمٍ

**30. Улар: «Эй қавмимиз! Биз Мусодан кейин туширилган, ўзидан аввалги нарса(китоблар)ни тасдиқловчи, ҳақ(дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қилувчи китобни эшитдик».**

Оятдан маълум бўляптики, жинлар Мусо Пайғамбарни ва у кишига туширилган китобни ҳам билар эканлар. Улар илк эшитган оятларида Мусо алайҳиссалом ҳамда у зотга нозил қилинган Таврот китоби ҳақида гап бормаган бўлса ҳам, эшитган оятларининг маъноси, далолати, услуби ва бошқа жиҳатлари билан Қуръон ҳам Мусога туширилган китобни тасдиқловчи илоҳий китоб эканлигини тушуниб етганлар. Энг муҳими, жинлар Қуръони Карим оятларининг завқидан, таъсиридан, ҳаловатидан унинг тўғри йўлга бошлашини билганлар ва қавмларига ҳам бу ҳақда хабар берганлар.

Сўнгра, тушуниб етган шахс сифатида, огоҳлантириш зарурлиги-

ни англаб етган вакил сифатида, ўз қавмларини огоҳлантира бошлаганлар. Улар ўз сўзларининг давомида яна қуйидагиларни айтдилар:

يَقَوْمَنَا أَجِيبُوا دَعَايَ اللَّهِ وَءَامِنُوا بِهِ، يَغْفِرَ لَكُمْ مِّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُجِرْكُمْ مِّنْ عَذَابِ أَلِيمٍ

**31. Эй қавмимиз, Аллоҳнинг даъватчисига жавоб беринг ва Унга иймон келтиринг. У сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилар ва аламли азобдан сақлар.**

Жинлар Қуръони Каримдан баъзи оятларни тинглашлари биланок, унинг инсонлару жинларга юборилган илоҳий китоб эканлигини тушуниб етганлар. Шунингдек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг даъватчиси эканликларини, у зотнинг чақириқларига жавоб бериш лозимлиги, Аллоҳга иймон келтириш вожиблигини ҳам англаб етганлар.

**«Эй қавмимиз, Аллоҳнинг даъватчисига жавоб беринг ва Унга иймон келтиринг.»**

Энг муҳими, жинлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қиротларини эшитганларидан сўнг, охиратни, қиёмат кунини билганлар, унда аламли азоблар борлигини, Аллоҳга иймонгина у азобдан сақлаб қолиши мумкинлигини фаҳмлаганлар.

**«У, сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилар ва аламли азобдан сақлар.»**

Афсуски, инсонлар бу борада жинларчалик ҳам эмаслар.

Жинлар ўз қавмларига қилаётган даъватлари охирида Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирмасликнинг оқибати нима бўлишини баён қиладилар:

وَمَنْ لَا يُجِبْ دَعَايَ اللَّهِ فَلَيْسَ بِمُعْجِزٍ فِي الْأَرْضِ وَلَيْسَ لَهُ مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءُ أُولَئِكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ

**32. Кимки, Аллоҳнинг даъватчисини қабул қилмаса, бас у ер юзида қочиб қутула олувчи эмасдир ва унга У зотдан ўзга валийлар ҳам йўқдир. Ана ўшалар очиқ-ойдин залолатдадир», дедилар.**

Бу ояти каримада динни қабул қилмаган кофирлар ҳақида хабар берилмоқда. Улар Аллоҳнинг даъватчиси — Пайғамбарини қабул этмай, динни эътироф қилмай нима ҳам қила олар эдилар. Яратгандан қочиб қутулишнинг иложи борми? Улар Аллоҳнинг мулкидан ҳеч ерга қочиб чиқиб кета олмайдилар.

Моликул мулк бўлган қудратли Аллоҳ, уларга кофирликларининг жазосини албатта беради. У азоблашни истаганда эса, ко-



фирларни аламли азобдан ҳимоя қилувчи валийлари — дўстлари ҳам бўлмайди.

**«Кимки, Аллоҳнинг даъватчисини қабул қилмаса, бас у ер юзида қочиб қутула олувчи эмасдир ва унга У зотдан ўзга валийлар ҳам йўқдир.»**

Аллоҳнинг даъватчисини инкор этиб бу ноқулай ҳолатга тушиб қолганлар очиқ-ойдин залолатдадирлар. Ҳа:

**«Ана ўшалар очиқ-ойдин залолатдадир».**

Демак, залолатда қолмаслик учун Аллоҳнинг даъватчисини дарҳол қабул қилмоқ, айтганига юрмоқ зарур.

Мўмин-мусулмон инсоннинг Қуръонда келган ҳар бир хабарга иймон келтириши фарз. Худо кўрсатмасин, Қуръондаги бирор хабарга шубҳа билан қараш, ишонмаслик кофирлик бўлади.

Шундан келиб чиқилса, жин ҳақида Қуръонда оят келиши уларнинг борлигига иймон келтиришни барча мусулмонларга фарз қилади. Шундай экан, бир оз тўлароқ тушуниш учун бу борада баъзи маълумотларни ўрганиб кўймоғимиз зарур.

Маълумки, дунё сиру асрорларга тўла. Биз ҳали моҳиятини, сифатини, таъсирини билмайдиган ҳодисалар атрофимизда тўлиб-тошиб ётибди. Бирор нарса кўзимизга кўринмаса, уни инкор қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар куни янги нарсалар, махлуқотлар кашф этиляпти. Кеча билмаган нарсаларимиз бутун кашф этилса, биз уни «аввал йўқ эди» дея олмаймиз. Балки, кеча бу бор нарсани биз билмас эканмиз, деймиз. Ҳозирги кунда ўтган аждодлар билмаган, хаёлига ҳам келтирмаган қанчадан-қанча нарсаларни биляпмиз. Албатта, биз билган нарсалар кейинги авлодлар учун ўйинчоққа ўхшаб қолади. Бу нарсалар Аллоҳ таоло инсонга берган қобилиятлар ёрдамида кашф қилинмоқда, буларнинг ҳаммаси инсон идроки чегарасидаги нарсалардир. Келажакда яна кўп нарсалар кашф этилиши турган гап. Демак, бирор нарсани бор ёки йўқ деб жазм ила ҳукм чиқариб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Биз бандаларнинг идрокимизни ишга солмай, Аллоҳ таоло Ўзи баъзи сирни кашф этиб берса, шукр қилиб қабул этмоғимиз лозим. Масалан, жинга ишониш масаласида ҳам. Аллоҳ таоло Ўз каломида сиз билан бизга жинлар ҳақида маълумот берган экан, уни ихлос билан қабул этиб, ишониб, иймон келтирмоғимиз лозим.

Аллоҳ таолонинг бизга билдиришича, «жин» деб аталган махлуқот бор, у оловдан яратилган. Иблис ҳам жинлардан ҳисобланади. Жинлар одамларни кўради, одамлар уларни кўрмайди. Жинларнинг ҳам инсонларга ўхшаш жамоатлари, қабилалари, гуруҳлари бор. Улар ҳам ер куррасида яшаш қобилиятига эга. Бошқа сайёраларда яшаш имконлари ҳам мавжуд. Залолатга кетган инсонларни йўлдан озди-

риб, фикрларига таъсир ўтказишлари мумкин. Инсоннинг овозини эшитиб, тилини тушунишади. Уларнинг ичида мусулмонлари ҳам, кофирлари ҳам бор. (Ўғлига Қуръон ёдлатмоқчи бўлган жин бизга таниш қорилардан бирига ёрдам сўраб мурожаат қилгани бизга ҳам маълум.)

Жинларнинг Қуръон тинглаганликлари ҳақидаги ривоятларни синчиклаб ўрганиб чиққандан сўнг маълум бўладики, айнан шу сафар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари жинлар у зотнинг тиловатларига қулоқ остганидан ва ундан кейинги гаплардан беҳабар бўлганлар. Фақат, Аллоҳ таоло оят тушириб хабар берганидан сўнг билганлар. Аммо, ушбу воқеадан сўнг жинлар яна келиб тинглашганда, Пайғамбар алайҳиссалом бу галгисини билиб турганлар.

Имом Муслим қилган ривоятда айтилишича, бир куни саҳобалар Пайғамбаримиз алайҳиссаломни йўқотиб қўйиб, хижолат бўладилар. Биров бир нарса қилдимикан ёки бирор ҳодиса бўлдимикан, деб водийларни, тепаликларни ахтариб чиқадилар. Кечаси билан хавотирда тонг оттирадилар. Тонг отганидан сўнг у зотнинг Ҳиро ёри томонидан келаётганларини кўрадилар. Олдиларига бориб, сизни йўқотиб қўйиб ахтардик, топа олмай тунни безовта ўтказдик, дейдилар. Пайғамбар алайҳиссалом эса: «Жинларнинг вакили келувди, бирга бориб уларга Қуръон ўқиб бердим», деб жавоб берадилар ва саҳобаларни етаклаб бориб, жинларнинг изларини ва гулханларининг қолдиқларини кўрсатадилар.

Биз бу ҳодисанинг қисқача баёнини келтирдик. Ровийлар улuf саҳобий Абдуллоҳ Ибн Масъуддан ривоят қиладиларки: «Расулуллоҳ бир куни саҳобаларга, ким жинлар ишига ҳозир бўлишни истаса, бу кеча марҳамат қилсин, дедилар. Мендан бошқа ҳеч ким бормади. Юриб бориб Макканинг юқорисига етганимизда оёқлари билан менга чизик чизиб бердилар-да, шундан чиқмай ўтир, дедилар. Ўзлари узоқроқ бориб Қуръон ўқий бошладилар. Бир зумда у кишини қора нарсалар ўраб, икковимизнинг орамизни тўсиб қўйди, мен овозларини ҳам эшитмай қолдим. Сўнгра, ҳалиги қора нарсалар булутга ўхшаб парча-парча бўлиниб, тарқаб кета бошлади. Фақат бир бўлаги қолганда Расулуллоҳ бомдод намозини тугатдилар, бориб таҳорат ушатдилар ва менинг олдимга келиб, ҳалигилар нима қилди, деб сўрадилар. Мен, ҳов ана, туришибди, дедим. Пайғамбар алайҳиссалом уларга суяк ва тезакни бердилар. Бизни эса, суяк ва тезак билан истинжо қилишдан қайтардилар».

Пайғамбар алайҳиссалом бомдод намозини ўқиётганларида бир гуруҳ жинлар у зотнинг қироатларини тинглаб иймонга келганликлари ва бошқа ҳодисалар «Жин» сураси ва бошқа суралар тафсирида батафсил келтирилади.

Шу жойга келганда жинларнинг ўз қавмларини Аллоҳнинг динига даъват қилганлари ҳақидаги гаплар тугаб, инсонларнинг куфрларини, ўлгандан сўнг қайта тирилишни инкор қилишларини муолажа этишга ўтилади.

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ اللَّهَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَمْ يَعْزُبْ عَنْهُم مِّنَ الْجَهَنَّمَ بَعْدَ أَنْ يُحْيُوا  
الْمَوْتَىٰ بَلَىٰ إِنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٣﴾

**33. Улар осмонлару ерни яратган ва уларни яратишда беҳол бўлмаган Аллоҳ ўликларни ҳам тирилтиришга қодир эканини англаб етмадиларми? Зеро, У зот ҳар бир нарсага қодирдир.**

Бу, кофирлар ўлгандан сўнг ҳам жазодан қутула олмасликларини таъкидлашдир. Ҳозирги куннинг кофирларига ўхшаб «ўлиб, тупроққа қўшилиб кетганидан кейин нима ҳам қила олар эди», деган хаёл келмаслиги керак.

**«Улар осмонлару ерни яратган ва уларни яратишда беҳол бўлмаган Аллоҳ ўликларни ҳам тирилтиришга қодир эканини англаб етмадиларми?»**

Ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ ўлганларни ҳам тирилтириш, сўроқ-савол қилиш ва бу дунёда қилганига яраша жазо ёки мукофот беришга қодирдир. Наҳотки, Аллоҳнинг динини қабул қилмовчилар бу ҳақиқатни ўйлаб кўрмасалар.

**«Зеро, У зот ҳар бир нарсага қодирдир.»**

Шунчалик гап-сўз, тушунтириш, баёнлардан кейин ҳам куфрда, инкорда давом этувчиларнинг ҳоли қиёмат кунида қандай бўлишини кейинги оят васф қилади:

وَيَوْمَ يُعْرَضُ الَّذِينَ كَفَرُوا عَلَى النَّارِ أَلَيْسَ هَذَا بِالْحَقِّ قَالُوا بَلَىٰ وَرَبِّنَا قَالَ فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٤﴾

**34. Куфр келтирганлар дўзахга кўндаланг қилинган кунда: «Бу, ҳақ эмасми?!» (дейилур). Улар, Роббимизга қасамки, худди шундоқ, дедилар. «Бас, куфр келтирганингиз учун азобни тортинглар», деди.**

Бу ояти каримада ҳаёти дунёда ўлгандан сўнг тирилишни, дўзах азобини уйдирма, афсона, деб юрганларга қиёмат куни берилган дағдаға саволи ва уларнинг жавоби васф қилинмоқда:

**«Куфр келтирганлар дўзахга кўндаланг қилинган кунда: «Бу, ҳақ эмасми?!» (дейилур)».**

Яъни, қиёмат куни кофирларни дўзахга равона қилинаётган вақтда, улар ўз ҳолларига вой бўлганини англаб етганларидан кейин, уларнинг ўзларидан: «Хўш, айтинглари-чи, дўзах ва унинг азоби ҳақ эканми?!» — деб сўралади.

Кофирлар бу саволга дарҳол жавоб берадилар.

**«Улар, Роббимизга қасамки, худди шундоқ, дедилар.»**

Барча жиноятчилар қўлга тушганда мулоийм бўлиб қолганидек, бу кофирлар ҳам Роббил олабийннинг қаршисида аввалги мутакаббирликларидан асар ҳам қолмай, **Роббимизга қасамки**, деб турибдилар. Саволга жавоб беришдан аввал Аллоҳ таолонинг номи ила қасам ичиб олиб, кейин, **худди шундоқ**, демоқдалар.

Ҳа, у дунёда биз инкор этиб юрган дўзах ва унинг азоби ҳақ экан, энди билдик, демоқдалар.

Кофирлар: «Худди шундай, ҳақ экан», дейиш билан чегараланишса ҳам бўлар эди, лекин у пайтда уларнинг ишончи шу даражага етганки, оддий жумла билан эмас, балки Аллоҳга қасам ичиб, «Роббимизга қасамки», деб таъкидлаб айтишмоқда.

Ана шунда савол берувчи томон охирги сўзни айтиб, сўзлашувга якун ясади.

**«Бас, куфр келтирганингиз учун азобни тортинглари», деди.»**

У дунёда «иймон келтир» дейилса, кўнмай, куфр келтирган эдингиз, энди ўша кофирлигингиз сабабидан дўзах азобини тортаверинглари.

Суранинг охирида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг суюкли Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга ва у киши орқали барча мўмин-мусулмонларга тасалли бериб, кофирлар ва мушриклар етказаетган азобларга, душманликларга ва тазйиқларга худди илгари ўтган Пайғамбарлар каби сабр қилишни буюради.

فَاصْبِرْ كَمَا صَبَرَ أُولُو الْعَزْمِ مِنَ الرُّسُلِ وَلَا تَسْتَعْجِلْ لَهُمْ كَأَنَّهُمْ يَوْمَ يَرُونَ مَا يُوعَدُونَ لَمْ يَلْبَسُوا إِلَّا السَّاعَةَ مِنْ تَهَارٍ بَلَّغْ فَهَلْ يَهْلِكُ إِلَّا الْقَوْمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٣٥﴾

**35. Бас, азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар сабр қилгандек, сабр қил, уларга (азоб етишига) шошилма! Улар ваъда қилинган нарсани кўрганларида худди (бу дунёда) кундуздан бир лаҳзагина турганга ўхшарлар. Бу етказишдир! Бас, фақат фосиқ қавмларгина ҳалок қилинур, холос!**

Аллоҳ таоло ушбу оятда кофир, мушрик ва динсизлар доимо мўмин-мусулмонларга зулм қилиб, озор бериб, тазйиқ ўтказиб келганларини эслатмоқда. «Улул азм», яъни азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар – Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо алайҳиссаломлардир. Бу буюк Пайғамбарларнинг ҳар бирларининг бошларига иймон йўлида, дину диёнат йўлида қанчадан-қанча кулфатлар ёғилган. Лекин улар сабр-матонатда зарбулмасал бўлганлар. Бу ҳақиқатни кўпчилик, жумладан Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг умматлари ҳам яхши биладилар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом ўз даврларида Макка мушрикларининг қаршиликларига учраб қийин ҳолга тушганларида «Улул азм» номини олган буюк Пайғамбарлардан ўрнак олишга чақириляптилар.

**«Бас, азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар сабр қилгандек, сабр қил, уларга (азоб етишига) шошилма!»**

У зоти бобаракот бу илоҳий амрга амал қилдилар ва ўзлари ҳам «Улул азм» Пайғамбарлар сафидан ўрин олишга муяссар бўлдилар.

Одатда, Аллоҳнинг амрига қарши чиққанларнинг бирор балога гирифторм бўлиши кутилади. Гоҳида бандалар шошилиб: «Нимага бунга ҳеч нарса бўлмайди экан?» каби ноўрин саволлар бера бошлайдилар. Пайғамбар алайҳиссалом вақтларида ҳам шундай ҳоллар бўлган. Эҳтимол, Муҳаммад алайҳиссаломнинг дилларидан ҳам шундай савол ўтгандирки, у зотга Парвардигори олам:

**«уларга (азоб етишига) шошилма»,** демоқда.

**«Улар ваъда қилинган нарсани кўрганларида худди (бу дунёда) кундуздан бир лаҳзагина турганга ўхшарлар.»**

Оятда зикр этилган «ваъда қилинган нарса»дан мурод охират азобидир. Демак улар охират азобини кўрганларида, унинг даҳшатидан, қийноқларидан, кучидан, давомийлигидан бу дунёда яшаб ўтказган ҳаётлари ўзларига «бир лаҳзагина»га ўхшаб туюлар экан. Демак, бир лаҳзалик ҳаётни деб, охиратни хароб қилмаслик керак.

**«Бу етказишдир! Бас, фақат фосиқ қавмларгина ҳалок қилинур, холос!»**

Оятда Қуръони Карим «етказиш» холос эканлиги яна бир таъкидланмоқда. Ҳамда фақат фосиқлар, яъни, Аллоҳнинг амридан чиққанларгина ҳалок қилиниши, азобга дучор бўлиши айтилмоқда.

Ҳа, Аллоҳ таолонинг бу оламда жорий қилган суннати – одати, қонуни шундоқ – иймон билан куфр орасидаги курашда доимо иймон ғолиб чиқади. Ушбу курашда иштирок этган тарафлардан мўминлар икки дунё саодатига эришиб, кофир қавмларгина ҳалок қилинадилар.



## МУҲАММАД СУРАСИ

*Мағийнада нозил бўлган. 38 оятдан иборат.*

Ушбу сураи карима бошқа маданий суралар каби шариат ҳукм-ларига, ибодатга, адоб-ахлоққа, муомала ва шунга ўхшаш нарсаларга аҳамият беради. Бу сурада Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг номларини абадийлаштириш, у киши охирги Пайғамбар эканликлари, у киши ила Набийлик тутагани, у зот омонатли ва содиқ эканликлари, у зотга эргашганлар тўғри йўлда бўлишлари, улар илоҳий ҳидоят соҳиблари эканликлари ҳақида сўз кетади. Шунинг учун ва суранинг иккинчи оятида «ва Муҳаммадга нозил қилинган нарсага», деб келгани учун ҳам ушбу муборак сура «Муҳаммад» сураси деб номланади.

Бу суранинг иккинчи номи — «Қитол» сурасидир. Аллоҳнинг душманларига қарши саҳобалар олиб борган қитоллар (урушлар, жанглар) ушбу сурага мавзу бўлгани учун ҳам, унга шу ном берилган.

Сура иймон ва куфрнинг ҳақиқатини баён қилиш ҳамда мўмин-мусулмонлару кофир-фожирларнинг сифатларини баён этиш билан бошланади.

«Муҳаммад» сураси Аллоҳнинг дини устун бўлиши учун жангларда қатнашиб, ер юзини ширқдан тозалашга ҳисса қўшганларни мадҳ этар экан, аслида, Аллоҳ бусиз ҳам ўч олиши мумкин эканлиги, лекин кишиларни синаш учун шундай қилганлигини баён қилади.

Шунингдек, мўминларнинг Аллоҳнинг динига нусрат беришдаги вожиб амаллари, душманларнинг зиддига ҳаракат қилиш лозимлиги, агар Аллоҳнинг динига хизмат қилсалар, Яратганнинг Ўзи уларни собитқадам қилиб, бахт-саодатга эриштириши мумкин эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Сўнгра, инкор этувчиларнинг оқибатлари ёмон бўлиши ҳақида гап кетиб, Макка аҳлини ўзларидан аввал ҳалокатга учраганлардан ибрат олишга ундалади. Тувёнга кетганларни, саркаш қавмларни, динни ёлғонга чиқарувчиларни Аллоҳ таоло қандай аҳволга солгани эслатилади.

Сураи карима мўминлар билан кофирларнинг ният-мақсадларини тарозига солиб кўради. Мўминлар Аллоҳга ибодат қиладилар, Унинг

розилигини қасд қиладилар, жаннати наъиймга киришни орзу қиладилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг талабларини қондиради.

Кофирлар эса ҳавойи нафсларига банда бўладилар, ҳаётнинг маъносини қорин тўйдириб, шаҳват қондиришдан иборат, деб билладилар. Шунинг учун ҳам, уларнинг борадиган жойлари жаҳаннамнинг қаъри бўлади. Бу дунёда ўзларини ўзлари хор қилган эдилар, у дунёда ҳам хор бўладилар.

Мўминлар билан кофирлар ўртасидаги улкан фарқни таъкидлаш учун сурада жаннат неъматлари билан дўзах азоблари солиштирилади.

Ундан сўнг, Исломга ва мусулмонларга энг ашаддий хатар бўлмиш мунофиқлар ҳақида сўз юритилади. Улар Мадийнаи Мунавварада ўзларининг бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Салул раҳбарлигида мусулмонлар билан бирга, ўзларини гуё мусулмон кўрсатиб, аслида эса, Исломга, мусулмонларга, Расулуллоҳга, саҳобаларга кўп ёмонликларни соғиниб келар эдилар. Уларнинг яҳудийларга қўшилиб қилган кирдикорлари бошқа маданий суралар қатори «Муҳаммад» сурасида ҳам фош этилади.

Суранинг охирида мўминларни Аллоҳнинг дини йўлида бахиллик қилмасдан, жону молини сарфлашга даъват қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ أَضَلَّ أَعْيُنُهُمْ

### 1. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганларнинг амалларини У зот ботил қилди.

Иймонсиз, динсиз ва Аллоҳнинг йўлидан юз ўтирган ҳамда одамларни бу йўлдан тўсган шахсларнинг барча амалларини, хатти-ҳаракатларини Аллоҳ таолонинг Ўзи ботил қилади, яъни, йўққа чиқаради ёки бесамар қилиб қўяди. Кофирлар ва динсизлар Аллоҳнинг динига қарши қанча ҳаракат қилишмасин, ҳаракатлари, барибир, бекорга кетади. Аллоҳ таоло Исломни қиёмат кунигача ҳимоя қилишни Ўз зиммасига олган, дунёда қанчадан-қанча кучли, қудратли, имкониятли, макр-ҳийлалилар Исломга қарши уришдилар. Аммо бирин-кетин ҳаммасининг амаллари ботил бўлиб, ўзлари эса, хор бўддилар. Иншоаллоҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлиши муқаррар. Зотан, Аллоҳ таоло ваъдасига ҳеч хилоф қилмайди.

Иймонсизларнинг қилган яхшиликлари ҳам ажр-савобсиз бўлади.

Аллоҳ, уларнинг бу амалларини ҳам ботил қилади. Ақлни ишлатиб кўрадиган бўлсак, хайру эҳсон қиладиган инсон ажру савобни кўзлайди. Ажру савобни эса фақат Аллоҳ таоло беради. Ажру савобдан умидвор инсон Аллоҳга ишонмаса, кофир бўлса, Аллоҳ унга нега савоб ато этади. Ахир, ҳар бир иш ниятга қараб эътиборга олинади.

Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганларнинг оқибати бундоқ бўлса,

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَءَامَنُوا بِمَا نَزَّلَ عَلٰى مُحَمَّدٍ وَهُوَ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ كَفَّرَ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَأَصْلَحَ بَالَهُمْ

**2. Иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган ва Муҳаммадга нозил қилинган нарса (Қуръон)га – ҳолбуки у (Қуръон) Роббиларидан келган ҳақдир – иймон келтирганларнинг айбларини беркитар ва аҳволларини яхшилар.**

Иймон ҳақиқий бўлса, эгасини солиҳ амалларга ундайди, шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда кўпинча «иймон»дан кейин «амали солиҳ» зикр этилади.

**«Иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган...»**

Аслида, иймоннинг ичида Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган Қуръони Каримга иймон ҳам бор, лекин бу ерда Қуръон Парвардигори олам томонидан келган ҳақ нарса эканлигини яна бир бор бўрттириб кўрсатиш учун алоҳида таъкидланаяпти.

**«...ва Муҳаммадга нозил қилинган нарса (Қуръон)га – ҳолбуки у (Қуръон) Роббиларидан келган ҳақдир...»**

Агар улар айб ёки гуноҳ ишларни иймонга келишдан аввал содир этган бўлсалар, Иймонга келишнинг ўзи иймондан олдинги барча гуноҳларни ювиб юборади. Иймондан кейин содир этилган бўлса, ҳақиқий иймон гуноҳкорни тавбага чорлайди. Тавба қилган иймонли бандасининг гуноҳини эса, Аллоҳ таоло албатта мағфират қилади.

**«...иймон келтирганларнинг айбларини беркитади ва аҳволларини яхшилар.»**

Аллоҳ таоло иймонли кишиларнинг «аҳволларини яхшилар».

Яъни, иймонли инсоннинг ҳамма тарафдан кўнгли тўқ бўлади. Бундай инсон хотиржам, қалби сокин, тани соғ, ишончи комил, виждони пок, ҳаёти тинч, оиласи саодатли бўлади. Хуллас, Аллоҳ таоло ҳамма жиҳатдан унинг аҳволларини яхшилайди. Бу эса, улкан бахт бўлиб, бундай бахтга фақат иймонли кишиларгина муяссар бўладилар.



Юқоридаги икки оятда келган икки хил ҳолат ўз-ўзидан бўла-вермайди, балки собит асосга суянган ҳолда бўлаётган ҳақиқатдир. Бу асосни кейинги оят баён қилади.

ذٰلِكَ بِاَنَّ الَّذِيْنَ كَفَرُوْا اتَّبَعُوْا الْبَطْلَ وَاَنَّ الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اتَّبَعُوْا الْحَقَّ مِنْ رَّبِّهِمْ كَذٰلِكَ يُضْرِبُ اللّٰهُ لِلنَّاسِ اَمْثَلَهُمْ ﴿٣﴾

**3. Ундоқ бўлишига, албатта, куфр келтирганларнинг ботилга эргашганлари ва иймон келтирганларнинг Роббиларидан бўлган ҳаққа эргашганликлари сабабдир. Аллоҳ кишиларга ўзларининг мисолларини шундай келтирар.**

Ушбу ояти карима кофирларнинг азоб-уқубатга учрашлари сабабини баён қилиб:

**«Ундоқ бўлишига, албатта, куфр келтирганларнинг ботилга эргашганлари» сабабдир, демоқда.**

Чунки, ботил таги пуч нарса, унинг асоси ҳам, пойдевори ҳам йўқдир. Шунинг учун ҳам, унга эргашганлар залолат ва азоб-уқубатдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмайдилар.

Иймонлиларнинг гуноҳлари мағфират қилиниб, аҳволларининг яхшиланишига эса,

**«иймон келтирганларнинг Роббиларидан бўлган ҳаққа эргашганликлари сабабдир».**

Иймонлилар эргашган ҳақ Аллоҳ таоло томонидан юборилгандир. Унинг асоси, пойдевори ва илдизи оламларнинг Роббисига бориб тақалади. Осмонлару ерни тутиб турган нарса ҳам шу эмасми?! Модомики, мўминлар Аллоҳдан бўлган ҳаққа эргашар эканлар, уларнинг гуноҳлари ювилиши ва аҳволлари яхшиланиши турган гап, бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Худди юқоридаги мисоллар каби, Аллоҳ таоло инсонлар адашиб кетмасликлари учун мисолларни уларнинг ҳаётидан келтириб қўяди.

Шундан сўнгра мўминларни диндан қайтаришга уринган кофирларга қарши урушга даъват қилувчи оятлар келади.

فَاِذَا لَقِيْتُمْ الَّذِيْنَ كَفَرُوْا فَضْرِبُوْا الرِّقَابَ حَتّٰى اِذَا اَخْتَمْتُمُْوْهُمْ فُشِدُوْا الْوَتَاقَ فَاِمَامًا مَّا بَعْدُ وَاِمَا فِدَاةً حَتّٰى تَضَعَ الْحَرْبُ اَوْزَارَهَا ذٰلِكَ وَلَوْ يَشَاءُ اللّٰهُ لَانْتَصَرَ مِنْهُمْ وَلٰكِنْ لِّيَبْلُوْا بَعْضَكُمْ بِبَعْضٍ وَالَّذِيْنَ فَنَلُوْا فِيْ سَبِيْلِ اللّٰهِ فَلَنْ يُضِلَّ اَعْمَالَهُمْ ﴿٤﴾ سَيِّدِهِمْ وَيُصْلِحَ بِاَلِهِمْ ﴿٥﴾ وَيُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ عَرَفَهَا هُمْ ﴿٦﴾

**4. Қачонки куфр келтирганлар билан тўқнашсангиз, бас, бўйинларга урмоқ керак. Вақтики, уларни тор-мор қилсангиз,**

бас, маҳкам боғланг. Сўнгра ёки миннат, ёки товон олишдир. Ҳаттоки, уруш ўз анжомларини қўйгунча. Ана шундай. Аллоҳ хоҳласа, улардан Ўзи волиб келарди, лекин баъзиларингизни баъзиларингиз ила синаш учун (қилди). Аллоҳ йўлида қатл қилинганларнинг амалларини У зот ҳеч зое қилмас.

**5. Албатта, уларни ҳидоят қилар ва аҳволларини яхшилар.**

**6. Ҳамда Ўзи уларга таърифлаб берган жаннатга киритар.**

Маълумки, ҳар бир гап ёки фикрни турлича тушунса бўлади. Айниқса, турли шароитларда, ҳар хил сабабларга кўра айтилган гап-сўзларни тўғри тушуниш учун атрофлича ўйлаб, инсоф доирасидан чиқмай тафаккур қилиш лозим, шундагина эзгу мақсадга эришса бўлади. Акс ҳолда, турли англашилмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Қуръони Карим оятларини тушунишда ҳам шунга ўхшаш ҳолат рўй бериб туради. Айниқса, ҳозирги ўрганаётган оятимиз ҳақида турли тушунмовчиликлар кўп.

Яқинда бир таниш одам менга Ватикан чоп этган бир китобни, Ислом ҳақидаги битикларнинг ичидан «Ислом дини ўзига эътиқод қилувчиларни бошқа диндаги кишиларни учратган жойда ўлдиришга буюради», деб ёзилган жойини тагига чизиб кўрсатди ва «Шунчалик ҳам туҳмат қилишадими?» — деб ўз норозилигини изҳор этди.

Эҳтимол, ўша китобни ёзган Ислом душманлари ушбу оятнинг бузуқ таржимасини асос қилиб олгандирлар.

**«Қачонки куфр келтирганлар билан тўқнашсангиз, бас, бўйинларга урмоқ керак.»**

Ҳа, юзаки қараганда, ҳар бир мусулмонга кўзига кўринган ғайридинни ўлдириш вожибга ўхшайди. Лекин бу оят уруш пайти ҳақида сўз юритади! Бошқа оятларда эса, улар мусулмонларга қарши ўзлари уруш қилмасалар, аҳднома асосида тинч-омон яшашга даъват қилинган. Шунингдек, ғайридин одамлар Ислом давлатларида, ҳозирги кунимизгача, барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинган ҳолда яшаб келмоқдалар. Қуръони Карим ўзининг оятларида бунинг кафолатини берган. Демак, Исломнинг ғайридинларга бўлган муносабатини тўла, тўғри тушуниш учун бир оятдаги айрим жумла кифоя эмас, балки мазкур мавзу ҳақидаги барча оят, ҳадис ва аҳкомларни яхшилаб ўрганиб бўлиб, кейин фикр айтиш лозим бўлади.

Демак, бу оятда урушдан бошқа илож қолмаган пайт ҳақида, майдонда тўқнашув бўлгандан сўнг қилинадиган ишлар ҳақида сўз кетмоқда.

**«Қачонки куфр келтирганлар билан (уруш майдонида) тўқнашсангиз, бас, бўйинларга урмоқ керак.»**

Нима учун оятда айнан бўйинга уриш ҳақида сўз кетаяпти? Чунки, оят ўзи нозил бўлган, бундан ўн тўрт аср илгариги вақт ҳақида сўз юритаяпти. У вақтда уруш қуроли қилич бўлган, душманни қатл этишнинг энг осон йўли қилич билан унинг бўйнига уриш бўлган. Демак, бу гапни голиб ҳолатни эътиборга олиб айтилган амр, деб эътибор қилиш керак. Агар аввалгидек, маънони бошқа тарафга буриб тушунадиган бўлсак, Исломда душманнинг бўйнидан бошқа жойига уришга рухсат йўқ, деган фикр чиқаришга тўғри келади.

Ояти кариманинг давомида:

**«Вақтики, уларни тор-мор қилсангиз, бас, маҳкам боғланг»,** дейилмоқда.

Яъни, уруш давомида рақибни енгсангиз, уни тор-мор қилсангиз, уларни асирга олинг. «Асирга олинг» ибораси ўрнига оятда **«бас, маҳкам боғланг»**, дейилмоқда. Чунки, қадимда асирларнинг қўл-оёқлари боғланган. Амр ўша пайт ҳолати ва тушунчалари учун табиийдир, шунинг учун ҳам, одамлар ҳеч ажабланмасдан тушунаверганлар. Ҳозир асир олинган шахс кишанланади ёки яна бошқа чоралар кўрилади. Қуръон рухсат бераётган урушдан мақсад душманни енгиб, уни йўқотиш дегани эмас. Енгилган душманни асир олишга буйруқ берилаяпти, ўлдиришга эмас.

**«Сўнгра ёки миннат, ёки товон олишдир.»**

Душман асирга олингандан «сўнгра ёки миннат», яъни шундай озод қилиб юборилади «ёки товон (олиш) бўлади».

Яъни, асирга тушган инсон хоҳлаган йўл билан озод қилинади.

Биринчи ҳолда, Исломнинг фазлини, мусулмонларнинг олий-жаноблигини изҳор қилиш учун асирни шундай озод қилиб юборилади.

Иккинчи ҳолда, товон олинади, яъни, асирни озод қилишга бирор нарса шарт қилинади. Ёки бирор ишни бажариш топширилади. Масалан, Бадр урушида асирга тушган саводли мушрикларга мусулмонларнинг болаларидан ўнтасини ўқиш-ёзишга ўргатиб қўйса, озод қилиш ваъда қилинган ва шундай қилинган ҳам. Асирни озод этиш учун товонга маълум миқдорда пул ёки мол-мулк талаб қилиниши ҳам мумкин ёки мусулмонлардан асирга тушганлар бўлса, уларни айирбошлаш ҳам мумкин.

Хўш, бўйнига уриш, маҳкам боғлаш, асирларни миннат ёки товон олиш ила озод қилиш қачонгача давом этади?

Бу саволга жавоб ояти кариманинг давомида келган:

**«Ҳаттоки, уруш ўз анжомларини қўйгунча».**

Демак, мазкур ишлар «ҳаттоки, уруш ўз анжомларини қўйгунча», яъни, уруш тўхтагунча давом этади.

Бу офир ишларни мусулмонларнинг бўйинларига юклашдан мақсад нима? Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, уларга волиб келаверади-ку? Ҳа,

**«Ана шундай. Аллоҳ хоҳласа, улардан Ўзи волиб келарди, лекин баъзиларингизни баъзиларингиз ила синаш учун (қилди)».**

Демак, бу ишлардан кўзланган ҳикмат – мусулмонларни синаб, уларнинг мартабаларини аниқлаш. Осончилик бўлса, обрў қозониш, шахсий манфаат ва бошқа имтиёзлар кўзга кўриниб турса, ҳамма ҳам ўзини Исломига ураверади. Лекин қийинчилик, машаққат, ўзидан, молидан, манфаатларидан, имтиёзларидан воз кечиш каби синовлар сарани сарага, пучакни пучакка ажратади, кимнинг ким эканлигини зоҳир қилади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Аллоҳга ва унинг динига қарши чиқувчилар, одатда, бир гуруҳ туғёнга кетганлар, мутакаббир, иззатталаблар бўлади. Улар ўзига эргашганлар билан қўшилиб Аллоҳнинг ҳузурида чумолининг кучига ҳам эга бўла олмайдилар. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, уларни ҳам Нуҳ, Од, Лут қавмига ўхшатиб бир сўз билан тўфон, шамол ёки зилзила балосига дучор этиб, бир лаҳзада йўқ қилиб юбориши мумкин эди. Лекин Пайғамбар алайҳиссаломга эргашган мусулмонларни синаш, мартабаларини аниқлаш, уларни чиниқтириш, сайқаллаш учун кофирларни уларнинг қўли билан азоблашни ирода қилди. Урушда, қийинчиликда қатнашган ҳамма мусулмонлар ҳам ғалабага эришавермайди. Ҳамма ҳам, синалиб, тобланиб, кўзланган маррага етиб боравермайди. Нима бўлганда ҳам, уруш-уруш, қийинчилик-қийинчилик. Мусулмонлар ҳам ўлиши, манзилга етаолмасликлари мумкин, уларнинг ҳоли нима кечади? Улар ҳақида ҳам оятнинг сўнгида баёнот келган.

**«Аллоҳ йўлида қатл қилинганларнинг амалларини У зот ҳеч зое қилмас.»**

Эсингизда бўлса, ушбу суранинг биринчи оятида куфр келтирганларнинг амалларини Аллоҳ таоло ботил қилиши, зое қилиши ҳақида сўз кетган эди. Ҳозир эса, унинг акси, Аллоҳ Ўз йўлида шаҳид бўлганларнинг амалларини зое қилмайди, уларнинг савабини кўпайтириб беради, дейиляпти.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло

**«Албатта, уларни ҳидоят қилур ва аҳволларини яхшилар».**

Ва энг муҳими, Аллоҳ уларни

**«Ўзи уларга таърифлаб берган жаннатга киритур».**

Мана шу охирги тақдир, мукофот ҳамманинг қасди ва олий мақсадидир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن نَّصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ

**7. Эй, иймон келтирганлар, агар Аллоҳга ёрдам берсангиз, сизга ҳам ёрдам берур ва қадамларингизни собит қилур.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга улар учун энг маҳбуб бўлган нидо ила мурожаат қилиб:

**«Эй, иймон келтирганлар, агар Аллоҳга ёрдам берсангиз»,** демоқда.

Албатта, бу илоҳий нидо мўмин-мусулмонларнинг ҳимматларини олий даражада қўзғаб, ҳар қандай оғир таклифни ҳам улар томонидан жон деб бажаришга олиб келади. Худди ана ўша таклиф нидодан сўнг бевосита келмоқда.

«Аллоҳга ёрдам берсангиз» дегани, Аллоҳнинг динига хизмат қилсангиз, деганидир. Чунки, Аллоҳ таоло ёрдамга муҳтож эмас. Шунингдек, Аллоҳнинг дини ҳам ёрдамга муҳтож эмас. Парвардигори олам хоҳласа Ўз динининг ҳимоясини қилиб олади. Бу ерда бандаларга савоб ишлаш, ўз мақомини юксалтириш учун шароит яратиб берилмоқда, холос.

Демак Аллоҳга ёрдам бериш Аллоҳнинг динига хизмат қилмоқ, Аллоҳнинг амрларига бўйсунмоқни билдиради. Кўҳна тарих шоҳид, мусулмонлар Аллоҳга ёрдам берган пайтларида, улар оз, кучсиз бўлишларига қарамай, Аллоҳ ҳам уларга ёрдам бериб, мусулмонлар дунёни эгаллаганлар ва ҳамманинг олдига тушган пешқадам халқ бўлганлар.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا فَتَعَسَا لَهُمْ وَأَصْلَ أَعْمَلِهِمْ

**8. Ва куфр келтирганларга бахтсизлик ва амалларини зое қилиш бўлур.**

Куфр келтирганлар бахтсиздирлар. Улар ҳалокат, ёмонлик ва умидсизлик ботқоғига ботадилар. Шу билан бирга, бу дунёда қилган амаллари зое кетади. Яъни, фойда бермайди. Савоби, ажри йўқ бўлади. Уларнинг яхшиликлари ҳам, иймонсизликлари боис, қабул қилинмайди.

Хўш, нима учун, куфр келтирганларга нисбатан бундоқ ҳол юз бермоқда?

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَرِهُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأَحْبَطَ أَعْمَلَهُمْ

**9. Бу, уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани хуш кўрмаганлари сабабидандир. Бас, У зот амалларини ботил қилди.**

Ушбу ояти карима куфр келтирганларнинг бахтсиз бўлиб, қилган амаллари бекорга кетишининг асл сабабини баён қилиб бермоқда.

**«Бу, уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани хуш кўрмаганлари сабабидандир.»**

Яъни, куфр келтирганларнинг бахтсиз бўлиб, қилган амаллари бекорга кетиши Аллоҳ нозил қилган Қуръонни, шариатни, таълимотларни ва динни хуш кўрмаганлари учундир.

«Аллоҳ нозил қилган нарса»ни, яъни, Қуръонни, шариатни, Исломни эса, фақат, қалбини фасодга тўлдирганларгина хуш кўрмайдилар. Шунинг учун ҳам, уларга бахтсизлик юборилади, «амаллари ботил» қилинади.

Арабча матнда «ботил» ўрнида «Аҳбата» лафзи ишлатилган. Бу сўз, аслида, ноўрин озуқаларни ҳаддан ташқари тановул қилиб, қорни шишиб, ёрилиб ўлган ҳайвонга ишлатилади. Кофирлар ҳам худди ўша ҳайвонлар озуқа деб бефойда нарсаларни еганга ўхшаб, иймонсиз ҳолда, фойдали иш қиляпман деб, қилган амаллари ҳабата бўлиб, ҳаром ўладилар.

Келаси оят кофирларни ер юзида юриб, ундаги ажойиботлардан ибрат олишга чорлайди.

﴿أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ دَمَّرَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَلِلْكَافِرِينَ أَمْثَلُهَا﴾

**10. Ер юзида юриб, ўзларидан аввалгиларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар солмайдиларми? Аллоҳ уларни вайрон қилди-ку! Кофирларга шунга ўхшаш бўлур.**

Аллоҳ таоло бу оятда мушрикларни ўтмишдошлари бошига тушган ҳодисалардан ибрат олиб юришга ундамоқда.

Аллоҳга куфр келтириб, ботилга эргашаётганлар

**«Ер юзида юриб, ўзларидан аввалгиларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар солмайдиларми?»**

Ўтган умматлар ва халқлар қолдирган асарларини, яшаган жойларини кўрганда ҳар бир инсон ўз ҳолича ўйлаб кўрмоғи лозим: улар ким эди, қанчалар қуввати бор эди, нималарни қилган эди, уларнинг олдида биз ким бўлибмиз. Шунга қарамай,

**«Аллоҳ уларни вайрон қилди-ку!»**

Қодир Аллоҳ улар қурган иншоатларни, биноларни ва ўзга иншоатларни осонлик билан вайрон этиб, ўзларини эса, ҳалок этди-ку! Бу ҳолат ҳар бир инсон қалбини сезгир, ҳушёр ва уйғоқ тутиши керак. Уларнинг куфрини, ширкини такрорламасликка ундаши лозим.

Ўтганларнинг оқибатидан ибрат олмайдиганлар билиб қўйсинларки:

### «Кофирларга шунга ўхшаш бўлур».

Қайси бир кофир бўлса, ўша ўтган кофирларга етган оқибатга ўхшаш оқибат унга ҳам, албатта, етади.

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ مَوْلَى الَّذِينَ آمَنُوا وَأَنَّ الْكُفْرِينَ لَا مَوْلَى لَهُمْ

### 11. Шундоқ бўлиши, албатта, Аллоҳ иймон келтирганларга дўст эканлигидан ва албатта, кофирларга дўст йўқлигидандир.

Ҳамма гап шунда: иймон келтирганларга ато қилинадиган яхшиликларнинг бош сабаби — Аллоҳ таоло уларга мавло, дўст, хожа, ёрдамчи ва нусрат берувчи эканлигидадир.

### «Шундоқ бўлиши, албатта, Аллоҳ иймон келтирганларга дўст эканлигидан.»

Шунинг учун ҳам, ҳар бир мўмин ўз иймонининг қадрига етиши, «мўмин» деган шарафли номга лойиқ инсон бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

Аммо, куфр келтирганларнинг мавлоси — дўсти, хожаси, ёрдамчиси ва нусрат берувчилари йўқ, чунки улар Аллоҳга иймон келтирмаганлар.

### «...ва албатта, кофирларга дўст йўқлигидандир.»

Аллоҳ мавло бўлмаса, ҳеч ким мавло бўла олмайди. Чунки, Аллоҳдан ўзга барча-барча мавлога муҳтож. Демак, кофирлар тоифасидан бўлмаслик керак.

Кейинги оятда мўмин ва кофир тоифаларнинг охиратдаги насибалари ҳақида сўз кетади.

إِنَّ اللَّهَ يَدْخُلُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَالَّذِينَ كَفَرُوا يَتَمَنَّوْنَ وَيَأْتُونَ كَمَا تَأْتَى كُلُّ الْأَنْعَامِ وَالنَّارِ مَثْوًى لَهُمْ

### 12. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганлар ва яхши амал қилганларни тагидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Куфр келтирганлар ҳузур қилурлар ва худди чорва ҳайвонлари егандек ерлар ва дўзах уларнинг жойидир.

Аллоҳ таоло иймон келтирганлар ва яхши амал қилганларга бу дунёда ўзи мавло бўлишининг устига, у дунёда уларга катта бахт-саодатларни ато қилади.

### «Албатта, Аллоҳ иймон келтирганлар ва яхши амал қилганларни тагидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур.»

Олий мақом тарафидан тақдим этилган арзимаган нарса ҳам азиз ва қимматли ҳисобланади. Энди, жаннат деб аталган маъвога бир

фаришга ёки бошқа зот эмас, балки Яратганнинг ўзи киритса, бу қандай бахт!

Куфр келтирганларнинг насибаси-чи?

**«Куфр келтирганлар «ҳузур қилурлар» ва худди чорва ҳайвонлари егандек ерлар ва дўзах уларнинг жойидир.»**

Улар бу дунё лаззатларига бериладилар, ейиш-ичишлари ҳам чорва ҳайвонлари сингаридир. Уларнинг қорин тўйғизишдан ўзга ғамлари йўқ. Улар Аллоҳнинг эмас, қориннинг бандаларидир. Бундан, овқат еб ҳузурланмаслик керак экан-да, деган хулосага келмаслик керак. Чунки, мусулмонлар ҳам ҳузурланадилар, яхши овқатларни ейдилар. Бу ерда ҳақиқий насиба ҳақида гап кетаяпти. Кофирларга бу дунёда мол каби еган таомидан ўзга насиба йўқ. Иккинчидан, бу дунёда мўмин ҳалол-пок нарсаларни меъёрида, завқ билан, ундан ҳосил бўлган қувватни тақво, савоб ва хайрга сарф қилиш учун еб-ичади. Кофирнинг эса, унга эслатиб турувчи на тақвоси бор, у на савобни ёки гуноҳни ўйлайди, унинг дунёдаги асосий мақсади – қорин тўйғизишдир. Шунинг учун ҳам, ҳалол-ҳаром, пок-нопокнинг фарқига бормай, молдек еяверади. Ҳамда, охиратга бундан бошқа унга ҳеч қандай насиба қолмайди.

Аллоҳга куфр келтирган, Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган, Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган нарсага иймон келтирмаган, ботилга эргашган, Аллоҳ нозил қилган нарсани хуш кўрмаган ва ер юзида юриб ўзларидан аввалгилар оқибатига назар солмаган бахтсиз мушриклар ўзларига Аллоҳ томонидан юборилган-Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломни Маккаи Мукаррамадан чиқариб юборишганда қуйидаги оят нозил бўлган.

Эй Муҳаммад!

وَكَايْنٍ مِّنْ قَرْيَةٍ هِيَ أَشَدُّ قُوَّةً مِّنْ قَرْيَتِكَ الَّتِي أَخْرَجْنَاكَ أَهْلَكْنَاهُمْ فَلَا نَاصِرَ لَهُمْ

**13. Кўпгина шаҳарлар сени чиқарган шаҳарингдан кўра қувватлироқ эди, уларни ҳалок қилдик. Бас, уларга нусрат берувчи йўқдир.**

Бу ояти карима Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга Маккаи Мукаррамани ташлаб, мажбуран Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб кетаётган йўлларида нозил бўлган. Аллоҳ таоло Ўзининг ҳабиб Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга тасалли бериб:

**«Кўпгина шаҳарлар сени чиқарган шаҳарингдан кўра қувватлироқ эди, уларни ҳалок қилдик»,** демоқда.

Эй Пайғамбарим! Макка мушриклари сени сиғдирмай куч ишлатиб, она шаҳрингни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилишди. Лекин сен хафа бўлма, Биз сенинг шаҳринг Маккадан кўра қув-



ватлироқ кўп шаҳар-қишлоқларни аҳолисининг куфри ва Пайғамбарларимизга озор берганлиги туфайли ҳалок қилганмиз. Хоҳлаган пайтимизда Макка аҳлини ҳам ҳалок қилаверамиз.

### **«Бас, уларга нусрат берувчи йўқдир.»**

Биз, Ўзимиз ҳалок қилганимиздан кейин, албатта, уларнинг нусрат берувчиси йўқ бўлади-да, демоқда.

Воқеъликда бу тасалли тасдиқланиб, кейинроқ Макка фатҳ қилинди. Мушрикларга нусрат берувчи топилмади.

Ибн Аби Ҳотим ривоят қилишларича, Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дейдиларки: «Набий алайҳиссалом Маккадан чиқиб ғорга кирганларидан сўнг, яна Маккага ўтирилиб назар солдилар ва «Сен Аллоҳнинг шаҳарлари ичида Аллоҳ учун энг суюқлисисан, сен мен учун ҳам Аллоҳнинг шаҳарлари ичида энг суюқлисисан, агар мушриклар мени сендан чиқармаганларида, чиқмасдим», дедилар».

Бу ривоятдан Пайғамбаримиз алайҳиссалом учун Маккаи Мукаррамани ташлаб чиқиб кетиш нақадар оғир бўлгани кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани нозил қилиб, у зот алайҳиссаломга тасали берган.

Энди ўрганадиган оятимиз эса, ҳидоятда юрган ва залолатда қолганларни бир-бирларига солиштиради.

أَمْ مَنْ كَانَ عَلَىٰ بَيْنَةٍ مِّن رَّبِّهِ ۖ كَمَنْ زُيِّنَ لَهُ سُوءُ عَمَلِهِ ۖ وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ

**14. Ўз Роббисидан аниқ ҳужжатга эга бўлган шахс, ёмон амали ўзига зийнатли кўринган ва ҳавойи нафсига эргашганларга ўхшаши мумкинми?!**

Сураи кариманинг аввалидан буён мўмин билан кофир орасидаги фарқ турли ҳолатларда солиштириб келинмоқда. Бу оятда улар шахс сифатида солиштириляптилар.

### **«Ўз Роббисидан аниқ ҳужжатга эга бўлган шахс...»**

Мўмин-мусулмон киши шахс сифатида Ўз парвардигори томонидан берилган аниқ ҳужжатга, кўрсатмага эга. Бу — илоҳий масдари ва ғояси ҳамда натижаси аниқ кўрсатмадир. Бу ҳужжат-кўрсатмага эргашганлар адашмайдилар, залолатга кетмайдилар, бемақсад юрмайдилар ва ишончлари комилки, оқибатлари яхши бўлади, мақсадларига эришадилар.

Кофирларнинг шахси қандай, улар нимага эргашади?!

**«...ёмон амали ўзига зийнатли кўринган ва ҳавойи нафсига эргашганларга...»**

Кофирлар ўзлари қилган ёмон ишларнинг ёмонлигини била туриб яхшиликка йўядиган шахслардир. Ҳаёт йўлларида эса, ҳавойи

нафсларига эргашадилар. Асос ҳам йўқ, аниқлик ҳам йўқ, кўзланган мақсад ҳам йўқ. Унга ҳавойи нафси бутун ўғрилик қил деса, шуни қилади, зулм қил деса, уни ҳам қилади ва ҳоказо. Хўш, ушбу икки тоифа шахс бир-бирига тенг бўла оладими? Айтингчи, улар бир-бирларига,

**«ўхшаши мумкинми?!»**

Албатта, йўқ.

Шунинг учун, уларнинг оқибатлари ҳам бир-бирига ўхшамайди, ўзларига хос, ҳар хил бўлади.

مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ فِيهَا أَنْهَارٌ مِنْ مَاءٍ غَيْرِ آسِنٍ وَأَنْهَارٌ مِنْ لَبَنٍ لَمْ يَتَغَيَّرْ طَعْمُهُ وَأَنْهَارٌ مِنْ خَمْرٍ لَذَّةٍ لِلشَّرْبِ وَأَنْهَارٌ مِنْ عَسَلٍ مُصَفًّى وَلَهُمْ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَمَعْفُورَةٌ مِنْ رَبِّهِمْ كَمَنْ هُوَ خَالِدٌ فِي النَّارِ وَسُقُوا مَاءً حَمِيمًا فَقَطَّعَ أَمْعَاءَهُمْ

**15. Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (шуки):** ичида айнимаган сувли анҳорлари, таъми ўзгармаган сутли анҳорлари, ичувчиларга лаззатбахш хамр(шароб)ли анҳорлари, мусаффо асали анҳорлари бор. Улар учун унда барча мевалар ва ўз Роббиларидан мағфират бор. (Ўшалар) оташда мангу қолувчи ва ўта қайноқ сув ила суворилиб, ичаклари титилиб кетган кимсага ўхшарми?

Мазкур оятнинг аввалида Аллоҳ таоло тақводор бандаларига ваъда қилинган жаннатнинг васфини келтирмоқда.

**«Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (шуки):»**

У ерда сон-саноксиз неъматлар мавжуд, жумладан:

**«...айнимаган сувли анҳорлари...»** бор.

Ўйлаб кўрилса, бутун авлоди жазирама саҳрода бир томчи сувга зор бўлиб ўтаётган арабларга ўша вақтда бу қандай улкан неъмат?! Бирор қарич ерида сув оқмайдиган диёрда ҳар замонда бир ёнадиган ёмғирдан қолган кўлмак сувни учратиш мумкин. Кўлмак сув эса, ҳаммага маълумки, бир оз муддатдан сўнг айниб, хидланиб қолади. Шунинг учун, «айнимаган сувли анҳорлар бор», дейилмоқда. Бир ёки икки эмас, бир қанча анҳорлари бор, бу қандай улкан неъмат!

**«...таъми ўзгармаган сутли анҳорлари...»** бор.

Бу ҳам тенгсиз бир неъмат. Туяни ҳар замонда соғиб ичиб юрган араблар учун нақадар тенги йўқ неъмат! Худди сув каби унинг ҳам таъми ўзгармаган, бир эмас, бир неча анҳорлар бор. Инсон чақалоқлигидан тортиб то умрининг охиригача сутга кўп ҳожати тушади. Шунинг учун ҳам, оятда сувдан кейин сутнинг зикри келади.

**«...ичувчиларга лаззатбахш хамр(шароб)ли анҳорлари...»** бор.

Майхўрлик араблар учун ўша вақтда энг улуғ ва ҳузурбахш иш ҳисобланарди. Уларнинг каттасиё кичиги, эркагиё аёли ётса ҳам, турса ҳам майдан гапиришарди. Аллоҳ таоло майхўрликни зарарлари учун бу дунёда ҳаром қилди. У дунёда эса, зарарсиз ҳолатда, ҳузурбахш қилиб, жаннатнинг неъматларидан бирига айлангирди.

**«...мусаффо асали анҳорлари бор.»**

Асал ҳам Аллоҳнинг улуғ неъматларидан. Айниқса, мусаффо бўлса. Аллоҳ таоло жаннатда тақводор бандалари учун мусаффо асали анҳорларни оқизиб қўяди. Бу қандай буюк бахт!

**«Улар учун унда барча мевалар бор.»**

Аҳли жаннат учун Аллоҳ таоло ҳамма меваларни ҳам муҳайё этган. Жаннатийлар хоҳлаган меваларини хоҳлаган ҳолатда узиб олиб ейдилар.

**«...ва ўз Роббиларидан мағфират бор.»**

Бу, ҳаммасидан юқори олий мақомли неъматдир. Бандалик ила қилган гуноҳларининг мағфират қилиниши барча неъматларнинг энг аълосидир.

Сўнгра, шунчалик неъматларга эришган мўминларнинг ҳоли билан азобга дучор бўлган кофирларнинг ҳоли муқояса қилинади:

«(Ўшалар):

**оташда мангу қолувчи...»**

Мўмин серсоя жаннатдан жой олган бўлса, унинг қаршисида кофир дўзах оташида мангу—абдий қолади. Табиийки, ўтда ёнаётган одам сув сўрайди. Жаннатийларга берилган анҳорлар унга ҳам насиб қилармикан? Йўқ, ҳеч-ҳеч насиб қилмайди, аксинча, у сув сўраб ёлворганда:

**«...ўта қайноқ сув ила суғорилиб, ичаклари титилиб кетган...»**

Яъни, сув ниҳоятда қайноқ бўлганлигидан, баданининг қаерига тегса, шу ерини, асосан, ичакларни титиб юборади. Бу азоб тинмай такрорланаверади. Бундай ҳолатдаги кимсани юқорида васф қилинган жаннат аҳлига солиштириб бўладими? Асло! У қаерда-ю, бу қаерда?!

Лекин дунёда кишилар фақат мазкур икки тоифа—мўмин ва кофирдан иборат эмас. Яна бошқа бир тоифа бор. Улар мунофиқлардир. Мунофиқлик Мадийнаи Мунавварада пайдо бўлди. Маккада сабр-бардошли кишиларгина мусулмонликни маҳкам ушлаб қолиб, ҳамма уларга очиқ-ойдин душманлик қилиб турганда мунофиқлар йўқ эдилар. Мадийнада эса, аввал Авс ва Ҳазраж қабиласидан баъзи кишилар, аста-секин бошқалар ҳам мусулмон

бўлиб, охири Ислом кирмаган хонадон қолмади. Шунда, аслида, Муҳаммад алайҳиссаломни, Исломни ёқтирмаса ҳам, лекин очиқ душманлик қилишга имкони йўқ кимсалар юзаки равишда Исломга кирганларини эълон қилдилар. Шу билан бирга, улар ичларида душманликларини сақлаб қолдилар. Улар Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бошчилигида пайт пойлаб туриб, мусулмонларга ёмонлик қилиб қолишарди. Мунофиқларга Мадийнаи Мунавварада яҳудийларнинг борлиги жуда ҳам қўл келарди. Қачон мусулмонлар бошига қийинчилик тушса, очиқча душманликка ўтиб физиллаб қолишар, мусулмонларнинг ишлари юришиб қолса, ҳийланайрангга ружу қилиб ғимирлаб қолишар эди. Ўша пайтларда Исломга нисбатан ҳақиқий хавф-хатар ўшалардан эди. Мунофиқларнинг кирдикорлари, яҳудийлар билан тил бириктиришлари кўпгина маданий сураларда, жумладан, биз ўрганаётган ушбу «Муҳаммад» сурасида ҳам фош қилинган.

Энди, шу мавзудаги ояти карималарни ўрганишни бошлаймиз.  
Эй Пайғамбар!

وَمِنْهُمْ مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ حَتَّىٰ إِذَا خَرَجُوا مِنْ عِنْدِكَ قَالُوا لِلَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ مَاذَا قَالَ أَنفَأُ وَلَئِكَ  
الَّذِينَ طَبَعَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ ﴿١٦﴾

**16. Ва улардан сенга қулоқ осадиганлари бор. Ҳузурингдан чиққанларида эса, илм берилганларга: «Ҳали нима деди?» – дерлар. Ана ўшалар қалбларига Аллоҳ тамға босганлар ва ҳавойи нафсларига эргашганлардир.**

Ушбу оятда мунофиқларнинг васфи келяпти. Улар мусулмонлар, саҳобаи киромлар билан бирга Пайғамбар алайҳиссаломнинг мажлисларида ўтирадилар, зоҳиран сўзларига диққат билан қулоқ солардилар.

**«Ва улардан сенга қулоқ осадиганлари бор.»**

Мажлис тугаб у зоти бобаракотнинг ҳузурларидан чиқишган эса, илм эгалари бўлган саҳобаларга: «Ҳали мажлисда Пайғамбар нима деди?» – дейишади.

**«Ҳузурингдан чиққанларида эса, илм берилганларга: «Ҳали нима деди?», – дерлар.»**

Бу эса улар сиртдан диққат билан қулоқ солганга ўхшаб ўтирсалар ҳам, кўнгиллари бошқа томонда, қалблари ғофил қолаверининг далилидир. Ёки уларнинг қалб кўзлари умуман кўр, фойда олишдан маҳрумдирлар.

Шу билан бирга, бу ғаламислар аҳли илм саҳобаларга, Муҳаммад тушуниб бўлмайдиган гапларни гапиради, демоқчи ҳам бўла-

дилар. Бу эса, айна пайтда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак офизларидан чиқадиган ҳар бир сўзни бир олам иштиёқ билан кутадиган илми саҳобаларга, арзимаган гапларни эшитиб юрибсанлар-да, деган маънони ҳам беради.

Оятнинг охирида уларнинг кимлиги очиқ-ойдин баён қилинади.

**«Ана ўшалар, қалбларига Аллоҳ тамға босганлар»**дир.

Яъни, уларнинг қалблари берк, яхшиликни қабул қилмайди, чунки улар яхшиликни ҳеч хоҳламайдилар. Шунингдек, улар, **«ҳавойи нафсига эргашганлардир»**.

Улар Пайғамбар алайҳиссаломга эргашмайдилар.

Энди мунофиқлар васфининг муқобилига мўминларнинг таърифи келади:

وَالَّذِينَ أَهْتَدُوا وَزَادَهُمْ هُدًى وَءَانَّهُمْ يَقُولُهُمْ

**17. Ҳидоят топганларнинг ҳидоятини У зот зиёда қилди ва уларга тақволарини берди.**

Маълумки, одамлар ҳидоят топгунча кўп уринадилар, ҳаракат қиладилар. Демак, ҳаракатни ўзлари бошлайдилар. Аллоҳ таоло эса, уларга ҳидоятни комил қилиб беради. Сўнгра, истаганларидан зиёда қилиб тақвони ҳам бахш этади. Тақво қалбга боғлиқ ва доимий руҳий ҳолат бўлиб, Аллоҳнинг кузатиб туришини доимо сезиш ва Ундан кўрқиш ҳиссига айтилади.

Сўнгра, мунофиқлар ҳақида сўз қилинади:

فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا السَّاعَةَ أَنْ تَأْتِيَهُمْ بَغْتَةً <sup>ط</sup>فَقَدْ جَاءَ أَشْرَاطُهَا فَأَنَّى لَهُمْ إِذَا جَاءَهُمْ ذِكْرُهُمْ

**18. Улар соат(қиёмат)нинг бирдан келишидан бошқа нарсага интизор бўлишаётгани йўқ. Дарвоқе, аломатлари келиб ҳам қолди. У келиб қолса, улар қаердан эслатма олурлар?!**

Пайғамбар алайҳиссаломнинг мажлисларига кириб ҳеч нарса ни тушунмай чиқаётган гофил мунофиқлар ва уларнинг издошлари нимани кутишяпти? Уларга нима керак?

**«Улар соат(қиёмат)нинг бирдан келишидан бошқа нарсага интизор бўлишаётгани йўқ.»**

Улар қиёматнинг бирдан, тўсатдан келиб қолишидан бошқа нарсани кутишаётгани йўқ.

**«Дарвоқе, аломатлари келиб ҳам қолди.»**

Қиёматнинг аломатлари эса, келиб қолди.

Демак, унинг ўзининг келиши ҳам яқин. Қиёматнинг энг катта

аломатларидан бири Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбар этиб юборилишларидир. Чунки, у киши Пайғамбарларнинг охиргисидирлар. У кишидан кейин Пайғамбар келмайди, балки қиёмат келади.

Имом Бухорий Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Мен Пайғамбар қилиб юборилдим ва қиёмат бундай», деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бир-бирига яқинлаштириб кўрсатдилар.

**«У келиб қолса, улар қаердан эслатма олулар?!»**

Қиёмат яқин қолган бўлса, демак яқинда келади, лекин мабодо, келиб қолса, анави ғофиллар, бепарволар қаердан эслатмаибрат, ваъз-насихат оладилар? Имкони йўқ. Чунки, бўлар иш бўлганидан кейинги иймон ҳам фойда бермайди. Иложи қолмаганидан кейинги, қўрққанидан келтирилган иймоннинг ҳеч қачон фойдаси бўлмаслиги тайин.

Ундан сўнг Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминларга хитоб қилиб, уларнинг ақийдалари билимга асосланган бўлишини таъкидлайди.

Эй Пайғамбар!

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَسْتَغْفِرْ لِدُنْيَاكَ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ



**19. Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ, ўзингнинг, мўминларнинг ва мўминаларнинг гуноҳларини мағфират қилинишини сўра. Аллоҳ сизларнинг кезар жойларингизни ҳам, борар жойларингизни ҳам билур.**

Аллоҳ таолонинг «Билгин» деб хитоб қилиши ақийда масаласида билим зарурлигига таъкиддир. Бу ишда кўр-кўрона тақлид фойда бермайди. Демак, «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ»лигига эътиқод қилиш билим асосида бўлиши жуда ҳам яхши бўлар экан.

**«Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ...»**

Кейин, мағфират сўрашга амр бўлмоқда. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб:

**«...ўзингнинг, мўминларнинг ва мўминаларнинг гуноҳлари мағфират қилинишини сўра»,** демоқда.

Ҳолбуки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг аввалу охир барча гуноҳларини Аллоҳнинг Ўзи кечган. Лекин Пайғамбар алайҳиссалом ҳассос банда, қанча уринса ҳам оз эканлигини биладилар, у кишининг истиғфор айтишлари гуноҳларининг батамом кечирилганлиги учун шукр ҳисобланади. Ҳамда умматларига ўрнак бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом мўмин ва мўминаларнинг гуноҳлари кечирилишини сўрайдилар, у кишининг дуолари эса, шубҳасиз, мустажобдир.

Оятнинг охирида:

**«Аллоҳ сизларнинг кезар жойларингизни ҳам, борар жойларингизни ҳам билур»,** дейилган.

Бу хабар ҳар бир мўмин қалбига хотиржамлик ва сезгирлик солади. Аввало, ҳамма жойда Аллоҳ Ўз риояти билан ҳозиру нозирлигидан хотиржам бўлиб, Унинг ҳимоясида эканлигидан омонликни сезса, иккинчидан, ҳозиру нозир зот бўлмиш Аллоҳнинг норозилигига сабаб бўлувчи ишлар содир этишдан қўрқади, ҳушёр тортади.

Келаси оятда мунофиқларнинг Аллоҳ амрига нисбатан ўзларини қандай тутишлари васф қилинади.

وَيَقُولُ الَّذِينَ ءَامَنُوا لَوْلَا نَزَلَتْ سُورَةٌ فَإِذَا أُنزِلَتْ سُورَةٌ مُحْكَمَةٌ وَذُكِرَ فِيهَا الْقِتَالُ  
رَأَيْتَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ يُنظُرُونَ إِلَيْكَ نَظَرَ الْمَغْشَىٰ عَلَيْهِ مِنَ الْمَوْتِ فَأُولَٰئِكَ لَهُم  
طَاعَةٌ وَقَوْلٌ مَّعْرُوفٌ فَإِذَا عَزَمَ الْأَمْرُ فَلَوْ صَدَقُوا اللَّهَ لَكَانَ حَيْرًا لَّهُمْ

**20. Ва иймон келтирганлар, бирон сура нозил қилинса эди, дерлар. Вақтики, муҳкам сура нозил қилиниб, унда уруш зикр қилинса, қалбларида касали борларнинг сенга худди жон бераётганининг қарашидек қараётганини кўрасан.**

**21. Уларга тоат ва яхши сўз яхшироқдир, бас, иш жиддийлашганда, Аллоҳга содиқ қолсалар, ўзларига яхши бўлур эди.**

Иймон саодатига муяссар бўлганлар ўзлари иймон келтирган Зотдан уларга фармон бўлишини доимо орзиқиб кутадилар. Чунки, уларнинг энг улкан саодати, илоҳий фармонга амал қилиб Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдир. Худди шу туйғу уларнинг:

**«Ва иймон келтирганлар, бирон сура нозил қилинса эди, дерлар»,** каби интизорликларига сабаб бўлган. Хўш, ўша орзу қилинган сура нозил қилинса, нима бўлади? У вақтда мўмин-мусулмонлар уни хурсандлик ила кутиб олиб, унга амал қилишни бошлайдилар. Ўзларининг иймонда содиқликларини исбот қиладилар. Аммо, шундай пайтда мунофиқларнинг ҳақиқий башаралари намоён бўлади, уларнинг риё пардалари йиртилади.

**«Вақтики, муҳкам сура нозил қилиниб...»**

Оятда «муҳкам» деб зикр этилган сўз, Қуръони Карим матнида «муҳкаматун» деб васф қилинган бўлиб, очиқ-ойдин, пухтапишиқ, фақат бир маънони англатувчи ва иккинчи маънони қабул

қила олмайдиган, деган маъноларни билдиради. Демак, шундай сифатдаги сура нозил бўлгани маълум бўлди. У ёғи нима бўлади?!

**«...унда уруш зикр қилинса, қалбларида касали борларнинг сенга худди жон бераётганининг қарашидек қараётганини кўрасан.»**

Чунки, улар айнан қалбларида касаллари борлиги учун мунофиқлик дардига учраганлар. Мунофиқлар учун Аллоҳнинг йўлида урушга кириш катта мусийбат.

Шунинг учун ҳам, улар, нозил бўлган сурада **«уруш зикр қилинса»**, жон таслим қилаётган шахс ўлимдан қўрқиб кўзини чақчайтирганидек қараш билан Пайғамбарга қарайдилар. Яъни, Аллоҳнинг бу амрини худди ўлимдан қўрққандек қўрқинч ила кутиб оладилар. Аслида, уларга нима яхшироқ?

**«Уларга тоат ва яхши сўз яхшироқдир...»**

Ҳа, улар учун Аллоҳ таолога итоат қилмоқ яхшироқдир. Ҳа, улар учун яхши сўз, яъни, қалблари пок эканлигини ва бошқа хайриятни ифода этувчи сўзлар яхшироқдир. Энг муҳими,

**«...иш жиддийлашиб қолганда Аллоҳга содиқ қолсалар, ўзлари учун яхши бўлур эди».**

Кейинги оятларда Аллоҳнинг амридан юз ўтирганларнинг оқибати ҳақида сўз кетади.

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ

**22. Эҳтимол, (иймондан) юз ўтирсангиз, ер юзида фасод қилиб, қардошлик ришталарини узарсиз?!**

Бу оятда иймондан юз ўтириб, жоҳилиятга қайтишдан бу дунёда келадиган зарарлар эслатилмоқда.

Авалло, ер юзида фасод қилиш бўлади. Чунки, иймонсиз кишилардан доимо ушбу ёмонлик келиб чиққан.

Шу билан бирга, иймондан қайтганлар ўз қариндош-уруғлари, ёру дўстларидан қардошлик ришталарини узадилар. Бу ҳам улкан зарар ҳисобланади.

Аммо, иймондан юз ўтиришнинг зарарлари бу билан тугаб қолмайди, балки асосий зарари ҳали олдинда:

أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَرَهُمْ

**23. Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлади, уларни кар қилди ва кўзларини кўр қилди.**

Аллоҳнинг лаънатлаши Ўз раҳматидан ва ҳидоятдан узоқ қили-



ши билан бўлади. Кўр ва кар қилиши ҳам ҳиссий эмас, балки маънавий бўлади. Кўзи соғ-саломат ишлаб туради, лекин кўрган нарсаларидан ўзига ибрат олмайди. Қулоғи ҳам соғ-саломат бўлади, лекин ўзи эшитган нарсаларидан ибрат олмайди. Нима учун шундай?

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْءَانَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَفْءَالَهَا

## 24. Қуръонни тадаббур ила ўйлаб кўрмайдиларми? Ёки қалбларда қулфлар борми?

Қуръони Каримни «тадаббур» қилиш уни эътибор ва эҳтимом ила ўқиб, маъноларининг маъзини чақишдир. Ҳа, ўша аввалги ояти каримада зикр қилинганлар

### «Қуръонни тадаббур ила ўйлаб кўрмайдиларми?»

Ҳар бир оятни, ҳар бир сўзни чуқур тушунишга ҳаракат қилиш Қуръонни тадаббур қилишдир. Ана ўшанда парда кўтарилади, ҳамма нарса равшанлашади, қалб ҳаловат топади, виждон мусаффо бўлади.

### «Ёки қалбларда қулфлар борми?»

Агар «қалбларида қулф» бўлса, унда ҳамма нарса берк, уларга ҳеч нарса, жумладан, Қуръон нури ҳам кирмайди.

Кейинги оятларда мунофиқларнинг ҳолини фош этиш давом этади.

إِنَّ الَّذِينَ أُرْتُدُّوا عَلَيَّ آذَنَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّ لَهُمُ الْهُدَىٰ الشَّيْطَانُ سَوَّلَ لَهُمْ وَأَمَلَىٰ لَهُمْ

## 25. Албатта, ҳидоят равшан бўлгандан сўнг ортларига қайтганларга шайтон зийнатлаб кўрсатади ва уларни ўша йўллади.

«Ортларига қайтганлар»дан мурод мунофиқлардир. Ҳақиқатан, улар ҳидоят-иймон нима эканлигини равшан кўрган, мўминликка яқин бўлган эдилар. Лекин ортга қайтдилар. Уларнинг иймондан юз ўгиришига шайтон сабаб бўлди. Ўша уларга ёмонликни – иймондан қайтишни яхши қилиб кўрсатди. Васваса қилиб, шу тўғри, яша, энди ақлингни топдинг, деб қабиҳ ишни зийнатлаб кўрсатди.

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لِلَّذِينَ كَرِهُوا مَا نَزَّلَ اللَّهُ سَنَطِيعُكُمْ فِي بَعْضِ الْأُمْرِ وَاللَّهُ

يَعْلَمُ إِسْرَارَهُمْ

## 26. Ундоқ бўлишлиги, албатта, уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани хуш кўрмаганларга: «Сизларга баъзи ишларда итоат

қилурмиз», дейишлари сабабидандир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ сир-асрорларини билиб турибди.

Демак, уларнинг ҳидоят равшан бўлгандан сўнг ортларига қайтишлари:

**«Ундоқ бўлишлиги, албатта, уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани хуш кўрмаганларга: «Сизларга баъзи ишларда итоат қилурмиз», дейишлари сабабидандир».**

Оятдаги «Аллоҳ нозил қилган нарсани хуш кўрмаганлар»дан мурод яҳудийлардир. Мадийнаи Мунавварада Аллоҳ нозил қилган Қуръонни, Исломни биринчи бўлиб ёмон кўрганлар яҳудийлар бўлганлар. Чунки улар, охирги Пайғамбар биздан бўлади, деган эътиқодда юрар эдилар. Мадийна арабларига: «Қараб турунглари, яқинда охир замон Пайғамбари чиқади, унинг сифатлари бундоқ-бундоқ, ўшанда биз унга иймон келтириб, унинг раҳбарлигида сенларни тор-мор қиламиз», дейишарди. Вақти етиб, улар сифатлаб юрган Пайғамбар чиққанда, араблар иймон келтирдилар, яҳудийлар эса, иймон келтирмадилар. Нимага? Бунинг сабаби битта — Пайғамбар яҳудий эмас эди. Шунинг учун, улар у зотнинг Пайғамбарлигини хуш кўрмадилар ва Аллоҳ у зотга нозил қилган нарсани хуш кўрмадилар. Мадийнага ҳижрат қилишини ёқтирмадилар. Ва биринчи кундан бошлаб душманлик йўлига ўтдилар.

Мунофиқлар ўша машъум яҳудийларга:

**«Сизларга баъзи ишларда итоат қилурмиз»,** дейишган эди.

Улар, сиртдан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатиб юрганлари учун, яҳудийларга барча ишларда итоат қила олмасдилар. Улар бировга билдирмай шартнома тузганлари билан,

**«...Аллоҳ сир-асрорларини билиб турибди».**

Ундан ҳеч нарсани яшира олмайдилар.

كَيْفَ إِذْ اتَّوَفَّيْتَهُمُ الْمَلَائِكَةَ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ وَأَدْبُرَهُمْ

**27. Фаришталар юзларига ва ортларига уриб жонларини олаётганларида қандоқ бўларкин?!**

Мунофиқларнинг ўлаётган ҳолатлари ниҳоятда қўрқинчли. Фаришталар уларнинг жонини одатдагидек оддийгина олмасдан, юзларига ва ортларига уриб, азоб билан оладилар. Нимага?!...

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ اتَّبَعُوا مَا آسَخَطَ اللَّهُ وَكَرَهُوا رِضْوَانَهُ فَأَحْبَطَ أَعْمَالَهُمْ

**28. Бундай бўлиши, албатта, уларнинг Аллоҳни ғазаблантирган нарсага эргашганлари ва Унинг розилигини хуш кўрмаганликлари сабабидандир. Бас, У зот амалларини ҳабата қилди.**

Демак, мунофиқлар бекордан-бекорга бунчалик хору зор бўлмайдилар. Бекорга фаришталар уларнинг юзларига ва ортларига уриб туриб, жонларини олмайди.

**«Бундай бўлиши, албатта, уларнинг Аллоҳни ғазаблантирган нарсага эргашганлари ва Унинг розилигини хуш кўрмаганликлари сабабидандир.»**

Улар Аллоҳнинг ғазабини чиқарувчи гуноҳларни қилганлар. Мунофиқлар Аллоҳ кўрсатган йўлдан юрмай, У зотнинг ғазабини чиқарадиган турли бўлмағур йўлларга юрганлар. Улар Аллоҳ таолонинг розилигини эмас, бошқа томонларнинг розилигини хуш кўрганлар.

**«Бас, У зот амалларини ҳабата қилди.»**

Чунки, у ишлар Аллоҳни рози этиш учун қилинмаган эди. Улар нима қилсалар ҳам, ўзлари қилдилар ва ўзлари учун қилдилар. Оқибати ҳам улар учун бўлди. Улар бўлса, мусулмонларнинг зиддига қилдик, уларни бопадик, деб юрибдилар.

Ўша мунофиқлар, ўша,

أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ أَنْ لَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ أَضْغَنَهُمْ

**29. Қалбларида касал борлар, Аллоҳ уларнинг қаттиқ ҳасадларини ошкор қилмас, деб ҳисоблайдиларми? !**

Мунофиқлар, ўзларича, мунофиқлик санъатини қойиллатиб кўямиз, бизнинг Исломга, мусулмонларга бўлган душманлигимизни ҳеч ким билмайди, мусулмончилик ҳақида гап кетса, биз мусулмонлардан ҳам ўтказиб юборяпмиз-ку, ичимиздаги ҳиқду ҳасадни ким билиб ўтирибди, деб ўйлашади. Ушбу ояти карима уларнинг мазкур фикрлари фирт аҳмоқлик эканлигини фош қияпти. Ёки фош этишга таҳдид қияпти.

Келаси оятда эса очиқ-ойдин фош этиш бошланади:Эй Пайғамбар!

وَلَوْ نَشَاءُ لَأَرَيْنَاكُمْ فَلَعَرَفْتَهُمْ بِسِيمَاهُمْ وَلَتَعْرِفَنَّهُمْ فِي لَحْنِ الْقَوْلِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ أَعْمَالَكُمْ

**30. Агар хоҳласак, Биз уларни сенга кўрсатамиз, таъкидки, сен уларни сиймоларидан танийсан, албатта, сен уларни гап оҳанг-ларидан танийсан. Аллоҳ амалларингизни билиб турур.**

Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб, мунофиқлар усталик ила ўз нифоқларини қанчалик яшириб, ўзларини ҳақиқий мусулмондек кўрсатишга уринмасинлар, барибир:

**«Агар хоҳласак, Биз уларни сенга кўрсатамиз»,** демоқда.

Яъни, агар хоҳласак, Биз у мунофиқларни сенга кўрсатамиз, эй Пайғамбарим. Биз сенга уларнинг шахсларини, қоматларини билдириб, башараларини фош қиламиз. Шу билан бирга,

**«...таъкидки, сен уларни сиймоларидан танийсан, албатта, сен уларни гап оҳангларидан танийсан.»**

Яъни, уларни аломатларидан ҳам билиб олса бўлади. Мунофиқларнинг гап-сўзида ўзига хос овоз, услуб бордир. Диққат қилиб қулоқ солган одам буни албатта илғайди.

Ҳазрат Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу: «Кимки бирор сирни яширса, Аллоҳ таоло унинг белгиларини юзига ёки тилига чиқариб қўяди», деганлар.

Ҳадиси шарифда келганки: «Ким бирор сирни яширса, Аллоҳ таоло унга ўшанинг тўнини кийгизиб қўяди: яхшилик бўлса, яхшилик тўнини, ёмонлик бўлса, ёмонлик тўнини кийгизади».

Имом Аҳмад ўзларининг «Муснад» китобларида Уқбату ибн Амрдан ривоят қилган ҳадисда бундай келган: «Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг: «Албатта, орангизда мунофиқлар бор, кимнинг номини айтсам, ўрнидан турсин», дедилар. Кейин: «Эй, фалончи, тур, Эй, фалончи, тур, эй, фалончи, тур», деб ўттиз олти кишининг номини айтдилар. Кейин: «Сизнинг ичингизда мунофиқлар бор, Аллоҳдан қўрқинглар», дедилар».

Ана шундай: мунофиқлар ўз кирдикорларини қанчалик яширсалар ҳам, ўзларини Ислом учун фидокор қилиб кўрсатсалар ҳам, барибир, қалбларида касал бўлгани учун, нифоқлари ошкор бўлади. Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дегани бежиз эмас. Улар мусулмонларни бир алдайди, икки алдайди, лекин, барибир, кирдикорлари фош бўлади. Энг муҳими, ҳамма нарсани билувчи Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларини ҳам, ниятларини ҳам билиб турибди-ку.

Оятнинг охирида:

**«Аллоҳ амалларингизни билиб турур»,** деган огоҳлантириш бекорга келмаган.

Аллоҳ таоло келаси оятларда мусулмонларни синаши Ўзининг суннати эканлигини, синов кишилардан ким мужоҳид, ким сабрли, ким мунофиқ, ким иймони заиф эканлигини юзага чиқариш учун кераклигини уқтиради.

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ حَتَّىٰ نَعْلَمَ الْمُجْتَهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّادِقِينَ وَنَلَوُا أَخْبَارَكُمْ

### **31. Ва таъкидки, Биз сизларни синармиз, токи, сизлардан мужоҳидларни, сабрлиларни билсак ва хабарларингизни имтиҳон этсак.**

Мазкур синов Аллоҳ таолонинг Ўзи учун эмас. Чунки, У шундоқ ҳам ҳамма нарсани: одамларнинг кимлигини, сир яширганларию ошкорини, имкониятию хоҳишини – барча-барчасини яхши билади. Аммо одамлар бу нарсани англамайдилар. Бошқа одамлар у ёқда турсин, баъзилар ўзидаги ҳолатларни ҳам билолмайди. Ана шу яширин ҳолатларни, беркитилган ҳақиқатларни билиш зарур. Бунинг учун эса, синов керак.

#### **«Ва таъкидки, Биз сизларни синармиз...»**

Албатта, синов кўп нарсаларни ошкор қилади. Синов бўлмай, ҳамма иш равон кетаверса, одамлар бир-бирларининг ҳақиқатини била олмайдилар. Ким ҳақиқий мўмин, ким мунофиқлиги ҳам аён бўлмайди. Аксинча, синов йўқ пайтида мунофиқлар олдинги сафга чиқиб, ўзларини фидокор қилиб кўрсатадилар. Худди шу маънога оятнинг давомида ишора қилинмоқда.

#### **«...токи, сизлардан мужоҳидларни, сабрлиларни билсак ва хабарларингизни имтиҳон этсак.»**

Билгандан сўнг, ундан ўз ўрнида фойдаланиш керак. Гоҳ хурсандлик, гоҳ хафалик, гоҳ енгиллик, гоҳ офирлик, гоҳ бахтиёрлик, гоҳ мусийбат билан синов ўтиши инсон руҳидаги, нафсидаги яширин туйғуларнинг ошкор бўлишига ёрдам беради. Инсонларнинг бу нарсаларни англаши келажак ҳаётларида ёрдам беради.

Аслида, мўмин банда синов ва имтиҳонни орзу қилмайди, балки Аллоҳдан доимо офият ва раҳматни сўрайди. Шундан сўнг ҳам синов-имтиҳонга учраса, сабр қилади. Бунинг ҳикмати борлигини идрок қилади, ҳамма нарса Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига иймон келтиради. Ўзига Аллоҳнинг раҳмати ва офияти етишини кутади.

Ўтган азизлардан бир зот ушбу оятни ўқиганларида, йиғлаб: «Эй бор худоё, бизни синовга олмагин, агар синовга олсанг, шарманда қиласан, пардамизни йиртиб, бизни азобга қўясан», дер эканлар.

Кейинги оятда, динга душманлик қилувчилар қанчалик макрҳийла ва чора-тадбир қилмасинлар, Исломга ҳеч қандай зарар етказа олмасликлари таъкидланади.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَشَاقُّوا الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ الْهُدَىٰ لَنْ يَضُرُّوا

اللَّهُ شَيْئًا وَسَيُحِطُّ أَعْمَالَهُمْ

**32. Албатта, куфр келтирганлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўстанлар ҳамда ҳидоят аниқ бўлгандан сўнг Пайғамбарга қарши чиққанлар Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмаслар. Ва уларнинг амалларини ҳабата қилур.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолога қарши бўлганларни учга бўлиб, улар, ҳар қанча уринсалар ҳам, Аллоҳга, яъни, Алоҳнинг динига зарар келтира олмасликлари таъкидланмоқда.

**«Албатта, куфр келтирганлар...»**

Кофирлар турли хил воситалар ила Аллоҳнинг динига қаршилик қилишга уриндилар ва уринмоқдалар. Кимдир куч билан, кимдир ҳукм билан қаршилик қилади. Кимдир молу дунё билан, кимдир мафкуравий йўл билан қаршилик қилади. Кимдир ҳийланайранг билан, яна кимдир бошқа йўллар билан қаршилик қилишга уринади. Аллоҳ таоло Исломни ер юзида барпо қилгандан бери бундайларнинг қанчаси ўтиб кетди.

**«...ва Аллоҳнинг йўлидан тўстанлар...»**

Булар ҳам турли-туман тоифалардир. Буларнинг ҳам уруғи серобдир. Ва уларнинг одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиш бўйича олиб борган ва бораётган фаолиятлари хилма-хилдир.

**«...ҳидоят аниқ бўлгандан сўнг Пайғамбарга қарши чиққанлар...»** ҳам ниҳоятда кўп.

Ул зотнинг ҳаётлик даврларида ҳам шахсларига қарши чиққанлар, динларига, Қуръонларига, саҳобаларига қарши бўлганлар кўплаб топилган. У кишининг тутган йўлларига қарши уруш эълон қилганлар етарлича кўп бўлган.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг эса, у кишининг динларига, шариатларига, суннатларига қарши чиққанлар, даъватларига, умматларига қарши чиққанлар ҳозиргача курашиб келмоқдалар.

Ўн беш асрдан бери қарши чиқиб, курашиб нимага эришишди?! Бутун дунё қарши чиқди. Бутун кучларни бирлаштириб Исломга қарши уруш эълон қилди. Оқибати нима бўлди? Оқибати Аллоҳ таоло таъкидди ваъда бергандек бўлди. У зот ваъдасига ҳеч-ҳеч хилоф қилмайдиган зот. Ваъдаси шуки:

**«Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмаслар».**

Ҳа, Аллоҳнинг қарори шу, бу қарорни ўзгартириб бўлмайди. Исломнинг душмани, ким бўлишидан қатъиназар, Аллоҳнинг душмани. Аммо бирор кимса Аллоҳга душман бўла оладими?! Ҳеч кимса! Улар Аллоҳга, яъни Аллоҳнинг динига зарар етказа олмайдилар. Қўлларидан келадигани, баъзи мусулмонларга озор етказиш, холос. Бу ҳам вақтинчалик, ҳикмат учун, Ислом ва мусулмонлар фойдаси учундир. Зеро, кофиру мушрикларнинг ҳар қанча уринганлари бефойдадир. Аллоҳ таоло

### «уларнинг амалларини ҳабата қилур».

Ислом душманларининг амаллари ёқмаган таом сингари тўпла-ниб бораверади. Ўзларига яхши кўринади. Лекин бир куни келиб қоринларини ёриб чиқади.

Ушбу оятнинг мўъжизакор кучини ким инкор қила олади? Бундан ўн тўрт аср илгари, Ислом заифлиги пайтида, атрофни турли душманлар ўраб турган вақтида, бундай аниқ ва қатъий ҳукми Аллоҳдан бошқа ҳеч ким айта олмас эди. Мана энди, ўн тўрт аср ўтгач, бу оятнинг тасдиғини равшан кўриб турибмиз. Қанчадан-қанча душманлар Исломга қарши макр-ҳийла, куч-қувват ва бошқа услубларни ишга солдилар, лекин ҳар гал Ислом ғалаба қозонди ва қиёматга қадар ғалаба қилажак! Йил сайин, кун сайин, балки соат сайин янги-янги кишилар Исломни ўзларига дин деб, тан олмақдалар ва унинг кўрсатмалари остида ҳаёт кечиришга ўтмоқдалар.

Ислом душманларининг амаллари эса, ҳабата бўлиб бормоқда.

Ислом душманларини ноумид қилувчи оятдан кейин мўминларга уларга ўхшамаслик, аксинча, саодат томон, Аллоҳнинг розилиги томон ҳаракат қилиш буюрилади:



### 33. Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат этинг, Расулга бўйинсунинг ва амалларингизни ботил қилмангиз.

Аслида, иймон келтирганлар — мўмин-мусулмонлар — Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилиб яшаш учун бу йўлга кирганлар. Лекин оятда яна қайтадан уларга:

### «Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат этинг, Расулга бўйинсунинг», деб хитоб қилиниши боиси нима?

Аввало, маҳбуб фармонни такрор эшитиш мўминларда янги ҳиммат, куч-қувват, ғайратга сабаб бўлса, иккинчидан, баъзи мусулмонлар: Аллоҳнинг ва Расулнинг баъзи амрларига итоат қилсам бўлди, бошқаларида кўнглимизга келганини қилсак бўлаверади, деган хаёлга бориб қолишлари мумкин. Ана ўша тушунча дуруст эмаслигини эслатиш учун бу амр қайта-қайта такрорланади.

Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат этиш икки дунё саодатига сабаб бўлувчи асосий омиддир. Ушбу оят, яна, амалларни ботил қилмасликка ҳам даъват қилмоқда.

### «...ва амалларингизни ботил қилмангиз.»

Ривоятларда келишича, «Ким «Лаа илааҳа Иллаллоҳни»ни айт-

са, нима қилса ҳам бўлаверади, зарари йўқ», деганлар ҳам бўлган экан.

Имом Аҳмад ибн Наср ал-Марвазийдан қилган ривоятда Абул Олия айтадилар: Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобалари «Лаа илааҳа Иллаллоҳ» бўлса, гуноҳнинг зарари йўқ», деб билишарди. Худди ширк бўлса, қилган амалдан фойда бўлмагандек. «...ва амалларингизни ботил қилмангиз» ояти тушгандан сўнг гуноҳ савоб амалларни ботил қилишидан қўрқадиган бўлиб қолишди».

Имом Абдуллоҳ ибн Муборак қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар: «Биз, Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобалари, қилинган яхши амалларнинг ичида қабул бўлмайдигани йўқ, деб юрар эдик. «...ва амалларингизни ботил қилмангиз» ояти нозил бўлгандан сўнг, амалларни ботил қиладиган нарса нима экан, деб ўйланиб қолдик. Сўнгра, катта гуноҳлар ва фоҳиша ишлар, деган мулоҳазага бордик».

Бу маънода саҳоба ва тобеъинлардан турли ривоятлар келтирилган. Мисол учун, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтганларки: амалларни риё ва хўжақўрсин ёки шак ва нифоқлар ботил қилади.

Қатода розияллоҳу анҳу бўлса: «Сиздан ким яхши амалини ёмонлик билан ботил қилмасликка қодир бўлса, шуни қилсин», деганлар.

Ҳанафий мазҳаб уламолари ушбу оятдан, ким ўз ихтиёри билан бирор ибодатни бошласа, уни бузмай охирига етказмоғи вожиб, деган ҳукмни чиқарганлар. Масалан, биров ўз ихтиёри билан икки рақъат намоз ўқишни бошлади, демак уни охиригача етказиш вожиб бўлади. Агар бирор сабаб ила намоз бузилса, унинг қазосини ўқиш ҳам вожиб бўлади. Худди шунингдек, биров нафл рўза тутишни ўз ихтиёри ила бошласа, охирига етказиши вожиб бўлади. Мабодо, ўша куни бирор сабаб бўлиб, рўзани очиб юборса, қазосини тутиши вожиб.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدَّوْا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ مَأْتُواوَهُمْ كَفَّارًا فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ

**34. Албатта куфр келтирганлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсган, сўнгра кофир ҳолларида ўлганларни Аллоҳ ҳеч-ҳеч мағфират қилмас.**

Кофирларнинг ва Ҳақ таоло йўлидан одамларни тўсганларнинг, яъни турли йўл ва услублар билан динга қарши иш қилганларнинг гуноҳлари қанчалик улуғ бўлса ҳам, Аллоҳ жалла жалолуҳу Ўз бандаларига меҳрибонлигидан тавбага йўл очиб қўйган. Бинобарин, булар ҳам ўлимларидан олдин тавба қилишиб, иймон-



га кириб, бирор нарсадан умидвор бўлишга имконлари бор. Аммо, кофир ҳолларида ўлиб кетсалар, ҳеч нарсадан умид қилишга ҳақлари йўқ. Албатта, улар жаҳаннам ўтида ёнадилар ва у ерда мангу қоладилар.

Шунинг учун ҳам, эй мўминлар, куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганлар ила бўладиган муомалангизда азму қарорлик бўлинглар.

فَلَا تَهِنُوا وَتَدْعُوا إِلَى السَّلَامِ وَأَنْتُمْ الْأَعْلَوْنَ وَاللَّهُ مَعَكُمْ وَلَنْ يَتْرُكُمْ أَعْمَالَكُمْ

**35. Бас, бўш келманглар ва ўзингиз устун бўлиб туриб, ярашга чақирманглар. Аллоҳ сиз билан ва амалларингизни ҳеч-ҳеч камайтирмас.**

Албатта, Аллоҳнинг йўлидаги кураш осон бўлмайди. Лекин дин учун хизмат қилувчи мўминлар доимо бўш келмасликлари лозим бўлади. Зотан, шундоқ бўлишга Аллоҳнинг амри бор.

**«Бас, бўш келманглар...»**

Чунки, мўминлар бўш келсалар, кофирлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар уларни тек қўймадилар.

**«...ва ўзингиз устун бўлиб туриб, ярашга чақирманглар.»**

Модомики, сиз куфр келтирганлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар билан бўлаётган курашда устун келиб турибсизми, уларни келишувга чақирманг. Аксинча, ўз гапингизни ўтказинг. Чунки, улар сизга нисбатан бундан бадтарини қилганлар. Ҳа, хотиржам равишда бу ҳақдаги Аллоҳнинг амрига амал қилаверинг.

**«Аллоҳ сиз билан ва амалларингизни ҳеч-ҳеч камайтирмас.»**

Демак, мўмин-мусулмонлар ёлғиз эмаслар, уларга яратганнинг Ўзи мададқор, ёрдамчи ва ҳомий. Шундай бўлгандан кейин, душманнинг қўлидан нима ҳам кела олар эди.

Мўмин-мусулмон инсоннинг ҳар бир қилинган катта-кичик амали беҳуда кетмайди. Ажр-савоби, фойдаси, албатта, берилади. Шундай экан, нега бўшашиш, сусткашлик қилиш ва умидсизликка тушиш керак?

Ва ниҳоят, суранинг сўнгидаги оятларда одамлар қизиқадиган бу дунёнинг шаъни пастлиги, мабодо, бу дунё ҳисобидан баъзи нарсаларнинг баҳридан ўтиладиган бўлса, албатта у дунёда савоб тўлиқ олинажаги ҳақида хабарлар келтирилади.

إِنَّمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهُوَ وَإِنْ تَوَمَّنُوا وَتَنَفَّسُوا يَوْمَ تَكْفُرُ أَجُورَكُمْ وَلَا يَسْأَلُكُمْ أَمْوَالَكُمْ

**36. Албатта, бу дунё ҳаёти ўйин ва кўнгил хушидир ва гар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, У зот ажрларингизни берур ва молу дунёларингизни сўрамас.**

Бу дунё ҳаёти мақсадсиз, ғоясиз бўлса, нима қилиб бўлса ҳам умр ўтказишдан иборат бўлса, албатта ўйин-кулги ва кўнгил хушидир. Ҳа, **«Албатта, бу дунё ҳаёти ўйин ва кўнгил хушидир...»**

Нима қилинса, бу дунё ҳаёти «ўйин ва кўнгил хуши»ликдан чиқиб, инсон бу дунёдаги ўзининг ҳақиқий вазифасини, Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси бўлишдек улуғ ва мўътабар вазифасини адо эта олади? Бу саволнинг жавоби оятнинг ўзида бевосита келтирилган:


**«...ва гар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз...»**

Демак, фақат иймон ва тақвогина бу дунё ҳаётини ўйинликдан жиддийликка, кўнгил хушидан охират экинзорига айлантиришга хизмат қилар экан. Инсон ҳаётини фақат иймон ва тақвогина ҳайвонийлик сифатидан юқорига кўтариб, Аллоҳга ер юзида халифа бўлган кимсанинг обрўйига яраша ҳаёт кечириш даражасига чиқаради. Бугун инсон Аллоҳ йўлида баъзи мол-дунёсини сарф қиладиган бўлса, беҳуда кетмайди, чунки:

**«...У зот ажрларингизни берур...»**

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло иймон ва тақво учун бандаларидан молу пул талаб қилмайди:

**«...ва мол-дунёларингизни сўрамас».**



**37. Агар сиздан уларни сўраса, қийнаса, бахиллик қиласизлар ва Аллоҳ кек-ҳиқдларингизни чиқарур.**

Аллоҳ таоло ўзи яратган бандаларининг сир-асрорларидан, камчилик ва табиатларидан хабардордир. У зот ҳамма нарсани биледи. Шунинг учун ҳам, аввалги оят охирида «...ва мол-дунёларингизни сўрамас», деган бўлса ҳам, ушбу оятнинг бошида, агар сўраб қолса нима бўлар эди, деган саволга ўзи жавоб бериб:

**«Агар сиздан уларни сўраса...»**

Яъни, мол-дунёларингизни беришингизни сўраса, сизга оғир туюлади, мол-дунёларингизни сарфлашга тегишли бўлган амр ҳақида ўйлаб қоласизлар. Ҳа, Аллоҳ сиздан молларингизни сарф қилишни сўраса,

**«...қийнаса, бахиллик қиласизлар...»**

Яъни, молларингизни Аллоҳнинг йўлида сарф қилмайсизлар, демоқда.

Аллоҳ хоҳласа, ана шундоқ қилиб,

**«кек-ҳиқдларингизни чиқарур».**

Сиз ўзингиз сезмаган ҳолда айбларингизни ошкор қилиб қўясиз.

Охирги оятда эса, дин йўлида мол сарфлашда содир бўладиган бахиллик каби қийинчиликни Қуръоний услубда муолажа қилинади.

هَآأَنۡتُمْ هَآؤُلَآءِ تَدْعُونَ لِئَنۡفِقُوا۟ فِي سَبِيلِ اللّٰهِ فَمِنۡكُمۡ مَّنۡ يَّبۡخُلُ وَّمَنۡ يَّبۡخُلۡ فَآئِمَّا  
يَبۡخُلُ عَنۡ نَّفۡسِهِۦ ؕ وَاللّٰهُ الْغَنِيُّ وَأَنتُمۡ الْفُقَرَاءُ ؕ وَإِنۡ تَوَلَّوۡا۟ يَسۡتَبۡدِلۡ قَوۡمًا غَيْرَكُمۡ ثُمَّ لَا يَكُونُوۡا  
أَمْثَلَكُمۡ

**38. Ҳой, сизлар. Анавилар. Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга чақирилсангиз, бас, баъзиларингиз бахиллик қилурсизлар. Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўзига бахиллик қилур. Ва, ҳолбуки, Аллоҳ бой, сизлар камбағалсизлар. Ва агар сиз юз ўгириб кетсангиз, сиздан бошқа қавми ўрнингизга келтирур, улар эса сизларга ўхшаган бўлмаслар.**

Ояти каримада Аллоҳ таоло инсон табиатини қанчалик дақиқ билишини таъкидламоқда ҳамда воқеълик ҳақида хабардор қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ушбу ояти карималар нозил бўлиб турган вақтда инсоният тарихида олтин саҳифалар бўлиб қоладиган сажийлик, Аллоҳнинг йўлида холис мол сарфлашдек фазилатлар кўп мусулмонларга хос бўлиб, уларнинг бу борадаги ишлари мўъжиза даражасига бориб етгани тарих саҳифаларида боқий қолган. Шу билан бирга, баъзи бахиллар ҳам бўлганки, бу ҳам воқеълиқдир. Қуръони Карим ушбу оятда шу бахилликни муолажа қилмоқда. Содир этилган бахиллик муолажа қилинаётгани учун, нидо ҳам ўшанга яраша бўлмоқда:

**«Ҳой, сизлар. Анавилар».**

Нима учун молларингизни ортиқча яхши кўрасиз?

**«Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга чақирилсангиз, бас, баъзиларингиз бахиллик қилурсизлар.»**

Бу жуда ҳам нотўғри иш. Бу, мўмин-мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайдиган иш. Наҳотки, молу дунёни ризқ қилиб берган Зот Ўзининг йўлида ўша молу дунёнинг баъзисини нафақа қилишга чақирганда бахиллик қилинса?!

**«Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўзига бахиллик қилур.»**

Ким хайр-эҳсон қилса, Аллоҳнинг йўлида сарф-ҳаражат қилса, ўзига заҳийра тўплаган бўлади. Охиратда қачон хоҳласа, ундан

олаверадилар. Ҳа, бу дунёда қилинган нафақа қиёмат куни учун тўплаб қўйилган эҳтиёт жамғарма ҳисобланади. Кимки бу дунёда Аллоҳнинг йўлида, дин йўлида сарф қилишдан қочса, бахиллик қилса, демак, ўзининг охиратдаги жамғармасининг кўпайишига қарши ҳаракат қилган бўлади. Сиртдан мол-пулни тежаб қолиб, ўзига, оиласига, бола-чақасига ишлатганга ўхшайди-ю, лекин аслини олганда, барчани охират савобидан маҳрум қилган бўлади. Чунки, нафақа қилса, ўзига қилган бўлади. Аллоҳ эса, ҳеч кимнинг нафақасига муҳтож эмас:

**«Ва, ҳолбуки, Аллоҳ бой, сизлар камбағалсизлар».**

Қўлларингиздаги мол-дунёни вақтинчалик, сизларни синаш учун Аллоҳнинг Ўзи берган-ку! Ўзи берган ўша молдан нафақа қилсангиз, уни сақлаб, кўпайтириб қайтарадиган ҳам Ўзи-ку! Қайси тарафдан қаралганда ҳам, камбағал – сизлар. Ҳожатманда – сизлар, дейилмоқда. Қўлингиздаги молни Аллоҳ берган бўлса, улардан савоб ҳосил бўлса, савобни берувчи ҳам Аллоҳнинг Ўзи бўлса, унда, нимага Аллоҳнинг дини йўлида бахиллик қиласиз?!

Исломга даъват, динга хизмат қилиш Аллоҳнинг бандасига берган улуғ неъмат ва эъзозидир. Ушбу улуғ ишончга муносиб бўлмай, қўрқоқлик, дангасалик ва бахиллик қилсалар, Аллоҳ берганини қайтариб олиб, Ўз улуғ неъматининг қадрини биладиган бандаларига бериши ҳеч гап эмас.

**«Ва агар сиз юз ўгириб кетсангиз, сиздан бошқа қавмни ўрнингизга келтирур...»**

Албатта, янги қавм аввалгисига ўхшаб қўрқоқ, дангаса ва бахил бўлмайди.

**«...улар эса, сизларга ўхшаган бўлмаслар.»**

Ибн Аби Ҳотим қилган ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадиларки: «Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассалом «...Ва агар сиз юз ўгириб кетсангиз, сиздан бошқа қавмни ўрнингизга келтиради, улар сизларга ўхшаган бўлмаслар», деган оятни ўқиган эдилар, саҳобалар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, биз юз ўгирсак, ўрнимизга келадиган, бизга ўхшамайдиганлар кимлар?» – деб сўрашди. Шунда Пайғамбар алай-ҳиссалом Салмони Форсий розияллоҳу анҳунинг елкаларига уриб:

«Мана бу ва унинг қавми», дедилар.



## ФАТҲ СУРАСИ

*Мағийнада нозил бўлган. 29 оятдан иборат.*

Бу сураи карима Ҳижратнинг олтинчи йили Пайғамбар алайҳиссалом Ҳудайбия сулҳидан қайтиб келаётган пайтлари, Маккаи Мукаррама билан Мағийнаи Мунаввара орасидаги йўлда, кечаси нозил бўлган. Ушбу муборақ сура бевосита Ҳудайбия сулҳига бағишланган. Шунинг учун, бу сулҳнинг тарихини, бўлиб ўтган воқеаларини, ҳақиқий воқеълигини яхши билиб олсак, сура оятларини ҳам янада яхшироқ тушунишимизга ёрдам беради.

Маълумки, Маккаи Мукаррама, Байтуллоҳ Исломдан аввал ҳам барча арабларнинг эътиборини ўзига тортган, эъзозига сазовор бўлган шаҳари ва ибодат даргоҳи эди. Иброҳим алайҳиссалом даврларидан буён ҳар йили у ерда ҳаж қилинар эдилар. Ҳамма у ерни ҳурмат қилар, улуғлар эди. У ерга кирган ҳар бир инсон омонда бўлар, унга ҳеч ким тегмасди. Ҳаттоки, кишилар ўзининг энг катта душманини у ерда учратиб қолса ҳам, унга қарши қўл кўтармас эди. Ҳамма Байтуллоҳнинг ишқида яшар, уни бир бор тавоф қилишни умрининг гултожи деб биларди.

Аммо, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳижратларидан сўнг мусулмонлар бундай бахтдан маҳрум бўлиб қолдилар. Қурайш араблари мусулмонларнинг Байтуллоҳни зиёрат қилишларига тўсқинлик қилар, уларга тавоф учун рухсат беришмас эди.

Тарихда мисли кўрилмаган журъат эди бу. Чунки, ўша пайтгача ҳеч ким бировни Аллоҳнинг уйидан тўсмаганди. Илло, фақат мусулмонларнинг йўли тўсилди. Ёлғиз улар бу улкан бахтдан маҳрум қилиндилар. Албатта, мусулмонлар бу адолатсизликдан қаттиқ изтиробга тушар, дарду алам чекар эдилар. Маккаи Мукаррамане соғиниб, Каъбатуллоҳга иштиёқлари ортиб, фироқ аламида яшардилар. Олти йил шу тарзда ўтди.

Бир куни саҳобаи киромлар тўпланишиб ўтирган эдилар, ҳузурларига Расулуллоҳ алайҳиссалому вассалом келдилар ва уларга тушларида ҳаммалари сочларини олдирган ҳолда, аминликда, кўрқинчсиз Масжидул Ҳаромга кириб бораётганларини кўрганларини айтдилар. Ҳамма бу башоратдан хурсанд бўлди.

Ҳижратнинг олтинчи йили Зулқаъда ойининг бошида умрани

ният қилиб сафарга чиқдилар. Пайғамбар алайҳиссалом Мадийна аҳли ва атрофдаги аъробий қабилаларнинг ҳам бирга чиқишларини сўрадилар. Кўпчилик бўлиб боришни яхши деб топдилар, чунки, Қурайшга ишониб бўлмас, Пайғамбар алайҳиссаломнинг йўллари тўсишлари ёки қарши уруш очишлари ҳам мумкин эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўровларига аҳли Мадийна жавоб бериб, биргаликда Макка йўлини тутдилар. Аммо атрофдаги аъробий қабилалар: барибир, мусулмонларни қурайшийлар тор-мор қилиб, қириб ташлайди, деган фикрга бориб, сафарга чиқмадилар.

Шундай қилиб, Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга муҳожир ва ансорий мусулмонлар, мадийналик араблар, ҳаммаси бўлиб, бир минг тўрт юз киши умрага чиқди. Ният соф эканлигини, уруш эмас, умрага — ибодатга кетаётганларини элу юртга билдириш учун ихром боғлаб, қурбонликка сўядиган ҳайвонларини ҳам олдиларига солиб олдилар.

Шу алфозда Асафон деб аталган жойга етганларида Бишр ибн Суфён ал-Каъбий исмли киши йўлиқди ва: «Эй, Аллоҳнинг Расули, Қурайш сизнинг йўлга отланганингизни эшитиб, ёшу қари ҳаммаси йўлбарс териларини кийиб, Зу Туво деган жойда сизни Маккага абадий киритмасликка Аллоҳга қасам ичмоқдалар. Холид ибн Валидни отлиқларга бош қилиб Қуроъул Ғамим деган жойга юборишди», деди.

Пайғамбар алайҳиссалом: «Қуриб кетсин ўша Қурайш! Уларнинг бошини уруш ейди. Мен билан бошқа арабларни тек қўйишса бўлмасмиди?! Агар улар менга ғолиб келишса, Қурайшнинг орзуси рўёбга чиқарди. Агар Аллоҳ мени ғолиб қилса, ҳаммаси Исломга киришарди. Бундай қилишмаса, кучлироқ бўлиб олишиб урушга киришарди. Қурайш нимани ўйлаяпти ўзи?! Аллоҳга қасамки, дин йўлида Аллоҳ уни устун қилгунча жиҳод қиламан ёки ҳалок бўларман, — дедилар. Сўнгра: «Менга уларга элтадиган бошқа йўлни кўрсатадиган одам борми?» — деб сўрадилар.

Аслам қабиласига мансуб бир киши: «Мен, эй, Аллоҳнинг Расули», деди ва тепаликлар орасидаги нотекис, тошлари кўп йўлга бошлади. У йўлдан чиққанларидан сўнг, водийга туташ текис йўлга дуч келдилар. Аввалги йўлни ёқтирмай турган Пайғамбар алайҳиссалом одамларга: «Настағфируллоҳи ва натуби илайҳи» (Аллоҳга истиғфор айтаминиз ва Унга тавба қиламиниз), деб айтинглар», дедилар. Одамлар айтишди. Расулulloҳ алайҳиссалом: «Бу, Бани Исроилга арз қилинган «хутти» эди, аммо айтмадилар», дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалом одамларга: «Ўнг томондан Ҳамаз орқали Макканинг пастки тарафидаги Ҳудайбия пастлиги томонга юринглар», дедилар. Одамлар ўша йўлдан юришди. Мусулмонлар

изидан кўтарилган чангни кўрган Қурайш отлиқлари йўлларини ўзгартириб, ўз қабиладошлари ҳузурига чоптириб қайтдилар. Пайғамбар алайҳиссалом йўлни тўғрилаб, олға юришни бошлаган эдилар, туялари чўк тушиб, юрмай ётиб олди. Одамлар туя ётиб олди, деган гап тарқатишди. Расулulloҳ алайҳиссалом: «Ётиб олгани йўқ, бунинг бунақа одати йўқ эди, лекин уни Маккада филни тутган нарса тутиб қолди, Қурайш бугун мендан силаи раҳм ҳақида нимани сўраса, бераман», дедилар. Сўнгра туяларини бошқа тарафга буриб ниқтаган эдилар, сакраб туриб, юриб кетди. Юриб бориб Ҳудайбиянинг четига тушдилар. Одамларга:

«Тушиб жойлашинглар», дедилар. Улар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, ҳеч қаерда сув йўқ-ку, қандай қилиб жойлашамиз?» – дедилар. Шунда у зот саҳобалардан бирларига ўқдонларидан бир камон ўқини чиқариб бердилар. У киши ўқни кўлмак сув тўпланадиган жойлардан бирига санчиб қўйган эди, сув отилиб чиқа бошлади.

Расулulloҳ алайҳиссалом жойлашиб-ўрнашиб бўлганларидан сўнгра Бадийъ ибн Варқо ал-Хузозий ўзининг бир неча қабиладошлари ҳамроҳлигида келди. Пайғамбар алайҳиссалом ила сўзлашиб:

«Нима учун келдинглар?» – деб сўради. Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васаллам уруш учун келмаганликларини, Байтуллоҳнинг зиёратига, уни улуғлаб келганликларини таъкидладилар. Элчилар Қурайш ҳузурига қайтиб бордилар. Ва:

«Эй, қурайшийлар, сизлар Муҳаммад хусусида шошиляпсизлар, у уруш учун келгани йўқ, Байтуллоҳнинг зиёратига келган», дедилар. Қурайш эса, элчиларини туҳмат қилиб ҳайдашди ҳамда:

«Агар урушни хоҳламай келган бўлса ҳам, Аллоҳга қасамки, у бизни босиб ўтиб кирмайди, араблардан гапга қолишни хоҳламаймиз», дейишди.

Кейин Макриз ибн Ҳафсни юборишди. Пайғамбар алайҳиссалом уни кўришлари билан: «Бу – алдамчи одам», дедилар. У Расулulloҳ ҳузурларига келиб сўзлашди, унга ҳам Бадийъ ибн Варқога айтган гапларини айтдилар. Макриз Қурайш ҳузурига қайтиб бориб хабарни етказди.

Сўнгра ал-Ҳулайс ибн Алқамани юборишди. Пайғамбар алайҳиссалом уни кўришлари билан: «Бу, ибодат қиладиган қавмдан экан, қурбонликка келтирилган ҳайвонларни унга қараб ҳайданглар, кўриб қўйсин», дедилар. Ҳайвонлар кўп кутиб ётганидан жунлари тўкила бошлаган эди. Ал-Ҳулайс бўйнига белги осилган, қурбонликка аталган ҳайвонларнинг водийни тўлдириб ўзи томон оқиб кела бошлаганини кўргач, Пайғамбар алайҳиссаломга етиб бор-

масданоқ орқасига қайтди ва кўрганларини уларга айтди. Қурайшликлар унга:

«Ўтир, сен сахроликсан, билиминг йўқ», дейишди. Шунда ал-Ҳулайсининг жаҳди чиқди ва:

«Эй, Қурайш одамлари, Аллоҳга қасамки, сизлар билан бунга иттифоқ тузмаган эдик, аҳдлашмаган эдик. Байтуллоҳни улуғлаб келган одамнинг ҳам йўли тўсиладими? Аллоҳга қасамки, ёки Муҳаммаднинг йўлини очиб қўясизлар, ёки қавмим билан сизларга қарши уруш очаман!» — деди. Улар:

«Жим бўл! Биздан нари тур, ўзимиз нима хоҳласак, шуни қиламиз», дейишди.

Сўнгра Расулуллоҳ алайҳиссалом вассалом ҳузурларига Урва ибн Маъсуд Сақафийни юборишди. У, жўнашдан олдин:

«Эй, Қурайш одамлари, мен кўриб турибманки, кимни Муҳаммаднинг олдига юборсангиз, қайтиб келгандан кейин унга ёмон сўзларни айтиб, қўпол муомала қиляпсизлар. Мени яхши биласизлар, сизлар ота бўлсангизлар, мен болангизман. Ташвишингизни эшитиб, ўзимга эргашганларни тўплаб келдим», деди. Улар:

«Тўғри айтасан, сенга тухмат қиладиган еримиз йўқ», дейишди. Кейин у ердан чиқиб Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига келди ва: «Эй Муҳаммад! Турли-туман одамларни тўплаб, ўзининг тухумингни синдиргани олиб келдингми?! Қурайш ҳам ёшү қарисига йўлбарс терисини кийдириб олиб чиқибди. Аллоҳга қасамки, анавилар эртага сени ташлаб қочиб қолишадими, деб турибман», деди. Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбар алайҳиссаломнинг орқаларида ўтирган эдилар. Урвани бўралаб сўқдилар ва:

«Биз уни ташлаб қочар эканмизми?!» — дедилар. Урва:

«Бу ким, эй Муҳаммад?» — деди. Расулуллоҳ:

«Абу Қуҳофанинг ўғли», дедилар. Сўнгра, унга ҳам аввалгиларга айтганларини айтиб, уруш учун келмаганликларини билдирдилар. Урва Расулуллоҳнинг ҳузурларида у зотга саҳобалар қандай муносабатда бўлаётганларини кўрди. Таҳорат қилсалар, сувни ерга туширмасдан илиб қолишарди. Сочларидан бирор тола тушса ҳам, талашиб кетишар эди. Бас, у Қурайш ҳузурига қайтиб бориб:

«Эй, Қурайш одамлари, Кисрони ўз мулкида кўрдим, Қайсарни ҳам ўз мулкида кўрдим, Нажошийни ҳам ўз мулкида кўрдим. Лекин, қасамки, ҳеч бир подшоҳни ўз қавмида Муҳаммадни саҳобаларининг ичида кўрганимдек кўрмаганман. Менимча, улар уни ҳеч нарсага алмашмайдилар. Билганингизни қилинг», деди.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳам ўз навбатларида Ҳаром ибн Умайя ал-Ҳузобийни Маккага, Қурайш ҳузурига элчи қилиб, Саълаб номли туяга мингазиб юбордилар. Лекин қурайшликлар туяни сўйишди.



Элчини ҳам ўлдирмоқчи бўлишган эди, ҳабашистонликлар қутқариб қолишди. Сўнг уни Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига қайтариб юборишди.

Қурайшликлар қирқ-эллик кишини Расулуллоҳнинг одамлари турган жойга юбориб, бирорта саҳобага ёмонлик қилишга буюрдилар. Ҳеч ким ифвога учмади. Уларни тутиб олиб келишган эди, Расулуллоҳ алайҳиссаломга вассалом қўйиб юбордилар.

Сўнг Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуни чақириб, иш сабаблари хабарини Қурайш бошлиқларига етказишни топширмоқчи эдилар, у киши: «Эй, Аллоҳнинг Расули, мен Қурайшдан қўрқаман, Маккада мени ҳимоя қиладиган ҳеч ким йўқ, Қурайшга бўлган адоватим, қаттиққўллим ҳаммага аён. Лекин мендан кўра Усмон ибн Аффон борса, яхши бўларди», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Усмонни чақириб, Абу Суфён ва Қурайшнинг бошқа бошлиқларига бориб, уруш учун келмаганликларини, балки Байтуллоҳни ҳурматлаб, уни зиёрат қилиш учун келганликларининг хабарини етказишни топширдилар.

Маккага кираверишларида ҳазрати Усмонни Абон ибн Саид кутиб олди ва у кишига ҳомий эканлигини эълон қилди. Ҳазрати Усмон бориб Абу Суфён ва Қурайшнинг бошқа бошлиқларига Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг гапларини етказдилар. У киши гапни тугатиб бўлганларидан сўнг:

«Агар Байтуллоҳни тавоф қилмоқчи бўлсанг, қилиб ол», дейишди. Ҳазрати Усмон:

«Расулуллоҳ тавоф қилмай туриб, мен ҳеч ҳам тавоф қилмайман», дедилар. Қурайшликлар у кишини тутиб қолишди. Пайғамбар алайҳиссаломга ва мусулмонларга «Усмон ўлдирилибди» деган гап етиб борди.

Бу хабар Расулуллоҳ алайҳиссаломга етганда: «Бу қавм ила охири тўқнашар эканмиз-да», дедилар ва кишиларни байъатга чақирдилар. Ҳамма саҳобалар дарахт остида туриб қўлларини Расули Акрамнинг қўлларига қўйиб, ўлимга ҳам тайёр эканликлари ҳақида байъат қилдилар. Бу байъат «Ризвон», яъни, розилик байъати номи ила машҳур бўлди. Чунки, Аллоҳ таоло ўша дарахт остида Пайғамбарга ким байъат қилган бўлса, ҳаммасидан рози эканлигини эълон қилди.

Фақат бир киши, ал-Жадд ибн Қайсина байъатда қатнашмади. Аммо кишиларнинг ғазабидан қўрқиб, туясининг ортида яшириниб турди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари ҳазрати Усмон учун бир қўлларини иккинчисига қўйиб байъат қилдилар. Кейин эса ҳазрати Усмоннинг ўлдирилганлиги бекор гап эканлигининг хабари келди.

Сўнгра Қурайш Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига Суҳайл

ибн Амрни юборди, унга: «Сен бориб Муҳаммад билан сулҳ туз, сулҳда албатта бу йил бизнинг устимизга (Маккага) кирмай кетиши бўлсин, яна, араблар бизнинг устимизга куч ишлатиб кирди, деб гапиришмасин», дедилар.

Пайгамбар алайҳиссалом Суҳайл ибн Амрнинг келаётганини кўрганларида: «Аллоҳ ишимизни енгиллаштирадиганга ўхшайди», дедилар. («Суҳайл» сўзи луғавий жиҳатдан «осон», «енгил» деган маъноларни англатади.) Яна: «Улар бу одамни юборишларидан, сулҳ тузишмоқчи, шекилли», дедилар. Суҳайл Расули Акрам ҳузурларига келиб, узоқ гаплашди, улар тортишдилар ва охири сулҳ тузилди.

Иш охирига етиб, фақат сулҳни ёзишгина қолганда, Умар ибн Хаттоб ўринларидан сакраб турдилар ва Абу Бакрнинг олдига келиб:

«У киши Расулуллоҳ эмасмилар?!» — дедилар. Абу Бакр:

«Албатта Расулуллоҳлар!» — дедилар. Умар:

«Биз мусулмонмасмизми?!» — дедилар. Абу Бакр:

«Албатта» — дедилар. Умар:

«Улар мушрик эмасмилар?!» — дедилар. Абу Бакр:

«Албатта» — дедилар. Умар:

«Унда нима учун динимизни пасткашликка алмаштирамиз?!» — дедилар. Абу Бакр:

«Эй Умар, у киши, албатта, Аллоҳнинг Расулидирлар», дедилар. Умар:

«Мен ҳам шаҳодат келтираман, у киши албатта Аллоҳнинг Расулидирлар», дедилар. Сўнгра ҳазрати Умар Расули Акрам алайҳиссалому васаломнинг олдиларига бордилар ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, сиз Аллоҳнинг Расулимисиз?!» — дедилар. У киши:

«Албатта», дедилар. Умар:

«Биз мусулмонмизми?!» — дедилар. Ул зот:

«Албатта», дедилар. Умар:

«Улар мушриklar эмасми?!» — дедилар. Ул зот алайҳиссалом:

«Албатта», дедилар. Умар:

«Унда нима учун динимизни пасткашликка алмаштирамиз?!» — дедилар. Расули Акрам алайҳиссалом:

«Мен Аллоҳнинг бандаси ва элчисиман, Унинг буйруғига ҳеч-ҳеч ҳилоф қилмайман ва У ҳам мени асло зое қилмайди», дедилар.

Кейинчалик ҳазрати Умар: «Ўша пайтда, бу қилганим яхши бўлса керак, деб шундай қилувдим. Кейин айтган гапларимдан кўрқиб, тинмай садақа қилиб, рўза тутиб, намоз ўқиб, қул озод қилиб юрдим», дер эдилар.

Сулҳни ёзишга Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Али ибн Абу Толибни чақирдилар ва:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм, деб ёз», дедилар. Суҳайл:

«Мен бунақа гапни билмайман, «Бисмикааллоҳумма» деб ёз», деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Бисмикааллоҳумма» деб ёз», дедилар. Ҳазрати Али ёздилар. Сўнгра у зот:

«Ёз: « Бу, Аллоҳнинг Расули Муҳаммад ва Суҳайл ибн Амр тузган сулҳ...» Шунда Суҳайл:

«Агар сени Аллоҳнинг Расули деб шаҳодат берганимда, сен билан урушмас эдим. Шунинг учун, исмингни ва отангинг исминини ёздир», деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Ёз: Бу, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Суҳайл ибн Амр тузган сулҳ...», дедилар. Шу тарийқа улар қуйидагиларга келишдилар:

1. Ўн йилгача уруш бўлмайди. Одамлар омонда бўлиб, бир-бирларига ёмонлик қилишдан тийиладилар.

2. Ким Қурайшдан Муҳаммаднинг олдига келса, уни қайтариб беради.

3. Ким Муҳаммаднинг олдидан Қурайшга келса, уни қайтариб бермайди.

4. Ким Муҳаммад билан аҳднома тузиб шерик бўлса, бўлаверади.

5. Ким Қурайш билан аҳднома тузиб шерик бўлса, бўлаверади.

6. Бу йил Муҳаммад ва саҳобалари Маккага кирмай қайтиб кетадилар.

7. Келаси йили келишиб, қиличларини қинида сақлаган ҳолида киришади, уч кун туришади, бу вақтда мушриклар Маккадан чиқиб туришади.

Ушбуларни ёзиб туришганида Суҳайл ибн Амрнинг мусулмон бўлган ўғли Абу Жандал кишанларини судраб қочиб келиб қолди. Суҳайл ўғли Абу Жандални кўриб, олдига борди-да, юзига тарсаки тушириб, ёқасидан судради. Сўнгра:

«Эй Муҳаммад, мана бу, сулҳни тузиб бўлганимиздан кейин келди», деди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Тўғри айтдинг», дедилар.

Суҳайл Абу Жандални ёқасидан бўғиб, Қурайшга қайтариб судраб олиб кета бошлади. Шунда Абу Жандал бор овози билан:

«Ҳой мусулмонлар! Мушрикларга қайтариламанми?! Ўз динимда фитнага учрайманми?!—деб бақира бошлади. Бу эса, саҳобаларнинг дардига дард, аламига алам қўшди. Чунки, саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрган тушларидан башорат олишиб, албатта Маккани фатҳ этишларига ҳеч шубҳа қилмай келган эди-

лар. Сулҳ тузилиб, қайтиб кетиш ҳақида гап чиққанда эса, уларни оғир қайғу босди, гўёки, ўзларини ҳалокатга учраган билан баробар ҳис қилишаётган эди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Эй, Абу Жандал, сабр қил, савоб оласан. Албатта, Аллоҳ сенга ва сенга ўхшаш заифларга кенглик беради. Биз қавм билан сулҳ туздик. Уларга Аллоҳнинг номи ила аҳд бердик ва улар ҳам аҳд бердилар. Биз уларга берган аҳдимизга хиёнат қилмаймиз», дедилар.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб ўринларидан сакраб турдилар ва Абу Жандалнинг яқинига бориб, ёнида юриб туриб:

«Эй, Абу Жандал, сабр қил, барибир улар мушриклар, уларнинг қони итнинг қони билан баробар», дердилар ва қиличларининг сопини унинг қўлига яқинлаштирар эдилар.

Кейин ҳазрати Умар: «Қилични олиб отасини солармикан, девдим», деганлар. Лекин Абу Жандал ундай қилмади. Сулҳга амал қилинди.

Сулҳ матнини ёзиб бўлингач, Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга:

«Энди туриб, қурбонликни сўйиб, сочларингизни олдирунлар», дедилар. Бирор киши қимир этмади. Расули Акрам алайҳиссаломат у вассалом ҳалиги буйруқни уч марта такрорладилар. Ҳеч ким қимирлаб ҳам қўймади. Шунда, Пайғамбар алайҳиссалом фиғонлари фалакка чиқиб, чодирларига, Умму Салама онамиз олдиларига кирдилар ва:

«Бу қавм ҳалок бўлади, булардан олдин ўтганлар ҳам ўз Пайғамбарларига бўйинсунмай ҳалок бўлишган эди», дедилар. Одамларнинг саркашликларини, адашаётганликларини гапириб бердилар. Умму Салама онамиз у зотни очиқ чеҳра, мулоимлик билан кутиб олган эдилар. Сўзларини хотиржамлик билан тингладилар ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, ўзингиз биласиз, саҳобаларингиз Маккаи Мукаррамани ниҳоятда севадилар, кўпдан буён зиёрат қила олишгани йўқ. Ҳозир ҳаммалари зиёрат эта олишларига тўла ишониб турган эдилар, Каъбани тавоф қилмасдан қайтиш улар учун жуда ҳам оғир. Агар сиз кўзлаган ишингизни қилишингиз зарур бўлса, чиқинг-да, улардан бирортасига бир оғиз ҳам сўз айтмасдан, атаган туянгизни сўйинг, сўнгра сартарошингизни чақиринг, сочингизни олсин, ҳаммаси жойига тушади», дедилар.

Расули Акрам алайҳиссаломат у вассалом атаган туяларини ўз қўллари билан сўйдилар. Сўнгра сартарошларини чақирдилар, сочларини олди. Буни кўрган саҳобаи киромлар ҳам бирин-кетин туриб қурбонликларини сўйиб, бир-бирларининг сочларини ола бошладилар.

Кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом ортларига қайтиб юра бошладилар, ҳамма ҳам қайтди. Қуроъул Фамим номли жойга етганларида бир оз тўхтадилар, одамлар у зотнинг атрофларига шошиб кела бошладилар, кўпчилик тўпланиб бўлганидан сўнг уловлари

устида ўтирган ҳолларида «Инна фатаҳна лака фатҳан мубийнан...» деб «Фатҳ» сурасининг аввалини ўқидилар. Шунда, саҳобалардан бири:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу фатҳми?» – деб сўради. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом:

«Ҳа, менинг нафсим қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта, бу фатҳдир», дедилар.

Имом Бухорий ва бошқа муҳаддисларимиз ривоят қилган ҳадислардан бирида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Сафарлардан бирида Пайғамбар алайҳиссаломдан бир нарсани уч марта сўрадим, у киши жавоб бермадилар, шунда мен, ўзимча, онанг ўлсин, Умар, сурбетлик қилдинг, бир нарсани Расулulloҳдан уч марта сўрадинг, сенга жавоб бермадилар, дедим-да, уловимни миниб, ниқтаб илгари юриб кетдим. Мен ҳақимда оят тушиб қолмасайди, деб кўрқиб борар эдим. Бирдан бир киши:

«Эй Умар», деб чақириб қолди. Худди мен ҳақимда бирор оят нозил бўлганга ўхшайди, деб орқамга қайтдим. Борсам, Расули Акрам соллоҳу алайҳи васаллам:

«Бугун менга бир сура тушдики, у мен учун дунё ва ундаги барча нарсалардан кўра суюклироқдир», деб «Инна фатаҳна лака фатҳан мубийнан» ни ўқиб бердилар.

Бундан аввал келган «Муҳаммад» сураси тушгандан уч йил муддат ўтиб «Фатҳ» сураси нозил бўлди. Икки сурани бирин-кетин ўқиб, орадаги фарқ қанчалик эканлигини билиб олса бўлади.

«Фатҳ» сураси маданий суралардан бўлгани учун, бошқа маданий суралар каби, шариат ҳукмлари, мунофиқлар ва бошқа ўзига хос мавзуларни ўз ичига олган. Сурада Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш, Аллоҳнинг ёрдами доимо Пайғамбарларга бўлиши, мунофиқларнинг иккиюзламачилиги, хоинлиги, мўминларнинг яхши сифатлари зикр қилинади.

Авваллари мушриклар Пайғамбаримизга ва мусулмонларга қарши мурасиз, шафқатсиз уруш олиб борар эдилар. Аммо Ҳудайбия сулҳидан сўнг улар Ислом давлатини сўзсиз тан олдилар. Мусулмонлар эркинлик билан хоҳлаган тарафларига бориб, кишиларни ўз динларига даъват қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аллоҳ таоло Ҳудайбия сулҳини «Фатҳ» деб ҳисоблади. Ҳақиқатан ҳам, у улкан фатҳ эди. Бу сурада Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки дунёда кўзларини қувончга тўлдирадиган нарсани берди. Аввали, охири ва қилган-қилмаган барча гуноҳларини кечирганини эълон қилди.

Ғалаба, нусратнинг ҳақиқийси Аллоҳ томонидан бўлади. Бу сурада Аллоҳ мўминларнинг қалбларига тинчликни солиб қўйга-

нининг хабарини берди. Шу билан бирга, уларни ҳеч нарсадан қўрқмасдан Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга чақирди.

Кофирлар билан мўминлар орасида беқарор бўлиб яшовчи мунофиқлар, агар мўминларга нусрат ёр бўлса, сизлар билан бирга эдик, дейишлари, кофирлар ғолиб келишса, аслида сиз билан эдик, мусулмонларнинг йўлини тўсишда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, дея мунофиқлик қилишлари ҳам шу сурада келтирилган.

Мунофиқлар, аслида, қўрқоқ шахслар бўлиб, ҳар нарсадан чўчийверадилар. Улар Пайғамбар алайҳиссалом билан Маккага боришдан ҳам бош тортишди. Уларнинг ҳаммаси қирилиб кетади, деб гап тарқатишди. Аллоҳ уларнинг гумонларини ўзларига қайтарди. Пайғамбар алайҳиссалом ва саҳобалар Аллоҳнинг нусрати ила музаффар бўлиб, фатҳга эришган ҳолларида Мадийнага қайтдилар. Шунда мунофиқлар бормаганликларига афсус надомат эълон қилишган эди, Аллоҳ уларга яна бошқа урушга қатнашишнинг имкони борлигини билдириб, «Фатҳ» сурасида оятлар туширди.

Мўминлар Аллоҳга берган аҳду паймонларига содиқ қолишган эди, Аллоҳ таоло уларнинг бу садоқатларини муносиб тақдирлади. Расули Акрам алайҳиссалом билан Ҳудайбияга бир минг тўрт юз киши фақат қинга солинган қилич билан чиқишди. Лекин вақти келиб, душман хавф солиб, уруш эҳтимоли кучайганида, жангга отланишга даъват қилинганларида, ҳаммалари бегона юртда, ноқулай ҳолатда, қуроллари кам бўлишига қарамай, Аллоҳ йўлида жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдириб, Расулуллоҳ алайҳиссаломга байъат қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло уларни ёмонликдан сақлаб қолди, Ўзининг улардан розилигини эълон қилди ҳамда мусулмонларга ғалабани ёр қилди.

Бу сурада Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига қанчалик лутф этиши қайта-қайта намоён бўлади. Маккаи Мукаррамага ибодатга – умрани адо этишга келган Расули Акрам алайҳиссалом ва саҳобаи киромларнинг йўлини мушриклар тўсдилар. Ҳолбуки, Каъба Аллоҳники, ўшангача ҳеч кимнинг йўли тўсилмаган эди. Макка мушриклари Байтуллоҳнинг зиёратига ихром кийиб келган соф ниятли кишиларнинг йўлини тўсдилар. Агар Макканинг ичида заифҳол кишилар бўлмаганида, Аллоҳ таоло мусулмонларга мушриклар билан урушга рухсат берар эди ва саркаш Макка мушрикларини уларнинг қўли билан азоблар эди. Аммо ҳалиги заифҳол кишиларга раҳим қилиб, бунга изн бермаганини ҳам Аллоҳ эслатиб ўтади. Пайғамбарнинг тушлари – ваҳий. Муҳаммад алайҳиссалом тушларида Маккаи Мукаррамага умра қилиб борганларини кўриб, саҳобаларни умрага чорладилар, барчалари

умрага отландилар. Сурада ана ўша туш ўнгидан келиб, келаси йили ҳаммалари умра қилишлари ҳам баён қилинади.

«Фатҳ» сурасида улуғ инсонлар, саҳобаи киромларнинг сифатлари келтирилади. Улар ўзаро бир-бирларига жуда раҳимдил, душманларга нисбатан эса, шиддатлидирлар, улардан қўрқмайдилар. Саҳобаларнинг сифатлари Тавротда ҳам келган, қилган ибодатларининг таъсирини юзларидан ҳам билиб олса бўлади. Уларнинг сифатлари бузилмаган Инжилда ҳам келтирилганлиги зикр этилади.

Суранинг охирида Аллоҳ таоло иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга мағфират ва улкан ажру савобларни ваъда қилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُبِينًا ﴿١﴾

### 1. Албатта Биз сенга равшан фатҳни бердик.

«Фатҳ» сўзи луватда «очиш» маъносини англатиб, истилоҳда бирор юртни Исломга қўшишга айтилади. Мусулмонлар бирор жойга бориб, ўша ер аҳолисини хоҳ уруш билан, хоҳ сулҳ билан Исломга киритсалар, ўша ерни «фатҳ қилинди» дейилади.

Бу оятдаги «Фатҳ»дан мурод — Ҳудайбия сулҳи.

Сиртдан қараганда, Ҳудайбия сулҳи мусулмонлар фойдасига бўлмаганга ўхшаб кўринади. Кўплаб машаққатлар тортиб, Маккага яқинлашиб қолганда орқага қайтиб кетишни, юзаки қаралса, ҳеч қачон ғалаба деб бўлмайди. Буни саҳобаларнинг сулҳга бўлган муносабатларидан ҳам кўрса бўлади. Ҳатто, ўша ҳодиса иштирокчилари ҳам «Ҳудайбия сулҳи»ни фатҳ деб тушунмаганликлари ҳақида ривоятлар бор. Баъзи ривоятларда айтилишича, «Ҳудайбия сулҳи»нинг фатҳ эканлиги Пайғамбар алайҳиссалом баён қилиб бергунларига қадар баъзи саҳобаларга тушунарсиз бўлган.

Байҳақий қилган ривоятда Урва айтадики, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳудайбиядан қайтаётганларида саҳобалардан бири:

«Бу, фатҳ эмас. Байтуллоҳдан йўлимиз тўсилди, қурбонликларимиз ҳам тўсилди, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам Ҳудайбияда тўхтаб қолдилар», деб айтди. Бу гап Пайғамбаримизга етиб борганида, у зот алайҳиссалом:

«Бу — бўлмағур гап. Шубҳасиз, бу энг улуғ фатҳдир. Мушриклар сизни ўз юртларидан илтимос ила қайтаришди, сиздан сулҳ

сўрашди, омонликда бўлишга рағбат билдиришди, сизларни қанчалик ёмон кўришлари маълум эди. Аллоҳ сизларни улар устидан зафарга эриштирди, сизларни соф-саломат, ажр-савобга эга бўлиб қайтишга муваффақ қилди. Бу — улкан фатҳдир. Мен чақириб турганимга қарамасдан, қочиб қолганингиз Уҳуд кунини унутдингизми? Ҳам юқори тарафдан, ҳам паст тарафдан душман ўраб, жонингиз ҳалқумингизга келиб қолган Аҳзоб уруши кунини унутдингизми?» — дедилар. Шунда мусулмонлар:

«Аллоҳ ва унинг Расули ростгўйдирлар, у энг улуғ фатҳдир, эй Аллоҳнинг Пайғамбари, биз сиз айтган нарсаларни ўйлаб кўрмабмиз», дейишди.

Ҳақиқатан, «Ҳудайбия сулҳи» улкан фатҳ бўлгани, қолаверса, кўп қиррали фатҳ бўлгани кейинчалик маълум бўлди:

1. Ҳудайбия Ислом даъвати учун фатҳ бўлди, Исломда бундан улуғроқ фатҳ бўлган эмас, дейдилар салаф уламоларимиз. Бунгача мусулмонлар қаерда бўлсалар, урушга йўлиқар эдилар. Сулҳ тузилиб, уруш тўхтагандан сўнг, одамлар бир-бирларидан амин бўлдилар. Бир-бирлари билан учрашиб, ўтиришиб, гаплашиб-тортишадиган бўлдилар. Озгина ақли бор одам бўлса, бундай суҳбатлардан кейин Исломни қабул қилар эди. «Ҳудайбия сулҳи» билан Макканинг амалий фатҳи орасида ўтган икки йил мобайнида ундан аввалги ўн тўққиз йилдагидан кўпроқ одам Исломга кирди. Маълумки, Ҳудайбияда иштирок этганларнинг сони бир минг тўрт юз эди. Икки йилдан сўнг Макка амалий фатҳ қилинганида мусулмонлардан ўн минг киши қатнашди. Уларнинг ичида Холид ибн Валид ва Амр ибн Оссга ўхшаш улкан фотиҳ саҳобийлар ҳам бор эдилар.

2. «Ҳудайбия сулҳи» Ислом ерларининг кенгайишига ҳам сабаб бўлди. Аввал ҳамма куч-эътибор мушрикларга қаратилган эди. Сулҳ тузилиб, уларнинг ёмонлигидан омонда бўлинганидан сўнг, яҳудийлар билан ҳисоб-китобни жойига қўйишга имкон пайдо бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом Шом йўлидаги Хайбар номли жойдан Ислом учун доимий хавф-хатар бўлиб турган яҳудийларни чиқаришга муяссар бўлдилар. У ерларни фатҳ қилиб, ўлжаларни фақат Ҳудайбияда иштирок этганларга бўлиб бердилар.

3. Бу сулҳ мусулмонлар билан мушриклар орасини «фатҳ қилди» — очди. Авваллари мушриклар Исломни ва мусулмонларни ҳеч тан олмас эдилар. Бундан бир йил илгари Макка мушриклари Мадийнага бостириб боришган, бу билан мусулмонларни ниҳоятда офир аҳволга солиб қўйишган эди. Қурайш қабиласини йўлбошчи деб биладиган бошқа араб қабилалари ҳам бундан қаттиқ таъсирланган эдилар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом умрага бирга боришга чақирганларида, улардан ҳеч ким қўшилмаган эди.



Аксинча, улар, мусулмонлар бу сафардан соғ қайтмайдилар, деб ўйлаган эдилар. Мунофиқлар эса, бундан ҳам ёмонроқ гумонларга боришган эди. Лекин Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз бошлиқ мусулмонларга нусрат берди. Сулҳ тузилиб, қурайшликлар Пайғамбар алайҳиссаломни ва ҳақ дин бўлган Исломни тан олишди. Мусулмонларни ўзларига тенг деб эътироф этиб, уларга илтимос билан мурожаатда бўлишди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу воқеа Ислом тарихидаги энг улкан фатҳ эди. Шу боисдан ҳам, бу фатҳни Қуръони Карим «равшан фатҳ» деб номлади.

4. Ушбу улуғ ҳодисадан кейин бошқа қабилалар ва жамоалар ҳам мусулмонларга ҳурмат назари билан қарай бошладилар. Уларга аввал қўшилмаган аъробийлар узр айтиб кела бошлашди. Мадийнаи Мунавварадаги мунофиқларнинг ҳам овозлари ўчиб-пайсайиб қолди. Турли тарафлардан араб қабилалари ўз вакилларини Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларига юборадиган бўлдилар.

5. Шу билан бирга, Ҳудайбия қалбларни ва нафсларни ҳам фатҳ қилди. Кишилар Ислом учун барча фидокорликка тайёр ҳолга келдилар. Бунга дарахт остидаги «Ризвон» байъати мисол бўла олади. Буларнинг ҳаммаси улкан ютуқ ва буюк фатҳ эди.

لِيَغْفِرَ لَكَ اللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ وَيَهْدِيكَ صِرَاطًا مُسْتَقِيمًا

**2. Аллоҳ сенинг аввал ўтган гуноҳларингни ва кейингиларини мағфират этиш, неъматини батамом қилиш ва сени тўғри йўлга бошлаш учун...**


Пайғамбар алайҳиссаломга нисбат берилаётган гуноҳ бошқа одамларга нисбат бериладиган гуноҳга, албатта, ўхшамайди. Чунки, Пайғамбарлар маъсум, яъни, гуноҳ содир этмайдиган зотлардир. Ояти каримада келган гуноҳ тушунчасини Пайғамбар алайҳиссаломдан ўтган баъзи ҳолатлар, деб тушунсак, тўғри бўлади. Мисол учун, бой-зодагон мушрикларни динга даъват қилиб турган пайтларида Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб савол сўрайди, шунда Пайғамбар алайҳиссалом юзларини буриштирадилар ва натижада «Абаса ва тавалла» нозил бўлади...

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломни шу қадар тақдирлаганига қарамай, у зот ибодатни ўзларига шараф деб билар эдилар. Ривоятларда келишича, Пайғамбар алайҳиссалом вассалом нафл намозларини кўп ўқиб узоқ тик турганларидан оёқлари шишиб кетар экан. У кишига: «Аллоҳ сизнинг аввалгию охириги гуноҳларингизни мағфират қилган бўлса ҳам, шу ҳолатга етгунча турасизми?» — дейилганида, у зоти бобаракот:

«Шукр келтирувчи банда бўлмайманми?!» — деган эканлар.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ўз неъматини батамом қилиб бериши — Исломнинг дин сифатида, у зотнинг эса, Пайғамбар сифатида эътироф этилишлари ва ислом умматининг эмин-эркин яшай бошлашидир.

«Сиротал мустақийм»га — тўғри йўлга бошлаши — душман билан сулҳ тузиб ҳам фатҳга етишиш йўлини ўргатишидир.



### 3. Ва Аллоҳ сенга иззатли нусрат бериши учун.

«Иззатли» деганимиз — устидан ҳеч ким ғолиб кела олмайдиган, дегани. Яъни, Аллоҳ Пайғамбаримиз алайҳиссаломга шундай иззатли ёрдам берадики, ундан ҳеч ким ва ҳеч нарса ғолиб кела олмайди.

Юқоридаги оятларда зикр этилган улуғ илоҳий марҳаматлар: равшан фатҳ, аввалу охир гуноҳларнинг мағфират қилиниши, Аллоҳ неъматларининг батамом қилиб берилиши, сиротул мустақиймга ҳидоят қилиниши ва иззатли нусрат берилиши — ҳамма-ҳаммаси Ҳудайбия сулҳига боғланмоқда.

Нима сабабдан шунча нарса сулҳга боғланыпти? Негаки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом сулҳни Байтуллоҳни улуғлаганликларидан туздилар, натижада Аллоҳ у зотни мазкур иш билан мукофотлади.

Ўйлаб кўрсак, ўша пайтда Байтуллоҳ кофирларнинг қўлида бўлиб, улар мусулмонлар билан уруш чиқариш учун кўлларида келган барча чораларни кўрар эдилар. Ҳатто, қирқ-эллик кишини юбориб, мусулмонлар ичида фитна чиқаришга уриниб ҳам кўришди. Лекин Пайғамбар алайҳиссалом бошчиликларидаги мусулмонлар сабр-чидам кўрсатиб, фитнага учмадилар, Байтуллоҳнинг ҳурматини жойига қўйдилар. Аллоҳга энг итоаткор бандалар эканликларини исботладилар. Расули Акрамнинг туялари ётиб олганида: «Буни филни ушлаган нарса ушлади», дедилар. Ҳолбуки, фил билан келган Абраҳа ва унинг одамлари Байтуллоҳни бузиш ниятида эди, Расули Акрам ва саҳобаи киромлар эса, уни улуғлаб зиёрат этишга келаётган эдилар. Яна, сулҳ куни Пайғамбар алайҳиссалом: «Менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, бутун Қурайш Аллоҳни улуғлаган нарсаларини эҳтиром этувчи нимани сўраса, бераман», дедилар. У зоти бобаракот Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога итоат этиб, сулҳга кўнганликлари учун, Аллоҳ у кишига улуғ неъматлар ато қилди.

Шу ўрингача ўрганган оятларимиз фақат Расули Акрам алайҳиссалату вассаломнинг ўзларига хос эди. Эндиги оятларда Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига берган неъматларини васф қилишни бошлайди.

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لِيَزْدَادُوا إِيمَانًا مَعَ إِيمَانِهِمْ ۗ وَ لِلَّهِ جُنُودُ السَّمَاوَاتِ  
وَالْأَرْضِ ۗ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٠١﴾

**4. У, иймонларига иймон зиёда бўлиши учун мўминлар қалбига сокинликни нозил этган Зотдир. Ва осмонлару ернинг лашкари Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир.**

Ҳудайбия ҳодисасида мўминлар қалбида ҳукм сурган ҳолатни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Бунинг учун улар билан бирга яшаб, ўша ҳолатларни бошдан ўтказиш зарур. Неча йиллардан буён ўзлари учун энг севимли ва муқаддас Маккага бориш, Байтуллоҳни зиёрат қилиш бахтидан маҳрум бўлиб юрган эдилар. Бирдан, улар учун ўзларидан ҳам азиз бўлган инсон, йўлбошчилари, Пайғамбар алайҳиссалом, тушларида саҳобалар билан умра қилиб юрганликларини кўрганликларини айтиб, уларни Байтуллоҳ зиёратига чорладилар. Улар билардиларки, Пайғамбарнинг тушлари Аллоҳдан келган ваҳий бўлади, демак, орзиқиб кутилган бахтга эришишларига шубҳа қолмади. Минг тўрт юз киши ихром боғлаб, қурбонлик етаклаб, такбир айтиб Макка томон юрганларида, қалбларидан нималар кечди экан?! Маккага яқинлашиб қолишганида, Қурайш уларни қурол билан қарши олаётганининг хабари қалбларига қандай таъсир қилди экан?! Ҳудайбияга жойлашиб, муқаддас Макканинг ҳиди димоқларига урилганида, қалб-ларидан нималар кечди экан?! Тўсатдан Пайғамбар алайҳиссаломнинг туялари Қасво юрмай ётиб олган, ҳамма ҳайрон, ҳамма жимиган... Ўша онда саҳобаларнинг юракларидан нималар ўтиб, қандай алфов-далфов бўлди экан?! Сўнгра, Маккага бормасдан қайтиб кетиш ҳақида гап тарқалди. Сулҳ тузиладиган бўлди. Ана ўшанда саҳобаи киромларнинг қалбларида қандай туйғулар пайдо бўлди экан?! Ҳазрати Умар ибн Хаттоб каби уларнинг ҳам қалбида афсус ва надомат тўла саволлар кечган бўлса, ажаб эмас?! Пайғамбаримиз туш кўрган эдилар-ку? Биз Аллоҳга иймон келтирган, Унга бўйин этган мусулмонлармиз-ку? Душманимиз бўлган мушриклар ботил йўлда, илло, биз ҳақ йўдамиз-ку? Нима учун бундай бўлиши керак, ахир?! Ва ҳоказо саволлар, саволлар, саволлар...

Бунинг устига, сулҳ матнининг бошида улар учун дунёдаги энг маҳбуб истилоҳ «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм»нинг ёзилмай қолиши... Қандай маънавий азоб бу! Шунингдек, бошқа ибораларда ҳам мушрик Суҳайлнинг айтгани бўлиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари рад этилишига ҳеч чидаб бўлар эдими? Ундан кейин Суҳайлдаги шартлар ҳам барчаси мушрикларнинг

фойдасига эди. Айниқса, бечора Абу Жаңдал воқеаси... Буларнинг ҳамма-ҳаммаси қалбни ўртаб юбормайдими, алғов-далғов қилиб ташламайдими? Эҳтимол, шунинг учун ҳам, мушрик Урва ибн Масъуд ас-Сақафий гувоҳлик берганидек, Пайғамбар алайҳиссалом тупурсалар ёки таҳорат қилсалар, у кишига бўлган улкан муҳаббатидан, тупук ва таҳорат сувларини ерга туширмай илиб олиб юзларига сурадиган саҳобалар, худди ўша зот бир оздан кейин: «Энди туриб қурбонликларингизни сўйиб, сочларингизни олдиригизлар», десалар, қимир этмай қолгандир? Ўшанда улар қандай аҳволга тушган эканлар?! Буюк авлод — саҳобалар авлоди ўзларининг шонли ҳаётларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг амрларига ҳеч қачон бундай муносабатда бўлмаганлар. Ўша пайтда, ҳатто, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам саҳобаларнинг қалбларига таъсир ўтказа олмадилар. Фақат, бандаларнинг қалбларини истаган томонга бура олувчи Акбар зот Аллоҳ таолонинг Ўзигина саҳобаларнинг қалбларига сокинлик солиши мумкин эди. Ва шундай бўлди ҳам. Аллоҳ қалбларига сокинлик туширгач, улар хотиржам, тинч-омон ортларига қайтдилар ва улкан саодатга эришдилар.

Албатта, бу илоҳий қўлловни ўзлари кўриб, бошларидан ўтказган мусулмонларнинг иймонлари янада зиёда бўлади. Чунки, қизиқ-қонлик ва эҳтиросга берилиш бир нарса, сокинлик, хотиржамлик бошқа нарса. Агар ўша пайтда Аллоҳ хоҳласа, ғалаба, нусрат бериши ҳам мумкин эди. Зеро, оятда келганидек, «Осмонлару ернинг лашкарлари Аллоҳникидир», Ўз лашкарларидан баъзи бирларига буюриб қўйса, мушрикларга қарши қирон келтириб, мусулмонлар ғолиб бўлган ҳолда бемалол умра ибодатини адо этиб қайтардилар. Лекин «Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир». Ҳамма нарсани энг дақиқ жиҳатларигача билади ва ҳикмати бутун борлиқни ихота қилган бўлиб, ҳар нарсани ҳикмат билан қилади. Ҳозир мусулмонларнинг сулҳ тузиб қайтишларини ирода қилди, демак, шунинг ўзи айна ҳикматдир.

Бу муносабат билан Аллоҳнинг мусулмонларга берган неъматлари иймонларининг зиёда бўлишигина эмас. Балки бошқа мукофотлар ҳам бор:

لِيَدْخُلَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَيُكَفَّرُ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَكَانَ ذَلِكَ عِنْدَ اللَّهِ فَوْزًا عَظِيمًا

5. Мўминлар ва мўминаларни тағларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга мангу киритиш учун ва уларнинг гуноҳларини ювиш учун. Ва бу, Аллоҳнинг ҳузурда катта ютуқдир.

Демак, Аллоҳ Ўз илми ва ҳикмати ила мўминларнинг қалбига сокинлик солиши иймонларининг зиёдалиги туфайли уларни дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатга киритиш учун экан, гуноҳларини ювиш учун экан. Бу эса,

**«Аллоҳнинг ҳузурида катта ютуқдир».**

Оятда эркакларнинг алоҳида, аёлларнинг алоҳида зикр қилиниши ўзгача маъно касб этади. Яъни, жаннат ва унинг неъматлари фақат эркаклар учун ёки фақат аёллар учун эмас, балки ҳамма учундир. Ўша жаннатга етишиш учун ҳамма баробар ҳаракат қилиши лозим.

Бўлиб ўтган Ҳудайбия ҳодисасининг яна бошқа ҳикматлари ҳам бор экан. Ўшалардан баъзилари қуйидаги оятларда баён қилинади:

وَيُعَذِّبُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْمُشْرِكِينَ وَالْمُشْرِكَاتِ الظَّالِمِينَ بِاللَّهِ ظَنِّ السَّوْءِ عَلَيْهِمْ دَائِرَةُ السَّوْءِ وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَلَعَنَهُمْ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا ﴿٦٠﴾

**6. Аллоҳ тўғрисида ёмон гумон қилувчи мунофиқ ва мунофиқалар, мушрик ва мушрикаларни азоблаш учун... Уларни ёмонлик ўраб олсин. Уларга Аллоҳ ғазаб қилди, уларни лаънатлади ва уларга жаҳаннамни тайёрлаб қўйди. Ва нақадар ёмон жой у!**

Аллоҳ таоло мусулмонларнинг иймонларини зиёда қилиш учун Ўз ҳикмати ва илми ила уларнинг қалбига сокинлик солиб, Ҳудайбия сулҳини тузиб қайтиб келишларини ирода қилганлигининг ҳикматларидан яна бири –

**«Аллоҳ тўғрисида ёмон гумон қилувчи мунофиқ ва мунофиқалар, мушрик ва мушрикаларни азоблаш учун» экан.**

Чунки, бу ҳодиса давомида мунофиқ ва мунофиқаларнинг ни-фоқлари янада ошкор бўлди. Дилларидаги Исломга бўлган душманликлари яна ҳам очиқ юзага чиқди. Мушрик ва мушрикалар эса, инсоният тарихида мисли кўрилмаган катта гуноҳ содир этдилар – Байтуллоҳни беҳурмат қилдилар. Соф ният ила зиёрат қилгани келаётганларнинг йўлини тўсиб, уларнинг Аллоҳга ибодат қилишларига қарши чиқдилар. Албатта, улар шу ва шунга ўхшаш бошқа гуноҳлари учун Аллоҳнинг азобига лойиқдирлар. Айни чоғда, мунофиқлар билан мушриклар бир нарсада,

**«Аллоҳ тўғрисида ёмон гумон қилувчи»**ликда ҳамжиҳат эдилар. Бунинг сабаби, албатта, иймонсизликларидадир, Аллоҳга қалблари боғлиқ эмаслигидадир.

Мўмин киши, қалби доимо Аллоҳ таолога боғлиқ бўлганлиги учун, доимо Ундан яхшилик кутади. Хурсандчилик пайтида ҳам, хафачилик пайтида ҳам: «Аллоҳим Ўзи меҳрибон, менга яхшиликни раво кўраяпти», деган ишонч билан яшайди.

Аллоҳ хусусида ёмон гумон қилувчиларнинг ўзига оятда дуоибад қилинмоқда:

**«Уларни ёмонлик ўраб олсин».**

Оятда «Доиратус-савъи» дейилган. Бунинг айна маъноси — уларга ёмонлик доираси бўлсин, ёмонлик уларни доира шаклида ўраб олсин, деганидир. Яъни, бошлари ёмонликдан чиқмасин. Бунинг устига, Аллоҳнинг ғазаби, лаънати ва Аллоҳ тайёрлаб қўйган жаҳаннам, ҳақиқатан катта бадбахтлик эмасми?!

وَلِلَّهِ جُنُودُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا

**7. Осмонлару ернинг лашкарлари Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ иззатли ва ҳикматли зотдир.**

Тўртинчи оятда ҳам Аллоҳнинг лашкарлари ҳақида сўз кетиб, оят «Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир», деб тугалланган эди. Бу оятда эса,

**«Аллоҳ иззатли ва ҳикматли зотдир»**, деб айтилмоқда.

Чунки, аввалги оятда сўз тадбир ва тасарруф ҳақида кетган эди, шунинг учун илм ва ҳикмат зикр қилинди. Бу оятда эса, сўз қаҳр, ғазаб ва ғалаба ҳақида кетаяпти, шунинг учун иззат ва ҳикмат зикр этилмоқда. Ҳақиқатан, Аллоҳ азийз (ғолиб), ҳаммадан устун зотдир. Лекин иззатини ҳам ҳикмат билан ишлатади.

Келаси оятларда Пайғамбар алайҳиссаломнинг вазифалари ва мўминларнинг бурчлари баён қилинади:

إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا

**8. Албатта, Биз сени гувоҳлик берувчи, хушxabар элтувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик.**

Ушбу оятда Пайғамбар алайҳиссаломнинг вазифалари санаб ўтилмоқда:

Аввало, у киши **«гувоҳлик берувчи»**дирлар. Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида гувоҳлик бериб, башариятга Пайғамбар қилиб юборилганликлари, етказиш керак бўлган нарсаларни етказганлари, кишилар у зотни қандай кутиб олганликлари, баъзилар мўмин, бошқалар кофир ва яна бирлари мунофиқ бўлганликларини айтиб берадилар. Тўғри ва ҳақиқий гувоҳлик келтирадилар.

Шу билан бирга, у киши «хушхабар элтувчи» ҳамдирлар.

Ул зот алайҳиссалом мўмин кишиларга хайр, барака, бахт-саодат, мағфират, Аллоҳнинг розилиги ва жаннат каби яхшиликларнинг хушхабарини етказадилар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг вазифаларидан яна бири – кофир, мунофиқ ва гуноҳкорларни бахтсизлик, юзи қоралиқдан, жаҳаннам азобларидан огоҳлантиргувчиликдир.

Ушбу оятда Пайғамбар алайҳиссаломнинг вазифаларини санаб ўтиш у зотнинг ўзларига бевосита хитоб қилиб баён этилади. Келаси оятда эса, хитоб мўмин-мусулмон бандаларга қаратилиб, Пайғамбар юборишдан кўзда тутилган баъзи мақсадлар зикр қилинади.

Эй мўминлар, Пайғамбар юборишимиз:

لَتُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ، وَتُعِزُّوهُ وَتُقِرُّوهُ وَتُسَبِّحُوهُ بِكُورَةٍ وَأَصِيلَةٍ

**9. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз, Уни (динни) қўллаб қувватлашингиз, улуғлашингиз ҳамда Унга эртаю кеч тасбиҳ айтишингиз учундир.**

Ҳақиқатан ҳам, Пайғамбар алайҳиссаломнинг биринчи ишлари Аллоҳга иймон келтиришга даъват қилиш бўлган. Кимки, Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган бўлса, унинг дастлабки вазифаси Аллоҳнинг дини бўлмиш Исломни қўллаб-қувватлаш бўлган. Бу иш Исломнинг дастлабки босқичида Пайғамбар соллаҳу алайҳи васалламни қўллаб-қувватлаш орқали бўлган.

Шунингдек, мўминларнинг бурчларидан бири Аллоҳни ва Унинг Расулини улуғлаш саналган.

Эртаю кеч тасбиҳ айтиш – поклаб ёд этиш эса, фақат Аллоҳгагина хосдир. Пайғамбар алайҳиссаломга тасбиҳ айтиш йўқ. Зетан, у зотнинг ўзлари ҳам доимо Аллоҳни поклаб тасбиҳ айтиб юрганлар.

Ушбу оятлар Ҳудайбия сулҳидан олдин вужудга келган қалтис ва қийин вазиятда, Ислом дини учун Пайғамбар алайҳиссалом атрофида бирлашиб, у кишини улуғлаб, у кишини қўллаб-қувватлаш пайти эканидан, мусулмонларни бу ишга тарғиб қилиш маъносида келди.

Келаси оятларда бу амрларга қандай амал қилингани баён этилади.

إِنَّ الَّذِينَ يَبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ فَمَنْ تَكَثَّرَ فَإِنَّمَا يَتَكَثَّرُ عَلَى نَفْسِهِ، وَمَنْ أَوْفَى بِمَا عَاهَدَ عَلَيْهِ اللَّهُ فَمَسِيئَتِهِ أَجْرًا عَظِيمًا

**10. Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида-**

**дир. Ким (байъатни) бузса, ўзига қарши бузади, холос ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур.**

Мушриқлар ҳазрати Усмонни ўлдиришибди, деган миш-миш тарқалгандан сўнг, Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаи киромларни байъат қилишга чақирган эдилар. Ўша пайтда Расули Акрам алайҳиссалом хурмо дарахти остида ўтирган бўлганлари учун ҳам бу кунни «шажара (дарахт) куни» деб, байъатни эса «дарахт остидаги байъат», деб ҳам аталган. Саҳобалардан Маъқал ибн Ясар розияллоҳу анҳу: «Дарахт куни» Пайғамбар алайҳиссалом одамларнинг байъатини қабул қилар эдилар, мен эса у кишининг бошларида бир шохни кўтариб турар эдим, ўшанда бир минг тўрт юз киши эдик», деганлар. Биринчи бўлиб, Абу Синон ал-Асадий исмли саҳобий байъат қилганлар. Яъни, ҳар бир саҳобий Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қўлларини тутиб туриб, уруш бўлиб қолса, қочиб кетмаслик, дин йўлида жон фидо қилишга аҳду паймон берган. Ушбу ҳолатни Қуръони Карим ўзига хос услубда тавсиф қилмоқда. Пайғамбар алайҳиссаломга қўл бериб, аҳду паймон қилишни Аллоҳ таолога аҳду паймон қилиш — байъат қилишдан ўзга нарса эмас, деб тушунтирмоқда. Яъни, мабодо, Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахслари ғойиб бўлиб қолса ҳам, Аллоҳ ғойиб бўлмайди, аҳд аҳдлигича қолади. Иккинчидан, бу берилган байъат оддий байъат эмас, балки, Аллоҳ таолонинг ўзига берилган улуғ байъатдир. Бас, шундай экан, бунга алоҳида эътибор билан қараш керак. ким бу байъатни бузса, оддий байъатни бузган бўлмайди, балки Аллоҳга берган аҳдни бузган бўлиб, ўз зарарига улкан иш қилган бўлади. Албатта, бу байъатнинг бузилишидан Аллоҳ таоло зарар кўрмайди. Чунки, У беҳожат зот. Зарарнинг барчаси байъатни бузган бандага бўлади. У банда Аллоҳнинг газабига ва иқобига учрайди. Аллоҳ таоло бандалари орасидан вафо аҳдларини яхши кўради. Шунинг учун ҳам, оятнинг охирида:

**«... ким Аллоҳга берган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур», дейилмоқда.**

Байъат Ислом уммати ҳаётида катта аҳамиятга молик амал ҳисобланишини ушбу оятдан билиб олсак бўлади. Байъат ҳақиқий омил сифатида қадрланган пайтлари доимо мусулмонларга зафар ёр бўлган.

Мазкур оятларда байъат ҳақида, унга вафо қилиш ёки уни бузиш ҳақида сўз юритилар эди. Эндиги оятда эса, умуман оммавий сафарбарликдан қочган, мусулмонлар учун керакли ишдан бош тортган кишилар ҳақида гап боради.

Эй Пайғамбар!



سَيَقُولُ لَكَ الْمُخَلَّفُونَ مِنَ الْأَعْرَابِ شَغَلَتْنَا أَمْوَالُنَا وَأَهْلُونَا فَاسْتَغْفِرْ لَنَا يَقُولُونَ بِأَلْسِنَتِهِمْ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ قُلْ فَمَنْ يَمْلِكُ لَكُمْ مِنْ اللَّهِ شَيْئًا إِنْ أَرَادَ بِكُمْ ضَرًّا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ نَفْعًا بَلْ كَانَ اللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

**11. Ортада қолган аъробийлар сенга, молимиз ва аҳлимиз бизни машғул қилди, бизга истиғфор айт, дейишар. Улар қалбларида йўқ нарсани тиллари ила айтурлар. Сен: «Агар Аллоҳ сизга зарарни ирода қилса ёки сизга манфаатни ирода қилса, ким сизларни Аллоҳдан (келадиган) бирор нарсадан (тўсишга) молик бўладир? Таъкидки, Аллоҳ қилган амалларингиздан хабардордир», деб айт.**

Маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Қурайшнинг душманлик қилганини эшитиб, умумий сафарбарлик эълон қилганларида, баъзи иймони заифлар ортада қолиб, унда қатнашмаган эдилар. Ортада қолганлар ичида аъробийлар — саҳрода яшовчи кўчманчи араблар, жумладан, Ғифор, Музайна, Ашжоъ, Аслам ва бошқа қабилалар бор эди.

Улар, аслида, кўрққанлари учун, «Қурайш яқинда Муҳаммадни Мадийнада Уҳуд урушида мағлуб қилди, энди Муҳаммад уларнинг юртига бориб нима қила олар эди», дея қўшилмаган эдилар. Аммо, Аллоҳ таолонинг ёрдами билан бу гал иш яхшилик билан тугаб, мусулмонларга зафар ёр бўлиб қайтганларида, иймони заиф хоинлар Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб, узр айта бошладилар. «Бизни молу мулкимиз ва аҳли аелимиз машғул қилиб қолди, яъни, шуларни деб бора олмадик, узр, биз гуноҳқормиз, бизга истиғфор айтинг (яъни, Аллоҳдан гуноҳимизни сўраб беринг), дейишди. Аслида эса, ундай бўлмай, аксинча:

**«Улар қалбларида йўқ нарсани тиллари ила айтурлар».**

Улар, Муҳаммадга қўшилиб борсак-да, у енгилиб қолса, бизга зарар етади, деган фикр билан ортада қолган эдилар. Шунинг учун ҳам, оятда ушбу маънога ишора қилиниб:

**«Агар Аллоҳ сизга зарарни ирода қилса ёки сизга манфаатни ирода қилса, ким сизларни Аллоҳдан (келадиган) бирор нарсадан (тўсишга) молик бўладир?»** — дейилаяпти.

Ортада қолганлар иймонлари заиф бўлганидан шундай нотўғри фикрга борганлар. Уларнинг бу ҳолларини келаси оят баён қилади:

بَلْ ظَنَنْتُمْ أَنْ لَنْ يَنْقَلِبَ الرَّسُولُ وَالْمُؤْمِنُونَ إِلَىٰ أَهْلِيهِمْ أَبَدًا وَزَيَّبَ نَزْلَكَ فِي قُلُوبِكُمْ وَظَنَنْتُمْ ظَنَّ السَّوْءِ وَكُنْتُمْ قَوْمًا بُورًا

**12. Балки сизлар, Расул ва мўминлар абадий ўз аҳлларига қайтиб келмаслар, деб гумон қилдингиз ва бу нарса қалбингизда зийнатланди, ёмон гумон қилдингиз ва ёмон қавм бўлдингиз.**

Демак, иймони заифларга молу дунё ва аҳли аёлининг машғул этгани бир баҳона экан. Улар, аслида, Макка мушрикларини енгиш қийин, Муҳаммад ва унга эргашганлар бу сафарги жангда қирилиб битадилар, деб гумон қилганлар. Шундай бўлади, деб ишонганлар. Бу эса — ёмон гумон, ёмон гумон қилган қавм ҳам ёмон қавм бўлади. Биз «ёмон қавм» деб таржима қилаётган ибора ояти каримада «қавман буро» деб келган. «Бур» сўзи «ҳаётсиз», «унумсиз», «самарасиз» маъноларини англатади. Ҳақиқатан, ёмон гумон қилгувчилар шундай оқибатга ло-йиқдирлар. Одамлар кўпинча сонга, қувватга, тутган мақомига қараб ҳукм чиқаришади. Асосий мезонни — иймонни эсдан чиқариб қўйишади. Шунинг учун ҳам, кейинги оятларда ҳақиқий галаба омили бўлган иймон, Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати эслатилади:

وَمَنْ لَّمْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ فَإِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَعِيرًا ﴿١٣﴾

**13. Ва ким Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирмаса, албатта, Биз кофирларга дўзахни тайёрлаганмиз.**

Демак, иймон бўлмаса, бошқа ҳамма нарса бекор, жумладан, орда қолганлар узр қилиб келтираётган молу дунё, аҳли аёл ҳам бефойда. Ушбу бефойда нарсаларни деб, умумий сафарбарликдан қолиш нақадар аҳмоқлик ва нақадар гуноҳ!

وَلِلَّهِ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١٤﴾

**14. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Кимни хоҳласа, мағфират қилар ва кимни хоҳласа азоблар. Ва Аллоҳ кечирувчи, раҳимли зотдир.**

Ҳамиша Аллоҳнинг йўлидан юриб, Унинг айтганини қилмоқ даркор. Фақат Ундангина гуноҳларини кечиришини сўраб, раҳматидан умидвор бўлиш зарур.

سَيَقُولُ الْمُخَلَّفُونَ إِذَا انطَلَقْتُمْ إِلَى مَغَانِمَ لِتَأْخُذُوهَا ذَرُونَا نَتَّبِعْكُمْ يُرِيدُونَ أَن يُبَدِّلُوا كَلِمَ اللَّهِ قُل لَّن تَتَّبِعُونَا كَذَلِكُمْ قَالَ اللَّهُ مِن قَبْلُ فَيَقُولُونَ بَلْ تَحْسُدُونَا بَلْ كَانُوا لَا يَفْقَهُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٥﴾

**15. Ўлжалар томон, уларни олиш учун юрганингизда ортда қолганлар: «Қўйиб беринг, биз ҳам сизга эргашурмиз», дейишар. Аллоҳнинг каломини ўзгартирмоқчи бўлишар. Айт: «Ҳеч ҳеч бизга эргашмайсиз, ушбуни Аллоҳ аввал айтган». Улар: «Балки, ҳасад қилаётгандирсизлар», дейишар. Йўқ, улар озгина нарсадан бошқа нарсани англамаслар.**

Бу ояти каримада умумий сафарбарликдан четда қолганларнинг ҳақиқий башараси янада очиб ташланмоқда. Ҳозир турли баҳоналар топиб ортда қолаётганлари билан, агар сиз мўминларга Аллоҳ зафар бериб, душманни енгиб, ундан қўлга тушган:

**«Ўлжалар томон, уларни олиш учун юрганингизда...»** ортда қолганлар мону дунёга ўчлик билан:

**«Қўйиб беринг, биз ҳам сизга эргашурмиз»,** дейишади. Яъни, сиз билан жиҳодга, қийин сафарга борамиз, дейишади. Чунки, уларнинг ўлжа олишга кўзлари етиб қолди. Агар аввалгига ўхшаб ёмон гумонга борсалар, бундай қилишмас эди. Улар бу ишлари билан Аллоҳнинг каломини ўзгартирмоқчи бўлишади. Аллоҳ ўлжали ғазотга ҳақиқий мўминларнинг боришини хоҳлаган эди, улар эса, Аллоҳнинг хоҳишига қарши, мўминларга эргашиб боришмоқчи. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб, ортда қолганларни қайтаришга,

**«Ҳеч бизга эргашмайсиз, ушбуни Аллоҳ аввал айтган»,** дейишга буюрмоқда.

Ортда қолганларнинг эса, нафслари бузуқ, ҳар бир нарсани ўзларича тушунадилар, Пайғамбар алайҳиссалом уларга Аллоҳнинг каломини етказсалар ҳам:

**«Улар: «Балки, бизга ҳасад қилаётгандирсизлар», дейишар».**

Ўзларининг ёмонлиги туфайли ўлжа томон мўминларга эргашидан манъ қилинишларини ҳасаддан, деб тушунадилар. Аслида эса, улар бир нарсани англаб етмайдиган, англаса ҳам жуда оз англайдиган кишилардир. Улар қийинчилик тортмай, Аллоҳнинг йўлида бирор нарса қилмай туриб, Унинг фазлидан баҳраманда бўлишга шошилишади. Аллоҳ эса, Ўзининг йўлида машаққат чеккан, хавфу хатарга тик борган бандаларга фазлу карам кўрсатади, жумладан, оятда зикр қилинган ўлжаларни раво кўради.

Ушбу маънони янада таъкидлаш учун кейинги оятда Аллоҳ Ўз Пайғамбарига амр қилиб, ортда қолганларга яна бир синов бўлишини, агар синовдан яхши ўтсалар, ажр олишларини, ўта олмасалар, охириги имтиҳондан ҳам ўтмаган ҳисобланишларини тушунтиришни буюрмоқда:

Эй Пайғамбар!

قُلْ لِلْمُحَلِّفِينَ مِنَ الْأَعْرَابِ سِتْدَعُونَ إِلَى قَوْمٍ أُولِي بَأْسٍ شَدِيدٍ يُقْتَلُونَ مِنْهُمْ أَوْ يُسْلَمُونَ فَإِنْ تَطِيعُوا نُؤْتِكُمْ اللَّهُ أَجْرًا حَسَنًا وَإِنْ تَوَلَّوْا كَمَا تَوَلَّيْتُمْ مِنْ قَبْلُ يُعَذِّبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٦٦﴾

**16. Ортада қолган аъробийларга: «Катта кучга эга қавмга (қарши) чақирилурсиз, улар мусулмон бўлгунларича урушасиз. Агар итоат қилсангиз, Аллоҳ сизга яхши ажр берур. Ва агар яна аввал қочганингиздек, ортада қочсангиз, аламли азоб ила азоблар», деб айт.**

Бу оятда кишиларнинг бузуқ нафсларини қандай тарбия қилиш зарурлиги кўрсатилмоқда. Аъробийлар нафслари бузуқлиги сабабли оммавий сафарлардан панада қолдилар, нафслари бузуқлиги туфайли ўлжаси тайин ва мўл жиҳодга бормоқчи бўлдилар ва яна нафслари бузуқлиги боис Пайғамбар алайҳиссаломнинг қайтаришларини ҳасаддан, деб талқин этишди. Шунинг учун, узилкесил равишда уларнинг ишларини бир ёқлик қилиш мақсадида, уларга шундай таклиф қилинди:

**«Катта кучга эга қавмга (қарши) чақирилурсиз, улар мусулмон бўлгунларича урушарсиз. Агар итоат қилсангиз, Аллоҳ сизга яхши ажр берур. Ва агар яна аввал қочганингиздек, ортада қочсангиз, аламли азоб ила азоблар...»**

Яъни, кучли, шиддатли қавмга қарши урушга даъват қилинасилар, улар мусулмон бўлгунларига қадар уруш қилишингиз керак. Фармонга итоат қилиб, буйруқни бажарсангиз, яхшилар сафидан ўрин оласиз, яхши ажрларга эга бўласиз. Аммо, аввалги сафаргидек, ортингизга қараб қочсангиз, Аллоҳ сизни аламли азоб ила азоблайди.

Ҳа, осон пайтда олдинга тушиб ўзини кўрсатишга ҳамма ҳам ошиқаверади. Ҳақиқий мўмин қийинчилик пайтида ҳам ўзидан, молидан, жонидан, аҳли аёлидан кечиб, Аллоҳнинг амрларини бажаришда синалади.

Мазкур кишилар ичида ҳақиқий узрлилари ҳам бор. Улар ҳақидаги ҳукми кейинги оят баён қилади:

لَيْسَ عَلَى الْأَعْمَى حَرْجٌ وَلَا عَلَى الْأَعْرَجِ حَرْجٌ وَلَا عَلَى الْمَرِيضِ حَرْجٌ وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَمَنْ يَتَوَلَّ يَؤُودُ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٦٧﴾

**17. Кўрга қийинчилик йўқ, чўлоққа ҳам қийинчилик йўқ. Хаста кишига ҳам қийинчилик йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, уни остидан сувлар оқиб турган жаннатларга киритилади. Ким юз ўгирса, аламли азоб ила азоблар.**

Аллоҳ таоло Ўз бандаларига меҳрибон. Уларни тоқатларидан ташқари ишларга буюрмайди. Бинобарин, кўр, чўлоқ ва бемор кишиларнинг узрлари ўзлари билан, улар оммавий сафарбарликка, жиҳодга, душманлар билан урушга даъват қилинмайди. Бу ҳолатда гап итоат устида кетмоқда, шунинг учун ҳам, ким амрга итоат қилса, жаннатга эришади. Итоатсизлар эса, аламли азобларга дучор бўлишади.

Кейинги оятларда Пайғамбар алайҳиссаломнинг даъватларига «лаббай» дея бор нарсаларидан кечиб чиққан, оғир ҳолатда ҳам ўзларини йўқотмай, Ҳудайбияда, дарахт остида у кишига байъат қилган мўминлар тавсифланадилар.

﴿لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا﴾

**18. Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминлардан дарахт остида сенга байъат қилаётганларида рози бўлди. Бас, уларнинг қалбларидагини билди, уларга сокинликни туширди ва яқин фатҳ ила мукофотлади.**

Бу ояти каримада васф қилинган ҳолат ҳар бир мўмин учун улур бахт ва саодатнинг сўнги нуқтаси ҳисобланади. Чунки, мўмин кишининг ягона олиймақом орзуси — Аллоҳнинг розилигига эришишдир. Бу оятда эса Аллоҳ таолонинг Ўзи Ҳудайбияда Пайғамбар алайҳиссаломга байъат қилган бир минг тўрт юз саҳобаи киромлардан рози эканлигини эълон қилиб турибди. Бу эълон қиёмат кунигача ибодат, тиловат бўлиб туриши таъминланган. Шунинг учун ҳам, мазкур байъатнинг бир номи «Байъатир-Ризвон» — «розилик байъати»дир.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, дарахт остида байъат қилганлардан бирортаси дўзахга кирмайдилар, деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса, Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Жобир розияллоҳу анҳуга ва «Байъатир-Ризвон»да иштирок этган бошқа саҳобийларга қарата: «Сизлар ер юзидаги энг яхши одамларсиз», деганлар.

Шунга биноан, ҳар бир мусулмон мазкур бахтиёр шахсларни севиши, ҳурматлаши ва эъзозлаши лозимдир.

Мазкур оятда Аллоҳ таоло байъат қилган мўминлардан розилиги хабарини етказиш билан бирга, уларнинг қалбларидаги нарсани ҳам билганини таъкидламоқда. Албатта, мўминлар қалбида Аллоҳнинг ва Унинг Расулунинг муҳаббати, Ислом динига бўлган ғайрат, байъатга содиқлик ва бошқа фидокорликлар борлигини

Аллоҳнинг Ўзи яхши билган. Шу билан бирга, ҳакийм сифатли Аллоҳ айнан ўша пайтда мўминлар қалбига сокинлик, хотиржамлик солди. Бўлмаса, суранинг тафсири муқаддимасида келганидек, Пайғамбар алайҳиссаломга итоат қилмасликкача бориб қолишлари мумкин эди.

Аллоҳ таоло уларга «яқин фатҳ»ни мукофот қилиб берди. Ҳудайбиядан сўнг тезда бутун дунёни фатҳ қилиш бошланди. Икки ойдан кўп вақт ўтмай, биринчи энг муҳим фатҳлардан Хайбар фатҳи бўлди. Ундан кейин эса, фатҳлар кетма-кет содир бўлаверди.

وَمَغَانِمَ كَثِيرَةً يَأْخُذُونَهَا وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٩﴾

**19. Ва кўпгина ўлжаларни ҳам олурлар. Ва Аллоҳ азийз ва ҳакийм зотдир.**

Фатҳларда, албатта, ўлжалар ҳам қўлга тушади. Уларни жиҳодда қатнашган мўминлар олиши таъкидлаб айтилмоқда. Оятнинг охирида эса, бу айтилган ишларни юзага келтириш Ўзига ҳеч нарса эмаслигини таъкидлаш учун азийз ва ҳакийм сифатини эслатмоқда. Мазкур оятларда Расули Акрам алайҳиссаломга мўминлар ҳақида хитоб қилганидан сўнг, Аллоҳ таоло энди сўзни бево-сита мўминларнинг ўзларига қаратади.

وَعَدَكُمْ اللَّهُ مَغَانِمَ كَثِيرَةً تَأْخُذُونَهَا فَعَجَّلَ لَكُمْ هَذِهِ. وَكَفَّ أَيْدِيَ النَّاسِ عَنْكُمْ وَلِتَكُونَ آيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ وَيَهْدِيَكُمْ صِرَاطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢٠﴾

**20. Аллоҳ сизларга кўпгина ўлжаларни ваъда қилди. Уларни олурсизлар, бунисини сизга тезлатиб берди, (ўтган воқеа) мўминларга ибрат бўлиши учун ва сизларни сиротул мустақиймга бошлаш учун одамларнинг қўлини сиздан тўсди.**

Бу оятда Аллоҳ таоло мўминларга суюнчли ваъда қилиб, келажакда олинадиган кўпгина ўлжаларнинг хабарини бермоқда. Ҳақиқатан, Ҳудайбияда қатнашган зотлар кейин ер юзида кўплаб фатҳларни кўрдилар ва мўл ўлжалар олдилар.

Ояти каримада

«**Бунисини сизга тезлатиб берди**» деганда Ҳудайбия назарда тутилган. Чунки, Ҳудайбия ҳам фатҳ ва ҳам ўлжа ҳисобланган. Унинг фатҳ эканлиги юқорида батафсил айтиб ўтилди. Бу ердаги ўлжа эса, маънавий ютуқлар маъносидадир.

«**Одамларнинг қўлини сиздан тўсди**» ифодасининг маъноси шуки, Қурайш мушриклари сизларга қарши уруш қилмоқчи эди-

лар, Аллоҳ уларнинг кўнглига сулҳни солиб, қўлларини мусулмонларга зарар беришдан тўсди. Ҳудайбияда бўлиб ўтган воқеа

### «Мўминларга ибрат бўлиши учун...»

Яъни, бу воқеада жуда кўп ибратлар содир бўлди. Жумладан, аввалда сулҳга рози бўлмай, уни ёқтирмадилар. Лекин Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилганликлари туфайли иш яхшилик билан тугади. Мўминлар итоаткор бўлганликлари, иймонларида содиқ қолганликлари, Аллоҳнинг амрига сўзсиз бўйсунганликлари мукофотига Аллоҳ таоло уларни сиротул мустақиймга ҳидоят қилди.

Кейинги оятда бундан бошқа яна янги яхшиликларни ҳам ваъда қилиб, унга мўминлар куч-қувват ишлатмасдан, саъй-ҳаракат қилмасдан ҳам эришишларини эслатмоқда.

وَأَخْرَى لَمْ تَقْدِرُوا عَلَيْهَا قَدْ أَحَاطَ اللَّهُ بِهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرًا

**21. Ва сизлар қодир бўлмаган бошқасини ҳам (ваъда қилди). Уни Аллоҳ ихота қилган ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир зотдир.**

«Бошқа» фатҳ борасида тафсир уламолари турли таъвийлар қилганлар. Жумладан, «бошқасини ҳам» деганда Хайбар фатҳи, Макка фатҳи ва яна бошқа фатҳларни назарда тутилган, деб ҳам айтишган. Лекин оятларнинг умумий маънолари, кейинги воқеалар, фатҳларнинг жараёни синчиклаб кузатилса, гап Макка фатҳи устида бораётгани қувватлироқ бўлиб чиқади. Чунки, Ҳудайбиядан кейин мусулмонлар куч-қувват ишлатмасдан, аҳолининг ёрдами ила эришган энг катта фатҳ Макка фатҳи эди. Уни шу тарзда амалга оширишга фақат Аллоҳ таологина қодирдир.

Демак, Ҳудайбиядан сулҳ туфайли ўлжасиз қайтган мўминларга Аллоҳ таоло ўлжанинг ваъдасини берди, кейинроқ эса, ўзлари қодир бўлмаган «бошқасини» ҳам ваъда қилди. Бундан, агар Ҳудайбияда сулҳ ўрнига уруш бўлганида, нима бўлар эди, деган савол чиқади. Бу саволнинг жавоби кейинги оятда берилади. Шу билан бирга, Ҳудайбияда мўминлар заиф-у, мушриклар кучли бўлгани сабабидан сулҳ тузилгани, балки бунинг тагида бошқа ҳикматлар борлиги уқтирилади.

وَلَوْ قَاتَلَكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوَلَّوْا الْأَدْبَارَ ثُمَّ لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا

**22. Агар кофирлар сизлар билан урушганларида, орқага қараб қочар эдилар, сўнгра ўзларига валий ҳам, нусрат бергувчи ҳам топмасдилар.**

Дарҳақиқат, мўминлар ҳақиқий мўмин бўлсалар, кофирлар доимо улардан енгиладилар, улар билан тўқнашганда ортга қараб қочадилар. Мўминларга доимо Аллоҳ таолонинг Ўзи валий ва нусрат бергувчи бўлиб турган бир пайтда, кофирларнинг бундай валийси ва нусрат бергувчиси бўлмайди. Чунки, бу нарса:

سُنَّةَ اللَّهِ الَّتِي قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلُ وَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّةِ اللَّهِ تَبْدِيلًا ﴿٢٣﴾

**23. Аллоҳнинг аввалдан келаётган суннатидир. Ва Аллоҳнинг суннати ҳеч ўзгартира олмассан.**

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло мўминларнинг ғалабасини ва кофирларнинг мағлубиятини Ўз суннатига боғлаб қўймоқда. Ҳақиқатан ҳам, иймон куфрдан, мўминлар кофирлардан доимо устун келадилар. Зафар доимо мўминларга ёр бўлади. Тўғри, зафар кечикиши, ортга сурилиши ёки вақтинчалик мағлубиятлар бўлиши мумкин. Бу ҳоллар мўминларнинг шахсларидаги камчиликлари, гоҳо иймон тақозоси даражасида юрмасликлари, маълум даврларда ҳатто ақийдадан чекиниб, хурофоту бидъатларга берилишлари, хуллас, жаҳолатга ботишлари сабабли ва яна Аллоҳнинг Ўзи биладиган бошқа ҳикматлар туфайли рўй беради. Мўминларнинг кофирлар устидан ғалаба қилишлари Аллоҳнинг ҳеч ўзгартириб бўлмайдиган суннати бўлганидан кейин, мўминлар кўнгилни тўқ қилиб, ҳаракатни кучайтиришлари лозим. Келаси оятда Аллоҳ таоло мўминларга Ҳудайбия сулҳи давомида уларга қилган яна бир яхшилигини эслатади:

وَهُوَ الَّذِي كَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنْكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ عَنْهُمْ بِبَطْنِ مَكَّةَ مِنْ بَعْدِ أَنْ أَظْفَرَكُمْ عَلَيْهِمْ وَكَانَ

اللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿٢٤﴾

**24. У зот Макка водийсида сизларни уларнинг устидан зафар қозонтирганидан сўнг уларнинг қўлларини сиздан, сизнинг қўлингизни улардан тўсган зотдир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.**

Билдикки, Ҳудайбия сулҳининг ўзи мўминлар учун катта зафар, ғалабадир. Ўша зафар яқунланиш арафасида бир гуруҳ мушриклар фитна қўзғаб сулҳни бекорга чиқаришга уриниб кўришди. Лекин Аллоҳ таолонинг инояти билан фитна содир бўлмади, қон тўкилмади. Мусулмонлар зафар қучиб, мушриклар доғда қолдилар. Ушбу ҳодисани мўминлар ўз кўзлари билан кўрганлар, иштирок этганлар, энди эса, ўзлари учун энг маҳбуб бўлган илоҳий китоб Қуръонда оят бўлиб нозил бўлмоқда.



Мазкур ҳодисани имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Маф-фал розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Аллоҳ Қуръонда зикр қилган дарахт остида Пайғамбар алайҳиссалом билан ўтирган эдик. Дарахтнинг шохи Расулуллоҳнинг орқаларига тушиб турарди. Ул зот Али ибн Абу Толибга сулҳ матнини айтар, у эса ёзар эди. Бирдан, ўтгизтача ёш йигит қуроладини чиқариб, бизга ҳужум қилиб қол-дилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом дуо қилган эдилар, улар жойларида қотиб қолдилар. Ўрнимиздан туриб уларни ушлаб келдик. Пайғам-бар алайҳиссалом уларга: «Бировнинг аҳдига биноан келдингларми ёки биров сизларга омонлик бердими?» — дедилар. Улар: «йўқ», де-йишди. Ҳаммаларини қўйиб юборганларидан сўнг, «У зот Макка водийсида сизларни уларнинг устидан зафар қозонтирганидан сўнг...» оятга тушди.

Оятда «Макка водийси» деб Ҳудайбия назарда тутилган. Энди келадиган оятларда эса, мўминларнинг душмани бўлмиш кофир-лар ва Макка мушрикларининг ҳолатлари билдирилади:

هُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوكُمْ عَنِ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَالْهَدَىٰ مَعَكُوفًا أَنْ يَبْلُغَ مَحَلَّهُ وَلَا رَجَالٌ مُّؤْمِنُونَ وَنِسَاءٌ مُّؤْمِنَاتٌ لَّمْ تَعْلَمُوهُنَّ أَنْ تَطَّوَّهُنَّ فَتَضَيَّبِكُمْ مِنْهُنَّ مَعْرَةٌ بَعْضُهُنَّ لِيَدْخُلَ اللَّهُ فِي رَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ لَوْ تَزَيَّلُوا لَعَذَّبْنَا الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٥٦﴾

25. Улар куфр келтирган, сизларни Масжидул Ҳаромдан, қурбонликларни эса, ушланиб ўз жойига етишидан тўсган ки-шилардир, агар сиз билмайдиган мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бўлмаганида, сизга билмасдан уларни ҳалок қилганин-гиз туфайли гуноҳ етиши бўлмаганида эди, Аллоҳ кимни хоҳла-са, Ўз раҳматига киритиши учун, агар ажраб турганларида эди, улардан кофирларини аламли азоб ила азоблар эдик.

Ушбу оятда душманларнинг очиқ-ойдин кофир эканликлари таъкидланмоқда ва аввал билдирганимиздек, улар дунёда ҳеч ким қилмаган ишни содир этганларини, яъни, Каъбатуллоҳни зиёрат қилгани келаётган кишиларнинг йўлларини тўсиб, уларни Масжи-дул Ҳаромдан манъ қилишгани айтилмоқда.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло мусулмонларга Ҳудайбия сулҳини раво кўрганининг ҳикматларидан бирини ошкор қилади:

«Агар сиз билмаган мўмин эркак ва мўмина аёллар бўлмага-нида, сизга билмасдан уларни ҳалок қилганингиз туфайли гуноҳ етиши бўлмаганида эди...»

Демак, Маккаи Мукаррамада кофирлардан қўрқиб иймонини

яшириб юрган мўмин ва мўминалар бор. Агар урушга рухсат берилганда, мусулмонлар билмасдан ўша дин қардошларини ҳам ўлдириб юборишлари мумкин. Бу эса, катта мусийбат бўлар эди. Бунинг устига, мусулмонлар ўз динидагиларни ҳам ўлдиришяпти, деган маломат тарқалар эди. Айни чоғда, кофирларнинг ичида ҳам кейинчалик Исломга келиб, ҳидоят йўлига кириши мумкин бўлган кишилар кўпчилик эдилар. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг барчаси Макка фатҳидан сўнг мусулмон бўлиб динга катта хизматлар қилишди. Шунинг учун ҳам, оятнинг ўртасида,

**«Аллоҳ кимни хоҳласа, Ўз раҳматига киритиши учун»,** деган жумла келтирилди.

Яъни, шу сабаблардан урушнинг олди олинди, уларнинг қўли сиздан, сизнинг қўлингиз улардан тўсилди, дейилмоқда.

Оятнинг сўнгги қисмида эса, агар Макка аҳлининг кофир ва мўминлари бир-бирларидан ажраб турганларида, Аллоҳ таоло улардан кофирларини аламли азоб ила тутиши турган гап эканлиги таъкидланади. Бу оятда кофирларнинг сиртлари васф қилинди. Кейинги оятда уларнинг ичлари фош қилинади:

إِذْ جَعَلَ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْحَمِيَّةَ الْحَمِيَّةَ الْجَاهِلِيَّةَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَأَلْزَمَهُمْ كَلِمَةَ التَّقْوَى وَكَانُوا أَحَقَّ بِهَا وَأَهْلَهَا وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا

**26. Эсла! Куфр келтирганлар қалбларида «ҳамийят»ни, «жоҳилият ҳамийяти»ни жойлаганларида, Аллоҳ Ўз сокинлигини Пайғамбарига ва мўминларга туширди ва уларга тақво калимасини лозим кўрди, улар ушбуга ҳақли ва аҳл эдилар. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.**

Ҳамийят, аслида, ижобий маънодаги сўз бўлиб, ор-номус ҳимоясини англатади. Аммо, бу оятдаги кофирларнинг жоҳилларча ўз айтганларини ҳимоя қилишлари кесатиқ маъносида «жоҳилият ҳамийяти» деб аталмоқда. Чунки, кофирлар ғирт жоҳиллик қилдилар. Нима бўлса ҳам, бизнинг айтганимиз бўлиши керак, деб туриб олдилар. Ҳолбуки, улар жоҳилият учун ҳамийят қилишди. Дин учун, диёнат учун ёки бирор фазилат, яхшилик учун эмас. Шунинг орқасидан Муҳаммад алайҳиссалом бошчиликларидаги соф ниятли мусулмонларни Масжидул Ҳаромдан манъ қилдилар. Аллоҳнинг уйини зиёрат қилишларига йўл қўймадилар. Уларнинг қурбонлик ниятида Мадийнадан ҳайдаб келган ҳайвонларини ибодат жойига олиб бориб сўйиш-

ларига ҳам имкон бермадилар. Ҳеч бир вақт, ҳеч бир шароитда ҳам содир этилмаган шармандалиқни қилдилар: Улар Байтуллоҳнинг ҳурмати оёқ ости этиб, Масжидул Ҳаромнинг муқаддаслигига мункир бўлдилар. Нима бўлса ҳам, бизнинг айтганимиз бўлсин, деб туриб олдилар.

Макка мушрикларининг бу ҳолатларига қарши иккинчи тараф — Муҳаммад алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар ўзларини қандай тутдилар? Ички дунёлари қандай намоён бўлди?! Аллоҳ таоло уларнинг қалбига ҳамийятнинг ўрнига сокинлик ва ҳаловат солди. Улар мутакаббирлик қилмадилар, тугёнга кетмадилар, ўзлари ё қабилалари учун ғазабга келмадилар. Аксинча, ҳамма нарсани камтарлик ва осойишталик билан, Аллоҳнинг розилигини тилаб қилдилар. Уларга Аллоҳ таоло тақво калимасини раво кўргани ҳам шундан. Шунинг учун ҳам, улар тақво калимасига ҳақли ва аҳл бўлганлар.

### «Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир.»

Ўтган саҳифаларда айтдикки, Пайғамбаримиз бошчиликларидagi саҳобаи киромларнинг умра ниятида Маккаи Мукаррама томон юришларининг асосий сабаби Муҳаммад алайҳиссалом кўрган тушлари эди. Тушларида сочларини олган ҳолатда Байтуллоҳни зиёрат қилиб юрганликлари аён бўлган эди. Пайғамбарларнинг туши ваҳий бўлишига, Каъбани тавоф қилишлари аниқлигига ҳаманинги ишончи комил эди. Бироқ, ниятлари рўёбга чиқмади, аксинча, мушриклар билан ўртада сулҳ тузилиб, орқага қайтишди. Бу ҳолатдан кўпчилик мусулмонларнинг қалбларида, Расулуллоҳнинг тушлари ўнгидан келмади, деган фикр пайдо бўлди. Кейинги оят бундай фикрларнинг асоссиз эканлигини маълум қилади:

لَقَدْ صَدَقَ اللَّهُ رَسُولَهُ الرُّؤْيَا بِالْحَقِّ لَتَدْخُلَنَّ الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ءَأَمِينٌ مُّحَلِّقِينَ  
رُءُوسَكُمْ وَمُقَصِّرِينَ لَا تَخَافُونَ فَعَلِمَ مَا لَمْ تَعْلَمُوا فَجَعَلَ مِنْ دُونِ ذَلِكَ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٧﴾

**27. Батаҳқиқ, Аллоҳ Расулининг тушини ҳақ ила тасдиқлади, албатта, Масжидул Ҳаромга, иншоаллоҳ, омонликда, сочларингиз олинган, қисқартирилган ҳолда, қўрқмасдан кирасизлар. Бас, У сиз билмаган нарсани билади ва сизларга бундан бошқа яқин фатҳни қилди.**

Бу оятда Аллоҳ таоло мўминларга бир неча хушхабар етказмоқда. Аввало, Пайғамбар алайҳиссаломнинг тушларини тасдиқламоқда. Қолаверса, Масжидул Ҳаромга кириш албатта насиб этишининг хабарини бермоқда. Ушбу хабарни Аллоҳнинг Ўзи таъкидлаб

бераётганига қарамай, яна Ўзи «иншоаллоҳ» — Аллоҳ хоҳласа, деган иборани ишлатмоқда. Бундай дейиш иймон одобларидан бўлиб, дунёдаги ҳар бир ишни ва воқеани Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлашдан иборатдир. Бу ваъда Ҳудайбия сулҳидан кўп ўтмай амалга ошди.

Пайғамбар алайҳиссалом Ҳудайбиядан Мадийнаи Мунавварага ҳижрий олтинчи йилнинг Зулқаъда ойида қайтиб келдилар. Зулҳижжа ва Муҳаррам ойлари ўтиб, сафар ойида Хайбарни фатҳ қилдилар. Еттинчи ҳижрий йилнинг Зулқаъда ойида, яъни, роса бир йилдан сўнг Ҳудайбияда иштирок этган саҳобалар билан умрага отландилар. Зул Ҳулайфа деган жойдан ихром боғлаб, қурбонликларини ҳам ҳайдаб олдилар. Ривоятларда келишича, ўшанда Расулуллоҳнинг ўзлари олтишта туя олган эканлар. Ҳаммалари бир бўлиб, «лаббайка»ни айтиб, йўлга тушдилар. Марриз-Заҳрон деган жойга яқинлашганларида Муҳаммад ибн Саламани от ва қуроллар билан олдинга жўнатдилар. Буни кўрган мушриклар, Расулуллоҳни орадаги ўн йилгача уруш қилмаслик аҳдини бузиб, бизга ғазот қилиб келаяпти, деб ўйлаб қўрқувга тушишди ва Макка аҳлига бу хабарни етказишди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломат уассалом Марриз-Заҳронга келиб, ҳарамнинг белгилари кўринадиган жойга тушдилар ва қурол-аслаҳаларини Ботни Яъжиж деган жойга юбориб, ўзлари аҳдномада шартлашилганидек, қиличларини қинида сақлаган ҳолда Маккага қараб юрдилар. Улар йўлда юриб бораётганларида Қурайш томонидан юборилган Макраз ибн Ҳафс исмли киши келиб:

«Эй Муҳаммад! Биз сени аҳдни бузасан деб ўйламаган эдик», деди. Расули Акрам алайҳиссалом:

«Нега бундай деяпсан?» — дедилар. У:

«Бизнинг устимизга силоҳ, найзалар билан келдинг», деди. Пайғамбар алайҳиссалом айтдиларки:

«Ундай бўлгани йўқ биз уларни Яъжижга юбордик». Ибн Ҳафс:

«Биз сени шундай деб — яхшилик ва вафо билан таниган эдик», деди.

Пайғамбаримиз бошлиқ саҳобалар Маккаи Мукаррамага кириб борганларида мушрикларнинг раҳбарлари уларни кўришга тоқат қила олмай, шаҳардан ташқарига чиқиб кетдилар. Қолганлар эса — эркак-аёл, ёш-яланг, қариялар ва болалар йўл четига, томларнинг устига чиқиб томоша қилиб ўтирдилар.

Саҳобалар Пайғамбаримизнинг атрофларида «лаббайка»ни баралла айтиб, кириб келишди. Расули Акрам алайҳиссалом эса, Ҳудайбия куни минган туялари Қасвони минган ҳолларида она шаҳарлари Маккага кириб келдилар. Абдуллоҳ ибн Равоҳа ал-

Ансорий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳнинг туяларини юганидан тутиб:

«Муҳаммад Расули бўлган Зот исми билан,  
Динидан ўзга дин йўқ бўлган Зот исми билан!»  
деб бошланувчи қасидани ўқиган ҳолда келар эди.

Имом Аҳмад Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилишлари-ча, Пайғамбаримиз саҳобалар билан Марриз-Заҳронга келиб тушганларидаёқ Қурайшийлар улар ҳақида: очликдан тинкалари қуриб қолибди-ку, деб гап тарқатишган эди. Буни билган саҳобалар: миниб келган ҳайвонларимиздан сўйиб, гўштини еб шўрвасини ичиб олсак, эртага анавиларнинг олдида тетикроқ турармидик, деб қолишди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ундай қилманглар, қолган овқатларингизни менга тўплаб келинглар», дедилар. Жамлаб келдилар. Расули Акрамнинг шарафлари ила Аллоҳ таоло у таомга барака берди. Тўйиб ейишди, ортиб қолганидан идишларини тўлдириб олишди. Сўнгра, Расулуллоҳ юриб кетдилар. Каъбага яқинлашганларида, қурайшликлар Ҳижри Исмоил тарафдан ўзларини кузатиб турганларини кўрдилар-да саҳобаларга: «Анави қавм сизда заифлик кўрмасин», деб ридоларини қўлтиқлари остига қисиб, Ҳажари асвад рукнини истилом қилдилар ва паҳлавонларча катта-катта қадам ташлаб, айрича юриш қилиб кетдилар. Яман рукнига келиб қурайшликлар кўзидан узоқлашганларида оддий юриш қилдилар. Уч тавофни шундай тарзда, қолганини оддий юриш ила қилдилар. Ушбу амал шундай тартиби билан суннат бўлиб қолди.

Шундай, қилиб Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг тушлари тасдиқланиб, келаси йили Маккаи Мукаррама фатҳи бўлди. У ердаги барча аҳоли Исломга кирди. Ислом Арабистон ярим оролининг бошқа тарафларига ҳам тарқалди. Кейинчалик эса, навбатдаги оятда баён қилинганидек, Аллоҳнинг ваъдаси юзага чиқиб, Ислом барча динлардан устун бўлди.

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا

**28. У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, у(дин)ни барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.**

Дарҳақиқат, ушбу ояти карима тушганидан ярим аср муддат ўтиши билан Ислом дини ўша вақтдаги обод диёрларнинг барчасида зоҳир бўлди. Дунёдаги танилган икки императорлик – Форс ва Рум империяларидан голиб келиб, турли ўлкаларда тарқалди.

Ҳозирги кунда дунёнинг Ислом зоҳир бўлмаган ҳеч бир чеккаси йўқ. Шу билан бирга, Исломнинг кучини ҳамма билади. Дунёни титратиб турган тузумлар, подшоҳлар ҳам Исломни эшитса, тиззаси қалтирайди. Улар ўзаро душман бўлсалар ҳам, Исломга қарши бирлашадилар. Лекин, афсуски, ўзига Ислом нисбатини бериб, мен мусулмонман, деганларнинг аксарлари бу улуғ диннинг моҳиятини тўла тушуниб етмаяптилар. Ана ўшалар тушуниб етганларида, иншоаллоҳ, дунёнинг юзи бошқача бўлади. Суранинг охирида саҳобаи киромларнинг нодир жамоалари аъзоларининг ёрқин сиймолари илоҳий услуб билан васф қилинади:

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ تَرَاهُمْ رُكَّعًا سُجَّدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا  
 مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا سِيمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِنْ أَثَرِ السُّجُودِ ذَلِكَ مَثَلُهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَمَثَلُهُمْ فِي الْإِنْجِيلِ  
 كَزَرْعٍ أَخْرَجَ شَطْأَهُ فَآزَرَهُ فَاسْتَغْلَظَ فَاسْتَوَىٰ عَلَىٰ سُوقِهِ يُعْجِبُ الزُّرَّاعَ لِيغِيظَ بِهِمُ الْكُفَّارَ  
 وَعَدُّوا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنْهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٢٩﴾

29. Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир, у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳимдилдирлар. Аллоҳдан фазл ва розилик талаб рукуъ ва сажда қилган ҳолларини кўрасан. Уларнинг сиймоси сажда асаридан юзларида (балқийди). Ана ўша, уларнинг Таврот ва Инжилдаги мисолларидир. Бу, худди, уруфини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар. Кофирларнинг вазабини қўзитиш учун. Аллоҳ улардан иймон келтириб ва солиҳ амалларни қилганларга мағфират ва улуғ ажрни ваъда қилди.

Бу ояти карима Муҳаммад алайҳиссаломнинг Расулик сифатларини таъкидлаш билан бошланмоқда.

«Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир...»

Маълумки, мушрик ва кофирлар бу сифатларни инкор қилган эдилар. Уларнинг вакили Суҳайл ибн Амр, мазкур сура тафсири аввалида айтилганидек, Пайғамбар алайҳиссалом сулҳ матнини имло қилаётганларида, матндан «Аллоҳнинг Расули» деган иборани ўзгартиришларини қатъий талаб қилиб туриб олган эди. «Биз сенинг Аллоҳнинг Расули эканингни тан олганимизда бу ишларни қилмас эдик» деган маънода гап қилган эди. Ояти карима мушрикларнинг мана шу қайсарликларига қақшатқич зарба бермоқда. Мўмин-мусулмонларнинг яхши сифатлари кўп, аммо ушбу оятда

уларнинг вакиллари бўлмиш саҳобаи киромларнинг баъзи сифатлари махсус васф қилинмоқда:

**«... у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳимдилдирлар».**

Саҳобаи киромларнинг фазлларини зоҳир этиш учун келтирилган ушбу сифат ҳар бир мўминнинг ҳам сифати бўлиши лозим. Саҳобалар, оталари ёки болалари кофирлар сафида бўлсалар, уларга қарши ҳам қаттиққўл бўлганлар. Аммо, ким бўлишидан қатъиназар, мусулмонга меҳрибон бўлишган.

**«... Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб рукуъ ва сажда қилган ҳолларини кўрасан...»**

Уларнинг асосий сифатларидан бири — ҳамма ишни Аллоҳнинг фазли ва розилиги учун қилишлари. Бошқа бирор тараф ёки шахснинг розилиги деб Аллоҳнинг розилигини четга сурмайдилар. Шунинг учун, фазлу марҳаматни ҳам фақат ягона Аллоҳнинг Ўзидан кутадилар.

Яна бир сифатлари,

**«рукуъ ва сажда қилган ҳолларини кўрасан».**

Улар доим рукуъ ва сажда ҳолатида, яъни, ибодат ҳолатида бўладилар. Мўмин-мусулмон шахснинг, хоссатан, оятда мадҳлари келаётган саҳобаи киромларнинг барча ҳаётлари ибодатдан иборатдир. Лекин, шундай бўлса ҳам, банданинг Аллоҳга энг яқин бўладиган пайти — рукуъ ва сажда пайтининг оятда зикр қилиниши бежиз эмас. Ояти каримадаги тавсифдан улар худди доимо рукуъ ва саждада тургандек тасаввур пайдо бўлади.

**«Уларнинг сиймоси сажда асаридан юзларида (балқийди).»**

Яъни, ибодатнинг асари юзларидан билиниб туради. Бу, оддий ҳақиқат бўлиб, ибодатли, пок, тақводор инсонларнинг юзларидан иймон нури ёғилиб туришини ҳар бир мулоҳазали, кўзи очик киши кўра олади.

Пайғамбаримиздан қилинган ривоятлардан бирида: кимнинг кечасида намози кўпайса, кундузида юзи чиройли бўлади, дейилган. Саҳобаи киромлар бу борада ҳаммага ўрнатилган бўлганлар.

**«Ана ўша, уларнинг Таврот ва Инжилдаги мисолларидир.»**

Ушбу ояти каримадан маълум бўладики, саҳобаи киромларнинг сифатлари аввалги илоҳий китоблар Таврот ва Инжилда ҳам зикр қилинган. Маълумки, ҳозирда яҳудийларнинг қўлларидаги Таврот Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таолодан туширилган ҳақиқий Таврот эмас, балки бузилиб, ростидан ёлғони, тўғрисида нотўғриси кўп ҳолатга келган бир китобдир. Инжил ҳақида ҳам худди шу нарсани айтиш мумкин. Шундай бўлса-да, уламоларимиз бу икки китобнинг ҳозирги нусхаларидан ҳам мазкур ояти каримани тас-

диқловчи матнларни топишган. Биз ўрганаётган ояти каримада эса, ҳақиқий, ҳеч бузилмаган илоҳий васф келган, у ҳам бўлса:

**«Бу, худди, урувини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар».**

Ушбу зарбулмасал ила Аллоҳ таоло Ислом динининг бошланиши, ўсиши, улғайишини баён қилмоқда. Чунки, Муҳаммад алайҳиссалом ёлғиз ўзлари бошлаган даъватни саҳобаи киромлар қўллаб-қувватладилар ва шу тарзда, худди, қобифини ёриб чиққан уруғ аста-секин ривожланиб, деҳқоннинг кўзини қувонтирадиган ўсимликка айлангани сингари, Ислом ҳам Пайғамбаримиз бошчиликларидаги саҳобалар жамиятида ўсиб кўзни қувонтириб борди.

Лекин бу ҳолат кофирларнинг ғазабини қўзитар эди. Шунинг учун ҳам, ояти каримада

**«Кофирларнинг ғазабини қўзитиш учун»,** деган ибора келди. Ушбу маънодан келиб чиқадики, саҳобалардан ғазаби қўзиган, уларни беҳурмат қилганлар кофирлар қаторига қўшилар эканлар. Оятдаги шунчалик иззат-икром устига Аллоҳ таоло саҳобаи киромларга яна мағфират ва улуғ ажрларни ҳам ваъда қилмоқда:

**«Аллоҳ улардан иймон келтириб ва солиҳ амалларни қилганларга мағфират ва улуғ ажрларни ваъда қилди».**

Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, У зот Ўз ваъдасига асло хилоф қилмайди. Саҳобалар — улуғ инсонлар. Пайғамбаримизнинг суҳбатларини топишдан ҳам улуғроқ бахт борми дунёда?! Шунинг учун ҳам, ҳар бир мусулмон саҳобаи киромларнинг ҳурматларини ўрнига қўйиши лозим. Уларга нисбатан беодоблик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларидан бирида: «Саҳобаларимни сўкманглар, менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар бирортангиз Уҳуд тоғидек олтин нафақа қилсангиз ҳам, уларнинг битгасининг бир муддига (оғирлик ўлчови) тўғри келмайди», деганлар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизни саҳобаи киромлардан ўрнак олиб, уларни ҳурматлаб яшашга муяссар қилсин.





## ҲУЖУРОТ СУРАСИ

*Мағийнада нозил бўлган. 18 оятдан иборат.*

«Ҳужурот» – «хужралар» деганидир. Суранинг ичидаги «...сени хужралар ортидан чақираётганлар...» оятдан олиниб, сурага исм бўлиб қолган. «Ҳужурот» сураси ўн саккиз оятдан иборат бўлишига қарамай, ичида ўн саккиз минг оламга татигулик маънолар бор. Зеро, ушбу сура шариат ва ақийдага оид улкан ҳақиқатларни ўз ичига олган. Бу сураи каримани уламоларимиз «одоб ва ахлоқ сураси», деб ҳам атайдилар. Чунки, «Ҳужурот» сурасида мўмин кишининг Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога нисбатан одоби, Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан одоби, ўзига нисбатан ва бошқаларга нисбатан одоби баён қилинган. Сураи карима аввалидан охиригача одоб масаласини атрофлича муолажа қилади.

Биринчи оятдаёқ Аллоҳ ва Расулдан, Қуръон ва Суннатдан аввал ўзича фикр ёки ҳукм айтмаслик одобига амр бўлади.

Кейин, Пайғамбар алайҳиссаломга вассалом ҳузурларида овозни балад кўтармаслик одоби, Расули Акрам алайҳиссалом билан доимо камоли одоб ила муомала қилиш масаласи, фосиқ одам келтирган хабарни текшириб кўриш, шошма-шошарлик билан унга ишониб бир иш қилиб қўймаслик ва кейин надомат чекиб юрмаслик, Пайғамбар алайҳиссаломга ўз фикрини мажбур қилиб ўтказмаслик, мўмин-мусулмонларнинг орасини ислоҳ қилиш, ҳаддидан ошиб, зулмкор бўлганларни, уруш қилиб бўлса ҳам, зулмдан қайтариш, ислоҳ қилиш жараёнида адолатли бўлиш, доимо мўмин-мусулмонларнинг дўст-биродарлиги йўлида ҳаракат қилиш, иймон аҳлини масхаралашдан, яхши кишилардан бадгумон бўлишдан тийилиш, кишиларни лақаб қўйиб камситишдан, жосуслик қилишдан сақланиш, хусусан, ботил аҳллари фойдасига аҳли хайрлар кетидан жосуслик қилишни тарк этиш, гийбатчиликни ташлаш, иймон аҳлини айблашдан, ҳасабу насаб, миллатчилик асосидаги ўзаро фахрланишдан воз кечиш, Ислом ва иймонни миннат қилишни тарк этиш... каби зарур масалалар муолажа қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْدُمُوا بَيْنَ يَدَيْ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَاتَّقُوا اللَّهَ ۖ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

**1. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан ва Унинг Расулидан олдин шошилманглар. Ва Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир.**

«Ҳужурот» сурасининг, «одоб ва ахлоқ сураси» номини олган суранинг биринчи оятида Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга Ўзи билан ва Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом билан қандай одобда бўлишлари лозимлигини баён қилмоқда.

Бу илоҳий хитоб мўминларнинг маҳбуб хитоби:

«**Эй, иймон келтирганлар!**» хитоби ила бошланмоқда. Хитобнинг давомида эса,

«**Аллоҳдан ва Унинг Расулидан олдин шошилманглар**», дейилмоқда.

Яъни, мўмин-мусулмонлар ҳеч бир ишда ҳовлиқмасликлари, ҳар бир нарсани Аллоҳнинг амрига ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига эргашган ҳолда қилишлари лозимлиги уқтирилмоқда. Шунингдек, Аллоҳга ва Пайғамбар алайҳиссаломга «ундай бўлсин, бундай бўлсин», деб ўзбошимчалик билан таклифлар киритишдан ҳам қайтарилмоқда.

Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, у киши: «Баъзи одамлар, фалон масалада ундоқ оят тушса эди, писмадон масалада бундоқ оят тушса эди, мана бу тўғри бўлса эди, дейишарди. Бу, Аллоҳга ёқмади ва ушбу оятни туширди», деган эканлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу оятни тушунтириб: «Қуръон ва Суннатга хилоф гап айтманг», деган маънони айтганлар.

Бу, албатта, мўмин банданинг Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога, Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан одобидир. Шу билан бирга, бу — шариатнинг асл қоидаси ҳамдир. Мўмин-мусулмон киши ҳар бир иш ёки тасарруфдан олдин ушбу ишда Аллоҳнинг ҳукми ёки суннат қандайлигини билиб, сўнгра қўл уриши даркор. Ўзбошимчалик билан, кўнгилга келган ишни қилавериш мўмин-мусулмонларга тўғри келмайди. Аввалги мусулмонлар бу кўрсатмага тўлиқ риоя қилганлар ва шунинг учун ҳам, доимо ишлари ўнгидан келган.

Имом Термизий қилган ривоятда келишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазрати Муозни Яманга юбораётганларида у кишидан:

«Нима билан ҳукм қиласан?» – деб сўрадилар. Муоз розияллоху анху:

«Аллоҳнинг китоби билан», деб жавоб берди. Пайғамбаримиз:

«Агар ундан тополмасанг-чи?» – деб сўрадилар. Шунда Муоз розияллоху анху:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатлари билан», деди. Расули Акрам:

«Ундан ҳам топа олмасанг-чи?» – деб сўрадилар. Шунда Муоз розияллоху анху:

«Ўз фикрим ва ақлим билан уринаман, бўш келмайман», деди. Пайғамбар алайҳиссалом хурсанд бўлиб, у кишининг кўксига уриб:

«Расулуллоҳнинг вакилини Расулуллоҳни рози қиладиган нарсага бошлаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!» – дедилар.

Саҳобаи киромлар Пайғамбар алайҳиссалом бирор оддий нарсани сўрасалар ҳам, ушбу оятдаги амрни бузишдан қўрқиб, ўзингиз биласиз, дер эдилар. Нақадар буюк одоб!

**«Ва Аллоҳга тақво қилинглр.»**

Чунки, Аллоҳга тақво қилиш барча олиймақом ахлоқ-одобларни тақводорда жамлайдиган ишдир. Шу жумладан, фақат тақводор шахсина Аллоҳдан ва Унинг Расулидан олдин шошилмайдилар.

**«Албатта Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир.»**

У зот сиз Аллоҳдан ва Унинг Расулидан олдин шошиляпсизми, йўқми ҳамда тақво қияпсизми, йўқми – ҳаммасини эшитиб ва билиб туради.

Иккинчи оятда Пайғамбар алайҳиссалом билан гаплашиш одоби, у зотни улуғлаш, у киши билан бирга мажлисда бўлганда ўзини қандай тутиш ҳақида сўз кетади.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تَرْفَعُوْا اَصْوٰتَكُمْ فَوْقَ صَوْتِ النَّبِيِّ وَلَا تَجْهَرُوْا لَهُ بِالْقَوْلِ كَجَهْرِ

بَعْضِكُمْ لِبَعْضٍ اَنْ تَحْبَطَ اَعْمَالُكُمْ وَاَنْتُمْ لَا تَشْعُرُوْنَ ﴿٦٠﴾

**2. Эй, иймон келтирганлар! Овозингизни Пайғамбар овозидан юқори кўтарманг ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек дағал сўз айтманг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин.**

Бу ояти карима ҳам, худди аввалгиси каби, мўминлар учун энг сеvimли нидо:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** нидоси билан бошланяпти.

Бу нидо ҳар бир иймонли шахснинг қалбини жунбушга келтириб, иймон шабадасини эстиради, кўнгилда иймон номи билан буюриладиган ҳар бир амру фармонга тайёрлик руҳини оширади. Жумладан, ушбу оятдаги буйруқ ва қайтариқларга ҳам сўзсиз амал қилишга чорлайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳикмати ила ҳар бир оятнинг тушиш вақти ва макони ҳам энг таъсирли бир ҳолатларда бўлиб, кейинчалик оятлар мазмунини тушунишга ва унга амал қилишга бевосита ёрдам беради. Жумладан, мазкур оятнинг тушиш сабаби ҳақидаги ривоятда айтилишича, ҳижратнинг тўққизинчи йилида Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига Бани Тамим қабили вакиллари келиб Исломни қабул қилган пайтларида ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

«Эй Расулуллоҳ, уларга Қаъқаъ ибн Маъбадни амир қилинг», дебдилар. Ҳазрати Умар эса:

«Ал-Ақра ибн Ҳобисни амир қилинг», дебдилар. Шунда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу:

«Сен менга хилоф қилишни хоҳлаб шундай қилдинг», деганларида, ҳазрати Умар:

«Мен хилоф қилишни хоҳлаганим йўқ», деб жавоб берибдилар.

Орада гап айланиб, бир-бирларига овозларини кўтарибдилар. Шу воқеа мазкур оятнинг нозил қилинишига сабаб бўлган экан.

**«Эй, иймон келтирганлар! Овозингизни Пайғамбар овозидан юқори кўтарманг...»**

Демак, мусулмон инсон Пайғамбар алайҳиссалом бор жойда овозини у зотнинг овозларидан баланд қилмаслиги керак.

Уламоларимиз ушбу маънога қиёс қилиб, мусулмонлар ўз ота-оналари, устозлари, раҳнамолари ва муҳтарам зотлар бор жойда ҳам овозларини баланд кўтариб одоб доирасидан чиқмасликлари матлубдир, дейдилар.

**«...ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек дағал сўз айтманг...»**

Яъни, Пайғамбар алайҳиссаломга бошқа оддий мусулмонларга айтадиган дағал сўзлар ила муомала қилманг. Ул зот билан бўладиган сўзлашувингизда юксак одоб доирасида бўлинг. Яна,

**«...ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин».**

Демак, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбаридан олдин шошилиш ҳамда Пайғамбаримиз алайҳиссалом бор жойда овозни у зотнинг овозларидан баланд кўтариш ва ниҳоят, у зотга бошқаларга айтган

каби дағал сўзларни айтиш инсонлар қилган савобларининг ҳабата бўлишига, яъни бефойда бўлиб қолишига сабаб бўлар экан. Шунинг учун, бу масалада жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқ зарур.

Ушбу оят тушгандан кейин, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу: «Эй, Аллоҳнинг Расули, энди сиз билан фақат сирдошим билан гаплашгандек гаплашаман», деган эканлар.

Қуръони Каримнинг бошқа оятлари каби бу ояти карима ҳам барча саҳобаларга қаттиқ таъсир қилди. Улар ушбу оятдаги «Ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата (бекор) бўлиб қолмасин» жумласининг ҳақиқий маъносини англаб етганларидан сўнг, қалблари ларзага келди, вужудларини титроқ босди, ўзларини тафтиш қила бошладилар. Баъзиларида оятда зикр қилинган камчилик бўлса, тузатдилар, баъзилари эса, оят айнан ўзлари ҳақида тушган деб қабул қилдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки: «Собит ибн Қайс ибн аш-Шаммос баланд овозли одам эди. «Эй, иймон келтирганлар! Овозингизни Пайғамбар овозидан кўтарманг...» ояти тушганда у киши, овозини Пайғамбарга кўтарган ўша одам менман, дўзах аҳлидан бўлган ҳам менман, қилган амалим ҳабата (бекор) бўлди, деб аҳли аёли ичида хафа-ҳазин бўлиб ўтириб қолди. Иттифоқо, шу пайт уни Расулуллоҳ алайҳиссалом ахтариб қолдилар. Кишилар унинг ҳузурига бориб:

«Сени Расулуллоҳ алайҳиссалом ахтаряптилар, сенга нима бўлди?» — дейишди. Шунда у киши:

«Овозини Пайғамбарнинг овозидан баланд кўтарган менман, у кишига дағал сўз айтган ҳам менман, амалим ҳабата (бекор) бўлди, мен дўзах аҳлиданман, деди. Келиб Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хабарни етказдилар. Шунда у зоти бобарокат:

«Йўқ, у жаннат аҳлидандир», дедилар».

Буюк тафсирчилардан Ибн Касир Пайғамбар алайҳиссалом қабрлари олдида овозини баланд кўтариш, худди тирикликларида ҳузурларида овозини баланд кўтарганидек макруҳдир, чунки, у киши ҳаётларида муҳтарам бўлганларидек, қабрларида ҳам муҳтарамдирлар, деган эди.

Бир куни ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг масжидларида икки кишининг овози кўтарилганини эшитиб, олдиларига келиб:

«Икковингиз қаерда турганингизни биласизми?» — дебдилар ва сўнгра яна сўрабдилар:

«Қаерликсизлар?» Улар тоифлик эканликларини айтишибди. Шунда ҳазрати Умар:

«Агар мадйиналик бўлганларингизда яхшилаб адабингизни берардим», дебдилар.

Келаси оятда Аллоҳ таоло овозини пастлатиб сўзлашиш Пайғамбар алайҳиссаломга ҳурмат бўлиши билан бирга, қалбдаги тақвонинг нишонаси ҳам эканлигини таъкидлайди.

إِنَّ الَّذِينَ يُغْضُونَ أَسْوَاتَهُمْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ امْتَحَنَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ لِلنَّقْوَىٰ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ

**3. Албатта, Расулуллоҳнинг ҳузурида овозларини пастлатганлар, ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақвога имтиҳон қилган зотлардир. Уларга мағфират ва улкан ажр бор.**

Ушбу ояти каримадан олдин келган икки оятга амал қилиб, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурида овозларини пастлатганлар улкан даражага эришган зотларга айланар эканлар.

**«Албатта, Расулуллоҳнинг ҳузурида овозларини пастлатганлар, ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақвога имтиҳон қилган зотлардир.»**

Яъни, бундоқ кишиларнинг қалблари тақво имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, ўзлари ҳақиқий тақводорлик мартабасига сазовор бўлган зотлардир. Охирада эса,

**«Уларга мағфират ва улкан ажр бор».**

Бу ояти каримадан кўплаб ҳукмлар келиб чиқади. Жумладан, инсон қалбининг нажоти Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан бўлган одобига боғлиқ. Уламолар, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларида ёки қабрлари ёнида овозни баланд кўтариш манъ бўлганидек, у кишининг ҳадисларини ўқиётганда, олимлар ҳузурида ҳам манъ қилинади, деганлар.

Яна, оятдан тушуниладики, инсон қалби имтиҳон қилинар экан, имтиҳондан ўтганига «тақво» деб номланган улуғ неъмат раво кўрилар, ўтмаганига эса раво кўрилмас экан. Худди шу маънони Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисдан ҳам тушуниб оламиз: «Қалблар бир-бир фитналарга учратиб чиқилади. Қайси қалб уларни қабул қилса, уларга қора доғ тушади, қайси қалб инкор қилса, оқ доғ тушади. Охири қалблар икки хил бўлиб қолади. Бир хили Сафо сингари оппоқ бўлиб, осмонлару ер бор экан, унга фитна зарар қила олмайди. Иккинчиси қопқора бўлиб, бундай қалб эгаси яхшилиқни билмайди, ёмонликдан қайтмайди, ҳавойи нафси бунорганидан бошқани қилмайди.»

Имом Аҳмад Мужоҳиддан «Китобиз-Зухд»да қуйидаги ривоятни келтирган: «Ҳазрати Умарга:

«Эй, мўминларнинг амири, гуноҳ ишни хоҳламайдиган ва қилмайдиган одам афзалми ёки хоҳлаб туриб қилмайдиган одам афзалми?» – деб хат ёзишибди. Ҳазрати Умар:

«Албатта, гуноҳни хоҳлаб туриб қилмайдиганлар афзал, ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақвога имтиҳон қилган зотлардир», деб ёзган эканлар.

Ҳа, тақво улкан неъмат бўлиб, ҳар кимга ҳам берилавермайди. Синовдан яхши ўтган, қабул қилишга тайёрланган, шундай улуғ илоҳий неъматга ҳақли бўлган қалбларгагина Аллоҳ таоло тақвони беради.

Кейинги ояти карима Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳурматларини жойига қўймай, овозларини баланг кўтариб, бақир-чақир қилганларни васф этгандир. Оятда бундай қилиш нақадар ноқулай эканлиги воқеъликдаги жонли мисол билан исботланади:

Эй Пайғамбар!

إِنَّ الَّذِينَ ينادُونَكَ مِنْ وَرَاءِ الْحُجُرَاتِ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٤١﴾ وَلَوْ أَنَّهُمْ صَبَرُوا حَتَّى تَخْرُجَ إِلَيْهِمْ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٤٢﴾

**4. Албатта, сени ҳужралар ортидан чақираётганларнинг кўплари ақл ишлатмаслар.**

**5. Агар уларнинг ҳузурига чиққунингча сабр қилсалар, ўзлари учун яхши бўларди. Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир.**

Маккаи Мукаррама фатҳ қилингандан сўнг турли қабилаларнинг вакиллари Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, Исломни қабул қилганларини эълон қила бошладилар. Уларнинг кўплари саҳровий, таълим кўрмаган, қўпол аъробийлар эдилар. Шулардан бири, Бани Тамим қабиласининг бошлиғи ал-Акраъ ибн Ҳабис келиб, Пайғамбаримиз аҳли аёллари билан истиқомат қиладиган ҳужралари ортидан туриб: «Ҳой, Муҳаммад, ҳой, Муҳаммад, менга қара, менинг мақтовим зийнат, ёмонлашим айбдир», деган экан. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни туширган.

**«Албатта, сени ҳужралар ортидан чақираётганларнинг кўплари ақл ишлатмаслар.»**

Агар улар ақлларини ишлатганларида, сени ҳужралар ортидан қўполлик ила, эй Муҳаммад, эй Муҳаммад, деб чақирмас эдилар. Балки, уйда, аҳли аёлининг ҳузурига турган одамга, Аллоҳнинг танлаб олган Пайғамбарига кўрсатилиши лозим бўлган юксак одоб намуналарига амал қилар эдилар.

**«Агар уларнинг ҳузурига чиққунингча сабр қилсалар, ўзлари учун яхши бўларди.»**

Ахлоқ-одобнинг тақозоси шу эди. Бировда иши бор одам у кишини кутиши, қулай фурсат келишини пойлаши лозим. Тўғридан-тўғри келиб, овозининг борича бақиравериш яхши эмас. Ана ўша бақироқ аъробийлар масжидда ўтириб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳужраларидан масжидга чиқишларини кутсалар, ўзларига яхши бўлар эди. Ҳеч бўлмаганда, уларнинг мазамматига оят тушмаган бўлар эди. Шундоқ бўлса ҳам,

### **«Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир».**

Мазкур беодоблар тавба қилсалар, бундоқ беодобликларига надомат қилиб, уни яна такрорламасликка азму қарор қилсалар, Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳини мағфират қилиб, ўз раҳматини дариф тутмайди.

Мулоҳаза қилсак, Макка фатҳидан кейин, яъни, тўққизинчи ҳижрий йилда, Пайғамбаримиз алайҳиссалом атрофларига барча қабила-лар ўз вакиллари юбора бошлади. Ҳатто, ўша йилни «Омул вуфуд—вакиллар йили», деб ҳам атади. Аввал айтганимиздек, улар саҳровий аъробийлар бўлиб, қўпол муомалали кишилар эдилар. Оятнинг тушишига Тамим қабиласидан ал-Акраъ ибн Ҳабис воқеаси сабаб бўлса-да, бошқалар ҳам бундан ибрат олишга муҳтож эдилар. Қуръони Карим шу тарийқа ижтимоий одоб-ахлоқларни ҳам таомилга киритиб юборган.

Юқорида айтилган каби беодобликларни содир этган шахсларни ояти карима «ақларини ишлатмайдиғанлар» деб васф қилди. Ҳақиқатан ҳам, Пайғамбар алайҳиссаломга қўпол муомала қилувчилар бу васфга лойиқ бўладилар. Айни чоғда, ушбу оятнинг охирида тавба этишга ва умидни узмасликка тарғиб қилинди, Аллоҳнинг Ғофур ва Роҳийм сифатлари ёдга солинади.

Мусулмонлар бу юксак одобни яхшилаб ўзлаштириб олганлар. Улар нафақат Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан, балки ҳар бир олим, фозил кишиларга қиладиган муомалаларида ҳам бу одобга амал қиладилар.

Сураининг аввалидаги мўминларга қилинган биринчи нидода Аллоҳ ва Унинг Расулидан бошқа масдардан бирор ҳукми қабул қилмаслик, иккинчи нидода эса, раҳбарият билан бўладиган одоб ҳақида оят нозил бўлган эди. Энди келадиган нидода эса, кимдан хабарни қабул қилмаслик, кимдан қабул қилишлик ва қабул қилиш қандай бўлиши ҳақида сўз кетади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اِنْ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَاٍ فَتَبَيَّنُوْا اَنْ تُصِيْبُوْا قَوْمًا بِجَهَلَةٍ فَتُصْحِرُوْا عَلٰى مَا

فَعَلْتُمْ نَدِمْتُمْ عَلَيْهِمْ



**6. Эй, иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқ-лаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусийбат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар.**

Келинглр, ояти каримани чуқурроқ тушуниш учун аввал унинг тушиши сабабини ўрганайлик. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўзларининг «Муснад» китобларида Бани Мусталақ қавми подшоси, уммул мўминин Жувайрия бинти ал-Ҳорис розияллоҳу анҳонинг оталари ал-Ҳорис ибн Аби Зирор ал-Хузозий розияллоҳу анҳудан ривоят қилдиларки, у киши дебдирлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганимда, у киши мени Исломга даъват қилдилар, мен Исломга кирдим ва иқрор бўлдим. Сўнгра мени закотга чақирдилар, унга ҳам иқрор бўлдим. Сўнгра: «Эй, Аллоҳнинг Расули, рухсат берсангиз, бориб қавмимни Исломга ва закот беришга чақирсам, ким кўнса, закотларини жамлаб қўйсам, фалон вақтда бир вакил юборсангиз, мен жамлаган закотларни олиб келса», дедим».

Сўнгра ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу ўзига эргашганларнинг закотини жамлаб қўйиб кутди, Пайғамбар алайҳиссалом вакил юборишлари лозим бўлган вақт келди, лекин вакил келмади. Ал-Ҳорис, меңдан Аллоҳнинг ва Пайғамбарининг аччиғи чиқди, шекилли, деб гумон қилди ва ўз қавмининг аъёнларини жамлаб: «Расулуллоҳ менга вакил юбориш учун вақт белгиланган эдилар. Вакил келиб меңдаги закотни олиши керак эди. Расулуллоҳ ваъдага хилоф қилмайдилар, вакилларининг ушланиб қолиши аччиқлари чиққанлигидан деб биламан. Келинглр, ўзимиз Расулуллоҳнинг ҳузурларига борайлик», деди.

Бу орада Расулуллоҳ алайҳиссалом Валид ибн Уқба исми кишини ал-Ҳориснинг олдига, закотни олиб келиш учун, вакил қилиб юборган эдилар. Аммо Валид бир жойга етиб, негадир қўрқиб орқага қайтди ва Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ал-Ҳорис закотни бермасдан мени ўлдирмоқчи бўлди», деди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ғазаблари чиқди ва ал-Ҳорисга гуруҳ юбордилар. Юборилган кишилар энди Мадийнаи Мунаварадан чиққан эдилар, олдиларидан ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу одамлари билан чиқиб қолдилар. Юборилганлар:

«Ана, ал-Ҳориснинг ўзи келяпти», дедилар. Ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу яқинлашиб келиб:

«Кимга юборилдингиз?» — дея сўрадилар. Улар:

«Сенга», дейишди. У киши:

«Нима учун», дедилар. Улар:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом сенга Валид ибн Уқбани юборган эдилар, унинг айтишича, сен унга закотни бермай, уни ўлдирмоқчи бўлибсан», дедилар. Шунда ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу:

«Йўқ, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳақ дин билан юборган Зотга қасамки, уни ҳеч кўрганим йўқ ва у менинг олдимга келгани ҳам йўқ», дедилар. Ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига кирган эдилар, у зоти шариф:

«Закотни бермай, вакилимни ўлдирмоқчи бўлдингми?» – дедилар. Ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу:

«Йўқ, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, уни кўрмадим ва у менинг олдимга келгани ҳам йўқ, менинг олдимга Расулуллоҳнинг вакили бормагани учун, Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг меъдан аччиғи чиқдимикин, деб бу ерга келдим, холос», дедилар. Шу пайт: «Эй, иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар», ояти нозил бўлди».

Шу ерда имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ривоятлари тугайди. Мазкур ривоятда кишини ажаблантирадиган ҳолатлардан бири – Расулуллоҳнинг вакиллари Валид ибн Уқбанинг айтилган ерга бормасдан, кўрқиб орқага қайтиб келиб, ёлғон сўзлашидир. Одатда, саҳобийлардан бундай иш содир бўлиши амримаҳол. Бу ҳақда аввалги уламолар ҳам кўп фикр юритишган, турли мулоҳазаларни билдиришган. Лекин қиссани яхшилаб ўрганиб чиқсак, ажабланишимизга ўрин қолмайди, деб ўйлайман. Нега Расулуллоҳнинг вакиллари келмаяпти, деб ташвишланиб, қавми билан ўзи боришга аҳд қилган ал-Ҳорис ибн Аби Зирор ал-Ҳузозий розияллоҳу анҳу от-уловни ҳозирлаб, кийиниб, қуролланиб йўлга чиқмоқчи бўлиб турганларида Валид розияллоҳу анҳу бу ҳолни узоқдан кўриб ёки бировдан эшитиб, булар диндан қайтишган экан, билмабмиз-да, мана қуролланиб чиқишмаяпти-ку, деб кўрққан бўлиши турган гап. У орқасига қайтган, ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу ҳам ўз йўлларида давом этганлар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз юборган иккинчи гуруҳ Мадийнаи Мунавварадан чиқар-чиқмас улар етиб келишган.

Бу ояти карима мусулмонлар ҳаётидаги энг муҳим масалани муолажа қилади. У ҳам бўлса, хабарни қабул қилиш масаласи. Агар хабар Аллоҳдан ва Пайғамбар алайҳиссаломдан бўлса, сўзсиз қабул қилиш вожибдир. Қабул қилмаганлар гуноҳкори азим, кофир бўладилар. Энди, одамлардан хабар қабул қилишга келсак, бу бир неча турга бўлинади. Аввало, хабарчи динда, сўзида ўта ишончли киши бўлса, унинг хабари қабул қилинади. Хабарчи фосиқ бўлса, яъни, умрида бирор марта ёлғон гапирган, шариат ҳукмларидан бирортасига бирор марта амал қилмаган бўлса ёки унинг ишончли-ишончсизлиги маълум бўлмаса, дейликки, нотаниш одам ёки хабари синаб кўрилмаган кимса бўлса ва ҳоказо, унинг хабари текширилмай туриб қабул қилинмайди. Бошқа

ишончли манбалардан хабарнинг тўғрилиги собит бўлсагина, қабул қилинади.

**«Эй, иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусийбат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар.»**

Ушбу сураи каримада Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга хитоб қилароқ учинчи марта:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** — демоқда. Демак, улар учун жуда ҳам муҳим бўлган бир хабарни етказмоқчи.

**«Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар...»**

Оятни каримада Аллоҳ таоло «фосиқ хабар келтирса, аниқлаб» хабарнинг собитлигини текшириб кўришга амр қилмоқда. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш вожиб. Афсуски, мусулмонлар ушбу оятга амал қилмаганлари оқибатида катта мусийбатларга дучор бўлмоқдалар. Бир хабарни эшитиши биланоқ, суриштирмай, бирор иш қилинса, кейин хабарнинг ёлғонлиги ёки хатолиги аён бўлса, ҳақиқатан афсус-надоматга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло:

**«...бир қавмга билмасдан мусийбат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар»,** демоқда.

«Надомат» афсусланишдир. Афсусланиш бўлганда ҳам, доимий, бардавом афсусланишдир. Мисол учун, сабаби нузулдаги ҳодисани олсак. Агар Валиднинг гапига ишониб, суриштириб аниқламасдан, кофир бўлибди, деб ал-Ҳорисни ўлдириб қўйилганида, ҳақиқатни билгандан сўнг ҳамма доимий надоматда қолган бўлар эди.

Кейинги оятнинг маъносига назар соладиган бўлсак, мусулмонларнинг ичида Валид ибн Уқбанинг хабарини эшитгандан сўнг ал-Ҳорис розияллоҳу анҳуни ўлдиришга шошилиб, Пайғамбар алайҳиссаломни қистаганлар ҳам бўлганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам, оят уларга ичларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг бўлишлари улкан илоҳий неъмат эканлиги ва буни қадрламоқ лозимлигини эслатиб қўймоқда:

وَأَعْلَمُوا أَنَّ فِيكُمْ رَسُولَ اللَّهِ لَوْ يُطِيعُكُمْ فِي كَثِيرٍ مِّنَ الْأَمْرِ لَعَنِتُمْ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ حَبَّبَ إِلَيْكُمُ  
 الْإِيمَانَ وَزَيَّنَهُ فِي قُلُوبِكُمْ وَكَرَّهَ إِلَيْكُمُ الْكُفْرَ وَالْفُسُوقَ وَالْعِصْيَانَ أُولَٰئِكَ هُمُ الرَّاشِدُونَ

**7. Ва билингларики, албатта, ичларингизда Расулulloҳ бордир. Агар у ишлардан кўпида сизга итоат қилса, албатта, қийинчиликка дучор бўлардингиз. Лекин, Аллоҳ сизларга иймонни маҳбуб қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади ва сизларга куфрни, фисқни ва исённи ёмон кўрсатди. Ана ўшалар тўғриликда юрувчилардир.**

Мусулмон умматининг, саҳобаи киромларнинг катта бахти шундан иборатки, бу умматнинг ишларига Аллоҳнинг Ўзи аралашиб, хатоларини тўғрилаб, адашганда йўлга солиб, ёдидан кўтарилганда эслатиб туради. Сураи кариманинг аввалидан буён Аллоҳ ва Пайғамбар алайҳиссаломдан олдин бирор нарсани бошлаб юбормаслик, раҳбариятга бўйинсуниш, доимо кутиб туриш таъкидлаб келинаётган эди.

Валид ибн Уқба ҳодисасига келганда мазкур тавсиялар ёддан кўтарилиб, баъзи кишилар яна шошқалоқлик қилдилар, ичларида Аллоҳнинг Пайғамбари юрганликларини унутиб қўйдилар. Шунда Аллоҳ таоло дарров бу хатони тўғрилаш учун Ўзи аралашиб:

**«Ва билинглarki, албатта, ичларингизда Расулуллоҳ бордир»,** деди.

Ўзингизча тасарруф қилаверманглар, ичларингизда юрган Пайғамбар Аллоҳнинг ояти ёки ўзининг суннати ила йўл бошлагани афзалдир, деди.

Кейин эса, агар Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг гапларига кириб, айтганларини қилаверсалар, турли қийинчиликларга дучор бўлишлари эслатилмоқда.

**«Агар у ишлардан кўпида сизга итоат қилса, албатта, қийинчиликка дучор бўлардингиз.»**

Аммо шариат кўрсатганидек, шўро-маслаҳат сифатида Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларнинг фикр-мулоҳазаларини билишлари бунга кирмайди. Ҳар ким ўзича таклиф киритавериши эса, яхшиликка олиб келмайди. Бу ҳақиқатни ояти карима: «Агар у ишлардан кўпида сизга итоат қилса, албатта, қийинчиликка дучор бўлардингиз», деб баён қилмоқда.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўзининг яна бошқа улкан неъматини — иймон неъматини берганлигини ҳам эслатади:

**«Лекин, Аллоҳ сизларга иймонни маҳбуб қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади...»**

Дарҳақиқат, иймон Аллоҳ бандаларига берган неъматлари ичида энг улуғидир. Чунки, иймон бўлмаса, бошқа ҳамма неъматларнинг сариқ чақалик ҳам қиймати қолмайди.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло оятда:

**«...ва сизларга куфрни, фисқни ва исённи ёмон кўрсатди»,** демоқда.

Бу ҳам Аллоҳнинг фазли. Бу жумладаги уч нарса:

Куфр — иймонни тўсиш,

Фисқ — Аллоҳ кўрсатган чегарадан четга чиқиш,

Исён — Аллоҳнинг амрларига қарши чиқиш иймонга қарши қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам, уламоларимиз уч нарсага эътибор беришган:

«Иймон — тил билан нутқ қилиш, дил билан тасдиқлаш ва жисм билан амал қилиш», дейишган.

Аллоҳ таоло баъзи бандаларига иймонни маҳбуб кўрсатиб, уларнинг қалбларида уни зийнатлади, куфр, фисқ ва исённи ёмон кўрсатиб, шундай улуғ неъматга сазовор айлади ва яна бунинг устига, шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган кишилар тўғри йўлда эканлигини таъкидлади:

**«Ана ўшалар тўғрилиқда юрувчилардир».**

Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолодандир:

فَضْلًا مِّنَ اللَّهِ وَنِعْمَةً وَاللَّهُ عَلَيْهِمْ حَكِيمٌ

**8. Бу, Аллоҳ томонидан фазл ва неъматдир. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир.**

Яъни: Аллоҳ таолонинг баъзи бандаларига иймонни маҳбуб кўрсатиб, уларнинг қалбларида уни зийнатлаши, куфр, фисқ ва исённи ёмон кўрсатиб қўйиши:

**«Аллоҳ томонидан фазл ва неъматдир».**

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Ўзидан бошқа ҳеч бир зот, ҳатто Пайгамбар ҳам, одамларнинг қалбига иймонни сола олмайди. Бу ишни ягона Аллоҳнинг Ўзи фазли билан бандаларига неъмат қилиб бера олади, холос.

**«Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир.»**

Чунки, Аллоҳ ҳамма нарсани яхши билади, Унинг билими чексиздир ва у улкан ҳикмат соҳибидир.

Аввалги оятларда Аллоҳ таоло мўмин бандаларини фосиқнинг хабарини қабул қилишдан қайтарди. Оқибати афсус-надомат бўладиган ишлардан огоҳлантирди. Кейинги оятда эса, иймонни қалбларига солганини таъкидлади.

Энди эса, аввалги оятлар ҳукмига амал қилинмаса, нима бўлишини, жумладан, фосиқнинг гапига ишониб ўзаро уришиб кетишлари мумкинлигини ва шунга доир масалаларни баён қилишга киришилади:

وَإِن طَافِئَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ افْتَلَوْا فَاصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِن بَغْت إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقْتُلُوا الَّتِي تَبَغَى حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ فَإِن فَاءَتْ فَاصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

**9. Агар мўминлардан икки тоифа уришиб кетсалар, бас, ўрталарини ислоҳ қилинг. Агар улардан бири иккинчисига тажовуз қилса,**

**сиз тажовуз қилганига қарши, то у Аллоҳнинг амрига қайтгунича урушинг, агар қайтса, бас, ўрталарини адолат билан ислоҳ қилинг. Одил бўлинг, албатта, Аллоҳ адолат қилгувчиларни суядир.**

Аслида, мўмин-мусулмонлар бир оила фарзандларидек дўст-биродар бўлишлари зарур. Уларнинг бир-бирлари билан уришишлари ҳаром. Пайғамбар алайҳиссалом, икки мусулмон қиличлари билан тўқнашсалар, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзаҳдадир, деганлар. Лекин ушбу оятдан маълум бўляптики, фаразан, мўминлардан икки тоифа уришиб кетишлари мумкин. Аллоҳ кўрсатмасин-у, лекин мабодо, шундай бўладиган бўлса, қолган мўминларга уришиб кетган ўша икки тоифани яраштириб, сулҳга келтириб қўйиш вожиб бўлади. Бу иш қилинмаса, ҳамма гуноҳкор бўлади. Чунки, Аллоҳ таолонинг:

**«Агар мўминлардан икки тоифа уришиб кетсалар, бас, ўрталарини ислоҳ қилинг»,** деган амри бажарилмаган бўлади.

Ислоҳ қилиб бўлингандан сўнг ўша уришган икки тоифадан бири сулҳни бузиб, иккинчисига тажовуз қилса у тоифани «тоифаи боғия», деб аталади ва унга қарши барча уруш қилади. Бу уруш «тоифаи боғия» Аллоҳнинг амрига, яъни, Қуръон ва Суннатта қайтгунча давом этади. Оятда

**«Агар улардан бири иккинчисига тажовуз қилса, сиз тажовуз қилганига қарши, то у Аллоҳнинг амрига қайтгунича урушинг»,** дейилишидан мурод шу.

Одатда, бир-икки сўзга кўнмаган шахс ёки тоифага нисбатан орадаги ислоҳ қилувчиларда ҳам маълум хафачилик, гинахонлик пайдо бўлиб қолади. Урушдан кейин Аллоҳнинг амрига қайтган «тоифаи боғия» билан иккинчи тоифани яна ислоҳ қилиш пайтида, мазкур руҳий ҳолат, хафачилик ва гинахонлик ўзини кўрсатиб, адолатсизликка йўл қўйилмасин, деб оятнинг охирида такрор-такрор адолатли бўлишга амр қилиниб, яна, Аллоҳ адолатлиларни севиши таъкидланмоқда.

**«Одил бўлинг, албатта, Аллоҳ адолат қилгувчиларни суяди.»**

Уришиб кетган тарафлар ўртасини ислоҳ қилиш низомига ҳозирги кунда инсониятнинг ҳожати тез-тез тушиб турибди. Лекин низом тўлиқ ва адолатли бўлмаганидан, орада янада кўпроқ низолар чиқишига сабаб бўлмоқда. Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср аввал олиб келган низом эса, энг адолатли низомдир. Чунки, бу низом бўйича, уришиб қолган бандаларнинг орасидаги можаро барча бандаларнинг баб-баравар тарбиячиси бўлган Аллоҳ – Роббул олабийннинг ҳукми билан ҳал этилади. Бу илоҳий низомда адолат, инсоф, омонат ва поклик асос қилиб олингандир.

Кейинги оятда мўмин-мусулмонларнинг рағбатларини кўзитувчи,

уларни урушдан кейин яраштирувчи, тарқоқликдан сўнг бирлаштирувчи улуф биродарлик неъматини эслатилади.

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوِيكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ

**10. Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, раҳим қилинсангиз.**

Ояти каримада «биродар» деб таржима қилинган сўзимиз араб тилида бирликда «ахун» калимаси билан ифода қилиниб, икки хил маънода ишлатилади.

Биринчиси — ака ёки ука, яъни, туғишган биродар маъносида.

Иккинчиси — дўст, оғайни, яъни, тутинган биродар маъносида ҳам ишлатилади.

Аммо худди шу сўзнинг ўзи жам сийғасида келганда, маъносига қараб икки хил шаклда келади:

Биринчиси, «ихватун» бўлиб, туғишган биродарлар маъносини англатади.

Иккинчиси, «ихвонун» бўлиб, дўстлашган биродарлар маъносини англатади.

Қуръони Каримнинг мўъжизалигини қарангки, мўминларнинг биродарлиги ҳақида сўз кетганда туғишган биродарлар маъносидаги «ихватун» сўзи ишлатилган ва бу билан мўминлар худди туғишган ака-укалардек эканлиги таъкидланган.

**«Албатта, мўминлар биродардирлар.»**

Дарҳақиқат, бу биродарлик дин қардошлиги бўлиб, дунёдаги барча инсоний алоқалардан устун туради. Бу биродарлик Аллоҳ учун, дину диёнат учун, Ислом-иймон учундир ва у ўзаро муҳаббат, тинчлик-омонлик ва ҳамкорлик асосига қурилган бўлади. Бу биродарликка футур етса, зудлик билан ислоҳ қилишга ўтмоқ керак. Шунинг учун ҳам, оятда Аллоҳ:

**«бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг»,** деб таъкидламоқда.

Албатта, урушганларнинг ўртасини сулҳ қилиш осон эмас, турли ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ислоҳ қилмоқчи бўлган тараф ўзига Аллоҳнинг тақвосини қурол қилиб олиши зарур. Фақат шундагина адолат билан иш тутишга муяссар бўлади. Оятнинг охиридаги амр шунинг учун келтирилган:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, раҳим қилинсангиз.»**

Кейинги келадиган оятларда мазкур қимматли ва зарурий биродарликни бузувчи баъзи ижтимоий касаллик бўлмиш ёмон одатлардан мўминларни қайтариш учун кўрсатмалар келади.

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرُونَ مِنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِنْهُمْ وَلَا نِسَاءً مِّنْ نِّسَاءِ عَسَىٰ أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنْفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَزُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الْأَسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَنْ لَّمْ يُتِبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٦٦﴾

**11. Эй, иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар, ўзлари золимлардир.**

Албатта ўзгаларни масхара қилиш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бир одам иккинчисини масхара қилса, камситса, устидан кулса, албатта, масхара қилинган одамнинг аччиғи чиқади, у ҳам масхара қилувчига ўзига яраша жавоб беришга уринади. Орада низо-жанжал чиқади, ижтимоий алоқалар бузилади ва жамият заифлашади. Ислом эса доимо мусулмонлар жамиятининг мустаҳкам бўлиши учун қайғуради. Шунинг учун ҳам, ушбу ояти қари-мада Аллоҳ таоло инсонларни бир-бирини масхара қилишдан қайтармоқда.

**«Эй, иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол улар булардан яхшироқдир.»**

Эътибор берадиган бўлсак, Аллоҳ таоло ушбу оятни яна

**«Эй, иймон келтирганлар!»** нидоси ила бошламоқда. Бу, мазкур сураи шарифанинг аввалидан бери бу шаклдаги тўртинчи нидодир. Шунинг ўзи ҳам нидодан кейин келадиган масала ўта муҳимлигидан дарак беради.

Ожиз инсон ҳар нарсани ўз ўлчови билан ўлчашга ҳаракат қилади. Шунингдек, масхара қилувчилар ҳам ўзларича одамларнинг қадрини ўлчашиб, бой камбағалдан, кучли кучсиздан, амалдор амали йўқдан, фарзанди кўп фарзандсиздан кулиши мумкин. Лекин Аллоҳнинг ўлчови бошқа. Эҳтимол, ҳеч ким кўзга илмай-диган бир инсон Аллоҳнинг ҳузурида минглаб бой, зодагон, уда-буролардан чандон-чандон яхши мартабададир.

Одатда, кўпгина ишлар ҳақидаги ҳукмлар эркакларга хитобан айтилса-да, ўз-ўзидан, аёлларни ҳам ичига олиб кетаверади. Аммо, бир-бирини масхара қилишдан манъ қилувчи хитобда эркаклардан кейин аёллар алоҳида зикр қилинган.



**«Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир.»**

Нимага? Чунки, бир-бирини масхара қилиб устидан кулиш, турли ишлар билан фахрланиб ўзгаларни камситиш аёлларда кўпроқ учрайди. Чиройли аёл хунугини, бойи камбағалини, ёши қарисини, моҳираси нўноғини масхара қилиб устидан кулади. Лекин Аллоҳнинг ўлчови бошқа-ку! Эҳтимол, ҳаётда хунук, камбағал, нўноқ бўлган аёл Аллоҳнинг ҳузурида минглаб чиройли, бой ва моҳира аёллардан кўра яхшироқдир.

Ҳа, кишилар қадрини ўлчашда Аллоҳнинг тарозуси ҳақиқий тарозу ҳисобланади.

Сўнгра оятда мўминлар яна бир юксак одобга чақириладилар:

**«Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг».**

Ояти каримадаги ушбу жумла ким бирор мўминни мазах қилса, ўзини мазах қилган билан баробар эканлигини айтмоқда. Чунки, улар бир оиланинг фарзандлари, бир жисмнинг аъзолари, шунинг учун, ким бирор биродарини мазах қилса, ўзини мазах қилган бўлади. Биз «мазах қилиш» деб таржима қилаётган сўз оятда «Ла талмизу» бўлиб келган. Бу сўз «ламз»дан олинган бўлиб, бирор кишининг нуқсонларини тил билан зикр қилиб айблашга айтилади. Мисол учун, фалончи кўр, писмадончи чўлоқ, ёки анаву мана бундоқ қилиб гапиради, кабилар. Албатта, бир-бирини мазах қилиш орқасидан жамият аъзолари орасида ўзаро келишмовчиликлар, норозиликлар келиб чиқади. Натижада, ижтимоий алоқалар бузилади, жамиятга катта зарар етади. Ислом жамиятида эса, бунинг акси бўлиши керак.

Ояти каримада даъват қилинаётган учинчи юксак одоб Аллоҳнинг:

**«бир-бирингизга лақаб қўйманг»,** деган сўзида намоён бўлган.

Одатда, лақаб қўйиш орқали бир кишини камситиш, масхара қилиш мақсади бўлади. Умуман, лақаб ёмон сифатларни зикр қилишдан иборат. Демак, бу иш аслида яхши эмас. Ислом гўзал дин, гўзалликни тарғиб қилувчи дин, «Аллоҳ гўзалдир, Аллоҳ гўзалликни яхши кўради», дейилади асарларда.

Шунинг учун ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом жоҳилият пайтидан қолган хунук исм ва лақабларни чиройлисига алмаштирганлари ҳаммага маълум.

Имом Аҳмад қилган ривоятда Абу Жубайра ибн Аз-Заҳҳок деганларки: «Бир-бирингизни мазах қилманг» ояти бизнинг Бани Салама қабиламиз ҳақида нозил бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага келганларида, бизнинг ҳар биримизнинг икки ёки уч хил номларимиз бор эди. Агар у киши бирор-

тамизни ўша исмлардан бирини айтиб чақирсалар, кишилар: «Эй Расулуллоҳ, у бу исмни эшитса, ғазаби чиқади», дейишарди».

Кейинги даврларда ҳам бу ғайри одобий ишга қарши қаттиқ кураш олиб борилган. Лақаб қўйиш орқали инсонни камситиш катта гуноҳ ҳисобланади. Айниқса, у инсон мўмин бўлса. Шунинг учун ҳам, оятда:

**«Иймондан кейин фосиқлик исми қандоқ ҳам ёмон!»** — дейилмоқда.

Агар баъзи кишилар бир-бирларига лақаб қўйишиб юрган бўлсалар, ҳукми билмаган бўлсалар, энди ҳукми билиб, тушуниб етиб, тавба қилсинлар, астойдил надомат чекиб, кейин бу ишни тақрорламасинлар. Шунда, Аллоҳ таоло уларнинг аввалги гуноҳларини кечиради. Тавба қилмаганлар-чи? Бу саволга жавоб оятнинг ўзида келган:

**«Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир».**

Соф исломий жамиятда кишиларнинг иззат-обрўлари, шахсий ҳурриятлари қандай сақланиши ҳақидаги йўл-йўриқлар келгуси оятда давом этади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَب بَّعْضُكُم بَعْضًا أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ

**12. Эй, иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳимлидир.**

«Ҳужурот» сурасининг аввалидан буён Аллоҳ таоло шу ерда ўзининг мўмин бандаларига бешинчи марта

**«Эй, иймон келтирганлар!»** деб мурожаат қилмоқда ва улар учун жуда муҳим бўлган яна бир қанча масалаларни баён қилмоқда.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларини бир неча ёмон сифатлардан, ахлоқий касалликлардан, ҳалокатга элтувчи дардлардан қайтармоқда.

Улардан биринчиси:

**«Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир».**

Гуноҳга олиб боровчи илатлардан бири — бадгумонликдир. Бад-

гумонлик кишилар ҳақида бўлар-бўлмасга ёмон шубҳалар қилиш, уларга нисбатан туҳмат ва ҳадик маъносида фикр юритишдир. Одатда, бундай гумонларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади. Шу боисдан ҳам: **«...кўп гумонлардан четда бўлинглар»**, дейиляпти.

Ўтган уламолардан аз-Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи: «Бадгумонлик – яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишлиқдир. Аммо, аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган эса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор», деганлар.

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпроқ бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқади. Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак.

Бу ҳақида ҳазрати Умар розияллоҳу анху: «Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши гумон қил», деган эканлар.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар, чунки, бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир», деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Гар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан», деган эканлар.

Хусусан, иш бошида турган раҳбарлар бу нарсада эҳтиёт бўлишлари лозимлиги имом Абу Довуд Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда яққол кўринади. Бу ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Агар амир одамлардан айб ахтараверса, уларни бузади», деганлар.

Маълумки, кимнинг ўйига бадгумонлик ўрнашса, у одам ўша гумонини тасдиқлаш учун ҳужжат ва далил қидира бошлайди. Натижада, гумон остидаги одамнинг ўзига билдирмасдан, айбини ахтаришга тушади. Буни эса «жосуслик» дейдилар Шунинг учун ҳам, биз ўрганаётган ояти каримада гумондан четланишга амр қилингандан сўнг,

**«Жосуслик қилманглар»**, деб бу қабих ишдан қайтарилмоқда.

Одатда, «жосуслик» деб бировга ёмонлик етказиш ниятида айбларини ва заиф жойларини, ўзига билдирмай, яширинча ахтаришга айтилади. Бу иш ҳам катта гуноҳлардандир. Чин мусулмон кишининг қалби бу каби жирканч одатлардан пок бўлмоғи зарур. Боз устига, бу иш Ислом динининг асосий ғояларидан бири бўлмиш инсоннинг каромати, ҳурмати, иззати ва обрўйини ҳимоя қилиш масаласига чамбарчас боғлиқдир.

Ислом мазкур ҳуқуқларнинг муқаддаслигини эътироф этади, уларнинг ҳеч бир ҳолда паймол бўлмаслигининг чорасини кўради. Ислом жамиятида инсонларнинг жонлари, молу мулклари, уй-жой-

лари омонлиқда, сир-асрорларию яширин нарсалари бехатар бўлиши зарур. Ҳатто, жиноятнинг олдини олиш баҳонаси билан ҳам одамларнинг ортидан жосуслик қилишга ижозат йўқ. Очиқ-ойдин кўриниб турган ишга қараб ҳукм чиқарилади. Гумон қилишга, шубҳаланишга ва пойлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бадгумонлик жосусликка йўл очишини айтиб ўтган эдик. Энди, жосуслик ғийбатга йўл очишини айтмоқчимиз. Шунинг учун ҳам, ояти каримада, «жосуслик қилманг»дан кейин,

**«Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар»**, деб уқтирилади.

Ғийбат нима эканлигини энг улуғ тафсирчи Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзларидан эшитайлик.

Имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зоти бобаракотдан кишилар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима?» – деб сўрашибди. Расули Акрам алайҳиссалому вассалом:

«Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг», дебдилар. Шунда:

«Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи, бунга нима дейсиз?» – дейишибди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлма-са, бўҳтон қилган бўласан», деб жавоб қилган эканлар.

Ғийбатнинг ҳаром экани, гуноҳи кабиралардан эканлигини ҳамма уламолар бир овоздан таъкидлаганлар. Бу иш нақадар қабиҳ ва нақадар ёмон эканлиги ояти кариманинг ўзида ҳам ажойиб услуб ила баён қилинмоқда:

**«Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадими?»**

Қуръони Карим бировни ғийбат қилишни ўша шахснинг ўлгандан кейин гўштини ейиш билан баробар қилмоқда. Маълумки, одамнинг гўштини ейиш мумкин эмас, ўлгандан кейин эса, асло хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган иш. Шунинг учун, юқоридаги «яхши кўрасизми?» деган саволга ҳеч ким, «ҳа» деб жавоб бера олмайди.

Шу боисдан, оятнинг ўзи,

**«ҳа, ёмон кўрасиз!»** деб таъкидламоқда.

Ўликнинг гўштини тановул қилишни кўнглингиз қандоқ кўтармаса, бировни ғийбат қилишни ҳам шундоқ кўтармасин, демоқда.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида: «Эй, тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки, уларнинг камчилигини қидирса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг

камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнингки, камчилигини қидирса, уни уйдан шарманда қилган ҳолатда чиқаради», деганлар.

Охиратда ҳам ғийбатчилар жазосиз қолмайдилар. Расули Ак-рам алайҳиссалату вассалом: «Мерожга чиққанимда мисдан бўлган тирноқлар билан юзларию кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. Мен:

«Эй Жаброил, улар ким?» – деб сўрадим. У:

«Булар у дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар», деб жавоб берди», дея кўрганларини ҳикоя қилиб берганлар.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло мўминларнинг барчасини, хусусан, юқорида зикр қилинган гуноҳларни қилганларни Аллоҳдан кўрқишга даъват қилиб,

**«Аллоҳдан кўрқинглар»,** дейди.

Шу билан бирга, аввал билмай гуноҳ содир этилган бўлса, тавба қилиб гуноҳини ювиш мумкинлигини эслатиб, Аллоҳнинг фазли қарамадан ноумид бўлмасликка чақиради.

**«Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳимлидир.»**

Ҳар қандай гуноҳдан қай тарзда тавба қилинса, мазкур гуноҳлардан тавба қилишда ҳам ўшандай ҳолат, яъни, ўтган ишга қаттиқ афсус қилиб, дилидан надомат чекиб, иккинчи бор бу ишни қилмасликка аҳд қилиш ва аҳдига вафо қилиш билан вужудга келади. Аммо, ғийбатчининг тавбаси бу билан тугамайди. Уламо-лар унинг тавбаси тўлиқ бўлиши учун яна бир муҳим шарт қўйишган. У ҳам бўлса, қаерда, қайси мажлисда ғийбат қилган бўлса, ўша ерда, ўша мажлисда ғийбат қилинган киши ҳақида яхши гапларни гапириши керак.

Мўмин-мусулмонлар ғийбатдан четланибгина қолмасдан, бошқа ғийбатчиларнинг оғзига уриб, ғийбатга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари матлубдир.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Кимки, бир мўминни ғийбатчи мунофиқдан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Кимки, бир мўминни сўкмоқчи бўлиб, уни ғийбат қилса, Аллоҳ таоло уни гапидан қайтмагунича жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради», деганлар.

Кўриб турганимиз оятларда мўминларга нидо қилиниб, улар турли ёмонликлардан сақланишга, юксак инсоний фазилатларга эргашишга даъват этилган бўлсалар, келаси оятда Аллоҳ таоло бутун инсониятга хитоб қилиб, ҳаммининг асли бир эканини эслатади, барчани мўминликка чорлайди.

يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ  
عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴿١٣﴾

**13. Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир.**

Ушбу ояти каримада:

«**Эй одамлар!**» деб барча инсониятга қарата нидо қилинмоқда, шу билан бирга, уларнинг асли бир эканлиги эслатилмоқда.

«**Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик.**»

Демак, одамларнинг асли бир: ҳаммалари Одам Ато ва Момо Ҳавводан таралганлар. Айни чоғда, Аллоҳ таоло уларни турли халқлар ва қабилаларга ажратиб қўйганини ҳам таъкидламоқда. Инсонларнинг турли халқ ва қабилаларга бўлинишининг сабаби эса, ўзаро танишиш, маърифат ҳосил қилиш эканлиги уқтирилмоқда.

«**...ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик.**»

Инсонларнинг турли халқлар, миллатлар, элатлар, қабила ва уруғлар ҳамда турли фарқларга бўлинишининг асосий сабаби ушбу мақсад, яъни, ўзаро танишиш эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак. Аллоҳ таоло оятда, уришишингиз учун, жанжал учун, фахрланиш учун, мақтанлиш учун, демаяпти ёки бошқа сабабларни айтмаяпти. Демак, халқларнинг турли-туманлигини илоҳий мақсаддан — танишувдан бошқа мақсадга ишлатиш Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиш билан баробар бўлар экан.

Кишилар ўзларича мезон тузиб, бирларининг иккинчиларидан афзалликларини ўлчаб юришади. Кимдир молу мулкига қараб, кимдир ҳасаби-насабига қараб, яна бирлари танасининг рангига қараб, тўртинчиси қабиласи ёки миллатига қараб ва ҳоказо ўлчовлар воситасида ўзларини устун қилиб кўрсатади. Ҳамма бир ота ва бир онадан тарқаганлигини, у ота-оналар эса, тупроқдан яратилганини унутиб қўяди.

Оқибатда турли-туман келишмовчиликлар, уриш-жанжаллар ва кўнгилсизликлар келиб чиқади.

Ислом динида бу каби ўлчовларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Улар ҳаммаси бекор қилинади ва ягона мезон сифатида илоҳий ўлчов жорий этилади. Бу ўлчов инсонлар қадрини фақат битта нарсага қараб, яъни, инсоннинг тақвосига қараб ўлчайди:

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир».**

Ер юзида инсонларнинг кадр-қиймати ушбу илоҳий ўлчов билан ўлчангандагина турли низолар, уриш-жанжаллар ва келишмовчиликлар барҳам топади.

Худди шу оятнинг маъносида Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломдан кўплаб ҳадислар келган.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда, «Албатта, Аллоҳ суратларингизга ва молу дунёларингизга қарамайди, балки қалбингиз ва амалингизга қарайди», дейилади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Абу Зарр Гифорий розияллоҳу анҳуга: «Назар сол, сенинг агар тақвода ортиқлигинг бўлмаса, қизилдан ҳам, қорадан ҳам яхши эмассан», деганлар.

Бу маънодаги ҳадислар жуда ҳам кўп.

Суранинг охирида иймоннинг ҳақиқатини баён қилувчи оятлар келади. «Биз иймон келтирдик», деб Расулуллоҳ алайҳиссаломга миннат қилган аъробийларга жавобан таълим ва тушунтириш маънолари изҳор қилинади:

﴿قَالَتِ الْأَعْرَابُ ءَأَمْنَا فَلَمْ تَوْتَمِنُوا وَلَكِنْ قُولُوا أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلِ الْإِيمَانُ فِي قُلُوبِكُمْ وَإِنْ تُطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ لَا يَلِتْكُمْ مِنْ أَعْمَالِكُمْ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

**14. Аъробийлар, иймон келтирдик, дейишди. Сен: «Иймон келтирганингиз йўқ, лекин, бўйинсундик, денглар, ҳали иймон қалбларингизга киргани йўқ ва агар Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилсангиз, амалларингиздан ҳеч нарса камаймас. Албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳимли зотдир», деб айт.**

Ушбу оятда Ислом жамоаси ҳаётида бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида сўз кетмоқда. Бир куни аъробийлар—сахро араблари Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб, иймон келтирдик, деб миннат қилишган.

**«Аъробийлар, иймон келтирдик, дейишди.»**

Аслида эса, улар янги мусулмонлар бўлиб, ҳали ҳақиқий иймон қалбларидан жой олган эмас эди. Аллоҳ таоло уларга ҳақиқий иймон ҳақида таълим беришни ирода қилиб, ушбу оятни туширди. Бу оятда Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиниб, у киши орқали аъробийларга таълим берилади:

**«Сен: «Иймон келтирганингиз йўқ, лекин, бўйинсундик, денглар, ҳали иймон қалбларингизга киргани йўқ...»**

Яъни, Эй Муҳаммад, сен «иймон келтирдик» деб миннат қилаёт-

ган ўша аъробийларга: «Сизлар ҳақиқий иймонга ҳали эришганингиз йўқ, сизлар «асламно» – «бўйсундик», Исломга кирдик, денглар», деб айт.

Ушбу оятнинг маъноси ҳақида, шу мазмундаги оят ва ҳадисларнинг маъноси ҳақида уламолар жуда кўп тортишишган, турли фикрларни айтишган.

Гапнинг хулосаси шуки, мукаммал Ислом билан мукаммал иймоннинг фарқи йўқ, иккиси бир нарса. Чунки, комил иймон ўз ичига қалбнинг тасдиғини ҳам, аъзоларнинг амалини ҳам олади. Шунингдек, комил Исломда қалбни Аллоҳга таслим қилиш ҳамда бутун аъзоларини амал билан таслим қилиш бор.

Аммо, иймондан фақат қалбга тааллуқли нарса, Исломдан фақат аъзолар амалига тегишли нарса кўзда тутилса, унда бу икки ибора икки хил маънони ифода қилади.

Жаброил алайҳиссалом келиб Пайғамбаримиз алайҳиссаломга саволлар берган ҳадисда худди шу ҳол очиқ-ойдин кўринган.

Ул зот Муҳаммад алайҳиссаломга:

«Менга Исломдан хабар бер», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ислом – Лаа илааҳа Иллаллоҳ, Муҳаммадур-Расулуллоҳи, деб шаҳодат беришинг, намоз ўқишинг, закот беришинг, рамазон рўзасини тутишинг ва қодир бўлсанг, ҳаж қилишинг», дедилар. Жаброил алайҳиссалом:

«Менга иймондан хабар бер», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхшию ёмон қадарга ишонишинг», дедилар.

Аллоҳ таолонинг «ҳали иймон қалбларингизга киргани йўқ», дейишидан маълум бўладики, инсон қалбига иймон кириши учун амал лозим экан. Инсон тили билан «иймон келтирдим» дейишининг ўзи кифоя қилмайди, балки уни дил ва бадан (амал) билан тасдиқлаши ҳам зарур. Яъни, зикр, Қуръон қироати, намоз, рўза, ҳаж, закот ва бошқа амалларни адо этмоғи керак. Шунда, қалбида иймон мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам, оятда, уларнинг қалбига иймон киргани ҳақидаги хабардан кейин Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилишга тарғиб қилинаётир. Шундай қилсаларгина, охиратда бериладиган ажрда ҳеч нуқсон бўлмаслиги таъкидланаётир:

**«Агар Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилсангиз, амалларингиздан ҳеч нарса камаймас».**

Агар аввал қилган баъзи гуноҳларингиз бўлса, кечирилур. Зотан,



**«Албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳимли зотдир», деб айт».**

Аллоҳ таоло бу оятда иймонни даъво қилаётган аъробийларни рад қилди.

Энди, кейинги оятда содиқ мўминларни васф қилиш орқали ҳақиқий иймоннинг қандай бўлиши таърифлаб берилади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ

**15. Албатта, ҳақиқий мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган, сўнгра шубҳа қилмаган ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилганлардир. Ана ўшалар, ўшаларгина (иймонида) содиқлардир.**

Бу ояти каримадан кўриниб турибдики, ҳақиқий мўмин бўлиш учун анчагина ишларни амалга ошириш керак.

**«Албатта, ҳақиқий мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган...»**

Демак, аввало, Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтириш керак.

Сўнгра, ушбу иймонда шак-шубҳага ўрин қолмаслиги керак.

**«...сўнгра шубҳа қилмаган...»**

Оғзида мўминликни даъво қилса-ю, кўнглида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотига ёки сифатларига ёки сифатларидан бирортасига озгина шак ёки шубҳада бўлса, Пайғамбар алайҳиссаломга ишонч-сизлик қилса, бўлмайди.

Демак, ҳақиқий иймон мўмин кишининг қалбида ишониши лозим бўлган барча нарсаларга нисбатан ҳеч қандай шак ёки шубҳа қолдирмайди. Ҳамда бу ҳолат доимий бўлади.

Иймонли киши ўз эътиқоидида собит бўлган нарсаларга ҳаётида амал қилиб яшамоғи лозим. Аммо, ушбу эътиқоддаги, тасаввурдаги ҳолатни амалга ошириш осон бўлмайди. Бу йўлда кўпдан-кўп тўсиқлар учрайди. Ўша тўсиқларни енгиб ўтиш учун эса, курашиш керак. Курашга мол-мулкни, ҳатто жонни фидо қилиш талаб этилади.

**«...ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилганлардир.»**

Демак, мазкур сифатларнинг ҳақиқий эгаларинигина мўминлар деса бўлар экан. Ана ўшаларгина иймонида содиқлар, ақийдасида содиқлар, «Мен мўминман», деган гапларида содиқлар. Ҳа, **«Ана ўшалар, ўшаларгина (иймонида) содиқлардир».**

Ояти карима мана шу ҳақиқатнинг таъкиди ила тугалланади.

Шундай қилиб, ҳақиқий иймонни ва ҳақиқий мўминни аниқ-

лайдиган мезонни ҳам билиб олдик. Ҳозирда, мусулмонман, деб кўкрак кериб юрганларнинг ҳолатини шу мезонга солиб кўрсак, улардан кўпларининг ояти каримада зикр этилган аъробийлардан фарқи қолмайди. Бундайларга ҳақиқий иймоннинг мезони тушунтирилганидан кейин ҳам улар даъволаридан кечмайдилар. Боз устига, иймон йўлида жиҳод қилмаганликларига, молу мулкларини сарфламаганликларига, жонларини тикмаганликларига турли баҳоналарни рўқач қиладилар.

Кейинги оятда худди ўшаларга хитоб этилади:

Эй Пайғамбар!

قُلْ أَتَعْلَمُونَ اللَّهَ بِدِينِكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٦﴾

**16. Сен: «Аллоҳга динингизни билдирмоқчимисиз? Ва ҳолбуки, Аллоҳ осмонлару ердаги нарсани билувчи зотдир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир», деб айт.**

Ушбу оятлар нозил бўлган даврда бир гуруҳ аъробийлар, аввал айтиб ўтилганидек, Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб, «Аманнаа» – иймон келтирдик, дейишган экан. Шу гап билан, худди Аллоҳ таоло уларнинг қалбларидан беҳабардек, улар Пайғамбар алайҳиссалом орқали Аллоҳга ўзларини чин иймонли қилиб кўрсатмоқчи бўлишган.

Ояти каримада ана шу ҳолат муолажа қилинмоқда.

**«Сен: «Аллоҳга динингизни билдирмоқчимисиз?»**

Яъни, эй аъробийлар, сизлар ўзингизнинг айтаётган бу гапингиз ила Аллоҳни ўз иймонингиздан хабардор қилмоқчимисиз?

Ҳа, жоҳил аъробийлар ўзларича мазкур услуб ила Аллоҳга динларини билдирмоқчи бўладилар. Лекин Аллоҳ таоло билувчи зотдир. У, осмонлару ердаги барча нарсани билиб турганидек, жумладан, уларнинг қалбларидаги ҳолатлардан ҳам хабардордир. Демак, ҳар ким ҳақиқий иймон соҳиби бўлиши учун, қуруқ гап билан кифояланмай, иймон тақозосидаги амалларни қилиш ила иймонини тасдиқламоғи лозим.

Аллоҳ, ким қуруқ гап билан кифояланиб юрибди-ю, ким иймон тақозо қилган амалларни қилмоқда, билиб туради.

**«Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир», деб айт.»**

Шундан кейин Аллоҳ таоло ўзлари етмаган мақомга етдим деб даъво қилувчиларнинг ишларидан бирини баён қилади. Улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, Исломга кирганликларини даъво қилардилар.

Ушбу оятларнинг нозил бўлиш сабабларини баён қилувчи ривоятларда айтиладики, Бани Асад қабиласи вакиллари Пайғамбар

алайҳиссаломга келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, биз мусулмон бўлдик, араблар сизлар билан урушса ҳам, биз урушмадик», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Буларнинг фикрлари (тушунчалари) оз ва буларнинг тилида шайтон гапираяпти», дедилар.

Шундан сўнг бу оят нозил бўлди.

Эй Пайғамбар!

يَمُنُونَ عَلَيْكَ أَنْ أَسْلَمُوا قَل لَّا تَمُنُوا عَلَيَّ إِسْلَامَكُمْ بَلِ اللَّهُ يَمُنُّ عَلَيْكُمْ أَنْ هَدَيْتَهُمُ لِلْإِيمَانِ إِنَّ

كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٧٧﴾

**17. Сенга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Сен: «Менга Исломингизни миннат қилманг. Балки агар содиқ бўлсангиз, Аллоҳ сизни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур», деб айт.**

Эй Пайғамбар! Кечагина Исломининг баъзи амалларини адо этганлар келиб, сенга ўзлари қилган баъзи ишларини гапириб мақтанадилар. Улар,

**«Сенга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар».**

Аслида, уларнинг бундоқ қилишлари тўғри эмас. Уларнинг мақтанишга ҳақлари йўқ. Уларнинг сенга исломларини миннат қилишга ҳеч қандай ҳақлари йўқ. Ислом бировга миннат қилинадиган ёки у ила мақтаниладиган нарса эмас. Ислом ҳар бир банданинг Аллоҳ таоло олдидаги бурчидир. Бурч эса, адо этилади. Бурчни миннат қилинмайди. Шунинг учун, уларга:

**«Сен: «Менга Исломингизни миннат қилманг. Балки агар содиқ бўлсангиз, Аллоҳ сизни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур», деб айт».**

Демак, иймон ва Исломни ҳеч кимга миннат қилиб бўлмайди. Бу, Аллоҳ таолонинг Ўзи хоҳлаган бандасига берадиган улуғ неъматни бўлиб, банда ўша неъматга шукр қилмоғи лозим. Шукр эса, иймон ва Ислом тақозоси бўйича яшаш, неъмат берувчи зот—Аллоҳнинг розилигини топишга ҳаракат қилиш билан бўлади.

Ва ниҳоят, суранинг охирида Аллоҳ таоло Ўзининг ҳамма нарсани билувчи ва кўрувчи зот эканлигини яна бир бор таъкидлаб қўяди:

إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ غَيْبَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٧٨﴾

**18. Албатта, Аллоҳ осмонлару ернинг гайбини билувчи зотдир. Ва Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўрувчи зотдир.**



## ҚОФ СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 45 оятдан иборат.*

Ушбу сураи шарифага ўзининг аввалида келган, алифбо ҳарфларидан бири бўлган «Қоф» исм этиб ихтиёр этилган.

«Қоф» сураси Маккада нозил бўлган сураларнинг ичида ҳам ўзининг шиддати, қалбларни ларзага солиши билан ажраб туради. Бу сура кучли хитоблар ила инсоннинг кўзини очиб, унга ўлимни, қайта тирилишни, ҳисоб-китобни ва жаннат-дўзахни эслатади.

Сура қасам билан бошланиб, Пайғамбарликни ва ўлгандан сўнг тирилишни инкор қилувчи мушрикларни қоралайди. Қуръони Карим бу муҳим масалани муолажа қилибгина қолмайди, балки, издан чиққан, адашган қабилаларни тарбиялаб тўғри йўлга солишга ҳам ҳаракат қилади.

Аллоҳ шундай мисолларни келтирадики, уларнинг олдида яна ҳамма нарсани, жумладан, ўликларни ер кемириб бораётганини ҳам билишини баён этади. Борлиқдаги мавжудот ва махлуқотларни ўзи яратганини таъкидлайди. Ўтган кофир қавмларнинг қисматини эслатади.

Инсонни доимо икки фаришта кузатиб, амалларини ёзиб бориши ҳам Аллоҳнинг амри ила бўлади. Қолаверса, ўлим пайтида ҳақ зоҳир бўлади. Охиратда — қиёмат қоим бўлганда ҳамма қилганига яраша жазо ёки мукофот олади.

Сурада жаҳаннамнинг ҳоли алоҳида, жаннат аҳлининг ҳоли алоҳида тавсиф қилинади.

Ниҳоят, сура охирида Пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмонлар сабрга чақирилиб, Аллоҳга ҳамд айтиш ва Уни поклаб ёдга олиш, охиратни эслаш тавсия этилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

ق وَالْقُرْءَانِ الْمَجِیْدِ

### 1. Қооф. Улуғ Қуръон ила қасам.

«Қоф» сураси қоф ҳарфи ила бошланган. Бундай бошланишдан кўзланган мақсадни Аллоҳнинг Ўзи билади.

Аллоҳнинг қасами улуғ, аҳамиятли ва зарур нарсагина туфайли бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўз каломида бирор нарса ила қасам ичса, бу орқали жуда муҳим масалалар муолажа қилинишини билиб олсак бўлади.

#### «Улуғ Қуръон ила қасам.»

Аллоҳ таоло нафақат Қуръон билан, балки, Улуғ Қуръон билан қасам ичмоқда. Бу эса, Қуръони Каримнинг шаънини яна ҳам юқори кўтаради. Ушбу илоҳий дастурнинг ўз Эгаси ҳузурида мақоми қанчалар олий эканини яна бир бор намоён қилади. Аллоҳ таолонинг Улуғ Қуръон ила қасам ичишидан жуда муҳим масалалар муолажа қилинишини билиб оламиз.

Қуйида ушбу масалаларнинг биринчиси келтирилади:

بَلْ يَعْجَبُونَ أَن جَاءَهُمْ مُنذِرٌ مِّنْهُمْ فَقَالَ الْكٰفِرُونَ هَذَا شَيْءٌ عَجِیْبٌ

### 2. Балки, уларга ўзларидан огоҳлантирувчи келганидан ажабландилар ва кофирлар: «Бу ажиб нарса-ку?» – дедилар.

Кофирлар ўз жинсларидан, яъни одам боласидан уларга огоҳлантирувчи Пайғамбар келганлигидан ажабландилар.

#### «Балки, уларга ўзларидан огоҳлантирувчи келганидан ажабландилар...»

Макка мушриклари Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбар бўлиб келганликларидан ажабландилар.

#### «...ва кофирлар: «Бу ажиб нарса-ку?» – дедилар.»

Аслида, бу, ажабланадиган жойи йўқ, қадимдан бўлиб келаётган ҳол эди. Пайғамбарлар доимо одамлар орасидан танланганлар.

Кофирлар «Бу ажиб нарса-ку?» дея ҳайратланган яна бир нарса кейинги оятда келади:

أَمْ ذَامَتْنَا وَكُنَّا رَابًا ذَلِكَ رَجْعٌ بَعِيدٌ

**3. Ўлиб, тупроқ бўлганимиздан кейин ҳам-а? Бу қайтиш (ақлдан) узоқ.**

Ҳа, ўлган тана чириб тупроққа қўшилиб кетгандан кейин қайта тирилишни кофирлар ақлларига сиғдира олмайдилар. Уларнинг фикрича, қайта тирилиш бўлмағур гапдир. Ҳолбуки, йўқдан бор қилган Аллоҳ учун борни қайтадан тирилтириш ҳеч гап эмас.

Ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишониб Ислому ақийдасининг асосий қоидаларидан ҳисобланади. Мусулмон инсон ўз ҳаёти давомида доимо яхши иш қилиб, ҳақиқат учун курашмоғи, ботилга қарши ҳаракат қилмоғи ва бутун умри Аллоҳга ибодатдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг мукофотини гоҳида ҳаётлик чоғида олади, гоҳида ололмайди. Натижада, мукофот олиш орқага сурилади. Демак, ҳақиқий ҳисоб-китоб олами мавжуд. Шунингдек, инсонлар қилган ёмонликлари учун бу дунёда тўла жазо олмай кетишлари ҳам мумкин. Унинг жазоси ҳам охиратга қолдирилади. Шу боисдан, охиратга иймон келтириш алоҳида маъно касб этади. Агар ўлгандан кейин тирилишга иймон бўлмас экан, ҳамма ўлчовлар парчаланиб, беҳуда бўлиб қолади.

Кейинги оятда кофирларнинг ўта тор дунёқарашларига раддия бошланади:

قَدْ عَلِمْنَا مَا تَنْقُصُ الْأَرْضُ مِنْهُمْ وَعِنْدَنَا كِتَابٌ حَفِيظٌ

**4. Ҳақиқатан, Биз уларни ер камайтираётганини билдик ва Бизнинг ҳузуримизда сақловчи китоб бор.**

Ўлик кўмилгандан кейин ер қаърида чирий бошлайди. Жасад аста-секин чириб, камайиб, тупроққа қўшила боради. Аллоҳ таоло бу жараённи ернинг уларни камайтириши, деб атаяпти.

**«Ҳақиқатан, Биз уларни ер камайтираётганини билдик...»**

Ҳар нарсани билувчи шундай Зот ўликни қайта тирилтира олмайдими?

Аллоҳ таоло

**«Бизнинг ҳузуримизда сақловчи китоб бор»,** деганида «Лавҳул Махфуз»ни назарда тутаётганини ўз вақтида ҳамма тафсиричлар таъкидлаганлар.

Кейинги оятда кофирларнинг бундай асоссиз эътирозларининг сабаблари ҳақиқати баён қилинади.

بَلْ كَذَّبُوا بِالْحَقِّ لَمَّا جَاءَهُمْ فَهُمْ فِي أَمْرٍ مَّرِيحٍ

**5. Аниқки, уларга ҳақ келганда, уни ёлғонга чиқардилар. Бас, улар изтиробли ишдадирлар.**

Демак, кофирларнинг Пайғамбар келишидан ва қайта тири-лишдан таажжубланишлари бежиз эмас экан. Улар, аввало, ундан ҳам ёмонроқ ишни қилиб қўйган эканлар.

**«Аниқки, уларга ҳақ келганда, уни ёлғонга чиқардилар.»**

Яъни, улар ҳақни инкор қилганлар. Бунинг олдида бошқа нарса-ларни инкор қилишлари ҳеч гап эмас. Бу орқали шундай изтиробга тушадиларки, бетайин бўлиб, ўзларини ҳар тарафга урадилар.

**«Бас, улар изтиробли ишдадирлар.»**

Ноаниқлик бутун вужудларини ва ишларини қамраб олади. Ҳақни ёлғонга чиқарувчиларнинг жазоси бу дунёю у дунёда изти-роб эканлиги оятнинг ўзида аниқ билиниб турибди.

أَفَلَمْ يَنْظُرُوا إِلَى السَّمَاءِ فَوْقَهُمْ كَيْفَ بَنَيْنَاهَا وَزَيَّنَّاهَا وَمَا لَهَا مِنْ فُرُوجٍ

**6. Устиларидаги осмонга назар солмайдиларми? Уни қандай бино қилибмиз ва зийнатлабмиз? Ва (ҳолбуки), унинг тешиклари ҳам йўқ!?**

Бу оятда ҳам Аллоҳ таоло Ўз қудратининг чексиз эканини баён қилиш билан бирга шунча нарсага қодир бўлган зотга ўлганларни қайта тирилтириш ҳеч гап эмаслигига ишора қилмоқда.

**«Устиларидаги осмонга назар солмайдиларми?»**

Ҳақиқатан, осмонга назар солган киши Аллоҳнинг қудратига қойил қолади.

**«Уни қандай бино қилибмиз зийнатлабмиз? Ва (ҳолбуки), унинг тешиклари ҳам йўқ.»**

Бундай улкан осмонни ким яратди? Уни сайёралар, юдузлар ва бошқа жисмлар билан ким зийнатлади? Қараб-қараб кўзлар чарчай-ди, лекин шундай чексиз улкан нарсадан бирор тешик, ёриқ ёки камчилик топа олмайди. Шунинг ўзи Аллоҳнинг барча нарсага, жумла-дан ўликларни қайта тирилтиришга қодир эканлигига далил эмасми?

وَالْأَرْضَ مَدَدْتَنَاهَا وَالْقَيْنَا فِيهَا رَوْسِيَّ وَأَنْبَتْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ

**7. Ва ерни чўзиб қўйдик, унга тоғларни ташладик ва унда турли гўзал жуфтларни ўстирдик.**

Ернинг тузилиши, унинг ёйилиб, яшаш учун қулай яратилишининг ўзи Аллоҳнинг чексиз қудратига далилдир.

Ернинг устига салобат рамзи бўлган улкан тоғларни шундоққина «ташлаб» қўйиш ҳам Аллоҳнинг чексиз қудратига далилдир.

Ерда турли-туман, сон-саноксиз ва ранго-ранг гўзал жуфтларнинг ўстириб қўйилиши ҳам Аллоҳнинг чексиз қудратига далилдир.

Жамийки ўликларни ўз бағрига олиб, чиритиб, қолдиқларини ўз қаърида сақлаб турган Ерни яратган Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтиришга қодир эмасми?!

Оятда ер юзига «тоғларни ташладик», дейиляпти. Шу ифоданинг ўзи Аллоҳнинг қудрати чексизлигига ишорат қилади. Шундай катта ва улкан тоғларни, Аллоҳ таоло эътиборсизлик билан, худди арзимаган нарсани бир жойдан олиб, иккинчи жойга қўйгандек, ташлаб қўйдик, демоқда. Демак, тоғдек азим нарсаларни ер юзига «ташлаб» қўя олган Аллоҳ ўзи йўқдан бор қилган нарсасини қайта тирилтира олмайдами?

**«...ва унда турли гўзал жуфтларни ўстирдик.»**

Дунёдаги наботот оламига назар солмайдиларми? Улар турли нав ва турли хилларга мансуб. Уларнинг турини санашнинг ўзи қийин. Уларнинг ҳар бири, ҳар бир барги бир мўъжиза. Аллоҳдан ўзга ҳеч ким бирор барг ёки гулни ярата оладими? Ушбу ўсимликларнинг кўпи қишда умри тугаб, ерга қоришиб кетади, аммо баҳорда уруғидан қайта чиқиб, ўсиб, аввалги ҳолига келади. Ушбунинг ўзи инсоннинг қайта тирилишига далил эмасми? Одамлар буларни кўриб, эслаб, хулоса чиқаришлари зарурлигини кейинги оят баён қилади:

تَبَصَّرَةٌ وَذِكْرَىٰ لِكُلِّ عَبْدٍ مُّبِينٍ ﴿٨﴾

**8. (Роббисига) қайтувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма қилиб...**

Демак, мазкур ҳолатлар ўзини билган киши учун Аллоҳнинг қудратини, тадбиркорлигини эслатиши ва кўрсатиши керак экан. Жумладан, кейинги оятда зикр қилинадиган нарсалар ҳам:

وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُّبْرَكًا فَأَنْبَتْنَا بِهِ جَنَّاتٍ وَحَبَّ الْحَصِيدِ ﴿٩﴾ وَالنَّخْلَ بَاسِقَاتٍ لِّمِطَاطِعٍ نَّضِيدٍ ﴿١٠﴾

**9. Ва осмондан барака сувини туширдик ҳамда у билан боғроғларни ва дон ҳосилини ўстирдик.**

**10. Ва зич мевали шингиллари бор хурмоларни ҳам.**



Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло Ўзининг жонсиз нарсаларга жон киритишга қодирлигига жуда ҳам содда мисол келтирмақда. Бу мисол ушбу ояти карималар нозил бўлган даврдаги содда ҳаёт кечираётган кишиларни ҳам, ҳозирда ўта мураккаб ҳаёт кечираётганларни ҳам бирдек таъсирлантиради.

**«Ва осмондан барака сувини туширдик ҳамда у билан боғ-роғларни ва дон ҳосилини ўстирдик. Ва зич мевали шингиллари бор хурмоларни ҳам.»**

Сув бўлмаса, боғ-роғларнинг дов-дарахтлари данак ёки кўчат ҳолида жонсиз бўлиб, ўсмай-ҳаёт кирмай тураверадилар.

Қачонки, Аллоҳ таоло осмондан барака сувини туширса, уларга жон кириб, ҳаракатга тушадилар, ўсиб-униб боғ-роғлар ҳосил қиладилар.

Дон ҳосили ва зич мевали шингиллари бор хурмолар ҳақида ҳам айти шу маънони такрорлашимиз мумкин.

Аллоҳ таоло Ўзи ёғдирган ёмғирни «баракали» деб сифатламақда. Ушбу барака ёмғири ўт-ўланларни, турли донларни ва боғ-роғларни тирилтирганидек, ўлган инсонларни, ўлик қалбларни ҳам тирилтириши мумкин эмасми?

Келаси оятда Аллоҳ таоло Ўзи ёғдирган ёмғир ила мазкур нарсаларни ўстириб қўйиши нима учун эканини баён қилади.

Осмондан сув тушириб, боғ-роғларни, донларни ва зич мевали хурмоларни ўстирдик,

رَزَقًا لِلْعِبَادِ وَأَحْيَيْنَا بِهِ بَلَدَةً مِّمَّا كَذَلِكَ الْخُرُوجِ ﴿١١﴾

**11. Бандаларга ризқ қилиб. Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтирдик. Шундай бўладир (қабрдан) чиқиш ҳам.**

Ушбу ояти каримада аввалги оятда зикр қилинган дон, боғ-роғ, хурмоларни Аллоҳ бандаларига ризқ қилиб бергани эслатилмақда.

**«Бандаларга ризқ қилиб»,** дейилганининг маъноси шу.

Айни чоғда, ўсимликлари қуриб, худди ўлик ҳолига келиб қолган шаҳарларни ва ерларнинг набототларини ёмғир ила ўстириб-тирилтиришини эслатмақда.

**«Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтирдик.»**

Ояти кариманинг охирида эса, инсон вафот этиб, кўмилиб чириб кетганидан кейин, худди шу тарзда қайта тирилиши осон эканлигини таъкидламақда.

**«Шундай бўладир (қабрдан) чиқиш ҳам.»**

Ўзларидан Пайғамбар келганлигига ажабланиб қайта тирилишни инкор қилган кофирларга Аллоҳ таоло Ўзининг чексиз қудратига

далил бўлувчи борлиқдаги махлуқотларни бир-бир баён қилгач, энди уларга ўтмишдаги кофирларнинг аҳволларини ва уларнинг оқибатлари қандай бўлганини эслатади:

كَذَبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَأَصْحَابُ الرَّسِّ وَثَمُودُ وَعَادٌ وَفِرْعَوْنُ وَإِخْوَانُ لُوطٍ وَأَصْحَابُ الْأَيْكَةِ وَقَوْمُ ثَعْلَبٍ كُلٌّ كَذَّبَ الرُّسُلَ فَحَقَّ وَعِيدُ

**12. Улардан аввал Нух қавми, қудуқ соҳиблари ва Самуд ёлғонга чиқарганлар.**

**13. Ва Од, Фиръавн, Лут биродарлари.**

**14. Ва дарахтзор эгалари ва Туббаъ қавми – барчалари Пайғамбарларни ёлғонга чиқарганлар. Бас, (азоб) ваъдам ҳақ бўлди.**

Бу ояти карималарда кофирлар фақат Муҳаммад алайҳиссаломнигина ёлғончига чиқаришмагани, балки бу иш уларнинг қадимий одати эканлиги эслатилиб, ўшандоқ нобакорликни қилган қадимий қавмлардан баъзилари санаб ўтилмоқда.

**«Улардан аввал Нух қавми, қудуқ соҳиблари ва Самуд ёлғонга чиқарганлар. Ва Од, Фиръавн, Лут биродарлари.»**

Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни ёлғончига чиқараётган кофирлардан аввал ҳам турли кофир қавмлар ўзларига келган Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганлар.

Нух, Самуд, Од, Фиръавн, Лут қавмлари ҳақида аввалдан кўп қиссалар келган, маълумотлар олинган.

Аmmo «Асҳобур Росси» – «қудуқ соҳиблари» деб аталган қавм тўғрисида ушбу оятдан бошқа ерда ишора йўқ. Баъзи тафсирчилар: мазкур қавм яшаган жой, Нажддаги Ямома, деган жойда бўлган, дейишган. Баъзилар: Нажднинг Қосийм минтақасида Росс номли шаҳар бор, эҳтимол, шу бўлса керак, дея тахмин қилишган.

«Дарахтзор эгаларидан» мурод эса, Шуъайб алайҳиссаломнинг қавмларидир.

«Туббаъ қавми» деганда Ямандаги бир қавм тушунилади. Ҳомийр подшоҳларининг лақаби «Туббаъ» бўлган. Ўша подшоҳлардан бири Аллоҳнинг динига кириб ўз қавмини ҳам динга чақирган.

**«Ва дарахтзор эгалари ва Туббаъ қавми – барчалари Пайғамбарларни ёлғонга чиқарганлар.»**

Мазкур қавмларнинг барчаси ўзларига келган Пайғамбарларни ёлғончига чиқаришган, иймон йўлига юришмаган ва оқибатда ҳаммалари ҳам Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларга Аллоҳ ваъда қилган азоб-уқубатга, ҳалокатга учраганлар.

«Бас, (азоб) ваъдам ҳақ бўлди.»

Демак, Аллоҳнинг амрига юрмаган ҳар бир кимсанинг ва қавмнинг оқибати шу. Кошки, булар ўрнак олсалар!

Энди, яна, қайта тирилиш масаласига қайтилади:

أَفَعِينَا بِالْحَلَقِ الْأَوَّلِ بَلَّ هُمْ فِي لَبْسٍ مِّنْ خَلْقٍ جَدِيدٍ

**15. Аввалги яратишга ожиз бўлдикми? Йўқ! Улар янгидан яратилишга шубҳададирлар.**

Яъни, Биз инсонни йўқдан бор қилиб, биринчи бор яратишга ожизлик қилиб қолганмидикки, уни ўлгандан кейин қайта тирилтиришга ожизлик қилсак? Ҳа, қани айтинг-чи!

«Аввалги яратишга ожиз бўлдикми?»

Бу саволга жавоб кутишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун, оятнинг ўзи лўнда ва кескин жавобни бермоқда:

«Йўқ! Улар янгидан яратилишга шубҳададирлар».

Яъни,

«Йўқ!»

Биз аввалги яратишга ожиз бўлмадик. Биз барча нарсани, жумладан, ўша кофирларнинг ўзларини ҳам йўқдан бор қилганмиз. Гап бунда эмас. Фақат, улар, инсон ўлганидан кейин, чириб тупроққа аралашганидан сўнг, яна қайтадан тирилишига ишонмайдилар, холос.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бир ҳадиси қудсийда айтадики: «Одам боласи, мени аввал яратгандек, қайта тирилтирмайди, деб Менга озор беради. Аввалги яратиш Менга қайта яратишдан осон эмас».

Энди келадиган оятлар инсоннинг яратилиши ҳақидадир. Аллоҳ унинг васвасага тушиб туришини билишини, инсон бу дунёдан кетгач, жаннатийларнинг жаннатга, дўзахийларнинг дўзахга киришини васф қилади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَنَعَلْنَاهُ مَأْتِسُوْسٍ بِهِ نَفْسَهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

**16. Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нима-ни васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз.**

Бирор асбоб ва ёки буюмнинг устаси ундаги энг майда икир-чикирларгача яхши билади. Унинг хусусиятларини, афзалликларини, шунингдек, камчиликларини нуқсонларини ҳам яхши билади. Ҳолбуки, у яратувчи эмас. У, бор-йўғи, мавжуд нарсаларни бир-

бирига қўшиб, улаб, кесиб, ўйиб ва бошқа усуллар билан асбоб ясайди. Яратувчи эса, йўқдан бор қилади.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло:

**«Албатта, инсонни Биз яратганмиз»,** деб таъкидламоқда.

Демак, Яратувчи яратган нарчасининг ҳамма тарафини мукамал билади. Шу билишини Аллоҳ таоло инсоннинг энг нозик жойларидан бирини тилга олиш билан билдирмоқда:

**«ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам биламиз».**

Нафсининг васвасаси инсоннинг хаёлида кечади, унинг жараёнини ташқаридан ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло ўшандай махфий нарсени ҳам билиб тургандан кейин бошқасини билиш Унга ҳеч гап бўлмай қолади.

Инсон ҳар доим, ҳар лаҳза Аллоҳнинг чангалида, Унинг сергак кузатиши остида туришини билдириш учун Аллоҳ оятнинг охирида:

**«Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз»,** дейди.

«Жон томири» деганимизда қон томирини тушунамиз. Инсон шуни тўла ҳис қилиб олса, ҳар бир ҳаракати, гапи, сўзи Яратганни рози қилиш учун бўлиши лозимлиги ҳақида ўйлаб қолади. Ҳеч бир гуноҳга, ҳаром ишга яқинлашмай қўяди. Доимо ҳушёр, сергак яшайди.

Лекин инсонни кузатиш, унинг ишларини ҳисоб-китоб қилиш бу билан тугамайди. Балки яна бошқа қўшимча кузатиш ҳам бор. Инсон доимо, қаерда бўлмасин, вакил қилинган икки фариштанинг назоратида бўлади. Улар инсондан содир бўлаётган гап-сўз ва амалларни зудлик билан ёзиб борадилар.

إِذْ يَنْفَخُ الْمُتَلَقِيَانِ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشِّمَالِ قَعِيدٌ ﴿١٧﴾ مَا يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴿١٨﴾

**17. Вақтики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳоларида кутиб олурлар.**

**18. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар.**

Демак, инсоннинг икки тарафида икки фаришта жойлашган ва улар инсоннинг ҳар бир амали ва сўзларини кутиб олади. Оятда уларни «икки кутиб олувчи», деб айтилмоқда.

**«Вақтики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳоларида кутиб олурлар.»**

Мазкур фаришталар содир бўлган барча ҳодисаларни ёзиб боришга вакил қилинганлар.

**«Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар.»**

Инсоннинг оғзидан чиққан битта лафз ҳам уларнинг назарларидан четда қолмайди. Улар ҳамиша ҳозир нозирдирлар, дарров ёзиб қўядилар.

Таъкидлаш лозимки, Аллоҳ таоло бандасининг амалларини ҳисоб-китоб қилишда бу икки фариштанинг ишига муҳтож эмас. Ўзи ҳамма нарсани комил илми ила билиб туради, ҳаттоки, аввалги оятларда айтилганидек, одамнинг хаёлидан ўтган нарсаларни ҳам билади. Мазкур фаришталарнинг ёзиб боришининг бошқа ҳикмати бор: қиёмат куни инсонга ҳужжат сифатида кўрсатиладиган номаи аъмол ушбу фаришталар ёзган ёзувлар бўлади. Бунга иймон келтириш эса, ҳар бир банданинг кўпроқ яхшилиқ қилишига, ёмонликдан янада кўпроқ четланишига боис бўлади.

Ушбу мавзуда кўплаб ривоятлар келган, шулардан баъзилари билан танишиб чиқсак, тушунчаларимиз мукамалроқ бўлади.

Али ибн Аби Толҳа Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладики, у зот: «Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар» ояти ҳақида: «Ҳар бир яхши-ёмон гапи ёзиб борилади. Ҳаттоки, едим, ичдим, бордим, келдим, кўрдим кабиларни ҳам. Пайшанба куни унинг иши ва гапи арз қилинади, яхшилиги, ёмонлиги бори қолдирилиб, қолгани ташлаб юборилади», деган эканлар.

Имом Ҳасан Басрий «...ўнгда ва чапда ўтирган ҳолда» оятини ўқиб туриб: «Эй, одам боласи, сенинг саҳифанг очилди, икки ҳурматли фаришта сенга вакил қилинди, биттаси, ўнг тарафингдаги яхшиликларингни ёзади, иккинчиси, чап тарафингдаги ёмонликларингни ёзади, нимани хоҳласанг, қилавер, озми, кўпми. Вафот этганинда, саҳифанг беркитилади, қабрингда бўйнингта осиб қўйилади. Қиёмат куни шундай ҳолда қабрингдан чиқасан...» деган эканлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўлим тўшагида инграб ётганларида, Товус розияллоҳу анҳудан: «Фаришта ҳар бир нарсани, ҳатто инграшни ҳам ёзади», деган ривоятни эшитибдилар-у, дарҳол, инграшни тарк этиб, шу билан то жон таслим қилгунларича инграмаган эканлар.

Мазкур саҳифалар ҳаётдаги ишларнинг саҳифасидир, аммо ўлим олдидан жон таслим қилиш саҳифаси ҳам бор.

وَجَاءَتْ سَكْرَةُ الْمَوْتِ بِالْحَقِّ ذَلِكَ مَا كُنْتَ مِنْهُ تَحِيدُ ﴿٣٩﴾

**19. Ўлимнинг мастлиги (талвасаси) ҳақиқат бўлиб келди. Сен қочиб юрган нарса шулдир.**

Дунёда инсон энг ёқтирмайдиган нарса ўлимдир. Одам боласи уни ҳатто ўйлагиси ҳам келмайди. Лекин ўлим бешафқат ҳодисадир, вақтидан кечикмай, ҳеч нарсани писанд қилмай бостириб келаверади.

Оятда ўлим талвасаси ҳақиқат — ҳақ билан келиши айтилмоқда:

**«Ўлимнинг мастлиги (талвасаси) ҳақиқат бўлиб келди».**

Демак, ўлим талвасаси чоғида — жон бериш пайтида бу ҳақиқат инсонга ўзлигини намоён этади. Лекин у пайтда вақт ўтган бўлади. Энди, иймон келтирган билан, тавба қилган билан иймон ҳам, тавба ҳам қабул қилинмайди. Эй инсон!

**«Сен қочиб юрган нарса шулдир.»**

Охирзамон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом жон таслим қилиш пайти яқин келганда, юзларидан терларини артиб туриб, «Субҳаналлоҳи, ўлимнинг сакаротлари (талвасалари) бор», деган эканлар. Аллоҳга мулоқот қилишга иштиёқи чексиз зотнинг ҳоллари шу бўлганда, бошқалар не ҳолга тушишлари ўз-ўзидан маълум.

Ўлим талвасасининг васфидан кейин бевосита маҳшар, қиёмат, ҳисоб-китоб ҳақида оятлар келади.

وَنُفِخَ فِي الصُّورِ ذَلِكَ يَوْمَ الْوَعِيدِ

**20. Ва сур ҳам чалинди. Бу, қўрқитилган кундир.**

«Сур» — қиёмат куни Исрофил исмли фаришта чаладиган ўта кучли овозли бир асбобдир. Исрофил алайҳиссалом сурни биринчи бор чалганларида ўша вақтдаги барча жонзотлар ўлади. Иккинчи бор чалганларида эса, Отамиз Одам алайҳиссаломдан тортиб, ўша пайтгача ўтган барча халойиқ қайта тирилади. Бу оятда сўз иккинчи чалиш ҳақида бормоқда, шу билан бирга, оятда илгари азоби ваъда қилиниб, қўрқитилган кун шу кун, деб таъкидлаб айтилмоқда.

وَحَاءَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَعَهَا سَائِقٌ وَشَهِيدٌ

**21. Ва ҳар бир жон ҳайдагувчи ва гувоҳлик берувчи билан келди.**

Яъни, қиёматда ҳар бир жон билан уни маҳшаргоҳга ҳайдовчи фаришта ва бу дунёда қилган ишларига гувоҳлик берувчи фаришта бирга келади. Эҳтимол, бу дунёда унга вакил қилинган икки фаришта шулардир.

Ана ўшандай қийин аҳволда турганда, унга қарата:

لَقَدْ كُنْتُمْ فِي غَفْلَةٍ مِّنْ هَذَا فَكَشَفْنَا عَنْكَ غِطَاءَ كَفَبَصْرِكَ الْيَوْمَ حَلِيدٌ

**22. Албатта, сен бундан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сенинг пардангни очдик ва бугун кўзинг ўтқирдир.**

Эй инсон, сенинг бошинга шундай кунлар тушишидан ғафлатда эдинг. Балки, ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилиб юрар эдинг. Кўзингни ғафлат пардаси ўраган эди. Мана, қиёмат қоим бўлиб, Биз сенинг пардангни очдик. Ғафлат пардаси кетди, энди кўзинг равшан бўлиб, ҳамма нарсани кўрасан, лекин энди кеч бўлди.

Шу пайт унинг «қорийни» — гувоҳлик берувчи фариштаси келиб керакли гапни айтди. Қани, «қорийни» — «яқини» нима дейди экан?

وَقَالَ فَرِيضٌ هَذَا مَا لَدَى عَتِيدٍ ﴿٢٣﴾

### 23. Ва унинг «яқини»: «Мана бу мендаги тайёр нарса», деди.

Яъни, мана, мен у дунёда ёзиб борган номаи аъмол тайёр, қўшилгани ҳам, камайтирилгани ҳам йўқ, дейди.

Ана худди ўша пайтда Аллоҳ таоло Ўз ҳукмини чиқариб, икки фариштага қарата бундай дейди:

أَلْقِيَا فِي جَهَنَّمَ كُلَّ كَفَّارٍ عَنِيدٍ ﴿٢٤﴾ مَتَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ مُّرِيبٍ ﴿٢٥﴾ الَّذِي جَعَلَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ  
فَأَلْقِيَاهُ فِي الْعَذَابِ الشَّدِيدِ ﴿٢٦﴾

### 24. Ҳар бир қайсарни, кофирни жаҳаннамга ташланг!

25. Яхшиликни манъ қилувчини, тажовузкорни, шак келтирувчини.

26. Аллоҳ билан бирга бошқани илоҳ қилиб олганни шиддатли азобга ташланг!

Ушбу уч оятдаги ҳукмнинг оҳанги, гуноҳкорларга нисбат берилган сифатлар — «қайсар», «кофир», «яхшиликни манъ қилувчи», «тажовузкор», «шак келтирувчи», «Аллоҳ билан бирга бошқани илоҳ қилиб олган» сифатларининг ўзиёқ ўшандай қийин кунда Аллоҳнинг қанчалик ғазаби чиқишини билдириб турибди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Жаҳаннамдан бир гардан чиқиб гапира бошлайди. У: «Мен бугун уч тоифага вакил қилиндим, ҳар бир қайсар — жабр қилувчига, Аллоҳга бошқа илоҳни шерик қилганга ва одам ўлдирганга», дейди. Уларни ўраб олиб, жаҳаннамнинг тўрига ташлайди», дедилар.

Бу каби улкан даҳшат, қийноқ ва азобдан ҳатто шайтон ҳам қўрқиб кетади. Ҳамда ўзини оқлашга уриниб, гапга аралашади.

﴿قَالَ قَبِينُ رَبَّنَا مَا أَطْعَيْتُهُ وَلٰكِنْ كَانَ فِي ضَلٰلٍ بَعِيْدٍ﴾

**27. Унинг «яқийни»:** «Роббимиз, уни мен тувёнга кетказганим йўқ, лекин унинг ўзи узоқ залолатда бўлди», дер.

Бу оятдаги «яқийни»дан мурод – шайтондир. Шайтон ҳам охи-ратдаги азоб-уқубатдан қўрқиб кетганидан, кофирдан тониб, мен уни ифво қилганим йўқ, деб ўзини олиб қочар экан.

Шу мақомда Аллоҳ таолонинг ҳал қилувчи сўзи янграйди.

﴿قَالَ لَا تَخْضَمُوْا لَدِيْ وَوَقَدْ قَدَّمْتُ إِلَيْكُمْ بِالْوَعْدِ ﴿٢٨﴾ مَا يَبْدُلُ الْقَوْلُ لَدِيْ وَمَا أَنَا بِظَلَمٍ لِّلْعَبِيْدِ ﴿٢٩﴾﴾

**28. У зот деди:** «Менинг ҳузуримда тортишманглар, сизларга азоб ваъдасини тақдим қилувдим.

**29. Менинг ҳузуримда гап ўзгармас ва Мен бандаларга зулм қилгувчи эмасман».**

Яъни, ҳозир тортишадиган вақт эмас, аввалдан ҳамма нарса тушунарли қилиб айтилган эди. Ҳар ким қилганига яраша жазо ёки мукофот олиши маълум эди. Кофир ва гуноҳкорларга азоб ваъдаси бўлганди. Энди ўша гап ўзгармайди. Ҳар ким қилганига яраша тортади. Лекин бу зулм эмас, айни адолатдир. Чунки, Аллоҳ таоло бандаларига ҳеч зулм қилмайди.

﴿يَوْمَ نَقُوْلُ لِيَجْهَنَّمَ هَلِ اٰمَنَّا تٍ وَتَقُوْلُ هَلْ مِنْ مَّرِيْدٍ ﴿٣٠﴾﴾

**30. Бугун жаҳаннамга:** «Тўлдингми?» десак, у: «Яна қўшимча борми?» дер.

Яъни, қиёмат куни аввалги оятларда васф қилинган осийларни жаҳаннамга ташлаб-ташлаб туриб, унга:

«Тўлдингми?» десак, у: «Яна қўшимча борми?» дер».

Йўқ, тўлмадим, яна қанча бўлса, майли, ташланаверсин, жой кўп, дейди.

Бу ҳақида имом Бухорий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Жаҳаннамга ҳар гал дўзахийлар ташланганда, у, яна қўшимча борми, дейди. Токи, Аллоҳ унга оёғини қўйгандагина, «Туғади», дейди», деб айтганлар.

Шу ерда жаҳаннамга тегишли даҳшатга тўла васфлар туғаб, келаси оятдан тенглик, омонлик, хайр ва қувонч тўла жаннат васфи бошланади.



## وَأَرْزَلْنَا الْجَنَّةَ لِّلْمُنَافِقِينَ غَيْرِ بَعِيدٍ ﴿٣١﴾

**31. Ва жаннат тақводорларга узоқ бўлмаган жойга яқинлаштирилди.**

Жаннат қиёмат кунида тақводор бандаларга яқин келтирилиб, кўзларига кўрсатилишининг ўзи уларга бўлган катта башоратдир. Ушбу шарафга кимлар эришади ва қайси сифатлар етказди?

## هَذَا مَا نُوْعِدُونَ لِكُلِّ أَوَّابٍ حَفِيفٍ ﴿٣٢﴾ مَنْ خَشِيَ الرَّحْمَنَ بِالْغَيْبِ وَجَاءَ بِقَلْبٍ مُّنِيبٍ ﴿٣٣﴾

**32. Бу – сизга ваъда қилинган нарсадир. Ҳар бир сертавбага ва сақловчига.**

**33. Роҳмандан ғойибона қўрққан ва саломат қалб ила келган кимсага.**

Демак, қиёмат кунида жаннат аҳлига жаннатни яқинлаштириб олиб келинади ва:

**«Бу – сизга ваъда қилинган нарсадир»,** дейилади.

Яъни, бу дунёда ким иймон билан ибодат қилиб юрса, жаннатга киради, деб ваъда қилинган эди, ана ўша, ваъда қилинган жаннат шу. Ундан сўнг, жаннат аҳлига қувонч устига қувонч бўлиши учун, жаннат кимларга ваъда қилингани алоҳида санаб чиқилади:

**«Ҳар бир сертавбага ва сақловчига. Роҳмандан ғойибона қўрққан ва саломат қалб ила келган кимсага».**

**«Сертавба...»**

Қилган гуноҳларига зудлик билан қайта-қайта тавба қилиб юрган шахслар. Тавбанинг аҳамиятини шундан билса ҳам бўлади.

**«Сақловчи...»**

Оятда, сақловчи, деб қўйилганининг ўзи ғоят улкан маънони ташийди. Нимани сақлаш керак бўлса, шуни сақловчилар ҳам шу маънонинг ичига киради. Жумладан, шариат чизиб қўйган чегарани сақловчи, Аллоҳга берган аҳду паймонини сақловчи ва ҳоказолар. Бу ҳам жаннатийларнинг сифатларидан бир сифат экан.

**«Роҳмандан ғойибона қўрққан...»**

Роҳман – Аллоҳнинг сифатларидан бири, ғойибона қўрқиш – Уни кўрмасдан қўрқишдир. Албатта, бу сифат жуда ҳам зарур бўлиб, Аллоҳ таолодан ғойибона қўрқмай туриб жаннатга киришни хаёлга ҳам келтирмаслик керак.

**«Саломат қалб ила келган...»**

Аллоҳнинг ҳузурига қалби касал бўлмай келувчи. Қалбнинг саломатлиги энг муҳим сифатлардан эканлиги ҳаммага маълум. Аллоҳ барчамизга қалб саломатлигини насиб этсин.

Шундан сўнг уларга:

أَدْخُلُوهَا بِسَلَامٍ ذَٰلِكَ يَوْمُ الْخُلُودِ ﴿٢٤﴾

**34. «Унга саломат бўлган ҳолда кирингиз. Бу – мангулик кунидир»** (дейилур).

Яъни, эй, аҳли жаннат, жаннатга турли бало-офатлардан, азоб-уқубатлардан ва бошқа нохушликлардан саломат бўлган ҳолда кирингиз. Бу кун мангулик кунидир. Энди, ушбу ҳолатингизда абадий қоласиз, дейилади. Улар хурсанд бўлиб жаннатга кираётган чоғларида ўша ердаги фаришталарга бу бахтиёрларнинг шарафини билдириш учун қуйидаги сўзлар айтилади:

هُم مَّا يَشَاءُونَ فِيهَا وَلَدَيْنَا مَزِيدٌ ﴿٢٥﴾

**35. У ерда нима хоҳласалар, уларники. Ва ҳузуримизда зиёдаси бор.**

Ушбу ояти кариманинг маъносини тушунтирувчи ҳадиси шарифлар ҳам келган.

Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом Ибн Аббос розияллоҳу анҳуга: «Агар жаннатда қушни истасанг, олдинга қовурилган ҳолда тушади», деганлар.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Агар мўмин киши жаннатда фарзанд хоҳласа, унинг ҳомиласи, туғилиши, ўсиши бир соатда бўлади», деганлар.

Ушбу ояти каримадаги:

**«Ва ҳузуримизда зиёдаси бор»**, деган жумлада, Аллоҳ таолонинг жамолига назар солиш бахти бор, деган маъно ётади, деб айтилган ривоят ҳам бор.

Қиёмат куни манзаралари васф қилиниб бўлгандан сўнг, кофирларга бу дунёда ҳам азоб келиши мумкинлиги аввал ўтганларнинг мисоли билан тушунтирилади.

وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُمْ مِّن قَرْنٍ هُمْ أَشَدُّ مِنْهُمْ بَطْشًا فَنَقَّبُوا فِي الْبِلَادِ هَلْ مِن مَّحِيصٍ ﴿٢٦﴾

**36. Улардан аввал, улардан кўра кучлироқ аср(авлод)лардан қанчасини ҳалок қилдик. «Қочадиган жой борми?» деб юртма-юрт кезиб чиқдилар.**

Яъни, ҳозирги кофирлар ва динсизларга ўхшаганлардан қанча-қанчасини авваллари ҳам ҳалок қилиб, азобга дучор этиб келганмиз. Ҳалокатга учраган ўша аввалги кофирлар авлодлари ҳозиргилардан кўра қувватлироқ эдилар. Улар чора излаб, имкон ахтариб, «Қочадиган жой борми?» деб, юртма-юрт дарбадар бўлдилар. Аммо чора топа олмай ҳалок бўлдилар. Ҳозиргилар ўшалардан ўрнак олсалар бўлмайдими?

Қиёмат куни азоблари ва бу дунёдаёқ дучор қилинадиган ҳалокатлар зикр этилиб ёдга солингач, энди ушбу ваъз ва насиҳатлардан кимлар фойда олишлари мумкинлигининг баёни келади:

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذِكْرٍ لِمَنْ كَانَ لَهُ قَلْبٌ أَوْ أَلْقَى السَّمْعَ وَهُوَ شَهِيدٌ ﴿٣٧﴾

**37. Албатта, бунда қалби борларга ва зеҳн билан қулоқ осмонларга эслатма бордир.**

Ўтганларнинг ҳалокати жуда ҳам яхши ибрат. Ҳалокатга учрамайин, деганлар уларнинг хатоларини такрорламасликлари даркор. Лекин ушбу эслатма қалби борларгагина эслатма бўлади. Ўтганларнинг ҳалокатидан ўрнак-ибрат олмаганларнинг қалblари йўқ, ўлган. Ёки қулоқлари йўқ. Бўлганида, қиссага эътибор билан қулоқ солиб, албатта, ибрат олган бўлар эдилар.

Сўнгги оятларда Аллоҳнинг қудрати чексизлиги яна бир бор эслатилиб, Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминларга тасалли берилиб, сабр қилиш, намоз ўқиш, тасбиҳ айтиш, охиратни эшлашга қақририлиб, хулоса келтирилади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ وَمَا مَسَّنَا مِنْ لُغُوبٍ ﴿٣٨﴾

**38. Албатта, осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратдик. Ва Бизни чарчоқ тутмади.**

Шунча нарсаларни яратиб чарчамаган Зот ўлганларни қайта тирилтира олмасмиди? Ушбу оятда Аллоҳ таоло:

**«Албатта, осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратдик»,** демоқда.

Ушбу муносабат ила айтиш лозимки, Аллоҳнинг ҳузуридаги кунлар биз ўрганиб қолган кунларга ўхшаш эмас. Бизнинг кунларимиз дунё яратилганидан сўнг, ер куррасининг айланиши ҳолати

ва вақтига мувофиқ яратилган. Оятда эса борлиқнинг, шу жумладан ер куррасининг яратилиши ҳақида сўз кетмоқда. Табиийки, бу олти куннинг миқдорини ёлғиз Аллоҳ таоло билади.

**«Ва бизни чарчоқ тутмади.»**

Бу жумла, Аллоҳнинг қудратига яққол далилдир. Аммо бошқа диндагилар хусусан, яҳудийлар, Аллоҳ дунёни олти кунда яратиб, еттинчи куни дам олган, дейишади. Бу эса, Аллоҳга туҳмат ва Унга нуқсонни нисбат беришдир.

Келгуси ояти карималарда кофир ва мушриклардан турли озорлар чекаётган Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ва у зот орқали барча мусулмонларни сабр қилишга чақирилади ҳамда уларга сабрни касб қилиш йўли ўргатилади.

Эй Муҳаммад!

فَأَصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ الْغُرُوبِ ۖ وَمِنَ اللَّيْلِ فَسَبِّحْهُ وَأَدْبَرَ السُّجُودِ

**39. Уларнинг айтаётганларига сабр қил ва Роббингга қуёш чиқиши ва ботишидан аввал ҳамду тасбиҳ айт.**

**40. Кечасида ҳам Унга тасбиҳ айт. Ва саждадан кейин ҳам.**

Аввалги ояти карималарда, кофирларнинг Пайғамбар алайҳиссаломни инкор этиб, турли бўлмағур гаплар айтиб у зотга озор беришлари эслатиб ўтилган эди. Дарҳақиқат, кофирлар жуда кўп озор берувчи гапларни айтар эдилар. Ушбу оятларнинг аввалида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломни сабр қилишга чақирмоқда.

**«Уларнинг айтаётганларига сабр қил...»**

Яъни, эй Муҳаммад, кофирларнинг айтаётган озор берувчи гапларига сабр қил. Ҳар бир эзгулик йўлида сабр қилиш лозим бўлади. Сабрсиз иш битмайди.

Сабрга ёрдам берувчи энг муҳим нарса Аллоҳни ёд этишдир. Шунинг учун:

**«Роббингга қуёш чиқиши ва ботишидан аввал ҳамду тасбиҳ айт. Кечасида ҳам Унга тасбиҳ айт. Ва саждадан кейин ҳам».**

Тасбиҳ айтишнинг маъноси Аллоҳни поклаб ёд этишдир. Аллоҳни поклаб ёд этиш эса, кўпроқ «Субҳаналлоҳи» калимасини айтиш билан бўлади.

Аллоҳни поклаб ёд этишнинг олий нуқталаридан бири намоз ўқишдир. Ушбу оятлардаги, «Роббингга ҳамду тасбиҳ айт»дан мурад ҳам намоз ўқишдир. Жумладан:

«...Роббингга қуёш чиқиши ва ботишидан аввал ҳамду тасбиҳ айт.»

Бомдод ва аср намозларини ўқи.

**«Кечасида ҳам Унга тасбиҳ айт.»**

Шом ва Хуфтон каби кечаси ўқиладиган намозларни адо эт.

**«Ва саждадан кейин ҳам.»**

Яъни, намоз ўқиб бўлганингдан кейин ҳам Аллоҳга тасбиҳ айт.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху: «Бу оятдаги тасбиҳдан мурод — намоздан кейин айтиладиган тасбиҳдур», деганлар.

وَأَسْمِعْ يَوْمَ يُنَادِ الْمُنَادِ مَن مَّكَانٍ قَرِيبٍ ﴿٤١﴾ يَوْمَ يَسْمَعُونَ الصَّيْحَةَ بِالْحَقِّ ذَلِكَ يَوْمَ الْخُرُوجِ ﴿٤٢﴾

**41. Нидо қилувчи яқин жойдан нидо қилган кунда қулоқ ос.**

**42. У кунда қичқириқни ҳақ ила эшитурлар. Ана ўша, чиқиш кунидир.**

«Нидо қилувчи» — фаришта Исрофил алайҳиссаломдир.

Қиёмат қоим бўлишининг қичқириғини (нидосини) ўша зот қилурлар.

«Чиқиш куни» — қабрлардан чиқиш куни, яъни, қиёмат кунидир.

Маълумки, Исрофил алайҳиссалом биринчи бор нидо қилганларида дунёдаги барча нарсалар ўлади. Сўнгра, иккинчи бор нидо қилганларида ҳамма қайта тирилади. Ушбу оятдаги

**«Нидо қилувчи яқин жойдан нидо қилган кунда қулоқ ос»,** дегандаги нидо иккинчи нидодир. Барча халойиқ

**«У кунда қичқириқни ҳақ ила эшитурлар».**

Эшитмаган ҳеч кимса қолмайди. Демак, ҳамма-ҳамма, ҳеч ким қолмай қайта тирилади. Чунки:

**«Ана ўша, чиқиш кунидир».**

Ҳа, ана ўша, қабрлардан маҳшарга қайта тирилиб чиқиш кунидир. Ҳа, ҳамма ўша кунда тирилиши ҳақ. Чунки:

إِنَّا نَحْنُ مُحْيٍوْمُئْتٍوَالْيَسَاءَلْمَصِيرُ ﴿٤٣﴾ يَوْمَ تَشَقُّوَالْأَرْضُ عَنْهُمْ سِرَاعًا ذَلِكْ حَشْرٌ عَلَيْنَا سِيرٌ ﴿٤٤﴾

**43. Албатта, Биз тирилтиурмиз, ўлдиурмиз. Ва қайтиш ҳам Бизгадир.**

**44. У кунда устларидаги ер ёрилиб, шошиб чиқурлар. Ана ўша, Биз учун осон тўплашдир.**

Кофир ва мушриклар, ўзларича, ўлиб, тупроқ бўлганимиздан кейин ҳам-а?! Бу қайтиш ақдан узоқ», деб юрибдилар. Уларнинг

бу гапи ғирт ақлсизлик. Ўлгандан кейин қайта тирилиш жуда ҳам осон. Чунки:

**«Албатта, Биз тирилтирурмиз, ўлдирурмиз».**

Аллоҳнинг ихтиёрида бўлган нарсанинг, зотан, ҳамма нарса У зотнинг ихтиёрида, ҳеч қийинлиги йўқ. У зот ҳар нарсага бўл, деса, бўлади. Шунингдек, охиратдаги

**«Ва қайтиш ҳам Бизгадир».**

Бошқага эмас. Бас, шундоқ экан, қайта тирилишга ҳеч шубҳа йўқ.

**«У кунда устларидаги ер ёрилиб, шошиб чиқурлар.»**

Ривоятларда келишича, ўша вақтда Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ёғдириб, қабрда одамларнинг жисмларини ўстиради. Худди, тупроқдаги донни ўстиргандек. Жисмлар ўсиб бўлгандан сўнг, Аллоҳ таоло Исрофил алайҳиссаломга амр қилиб сур чалдиради. Руҳлар сурнинг тешигига жойлаштирилган бўлади. Исрофил алайҳиссалом сурга пуфлаганларида руҳлар осмонлару ернинг орасидан чиқади. Аллоҳ таоло: «Иззатим ва жалолим ила қасамки, ҳар бир руҳ қайси жасадни обод қилган бўлса, ўшанга қайтсин», дейди. Ҳар бир руҳ ўз жасадига қайтади ва чаён захри одам танасида қандай тарқаса, шундай тарқайди. Сўнг уларнинг устидаги ер ёрилади ва улар туриб, ҳисоб жойига шошиладилар.

**«Ана ўша, Биз учун осон тўплашдир.»**

Ундоқ осон тўплаш бошқа ҳеч жойда ва ҳеч кимнинг ҳузурида йўқдир.

Эй Пайғамбар!

تَحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ وَمَا أَنْتَ عَلَيْهِمْ بِجَبَّارٍ فَذَكَرَ بِالْقُرْآنِ مَنْ يَخَافُ وَعِيدِ ﴿٤٥﴾

**45. Уларнинг айтганларини Биз билувчимиз. Сен уларнинг устидаги жаббор эмассан. Бас, Қуръон ила азоб ваъдамдан қўрққанларни огоҳлантир.**

Суранинг охирги ояти каримасида Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбарига яна бир бор тасалли бериб, у зотга Пайғамбарлик вазифалари хусусиятини яна бир бор эслатмоқда.

**«Уларнинг айтганларини Биз билувчимиз.»**

Шунинг учун, ул кофирларнинг айтаётган нолайиқ гапларидан сен хафа бўлма, эй Пайғамбар. Шу билан бирга, сен уларнинг иймонга келмаётганларидан кўп ташвиш ҳам чекаверма.

**«Сен уларнинг устидаги жаббор эмассан.»**

Ушбу жумладаги «жаббор»нинг маъноси — кишиларни ўз ҳавойи

нафсига биноан маҳкам тутувчи, деганидир. Аммо шариат аҳкомлари асосида тутса, жаббор бўлмайди.

**«Бас, Қуръон ила азоб ваъдамдан қўрққанларни огоҳлантир.»**

Зотан, сенинг асосий вазифанг шудир.

«Қоф» сураси дунё яратилиши, қайта тирилиш, маҳшар, ҳисоб-китоб, жаннат, дўзах, савоб, иқоб каби ваъз-насихатга тўла масалаларни баён этиб келгани учун ҳам, Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом бу сурани одам кўп тўпланадиган жойларда ўқир эканлар.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда, ҳазрати Умар Аби Воқид ал-Лайдан:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ийдда нимани ўқир эдилар?» – деб сўраганларида, у киши:

«Қоф ва Иқтарабатни», деган эканлар.

Имом Аҳмад Умму Ҳишом бинти Хорисадан ривоят қиладилар, у киши: «Пайғамбар алайҳиссалом билан бизнинг таннури-миз битта эди, «Қоф вал Қуръони мажид»ни Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг офизларидан ёдлаганман, ҳар жума минбарда одамларга ўқир эдилар», дебдилар.



## ЗААРИЙААТ СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 60 оятдан иборат.*

Бу сураи карима ўзига хос услубга ва нозил бўлиш шароитига эга. Унинг бошланишида Аллоҳ таоло тўрт нарса билан қасам ичди. Одатда, бу нарсалар, уларнинг ушбу оятларда зикр қилинаётган номлари танилган эмас. Шунинг ўзи ажойиб бир ҳолатни вужудга келтиради, ўқувчи ва эшитувчида сирлилик ва аҳамияти беқиёс бир ишнинг остонасида турганлик ҳиссини уйғотади. Бу сура Маккий суралардан бўлгани учун, ўзида уларнинг васфларини ва мақсадларини мужассамлаштирган. У, Ислом ақйдаси асосларини баён қилади. Иймоннинг мустаҳкам бўлишини таъкидлайди. Шунингдек, ваҳий, Пайғамбарлик, қиёматдаги ҳисоб-китоблар ҳақида сўз кетади.

Суранинг асосий мавзуи Аллоҳнинг ягоналиги, яратувчи, ризқ берувчи, борликдаги ҳар бир ишнинг тасарруфини қилувчи Зот экани тўғрисидадир. Шу билан бирга, ушбу сура Аллоҳнинг қудратига далолат берувчи баъзи нарсалар ҳақида ҳам сўз юритади.

«Заарийаат» сурасида Пайғамбарлар: Иброҳим, Лут, Мусо, Нуҳ, Ҳуд ва Солиҳ алайҳиссаломларнинг қиссалари жуда ҳам мухтасар ҳолда берилади. Бу билан ҳамма Пайғамбарларнинг даъватлари бир бўлганига, яъни, одамларга Аллоҳни танитиш, қалбларини Унинг ибодатига поклаш эканига ишора қилинади.

Сураи карима инсонлару жинларнинг яратилишидан ҳақиқий мурод Аллоҳга ибодат қилишлик эканини қатъий таъкидлаш ҳамда динсизларнинг охир-оқибат кўражак азоблари тўғрисидаги хабар билан тугалланади.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالذَّارِيَاتِ ذُرُورًا ﴿١﴾ فَالْحَامِلَاتِ وِقْرًا ﴿٢﴾ فَالْجَارِيَاتِ يُسْرًا ﴿٣﴾ فَالْمُتَمَسِّمَاتِ أَمْرًا ﴿٤﴾

1. Чанг тўзитувчи(шамол)лар билан қасам.
2. Юк кўтарувчи(булут)лар билан қасам.
3. Осон юрувчи(кема)лар билан қасам.
4. Иш тақсимловчи(фаришта)лар билан қасам.

Аслида, араблар шамолни «зарийат», булутни «ҳамилат», кема-ни «жарийат» ва фариштани «муқоссимат» деб номламайдилар. Бу исмлар мазкур нарсаларга биринчи марта Қуръонда қўйилмоқда. Тўғри, Қуръони Каримнинг ўзида, «зарийат» шамол дегани, деб шарҳ ёки тушунча берилган эмас. Бу каби тушунчалар Қуръонни биринчи қабул қилиб олган зот Муҳаммад алайҳиссалом ва у кишининг саҳобаи киромларидан ривоят қилинган.

Машҳур тафсирчи Ибн Касир Абу Туфайлдан ривоят қиладиларки, у киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг минбарда туриб сўзлаётганларини кўрибдилар. У киши, Аллоҳнинг китобидаги оятлардан, Пайғамбар алайҳиссалом суннатларидан савол беринг, жавоб бераман, деб турган эканлар. Шунда Ибн Киво исми киши ўрнидан туриб:

«Эй, мўминларнинг амири «Ваз-зарийат»нинг маъноси нима?» — дебди. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу:

«Шамол», дебдилар. У киши:

«Фал ҳамилат», дегани-чи?» — дебди. Ҳазрати Али:

«Булут», дебдилар. Ибн Киво:

«Фал жарийат» дегани-чи?» — дебди. Ҳазрати Али:

«Кема», дебдилар. У киши:

«Фал муқоссимат» дегани-чи?» — деган экан, Ҳазрати Али:

«Фаришта», дебдилар.


Субойф ибн Асал Тамиймий исми фитначи шахс, кейинроқ, ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб ҳузурларига келиб, худди Ибн Кивонинг саволларини берган, Ҳазрати Умар худди ҳазрати Али карамаллоҳу важҳаҳуга ўхшаб жавоб қилганлар. Сўнгра у киши розияллоҳу анҳу Субойфнинг бу нозик масалани қайта-қайта сўраб,

турли жавоб чиқиб қолса, ихтилоф чиқаришга уринаётганини яхши сезиб, уни жазоладилар ва одамлар ичида ўтириб, суҳбатларда иштирок этишдан маҳрум қилдилар.

Ушбу ривоятдан кўриниб турибдики, юқорида ўтган оятлардаги тўрт нарсада юзаки мубҳамлик мавжудлигидан, баъзи фитначилар қайта-қайта савол беришга уринганлар.


Фитначи Субойф ибн Асал Тамиймийга нисбатан ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳунинг қўллаган жазо чоралари ҳам ниҳоятда ҳикматли эканини таъкидламоқ лозим. Ҳозирги пайтдаги кўпгина келишмовчиликлар ҳам Субойфга ўхшаган фитначилар сабабидан келиб чиқади. Уларга нисбатан ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг чораларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Демак, дастлабки тўрт оятда Аллоҳ таоло инсон эътиборини тортиш учун Ўзи яратган баъзи нарсалари билан қасам ичмоқда.

Киши ўйлаб қараса, шамол, булут, кема ва фаришталарда Аллоҳнинг қудратини кўради ва Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг тадбиркори эканига тан беради. Мазкур нарсаларни яратишга ва бошқаришга қодир бўлган Зот, ундан улканроқ ишларга ҳам қодирдир. Жумладан, қасамга жавоб бўлиб келаётган кейинги оятдаги маънонинг воқеъ бўлиши ҳам Аллоҳнинг изнидадир.



### 5. Албатта, сизга ваъда қилинган нарса ростдир.

Яъни, Аллоҳ сизга: қайта тирилиш, ҳисоб-китоб бўлади, деб ваъда қилган эди, ўша нарса рост, ҳеч шубҳа қилманг.



### 6. Ва, албатта, қиёмат воқеъ бўлгувчидир.

Қиёмат рўй беришига, у куни ҳар бир ишнинг ҳисоб-китоби бўлиб, ҳар ким қилганига яраша мукофот ёки жазо олиши муқаррарлигига ишониш инсонлар учун жуда ҳам муҳимдир. Ҳозирги кунимиздаги барча мусийбатлар, мушкулотлар ушбу тушунча кишилар қалбидан ўз ўрнини топмаганлигидан келиб чиқмоқда. Қачонки қиёматга иймон мустаҳкам бўлганда, яхшиликлар кўпайганлиги инсоният тарихидан маълум ва машҳурдир. Бу сезги ҳар бир одам қалбида тез-тез янгиланиб, жилоланиб турмоғи лозим. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримнинг маккий сураларида бу

мавзуга алоҳида эътибор берилади ва қайта-қайта такрорланади. Шунга қарамай, одамлар ичида бу нарсаларга ишонмайдиганлар, динни, Қуръонни ва Пайғамбарликни инкор этувчилар учраб туради. Уларнинг оқибати нима бўлишини келгуси оятлар баён қиладди. Бу ҳақиқатни ҳам Аллоҳ таоло қасам ичиб таъкидлайди.

وَالسَّمَاءِ ذَاتِ الْحُبُكِ إِنَّكَ لَنِي قَوْلٍ مُّخْتَلِفٍ

**7. Гўзал, мустаҳкам осмон билан қасам.**

**8. Албатта, сизларнинг гапларингиз ихтилофлидир.**

Ушбу оятдаги хитоб динсиз ва диёнатсиз кишиларга қаратилгандир. Дарҳақиқат, динсизларнинг гаплари ихтилоfli, турлитуман бўлади. Бунинг акси ўлароқ, иймонлиларнинг сўзи бир хилдир. Улар: Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига, Қуръонига, қиёмат кунига, фаришталарига, яхшилик ва ёмонлик, қазои қадар Аллоҳдан эканлигига ишонамиз, дейдилар.

Бу нарсаларга динсизларнинг муносабати турлича бўлиб, баъзилари Аллоҳни бутунлай инкор этса, бошқалари табиатни «Аллоҳ» дейди, учинчилари қуёшни, яна тўртинчилари ойни ёки яна қандайдир бир нарсани «Аллоҳ» дейди (Наъузубиллоҳи мин залик).

Шунингдек, Қуръони Каримни баъзи кофирлар шеърга қиёслайди, бошқалари ўтганларнинг афсонаси, сеҳр, фолбинлик, мерос, адабий асар ва ҳоказолар дейди.

Демак, иймонсизлик, динсизлик инсонларни субутсиз қилиб қўяди. Уламоларимизнинг кўплари ушбу оятларда сўз Қуръони Карим ҳақида эканини таъкидлаганлар.

يُؤْفِكُ عَنْهُ مِنَ الْوَيْحِ

**9. У(Қуръон)дан ким бурилса, (бутунлай) буриб қўйиладир.**

Яъни, кимки Қуръонга иймон келтирмай, ундан юз ўгирса, бутунлай буриб қўйилади. Ҳеч қачон тўғри йўлни топа олмайди. Бундан келиб чиқадики, ким Қуръонга иймон келтирса, уни маҳкам тутса, тўғри йўлда боқий қолади. Қуръондан бурилиб, бошқа нарсани тутмоқчи бўлган одам эса, ҳеч қачон нажот топмайди. Чунки, у бутунлай залолатга бурилиб қолган бўлади.

قَبْلِ الْخَرَّاصُونَ

### 10. Ёлғончиларга лаънат бўлсин!

Қуръонни ёлғонга чиқарувчилар оятда «хорросун» деб номланган. Бу сўз гумон ва тахмин билан сўзлашни ифода этади. Буларни «ёлғончи» дейишлик айни муддаодир. Уларнинг сифатлари келгуси оятларда баён қилинади.

الَّذِينَ هُمْ فِي غَمْرَةٍ سَاهُونَ ﴿١٠﴾

### 11. Улар жаҳолатдаги ғофиллардир.

Яъни, тахмин ва гумон билан, ёлғон-яшиқ орқали динсиз бўлиб юрганлар жаҳолат ва адашувдадирлар. Улар Аллоҳнинг амридан — динидан ғофилдирлар.

يَسْأَلُونَ أَيَّانَ يَوْمِ الدِّينِ ﴿١١﴾

### 12. Улар: ҳисоб-китоб куни қачон, деб сўрарлар.

Уларнинг бу сўрови ҳақиқатни англаш учун эмас, балки ишонмасдан, истехзо, масхара тарийқасидаги сўровдир. Динсизлар доимо қиёмат кунининг қачон бўлишини сўраш билан ўз норозилиklarини, бунга ишонмасликларини таъкидлайдилар.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло келаси оятларда улар инкор этаётган қиёмат кўринишларини ўзига хос услубда баён қилади.

يَوْمَ هُمْ عَلَى النَّارِ يُفَنُّونَ ﴿١٢﴾

### 13. Бу кунда улар оловда азобланурлар.

Қиёматга ишонмаётган динсизлар у кунда, худди темир ўтда куйдирилганидек, жаҳаннам оташида куядилар. Васфига тил ожизлик қиладиган қийноқда бўлишларига қарамай, азоб устига азоб бўлсин деб, уларга таъна гаплар ҳам айтилиб турилади. Уларга жаҳаннамнинг хизматини қилиб турувчи фаришталар томонидан:

ذُوقُوا فَنَّتَكُمْ هَذَا الَّذِي كُنْتُمْ بِهِ تَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٣﴾

14. «Азобингизни татиб кўринг», сиз «Қачон бўладир», деб шошилган нарса—шу!» (дейилур).

Динсизлар, кофирлар ана шундоқ қийноқ ва азобда турган

бир пайтда тақводорлар, мўминлар жаннат боғларида роҳат ва фароғатда бўлишларини келаси оятлар баён қилади.

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٥﴾ آخِذِينَ مَاءً أَنْهَمَ رُءُوسَهُمْ وَإِذْهُمْ كَانُوا قَبْلَ ذَلِكَ مُحْسِنِينَ ﴿١٦﴾

**15. Албатта, тақводорлар жаннатлар ва булоқлардадир.**

**16. Роббилари берган нарсаларни олувчилардир. Чунки, улар бундан олдин эҳсон қилувчилардан бўлганлардир.**

Яъни, бу дунёда яхши ишлар қилиб юрган тақводорлар энди жаннатда парвардигорлари берган неъматларни қабул қилиб оладилар. Уларнинг бундоқ иззат-эҳтиромга сазовор бўлишларининг сабаби, ҳаёти дунёда эҳсон қилувчилардан бўлганларидир.

Уларнинг ушбу олий мақомга етказувчи бошқа амаллари ҳам бор эди, жумладан:

كَانُوا قَلِيلًا مِّنَ اللَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ ﴿١٧﴾

**17. Улар кечалари оз ухлар эдилар.**

Яъни, кечани ибодат билан бедорликда ўтказиб, оз ухлар эдилар. Ушбу оят тафсирида уламоларимиз Абдурроҳман ибн Зайд ибн Асламдан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Бир киши, эй, Абу Усома, мен бир сифатни ўзимизда топмаяпман. Аллоҳ таоло бир қавмни эслаб, кечалари оз ухлар эдилар, деган эди, биз эса кечаси жуда оз бедор бўламиз, деди. Шунда Абу Усома розияллоҳу анҳу: «Мудроқ босганда ухлаб, уйғонганда Аллоҳга тақво қилганларга яхшиликлар бўлсин», дедилар». Демак, кўп ибодат қиламан деб, ўзини қийнаш даражасига бормаслик керак экан. Вақтида ухлаб, уйғоқлик вақтини бекор кетказмасдан, ибодат ва тақводорлик қилишнинг ўзи катта гапдир.

وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ ﴿١٨﴾

**18. Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар.**

Саҳар чоғида туриш, истиғфор айтиб, гуноҳидан кечишни сўраш жуда ҳам фазилатли иш бўлиб, буни қилган кишилар хайр-баракка, улуғ мартабаларга эришадилар. Ҳадиси шарифлардан бирида Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Албатта, Аллоҳ таоло ҳар куни кечанинг учдан бири қолганда дунё осмонига тушади ва тонг отгунча: «Тавба қилувчи борми—тавбасини қабул қиламан; истиғ-

фор айтувчи борми — мағфират қилиб, гуноҳини кечаман; сўровчи борми — сўраганини бераман», дейди, деганлар».

Шунинг учун, иложи борича, саҳарда туриб ибодат қилиш, истиғфор айтишга уриниш лозим.

وَفِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ لِّلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ ﴿١٩﴾

### 19. Ва молу мулкларида сўровчи ва бечораларнинг ҳаққи бордир.

Биз «сўровчи» деб таржима қилган сўз Қуръони Карим матнида «соил» деб келган, яъни, ночорлигидан ўзгалардан молиявий ёрдам сўровчидир. «Бечора» эса, «маҳрум» деб зикр қилинган, яъни, ночор бўлса ҳам, ифбатли бўлгани учун уялиб, бировлардан молиявий ёрдам сўрамай юрган одам. Шунда оят, тақводорлар сўраган ва сўрамаган муҳтож кишиларга ўз молларидан маълум миқдорда ҳақ ажратиб қўйган кишилардир, деган маънони билдиради. Тақводор, диндор кишилар қўлларига келган мол-дунёнинг ҳаммаси фақат ўзлариники эмас, балки унда муҳтожларнинг ҳам ҳаққи борлигини доимо яхши тушуниб юрадилар. Бу оятда тақводорларнинг сифатлари баёни билан баробар мазкур суранинг асосий мавзуларидан бири бўлмиш ризқ масаласи зикр қилиняпти. Кишиларнинг қалбларини бахилликдан тозалаш, фақат ризқ ила машғул бўлиб, бошқа муҳим нарсаларни унутиб қўймаслик эслатилмоқда. Шунинг учун ҳам, келаси оятларда бу масалага алоҳида тўхталади.

وَفِي الْأَرْضِ آيَاتٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٠﴾

### 20. Ва ерда чуқур ишонувчилар учун белгилар бор.

Яъни, ҳақиқий илмли, шак-шубҳасиз иймон келтирган шахслар учун Аллоҳнинг борлигига, ягоналигига ер юзида кўплаб далолатлар бор.

Қуръони Карим оятлари ҳар замон ва ҳар макон, ҳар қандай инсон ва жамият учун мосдир. Ушбу оятни ўқиган ё эшитган қадимий кишилар ўзлари яшаб турган макон ва замон шароитларидан келиб чиқиб, Аллоҳнинг борлигига ва ягоналигига ерда кўплаб далилларни тошганлар.


Худди шунингдек, вақт ўтиб, инсоннинг илми, тажрибаси ортиб бориб, маълумотлари ўсган сари мазкур билим ва исботлар ҳам кўпая борган. Ҳозирга келиб, илм-фан ривожланган пайтда мазкур

далиллар ҳам жуда кўпайди. Келажак авлодлар эса, бундан ҳам кўп аломат, белги ва далилларни топишлари аниқ, иншоаллоҳ.

Замонавий олимлардан бири: «Ким бу оламнинг гўзаллигини, улуғ тадбиркор тарафидан яратилганини ҳис қилмоқчи бўлса, ўрмонлар ва далаларда бўлаётган ҳодисаларни ўрганмоғи лозим. Фақат шундагина, ўзи оддий, табиий нарса деб ўйлаб юрган нарсаларнинг илоҳий мўъжиза эканлигига, башарият хоҳишидан ташқари нарса эканлигига, бу нарсаларни англаб етиш учун ақли ожизлигига тан беради ҳамда Аллоҳга, Унинг чексиз қудратига иймон келтиришдан ўзга чораси қолмайди», деган.

Бошқа бири эса: «Тупроқ ва набототларни қанча ўргансам, Аллоҳга бўлган иймоним шунча зиёда бўлади ва Уни улуғлаб кўпроқ сажда қиламан», деган экан.

Инсон ер ва унинг устидаги ҳар бир нарсага ибрат назари билан қараса, Аллоҳнинг борлигига, Унинг қудратига ва нақадар тадбиркорлигига сон-саноксиз ҳужжат ва далиллар топади. Одатда биз ҳеч эътибор бермай юрадиган энг оддий нарсани ҳам олиб қарасак ва ўзимизга, у қаердан келди, нима учун бундай шаклга эга, унинг қандай хусусиятлари бор, каби саволларни бериб кўрсак, албатта, Аллоҳ таолога иймонимиз зиёда бўлишидек улуғ натижага эришамиз. Узоққа бориб ўтирмай, ўзимизнинг турмушимизга бир назар солайлик: ўзимиз кўравериб, ишлатавериб ўрганиб қолган, жисмимиздаги Аллоҳ берган аъзоларни, уларнинг вазифасини тадбир билан ўрганиб чиқайлик-чи, нима бўлар экан? Келгуси оятда биз худди шунга даъват этилмоқдамиз.



## 21. Ва ўзларингизда ҳам (белгилар) бор. Ёки кўрмаяпсизларми?!

Инсон ер юзидаги энг улкан илоҳий мўъжиза ҳисобланади. Унинг ҳар бир аъзоси, бу аъзоларнинг вазифалари, ишлашини ўйлаб кўрган киши даҳшатга тушади. Лекин инсон ғофил, ўзининг қийматини ўзи билмайди. Ўзидаги сирлардан беҳабар. Унинг жисми битмас-туганмас мўъжиза, жасади мўъжиза, руҳий ҳолати мўъжиза, ички ва ташқи оламлари ҳадсиз-ҳисобсиз мўъжизалардан иборат. Юраги ёки ўпкасининг ишлаши, кўзининг кўриши, қулоғининг эшитиши, димоғининг ҳид билиши, миясининг ўйлаши, руҳиятининг хурсанд ёки хафалик ҳолатлари — булар ҳаммаси эслихушли одамни ҳайратга солмасдан, Аллоҳнинг қудратига қойил қолдирмасдан иложи йўқ.

Шунинг учун ҳам, араб шоирларидан бири: «Сен ўзингни кичик бир жисм деб ўйлайсан. Лек ўзингда катта оламнинг жамлигини билмайсан», деган экан. Ҳар бир инсон ўзининг она қорнида пайдо бўлишидан бошлаб, то охирги нафаси чиққунга қадар кечган ҳаётини, унинг ҳар бир лаҳзасини инсоф билан ўйлаб кўрса, мўмин-мусулмон бўлишдан ўзга чора қолмайди.

Катта давлатлар ҳисобсиз маблағлар ажратиб, турли соҳа уламоларини жалб этиб, илмий текширишлар ўтказиб, сонсиз-саноқсиз китоблар чиқариб ҳам, инсонни тўлиқ ўргана олмаганларини тан олдилар. Инсонга Аллоҳ берган тирноқчалик тирноқ яратишга имкон топмадилар.

Шундоқ хусусиятларга эга бўлган, турган-битгани мўъжизадан иборат инсонни яккаю ягона, қудратли Аллоҳ яратмаган бўлса, у қаердан пайдо бўлди? Ҳар ким ўзини ўйлаб-ўрганиб кўрса ҳам, иймони зиёда бўлаверади. Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримани шунинг учун нозил қилган.



## 22. Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарса (бор).


Яъни, осмонда сизнинг ризқингиз сабабчиси ёмғиру қор бор. Аслини олганда, ризқ сабаблари ерда бўлиб кўринади. Аммо Қуръон бизнинг назаримизни осмонга, ғайбга, Аллоҳга тортмоқда. Инсон ерга ишониб, унга берилиб, ҳамма ризқ шу ерда деб, ҳақиқий ризқ берувчини унутиб қўймасин.

«**Ва осмонда ризқингиз...**» бор.

Худди шунингдек, ваъда қилинган яхши-ёмон нарсалар барчаси ҳам Аллоҳдан эканлигини инсон бир лаҳза ҳам унутмаслиги лозим.

«**...ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарса (бор).**»

Бу ўтган оятларда инсон эътиборини ерга, инсоннинг ўзига ва осмонга тортгандан сўнг, Аллоҳ таоло мазкур гаплар рост эканини Ўзининг олий зоти ила қасам ичиб тасдиқламоқда.



## 23. Осмону ернинг Роббиси ила қасамки, албатта, у (ваъда) мисоли сиз нутқ қилаётганингиздек ҳақиқатдир.

Яъни, юқорида зикр қилиб ўтилган, осмонда экани тасдиқланган ваъдалар, сизнинг нутқингиз қандай ҳақ бўлса, шундай ҳақдир.



Маълумки, инсонга Аллоҳ таоло кўриш, эшитиш, гапириш, ҳид билиш, таъм билиш ва тан билан сезиш хусусиятларини берган. Ушбу хусусиятларнинг ичида фақат нутқ инсон иродаси билан, бошқа нарсанинг таъсирисиз юзага келади. Энг аввалги ва зоҳир хусусият — нутқ, яъни гапиришдир. Бу, инкор этилмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ҳақиқатни исботлашда нутқни мисол келтирди.

Ушбу оятларни ўқиб, эшитиб, маъносини шарҳлаб юрилаверади-ю, қалб билан ҳис этиб, ақлдан ўтказиш ҳоллари кам бўлади. Агар ҳақиқий маънолари чуқур англаб етилса, қалбга тўлиқ бориб етса, таъсири бошқача бўларди.

Бунга мисол қилиб имом Жоруллоҳ Замахшарий ўзларининг «Кашшоф» тафсирларида буюк араб адиби Асмаъийдан бир ривоят келтирадилар. У киши бундай ҳикоя қилибдилар: «Бир куни Басранинг жомеъ масжидидан чиқиб кетаётган эдим, бир аъробий (сахролик араб) ўтирган жойидан туриб келди-да, қайси қабиладансан, деб сўради. Мен, Бани Асмаъданман, дедим. У, қаердан келяпсан, деди. Мен, Аллоҳнинг каломи тиловат қилинаётган жойдан, дедим. У, менга ҳам тиловат қилиб бер, деди. Мен «Ваз-Заарийаат» сурасини тиловат қилиб, «Ва фис-самаи ризқикум ва ма тууъадун» оятини ўқишим билан: «Бас! Етади!!!» деди-да, ўрнидан туриб, туясини сўйиб, келган-кетган барчага худойи қилиб тарқатди. Бориб қиличи билан камонини олиб, синдириб ташлаб, бошини олиб чиқиб кетди. Ҳорун ар-Рашид билан ҳажга борганимда, тавоф қилиб юрсам, майин овоз мени чақираётганини эшитиб қолдим. Қарасам, ўша аъробий. Озиб-тўзиб, ранги сарғайиб кетибди. Менга салом бериб, яна ўша сурани ўқиб бер, деди. Тиловат қилиб, яна ўша оятга етганимда, ҳақиқатан, Роббимиз ваъда қилган ҳақни топдик, деб қичқирди-да, яна ўқи, деди. Мен «Фа ва роббис-самаи вал арзи иннаҳу ла ҳаққун»ни ўқиган эдим, «Ё субҳаналлоҳ! Ким улуф Аллоҳнинг ғазабини кўзғатиб, Унга қасам ичирди?! Оддий гапига ишонмай, қасам ичишга мажбур қилдиларми?!» деб уч марта айтди-да, жон таслим қилди».

Аллоҳ бизларни ҳам Ўз оятларини чуқур ҳис қиладиган бандаларидан қилсин!

Аввалги оятларда зикри келган ҳақиқатлар ўтган умматлар ҳаётида ўз аксини қандоқ топганини, улардан биз қандоқ ўрнатилган оллоғимиз даркорлигини эслатиб, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссалом ва ўзга Пайғамбарларнинг ўз умматлари билан бўлган қиссаларини келтиради.

Эй Муҳаммад!

## 24. Сенга Иброҳимнинг карамли меҳмонларининг хабари келмадими?

Бу оятда хитобнинг Пайғамбар алайҳиссаломга қаратилиши хабарни улуғлаштириш, унга алоҳида эътиборни тортиш учундир. Иброҳим алайҳиссалом ҳузурига келган меҳмонлар ёш, хушрўй йигитлар сувратидаги фаришталар эди. Уларни Аллоҳ таоло «карамли» деб сифатлади, чунки улар Аллоҳнинг ҳузурига мукаррам эдилар. Иброҳим алайҳиссаломнинг бундан хабарлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам, улар кириб у зотга салом берганларида, алик олдилар-да, танимаётганларини изҳор қилдилар. Буни қуйидаги оятдан англаб оламиз.

إِذْ دَخَلُوا عَلَيْهِ فَقَالُوا سَلَامًا قَالَ سَلِمَ قَوْمٌ مِّنْكُمْ

## 25. Улар унинг ҳузурига кириб, «Салом» деганларида, у «Салом, нотаниш қавмлар», деди.

Сўнгра:

فَرَأَىٰ إِلَىٰ أَهْلِهِ فَجَاءَ بِعَجَلٍ سَمِينٍ

## 26. Аҳлига (махфий) бориб, семиз бузоқни (пишириб) келтирди.

Ушбу оятда Иброҳим алайҳиссаломнинг ниҳоятда меҳмондўст зот эканликлари очиқ-ойдин кўрсатилмоқда. Ҳузурларига нота-ниш кишилар келиб салом беришлари билан алик олиб, меҳмонларга билдирмай, дарров аёлларига бориб семиз бузоқни пиширтириб олиб келишлари сахийлик ва меҳмондўстликнинг юқори даражадаги аломатларидандир.

فَقَرَّبَهُ إِلَيْهِمْ قَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ

## 27. Уни уларга яқин сурди ва: «Емайсизларми?» – деди.

Яъни, меҳмонлар олдиларига қўйилган гўштни емай ўтираверганларидан сўнг Иброҳим алайҳиссалом бузоқ гўштини уларга яқинроқ суриб, «Емайсизларми?» – дедилар. Фаришталар овқат емайдилар, шунинг учун, улар яна овқатни емай ўтиравердилар. Одатда, меҳмон мезбондан норози бўлса, унга ёмонликни раво кўрса, овқатини емайди. Шунинг учун ҳам, Иброҳим алайҳиссалом:

فَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا لَا تَخَفْ وَبَشَّرُوهُ بِغُلَامٍ عَلِيمٍ

## 28. Улардан хавфсиради. Улар «қўрқма», дедилар ва унга илмли ўғил башоратини бердилар.

Яъни, Иброҳим алайҳиссаломда таомларини емаётган меҳмонлардан қўрқиш аломатлари пайдо бўлди. Буни меҳмонларнинг ўзлари ҳам сездилар-да, у кишига «Қўрқма, биз Аллоҳ тарафидан юборилган фаришталармиз, сенга бир илмли ўғил фарзанд кўришининг башоратини олиб келдик», дедилар. Бу гапларни Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам эшитиб турган эканлар.

فَأَقْبَلَتِ امْرَأَتُهُ فِي صَرَاقَةٍ فَصَكَتْ وَجْهَهَا وَقَالَتْ عَجُوزٌ عَقِيمٌ

## 29. Бас, хотини қичқариб келди ва ўз юзига шапалоқ тушириб, «Қари, туғмас хотин-а?!» – деди.

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом тўқсон ёшларигача фарзанд кўрмаганлар. Сўнгра кичик хотинлари Биби Хожар онамиздан Исмоил алайҳиссаломни кўрганлар. Ундан сўнг ҳозир ҳикоя қилинаётган ҳодисалар бўлиб ўтган. Башорати берилаётган фарзанд Исҳоқ алайҳиссалом, аёл эса катта хотинлари эканлиги оят сиёқидан билиниб турибди. Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ўзларининг туғмасликларини яхши билардилар, бунинг устига, қариб-қартайиб, фарзанд кўришдан бутунлай умидлари узилган эди. Шунинг учун ҳам, хабарни эшитиб даҳшатга тушдилар. Одатда, хотинлар бирор ғайритабиий хабарни эшитсалар, ҳайрат ва таажжубларини «Вой шўрим!» дея юзларига шапатилаб (ёки шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан) ифодалайдилар. Шу сингари, Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам ўз юзларига шапалоқ билан урдилар. Чунки, бу, Аллоҳнинг амри эканини, хабарни фаришталар келтирганини у киши англай олмаган эдилар. Бу ҳақиқатни у кишига фаришталарнинг ўзлари англатдилар.

قَالُوا كَذَلِكَ قَالَ رَبُّكَ إِنَّهُ هُوَ الْحَكِيمُ الْعَلِيمُ

## 30. Улар: «Сенинг Роббинг шундай деди. Албатта, Унинг Ўзи ҳакийм ва алиймдир», дедилар.

Яъни, фаришталар Иброҳим алайҳиссаломнинг аёлларига: «Бунақа даҳшатга тушма, ажабланма ҳам, бу гапларни сенинг Парвардигоринг айтди, у ҳамма нарсага қодир – хоҳласа, туғмасга ҳам, қари кампирга ҳам фарзанд бераверади», деган маънодаги гапни айтдилар. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Аллоҳ катта ёшдаги

икки қари бандасига илми, кейинчалик Пайғамбар бўладиган Исҳоқ исмли ўғил фарзанд берди.

Ёдингизда турган бўлса, ўтган оятларнинг тафсирида, одам ризқ ердан деб ўйлаб, кўзи билан кўриб турган сабабият қонунини бузилмас ҳақиқат деб тушуниб, ҳақиқий ризқ берувчи Аллоҳ таоло эканини унутиб қўймаслиги учун Ҳақ таоло «Ва осмонда ризқингиз бор», деб инсон эътиборини Аллоҳга тортмоқда, деган маънони эслатган эдик. Ушбу ҳодиса ҳам худди ўша зикр этилган маънога чамбарчас боғлиқдир.

Аллоҳ таоло ота-онанинг қўшилишидан фарзанд дунёга келишини асосий қоида қилиб қўйган. Бу қоидага кишилар шунчалик ўрганиб кетишганки, кўплари ҳақиқий яратувчи Аллоҳ эканини унутиб, иш фақат эру хотин билан битаверади, деган бузуқ ақийдага ҳам борадилар. Бандалар Аллоҳни эсдан чиқармасликлари учун Яратганнинг Ўзи баъзи ҳолларда юқоридаги қоидани «бузиб» туради. Баъзи кишиларга фақат ўғил беради, қизга зор қилиб қўяди. Баъзиларга фақат қиз беради, улар ўғилга зор бўлишади. Баъзиларга ўғил-қизни аралаш беради. Баъзиларни эса, бутунлай фарзандсиз қилиб қўяди. Демак, эр-хотиннинг қўшилиши асосий омил эмас, Аллоҳ таолонинг иродаси асос эканини мазкур ҳолатлар доимо эсимизга солиб турмоғи лозим.

Қариб қолган аёлларнинг туғмаслиги ҳам умумий қоида. Айниқса, улар ёшлиқларидан туғмас бўлиб ўтган бўлсалар. Бу ҳам кишиларнинг онгига сингиб кетган. Ҳатто, Иброҳим алайҳиссаломдек улуғ Пайғамбарнинг аёллари ҳам бу қоидадан ташқарига чиқишни хаёлларига сиғдира олмадилар. Лекин Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳамма нарса осон. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Меҳмонларнинг ким эканини очиқ-ойдин билиб олган Иброҳим алайҳиссалом уларга савол бера бошладилар.

﴿قَالَ فَاخْطَبُكُمْ أَيُّهَا الْمَرْسَلُونَ﴾

### 31. У: «Эй элчилар! Сизнинг ишингиз недир?» – деди.

Иброҳим алайҳиссалом меҳмонлар фаришталар эканликларини билдилар. Улардан Аллоҳ ўзларига илми ўғил фарзанд беришни ирода қилганлиги ҳақидаги хушхабарни ҳам эшитдилар. Лекин улуғ Пайғамбар бўлган у зот бу фаришталарнинг бошқа ишлари ҳам борлигини сезиб турган бўлсалар керак. Улардан:

«Эй элчилар! Сизнинг ишингиз недир?» – деб сўрадилар.

﴿قَالُوا إِنَّا أَرْسَلْنَا إِلَى قَوْمِ ثَمُودَ مِنْ قَبْلِكَ فَاتَّخَذُوا آيَاتِنَا هُجُومًا ۖ فَذَرَيْنَاهُمْ وَأُخْرٰٓءَآيَاتِنَا يَوْمَ يُنْفَخُ الْكَوْكَبُ ﴿٢٣﴾﴾

**32. Улар: «Албатта, биз жиноятчи қавмга юборилганмиз.**

**33. Уларнинг устидан лойдан (пиширилган) тошларни ташлаш учун.**

**34. Роббинг ҳузурида исрофчилар учун белгилаб қўйилганларни», дедилар.**

Оятдаги «жиноятчи қавм»дан мурод Лут қавмидир. Бу қавм инсоният тарихида бўлмаган улуғ жиноятни содир этган. Улар ўзларига эркак билан эркакнинг жинсий алоқа қилишини раво кўрдилар. Бу жиноятдан уларни Пайғамбар Лут алайҳиссалом қўп қайтардилар, лекин самара бермади. Оқибатда, улар Аллоҳнинг азобига дучор бўлдилар.

Ўша жиноятчи қавмга Аллоҳ таоло ирода қилган азобни етказиш Иброҳим алайҳиссалом билан суҳбатлашиб турган мана шу фаришталарга топширилган эди. Шу билан бирга, уларга йўл-йўлакай Иброҳим алайҳиссаломга илми ўғил башоратини бериб ўтиш ҳам топширилган эди.

Аmmo Иброҳим алайҳиссалом уларни саволга тутиб қолганларидан кейин ўзлари бажаришлари лозим бўлган асосий иш ҳақида ҳам ахборот бера бошладилар.

**Улар: «Албатта, биз жиноятчи қавмга юборилганмиз», дедилар.**

Яъни, аслида, биз Аллоҳ таоло томонидан жиноятчи қавмга — Лут қавмига юборилганмиз.

**«Уларнинг устидан лойдан (пиширилган) тошларни ташлаш учун.»**

Яъни, ўша жиноятчи қавм аъзолари устидан лойдан пиширилган қаттиқ тошларни ташлаб ўлдиришимиз керак.

**«Роббинг ҳузурида исрофчилар учун белгилаб қўйилганларни», дедилар.»**

Лойдан пиширилган ўша қаттиқ тошлар Аллоҳ таоло томонидан исрофчилар учун белгилаб қўйилган экан. Баъзи ривоятларда айтилишича, ҳар гуноҳкорни ўлдириши керак бўлган тошга унинг исми ёзиб қўйилган экан.

«Исрофчи қавм» деганда Лут қавми кўзда тутиляпти. Демак, улар устидан ташлаш учун Аллоҳ таоло ҳузурида махсус белги қўйилган тошлар бўлган, ўша тошлар билан жиноятчи қавм аъзолари уриб ўлдирилган. Воқеанинг тафсилоти бошқа сураларда келган.

**35. Ва Биз у жойдан мўминларни чиқардик.**

**36. У ерда бир хонадондан бошқа мусулмонларни топмадик.**

У ҳам бўлса, Лут алайҳиссаломнинг оилалари эди. Аммо хотинлари азобга дучор бўлган.

وَتَرَكْنَا فِيهَا آيَةً لِلَّذِينَ يَخَافُونَ الْعَذَابَ الْأَلِيمَ ﴿٢٧﴾

**37. Ва у ерда аламли азобдан қўрқадиганлар учун оят(белги) қолдирдик.**

Яъни, Лут алайҳиссалом диёрларида ўша жиноятчи қавмнинг қандай азобга учраганини эслатиб турувчи белги, аломат қолдирдик.

У ер ҳозирги Ўлик денгиздир. Авваллари у ерда денгиз бўлмаган, балки Лут алайҳиссалом қавмлари яшаган обод жойлар бўлган. Лекин қавм жиноят қилиб, Аллоҳга осий бўлганидан сўнг, азоб келиб, қаттиқ зилзила бўлиб, ерни остин-устун қилган ва ўша ер денгиз сатҳидан 400 метр пастгача чўкиб кетган. Ҳозир Ўлик денгиз остидан Лут қавми яшаган масканларнинг қолдиқлари топилган.

Юқорида зикр этилган оят-белгилар бошқа қавмларда ҳам қолдирилган. Келаси оятларда улардан бир нечтаси эслатилади. Биринчи бўлиб Мусо алайҳиссалом қавми ҳақида сўз кетади.

Мусо ва Фиръавн қиссаси Қуръони Каримдаги энг кўп такрорланган ва катта қисса ҳисобланади. Аммо, бу сурада Фиръавн қавми Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини инкор қилганликлари учун ҳалокатга учраганлари эслатиб ўтилади ва Муҳаммад алайҳиссаломни инкор этганларнинг оқибати ҳам шундай бўлишига ишора қилинади.

وَفِي مُوسَى إِذْ أَرْسَلْنَاهُ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ ﴿٢٨﴾

**38. Ва Мусода ҳам (белги) бор. Биз уни Фиръавнга равшан ҳужжат ила юборганимизда...**

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Пайғамбарликларига ҳужжат бўлиши учун кўпгина мўъжизаларни берган, оятда ўша мўъжизаларга ишора қилинмоқда. Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизалари Фиръавн сеҳргарларининг сеҳридан устун келгач, баҳсда енгилган Фиръавн:

فَتَوَلَّىٰ بُرْجَانَهُ وَقَالَ سَحَرٌ أَوْ مَجْنُونٌ ﴿٢٩﴾

**39. У юз ўгириб, ишонгани томон юрди ва: «(Мусо) сеҳргар ёки мажнундир», деди.**

Кейинги оятда Фиръавн ва унинг қавмининг кофирлиги оқибати нима билан тутаганининг баёни келади:

فَأَخَذْنَاهُ وَجُودَهُ فَنَبَذْنَاهُمْ فِي الْيَمِّ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿٤٠﴾

**40. Бас, Биз уни ва аскарларини тутиб денгизга ташладик ва у маломатга лойиқ иш қилувчи эди.**

Мусо алайҳиссалом Бани Исроил билан қочиб денгиз бўйига бориб қолганларида, ортларидан Фиръавн аскарлари билан бостириб кела бошлади. Шунда Аллоҳнинг амри ила қўлларидаги ҳасса билан сувни бир урган эдилар, сув ёрилиб йўллар очилди. Мусо алайҳиссалом Бани Исроил билан бирга қочиб ўтдилар, Фиръавн ҳам ўз аскарларини бошлаб ўша йўлларга юрган эди, сув аввалги ҳолига келиб ҳаммаларини оқизиб кетди. Барчалари ҳалок бўлдилар. Оятда шу ҳодисага ишора қилиняпти.

**«Бас, Биз уни ва аскарларини тутиб денгизга ташладик.»**

Чунки,

**«у маломатга лойиқ иш қилувчи эди».**

Фиръавн ҳар қанча маломатга, ҳар қанча азобга лойиқ иш қилган эди.

Сўнгра Қуръони Карим Од қавмининг куфр туфайли ҳалокатга учраганини эсга солади:

وَفِي عَادٍ إِذْ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ الرِّيحَ الْعَقِيمَ ﴿٤١﴾

**41. Ва Одда ҳам (белги) бор. Вақтики, Биз уларга туғмас шамолни юбордик.**

Яъни, Од қавмида ва унинг қиссасида ҳам аламли азобдан қўрқадиганлар учун оят-белги бор. Биз уларни туғмас шамол юбориб ҳалок қилдик.

Од қавмига юборилган шамолнинг «туғмас» деб таърифланишининг сабаби бор. Одатда, шамол ёмғир ёғишига сабаб бўлади. Од қавмига келган шамол эса, уларга ёмғир эмас, бало-офат, ҳалокатни олиб келган, шунинг учун, уни туғмас, яъни бефойда, деб сифатланяпти.

مَا نَذَرُ مِنْ شَيْءٍ أَنْتَ عَلَيْهِ إِلَّا أَجَعَلْتَهُ كَالرَّمِيمِ ﴿٤٢﴾

**42. У қайси нарсага етиб борса, титиб ташламасдан қўймас.**

Шамол ҳам Аллоҳнинг аскарларидан бўлиб, улқан бир кучга эга. Уни Аллоҳ таоло хоҳлаган вақтида, хоҳлаган жойига, хоҳлаган

ишини қилишга юборади. Қаергадир ёмғир, хайр-барака элтса, бошқа жойга вайроналик ва ҳалокат олиб боради.

Од қавмига юборилган шамол энг шафқатсиз шамол эди. У қайси нарсага тегса, ўша нарсани чириб-титилиб кетган нарса каби илма-тешик қилиб юборар эди. Од қавмини ҳам, уларнинг барча нарсаларини ҳам ўша шамол тилка-пора қилиб ташлади.

Энди Самуд қавмининг қиссаси келтирилади:

وَفِي ثَمُودَ إِذْ قِيلَ لَهُمْ تَمَنَّوْا حَتَّىٰ حِينٍ

**43. Ва Самудда ҳам (белги) бор. Уларга: «Вақтинчалик маза қилиб туринглар», дейилган вақтда...**

Оятдаги «вақтинчалик»дан мурод – Самуд қавми Аллоҳнинг амрига исён қилиб, Солиҳ алайҳиссаломнинг туяларини сўйганларидан кейин уларга берилган уч кунлик муддатдир.

Самуд қавми ўзларига Аллоҳ таоло томонидан мўъжиза қилиб берилган ва унга тегмасликлари қаттиқ тайинланган туяни сўйиб ташлаб, қаттиқ азобга сазовор иш қилдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларни дарҳол азобламади.

**«Уларга: «Вақтинчалик маза қилиб туринглар», деди.**

Уларга уч кунлик муҳлат берилган эди. Аммо улар

فَعَتَوْا عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ فَأَخَذَتْهُمُ الصَّاعِقَةُ وَهُمْ يَنْظُرُونَ

**44. Аллоҳнинг амридан бош тортдилар, бас, қараб турган ҳолларида уларни қаттиқ овоз тутди.**

Самуд қавми куппа-кундуз куни қаттиқ даҳшатли овоздан ҳалокатга учраганлар. Шунинг учун ҳам, оятда «қараб турган ҳолларида», дейилмоқда.

فَمَا اسْتَطَعُوا مِنْ قِيَامٍ وَمَا كَانُوا مُنْصِرِينَ

**45. Бас, улар ўринларидан туролмадилар ва ёрдам ҳам ололмадилар.**

Мана шу ҳодисанинг ўзи ҳар бир банда учун Аллоҳнинг азобидан қочиш қутулиш мумкин эмаслигига далил эмасми?

وَقَوْمٌ نُوحٍ مِنْ قَبْلُ إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمًا فَاسِقِينَ



**46. Ва бундан аввал Нуҳ қавмини ҳам** (ҳалок этганмиз). **Албатта, улар фосиқ қавм эдилар.**

Мазкур қавмлардан илгари Аллоҳ таоло Нуҳ қавмини ҳам, улар фосиқ бўлганлари учун, тағ-томирлари билан қуриштишга қарор қилган ва барчаларини тўфон балосига гирифтормиз этган эди.

Аллоҳ таоло бу ўтган оятларда исёнга кетган кофир қавмлар қандай ҳалокатларга учраганларини эслатиб, сиз билан бизга уларнинг йўли нақадар хатарли эканини баён қилган бўлса, шундан сўнг, ўзининг қудрати чексиз эканига, мазкур ҳалокатлар Унга қийин эмаслигига эътиборимизни тортади ва қудратининг белгилари сифатида осмон ва ер, каби Ўзи яратган махлуқотларни мисол қилиб келтиради.

وَالسَّمَاءَ بَنَيْنَاهَا بِأَيْدٍ وَإِنَّا لَمُوسِعُونَ ﴿٤٧﴾ وَالْأَرْضَ فَرَشْنَاهَا فَنِعْمَ الْمُهْتَدُونَ ﴿٤٨﴾ وَمِنْ كُلِّ شَيْءٍ خَلَقْنَا زَوْجَيْنِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٤٩﴾

**47. Осмонни Ўз қудратимиз ила бино қилдик.** Албатта, Биз кенг қилувчидирмиз.

**48. Ва ерни тўшаб қўйдик.** Биз қандоқ ҳам яхши тайёрловчидирмиз!

**49. Ва Биз ҳар бир нарсани жуфт яратдик.** Шоядки, эсласангизлар.

Мазкур уч оятда Аллоҳ таоло эътиборни аввало осмонга тортяпти. Осмонга ва ундаги мавжудотларга фикр ила назар солган ҳар бир инсон ундаги ажойиботларни, аниқликни кўриб, Аллоҳнинг қудратига қойил қолмай иложи йўқ.

**«Осмонни Ўз қудратимиз ила бино қилдик.»**

Аллоҳ таоло осмонни бино қилганини айтиб бўлгандан сўнг, ўзининг «кенгайтирувчи» эканини таъкидламоқда.

**«Албатта, Биз кенг қилувчидирмиз.»**

Шу маънони таҳлил қилиб кўрайлик. Илмий жиҳатдан ёндошганда ҳам осмоннинг кенглиги қаергача етиб боришини ҳали ҳеч ким билгани йўқ. Балки осмонда миллиардлаб юлдузлар тўплами бор эканини тахмин қилмоқдалар ва ҳар бир тўплам ўзида миллионлаб юлдузларни жамлашини айтмоқдалар. Шунинг ўзидан Аллоҳ таолонинг қандай кенгайтирувчи эканини билиб олиш қийин эмас.

«Кенгайтирувчи»нинг иккинчи маъноси илмий кашфиётлардан сўнг маълум бўлди. Фалакиёт илми мутахассислари кейинги пайтда биз яшаётган сайёралар мажмуаси, яъни галактикамизнинг кен-

гайиб бораётганини аниқладилар. Демак, Аллоҳ таоло Ўзи кенг қилиб яратган осмонни яна кенгайтираётган экан.

**«Ва ерни тўшаб қўйдик. Биз қандоқ ҳам яхши тайёрловчидирмиз!»**


Ернинг тўшаб қўйилганлиги маъноси эса, уни яшаш учун осонлаштиришни англатади. Ҳақиқатан ҳам, ер ҳаёт учун шундай мосланганки, буни ўрганган одам албатта қудратли ва тадбиркор Аллоҳга иймон келтирмай иложи йўқ. Шу билан бирга, бу мослаш жуда ҳам нозик, озгина ўзгарса, ҳаёт кечириш қийин бўлиб қолиши ҳам мумкин. Булар бари Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далилдир.

**«Ва Биз ҳар бир нарсани жуфт яратдик. Шоядки, эсласангизлар.»**

Ҳар бир нарсанинг жуфт яратилишида ҳам Қуръони Каримнинг улкан илмий мўъжизаси ётибди. Ушбу оятлар тушган пайтда инсонлар бу маънони инсон, ҳайвон оламидагина тушунганлар. Наботот оламида ҳам жуфтлик борлиги англаб етилган. Аммо ўн тўрт аср муқаддам булардан бошқа нарса хаёлга ҳам келмасди. Илмий тараққиёт кейинчалик ҳар бир нарсада жуфтлик бўлиши шартлилиги қоидасини исботлади. Масалан, электр қуввати Қуръон тушгандан бир неча аср кейин кашф қилинди, бироқ у ҳам манфий ва мусбат зарядларнинг қўшилишидан, яъни жуфтликдан туғилишига нима дейсиз!

Атом кашф қилинганда ҳам бир овоздан: «Бу энг кичик ва асосий зарра, ундан кейин бирор нарса бўлиши мумкин эмас», дейишган эди. Лекин илмий тараққиётнинг ўзи ўзини ёлғончи қилиб, Қуръони Каримнинг ҳақлигини тасдиқлади. Яъни, атом протон ва нейтрон номли жуфтдан туғилган экан. Бундан кейин ҳам Аллоҳнинг қудратига шубҳаси қолган одамни нима деса бўлади?!

Аллоҳ таоло Ўзининг қудрати ва улуғлигига оид мисолларни зикр қилиб бўлиб, энди фақат Ўзигагина топинишга ва Унга ширк келтирмасликка буюради.


 فَفَرُّوا إِلَى اللَّهِ إِنِّي لَكُمْ مِنْهُ نَذِيرٌ مُبِينٌ

**50. Бас, фақат Аллоҳагина қочинг. Албатта, мен сизларга Ундан (келган) очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман.**

Одатда, инсон хавфу хатардан, бало-офатдан қочади. Бу оятда тилга олинган хавф-хатар — динсизлик, ғафлат ва осийликдир, ундан қочиш гуноҳ ва ҳаром ишларни тарк этиб, Аллоҳга илтижо этиш билан бўлади.

**«Бас, фақат Аллоҳагина қочинг.»**

Аллоҳга қочишда инсон учун улуғ саодат ва мартаба бордир. Маълумки, инсон оғир пайтларда кимгадир суянгиси, машаққатлардан қочиб боргиси, дардини тўкиб солгиси келади. Шундай ҳолатда турли халқлар турли услубни қўлайдилар. Мисол учун, Оврупа халқларининг ичкиликка ружу қўйишларининг асосий сабаби – турмуш қийинчиликларини бир оз бўлса-да шу йўл билан унутмоқчи бўладилар. Яна кимлардир бундай пайтларда ўзи каби инсонга ёки бошқа махлуққа илтижо қилади. Мусулмон эса, бутун яхшиликлар эгаси Ҳақ субҳанаҳу ва таолога қочади, фақат Унгагина илтижо қилади ва бу билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**«Албатта, мен сизларга Ундан (келган) очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман.»**

Пайғамбар алайҳиссалом эса, Аллоҳга исён қилиш оқибати ёмон бўлиши ҳақида огоҳлантирувчи бўлиб келганлар.

وَلَا تَجْعَلُوا مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ إِنِّي لَكُم مِّنْهُ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٥١﴾

**51. Ва Аллоҳга бошқа маъбудни шерик қилманглар. Албатта, мен сизларга Ундан (келган) очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман.**

Ушбу оятда Аллоҳдан бошқа ҳеч бир нарсага сиғинмасликка амр бўляпти.

**«Ва Аллоҳга бошқа маъбудни шерик қилманглар.»**

Чунки, Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Кўпчилик «ўзга маъбуд» деганда бут ва санамларни тушунади. Аслида эса, бу жуда кенг маънони билдиради. Инсон турли нарсаларнинг йўлига тушиб, ўшанинг қулига айланиб қолиши мумкин. Мисол учун, ўзига ўхшаган инсонга банд бўлиб қолиши мумкин. Бу маънони ҳозирги истилоҳда «шахсга сиғиниш» дейилмоқда. Бу ҳақда «Оли Имрон» сурасида, Аллоҳни қўйиб бир-биримизни илоҳ қилиб олмайлик, деган маънода оят бор. Шунингдек, киши ҳавойи нафсига қул бўлиб қолиши мумкин. Ўзимиздаги «нафс бандаси» истилоҳи ҳам бежиз эмас. Шу маънода «Жосия» сурасида «Ўз ҳавойи (нафсини) илоҳ қилиб олган...» дейилган. Инсон урф-одатга, кийимига, мол-дунёсига ҳам банд бўлиб қолиши мумкин. Бундай пайтда инсон юқорида зикр этилган нарсаларга эришиш учун нима зарур бўлса, ўшани қиладиган бўлиб қолади. Пайғамбаримиз: «Динор ва дирҳам бандаси бадбахтдир», деганлар.

**«Албатта, мен сизларга Ундан (келган) очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман.»**

Мен ҳам Аллоҳга сиғинаман, У зотга ўзга маъбудни шерик қилмайман.

Маълумки, Пайғамбаримиз кишиларни фақат ягона Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишга, Унга ширк келтирмасликка чақирганларида, кўпчилик қарши чиққан, у зотга ва оз сонли мусулмонларга қаршилиқ қилиб, азоб-уқубатлар етказган. Келгуси оятларда Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга ва мўмин-мусулмонларга тасалли бериб, душманларнинг қаршилиқлари янгилик эмаслигини, бу ўтган умматлардан қолган одат эканлигини, шунинг учун ортиқча хафа бўлишликнинг кераги йўқлигини эслатади.

كَذَلِكَ مَا أَتَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا قَالُوا سَاحِرٌ أَوْ مُجْنُونٌ ﴿٥٢﴾

**52. Худди шундай, булардан аввалгиларга ҳам ҳар бир Пайғамбар келган вақт (уни) сеҳргар ёки мажнун деганлар.**

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини инкор қилган мушриклар, у зоти бобаракотни турли айблар билан айблаганлар. Жумладан, сеҳргар ва мажнун (жинни) ҳам деганлар. Албатта, бу омилар у кишини хафа қилиб, изтиробга соларди. Шунда Аллоҳ таоло Қуръон орқали Ўз ҳабибига тасалли бериб, Макка мушрикларининг бу қилмишлари янгилик эмаслигини, балки аввал ўтган кофирлар ҳам ўз давридаги Пайғамбарларга нисбатан худди шундай муомалада бўлганликларини эслатиб туради.

**«Худди шундай, булардан аввалгиларга ҳам ҳар бир Пайғамбар келган вақт (уни) сеҳргар ёки мажнун деганлар.»**

Шунинг учун, эй Пайғамбарим, уларнинг сенга айтаётган ноўрин гапларидан хафа бўлма.

Уларнинг қилмишини ўйлаганлар қуйидаги гумонга боришлари мумкин:

أَتَوَاصُوا بِهِمْ بَلِّغْهُمْ قَوْمٌ طَاغُونَ ﴿٥٣﴾


**53. Келишиб олганмилар?! Йўқ, улар туғёнга кетган қавмлардир!**

Яъни, ҳаммалари Пайғамбарларга қарши бир хил мавқеда бўлганликларидан, аввал ўтганлари билан кейин келганлари худди келишиб олганга ўхшайдилар. Лекин, аслини олганда, уларни бирлаштирувчи нарсга туғёнди.

فَقَوْلٌ عَنْهُمْ فَمَا أَنْتَ بِمَلُومٍ ﴿٥٤﴾

**54. Улардан юз ўғир. Бас, сен маломатга қолувчи эмассан.**

Пайғамбарнинг вазифаси Аллоҳнинг амрини етказиш эди. У зот бу ишни ўз ўрнида адо этдилар. Мушриклар гапга кирмадилар, озор бердилар. Энди Пайғамбар алайҳиссалом улардан юз ўғирсалар, у зотга ҳеч қандай маломат йўқ.

**55. Ва эслатгин. Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур.**

Яъни, ваъз-насиҳат қил, бу, албатта, мўминларга таъсир қилади, фойда беради. Кофирлар юз ўгириб кетаверсин. Аммо мўминларга доим эслатиб турмоқ лозим, бу фойдадан холи эмас. Ушбу маънони ҳар бир илмли киши, ҳар бир даъватчи унутмаслиги лозим. Гапирган билан фойдаси йўқ, шунча айтдик, биров қулоқ солмади, каби баҳоналарни унутиш лозим. Ушбу ояти карима доим ёдда туриши шарт.

Келаси оятларда Аллоҳга қочишнинг ҳақиқий маъноси очилди. Аллоҳ таоло инсонлар билан жинларни нимага яратганининг ҳикмати намоён бўлади.

**56. Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим.**

Ушбу қисқагина оятда улкан ҳақиқат ўз ифодасини топгандир. Одамлар ва жинларнинг яратилишидан ягона мақсад Аллоҳга ибодат қилиш экан. Кўпгина исломий тушунчалар қатори ибодат тушунчасида ҳам хатолар содир бўлган. Оқибатда, ҳозирги кунимизда «ибодат» деганда кишилар онгида намоз, рўза, қироат, зикр каби нарсаларгина намоён бўлади. Тўғри, мазкур амаллар улкан ибодатлардир, буларсиз Ислонни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ушбу тушунча билан ҳозир тафсир қилаётган оятимизга мурожаат қиладиган бўлсак, инсонлар ва жинлар бутун умрларини намоз ўқиб, зикр қилиб ўтказмоқлари лозим бўлиб қолади. Чунки, инсужинни Аллоҳ таоло фақат Ўзига ибодат қилишлари учун яратгандир.

**«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим.»**

Намозу рўза, зикру тиловатдан бошқа ишга қўл урган шахс,

ҳалигидай тушунча бўйича, Аллоҳнинг иродасига қарши чиққан осий бўлади.

Ҳолбуки, бошқа оятларда Аллоҳ таоло бандаларини ер юзини обод қилишга, оила қуришга ва бошқа ишларга буюрган. Инсонни Ўзининг ер юзидаги халифаси(ўринбосари) деб эълон қилган.

Демак, «ибодат» маъносининг бошқача талқини ҳам бўлиши керак.

Келинг, ибодатнинг луғавий маъносини, истилоҳий маъносини ўрганиб чиқайлик-чи, қандоқ натижага эришар эканмиз. «Ибодат» сўзи араб тилида бўйсунуш, ўзини паст тутиш, итоат этиш ва амрни бажариш маъноларини англатади. Демак, ҳар бир ишда Аллоҳга бўйсунуш, итоат қилиш, Аллоҳнинг амрларини бажариш, ҳузурида ўзини паст олиш Аллоҳга ибодат қилишни англатар экан.

Уламолар истилоҳида эса, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган ҳар бир иш ибодатдир. Алоҳида таъкидлаб айтмоқ лозимки, намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Исломнинг негизини ташкил этадиган улкан ибодатлардир. Буларсиз инсон мусулмон бўлиши қийин. Бу ерда хато «ибодат» маъносини фақат мазкур амалларга боғлаб қўйишдадир. Шунинг учун, одам намоз ўқиётганда ўзини Аллоҳнинг ҳузурида ҳис қилади-ю, касб билан шуғулланаётганда Аллоҳга номаъқул иш қилаётгандек ҳис қилади ўзини. Ибодат маъносини тўғри тушунадиган бўлсак, бу ҳозиргидан кенг ва комил тушунча экани маълум бўлади. Ҳар бир ишимизни шариатга мос қилиб, Аллоҳнинг амрига, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ олиб борсак, ҳар бир ишимиз ибодатга айланади, савоб ўрнига ўтади. Бунинг учун икки асосий шартга амал қилмоқ зарур:

1. Ҳар бир иш Қуръон ёки суннатга мувофиқ бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир ишни қилиш ёки тарк этишда Аллоҳнинг розилигини исташ керак. Шунда ҳар бир ишимиз ибодатга айланади. Демак, ниятни яхшилаш лозим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзларининг машҳур ҳадисларида: «Албатта, ҳар бир иш ниятга боғлиқ, ҳар бир киши нимани ният қилса, ўшанга етади», деганлар.

Исломда ибодат тушунчаси кенг тушунча эканлигига Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шариф ҳам далил-ҳужжат бўлади: «Бир гуруҳ кишилар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бойлар ажру савобни олиб қўйдилар, чунки бизга ўхшаб намоз ўқишади, рўза тутишади ва яна устига ортиқча молу дунёларидан садақа қиладилар», дейишди. Ул зот:

«Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни бериб қўймаганми? Ҳар бир тасбиҳларинг садақа, ҳар бир такбир ҳам садақа, ҳар бир таҳлил ҳам садақа, амру маъруф ҳам садақа,

наҳйи мункар ҳам садақа ва ҳар бирингизнинг шаҳватингизда ҳам садақа бор», дедилар. Шунда одамлар:

«Биронтамиз шаҳватимизни қондирсак ҳам ажр оладими?» — деб сўрадилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Айтинглар-чи, шу ишни ҳаромдан бажарса, унга гуноҳ бўлар-миди? Худди шунингдек, ҳалолдан бажарса, унга ажр бўлади», дедилар».

مَا أُرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا أُرِيدُ أَنْ يُطْعَمُونَ ﴿٥٧﴾ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتِينِ ﴿٥٨﴾

**57. Мен улардан ризқ хоҳламайман ва Мени овқатлантиришларини ҳам хоҳламасман.**

**58. Албатта, Аллоҳ Ўзи ризқ берувчи, қувват эгаси, шиддатлидир.**

Демак, Аллоҳ таоло инсонлару жинлардан ризқ сўрамайди, балки уларга ризқ беради. Улардан таом сўрамайди, балки уларга таом беради. Аллоҳнинг бирдан-бир ирода қилгани ибодатдир, инсонлару жинларни яратишдан мақсад ҳам шудир. Лекин ибодатдан кимга фойда бор? Ибодат қилувчининг ўзига. Унга икки дунёнинг бахтини ибодат беради.

Суранинг охирида Пайғамбар алайҳиссалом даврларидаги кофирларга қарата қуйидаги хабар келади.

فَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا ذُنُوبًا مِثْلَ ذُنُوبِ أَصْحَابِهِمْ فَلَا يَسْتَعِجِلُونَ ﴿٥٩﴾ فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ يَوْمِهِمُ الَّذِي يُوعَدُونَ ﴿٦٠﴾

**59. Албатта, зулм қилганларга ўз биродарлари азобичалик азоб бор, шошилмасинлар.**

**60. Кофирларга ваъда қилинаётган кунларида ҳалокат бўлсин.**

«Зулм қилганлар»дан мурод кофирлардир. Уларга ўзларидан аввал ўтган биродарлари, яъни аввалги кофирларга қандай азоб бўлган бўлса, шундай азоб келади. Қиёмат кунда эса, улар ҳалокатга йўлиқадилар.



## ТУР СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 49 оятдан иборат.*

Сураи кариманинг биринчи сўзи ўзига исм бўлиб қолган. Тур Сийнаа ярим оролидаги, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом билан гаплашган тоғнинг исми.

Ўзга маккий суралар каби, бу сураи карима ҳам иймон асослари, Пайғамбарлик, қайта тирилиш каби масалаларни муолажа қилади. Айниқса, охират даҳшатлари, ундаги неъмат ва азоблар, бахтиёрларнинг ва бадбахтларнинг оқибати, борадиган жойлари, ҳақ ила ботил ўртасидаги кураш, Пайғамбар алайҳиссалом шахслари ва рисолатлари ҳақида мушриклар қўзғаган шубҳалар ҳақида сўз кетади.

Суранинг аввалида ботилга ва мушриклар қўзғаган шубҳаларга қарши қаттиқ зарба берилади. Чунки, улар қиёмат бўлишини инкор қилиб, унда жазо ва мукофотлар бўлишига ишонишмаган, Пайғамбар алайҳиссалом хабар берган азобларга масхара кўзи билан қарашган. Шунинг учун, сура муқаддас нарсалар ила қасам ичиб бошланади ва аввалги сураларда кўриб ўтганимиздек, бу қасамлар қуйида катта аҳамиятли масала ҳақида сўз кетишидан дарак беради.

Сўнгра, жинойтчиларни жаҳаннамга ҳайдаб бориш манзараси, у ердаги азоб-уқубатлар зикр қилиниб бўлиб, бевосита жаннатийларга ато этиладиган нозу неъматлар, роҳат-фароҳат зикр қилинади.

Кейинги оятларда эса, мушриклар Қуръон ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида қўзғаган ботил шубҳаларга шиддатли саволлар тарийқасида раддия келади. Сўнгра, ҳар қандай кофирни ҳам жим ва лол қолдирадиган учта савол берилади. Албатта, бу саволларга ҳеч ким жавоб бера олмайди. Ва ниҳоят, ғофиллар яна кўрқинчли хабарлар билан огоҳлантирилиб, хотима ясалади.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالطُّورِ

### 1. Тур билан қасам...

Тур тоғи Сийнаа ярим оролидаги тоғ бўлиб, ўша жойда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом билан гаплашган. Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан юборилган лавҳлар ҳам шу тоққа тушган. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан, жамолингни кўрсат, деб сўраганида, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло, мен тоққа назар соламан, агар у чидаса, сенга жамолимни кўрсатаман, деб Турга назар солганда, тоғ чидамаган экан. Ушбу муборак тоғ билан қасам ичишнинг ўзи суранинг муқаддаслик руҳини оширади.

وَكُنْتُمْ مَسْطُورٍ فِي رِقِّ مَنشُورٍ

### 2. Сатрларга битилган китоб билан қасам...

### 3. Ёзишга тайёрланган терига.

Яъни, теридан тайёрланган саҳифага, дейилмоқчи.

Тафсирчиларимиз бу китоб ҳақида турлича фикрларни айтганлар. Булардан биттаси—китоб деганда Лавҳул Маҳфуз назарда тутилган, деган фикрдир.

Лавҳул Маҳфуз, эътиқод бўйича, Аллоҳнинг ҳузуридаги лавҳ бўлиб, барча нарсалар унда ёзилган бўлади. Қуръони Карим ҳам дастлаб ўша лавҳда бўлган. Бу ҳам сурадаги муқаддасликни оширадиган бир омилдир.

Шунингдек, ушбу оятдаги «сатрларга битилган китоб»дан мурад Қуръони Каримдир, деганлар ҳам бор.

وَالْبَيْتِ الْمَعْمُورِ

### 4. Ва обод уй билан қасам...

Байтул маъмур—Обод уйнинг нима экани Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан маълум бўлади.

Суддий айтадиларки, бизга зикр қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом бир куни саҳобаларига:

«Обод уй» («Байтул маъмур») нима, биласизларми?» – дебдилар. Улар:

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқдир», дейишибди. Шунда у зоти бобаракот:

«У, осмонда, Каъбанинг қоқ тепасидаги масжиддир. Агар қуласа, Каъбанинг устига тушади. Унда ҳар куни етмиш минг фаришта намоз ўқийди. Бир кириб чиққанларидан сўнг яна қайтиб кира олмайдилар», дебдилар.

«Байтул маъмур» зикри Пайғамбар алайҳиссаломнинг Исро кечасидаги ҳадисларида ҳам келади. Ул зот ўша уйни кўрадилар, фаришталарнинг тавофи «Байтул маъмур» эканини айтадилар. Яна, у уйга Иброҳим алайҳиссалом суяниб ўтирганларини кўрганликларини ҳам айтганлар.

Бу ҳақдаги барча ривоятларни тўплаб ўрганилгандан сўнг хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Байтул маъмур» еттинчи осмонда, муаззам Каъбанинг тепасидаги бир уйдир (масжиддир). Уни ҳар куни етмиш минг фаришта тавоф қилади ва уларнинг кўплигидан бир тавоф қилгани яна қайтиб кира олмайди. Ерда Каъбатуллоҳ қандай улуғланса, осмонда «Байтул маъмур» ҳам шундай улуғланади.



### 5. Ва кўтарилган шифт билан қасам...

Кўтарилган (балаңд) шифт деганда осмон тушунилади. Чунки, ерни уй деб тасаввур этсак, осмон худди шифтга ўхшайди. Бу қасамда эътиборни осмон Яратувчисининг қудратига тортиш мақсади бордир.



### 6. Ва тўлган денгиз билан қасам.

Баъзи уламолар «масжур» сўзини «тўлган» деб тушунтиришса, бошқалари «ёнган» деб шарҳлайдилар. Иккала маъно ҳам дуруст. Ҳозир денгизлар тўлиб турибди, қиёматда эса, ёниб туради. Яъни, қиёматнинг даҳшатидан сув ҳам ёниб, оловга айланиб кетади. Булар бари Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далилдир.

Мазкур улуғ нарсалар билан қасам ичиб инсон диққат-эъти-

бори жамлаб бўлингач, Аллоҳ таоло қиёмат куни воқеалари, у кундаги улкан ўзгаришлар ва кофирларнинг аҳволи ҳақида хабар беради.

إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ لَوَاقِعٌ ﴿٧٠﴾ مَالَهُ مِنْ دَافِعٍ ﴿٧١﴾

### 7. Албатта, Роббингнинг азоби рўй беражак.

### 8. Уни қайтарувчи йўқдир.

Яъни, қасам билан таъкидлайманки, кофир ва осийларга албатта азоб келади, у келажак азобни ҳеч ким ва ҳеч нарса қайтариб қололмади!

Ҳофиз Абу Бакр Абуд Дунё ривоят қиладиларки, бир кечаси ҳазрати Умари Одил одатларича Мадийнаи Мунаввара кўчаларини айланиб юрган эканлар. Муслмонлардан бирларининг ҳовлиси ёнидан ўтиб кетаётсалар, ҳовли эгаси намоз ўқиётганини эшитибдилар. Тўхтаб, қироатга қулоқ солибдилар. Уй эгаси «Ват Тур»ни ўқиб, «инна азаба роббика лавақеъ, ма лаҳу мин дафеъ»га етганда, ҳазрати Умар: «Каъбанинг Роббиси ила қасамки, бу ҳақ қасамдир», дебдилар ва эшакларидан тушиб, деворга суяниб қолибдилар. Бир муддат шу ҳолатда туриб, сўнг уйларига қайтибдилар. Шундан кейин бир ой касал бўлиб ётган эканлар. Йўқлаб келганлар у кишининг нима билан оғриётганларини билмас эканлар. Пок ва таъсирчан қалбларга Қуръон ана шундай таъсир этган.

يَوْمَ تَمُورُ السَّمَاءِ مَوْرًا ﴿٩٠﴾ وَتَسِيرُ الْجِبَالُ سَيْرًا ﴿٩١﴾

### 9. У кунда осмон ларзага келиб чайқалур.

### 10. Ва тоғлар сайр этиб юрур.

Бугунги кунимизда осмон билан тоғлар энг улкан, мағрур, унча-бунча нарсага таъсирланмайдиган бўлиб кўринади. Лекин қиёмат куни шунчалик даҳшатлики, унда чексиз осмон ҳам ларзага келиб, чайқалиб, жойидан кўзғалиб, чирпирак бўлиб кетар экан. Забардаст тоғлар жойидан кўчиб, ҳавода учиб юрар ва сўнг ерга тушиб титилиб кетар экан.

فَوَيْلٌ لِلْمُكَدِّبِينَ ﴿١١٠﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي خَوْضٍ يَلْعَبُونَ ﴿١١١﴾

### 11. Бас, ўша кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

### 12. (Ботилга) шўнғиб ўйнашадиганларга.

Қуръони Каримнинг мўъжизалари кўп, жумладан, унда ишлатилган ибораларда ҳам битмас-туганмас мўъжизалар яшириндир. Ушбу оятда келган «ёлфонга чиқарувчилар» ибораси умумий бўлиб, тушуниш эса, хоҳлаганча бўлаверади. Шунинг учун ҳам, тафсирчиларимиз «ёлфонга чиқарувчилар» иборасидан келиб чиқадиган «Нимани?» сўроғига, «Қуръонни», «Пайғамбарни», «қиёматни», «ўлгандан сўнг тирилишни» каби жавобларни берганлар. Аслида, ҳаммаси ҳам тўғри.

Шунингдек, «вайл» сўзи ҳам гоҳида «ҳалокат», гоҳида «дўзах» маъносида ишлатилади ва иккаласи ҳам бу оятга мосдир.

«(Ботилга) **шўнғиб ўйнашадиганларга.**»

Оятдаги «хавз» сўзи эса «шўнғиш» маъносини англатади. Мушриклар ўша вақтда ёлфонга шўнғиб кетишарди. Ҳамма нарсани унутиб, ботилга берилишар, ўйин қилишар эди. Ёки, бошқача айтганда, ўзларининг ботил ақийдалари, тасаввурлари, фикрлари ўйиндан бошқа нарса эмас эди. Ҳозирги кундаги турли назариялар, мафкура ва фалсафаларни ҳам тафаккур ила ўйлаб кўрилса, ўйиндан бошқа нарса эмаслиги ойдинлашади. Кишилар уларга шўнғиб кетиб, худди сувга шўнғиб ўйнаётган шахсни эслатадилар. Уларнинг кўзлаган умид қирғоқлари йўқ, фақат шўнғиб, ўйнашса бўлди. Мисол учун, Дарвин назариясини олиб кўрайлик. Неча йиллар давомида бу назария билан инсониятни ўйнатиб келишди. Дарвин олға сурган фикр, аслида, илмий жиҳатдан қийматсиз, сариқ чақага арзимайдиган, аксинча, инсонни таҳқирловчи фикр эди. Бошқа назария ва мафкураларга ҳам шундан ўзгача баҳо бериб бўлмайди. Ҳақиқий Исломиё тасаввургина инсониятни бу ўйиндан қутқариб қолиши мумкин.

يَوْمَ يَدْعُوكَ إِلَىٰ نَارِ جَهَنَّمَ دَعَاً ﴿١٣﴾

### 13. У кунда жаҳаннам ўтига кучлаб итарилурлар.

Оятдаги «йудаъууна» сўзи «куч билан орқасидан итариш»ни билдиради. Тасаввур қилинг, дўзахийлар қўрқиб ортга қочмоқчи бўлиб тисланадилар, азоб фаришталари эса, уларни ортларидан туртиб, куч билан жаҳаннам ўти томон итарадилар. Нақадар даҳшат! Улар ўша ҳолатда жаҳаннам қирғоғига итариб олиб борилди-да, қуйида келадиган қўрқинчли сўзлар айтилади:

هَذِهِ النَّارُ الَّتِي كُنْتُمْ بِهَا تَكْذِبُونَ ﴿١٤﴾ أَفَسِحْرُ هَذَا أَمْ أَنْتُمْ لَا تُبْصِرُونَ ﴿١٥﴾ أَصَلَوْهَا

فَأَصْبِرُوا أَوْ لَا تَصْبِرُوا سَاءَ عَلَيْكُمْ ﴿١٦﴾ إِنَّمَا تُحْزَنُونَ مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٧﴾

14. Мана бу, сизлар ёлғонга чиқарган ўт бўлади!

15. Бу сеҳрми?! Ёки сизлар кўрмаяпсизларми?!

16. Киришлар унга! Чидайсизларми, чидамасизларми – бари – бир. Қилиб юрган амалларингизнинг жазосини оласизлар, холос.

Жаҳаннамийлар ана шундай қийноқ ва азобларга дучор бўлиб, шармандаи шармисор бўлиб турган бир пайтда, тақводорлар жаннатда қай ҳолда бўлишларини келаси оятлар васф қилади:

﴿۱۷﴾ فَكَهِنَ بِمَا آتَاهُمْ رَبُّهُمْ وَوَقَّهُمْ رَبُّهُمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ ﴿۱۸﴾

17. Албатта, тақводорлар жаннатлар ва нозу неъматлар ичидадирлар.

18. Роббилари уларга берган нарсалардан лаззатдадирлар. Роббилари уларни жаҳаннам азобидан сақлар.

Жаннатга киришнинг ўзи катта бахт, у ердаги неъматлардан баҳраманд бўлиш бахт устига бахт. Жаннатийларнинг Роббул олабийн берган нарсалардан лаззатланиб юришлари яна бир бахт. Жаҳаннам азобидан Роббилари уларни сақлаб қолиши ҳам саодат. Аммо шунча бахт устига бахт бўлиб, уларга жаннатда яна ширин каломлар айтилади.

﴿۱۹﴾ كَلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿۲۰﴾ اَمْتَكِنِ عَلَى سُرُرٍ مَّصْفُوفَةٍ وَوَرَجْنَاهُمْ بِحُورٍ عِينٍ ﴿۲۱﴾

19. Енлар, ичинлар, ош бўлсин. (Булар) қилган амалларингиз учундир.

20. Улар қатор тизилган сўриларга ёнбошлаган ҳолдалар. Ва уларни гўзал кўзли ҳурларга уйлаб қўйганмиз.

Оятдаги «хури ийнлар» жаннат ҳурлари бўлиб, баданлари оппоқ, кўзлари катта-катта ва гўзал бўлгани учун улар шундай деб номланганлар.

Одатда, инсон яхшиликка, фароғатга етишган саодатли дамларида бола-чақаси ҳам ўзи билан бўлишини хоҳлайди. Ўшандагина унинг бахти бутун бўлади. Жаннат аҳли ҳам ана шу ҳолатни орзу қилади. Шунинг учун ҳам, келаси оятда, агар иймон ва яхши амалларда зурриётлари уларга эргашган бўлса, жаннатда ҳам бирга бўлишларининг хабари берилади:

﴿۲۲﴾ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَا أَلَتْنَاهُمْ مِّنْ عَمَلِهِمْ مِّنْ شَيْءٍ كُلُّ

أَمْرٍ بِمَا كَسَبَ رَهِينٌ ﴿۲۳﴾

**21. Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари уларга иймон билан эргашганларнинг зурриётини уларга қўшдик ва уларнинг амалларидан ҳеч нарсани камайтирмадик. Ҳар бир киши ўз касби гаровидир.**

Бу дунёда иймону Ислом билан ўтган кишилар жаннатга кирганларидан сўнг яқинларини сўраб, улар қани, деб қолишар экан. Ўшанда, агар зурриётлари ҳам иймон билан ўтган бўлса, даражалари унча юқори бўлмаса ҳам, Аллоҳ уларни ота-оналарига қўшиб қўяр экан.

**«Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари уларга иймон билан эргашганларнинг зурриётини уларга қўшдик.»**

Лекин, шу билан бирга, ота-оналарнинг амалидан ҳеч бир нарса камайтирилмас экан.

**«...ва уларнинг амалларидан ҳеч нарсани камайтирмадик.»**

Яъни, уларнинг савоблари болаларига олиб берилиб, уларнинг даражаси тенглатилмас экан. Чунки, ҳар ким ўзи қилган касб-амалнинг гаровидир, амали яхши бўлса, оқибати ҳам яхши бўлади.

**«Ҳар бир киши ўз касби гаровидир.»**

Аллоҳ кўрсатмасин, амали ёмон бўлса, оқибати ҳам...

Сўнгра Аллоҳ таоло мўминларга берадиган ноз-неъматларининг васфини давом эттиради.



**22. Ва Биз уларга хоҳлаган мевалари ва гўштларини муҳайё қилиб қўйдик.**

Албатта, жаннатдаги ноз-неъматлар бу дунёникидан тубдан фарқ қилади. Жаннатийлар учун хоҳлаган мева ёки гўштлари доимо муҳайёдир, излаб ёки танлаб овора бўлмайдилар. Нима кўнгилларидан ўтса, ўша нарса бор қилинади.



**23. Улар унда қадаҳларни бир-бирларига узатурлар. У ерда беҳуда сергаплик ва гуноҳ йўқ.**

Жаннат ноз-неъматларининг бу дунёникидан тубдан фарқ қилишига яна бир мисол: бу дунёда шароб ичган кишининг боши оғрийди, бўлак аъзоларида ҳам оғриқ пайдо бўлиши мумкин, ақли кетиб, турли қилиқлар қилади, ҳар хил бўлмағур гаплар гапиради ва гуноҳ ишларга қўл уради. Охират шаробида эса, бундай нохуш

ишларнинг биронтаси рўй бермас экан. Шундай фароғатда турган бахтиёрларнинг завқига завқ қўшиш учун атрофларида хизмат қилиб юрувчилар ҳам ниҳоятда чиройли ва ёқимли бўлар эканлар.

﴿ وَيُطَوِّفُ عَلَيْهِمْ غِلْمَانٌ لَهُمْ كَأَنَّهُمْ لَوْلَا مَكُونُونَ ﴾

**24. Ва атрофларида худди садафдаги дурдек ғуломлари айланиб, хизматда юришар.**

Аҳли жаннатнинг олий даражадаги ҳолатлари жуда ҳам чиройли тавсиф қилиниши давом эттирилиб, уларнинг ўзаро суҳбатларидан ҳам намуналар келтирилади:

﴿ وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَاءَلُونَ ﴾ ﴿٢٥﴾ قَالُوا إِنَّا كُنَّا قَبْلُ فِي أَهْلِنَا مُشْفِقِينَ ﴿٢٦﴾ فَمَنْبَأَ اللَّهِ عَلَيْنَا وَوَقَدْنَا عَذَابَ السَّمُورِ ﴿٢٧﴾ إِنَّا كُنَّا مِنْ قَبْلُ نَدْعُوهُ إِنَّهُ هُوَ الْبَرُّ الرَّحِيمُ ﴿٢٨﴾

**25. Баъзилари бошқаларидан ўгирилиб сўрай бошладилар:**

**26. «Албатта, биз илгари ўз аҳлимиз даврасида У зотдан қўр-қувчилардан эдик.**

**27. Бас, Аллоҳ бизга марҳамат қилди ва бизни дўзах азобидан сақлади.**

**28. Албатта, биз илгари Унга дуо қилардик. Албатта, Унинг ўзи яхшилик қилувчи ва раҳимлидур».**

Аллоҳ таоло кофирларнинг оқибати нима бўлади-ю, тақводорларнинг оқибати нима бўлишини баён қилиб ўтгандан сўнг, энди Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломни даъватда собит бўлишга буюради. Шу билан бирга, кофирларнинг «сен фолбинсан» ёки «жиннисан»га ўхшаш ботил тухматларига эътибор бермасликка чақиради.

Эй Пайғамбар!

﴿ فَذَكَرْ فَمَا أَنْتَ بِنِعْمَتِ رَبِّكَ بِكَاهِنٍ وَلَا مَجْنُونٍ ﴾

**29. Бас, эслатгин: сен Роббинг неъмати ила фолбин ҳам эмассан, мажнун ҳам эмассан.**

Оятдаги «коҳин» сўзини биз «фолбин» деб таржима қилдик. Аслида, Арабистон ярим оролида коҳин алоҳида тушунчадир. У, жинлар билан алоқаси борлигини ва ғойибдан хабар беришни

даъво қилувчи шахсдир. Шунингдек, коҳинлар: руҳлар, худолар билан ҳам алоқамиз бор, дейишади ва баъзан табиблик даъвосини ҳам қилишади. Коҳинлар ўзларини сирли қилиб кўрсатиш мақсадида ўзгача оҳангда сўзлашишади, ғайритабиий жумлалар тузиб гапиришади. Кўпчилик орасида уларнинг орбўлари катта бўлган. Фолбинлик эвазига мўмайгина ҳақ ҳам олишган, бу ҳақ «хулво-нул коҳин» деб номланган.

Душманлар Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам ўша коҳинларга ўхшатишди. Бунинг ҳам жинлар билан алоқаси бор, ваҳий дегани шу, дейишди. Аллоҳ таоло бу ботил тухматни рад этмоқда.

**«Бас, эслатгин: сен Роббинг неъматини ила фолбин ҳам эмассан, мажнун ҳам эмассан.»**

Коҳинлар ҳеч қачон кишиларни Аллоҳнинг ибодатига чақирмаган, яхши одоб-ахлоқларга ундамаган; улар куфр ва фисқу фасодга қарши чиқмаганлар, гуноҳ ишларни ўзлари қилаверганлар ва ҳоказо. Шу билан бирга, коҳинлар хизматлари эвазига ҳақ талаб этишарди. Муҳаммад алайҳиссалом эса, даъват учун ҳеч қачон ҳақ олмаганлар.

Иккинчи тухмат—Пайғамбар алайҳиссаломни жинни дейишлиқдир. Бу—ақл ишонмайдиган гап. Озгина эси бор одам бу гапни айтмайди. Лекин ноилож қолган мушриклар нима қилиб бўлса ҳам у кишига қора суртиш мақсадида оғизларига келганини қайтармай гапирганлар. У зоти бобаракотда заррача жунунлик хислати бор деб ўйлашлиқнинг ўзи фирт жинниликдир.

Муҳаммад алайҳиссаломни «коҳин» ва «мажнун» деган тухматлар ривож топмаганидан сўнг, мушриклар у зотни «шоир» деб, Қуръонни эса «шеър» деб, тухмат қила бошладилар. Бу ҳақда келаси оятларда сўз кетади.

أَمْ يَقُولُونَ شَاعِرٌ نَّتَرَبِّصُ بِهِ رَيْبَ الْمُنُونِ ﴿٣٠﴾ اِقْل تَرَبُّوا فإِنِّي مَعَكُمْ مِنَ الْمُتَرَبِّصِينَ ﴿٣١﴾

**30. Балки, у шоир, биз унга ўлим етишини кутамиз, дерлар?**

**31. Айтгин: «Кутинглар, албатта, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчидирман».**

Мушриклар бир-бирларига «Сабр қилиб, ўз билганингизда собит туринглар, унга ўлим етса, қутуламиз», деб маслаҳат қилишар эдилар. Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига нима дейишни ўргатди ва у киши мазкур гапларни айтдилар ҳам:

**«Айтгин: «Кутинглар, албатта, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчидирман».**

Ушбу оят Қуръони Каримнинг буюк мўъжизаларидан бўлиб қолди. Бу оят тушганда Ислом эндигина янги қадам қўймоқда,



душманлар эса, жуда кўп ва кучли эдилар. Аммо озгина вақт ўтиши билан, Ислом душманлари ҳалок бўлдилар, Пайғамбар алай-ҳиссалом ва Ислом ғолиб бўлдилар, ҳақ дин бутун дунёга ёйилди.

Муҳаммад алайҳиссаломни «шоир» дейиш энг кучсиз тухмат-дир. Ул зот умриларида ҳеч қачон шеър айтмаганлар, Қуръони Карим шеър эмас. Қуръон, шаксиз, илоҳий каломдир.

Энди, Қуръони Карим мазкур ботил тухматлар ҳақида савол-лар беради:

أَمْ تَأْمُرُهُمْ أَحْلَامُهُمْ بِهَذَا أَمْ هُمْ قَوْمٌ طَاعُونَ ﴿٣٧﴾

**32. Ё ақллари шунга буюрадими, ёки улар тугёнга кетган қавм-ларми?**

Қурайш қабиласи ўзларини ўткир ақл эгалари деб ҳисобла-шарди ва бу билан фахрланиб юришарди. Аммо Исломга қарши чиқишлари, Пайғамбар алайҳиссаломга тухмат қилишлари ақли кишиларнинг иши эмасди. Шунинг учун Қуръони Карим,

«**Ақллари шунга буюрадими?**» деб уларни уялтиряпти ва, шу билан бирга, улар тугёнга кетганлари учун шундай қилаётганла-рини таъкидламоқда:

«**ёки улар тугёнга кетган қавмларми?**»

Қурайш мушриклари эса, тухмат тошларини отишда давом этиб, Муҳаммад алайҳиссаломни ёлғончиликда, Қуръонни ҳам ёлғондан тўқиганликда айбладилар.

أَمْ يَقُولُونَ نَفَقَلْنَا لَهُ بِلَآئِنَا يَوْمِنَا ﴿٣٨﴾

**33. Балки, у(Қуръон)ни ўзи тўқиди, дерлар? Йўқ, улар ий-мон келтирмаслар.**

Қуръони Карим мушрикларнинг бу тухматини ўзларига қайта-ради ва уларни лол қолдирувчи қарши ҳужумга ўтади:

فَلْيَأْتُوا بِحَدِيثٍ مِّثْلِهِ إِنْ كَانُوا صَادِقِينَ ﴿٣٩﴾

**34. Агар уларнинг гапи рост бўлса, у(Қуръон)га ўхшаш сўзни келтирсинлар.**

Яъни, мушриклар ваҳийга ишонмаётган, Қуръонни Муҳаммад-нинг ўзи тўқияпти, деяётган эканлар, унда, ўзлари ҳам Қуръонга ўхшаш матн ижод қилсинлар-чи! Нега деганда, бир одамнинг қўли-

дан келган ишни бошқа одам ҳам қила олади. Айниқса, араблар дунёда сўз устаси сифатида ном чиқарганлар. Бировда ўзига ишонч кучли бўлмаса, ўзгаларни лол қолдирувчи таклифни қила олмайди, шарманда бўлишдан қўрқади. Дин душманлари ўз даъволарини исбот қилиш мақсадида жуда кўп уринишган. Қўлларидан келган ҳамма имкониятларни ишга солишган, лекин иложини қила олмаганлар.

Қадимда, ўз замонининг энг кўзга кўринган адиби, араб тили сир-асрорларининг барчасидан хабардор, забардаст бир шоирга ҳамма имкониятларни керагидан ортиқча яратиб беришган. Уни бир масканга жойлашиб, маълум муддат белгилашган. Режага кўра, ўша шоир ва адиб бутун имкониятларини ишга солиб, Қуръон матнига яқин матн яратиши лозим эди. Ой ўтиб-йил ўтиб, белгиланган муддат келиб, эшикни очиб киришса, шоирлари мусулмон бўлиб, ихлос билан Қуръон тиловат қилиб ўтирган эмиш.

Демак, ҳозиргача бирор киши бу ишни удалай олмаган, удалай олмайди ҳам. Аллоҳ таоло буни Ўзи Қуръонда айтиб қўйган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари чин эканлиги, Қуръони Каримнинг илоҳий ваҳий эканлиги исбот қилингандан сўнг, энди даҳрийларнинг Яратганни инкор қилишларига раддия келади:

﴿۲۵﴾ أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ

**35. Балки, улар, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралгандирлар?! Ёки улар яратувчиларми?**

Даҳрий ва худосизларга қарата воқеъликдан келиб чиққан соддагина ушбу саволни тафаккур билан мулоҳаза қилган шахс иймонга келмай иложи йўқ. Савол оддий, сен ўз-ўзингдан яралганми-сан?

**«Балки, улар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралгандирлар?!»**

Яъни, инсон шундоқ, ўз-ўзидан дунёга келиб қолганми? Албатта, унақа эмас. Бўлмаса, ўзингни ўзинг яратганмисан?

**«Ёки улар яратувчиларми?»**

Албатта, йўқ. Айт-чи, сени ким яратди, бўлмаса?

Келаси оят даҳрийларга ўзларидан бошқа энг яқин, ҳар лаҳзада мулоқотда бўлиб турадиган осмону ерни ҳам ўйлаб кўришни таклиф қилади.

﴿۲۶﴾ أَمْ خَلَقُوا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بَلْ لَا يُوقِنُونَ

### 36. Балки, улар осмонлару ерни яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар.

Осмонларни, инсон ҳозиргача ададини аниқ билмайдиган осмонларни, бу чексиз, ичида сон-саноксиз юлдузлару сайёралари бор бўлган осмонларни ҳам даҳрий-худосизлар яратганми? Мушрикларга, осмонни ким яратган, деган савол берилса, Аллоҳ, деб жавоб берар эканлар. Лекин ақийдаларида Аллоҳни инкор этадилар. Осмонга назар солиб, бу ўз-ўзидан бўлиб қолиши мумкин эмас, биз ҳам яратган эмасмиз, деган фикрни хаёлларидан ўтказиб, буни Аллоҳ яратган, дейишга мажбур бўлишган. Бошқа вақтда эса Аллоҳни инкор этаверганлар. Ўзлари айтган гапга ўзлари ишонишмаган, шунинг учун ҳам, оятда:

«Йўқ, улар ишонмаслар», дейиляпти.

أَمَّ عِنْدَهُمْ خَزَائِنُ رَبِّكَ أَمْ لَهُمُ الْمَصِّيطُونَ ﴿٧٧﴾

### 37. Балки, уларнинг ҳузурида Роббингнинг хазийналари бордир?! Ёки улар бошқарувчиларми?

Аввалги даъволари пучга чиқди, яъни, яратувчиликка даъво қила олмадилар. Бундай даъво қила олмайдилар ҳам. Энди қайси қудратларига ишониб, бу Пайғамбар, бу Пайғамбар эмас ёки бу калом илоҳий, буниси шеър холос, деб ҳукм чиқаришади?! Ёки яна бошқа даъволари борми?

### «Балки, уларнинг ҳузурида Роббингнинг хазийналари бордир?!»

Улар, Аллоҳнинг хазийнаси бизнинг қўлимизда, шунинг учун, кимни хоҳласак, Пайғамбар қиламиз, кимни хоҳламасак, қилмаймиз, дейишадими?

### «Ёки улар бошқарувчиларми?»

Ёки улар дунёни бошқарувчилармики, хоҳлаганларини қилиб, ҳеч бир амрга бўйсунмасалар?

أَمْ لَهُمْ سَامٌ يُسْتَمْعَوْنَ فِيهِ فَلْيَأْتِ مُسْتَمِعَهُمْ بِسُلْطٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٧٨﴾

### 38. Балки, уларнинг (хабарни) эшитадиган нарвонлари бордир?! Ундоқ бўлса, эшитувчилари равшан ҳужжат келтирсин.

Муҳаммад алайҳиссалом, мен Аллоҳнинг элчисиман, менга Қуръон оятлари ваҳий бўлиб тушяпти, десалар, мушриклар у зотни ёлфончига чиқарганлар. Хўш, нимага асосланиб бундай қилишган?

**«Балки, уларнинг (хабар) эшитадиган нарвонлари бордир?!»**

Ёки уларнинг осмонга қўйган нарвонлари бор-у унга чиқиб, Муҳаммад Пайғамбар эмас, унга ваҳий юборилаётгани йўқ, деган хабарни эшитишдими? Агар ҳақиқатан эшитган бўлсалар, очиқ-ойдин далил кўрсатсинлар.

**«Ундоқ бўлса, эшитувчилари равшан ҳужжат келтирсин.»**

Қуръони Карим кофирларнинг ноҳақликларини фош этишда давом этади. Ўша пайтда мушриклар, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, деган бузуқ ақийдада эдилар. Ушбунини ҳам ўртага солиб, уларнинг нақадар фаросатсиз эканликлари ўзларига пеш қилин-япти.

أَمْ لَهُ الْبَنَاتُ وَلَكُمْ الْبَنُونَ

### 39. Ёки У зотга қизлар-у сизларга ўғилларми?

Мушриклар қиз фарзанд кўришни хоҳламасдилар. Ким қиз кўрса, ори келарди, хафа бўларди, ҳаттоки, қиз болани тириклай кўмиб ташларди. Айни чоқда, Аллоҳнинг қизи бор, дейишарди. Бу, ўтакетган фаросатсизликдан ўзга нарса эмас. Ақли шу даражада паст кишиларга, Пайғамбарнинг ҳақ ёки ноҳақлиги ёки Қуръони Каримнинг ваҳий ёки ваҳий эмаслиги ҳақида ҳукм чиқаришни ким қўйибди, деган маънода шу оят келтирилган.

Пайғамбар алайҳиссалом кишиларни чидам билан яхшиликка чақирар эдилар. Уларга ҳеч бир нарса оғир ботмаслиги учун барча чораларни кўрардилар. Қилаётган даъватлари эвазига бирор нарса сўрамасдилар. Албатта, бунақа муомаланинг жавоби яхшилик бўлиши лозим эди. Аммо акси бўлиб чиқди. Қавм бутун вужуди ила қарши чиқди. Яхшиликка ёмонлик қайтарди. Ушбу ҳолат келгуси оятларда баён қилинган.

أَمْ نَسْتَلْهُمْ أَجْرًا فَهُمْ مِّنْ مَّعْرَمٍ مَّا تَقُولُونَ

### 40. Ёки сен улардан ҳақ сўраяпсан-у, улар тўловдан қийна-ляптиларми?

Ҳолбуки, Пайғамбар алайҳиссалом улардан ҳақ сўраганлари йўқ. Унда, нима учун улар бўйин товлайдилар, қаршилиқ қиладилар. Ёки бошқа узрлари, сабаблари бормикан?

أَمْ عِنْدَهُمُ الْغَيْبُ فَهُمْ يَكْتُمُونَ

#### 41. Балки, уларнинг ихтиёрида ғайб (илми) бўлиб, улар ёзиб олаётгандирлар?!

Бўлмаса, юқорида зикр қилинган даъволарни қаердан олишган? Лекин ҳақиқатга тик кўз билан боқилганда Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ғайб илмини билмайди. Бунга мушриклар ҳам тан бердилар. Лекин улар ўзларини билмаганга оладилар.

أَمْ يُرِيدُونَ كَيْدًا فَالَّذِينَ كَفَرُوا هُمُ الْمَكِيدُونَ ﴿٤١﴾

#### 42. Балки, ҳийла кўрсатишни хоҳларлар?! Бас, кофирлар ҳийлаларининг жазосини тортарлар.

Мушриклар Пайғамбар алайҳиссаломга, Исломга, мусулмонларга қарши турли ҳийла-найранглар қилишни хоҳлайдилар. Лекин ҳаммасини Аллоҳ кўриб туради ва динсизларнинг, дин душманларининг ҳийла-найрангларини ўзларига қайтаради. Бу ҳақиқатни ҳар бир авлод ўз тажрибасида ҳам кўрмоқда. Ушбу оят Қуръони Каримнинг биринчи оятларидандир. Шу билан бирга, унинг мўъжиза эканини ҳам таъкидламоқ лозим. Пайғамбар алайҳиссаломга ҳийла қилиб, у кишини ўлдирмоқчи бўлганларга қарши туширилган бу оят ҳаётда тасдиғини топди. Тез орада душманлар бирин-кетин ҳалок бўлдилар, Муҳаммад алайҳиссалом ва у кишининг ишлари волиб бўлди. Бу ҳақиқат шу тарийқа барча замонларда такрорланиб келмоқда.

أَمْ لَهُمْ إِلَهٌ غَيْرُ اللَّهِ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٤٢﴾

#### 43. Балки, уларнинг Аллоҳдан бошқа худолари бордир?! Аллоҳ улар келтираётган ширкдан пок бўлди.

Мушриклар ўзларининг душманлик ишларини нимага суяниб амалга оширишяпти? Ахир, улар енгил ишни қилишаётгани йўқ. Яратган, қудратли Аллоҳга қарши чиқишяпти. Аввалги саволларидан маълум бўлдики, уларнинг суянадиган асослари йўққа ўхшайди. Балки, уларнинг Аллоҳдан бошқа худолари бордир? Ўша худогача суяниб ҳаракат қилаётгандирлар? Лекин бу шубҳа асоссиз, ягона Аллоҳга шерик бўлиши мумкин эмас, Аллоҳ бу шубҳадан пок, Унинг шериги йўқ. Демак, барча эҳтимоллар пучга чиқди, узрлари ҳам, далиллари ҳам қолмади. Энди уларнинг ҳақиқий башаралари очилади. Уларнинг динга душманлиги ҳужжат, далиллар асосида эмас, балки дилларидаги моғорлик, мутакаббирлик, саркашлик сабабидандир. Шунинг учун, улар равшан ҳақиқатга қарши чиқишади. Шунинг учун ҳам, бир нарсадан баҳона ва шубҳа топишга уринадилар. Шунинг учун ҳам:

وَإِنْ يَرَوْا كِسْفًا مِّنَ السَّمَاءِ سَاقِطًا يَقُولُوا سَحَابٌ مَّرْكُومٌ ﴿٤٤﴾

#### 44. Агар улар бошларига тушаётган парчани кўрсалар ҳам, тўпланган булут, дерлар.

Яъни, уларнинг адашганликлари шу даражага етганки, бошлари устида азоб, ҳалокат парчаси яқинлашиб турса ҳам, бошларини кўтариб қарайдилар-да, ҳаҳ, бу тўпланган — булут, ризқ-рўз берувчи ёмғир ёғади, дейишади.

Мушриклар ҳар бир ҳолатда динга қарши баҳона ахтарадилар. Қадимда дин душманларининг аждодларидан бир гуруҳи (Од қавми) бошлари устига азоб булути тўпланганда, бу бизга ёмғир келтиряпти, дейишган эди. Лекин ўшанда у булут азоб ёғдириб, қавмни ҳалок этган эди.

Динсизларнинг мутакаббирликлари, саркашликлари, бошлари устига азоб келиб турса ҳам ўз залолатларидан қайтмасликлари баёнидан сўнг, Аллоҳ Ўз Пайғамбарига уларни тек қўйиб қўйишни, уларга парво қилмасликни, уларга азоб келиши аниқ эканини таъкидлайди.

فَذَرَهُمْ حَتَّىٰ يَلْقُوا يَوْمَهُمُ الَّذِي فِيهِ يُصْعَقُونَ ﴿٤٥﴾

#### 45. Уларни ҳалокатга учрайдиган кунларига йўлиққунларигача тек қўй.

Яъни, мушрик ва динсизларни қиёмат кунигача қўйиб бер, нима қилишса, қилишаверсин.

يَوْمَ لَا يَغْنِي عَنْهُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٤٦﴾

#### 46. У кунда ҳийлалари уларга ҳеч қандай фойда бермас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.

Бу дунёда ҳийла-найранг ишлатиб мақсадга эришиб юрганлари учун, ҳийла билан ҳамма нарсага эришса бўлади, деган фикр онгларига ўрнашиб қолади. Ҳаттоки, қиёматда ҳам ҳийла-найранг иш бериб қолар, деб умид қилишади. Лекин қиёматда шароитлар ўзгарган бўлади. У ерда ҳийла-найранг ўтмайди. Ҳамма қилганига яраша жазо ёки мукофот олади. Бу дунёда воситачи топиб, бирига ёрдам бериб, иш битириб юрса бўлар, охиратда ёрдам берилмайди: охират Қозиси воситачиликни қабул қилмайди, пора олмайди. Бундан ким тўғри хулоса чиқарса, ҳаётини қанча тез ўнглаб олса, шунча яхши.

وَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا عَذَابًا دُونَ ذَلِكَ وَلَٰكِن أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٧﴾

**47. Ва, албатта, зулм қилганларга ундан ўзга азоб ҳам бор, лекин кўплари билмаслар.**

Яъни, кофир, золимларга охират азобидан ўзга бир азоб — бу дунёнинг азоби ҳам бор ёки қабр азоби бўлиши ҳам мумкин. Демак, динсизлар ва золимлар бу дунёдаги қилмишлари учун фақат охиратдагина жазо олмайдилар, балки, бу дунёнинг ўзида ҳам тегишлича жазоларини оладилар. Тажриба ҳам доимо буни тасдиқлаб турибди.

Кофир ва динсизларнинг оқибати нима бўлиши баён қилиб бўлингандан сўнг, Пайғамбар алайҳиссаломга, у киши орқали мусулмонларга тасалли берилиб, сабрга даъват этилади, Аллоҳ таоло уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаши эслатилади ва кечаю кундуз Аллоҳга боғлиқ бўлишга чақирилади.

وَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعْيُنِنَا وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ حِينَ تَقُومُ ﴿٤٨﴾

**48. Бас, Роббинг ҳукмига сабр қил. Албатта, сен кўз ўнгимиздасан, ўриндан турганингда Роббингга тасбиҳ айт!**

Дунёдаги ҳар бир иш Аллоҳнинг иродаси, қазои қадари билан бўлади. Мушрикларнинг, динсизларнинг қаршиликлари, тухмат-бўхтонларига сабр қилиш лозим, чунки булар ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўляпти.

Оятдаги

«Албатта, сен кўз ўнгимиздасан» деган гап Пайғамбар алайҳиссаломнинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабалари нақадар юқори эканини билдиради. Ҳеч бир инсон бу мақомга сазовор бўлган эмас. Ўзга Пайғамбарларга ҳам юқори мартабага далолат қилувчи сўзлар айтилган, лекин ҳеч кишига «кўз ўнгимиздасан» деб айтилмаган. Шунинг учун ҳам, доим тасбиҳ айтилса, оз. Ўрнидан турилганда ҳам...

وَمِنَ اللَّيْلِ فَسَبِّحْهُ وَإِدْبَرَ النُّجُومِ ﴿٤٩﴾

**49. Ва кечаси ҳам. Бас, юлдузлар ботгандан кейин ҳам тасбиҳ айт.**

Демак, ҳар доим Аллоҳга боғлиқ бўлмоқ зарур.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қил-

ган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ким бир мажлисда ўтириб, ҳар хил гапларни гапирса, ўрнидан туришдан олдин, «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду аллаа илааҳа илла анта астағфирука ва атубу илайка» деса, Аллоҳ ушбу мажлисдаги гуноҳларини кечиради», деганлар.

Имом Молик Зухрийдан қилган ривоятларида Ибн Матъамнинг отаси айтадики: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг шом намозида «Ват-Тур» сурасини ўқиётганларини эшитдим. У кишидан кўра овози ширинроқ ва қироати яхшироқ одамни кўрмаганман».

Имом Бухорий розияллоҳу анҳу келтирган ривоятда Умму Салама онамиз шундай деганлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга касаллигимни шикоят қилган эдим, улов миниб, одамлардан четроқда тавоф қилавер, дедилар. Мен тавоф қилдим, Пайғамбар алайҳиссалом Байтуллоҳнинг ёнида туриб, намозда «Ват-Тур» сурасини ўқидилар».





## НАЖМ СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 62 оятдан иборат.*

Ушбу сураи каримага ҳам ўзининг биринчи сўзи исм бўлиб қолган.

«Заарийаат», «Тур» ва «Нажм» сураларида услуб, мавзу жиҳатдан ўхшашлик борлигини кўп тафсирчилар баён этганлар. «Нажм» сураси ҳам аввалги икки сура каби, асосан, ақийда масаласини муолажа қилади. Хусусан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбар эканликлари, ваҳийни фаришта Жаброил орқали қабул қилишлари, у улўф фариштани ҳақиқий яратилган ҳолида кўрганликлари тўғрисида сўз кетади. Шу билан бирга, динсизларнинг ва мушрикларнинг ақл ишлатмасликлари хусусида ҳамда қиёмат куни ҳақида оятлар келган.

Мушриклар худо тўғрисида хаёлларида ўзларича ҳар хил тасаввурлар яратиб олишган, фаришталар хусусида ҳам бузуқ фикрлар баён этар эдилар. Масалан, бутлару фаришталар бизни шафоат қилади, деган маънода афсоналар тўқиб олишган эди.

Сура давомида шу ботил тушунчалар фош этилади. Мушрикларнинг барча эътиқод ва ишлари гумонларга асосланганлиги, Пайғамбар алайҳиссалом эса, уларни очиқ-ойдин ва ишончли хабар орқали иймонга чақираётганликлари баён қилинади.

Сўнг, Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиниб, Аллоҳни унутган, фақат дунё ташвишида бўлган, саркаш динсизлардан юз ўгиришга кўрсатма берилади. Қиёмат муқаррар қоим бўлиши, унда ҳамма қилмишига яраша жазо ёки мукофот олиши айни ҳақиқат эканлиги айтилади. Чунки, Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг онаси қорнида ҳомила эканлигидан бошлаб то оламдан ўтгунчалик даврдаги ҳар бир ҳаракати, қилган иши ва юриш-туришини очиқ-ойдин ҳисоблаб қўйган. Энди, қиёматда булар бари адолат ила ҳисоб-китоб бўлиши таъкидланади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло ҳамма шариатларда, ҳамма Пайғамбарларда, яъни, Иброҳим алайҳиссаломдан то охириги Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломгача — ҳаммаларида ақийда асли бир эканини тушунтиради. Сўнгра, Аллоҳнинг қудрати, асарлари, Унинг ягоналиги, улўфлиги, буларнинг далиллари ҳақида сўз юритилади. Мушрикларнинг эътибори ўтган қавмларнинг тақдирларига қаратилади, улар куфрга кетганлари туфайли қандоқ ҳалок бўлганликлари эслатилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالنَّجْمِ إِذَا هَوَىٰ

### 1. Ботаётган юлдуз билан қасам.

Авваллари таъкидлаб айтилганидек, юлдуз билан қасам ичишдан мақсад — бадалар юлдузни тафаккур қилиб, Аллоҳнинг қудратига тан берсинлар, деган таъкид ҳамда бундан кейин келади-ган оят маъносига катта аҳамият беришдир.

Оятдаги «ҳава» сўзини биз «ботса» деб таржима қилдик, лекин уни «портласа», «титилиб кетса» деб таржима қилса ҳам бўлади. Юлдузнинг ботиб, портлаб, титилиб кетиши маънолари уни худо деб эътиқод қилувчиларнинг ақллари паст эканлигига далилдир. Ўзининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ботадиган, портлайдиган ёки титилиб кетадиган нарса қандай қилиб худо бўлиши мумкин! Юлдузлар бу дунёда ҳар қуни кўриниб ё кўринмай (ботиб ё чиқиб) турса ҳам, портлаш ва титилиши қиёматда бўлади. Ҳозирги замон фалакиёт илми бу дунёда ҳам юлдузларда портлаш ҳодисаси бўлишини ва доим титилиб туришини исботлади. Бу ҳам Қуръони Каримнинг мўъжизаларидандир.

مَا ضَلَّ صَاحِبُكُمْ وَمَا غَوَىٰ

### 2. Сизнинг Биродарингиз адашгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ.

«Биродарингиз» деб Муҳаммад алайҳиссалом назарда тутилади-лар. Ўша вақтдаги кишиларга нима учун «биродарингиз» дейилляпти? Яъни, ичингиздан чиққан, ҳаётини яхши биласизлар, унинг сизлардан яширин жойи йўқ, умри бўйи ичингизда юрди. Унинг фазилатларига, яхшиликларига тажрибада гувоҳ бўлгансизлар, ундан ёмонлик кўрмагансизлар, ёлғон гапирганини ҳам билмайсизлар, дейилмоқчи.


«Адашган» сўзи (арабчаси «Золла») билмасдан нотўғри ишларни қилиб қўйган кимсаларга нисбатан ишлатилади. Болалигидан ростгўйлиги, омонатга хиёнат қилмаслиги, адолатлилиги ва бошқа жамийки яхши фазилатлари ила машҳур бўлган инсон қирқ ёшга етганда бирданига адашиб қолиши мумкинми? Худди шунингдек, бун-

дай кимсанинг дабдурустдан «йўлдан озган» бўлиб қолишига ҳам ақл ишонмайди. Чунки, «йўлдан озиш» («ғова») дегани, тўғри йўлни билиб туриб нотўғрисиани танлашни англатади. Ахир, ақл-заковатда беназир Муҳаммад алайҳиссаломга жаҳонда шундай сифат тўғри келади? Асло!



### 3. У ҳаводан нутқ қилмас.

Яъни, сизнинг адашмаган ва йўлдан озмаган соҳибингиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг номидан гапирганида ҳаводан олиб гапирмайди. Аксинча, у зот, Аллоҳ менга нозил қилди, деб айтаётган:



### 4. У (Қуръон) ваҳийдан ўзга нарса эмас.

Дин душманлари: «Муҳаммад ўзи хаёлига келган гапини гапириб, менга худодан хабар келди, деб бизни лақиллатяпти, ўзининг обрўини ўйлаб, ҳийла қиляпти, Қуръон деган нарсаси худодан келган хабар эмас, балки ўзи тўқиган гапдир», деганга ўхшаш тухмат-бўхтонлар қилишарди. Юқоридаги ояти карималар бундай куфроний қарашларга раддия сифатида туширилгандир.

Демак, Қуръони Карим Аллоҳдан тушган ваҳийдан ўзга нарса эмас. У аввалидан охиригача Аллоҳнинг каломи, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, Жаброил фаришта ҳам бирор ҳарфини ўзгартиришга ҳақди эмаслар. (Инчунун, ҳеч ким бирор ҳарфини ўзгартирма олмайди, ўзгартирган ҳам эмас.)

«**Ҳаводан олиб нутқ қилмас**» деган гапнинг маъносини қандай тушунмоқ керак? Қуръон тўғрисида унинг узил-кесил маъносию сўзлари, ҳатто ҳарфлари ҳам Аллоҳники эканлиги айтилди. Ҳадис (Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари) — маъноси Аллоҳдан, ибораси Муҳаммад алайҳиссаломдан бўлган кўрсатма-хабарлардир. Аммо иборалари, барибир, Қуръондан кейин иккинчи ўринда туради.

Имом Аҳмад ибн Ханбал қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу бундай деганлар: «Пайғамбар алайҳиссаломдан нимани эшитсам, ёдлайман, деб ёзиб юрардим. Қурайш қабиласидагилар, сен Пайғамбар алайҳиссаломдан нимани эшитсанг, ёзиб

оласан, у киши ҳам одам, аччиқлари чиққанда ҳам гапирадилар, дейишувди, ёзмай қўйдим. Бир куни бу ишни Расулуллоҳга айтган эдим, у киши, ёзавер, Аллоҳга қасамки, мендан ҳақ гапдан бошқа гап чиқмайди, дедилар».

Яна, Имом Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Мен ҳақдан бошқани гапирмайман», деганларида баъзи саҳобалар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бизга ҳазил-мутойиба қиласиз-ку?» — дебдилар. Ул зот яна:

«Албатта, мен ҳақдан ўзга гапни айтмайман», деган эканлар.

Ул зоти бобаракотнинг ҳазиллари ҳам ҳақ бўларди. Ҳазил деб, кулдириш мақсадида у зот ноҳақ ибораларни ишлатмасдилар. Мисол учун, бир куни қари кампир келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, шоядки, жаннати бўлсам», дебди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Кампирлар жаннатга кирмайди», дебдилар. Аёл йиғлай бошлабди. Кейин унга, жаннатга қари ҳолда кирилмайди, ҳамма ўттиз уч ёшли бўлиб киради, деб тушунтирилгач, хурсанд бўлган экан.

Бу ҳодисага «Хурмони чанглатиш» номи билан машҳур ҳодисани қўшсак, тўлиқ тасаввур пайдо бўлади. Саҳиҳ ривоятларда келишича, бир куни Пайғамбар алайҳиссалом Мадийнаи Мунавварадаги хурмо боғларидан бирининг ёнидан ўтиб кетаётсалар, одамлар хурмо дарахтлари устида нималардир қилишаётган эмиш.


«Улар нима қилишяпти?» — деб сўрабдилар.

«Хурмони чанглатишяпти, шундоқ қилса, ҳосил мўл бўлади», деб жавоб қилишибди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аллоҳ берса, шундоқ ҳам мўл бўлаверади», деган маънода сўз айтибдилар. Боғбонлар мазкур сўз таъсирида чанглатишни тарк қилибдилар. Йилнинг охирига келиб ҳосил мўл бўлмабди. Кишилар бу хабарни Пайғамбар алайҳиссаломга айтишган экан, у зоти бобаракот:


«Мен сизларнинг динингизда бир гап айтсам, тўлалигича қабул қилинглар, сиз дунё ишларида ўзингиз билувчироқсиз», деган эканлар. Шундан келиб чиқиб, уламолар айтадиларки, диний ҳукмлар борасида Пайғамбар алайҳиссалом ўзларидан гапирмаганлар. Тажриба, инсон маҳоратига боғлиқ ишларда ўзларидан гапирганлар.

Энди, Пайғамбар алайҳиссаломга ваҳий келтирувчи фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг сифатлари зикр қилинади. Чунки, Қуръонни инкор қилувчиларни лол қолдиришда бу ҳам катта далилдир.



### 5. У (Муҳаммад)га шиддатли қувват эгаси таълим берди.

Шиддатли қувват эгаси Жаброил фариштадир. Ул зот Аллоҳ билан Муҳаммад алайҳиссалом ўрталарида элчилик қилиб, аста-секин Қуръонни ўргатганлар.



### 6. Миррат эгаси кўтарилди.

Жаброил фариштани сифатлаш давом этмоқда ва у «Зу мирротин» деб таърифланмоқда. Бу сўз, аслида, ақл, кучли дин, хулқ, чирой эгаси деган маъноларни англатади. Шунча сифатларга эга бўлган фаришта ваҳийни етказишда адашмайди, камчиликка йўл қўймайди ва хиёнат қилмайди.

Оятда мазкур сифатларга эга бўлган фаришта кўтарилганлигининг хабари келади. Қаёққа кўтарилгани эса, келаси оятда маълум бўлади.




### 7. Ва у олий уфқда эди.

Одатда, Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга Дихятул Калбий исмли киши қиёфасида кўринар эдилар. Муҳаммад алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломни ўз ҳолида кўришни хоҳлаганларида, машриқдаги олий уфққа кўтарилиб, олий уфқни тўлдирдилар ва асл яралган ҳолларида у зотга кўриндилар.



### 8. Сўнгра яқинлашди ва жуда ҳам яқин бўлди.

Яъни, Жаброил фаришта яна ҳам пастроққа тушиб, Муҳаммад алайҳиссаломга яқинлашди ва жуда ҳам яқин бўлди.



9. Бас, икки камон миқдоридай жойда бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди.

Яъни, Жаброил фаришта яна ҳам пастроққа тушишда давом этиб, Пайғамбар алайҳиссаломга икки камон миқдорича, балки ундан ҳам яқинроққа келдилар. Бундай яқинлик натижасида ваҳийни етказиш осонлашган.

فَأَوْحَىٰ إِلَىٰ عَبْدِهِ مَا أَوْحَىٰ

### 10. Ва У зот бандасига нимани ваҳий қилган бўлса, етказди.

Яъни, Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга нимани ваҳий қилган бўлса, Жаброил алайҳиссалом ҳеч бир хиёнат қилмасдан ёки камайтирмасдан ҳаммасини етказдилар.

مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَىٰ

### 11. Қалб (кўз) кўрганини ёлғонга чиқармади.

Яъни, Муҳаммад алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломни асл хилқатида ўз кўзлари билан кўрдилар. Кўзлари кўрганини қалблари тасдиқлади, ёлғон демади.

أَفْتَمَرُونَہُ عَلٰی مَا يَرٰی

### 12. У билан ўзи кўрган нарса устида тортишасизларми?!

Эй, мушриклар, Муҳаммад билан у ўзи кўрган Жаброил ҳақида тортишиб, сеники нотўғри, бизники тўғри, дейсизларми?

Мазкур оятларда зикр қилинган ҳодиса Муҳаммад алайҳиссаломнинг Жаброил фариштани Аллоҳ қандай суратда яратган бўлса, шундай ҳолатда биринчи бор кўрганлари воқеасини васф қилмоқда.

Бу ҳодиса Ислом даъватининг биринчи босқичида рўй берган эди. Ҳиро ғорида Жаброил фаришта Муҳаммад алайҳиссаломга «Иқроъ» сурасининг аввалини етказганларидан сўнг, орада ваҳий узилиб қолди. Пайғамбар алайҳиссалом бундан жуда ҳам сиқилдилар, ҳатто, бир неча бор ўзларини тоғдан ташламоқчи ҳам бўлдилар. Ҳар сафар шу ишни қилмоқчи бўлганларида, Жаброил фаришта осмондан овоз бериб: «Эй Муҳаммад, сен Аллоҳнинг ҳақиқий Пайғамбарисан, мен Жаброилман!» — дер эдилар. Шундан сўнг Пайғамбар алайҳиссаломнинг қалблари таскин топиб, кўзлари қувончга тўларди. Бир неча бор шунақа бўлди. Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссалом Абтаҳ номли жойда кетаётганларида, Жаброил у кишига

Аллоҳ яратган асл суратларида кўриндилар, олти юз қанотларини ёйиб, вужудлари ила уфқни тўсиб турган ҳолда намоён бўлдилар. Сўнгра яқинлашиб, Аллоҳ юборган ваҳийни етказдилар. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом ўзларига ваҳий келтираётган фариштанинг улуғлиги, олий қадрлиги ва Аллоҳнинг ҳузуридаги мақомини тўла тушуниб етдилар.

Келгуси оятларда Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломни иккинчи марта асл ҳолда кўрганлари ҳикоя қилинади. Бу, меърож кечасида содир бўлган эди.

وَلَقَدْ رَآهُ نَزْلَةً أُخْرَىٰ ۖ عِنْدَ سِدْرَةِ الْمُنْتَهَىٰ

**13. Ва, дарҳақиқат, уни бошқа сафар кўрди.**

**14. Сидрагул мунтаҳа**(тугаш дарахти) **олдида.**

Сидра – дарахт, мунтаҳа – интиҳо, тугаш демақдир. Бу дарахтнинг «тугаш дарахти» деб номланишининг сабаби бор. Осмонда фаришталар ўша дарахт олдигача бора олар эканлар, холос, ундан нарига ўта олмас эканлар. Ундан нариги томонда нима борлигини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмас экан.

عِنْدَ هَاجَةِ الْمَأْوَىٰ

**15. Унинг ҳузурида маъво жаннати бор.**

Яъни, тугаш дарахтининг олдида «Жаннати маъво» исмли, тақводорларга ваъда қилинган жаннат бор.

إِذِغَشَى السِّدْرَةَ مَايَغْشَىٰ

**16. Ўшанда, у(дарахт)ни ўрайдиган нарса ўраб турибди.**

«Ўрайдиган нарса»нинг нима эканлиги оятда очиқ айтилмаган, шунинг учун, тафсирчилар бу ҳақда турли фикрларни айтганлар. Жумладан, Аллоҳнинг нури ёки фаришталар, дейилган.

Лекин оятда муайян бир нарса айтилмаганлигининг ўзи «ўрайдиган нарса» васфдан ташқари улкан эканлигига далолат қилади.

Имом Аҳмад Ибн Масъуддан қилган ривоятларида: Исро кечаси Пайғамбар алайҳиссалом тугаш дарахтига бориб етдилар, у еттинчи осмонда эди. Ердан чиққан нарсалар ҳам, юқоридан тушган нарсалар ҳам унга етиб тўхтади. Ўшанда Пайғамбар

алайҳиссаломга беш вақт намоз, «Бақара» сурасининг охири, ум-матларидан ширк келтирмаганларининг мағфират қилинишининг хабарлари берилган, дейилган.

مَا زَاغَ الْبَصَرُ وَمَا طَغَىٰ

### 17. Нигоҳ бурилмади ҳам, ҳаддидан ошмади ҳам.

Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг нигоҳлари бурилиб, меъ-рожда ортиқча нарсаларни кўрганлари йўқ. Шунингдек, ҳаддила-ридан ошиб, амр бўлмаган нарсаларни ҳам кўрганлари йўқ.

لَقَدْ رَأَىٰ مِنْ آيَاتِ رَبِّهِ الْكُبْرَىٰ

### 18. Дарҳақиқат, ўз Роббисининг улкан белгиларидан кўрди.

Муҳаммад алайҳиссалом меърож кечасида Аллоҳнинг қудра-тига далил бўлувчи улкан белгиларни, жумладан: жаннатни, дўзахни, Обод уйни (Байтул маъмурни), ўтган Пайғамбарларни, Жаброил алайҳиссаломнинг асл ҳолатларини ва бошқаларни кўрдилар.

Файбга тааллуқли мазкур нарсаларнинг Пайғамбар алайҳис-саломга кўрсатилишининг ҳикмати кўп. Жумладан, у зот киши-ларни даъват қиладиган нарсаларини ўз кўзлари билан кўриб, қалбларидан тасдиқлаб олсалар, даъват осон кечади. Халойиққа ҳужжат келтириш осон бўлади, мўминларнинг қалблари таскин топади ва ҳоказо.

Кишиларни Муҳаммад алайҳиссалом ўз кўзлари билан очиқ-ойдин кўрган, қалблари ишонч ила тасдиқлаган, ҳужжатли ва да-лли нарсага чақиряптилар. Аммо мушрик, динсизлар-чи? Улар нимага чақиришади? Ҳужжатлари қани? Нимага суюнишади? Охири қаерга боришмоқчи? Бузуқ эътиқодларини қаердан олишган? Улар-нинг ақллари пастлигини қуйидаги оятлар кўрсатади.

أَفَرَأَيْتُمُ اللَّاتَ وَالْعُزَّىٰ

### 19. Лот ва Уззони ўйлаб кўрдингизми?

Мушриклар «худонинг шериги» деб эътиқод қиладиган, унга сиғинадиган бутларидан энг улуғлари Лот билан Уззо саналарди. Ана ўша бутлар аслида нима эканини бир ўйлаб кўрдиларингиз-ми, деяпти Аллоҳ таоло.

Қурайш кофирлари Аллоҳнинг борлигини батамом инкор қил-



масдилар. Аммо Унга ширк келтирар, яъни, У зотнинг шериклари бор, деб ишонишар эди. Ўша шериклар, жумладан, Лот, Уззо ва Манотлар бандаларнинг ишига араллашиб туради, агар уларни рози қилинса, катта худо ҳам рози бўлади, деган бузуқ ақийдада эдилар.

Хўш, Қуръони Карим чақирғига биноан бир ўйлаб кўрилсинчи, Лотнинг асли нимаю Уззонинг асли нима экан?

Лот нақшинкор оқ харсанг эди. У Тоиф шаҳрида бўлиб, устига бино қурилган, пардаси, хизматчилари бор эди. Унинг атрофида кенг саҳн бўлиб, у ер Сақийф қабиласи ва унга тобеъ бўлганларнинг фахри ҳисобланар эди. Уларнинг эътиқодича, Лот Каъбадан кейин иккинчи ўринда турар эди. «Лот» сўзининг ўзи эса, Аллоҳ сўзининг муаннаси, яъни, аёллик маъноси эди.

Уззо бўлса, Маккаи Мукаррама билан Тоифнинг ўртасидаги Нахра деган жойдаги бир дарахт бўлиб, устига бино қурилган, парда тўсилган эди. Қурайш қабиласи уни улуғлар эди. «Уззо» сўзи Азийзнинг муаннаси, яъни аёллик маъноси эди.

### وَمَنْوَةَ الثَّلَاثَةِ الْآخَرَىٰ

**20. Ва бошқаси, учинчиси – Манотни ҳам (ўйлаб кўрдингизми)?**

Манот энг қадимги бутлардан бўлиб, Маккаи Мукаррама билан Мадийнаи Мунаввара ўртасидаги денгиз соҳилида – Мушаллал деган жойда эди. Унинг ҳам хизматкорлари бўлиб, Авс, Хазраж ва бошқа араб қабилалари унга сифинишар, унга атаб қурбонликлар сўйилар ва унинг олдида ҳажга эҳром боғлашар эди.

Арабистон ярим оролида бут ва санамлар жуда ҳам кўп эди. Ҳар ким ўз қўли билан тошдан, лойдан, ҳатто, хурмо мевасини бир-бирига ёпиштириб ҳам, ўзига худо ясаб олаверар эди. Шу билан бирга, бу ишлари инсон ақли учун ор-номус эканини тушуниб етмас эдилар.

Лот, Уззо ва Манотлар энг катта «обрўли» бутлар бўлгани учун, Қуръонда мушрикларнинг калтабинликларини фош этиш жараёнида уларнинг номлари зикр қилинди. Ислом ғолиб бўлгандан сўнг Пайғамбар алайҳиссаломнинг фармонларига биноан уларнинг ҳаммаси бузиб ташланган.

Мушриклар мазкур бутларни Аллоҳнинг қизлари деб эътиқод қилишарди. Айни чоқда, ўзлари қиз фарзанд кўрсалар, қаттиқ хафа бўлишарди. Бу ҳам эси пастликдан бошқа нарса эмас эди.

Аллоҳ таоло мушрикларнинг бунақа муносабатларини инкор этиб, қуйидаги оятларни нозил қилган:

الْكُمْ الذِّكْرُ وَلَهُ الْأُنثَى ﴿٦٤﴾ تِلْكَ إِذْ قَسَمَ ضَبْرِي ﴿٦٥﴾

**21. Сизларга эркаг-у, У зотга аёлми?**

**22. Ундоқ бўлса, бу нотўғри тақсим-ку!**

Эй, мушриклар! Сиз қиз фарзандларни ёқтирмай, ўғилни афзал кўрасиз. Фаришталарни эса, Аллоҳнинг қизи, дейсиз. Нима, сиз ўзингизга эркакни олиб, Аллоҳга аёлни берасизми?! Сизнинг тақсимингиз шуми?! Агар шундоқ бўладиган бўлса, бу тақсимингиз жуда ҳам нотўғри тақсим-ку?!

Энди, Аллоҳ таоло буту санамларнинг ҳақиқатини очиқ-ойдин айтади:

إِنَّ هِيَ إِلَّا أَسْمَاءٌ سَمِيئَتْ مَوْهَا أَنْتُمْ وَاَبَاؤُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَمَا تَهْوَى الْأَنْفُسُ وَلَقَدْ جَاءَهُمْ مِنْ رَبِّهِمُ الْهُدَى ﴿٦٤﴾

**23. У(бут)лар сиз ва ота-боболарингиз қўйган номлардан ўзга ҳеч нарса эмас. Аллоҳ бунга ҳеч ҳужжат туширган эмас. У(мушрик)лар, Роббиларидан ҳидоят келганига қарамай, гумон ва ҳавойи нафс хоҳишига эргашарлар, холос.**

Мушрикларнинг ҳамма хаёллари пуч. Худоларига Лот, Уззо, Манот ва бошқа номларни ҳам ўзлари ёки ота-боболари қўйганлар.

**«У(бут)лар сиз ва ота-боболарингиз қўйган номлардан ўзга ҳеч нарса эмас.»**

Яъни, худоларини қўллари билан ясаб олганларидек, уларнинг номларини ҳам ўз хоҳишларича қўйганлар. Бандаси тамонидан ясалган ва ном берилган нарсалар қандай худо бўларди.

**«Аллоҳ бунга ҳеч ҳужжат туширган эмас.»**

Мушриклар ва динсизлар Аллоҳдан келган ҳидоят йўлига юришдан бош тортиб, қандай йўлга юрмоқчилар? Улар нима асосида иш тутадилар, ўзи? Барча мушрик ва динсизларнинг иш тутишлари доимо гумонга асосланганлиги оятдан маълум бўляпти.

**«У(мушрик)лар, Роббиларидан ҳидоят келганига қарамай, гумон ва ҳавойи нафс хоҳишига эргашадилар, холос.»**

Таҷриба ҳам худди шуни кўрсатди. Зеро, мушриклар, динсиз-

лар ҳамиша гумон, тахмин ва шунга ўхшаш ноаниқ тасаввурларга суяниб иш қилишади.

Уларнинг иккинчи асослари – ҳавойи нафснинг хоҳиши. Нафслари нимани хоҳласа, ўшани ўзларига асос қилиб олишади. Бу ишга, ўзларича, фалончининг иродаси, пистончининг талаби, деб ниқоблар ҳам ўйлаб топишади. Кимки ҳавойи нафсининг хоҳишига юрса, кўзи кўр, қалби моғор бўлиб қолади, ҳеч қандай насиҳат, маслаҳатларга қулоқ солмайди. Далил ва ҳужжатлар уни қониқтирмай қўяди. Шунинг учун ҳам, келаси оятда инкор тарзида савол бериляпти:

أَمْ لِلْإِنْسَانِ مَا تَمَعَىٰ ﴿٢٤﴾

#### 24. Ёки ҳар инсон нимани хоҳласа, шу бўлаверадими?

Одамнинг хоҳлагани бўлаверса, нималар бўлиб кетмасди, дейсиз. У нималарни хоҳдамасди. Албатта, одам боласининг хоҳиши билан ҳақиқат ўзгариб қолмайди. Дунё остин-устин бўлиб кетмайди. Зеро, бутун дунёни ягона Аллоҳ таолонинг Ўзи тасарруф қилиб туради.

فَلِلَّهِ الْآخِرَةُ وَالْأُولَىٰ ﴿٢٥﴾ \* وَكَرَّمْنَا فِي السَّمَاءِ لَاتُعْنِي شَفَعَتُهُمْ شَيْئًا إِلَّا مِنْ بَعْدِ أَنْ يَأْذَنَ اللَّهُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَرْضَىٰ ﴿٢٦﴾

#### 25. Зеро, охират ҳам, дунё ҳам Аллоҳникидир.

26. Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар мавжуд, уларнинг шафоати ҳеч фойда бермас. Магар, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлганларга изн берса.

Маълумки, мушриклар: буту санамлар бизни шафоат қилади, дер эдилар. Шунингдек, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, улар ҳам шафоат қилади, деб эътиқод қилишарди. Бундай эътиқоднинг замини пуч эканлиги ушбу ояти карима ила исботланди. Бу дунёю охират ҳаммаси Аллоҳники бўлганидек, шафоат ҳам Аллоҳникидир. У кимга изн берса, ўшагина шафоат қила олади. Мушриклар ўзларининг ботил эътиқодларидан умид қилмай қўя қолсинлар.

إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ لَيَسْمُونَ الْمَلَائِكَةَ تَسْمِيَةَ الْأُنثَىٰ ﴿٢٧﴾

27. Албатта, охиратга иймон келтирмаганлар фаришталарни аёл номи билан номларлар.

Араб мушриклари фаришталарни аёл деб эътиқод қилганла-

рини айтдик. Уларга номларни ҳам худди аёлларникига ўхшатиб қўйиб олишарди. Бундан ташқари, Лот, Уззо, Манот каби бутлар ҳам аслида фаришта бўлганлар, деган афсоналари ҳам бор эди. Шунинг учун, уларга ҳам аёлларга хос номларни қўйишган эди.

وَمَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا ﴿٢٨﴾

**28. Уларда бу ҳақда ҳеч қандай илм йўқ. Гумондан бошқа нарсага эргашмаслар. Албатта, гумон ҳақиқат ўрнига ўтмас.**

Мушриклар ҳамиша хаёлларига келган гапни гапираверадилар. Жумладан, фаришталар ҳақидаги гапларини ҳам ўзларича валдираганлар, холос. Аслида,

**«Уларда бу ҳақда ҳеч қандай илм йўқ».**

Мушрик ва кофирда иймон-эътиқод ҳақида илм нима қилади.

**«Гумондан бошқа нарсага эргашмаслар.»**

Улар фақат гумонга эргашадилар, холос. Чунки, куфрни ихтиёр қилишлари ила асосий илм манбасидан маҳрум бўлганлар. Ўзлари гумон қилган нарсани гапиришдан ўзга иложлари қолмаган.

**«Албатта, гумон ҳақиқат ўрнига ўтмас.»**

Ақийда бобида гумон ва тахмин билан иш битмаслиги баён қилиб бўлингандан сўнг, Пайғамбар алайҳиссаломга ва мусулмонларга Аллоҳдан юз ўгирганлардан ва динсизлардан четда бўлиш тавсия қилинади.

Эй Пайғамбар!

فَاعْرِضْ عَنْ مَنْ تَوَلَّىٰ عَنْ ذِكْرِنَا وَلَمْ يُرِدْ إِلَّا الْحَيٰوةَ الدُّنْيَا ﴿٢٩﴾

**29. Бизнинг зикримизга орқа ўгирган, ҳаёти дунёдан бошқани хоҳламайдиганлардан юз ўгир.**

Албатта, аввал даъват қилиб, ҳидоят йўлини кўрсатиш лозим. Шундан кейин ҳам саркашлик қилиб, Аллоҳнинг зикридан юз ўгирса, ҳидоят йўлига юришни хоҳламаса, ундай кимсаларни тарк этиш керак, улардан фойда йўқ.

ذٰلِكَ مَبْلَغُهُمْ مِنَ الْعِلْمِ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ ۗ وَهُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اهْتَدَىٰ ﴿٣٠﴾

**30. Уларнинг эришган илмлари мана шу. Албатта, Роббинг Унинг йўлидан адашганларни билгувчидир ва У ҳидоятдагиларни ҳам билгувчидир.**

Яъни, динсизларнинг эришган илмлари ҳаёти дунёга ҳирс қўйиш холос, бошқа нарсани билмайдилар. Ҳа,

**«Уларнинг эришган илмлари мана шу».**

Ким адашяпти-ю, ким тўғри йўлда юрганини Аллоҳ таоло Ўзи билиб турибди.

**«Албатта, Роббинг Унинг йўлидан адашганларни билгувчидир ва У ҳидоятдагиларни ҳам билгувчидир.»**

Шунинг учун, ўзни кўп қийнамаслик керак. Яхшилар яхшилигига яраша мукофотини олади, ёмонлар қилмишига яраша жазосини олади. Бу ишни осмонлару ердаги барча нарсаларнинг эгаси Аллоҳ таоло амалга оширади.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ لِيَجْزِيَ الَّذِيْنَ اَسْتَوٰٓا اِمَّا عَمِلُوْا وَيَجْزِيَ الَّذِيْنَ اَحْسَنُوْا بِالْحَسَنٰى ﴿٣١﴾

**31. Осмонлардагию ердаги барча нарсалар Аллоҳникидир. У ёмонлик қилганларни амалига яраша жазолар ва яхшилик қилганларни гўзал (мукофот) ила мукофотлар.**

Шундан сўнг гўзал мукофот ила мукофотланадиган яхшилик эгаларининг сифатлари баён қилинади:

الَّذِيْنَ يَجْتَبِئُوْنَ كَثِيْرَ الْاِثْمِ وَالْفَوْحِشِ اِلَّا اللّٰمِمْ اِنَّ رَبَّكَ وَّاسِعٌ الْمَغْفِرَةَ هُوَ اَعْلَمُ بِكُمْ اِذَا نَشَاكُمْ مِّنْ الْاَرْضِ وَاِذَا نْتُمْ اَجْنَةٌ فِيْ بُطُوْنِ اُمَّهَاتِكُمْ فَلَا تَزْكُوْا اَنْفُسَكُمْ هُوَ اَعْلَمُ بِمَنْ اَتَّقٰى ﴿٣٢﴾

**32. Улар кичик гуноҳлардан бошқа катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиганлардир. Албатта, Роббинг мағфирати кенг зотдир. У сизларни тупроқдан пайдо қилганда ҳам, оналарингиз қоринларида ҳомилалик чофингизни ҳам яхши билувчидир. Шундоқ экан, ўзингизни оқламанг, У ким тақводорлигини яхши биладир.**

Оятдаги «Ламам» сўзини биз «кичик гуноҳлар» деб таржима қилдик. Тафсирчиларимиз эса, бу сўз маъноси ҳақида кўп тортишганлар. Аслида, «ламам» сўзи «оз», «кичик» маъноларини англатади. «Кичик гуноҳ» ибораси энг муносиб маънодир.

«Фаҳш ишлар» ибораси қабихлиги катта иш ва сўзларга нисбатан ишлатилади.

Катта гуноҳлар тўғрисида гап кўп. Шариатда «катта гуноҳ» деб Аллоҳ ҳаромлигини баён қилган ва ёки жазоси белгиланган гуноҳларга айтилади. Ўғрилиқ, одам ўлдириш ва зино қабилар. Шунингдек, қиёмат куни дўзахга тушишга, Аллоҳнинг ғазаби ва лаъ-

натига дучор бўлишга сабаб бўладиган ҳамда одамни фосиқликка бошлайдиган гуноҳлар ҳам катта гуноҳлар саналади.

Баъзи катта гуноҳларни Пайғамбар алайҳиссалом ўзлари номлаб айтганлар. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Сизларга катта гуноҳларнинг каттасининг хабарини берайми?» — деб уч марта айтдилар.

«Айтинг, эй, Аллоҳнинг Расули», дедик биз. Ул зот:

«Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, — дедилар-да, ёнбошлаб ётган ўринларидан туриб ўтириб, — огоҳ бўлинглар: ёлғон гап, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам», деб бир неча бор таъкидладиларки, ҳатто биз:

«Қани энди, гапдан тўхтасалар эди», деб орзу қилдик».

Бошқа бир ҳадисда: «Етти ҳалок қилувчидан четда бўлинг», деганларида, «Улар нималар, эй Расулуллоҳ?» — деб сўралган. Шунда у зоти бобаракот: «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ манъ қилган жонни ўлдириш, судхўрлик, етимнинг ҳаққини ейиш, урушдан қочиш, пок, мўмина аёлларни зинода айблаш», деганлар.

Бунга ўхшаш маълумотлар анчагина бор.

**«Улар кичик гуноҳлардан бошқа катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиганлардир.»**

Жаннатий бўлишни хоҳлаганлар катта гуноҳлардан, фаҳш ишлардан четда бўладилар, яъни, гуноҳнинг яқинига ҳам йўламайдилар. Билмасдан кичик гуноҳларни қилиб қўйсалар, дарҳол тавба қиладилар. Оятдаги

**«Албатта, Роббинг мағфирати кенг зотдир»**, деган далилидан биламизки, кичик гуноҳларни Аллоҳ Ўзи кечиради.

**«У сизларни тупроқдан пайдо қилганида ҳам...»** (яхши билувчидир) деган таъкиднинг маъноси шулки, Отамиз Одам алайҳиссаломни тупроқдан Аллоҳ таоло яратган экан, унинг қандайлигини, яъни, инсоннинг аслини ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи яхши билади.

**«...оналарингиз қоринларида ҳомилалик чофингизни ҳам яхши билгувчидир»** жумласидан маълум бўладики, Аллоҳ ҳар бир инсоннинг алоҳида-алоҳида яратилишини ҳам жуда яхши билади. Демак, Аллоҳдан яширин нарса йўқ.

**«Шундоқ экан, ўзингизни оқламанг, У ким тақводорлигини яхши биладир.»**

Шунинг учун, одамларнинг ўзини оқлаб ўтиришининг ҳожати йўқ. Ҳамма нарсани яхши билувчи Аллоҳ ким тақводор эканини ҳам, ким бетавфиқ эканини ҳам яхши билади.

Ҳамма нарсани яхши билгани учун Аллоҳ таоло охиратда адолат билан ҳукм чиқаришини келгуси оятлар баён қилади:  
Эй Пайғамбар!

أَفْرَأَيْتَ الَّذِي تَوَلَّى

### 33. Юз ўгириб кетгани кўрдингми?!

Иймондан, Аллоҳнинг тоатидан юз ўгириб кетган шахсни кўрдингми?!

وَأَعْطَى قَلِيلًا وَأَكْدَى

### 34. У озгина берди ва тўхтади.

У озгина мол-пул берди-да, сўнг, беришдан тўхтади.

أَعِنْدَهُ عِلْمُ الْغَيْبِ فَهُوَ يَرَى

### 35. Унинг ҳузурда ғайб илми бор-у, у кўриб турибдими?

Ғайбни фақат Аллоҳ билиб, бошқа ҳеч ким билмаслиги аниқ. Охиратнинг ғамини емай юрганлар нимага суянишади? Ғайбни билмаганидан кейин, инсон доимо ўзига охиратда фойда берадиган ишларни кўпроқ бажаришга ҳаракат қилмоғи лозим.

أَمْ لَمْ يَلْبَسْنَا بِمَا فِي صُحُفِ مُوسَى وَإِنَّا بِرَأْسِهِمُ الْوَالِدِينَ

### 36. Ёки Мусонинг саҳифаларидаги нарсалар хабари унга берилмадими?

### 37. Ва вафо қилган Иброҳимнинг?

Самовий динларнинг асли бир, қоидалари, манбаси бир. Бири иккинчисини тасдиқлаб келади. Уларнинг замони ёки макони бир-биридан узоқ бўлиши мумкин, лекин аслари бир. Мусо алайҳиссаломга келган саҳифаларда ҳам, у кишидан аввал Иброҳим алайҳиссаломга келган саҳифаларда ҳам ушбу маънолар бор. Иброҳим алайҳиссалом вафодорлик билан ном чиқарганлар, бир ишни бошлаб қўйиб, чала ташлаб кетмаганлар. Хўш, Иброҳим алайҳиссаломнинг ва Мусо алайҳиссаломнинг саҳифаларида нима гаплар бор эди? Уларда, жумладан, қуйидаги умумий қоидалар келган эди:

الْأَنْزُرُ وَزُرَّةٌ وَزُرٌّ أُخْرَى ﴿٣٨﴾

**38. Албатта, ҳеч бир гуноҳкор бошқанинг гуноҳини кўтармас.**

Бу улкан қоида қиёмат куни амал қилади. Ҳар бир инсон фақат ўзи учун жавоб беради. Бировнинг гуноҳи бировга юкланмайди. Агар фараз қилсакки, биров фалончининг гуноҳини ҳам мен кўтараман, деса ҳам, унга ижозат берилмайди. Бу ҳолат, айниқса, қасос оламан, деб бир қариндошини ўлдириб қўйган кишининг қариндошлари билан йиллаб уришадиган арабларга жуда катта таъсир ўтказганлиги маълум. Ушбу оятга амал қилинса, ҳозирги кундаги мусийбатлар камайиб, яхшиликлар кўпаяр эди.

وَأَنْ لَّيْسَ لِلْإِنْسَانِ إِلَّا مَا سَعَى ﴿٣٩﴾

**39. Ҳар бир инсонга ўз қилганидан бошқа нарса йўқ.**

Бу оят ўзидан аввалгисига узвий боғлиқдир. Биринчисида гап бировнинг қилган гуноҳини иккинчи шахс кўтармаслиги ҳақида кетса, иккинчисида биров қилган савоб ишдан ўзгага манфаат йўқлиги таъкидланмоқда. Ҳар ким қилса, ўзи учун қилади. Ёмонликни ҳам, яхшиликни ҳам. Ота-онаси, насл-насаби ёки бошқа алоқалари ҳеч қандай фойда бермайди. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз жигаргўшалари, севимли қизлари Фотима онамизга қараб: «Эй Фоти-ма, Муҳаммаднинг қизи, ўзинг амал қил, чунки мен сенга фойда бера олмайман», деганлар.

وَأَنْ سَعِيهِ سَوْفَ يُرَى ﴿٤٠﴾

**40. Ва, албатта, унинг қилмиши тезда кўринур.**

Яъни, қиёмат кунида инсонга қилган амалари тўла-тўқис кўрсатилади. Бирон қисми қолиб кетмайди ёки ортиб қолмайди. Чунки, Аллоҳ таоло зарра миқдоридаги савобнинг ҳам, гуноҳнинг ҳам ҳисоб-китобини очиқ-ойдин қилиб боряпти.

ثُمَّ يُجْزَاهُ الْجَزَاءَ الْأَوْفَى ﴿٤١﴾

**41. Сўнгра жазо ёки мукофоти тўлиқ берилур.**



Ҳисоб-китоб аниқ бўлганидек, қилмишига яраша жазо ёки мукофот бериш ҳам тўлиқ адолат билан бўлади. Шундагина инсоннинг ҳақиқий қиймати юзага чиқади. Аллоҳ унга керакли барча имконни, жумладан, яхши ишлар қилиш, ибодат қилиш имкониятларини берди. Энди амалига яраша жазо ёки мукофот олишига кафолат ҳам бўлиш керак-да. Шундагина инсоннинг кўнгли таскин топади.

وَأَنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ الْمُنْتَهَىٰ

#### 42. Ва, албатта, интиҳо Роббинг ҳузуридадир.

Яъни, ҳар бир нарсанинг охири Аллоҳнинг ихтиёридадир. Ҳамма йўллар Унинг ҳузурига бориб тугайди. Ундан ўзга паноҳ ҳам йўқ.

Ҳар бир қилмишига инсоннинг ўзи масъул эканини таъкидлаб, огоҳантирилгач, энди Аллоҳнинг чексиз қудратига далиллар келтирилади:

وَأَنَّهُ هُوَ أَضْحَكَ وَأَبْكَىٰ

#### 43. Ва, албатта, кулдирган ҳам Ўзи, йиғлатган ҳам Ўзидир.

Бу қисқа оятда улкан маънолар мужассамдир.

Кулгу ва йиғи нима ўзи? Инсондай мураккаб мавжудотга уни қаердан ва ким ато қилган? Кулиш ва йиғлаш хусусияти нимадан келиб чиқади? Инсон бутун қилган ишига эртага йиғлаши мумкин. Бир воқеага биров кулади, бошқаси йиғлайди. Баъзи вақтда одам ўзини кулгудан тўхтатишга қанча уринмасин, кулиб юборади ёки аксинча, ўзини йиғидан тутишга қанча уринмасин, йиғлаб юборади. Мана шу ҳолларнинг бари инсонга уни кулдирувчи ва йиғлатувчи Олий ирода борлигини билдиради. Албатта, бу олий ирода Аллоҳдир.

وَأَنَّهُ هُوَ أَمَاتَ وَأَحْيَا

#### 44. Албатта, ўлдирган ҳам Ўзи, тирилтирган ҳам Ўзи.

Ўлим ва ҳаёт ҳаммага маълум ва машҳур ҳодисалардир. Бу икки ҳодиса ҳар кун сонсиз-саноқсиз миқдорда содир бўлиб туради. Ўлим ва ҳаёт турли шаклда ва сувратда бетўхтов такрорланиб туради. Инсоният ўлим нимаю ҳаёт нима эканини, уларнинг ҳақиқатини билишга уринапти, лекин ҳеч нарсани била олмаяп-

ти. Бутун дунё аҳллари бирлашиб ҳам жонсиз нарсага ҳаёт бера олмаяпти. Бутун борлиқ бирга тиришиб ҳам бирорта ўлимни қайтара олмаяпти.

Умид қолмади, деб гўри қазиб қўйилган беморлар кутилмаганда соғайиб, яшаб кетяпти. Уларга қараган, гўрини қазиганлар тўсатдан ўлиб қоляпти. Бундай бўлиши табиий, чунки ўлдирувчи ҳам, тирилтирувчи ҳам фақат Аллоҳдир.

وَأَنَّهُ خَلَقَ الزَّوْجَيْنَ الذَّكَرَ وَالْأُنثَىٰ ﴿٤٥﴾ مِن نُّطْفَةٍ إِذَا تَمَنَّىٰ ﴿٤٦﴾

**45. Албатта, икки жуфтни – эркак ва аёлни яратган ҳам Ўзи.**

**46. Отилиб чиққан нутфадан.**

Бу ҳақиқат ҳам ҳар лаҳзада амалга ошиб турибди. Унинг кўплигидан, такрорланишидан, у ҳақда тузукроқ тафаккур қилмаганимиздан, бу ҳолга ажабланмаймиз. Бўлмаса, даҳшатга тушиб, лол қолишимиз керак. Нутфа эркакдан шаҳват билан чиқадиган чиқинди суюқлик. Худди тер, кўз ёши, балғам каби, танадан чиқадиган бошқа чиқиндиларга ўхшайди. Инсоннинг ўзи ундан жирканади. Лекин бир қарасангиз, ўша арзимас томчи суюқлик ўзингизга ўхшаган мураккаб тузилишли бир инсонга айланибди. Агар бу иш воқеъликда такрорланиб турмаганида ва бунинг ҳақиқат эканини билмаганида, ҳар қандай инсонга, сен ана шундай ҳақир, заиф, жирканч сувдан яралгансан, дейилса, ишонмаган бўларди. Муъжизани қарангки, ўша сувдан гоҳида эркак, гоҳида аёл пайдо бўлади. Шундоқ, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолаверадими?

Баъзи даҳрийлар, манийда ўзи шунақа қобилият бор, бачадонга тушгандан кейин тухумга ёпишади, ундан сўнг урчиш ҳосил бўлади, дейди ва қолган жараённи ҳикоя қилишга тушади.

Бунақа тушунтириш ўз-ўзидан яна савол туғдиради: манийга ўша қобилиятни ким берган? Нима учун ҳаммада ҳам урчийвермайди? Нимага фарзандсизлар шифо ахтариб овора бўлишяпти? Нимага баъзилар фақат қиз, бошқалар фақат ўғил кўришади? Нимага баъзилар ҳам қиз, ҳам ўғил кўришади ёки баъзилар фарзандсиз бўлишади?

Демак, аёлу эркакни яратувчи фақат Аллоҳ таолонинг Ўзидир.


وَأَنَّ عَلَيْهِ النُّشَاءَ الْآخِرَىٰ ﴿٤٧﴾

**47. Ва, албатта, кейинги пайдо қилиш зиммасидаги зот ҳам Ўзи.**

Яъни, ўлгандан кейин иккинчи марта тирик ҳолга келтиришни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи қилади. Ўлгандан сўнг тирилиш гайб ҳол. Уни биров кўргани йўқ. Лекин унга биринчи бор ҳаётга келишда далил бор. Аллақандай заиф, жирканч сувдан одамни пайдо қилган Аллоҳ таолога аслида бор-у, лекин чириб, парча-парча қолган суяклардан одамни қайта тирилтириш нима деган гап. Чириган суякми ёки чиқинди сувми – қудратли Аллоҳ учун бунинг нима фарқи бор?!

Агар қайта тирилиш бўлмаганида, бу дунёнинг ҳеч кераги ҳам, қизиғи ҳам йўқ эди. Чунки, беш кунлик дунёда кимдир хоҳлаганини қилиб юриб, ўлгандан сўнг чириб кетиб, қутулиб қолаверса, адолат қани? Ёки биров умр бўйи ибодат қилиб, савоб ахтариб ўтиб, ўлгандан сўнг мукофотсиз шундай чириб кетаверадими? Йўқ, ҳамма ўз қилмишига яраша нимагадир эришиши керак.

Йўқдан бор қилган Аллоҳ таоло бордан қайта тирилтиришга ҳам қодирдир.



#### 48. Ва, албатта, беҳожат қилган ҳам Ўзи, бадавлат қилган ҳам Ўзи.

«Афна» сўзи одатда бизнинг тилимизга «бой қилди» деб таржима қилинади. Аслида, бу сўз «беҳожат» ёки «муҳтож эмас» маъноларида ишлатилади. Бой кишининг арабчада «ғаний» дейилиши ҳам «молу дунёга ҳожати йўқ» деган маънони англатади. Шунинг учун, араблар бирор таниқли киши ҳақида «таништиришнинг ҳожати йўқ», демоқчи бўлсалар, «ғанийюн анит таъриф», дейишади, яъни, таърифга муҳтож эмас. Демак, бу оятдаги «афна» сўзини ҳам банданинг ҳожати тушиб турадиган нарсаларни – соғлиқ, зурриёт, ақл, фикр ва бошқаларни Аллоҳ Ўзи бериб қўйган, деб тушунишимиз ўринли бўлади.

«Ақна» эса мол-мулкни тўплаш маъносини англатади. Албатта, бандалар ҳожатманд, фақир, камбағалдирлар, уларнинг ҳожатини Аллоҳ таоло чиқармаса, бой қилмаса, бу иш кимнинг қўлидан келарди. Бошқа бандалар бу ишларда фақат сабабчи бўлишлари мумкин, холос.



#### 49. Ва, албатта Шеъронинг роббиси ҳам Унинг Ўзи.

Шеъро энг ёруғ юлдуз ҳисобланади. Унинг номи Қуръонда

зикр қилиниши бежиз эмас. Баъзи араблар ва қадимги мисрликлар бу юлдузни худо деб эътиқод қилишар эди. Бу оятда уларнинг мазкур иши ботил эканлиги, барчанинг Роббиси, жумладан, Шеъронинг Роббиси ҳам ягона Аллоҳ эканлиги таъкидланмоқда.

Эндиги оятларда куфрлари туфайли ҳалокатга учраган қавмларнинг зикри келади:

وَأَنَّهُ أَهْلَكَ عَادًا الْأُولَىٰ وَثَمُودَ إِذْ أَبَقَىٰ

**50. Ва, албатта, биринчи Одни ҳалок қилган ҳам Ўзи.**

**51. Ва Самудни боқий қолдирмаган ҳам Ўзи.**

Од ва Самуд қавмларининг тарихи аввалги сураларга қилган тафсиригимизда айтиб ўтилган. Бу оятда «Биринчи Од» деб номланаётганининг боиси шуки, улардан кейин ҳам Од номли бошқа қавм ўтган.

وَقَوْمِ نُوحٍ مِّن قَبْلُ إِنَّهُمْ كَانُوا هُمْ أَظْلَمَ وَأَطَىٰ

**52. Ва бундан олдин Нух қавмини (ҳалок қилган ҳам Ўзи).**

**Чунки, улар ўта золим ва ўта тувёнга кетган эдилар.**

Аллоҳ таоло Од ва Самуд қавмларидан олдин Нух қавмини ҳам ҳалокатга учратган эди. Улар жуда ҳам золим ва ҳаддан ташқари тувёнга кетган эдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ дунёни тўфонга бостириб, уларни ҳалок қилди.

وَالْمُؤَنَّفِكَ أَهْوَىٰ

**53. Ва тўнтарилганни қулатган (ҳам Ўзи).**

Оятда «тўнтарилган» деб Лут алайҳиссаломнинг қавмлари яшаган жойлар назарда тутиляпти. У қавм улкан жиноят содир этгани учун, Аллоҳ таоло улар яшаб турган маконни кўтариб туриб, ағдариб ташлаб, остини устин, устини остин қилиб қўйган.

فَغَشَّاهَا مَا عَشَىٰ

**54. Бас, уни ўраган нарса ўраб олди.**

Яъни, у ерни – тўнтарилган шаҳарни осмондан ёғилган тошлар ёки азоб ўраб олди.

## فَيَأْتِيءَ الْآرِيَّكَ نَتَمَارِي

**55. Шундай экан, Роббингнинг қайси неъматларига шак келтирасан?**

Бу оятдаги хитоб ҳар бир инсонга қаратилгандир. Суранинг охирида Аллоҳ таоло кофирларни яна бир огоҳлантириб, уларни ўзига бўйсунисга ва ибодатга чақиради:

## هَذَا نَذِيرٌ مِّنَ النَّذْرِ الْأُولَىٰ

**56. Бу, аввалги огоҳлантирувчилар каби бир огоҳлантирувчидир.**

«Бу» деган ишорада Қуръон, Пайғамбар ёки Ислом назарда тутилган бўлиши мумкин. Демак, Қуръон ҳам аввалги илоҳий китобларга ўхшаш огоҳлантирувчи илоҳий бир китоб. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам аввалги Пайғамбарларга ўхшаш огоҳлантирувчи бир Пайғамбар. Ислом ҳам аввалги динлар каби огоҳлантирувчи бир дин. Зотан, Аллоҳнинг Исломдан бошқа дини йўқ. Яъни, барча Пайғамбарларга Ислом юборилган. Фақат, шариатлар турли бўлган.

Огоҳ бўлинглар: аввалги огоҳлантирувчиларга душман бўлганларнинг куни сизларнинг бошингизга тушиб қолмасин!

## أَزِفَتِ الْأَزْفَةُ

**57. Яқинлашувчи яқинлашди.**

Яъни, қиёмат яқин қолди.

## لَيْسَ لَهَا مِنْ دُونِ اللَّهِ كَاشِفَةٌ


**58. Уни Аллоҳдан бошқа кашф қилувчи йўқ.**

Яъни, қиёматнинг қачон бўлишини фақат Аллоҳнинг Ўзи билди, холос.

## أَفِينْ هَذَا الْحَدِيثِ تَعْجَبُونَ


**59. Бу сўздан сизлар ажабланасизларми?**

Эй, мушриклар! Сизлар ушбу Қуръондан ажабланасизларми? Уни, наҳотки, Аллоҳнинг ҳузуридан бўлса, деб истехзо қиласизларми?


**60. Ва куласизлар-у, йиғламайсизларми?**

Эй, мушриклар! Сизлар Қуръонни масхара қилиб, унинг устидан куласизларми?

Унинг ичидаги сизга ўхшаганларга ваъда қилинган оғир азоблардан йиғламайсизларми?

**61. Ва ҳолбуки, сизлар бепарвосизлар.**

Куфрингиз, осийлигингиз оқибати нима бўлиши билан ишингиз йўқ. Охират ишларига парво ҳам қилмайсиз.

**62. Бас, Аллоҳга сажда қилинглр ва ибодат қилинглр.**

Бас энди, бепарволикни йиғиштиринг. Намоз ўқиб, Аллоҳга сажда қилинг ва У зотга ихлос ила ибодат қилинг.

Ушбу охирги оят сажда оятларидан бўлиб, ким уни ўқиса, сажда қилиб қўймоғи вожибдир.

Имом Бухорий қилган ривоятда, Пайғамбар алайҳиссалом ушбу оятни ўқиб сажда қилганларида мусулмонлару мушриклар барчаси қўшилиб сажда қилишганлиги айтилади. Ҳа, тиловатни эшитиб турган дин душманлари, мушриклар Қуръон таъсирида мушрикликлари эсларидан чиқиб қолиб, Аллоҳга сажда қилишган. Кейинчалик ўзлари ҳам қойил қолиб юришган. Бу машҳур ҳодиса кўпчиликни таажжубга солган.

Ҳар қандай кофир бўлса ҳам, Аллоҳнинг сўзларини эшитганда кўнгли эрийди, лекин саркашлик уларнинг иймонга бўлган йўллари тўсиб туради.



## ҚАМАР СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 55 оятдан иборат.*

Бу сураи кариманинг «Қамар» (ой) сураси деб ном олишининг сабаби — Аллоҳ бу сурада Пайғамбар алайҳиссаломнинг мўъжизалари сифатида ойнинг ёрилгани ҳақидаги улкан ҳодисани ҳикоя қилади.

Имом Бухорий ривоят қилишларича, Макка аҳли Муҳаммад алайҳиссаломдан ҳақиқий Пайғамбар эканликларига далил сифатида ҳужжат-мўъжиза кўрсатишни сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилдилар. Аллоҳ таоло у кишининг дуоларини қабул қилди ва ой иккига бўлинди. Икки бўлакнинг орасида Ҳиро ёри кўриниб турарди.

Имом Аҳмад Жубайр ибн Мутъамдан бундай ривоят қиладилар:

«Пайғамбар алайҳиссаломнинг вақтларида ой ёрилиб иккига бўлинди. Бир бўлаги манави тоғ устида, иккинчи бўлаги анави тоғнинг устида кўринди. Мушриклар: Муҳаммад бизни сеҳрлаб қўйди, дейишди. Сўнг улар: агар бизни сеҳрласа ҳам, барчани сеҳрлай олмайди, мусофирлар келишини кутиб туринглар, дейишди. Мусофирлар келишганда, улардан сўраб кўришувди, мусофирлар ҳам ойнинг ёрилганини кўришганини айтдилар. Шунда мушриклар: Муҳаммад ҳаммани сеҳрлаб қўйди, дейишди. Аллоҳ таоло «Қамар» сураси аввалини туширди».

Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби «Қамар» сураси ҳам ақийда асосларини муолажа қилади. Унинг услуби ўзига хос. Таҳдид солиб, чўчитиб огоҳлантиради. Аввалидан охиригача Қуръони Каримга ишонмаган барча тоифаларга қаттиқ ҳамла қилади.

Унинг аввалида ой ва қиёмат ҳақида сўз боради. Кейин эса, ибрат, огоҳлантиришлар келади. Ортидан қиёмат куни даҳшатларининг тасвири келади. Одамларнинг қабрларидан чиқиши ва ҳоказолар зикр қилинади.

Сўнгра, тугёнга кетган қавмларнинг ҳалокатга учраганлари ҳақидаги қиссалар эслатилади.

Ҳар бир қавмнинг қилмишига яраша тортган азоби, машаққа-

ти ҳикоя қилиб бўлингандан сўнг, инсон эшлашга ва ўтганлардан ибрат олишга юмшоқлик ва лутф ила даъват қилинади.

Нух, Ҳуд, Солиҳ, Лут ва Мусо алайҳиссаломларнинг қавмлари ўз Пайғамбарларига қарши чиққанлари, Аллоҳнинг амрига итоат қилмай ўзбошимчалик ила иш тутганлари оқибатида ҳалокатга учраганликлари мазкур қиссаларда баён қилинади. Бу қиссаларни келтиришдан мақсад, Қуръон тушаётган даврдаги кофирларни ибрат олишга чақиришдир. Шунингдек, бу қиссалар мусулмонларни чидам ва бардошга даъват этса, кейинги авлодларга ҳам доимий эслатмадир. Шунинг учун ҳам, сура охирида умумий хитоб келади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَقْرَبَتِ السَّاعَةُ وَأَنْشَقَّ الْقَمَرُ

### 1. Соат(қиёмат) яқинлашди ва ой бўлинди.

Қуръони Каримда қиёмат куни турли исмлар билан номланган, буни бошқа сураларда ҳам кўрдик. «Қамар» сурасида қиёмат «соат» деб номланяпти. Қиёматнинг яқинлиги нисбий тушунчадир. Унинг қачон бўлишини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади. Ҳатто Пайғамбарлар, фаришталарнинг улуғлари ҳам билмайди. Инсоният тарихида қиёматнинг бўлиш вақтини тайин қилиб шарманда бўлганлар жуда ҳам кўп. Унинг қачон бўлишини фақат Аллоҳ билади. Биздан талаб этиладигани эса, ўша куннинг бўлишига шакшубҳасиз ишониш ва ўшанда шарманда бўлиб қолмаслик учун доим у кунга тайёр бўлиб юриш. Чунки, ҳар бир келувчининг келиши яқиндир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир қанча ҳадислар ҳам ривоят қилинган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда ибн Умар айтдиларки: «Пайғамбар алайҳиссалом билан ўтирган эдик. Асрдан сўнг қуёш ботай деб қолганда у зот, Сизлар билан аввал ўтганларнинг умрини таққослаб кўрилса, бу куннинг ўтган қисми билан қолган қисмига ўхшайди, дедилар. Яъни, аввал ўтганларнинг вақти тонг отгандан кун ботиш арафасигача ўтган оралиқ вақтга ўхшайди. Қиёматгача қолган вақт эса, қуёш ботгунча қолган вақтга ўхшайди».

Саҳл ибн Саъддан имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган



ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Менинг Пайғамбар қилиб юборилишим билан қиёмат мана бундоқдир», деб кўрсатгич бармоқлари билан ўрта бармоқларини кўрсатган эканлар.

Ойнинг ёрилиши ҳақидаги ривоятлардан баъзилари суранинг умумий маъносини тушунтириш давомида зикр қилиб ўтилди. Бу жуда ҳам машҳур ҳодиса бўлиб, ўша кечада ким унга назар солган бўлса, ойнинг ёрилганини кўрган, мулоҳаза қилган. Яқинда Ҳиндистонда тарихий ёдгорликларни ўрганиш жараёнида бир ибодатхонанинг қурилиш тарихига оид ҳужжатлар кўриб чиқилди. Буни қарангки, мазкур ҳужжатда «Бу ибодатхона ой ёрилган кечанинг эртаси куни қурила бошланган», деб ёзилган экан. Энг кучли далил шуки, оят тушгандан сўнг мушриклар бу хабарни сон-саноқсиз марта эшитганлар, ўзлари ҳам ўқиганлар, лекин бирортаси, қачон ой ёрилган эди, нимага ёлғон айтяпсизлар, деган эмас. Шунингдек, ўзларининг «бу сеҳр» деб айтган гапларини ҳам тан олиб жим туришган. Ҳолбуки, ўша пайтда душманлар Қуръондан, Пайғамбар алайҳиссаломдан, мусулмонлардан сал бўлса ҳам айб топиш учун барча имкониятларини ишга солган эдилар.

Ойнинг ёрилиши масаласига келсак, бу иш Аллоҳ учун ҳеч нарса эмас. Кофирлар ўз номаъқулчиликларини хаспўшлаш мақсадида доимо турли баҳона, таклифлар қилиб туришади. Аввалги ўтган барча Пайғамбарларга ҳам шундай қилганлар. Аллоҳ Ўз Пайғамбарларининг ҳақлигини тасдиқлаш, кофирларни ожиз қолдириш, мўминларнинг имконини мустаҳкамлаш учун у Пайғамбарларга ўз замонаси ва қавмига мос мўъжизаларни берган. Ўтган Пайғамбарлар мазкур мўъжизаларни ўз ўрнида ишлатганлар. Лекин уларнинг вафотлари билан барча мўъжизалари ҳам амалдан қолган. Муҳаммад алайҳиссаломга эса, абадий ва улкан мўъжиза қилиб Қуръон берилган.

Ул зоти бобарокат ўтганларидан сўнг ҳам мўъжизалари бўлмиш Қуръон то қиёмат тургунча барҳаётдир. Шунинг учун ҳам, қачон мушрик ва кофирлар у кишидан Пайғамбарликларини тасдиқловчи мўъжиза талаб қилишса, доимо Қуръони Каримни рўқач қилганлар.

Бошқа Пайғамбарларга улкан мўъжиза бўлиб хизмат қилган ҳодисалар Муҳаммад алайҳиссалом учун оддий бир иш эди. Деярли ҳамма Пайғамбарларга берилган мўъжизаларга ўхшаш ишлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларида ҳам бўлиб ўтган. Бу ҳақдаги хабарлар ҳадис китобларида бор. Лекин бу нарсалар такрорланавериб оддий бир ҳолатга айланиб қолганидан, катта шов-шув қилинмасди.

Ойнинг ёрилиши ҳам худди шундай оддий иш. Ҳатто, баъзи тафсирчилар, бу сурадаги ойнинг ёрилиши ҳақидаги маъно қиёмат

куни бўлади, дейишган ҳам. Лекин кўпчилик уламолар суранинг умумий маъносини ва қилинган сонсиз ривоятларни эътиборга олиб, оятда айнан ўша ҳодиса устида сўз кетаётганини таъкидлаганлар. Икки маъно бир-бирига қўшилса, тўлиқроқ ҳам бўлади.

Аслини олганда, ақли расо, ўзини таниган инсон учун оянинг ёрилиши Аллоҳнинг борлигига, Пайғамбарнинг ҳақлигига далил бўлиши шарт эмас. Балки оянинг ҳозирги ҳолатининг ўзи — унинг жойлашуви, ҳажми, нур таратиши, янгилиниши, чиқиши ва ҳоказолар улкан мўъжизадир. Аллоҳ таоло ушбу ҳодисани оятда зикр қилиб, собит қилишни ихтиёр этган экан, шундоқ бўлди. Ҳақиқатан, ҳиссий мўъжизалар инсонга ўзига хос таъсир ўтказади. Ҳар бир инсон ҳам ушбу оятни ўқиганида, эшитганида, ўрганганида яна шундай таъсирланиб турмоғи лозим.

وَأَن يَرَوْا آيَةً يُعْرَضُوا وَيَقُولُوا سِحْرٌ مُّسْتَمِرٌّ

## 2. Агар бир оят(мўъжиза)ни кўрсалар, юз ўгирарлар ва бу ўткинчи сеҳр, дерлар.

Яъни, мушриклар Пайғамбар ўзининг ҳақлигига далил бўлган мўъжизани кўрсатса, ўзлари шуни талаб қилганликларига қарамай, бу ўткинчи, вақтинчалик сеҳр, дейишади. Бу оятда мушриклар, кофирлар, динсизлар Исломга, иймонга юрмаслик учун доимо баҳона ахтаришларига ишора бордир. Шу билан бирга, Макка мушрикларининг қилган ишларини эсга солиш ҳам бор. Аввал ривоят қилинганидек, мушриклар Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтириш учун мўъжиза кўрсатишни шарт қилишган эди. Яъни, ойна икки бўлиб юборсанг, биз сенга иймон келтирамиз, деган маънодаги гап айтган эдилар. Айтганлари амалга ошди. Пайғамбар алайҳиссалом илтижо ила дуо қилган эдилар, Аллоҳ Ўз суюкли бандасига икром кўрсатиб, дуони қабул қилди ва ой иккига бўлинди. Бунга ҳамма — дўст ҳам, душман ҳам, мушрик ҳам, муслим ҳам кўрди. Мўминларнинг иймони зиёда бўлди. Мушриклар эса, ўз одатларга кўра, баҳона ахтаришди, Муҳаммад бизни сеҳрлаб қўйди, дейишди. Уларнинг фикрича, аслида, ой бўлинмай бутунлигича турибди-ю, лекин Пайғамбар алайҳиссалом сеҳргарлик қилиб, уларни сеҳрлаб, кўзларига ойна иккига бўлинган қилиб кўрсатган эмишлар. Шунинг учун ҳам, бирорта йўловчи кишини кутишди. Аммо йўловчилар ҳам оянинг ёрилган ҳолини кўрганларини айтишди. Шундай қилиб, ҳидоят йўлини танлашга яна бир катта имконият туфилганига қарамай, яна ўз хатоларида давом этавердилар ва, Муҳаммад буларни ҳам сеҳрлаб қўйибди, дейишди.

Шу ўринда сеҳр билан Пайғамбарларнинг мўъжизалари орасидаги фарқ ҳам аён бўлади. Сеҳргар ўз ҳийласини ишлатиб, ёнида турган одамларгагина аслида бўлмаган нарсани бўлгандек қилиб кўрсатади. Бундан ташқари, у ўз фаолиятида махфий тайёрланган воситалар, чаққон ҳаракатлар ва турли таъсир кўрсатиш услубларидан фойдаланади. Пайғамбарларнинг мўъжизалари эса, ҳеч қандай воситасиз, дуо билан, чиндан ҳам фавқулодда ҳодисанинг рўй бериши ила собит бўлади. Мисол учун, ойни олайлик. Ой битта бўлиб, у ўзидан-ўзи ёки бирор восита ёрдамида бўлиниши мумкин эмас. Аллоҳ таоло уни шундай қилиб яратган. Унга шунга яраша хусусиятлар берган. Лекин Ўзининг Пайғамбари хурматидан унинг дуосини қабул қилиб, маълум муддатга ойнинг доимий хусусиятларини амалдан қолдирди ва унинг иккига бўлинишини ирода қилди. Бу воқеа ҳақиқатда рўй берди. Шунинг учун ҳам, ҳижратдан аввал Маккада Муҳаммад алайҳиссалом шу дуони ўқиганларида ёнларида бирга турган инсонлар ҳам, йўловчилар ҳам, Ҳиндистонда ибодатхона қурмоқчи бўлганлар ҳам, хуллас, бутун инсоният бирдек кўрди.

Мушриклар бу кўрсатилган оят-мўъжизани инкор этиб, уни сеҳрга йўйиш билан чегараланиб қолмадилар, балки:

وَكَذَّبُوا وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ وَكُلُّ أُمَّرٍ مُّسْتَقَرٌّ

**3. Ва ёлғонга чиқардилар ҳамда ҳавойи нафсларига эргашдилар. Ҳолбуки, ҳар бир иш ўз ўрнини топувчидир.**

Қуръони Каримнинг мўъжизакорлиги ҳар бир оятда ўз аксини топган. Ушбу оятда «Ёлғонга чиқардилар» дейилган. Нимани? Ёки кимни? Бу саволга ўқувчининг ўзи жавоб топади. Шунинг учун ҳам, мазкур оятнинг тафсирида уламолар турлича жавоб айтганлар. Жумладан, Пайғамбар алайҳиссаломни, белги-мўъжизани, Қуръонни, дейишган. Аслида, ҳаммаси ҳам тўғри, чунки бу ерда умумлашган маънони тушунмоқ лозим. Ҳавойи нафсга эргашшиш динсизларнинг сиймоларини белгилайдиган асосий хусусият ҳисобланади. Улар Аллоҳнинг амрига эмас, балки ҳавойи нафсларига бўйсундилар. Аллоҳга эмас, ўз хоҳиш-истакларига банд бўладилар. Лекин ҳар бир иш – катта бўлсин, кичик бўлсин, яхши бўлсин, ёмон бўлсин, охир оқибат ўз ўрнини топади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Аллоҳнинг амри шу.

وَلَقَدْ جَاءَهُمْ مِنَ الْأَنْبَاءِ مَا فِيهِ مُزْدَجَرٌ

#### 4. Ва, дарҳақиқат, уларга ҳайиқтирадиган хабарлардан келган эди.

Инсонларга ўзини билиб, йўлини тўғрилаб олишга ундовчи, хатони тарк этишга чақирувчи хабарлар кўп келган. Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи мавжудотлар хабарлари, ўтган умматларнинг хабарлари, қиёмат кунининг хабарлари шулар жумласидандир. Биз шуни билиб олайликки, бундай хабарлар етганда, уларни маълумот учун, маданий савиясини ошириш ёки фикр доирасини кенгайтириш учун қабул қилиш эмас, балки ўшалардаги ҳайиқтирувчи, огоҳлантирувчи мазмундан ибрат олиш учун ҳаракат қилмоғимиз лозимдир.

حِكْمَةٌ بَالِغَةٌ فَمَا تُغْنِ النَّذْرُ

#### 5. Уларда етук ҳикмат (бор эди). Бироқ, огоҳлантирувчилар фойда бермади.

Яъни, ўша келган хабарларда етук ҳикматлар бўлиб, улар киши қалбини ўша ҳикматларнинг эгаси Аллоҳ таолога буриши лозим эди. Лекин қалбни моғор босгандан сўнг, ҳавойи нафс балосига гирифтор бўлгандан сўнг, барча огоҳлантирувчилар ҳам фойда бермай қолар экан. Иймон Аллоҳнинг етук қалбларга ато қиладиган улкан неъматидир экан.

Ҳол бундоқ бўлса, улар билан қандай муомалада бўлиш керак? Уни келаси оят баён қилади:

Эй Пайғамбар!

فَتَوَلَّ عَنْهُمْ يَوْمَ يَدْعُ الدَّاعِ إِلَى شَيْءٍ نَّكُرٍ ﴿٦٠﴾ خُشَعًا أَبْصَرُهُمْ يَخْرُجُونَ مِنَ الْأَجْدَاثِ  
كَأَنَّهُمْ جَرَادٌ مُنْتَشِرٌ

#### 6. Бас, Улардан юз ўғир! Чақирувчи мункар нарсага чақирган кунда.

#### 7. Қабрлардан, кўзлари қўрқинчга тўлган ҳолда, худди ёйилган чигирткага ўхшаб чиқиб келулар.

Яъни, саркашлик қилиб иймонга юз тутмаганлар билан овора бўлишнинг кераги йўқ, улардан юз ўғир, дейди Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга.

«Бас, Улардан юз ўғир!»

Улар ушбу ҳолларида юраверсинлар. Бир куни келадикки, унда чақирувчи (Исрофил алайҳиссалом) чақиради.

**«Чақирувчи мункар нарсага чақирган кунда...»**

«Сур» деган найига пуфлайди. Биринчи пуфлаганда ҳамма ўлиб битади, ҳеч бир тирик жон қолмайди. Иккинчи бор пуфлаганда (оятда кўзда тутилган чақиришдан мурод ҳам шу), аввалу охир ҳамма халойиқ тирилиб ўрнидан туради.

**«Қабрлардан, кўзлари қўрқинчга тўлган ҳолда...»**

Ва ўшанда бу дунёда куфрни танлаб, илоҳий даъватдан юз ўгириб юрганлар, қабрларидан кўзлари қўрқинчга тўлган ҳолда турадилар.

**«...худди ёйилган чигирткага ўхшаб чиқиб келурлар.»**

Улар қиёмат даҳшатидан шу даражада қўрқадиларки, ҳар бири ўзи билан ўзи овора бўлиб, хушини йўқотиб, худди ҳар тарафга тарқалиб кетган чигирткаларга ўхшаб қолади.

Улар яна қандай ҳолатга тушишлари келаси оятда баён қилинади:

مُهْطِعِينَ إِلَى الدَّاعِ يَقُولُ الْكٰفِرُونَ هٰذَا يَوْمٌ عَسِرٌ ﴿٨﴾

**8. Чақирувчига қараб бўйинларини чўзиб, шошилиб борурлар. Кофирлар, бу қийин кун-ку, дерлар.**

Яъни, кофирлар қабрларидан қўрқиб чиқиб, чигирткага ўхшаб сакраб-сакраб ва бўйинларини чўзиб, шошилиб борадилар. Ҳа,

**«Чақирувчига қараб бўйинларини чўзиб, шошилиб борурлар».**

Бу дунёда иймондан қочиб, динга амал қилмай, қиёматни тан олмай юрганлар, ўша куннинг ташвиши бошларига тушганда, ўз кўзлари билан кўрганларидан сўнг, ҳам армон, ҳам надомат, ҳам қўрқинч ва ҳам илтимос ила, бу кун қийин кун экан-ку, дея бошлайдилар. Зеро, уларнинг бундан ўзга иложлари ҳам бўлмайди. Ҳа,

**«Кофирлар, бу қийин кун-ку, дерлар».**

Келаси оятлар Қурайш мушриклари ва бошқа кофирларга ўрناق сифатида, барчанинг ундан ибрат олиши учун нозил бўлгандир. Бу оятларда аввал ўтган баъзи умматларнинг азоб ва ҳалокатга учраш қиссалари такроран келтирилади. Чунки, улар ўз Пайғамбарларига қарши чиққан, динларига амал қилмаган эдилар. Мазкур оятлар Нуҳ қавми ҳақидаги қисса билан бошланади:

كذبت قبلهم قوم نوح فكذبوا عبدنا وقالوا مجنون وازدجر ﴿٩﴾

**9. Булардан олдин Нуҳ қавми ҳам ёлғончи қилган эди. Бас, бандамизни ёлғончига чиқаришди ва, мажнун, дейишди ҳамда унга тўсиқлар қўйишди.**

Эй Муҳаммад! Сенинг қавмингдан олдин ўтган

**«Нуҳ қавми ҳам ёлғончи қилган эди».**

Ҳа, ўша Нуҳ қавми,

**«Бас, бандамизни ёлғончига чиқаришди».**

Яъни, Бизнинг уларга Пайғамбар қилиб юборган бандамиз Нуҳ алайҳиссаломни ёлғончига чиқаришди.

**«...ва, мажнун, дейишди ҳамда унга тўсиқлар қўйишди.»**

Ҳа, мазкур нобакор қавм Пайғамбаримиз Нуҳ алайҳиссаломни ёлғончига чиқариш билангина кифояланиб қолмай, у зотни «жинни» дейишди ва у зотнинг даъватлари йўлига турли тўсиқлар қўйишди.

Шунда у, Нуҳ Пайғамбар, ўз Роббисига юзланди:

فَدَعَا رَبَّهُ أَنِّي مَغْلُوبٌ فَانْتَصِرْ

**10. Ва Роббисига дуо қилиб: «Албатта, мен мағлуб бўлдим, ёрдам бер», деди.**

Демак, Нуҳ алайҳиссаломнинг тоқатлари тоқ бўлган эди. Ул зот турли йўллар билан ўз қавмларини динга чақирганликлари бошқа сураларда, жумладан, «Нуҳ» сурасида батафсил баён қилинган. Ноилож қолганларидан сўнг, эй Роббим, тоқатим қолмади, сабрим тугади, ноиложман, мағлуб бўлдим, Ўзинг ёрдам бер, деб дуо қилдилар. Бу дуо тезда қабул бўлди.

فَفَتَحْنَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ بِمَاءٍ مُّنْهَمِرٍ وَفَجَّرْنَا الْأَرْضَ عُيُونًا فَالْتَقَى الْمَاءُ عَلَىٰ أَمْرٍ قَدْ قُدِرَ

**11. Бас, осмон эшикларини шаррос сув билан очиб юбордик.**  
**12. Ва ердан отилтириб булоқлар чиқардик. Бас, сувлар тақдир қилинган иш учун бирлашдилар.**

Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг дуоларини қабул қилгач, у жинояткор қавми ҳалок қилиш учун устларига тўфон балосини юборишни ирода қилди.

**«Бас, осмон эшикларини шаррос сув билан очиб юбордик.»**

Шунда, осмондан сув шаррос қуйила бошлади. Худди, осмоннинг ҳамма дарвозасидан тўла сув қўйилаётгандек эди.

**«Ва ердан отилтириб булоқлар чиқардик.»**

Сувнинг осмондан қуйилиши билан кифояланиб қолмасдан,

ердан отилтириб булоқлар ҳам чиқарилгани тўфон нақадар даҳшатли офат эканини англатади.

**«Бас, сувлар тақдир қилинган иш учун бирлашдилар.»**

Осмондан тушган сув билан ердан чиққан сув Аллоҳ тақдир қилган иш – Нуҳ қавмини ҳалок қилиш учун бирлашди. Шу вақтда:

وَحَمَلْنَاهُ عَلَىٰ ذَاتِ الْأَوْجِ وَدُسِّرَ

**13. Ва у(Нуҳ)ни тахталари ва михлари бор нарса устига кўтардик.**

Яъни, Нуҳни кемада қутқариб қолдик. Маълумки, Аллоҳ таоло Нуҳ қавмини тўфон балосига дучор қилишни ирода қилганида, Нуҳ алайҳиссаломга кема ясашни ва у кемага барча мўминларни ва ҳайвонлардан бир жуфт-бир жуфтидан олишни буюрган. Тўфон кўтарилганда эса, кема сув устида сузиб юрган.

تَجْرَىٰ بِأَعْيُنِنَا جَزَاءَ لِمَن كَانَ كَفِرًا

**14. У(Кема) инкор қилинган шахс(Нуҳ)га мукофот бўлиб, Бизнинг иноятимиз ила юрадир.**

Яъни, ўша, «Тахталари ва михлари бор нарса» бўлмиш кема, кофирлар томонидан инкор қилинган Нуҳ алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан мукофот бўлиб, Аллоҳ таолонинг Ўзининг инояти ила юради.

Аллоҳнинг йўлида қилинган ҳар бир иш мукофотсиз қолмайди. Нуҳ алайҳиссаломнинг узоқ ва машаққатли меҳнатлари эвазига мукофот шу бўлдики, бутун дунёни тўфон босганда ҳам, у кишини Аллоҳ таоло Ўз инояти ила сақлаб қолди.

وَلَقَدْ تَرَكْنَهَا آيَةً فَهَلْ مِنْ مُدْكِرٍ

**15. Ва у(ҳодиса)ни белги қилиб қолдирдик. Қани, ибрат олувчи борми?!**

Баъзи уламолар «Белги сифатида қолдирилган нарса Нуҳ алайҳиссаломнинг кемасидир», дейдилар

Саҳобаларни кўрган мусулмонлар авлодидан бўлган машҳур тафсирчи Қатода розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда у киши: «Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаларини боқий қолдир-

ган, ҳаттоки бизнинг умматимиз вакиллари ҳам кўришган», деган эканлар. Яқинда космик кемалар ёрдамида мазкур кеманинг қолдиқлари тоғ устидан топилгани ҳаммага маълум қилинди.

Кейинчалик, муз ичида турган у кемани баъзи тадқиқотчилар Туркия томондан тоққа чиқиб бориб кўрдилар.

Ушбу қиссага Аллоҳ таоло қуйида келадиган икки оят билан хулоса ясайди. Ҳалокатга учраган бошқа умматлар қиссаси тугагандан сўнг ҳам бу оятлар қайта-қайта келтирилади.

فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذْرِي

### 16. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?!

Қандай бўлганини ҳамма билиб олди. Ўшанга ўхшаш азоб ва огоҳлантиришга дучор қиладиган ишлардан сақланиб юриш ҳаммамизга лозим бўлади.

وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُدَكِّرٍ

### 17. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, зикр қилувчи борми?!

Аллоҳ таоло бандасига меҳрибон. Агар У зотнинг Ўзи осон қилиб қўймаганида, бирортамиз илоҳий каломни ўқишга, эслашга ва ёдлашга қодир бўлмас эдик.

Нуҳ алайҳиссалом қавми қиссаси тугагандан сўнг Од қавми қиссаси бошланади. Од қабиласи қадимий араб қабилаларидан бўлиб, насаби Нуҳ алайҳиссаломга борадиган боболари Однинг номи билан аталган. Од қавми қумли жойда яшаган. Уларнинг жойи Яман, Уммон, Ҳазарамавт оралиғида жойлашган. Бу қабила бут-санамларга сиғинарди. Уларга Аллоҳ таоло Худ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. Ул зот уларни Аллоҳга ибодат қилишга чақириб, бутларга сиғинишдан қайтардилар. Кофирликда давом этаверсалар, Аллоҳнинг азобига учрашларини эслатдилар. Қавм у кишига қулоқ осмади, балки у зотни ёлғончига, эси пастга чиқарди. Аллоҳ таоло жуда совуқ, даҳшат солувчи шамолни юбориб, уларни ҳалок қилди ва Худ алайҳиссаломни мўминлар билан бирга сақлаб қолди. Од қавми қиссаси Қуръони Каримнинг кўпгина сураларида турли услуб ва ҳажмда келтирилган. Бу сурада ҳам ўзига хос услубда такрорланган.

كَذَّبَتْ عَادٌ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذْرِي



### 18. Од (Ҳудни) ёлғончига чиқарди. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?

Аллоҳ таоло жаҳолатга ботган Од қавмини ҳидоятга бошлаш учун уларнинг ўзларидан бўлган Ҳуд алайҳиссаломни Пайғамбар этиб юборди. Бас, у зотга иймон келтириш ва эргашиш ўрнига,

**«Од (Ҳудни) ёлғончига чиқарди».**

Албатта Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини ёлғончига чиқарган қавмни тек ташлаб қўймайди. Аллоҳ ундоқ қавмни огоҳлантиради ва азоблайди. Од қавмига ҳам шундоқ бўлди.

**«Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?»**

Бу саволнинг жавобини Аллоҳнинг Ўзи келаси оятларда беради.

إِنَّا أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا صَرْصَرًا فِي يَوْمٍ نَحْسٍ مُّسْتَمِرٍّ ﴿١٨﴾

### 19. Биз давомли машъум кунда улар устига сорсор шамолини юбордик.

«Сорсор» деб номланган шамол ўзи ўта совуқ бўлиб, овози жуда ҳам кучли бўлар экан. Бошқа сураларда келганидек, Аллоҳ таоло шундай шамолини улар устига етти кечаю-етти кундуз тўхтатмай юбориб туриб ҳалок қилди. Шунинг учун ҳам, оятда **«давомли машъум кунда»** дейилмоқда. Мана шунақа таърифга эга бўлган шамол ўз кучини кўрсатиб:

تَنْزِعَ النَّاسَ كَأَنَّهُمْ أَعْجَازُ نَخْلٍ مُّنقَعٍ ﴿٢٠﴾

### 20. У, одамларни, худди хурмо дарахтини томири билан қўпо-риб юборгандек, (ердан) узиб-учириб ташларди.

Ўша сорсор шамоли Од қавми одамларини оятда васф қилин-гандек шаклда ҳалок қилди.

Шамол ҳам Аллоҳнинг аскарларидан бири, У зотнинг айтганини қилади. Ҳозирги кунимизда ҳам шамол балосига учраганларнинг хабарларини тез-тез эшитиб турибмиз.

فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذُرِي ﴿٢١﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْآنَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُّذَكِّرٍ ﴿٢٢﴾

### 21. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?!

## 22. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, зикр қилувчи борми?!

Сўнгра Самуд қабиласи ҳақидаги қиссага ўтилади.



## 23. Самуд огоҳлантирувчиларни ёлғонга чиқарди.

Бу қабила ҳам қадимий араб қабилаларидан бўлиб, насаби Нух алайҳиссаломга туташувчи катта боболари Самуд номи билан аталгандир.

Самуд қабиласи Ҳижознинг Водил-Қуро деб аталувчи во-дийсининг Ҳижр деган ерида яшаган. Улар бут ва санамларга сиғинардилар. Аллоҳ таоло бу қабилага Солиҳ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. Ул зот қабила аҳлини санамларга сиғинишни тарк этиб, ягона Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишга чақирдилар. Лекин Самуд қабиласи иймонга келмади, боз устига, Пайғамбарни ёлғончиликда айблади ва у зотдан Пайғамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжиза келтиришни талаб қилди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Солиҳ алайҳиссаломга харсанг тошдан туя чиқариб бериб, у зотни тақдирлади. Шу билан бирга, ўша ердаги булоқ сувини бир кун туя, бир кун қабила аъзолари навбат билан ичишлари зарурлигини тайинлади. Агар туяга бирор ёмонлик қилсалар, азобга дучор бўлишлари муқаррар эканини уқтирди.

Туя маълум муддат яшаб, ўз навбати куни сув ичиб, ўтлаб юрди. Бу мўъжизани кўрган баъзи кофирлар иймонга кела бошладилар. Одатдагидек, қабила каттаконлари бу ҳолдан ташвишга тушиб, туяни ўлдиришга аҳд қилдилар ва бир кишини юбордилар. У бориб туяни сўйди. Шунда Аллоҳ таоло Самуд қабиласига бир қичқириқни юборди. Улар бир лаҳзада ҳалок бўлдилар. Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳиссаломни ва у кишига эргашган мўминларни сақлаб қолди. Хўш, Солиҳ алайҳиссалом ҳақ йўлни кўрсатиб турган бир пайтларида Самуд қабиласи нимага бу йўлга юрмай, қабиҳ жиноятга қўл урдилар? Чунки:

فَقَالُوا ابْتِرَأْنَا وَحَدَانَا فَبَعَثْنَا إِذَا فِى ضَلَالٍ وَسُعُرٍ ﴿٢٤﴾ أَلَمْ نَلِى الدِّكْرُ عَلَيْهِ مِنْ بَيْنِنَا بَلْ هُوَ كَذَّابٌ أَشِرٌ ﴿٢٥﴾

## 24. Улар: «Биз ўзимиздан бўлган бир одамга эргашамизми? Агар шундай бўлса, албатта, адашувда ва жинниликда бўламиз.

**25. Бизларнинг орамиздан унга зикр (ваҳий) туширилибдими?! Йўқ, у ёлғончи ва кеккайгандир», дедилар.**

Ўзидан чиққан бир одамга эргашишдан бош тортиш кофирларнинг, динсизларнинг қадимий касали. Улар ҳамма нарсага чидашлари мумкин, лекин ўзлари каби бир инсоннинг Аллоҳ динига даъват қилиб обрў топишига чидай олмайдилар. Шунинг учун, ўша даъватчи Пайғамбарга қарши турли фитналар уюштирадилар. Энг қизиғи — ораларидан чиққан кишига эргашишни залолат, адашиш деб ўйлашлари ва ақлсизлик деб ишонишларидир. Бунақа воқеалар доим бўлиб келган. Шубҳа уларнинг асосий фикрлаш тарзларидир.

Мана, Аллоҳ таоло жаҳолатдаги Самуд қавмини ҳидоятга бошлаш учун ўзларидан бўлган Солиҳ алайҳиссаломни уларга Пайғамбар қилиб юборганида ҳам аини шу ҳолат такрорланди.

**«Улар: «Биз ўзимиздан бўлган бир одамга эргашамизми?» — дедилар.**

Улар ўзларидан бўлган одамга Пайғамбар сифатида эргашишни тасавурларига сиғдира олмадилар. Балки, ундоқ ишни адашув ва жиннилик, деб билдилар.

**«Агар шундай бўлса, албатта, адашувда ва жинниликда бўламиз.»**

Агар ўзимиздан бўлган Солиҳга эргашадиган бўлсак, йўлдан адашган ва ақлимиз озиб, жинни бўлган бўламиз, дедилар.

Улар ўзларининг инкор сўзларида давом этиб:

**«Бизларнинг орамиздан унга зикр (ваҳий) туширилибдими?!» — дедилар.**

Яъни, «Самуд қавмида қанчадан-қанча етук, ҳақли одамлар туриб, нега энди Солиҳга ваҳий тушиб, у Пайғамбар бўларкан?» — деб, сира ишонгилари келмади.

Бу ҳам етмаганидек,

**«Йўқ, у ёлғончи ва кеккайгандир», дедилар».**

Улар бу билан Аллоҳнинг иродасига қарши бордилар. Айбни ўзларидан эмас, уларни тўғри йўлга чорловчидан ахтардилар. Ҳолбуки:

سَيَعْمُونَ غَدًا مِّنَ الْكُذَّابِ الْأَشْرُ

**26. Эртага ким ёлғончи ва кеккайган эканини билурлар.**

Яъни, яқин орада, бошларига азоб тушганда ёки қиёмат куни кимнинг ким эканини билиб оладилар. Дарҳақиқат, билдилар ҳам. Эй Солиҳ!

﴿٢٨﴾ إِنَّمَا مَرَسُوا النَّاقَةَ فَنَنَّتْ لَهُمْ فَارْتَقِبْهُمْ وَاصْطَبِرْ ﴿٢٧﴾ وَنَبِّئْهُمْ أَنَّ الْمَاءَ قِسْمَةٌ بَيْنَهُمْ كُلُّ شَرْبٍ مُّحْضَرٌ ﴿٢٨﴾

**27. Биз уларни синаш учун туяни юборувчимиз. Уларни кузатиб тур ва сабр қил.**

**28. Ва уларга, албатта, сув ораларида тақсимланганининг хабарини бер. Ҳар бир ичишга (ўз вақтида) ҳозир бўлинар.**

Юқорида айтганимиздек, бу оятларда туя билан Самуд қавми ўртасида сувнинг кунма-кун тақсимлангани тўғрисида гап бораётибди.

Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Солиҳ алайҳиссаломга хитоб қилиб, қуйидагиларни айтмоқда:

**«Биз уларни синаш учун туяни юборувчимиз».**

Биз Самуд қавмига мўъжиза қилиб туяни юборамиз. Бу, улар учун ўзига хос синов бўлади. Сен эса, эй Солиҳ,

**«Уларни кузатиб тур ва сабр қил».**

Кейин оқибат нима билан тамом бўлишини кўрасан.

**«Ва уларга, албатта, сув ораларида тақсимланганининг хабарини бер.»**

Эй Солиҳ, сен Самуд қавмига сув улар билан туя орасида тақсимланганини, бир кун улар, бир кун туя сув ичиши кераклигини айт.

**«Ҳар бир ичишга (ўз вақтида) ҳозир бўлинар.»**

Ҳар томон ўзининг сув ичиш навбати келгандагина чашмага сув ичгани ҳозир бўлади.

Шу билан Солиҳ алайҳиссаломга қилинаётган хитоб тугаб, яна қисса воқеалари ҳикояси давом этади.

﴿٢٩﴾ فَنَادُوا صَاحِبَهُمْ فَتَعَاطَى فَعَقَرَ ﴿٢٩﴾

**29. Бас, улар ўз шерикларини чақирдилар. У (туяни) тутди ва сўйиб юборди.**


«Шериклари»нинг исми Қадор ибн Солиф бўлиб, энг катта бузғунчи ва Самуд қавмидаги энг бадбахт одам эди. Баъзи ривоятларда, у ароқ ичиб маст бўлиб олиб, кейин бу жинойтни амалга оширган, деб ҳам келади.

﴿٣٠﴾ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنَذِيرِ ﴿٣٠﴾ إِنَّا أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ صَيْحَةً وَاحِدَةً فَكَانُوا كَهَشِيمِ الْحُمْظِرِ ﴿٣٠﴾

**30. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?!**

**31. Албатта, Биз уларга бир овоз юбордик. Ва улар қўра қурувчи (йиққан) қуруқ шох-шаббаларга ўхшаб қолдилар.**

Яъни, Самуд қавмини Аллоҳ таоло даҳшатли, кучли овоз билан ҳалок қилган. Улар ҳалок бўлганларидан сўнг қўйбоқарлар қўйхона қуриш учун ишлатадиган қуруқ шох-новдаларга ўхшаб қолган эдилар. Ҳозирги пайтда ҳам, сирли суратда ҳалок бўлганларни, қаттиқ овоздан қўрқиб ўлган бўлса керак, деб тахмин қилишмоқда.



**32. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, зикр қилувчи борми?!**

Самуд қавми ҳақидаги қиссани тугатиб бўлиб, энди Лут қавми ҳақидаги қисса бошланади. Бу қавм ҳозирги Иордания(Урдун)-нинг ўша пайтдаги Садум деб номланган ерларида яшаб ўтган бўлиб, дунёдаги энг фожир ва кофир қавмлардан бири ҳисобланади. Улар инсоният тарихида мисли кўрилмаган катта гуноҳни бошлаган кишилардир. У ҳам бўлса, баччабозлик, эр кишиларнинг бир-бирлари билан жинсий алоқа қилишлигидир. Улар бу фоҳиша ишлари билан фахрланишар эдилар ва бу ишни йиғилишларида қилардилар. Аллоҳ таоло уларни бу мункар ишдан қайтариш, ҳидоятга бошлаш учун Лут алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. Аммо жинояткор қавм Аллоҳнинг элчисини ёлғончига чиқарди ва ўз диёридан чиқариб юборишга ҳаракат қилди...

Лут қавми разолати ва ҳалокатининг тарихини аввалги қисм тафсилларимизда батафсил баён қилганмиз. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб айтамызки, шариат ҳукми бўйича, Лут қавми қилган ишни қилувчи гуноҳкорларнинг жазоларидан бири – уларни девор тагига ётқизиб туриб, устиларидан деворни қулатиб юборишдир. Ҳозирда баччабозлик арабларда «Ливота» деб номланади. Бу ишдан жирканиш шунчалик зўрки, унинг номини айтишга ҳам тил бормади. Ёки, Лут қавмининг ишини қилибди, деб ҳам қўйилади. Чиндан ҳам, бу иш энг ёмон фоҳиша иш ҳисобланади, чунки бу иш билан машғул бўлганлар инсонлик табиатидан чиқиб кетган бўладилар. Эркак билан аёлнинг қўшилишидан ҳаёт давом этади. Эркак билан эркак қўшилса, бунинг тескараси бўлади. Хуллас, бу иш таърифга сифмайдиган даражада ярамасдир. Шунинг учун ҳам, барча шариатлар бу ишни ҳаром қилган. Пок инсоний табиат буни ҳеч қачон кўтармайди. Шунинг учун ҳам, Лут қавми ер юзидан бутунлай йўқ қилиб юборилган.

Ҳозирги кунда инсониятга оммавий қирғин даҳшатини солиб турган, инсонда касалликларга қарши курашиш қобилиятининг йўқолиши касаллиги ҳам эркакларнинг эркаклар билан қўшилишидан келиб чиққанлиги, шу иш билан машғул бўлувчилар орасида тез тарқалиши бежиз эмас.

Айни чоқда, ўзини дунёда энг маданиятли, энг ривож топган давлатлар деб даъво қилаётган Америка ва Англияда қонун йўли билан икки эркак кишининг ўзаро никоҳдан ўтиши жорий қилинганини эслатиб қўймоқчимиз.

Боз устига, баъзи черковлар уларни никоҳ қилаётганлари инсон шаъни учун ор-номус эмасми?!

كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍ بِالنَّذْرِ إِنَّا آرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ حَاصِبًا إِلَّا آلَ لُوطٍ نَجَّيْنَاهُمْ بِسِحْرِ

**33. Лут қавми огоҳлантирувчиларни ёлғончига чиқарди.**

**34. Албатта, Биз уларнинг устига (тош) бўрон юбордик. Фақат Лут хонадонига саҳар чоғи нажот бердик.**

Аллоҳ таоло Лут қавмини азоблаб ҳалокатга учратишни ирода қилгач, қаттиқ шамолни юборди. У шамол ўзи билан тошларни учуриб келди ва жиноятчи қавм устига ҳалиги тошлар ёғилиб, уларни ўлдира бошлади. Ўша воқеадан олдин саҳар чоғи Лут алайҳиссалом икки қизлари билан бирга диёрларини тарк этиб чиқиб кетган ва азобдан нажот топган эдилар.

نِعْمَةً مِّنْ عِنْدِنَا كَذَلِكَ نَجِّي مَن شَكَرَ

**35. Бу, Биз тарафимиздан неъмат бўлди. Кимки шукр қилса, худди шундай мукофотлармиз.**

Яъни, Лут алайҳиссалом билан икки қизларининг нажот топиши уларга Аллоҳ таоло томонидан берилган неъмат бўлди. Аллоҳнинг берган неъматига шукр қилганларни У зотнинг Ўзи доимо, ҳатто ҳалокат ва машаққатлар ичида бўлса ҳам, мукофотлаб туради.

Ушбу сурада Лут алайҳиссалом ва у зотнинг қавмларининг қиссаси ўзига хос услуб ила тақдим қилинмоқда. Аввал қиссанинг охири, тугаш қисми келтирилиб, энди келадиган оятларда эса, қиссанинг бош қисми келтирилмоқда. Бу ҳам ўқувчи ва эшитувчига ўзига хос таъсир ўтказди.

وَلَقَدْ أَنْذَرَهُمْ بَطْشَتْنَا فَتَمَارَوْا بِالنَّذْرِ

**36. Дарҳақиқат, у(Лут) уларни Бизнинг тутишимиздан огоҳлантирган эди. Бас, улар огоҳлантиришларга ишонмадилар.**

Лут алайҳиссалом ўз қавмларини Аллоҳнинг азоб ила тутишидан ўз вақтида кераклича огоҳлантирган эдилар.

**«Бас, улар огоҳлантиришларга ишонмадилар.»**

Аммо, мазкур жинотчи қавм бу огоҳлантиришларга ишонмадилар ва ўз осийликларида давом этавердилар.

وَلَقَدْ رَاوَدُوهُ عَنْ ضَيْفِهِ ۖ فَطَمَسْنَا أَعْيُنَهُمْ فَذُوقُوا عَذَابِي وَنُذِرِ

**37. Улар ундан меҳмонларини топширишни сўрадилар. Бас, кўзларини кўр қилдик. Менинг азобим ва огоҳлантиришларимни тотиб кўрсинлар.**

Аввал ҳам айтилганидек, Лут қавми ўзларидан олдин ҳеч ким қилмаган қабиҳ жиноятни, эркакларнинг ўзаро жинсий алоқа қилиш жиноятини қилишга мубтало бўлган эди.

Бу борада иш шу даражага бориб етдики,

**«Улар ундан меҳмонларини топширишни сўрадилар.»**

Жиноятчи қавм ўз Пайғамбарлари Лут алайҳиссаломдан у кишининг ҳузурларига меҳмон бўлиб келган ёш йигитларни фоҳиша иш қилиш учун ўзларига топширишни талаб қилдилар.

**«Бас, кўзларини кўр қилдик.»**

Ана ўшанда Биз мазкур фоҳишачи қавмнинг кўзини кўр қилдик.

**«Менинг азобим ва огоҳлантиришларимни тотиб кўрсинлар.»**

Аллоҳнинг амрига исён қилишнинг оқибати нима бўлишини билиб қўйсинлар.

Бир куни Лут алайҳиссаломнинг хонадонларига ёш, хушрўй йигитлар меҳмон бўлиб келишди. Бундан хабар топган бузуқ қавм улар билан баччабозлик қилиш ниятида Лут алайҳиссаломнинг уйларига ёпирилиб келишди. Пайғамбар алайҳиссалом қавмни бу жиноий мақсаддан қайтаришга кўп уриндилар, ҳеч фойда бермади. Шу пайт йигитлардан бири ташқарига чиқди ва баъзи бир ҳаракатлар қилди. Шунда фоҳишакор қавмнинг кўзлари кўр бўлиб қолди ва тумтарақай бўлиб, келган жойларига қайтиб кетиш учун йўл ахтариб қолишди. Чунки, аслида, меҳмон йигитлар фаришта-лар бўлиб, бу кофир қавмни ҳалок этиш учун Аллоҳ таоло томонидан махсус юборилган эдилар.

وَلَقَدْ صَبَّحَهُمْ بُكْرَةً عَذَابٌ مُسْتَقَرٌّ

**38. Батаҳқиқ, эрта тонгда уларни собит, давомли азоб тутди.**

Саҳар вақтида жинойтчи қавмни қаттиқ ва бардавом, қиёмат-гача етадиган азоб тутди. Уларнинг устига тошли бўрон келди. Ҳар бир тошда у томонидан ўлдирилиши лозим бўлган жинойтчининг исми ёзилган эди. Ўша тош ўз эгасини излаб юриб ўлдиради. Шу билан бирга, уларнинг яшаб турган шаҳарларини тўнта-риб, остини устга қилиб қўйилди.

فَذُوقُوا عَذَابِي وَنُذُرِ ﴿٣٨﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُدَكِّرٍ ﴿٣٩﴾

**39. Бас, Менинг азобларимни ва огоҳлантиришларимни то-тиб кўринглар!****40. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, зикр қилувчи борми?!**

Шундан сўнг келгуси икки оятда Фиръавн қавми қиссаси ҳикоя қилинади. Бу қисса Қуръондаги энг катта қисса ҳисобланади. Лекин бу сурада ўзига хос услубда жуда ҳам қисқа баён қилинган.

وَلَقَدْ جَاءَ آلَ فِرْعَوْنَ النَّذِيرُ ﴿٤٠﴾ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا كُلِّهَا فَأَخَذْنَاهُمْ أَخَذَ عَزِيزٍ مُّقْتَدِرٍ ﴿٤١﴾

**41. Дарҳақиқат, Фиръавн аҳлига огоҳлантиришлар келди.****42. Бизнинг оятларимизнинг барчасини ёлғонга чиқаришди. Бас, Биз уларни ғолиб, қудратли олувчининг олиши билан олдик.**

Фиръавн қавми, агар куфр ва залолатдан қайтмасалар, Аллоҳнинг азобига дучор бўлишлари муқаррар эканлиги ҳақида кўп бор огоҳлантирилдилар.

**«Дарҳақиқат, Фиръавн аҳлига огоҳлантиришлар келди.»**

Лекин улар огоҳлантиришларга ишонмадилар ва Аллоҳнинг Мусо алайҳиссаломга берган мўъжизаларини ёлғонга чиқардилар.

**«Бизнинг оятларимизнинг барчасини ёлғонга чиқаришди.»**

Натижада, Аллоҳ таоло уларни шундай бир азобга тутдики, бундай азобни ҳақиқий ғолиб ва қудратли зотгина бера олади.

**«Бас, Биз уларни ғолиб, қудратли олувчининг олиши билан олдик.»**

Яъни, уларнинг барчасини сувга ғарқ қилиб, ҳалок этдик.

Мана шу каби ибратли мисолларни бир-бир эслатгач, Аллоҳ таоло энди Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлганларидан кейинги кофирларга мурожаат қилади:

Эй, Қурайш кофирлари!



أَكْفَارُكُمْ خَيْرٌ مِّنْ أَوْلِيَّتِكُمْ أَمْ لَكُمْ بَرَاءَةٌ فِي الزُّبُرِ

#### 43. Сизнинг кофирларингиз аввалгиларингиздан яхшироқми?! Ёки китобларда сизларга оқлов борми?!

Бу саволларда қаттиқ инкор оҳанги бор. Ақдни ишлатиб қўриш зарур. Аввал ўтган кофир-динсизларнинг охирлари вой бўлган, ҳалокатга учраганлар. Унинг асосий сабаби — улар Пайғамбарларни ёлғончига чиқаришган, уларнинг огоҳлантиришларидан ибрат олишмаган, ҳидоят йўлига юрмаганлар. Бу ҳақиқат далил-ҳужжатлар билан исбот бўлди. Яна нима керак?! Нима учун шуларни кўриб-билиб туриб ҳам одамлар Аллоҳнинг динига кирмайдилар?

**«Сизнинг кофирларингиз аввалгиларингиздан яхшироқми?!»**

Ёки ҳозирги кофирлар илгариги кофирлардан яхшироқ-у, уларга келган ҳалокатлар буларга келмаслигига кафолат борми?

**«Ёки китобларда сизларга оқлов борми?!»**

Ёки илоҳий китобларда, ҳозирги кофирлар айбсиз, улар азоб-уҷрамайдилар, деган оқлов сўзлари ёзилганми? Балки улар...

أَمْ يَقُولُونَ نَحْنُ جَمِيعٌ مُّنتَصِرُونَ

#### 44. Ёки, Биз нусратга эришувчи жамоатмиз, дейишар?!

Балки, Макка мушриклари: биз гапимиз бир бўлган, биргалашиб иш кўрадиган жамоамиз, бошқаларнинг кучи бизга етмайди, биз доим ғолиб келамиз, дерлар? Ҳамма яхши билиб қўйсинки,

سَيَهْرِمُ الْجَمْعُ وَيَوْلُونَ الدُّبُرَ

#### 45. У жамоа тезда енгилар ва орқаларига қараб қочарлар.

Ибн Абу Ҳотим қилган ривоятда Икрима айтадиларки, «У жамоа тезда енгилар ва орқаларига қараб қочарлар» ояти тушганда, ҳазрати Умар: «Қайси жамоат енгилади? Қайси жамоат ғолиб бўлади?» — деганлар.

Кейинроқ ҳазрати Умар: «Бадр уруши куни Пайғамбар алайҳиссаломнинг совутга дам уриб, «У жамоа тезда енгилар ва орқаларига қараб қочарлар» оятини ўқиётганларини кўрганимда, ушбу оятнинг маъносини тушундим», деганлар.

Имом Бухорий ривоятларида Абдуллоҳ ибн Аббос бундай дейдилар: «Бадр уруши куни Пайғамбар алайҳиссаломнинг чодир ичида туриб:

«Эй бор худоё! Сендан Ўзинг берган аҳдинг ва ваъдангни сўрайман. Эй бор худоё! Бутундан кейин Сенга ибодат қилинмаслигини хоҳласанг, (ўзинг биласан!)» деб турганларини кўрдим. Шунда Абу Бакр Сиддиқ келиб, у зотнинг қўлларидан тутдилар ва:

«Етади, эй, Аллоҳнинг Расули, Роббингизга кераклигича ёлбордингиз», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам совутга дам уриб, «У жамоа тезда енгилар ва орқаларига қараб қочарлар» оятини ўқиб чиқдилар».

Бадр урушида сон ва қурол жиҳатидан катта устунликка эга бўлган кофирлар шармандаларча енгилдилар. Уларнинг тўққиз юз элик жангчиси, етти юз туя, юзта оти, етарлича қурол ва бошқа зарур ашёлари бор эди. Мусулмонлар уч юз ўн уч кишидан иборат эдилар, холос. Аллоҳнинг мадади билан мусулмонлар ғолиб чиқдилар. Мушриклардан етмиш киши ўлди, етмиш киши асирга тушди. Мусулмонлардан эса, ўн тўрт киши шаҳид бўлди. Аллоҳнинг ваъдаси юзага чиқди. Ушбу ояти карима улкан мўъжиза ҳисобланади. У тушган пайтда мусулмонлар оз сонли ва кучсиз эдилар. Ҳеч ким уларнинг мушриклар устидан ғалаба қозонишларига ишонмасди. Лекин кўп вақт ўтмай, бу оят ҳаётда ўз ифодасини топди.

Кофирларнинг жазоси бу дунёда тортган азоблари билан тугаб қолмайди. Уларга ҳақиқий азоб охиратда бўлади. Ушбу маъно келгуси оятда ўз ифодасини топган.

بَلِ السَّاعَةِ مَوْعِدُهُمْ وَالسَّاعَةِ أَذْهَىٰ وَأَمْرٌ

**46. Ҳа, уларга ваъда қилинган вақт, соат(қиёмат)дир. Ва у соат (азоби) улканроқ ва аччиқроқдир.**

Мушрикларга қилган қилмишларининг тўлиқ жазосини бериш ваъда қилинган вақт қиёматдир. Қиёматнинг азоби эса, Бадрдаги азобдан ва умуман, бу дунёда кўришлари мумкин бўлган ҳар қандай азобдан минг, миллион чандон улкан ва аччиқдир.

Охиратда барча кофирларга бўладиган азоблар келаси икки оятда алоҳида таъриф қилинади.

إِنَّ الْمَجْرِمِينَ فِي ضَلَالٍ وَسُعْرٍ ۖ يَوْمَ يُسْجَبُونَ فِي النَّارِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ ذُوقُوا مَسَّ سَقَرَ

**47. Албатта, жинояткорлар адашувда ва олов-оташдадирлар.**

Бу оятдаги таҳдид барча замонлардаги кофиру мушрикларга, айниқса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг даъватларига қулоқ осмаган Қурайш кофирларига қаратилгандир. Чунки, улар Аллоҳнинг


сўнгги Пайғамбарига ишонмай залолатда юрибдилар ва бу адашишлари уларнинг олов-оташ ичида турганлари билан баробардир. Зеро:

**48. Юзтубан дўзахга судраладиган кунда, жаҳаннам азобини татиб кўринг,** (дейилур).

Ҳа, бугун улар ҳар қанча гердаймасинлар, барибир, охиратда хор бўлган ҳолларида юзтубан ҳолатда судраб дўзахга олиб бориладилар. Ўша кунда, мазкур азобларга гирифтор бўлиб турганларида:

**«жаҳаннам азобини тотиб кўринг,** (дейилур)».

Ва ниҳоят, суранинг сўнгидаги оятлар Аллоҳнинг улкан қудратини ва илмини баён қилиш билан бирга, тақводорларга охиратда бериладиган неъматлар ҳақида ҳам хабар беради.



**49. Албатта, Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик.**

Ушбу оятдаги «ўлчов» сўзининг икки хил шарҳи бўлиб, бири «қазои қадар» маъносини, иккинчиси «миқдор, ўлчов» маъносини англатади. Икки маъно ҳам бир-бирини тўлдириб келади.

«Қадар» маъносида келса, барча нарсаларни содир бўлишидан аввал билиб туришни англатади.

«Ўлчов» маъносида келса, барча нарса ва ҳодисаларнинг ўз миқдори, ўлчови борлигини англатади. Ушбу оят озгина сўзлардан иборат бўлишига қарамай, ўзида улкан маъноларни мужассамлаштирганлиги ҳам мўъжизадир. Инсон илми ҳозиргидек бўлмаган даврларда бу оятни одамлар ўзларича тушуниб юрганлар. Лекин илм-фан ривожланиб борган сари, янгидан-янги кашфиётлар қилиниши билан, бу ояти кариманинг маънолари янада теранлашиб бормоқда. Бу кашфиётлар билан яқиндан, инсоф ила танишган кишиларнинг Исломга юрмай иложлари қолмаяпти. Уламоларимиз, янада таъсирчан ва тушунарлироқ бўлиши учун, оятнинг маъносини тасдиқловчи кўпгина илмий далилларни келтирадилар. Биз ҳам уларга мурожаат қилиб кўрайлик.

Узоққа бориб юрмай, ўзимиз учун ҳар лаҳзада зарур, агар бироз етишмай қолса, ҳаётимизнинг тугашини муқаррар қилиб қўядиган ҳавони олайлик. Ҳавода кислороднинг миқдори 21 фоизни ташкил қилади. 22 ҳам эмас, 20 ҳам эмас. Уни ким қилди. Агар кислороднинг нисбати кўпайиб кетса, ҳамма тарафдан олов чиқиб, ёниб кетар экан.

Жонли зотлар кислороддан нафас олиб яшайди ва ўзидан карбонат ангидрид чиқаради. Наботот эса, аксинча, карбонат ангид-

ридан озуқаланиб, ўзидан кислород чиқаради. Агар ушбу мувозанат бузилса, ер юзида ҳаёт қолмаслиги аниқ. Бундай нозик мувозанатни ким жорий қилди? Аллоҳдан ўзга ҳеч ким эмас.

Қуёш ер юзига маълум бир ўлчовдаги иссиқликни юбориб туради. Агар ўша ўлчов бузилиб, миқдор озгина озайса, ер юзи музлаб қолади, кўпайса, куйиб кетади. Хўш, бу мувозанатни ким ўрнатди ва уни ким давомли этиб турибди. Аллоҳдан ўзга ҳеч ким эмас.

Нимага баъзи жонзотлар оз тухум қўяди-ю, бошқалари кўп қўяди. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Мисол учун лочинни олайлик. Ўзи ҳилват жойларда яшайди. Одатда, лочиннинг тухумини ўз кўзи билан кўрган одамни учратмаймиз. Пашша бўлса, ҳамма ёқни тухумига бостириб юборади. Ўн миллионлаб тухум қўяди. Агар лочин пашшага ўхшаб тухум қўйса нима бўларди? Ёки, аксинча бўлса-чи? Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло лочиннинг умрини узун, пашшаникини қисқа қилиб қўйган. Бўлмаса, ўлчов бузилиб, ҳаётда ноқулайлик туғиларди.

Нима учун илонларнинг кичкинаси заҳарли, каттаси заҳарсиз бўлади? Чунки кичиклари кучсиз, ўзини ҳимоя қилишга бошқа иложи йўқ. Катталари кучли ва кўп нарсага имконлари бор. Агар икковлари алмашиб, кичиги зарарсиз, каттаси заҳарли бўлиб қолса борми? Нималар бўлишини кўз олдингизга келтиргандирсиз? Бу мувозанатни ким ўрнатган? Дарвинми ёки Марксми? Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким қодир эмас бунга!

Ҳар биримиз онамизнинг кўкрагини эмиб катта бўлганмиз. Лекин ўша она сутининг ўзи нима? Унда қандай моддалар бор? Ўйлаб кўрганмизми шунга?

Туғишдан олдин ва кейинги биринчи даврда оналарнинг кўкрагидан сарғиш-оқ суюқлик чиқар экан. Худди ўша суюқлик чақалоқни турли касалликлардан асровчи кимёвий моддадан иборат экан. Во ажабо, ҳар бир инсон учун ҳаводек зарур бу суюқликни онанинг кўкрагига айнан чақалоқ туғилиши пайтида ким келтирди экан? Америкалик олимларми ёки инглиз олимларими? Йўқ ва яна йўқ! Чунки, улар ҳам болаликларида Аллоҳ берган ушбу суюқликни эмиб ҳаётларини сақлаб қолганлар.

Кўкракка бола туғилганидан кейинги кундан бошлаб сут кела бошлайди. Буни онанинг ўзи қиладими? Кундан-кунга сут кўпайиб бориб, бир йилдан сўнг ҳар куни бир ярим литр сут келади. Чақалоқ ўсиши билан сутнинг миқдори ҳам кўпайиб бораверади. Мўъжиза шундаки, сутнинг фақат миқдори кўпайиб қолмай, ундаги озуқа бўладиган моддаларнинг таркиби ҳам эҳтиёжга қараб ўзгариб боради. Буни Аллоҳдан бошқа яна ким қила олиши мумкин!

Бу масалада неча-неча жилдли китоблар битилган. Инсофи

бор ҳар бир киши уларни ўқиб, тафаккур қилиб кўрса, мусулмон бўлмай иложи йўқ.

Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг замонини, маконини, ҳажмини, шаклини ва бошқа жиҳатларини нозик-нозикликларигача ўлчаб қўйган.

وَمَا أَمْرُنَا إِلَّا وَاحِدَةٌ كَلَمْحٍ بِالْبَصَرِ ﴿٥١﴾

**50. Бизнинг фармонимиз бир сўздан ўзга эмас. Кўз юмиб очгунча бўлур.**

Яъни, биз бирор нарсани ирода қилсак, бир оғиз «Бўл!» деймиз ва ҳар қандай иш кўз юмиб очгунчалик тезликда содир бўлади.

وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا أَشْيَاءَكُمْ فَهَلْ مِنْكُمْ كَرِيْمٌ ﴿٥٢﴾

**51. Дарҳақиқат, Биз сизга ўхшаганларни ҳалок қилдик. Бас, буни эсловчилардан борми, ўзи?!**

Биз ўтган умматлардан сизга ўхшаган кофир ва осий бўлганларини турли йўллар билан ҳалок қилганмиз. Ана ўша ўтмишда бўлиб ўтган ибратли ҳодисаларни ва уларнинг яна такрорланиши мумкинлигини ёдига оладиганлар борми, ўзи?!

وَكُلُّ شَيْءٍ فَعَلُوهُ فِي الزُّبُرِ ﴿٥٣﴾

**52. Ва уларнинг ҳар бир ишлари китоблардадир.**

Яъни, ҳар бир инсоннинг қилмиш-қидирмиши уларга бириктирилган фаришталар томонидан ёзиб бориляпти, қиёматда ҳисоб-китоби бўлади.

وَكُلُّ صَغِيرٍ وَكَبِيرٍ مُّسْتَطَرٌّ ﴿٥٤﴾

**53. Ҳар бир кичигу катта (ишлар) сатрлангандир.**

Макка мушриклари, қандай қилиб инсоннинг ишларини сатрларга ёзиб, ҳужжат тўплаб бориш мумкин, деб ўша вақтда ажабланган бўлишлари мумкин. Аммо биз ҳозирги ҳисоб-китобларни, ёзиш асбобларини кўриб-билиб туриб, қандоқ қилиб бу ҳақиқатни инкор эта оламиз?

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайгамбаримиз алайҳиссалом Оиша онамизга: «Эй Оиша! Кичик гу-

ноҳлардан ҳазир бўлгин, албатта, Аллоҳ томонидан уларни ҳисобловчи бор», деган эканлар.

Саид ибн Аслам ушбу ҳадиси шарифни Омир ибн Ҳишомга ривоят қилганларида, у киши: «Эй, азизим Ибн Аслам, бир куни Сулаймон ибн Муғйра кичик гуноҳ қилибди-да, уни ҳақир санабди (эътиборга олмабди), кечаси тушида биров келиб:

«Гуноҳлардан кичигини ҳақир санама,

Албат кичик эртага катта бўлади.

Агар кичик гуноҳ қай вақт ҳам қилинса,

Аллоҳнинг ҳузурида сатрланган бўлади.

Нафсингни бекорчиликдан қайтар ва бўлма

Саркаш ва астойдил енг шимарсанг бўларди —

Агар муҳиб ўз Илоҳига муҳаббат қилса,

Қалби парвоз этиб, тафаккури илҳом бўлади.

Агар Илоҳдан ният ила ҳидоят сўраса,

Роббинг ҳидоят ва ёрдамга кофий бўлади»,

деган экан».

Афсуски, ҳозир бизда каттаю кичик гуноҳларни арзимас санаб, қилган гуноҳи билан фахрланиш авж олган.

إِنَّ الْمُنْفِقِينَ فِي جَهَنَّمَ وَنَهْرٍ ﴿٥٤﴾ فِي مَقْعَدٍ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكٍ مُّقْنَدٍ ﴿٥٥﴾

**54. Албатта, тақводорлар жаннату анҳорлардадирлар.**

**55. Сидқ ўриндиқда, қудратли Подшоҳ ҳузуридадирлар.**

Демак, кофирлар бу дунёда қилган гуноҳлари учун азоб-уқубатли дўзахда куйиб турган бир пайтда, тақводорлар охиратда дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида абадий роҳат ва фароғатда бўлар эканлар.

Ибн Касирнинг айтишларича, Пайғамбар алайҳиссалом «Қоф» ва «Қамар» сураларини қурбон ҳайити ва рўза ҳайити намозларида ўқир эдилар.

Шунингдек, катта йиғинларда ҳам ўқир эдилар. Чунки, бу сураларда ёмонларга қўрқитиш, яхшиларга ваъдалар, яратишнинг боши ва қайта тирилтириш, тавҳид ва Пайғамбарлик масалалари ва бошқа улкан масалалар тўплангандир.

*Аллоҳ таолонинг ёрдами ва риояти  
ила бешинчи жуз тамом бўлди.*

*Олтинчи жуз*

*«РОҲМАН» сурасидан бошланур.*

## МУНДАРИЖА

Сабаъ сураси.....	3
Фотир сураси.....	38
Йаасийн сураси.....	72
Соффаат сураси.....	109
Сод сураси.....	152
Зумар сураси.....	190
Гофир сураси.....	238
Фуссилат сураси.....	290
Шууро сураси.....	324
Зухруф сураси.....	366
Духон сураси.....	405
Жосия сураси.....	420
Ахқоф сураси.....	438
Муҳаммад сураси.....	470
Фатҳ сураси.....	501
Ҳужурот сураси.....	537
Қоф сураси.....	564
Заарийаат сураси.....	584
Тур сураси.....	608
Нажм сураси.....	625
Қамар сураси.....	647

ШАЙХ  
МУҲАММАД СОДИҚ,  
МУҲАММАД ЮСУФ

# Тарғири Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

**ИККИНЧИ НАШР**

**5 ЖУЗ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2008

Муҳаррир *Шаҳобиддин Одилов*  
Мусаввир *Мунаввар Турсунбой ўғли*  
Техник муҳаррир *Мансур Қаюмов*  
Ношир *Исмоил Муҳаммад Содиқ*